

ШАЙТАНАТНИНГ ТУРФА ОЛАМИ

ТОҲИР МАЛИК

ЁЛҒОН  
УМИДЛАР  
ДАШТИ

САМУМ • ЧИМИЛДИҚ ЕТИМ ҚОЛДИ

**ШАЙТАНАТНИНГ  
ТУРФА ОЛАМИ**

ТОҲИР МАЛИК

**ЁЛҒОН  
УМИДЛАР  
ДАШТИ**





*Роббимиз Аллоҳнинг пок номини юракка  
жо қилган ҳолда азиз ёшларимизни зулмат  
фалокатидан авайлаш мақсадини кўзлаб  
иш бошляпмиз.*

*Бандаларни офату балолардан асрагув-  
чи Тангрим, Ўзинг хайрли оқибат бергай-  
сан. Омийн!*



ШАЙТАНАТНИҢГ ТУРФА ОЛАМИ

---

ТОҲИР МАЛИК  
ЁЛҒОН УМИДЛАР  
ДАШТИ

*Роман*

---

*Биринчи китоб*

**САМУМ**

*Иккинчи китоб*

**ЧИМИЛДИҚ ЕТИМ ҚОЛДИ**



---


„О‘ҚИТУВСИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ — 2018



Гиёҳвандликни вабога ўхшатишади. Аслида барча хасталиклардан ҳам батарроқ бўлган бу офат дунёни ларзага солиб турибди. Афюнфурушларга қарши олиб борилаётган кураш ҳамма мамлакатларнинг диққат марказида. Ёш жонларга таҳдид солаётган бу жиноятчилар кимлар, улар қайдан пайдо бўлади — „Самум“ асарида шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинган.

Тақризчилар:

*Ш. ЁҚУБОВ, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди,  
М. ҲАЙИТОВ, ҳуқуқшунос.*





*Биринчи китоб*



# **САМУМ**



*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм*

*„...Улар дўзахда тинимсиз эсиб турадиган, баданларни илма-тешик қилиб юборувчи ғоят иссиқ, заҳарли шамолларда ва ўта қайноқ сувда азоб чекадилар. Одамга ёқимсиз, на салқин, на фойдали бўлган қора тутун ичида азоб тортадилар. Чунки улар ҳаёти дунёда хирсу ҳавасга муккадан кетган, нозу неъматларга буркалиб, доим катта гуноҳлар қилишда давом этган эдилар... Улар заққум дарахтининг мевасини егувчилар. Шу дарахтнинг мевасидан қоринларини тўйғазадилар. Сўнгра чанқаганларида мастчанқоқ туянинг ютоқиб ичганига ўхшаб қайноқ сувдан ичадилар. Уларнинг Қиёмат кунндаги зиёфатлари ана шундан иборат“.*

*(„Воқеа“ сурасидаги оятлар маъносининг таржимаси)*

## МУАЛЛИФДАН

Адабиётимизнинг мухтарам мухлислари билан янги асар баҳонасида учраштираётган роббимиз Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтиш билан сўз бошлаяпман.

Ассалому алайкум, азизлар, садоқатли китоб муҳиблари. Сизни янги асар дастурхонига таклиф қилишдан аввал мухтасар тарзда бўлса-да, изоҳ беришни лозим топдим. Турли учрашувларда „Нима учун жиноят олами ҳақида ёздингиз?“ деб сўрайдилар. Каминанинг мақсади: китобхонни жиноятчилар оламининг турли зулмлари билан таништиришгина эмас. Биласиз, „Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади“, деган мақол бор. Афсусли ери шундаки, ёшларимиз, азиз фарзандларимиз ҳаёт тажрибасига эга эмасликлари оқибатида атрофларидаги зулм қозонини дарров кўра олмайдилар.

„Нодонликлари туфайли“, дея олмайман, айнан тажрибасизликлари туфайли, яхшини ёмондан ажрата олмасликлари оқибатида бу машъум қораликни юқтириб оладилар-у, сўнг умрлари азоб ва уқубатда ўтади.

Шайтонлар етовидаги жиноятчилар, аниқроқ айтилса — „шайтанат“ деб номлаганимиз жиноятчилар олами ёшларни ўзига мафтун этишга уринади. Ўғри фақат ўғирлик билан шуғулланмайди, ёнига норасидаларни тортишга интилади, гиёҳванд фақат томирига дори юбориб ҳузурланмайди, балки бу балога ўсмирларни, ҳатто энг яқин қариндошларини ҳам тортишга ҳаракат қилади. „Наркомафия“ деб аталувчи офат фақат бало кукунларини сотмайди, балки харидорларини кўпайтириш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди. Сиз билан бизнинг вазифамиз ардоқли фарзандларимизни бу балолардан асраш. Ҳа, барчамиз ҳаммиша дуолар қиламиз. Бу яхши. Аммо дуонинг ўзи кифоя эмас, ҳар биримиздан ҳаракат, аниқроғи — тарбия талаб қилинади.

---

Қабристонларда бўлганимда тошлардаги ёзувларга кўз ташлайман: ёшларнинг қабрларини кўрганимда юрагим эзилади. Агар мазористонда ўнта ёшнинг қабри бўлса, демак, ташқарида ўнлаб оилалар жигаргўшалари ҳажрида эзилаётган эканлар. Бу ёшларнинг айримлари автоҳалокатда жон бергандирлар, айримлари қайсидир бошқа сабаблар билан — бизга номаълум. Лекин биламизки, хасталик ёки автоҳалокатда жон берганлардан кўра, гиёҳвандлик балосидан ўлим топганлар кўпроқ. Автоҳалокат бир нафаслик эҳтиётсизлик оқибатида юз беради. Четда кузатаётганлар бу фалокатни бартараф этишга ожизлар. Гиёҳвандлик-чи? Халқ тилида „наркоман“ деб атаётган гиёҳванд ўз ўлимига ойлар, ҳатто йиллар давомида боради. Унинг ўлими сари бораётганини кўп одам кўради, бири ачиниб, бири эса эътиборсиз, лоқайд кузатади. Ёш жон қорадори туфайли ўлим топса, биров ачинади, биров эса... Ҳатто айрим ота-оналарнинг „Ўлгани яхши бўлди, ўзи ҳам қутулди бу балодан, биз ҳам...“ деганларини эшитганмиз.

Бир одамнинг ўлигини ёқиб, қўлларини иситиб олади-ганларни нима деб атаймиз? Ёшларга „наркота“ деб номланган балони етказиб берувчи, бунинг эвазига бойиб юрувчиларни „Одам“ дея оламизми? Улар керилиб яшаётган сароймонанд уйларнинг пойдеворида қорадоридан ўлганларнинг руҳи чирқираб ётмаётганмикин? Уларнинг маишатини гуллатаётган, жигилдонларига хуш ёқаётган маймикин ё ўлик жонларнинг қонларимикин? Умр баҳорида ўйнаб-кулиши, нуфузли ўқув юртларида билим олиши, чиройли чимилдиқларда ўтириши керак бўлган жонларнинг мазористондаги совуқ тошлар остида, қоронғу лаҳадда ётишларига кимлар айбдор? Бу офатнинг йўлини тўсиш мумкинми?

Кўп саволларга биргаликда жавоб топишга уриниб кўрайлик.

Барчаларингизнинг хонадонларингизни бу бало-офатлардан Аллоҳнинг Ўзи асрасин.

Сиз, азизларга хайрли дуолар ва қалб эҳтиромини йўлаб қоламан.

## МУҚАДДИМА ЎРНИДА

1985 йил, Кемерово

Эгри косов тегиши билан гулхандан сачраган учқунлар шодаси қоронғиликни поралаб ташлашга қасд қилгандай сапчиди-ю, сўнг чорасизликдан куйиб, зулмат бағрига қоришиб кетди. Бўрон чўғ остидаги картошкани косов билан тортиб олиб, кулини қоқди. Бу қамоқ лагерига келган куниеқ овлоқдаги суҳбатга чорланганидан ажабланган йигит эса унинг бамайлихотир ҳаракатини жимгина кузатди. Қамоққа биринчи марта тушганига қарамай, бунақа одамларнинг феъли унга маълум. Бундайларнинг кўкрагига қанақа офат аждаҳоси жойлашганини билмайди, холос. Чўғ остида картошка пишириш қанчалик осон ва мароқли бўлса, одамни тирикличига куйдириб ташлаш буларга чўт эмас. Бу ердагилар тилида „зона“ деб аталувчи қамоқ лагерига хос ёзилмаган қонунни билмайдиган кимса овлоққа чорланса, ўлим билан юзма-юз келгандай тиззалари қалтирай бошлайди. Йигитда бу хавотир йўқ. Чунки у биринчи чорлов ўлим ҳукми эмас, огоҳлантириш эканидан хабардор. Огоҳлантиришни менсимаган одамга озгина фурсат берилади, ўлимнинг совуқ лабидан ўпич олғунига қадар азоб жомини сипқориб, ҳаётдан тўйишига имкон яратилади.

Бўрон йигитта тикилиб қараб, унинг кўзларида саросима учқунини кўрмади. „Ўзи шунақа безми ё мен билмаган суянган тоғлари борми?“ деб ўйлаб, гаши келди. Косовни яна чўғ орасига тикиб кавлаштирди, аммо қорайган картошкани тортиб олмади, багтар куйишини кузатиб ўтираверди.

— Қўрқяпсанми? — деди сачраётган учқунлардан кўз узмай.

— Йўқ, — деди йигит хотиржам равишда.

— Шунақа зўрмисан? — деди Бўрон унга ғазабли нигоҳини ўқдай қадаб.

— Йўқ, зўр эмасман, — деди йигит тобелик билан. — Қўрқадиган иш қилмадим.

---

— Сени бу ерга жойлаб қўйганлар гўрга ҳам тикишлари мумкинлигини ўйламадингми?

— Гўрга тикқилари келса, бу оромижон „курорт“га юбориб, овора бўлиб ўтиришмасди.

— Шунақа ақлимисан? Каллангни нимага олдинроқ ишлатмадинг? Ўғриларнинг одатларини билиб туриб, уларнинг оиласига бурнингни тикдингми?

— Мен шўртумшувқларни ҳамиша ютиб келганман, ўша куни ютишлари мумкин эмасди.

— Ютишни билсан одам ютқизишга ҳам чидаши керак.

— Ҳалол ютишса чидардим.

— „Ҳалол ютишса“ дейсанми? Қиморда ҳалол ютиш мумкин эканми? Ҳаёт билан қиморда ҳалоллик бўлмайди. Ҳалол яшайман деган одам гирром ўлим топади. Шунга ақлинг етмасмиди? Ҳалоллик фақат ўғриларнинг оиласида бўлади.

— Мен ҳам шундайдир деб ўйлаб, улардан ёрдам сўровдим.

— Ўғриларнинг ҳалоллигига ишонмайсанми ҳали?

— Бу ерга тикиб қўйишмаганида ишонардим.

— Бу гирром ўйинни ўзинг танладинг. Иккита қайиққа икки оёғини қўйиб жон сақламоқчи бўлган пайтавафаҳмининг аҳволи нима бўлади? Чатаноғи йирилиб ўлади, а? Сен Кобрага арз қилдингми, бўлди, Бугайга нимага ялтоқланасан, аҳмоқ! Бу ерга келиб қолганингдан қувонишинг керак. Чатаноғингни йириб ташлаши керак бўлган одамлар менга тегишли йигитлар эди. Менга ҳамюрт эканлигингни билишиб, маслаҳат сўрашди. Кимлигингни билмайман, қанақа аблаҳлигингни ҳам билмайман. Бир жойдан бўлганинг учун ўлигинг хор бўлмасин деб, жонингни сотиб олдим.

— Ўлгунимча кимдан миннатдор бўлар эканман, деб бошим қотиб турувди. Сизга қўл қовуштириб турарканман-да?

Бу илмоқли гапдан кейин Бўрон газабини жиловлай олмади: гулханни худди қилич каби чопиб ташламоқчи бўлгандай, косов билан қарсиллатиб урди. Титроқ учқунлар мушак шодаси каби атрофга сачради.

— Миннатдорчилигингни пишириб е! Сен ўла-ўлгунингча менинг қулим бўласан! Жонимга теккан кунинг ўласан. Унгача яшайвер.

— Қиморда мени лақиллатганларни ўлдиришлари керак эди, ваъдаларини бажаришмади. Уларни ким...

— Овозингни ўчир! Кимни ўлдириб, кимни қолдиришни ўзлари билишади.

— Билишса билиша қолишсин. Қамоқдан чиққанымдан кейин менам нима қилишни ўзим биламан.

Бу сафар гулханни саваламай, косовни йигитга қараб отди. Йигит бу ҳаракатни қутганмиди, сергаклик қилиб, ўзини четга олди. Косов икки қадам наридаги кўлмакка тушиб, жизиллади. Бўрон бундан қаноатланмай, йигитга яқинлашди-да, ёқасидан бўғиб олди ва:

— Билмайсан! — деди ғазаб билан. — Икки қулоғинг билан эшитиб ол: билмайсан! Одамларнинг тақдирини ҳал қилишга ўғридан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Сен мана шуни билсанг етарли. Ўғриларнинг бу қонунини ҳеч ким буза олмайди! Бундан буён қўлингда карта кўрмай. Биз қиморбозлардан нафратланамиз. Сен фирромлигинг туфайли бизга рўпара бўлдингми, бундан буён лақабинг „Фирром“ бўлади. Гўрингга шу лақаб билан кирасан.

\* \* \*

*1989 йил, Тошкент*

Полковник Равшанов хонага кириб келганда бошлиқ телевизорда берилаётган хабарни диққат билан тинглаётган эди. Экранда аввал темир эритувчи печ огзидан уфураётган аланга тили, кейин сал нарига тартиб билан териб қўйилган бир неча қоғоз кўринди. Сўнг қоғозлардаги гиёҳванд моддалар печ огзига ағдарилгач, мухбирнинг ҳаяжонли овози янгради:

— Катта миқдордаги наркотик моддаларни республикамиз ҳудудидан олиб ўтишга уриниш шу тарзда ўз якунини топди. Жиноятчилар гуруҳини фош этишда республикамиз ички ишлар идоралари ходимларининг фидокорона хизматларини алоҳида таъкидлашни истар эдик. Милиция ходимларининг тинимсиз изланишлари натижасида гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга уриниш, ҳуқуқшунослар тили билан айтилганда, наркотрафикка бутунлай барҳам берилди.

Бошлиқ бу гапни эшитиб, бошини чайқаганича истеҳзо билан кулимсираб, Равшановга қаради:



— Ана, дунёни титратиб турган наркотрафикни мухбир укамиз бир оғиз сўз билан яқсон қилиб қўя қолди. Биз бечораларга иш қолдирмади. Унинг гапига ишонсак, Ер юзини ўргимчак тўридай чирмаб ётган „наркомафия“ деган балойи офат ҳам қолмабди.

— Оғиз билан иш битирадиганларни тезкор гуруҳга қўшиб қўйсак, уч-тўрт кунда наркотрафик нималигини билиб оларди, — деди Равшанов бошлигининг фикрини давом эттириб.

— Қўйинг, билмай тургани ҳам маъқул. Оёгингиз тагида ўралашиб халақит беради, — бошлиқ шундай деб тугмани босиб, телевизорни ўчирди. — Бу ишимизни мухбир туғул идора ходимлари ҳам билмаслиги керак. Тезкор қидирувга доир таклифларингиз билан танишиб чиқдим. Асосан, маъқуллайман. Лекин қутилмаган тасодифлар эҳтимоли назарга олинмаган, — у ўрнидан туриб, харитага яқинлашиб-да, қандайдир нуқтани қидиргандай, тикилганича бир зум жим қолди. Кейин гапини ўйчан тарзда давом эттирди. — Поезда ёки автобусларда ўтишга уринувчи майда наркокуръерларга чалғимаслигингиз тўғри. Бунақалар билан бошқа тезкор гуруҳ шуғулланаверади. Наркокуръерлар тоғлар орасидан янги йўл топадилар, деганингиз ҳам тўғри, — у кўрсаткич бармоғини харита бўйлаб юризди. — Юсуфқора, Ҳўкизбурун, Қилкўприк орқали юриш ҳам қийин, ҳам хатарли. „Бу йўналишда милиция бўлмади“, деб ўйлашлари табиий. Лекин эски йўлдан ҳам воз кечмасликлари мумкин. Буни инкор этмаслик керак.

Бошлиқ ўтирилиб, „Гапим маъқулми?“ деган маънода Равшановга қаради.

— Яқин орада эски йўлдан юрмасликлари аниқ, — деди Равшанов режасидаги фикрини ҳимоя қилиб.

— Нимага ишониб айтяпсиз, бунга? „Илон изидан қайтмайди“, демоқчимасмисиз?

— Афғондаги ўзгаришлардан кейин улар бу йўлдан уч марта ўтишга уриниб, учинчисида тузоққа тушдилар. Олиб ўтишга мўлжалланган қорадорининг ярмидан кўпи изсиз йўқолди. Гумондаги шахс сирли равишда ўлди.

— Ёки сирли равишда изсиз йўқолди, тўғрими? — деди бошлиқ унинг гапини бўлиб. — Ахир унинг ўлигини ҳеч ким кўрмаган-ку? Сибирдаги „зона“ларда оғзини очиб

ўтирган ҳамкасбларимизнинг лаллайиши туфайли изсиз йўқолганларнинг уч-тўрттаси бурнингиз тагида пайдо бўлиб қолишса, довдираб юрманг, тагин.

— Бун ҳисобга олганмиз. Лекин аниғи: қорадори Яс-ситапа атрофида қолгани аниқ. Демак, янгисини олиб ўтишдан олдин яширилганини топишга уринишади.

— Ҳар иккисини бир вақтда амалга оширишга ҳаракат қилишса-чи?

— Бун ҳам ҳисобга олганмиз.

— Мен бир масаланинг тугунини ечолмай гарангман. Билишимча, „Бўрон“ лақабли ўғри қамоқдан чиқиб келиб, ўша томондан макон топибди. Рецидивистнинг тинч ўтиришига сиз ишонасизми?

— „Ўғрининг жойи қамоқда!“ деган ақидасидан воз кечган бўлса, ишониш мумкин дир?

— Шунақами? Менинг эса ишонгим йўқ. Бошига тож кийдирилган ўғри ўзининг севган дунёсидан осонгина чиқиб кетмаса керак? Мени яна бир бошқа нарса сергаклангирди: Бўрон ўғри, Ўлат наркомафиянинг одами, Фирром дегани қиморбоз. Уччови бир „зона“да ўтирган. Бу тасодиф эмасдир дейман? Қутулиб чиққач, иккитаси бир жойда топишишди, биттасининг тақдири бизга номаълум. „Қочишга уринганда ўлдирилди“ деган маълумотлардан кейин қанчадан-қанча жиноятчилар яна тирилиб қолганини унутмаслигимиз керак.

— Гумонингизда жон бор. Бунақа катта ишда таваккал қилинмайди. Тасодиф соясида пухта ишланган режа ётади.

— Бир ёрдамчи етарли, дейишингиз менга ёқмай турибди. Яна уч-тўрт ходимни сафарбар қилганимиз маъқулмикин?

— Одам кўпайса, хавотирлари ошади. Қобикларини баттар қалинлаштириб олишади. Мен ёрдамчимга ишонман. Зарурат туғилган вақтда қанча керак бўлса, шунчасини сафарбар қилаверасиз.

— Ҳайъат мажлиси тафсилотини эшитгандирсиз? — Бошлиқ шундай деб жилмайди-да, Равшановнинг елкасига қўл ташлади. — Мансабдан, унвондан пасайтирилишингиздан қувонганлар ҳам етарли экан. Ҳамма бошига кулфат тушишдан қўрқади-ю, лекин дўст-душманни ажратиб олиш учун ёлғон кулфатга дуч келишнинг ҳам фойдаси

---

бўлар экан. Хуллас... сизга муносиб кўрилган „жазо“ маъқулланди.

— Эшитдим. „Равшанов муносиб жазоланиши керак“, деб анча жон куйдирибсиз. „Дўстингдан топ“, деб бежиз айтишмаган экан, — деди Равшанов кулиб.

— Ҳа, бу сизга ҳозир кулгили туюляпти, мени эса оқибат ташвишга соляпти.

— Қанақа оқибат?

— Режа амалга ошиб, жиноятчилар қўлга олингач, сизни мукофотга тавсия қиламанми? Шунда одамларнинг кўзларига мунофиқ бўлиб кўринмайманми?

— Шундай бўлиши аниқ, — деди Равшанов, кейин муғамбирлик билан кўшиб кўйди: — Мунофиқ бўлиб кўринмасликнинг биттагина йўли бор: мукофотга тавсия этмаслик керак.

— Яхши таклиф, — бошлиқ жойига бориб ўтиргач, жиддийлашди, — очигини айтсам, мен... „мунофиқ“ дейишларига ҳам розиман.

## БУРУНДУҚ

*1989 йил, Одесса*

Ўғрилар „Она Одесса“ деб ардоқловчи бу шаҳар денгиз томондан эсаётган ҳузурбахш шабада бағрида ором олаётган дамда „Жаннат дарвозаси“ аталмиш ресторанда зиёфат қизий бошлаган эди. Мазкур маишатхонадаги ишларга қараганда, уни „Дўзах дарвозаси“ деб номлаш мантиққа мос бўлса-да, бу ҳақда негадир на меҳмонлар, на мезбонлар ўйлаб кўришади. Уч йил мобайнида икки марта ўт тушиб, ҳар бирида ўнлаб жонлар нобуд бўлгани бежиз эмасдир, ҳар ҳолда дўзахнинг нафаси келиб туриши ростга ўхшайди. Яна неча марта ёнғин юз бериб, яна қанча жонлар куйиб кўмирга айланишини Худо биледи, ожиз бандаларга эса номаълум.

Соҳилдан икки терак бўйи баландликда жойлашган бу ресторан айвончасидан денгиз кафтдек кўриниб тургани учун, кўпчилик бир финжон қаҳва ичиш баҳонасида кириб, атрофни томоша қилиб ўтирарди. Бундай арзон-гаров мижозлар гашларини келтирса ҳам, хизмат аҳли чидарди, совуқ қараш билан чекланарди. Қайси ресторан беш-ўн

қаҳвахўрга хизмат қилиб барака топибди-ки, буларнинг иши юришсин? Ҳафтада икки-уч марта ёзилажак шоҳона дастурхонга қараган кунлари уларнинг кўзлари ҳам, чўнтақлари ҳам тўяди. Ўзлари чарчаб, тиззалари қалтираб қолса-да, нафслари ором олади. Не бахтки, энг очофат меҳмонлар ҳам дастурхонни қуритиб кетолмайди. Хизматчиларнинг бир-икки кунлик рўзғорига етарли егулик қолади. Шунинг учун ҳам чаққон хизматчилар „бугун катта зиёфат“ эмас, „бугун катта байрам“, десалар ажабланмаслик керак. Бугун ана шундай байрам хабари билан иш бошлаган хизматчилар эрталабданоқ томошатаблар ва қаҳвахўрлар йўлини тўсиб, ресторанда „Озодалик куни“ эълон қилдилар. „Озодалик куни“ деганлари ёлғон эмас, чиндан ҳам ресторан ёг тушса ялағудек қилиб тозаланади. Буларнинг ишлари шунақа — ардоқли меҳмонлар уч-тўрт соат давомида ҳаммаёқнинг исқиртини чиқариб ташлашлари учун кун бўйи елиб-югуриб, тозалаб қўйишади.

Бугунги „Озодалик куни“ белорусиялик „Тиртиқ“ лақабли ўғрининг таваллуд тўйига аталганини хўжайинга яқин хизматчилар билади, бошқалари эса хабарсиз. Белоруссияликнинг нима учун ўз юртида эмас, Одессада зиёфат бериши сабабини билиш шарт ҳам эмас. Билишга қизиққан одам ажал фариштасига рўпара қилинмаган тақдирда ҳам, туғилганига минг пушаймон ейиши аниқ. Айни шу куни „Тиртиқ“нинг эмас, гуржистонлик Датонинг таваллуд айёми бўлганида барча шарафлар унга аталган бўларди. Совет Иттифоқи аталмиш мамлакатда илдиз отган тождор ўғриларнинг тўпландиси учун энг содда баҳона шу эди. Милициянинг каттасими ё кичикроғими қизиқиб қолса, эҳтимол, бу баҳонага кўниб ҳам қолар. Аслида, улар томондан жиддий хавф йўқ. Мамлакат катталари „қайта қуриш“ билан овора бўлиб турганларида милициянинг ўғрилар оламига тазйиқ қилишдан кўра, улар билан муросада, тўкин дастурхондан баҳраманд ҳолда тирикчилик ўтказишлари афзалроқ бўлиб қолган эди. Шаҳар милициясининг бундай тўпландидан розилиги ҳам бор: ўғрилар тўпланиб, йиғинларини ўтказиб, тарқагунларига қадар уларга биров „уйимни шипшийдам қилишди“ ёки „машинамни ўғирлаб кетишди“, деб шикоят қилмасди. Оқибатда, Милициянинг фаоллик билан олиб борган профилактика

---

ишлари туфайли кейинги ҳафтада жиноятчилик кескин камайди“, деб шодлик ҳисоботини беришарди. Ўғрилар хатардан холи эканларини билсалар-да, „иштони йўқнинг ҳадиги чўпдан“, деганларидай, эски одатларига хилоф қилмай, эҳтиёт чорасини кўриб қўйган эдилар.

Одессага биринчи марта келган Фирром учун чорлов сабаби аҳамиятсиз. Аслида бу тўпландига у эмас, Бўрон чорланган эди. Ўғрилар орасида бошланган қитмирликлардан гаши келган Бўрон чорловни дарров рад этишга журъат этмай, касаллигини баҳона қилиб, „ишончли шогирди“ ни юборган эди. Бўроннинг қароридан икки киши қувонди: бири — Фирром, иккинчиси — Капрал. „Инсон яхшилик таратиш учун туғилади“, деган ҳақиқатдан анча нарида юрувчи икки одамнинг тил топишига осон бўлади. Украина ўғрилари орасида ўз кўнглидаги мартабага етишолмагач, афюн оламига ҳукмрон бўлиш истагида юрган Капралга Фирромнинг ёрдами керак эди. Аслида у ёрдани Бўрондан кутган эди. Лекин тождор ўғри майда кисавурга хизмат қилишни ўзига ор деб билди.

Зиёфат аввалида кун тартибидаги биринчи арзимас масала — „Тиртиқ“ни табриклаш маросими ниҳоясига етгач, ярим кечада бошланиши мўлжалланган, ўзларининг тилида „сход“ деб аталмиш тўпланди ишидан олдин таниш-билишларга ўзаро фикр алмашиб олиш имкони берилди. Бундан фойдаланган Капрал Фирромни алоҳида хонага бошлади. Саккиз кишига мўлжалланган стол устида емак оз, ичимлик эса бисёр эди. Капрал гап бошлашдан олдин ниманидир ўйлагандай, шишалар ва қадаҳларни ғалати тартибда терди. Тепадан қаралганда харита чизмаси кўринди.

— Мен у жойларни билмайман. Билишни ҳам истамайман. Буларнинг орасидан молни қандай олиб ўтишни ўйлаб, — Капрал гапини узиб, шиша ва қадаҳлар орасидан бармоғини юргизиб, Фирромга маънодор қарагач, яна давом этди, — сенинг бошинг оғрисин. Ўлат фойдаланган сўқмоқлар энди сенга ярамайди. Миллион пистирма қўйиб ташлангандир. Сен жуда қисқа муддат ичида янги йўл топишинг шарт. Бўронга кўпам ишонмагин-у, лекин унинг соясига айланиб, ҳар қадамини кузат. Молнинг қаердалигини Ўлат унга айтган бўлиши керак. У молга менинг пулим куйган, Бўроннинг ҳаққи йўқ. Сен биринчи ғал-

да, — „Ғапимни яхши англаяпсанми?“ деган маънода унинг кўзларига тикилди, — Ўлатнинг ё ўлигини, ё тиригини топишинг керак.

Кутилмаган бу топшириқ Фирромни таажжубга солди:

— Ўлат? Тирик деб ўйлайсизми?

— Машина ичида ёниб кетганига ментлар ишонишгандир, лекин мен ишонмайман, чунки ўликни кўрганим йўқ, — Капрал шундай деб битта шишани ётқизиб қўйди-да, яна давом этди: — Ўлат ўладиган ландовур эмас. Ўлдирадиган одам эди. Ментлар куйиб кўмирга айланган ўликни кўришган. Агар Ўлат қочиб қолган бўлса, менга унинг тириги керак эмас, — Капрал ҳамсухбатига синовчан қараганича давом этди: — Бу ердан чиққач, сенга бир нарса совға қиламан, ёдимга сол. Ўлатни тирик кўрсанг ишга соларсан. Тушундинг, а? Ўлатнинг тириги керак эмас! Бизнинг ишимизда хиёнат қилган одам ўша дақиқадаёқ ўлган бўлади. Сен менга Ўлат яшириб кетган молни топиб берасан.

— Мол... кўпмиди?

— Ҳар ҳолда бутун Украинани бўлмаса ҳам, ярмини бирон йил гулатиб туришга етарди. Топсанг, фойдасига шерик бўласан.

— Тенг шерикми?

Ўғрилар оламига бегона одамнинг тенг шерикликдан сўз очиши нодонлик эди. Агар Фирром шу атрофдаги ўғриваччалардан бўлса, бу даъвоси учун ҳеч бўлмаса бирикки тепки билан сийланарди. Капрал Бўроннинг вакилини ҳақорат қила олмаслигини билди. Энг муҳими, агар Фирромни қўлдан чиқарса, у томонлардан яна бирон-бир ишончли одамни яқин орада топа олмаслигини ҳам билди. Одамни қидириб топгунича Ўлат беркитиб кетган қорадорини кимдир топиб, уни доғда қолдириши ҳеч гап эмас. Мана шуларни билгани учун ҳам тегиб юборишдан ўзини тутди. Фазаби қўзиган бўлса-да, сурбет меҳмонига қараб, истеҳзо билан кулимсиради:

— Сен ҳали тенг шерик бўлиш даражасига етмадинг. Лекин қўлингга тегадигани ёмон бўлмайди...

Капрал шундай дегач, хуштак чалганича олтига қадаҳни қатор териб, бошига битта шиша қўйди. Фирром бир мигдион рақами дорага бўлганини кўриб, худди бу пулни ҳозир оладигандай ҳаъжонланди. Чўнтагига беихтиёр қўл

— Ёлгон ўғиллар дасту  
20212-183

солиб, икки картани чиқарди-да, бармоқлари орасида усталик билан айлантира бошлади. Унинг чўнтакда ҳамиша икки „Туз“ олиб юришини билмаган Капрал ҳаракатидан ажабланди. Фирром эса пул санашга ҳозирлангандай, „Нақдми?“ деб сўради.

Капрал яна бир тепки билан сийланишга арзийдиган бу саволга жавоб бермади. „Аҳмоқроқмисан?“ деган маънода беписанд қараб олди. Фирром эса бу қарашнинг маъносини тушуниб, изоҳ бера бошлади:

— Бу иш осонмас. Олдиндан анча ҳаражат қилиш керак. Балки унча-бунча одамларни сотиб олишга ҳам тўғри келар...

— Аванс сўрамоқчимисан? Авансни бошқачароқ тарзда бераман. Сен битта самолётни кира қилиб, сотиб олишинг керак бўлган икки юзтами, уч юзтами одамингни Одессага олиб келасан. Кира ҳақи ҳам, теплоход ҳам мендан. Бир ҳафта Қора денгизда маишат қиласанлар. Иложини қилиб, Бўронни ҳам олиб кел. Унинг Ўлат билан муносабати яхши эди. Юрагини ғижимлаб бўлса ҳам, сирини билиб олишинг шарт.

Тўпланди баҳонасида гаплашиб оладиган гаплари шулардан иборат эди. Соат ўн иккига занг урганида катта даврага чорландилар. Икки доира шаклида қўйилган столлар атрофидан тўпланганларнинг ҳар бирлари ўз мартабаларига қараб, жой олдилар. Кичик доирани тождор ўғриллар эгаллашди. Бўрон учун шу даврадан жой ажратилган эди. Унинг ўрнига келган Фирром бу даврага яқинлаштирилмади. Бўроннинг ўрни бўш қолдирилиб, унга пойгакдан жой тегди.

Бир туякаш ўлар олдидан яқинлари билан рози-ризолик тилагач, кўп йиллик ҳамроҳи бўлган туядан ҳам розилик тилабди. „Баъзан сени ноҳақ калтаклагандирман ёки вақтида таомингни беролмагандирман, жонивор ҳам Қиёматда ҳақини айтар экан, сен мени айблама, кечир“, деганда туя тилга кириб дебдики: „Эй хоҷам, ҳақми ё ноҳақми урган бўлсанг ургандирсан, ранжимайман, очликка чидамли қилиб яратилганман, бу борада сендан гинам йўқ. Аммо... бир камчилигини ҳечам кечира олмайман“. „Нима экан, айт“, деб ялинибди туякаш. „Сен менинг бурнимни тешиб, бурундуқ солдинг, азобига чиладим. Бурундуққа

арқон солдинг, бунга ҳаққинг бор эди. Аммо... арқоннинг бир учини олдинда бораётган эшакнинг тўқимига боғлаб қўйдинг. Шаҳарга мени ўша яғир эшак бошлаб кирарди. мен бу иснодга чидолмай, ёниб кетай дердим. Эшакка тобе қилиб қўйганингни ҳеч кечиролмайман“, деб хожасини аросат ўтига ташлаган экан.

Бу ҳикматни Фирром эшитмаган, билмайди. Эшитганда ҳам идрок қилиши қийинроқ. Туя-ку, ночор эди. Бурни тешилиб, бурундуқ солинишига қаршилиқ қила олмайди. Лекин одамзод кўп ҳолларда ўз бурнини ўзи тешиб, кўринмас ип ўтқазиб, бир учини кимгадир тутқизиб қўяди. Ишонгани уни етаклаб юриб, оқибат жарга қулатганида тақдирини лаънатлай бошлайди. Одессага катта умидлар билан келган Фирром шундай нодон кимса тупуриб ташлаган тупукни ялаб олди. Бурнига ўзи бурундуқ солиб, ипнинг учини Капралга тутқизди. Вақтики келиб, боши тошга тегиб ёрилганда у тақдирини эмас, „Капралга мени сен рўпара қилгансан“, деб Бўронни лаънатлайди.

Бўрон эса... унинг бу ҳолатини кўради-ю, „Баттар бўл!“ деб ҳузурланади.

Бу лаззатли дамларга қадар ҳали анча вақт бор. Ҳозир янги иш бирлиги ясаган Капрал билан Фирром Одессанинг ҳузурли кечасида маишат қиляпти. Бундан мингларча чақирим узоқликдаги тоғлик қишлоқдаги пастқам уйда эса ночор киши либосидаги Бўрон режаларини амалга оширишни ўйлаб, юлдузли осмонга тикилиб ётибди. Капралнинг бу томонларда илдиз отмоқчи экани унга маълум. Ўлат айтмаган тақдирда ҳам, унинг кимлигини Бўрон билади: майда ўғрилигича қолиб кетган, гарчи қамалмаган, тож кийишга арзирли бирор-бир ишни қойиллатиб қўймаган бўлса-да, уч-тўрт юртдошларини қўлга олиб, ўғрилар оламининг шарафли мартабалари насиб этилганди. Бундай номардлик олдин ҳам учраб турган бўлса-да, ўғрилар оламининг қонунига ўзгартиш киритишга қарши бўлган Бўрон Капралнинг тож кийишини қабул қилмаган эди. Шу боис ҳам унинг бу томонларда илдиз отмоғи у ёқда турсин, қадам босишига йўл қўймаслик чораларини кўраётганди. Бир пайтлар Ўлат унинг қармоғига илиниб адашган. Лекин лақиллатиш чорасини қилишга улгурган. Бироқ Капрал ҳам анойи эмас, молнинг йўқолганига ўлақолса ишонмайди.

---



Жонини гаровга қўйиб бўлса ҳам топишга уринади. Уринса урина қолсин. Унга Фирром ёрдам беради. Бўрон эса четдан қузатиб, пайт пойлайди. Иккита аҳмоқ бирлашса, бирон ахлатхонадан тешиб чиқар...

Покиза осмон чиройига кўз тикиб ётган Бўрон шуларни ўйлайди. У само гўзаллигини ҳис қила олмайди. Шоирларга ўхшаб „Юлдузлар ҳовучимга тўкила қолсайди“, деб орзу ҳам қилмайди. Агар юлдузлар тилла тангаларга айланиб устига ёғилса, эҳтимол, кўнгли тўлар. Эҳтимол... бунча кам, деб ўксинар...

Теварак қора, осмон ҳам қора, фақат унинг қоронғи тубида қозон тагидаги майда учқунларга ўхшаган бири ёруғ, бири хира юлдузлар милтиллайди. Бу осмонга тикилиб ётган одамнинг қора кўнглида ҳам шу юлдузлар мисоли милтиллаётган ният учқунлари бор. Қай бири кимгадир, ожизроқ бўлса-да, яхшилик нури сочади, қай бири кимгадир зулм алангасини уфуради... Буниси Худогагина маълум.

### КУЯКАПАЛАК

*1989 йил, Ясситена*

Осмонўпар тоғ чўққилари кўриниб турган бу жойларни яқин-яқингача „Будённийобод“ деб юритишарди. „Қайта қуриш“нинг „ошкоралик“ шабадаси тоғлар билан ўралган бу ерларга ҳам етиб келгач, асосан муаллимлардан иборат зиёлилар аҳли аввалига кўрқиб-кўрқиб, кейин дадилроқ равишда номни ўзгартириш зарурлигини гапира бошлади-лар. Кейин катта-кичик манзилларга қарата мактублар карвони жўнатилаверди. Совет маршалининг бу жойни қанақасига обод қилганини ёшлар билишмайди, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмайди. Кексалар эса шопмўйлов суворийнинг қилич ўйнатиб қилганини, салла ўраган киши борки, „босмачи“ гумон қилиниб чопилганини унутмаганлар. Номни ўзгартириш ташаббусини бошлаган тарих муаллими дастлабки мактубига шуларни ёзган эди, лекин кўпчилик мулоҳаза қилиб, „Аждаҳо кучдан кетаётган бўлса ҳам, ҳали тирик, оғзидан ўт пуркаб куйдиришга қурби етади, куйиб кул бўлмайлик“, деган хавотирда фикрларини силлиқлашди. Қўшни районда Будённий номида илғор колхоз бор-

лигини, кичкина қишлоқ бу улуғ одам номига нолайиқ эканини дастак қила қолишти. Қайсидир идорада бу фикр маъқул келиб, жойнинг эски номи „Ясситепа“ тиклаб берилди. Орадан кўп ўтмай, раисликка сайлов бошланганида колхоз аҳли икки номзоддан бирини танлай олмади-ю. хўжаликни иккига бўлиб, бирига бошқа бир маршал „Ворошилов“ номини бера қолишти. Ясситепаликлар бундан кулишти-ю, „вақтида ҳаракатимизни қилиб олган эканмиз“, деб ўзларининг ишларидан мамнун ҳам бўлишти.

Бу ерликлар „шаҳар“ деб ардоқловчи район маркази ҳам ўзгаришлар баҳонасида „Кўтиркўчқор қишлоғи“ деган ноҳуш номдан қутулиб, „Ясситепа“ атала бошланди. Аслида Ясситепа қишлоғи бу марказдан йигирма чақирим нарида. Бу жой Советининг давлат чегарасида жойлашган бўлмаса ҳам, яқинлиги бор. Бир томонга юрилса, Боботог орқали чегарага етилади. Яна бир томони Ҳисор... Шунинг учун ҳам „чегарага жойлашмаган“, дейиш унча тўғри эмас. Афғонда уруш бошланганидан кейин, айниқса, у томондан афюн олиб ўтиш бошлангач, Ясситепа атрофлари эътиборли идораларнинг назарига тушган. Бу ерга кўп миқдорда чегарачи аскарлар ёки милиция ходимлари ташланмагани билан, мартабали одамларнинг келиб-кетишлари фаоллашганини аҳоли сезиб туради.

Қамоқдаги „яхши хулқи“ учун муддатидан илгари озод этилган Бўрон бу сафар Россия томонларда санқиб юрмай, тўғри Ясситепага келди. Район милициясига кириб, рўйхатдан ўтаётганида „Ўзим Магаданда туғилганман, аммо отам ясситепалик, умримнинг қолганини шу қишлоқда ўтказаман, хотиржам бўлинглар, эски ҳунаримни Сибирга ташлаб келдим“, деб оғзаки изоҳ берди. Хўжатларда маълумот бўлмаса-да, ходимнинг бу изоҳга осонгина ишона қолгани сабаби бандага маълум эмас. Аслида, Бўрон „Отам ясситепалик“, деб алдамаган эди. Миллионларча одамлар ёзган таржимаи ҳолларида „зиёли оиласида туғилдим“ ёки „хизматчи оиласида“ ёинки „ишчи оиласида“ деб ёзади. Бўрон туғилганда унинг отаси ҳам, онаси ҳам тилла конида ишларди. Лекин улар „кончи“ ёки „ишчи“ деб аталмасди. Уларнинг мартабаси „халқ душмани, жиноятчи, маҳкум“ эди. Бўрон таржимаи ҳолида „халқ душмани оиласида туғилдим“, деб ёза олмасди. Туғилганлик ҳақидаги гу-

воҳномасида отасининг исми кўрсатилиши керак бўлган сатр бўш эди. Насаби ҳам она томонники эди. Отаси „бўйнимга қўйилган тухмат айблари оғир, кейинчалик ўғлим мен учун жабр чекиб юрмасин“, деган хавотирда унинг ҳужжатини шундай расмийлаштирган эди.

Район милициясига тақдим этган ҳужжатлари унинг гапларини тасдиқламаса-да, чўнтагидан таралган кўнглини қитиқловчи сас туфайли унга монелик бўлмади. Аслида, „совет граждани“ бўлгани сабабли истаган жойидан кўноқ топишга ҳақли эди. Бу борада милициянинг у-бу деб гашлик қилишига ўрин йўқлигига қарамай, эҳтиёт чорасини кўриб қўя қолди. Бу чўнтак деганлари ўз сеҳри билан кимларнинг нафсини қондирмаган, кичик лейтенантнинг кўнглини хушлаш қийин эканми? Бўрон асли кимлигини бу ерда овоза қилмади. Қишлоқ четида бир уй сотиладиган экан, дарров харидор бўлди. Шу уйга отасининг киндик қони тўкилганини билганда ҳам сир бой бермади. Уйга нисбатан оғилхонани эслатувчи бу жойни макон тутиб, худди зоҳид сингари кун кўра бошлади. У бундан баттар уйда туғилиб ўсгани учун шароитга осонгина кўника қолди. Нозик идораларнинг кўзига „текинхўр“ бўлиб кўринмаслик мақсадида молхонани кенгайтириб, кичик ферма ташкил қилди. Молбоқарларни, соғувчиларни ишга ёллади. Ўн беш йил аввалги кўчкidan кейин ташландиқ бўлиб қолган ялангликни бог қилиш тараддудига тушди. Молбоқарларини ишга солиб, тепаликдаги булоқ кўзини очдириб, сувни шу томон бурди. Баргрезонда қамоқдан чиққан Фирромни ҳам шу томон чорлади. Тўғри, Фирром буёққа дарров келмади, аввалига шаҳарда кооператив ташкил қилиб, ишни юритгач, Ясситепад шарбат цехи очди. Бўрон мақсадини очиқ айтмагани билан Фирром бу томонларда катта ишлар борлигини сезгани учун, унинг айтганини икки қилмади.

Бир ҳафта илгари у Одессага кетган эди, бугун қайтди. Ясситепага шом қоронғусида кириб келиб, тўғри Бўронни кига йўл олди.

Қоронғи кеча ҳукмидаги ялангликни олов учқунлари ёритиб турибди. Лекин бу учқунлар гулхан пойидан эмас, битта чойнак қўйишга мўлжалланган икки гиштдан иборат омонат ўчоқдан сачраяпти. Қорайиб кетган қумғондаги сув

қайнаб жўмрақдан тошди. Тўнка устида ўтирган Бўрон бир қоти чойни очиб, қумғонга ҳаммасини ташлади. Сўнг эски ачиқни қўлига ўраб, қумғонни олди-да, берироққа қўйиб, сувнинг қайноғи ўлишини кутди. Кейин қорайиб кетган чойни алюмин кружкага қўйди. Чой лаб куйдирмайдиган аражада совигач, бир-икки хўплам хўриллатиб ичиб, нафтини ором олдирганидан кейингина Фирромга қаради. Икки бита картани бармоқлари орасида чаққон ўйнатаётганини кўриб, қошларини чимирди:

— Менинг олдимда картангни ўйнама, деб минг марта айтаман-а! — деб тўнғиллади.

— Бу менинг асабимни мустаҳкамлайди. Ўйлайдиган ойларимни пиштади. Фашингиз келавермасин. Ундан кўра „Зиёфатга қандай бориб келдинг?“ деб сўранг.

— Сўрамасам ҳам айтарсан?

— Албатта. Қайсарлик қилмай, ўзингиз боришингиз керак эди. Сизни сўровчилар кўп бўлди. Оғайниларингиз сизни қўмсащяпти. Мен ўрнингизни боса олмас эканман. Ёскин совғангизга ҳамма беш кетди. Ҳадеб суриштираве-ришгандан кейин „Бир кампирнинг этагига ўралашиб қол-ганлар, чиқолмаяптилар“, дедим.

Илм одамлари нур тезлигини биринчи ўринга, товуш-никини эса ундан кейинроққа қўйишади. Олимлар ўғри-лар оламидаги хабарнинг эгасига етиб бориш тезлигини билмаганлари, ҳатто тасаввур ҳам этолмаганлари учун шун-дай ўйлашса керак. Билишса, нур тезлигини эҳтимол ик-кинчи ўринга қўйган бўлишармиди...

Бу тезликни Фирром ҳам билмас эди. Капрал билан бўлган учрашуви бу овлоққа ўзидан аввал етиб келиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Яхшики, учрашувда бўлиб ўтган гаплар ипидан игнасигача етказилмаган. Бўл-маса, Бўрон уни қовоқ уюб қаршилаш билан чекланмас эди. Бўроннинг чефир чойини дамлаб ичишдан мақсади ғазабини бир оз тизгинлаш эканини Фирром сезмади. „Кар-тангни ўйнама!“ деб тўнғиллаш ғазабнинг битта чўғини олиш учун баҳона эди. Фирромнинг кейинги гапидан ке-йин ғазаб оти тизгинга бўйсинмай қолди. Бўрон кружка-даги чойни унга сепиб юборди.

Фирром ўзини четга олишга улгурмади ва ўзини оқлаш учун:

— Пахан, ҳазиллашдим, — деди шошилиб.

— Мен билан ҳазиллашишга ёшлик қиласан, бола. Яна қанақа гаплар топиб келдинг?

— Одессали Капрал эсингиздами? Менга зўр совға берди, — шундай деб пиджагининг ич чўнтагидан оқ тўппонча чиқариб, Бўронга узатди. Бўрон бир тўппончага, бир Фирромга қаради-ю, қўл узатмади.

— Капрал сенга ажал совға қилибди. Ит искаб тополмайдиган жойга беркитиб ташла. Бутунлай йўқотсанг яна яхши.

— Пахан, куёнюрак бўлиб қоляпсиз, десам, чойнинг қолганини сепиб юбормайсизми?

— Гап қўрқишда эмас. Атрофингга кўзларингни очиб, яхшилаб қара. Тўппончани қўлга олишга улгурмай гўрга кириб кетишинг мумкин. Сен аҳмоқсан. Капрал билан ошқатиқ бўлма.

— Тож кийган ўғрилар орасида Капралдан бошқа обрўлилари қолмабди.

Бу гап гўё заҳарли ўққа айланиб, Бўроннинг ғашланиб турган юрагига санчилди. Ўрнидан сакраб туриб, Фирромни бўғиб олди. Бўроннинг Капралга муносабатини билмагани учун Фирром унинг бу ҳаракатига тушунмай, довдираб қолди.

— Ким тож кийибди? — деди Бўрон уни силтаб, — Капрал қачон тождор ўғри бўлибди! Унга ҳеч ким бу мартабини бермаган. У ҳеч қачон тождор ўғри бўла олмайди! Ўғрилар битта қанжиқнинг ифлос бошига тож кийдирадиган аҳмоқлар эмас! „Капрал“ нима дегани, биласанми ўзинг? Ҳарбийдаги энг паст даража, ҳа! Қўлингдан келса, камида генерали билан теппа-тенг гаплаш, пасткашга қайишдингми, ўзинг ҳам оёқ остида хорланиб қолаверасан.

Бўрон уни қўйиб юбориб, хумордан чиққунча бўралаб сўкди-да, жойига бориб ўтирди. Фирром унинг совишини кутиб, бир оз индамай турди. Кейин ўзининг ҳақлигини исботлаш мақсадида гап бошлади:

— Сиз отам давридан қолган эски пахталарни титяпсиз. Дунё ўзгариб кетган. Ўғриларнинг худоси ҳам энди бошқача эмиш.

Бўрон алюмин кружкага яна чой қуйиб, совишини кутмай, уч-тўрт хўплади. Кейин Фирромга қарамай, қўлига

олиб, икки гишт орасидаги чўғни титди. Бу сафар  
 маъмурлар шодаси шиддат билан отилиб чиқмади. Бўрон  
 шиддат завқ ололмай, бир оз жим ўтиргач, энди пастроқ  
 деди:

Ҳей, келиб-келиб сен аҳмоқдан ақл ўрганаманми?  
 Бироз ўзгарди, деяпсанми? Худоси ҳам ўзгарибдимми? Бўлса  
 маъмур. Лекин Худоси ўзгарса ҳам, ўғриларнинг қонунини  
 ўзгартирмайди. Бир марта қанжиқлик  
 қилган ўла-ўлғунича қанжиқлигича қолаверади. Сен неча  
 йилдан бери атрофимда ўралашиб юрган бўлсанг ҳам  
 шундайимми ҳалигача билганинг йўқ. Сен Капралга маҳ-  
 сурий бўлиб қолдингми? У қўлингга тўппонча бериб, гўринг-  
 ни тартириб қўйибди. Унинг мақсадини сен билмасанг,  
 нега билтаман. Сен аҳмоқ, илоннинг пўстидан кўзларинг  
 қўқибди, тилига лаб чўзиб келдингми?

Бўроннинг шашти пасайгани кўнглига хотиржамлик  
 берди. Фирром унга яқинлашди-да, рўпарасидаги бўш тўн-  
 чани монат ўтирди.

Ҳозир энг зўр тижорат „наркота“ники экани бутун  
 мамлакатда маълум, — деди у билагонлик билан. — Битта цехга  
 қўлинг қолдим. Мен катта завод қуришим керак. Герма-  
 ниёликдан асбоб-ускуна олиб келишим керак. Қўл билан бер-  
 шига қўш тўймайди.

Сен қоралори билан тўйиб, баланд учмоқчимисан? —  
 деди Бўрон киноя оҳангида.

Аббатта. Эркинлик ўша учишга боғлиқ бўлиб қолди.  
 Ўшани шула бор-ку: „Осмондаги тузоқ нима, билмагай“.

Тўғри, осмонда тузоқ йўқ, лекин осмондагини бира  
 қилиб кетма ўқ билан уриб туширишади. Битта патинг ҳам  
 қилиб олмайди. Сен учолмайсан. Бир амаллаб учиб чиқ-  
 қилсанг ҳам кейин қўна олмайсан. Учишни орзулаган қурба-  
 қанимиз ҳаволи нима бўлганини эшитмаганмисан? — Бўрон  
 қўли билан деб истеҳзо билан кулимсиради.

Ваҳима қилманг. Менинг ҳозирги вазифам унчалик  
 қўлингга эмас, — деди Фирром ишонч билан.

Қўлингга турибман. Молни бу чегарада олиб, нариги че-  
 гарани тўқиб олиб берасан. У ёғи уларнинг иши. Шунақами?

Ҳа.

Мен сени „барон“лик тахтини эгаллаб бўлибсан, деб  
 айтди. Бор-йўғи пачоқ курьер экансан-ку? Сендан

олдин бу ишни қилган дастёрнинг ўпка-жигарини мозор куртлари еб адо қилиб бўлгандир.

— Ўлатни айтяпсизми?

— У бостириб кирган жойда чумоли ҳам омон қолмас эди. Шунинг учун унга „Ўлат“ деб ном беришганди. Ўлатнинг олдида сен чивинсан.

— Пахан, битта гап билан бировни осмонга ҳоким қилиб қўясиз, бошқанинг пачағини чиқариб, ерга киргизворасиз-а. Майли, мен чивин бўла қолай. Уйнашимнинг катта дадаси ўлиши олдидан „Бургут қила олмаган ишни чивин эплайди“, деган экан. Битта капалак ухлаб ётган арслоннинг бурнига қўниб уйғотиб юборибди. Арслон наъра тортиб, капалакни сўккан экан, у жинқарча бўш келмай, „Катта кетаверма, истасам пўстагингни қоқиб оламан“, дебди. Арслон уни жиннига чиқариб, ҳайдаган бўлибди-ю, яна уйқуни улаверибди. Бир маҳал уйғониб қараса, қип-яланғочмиш, устида бир тола ҳам жун қолмабди. Унга дўқ қилган жинқарча куякапалак экан...

Фирром ўзининг гапидан ҳузурланиб кулди. Ҳикматнинг маъноси маъқул келган бўлса-да, айтилиш оҳанги Бўронга ёқмай, гўлдираганича сўкиниб қўйгач:

— Буни ҳам ўйнашингнинг катта дадасидан эшитган-мисан? — деди истеҳзо билан.

— Ҳа-да, ўлишидан олдин гапдон бўлиб кетган экан, бир-иккитасини аввал ҳам айтгудим-ку?

— Тилингдан илиниб қолмагин тагин? Ўликни эслай-версанг, чақариб олар эмиш.

— Энди, пахан...

Фирром масҳара оҳангини давом эттирмоқчи эди, Бўроннинг қаҳрли овози унани ўчириб қўя қолди.

„У бостириб кирган жойда чумоли ҳам омон қолмас эли“, деган гапни Бўрон ўзи тўқимаган эди. Буни қамоқ лагерда эканида Ўлат ўзини ўзи мақтай туриб айтганди. Шунда Бўроннинг гаши келиб, „Юриш-туришингга қараб, чумолини қийратишингга ишондим“, деб пичинг қилганида Ўлат ўзининг зўрлигига уни ишонтириш учун „Уч марта Афғонга ўтиб, мол олиб келганман, советнинг аскарлари оғзини очиб қолаверган“, деган эди. Бўрон эса буни ҳам масҳара илгагига илб, „Чегарадан ҳар куни юзта эшак ўтаркан, сениям ўшал ордан бири деб индашмагандир“, де-

ганди. „Сен зўр эмас, овсарсан, зўр бўлганингда бу ерларда итпашшаларга таланиб юрмасдинг“, деган маломатни эшитгач, Ўлат қизишиб, сирининг бир қисмини очиб қўйган эди. Молнинг катта қисмини яшириб, озгинаси билан атай қўлга тушганини айтгач, Бўрон уни ўз паноҳига олди. Ҳозир ўша учрашувни эслаб, Фирромга синовчан қаради:

— Шундай одам эплай олмаган ишни қотириб ташлайман, деб ўйлаяпсанми? Сен қуякапалакка ем бўлмайсан, кафанга ҳам етишолмай қолишинг мумкин.

— Менинг гўрга тушишим сизни кўпам ташвишга солмаса керак, деб юрардим. Ҳаддан ташқари қуюнишингизга қайронман?

— Битта ўзинг тушсанг майли эди...

Бўрон шундай деб жимиб қолди. У Фирромнинг Капрал билан алоҳида хонада гаплашгани ҳақидаги хабарни эшитиб, уларнинг мақсадини англаган эди. Фирромнинг Капрал билан аввалдан танишлигини ҳисобга олмаган экан. Уларни Самарқандда ўзи таништирган эди. „Танишман-у, бир-бирини унутган“, деб адашди. Капрал таклифига Бўрондан рад жавобини олгач, Фирромга қармоқ ташлаган эди. Бўрон лақма балиқ — Фирромдан эмас, балки ўзининг эътиборсизлигидан ғазабланди.

Ўша хабар таъсиридами, ҳар ҳолда галати туш кўрди. Тушни „ғалати“ демаса ҳам бўлади, чунки карцерда учратган одамни, унинг гапларини унутмаган, дамодам эслаб туради.

Охирги қамоқдан чиқиш арафасида „зона“даги сибирликлар билан европаликлар мартаба талаша бошлашди. Бўрон уларни муроасага келтиришга уринса-да, орада уруш чиқиши аниққа ўхшаб қолди. Урушни у боши бузуқлар бошлаб, ғалвага ўзи қолиши мумкинлигини ўйлаб, бошлиқ билан келишгач, ўзини четга олди. Лагерда барчага сўзи татиган тождор ўғрининг кутилмаганда карцерга тушиши урушга тайёр турганларни гангитиб қўйди ва тинчланишни маъқул кўришди.

Маҳкумлар „беш юлдузли люкс меҳмонхона“ деб номланган икки кишилик зах ва совуқ хонада бир ўзи уч кун тирди. Тўртинчи кун оғир темир эшик очилиб, оёқда ранг турган маҳкум кўринди. Ўзи остона ҳатлай олмач,



соқчи уни итариб юборди. У гандираклаганича икки қалам босиб, кейин юзтубан йиқилди. Бундай манзара янгилик бўлмагани учун ҳам, темир каравотида ўтирган Бўрон ҳаракатсиз танага эътиборсиз қараб қўйди. Тана қимирлай-вермагач, ўрнидан турди-да, тирик ё ўлик эканини билиш учун унга яқинлашиб, энгашди. Мижжаларини қайириб қаради, бўйин томирига кафтини қўйди. Сўнг эҳтиётлаб кўтариб, каравотга ётқизди. Унга ёрдам беришни истаган тақдирда ҳам ҳозир қўлидан ҳеч нарса келмасди. Шу боис юзига сув сепиш билан чекланди. Маҳкумнинг киприкларини қимирлади-ю, аммо кўзлари очилмади. Инграб, кейин яна жимиб қолди. Икки соатдан кейин чалажонда ҳаёт нишонлари кўринди. Кўзларини очиб, ҳаракат қилишга урингач, Бўрон уни темир каравотга суяб ўтқазиб қўйди. Кечки овқат киритилганда гўштсиз шўрванинг сувидан бир-икки қошиқ ичирди. Маҳкум кечаси билан инграб. Бўронга уйқу бермади. Калтак зарбидан моматалоқ бўлган лаблари оғриб, нонушта ҳам қила олмади. Бўрон идишларини туйнукдан қайтариб бергач, маҳкум унга тикилиб қараб, заиф овозда сўради:

— Сиз... кимсиз?

— Ким бўлардим, ўзингга ўхшаган бир одамман, — деди Бўрон совуқ оҳангда.

— Менга ўхшаган? Йў-ўқ, менга ўхшаган бўлишингиз мумкинмас, — деди маҳкум.

— Нега энди?

— Мен — қасоскорман. Мени Саратовнинг каттаю кичиги ҳимоя қилди. Лекин барибир қамашди. Ўғлим Афғондан тирик қайтган эди. Лекин шаҳардаги наркоманларга араллашиб қолибди. Афғонда ўқ олмаган боламни қорадори олиб кетди. Мен қорадори сотувчиларнинг изига тушдим. Каттасини пойлаб туриб, машинада ўтиганида бошини болта билан чопиб ташладим. Бир томчи ҳам қон чиқмади. Қўрқиб кетиб, чопавердим... чопавердим... Унинг ўзи ҳам гиёҳванд экан. Кўпроқ олиб, машинасида ўлиб қолганини мен қаёқдан билай? Экспертиза қорадоридан ўлганини ёзиб берса ҳам, қотилликни бўйнимга қўйишди. Мен ўлган одамнинг қотилиман. Шунақасини эшитганмисиз? Қизиқ, а? Бу ердан тирик чиқсам, қолганларини ҳам топиб, битта-битта қиймалаб ташлайман. Мол ўғрисини

---

Самуми, жон ўғрисини-чи? Ахир бор-ку, жон ўғрилари? Жон ўғриларини чопиб ташлаш керакми ё йўқми?

— Сен бу ердан эсон-омон чиқиб кетишни ўйла. Ёмон ирдобга тушибсан. Жон ўғриларининг қўли бу ерга ҳам чиқиб келади.

— Хўп, мен бу ерда ўлсам ўларман. Лекин яна битта, муқ. ўнта, ўн мингта қасоскор чиқмайдимми?

— Билмайман.

— Бошқаларни билмасангиз, ўзингиз-чи? Болаларининг ўлаётганига индамай қараб тураверасизми?

— Менинг оилам ҳам, ўлигига куядиган болам ҳам йўқ.

Маҳкум Бўроннинг бармогидаги узук тасвири туширилган татуировкага кўзи тушди-ю, унинг кимлигини аниқлаб, енгил титради. Лекин сир бой бермай, бир оз хавотирли оҳангда гапни давом эттирди:

— Оилангиз йўқлиги, болангиз йўқлиги тушунарли. Виждонингиз ҳам йўқми?

Ўлай деб ётган бу одамнинг гапи Бўронни титратиб юборди. Одатда, ноҳақ гапни эшитган одам ғазабланади. Лекин ҳақ гап ҳам кишининг баданини илма-тешик қилиб ташлайди. Бўронга виждон эслатилганда у ўзини тута олмай, бақариб берди:

— Ҳали сен бу ерга виждон излаб келдингми? Менга қара, виждонли одам, ўликнинг калласини чопиб ташлашни сен ҳали виждон деб юрибсанми?

Маҳкум айтиб қўйган ҳақ гапидан уялгандай аста кўзларини юмди. Бўрон яна бақариб, хумордан чиқиши учун ўндан гап кутди. Лекин унинг лаблари қимирламади. Кўзлари ҳам очилмади. Қорадори сотувчиларни бир-бир топиб, чопиб ташлашни ният қилган жабрдийда ота ўзи танимайдиган ўғрига виждон ҳақида гапира туриб жон берган эди.

Бўроннинг кўз олдида кўп одам ўлган, лекин буниси хотирасига миҳланиб қолган. Баъзан кундузи ҳам бирдан ўлига тушиб қолади, тунлари тушида кўради. Нимага бундай бўлаётганини билолмайди. Бугун ҳам эслади...

Ҳозир катта кетаётган Фирромга ўша одамнинг қисмати айтилмоқчи бўлди-ю, „Барибир фаросати етмайди“, деган қарорда тилини тийди. Бир оз жим ўтиргач, яна амира бошлади:

— Бир одам менга: „Фарзандлари қорадоридан нобуд бўлган ота-оналар қўлларига болта олмасалар ҳам қарғайдилар. Милисадан қочиб қутилишинг мумкин, қарғишдан қутула олмайсан“, деган эди. Ақлли гап-а? Қарғишдан қутулиш мумкин бўлса, Ўлат қутуларди.

— Ўлат қутулиб кетган бўлса-чи?

— Довдирама, у куйиб кетган.

Фирром „Шундаймикин?“ деган маънода истехзоли жилмайди, аммо эътироз билдирмади.

— Ўлат ким билан ишлашни билмагани учун куйди. Ўлатга кун бермаганлар энди менга ёрдам беради. Бу ёғини пишиқлаб келдим, — деди ишонч билан.

Бўрон унинг кибр отида дадил ўтиришидан ғашланди, „Сен аҳмоқни яратганига Худонинг ўзи ҳам ҳайрондир“, дегиси келса-да, тили бошқа гап айтди:

— Омадингни берсин, укам...

— Берса-бермаса, омад дегани аканг қарағайники! — Фирром Бўроннинг тилаги оҳангидаги истехзони сезмагандай шундай деди-да, кетишга изн сўради.

Бўрон ундаги кибрнинг тутай бошлаганидан безиб, афтини буриштирди. Фирром ўгирилиб, икки қадам қўйгач, уни тўхтатди.

— Рўпарангда нима гаплар, янгиликлар борми?

Фирромнинг район марказида очган цехи айнан милиция идораси рўпарасидаги эски иморатга жойлашган, ҳозир Бўрон „рўпарангда“ деганда шу идорани назарда тутган эди.

Фирром савол оқимининг бу томонга бурилишидан ажабланди.

— Бирон янгилик эшитишга улгурмадим. Назаримда гуллаб-яшнашяпти шекилли?

— Шунақами? Улгурмадингни? Яхши... Бурнингнинг тагида нима бўлаётганини эртага уларнинг сассиқ маймунхонасида гуллаб-яшнаш бошлаганинда билиб қоларсан.

— Пахан, совуқ нафас қилманг, нима бўпти ўзи?

— Каттаси кетади, деб юрувдингни? Ўринбосарини ўзгартиришибди. Тошкентда амалдан тушириб, юлдузини камайтириб, шу ёққа жўнатишибди.

— Ишқаллардан, денг? Орқасида тоғи бўлса, қамоқдан асраб, бу ёққа гум қилгандир-да.

Энди каллангни ишлатгин-да, тоғи кимлигини бил.  
 Саққа ишкалга аралашганини аниқла.

– Сал ваҳмароқ бўлиб қолмаяпсизми?

– Сен уларнинг совунига кир ювмагансан. Одам бўла-  
 сан десанг, ўша идоранинг дарахтига қўнган чумчуқни  
 қан назарингдан қочирма.

Бўрон „Бўлди, жўна“, дегандай қўл силтаб қўйди. Фир-  
 ромнинг қораси ўчгунича изидан қараб турди-да, „Бу  
 га дунёда ҳам одам бўлмайди“, деб тўнғиллаб қўйди.  
 Фирромнинг хурмача қилиқлари инкор этиб бўлмас дара-  
 хта кўп эканлигини Бўрон билар эди. Била туриб, уни  
 қоти остига олишининг сабаби фақат ўзигагина маълум.  
 Нишитаётган режа доирасида Фирромнинг алоҳида ўрни  
 Фирром йўқолса, режа занжиридаги муҳим ҳалқа узи-  
 лаб панд ейиши мумкин. Фирромдан фойдаланишни қа-  
 да лагерида Ўлат билан сирлашаётган дамларидаёқ ўзига  
 билмас аҳд қилиб олган эди.

Фирром „зона“да Бўрон билан биринчи марта учрашга-  
 нда тирик қолишига амин эди. Лекин ўша қоронғи кеча-  
 да қилими сари қадам қўйганини хаёлига ҳам келтирмасди.

## БАХТ ҚУШИ

Севги оташида куйиб яшаши керак бўлган, лекин йи-  
 ромга бешдан ошганига қарамай, бирон гўзалнинг ҳажрида  
 қолмай юрган йигит кўчада бир паривашни кўриши билан  
 „Қўш“ деб юборса-ю, „Бошимга бахт қуши қўнди“, деб  
 қўниб, қўнгил аҳволини сирдошларига баён қилса, улар  
 қонликда айблаб, қулмайдиларми? Тўғри, ўнлаб, балки  
 қондан-да кўпроқ чиройли қизларга хуштор бўлган, аммо  
 қўшаги „жиз“ этмаган эди. Темир йўл бекатида учраган б  
 қўшни кўриши билан юраги ғалати бўлиб кетди. Овозин:  
 қўшмай, мулойим жилмайишига сазовор бўлмай туриб  
 қўшни йўқотди. Журъат топиб қизга яқинлашса-ю, салом-  
 танишиб, танишса, қиз ҳам нозланмай, исмини айтиб, қўш  
 ни узатса, момиқ кафтидан таралган иссиқлик юрагини  
 қондирса, қулгичи бор юзидан таралган жилмайиш нури  
 қўшрини илма-тешик қилиб юборса-чи... „Киприги — хан-  
 дар, карашма — тиг, кўз ташлаш — яшин, гар шаҳид бўл-  
 ма қўш эрсанг, Карбало бу ердадир“, деган ҳикматли байт-

дан хабардор одам бу йигитнинг ҳозирги аҳволини ҳис қила олар. Киприклар ҳимоясида ўйнаб турган оху кўзларнинг биргина нигоҳи билан йигит қалбида жароҳат очиб, занжирбанд этган бўлса не ажаб?!

Ўсмирлик оламининг тотли булутларида сузиб юрган кезлари, кўкраклари бўғирсоқдай бўлиб қолган чарос кўз кўзларнинг чинни овози каби жарангловчи покиза қулгиларини эшитиб, юраклари потирлаб кетадиган дамларда ёшлар орасида бир ашула расм бўлиб, ундаги „Тонгда эсган шаббода юзларидан ўпганда, ғашим келур, қизганиб, менга ҳам бўлса дейман“ сатрлари хотирасига муҳрланган эди. Бу сатр дам-бадам уйғониб, баъзан хаёлан, бахъзан эса овоз чиқариб хиргойи қилиб қўярди. Ҳатто Афғонда эканида, кимсасиз дарага эгалик қилаётган бўрон оғушида қолганида бу ашула эсига тушиб, ўзи ҳам ажабланган эди. Бу ҳолатини кейин кўп эслади, „Тонгда эсган шаббода қайда-ю, ўлимдан дарак берувчи совуқ бўрон қайда“, деб ажабланди.

Темир йўл бекатидаги қизни кўрганда яна ўша хиргойи уйғонди.

Вақт тонг бўлмаса-да, майин шабада эсиб турган эди.

Шубҳасизки, майин шабада бу камон қошларни, ханжар киприкларни, сутта чайилган ёноқларни ўпаётган эди.

Шубҳасизки, йигит шабадага рашк қилаётган эди.

Шубҳасизки, рашкини баён қилишга журъати йўқ эди...

Шундай бўлгач, йигитнинг бечора ҳолига ким ачинсин?

Шубҳасизки... қизнинг сергак нигоҳи бу йигитга тушди. Юраги „жиз“ этмаса ҳам, унга яна бир қараб олишга даъват этди. Жилмайиш ҳаля этмаса-да, сўнг яна бир қаради.

Ҳар ҳолда бу йигит эр-йигитларга ҳусн улашилганда навбатнинг охирида қолиб кетмаган эди. Нотаниш қизнинг уч эмас, янада кўпроқ ўғринча қараб қўйишига арзирди.

Бу учрашув бахти чумчуқнинг қўниб-учиб кетиши каби омонатмиди ё умрининг охирига қадар порлаб турувчи саодат қуёши эдими, билмаса-да, тақдир ёзуғининг муҳаббат саҳифаси очилганига ишонди. Қизнинг бир поезддагина эмас, бир вагонда кетиши бу ишончга қувват берди. Агар қиз ёнма-ён эмас, бир купеда бўлганида ўзини дунёдаги энг бахтиёр йигитлар қаторига қўшиб қўярди.

Салом йўлдошлари билан салом-алик қилгач, юқорида-  
ни ўзини қўзилди. Уни қиздан юпқагина девор ажратиб  
турди. Бир мушт уриб ҳеч бўлмаса дарча очиб олгиси  
эди. Муралаш учун туйнукча бўлса ҳам майли эди...

Қизни ишқ чўғида куя бошлаган йигит шифтга қараб,  
қизнинг ета оларканми, кўзларини юмгани билан ухлай  
ми? Вагон ғилдиракларининг „тақа-туқ“и унга  
Девордан чиқа қол“, дегандай эшитилаверди. Назарида  
қизнинг кўзларига чиққандай туюлиб, туриб кетганини ўзи  
қизнинг қолди. Қўшни купе эшиги тўла ёпилмаган, бир  
қизнинг чиқ эди. Лекин қиз эшикка яқин ўтиргани учун  
қизнинг кўринмасди. Оппоқ, момик билагининг кўриниб  
тургани йигит вужудини ўртаб юборишга кифоя қилди.

Қизни деярли шу аҳволда ўтказди. Қиз ҳеч бўлмаса  
қизнинг кўзига чиқар, деб илҳақ кутди. Худо унга бу кеч кутиш  
қизнинг берган экан, шунга ҳам шукр қилди. У манзилига  
қизнинг етиб борди. Қиз охириги бекатга қадар кетармикин,  
қизнинг эвотирда турганда купе эшиги очилди-ю, қора тун  
қизнинг билан бўғилиб турган юрагига бирданига қуёш  
қизнинг кўнглини чароғон қилиб юборди. У вагондан юриб  
қизнинг бахт фариштасининг қанотларида учиб тушди гўё.

Қизни дўсти кутиб олиши керак эди. „Ишқилиб чиқма-  
ди бўлсин“, деб умид қилди. Умиди ушалди. Қиз ҳам  
қизнинг умид қилган эканми, уни ҳам ҳеч ким кутиб ол-  
мади. Атрофига аланглаб, умидли нигоҳи билан кимнидир  
қизнинг қарагандай бўлди. Бирпас турди ҳам. Танишиб олиш учун  
қизнинг фурсат туғилган бўлса-да, йигит бу имкониятдан  
қизнинг фойдаланишга журъат этмади. Уғринча қараб тураверди.  
Қизнинг қўлига сариқ гитарасини осиб олган бу хушсурат йигит-  
нинг нигоҳи таъқибига қиз узоқ тоқат қила олмас эди.  
Қизнинг қўлига яна умидвор аланглаб олгач, ноқулай аҳволдан  
қизнинг кутиш учун тез-тез юриб кетди.

Қизни фақат гитарали йигитнинг эмас, бекат биноси  
қизнинг қўлида сигарет тутатиб турган икки йигитнинг қарашла-  
ниши билан таъқиб қилаётган эди. Қизнинг ўз оёғи билан юриб  
қизнинг ташаётганидан мамнун бўлган йигитлар шилқимларга  
қизнинг тиржайиш билан унга пешвоз чиқишди. Қиз бундан  
қизнинг шайтанланиб, қадамини секинлатди-ю, лекин тўхтамади.

Опоқ қиз, қийналмай етиб келдингизми? — деди йи-  
гитларнинг бири, унга суқланиб қараб.

— Тошкентда қуёш чарақлаб турибдими? — деди иккинчиси.

— Қор ёғяпти, — қиз жаҳл билан шундай деб четланиб ўтиб кетмоқчи эди, йўлини тўсишди. Қизнинг изидан қараб турган йигит буни кўрди-ю, ўйлаб ҳам ўтирмай, шу томон шошилди. Атай аралашаётганини билдириб қўймаслик учун тез юратуриб йигитлардан бирини гўё бехос туртиб юборди. Айб ўзида бўлса ҳам, „Йўлда ўралашиб турмасанг-чи“, деб тўнғиллади.

— Сал ўпкангни босиб юр, — деди туртилган йигит.

— Тошингни тер, — деди у тўхтаб.

Қиз вазиятдан фойдаланиб, тезлик билан ўтиб кетмоқчи эди, йўлтўсарларнинг бири билагидан ушлади:

— Шошилманг яхши қиз, Тошкентда қизил қор ёғяптими ё қора қорми, айтиб бермадингиз-ку?

— Шилқимлик қилмаларинг!

Йигит шундай деб елкасидаги гитарани олиб, бино пойдеворига суяб қўйди. Бу томонларда ҳеч бир йигит гитара олиб юрмас эди. Шунинг ўзиёқ келгинди эканини англагани учун йигитларда унинг тумшугини ерга ишқаб қўйиш хоҳиши туғилди.

„Хоҳласаларинг ташлашамиз“ деган ишорада гитаранинг четга олиб қўйилишидан баттар аччиқланган йигитлар бир-бирларига маънодор қараб олдилар-да, мушглари ни тутиб, ҳужумга шайландилар. Қиз шилқимлардан қутулганига қувониб қочиб қолиш ўрнига икки қадам босгач, „Нимага қодирсиз?“ дегандай ҳимоячисига қаради.

— Сен бизга дўқ уряпсанми? — деди туртилганидан ғазабланган йигит.

— Эрталаб афтингни кўзгуга солганмидинг, ҳозир маймунбашарага айланиб қолсанг, биздан ўпкалаб турмайсанми? — деди иккинчиси.

Йигит жавоб қайтармади, уларни масхаралагандай кулиб қараб тураверди. Бу жимлик узоқ давом этмади. Маймунбашарага айлангиришга аҳд қилган йигит биринчи бўлиб ташланди. Ташланди-ю, мушти мўлжалга етмади, йигит чаққонлик билан чап бериш баробарида унинг ёноғига кафти билан зарб берди. Бир нафаснинг ўзида иккинчи йигит ҳам шундай зарб билан сийланиб, гангиб қолди. Мусофир йигит уларнинг аҳволига кулиб қараб тураверди.

Улар сал ўзларига келиб олишгач, гўё шер наъраси билан килириб, ташланишди. Йигит уларни дўппослаб ташлашни истамай, майна қилиб ураверди. Бу томоша узоқ давом этмади. Югуриб етиб келган милиционер хуштагини чалиб, уларни тўхтатди.

Милиционернинг шилқим йигитлар билан ош-қатиқтиги бормиди, ҳар ҳолда, уларга унча эътибор бермай, туқ-пўписа хазинасини тўлалигича меҳмонга атади. Қизнинг „Ғалвани мана булар бошлашди“, деганига ҳам парво қилмай:

— Қўлингни орқага қил! — деб буюрди.

Бунақа пайтда айбдор саросимага тушади, ялинишни бошлайди, қочиб қолиш пайида бўлади. Йигит эса хотиржам, ҳатто кулимсираганича қараб тургани учун милиционернинг ғазаби кўзиди. Тарсаки тортиб юбормоқчи эди, қўли мўлжалга етмади, йигит четланишга улгурди.

— Командир, ўпкангни босгин-у, идорангга бошлаб бор, — деди йигит унга буйруқ оҳангида.

Йигитнинг ҳам ишонч, ҳам бир оз тўнг буйруқ оҳангида гапириши милиционернинг жаҳлини қўзғатса-да, айтилган маслаҳатга амал қилиб, „ўпкасини босди“. „Олдимга туш“, деб буюрмаса ҳам қўлларини орқасига қилиб олган йигит мутелик билан юра кетди. Юкларига қараб ҳам қўймади. Бундан ажабланган қиз гитарани олиб, унга эргашди. Милиционер „юрларинг“, деб имо қилгач, шилқимлар ишончсизлик билан юра бошлашди. Бекат биносининг бурчагидаги қизил рангга бўялган охириги эшик милиция хонасиники эди.

Милиционер навбатчи офицерга ҳисоб бериб, „Қандайдир шахси номаълум шахс безорилик қилгани“ни баён қилгач, ҳам гувоҳлар, ҳам жабрланувчилар сифатида икки шилқимни кўрсатди.

— Мен-чи? Мен ҳам гувоҳман, — деди қиз унинг гапларидан норози эканини яширмай.

— Сен кимсан? — деб сўради навбатчи гўзал қизга хуштор нигоҳини қадаб.

— Булар менга шилқимлик қилишди, — деди қиз йигитларга бармоғини бигиз қилиб.

— Сен кимсан, бу ерда нима қилиб ўралашиб юрибсан? — деди навбатчи ундан қўз узмай.

---



— Ўралашиб юрганим йўқ, Тошкентдан келдим. Ўзим Ясситепаликман...

Ясситепаликман?!

Бу янгиликдан йигитнинг юраги шодликдан ўйнаб кетди. Бу не бахтки, бир вагонда келса, энди у яшайдиган жойда ишласа! Уни ҳар куни кўриб туриш имконига эга бўлса! Худо берадиган муҳаббат неъматини шунинг ўзи эмасмикин?

Йигитга беҳос қараб, унинг кўзлари ёнганини навбатчи сезиб, гижинди. Гарчи қиз бегона, унга бирон ваъдаси бўлмаса-да, рашки кўзгади. Лекин сир бой бермасликка уринган офицер қўлига қалам олиб яна қизга қаради:

— Отинг нима?

Бу савол сўроқ оҳангида эмас, балки юмшоқроқ тарзда, ҳатто танишиш илинжидаги бечора йигитнинг ўтинчи каби янгради.

— Моҳидил Тўйчибоева, — қиз шундай деб, „Сиз ҳам сўрамоқчимидингиз, билиб олиб, энди кўнглингиз жойига тушдими?“ дегандай йигитга ўғринча қараб олди.

Моҳидил...

Дилга суюнч оқимини йўлловчи ширин овозда айтилган исми навбатчи қоғозга қаламда ёзди, йигит эса юрагига муҳрлади.

— Бўпти, сен боравер, — деди навбатчи бу сафар сал совуқроқ оҳангда.

— Гувоҳлигимни ёзиб олмайсизми? — деди қиз ўжарлик билан.

— Ёзиб олдим, ҳисоб. Керак бўлсанг, чақиртирамиз, — навбатчи қизнинг чиқиб кетишини кутмай, энди йигитга қаради: — сен кимсан?

— Менми? Мен одамман, — деди йигит қувлик билан.

— Одамга ўхшамай турибсан, — деди навбатчи қовоқ уйиб. — Одамлигингни исбот қиладиган ҳужжатинг борми?

Йигит кулимсираб қўйиб, чўнтагидан ҳужжатини олиб, узатди.

Навбатчи ҳужжатни очиб қараб, энди унга ажабланиб қаради:

— Файрат Жалилов... Хизматни зўр бошлабсиз-ку, жўражон? Энди нима қиламиз? Ҳужжатларингизга битта баённомани қўшиб, келган жойингизга жўнатайми? Овора

Бориб, Ясситепага бориб юрасизми, шу ернинг ўзидаёқ қавушингизни тўғрилаб қўйсам-чи?

— Ясситепага бориб юрасизми? — деган гапни эшитган Моҳидил эшик остонасига етганда тўхтаб, ўтирилди-да, Файратга ҳайрат билан қараб қолди. Файратга бу қараш ҳам ёқди. „Шунақа, азизам, Худо мени сизга, сизни менга атаган экан, тақдирдан қочиб бўлмайти“, дегандай кулимсираб қўйиб, яна навбатчига тикилди:

— Фойдаси бўлармикин? Физикада „марказдан қочувчи кўч“ деган қонун бор, биласизми? Мен шу қонунга биноан бу ерга келиб қолдим, энди ортга йўл йўқ. Мендан зўрға қутулишган, энди сизнинг азиз меҳмонингизман, — деди Файрат киноя билан. Кейин шилқим йиғитларга ишора қилди. — Буни, ана, жўражонлар тасдиқлаши мумкин. Улар мени катта қувонч билан кутиб олишди. Ҳузурингизга шу кўрсаткичликни изҳор этиш учун кирдик. Қувончли учрашув насиб этмаганида, битта-яримта эски аравага осилиб бўлса ҳам, Ясситепага етиб олардим.

Навбатчи жавоб беришга улгурмай, эшик очилиб, катта лейтенант либосидаги Шуҳрат кириб келди-да, Файратга қўчоқ очиб яқинлашди.

— Уэр ошна, машина бузилиб қолди, вақтида етиб келамиз.

— Вақтида келмаганинг ҳам яхши бўлди. Баҳонада ўртоқ лейтенант билан танишиб олдим. Янги жойда жўражонларнинг кўп бўлгани яхши-да.

Бу киноянинг замирида бир гап борлигини сезган Шуҳрат навбатчига савол назари билан қаради.

— Жўражонингиз қаҳрамонлик қилиб, бир қизни қутқарибдилар. Шунга раҳмат айтаётувдим, — навбатчи шундай деб, афтини сиқиб ташланган қозон ювгичга ўхшаш ёрмаштирди. Кейин очилган эшик панасида турган Моҳидилга қаради:

— Синглим, ўтиринг, кўрганларингизнинг тафсилотини сизга беринг.

Бу гапдан кейин Шуҳрат ўгирилиб, Моҳидилни кўрдими, ҳайратланди:

— Ие, Моҳидил, сизга нима бўлди?

— Ҳеч нима, — деди Моҳидил навбатчининг столига тикилиб.

Моҳидилнинг совуқ оҳангда гапиришидан унинг Шуҳратга унча ҳуши йўқлигини сезган Файратнинг кўнгли янада равшанлашди.

— Ўзингиз ёзасизми ё айтиб турасизми? — деди навбатчи, қиз томон бир варақ қоғозни суриб.

— Ўзим ёзаман, мактабда ўттиз иккита ҳарфни ўргатишган, — деди Моҳидил кескин оҳангда.

— Моҳидил...

Файрат ўзи учун суюмли бу исми илк бор тилга олди-ю, киши ҳушини олувчи қалтироқ ҳалим бу оҳангдан ўзи ҳам ғалати бўлиб кетди. Қиз унга савол назари билан қарагач, ҳатто довдиради.

— Ёзмай қўя қолинг, жўражонларни бир марта кечиринг...

— Кечирайми? — Қиз бу таклифдан аччиқланиб, қоғозни суриб қўйди: — Шунақа олижанобмисиз? Яхши, мен кечираверай, булар бечора қизларга шилқимлик қилаверишсин. Сизга ўхшаган ботирларнинг кучини кўрсатишлига яхши баҳона топилади, а?

Моҳидил шундай деди-да, шарт ўгирилиб, тез-тез юриб чиқиб кетди.

„Пичоқсиз сўйилдим!“ деб ўйлаган Файратнинг юрагидан бир томир узилгандай бўлди. Йўқ, томир узилмади, юрагида кечадан бери потирлаётган қувонч қушининг бир қаноти синди. Айрилиқ ташвиши энди бу бечора юракни ўткир тирноқлари билан тирнаб, азоб бера бошлади. Қизга эргашишга дармони ҳам қолмагандай бўлди.

— Ота қизи-да! — деди Шуҳрат.

— Отаси ким, танийсанми?

— Танайман-у, эшитганман. „Ўлат“ деган режиссёр экан. „Зона“да ўлиб кетганмиш.

Бу янгилик пичоқсиз сўйилишнинг давоми бўлди.

### АКАСИ ТАНИМАЙДИГАН УКА

Бўроннинг ишларини кўрган киши „Бу одам ҳеч қачон ўғирлик қилмаган, қишлоқдаги огир меҳнат юкидан эзилиб, умри ўтиб боряпти“, деб ўйлаши мумкин эди. Ҳар ҳолда унинг хатти-ҳаракатинигина эмас, ҳатто ҳар бир қадамини кузатиши лозим бўлган участка нозирда шундай

фикр уйгонган эди. Тепадаги булоқнинг кўзини очиб, даровсиз ерда боғ қилаётган, йигирмата сигирга мўлжалланган молхона қурдириб, шу қишлоқдаги соғувчилар-у, шолбоқарларни ишлатаётган одамнинг қайси ҳаракатидан умонсираш мумкин? Қайси қадамидан жиноят изларини қидириши керак? Бўрон ўз атрофида шундай муҳит пайдо бўлишини истаган эди — муддаосига етди. Умрида кетмон дастасини ушламаган одамнинг чўнтаги пулга тўла бўлса, белини оғритиб, тупроқ ялаб ишлаши шарт эмас. Боғдорчилиги ҳам, чорвачилиги ҳам орқага кетиб, аъзоларининг меҳнат ҳақини тўлай олмаётган хўжаликда арзонгаров хизматчилар етиб-ортгандан кейин эгилиб ишлашга ҳожат ҳам йўқ эди. Гердайиб юриши ҳам тўғри эмас, шу боис кажавали мотоцикл сотиб олиб, ҳар тонг соғилган сутларни марказга ўзи етказадиган бўлди. Бундан мақсади — атрофдагилар кўз ўнгида кўриниб туриш эди. Қилаётган ишлари эрига ҳам эриш туюлаётган, ҳатто ёқмаётган бўлса-да, режасини амалга оширмақ учун сабр қилишга мажбур эди. Кўзи қўлга киражак олтин тоғдан таралаётган нурдан қамашаётган дамда озгина сабр қилиш нима экан? Устози „Мушукка ўхшаб пайт пойлашга тоқати етмайдиган ўғри ўғри эмас, осон олинган мол осон кетади“, деб таъкидлашгани ёқтирарди. Устози қанчалик пишиқ режа тузмасин, қанчалик пайт пойламасин, уч марта қўлга тушиб, қамалишини ўзининг ношудлигидан деб билиб, шогирдларини пишитиш пайида бўларди. Бўрон, болалигидагисини кўшиб тасоблаганда, уч марта қамалиб чиқди. Қамоқ азобини тотмаган, хорланмаган бўлса-да, яна ўтиришга тоби-тоқати йўқ. Бу ёғи энди таваккал — ё олтин тоғни қўлга киритиб, қолган умрини маишатда ўтказди, ё яна қамалади-ю, устозига ўхшаб, қамоқхонанинг номсиз мазориди ўлиги чиррайди. Бошқа йўл йўқ!

Кунларнинг бир хилда ўтишига кўникиши оғир бўлди: сўт қабул қилиб олувчи йигит бидонларни бўшатиб бергач, чойхонага ўтади. Бу ернинг чойини ичишга тоқати бўлмади ҳам, сўридан жой олади. Чойхўрлар билан гурунғ қилган бўлади. Ўтмишидан сўз очмайди. Гурунғ аҳли унинг ҳам бўлганини билса-да, бу ҳақда сўрашга тортинади. Тўғрироғи, ҳайиқади. Бўрон уларнинг кўз қарашларидан яширин ҳадикларини сезиб туради-ю, аммо сир бой бермайди.

Дастёр бола келтирган чой-нон, майиз-новотни ўртага қўйиб, суҳбатдошларини сийлайди. Қуйилган чойдан бир-икки ҳўпламгина ичиб, қаноат ҳосил қилмаганини биров сезади, бошқалар аҳамият беришмайди. Бўрон эса „Мен бунақа суюқ чой ичолмайман, чефирга ўрганганман“, дея олмайди. Деганда ҳам булар „чефир“ нима эканини билладими ё йўқми? „Чефир ичгим бор“, деб қўйиб, кейин „чойнакка чимдим эмас, бир қути чой солиб дамлашим керак“, деб эзмаланиб тушунтириши керакми? Кейин унинг қилиқлари қишлоқда тилдан-тилга ўтиб, муҳокама қилинадими?

Бу куннинг бошланиши ҳам аввалгиларидан фарқ қилмади: тонг бўзармай, молбоқар келди, куёш кўринмай туриб, соғувчилар ишларини якунлашди. Бўрон бидонларни кажавага ортиб боғлагач, мотоциклни ўт олдирмоққа шайланганида соғувчилардан бири унга ийманибгина яқинлашди. Яқинлашди-ю, гапини айтишга истиҳола қилиб, ерга қаради.

— Ҳа, Тозагул, яна нима бўлди? — деди Бўрон, ажабланиб.

— Билсангиз...

— Мужмаллик қилма, нимани биламан?

— Хўжайиннинг тогалари тўй қиятувди. Шунга кам-харжроқ эканмиз...

— Уч кун бўлди-ку, маош берганимга?

Бўрон бу ердаги хўжаликдан фарқли ўлароқ, хизматчиларининг ҳақини ҳар якшанба эрталаб беками-кўст қилиб берарди. Сигирларнинг сут бериши яхшиланса, мукофотни ҳам қанда қилмасди. Уч кун илгари ҳам маош, ҳам мукофот пулини бера туриб, шу ийманиб турган Тозагулга „Болаларингнинг кийимига ҳам қараб қўйларинг, жулдур-жулдур юриши уят-ку!“ деб танбеҳ берган эди. Бугун яна пул талаб қилиб туриши...

— Кейинги ҳафтанинг ҳисобидан... қарзга... — деб изоҳ берди аёл.

— Қарзга дегин? Кечаги пулдан болаларингга кийим-бош олдингми?

— Олармиз... тўй ўтиб олсин. Арзийдиган тўёна бермасак, эл-юрт гап-сўз қилади. Қишлоқда бош кўтаролмай қоламиз.

— Шунақа уятчанмисанлар? — деди Бўрон жаҳл билан. — Болларингнинг ранги-рўйидан уялмайсанлар, а? Тўёнани камроқ берсаларинг иснодга қоласанларми? Қанақа аҳмоқсанлар ўзларинг?! Ўша тоғанг сен берадиган тўёнага зорми? Ўша тўёнасиз тўйи ўтмаса, кучанмай кўя қолсин!

Аёл бечора нима деб гап қайтарсин? Мана шунақа одатларнинг бемаъни эканига унинг ақли етмас эканми? Етади! Фақат тили калта — бировга бир нима дея олмайди. Айниқса, эрига. Охирги маошининг ярмини ичиб совурган бўлса ҳам унга тик қарашга юраги бетламайди. Кўнғелини эзадиган гапларни айтиб, юрагини бўшатгиси келади-ю, ҳамдард топа олмайди. Киприкларини пирпиратиб, кўз ёши оқизишдан ўзга чораси йўқ. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

Ўзга юртларда, ўзга шарт-шарҳит, ўзга урф бағрида ўсиб улғайган Бўрон бу ерга келганидан бери айрим одатларга тушуна олмайди. Қийнала-қийнала топган пулларини битта тўй ёки катта зиёфат билан совуриб юборишларига ҳайрону лол. Аслида пул совуриш масаласида унга етадиган одам топилмаса керак. Лекин унинг сочиши бошқа, буларники бошқа. У бугун сочса, чўнтагини эртага тўлдириб олишига ишонади. Булар эса... Чўнтаги тўлмаслиги аниқ, қозони гўшт кўрмаслиги ҳам аниқ... Энг муҳими — Бўрон ўзи учун сочади. Булар-чи? Кимдан, қандай манфаат бор буларга? Мақсад эл-юрт олдида иснод бўлиб қолишдан қутулишми? „Фалончи тоғасига тузукроқ тўёна қилмабди“ деган гап шунақанги оғир иснодми? Бугун қишлоқ бош кўтариб лаънатлайдимми?! Гўргача кўтариб юрадиган уятми? Бу қадар иснод эмаслигини ҳамма билади. Гапирса, тилига кучи етмаган бир-икки нодон висирлаб қўяди, вассалом! „Иснодга қоламиз“ дейиш — ўзини ўзи алдашдан бошқа нарса эмас.

Бўрон бу одатларга нисбатан норозилигини кимга айтсин? Минг бир юрак азобида пул сўраётган шу муштипаргами? У атрофидаги барча нарсаларга ўғрининг кўзи билан қарарди, ўғрининг дунёқараши ва ақли билан фикрларди. Агар бу ўлкада туғилиб, дин илми билан улғайганида унинг дунёқараши ҳам, хулосаси ҳам, шунга яраша хатти-ҳаракати ҳам ўзгача бўларди. Ҳозир эса... пичирлаб, одатини канда қилмай, русчалаб сўкиниб қўйди-да, чўнтагидан пул

чиқариб, санаб берди. Тилини русча сўкишларга ўргатганига шу қишлоққа келиб қувонди. Ҳар қанча болохонадор қилиб сўкмасин, кўпчилик тушунмайди, тушунмагач, ранжмайди. Алҳол, Тозагул унинг сўкинишига мутлақо аҳамият бермади, аксинча, суюниб, дуо қила-қила ортига чекинди. Сўкишнинг маъносини тушунганда ҳам дили оғримаган бўларди, чунки эрининг кундалик сўкинишлари ҳозиргидан кам эмасди.

Сутни қабул қилиб олувчи йигит дафтарчасига белги қўйгач, Бўронга ҳадиксираб қаради.

— Ака, хафа бўлмайсиз-у, икки-уч литр камроқ ёздим, — деди-да, Бўроннинг қирғийқарашидан чўчиб, дарров ўзини оқлашга киришди: — Нарёқда озгина чиқим бор экан, мен нима дейишса, шуни бажарадиган одамман.

— Нарёқда дегин... — Бўрон шундай деб унинг елкасига қўлини қўйиб, бармоқлари билан омбур каби сиқди, кейин юзига енгил шапалоқ урди. Қаттиқроқ калтакни кутган йигитнинг ранги оқариб, лаблари титраб кетди. — Қўрқма, сенинг айбинг йўқ. Ўша нарёқдаги наҳанг балиқнинг кимлигини менга айтсанг бўлди.

Йигит „айтаман“, деган маънода бош ирғади. Кейин кўзлари бежо бўлиб, атрофга аланглади.

— Айтсам... мени тинч қўйишмайди.

— Сенинг битта тукингни тўккан одамнинг кекирдагини суғуриб оламан, — деди Бўрон дағал оҳангда.

Икки ўт орасида қовжирай бошлаган йигит, юқорироқдаги амал курсисида ўтирган бир одамнинг номини айтгач, Бўроннинг бўшаган бидонларини чайқаб, кажавага боглаб қўйишга уринди. Титроқ бармоқлари ўзига бўйсунмагач, Бўрон „Бунча қўрқоқсан, ўғил бола!“ деб уни нари сурди-да, арқонни таранг тортиб боғлади. Кейин мотоциклни четга олиб, чойхона томон юрди.

Энг четдаги сўрида қишлоқ аҳли „домлажон“ деб эъзозловчи Норйигит Бўрон унча танимайдиган икки киши билан гурунглашиб ўтирган эди. Бўрон жой танламай, ўша томон юрди. Бўрон ҳозир яшаб турган уйини шу Норйигитдан сотиб олган. Норйигит қишлоқ аҳли учун „домлажон“ бўлса, Бўрон учун ўгай ака, лекин буни унинг ўзи билмайди. Унинг билгани — туғилганида отаси урушда бўлган. Урушдан қайтган отасининг ёқимли чехраси бола-

лик хотирасидан ўчмаган, „Нурбек ўғли“ эканини ҳам унутмаган, лекин қишлоқда „Шумқадам“ деб номланган ўғай отаси ҳузурда бу номни тилга олиш мутлақо мумкин эмасди. Норйигит отасининг узоқ Сибир ўлкаларига сургун қилинганини ҳам билади, унинг кейинги тақдиридан эса бехабар.

Нурбекнинг ҳаёти гўё қоқ иккига бўлингандай: биринчи бўлагини катта ўғли Норйигит сал-пал билади, иккинчисидан кенжаси Бўрон хабардор. Тўғрироғи, Бўронга кўпроқ нарса маълум. Бўрон Магаданда улғаяётгандаёқ Ясситепа деган қишлоқда ўғай онаси ва ўғай акаси борлигини биларди. Бунинг акси ўлароқ, Норйигит эса отасининг совуқ ўлкада уйланиб, ўғил кўриши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам этмаган эди. Бўрон сотиладиган уй эгаси ҳақида сўраб-суриштириб, акаси билан кўришмаёқ, уни сиртдан таниган эди.

Норйигитга маълум бўлгани — ҳаёт йўлида бир-икки қоқилиб йиқилган, адашган кимса энди қаддини тиклаб, одамдай яшамоқчи. Отасидан қолган уйни бу „келгинди“ га сотишини ҳам, сотмаслигини билмай, иккиланган онлари ҳам бўлди. Лекин „Йиқилган одамни тепкилайвермаслик керак“, деган одобга риоя қилиб, харидори раъйини қайтармади. „Қишлоққа битта ўғри етишмай турувди“, деб пичинг қилганларга, „Ҳар бир қишлоқнинг ўз ўғриси бўлиши керак, шунда бегона ўғрилар ораламайди, бу одам сизларни балолардан асрайди“, деган ҳазил билан жавоб қайтарди. Бўрон мақсадини айтганида у ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, анчагача уни кузатиб юрди. Астойдил ҳаракатини кўргач, унинг маслаҳатчисига айланди. Тўғрироғи, доно маслаҳатчига эҳтиёж сезган Бўрон унга яқинлашди. Худо бу ака-укани шундай ҳолатда бир-бирига яқин қилиб қўйди.

Норйигит ҳар куни бўлмаса-да, ҳафтада уч-тўрт марта тонг чоғи шу чойхонада нонушта қилади. Кун ёйилгунча гурунглашиб, сўнг мактабига жўнайди. Норйигит пойтахтдаги қандайдир йигинга кетгани учун ўн кундан бери кўринмаётган, Бўрон эса уни соғина бошлаган эди. Кеча чойхўрлардан „Домлажондан дарак борми?“ деб сўраганда „Яна бирон ой юрса керак“, деган жавоб эшитиб, кўнгли сал хижил бўлганди.

---



Бу тонг уни сўрида кўриб, чеҳраси ёришди.

Бўрон бу ердагилар каби ҳол-аҳвол сўрашни билмасди, салом бериш билан чекланарди. Унинг бу тўмтоқлигига кўникиб қолган Норйигитнинг ўзи ҳол-аҳвол сўради:

— Ферма қалай, гуллаб-яшнаяптими?

Бўроннинг „Нимаси гуллайди, ҳаммаёқни таппи босиб кетди“, деган гапини эшитиб, унинг тўпорилигидан кулишди.

— Россиянинг зўр сигирларидан олиб келмоқчи эдингиз, нима бўлди? — деди Норйигит кулгидан тўхтаб.

— Оғайнилар бошқача маслаҳат беришяпти, Голландиядамикин ё бошқа жойдамикин, „Санта гертруд“ деган зотли сигирлар бор экан. Бузогининг ўзи бир тонна чиқаркан. Сути ҳам шунга яраша бўлса керак. Ҳозир оғайнилар шунинг ҳаракатига тушишган. Эплашолса, сизга ҳам иккитасини атаб қўйганман.

— Бузогининг бир тонна бўлгани яхши-я, лекин нархи ҳам бир тонна пулдир? — деди Норйигит кулимсираб. — Чўнтак кўтарадими?

Ўғрининг ниятига нисбатан билдирилган ишончсизлик ҳақорат саналади. Ҳозир Бўрон ўзини ҳақоратланган ҳис қилиб, қошини чимирди. „Сен мени ким деб ўйлаяпсан! Керак бўлса, дунёдаги барча сигирларни сотиб олиб, шу гузарингга териб қўяман“, дегиси келди-ю, катта кетишдан ўзини тия қолди. Норйигит эса гапи ёқинқирамаганини сезиб, мавзуни бурди:

— Бизда „ош пишгунча атала“, деган гап бор, у ёқда иш пишгунча, ўзимиздаги зотли сигирларни сотиб олаверинг.

— Шунақа қилганлари маъқул, — деди сўридагиларнинг бири, уни маъқуллаб. — У ёқлардан келадиган мол бизнинг шароитга ярайдими ё йўқми, Худо биледи. Совуққа ўрганган мол бу ернинг иссиғига чидолмай ҳаром ўлиб қолиши мумкин.

Бу фикр тоза кўнгил билан айтилган бўлса-да, Бўронга гап тагида гап бордай туюлиб яна гашланди. Бу одам совуққа ўрганган молни тилга олиб, худди уни назарда тутгандай бўлди. „Ҳей! Ўзинг молсан! Совуқ ерлардан келган бўлсам ҳам, қарғиш теккан бу овлоғингда ўлгунча қолиш ниятим йўқ, ишим битгач, елкаминг чуқури кўр-

...ин, жойингни ҳам, молингни ҳам пишириб е!“ Афсуски, бунақа дағдагани кўтарадиган даврада эмас. Бўлмаса, сўкина-сўкина тил роҳатлангач, кетидан тепки ҳам ишга тушиб кетиши аниқ эди.

Мўйлаби сабза урган йигитча патнисда қанд-курс, чойнақда чой олиб келиб қўйди. Норйигит чойнакни ўзи томон суриб, қайтарди-да, бир пиёлага қуйиб Бўронга узатди.

— Ола сигирдан кўнглингиз тўлдими?

Бунақа савол сигирнинг яхши ё ёмонлигини ажрата оладиган одамга берилса, тайинли жавоб олиш мумкин. Камроқ мўраб, кўпроқ еб, кўпроқ сут берадиган мол яхши — Бўроннинг билгани шу. Норйигит тилга олган сигирга молбоқар „зўр экан“, деб баҳо берган эди, Бўрон шунни айтди.

Норйигит пойтахтдаги йиғинга кетишдан олдин худди шу чойхонада ўтирганида қўшни қишлоқдаги узоқроқ қариндошида серсут сигир борлигини айтиб, сотиб олишни таклиф қилган эди. Бўрон молбоқарини юборди, ортиқча савдолашмай сотиб олди.

„Сигирга гап йўқ, лекин ўзи жўжабирдай жон, ўн иккита болани сутга тўйдириб келаётган сигирни сотишига гушунмадим“.

Молбоқарнинг шу гапини эслаган Бўрон:

— Одамлар қисир сигирни ё бир ойдан кейин ўладиган молини алдаб сотишга уринади. Қариндошингиз шундай бойлигини сотибди, энди афсусланмаяптимикин? Болалари кўп экан-а? Алам қилаётган бўлса, қайтариб беришим ҳам мумкин, — деди.

— Афсусланишга афсусланади-ю, лекин қайтиб олмайди, — деди Норйигит бош чайқаб. — Бошқа иложи йўқ у бечоранинг.

— Кимни айтяпсиз, домлажон? — деб сўради суҳбатдошлардан бири.

— Тепакантлик Марозиқнинг молини сотиб олувдилар.

— Нега сотибди? Камхаржлиги бор эканми? Ё тўй қилмоқчими?

— Тўйдан ҳам каттароқ ташвишни бошига ўзи юклаб олган, — деди Норйигит афсус оҳангида. — Каттаси мактабни битиряпти, шунини Тошкентга олиб бориб ўқишга жойлаб келмоқчи.

---

— Битта молнинг пулини атаган бўлса, ўқиши катта-роқми, дейман?

— У осилаётган катта дорга битта молнинг пули юқ ҳам бўлмайдиган.

— Оббо! Кўрпасига қараб оёқ узатавермайдими, у нодон. Қанақа ўқиш экан? — деб гапга аралашди иккинчи суҳбатдош.

— „Юрфак“ка кирармиш, — деди Норйигит яна ўша афсус оҳангида.

— Ўқиб, битирса ким бўлади? — деб ажабланди иккинчи суҳбатдош. Унинг соддалигидан шериги аччиқланди:

— Шунга ақлинг етмайдими? — деди у қўлидаги бўшаган пиёлани дастурхон устига тўнкариб қўйиб. — Ё суднинг каттаси, ё прокурор бўлади-да. Марозиқ нодон эмас, бугун сигирини сотса, ўғли суднинг каттаси бўлгач, юзта қорамолни эшигининг тагига қаторлаштириб қўяди.

— Ҳа... оғзининг бир чеккасидан чиқиб кетаверади-а бунақа гаплар. Ўғли беш йил у ёқда ўқигунча, Марозиқ бу ерда ўн иккита боласи билан нақ онасини кўриб ётар? Боласи ўқишини битириб келса, ким унга судни икки қўллаб топшириб қўяркан, шуни ўйлайсанми?

— Братан... — Бўрон шундай деб гапга аралашди-ю, тўхтаб, томоқ қириб қўйди. Ҳамиша „брат“ ёки „братва“, эркалагиси келганда эса „братан“ деб ўрганиб қолган одамнинг бу ер таомилига кўра, тилини „ако“га ўргатиши осон бўлмаган эди. „Братан“ни унутгиси келса-да, беихтиёр айтиб юбориб, суҳбатдошларининг норози ёки ажабланган қарашлари билан „сийланарди“, ҳозир ҳам шундай бўлди. „Братан“ деб юборди-ю, лекин давра аҳлининг норози қарашига фурсат бермай, сўзини тузатиб олди: — Ако тўғри айтяптилар, Марозиқ деганларингиз мингта молини сотиб харжласа ҳам, боласини пултопар ишга яқинлаштиришмайди, бунақа жойларнинг ўз хўжайинлари бўлади. Шуни ҳам билмайсизларми? Сиз билишингиз керак-ку? — Бўрон энди норози қиёфада Норйигитга қаради. — Тушунтирсангиз бўлмайдими? Ҳали ўғли ўқишга кирадими ё йўқми?

— Укам тўғри айтяптилар, домлажон, тушунтиришингиз керак эди. Ҳали ҳам кеч эмас, пулга куйиб қолмасин, боласи қанотига кириб, ота-бобосининг касбини қилаверсин.

— Мен бунақа соҳани сал-пал биламан, — деди Бўронни қувватлаб. — Ҳали имтиҳонлар бошланмай туриб, кимнинг болалари ўқиши олдиндан аниқ бўлади. Битта сигирнинг пулига ўғлимни ўқишга киритаман, деб борганлар ҳамқ бўлиб қолаверишади.

— Бу укамизнинг гапига киринг, Марозиқни йўлдан қайтаринг. Бўронбой валлакатлик қўлиптилар, молини қайтариб олсин-у, болаларининг ризқини қўймасин.

— Мен кўп гапирдим, — деди Норйигит, — ўша ўжарни қайтариш қўлингиздан келса, боринг, инсофга киритолдингиз, савобга қоласиз.

— Сизлар у-бу дейсизлар-у, лекин Марозиқ яхшиликни ният қилмабди, — деди пиёлани тўнтарган суҳбатдош.

— Ўглини ўқитиш ёмон ниятга кирадими? — деди бунақа унинг гапини қайириб.

— Сен ҳаммиша калта ўйлайсан. Ўқиши яхши, лекин қўлиб мақсади-чи? Суднинг каттаси бўлишми? Суд бўлиб, харажатларини чиқариб оладими? Қандай чиқариши-ни биларсан? Бировларни чирқиратиб топган пуллари билан бахтли бўлмоқчимми? Бешқўрғонда шунақа бахтга эришганини божамдан эшитувдим. Худди Марозиққа ўхшаган қўдон одам боласини ўқитиб, ниятига етибди. Боласи судга ишлайдиган бўлиб, қўлига ҳаром пул тушибди-ю, ота-бобога берибди. Ота бошига бахт қуши ўтирганидан қувониб, шу пулга иккита зотли сигир сотиб олибди. Уч-тўрт сон керилиб юрибди. Бешинчи куни молхонага кириб қарасаки, ҳаром пулга келган иккита сигирга қўшилиб, қўлининг тўрт ғунажини ҳам ҳаром ўлиб ётганмиш. Бунга қўлима дейсан?

— Нима дердим, бир фалокат-да, бу.

— Фалокат ўзидан ўзи келмайди.

— Бу фалокат деганингиз бир ривоятни тасдиқлабди, — деди Норйигит ҳамсуҳбатлари бошлаётган баҳсни босиб қўлисади.

— Айтинг ўша ривоятни, бу эшитсин.

— Ҳа, айтинг, бу ҳам калласини ишлатсин.

Норйигит уларни тинчителиш учун кулимсираганича гап қўлибди:

— Бир чўпоннинг хўжайини ўтакетган бахил ва ҳаромчи бўлган. Чўпон сурувни ўтлатиб келиб, соғиб бергач, сутта

сув қўшаркан. Чўпон „Хўжайин бу ишни қилманг, Худонинг қаҳри келади“, деб зорланса ҳам, ҳаромдан қайтмас экан. Бир куни оқшомда чўпоннинг бир ўзи кириб келаятганмиш. „Ҳой, сурув қани?“ дебди хўжайин. „Сел олиб кетди“, дебди чўпон. „Қанақа сел?“ деб бақрибди хўжайин. „Сиз сутга қўшган сувлар қўшилиб селга айланди-ю, қўларингизни дарёга оқизиб кетди“, деган экан чўпон.

— Зўр гап бўлди! Марозиққа шуни бориб айтинг.

— Марозиқни тинч қўй, унинг ўз калласи бор. Сенинг калланг билан яшамайди!

Бу ерликларнинг арзимаган нарсага баҳслашиб кетиши Бўронга ёқмайди. Ҳар бир масалани кескин ҳал қилишга кўниккан ўзга дунё одамига ҳозирги гаплар ҳам саёз туюлиб, тўхтатишни истади.

— Аколар, чойдан ичинг, — деб „Қуйиб берсангиз-чи“, деган маънода Норйигитга қаради.

— Чойдан ичавериб, ичимиз шилқиллаб кетди. Домлажон, шаҳардаги гаплардан айтинг, — деди баҳсни бошлаган киши.

— Бормисиз, ако, — деди Бўрон жилмайиб. — Домлажондан гап олиб, фойдаланиб қолиш керак.

— Ҳа-ҳа, шунақа бўлсин, домлажон, шаҳар қалай, жойидами?

— Жойидамас, — деди Норйигит муғомбирлик билан кулимсираб. — Уч қулоч нарига силжибди.

Савол берган одам бу ҳазилнинг тагига етгунча, иккинчиси кулиб, уни масхаралади.

— Мажлисга бордингизми? — деб сўради Бўрон, уларга эътибор бермай.

— Мажлис эмас, малака ошириш ўқишига бордим. Икки ойга деб чақиртиришувди, ўн кунда жавоб бериб юборишди, шунисига қувониб қайтавердим. Икки ой ўқийдиган гап йўқ у ерда.

Бўрон бу соҳага тушунмаса ҳам, беихтиёр равишда „Нега?“ деб сўради. Норйигит бу саволни астойдил қизиқиш натижаси деб билиб, тушунтира кетди:

— Ҳозир тарих илмини ҳар ким ўзи истаган йўлга соладиган бўлиб қолди. Аниқ бир маслак йўқ. Битта олим „Тарихдаги бу воқеа ёмон фожа“, деса, иккинчиси „Йўқ, ижобий ҳодиса“, деб ўзиникини маъқуллайди. Олимлар

келишолмай турганда бизга ўхшаган ўқитувчилар нима қи-тишсин?

— Ўқитувчиларнинг ўз гапи йўқми?

— Гапи бор, етарли билими ҳам бор. Лекин юқорида тасдиқланган дарс режаси ҳам бор. Бу қолипдан чиқиш мумкин эмас.

— Қолипдан чиққан бош шарт кесилладими? — деб кесатди Бўрон.

— Кесилмаса ҳам шўрига шўрва тўкилиши аниқ. Яна бир йил чидасам, пенсияга чиқиб кетаман.

— Ие, домлажон, бултур Исоқ домла пенсияга чиқувдилар, энди сиз ҳам кетаман, деб турсангиз, болларнинг аҳволи нима бўлади?

Норйигит бу эътирозга жавоб бергиси келмай, Бўронга қаради:

— Малака ошириш институтида устозимни учратиб қолдим. У кишининг кайфияти меникидан ҳам баттар. „Сенга яхши, ишдан кетсанг боғинг бор, молинг бор, қора қозонинг қайнаб туради. Мен кетсам, ойлик маошга ўрганган тирикчилигим нима бўлади?“ дейди.

— Унда ишлайверсин, — деди Бўрон лоқайд оҳангда.

— Ишляпти... Лекин... Шогирдларидан уялар экан.

— Нега?

— Ҳатто мендан ҳам уялар экан. Қизиқ-а? Менам ажабландим. Сабабини кейин айтди. Институтда ўқиб юрганимизда шу киши партия тарихидан дарс берарди, деярли ҳар дарсда партия программасини гапиравериб, саксонинчи йилда коммунизм ғалаба қозонишига бизни ишонтирган эди. Унинг ақидасига кўра, ҳозир бизлар коммунизмда яшашимиз керак эди. Саксонинчи йиллар ўтиб боряпти, қани ўша коммунизм?

— Билмайсизми, қаердалигини? Сизни-ку, институтда ишонтиришган экан. Болалар қамоқхонасида ўтирганимда бизда ҳам шу гап эди. Бир куни тарбиячимиз „Коммунизм, ана, уфқда кўриниб турибди“, деди. Мен тентаклик қилиб, „Уфқда кўриниб турган бўлса, етиб бўлмас йўқ нарса экан-да“, дебман. „Аҳмоқона гапингни тушунтириб бер“, деди. „Уфққа етиб бўлмайди-ку, сиз уфқ сари бораверасиз, у эса сиздан узоқлашаверади“, дедим, ақлимни киритиш учун ўн кун карцерга ўтқазиб қўйишди. „Кар-

келишолмай турганда бизга ўхшаган ўқитувчилар нима қилишсин?

— Ўқитувчиларнинг ўз гапи йўқми?

— Гапи бор, етарли билими ҳам бор. Лекин юқорида тасдиқланган дарс режаси ҳам бор. Бу қолипдан чиқиш мумкин эмас.

— Қолипдан чиққан бош шарт кесиладими? — деб кесатди Бўрон.

— Кесилмаса ҳам шўрига шўрва тўкилиши аниқ. Яна бир йил чидасам, пенсияга чиқиб кетаман.

— Ие, домлажон, бултур Исоқ домла пенсияга чиқувдилар, энди сиз ҳам кетаман, деб турсангиз, болларнинг аҳволи нима бўлади?

Норийгит бу эътирозга жавоб бергиси келмай, Бўронга қаради:

— Малака ошириш институтида устозимни учратиб қолдим. У кишининг кайфияти меникидан ҳам баттар. „Сенга яхши, ишдан кетсанг боғинг бор, молинг бор, қора қозонинг қайнаб туради. Мен кетсам, ойлик маошга ўрганган тирикчилигим нима бўлади?“ дейди.

— Унда ишлайверсин, — деди Бўрон лоқайд оҳангда.

— Ишляпти... Лекин... Шогирдларидан уялар экан.

— Нега?

— Ҳатто мендан ҳам уялар экан. Қизиқ-а? Менам ажаб-тандим. Сабабини кейин айтди. Институтда ўқиб юрганимизда шу киши партия тарихидан дарс берарди, деярли ҳар дарсда партия программасини гапиравериб, саксонинчи йилда коммунизм галаба қозонишига бизни ишонтирган эди. Унинг ақидасига кўра, ҳозир бизлар коммунизмда яшашимиз керак эди. Саксонинчи йиллар ўтиб боряпти, қани ўша коммунизм?

— Билмайсизми, қаердалигини? Сизни-ку, институтда ишонтиришган экан. Болалар қамоқхонасида ўтирганимиз бизда ҳам шу гап эди. Бир куни тарбиячимиз „Коммунизм, ана, уфқда кўриниб турибди“, деди. Мен тентаклик қилиб. „Уфқда кўриниб турган бўлса, етиб бўлмас йўқ нарса экан-да“, дебман. „Аҳмоқона гапингни тушунтириб бер“. деди. „Уфққа етиб бўлмайди-ку, сиз уфқ сари бора-верасиз, у эса сиздан узоқлашаверади“, дедим, ақлимни киритиш учун ўн кун карцерга ўтқазиб қўйишди. „Кар-

цер“ дегани қамоқнинг ичидаги лаънат теккан бир қамоқ-хона. Тарашадек тиришиб ётаверасан, итмисан, одаммисан, биров қарамайди. Кунда бир кружка совуқ сув, бир бурда қора нон ташлаб қўйишади.

— Қамоқдаги дўзах денг?

— Дўзах бўлса қанийди, исиниб олардик. Хуллас, карцердан чиққанимда „Энди коммунизм қанақалигини билдингми?“ деб яна сўрашди. Бошимга бало соладиган тилим бор-да, индамасам, қутулардим, лекин „Билдим, карцернинг ўзи экан“, дедим, яна йигирма кун „коммунизм“да яшадим.

Бўрон қамоқни тилга олишдан ўзини тийишга уринса-да, баъзан беихтиёр айтиб юборарди. Аслида ўтмишини яширишга уриниши бемаънилик эди. Тили айтмаса ҳам, икки бармоғидаги, билагадаги татуировкаси унинг кимлигини сўзлаб турарди. Тагин ҳам яланғоч юрмайди, юргандами, кўкрагидаги, курагидаги суратлар бу ердагиларнинг эсини тескари қилиб юборармиди... Ўғрилар оламини озмоз билган одам унинг билагадаги ханжарга ўралиб турган, бошига тож қўндирилган илон суратини кўргандаёқ, ўғрилар оламининг қиролларидан бирита рўпара келганини билиб, тиззасида қалтироқ туриши аниқ эди. Курагига чизилган яланғоч хотинга ўралиб турган илон шафқатсизлик рамзи эканини билса-чи? Шунга қарамай, қандай даврала бўлмасин, Бўрон қамоқдаги ҳаётдан гап очса, суҳбатдошлари бир-бирларига маънодор қараб қўйишарди. Бу қарашда озми-кўпми хавотир, ҳатто кўрқув зоҳир бўларди. Ҳозир ҳазил аралаш гапиргани учун бундай ҳол юз бермади. Унинг ҳазил оҳангини суҳбатдошлари давом эттиришди:

— Ҳа-а... Нақ Солимурад бованинг гапини қилган экансиз. Домлажон, эсингиздами, худди шу ерда райком бова мажлис қилиб коммунизмни мақтаганида Солимурад бова туриб, „Коммунизм деганларинг ҳозирги туриш-турмушимизми ё бунданам баттар бўлами?“ деганди. Райком бова яна обдан тушунтиргандан кейин „Ҳа-а... Худога шукр, биз-ку кўрмас эканмиз, набиралар кўрармикин, деб кўрқаман-да“, деган эди, а?

Бу гапни эслаб кулдилар. Бўрон эса бошқа нарсани ўйлади: қирқ йил муқаддам унинг отаси ҳам мактабда тарихдан дарс берган, эҳтимол, мактабда болаларга, балки



шу чойхонада катталарга социализм-у коммунизм ҳақида кўпиртириб гапиргандир. Нурли жамият ҳақидаги гапларнинг ёлғонлигини ўйлаб кўрмагандир, ўзи ҳам кўп қатори астойдил ишонгандир. Шу ишончи учун уруш йиллар жангга киргандир. Кейин... Магаданга сургун қилинганда шу ишончи қолганмиди? Ўзи мақтаган жаннатни ўша совуқ ўлкада топдими? Юқоридаги сўрида ўтирган қариялар урушдан кейин бола ёшида бўлганлар. Улар Нурбек деган муаллимларини эсласалар керак. Унинг ҳавойи ҳикоялари ҳам ёдларидамикин? Муаллим ўшанда уларни порлоқ келажакка ишонтира олганмикин? Энди ўша болалик чоғларини эслашганда муаллимлари ҳақида нима дейишаркин? „Жуда-а нодон экан-да“, дейишмайдими? Муаллимни нодонликка нима ундаганини, мажбурлаганини улар ўйлаб ҳам кўйишмайди. Маъносиз гап кимнинг тилидан учса, нодонлик жандасига ўшанинг ўзи ўралади, гап ўргатган четда томошабин бўлиб қолаверади. Демак... унинг отасини нодон сифатида эслашадими? Бу ўғай акаси-чи? Отасини таниганлар унга нима дейишар экан?

Бўрон қариялар билан суҳбатлашиб, отаси ҳақида сўрашни истарди, лекин сирни фош қилиш мавриди келмагани учун ўзини тиярди. Бу маврид қачон келишини ўзи ҳам аниқ билмас эди. Балки бу маврид бутунлай келмас, мўлжалидаги ишини бажаргач, бирдан ғойиб бўлар, ўғай акаси бу дунёда укаси борлигини билмай ҳам қолар...

Шу онда гузарда оқсоқланган қария кўриниб, жавобга шайланган Норйигитнинг гапи оғзида қолди. Бисотидаги биттагина медалини ёзда юпқа кўйлагига, қишда тўнига тақиб юрувчи бу оқсоқ чол қишлоқ эмас, район аҳлига беш қўлдай маълум. Одамларнинг гапига қараганда, урушдаги иштирокини тасдиқ этувчи бу медалини кечаси ичкўйлагига тақиб ётаркан. Оғзига кучи етмаганларнинг айтишича, „Ўлсам, медалимни кафанимга тақиб қўйинглар“, деб васият қилиб қўйганмиш... Бу гап қанчалик тўғри, яна Худо билади... Бировлар ишонади, бошқалар йўқ. Бўрон ҳам эшитган-у, ишонган. Унинг Ясиртепага келишдан мақсадларидан бири шу одамни топиш, ўлик бўлса, гўрини текислаб ташлаш, тирик бўлса, азоблаб ўлдириш эди. Гарчи у тобе оламда „Сен ҳаёт бермагансан, уни тортиб олишга ҳам ҳаққинг йўқ“, деган қонун билан одам ўлдиришга

---

ижозат берилмаса-да, бу қонунни бузишга аҳди бор эди. Магаданда кичкина, кучсиз қўлларига белкурак олиб, музлаган ерни кавлаб, отасини кўмганда унда шундай аҳд уйғонган, йиллар давомида фурсат пойлаб яшаган эди. Отасини кўмганда қасос уйғонгани билан бу одам ҳақида ҳали ҳеч нима билмасди. Учқудуқ қамоқ лагеридида ўтирганида онаси видолашгани келиб, ҳақиқатни аён қилиб кетгач, қасос олови баттар аланга олган эди. Ясситепадаги асосий ишини ўринлатгач, қишлоқни тарк этишдан олдин буни-сини ҳам амалга оширишга тайёр эди. Бу оқсоқни ҳар кўрганда қалбидидаги аҳд титилган чўғ каби юрагини куйдира бошларди.

— Домлажон, отангизнинг шашти пастроқми? Онангизнинг мазалари яхшими, ишқилиб?

— Худодан умидимиз бор.

Норйигит шундай деб гапни қисқа қилди-да, ўзича фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди. Чойхона томон келаётган отаси билан йўл-йўлакай қуруққина саломлашиб ўтиб кетди.

— Домлажон, ақли одам-у, шу одати яхши эмас-да, — деди суҳбатдошлардан бири унинг бу қилиғидан ранжиб.

— Нимаси яхшимас, тўғри қилади, — деди иккинчиси.

— Ўғай бўлса ҳам отаси. Боқиб катта қилган, ўқитган.

— Бунақа отанинг гўрда чиригани яхши. Тагин ҳам домлажон жангари эмас, отасининг хунини олишга ҳам ҳақли эди.

— Билмаган гапингни гапираверма. Отасини бу қаматмаган.

— Сенам билмаган гапингни гапирма. Шу шумқадам қаматган. Домлажон буни аниқ билади. Билмаганида туз ҳақини бажарарди.

— Бу кишини кўпчилик „шумқадам“ деркан, нима ёмонлиги бор? — деб сўради Бўрон ҳеч нарсани билмайдиган одамдай.

— Бу шумқадам кирган хонадондан файзу барака қочади, — деди асабийлашаётган суҳбатдош.

— Билмаган гапингни гапирма, бу одамнинг асли исми Фиёс, урушдан яраланиб қайтганидан кейин почтачилик қилган. Почтачи бўлганидан кейин қорахатларни шу олиб келади-да. Шумхабар келтиргани учун одамлар „шумқа-

сам” деб ўрганиб қолишган. Аслида бировга ёмонлиги йўқ. Бу акангизга ўхшаганлар гапираверишади.

Бўрон шунчаки сўраган, буларнинг баҳс бошлашини кутмагани, шу сабабли гузарнинг нариги бетига жойлашган милиция идораси эшиги оғзида пайдо бўлган одамга кўзи тушиши билан суҳбат мавзуини буриб юборди:

— Милисанинг каттасига янги ўринбосар келибдими? — деди ўша томон ишора қилиб.

— Энди билдингизми? Бир ойдан ошди шекилли? Ҳар кунни эрталаб ўша ерда туриб, чойхона томонга тикилиб олади. Шу томонда гумони бор шекилли?

— Чойхонада гумон нима қилади? У тутиб қамайдиган одам чойхонада чой шопириб ўтирарканми?

— Эрталаб ҳаммадан олдин келади.

— Балки шу идорада ётиб қолса керак?

— Бўлиши мумкин. Тошкентда катта ишда ишлаган экан, бировнинг шўрини қуришиб қўйгани учун погонини олиб олай дейишибди-ю, кейин аяб, бу ёққа сургун қил-ворибди. Келгани бу ернинг каттасига ёқмаганмиш.

— Нега? — Бўрон фавқулодда янгилик эшитиб ажабланган одам қиёфасида суҳбатдошига тикилди.

— Бирон йил ўтиб, гуноҳи эскиса, шу ернинг каттаси бўлиб қолиши ҳам ҳеч гапмас-да. Оғзидаги ошни олдириб қўйиш кимга ҳам ёқарди...

Шумқadam улар ўтирган сўри ёнидан ўтиб, юқоридаги қариялар томон юрди. Суҳбатдошлардан бири ўрнидан қўзғолиб, салом берди. Иккинчиси индамади. Бўрон ҳам уни жим кузатди.

Куёш нури билан ўйнашаётган оқ булут парчаларини енгил шабада суриб кетиб, кунботар томондан қора булутлар бостириб кела бошлади. Ҳузурбахш шабада қайдандир куч олиб, теракларни астойдил эга кетди. Дарахтлар мастона чайқалиб, момақалди роқ овози эшитилди.

— Кеча юқорини сел олган экан, бугун Ясситепанинг гаги шекилли, — деди суҳбатдошлардан бири осмонга қараб.

— Сел келмайди, шамол кучайяпти, суриб кетади. Юқорининг чаласи бордир, яна ўша ёқни сел олади.

Бўрон „Ёмғир ташламасидан уйимга етиб олай“, деган баҳонада ўрнидан турди. Мотоциклга ўтираётиб, милиция идораси томон ўгринча қаради. Бошлиқнинг янги ўринбо-

сари ҳануз эшик оғзида турарди. Энди чойхона томонни эмас, мотоциклига ўтираётган Бўронни кузатарди.

„Кўп тикилаверма, фараон, яна кўзларинг тешилиб кетмасин. Менга тишинг ўтмайди, урилиб келганмишсан, деб эшитдим. Гердаиб туришингга қараганда урилганга ўхшамайсан. Дардинг Ўлатнинг ё ўзини, ё молини топишдир, а? Майли, уриниб кўр... Мен қилиқларингни би-ир томоша қилай. Сенларнинг мингта найрангларинг менинг чўнтагимдан тушиб қолганини билмайсан-а...“

Бўрон шуларни хаёлидан ўтказиб, истеҳзо билан кулиб қўйгач, мотоциклини юргазди. Айланма йўлдан ўтаётиб, рақибига яна ўғринча назар ташлаб қўйди.

Уйга етай деганда ёмгир қуйиб берди. Мотоциклидан тушиб, эшигига етгунча шалоббо бўлди. Кийимини алмаштириб, электр чойнакни қўйди-да, ўзига қўлбола аччиқ чой дамлаб, яна бир қайнатиб олди. Қайноқ аччиқ чой вужудига қувват бергандай бўлиб, роҳатланиб керишди. Ухлаш нияти йўқ, „чефир“ аталмиш аччиқ чой ҳар қандай уйқуни қочириб юборади. Шундай бўлса-да, отасидан қолган симкаравотга чўзилиб, қўлини болиш қилганича тўсинлари қорайиб кетган шифтга тикилиб ётди.

Бу уйда қачонлардир бахт қуёши чарақлаган... Қуёш осмонга миҳлаб қўйилмаган, ўз вақтида ботади... Бу уйда бахт қуёши ҳам ботган. Ботган-у... қайта бош кўтармаган. Шодон кулгилар синган девор сувоқлари энди нурай бошлаган. Қачондир шу уйга чимилдиқ тутилган... Угай акасининг киндик қони шу уйга тўкилган. У ҳам шу уйда туғилиши мумкин эди... Бу уйда туғилганида исмини „Кувонч“ деб қўйишарди. Отасига шу исм ёқар экан. Лекин онаси „Сарсон-саргардонликда кувонч нима қилсин, бўрон пайтида туғилди, оти „Бўрон“ бўлаверсин“, деган экан. Шундан бери Бўрон... Билганлар исми дейди, билмаганлар камокда орттирган лақаби, деб ўйлайди. Ҳар ҳолда русчасига „Буран“ дейилиши исмга нисбатан лақабга яқин эди.

Ташқаридаги шамол кучдан кетиб, ёмгирнинг шашти пасайгани билан тинмади, эзиб ёгаверди. Бўрон тирсагига ёнбошлаб, дераза оша ташқарига бирпас тикилиб ётгач, қаддини кўтарди. Токчага қўл узатиб, қават-қават газетага ўраб қўйилган дафтарларни олди. Бу ерга кичик жомадон билан келган, икки-уч сидра кийим-бош у учун аҳамият-

...из бир матоҳ эди. Жомадондаги энг қимматбаҳо нарса — бу дафтарлар-у, енгига ямоқ солинган кўйлак. Дафтарларни эҳтиёт қилиш учун ҳам жомадонни кўтариб юради. Отасидан совуқ ўлканинг хотираси-ю, шу дафтарлар ва кўйлак мерос қолган. Кўйлак доим ёстиғи остида бўлади. Дафтарлар токчада... Вақт-вақти билан дафтарларни варақ-тайди. Қайта-қайта ўқийверганидан кўп сатрлар ёд бўлиб кетган. Ранги ўча бошлаган ҳарфларга тикилганида отасини кўргандек бўлади. Ҳозир ҳам отаси билан ғойибона кўришди гўё... Дераза токчасига омонат ўтириб, биринчи дафтарни очиб, ўқий бошлади:

„1947 йил, февраль, Сеймчан... Юрагимни суғуриб олишганига бир йилдан ошди. Ҳа, ҳозир мен тирик одам эмасман. Отамнинг уйида қўлимга кишан уриб, судраб чиқишгандаёқ жоним узилган. Юрагим ота уйида қолиб, кўруқ жисмимни бу ўлкага олиб келиб ташлашган. Жисм билан юрак яна топишадими, йўқми, Худо билади!

Одам зоти тиллани яхши кўради. Тилла учун жон бериб, жон олади. Тилланинг таркибини геологлар нима демишади, билмайман. Авваллари бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эдим. Энди аниқ биламан: тилла одам қонидан таркиб топган! Шу тиллани кавлаб оламан деб бу ерда мингларча одам қирилиб кетяпти. Мен ўша ўлиб кетганларга ҳавас қиламан, ҳар ҳолда ўлим улар учун ҳалоскор бўлди — ит азобларидан қутқарди.

Бугун қўлимга чўкич бериб, мени шахтага ҳайдашди. Бу ўзига яраша жазо. Хўжайинларга яхши кўринсам, замбилгалтакни белимга боғлаб олиб, шахтадан тупроғу тошларни ташиб чиқардим. Дарё бўйида сувга беланиб тош-у тупроқ ювиш ёз кезлари яхши, лекин бу ернинг ёзи бир нафасда ўтиб кетади. Тош-у тупроқ юувчиларнинг қўллари сувда совуқ олиб, акашак бўлиб қолади... „Отиб ташлашга арзийдиган жиноят қилсак бўларкан“, деб афсусланамиз. Шу аҳволда ҳам баъзан тирик қолишга умид уйғонади. Тушларимда ота уйига бораман... Кўп бораман... Шундан чўчийман. Қайтишим туш билан чекланишидан кўрқаман. Уйимга қайтиб бориб, бир соатгина бўлса ҳам ташашни истайман. Ўғлимнинг ширин кулгичли юзидан бир мартагина ўпсам ҳам майли... Умид қилавериш керак. Урушда юрганимда ҳам шунақа умид қилардим.

---

Бугун шахтанинг оғир қисмига етдим. Тупроқ тугаб, муз бошланди. Тиззалаб олиб, чўкич урганимда муз парчалари сачраб юзларимни тилиб ташлади. Бошим айланиб, силлам қуриди. Тутай бошлаган машғала ёруғида бир одамнинг чақчайган кўзлари кўринди. Кўрқиб кетдим. Қарасам, рўё эмас, чиндан ҳам муз орасида кўзлари чақчайган бир одам ётибди. Худди тирикдай... Менга ўхшаб қазийтганида шахта ё ўпирилган, ё сув босиб, кейин музлаган... Пахталигига тикилган рақамлар аниқ кўриниб турибди..."

### „НОЗИК“ ТОҒАНИНГ ЖИЯНИ

Ясситепанинг маркази худди кўшкка ўхшайди. Қандайдир афсонавий баҳодир афсонавий баҳайбат кетмонида тоғ бағрини кертиб-кертиб, гўё айлана кўшк ясаб қўйган эди. Оқсоқолларнинг ривоятига кўра, бу жойда илгари кўл бўлган. Зилзила тоғларни қаттиқ силкиб олганда кўлнинг кунчиқар томони ўпирилиб, сув қуригану кўркам кўшк ҳосил бўлган. Советларнинг ҳукми ўрнатилгунига қадар гир айлана қурилган уйлар қишлоқнинг асосини ташкил этарди. „Кўшк“ ўртаси — яланглик пода қайтганда молларнинг „нафас ростлайдиган“ майдони эди. Бухоро амири қочиб, беқларининг ҳам изи қуригач, „кўшк“нинг кўрки бўлиб турган Садрқулбойнинг уйини большевиклар тортиб олишиб, „Қизил чойхона“ деб ном беришди. Бунга қадар ҳар бир одам нонуштасини ҳам, пешинлик, кечки таомини ҳам уйида, оиласи даврасида тановул қиларди. Ҳар турли тадбирларни ўйлаб топган қизиллар эрларни оила дастурхонидан юлқиб олиб, чойхонага ўргатишди. Мажлислар ҳам шу ерда ўтказиларди, колхоз қуриш ҳақидаги аҳдларини шунда эълон қилиб, қарсақлар чалишган, битта эчкиси бор ҳамқишлоқларини „муштумзўр“, „текин-хўр“ деган тавқи лаънат билан „қулоқ“ қилиш ҳақидаги қарорлар ҳам шу қизил чойхонада овозга қўйилган.

Йиллар шу зайлда ўтаверди, кўшкнинг олд қаторидаги уйлар турли сабаблар билан бўшайверди. Бўшаган уйларнинг бирини колхоз идораси, яна бирини милисахона эгаллади. Бу идора халқ тилида ҳозир „милисахона“ деб аталади. Урушдан олдинги ва кейинги йилларда „НКВД“ деб юритиларди. Гарчи „ички ишлар халқ комиссарлиги“

деб аталса-да, номининг ўзиёқ халқни қўрқувга солиб турди.

У даврлар ўтиб кетди. Бу идоранинг номи ҳам ўзгарди, биноти ҳам қайтадан қурилди. Тўғри яшаётган одамлар энди бу идорадан қўрқмайди. Аксинча, чойхонада бемалол туриб олиниб, кичик милиционердан тортиб, каттасигача, бемалол муҳокама қилинаверади. Яқинда хизматини бошлаган Равшанов бундай муҳокамалардан қуруқ қолмаган. Тўғри, идорада ётиб қолиб, туни билан мижжа қоқмай ишлайдиган ҳолатлар ҳам бўлади. Лекин чойхонадаги гап-та айтилгандай, доим ётиб қолмайди идорада. Барвақт туриб, хизматга барчадан олдин келиш одатини бу ерда ҳам қилмаган.

Бугун чойхона томон қарагани ҳам тўғри, лекин ҳаммиша тикилиб туради, дейишлари асоссиз. Сичқондан фил часаш қўлларидан келмаганидан кейин шунақа лоф билан папиришса, айб эмасдир. Равшанов мотоциклига ўтираётган Бўронни диққат билан кузатмади, шунчаки назар таштаб кўйди. Ҳамиша таъқиб остида яшаб келаётган одам учун тажрибали милиция офицерининг шу назари ҳам кифоя эди.

Бўрон мотоциклини патиллатиб узоқлашгач, Равшанов ичкари кириб, навбатчининг ахборотини тинглади-да, онасига ўтди. Терговчи сигир ўғриси устидан қўзгатилган жинорий ишни кеча оқшом якунлаб, ҳужжатларни судга оширишга тайёрлаган эди. Ашаддий жиноят сифатида талқин этилган „Иш“ Равшановга ажабланарли туюлди. „Ўғри“ деб айбланаётган одам куппа-кундузи молхонага кирган, сигирни бемалол етаклаб чиқаётганини кўшнилари кўрган, бир қишлоқдан иккинчисига олиб бориб, дарахтга боғлаб қўйган. Сигир ўғирланган молхона собиқ қайнонасиники, сигир боғланган дарахт онасиники... Равшанов айбланувчининг тушунтириш хатини яна бир карра ўқиди. Бу хатни ёзган одам мактабда неча йил ўқиганини аниқлаш мушкул, лекин унинг ўзбек тилида неча ҳарф борлигини билмаслиги ойдин эди. Равшанов биринчи марта ўқиганида ҳеч нарса тушунмади. Кейингисида ҳарфни ҳарфга уриштириб ўқиб, сатрлардан бир маъно чиқариб, англагандай бўлди. Айбланувчининг ёзишича, у Ясситепага ичкуёв бўлган. Онаси марҳамат қилиб, унга бир сигир

берган. Куёв бўлмишнинг қайнонаси айби билан сигир бўкиб ўлгач. Орадан кўп ўтмай, Ясситепанинг ичкуёви хотини билан феъли келишмай, талоқ қўйган-да, қишлоғига қайтган. Онаси „Мен сени сигир билан юборган эдим, қуруқ қайтаверасанми“, деб маломат қилавергач, изига қайтган-у, қайнонасининг сигирини етаклаб келаверган.

Бу ҳолат жинойий ишга нисбатан афандининг кулгили қилиғига ўшарди. Айбланувчи тўғриси эътибор берган. Собиқ қайнонаси эса уни жиноятда айблаган. Терговчи шу даъво бўйича хулоса ясаган. Равшанов ишнинг бу тарзда юритилиб, мантқиқсиз яқунланганидан аччиқланиб, терговчини чақиртирди. Терговчи ёш бўлганида қаттиқ-қаттиқ гаплар билан танбеҳ берарди. Семизлиги туфайли тинмай хансирайдиган терговчини биринчи кўрганидаёқ „Бу аҳволда қандай ишлайди“ деб ажабланган эди. Ярим йилдан сўнг истеъфога чиқишини билгач, индамаганди. Ҳозир ҳам қаттиқ гапиришдан ўзини тийди.

— Ўғри йигит зиндонингизда неча кундан бери ўтириб-ди? — деб сўради у терговчига қарамасликка тиришиб.

— Бир ой бўлиб қолди, ўртоқ бошлиқ, — деди терговчи пишиллаб, кейин бошлиғига хавотир билан тикилиб, изоҳ бермоққа журъат этди: — Лекин... зиндон эмас, вақтинча қамоқхона...

— Шунақами? Масковдаги ошналарингиз бунақа жойни „маймунхона“ дейишади, қайси бири тўғри?

Терговчи бу сафар жавоб бермасликни маъқул кўриб, елкасини қисиб қўйди-да, маҳмадоналиги учун ўзини ичида яниб қўйди. Равшанов „маймунхона“ масаласини аниқлаштириш учун сўрамаган, шунчаки тилига келиб қолгани учун айтгани сабабли терговчидан изоҳ кутмай, муддаога кўчди:

— Белгиланган хулосангизга қараганда, суд уни камида уч йилга қамаши мумкин, шундайми?

— Худди шундай. ўртоқ бошлиқ.

— Ўзимизда бир ой ўтиргани кифоя қилмайдими?

— Билмадим, ўртоқ бошлиқ, сиз нима десангиз шу. Лекин қайнонаси жуда шаллақи хотин. Қўйиб юборсак, юдурига арз қилади.

— Чақиринг ўғри болангизни, — деб гапни кесди Равшанов.



Бошлигининг мақсадини аниқ билолмаган терговчи шошилиб қолди. Ташқарига чиқиб, бир неча дақиқадан сунг айбланувчини олдига солиб олиб кирди. Узун бўйли ўзгин йигит Равшановга кўрқув билан қаради. Чап ёногининг кўкарганини кўрган Равшанов „Бақалоқнинг ўзи урдирганмикин ё бировга урдирганмикин?“ деб ўйлади.

— Сигир ўғирлаганингни тан оласанми? — деди Равшанов унга очик чехра билан қараб.

Бу қараш йигитга далда бериб, бош чайқади.

— Ўғирламадим, ўзимнинг сигиримни олдим.

— Сенинг сигиринг ҳаром ўлган экан-ку?

— Фарқи йўқ; ўринга ўрин-да.

— Шунақами? — Равшанов истехзо билан кулимсиради: — Худо кўрсатмасин-у, хотининг ўлиб қолганида ўрнида кимни олиб қайтардинг уйингга?

— Хотин бошқа, қорамол бошқа, — деди йигит солдалик билан. Кейин ҳақини талаб қилгандай кўшиб кўйди: — Сигиримни ўлдириб кўйгани учун қайнонамни қамамадингиз-ку?

— Ариза берганингда қамамасак ҳам, балки чора кўрардик...

— Аризани мен бераманми? Қайнонасида арз қилади-сан ҳажикиз бўлиб юраманми кейин?

— Хотининг билан ярашсанг қайнонанг даъвосидан кечаркан.

Равшанов бу гапни таваккалига айтиб юборган эди. Йигит ишониб, унга тикилганича жимиб қолди. „Яралишга умиди бор экан бечоранинг“, деб ўйлаган Равшанов уни жавоб беришга шоширмади.

— Ярашолмайман... уч талоқ кўйганман, — деди йигит афсус билан.

— Тилдаги талоғинг ўтмайди, никоҳдан ўчмабсан-ку? Бизнинг жамиятда қоғоздаги никоҳ ҳақиқий ҳисобланади.

— Масжиддаги домла кўнмаслиги мумкин.

— Биз айтсак, кўнади. Бўлдими, иш битдими?

— Йўқ, битмади. Онам энди сигирни бермайди. Қайнонам сигирсиз мени уйига кўймайди.

— Бу билан ишинг бўлмасин. Мана, капитан амакинг бу ёғини қойиллатиб беради. Капитан, укангизни кузатиб, хотини билан яраштириб кўйинг, қайнонаси аризасини

қайтариб олсин. Сигир масаласини ҳам ҳал қилинг. Менга пешинда ҳисобот берасиз.

Шундай деб судга оширишга тайёрлаб қўйилган ҳужжатлар тахламини терговчига узатди. Бундай топшириқни кутмаган терговчининг нафаси чиқмай қолди. Кўзлари чаққайиб, эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, Равшановнинг ўқдек қадалиб турган назарига дош беролмай, пуфакдай бўшаши-қолди. Аслида сигир масаласини тўрт кун аввал деярли ҳал қилиб қўйган эди. Айбланувчининг онаси сигирни сотиб, пулини унга берса, бас, ўғли озод қолинарди. Хўжайиннинг янги ўринбосари бунақа деб тургандан кейин у бечора додини кимга айтсин? Хўжайинигами? Катта жойда ишлаб, урилиб келган одам устидан шикоят қилиб бўларканми? Ундан хўжайиннинг ўзи ҳам қўрқиб турганга ўхшайди...

Терговчи айбдорни олдига солиб чиқиб кетгач, Равшановни бошлиқ йўқлади. Равшановнинг нима мақсадда келганини бу ерда фақат бошлиққина билади. Равшановга тегишли маълумотлар мутлақо махфий бўлгани учун айрим нарсалар ҳатто унга ҳам номаълум эди.

Чойхонадагиларнинг бу борадаги гапида озгина жон бор: Равшановнинг ташрифидан норозилигини ичига ютишга мажбур. Лекин марказдан келган бу мартабали одамдан мансаб курсиси масаласида хавотири йўқ. Ўринбосари ишини қанчалик тез ўринлатса, бу ердан шунчалик тез кетади. Бошлиқ учун аҳамиятлиси мана шу!

Равшановга нисбатан атрофдагиларда шубҳа уйғонмаслиги учун бошлиқ унинг мартабали зобит эканини унутиши, омади юришмай, бу ёққа келиб қолган вақтинчалик ўринбосар эканини, ҳадемай шу ердан истеъфога чиқиб, тўрва-халтасини кўтариб жўнаб кетишини тез-тез писанда қилиб туриши керак эди.

Кўпчиликнинг ичида беҳурмат қилаверишни Равшановнинг ўзи ҳам биринчи учрашувда илтимос қилганди. Ёлғиз қолишганда эса меҳрибон ҳамкасб, ҳатто ҳаммаслак кўринишида муомала қилишарди.

Равшанов подполковник Нарзиев билан кўришаётиб стол устидаги ҳужжатга кўз қирини ташлаб, аҳамият берди. Унинг сезгирлигига тан берган бошлиқ ҳужжатни олдида, унга узатди.

---

— Бу болани эплаб бўлмайди. Иссиғида жўнатиб юбориш керак.

— Лейтенантнинг нимаси ёқмади, бекатда муштлашганими? Бир қизни ҳамоя қилибди, бу яхши фазилат-ку? — деди Равшанов ҳужжатни яна стол устига қўйиб.

— Муштлашгани алоҳида масала, — деди бошлиқ ўжарлик билан. — Нозир бўлиш ёқмабди. Безрайиб туриб „Мен терговчиликка ўқиганман, терговчиликни берасиз. Шундан шунга участкавой бўламан, деб келдимми“ дейди. Яна каскасига гитара осиб олганига нима дейсиз? Хизматга келганими ё ашула айтишгами?

— Чидашдан бошқа иложингиз йўқ, — деди Равшанов уни овутмоқчи бўлиб. — Бу ёгини суриштирсангиз, Тошкентда оддий нозирликни ҳам қойиллатмаган. Сизгир бўлиб, ўзингиз кузатиб турмасангиз бирон ишнинг чатоғини чиқариши ҳам мумкин.

— Сиз уни олдин ҳам билармидингиз? — деб ажабланди бошлиқ.

— Олий милиция мактабида ярим йил ўқитганман. Иккитхонда икки қўйиб, бошимга бало орттириб олай дедиман. Кейин билсам, унга паст баҳо қўйиш мумкин эмас экан.

— Нега, шохи бор эканми?

— Шох-ку йўқ, лекин нозиктаъб тоғаси ранжиб қолиши мумкин экан.

— Милиция мактаби ҳам отбозор бўлиб кетибди-да. Тоғасининг қўли узун экан, бошқа ўқишга тикиб қўя қолмасмиши?

— Гуруч курмасиз бўлмайди, яна биттасини мақтадингиз-ку? Иккови бирга ўқишган-да.

— Шухрат Комиловми? Бу бошқача бола. „Опер“ бўлиб туғилган. Бўлимни бериб қўйсам ҳам эплаб кетадиган ҳувти бола.

— Мана шунақа ёшларга суяниб ишлайверинг. Жалилов ҳам ёмон бола эмас, озгина эркатойлиги бор, лекин яхшилик боқса, одам бўлади, — деди Равшанов гапни ҳазил қилишига буриб.

Нарзиевга бу гап ёқмади, ўрнидан туриб деразага яқинлашди. Равшановни чақиртиришдан олдин қаҳвахонада турган Файратга кўзи тушиб, ғазаби бир тошган эди. Ҳо-

зир қаради-ю, Файратнинг ҳануз ўтирганини кўргач, баттар бўғилиб Равшановга ўтирилди:

— Қаранг, бу думбулбойваччани, шу кафедра боқиб одам қиламанми?

Равшанов унга яқинлашиб, меҳрибон акадай елкасига қўл ташлади.

— Хулоса чиқаришга шошилманг. Тоғасига ўчакишманг...

Нарзиев ичида „Ҳе, ўша тоғасини“ деб сўкинди-ю. Газабини сиртига чиқармади. Равшанов унинг жаҳл отидан тушмаганини сезмагандай, хотиржам оҳангда сўради:

— „Бўрон“ деган рецидивист шу ердан макон топганмишми?

— Ҳа. Бир эски уйни сотиб олган. Боғ қиялпти. Фермаси бор. Хужжатларида чалкашлик йўқ. Шундай бўлса ҳам диққатимизда турибди. Ҳар қадами назоратда.

— Ўзингиз гаплашиб кўрмадингизми?

— Йўқ, сиздан олдинги муовиним бир-икки чақиртирган. Тайинли гап ололмаганини айтган эди. Нега сўраялсиз? Олдириб келайми? Гаплашасизми?

— Шарт эмас. Гиёҳвандликка аралашмаган бўлса, юриверсин. Бизнинг ишимиз бошқа.

Равшанов „Бўрон, Ўлат, Фирромнинг бир жойда ўтирганини билмайдими?“ деб ўйлаб, Нарзиевдан шу мавзуда гап кутди. Кейин „Билмайди, булар хужжатларни жиддий кавлаштириб текширишга тоқат қилишолмайди. Ўринбосари чақиртириб гаплашган бўлса, Бўроннинг чўнтагини қоқиб олиб, кейин бўш қўйган. Бир жиҳатдан шундай бўлгани ҳам дуруст. Қандай мақсадда келган бўлса ҳам, Бўрон ҳозирча бемалол юриверсин“, деб қўйди.

\* \* \*

Ясситепада аввал қаҳвахона йўқ эди. Ёшу қарининг хордиқ чиқаришига шу чойхона асқотиб турганди. „Ким қандай хоҳласа, шундай яшасин, орқа-олдига қарамай, қўлидан келганича пул топаверсин“, деган янгича эркинлик Москвада туғилиб, Уралнинг пастак тоғларидан осонгина ўтиб, бу чекка жойларга ҳам етиб келгач, бойишни хоҳлаганлардан бири чойхонанинг бир қанотини ажратиб олиб, „кафе“га айланганди. „Оқ иштонга жун жияк“, деганлари-

бу қаҳвахона чойхонага ямоқ бўлиб тушди. Пиво олиб олганда майхўрлар билан гавжум бўлиб, бошқа вақт билан тураверди. Қиш ойлари ит ҳам ораламай кўйди. Қаҳвахонанинг номи баландпарвоз, чўнтаги эса саёз эди. Қаҳвахонага тикилиб турганларнинг кўзларини бу саёз чўнтак тўйдира олмасди. Қаҳвахонада савдо бўляптими ё йўқми, бу кўзларга фарқсиз, ҳар ойда тўланадиган чўтал чўнтакни керак. Оқибат шу бўлдики, бойиш истагида қаҳвахона очган одам зарар келтирган харажатларига ҳам қўли бўлиб, этагини йиғиштира қолди. Ясситепада аввал Бўрон, кейин Фирром пайдо бўлгунига қадар янги муҳароба қаҳвахонани сотиб олиб, юритишга ишқибоз топилмади. Бўроннинг кўз остига олиб қўйганига қарамай, Бўрон марҳумдан четроқда яшашни маъқул топгани учун, қаҳвахонани сотиб олишга уринмади. Фирромни чақиртириб, аввал шарбат цеҳи очтирди. Иш юришгач, қаҳвахонани сотиб олиш лозимлигини билдирганда „Бу овлоқда кафега баласизми? Милисахонанинг рўпарасида ким маишат қилаётган. Панароқда бўлганида ҳам қиморбозларга шароит сотиб берардим“, деб Фирром кўнмади. Бўронга шарбат олишдан ҳам, бу қаҳвахонадан ҳам тушадиган фойданинг кўпчилиги йўқ эди. Унинг мақсадини Фирром кейинроқ англади. Қаҳвахонани сотиб олди-ю, таъмирлаб, қўғирчоқдай сотиб қўйди. Ойнисани авраб-авраб, қизини хизматга олди. Шундан бери Моҳидил қаҳвахонанинг гўё гулига айланган. Йигитлар бу чиройли қизга бир қараш ё гап отиш билан беҳадда кириб ўтадиган бўлишди. Бундан Ойнисанинг кўзи қизиб қолди, кўзга яқин қизининг тақдиридан хавотирда бўлди. Лекин қамоқ лагеридан дом-дараксиз кетган, айрим айримларга қараганда қочишга урингани учун отиб ташланган Эридан мактуб келтирган одамнинг раъйига қарши кўнмади. Фирромдан аввалроқ келиб, ҳолидан хабар олган Бўрон унга яқинроқ бўлиб қолган эди. Эридан салом келтирган бу икки одамнинг бир-бирига қай даражалда қўнмаганидан беҳабар хотин Бўрондан маслаҳат сўраб, „Қизини беҳавотир ишлайверсин, агар кипригита ёш кўнса, мен билан бўлгарман“, деган гапни эшитгач, ноилоҳ кўнган эди.

Ясситепа милициясида иш бошлаган Файрат қаҳвахона-Моҳидилни кўриб, кўзларига ишонмади. Шундай гўё қўнмагани қандайдир маст-аласт, шилқим йигитларга хизмат

қилишидан ғашланди. Унга севги фаришгаси қиёфасида кўриниб, қалбини биттагина назари билан ишғол этган бу қизни шу шилқимлардан бири илиб кетадигандай туюлиб, кўз олди қоронғилашди. Қиз олдида мағлуб бўлишига чиройнинг ўзи кифоя қилган Файрат ҳали Моҳидилнинг феъл-атворидан беҳабар эди. Бу қизнинг отаси жиноятчи эканини билганда кўнгли сал хира бўлганди. Моҳидилни қаҳвахонада кўргач, ғашлик ортди. Тошкентда поездга ўтираётиб кўрганида ҳам, бекатда шилқим йигитлар хиралик қилаётганида ҳам бу гўзални ёрдамга муҳтож нозик қиз деб ўйлаган эди. Ҳатто муштлашув бошланганида унинг қочиб кетмай, гувоҳ сифатида изма-из келганида ҳам, кейин жаҳл билан чиқиб кетганида ҳам унинг ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган жасур ва ўжар қиз эканини фаҳмлай олмаган эди.

Файрат қаҳвахонага кўтарилди-да, пештахта ортида турган Моҳидилга яқинлашиб салом берди. Қиз алик олмади, „Сизга нима керак?“ деган савол билан қараб тураверди. Файрат буни бекатдаги ранжишнинг давоми деб билди, ўзини оқламоқчи ҳам бўлди. Лекин „Эсингиздами, мен сизни ҳимоя қилувдим“, деган писанда маъноси чиқиб қолишдан чўчиб, қиз билан учрашувдан мамнун эканини билдириш мақсадида жилмайди.

— Қаранг, деярли бир жойда ишларканмиз. Мени марказга участкавой қилиб тайинлашди. Энди шу атрофни мен ҳимоя қиламан.

— Шунақами? Қимдан?

Қизнинг бу кескин ва қўпол оҳанги унинг ҳуснига мос эмасди. Бундан Файратнинг кўнгли оғриди, лекин сир бой бермади. Жилмайган тусини ўзгартирмай, пештахтага кўниб турган пашшаларни ҳайдади:

— Масалан, хира пашшалардан.

— Ҳа, буни эплейсиз. Кеча санэпидстанция хира пашшаларинг кўпайиб кетибди, деятувди. Бугун яна биттага кўпайдимикин, деб ўйлаятувдим, — деб кесатди қиз. — Қани, бошлайверинг хизматингизни.

— Пашшаларни ҳайдашдан олдин битта қаҳва ичиб олсам яхши бўларди.

— Бизда қаҳва бўлмайди.

— Ие, нега? Номи „Кафе“-ку? Унда чой беринг.

— Чой, ана, чойхонада.

— Унда нима бор?

— Кўриб турганингиз...

Қиз шундай деб қатор териб қўйилган лимонад шиша-рига ишора қилиб қўйгач, Файрат тисланди-да, пештахтага яқин қўйилган стулга ўтириб, унга тикилди. Моҳидил эвалига эътибор қилмасликка тиришди, сўнг бу хушрўй йигитнинг қарашига дош бера олмади. Тўғри, бекатда ундан ранжиган эди. Лекин қорақош йигитнинг мастона ниди хотирасига муҳрланиб қолганди. У милиция идораси ишигидан чиқиб келганда юраги бир ҳаприқди. Зинада ўтириб, бу томон тикилганда „тикилавермай, кела қолсанми“ деган илинж пайдо бўлиши билан қизлик ғурури бу еттакни бўға бошлади. Йигит қаҳвахона томон кўтарилаётганда бу ғурур ғолиб келиб, уни ҳиссиз жонга айлантириш қасдига тушди ва бунга қисман эришди ҳам. Йигитнинг бу кўполликдан кўнгли оғриб, кетиб қолишидан чўчиди. Лекин унинг тикилиб туриши ҳам ёқди, ҳам ноқулай ҳолга солди. Аввалги шаштидан тушмаган ҳолда чимилди-да:

— Ҳа, жинни-пинни бўлиб қолганмисиз, бунча тикила-санми? — деди жеркиб.

Гарчи овозида жеркиш оҳанги бўлса-да, олдинги қўполлик даражасининг анча тушганини ўзи ҳам, йигит ҳам сезди. Файрат ширин қилиғининг қизга таъсир этганидан қовониб:

— Қаҳва йўқ экан, чойдан ҳам бенасибмиз... Бор нарсага қарашдан бошқа иложим йўқ, — деди.

— Ҳали мен сизга „нарс“ бўлиб қолдимми?

Моҳидил шундай деб жаҳл билан бурилди-да, ичкарига кетиб кетди. Унинг гапида ҳам, ҳаракатида ҳам ғазабга нисбатан ноз-карашма борлигини сезган Файрат тушкунликка тушмади. Оқшом чоғи яна келди. Бу сафар пештахтага яқинлашмади. Четроқдан жой олиб, шу томон қараб тираверди. Моҳидил эса уни кўрмагандай ишини қиларди. Бу „араз“га учинчи ташрифдан кейин барҳам бериб, ошиқ-маъшуқ каби бўлмаса-да, бир-бирига меҳр ипи билан боғланган ҳолда муомала қила бошлашди. Моҳидил эвалига масофанинг қисқаришини истамагандай, баъзан тичинг, баъзан жаҳл билан гап қайтариб турди. Айниқса,

---

Елгон умидлар дашти

жаҳл камонини қўлига олганида йигит қалбига ўқнинг бе-  
хос тегиб, жароҳатлашидан қўрқди.

Мушук-сичқон ўйинини эслатувчи бу муносабат бир неча кун давом этди. Бугун хизмат йиғилишида олган топширигини бажариш учун қишлоққа йўл олиш ўрнига қаҳвахонага бориб ўтирган Файрат бошлиғининг назарига тушиб, балога учрай деб қолганидан хабарсиз эди. Моҳидилнинг пахта гулли пиёлада тўлдириб қора қаҳва келтириб қўйиши унга байрам қувончини бахш этиб, шу хурсандчилик булутида самода суза бошлаганди. Агар ҳозир биров „Бошлиғинг думингни тугмоқчи“, деб огоҳлантирганида ҳам парвойига келтирмаган бўларди.

Табиат баҳори ҳар йили бир келади, дарахтлар ҳам йилда бир гуллайди. Баъзан киши зеҳни илғамайдиган ўзгаришлар билан, баъзан эса қуёшнинг бемаврид иссиқ нурларига алданган гул мавсумини совуқ нафаси билан ямлаб юборувчи аямажузлари билан келади. Баҳорнинг чақирилмаган меҳмони — совуқ шамол ҳайдаб келган булутлар қорларини элаб-элаб кетаверадилар. Табиату одамлар бир неча кун дилдирай-дилдирай, яна қуёш нурига етишгач, бу қалтис ташрифни унута бошлайдилар.

Табиат баҳори шундай. Кўнгил баҳори, муҳаббат боғининг гуллаши эса ўзгача. У ҳаётда бир марта келади. Бу баҳорнинг қадрига етиб, ҳузурланган ҳузурланади, йўқса, умри армонда ўтаверади. Табиат баҳорида аямажуз ҳар йили келавермайди. Муҳаббат баҳорида эса ошиқнинг аямажузга учрашиш ёзуғи бор. Табиат баҳоридаги аямажуздан қутулишда деҳқону боғбонларнинг тадбири лозим бўлади. Муҳаббат баҳоридаги совуқ нафасли ялмоғизни севишган икки қалбнинг сабру вафоси енгади.

Моҳидилнинг қўлидан пахта гулли пиёлани олган Файрат муҳаббат баҳорининг ёқимли нафасидан ҳаяжонланган эди. У олдинда аямажуз синовлари борлигини билиш у ёқда турсин, тасаввур ҳам қила олмайди. Қаҳва келтириб берилиши унга қиз қалбига ҳам муҳаббат баҳорини уйғотувчи меҳр қуёшининг нурлари порлай бошлаганидан дарак бергандай бўлди.

Шундай экан, майдоннинг нариги бетидаги идора деразасидан боқиб турган бошлиғининг ғазоби уни заррача ҳам ташвишга солмас эди.



Қаҳвани хўплаб ўтирганида қаҳвахонада Фирром пайдо бўлди. Аввалги кунни унинг пештахтага суяниб, Моҳидилга гапга солаётганини узоқдан кўриб, Файратнинг кайфияти бузилган эди. Бир гўзал қаҳвахонада ишлаганидан кейин унга суқланиб қарайдиганлар, ёқимли гаплари билан гапга ром қилишга уринадиганлар кўп бўлишини Файрат билди. Лекин ёши Моҳидилдан анча катта бу фаркўзнинг талашиши малол келди. Кейин унинг қаҳвахона хўжайини эканини эшитди, сўнг бу ерга қандай келиб қолганини билди-ю, гашлиги баттар ортди. Севги куртаги энди-энди кийла бошлаганида рашк ўтининг алангаси баланд бўлади. Файрат ўзи томон яқинлашаётган Фирромни кўрди-ю, бу ерда оташи яна забтига олди.

Фирром шошилмай, икки бармоғида икки картани ўйинга олиб, бамайлихотир равишда яқинлашди. Яқинлашгувчига қадар кўзлари Файратда эди. Йигит ўтирган столдан бир қадам бериди тўхтагач, Моҳидилга қаради-да:

— Моҳий, ҳалоскоринг шу йигитми? — деб сўради. Кейин киздан жавоб ҳам кутмай, ҳеч бир мулозиматсиз, ҳатто ҳурматсизлигини яширмаган ҳолда бўш стулга ўтирди.

— Эшитдим, йигитнинг гули, бошлабсиз! — у қувлик билан жилмайиб, кўришмоқ учун қўл узатди. Унинг бу гапга саломлашиши Файрат учун кутилмаган эди, шу боис Фирром оз довдираган равишда сўрашди. Фирром эса яна ўша қувликда давом этди: — Моҳийни ўзим кутиб олишим керак эди, чалғиб қолибман. Қаерликсиз, командир?

Бу соҳага яқинлар милиция ходимини иззат қилиш мақсадида „командир“ деб мурожаат этарди. Фирром тоифасидагиларнинг ҳақоратли атамалари Файратга яхши маънафидан. Бу тоифа ҳақорат тошларини орқадан отишга одатланган. Рўпара келганда тилёгламалик қилади. Ҳозир Фирромнинг „командир“ дейишида ҳеч қандай ҳурмат йўқ, шунинг учун киноя зоҳир эди. Файрат бунини сезмагандай, гашланганини ошкор қилмади. Жавобга ҳам шошилмади, қаҳвахонада бир хўплагач, унга кўзини лўқ қилиб, алоҳида фахр билан „Тошкентликман“, деди.

— Тошкентда милисага иш қолмабдими, бу овлоққа қараб қоллашибди? — деди Фирром, энди очиқ истеҳзо билан.

— Пешонага ёзилгани шунақа экан-да, акахон, — деди Файрат афсус оҳангида.

— Тошкент анча катта шаҳар, қаеридансиз? — Бу сафар истеҳзо оҳангини астойдил қизиқиш эгаллади.

— Себзорданман. Анча катта шаҳарда шунақа маҳалла бор, эшитганмисиз? — Истеҳзо оҳанги энди Ғайратга кўчди.

— Қойилман, йигитнинг гули, маҳалладош эканмиз-ку! Бу ёғи Себзор, у ёғи Эскижўвани вақтида тоzza гуллатганман. Мен билган Себзор бузилиб кетган, — Ғирром энгил хўрсиниб қўйиб, қўлидаги карталарни стол устига ташлади. Ғайрат ҳар иккала картанинг бир хил эканига аҳамият берди. Бироқ бунинг сабабини аниқлаштиришни ўйламади, бунга фурсати ҳам йўқ эди. Ғирром эса унда қизиқиш уйғонганини сезгандай деди:

— Нега иккита „туз қарға“ни кўтариб юрганимга ҳайронмисиз? Иримим шунақа, „қарға“ зотига ишқим бор. Менга омад „қарға“дан келади.

Ғирром шундай деб пештахта томон ўгирилиб, овозини баландлатди:

— Моҳий, командир билан ҳамшаҳар чиқиб қолдик, йигитнинг гули ичадиганидан олиб кел.

Ғайрат бу гапга эътибор бермай, суҳбатни давом эттирди:

— Иримингиз ажойиб экан. Одамлар қаргани хушлашмайди. Кузда учиб келса қувонишмайди, баҳорда учиб кетса соғинишмайди.

— Лекин қаргани биров овламайди, бу бир, қарға узоқ яшайди, бу икки. Одамлар ҳаётнинг мағзига тушунтишмайди, бу уч. Сиз ҳам шуларнинг бирисиз-да. Карта ўйинига сал-пал қизиққанмисиз?

— Ҳа, сал-палгина...

— „Туз қарға“ни ёқтирмасангиз... „қирол“га ишонасизми? Ё „дама“га ишқибозлигингиз борми? Туришингизга қараганда, сизга энг маъқули -- „валет“. „Валет“ — картанинг лейтенанти-да, тўғрими?

— „Валет“ ҳам ёмон эмас, вақти келганда „туз қарға“ни пачоқлаши мумкин.

— Ҳа, мумкин... — Ғирром йигитга „Мақсадингни очавер-чи“, дегандай синовчан тикилди. — Лекин бунинг учун „валет“ „кўзир“ чиқиши керак. Ҳар қўлда бунақа бўлавермайди.

— „Туз“ ҳам ҳар қўлда чиқавермайди. Куни „олти“ ликка қолганнинг шўри қуриркан.

Фирромга бу гап ёқмаган бўлса-да, жавоб қайтармади, „Қани, валдирайвергин-чи“, деган маънода тикилиб ўтира-верди. Файрат эса бирдан мавзуни ўзгартирди:

— Эскижўвани нега гуллатмай қўйдингиз?

— Пешонага ёзилгани шундай экан, — деди Фирром аламли жилмайиш билан. — Ризқимни шу ердан териб юрибман. Вақти келса, фақат Эскижўвани эмас, бутун Тошкентни гуллатаман.

— Шу иккита „қарға“ биланми?

Фирром унга айёрлик билан боқди. Кўзларини узмаган ҳолда қўлини шимининг чўнтагига юборди-да, гоят чақ-қонлик билан яна иккита „туз қарға“ни чиқариб, стол устига ташлади.

— Иккитаси етмаса, тўрттаси етиб қолар? Ҳа, ёмонми? Гулдай хунар билан ҳеч ким ҳеч қачон хор бўлмайди. Омад келса, Эскижўва нима экан, дунё ўзимники-да! Юрагимда зўр бир орзуим бор, айтайми?

— Нотаниш одамга сир айтаверадиган одатингиз борми?

— Мен сизга „сир айтаман“, демадим, орзуимни билдирмоқчиман. Орзу учун жиноят кодексда жазо йўқ шекли?

— Шунақадир, мен кодексни яхши билмайман.

— Ие, қизиқ-ку, погон берадиган жойда ўқитишмаганми?

— Ўқитишган. Эси пастлар ёдлаб ҳам олган. Менинг эсим жойида, кодекси билан ишим йўқ. Биров ўғрилиқ қилса, қўлига кишан солиб, олиб бориб бераман, нима қилса қилаверсин.

— Бу йўлингиз ҳам тўғри.

— Менинг йўлимни ўзимга қўяверинг. Орзуингизни айтмоқчи эдингиз? — деди Файрат кўрслик билан.

Фирром бу кўрсликни эътиборсиз қолдирмади, „Ҳа, энди милисага ўхшадинг“, деган ўйда орзуини баён қилди:

— Яқин орада рухсат тегиб қолади, деган яхши гаплар бор: менинг орзуим — зўр бир казино қуриш.

— Казино? — Файрат ажабланиб, яна сўради: — Казино нималигини биласизми ўзи?

Қимор оламида бўйни эгилгани билан бели синмаган одамга бу саволни бериш билан иззат-нафсига тегиши мумкинлигини Файрат билмади. Фирром эса камситгани

---

учун бу лейтенантнинг жигини эзиб қўйиши мумкинлигини писанда қилмади. Аксинча, ўзини овсарликка олиб жавоб қайтарди:

— Биламан, киноларда кўрганман, ошналардан эшитганман.

— Шу қишлоқда казинони гуллатадиган нечта ҳариф бор экан? — деди Ғайрат билагонлик отидан тушмай.

— Сиз тумшугингизнинг тагига қараманг, узоқроққа боқаверинг. Бу ёғи кўшнилари, у ёғи чегара... Казино қурилса, одам оқиб келаверади.

— Аравани куруқ олиб қочишга уста экансиз. „Ўн икки стул“ деган кино бор, кўрганмисиз? Василки деган қишлоқ одамларини Остап Бендер „Шу қишлоқ дунё шахмат маркази бўлади“, деб лақиллатган эди. Сизнинг орзунгиз шунинг нақ ўзи.

— Шунақами? — Фирромнинг кўзида ўт чақнади, лекин газаб ўқларини сочишдан ўзини тийди. Ким билан қачон ва қай ҳолда мураса қилиш, кимга қачон ва қандай усулда нафрат тошларини отиш машқини олгани учун бу сафар истеҳзо билан кулимсираб қўя қолди.

— Сиз менинг аравамга ҳали чиқиб кўрмагансиз. Ҳаёт кўрган одамнинг араваси шалди роқ ҳам бўлмайди, бўш ҳам юрмайди. Мени чалғитмай, давомини эшитинг-у, кўз олдингизга келтиринг: хуллас, шу ўрам казинога тегишли бўлади. Сиз ўтирган жойда ресторан... хафа бўлманг-у, милисахонангиз ўрнига беш юлдузли меҳмонхона тушади. Сойнинг орқасидан сизларга зўр иморат қуриб бераман.

— Нега хафа бўларканман? Менга нима, казиноингиз битгунича, милисада ишларканманми?

— Унда янаям яхши. Сизни ўзим ишга ола қоламан.

— Қоровулбоши бўларканман-да?

— Қоровул эмас, „қўриқчи“ дейилади.

— Қўриқчи? Яна ҳам зўр-ку! Қўриқчи казинода эмас, полизда бўлади, билмайсизми? Иккита калтакка титилиб кетган чопон кийгизиб, бош ўрнига тешик челақ қўндириб қўйишади.

— Оширвордингиз, командир. Бу бир гап-да!

— Ҳа... гап... гап...

Ғайрат шундай деб иккита қартани қўлига олди.

— Буни ўтмиш дедингиз-а... Ўтмиш эса ҳамиша тотли,

деган экан бир одам. Бунинг гулдай ҳунарлиги ҳам тўғри... Гулдай ҳунар хор бўлмаслиги керак.

Файрат шундай деб икки картани бармоқлари орасида ината бошлади. Буни кўриб Фирром анграйиб қолди. Кичик патнисда икки кичик қадаҳни ароққа, катталарини шарбатга тўлдириб олиб келган Моҳидил ҳам йигитга ҳайратланиб қаради. Нимадир дегиси келди, лекин мавриди қасслигини билиб, индамайгина изига қайтди. Пештахта отига ўтгандан кейин Файратга норози қиёфада қаради.

— Тузуксиз-ку, командир? — деди Фирром ҳайратни ошқор этмай.

— Бу ҳам бир ўтмиш, — деди Файрат синиқ оҳангда. — Мен Себзорни гуллагишга улгурмаганман. Қиморбоз бўлиб етишимдан кўрқиб, отам шу ўқишга тиқиб қўйган. Отанамни хафа қилмаслик учун чидаб юрибман. Аслида... сўнгил буни унутгани йўқ.

— Очигини айтайми? — Фирромнинг чеҳраси очилиб, қўлига кичик қадаҳни олди: — Елкангизга гитара осиб келганингизни кўриб, „Бу бола бошқача мент“ деган эдим. Мен фақат картани эмас, одамни ҳам ажрата оламан. Мақдладошимни кўрганимдан астойдил хурсандман. Буни қўқонманзирад деманг, қани, олдик! Вақти келса, иккови-миз ўтмишни эслаб, икки-уч қўл ташлашармиз.

Фирром бир кўтаришда кичик қадаҳни бўшатиб, кетидан каттасидаги шарбатдан ичгач, лабини билагига билан артди. Кейин ўрнидан туриб, пештахтага томон қарамай, буюрди:

— Моҳий, қариндошимни яхшилаб меҳмон қил. Бундан бегеги унинг ҳаражати менинг бўйнимда, — у карталарнинг иккитасини олиб, чўнтагига солди. Файрат узатган карталарни эса олмади: — Бармоқларни роҳатлантириб туринг, бу ҳам бир эрмак-да!

Шундай деб Файратнинг елкасига уриб қўйди-да, зарур иши ёдига тушиб қолгандай, шошилганича изига қайтди. Файрат қадаҳларга тегмай, совиб қолган қаҳвасининг сўнгги ҳўпланини ичди. Фирром кўздан йўқолмагунча ўрнидан килмади. Бармоқлари билан карталарни ўйнаганича, дам-қаддам қизга ўтринча қараб ўтираверди. Моҳидил унинг қўлигидан ранжиганини яширмай, юзини буриб олди.

Ниҳоят, Файрат ўрнидан туриб, пештахтага яқинлашди. — пул узатди.

— Нима бу? — қиз норозилигини яширмай чимирилди.

Файратга унинг бу қилиғи ёқди. „Демак, менга бепарво эмас“, деб қувониб, ҳазил оҳангида жавоб берди:

— Чўнтагимда ётганида пулга ўхшаган эди...

— Эгасидан фарқи йўқ экан-да?

— Эгасига нима бўлибди?

— Эгасигами? Олдин бир қараганимда туппа-тузук одамга ўхшаган эди.

— Кейин-чи?

— Кейин... билмадим... Пулингизни чўзманг, бу ерда бойваччалик қилмай қўя қолинг. Ароққа ҳам, шарбатга ҳам текканингиз йўқ.

— Қаҳва ичдим-ку?

— Ичган бўлсангиз, ҳаражатингизни қариндошингиз кўтарди, бемалол кетавering.

Қизнинг эндиғи жаҳл аралаш қараши, овозидағи қаҳр Файратни сергаклантирди, бироқ унинг олдида паст кетишни истамади.

— Мен бировга боқиманда бўладиган одам эмасман, — у сал кескинроқ оҳангга шундай деб, қўлидағи пулни пештахта устига ташлади.

Моҳидил янада ўжарлик билан пулни бармоғининг учида нари сурди. Файрат эса унинг ҳаракатига парво қилмай, яна карталарни айлантира кетди.

— Уста экансиз? — деди қиз пичинг билан. Гап оҳангида „Бундан бошқа ҳунарингиз ҳам борми ё турган-битганингиз шуми?“ деган зарда ҳам бор эди.

— Ҳа, буми? — Файрат шундай деб карталарни пештахта устига ташлади. — Уйимизда цирк артисти ижарада турганда ўргатган эди.

— Ҳали артистлик ҳам қилиб турасизми?

— Шуниси қўлимдан келмайди. Истеъдодим йўқ экан, ўша артист „Сен ғирт тўнкасан“ деганди.

Файрат „Қалай, бунақа гап сизга ёқса керак?“ дегандай муғамбирлик билан тикилди. Моҳидил бу қарашга лабини буриш билан жавоб қилди:

— Билиб айтибди...

Энди зарда ҳам, пичинг оҳанги ҳам йўқ, балки эркатой қизнинг нози бор эди. Бундан мамнун бўлган йигит пештахтага бамайлихотир суяниб олди-да, гап маромини бурди:

— Фалати эртақ эшитдим: Паридара деган жойларинг эр экан, а? Чиройли-чиройли қирқта пари душмандан қолиб, дарага яширинганда бир ялмоғиз сеҳргар уларни кўл трофидаги тошларга айлантириб қўйган экан, шунақами?

— Шунақа. Сиз ишонмадингизми?

— Мен ўз кўзим билан кўрмагунимча ишонмайман.

— Унда бориб кўринг. Ана, ҳув тогнинг ортида. Пиёда сангиз икки соатли йўл. Эшакка минолсангиз, ярим соатда етасиз. Милисахонангизда эшак борми? Йўқ бўлса, чойхонада ўтирганларникини миниб кетаверинг, сизга етдишолмайди.

— Адашиб қолармикинман? Аям тоғда ёлғиз юрмагин, дегандилар. Вақтингиз бўлса... бирга боролмайсизми?

— Аянгиз яна нима дегандилар? Қизларга шилқимлик келтирма, демаганмилар?

— Демаганлар. Чунки бу ерда яхши қизни учратиб қолганимни билмаганлар. Паридарани кўрсатасизми?

— Ёлғиз боришга кўрқяпсизми?

— Топдингиз. Ёвуз сеҳргар ошиқ йигитларни тошга айлантириб қўяр эмиш.

— Кўрқманг, сиз тошга айланмайсиз, бунга ҳали вақт бор.

Моҳидил аниқ ваъда бермаса ҳам, ширин кинояли гап-сўз билан йигит кўнглида умид чирогини ёқиб қўйди.

### БИЛИБ БОСДИ ТИКАНИ

Киши ҳаётида дийдор ҳам, айрилиқ ҳам кўп. Зийракларга разм солинса, ҳаёт учрашув ва ўлимдан иборатга ўхшаб кўрилади.

Қай бири кўпроқ?

Учрашган, танишган, кўнгил қўйганларни ўлим аёвсизлигида бир-бирларидан юлиб олаверади. Бирида қайғураётганлар иккинчисида... Одам одамлар билан учраша-учраша қабат улим билан ҳам учрашади. Унинг бу сўнгги учрашгани кимнидир қайғуга солар, кимнидир эса...

Ҳар қандай дийдорнинг оқибати — айрилиқдир. Одамларнинг айри-оқибат айрилиқ майини ичмоқ учун бир-бирлари билан учрашадилар. Бу дунёда ҳар бир нарса омонат бўлганлиги каби дийдор ҳам қил учида турган омонатдир. Боқий

дийдор фақат жаннатдир. Энг бахтли дийдор ҳам айна ўша маконда. Узил-кесил айрилмоқлик ҳам Қиёматда содир бўлади. Унга қадар ота-она ва бошқа яқинлар билан жаннатда юз кўришмоқлик умиди мавжуд.

Умид ушалмаса-чи?

Бу дунёдаги айрилиқ фожиа эмас, ўткинчи қайғу холос. Энг даҳшатли фожиа — Қиёматдаги айрилиқдир. Бу фожиага учраш ёки учрамаслик масаласини ҳар бир инсон тириклик чоғида ҳал қилиб олмоғи зарур.

Аммо...

Аммо бундан биров тушунади, биров эса тушунмай ўтади.

Ҳаёти йўлидаги айрилиқлар Бўрон учун фожиа эмас. Қиёматдаги жудоликни эса у ҳис қила олмайди.

Ойниса эса...

Эридан айрилганини аниқ билганида, унинг ўлигини ўз кўзи билан кўрганида, аза очганида, эҳтимол, жудолик балосини бир неча кун ёки ҳафтада енгиб ўта олар эди. Эрининг ўлими ҳақида хабар олгач, аза очди. Бироқ ота-онаси, яқин қариндошлари келишмади бу азага. Ўғай акаси бир кўриниш берди, холос. Балки айримларга ўликсиз азага келиш галати туюлгандир, бошқалари эса Ўлатнинг кимлигини билгани учун ҳам келмаган. Эҳтимол улар „Ўша томонларда ўлиб кетгани яхши бўлибди“, деб қувонишгандир. Бу қишлоқдагилар Норбўта исмли одамнинг лақаби „Ўлат“ эканини қамалганидан кейин билишди. Ўлат ҳам-қишлоқларига қорадори сотмаган эди, шу боис унинг ҳунарини ҳам қўлига кишан урилгач билишди. Бу ердагилар Ўлатнинг хизматига муҳтож эмас, кўкнорини ўзлари экиб олишарди. Авваллари ҳукумат одамлари индашмас эди. Кейинги йилларда „Шамоллашга дори бўлар“, деб шапалокдек ерга экишса ҳам жазолайдиган бўлиб қолишган. „Кўкнорини эзиб ичса кайфи йўқ, қариларнинг ичини қизитиб, қувват беради“, деган баҳоналар ҳам ўтмай қолган. Уч тоғ наридаги ёнбагирга ўтган йили яширинча экканларни милиция аниқлаб, қамаб қўйгандан кейин кўкнорига ишқибозлар қолмади.

Ўлатнинг ҳам, Ойнисанинг ҳам бунақа экиш ё сотишга алоқаси йўқ. Тўғри, Ўлатнинг асосий вазифаси чегарадан олиб ўтилган молни маълум ерга етказиб бериш бўлса-да, кўзи очлик қилибми, хўжайинларининг амрига итоат эт-



май, ишонган мижозларига пуллаб турган. Қишлоқда „аф-юнфуруш“ деган айбни оғир олишди. Эрининг кетидан Ойниса ҳам бир неча ой қамоқда ўтириб келгач, „Бекорга дамашмагандир“ деган гумон голиб келиши баробарида бу томонга яна қатор миш-мишлар кўшилгач, унга бўлган муносабат ёмон томонга ўзгарди. Эри беркитиб қўйган маблағни тежаб-тергаб ишлатиб, кун кўрди. Тирикчилик ишлари узилай-узилай деб турганида Бўрон келди. Шумхатерни етказиб, кўнглига озор берди, сўнг „Эринг укамдек эди. сен билан ҳам ака-сингилдек бўламиз“, деб рўзгорига саррашиб турди. Кейин эса, ҳеч қутилмаганда „Эрингни ҳам деганман, синглим йўқ эди, Худо сени етказди“, деб фирром пайдо бўлди. Уни Бўрон бошлаб келмаганида Ойниса бунақа саёқ акани яқинига йўлатмаган бўларди. Писон гарамиди бевошлиги учун қизлик номига доғ тушириб аёлнинг атрофида қамалиб чиққан икки одамнинг эвирсиб юришига қишлоқ аҳли безътибор қараб қўя қолар эканми? Улар пайдо бўлганига қадар „ёлғизман“ деб кўнгли чўжиб юрган бева энди „тутинган икки ака“ эмас, „икки уйнаши бор бузуқ“ деган шармандали номга чидаб башга мажбур эди.

У аввалига Бўроннинг меҳрибончилигини бошқача билди. „Сингилжон, сингилжоним, деб менга эга чиқиб кетмасайди“, деб чўчиди. Бўроннинг қайси оламга тобе эканини, бу оламда уйланиш ман этилганини билмагани билан кўрқди. Кейин унинг холислигига ишониб, айрим ишларини айтди, баъзи ишларда маслаҳат сўради. Фирром сўзларидан очиб, Моҳидилни ишга таклиф этганида биринчи марта Бўроннинг қарорига қулоқ тутди. „Эринг бу қилгаччани ўша ёқда каттага тушириб, қарз қилиб қўйган. Қарзнинг цехи ҳам, кафеси ҳам ўша қарзнинг ҳисобига. Иш қилишиб кетганидан кейин она-бола икковинга қолдириб кетди. Шарт шунақа бўлган. Бу бадбахтнинг аҳмоқ қилиб қўйгани нима деса, ўзингни овсарликка солиб, „хўп“ дея қўйгани. аммо зийрак тур“, дегач, мўъжиза гул каби очилган гўзал қизининг пештахта ортида туриб савдо қилишга кўнган эди.

Бўрон Ойниса билан бўлган дастлабки учрашувда қисқич қўйган гапирган эди. Ўлат ҳали қочиш режасини билмади. бошига не кунлар тушишини тасаввур ҳам этмай

туриб, Бўронга „Агар мендан олдин чиқиб борсангиз, оиламдан хабар олиб кўйинг“, дегани рост. Олатда, ҳарбийданми ё қамоқданми ёки узоқ саёҳатданми қайтаётган кишига яқин, ҳатто узоқроқ танишлар шундай илтимос қилишади. Ўлатнинг „Шу одам албатта уйимга бориб, оиламдан хабар олади“, деган ишончи йўқ эди. Шунчаки гап орасида айтган эди. Бўроннинг бу илтимосни бажармаганидан Ўлат хабар топган тақдирда ҳам ундан ранжимаган бўларди. Ўлат Бўронга „акамсиз“ демаган. Илгари танимаган, шу қамоқда ош-қатиқ бўлган одамни дарров ака тутадиган калтабинлардан эмасди у. Аслида улар тобе бўлган оламда „ака-ука тутиниш“ деган тушунча йўқ. Катта ўлжа илинжида шериклик қилиш бор. Бир-бирларини „дўст“ ҳам дейишади. Лекин шерикчилик ҳам, дўстлик ҳам вақтинчалик, одамларга хос меҳр-оқибат деган туйғу билан боғланмайди. Иш юришмай қолса, шерик шерикнинг, дўст дўстнинг пўстини шилиб олади ёинки бошини янчиб ўтиб кетаверади. Ўлатнинг қаердан экани, хотини кимнинг қизи эканини билгандан кейин Бўрон уни ўзига яқин олиб, бир куни гап орасида „Сендай укам бўлишини орзу қилардим“, дегани ҳам рост, бироқ ака-укалик, кейин ака-сингиллик ҳақидаги гап қамоқдан чиқиб, Ясситепага келганида тугилган ёлғон эди. Бўрон билан Ўлат ўртасида ака-укалик эмас, шерикчилик аҳди мавжудлигини ҳеч ким билмайди. Ўлатнинг қамоқ лагеридан қочиш пайтидаги ўлими, Бўроннинг Ясситепага келиб қолиши ўша аҳд режаси асосида бўлаётгани ҳам шу икки қасамхўрнинг ўзигагина маълум. Ясситепага Бўронни яна бир мақсад бошлагани эса ҳатто Ўлатга ҳам номаълум эди.

Аслида Ойнисани „синглим“ дейишида ёлғон йўқлиги тўғрироқ. Бўрон билан бу аёлни „ўғай аканинг ўғай синглиси“ деган қариндошлик риштаси боғлаб турарди. Буни фақат Бўрон билади, бошқаларнинг етти ухлаб, бир тушига кирмаган.

Ўзгага ўлим тиловчи нодон муддаосига етгач, бахт саройига етишгандек қувонади. Бировнинг ўлиmidан бахт топиш нақадар калтабинлик экани хаёлига келмайди. Агар ҳар ўлим бир одамга бахт бераверса, бу дунё бахтли кимсаларга тўлиб-тошиб кетарди. Ўлатнинг ўлими ҳақидаги хабар Ясситепада Ойнисанинг отасини ғоят қувонтирди.

Амдан йиллар ўтган бўлса-да, „Шумқадам“ деган лақаби-  
дан қутулмаган бу одам Худони камдан-кам ҳолларда эс-  
ласди. Эслаганда ҳам ўзига умр тилаш ўрнига кимнингдир  
ўзига бало ёғдиришни, куёвини эса хорлаб ўлдиришни  
оғирли. Куёвининг ўлими унга шунчаки бахт инъом эт-  
масди. Балки узоқ умр кўриш имконини берарди. Ўлат  
тўғри экан, у ҳар куни куёви қўлидан ўлим топиш ҳади-  
тида яшарди. Тўғри, Ўлат бу одамни бўғиб ўлдиришни жу-  
да жуда хоҳлаган, айниқса, ўша биринчи қамалганида бу  
ахтак вужудини олов каби ёндирган эди. Кейинроқ жино-  
т оламидаги ўз йўлини топиб олгач, бу чўлоқни ўлдириб,  
бўғдиришни ҳалокат ёқасига келтириб қўйиш фикридан  
оқибат кечди. Ўлат Худони деярли эсламасди, демак, қайно-  
тасига ўлим ҳам тиламасди. Қайнота-куёв шу нуқтада бир-  
бирларидан фарқ қилар эдилар.

Шахснинг фожиаси нимада? Амалдан ёки бойликдан  
содиратганидами? Ҳар кимнинг фожиаси ҳар хил. Барча  
ёқан бир ҳисобланган фожа ҳам бор: бу кўнгилнинг ақл-  
га бўйсунмаслиги. Афсуски, бу фожианинг даражасини  
барча бир хилда англамайди. Баъзи одамларни „худбин“  
деди „ўжар“ деб айблашди. Аслида кўнгил худбин, кўнгил  
ёқар. Агар кўнгил хатосига иқдор бўлмаса, бу кўнгил эга-  
сидан нима кутиш мумкин? Кўнгил ҳаёт ҳақиқатларини  
тўғри этса, бу кўнгил эгаси қандай яшасин? Шайтоннинг  
ёқон ваъдаларига, соддароқ айтилса, сохта нарсаларга умид  
қўлаган кўнгил эгасини оқибат нима кутади? Хорлик  
қасми?..

Ўлатга бу ҳақиқат бегона бўлгач, эрининг топаётгани  
ҳалолми ё ҳаромми, фарқламайдиган Ойнисанинг дунё  
қилидаги тушунчаси уникидан ортиб, қайга борарди? Ҳа,  
ҳалол-ҳаромни фарқламасди. Ота-онасидан бу хусусда  
тарбия олмаган эди. Шумқадам „Одам боласи дунёда ҳалол  
яшаши керак“ деган тушунчадан узоқ эди. „Одам ҳаёт  
қўматларига чанг солиб, бошқалардан кўпроқ нарсани  
олиб олиб яшаши керак“ деган ақидадан бошқа ҳақиқатни  
тани олмайдиган ота қизига иймон тарбиясини бера олар-  
миди? Куёвини ғирт жиноятчи деб билувчи Шумқадам  
амалдан нафратланарди. Бироқ ўзининг қилиқлари қорадори  
оқибатдан ҳам баттарроқ эканини сира-сира ўйлаб кўрмас-  
ди. У чангалига нима илинса, ҳалол деб ҳисоблайди. Чан-

гал ураётганида кимнидир туртибми ё юлибми ёинки ча-либми, озор берганини гуноҳ деб билмайди: бунга озор еганнинг ўзи айбдор, у ўлжага чангал ураётганида оёқ ос-тида нега ўралашади?

Томирларида шундай отанинг қони оқаётган аёл эри топиб келганда қувонарди, лекин оқибатни ўйлағудай бўл-са, юрагида кўрқув уйғонарди. Эрининг қўлга тушиб қо-лишидан кўрқарди-ю, уни кулфатдан асраш чорасини кўр-масди. Бошга ёғиладиган кулфат тошлари айни ҳаром луқ-манинг оқибати эканини эса ўйлаб кўрмасди.

Бошига ёғилажак бало дўлларини ўйламаслик Ойниса учун янгилик эмас. Мактабни битирадиган йили пичанга чиқишган эди. Кўз уриштириб юргани Норбўта билан га-рам орасига яширинганида ёшлик шўхлигининг оқибати тақдирини ўзгартириб юборишини ўйламаган эди. Гарам орасида чегарадан чиқишмаган эди. Лекин кечаси билан бирга бўлишлари мактаб ўқитувчиларининг ваҳима ногора-ларини, ивирсиқ оғизларнинг эса миш-миш карнайларини чала бошлашлари учун етарли эди. Эл орасида шарманда-лик юқини кўтара олмай, боши эгилган отанинг милиция-га арз қилиши учун эса бундан ортиқ туртки шарт эмасди. Бокиранинг номусига тегишда айбланиб, қўлига кишан урилган йигитча гуноҳи исбот этилмаса-да, жабрланувчи ота ҳаракати туфайли „зўрлашга урингани“ учун барибир қамалди. Норбўта қамоқхонада афюнфурушлик илмидан баҳраманд бўлиб, ҳаёт йўлини ўша ерда узил-кесил белги-лади. Озодликка чиққач, „Энди нима қилсам экан?“ деб бош қотирмади. Турмуш қуриш масаласи ҳам осонлик би-лан ҳал бўлди.

Ойниса унинг қутулиб келишини кутди. Астойдил сев-гани учун кутди. Лекин... кутишдан ўзга чораси йўқ, ўзи бокира бўлса-да, номига гард юққан қизни бу атрофда ҳатто иккинчи хотин қилиб оладиган мард ҳам йўқ эди. Шу боис Норбўта совчи юборганида қаршилик билдирил-мади. Лекин ота-она тўйдан кейин бирон марта ҳам қизи-ни йўқламади. Бир қишлоқда яшагандан кейин турли тўю маъракаларда учрашиб турилади, улар шу билан кифояла-нишди. Ота-онаси билан бутунлай узилиб кетиш хавфи Ойнисани у қадар ташвишга солмасди. Бир марта „Одам-ларга ўхшаб борди-келди қилсак осмон узилиб, ерга ту-

шармида“, деб нолиганида эри „Яқинда бошингга бахт қуши қўнади, шаҳарга қўчиб, подшоҳлардай яшай бошлаганимизда уларнинг ўзи остонамизга шиллиққуртдай ўрмаб келишади“, деб овутган эди. Бироқ бошига бахт эмас, қузғун балоси қўниб, ширин орзулар булутидан қулаб, ёлчиққа беланди.

Ойнисани қамаб қўйишганда „Эринг қоралорини қаёққа яширган?“ деб кўп қийин-қистовга олишди. Улат билан олма-юз учраштиришганда кийимларини пора-пора қилиб, шармандали ҳолга ҳам туширишди. Эри „Ҳеч қанақа мол-ди яширмаганман, қўлимда бори шу ярим кило эди“, деб травергач, Ойниса унинг муддаосини тушунди. У чиндан ҳам яширилган афюн ҳақида ҳеч нима билмасди. Билганида ҳам, ҳар қанча қийнашса-да, айтмаган бўларди. У мол ҳисобида шафқатсиз одамлар турганини, вақти келганда уларнинг ҳисоб беришга мажбур эканини биларди. Омадлари кўчишиб, бу мол ўзларига насиб этса, эри айтган бахт қуши бошларига қўнажагига ишончи ҳали ўлмаган эди. Эри билан учраштиришганда, кўз-кўзга тушган онда нигоҳига кўринган маънони уқди, катта миқдордаги қоралори кўчириб қўйилганини фаҳмлади. Қаерга яширган бўлишини қамоқда ётганида ҳам, кейин ҳам кўп ўйлади. Мол билан одамлар искаб келишини хавотир билан кутиб турганида Бўрон пайдо бўлди. Уни мол илинжида келган деб, гўмон қилиб юрди-ю, бироқ, қоралори ҳақида сўз ҳам айтмай, бу нарсага ишора ҳам қилмагач, фикри ўзгарди.

Одамлар ер юзининг барча нуқталарида ҳаёт кечиради-лар. Қуеш баъзи-баъзида юз кўрсатадиган совуқ ўлкаларда ҳам тоғи-тоғида ёмғир бир томчиладиган саҳрода ҳам тоғи-тоғида лаззатини топадилар. Ҳар бирлари ўз маконларини қўқайдилар, буни неъмат деб билиб, Яратгандан рози бўлидилар. Аслида гап табиатнинг неъматиди эмас. Жаннат ҳам ҳамин жойда туғилиб яшаётган одам бошига тарикдай қўқайди тоши тушса, ўзини фароғат боғида эмас, фалокат қўқайди яшаш учун туғилгандай ҳис этади. „Дунё ҳаёти ҳамин фароғат ишо-иҳонат тупроғидан, осмонда эса бало-офат қўқайди ёқирувчи булутлардан иборат“, деб вовайло қила-дилар. Воқсан шундай: дунё бир денгиз дея фараз қилин-ди, қўқайди кулфат суви ила тўлиб-тошгани афсона эмас. Қўқайди қўқайди чўмилаверади, чўмилаверади...

Дунё осмони абри бало ила қопланганини ҳам ҳеч ким рад этмаган.

Бироқ...

Ранги қандай бўлмасин, юки қандай бўлмасин, осмонни ҳамиша булут қоплаб турмайди. Ҳаёт шамоллари уларни суриб кетади-ю, умид қуёши йилт этиб кўринади.

Кулфат денгизи ёнида эса фароғат уммони мавжуд. Ҳамма гап кимнинг қандай сувда чўмилиш истагида эканида.

Эҳтимол, кимдир умид ва бахт қуёши йилт этади-ю, сўнг бутунлай сўнади, деб ўйлар. Шундай ўйласа, демак, унга шу насиб этар экан.

Балки кимдир дўнглик ортида фароғат уммони чайқалиб турганига ишонмас. Ишонмаса, у томон интилмаса, кулфат денгизиде умрининг охирига қадар қолиб кетаверади.

Ойниса эрининг ўлими ҳақидаги шумхабарни эшитгач, ўзини кулфат денгизиде кўрди. Осмонини қоп-қора бало булути қоплаб, атрофи зулмат тўрига ўралди. Таъзияга келган ўғай акасига ҳасрат дастурхонни очганида у жимгина тинглади. Синглисининг дардли ва аламли гапларини узиб, „Сен янглишяпсан“, демади. Аксинча, ҳасратини айта-айта энгиллашиб олишини сабр билан кутди. Умри муаллимлик билан ўтаётган одам бунақа аҳволда нима дерди, насиҳат қилади-да. Ойниса „Нима қилай энди, айтинг, ака, бу дунёда адолат борми ўзи?“ деган маънода ёшли кўзларини унга қадаганида ҳам дарров гап бошламади. Ниманидир эсламоқчи бўлгандай ўйланди:

— Гапларинг тўғри, — деди ҳамдардлик оҳангида. — Одам боласи қайғу, ҳасрат кўрмай умр кечириши мумкин эмас. Бир донишманд одамнинг ёзганларини ўқиган эдим: турмуш ва ҳаёт тиканли чангалзор устидан юришдан, бешафқат денгизнинг машаққат тўлқинлари билан курашиб сузишдан иборат экан. Ақлли киши бу заҳматлардан кўркмаслиги, келажакдаги роҳатларга умид боғлаб, ушбу машаққатларга энгилмаслиги, кўнглини чўктирмаслиги зарур экан. Ҳар оғирлик ортидан бир энгиллик келишини Худонинг ўзи ваъда қилганини имом домладан эшитган эдим. Ақлли одам Худонинг шу ваъдасини доимо эсида тутиб, ўзига тасалли берса, кўнгли хотиржам бўлади. „Бошқа

Кимшилар роҳатда юрадилар, қайғулари йўқ, ғам-аламга қўшилган биргина менман“ деб гумон қилиш янглиш кўчаларга бошлаб, зарарли жарга қулатади. Сен билан мен . Бу одам роҳатда маза қилиб яшаяпти“ деган кишининг қўволи текшириб қаралса, мусибати сеникидан баттарроқ экани маълум бўлиб қолади. Дунёни бекорга „чархи фароғат“ демаганлар. Тун кунга алмашади, бало ўрнини фароғатга бўшатиб беради. Сен билан менадан талаб қилинадигани — сабр. Балоларга сабр қилиш ва қазоларга буйсуниш бало бўлмайдиган ва қазолар кўрилмайдиган жойга борариган бирдан-бир йўл экан.

Ойниса акасида бунақа ақлли гапларни кўп эшитган, баъзисини эшитгану унутган, баъзисига амал қилишни ўйлаган-у, ўй-ўйлигича қолаверган, амалга ошмаган. Ўшанда ҳам биргина акаси ёнини олган, „Гумонни ногора қилиб қолавермаларинг, поклигига ишонмасаларинг дўхтирга кўрсатларинг“, деб қаттиқ туриб олган. Акасига меҳри олишиб, „Энди чизган чизикларидан чиқмайман“, деб аҳд қилган-у, „Отангининг дағдағасидан кўрқма, шаҳарга бориб кўри“, деган насиҳатини амалга оширишга журъати етмаган. Тўғрироғи, журъати-ку етарди-я, ammo „Бузуқлиги учун иснодга чидолмай, шаҳарга жўнаб қолди“, деган фиску фасоднинг қудратидан кўрққан эди.

Аканинг маънили гапларини маъқулласа-да, кўрсатилган йўлга бурилмай, эри хоҳлаган йўлни афзал билиб, ўзи билганича яшаган сингилнинг сабрга доир ҳикмат ёнгоғини чақиши амри маҳол эди. Хўш, Ойниса акасининг гапини қулоққа олиб, сабр қилганида нимага эришарди? Сабри учун мукофот насиб этиб, эри қайтиб келганида нима бўларди? Ўша-ўша — эски ҳаммом, эски тосми? Бировни кутиш сабр эмас, Яратганнинг розилигига етмоқ учун машаққат тиканзорларидан ўтиб бормоқ сабр эканини ака сингилга тушунтириб бера олмади.

Ҳикмат кўчасидан узоқлашиб, фароғат уммонига етиб борган кимсани ҳали ҳеч ким кўрмаган. Ойниса ҳасрат ёшларини тўкиб адо қилгандай бўлди-ю, ўзи кулфат денгизда қолаверди. Бу ҳам етмагандай, қизи атрофида милиса йигитнинг шилқимлик қилаётганини билиб, ҳам ғабзланди, ҳам хавотир тўри билан ўралди. „Келгиндини яқинингга йўлатма“, деб юмшоқроқ гапирган эди, қизи

кулимсираб қўя қолди. Бу кулимсирашнинг маъносини тушунган Ойнисанинг юраги портлаб кетай деди. Назарида бу шилқим йигит бу кеч ё эртага қизини шаҳарга ўғирлаб қочадигандай эди. Лекин „Балки мен янглишаётгандирман“, деб ўзини босди.

Эрталаб соғилган сутни топшириш учун гузарга бориб. Бўронни кутди. Бўрон одатига хилоф қилмай, кеч келди. Қабул қилувчи йигит унинг идишларини бўшатиб, ювиб бергунича Ойниса тутинган акасига дардини баён қилди. Бўронга бу ҳолат маълум бўлгани сабабли эътиборсиз тинглади. Худди милиса йигитни топиб, ҳозирнинг ўзида адабини бермоқчи бўлгандай қаҳвахона томонга тикилиб турди. Милиса йигитнинг ўралашиши унга ҳам ёқмаган, лекин „Балки вақти келса фойдаси тегиб қолар“, деган фикрда индамаётган эди. Ойниса гапини тутатгач, унга қараб жилмайди:

— Ваҳима қилаверма. Моҳидил ақлли қиз, милисанинг қармогига илинмайди. Уч-тўрт кундан кейин Тошкентга бориб-келадиган ишим бор. Уқишини тўғрилаб берадиган одам топаман. Ҳозирча, арқонни узун ташлайверсин. Бу тавия шилқимлик қилса қилаверсин. Милисанинг иши ўзи шунақа.

— Фирромингиз-чи? — Ойниса зарда билан шундай деб унинг гапини узди.

— Унинг шилқимлигига ҳам парво қилмаларинг, деганман-ку? Гўнпашшага ўхшаб атрофларингда гўнғиллаб учиб юраверсин.

— Кеча оқшом келиб, пул ташлаб кетди. Моҳидилнинг кийимлари ёқмаётган эмиш. Қишлоқча кийими мижозларни ҳуркитиб юбораётганмиш. Шаҳарча замонавий кийим кийсин эмиш. Мен қизимга қўкраги киндигигача очиқ кўйлак кийгизиб қўймайман. Айтинг унингизга. Кафесини ҳам, мижозларини ҳам пишириб есин!

— Сенга нима деяпман: гапларига ҳам, шилқимлигига ҳам парво қилма. Пул бердим, яхши, қизинг билан шаҳар бозорига тушгин-у, ўзига ёққан кийимларни олавер. Кийса бугун кийсин, киймаса, сандиққа ташла, баҳонада сепи кўпаяди.

— Шунақа дейсиз-у, унингиз минғирлайвериб, жонимга тегиб кетди.



- Бўпти, „уним“ни бураб қўяман, мингирламайди.
- Моҳийга суқланиб тикилганида кўзларини ўйиб олган келяпти.
- Қизингга битта у суқланиб қарамайди-ку, ўйиб ташлаверсанг, Ясситепада кўз қоладими? Моҳий Тошкентда бўлса, у ёқда ҳам суқланиб қарайдиганлар кўп бўлади. Қизингни маҳкам қилавергин-у, суқланадиган кўзларни қизингга қўйиб бер. Моҳийни авайлашга ваъдам бор. Биз қизингни унутмаймиз.

Кейинги гапнинг қатъий оҳангда айтилиши Ойнисага шундай бўлиб, изига қайтди. Қизини уйготди-да, шаҳарга қайтани бошлади.

\* \* \*

Бўрон билан Ойнисанинг суҳбати тез якунланган бўлган эди. Файратнинг назарига илинди. Файрат бу онда бошлиқ хонасида, дераза яқинида ўтирган эди. Бошлиқ кечаси олдир этилган қотиллик сабабларини ўзича таҳлил қилиб, қизинг бир соатдан бери гапирарди. Эзмаланиб, йиғилган қизингнинг тоқатини тоқ қилгач, хулоса ясади:

– Демак, қотилларни тез қўлга олганимиз билан жиноатнинг келиб чиқиш сабабларини аниқ далиллаб бериши керак. Хўш, ҳарбийдан қайтган йигит ўртоқларини билан кўнгилда уйига таклиф қилибди. Болаликдан бирга ўқиган бўлган жўралар оз-оздан ичишибди. Сўнг биттасининг гапи иккинчисига ёқмай, муштлашув бошланибди. Қизинг ёқмайдиган гап нима эди?

– Оз-оздан ичиш билан кифояланишганмикин ё бошқача нарса ҳам бўлганмикин? — деб гапга аралашди Равшанов. Бу аралашув бошлиққа ёқмади, қошларини сал чимириб, қизингга қаради. Равшанов эса гапига аниқлик киритди: — Масалан, наша чекишгандир ё кўкнори эзиб ичишгандир, бундан билак томиридан ҳам олишар? Тергов жараёни бу қизингни четлаб ўтмасин. Участка инспектори одамлар билан гаплашиб, қармоқ ташлаб кўрсин.

Равшанов шундай деб Файратга маънодор қараб қўйди. Қотилларни ушлашда Файрат ҳам иштирок этган, аммо қизингнинг вазифаси чекланган, фақат кузатувдан иборат бўлган эди. Тезкор гуруҳга ўзи раҳбарлик қилган бошлиқ уни

чақиртирган бўлса-да, ишларга аралаштирмаганди. Бундан кейин ҳам аралаштириш нияти йўқ эди. Шу сабабли Равшановнинг таклифини дарров рад этди:

— Бу участка инспектори эплайдиган иш эмас. Жиноят қидирув бўлимининг тажрибали мутахассислари ўз ишларини билиб қилишади. Буни капитан Акмалов зиммасига юклайман. Комилов унга ёдам беради.

Бошлиқ йиғинни кескин оҳангда якунлагач, бошқаларга жавоб бериб, Файратни олиб қолди.

— Кўчага тикилиб қолдингиз, яхши томоша бор эканми? — деди заҳарли оҳангда.

Файрат газаб ўқига дучор бўлганини фаҳмласа-да, ҳеч нима билмагандай хотиржам жавоб берди:

— Томоша йўқ. Одатдагидай эрталабки иш: соғилган сутларни топширишди.

— Шунинг ўзими? Мен шубҳали нарсани сезибсизми, деб ўйлабман.

— Шубҳали нарса ҳам бўлди. Сутларни, асосан, аёллар топширишди. Қабул қилувчи йигит бидонларни бўшатиб бераверди. Охирида бир одам мотоциклда келди. Унинг идишларини бўшатиб, ювиб ҳам берди.

— Хўш, нима бўпти, нимаси шубҳали?

— Мотоциклда келган одам ё йигитнинг қариндоши ё ундан қўрқади.

— Нимасидан қўрқади?

— Ўша одам қамоқдан чиқиб келган ўғри эмиш, деб эшитдим.

— Хўп, унинг бугунги қотилликка нима алоқаси бор? Ўша ўғри қотилларни сут ичириб маст қилган эканми?

— Мен бунақа деганим йўқ. Сиз сўрадингиз, мен кўрганларимни айтдим. Сўрамасангиз индамас эдим.

— Мажлисдаги гапларга тушундингизми?

— Ҳа. Қотиллар қорадоридан олганми ё йўқми, аниқлашим керак экан. Лекин буни бошлаб ташлайдиган мутахассислар участковойсиз ҳам эплашаркан. Тушунганим шу.

Бошлиқ ижирғаниб сўкингиси келди-ю, „нозик тоға“ хусусидаги огоҳлантиришни эслаб, ўзини босди. Лекин сенсирашга ўтишдан тилини тия олмади.

— Дўланақишлоққа борасан. Ўша ердаги магазинчи қаёқдандир арақ олиб келиб сотаётганмиш. Шунини аниқла.

- Хўп бўлади. Ушлаб, ўтқазиб қўйганимдан кейин ОБХССдагилар мендан ранжишмайдами?
- Сенга ушлаб, ўтқазиб қўй, дейилмади. „Аниқла“ деди. Икковининг фарқи борми?
- Бор, ўртоқ подполковник, бугуноқ аниқлаб келаман. Бошлиқ „Жўна, турқингни кўрмай“, деган маънода қўтгани силтагач, Файрат интизомли ходим кўринишида хонадан чиқди. Даҳлизда Шухратга рўпара келиб тўхтади.
- Хўжайин сенга алоҳида ҳурмат кўрсатиб олиб қолди, тинчликми? — деб сўради Шухрат кулимсираб.
- Алоҳида ҳурматга эга одамга алоҳида ҳурмат кўрсатилади-да, — деди Файрат.
- Балки алоҳида ҳурматга эга бўлган одамга алоҳида топшириқ берилгандир? — деди Шухрат ҳазил оҳангини тавом эттириб. — Давлат сири бўлса, айтмай қўя қол. Топшириқни бажариб, орден олганингда била қолармиз.
- Алоҳида давлат сирини алоҳида дўстларга айтиш мумкин. Дўланақишлоқдаги магазинда бегона арақлар пайдо бўлганмиш. Бу арақларни фош қилиб, қуролсизлантиришим керак.
- Шунинг ўзими? — деди Шухрат айёрлик билан кулимсираб. — Унда хомтама бўлма, сенга орден насиб этмас экан, ошнам.
- Нега, ишни эплотмайдиган шунчалик овсарманми?
- Шу туришингда овсарсан, чунки топшириқдан мақсадни билмайсан, мен айтмасам, икки дунёда ҳам билолмайсан. Дўланақишлоққа овсар бўлиб бориб, аҳмоқ бўлиб қайтасан. Иккита арман коньягига эрисанг, сени балолардан асраб қоламан.
- Менинг жоним иккита коньякка арзимайди, маошим ҳам етмайди. Иккита коньяк иккалаамизга кўплик ҳам қилади. Демак, биттага келишдик.
- Яхши, биттани қўясан-у, ўзинг тумшугингни тиқиб олирик бўлмайсан. Энди билиб ол: Дўланақишлоқда биттагина дўкон бор. Унда арақ тугул лимонад ҳам сотилмайди. У жойни кўпчилик „Сўфиқишлоқ“ деб атайтиди. Одамлари ичмайди, тўй-зиёфатларида шиша зотини дастурхонга қўймайди. Агар сен бугун у ерга пиво ичиб борсанг-у, ҳиди қўрқираб турса, погонингга қараб ўтиришмайди, қишлоқдан чиқариб юборишади.
-

— Нима, ҳаммаси сўфими? — деб ажабланди Файрат.

— Сўфимас-ку, лекин қишлоғимизга Худонинг назари тушган, ҳаром нарса кирмасин, деб қаттиқ туришади. Уларга ҳатто райкомнинг ҳам тиши ўтмайди. Сен бориб кўр-гин, ростданам Худонинг назари тушган қишлоққа ўхшайди. Бунақа жаннатдай жой бошқа ерда топилмаса керак. Бир отахон „Бу қишлоққа жаннатнинг акси тушиб туради“, деганди.

— Битта коньякка арзийдиган янгилигинг шуми? Бориб ўзим ҳам билардим, — деди Файрат энди норози оҳангда.

— Йў-ўқ, ошнажон, ҳали ҳеч нарсани билмайсан. „Арақ сотилмайдиган жойга хўжайин нега бунақа топшириқ билан юборяпти?“ деб сўрамайсанми?

— Сўрамайман, ўзимнинг ақлим етиб турибди. Хўжайининг мени аҳмоқ қилмоқчи.

— Хўжайин битта меники эмас, иккаламизники, буни унутма. Аҳмоқ қилмоқчилиги эса рост. Юқори орқали келадиган ходимни бир-бир шунақа аҳмоқ қиладиган одати бор. Лекин ҳозир бу муҳим гап эмас. Муҳими — арақ сотишда гумон қилинаётган дўкондор хўжайинимизнинг жияни бўлади. Топшириқдаги асп юришни энди тушундингми? Сен дағдаға қилиб борасан-у, кулгига қоласан. Идорага қайтгунингча майна бўлганинг бутун Ясситепага ёйилди. Бу маълумот битта коньяк учун. Иккинчисига эрисанг, нима қилишинг кераклигини ўргатаман.

— Сен канасан.

— Сен эса бахилсан. Кулгига қолишдан кўрқмасанг, пулинг чўнтагингда.

— Айт...

— Сен у ерга бошлиқнинг топширигини бажариш учун бормайсан. Дўланақишлоқнинг дўвруғини эшитиб, томоша қилгани борасан. Дўконнинг ёнида чойхона бор. Чойдан ичиб, қишлоқнинг мақтовини келтирасан, гапни олиб қочишга суягинг йўқ, буёғини қотирасан. Қайтганингдан кейин хўжайинга рўпара бўлма. Билдирги ёзгин-да, идорада йўқлигини пойлаб туриб, қабулхонасига ташлаб қўй. Қисқа ёз: „Топшириқингиз бўйича текширув ўтказдим, идорага маълум қилинган далиллар ёлғонлиги тасдиқланди. Район ички ишлар бўлими бошлиқининг жияни қонунга хилоф иш қилиши ҳечам мумкинмас“, десанг етарли. Жиян

Сиздаги сирни кўпчилик билмайди. Бунини мен сенга айт-  
тишим йўқ, умуман, мен сени бугун кўрмадим.

Шухрат шундай деб муғомбирлик билан кўз қисиб  
қўлини да, йўлида давом этди.

Ғайрат жойида бирпас қотиб турди. Бошлиққа ёқмага-  
шани биларди, шундай бўлишини бу ишга отланганидаёқ  
қимин қилган эди. Лекин бунақа масхарабозликни кутма-  
шди. Агар бошлиқ тенгдошларидан бўлса, бошлаб жаво-  
бни берарди. Ғайратга ҳазил қилган ошналаридан ҳеч  
қимни барака топмаган. Бошлиқни майна тўрига ўраб қўя-  
ётган чорани ўйлаб топиш унинг учун қийин эмас, бироқ  
ўйлашмагин арбоб билан...“ деган ўғитни ҳам билади.

Йўловчи машинага ўтириб, Дўланақишлоққа борди.  
Шухрат мақтовни ошириб юбормаган эди. „Худо тоғу  
тоғларни, дов-дарахтларни, шарқираган сойларни яратта-  
шди энг сараларини шу қишлоққа илинган бўлса керак“,  
деб ўйлади. Хаёлига келган гапини чойхонада ўтирган чол-  
ларга айтган эди, уларга бу мақтов камдай туюлиб, ўзлари  
қўлдирдилар:

– Қайсидир йили арабданми ё туркданми меҳмонлар  
келди деб эди, — деди улардан бири. — Қишлоқни айланиш-  
ти ю. кетишга шошиб қолишди. „Ҳа, нима бўлди?“ деб  
сўрашган сак, „Аллоҳ жаннатнинг энг яхши бўлагини шу  
қишлоқдан чиқариб қўйибди, бу жаннат неъматларидан  
қўлдирган сак, у дунёдаги жаннат роҳатидан бенасиб қолар-  
канмииз, деб кўрқяпмиз, шунинг учун кетмоқчимиз“,  
қўйибди.

Ғайрат қишлоқда кечга қадар қолишни хоҳлади, бироқ  
қўлдирди. Моҳидил томон чорлади. Унинг учун жаннат акси  
бу боғларда эмас, қизнинг чеҳрасида эди.

Ижорага кириб, бошлиқ йўқлигини билгач, дўсти масла-  
ҳатига амал қилиб қисқагина билдирги ёзиб қолдирди-ю,  
қўлдирди. Юқорига чиқиб, Моҳидил йўқли-  
гини билгач, гарвузи қўлтиғидан тушди. Шошилиб қайт-  
тишга афсусланди.

Пештахта ортида турган қиз унинг бўшашиб яқинла-  
шганидан аҳволини сезиб, „Ажаб бўлибди!“ дегандай  
қўлдирди. Моҳидил билан қарши олди. Ғайрат Назира  
қўлдирди бу қизнинг Моҳидил билан яқин дугона эканини  
қўлдирди. Икки марта шу ерда кўришиб саломлашгану, аммо

гаплашмаган эди. Сўзга чечан йигит пештахтага яқинлашгани ҳамон „Моҳидил қани?“ деб сўрашга истиҳола қилди. Тилида сўрамаса ҳам кўзларида бу савол зоҳир эди. Айёр қиз буни сезса-да, ўзини билмаганга солди. „Мард йигит бўлсангиз гап бошланг-чи“, дегандай муғомбирлик билан қараб тураверди. Файрат бунақа нигоҳдан оёғи қалтираб қолувчи шалвираган йигитлардан эмасди. Қизларнинг юрагини қитиқлай оладиган хумор қараши билан бу шаддоднинг адабини бериб қўйиши мумкин эди. Лекин оғайниси Шухратнинг бу қизга кўнгли борлигини билгани сабабли гапни айлантормади.

— Ўртоғингизга қарашгани келибсиз-да, ҳақиқий дугона шунақа бўлиши керак, — деди саломлашгач.

— Қарашгани келмадим, бугун Моҳийнинг ўрнига ишлайман, — деди қиз муғомбирлик либосига янада ўралиб.

— Нега?

Овозида хавотир ошкор бўлганидан Файратнинг ўзи ҳам ўнғайсизланди.

— Вой, ҳали эшитмадингизми? — деди қиз шаддодлик билан. — Шунини ҳам билмасангиз қанақа милисасиз ўзи?!

— Мен... бир иш билан кетувдим... — деди Файрат ўзини оқлагандай бўлиб.

Унинг саросимага тушишини истаган қиз муддаосига етгач, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

— Сиз бир иш билан овора бўлганингизда Моҳий онаси билан шаҳарга кетди.

— Шаҳарга? Тинчликми?

— Билмасам, бозорлик ишлари бор экан, балки туғилган кунига ул-бул олар. Менинг дугонам ёлғиз қиз, эрка қиз, тантиқ қиз, молпараст қиз... онасини бир нимага эритгандир-да...

Назира „ёлғиз, эрка, тантиқ...“ деб дугонасига сифат берганда шошилмасдан, дона-дона қилиб гапириб, „Ошиқ йигитга бу қандай таъсир этаётибди экан?“ дегандай синовчан тикилиб турди. Файрат унинг тилидан учган кинояли сифатларга бутунлай аҳамият бермади. Уни бошқа янгилик сергаклантирди:

— Туғилган куни дедингизми? Қачон экан?

— Вой... билмасмингиз? Қанақа милисасиз ўзи? — Қиз шундай деб аразлагандай лабини бурди. — Қизиқ...

— Моҳидил туғилганларида мен Ясситепада эмасдим, дунинг учун билолмай, гафлатда қолганман, — деди Файрат муғомбирлик билан жилмайиб. — Бу айбим учун мени лаънатлаб-лаънатлаб, муборак куннинг қачон бўлишини сизга қолинг.

— Нега мен лаънатлар эканман...

Ҳар қандай яқин дугонанинг ҳам юрагида озми-кўпми ҳасад яширинган бўлади. Ўзидан гўзалроқ дугонасига хушроқ йигитлар ошиқлиги бу ҳасадни дам-бадам таталаб туради. Ҳозир шундай бўлди. Назиранинг ичини нимадир қизчалаб ўтгандай бўлди. Унинг қалбини бошқа йигит ром танига қарамай, ҳозирги гаплар рашкини уйғотди. Нигонани Файратдан узиб, юзини бурди-да, паст овозда:

— Эртадан кейин, — деди. Сўнг ҳолатини ошкор қилгандан чўчиб, ҳазил оҳангини йўқотмаслик мақсадида кўнраб қўйди: — Ясситепага келмасингиздан олдин туғилган...

— Бу янгилигингиз учун сизга суюнчи беришим керак. Тиланг тилагингизни! Осмондаги қайси юлдузни узиб берди?

— Юлдузни... — энди қиз астойдил чимирилди, — Менга нимага узиб берарсиз. Унга маҳлиё бўладиган йигитларнинг ҳар бири биттадан юлдуз узиб беради. Осмонда юлдуз ҳам қолмагандир?

Файрат бу кесатиққа ҳам парво қилмай, пештахтага тирезини тираб, ўжарлик билан деди:

— Мен барибир сизга суюнчи беришим керак.

— Ашулани боғлар экансиз, битта айтиб бера қолинг.

— Ашулани боғлашимни кимдан эшитдингиз? Гитарани шаҳарда олифтагарчиликка кўтариб юриб ўрганиб қолганман. Қаерда ашула бошласам, атрофимдагилар қулақларини беркитиб, қочиб қолишади. Чидайсизми, айта-қрайми?

— Ўзингиз биласиз... Ҳозир гитарангиз йўқ-ку?

— Гитара шарт эмас, мен сизга муҳаббат ҳақида янги ашулани айтиб бераман. Муҳаббат ҳақида қўшиқ айтилаганда сиз шарт эмас, юракнинг дуқури жўр бўлавередиз. Ашуладан олдин яна битта илтимосим бор, савоб олсангиз жуфт қилинг-да. Менга Моҳидилнинг битта сизни очасиз?

Бу қутилмаган гапдан қиз сесканиб олди:

— Вой, қанақа сир? Қайси йигит билан юради, демоқчимисиз? Хушторлари кўп-у, лекин биттаси билан ҳам юрмайди.

— Йўқ, менга буниси керак эмас. Ўша тантиқ, эрка қиз нимани яхши кўради? Нимага етишгиси келади-ю, етишолмайди?

— Вой, шуми?.. Қизлар нимага етишгиси келарди? Тилла-тақинчоқларга-да. Бир марта шаҳардаги тилла дўконига томошага кирганимизда билагузукка ўхшатиб ишланган олтин соатга ишқи тушиб қолган эди. Шунақаям чиройлики, лекин нархи осмонда. Қўл узатиб етиб бўлмайди.

— Унда келишдик, эртага ҳеч кимга билдирмай, мен билан шаҳарга тушиб чиқасиз.

— Нима деяпсиз? Қанақасига келишарканмиз? Мен рози бўлганим йўқ.

— Ашулани айтиб бўлгунимча ўйласангиз, рози бўласиз. Мендан ашула айтишни сўраган қиз илтимосимни ерда қолдирмаслиги керак. Йигитнинг илтимоси ерда қолгандан кўра, бўйни сингани яхшироқ. Бўйним синса, уволимга қоласиз-а!

Файрат шундай дегач, қизнинг навбатдаги эътирозига ўрин қолдирмай, пештахта устидаги бўш ликопчани олдида, ҳофизлар сингари чертиб, аста ҳиргойи бошлади:

Севги десам, фақат сен десам,  
Сенинг билан яшаса қалбим.  
Сен десаму бутун дунёнинг  
Шўришига қулоқ солсам жим...

Бу қўшиқ, Файрат айтгандай, чиндан ҳам „яп-янги“ эди. Ясситепага келиб, ижара хонасига жойлашгач, дим ҳавода бўғилиб кетди. Уй эгаларининг ижозати билан боғдаги супага бир қават кўрпача ёзиб ётди. Осмондаги юлдузлар чаманини кўрди-ю, афсонавий дунёга тушиб қолгандай бўлди. Тун осмонининг бу қадар тоза, бу қадар чиройли бўлишини шаҳарда ҳатто тасаввур ҳам этмаган эди. „Қизларининг юзига шу юлдузларнинг тоза нури кўчар экан-да“, деган фикр туғилиб қалбида бир қўшиқ уйғона бошлади. Осмон чаманидаги юлдузлар бирлашиб, Моҳидилнинг гўзал чехраси кўринди. Ҳозир шу қўшиқни бошлаши билан кўз олдидаги ҳамма нарса, ҳатто „Ашула



“Айтып беринг” деган қыз ҳам кўринмай қолди. Буларнинг  
 арасында Моҳидил пайдо бўлди-ю, жон олғувчи жилмайиши  
 билан йигит кўнглини қитиқлай бошлади.

Кечир мени, нозли малагим,  
 Сени мақтай олмасим тайин.  
 Сенга шунча чирой берган ким —  
 Айтиб бергин, уни мақтайин...

Хаселига эга чиққан малак дилрозини ўқий бошлаган  
 Мажнунига ишқ тўла, майл тўла нигоҳи билан чарақлаб  
 қаради. Бу қарашга дош беролмаган йигит кўзларини юмиб  
 қолди. Гарчи кўзлари юмилган бўлса-да, рўпарасидаги гўза-  
 лик кўрқолмади. Янада ишва билан тикилди. Бундан жўшган  
 йигитнинг қўшиғи авж палласига чиқди.

Куёш каби айланар бошим,  
 Қарайману кўзим тинади.  
 Ва жилмайган кўнгил кўзгуси  
 Парча-парча бўлиб синади.

Кечир мени нозли малагим...

Қалби шу даражада жўшиб, ўзи айтаётган қўшиққа шу  
 даражада берилдики, гузарда автобус тўхтаганини, ундан  
 Моҳидил билан онаси тушганларини, сўнг қаҳвахона то-  
 рага юрганларини ҳам сезмади. Назиранинг „Вой, Моҳий“  
 қўшиғи уни хаёлнинг момик булутидан суриб туширди.  
 Кўзларини очди-ю, таҳайюр тўрига чирмашишига бир баҳя  
 қилди: жиндек ўнғайсизланишни ҳисобга олмаганда ўзини  
 қўров ўнглаб, кулимсираганича саломлашди. Ойниса ис-  
 тисқоғина алик олди. Моҳидил эса дугонасига норози қа-  
 раш билан чекланди.

— Яхши бориб келдингларми? — деди Файрат.

— Ҳа, бориб-келдик, — деди Моҳидил. Кейин пичинг  
 билан қўшиб қўйди: — Назийни зериктирмай ўтирибсизми?

— Мен... сизни кутиб ўтирибман.

— Мени? Қизиқ... — Моҳидил чимирилганича юзини  
 қаради. — Менда гапингиз бормиди?

Файрат нима деб жавоб беришни билмай ўнғайсизлан-  
 ганда Ойниса гапга араллашиб, унинг мушқулини осон  
 қилди:

— Моҳий, юр, Назийнинг ўзи беркитиб боради. Савдонинг ҳам тайини бўлмаганга ўхшайди.

— Хўп, кетдик, — деди Моҳидил лабини буриб. Онасига эргашиб кета туриб, дугонасига пичинг тошини отишга ҳам улгурди: — Назий, ашулага тўйиб олганингдан кейин бизникига боргин...

— Моҳий, бу нима деганинг? Гапингни қара...

— „Балога қолдим, бунга сиз айбдорсиз“ дегандай Файратга норози нигоҳини қадади. Файрат икки дугона орасига нифоқ солиб қўйганини фаҳмлади. Назирадан узр сўрамоқчи ҳам бўлди. Лекин олдин Моҳидилга тушунтириш керак, деган хаёлда уларга эргашиди. Йигит ўнғайсизланиши баробарида Моҳидилнинг астойдил ранжиганидан қувонди. „Демак, менда кўнгли бор экан!“ деган фикр унга қанот берди. Қанот берди-ю, лекин уча олмади. Зинадан чиқиб келаётган Фирромни кўриб, жойида тўхтади.

— Шаҳардаги ҳамма дўконларни шип-шийдам қилиб келдиларингми? Она-бола одамни хавотир олдиришни яхши кўрасанлар-а? Юкларингни машинага ташлаб кетаверларинг, сал туриб ўзим олиб бориб бераман.

Фирромнинг бу гаплари Ойнисага қаратилган бўлса-да, кўзлари Моҳидилда эди. Қизнинг бундан энсаси қотиб, гапини шарт узди:

— Юкимиз энгил, уйимизга бориб овора бўлмай қўя қолинг.

Фирром бу шарттакиликдан жаҳли чиққанини сездирмай, бош чайқаб, рўпарасида турган Файратга қаради. Файратга қизнинг бу қилиги ҳам ёқди, ҳозир изидан юриб, узр сўрашга ҳожат йўқлигини англаб, орқасига қайтди-да, одатланиб қолган столига бориб ўтирди. Чўнтагидан Фирром ҳадя этган икки картани чиқариб, бармоқлари орасида ўйната бошлади. Фирром Назира томон юрмай, Файратнинг рўпарасидаги бўш стулга ўтирди.

— Бу қиз эмас, бир олов бўлди. Яқинлашай десанг, куйдиради, — деб лабига сигарет қистирди.

— Узоқлашиб ҳам бўлмайди, узоқлашса, юракни куйдиради, — деди Файрат маънодор оҳангда.

— Йигитнинг гули, сизга менинг бир акалик маслаҳатим — юрак куйса ҳам узоқроқ юраверинг, — Фирром шундай деб сигаретини ўт олдириди-да, сўнг гапини шошилмай

— Куйиб ўлгандан кўра, инфаркт бўлиб ўл-  
тирди.

Файрат кинояли жилмайиши билан унинг фикрини  
қайтадан бўлди. Фирром эса унинг қарашидаги „Қай-  
ми Фирромиз олдинроқ инфаркт бўларканмиз, аммо менинг  
бақувват“, деган маънони англамагандай сўради:

Қалай, ишларга киришиб кетдингизми, ҳамшаҳар?  
Жаза-пастга урворишибди-ку? Тошкентдан келган мили-  
тариачи участкавой бўлишини энди кўришим. Маоши қурт  
пастга етадими, ишқилиб?

Фирром бунақа гапни олдин ҳам айтган эди. Ҳозир та-  
қдордан тақдорларими ё атай масхара қилмоқчи бўлдими,  
Файрат фаҳмлай олмади. Арқонни узун ташлаб, буни энди  
қайтадан айтгандай, бамайлихотир, кўзларини лўқ қилганича  
қайтадан қайтарди:

Етади, етмаса... сиз борсиз-ку? Керак бўлганда қарз  
бериб тура оласизми?

Бу гапни эшитиб, Фирром кулиб юборди:

— Кийимингиз текин, емишингиз текин, бу ерда маи-  
шнинг қилганидан рестороанлар йўқ, сиз пулни нима қиласиз?

— Чўнтагида хемири йўқ йигит йигит эканми? Ҳазил-  
мақаланинг йўқ. Пул зарур бўлиб қолди. Бир ойда қайта-  
дан қарз билан қарз бериб тура олмайсизми?

Фирром „Рост айтяпсанми ё мени лақиллатмоқчимисан,  
ми сўраб?“ дегандай унга пича тикилиб турди-да сўради:

— Қача?

Анча...

Нима учун бир ой. Маош олгунингизчами? „Анча“  
қачага маош етадими?

Бир ойдан кейин уйга бориб келаман. Уч-тўрт одам-  
дан қачага ишларим бор.

Себзорлик йигитнинг қарз сўраши уят эмасми? Бал-  
ки бир қорғаш ташлармиз? — Фирром шундай деб чўнтагидан  
қорғаш олиб, стол устига ташлади-да, Файратга  
қорғаш тикилди: — Битта тикамиз. Ё остидан, ё устидан.

Устидан пул етмайди, — деди Файрат афсусли оҳангда.

Мен сизга иккита фора бераман. Биринчиси — пул  
қачага деб ҳисоблаймиз. Иккинчиси — картани сиз су-  
раб қачага? Нима ўйнаймиз? Покерми, проферансми ё ўзи-  
мақаланинг қайлари ўйинларданми?

— Бу қўл карта ушламаганига анча бўлди. Жайдари ўйинимиз дуруст.

Файрат чаққон ҳаракат қилиб, карталарни тарқатди. Фирром кўзини ундан узмаганича учта картани бир-бир очиб қўйиб, кулди:

— Учта „дама“. Хотинларни яхши кўришимни қаердан билдингиз? Хотинжонларим ҳеч қачон менга панд бермайдди. Қани, дадил бўлинг, очаверинг.

Файрат ҳам карталарга эмас, унинг кўзларига тикилганича очди. Фирром учта „қирол“га қараб, айёрона кулди.

— Подшоҳларга гап йўқ. Ҳозир цехга кириб ўтамиз. Қанча пул керак бўлса, оласиз. Аммо мен мазза қилдим. Ютқазининг ҳам роҳати бор-да! Хўп, сизнинг бу масалангизни ҳал қилдик. Худо деган йигит экансиз, орада қарз йўқ. Шошилмаётган бўлсангиз, кўнгилочдига яна бирикки қўл ташлайлик. Юрак бир ором олсин.

Файрат „хоҳишингиз“ дегандай елка қисиб қўйди, биروق нигоҳидаги сергакликни йўқотмади. Энди карталарни Фирром олиб, чийлаган бўлди. Сўнг чаққонлик билан тарқатди. Бу сафар олдингисининг акси бўлди. Фирром ёш боладай қувнаб кулди-да, ишини давом эттирди. „Бирикки қўл“ дегани уланиб кетди. Ҳар сафар Фирром ютаверди. Ўз ҳунаридан ғурурланиб кулаверди.

Файратнинг сергаклиги иш бермади — Фирромнинг қай йўсинда фирромлик қилаётганини аниқлай олмади. Ютқазикдан эмас, мана шундан асабийлаша бошлади. Унинг ҳолатини сезган Фирром, карталарни тахлаб, четга суриб қўйди:

— Бу ёғи қандоқ бўлди, йигитнинг гули, катта тушиб қолдингиз-ку?

— Ўйин ҳазилакам бўлса ҳам, ютқазининг гашти борда, — Файрат шундай деб сир бой бермаслик учун кулимсиради.

— Ҳазилакам дедингизми? — Фирромнинг қувноқ чеҳраси жиддийлашди. — Себзорлик эркаклар қачондан бери ҳезалакам ўйнайдиган бўлиб қолишган?

Фирромнинг бу сўз ўйини Файратга малол келиб, қошларини чимирди.

— Себзордан шу пайтгача ҳезалак чиқмаган, чиқмайди ҳам. Ўйин мардларча бўлди. Сиз мардлик қилиб, фора

Уйингиз. Ютқазганим бўйнимда қарз. Бир ойда қайтариб бўлмаман.

— Бир ой кутишга ҳожат борми? Уйингизга эртамининг бориб кела қолинг-да. Бир баҳона топинг-у, хўжайинни кўндириб. Баҳонага кўнмаса, менинг ҳисобимдан банктагини мойлаб қўйинг.

— Уйинни бошлашда қарзни қайтариш муддатини келтирилмаган эдик. Шошилтирманг мени, бир ойдан бир кун ҳам ўтмайди.

— Мен бир йил ҳам кутишим мумкин. Тантилигим туталди. Кечиб ҳам юборавераман. Шу ҳам пулми, қўлнинг сирри-ку! Себзорнинг эркаклари шу овлоқда пул таллашиб кетирса уятмасми? Мен бу ерда сиқилиб қолгандирсиз, шаҳардаги хурилиқоларни соғингандирсиз, бир баҳонада қўлга бориб, чанқоқларни бостириб келинг, демоқчиман. Агар кўнсангиз, менинг ҳам хизматим бор. Балки шу баҳонада ҳисоб-китобни тўғрилаб қўярмиз.

— Қанақа хизмат?

— Бир машина молни Тошкентгача кузатиб борасиз.

— Қанақа мол?

— Хотиржам бўлинг, ўғирлик мол эмас. Мана шу ичакдан шарбатингизни Тошкентда ҳам соттирмақчиман. Йўлдан миллион текширувчи бор. Сиз бирга борсангиз, чиқим қилмаяди. Камайган чиқим эвазига қарзингиздан қутуласиз.

— Мен ўйлаб кўраман.

— Нимани ўйлайсиз? Мен ҳамшаҳримга ёмонликни қилмаё кўраманми? Хўжайиндан рухсат олинг-у, йўлга тушаверинг. Қувониб қайтмасангиз, башарамга тупуринг. Шу баҳонада кейин ҳақиқий ака-ука бўлиб кетамиз.

— Ўйлаб кўрсам-кўрмасам, уч кундан кейин йўлга чиқошим мумкин. Индинга Ясситепада бўлишим шарт.

— Бўлмасангиз тириклайин терингизни шилиб олишасми?

— Теримни шилиб олишса чидайман-у... лекин ўзимни бир умр кечирмай ўтаман.

Фирром „Қандай зарур ишинг бор? Кўзларингга қараб келиб оламан“, дегандай унга тикилди. Файрат „Менинг кўзларимга яширинган сирни икки дунёда ҳам била олмайсан“, дегандай сурбетларча нигоҳини олиб қочмади. Милисанинг қанақа зарур иши бўларди, биронтасининг

шўрини қуритмоқчидир-да. Бу боланинг кўзлари ёмон, бир йил ичида Ясситепанинг ярмини шилиб кетишдан тоймайди. Лекин вақтида тўқим уриб олсам, менбоп эшак бўлади...” Гирром шу тўхтама келиб, „Келишдик“, дегандай кўл узатди. „Зарур иш“ Моҳидилнинг туғилган куни экани эса хаёлига ҳам келмади. Эртадан кейин Моҳидилнинг билагида тилла тақинчоқни кўради-ю, лаққа тушганини англаб, бир гижиниб кўяди.

Гайрат эса ўз ишидан маст, эртани ўйламайди.

„Билмайн босдим тиканни, тортадурман жабрини. Билсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эрдим ул тиканнинг жабрини“ деб бекорга айтмаганлар. Гайрат тиканни кўра туриб, била туриб босди. Энди унинг жабри не бўлар экан?

Туяқушнинг ғалати одати бор: бирон хавфни сезса, бошини қумга тикиб тураверади. Баъзи одамларда ҳам шундай одат мавжуд: ҳақиқатдан кўрқиб, бошларини гўё қум орасига тикиб яшайдилар. Атрофга қарамайдилар. Келажакни тасаввур қила олмайдилар. Энг ёмони — яқинлашадиган хатарни сезмайдилар.

Гирром ўзини мард ҳисобласа-да, туяқушдан фарқланмас эди. „Эшакка тўқим урдим“, деб қувонгани нодонлик эканини тушуниб етишига ҳали анча вақт бор...

## ТОРМОЗСИЗ МАШИНА

Бўрон сутни топшириб келгач, ўзибоп аччиқ чой дамлаб ичди. Томирларидаги қон жўшиб, ичи қизиди. Ҳовлида молбоқарлар иш бошлашган эди. Уларни кузатмоқчи бўлиб ташқарига чиқди. Лекин фикридан қайтиб, яна ичкарига кирди. Уй ичига назар ташлаб, ивирсиқлардан кўнгли ғашланди. Ўзининг муқим уйи бўлмаганига қарамай, у тартибни ёқтирарди. Ўйнашими ё шеригими уйига бир пайтда таклиф этса, батартибникига борарди. У туғилиб ўсган ёгоч уй совуқ ўлканинг аёзли нафасига мослаб қурилган: ярми ертўла, ярми ер устида эди. Қор ёққанда деразалар ҳам кўмилиб, ташқари кўринмай қоларди. Қишин-ёзин зах ҳиди анқиб турадиган уй жиҳозлари кўп эмасди. Шунинг учунми, ҳар бир нарса ўз жойида тартиб билан турарди. Тартибни кўпроқ отаси яхши кўрарди. Батартиблик Бўронга отасидан ўтган. Улғайиб, катта шаҳар-

шрни, шоҳона меҳмонхоналарни кўрган Бўрон Ясситепага келиб бунақа яримхароба уйни бошпана қилишдан кўнгли оғра бўлди. Лекин чорасизлик занжирига бандилик уни маҳкам тортиб тургани учун чидади. Келганидан бери енгил-елпи тозалаб турган эди. Бугун, аёллар тили билан келганда, „уй кўтариш“ни мақсад қилди. Ишни тоқчалардан бошлади. Уй эгаси кўчаётганида майда-чуйда идиш-товоқ билан бирга икки тоқча китобу эски газета тахламларини қолдириб кетган эди. Ишни газеталарни чиқариб ташлашдан бошламоқчи бўлди. Тепадагисини олиб „Нима экан?“ деган қизиқиш билан кўз ташлади. Диққатини қилиб қалам билан белгиланган мақола тортиди. Гарчи газета эски китоб ўқишга тоқати бўлмаса-да, белгиланган сатрларга эътибор бейхотиёр назар ташлади:

*„Кўз олдинга келтир: сурнинг даҳшатли қичқириғидан сўрқув ичра оёққа қалққан халойиқ гангиб, ўзини йўқотган. Лекин устларига ёпирилган шунча хорлик ва синиқликка қарамадан, битта туйғу уларда ҳали ўлмаган — кутиш туйғуси! Улар ҳукми кутишяпти: саодатми ё шақоват?“*

*Тасаввур эт, сен ҳам шулар орасидасан. Сен улардек хориқор, ҳайроналик ичра қотиб қолгансан. Бу дунёда тўкин-тоқин, турли-туман ноз-неъматларга бурканган ҳолда яшашинг, бой эдинг. У КУНда ер юзининг подшоҳлари гадо, балки оғлардан паст, қадамлар топтаб ўтадиган энг ҳақир зарра каби бўладилар. У КУНда ваҳший ҳайвонлар бошлари эгик ҳолда саҳролардан, тоғлардан тушиб келади. Одамлардан туркиш ўрнига, халойиққа қўшилиб, беозор ва безуноҳ ҳолда ҳашр сари юрадилар...“*

Сатрларга яширинган маънони дарров англамагани учун яна бир қайта ўқиди. Кейин давомига кўз югуртирди:

*„Ҳазрат Ғаззолийнинг бу гаплари бизни сергаклантирмайдими? Ҳар биримиз ўлим ҳақида кўп эшитамиз. Дўзах ва жаннат тўғрисида ҳам болаликдан тинглаганмиз. Энг билимсиз одам ҳам дўзахнинг азоб маскани, жаннатнинг оза роҳат макони эканини билади. Лекин ажабланарли томони шундаки, одамларнинг бу масалага ёндошуви бир нил эмас.*

*Хўш, ўлимга тайёрланиш нима? Жаноза харажатларини допловчи „ўлимлик пули“ йиғиб, кафанликни тайёрлаб қўйиши? Бу моддий тайёргарлик ва бунинг ҳам ўз ўрни*

бор. Аммо бу тайёргарлик кўрилмаса гуноҳ эмас. Ўлимга тайёргарлик — ҳаётининг ҳар дақиқасини ганимат билиб, яхши ишлар қилишга, савобни кўпайтиришга интилиш. Яхши амалларни кўпайтиришга интилмаган одам, демак, ёмонлик билан ошно экан, демак, гуноҳлар ботқоғига ботётган экан. Демак, у ўлим ҳақида ўйламаётган экан...

„Ўлим — кутилмаган меҳмон“, дейдилар. Бу фикрга кўшилмоқ мумкин эмас. Ўлим — кутилган меҳмон. Жохиллигимиз туфайли уни кутишга, қаршилашга тадорик кўриш лозимлигини унутиб яшаймиз. Биз унинг ташрифи муқаррарлигини унутмасак, қадамларига пояндоз солиб кутсак — азиз меҳмон каби иззат қилган бўламыз ва ажр ҳам шунга яраша берилажак. Биз солгувчи пояндоз — яхши ишларимиз. Тасаввур қилингки, меҳмонга борганимизда пояндоз солиб, очиқ чехра билан кутиб олишиди. Сахийлик билан дастурхон тузашди. Бениҳоя лутф кўргазишди. Сиз бу марҳаматлардан эриб, мезбонга жонингизни ҳам бермоққа рози бўлиб кетасиз. Аксинча, уйқули кўзларини очишга эриниб, эснаб, энсаси қотиб қаршиласа, ивирсиқ дастурхон атрофидан жой кўрсатса, худди европаликларга ўхшаб, „Биз бугун меҳмон кутмаётган эдик“, демаса-да, ҳаракатлари орқали шу маънони англатиб турса, қай аҳволга тушасиз? Пояндозни эмас, чақиртиканақларни ялангоёқ босиб ўтгандай бўлмайсизми? Ана энди „иймон“ деб аталмиш тушунчанинг асосини ташкил этувчи яхши ишлар қайда-ю, савоб-ҳаромнинг фарқига бормай юрган ҳолда ўлимни қаршилаш қайда — фарқини ўзингиз фикр қилиб олаверинг.

Кутилмаган меҳмон — ўлимнинг фазилатларидан бири — у шоҳу гадога бир хилда муносабатда бўлади. Унда бу борада айирмачилик иллати йўқ. Жон бергувчи банда меҳмонини қаршилагач, унинг учун энди фонии иш нёда фожиа йўқдир. Фожиа ортда қолган тириклар учундир. Айни шу фожиада айирмачилик мавжуддир. Туриш-турмуши оддийроқ бўлган хонадон учун фожиа шамнинг ёнгани кабилдир. Улар яқинларидан жисман жудо бўлганликлари учун куйинадилар. Қалбни тирнаган жудолик азоби узоқ давом этмайди.

Бадавлат одам жон бераётганида тўплаган бойлигидан ажраётгани учун қайғурадими ё йўқми — билмаймиз. „Улар



жондан эмас дунёларидан жудо бўлаётганлари учун алам-далар“, дея олмаймиз. Бундай демоқ учун бой қавмида бир ўлиб кўрмоқ керакмикин... Аммо... бойнинг ортда қолмиш зурриёди, яқинлари учун улуғ бир ташвишлар, азоблар чавжудлиги аниқдир. Тириклар учун меросдан улуш олиш ташвиши — вақт-соати етган банданинг жон таслим қилиши азобидан улуғроқдир.

Мансабдорнинг тақдири ҳам шунга ўхшаш. Бу ҳолда ҳам ўлаётган мансабдор „Оғзим энди ошга етганида бошим тошга етди-я!“ деб нола чекади, деган фикрдан йироқмиз. Аммо ортда қолаётганларнинг шундай демоқлари эҳтимоли бор. Чунки мансабдорнинг ўлимидан сўнг кўп нарсалар чаппасига айланиб кетиши мумкин. Шу мансаб туфайли итиниб турган қудачиликнинг заиф иплари узилар балки. Шу мансаб туфайли обрў шоҳсупасидаги ака ёки укалар, фарзандлар ёки жиянларнинг керилиб юришлари барҳам топар. Шу мансаб туфайли бу оилага ўзини дўст тутганлар қабр совимай туриб, мағлуб аскарлар сингари тумтарақай бўларлар...

Улим тўшагида ётган банданинг атрофида ташвиш билан кўз ёши тўкаётганлар шундай фожиаларнинг сояларида бир титрайдилар. Яқинлари ҳали ўлмай туриб, бу ташвиш-ти дунёда жон сақлаб юришнинг осон йўллари излайдилар. Афсус... ўлаётган банданинг тақдири уларга ибрат эмас...”

Бўрон сатрлардан кўзни узиб, дераза оша ташқарига қаради. Молбоқарлар ҳали ҳам гимирлаб юришибди. Бири қолида хашак чопган, бири гўнг ташиган...

„Булар ҳам ўлим ҳақида ўйлаши керакми? Нима учун? Булар ўлса нимасини йўқотади? Шу исқирт ишиними? Мен-чи? Ортимда ким қолади? Жон бераётганимда „Бечорагина кетяпти-я“ деб ким ташвишланади?“

Бўрон хаёлини ёритган бу саволга жавоб топишга уринмади. У биринчи марта қамалганидан бери ўлим билан қувлашмачоқ ўйнаб юрганини унутмайди. Шерикларидан бири „Биз умр бўйи милиса билан беркинмачоқ ўйнаймиз“, деганида у „Йўқ, биз доимо ўлим билан қувлашмачоқ ўйнаймиз. Биз қочамиз, у қувлайди. Қанчалик тез югурмайлик, қачондир етиб олади. Қачон ва қай аҳволимизда этагимиздан тутади — масала ана шунда!“ деган эди.

Бўрон ўлимнинг азобидан кўрқмайди, ўзига ёққан ҳаётни ташлаб кетиш унга алам қилади. Кўрқиш билан алам қилиш — бошқа-бошқа нарса.

Унга ўлим жуда узоқдай кўринади. Ҳолбуки, ҳаёт билан ўлимни биргина нафас ажратиб туради. Ўлимдан кўрқишни Бўрон нодонлик деб билади. Охирги қамоқда ўтирганида бир татар йигит „Киши кўрқса-кўрқмаса, барибир вақт-соати етса ўлади. Кўрқса-кўрқмаса жасади лаҳад қуртларига ем бўлади. Киши жони чиқишидан эмас, бу дунёдан иймонсиз равишда кетиб қолишидан кўрқиши керак. Елкасида бир дунё гуноҳни ортмоқлаб, Яратган ҳузурига боришдан уялмоғи керак“, деб унга ақл ўргатмоқчи бўлганида „Худодан уяладиган ишим йўқ, мени шунақа яратиб қўйган учун Худойнинг мендан уялсин“, деб ёнидаги шериклари билан уни кулги қилган эди. Ҳозир ўша даврани беихтиёр эслади. Ўшанда маҳкумлардан бири „Э, мендан кейин дунёни сув босмайдими!“ деб қўл силтаган, иккинчиси „Ўлганимдан кейин менга барибир, жаноза ўқишадими ё кафанлаб кўмишадими ёки ҳожатхонага ташлаб юборишадими... Мен ҳозир яшаяпман, мен учун муҳими — шу!“ деган эди. Ҳозир улар йўқлар. Шахта портлаб, иккови ниятини топган. Ўнлаб каллалар, қўллару оёқлар аралаш-қуралаш қилиб кўмилган...

Бўрон ҳозир ўша ҳолатни кўз олдига келтириб, эти сесканди. Газетани беихтиёр гижимлади. Кейин сал ўзини босиб олгач, стол устига ёйиб текилагач, қизил қалам билан белгиланган сатрларни ўқишда давом этди:

„Қиёмат... Сурнинг чалиниши... Мурдаларнинг тирилиши... Маҳшаргоҳ... Ҳисоб-китоб...

Барчамизни кутаётган манзара бу. Ҳеч биримиз бу ҳолатдан қочиб қутулолмаймиз. Биламизки, сурнинг чалиниши билан қиёмат бошланади.

Азиз биродар, бир кунда ҳеч бўлмаса бир неча дақиқа бу дунё ташвишларингизни: бозордаги нарх-навони, қўшингизнинг ғийбатини, тўй ҳавасларини... ҳамма-ҳаммасини унутинг, „кўрқув ичра оёққа қалққан халойиқ орасида“ ўзингизни кўринг. Бир неча дақиқа бўлса-да, тасаввур қилинг. Идорангиз бошлиғи сизга бир юмуш топшириб сафарга кетган, сиз бу вазифани бажаролмай хижолатдасиз. Бошлигингизни шу хижолат билан қаршилайсиз. Биз-

қачон азиб ва муқаррам қилиб яратган Аллоҳ бизга қанча нафаъа берган эди? Қанчасини бажардик, қанчасидан бўлган товладик? Қиёматдаги хижолатимиздан фойда бўлармикин?

Одамзот учун Қиёматнинг бошланиши сур чалиниши, одамларнинг тирилиши билан чекланмайди. Ҳисоб чоғи Аллоҳ десаки: „Эй бандам, мен сенга ақл-заковат бериб эдим, саломатлик бериб эдим, ризқ бериб эдим, сен у дунёни совуриб келиб менга рўпара бўлишдан уялмадингми?“ Кимса учун қиёмат ана шундан бошланади. Одам учун дўзах азобидан кўра яратган Роббим ҳузурда уятли ҳолатда туриш даҳшатлироқ. Кимса Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шафоатларидан умидвор ва қачондир дўзах азобидан қутулажак. Аммо уят азобидан қутула олармикан?

Шуларни тасаввур этайлик ва кундалик ҳаётимизда уятга ҳолга тушиб қолмаслик чораларини кўришга интилаймиш. Шу интилиш — ўлимга тайёргарлик кўрмоқликдир...

Охиригача ўқишга Бўроннинг тоқати етмай, аввал кўзини узди, кейин газетани яна гижимлади.

„Мен нимадан уялишим керак? Менга нима берди? Ота-онамга нима берди. Куллик билан хорликними? Онам „Бизнинг қиёматимиз ҳам, дўзахимиз ҳам шу ер“ деган эди. Бу ақллилар дунёда нималарни кўришибди, нималарни валдираб ёзишади?!“

Шу хаёл вужудини титратиб, газетани парча-парча қилиб йиртди-да, нари отди.

Ҳазаб оташидан энгил титроқ уйғониб, кўз олдида онаси гавдаланди. Ҳали эликка кирмаган бўлса-да, букча-кўйиб, сочлари оппоқ оқариб, қари кампир кўринишини олган онаси бу дунёни ташлаб кетиш арафасида кўрган-кесчирган ҳаётини дўзах деб атаган эди...

\* \* \*

Кунойнинг бўйи етиб, совчилар назарига туша бошлаган пайтларда қутли хонадонлари кўнгли қораларнинг тўхматига учраб, барчалари Украинага қувгин бўлдилар. Қариндошлари бир амаллаб уни олиб қолишмоқчи эди, лекин ўз юртида узоқ яшай олмаслигига кўзи етиб, „кунойнинг қизи“ деган тамға остида эзилиб яшагандан кўра,

ота-онаси билан бирга қувғин азобини тортишни маъқул кўрди. Онаси Украинага етиб борди-ю, безгак азобида уч-тўрт кун иситмалаб, алахсирай-алахсирай омонатини топширди. Куной уч ёшли укасига она бўлиб қолди. Отаси ўрмондаги ботқоққа ботиб ўлгач, укасига ҳам ота, ҳам она бўлди. Опа-ука урушни етим аҳволида ўтказдилар. Куной бир бурда нон топса ҳам укасига илдинди. Немислар қишлоқни элакдан ўтказишганда бу бечораларнинг большевик зулмидан азоб чекканларини билиб, тегишмади. Германияга ҳайдаб ҳам кетишмади. Улар бошпана топган хонадоннинг икки ўғлони партизанликда эди. Бунинг учун немислар чол-кампирни дорга осмоқлари мумкин эди. Лекин большевиклар қаҳрига учраган мазлумларни бағрига олганлари учун немислар уларни кечиришди.

Онадан қолган тилла-тақинчоқлар опа-уканинг тирикчилигига асқотди. Чол-кампирага бериб, уларнинг ош-овқатига шерик бўлишди. Чол-кампир тилла-тақинчоқларни олиб севинишганда Куной ажабланди. Тақинчоқларни партизанларга бериб юборишганини кейинроқ билди. Немис чекиниб, қишлоқда яна большевиклар ҳокимияти қарор топгач, улар ҳам эла-элани бошлаб юборишди. Немис бостириб келганда қочмагани учун кўп оилалар „халқ душмани“ деб топилиб, турли жазоларга тортилдилар. Жазо Кунойни ҳам четлаб ўтмади. Уни совуқ ўлкага сургун қилдилар. Чол-кампир „Партизанларга берилган тилла-тақинчоқлар шу қизники эди, душман эмас“, деб ҳар қанча ялинишмасин, гаплари ўтмади. Кампир тақинчоқлар орасидаги битта узукни олиб қолган экан, „Турмушга чиқсанг, ўзингга керак бўлар, деб эдим, энди укангни олиб қолиш учун ишлатаман“, деб розилик сўради. Битта тилла узук эвазига укаси украин оиласининг фарзанди сифатида қолди.

Бўрон улғайиб, бу воқеаларни эшитгач, онасининг истаги билан тоғасини излаб топди. Киевда яшаётганини, таниқли олимлардан эканини аниқлаб келганида онаси „Индамай қўя қол, яна бизнинг қасримизга учрамасин“, деди. „Сиёсий маҳқум“лар „оқланиб“, „халқ душмани“нинг қариндошларига тазйиқ ўтказиш замони ўтгани билан Куной укасининг тақдирига таъсир ўтказишдан қўрқди. Бўрон эса опасининг тақдирига қизиқмагани, излаб

харакат қилмагани учун тоғасидан нафратланиш чекланди. Онасининг вафотидан кейин ҳам ўғриларнинг тўпландиси баҳонасида Киев томонларга бир марта борганида тоғасининг ёқасидан олмоқни хаёл қилди. „Қандай ноинсоф одамсан?! Опанг билан ажрашган вафотингда эс-хуши жойида бола эдинг. Унутадиган ёшда вафотинг! Опангнинг азобларини кўргансан. Ўша азобларни унутган виждонсиз қалбингни суғуриб олиб итларга шайланми?! Жонингни асраб қолиш учун ҳужжатингни ўзгартириб, „Ганиев“ ўрнига „Гнатюк“, „Ўзбек“ ўрнига „украин“ деб ёздиринган экан. Бу ёзувлар қоғоздан юрагингизни кўчирдимиз? Қалбаки ҳужжатдаги битта ёзув туфайли одамнинг миллати чинакамига ўзгариши мумкин эканми? Шу туфайли уруғинг қуриётганига ақлинг етмайдими?!“ дегани келди. Эҳтимол, онасининг юрагини ҳам шу каби қўллар куйдиргандир. Укасининг бемехрлигидан эзилгандир...

Куной жон беришда талвасага тушмади. Иситмада алаҳқаранди. Бу шўрбахтнинг маъюс кўзларида ҳатто ўлимнинг сояси сезилмаганди. Фақат... бир неча кун шўрланди. Лабини қимтиб ётаверди. Кейин... эрта саҳарда шўрланди. Бир қултум ичди. Сўнг эшикка термилиб, аввал шўрланди, кейин отасини чақирди. Худди эшик очилиб, шўрланди келгандай ширин кулимсиради. Сўнг муддао-сизга етган бахтиёр одам каби хотиржам равишда кўзларини юмди...

Онаси жон таслим қилганида Бўрон маҳкумлиқда, Учқудуққа эди. Унинг ўлими тафсилотини қўшни кампирдан билганди. „Тобутга қўни-қўшнилар пул тўплаган эдик...“ Бўрон кампирнинг мақсадини англаб, пул бериб, уларни қўшма қўлган эди. Улар-ку марҳумани дафн этганлари учун қўшма пулга рози бўлишди... Онаси рози бўлиб кетдимиз. Учқудуққа келганида хайрлашиш олдидан „розиман“ деб эди. Юракдан айтганмиди ё тил учидамиди бу розиман? Ўғрилиқни касб қилган фарзанддан она чинакамига рози бўлиши мумкинмикин? Бўрон бу ҳақда кўп ўйлайди. Давлатини „Йўқ!“ деган хайқириқли жавоб ўртайди...

Мусофирликда, азоб тўрлари остида танишиб турмуш қўрган Нурбек билан Куной юртга қайтишга ижозат берилганда ҳам шу совуқ ўлкада қолишди. Нима сабабдан

шундай қилишганини Бўрон сўрамаган, улар эса айтишмаган. Уларга тўхмат қилганлар ҳали ҳам ўз қишлоқларида яшашарди. Ота-онаси юртга қайтиб, улар билан бир ҳавода нафас олишни исташмагандир? Бўрон Ясситепага келиб, Шумқадамни кўрганида шу фикрга келган эди.

Бу жойнинг ҳавоси қуруқ бўлса-да, ҳозир Бўроннинг димоғига ярим ертўла уйининг зах ҳиди урилгандай, боши енгил айланди. Кўз олдида гавдаланган онаси зорли хўрсингандай бўлди. Отасининг жони узилганда онаси шундай хўрсинган эди. Орадан кўп йиллар ўтган бўлса-да, бу хўрсиниш дам-бадам қулоғи остида янграб, хотиранинг ўткир тирноқлари қалбини таталай бошлар эди. Ҳозирги хўрсинишдан кейин отасининг инграши эшитилди. Ўшанда аксинча бўлган: онасидан олдин отаси инграган эди. Бир неча кундан бери тан азобидан қийналаётган отанинг бу сўнгги инграши қалб азобининг нидоси эканини Бўрон ҳам, онаси ҳам англамади. Шу сўнгги сўзсиз нидо билан юрак тўхтади. Онаси сўз айтмади... фақат хўрсинди...

Йўқ... биргина сўз айтди:

„Қутулди...“

Нимага шундай деди, отаси нимадан қутулди, азобли касалликнинг хуружлариданми ё тан азоблариданми, Бўрон билмайди.

Эҳтимол, кўпчиликка жаннатдай туюладиган, уларга эса аксинча бўлган дунё дўзахи уқубатларидан қутулгандир? Балки адолатсиз дунёнинг шўру ғавғоларидан қутулгандир?..

Отасининг жони инграш билан чиққан эди. Агар руҳларнинг кўчиб юриши рост бўлса, отасининг арвоғи бу уйга келиб, қайсидир бурчакдан жой олиб, йиллар бўйи тинмай инграётгандир? Ҳозирги овоз гойибдан келмай, балки арвоғнинг инграши қулогига киргандир?

Шуни ўйлаб, энди Бўроннинг ўзи инграб юборди. Худди отаси каби ингради. Бундан ўзи ҳам чўчиб кетди. Кейин бирдан жазаваси тутиб, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, бир қўли билан токчадаги газет тахламларини, иккинчиси билан китобларни чангаллаб, дуч келган томонга улоқтирди. Қайсидир китоб варақлари орасидан отилиб чиққан бир сурат ҳавода худди енгил капалакдай сузиб, унинг оёғи остига қўнди. Сарғая бошлаган сурат Бўрон-

нинг диққатини тортди, жазавасини босди-да, эгилиб, уни қўлга олди.

Погонсиз ҳарбий кийимдаги бир йигит билан қизнинг сураги. Кўкракда ҳарбий нишонлар... Кўзларида бахтиёрлик нурлари бор. Қадимда одат бўлган ҳолатда: бир-бирларининг пинжига кириб кетадигандай, бошларини бошларига теккизиб ўтиришибди...

Отасини таниди...

Фақат...

Ботирлиги учун тақдирланган нишонларини кўрмаган, лекин онасидан эшитганди. Эллигинчи йилларнинг ўрталарида „оқланиб“, нишонларини қайтариб олиши мумкин бўлганида ўзи истамаган, „Менга бу орденларни урушдаги қизматларим учун беришган эди, энди ялиниб қайтариб олайми?“ деб ўжарлик қилган экан.

Бўрон суратга тикилиб қараб, ёнидагиси биринчи хотини бўлса керак, деб гумон қилди. Онаси Бўронга „Адангнинг ёшлигига жуда-жуда ўхшайсан“, деган эди. Ҳозир қўлга келган суратга қараб, ўз аксини хира кўзгуда кўргандай бўлди. Қиррабурун... жўшқинлик барқ уриб турган нишон...

„Мени кўрганда акам наҳотки отамга ўхшатмади? Унга қараб қарашимдаёқ мен отамни кўргандай бўлдим-ку? — деб сўради Бўрон. — Мен акам борлигини билардим, шу сабабдан танишим ишончли бўлди. Акам укаси борлигини билмаган. Отамга ўхшатгани билан бир ўғри укаси бўлиши имконлигини тасаввур ҳам этмаган. Ҳозир сирни ошкор қилсам ҳам дарров ишона қолмас... Яна ким билади... Ҳозирги кенг одамга ўхшайди. Ёмон бўлса ҳам укаси борлигини қувонар. Ахир синглиси бадном бўлганида ундан қўлини юбормабди-ку?“

Шу хаёлда турганида эшик оғзида шарпа сезилиб, ўша ёмон ўтирилиб қаради. Бунақа пайтда кўпчилик „Ҳизрни қўлдасам бўлар экан, ҳозиргина сизни ўйлаб турувдим-а, қўлингиз ҳолис-да“, деб меҳмонга пешвоз чиқади. Баъзан савол-жавоблаштишни ҳам унутиб қўядиган Бўрон эса бунақа лутф-муново билмайди.

Агар Норйигит салом бериб остона ҳатламаганида ажабланиб қараб тураверарди. Норйигит ичкаридаги аҳволни кўриб ажабланса-да, Бўронга савол назари билан қарамади,

уйдаги ивирсиқни, отиб ташланган китоб, газетларни кўрмагандай сўрашди:

— Сутни топшириб, чойхонага ўтармикинсиз, дегандим, иш зарурга ўхшаб қолди шекилли?

— Зарур иш нима бўларди, шу молбоқарлик-да, — деди Бўрон, кейин ҳол-аҳвол сўради: — Онангиз тузалиб қолдиларми?

— Худодан умидимиз бор...

— Худодан умид қилсангиз тузалиб кетарканларми?

Кесатиқ оҳангидаги бу гап Норйигитга малол келиб, бош чайқади-да, танбеҳ беришни лозим топди:

— Худодан гап очилса, салгина кўполлигингиз бор экан, гапимдан ранжиманг-у, бу одатингизни тузатинг. Шаҳарликлар эътибор бермас, лекин бизларда огир олишади.

— Ёмон гапирмадим-ку. — деди Бўрон ажабланиб. Кейин ўзича тушунтирмоқчи бўлди: — Сиз ҳам ранжиманг-у. лекин мен тугилиб ўсган жойларда Худо йўқ эди.

— Ундай деманг, Худо ҳамма жойда бор.

— Сиз ҳамма жойни билмайсиз. Шу қишлоғингиз атрофидаги бир-икки шаҳарга бориб-келиб, дунёни кўрдим. деб ўйлайсиз. Худо яратишга яратиб қўйиб, кейин унутворган жойларни мана мен кўрганман. Минг-минглаб одамлар „Эй Худо яратишга яратиб қўйиб, нега унутвординг, бизга аталган бир томчи ҳам бахт йўқми?“ деб нола қилиб ётганини тасаввур ҳам қилолмасангиз керак. Мен эсам, шунақа одамларни кўрганман.

Бўрон суратга „Бу одам шунақалардан бири эди“, деган маънода қараб, ўгай акасининг диққатини тортди.

— Ие, мен бунга йўқотиб қўйиб, гаранг бўлиб юривдим. Қаердан топдингиз? — Норйигит шундай деб суратга қўл узатди.

— Юзлари сизга ўхшаркан, отангиз эмасмилар? — деди Бўрон унга синовчан тикилиб.

— Ҳа, отам, — Норйигитнинг овозида ҳам фахр, ҳам армон уйғун эди. — Урушдан келганларидаги суратлари... Китобларнинг орасида эканми?

— Ҳа... мана бунинг орасидан тушди, — Бўрон шундай деб муқоваси титилган китобни қўлига олди. Аслида сочилиб кетган тўрт-беш китобнинг қай бири орасидан сурат чиққанини аниқ билмасди. Жазавада қилган ишининг



бўлишини истамай, ўгай акасини ишонтириш учун яқин ётган китобни қўлга олган эди. — Токчанинг китобни артиб, тартибга солиб қўяй деб иш бошловчи — деб изоҳ берди.

Норйигит келишидан сал олдин бу уйда нимадир бўлганини сезган эди, токчани артиб, китобларга тартиб берилган учун сочиб юборилмаслигини ҳам биларди. Шунга қарамастан, изоҳга ишонгандай кўриниб, китобни қўлга олди.

— Суна“... отам севган китоб... — деди армонли оҳанг билан. Қайта-қайта ўқийверарканлар. Ҳатто... — энди аламли билмайди, — чимилдиқда ҳам ўқиган эканлар. Урушдан олдинларича бобом отам тишлаб кетган патир нон билан бирга шу китобни ҳам асраган эканлар.

— Сиз шундай авайланган китобни ташлаб кетавердингизми?

Бўроннинг бу танбеҳи Норйигитнинг юрагига ўқдек ташлаб, ранги ўзгарди.

— Ташлаб кетмадим... Сизнинг тушунишингиз қийин... Мен сотишга мажбур бўлдим. Отамнинг тирик ёки ўлик китобларига тегишли биронта расмий ҳужжатимиз йўқ. Бизни бировлар „отанг тирик“ дейишади. Мен ҳам бунга қарамаман. Қачондир келишларига умид қиламан. Келсанлар ўзлари қадрлаган китобларни ўз ўрнида кўрсинлар, деб шу токчада қолдирган эдим.

— Отангиз денгизга ташланган игна эмас-ку, қидирганимиз топиларди?

— Эй... ярамни янгиладингиз-да... Отамни олиб кетилгандан кейин биронта хат-хабар бўлмаган. Фақат... уч-тўрт оғиз сўз ёзилган битта хат келган экан. Онамни талоқ қилди. „Мени кутма ва умрингни хазон этма“, деган эканлар. Мен бу хатни кўрмаганман. Отамни излаш ниятимни билганимда мазмунини онамдан эшитганман. Онам йиғиб-сиқтаб „қидирма“, деб туриб олганлар. Уларнинг оралиқда нима гап бўлганини мен билмайман. Эҳтимол, бошқа қорғош қурганлари учун онам ўзларини лаънатлагандирлар. Отам топилиб, қайтиб келгудай бўлса, кўзларига қанчалик қарар эдилар?

Бу гапни эшитган Бўрон отасининг юртга қайтишни астамаганлиги сабабини англагандай бўлди.

Хотиралар тўрига ўралиб, армонлар ўқиға нишон бўлган Норйигит эса кўлидаги китобни варақлади:

— Қаранг, отамнинг дастхатлари: „1941 йил, 25 май. Самарқанд. Артур исмли матонатли йигит билан танишган бахтли куним“.

— Артур? Ким экан? — деб ажабланди Бўрон.

— Бу китобни ўқимаганмисиз?

Бўрон „Мен умуман китоб ўқимаганман“, демоқчи эди. Норйигит берган саволига жавоб кутмай, гапини давом эттирди:

— Артур — шу китобнинг бош қаҳрамони, ниҳоятда мард, сабр-тоқатли, ҳам ўжар, ҳам маслагига садоқатли одам. Мен биринчи марта ўн бир ёшимда ўқиб, унча тушунмаган эдим. Институтда ўқиётганимда „Жаҳон адабиёти“ фанидан имтиҳон топшириш учун яна бир ўқиб, ҳаёт ҳақидаги тасавурларим ўзгариб кетган. Ҳаётда тасо-дифлар кўп. Бу китобни севиб ўқиган отам бошига ҳам, асарни таржима қилган ёзувчи бошига ҳам оғир синовлар тушган, икковлари ҳам Артурнинг азобларини тотиб кўришган. Урушда, кейин сургун қамоқларида отамнинг қандай азобларга гирифтор қилинганликларини билмасам ҳам, зулм олдида тиз чўкмаганларига аниқ ишонаман. Артурни ўзига дўст деб билган одам қора кучлар олдида паст кетмайди. Китобни таржима қилган одам ҳам шундай бўлган. Мирзакалон Исмоилий деган ёзувчини эшитгандирсиз?

Бўрондан „Украинада нечта тождор ўғри бор? Молдавияда-чи?“ деб сўралса, ҳаммасининг лақаби-ю, қилган ишларигача адашмай айтиб бериши мумкин. Урушдан олдин бу китобни таржима қилган ёзувчини у қайдан ҳам билсин? Ўсмир чоғи қамоқ мактабида рус ёзувчиларининг номларини эшитган, бироқ ўзбек адибларининг номи тилга олинмаган эди. Норйигит „Ие, шуни ҳам билмайсизми?“ деб маломат қилар бўлса, баҳона тайёр, лекин баҳонани айтишга ҳожат сезилмади. Бўроннинг оламида „Фалончини танийсанми?“ ёки „Фалончини эшитганмисан?“ деган мужмал савол берилмайди. Кўпроқ „Фалончини биласанми?“ деб сўралади. Сўралганда ҳам савол шунчаки берилмайди. Саволга бериладиган жавобга қараб, ўша фалончининг тақдири ҳал этилади: ё яшаб қолади, ё ўлиги қуртларга ем бўлади.

— Хозир Норйигит кимнингдир тақдирини ҳал этиш мақсуда сўрамади. Бўроннинг ёзувчини билишига ишончи бўлмагани сабабли ундан жавоб кутмади.

— Шу одамни бир кўрсам, деб умид қилиб юрардим. Кимдир малака ошириш ўқишига борганимда Худо ет-тириш Учрашувга таклиф этишган экан, келиб чиройли келиб берди.

— Қамоқдаги ҳаётиданми?

— Афсуски... қамоқдаги ҳаётдан сўз очмади. Одамий-гина гапирди.

— Нема „афсуски“ деяпсиз?

— Мен Сталин лагерларининг мудҳиш тасвирини шундан тилидан эшитмоқчи эдим. Бироқ кутганим бўлмади. „Фарғона тонг отгунча“ деган романи қамоқ лагери-дан эшитганини эшитган эдим. Гапни шу томонга буриб сўз бердим.

— Кейин айтдимми?

— Афсуски... барибир айтмади.

— Балки ҳали ҳам кўрқар.

— Йўқ, кўрқмайди. Лекин нимадандир истиҳола қила-диш жаскилли?

— Нимадан?

— Унга тўхмат қилганларнинг барчаси тирик. Балки шу-ларнинг тақдирини ўйлар?

— Агар ўшаларни аяса, яхши одам эмас экан.

— Ундай деманг, бу одамнинг юраги кенг, кечиримли...

— Бунақа ишда кечиримли бўлиш аҳмоқлик! Мана, ўзингизнинг қамалишига кимдир сабабчи бўлган. У ҳозир ҳам шу ерда яшаса керак. Ўша аблаҳни кечирасизми? Отан-дан қайтиб келса, кечирармиди?

— Бўрон „кимдир“, „ҳозир ҳам шу ерда яшаса керак“, деган сўзларга алоҳида урғу бериб, гапининг қандай таъсир қилганини билиш учун ўгай акасининг маъюслашган кўз-ларига тикилди.

— Отам... отам балки кечирардилар... — деди Норйигит сўнгил хўрсиниб.

— Ўзингиз-чи? Сиз ўғилсиз-ку?

— Менми?.. Билмадим... Уларни Худо уриб қўйган-ку? Тўхматлари фош бўлишининг ўзи улар учун азобли жазо бўлмасми?

— Йўқ! — Бўрон овозини баландлатиб кескин оҳангда яна таъкид этди: — Йўқ! Сиз яшаётган олам билан мен яшаган оламнинг фарқи шунда! Сиз кечираверасиз. Мен яшаган оламда кечириш деган нарса йўқ. Сотқинларни, тухматчиларни бизда „қанжиқ“ деб аташади. Шу ном берилдими, тамом, у ўлдирилади. Бошқача йўл йўқ. Шунинг учун мен яшаган оламда хиёнат кам. Сиз яшаётган оламда ҳар қаламда бир хиёнатчи. Сталин билан бирга хиёнатлар ҳам ўлиб, ерга кўмилган, деб ўйлайсизми?

Йўқ, Норйигит бундай деб ўйламайди. Диёнатдан кўра хиёнатни афзал билувчилар атрофида кўпроқ эканини ҳар бир ақл эгаси билади. Бу икки тушунчани биттагина ҳарф ажратиб турса-да, дунёнинг чиройини белгилашда асосий омил ҳисобланиши Норйигитга ҳам маълум. Бу ҳақда кўп ўйлаган. Отаси билан учрашган тақдирда бу мавзуда кўп-кўп суҳбат қуришни орзу қилган. Уйқусиз кечаларда хаёлан баҳслашган вақтлари ҳам бўлган.

Ёзувчи билан учрашганида алоҳида суҳбатлашишни истади. Илтимос қилиб, „Отам Сталин даврида ном-нишонсиз кетганлар“ деб изоҳ бергач, ёзувчи уни уйига таклиф этди. У номдор ёзувчининг сароймонанд кошонада эмас, тўққиз қаватли иморатнинг уч хонали уйида яшагани тасаввур ҳам қилмаган эди. Ҳам ижодхона, ҳам кутубхона, ҳам ётоқхона вазифасини бажарувчи чоғроқ хонада, эскироқ термослаги қайноғи ўлган кўкчойдан ичиб, суҳбат қурган эдилар. Ёзувчи Норйигитнинг қишлоғи, оиласи, хонадони ҳақида у-бу нарсаларни сўраган бўлди. Норйигит саволлар меҳмонни ўнғайсизликдан қутқариш учун, бўлажак суҳбатнинг самимий тарзда ўтишига замин тайёрлаш учун берилаётганини фаҳмлаб, қисқа-қисқа жавоб берди. Кейин мезбоннинг қаршида „Сўрайдиганингизни сўранг“ деган маънони уқиб, кечаги учрашувдаги саволини такрорлади. Адиб „Шуни сўрашингизни кутган эдим“ деган маънода жилмайиб қўйди-да, бир варақ қоғоз узатди:

— Романнинг ёзилиш тарихини сўраётган бир сиз эмасиз. Йиллар бўйи шу саволни беришади. Бир куни радио муҳбири ҳам сўраяпти. Нима дейишим керак? „Китобни қамоқда ўтириб ёзганман“, деб жар солайми? Балки кимгадир бу қаҳрамонлик бўлиб туюлиши мумкин. Асло ундай эмас! Мен ёзувчилик вазифамни бажардим. Ўз вази-

бажарган одам қахрамон саналмайди. Ҳар бир одам, қандай ҳолатда яшамасин, виждон қули, ирода бўлиши шарт. Мен шу ақилдамга риоя қилдим, холос. Улмасин, шу хатни ўқий қолинг, балки қизиқингизни қондирарсиз. Қўқондаги бир мухлис ҳам шу хатни сўраган экан. Келмасингиздан бурун жавоб ёзиб Юқоридаги гаплар у киши учун хоссатан ёзилди, шунинг учун эфирги бандни ўқинг.

Адиб шундай деб қалам учи билан қайси сатрдан ўқиб кетганини кўрсатди. Майда, аммо дона-дона қилиб ташлашган сўзларга кўз ташлаши билан Норйигитни ғалати қилди. Қўлгаб олди. У отасининг дастхатини фақат битта китоб муқовасида кўрган, урушдан юборилган хатларни она-отасидан ҳаётотганми ё яшириб ташлаганми, ҳар ҳолда кўрмаган экан. У ота мактубини ўқиётгандай ҳаяжонланди. Ҳаттич мактуб тутган бармоқларида титроқ турди. Сатрларни қайта-қайта ўқиди, адиб шоширмади, синовчан нигоҳини қўймади. кулимсираганича ўтираверди.

— О. Носиржон ака-я, китобнинг ёзилиш тарихини сўраб берингиз! Буни мендан эмас, китобдаги кўзёшларидан сўрангиз. Сиз „Китобни ўқиб туриб хўнграб йиғлаб юбордим“, деб ёзиб берингиз. Нежаб, ерга қандай уруғ ташласангиз, ҳосили шундай бўлади. Носиржон ака, мен бу китобни ёза туриб қанчалар йиғлаганман, қанчалар қон ютганман!.. Билсангиз, бу пешанамда темир панжара, тепамда ўлимтик чирокнинг ўлиб бўлган қора нури, остимда зах, совуқ бетон, қўлларимда отнинг қалласидек қулф!.. Қўйинг, бошқа тафсилотларнинг қораси ўчсин! Бу шунчаки бир китоб эмас, бу ҳақиқат, шахсга сажда даврининг қора кунларида минг азоб, қўлнинг тўлғоқ билан туғилган бир ғариб хилқат. Ҳа, хилқат!.. Бу менинг йиғлай-йиғлай топган болам!“

Сўнги сатр Норйигитнинг юрагини оғир юк каби эзди.  
— ...йиғлай-йиғлай топган болам...“

Айтишга осон. Темир панжара ортидаги йиғи азобини қўлларидан олиб кетилган одам ҳис эта олмайди. Отаси ҳам йиғлаганми, деб сўради. Эҳтимол, соғинган кўзларидан қон ёшлари оққандир. Буни ким билади? Ёзувчи қисқа сатрда баён этибди. Лекин бу ҳарфлар ортида йиллар зардоби бор. Буларни ёзувчининг ўзи ҳам баён этиб бера олмас балки. Энг гўзал таъбирларни қоғозга туширган қалам адолатсизлик мевала-

рини баён этишда ожиз қолармикин? Бу Норйигитга қоронғи.

Қамоқxonанинг совуқ нафаси Норйигитнинг баданини музлатиб ўтгандай бўлди. Мактубни ёзувчига узатди-ю, кўзларига қарай олмади.

— Аҳволингизга тушуниб турибман, — деб мезбон уни мушкул руҳий ҳолатдан қутқарди. — Ҳозир адангизни эслагандирсиз? Мўйлов даврида кўп ярамасликлар бўлган, кўп одамнинг ёстиғи қуриган. Кўп қалблар яраланган. Қалбларнинг яраси ҳали-бери тuzалмайди.

Норйигит отасининг қамоқдаги ҳаёти ҳақида ҳеч нарса билмаслигини айтгач, ёзувчи бошини эгиб, ўйланиб қолди.

— Бунақа тақдирлар ҳам кўп эди. Баъзилар азобли ҳаётига оиласининг шерик бўлишини истамасди. Шунинг учун хат ёзишмас эди. Баъзилар ёзарди-ю, лекин қандайдир сабаб билан хатлари уйларига етиб бормасди. Жавоб кутиб, умидвор кўзлари мўлтиллай-мўлтиллай кетганларни ҳам кўрдик.

— Кўп ёзувчиларнинг бошига қора кун тушган-ку? Шунлар ҳақида нега ёзмайсизлар?

Бу савол ҳам кўп берилгани учун адиб ажабланмади, паст овозда:

— Ҳар бир ишнинг вақт-соати бўлади, — деб қўйди.

— Унғача сизларга тухмат қилган хоинлар яшаб юрaverадими?

Бу саволни эшитиб, адиб синиқ жилмайди:

— Уларнинг жазосини биз бермаймиз, „Ал-қасосу мин ал-Ҳақ“, деган ҳикматни эшитганмисиз?

Норйигит Бўроннинг танбеҳидан кейин шу суҳбатни эслаб, қасоснинг фақат Аллоҳ томонидан бўлиши муқаррарлигини айтмоқчи эди, лекин „Мен туғилиб ўсган жойларда Худо йўқ эди“, деб турувчи жоҳил одам бунини тушунармикин, деган мулоҳазада айтмади. Бу мавзудаги гапни давом эттиришни истамай, келиши сабабини маълум қилди:

— Чойхонага ўтмаганингиздан кейин изингиздан келавердим.

Бўрон унинг суҳбатдан бўйин товлаётганини сезди. Айтишга тайёрлаб қўйган бир-икки аччиқ гапини кейинги фурсатга қолдириб, у ҳам мавзудан четланди:

— Тинчликми?

– Тинчлик, тинчлик, — деди Норйигит кулимсираб. —  
 Ҳашилик қилишдан чарчамайдиган одам экансиз, яна  
 Ҳисоб таклифи билан келдим. Бир йигитни қанотингизга  
 Ҳангиз, демоқчиман...

– Бир йигитни қанотига олиш“ Бўроннинг оламида  
 Ҳадача маънони англатади. Бўрон бу таклифни дастлаб  
 Ҳан шу маънода тушунди. Кейин ичида ўзидан ўзи кул-  
 Ҳи шу одам бир йигитни ўғрилиққа тавсия этиши мум-  
 Ҳамми?

– Молбоқарликками? — деди у ҳам кулимсираб.

– Агар... ҳисоб-китоб ишлари бўлса яхшироқ эди. Бу  
 Ҳигитни ўзим ўқитганман. Ичида кири йўқ, тўғри бола.  
 Ҳу қишлоққа ичкүёв бўлган эди, қайнонаси сал қолди  
 Ҳамтворишига. Ёнингизга келса, ёрдами тегарди.

– Сиз айтсангиз, келаверсин. Шунақа ёрдамчи керак.  
 Ҳта-индин шаҳарга бориб келмоқчиман, очиги бу ерда  
 Ҳа зерикдим, шаҳар ҳавосида етмиш икки томиримдаги  
 Ҳларни жўштириб келай. Тўрт-беш кун бўлмасам, ким-  
 Ҳа қараб туриши керак. Молбоқар йигитлар анча лалай-  
 Ҳи экан, ҳисоб-китобни эплашолмайди. Сут қабул қила-  
 Ҳан бола уларни ўрта бармоғида ўйнатиб ташлайди.

– Бу йигитдан кўнглингиз тўқ бўлсин. Бир томчи сут-  
 Ҳам ҳам хиёнат қилмайди.

– Тўғри бола бўлса, нега қамамоқчи бўлишибди?

Норйигит сигир воқеасини айтиб бергач, Бўрон бу  
 Ҳигитнинг соддалигидан қотиб-қотиб кулди-да, танбеҳ  
 Ҳангида хулоса чиқарди:

– Яна ранжиманг-у, шу йигитингизни ҳам Худо уну-  
 Ҳиб қўйган. Яратгандан кейин озгина-озгина бўлса ҳам  
 Ҳамликдан бериши керакмасми? Бунақада умри азобда  
 Ҳади-ку?

– Келинг, бу ҳақда гаплашмайлик. Йигитнинг исми  
 Ҳишонбой, ишга қачон келсин?

– Ҳозир юборинг, ҳисоб-китоб қилиб кўрсин-чи? Ҳа,  
 Ҳитмоқчи, сигирини сотган қариндошингизни фикридан  
 Ҳятара олдингизми?

– Қайси фикридан?

– Ўғлини юрфакка киритмоқчи бўлганини айтяпман.

– У жуда қайсар одам. Ушлаган еридан кесади. Айтган-  
 Ҳам-ку, керак бўлса, уйини ҳам сотади.

\* Етгон умидлар дашти

— Сиз унга одамгарчиликдан гапиргансиз, бунақаларнинг кўзларини олифта гап билан очиб бўлмайди. Унга бошқачароқ қилиб тушунтиринг. Мана, эшитинг: ўқишга киритиш учун беш-ўн минг сарфлайдими? Беш йил ўқиш давомида яна харажатлар бўладими? Битириб, ишга боргандан кейин харажатларни чиқариб олиши керакми? Харажатларини маоши билан ёпа олмайди, буни ҳар қандай овсар ҳам биледи. Порага шўнғийдими? Бир марта сувдан қуруқ чиқар, икки, боринг ўн марта эпласин. Ҳар қуруқ чиққанида нафси баттар ҳакалак отаверади. Охири эса маълум. Мен қамоқда ўтирганимда шайтонга дарс бера оладиган порахўрларни ҳам учратганман. Ўз ажали билан ўладиган порахўр кам бу дунёда. Қариндошингизнинг боласига ҳам шунақа ўлим тайёрлаб қўйилганини айтинг-чи, фикридан қайтмасмикин? Савдо йўригида пора билан ўтирса, қамоқда пул билан эплаб яшаб тирик қолади. Лекин бу йўлда юриб қамалса, биздақаларнинг қўлига тушади. Милисадами ё суддами ишлаб қамалганларнинг оху додини эшитадиган мард йўқ у томонларда. Гапларим маъқулми?

Норйигит унинг гапларини диққат билан эшитган бўлди-да, жавоб қайтармай, қўлидаги китобни узатди.

— Ҳоҳласангиз ўқинг, руҳингиз ҳузурланади.

Ўгай акасининг бу қилигини Бўрон менсимасликка йўйди. „Буларга тўғри маслаҳат берсанг ҳам ёқмайсан, оғзимни чарчатган ўзим аҳмоқман, майли, билганларини қилишсин, аммо ўн йилнинг нари-берисида шу боланинг ўлигини қамоқхонадан олиб чиқиб кўмишаётганида гапимни эслаб қолар“, деб оғринди-да, узатилган китобга қўл узатиб, совуқ оҳангда „Яхши, поездда ўқиб кетарман“, деди.

Бўроннинг ўқишга хоҳиши йўқ эди. Лекин отасининг нафаси урилган, бармоқлари теккан китобни қайтаришни истамади. Нишонбой келгач, бир ойлик ҳисоб-китобни қилдириб, унинг ишидан қониқди. Сафарни кечиктирмай, эртасигаёқ Тошкентга жўнади. Айтганига кўра, китобни олволди. Поездда ўқий бошлади. Дастлаб ўзини зўрлаб ўқиди. „Отамга нимаси ёққан экан?“ деган саволга жавоб топиш мақсадида ўқиди. Бутунлай бошқа оламнинг одами бўлган Бўроннинг бу саволга тўғри жавоб топа олиши маҳол эди. Унга фақат китобнинг охири, Артурнинг руҳоний ота билан баҳси ва оқибатда Худодан юз ўтиргани



Этилган саҳифалар ёқди. Онаси „Даданг Худо бор эканида биз бегуноҳларни бу қарғиш теккан жойларга қўймас эди“, деб никоҳ ўқитишга унамаганди“, деганди. Ўзининг бу гапига шу китобни ўқиғач тушунди.

\* \* \*

У Тошкентга „етмиш икки томиридаги қонларни жўшқиниш“ учун келмади. Бу ерда узил-кесил ҳал қилиб олаётган зарур ишлари бор эди.

Одамлар қамоқхона жиноятчиларни тарбиялаб чиқаради деб ўйлашади. Тарбиялаши тўғри, лекин қандай қолипга солиб тарбиялайди, масала шунда! Бўрон ҳар қамалганда ўғрилар оламининг юқори мартабаларига арзийди-кан тарзда тарбия кўрди. Ўлат афюнфурушлик йўналишида тарбия топди. Ҳар иккиси Сибирдаги „зона“да учрашгач, тарбиянинг янги услубини бир лўли йигитдан олишди.

Қамоқ лагеридagi тождор ўғриларнинг мартабасига ҳеч қачон шак келтиролмайди. Ўзининг ҳаёт йўлини ўғрилар қамалдан топган, бу оламнинг барча қонунларига сўзсиз эътибор этадиган, бу оламда учрайдиган барча азоб-уқубатларга чидаб, енгиб ўтган, „ўғри“ деган номни иснод эмас, балки шараф ҳисоблаган одам бошига тож кийгизилар экани, у ўзини шу олам подшоҳларидан бири деб ҳисоблаганиними?! Қиморбозми ё қорадорифурушми ёки ёлланган сўлтирми, ўз оламини ётқизиб-турғизадиган зўравон ўнининг марта қамалиши бўлса ҳам, бу мартабага даъво қилолмайдди. Қамоқ лагерларининг шунақа ёзилмаган қонунлари бор. Ўриснинг мақолига биноан, бировнинг чанасига бошқаси ўтиролмайди. Бўрон Ўлат билан ош-қатиқ бўла бошлаган кезларда қамоқ лагерида бир лўли пайдо бўлди. Оғир тўла тилла тиш, бақувват бу йигит салқин ҳавода ҳам сойлаксиз юриши билан диққатини тортди. Мақсади сойлақча чидамлилигини кўрсатиш эмас, балки яланғоч икки элликдаги подшоҳ, генералларнинг поғони тасвири туширилган татуировкани кўз-кўз қилиш эканини англаб, гаши келди. Яланғоч кўкрагини эгаллаган учқур от тасвири, тўғилар қавмидан эканини билдирувчи белги унинг фахри. Кўпни кўрган ўғри учун эса арзимас бир чизикча каби эди. Бўрон уни шу аҳволда кўргандаёқ ким эканини ан-

лади. Агар бу олифта лўли ўз оламининг ҳукмдори бўлганда ҳам Бўрон учун сариқ чақалик аҳамияти йўқ эди. Сурбетларча юриши ёқмай, бурнини ерга ишқаб қўймоқчи бўлганида Ўлат ўртага тушди. „Красноярдаги наркобароннинг ўғли бу, ҳали бизга ёрдами тегиб қолади“, деб уни шаштидан қайтарди. Бўрон иссиқ кор қилмаган илондай карахт ўтирган дамда Ўлат лўлини бошлаб келди. „Сизда зарур гапи бор“, деб таништиришга улгурмай, Лўли эски қадрдонини кўриб қувонган бахтиёр одам сингари тилла тишларини ялтилатиб тиржайди-да:

— Буран, қизилпатларингга тайинлаб қўй, мени шахтага туширишмоқчи? — деди.

Унинг бу муомаласи Бўроннинг гашини келтириб, Ўлатга қовогини солиб қараб олгач, Лўлига тикилди.

— Дидингга ёқмадим шекилли, а? — деди Лўли тусини ўзгартирмай.

— Ҳа, ёқмадинг, — деди Бўрон совуқ оҳангда.

— Мен кўпчиликка ёқмайман. Лекин ҳаммага ёрдамим тегади. Очиғини айтсам, сенам менга ёқмадинг. Ачомлашиб кўришадиган турқинг йўқ. Лекин икки турқи совуқ одамнинг тил топишиб кетиши осонроқ бўлади. Шунинг учун биринчи галда мени шахта балосидан қутқар.

— Нега қутқаришим керак? Шахтага тушиб ишлайвер, ўлмайсан, — деди Бўрон ундан кўз узмай.

— Лўли ўлишдан қўрқмайди, хорланишдан эса ҳазар қилади. Мен озод одамман, ернинг тагида эмас, устида — осмонда эркин учиб юришим керак, — шундай деб кўкрагидаги от тасвирига имлаб қўйди.

Лўлининг бу гапи Бўронга ғалати туюлиб, заҳарханда қилди:

— Озод одаммисан? Унда нима учун бу ерларда ахлат титиб юрибсан?

— Кўзинг яхши кўрадим, Буран, мен ахлат эмас, тилла титиб юрибман. Адолатсизликни қара-я, биз ер тимдалаб тилла топамиз, роҳатини эса бошқалар кўришади.

— Сен ҳали тилла топганингча йўқ. Бир йил шахтани ялагин, кейин тилла топганингга ишонаман. Унгача менга фалсафа сўқмагин-да, мақсадингни айт, — деди Бўрон.

Лўли Ўлатга бир қараб олгач, оҳангни ўзгартирмаган ҳолда гапини давом эттирди:

— Мен сенга Бочадан салом олиб келдим. Ҳар ҳолда сенинг ҳурмати бордир?

Уралнинг шарқ томонида оз-моз ҳурмати бор, аммо қўбдаги ўғрилар оламига ёқинқирамайдиган Бочани Бўрон биларди. Гарчи ўзи ҳам шарқ томон оламига мансуб бўлса-да, Боча масаласида гарбликлар билан ҳамфикр эди. Гарбликлар Бўронни ўзларига яқин олганликлари сабабли Боча унга рўйхуш бермасди. Шу боис улар бир-бирларига ҳеч қачон яқинлашмаганлар, ёвлашиш учун ҳам асосли бўлмаган бўлган. Лўли орқали салом айтиб юбориши бе-маъна эмаслигини Бўрон сезиб, сергакланди. Кейинги йилларда ўғрилар оламига хос айрим қонунларга бўйсунмаслик ҳоллари учрай бошлаган эди. Ёшлар орасида яширинча қўбани олганлар, тижорат аҳли билан ҳамкорлик қилганлар қаторини афюнфурушларга қўшилганлар тўлдирди. Боча шуларнинг бири эди. Адлердаги тўпландида ёши катта ўғрилар бу ҳолга энди чидаш мумкин эмаслигини билдириб, Бочани охири марта огоҳлантиришган эди. Икки чўнтакни пулга тўлдириб, „Мен ўғриман!“ деб керилиб юрган яхшими ё қоп-қоп пулларини хизматкорларига кўтариб, гердайиб юрган афзалми? Бу олдий масалани Боча еча олмас эканми? Бўрон Лўли келтирган салом ортидаги мақсадни тушунса ҳам, ичидагини ташига чиқармади:

— Уни қаердан танийсан?

— Боча бизнинг шеригимиз. Энг ишончли шеригимиз.

— Ҳа... — деди Бўрон ўйчан тарзда. — Қилигини ташлабди-да... Олдин ментларнинг тагига ётувди, энди сенга малайлик қиляптими?

— Буран, сен бунақа инсофсизлик қилма. Боча сен ҳақингда жуда чиройли гапларни айтган эди. Сен эса уни қадоратлаяпсан. Боча эшитмаса ҳам, мен ранжишим мумкин. Боча малай эмас, шеригимиз. Лўли шеригини хорлагиб қўймайди.

— Мени қўрқитмоқчимисан? Кимсан ўзинг? — деб бақирди Бўрон.

Лўли эса ўша-ўша тиржайганича жавоб берди:

— Ким бўлардим, ўзингга ўхшаган БОГман.

Хотиржам айтилган бу гап Бўроннинг ичига жойлашиб олиб, тинчлик бермаётган ари уясини яна бир кавлаб олди. Агар бу лўли кўча-қўйда шундай деса, уни телбага чиқа-

ришади. „Мен Худоман“ деган одам телбалик тамгаси билан қутулса омади бор экан, тарихда бунақалар ўтда куйдирилган. Лекин қамоқ лагерида „Худоман“ деган тил қирқилмайди, тил эгаси ўлдирилмайди, ҳатто „телба“ деб ҳам аталмайди. „БОГ“нинг бу ердаги маъноси бутунлай бўлакча. Чунки Худони тан олмайдиган одамнинг ўзини Худо деб аташи кулгили бир ҳол. „БОГ“ русчадаги „Был Осуждён Государством“ (давлат томонидан ҳукм қилинган) сўзларининг бош ҳарфлари эканини ташқаридагилар билмайди. Лўли бу онда шу маънода айтдимиз ё ўзини лўлилар худоси сифатида тақдим этмоқчи бўлдими. Бўрон ажрата олмади. Аини нафасда бу сўзнинг яна бир бошқа маъноси — „Будь Осторожень, Грабитель“ (эҳтиёт бўл, талончи) янграгандир балки? Бу сурбет лўли „Ҳой талончи, эҳтиёт бўл, бизлар билан ўйнаша кўрма“, демоқчи эмасми?

Шу тўхтамга келган Бўрон ичида иблис уйғонди. Ўзини сассиқ бир нарсани билмай босиб олгандай ҳис қилиб, афтини буриштирди. Кейин ён томонига чирт этиб тулурди-да, менсимаган оҳангда:

— Онанг сени эллик марта қайта туққанда ҳам мендай бўла олмайсан, — деди.

— Боча тўғри айтибди, сен ҳаётга очиқ кўз билан эмас, орқанг билан қарар экансан, — деди Лўли унинг қилигини малол олмай. — Энг учқур от ҳам вақти келганда ўлади, энг зўр айғир ҳам кучдан кетиб, битта тойчоқнинг зарбига дош беролмай қолади. Сен чиранаверма, ишонган оламинг ўшанақа айғирга ўхшаб қолган. Вужуд бор-у, қувват йўқ. Қувват бизларга ўтган. Эсинг борида Бочага ўхшасанг ўхшадинг, бўлмаса, ўзингдан кўр.

— Мени қўрқитяпсанми? Ўша сен айтган айғир ўлими олдидан беш-ўн тойнинг жағини ёриб юбора олмасмикин, буни ўйлаб кўрмадингми?

— Буран, мен сенинг оламингни биламан. Сен меникини билмайсан. Шунинг учун гап талашма.

— Шунчалик зўр бўлсанг, шахтадан қутулиб кўр-чи?

— Қутулиш қийин эмас. Ишонмасанг, эртага ўзинг кўрасан. Фирром деган ҳамшаҳаринг боради шахтага. „Кеч саккиздан то эрталаб саккизгача қимор ўйнаб ютаман, эрталаб саккиздан бошлаб қиморни ўйлайман“, деб мақта-нувди, онасиникига киргизвордим. Нима дейсан, шахтага

Биринчиси? Мен шахтага жўнатаман, сен эса қутқариб  
қилсан, келишдикми? Бунақа хода ютган озгина эмаклар,  
шундан келса, одамбашара бўлиб қолади.

- Яхши, уриниб кўр. Яна нима дейсан?

- Отамнинг ўн икки ўғли бор. Бештаси қамоқда. Мен  
Бешинчисиман. Яна икки синглим ҳам қамоқда. Биз ўқиш-  
ёзишни билмаймиз. Ҳаётни биламиз, пул санашни била-  
маймиз. Одам учун энг муҳими шу, тўғрими?

- Таржимаи ҳолингнинг менга нима кераги бор?

- Кимга ошна бўлаётганингни билганинг яхши эмасми?

- Ошначилик ҳақида гапиришга ҳали эрта.

- Бошқа йўлинг йўқ. Битта банкни уришга қанча тай-  
ёвдорлик кўрасан, қанча таваккал қиласан, оқибат нима?  
Қандай утирибсан. Биз-чи?

Бу гаънадан сўнг Бўроннинг юзида жаҳл илони тўл-  
ди. Аммо арқонни узун ташлаш мақсадида ўзини босиб  
қўлади:

- Сенам ўтирибсан.

- Менинг йўригим бошқа. Мен акамнинг ўрнига ўтири-  
шди. Акамнинг ўпкаси чатоқ, қамоққа тушса ўлади. Отам-  
нинг енида озгина яшасин. Хуллас, гап бундай, Буран, Ўлат  
Европа билан иш бошлаган экан, энди бизга хизмат қи-  
лади. Биз Урал билан Владивосток оралигини ўргимчак  
қилиб бўлиб ўраймиз. У ёғи Японю Корея, бу ёғи Хитой  
билан бизга қарам бўлади.

Лули режасини ишонч билан айтаётган бўлса-да, боғча  
қилини алдаётган нодон отага ўхшаб кетди.

Бўрон аламини ичига ютиб юрган кишиникига ўхша-  
б заҳарханда қилди:

- Қулочни катта отиб юбормадингми? Хитой советга  
қўлиб уч-тўрт йилга қамаб ўтирмайди, шартта отади-қўяди.

- Хотиржам бўл, отиладиган бошқалар. Сен билан мен  
Бўроннинг одамимиз. Қозикнинг ўртаси ҳамшиша омон қолади.

Лули сурбетларча оҳангда гапириб, Бўронни газаблан-  
тирдан бўлса-да, таклифлари ўйлантириб қўйди. Кейинги  
кунлари бу мавзуда Ўлат билан кўп гаплашди, баҳслашди.

Ўқибди бир тўхтамак келишди. Булар билан ҳамкорлик қи-  
ладиган баҳонасида Ўлат беркитган қорадорини ҳам олиб чи-  
қарди. Лули ҳам бундан беҳабар эди.

Бўрон қамоқдан чиққанидан кейин Лўлининг одамлари билан икки марта учрашди, уларнинг таклифларини, кейин эса талабларини эшитди. Энди учинчи учрашувда амалий ишларнинг бошланишини келишиб олишлари керак эди. Бир неча миллион долларлик бойлик оқимига эга бўлиши Бўроннинг ақлу хушини эгаллаган, лекин аввалги дунёсидан воз кечган Бочанинг йўлидан юриш нияти йўқ эди. У тождор ўғрининг лўлилар югурдагига айланишини ўзига ор деб билди. Мақсади — Ўлат яширган молни топиш, лўлиларга аталган молни ўмариб, кўздан ғойиб бўлиш. У Лўли таклиф этган дунёга дастёр бўлиб эмас, ўғри деган номи билан кириб, араваси лойдан ўтгач, яна шу фахри билан ўз оламига қайтишни ўйлаётганди. Лўли айтган ўргимчак тўрига унча аҳамият бермади. Темир сандиқларни тешиб, муддаога етиб юрган одам аллақандай ўргимчак тўрини назарга илармиди?

Бўрон ҳамиша таваккал қиларди. Бу сафар ҳам ўзини тақдир фариштаси қўлига топширгандай таваккал қилди. Бироқ ўзини тақдир аждаҳосига топшираётганини фаҳм этмади. Фаҳм этганида ҳам, бу аждаҳо ортида катта бойлик турганини билгани сабабли, йўлидан асти тоймаган бўларди.

Қамоқ лагеридаги сўнгги ҳафталар, озодликдаги ойлар тайёргарлик билан ўтди. Лўлилар ҳам аҳмоқ эмас, ўғрини ишга ёллашар экан, тап-тайёр ошни қўлига топшириб қўйишармиди? Гап миллионлар ҳақида борганда ишонч ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бўрон бунини билди. Билгани учун ҳам тайёргарлик ишларининг чўзилишидан сиқилмади, аксинча, арқонни узун ташлаб кутди. Тошкентга келиши тайёргарлик занжирининг зарур ҳалқаларидан бири эди.

„Томирларида қонни жўштириш“ мақсадида шаҳарга келган Бўрон поезддан тушди-ю, тўғри Марказий телеграф сари йўл олди.

## ПАРИДАРА

Паридарага бориш таклифининг қабул бўлишига Файратнинг ишончи йўқ эди. Айниқса, Назира учун қўшиқ айтаётганда „қўлга тушиб“ қолгач, қизнинг муҳаббатига бўлган умид қуши қўлидан учиб, оддий кўз қарашидан

дам маҳрум этилгандай, рад этилган ишқ талвасасига туш-  
ти. Муҳаббат инсон ҳисларининг энг гўзали, энг ширини  
жанини татиётган йигит тотли туйғуларидан маҳрум этил-  
са. қадим ишқ аҳли каби мажнунга айланиб, тоғу тошларга  
бош олиб чиқиб кетсинми? „Отмагай тонг боғ аро азминг  
иғромон бўлмаса, булбули шайдолари гул узра нолон бўл-  
маса“ деганларидек, у муҳаббат билан нафратнинг яқин  
қариндош эканини, ишқ тарозисининг бир палласида уни-  
си. иккинчисида буниси ўтирганини билади. Салгина қал-  
тис ҳаракат билан нафрат ўтирган палла тош босиши мум-  
кинлигини англамаган йигит севги кўчасига адашиб кир-  
маса ҳам бўлаверади. Нафрат палласи оға бошлаган дамда  
сталик билан тўхтатишни эплотмаган йигит эса оғзидаги  
тўқмани олдириб қўйган ношуд каби севги даштида сарсон  
сезиб қолаверади. Не бахтки, Файрат ундайлардан эмас.  
Севгани унинг вужудида, жонида яшай бошлаган экан, жон  
касаси ўзи эмас, ўша қиз экан, лаллайиб тураверсинми?

Уни қутқара олувчи нажот кемаси бор эди — Моҳидил-  
нинг туғилган кунда айби кечирилишига умид қилиб,  
шаҳарга тушиб, Фирром қарзга берган пулга соат шакли-  
даги тилла билагузукни сотиб олди. Қизни кўришни қан-  
чалик истамасин, ўша кунни ўзини тийди. Сувдан тоймаган  
стангоёқ сингари таваккал қилди. Таваккалчининг ишини  
Алло ўнглайди, деганларидай, бир кунлик ҳижрон азоби  
қасасига висол роҳатини бахш этди.

Аразчи қиз Моҳидил эса...

Юракка ўғри кирса, нима бўлади — тинчини ўғирлай-  
ди!

Моҳидил йигитга киноя тошларини отгани билан ун-  
дан кўнглини узмаган эди. Дугонасининг юраги ким би-  
дан боғланганини аниқ билгани сабабли рашк ўтида қат-  
тиқ куймади. Шамнинг ўтли тилчаси каби бир буралиб  
олган рашк юрагини салгина куйдирди-ю, сўна қолди.  
Татара осиб олган бу олифта йигитни биринчи марта кўр-  
ишдаёқ юраги сал галатироқ бўлган эди. Эндиги рашк  
эди севги тўрига чинакамига ўрала бошлаганидан огоҳ  
олинди. Эртаси кун ишга чиққанида милиция идораси  
қўмондон кўп қаради. Қўли ишда бўлса-да, кўзлари йўл пой-  
ишди. Йигитнинг бугун узр сўраб келишига ишонган эди.  
Келмади...

Унда... ашула айтиб ўтириши бежиз эмас экан-да...

„Сурбет... Ҳа, ҳақиқий сурбет у!“ Кечки пайт уйига қайтаётган Моҳидилнинг ҳукми шу эди...

Йигитнинг суқланиб қараши ҳисобга олинмаганда у ҳали севгиси хусусида ишора ҳам қилмаган. Йигитларнинг бундай қарашларига ишониб бўлмаслигини Моҳидил билди.

Келмади-я!!!

„Бети кўрсин! Иккинчи яқинлаштирамайман!“

Шу аҳд билан уйига қайтди. Тун азобини қандай енганини севги ўтида ёнган қизлар яхши билишади. Моҳидилни бу кеч чулғаб ташлаган ўйлари шу даражада кўп эдики, бирлари олмани кемираётган қурт каби миясига оғриқ берарди, бирлари қўйнига кириб олган қора илонга айланиб, меҳр ипларига заҳар соларди, яна бирлари бўйнига осилган сиртмоқ каби нафасини бўғарди. Ичида кўнгилни йиғлатадиган бир нарса гивирлайверди. Қалбини туни билан ёндириб адо қилган ўт эса лабини қуриштирган эди.

Ариқ бўйида чўнқайиб ўтирганича хаёлга чўмган, сувга қўл узатишга ҳам хоҳиши бўлмаётган қизининг бу аҳволини кўриб, Ойниса кўрқиб кетди. Қизидagi бу ўзгарувчи кечаги араздан экани хаёлига ҳам келмади. Эри ҳукм қилиниб, ўзи бир неча ҳафталик қамоқдан қайтган кунлари қизини шундай афтодаҳол ўтиришини кўрган эди. Агар ҳозир бирон билагон келиб, „Қизинг милиса йигитнинг кеча ашула айтиб ўтиргани учун ухламай, азобланиб чиқди“, деса сира-сира ишонмас эди. Чунки Моҳидилнинг кечаги шартакилиги, киноялари унга ёққан, „Боплади, энди суйкалмайди“, деб қувонган эди. На қилсинки, сув бўйида ўтирган қиз кечаги Моҳидил эмасди...

Ойниса унга яқинлашиб, елкасидан кучгиси, эркалаб, қол-аҳвол сўрагиси келди. Ўйчан ўтирган қиз бирдан ўзини ўнглаб, юзини ювди-да, ўрнидан турди.

Ушлаб қўл сезмаган, кўриб кўз танимаган нарсани кўнгил биледи, деганлари бежиз эмас.

Бу йигитни қандай жазолашни ўйлаб ўтирганида...

Божаб!..

Жилмайибгина кириб келди...

Эшикни тақийлатмади ҳам, худди уй хожасидай бемалол кириб келди-я!



Айвон зинасида ажабланиб турган қизга яқин келиб, суюмлашди-да, „Туғилган кунингиз муборак бўлсин“, деб чиройли қутичани узатди.

Милиция кийимидаги йигитнинг индамай бостириб кўриштини кўрган Ойниса хавотирланиб, қизига яқинлашди. Моҳидил тилдан қолган эди, қутичани очиб кўриш ҳам ушунга келмаётганди. Ойниса қутичани унинг қўлидан олиб очди. Она-бола тилла билагузукни кўришди-ю, лол қилишди. Уларнинг ажабланишлари фақат қимматбаҳо суюмдан таралаётган нур аксида эмас, балки бир неча кун аввал қизга ёқиб қолган, лекин олишга қурби етмаган тақдирининг бугун ҳаля этилишида эди.

Ким бу йигит? Сеҳргарми? Қизнинг кўнгил сирини қандай билди?

— Мунча чиройли! — деди Моҳидил қувончини яширмай. Лекин унинг қувонч ўтини онаси совуқ сув сепиб ўтира қолди:

— Биз бунақа қимматбаҳо нарсани ололмаймиз. — деди Ойниса қутичани эгасига узатиб. — Уйдан тилла чиқса, эртанга милиса мени яна ўтқазиб қўяди.

— Ахир бу совға-ку? — Файрат узатилган қутичани олдига олиб учун тисланди-да, гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди. — Ойим „Яхши қизнинг туғилган кунига совға қиларсан“, деб бериб юборган эдилар.

— Ёлғон гапирманг. Моҳийнинг туғилган кунини қаердан била қолдингиз?

Файрат сирни ошкор қилишни истамади. Тайинли жазоб ҳам тополмай, чайналди.

— Ахир... Мен участковойман-ку...

— Яна ёлғон гапиряпсиз. Милициянгизнинг рўйхатида ким тураман, Моҳий эмас.

— Хола, Моҳидилни туғилган кунлари билан табриклашни келувдим, сиз сўроқни бошлаб юбордингиз. Индамай қайтаверайинми?

— Хола? Қанақасига мен сизга хола бўламан?

— Тошкентда шунақа дейишади-да...

— Бу ер Тошкент эмас...

Кўча эшиги оғзида пайдо бўлган Назирага кўзи тушган Моҳидилнинг чеҳраси очилиб:

— Вой, ана Назий келди! — деб хитоб қилди.

Назиранинг келишидан Файрат ҳам қувониб, бўлажак қайнонасининг терговидан қутулганига шукр қилди. Назира тез-тез юриб келиб, Файрат билан бош ирғаб саломлашди-да, дугонасини қучоқлаганича, ёноғидан чўлп-чўлп ўпиб, туғилган куни билан қутлади. Кейин Ойнисанинг кўлидаги қутичага қараб „Вой, мунча чиройли!“ деб кўйди.

Тилла билагузукка шунчаки қараб кўйишининг ўзи сирини фош қилди. Ойниса „Ҳаммаси равшан“ дегандай енгил уф тортиб, совғани қизига узатди. Назира чаққонлик қилиб уни олди-да, дугонасининг билагига тақа бошлади.

Файрат Моҳидилга қаради — нигоҳлар тўқнашди. Қизнинг юрагида шу он ёқимли алланарса уйгонган, мулойим қараши эса уни ошкор қилаётган эди. Тунда азоб берган рашкнинг ожизгина оловли тили туфайли туман пардасида буркалган дудмак ҳис энди дил кўёшининг чароғон нуралида равшан шакл олиб, тинчига ўзгача тарзда қасд қила бошлаган эди.

Ойнисанинг заҳарли сўзларидан сўнг йигит юзидаги кўёшни булут босиши керак эди. Лекин қиз кўзларидаги миннатдорлик учқуни бунга йўл қўймади.

— Дастурхонга қараларинг, ана, яна битта меҳмон келди, — деди Ойниса совуқ оҳангда. Учқовлари кўча эшиги томон қарашди-ю, Фирромни кўриб, кайфиятлари тушди.

Фирром яқин келиб, Моҳидилнинг билагидаги соат шаклида ишланган тилла безакни кўрди-ю, Файратга қарз берганидан афсусланди. Назарида милиса йигит шу тилла билагузук эвазига қизни сотиб олгандай туюлди.

Ойниса ошхона томон юрди, қизлар айвондаги хонтахта атрофига кўрпачалар солиб, жой ҳозирлай бошлашди. Икки муҳолиф кемадан айри-айри жой олган икки йигит эса худди тилдан қолган соқов каби бир-бирларига қараб тураверилди. Уларнинг ҳар бири ўзи тушган кеманинг мустақамлигига ишонарди. Қизнинг кўнгли учун рақобат уруши бошланган тақдирда мутлақ голиб келажагига ишонч ҳар бирининг нигоҳида зоҳир эди.

Биринчи кема елканларини ёшлик шижоати, ёшликнинг покиза нафаси бошқарарди.

Иккинчисининг елкани пишиқ матодан эмас, пулдан эди. Салгина шамолда пулнинг тўзиб кетишига бу кема

---

ишонмас эди. Елкан нима экан, кема темир эмас, тундирликларидан маҳкамланган бўлса, ожиз тўлқинга дуч келган дамда аҳволи не кечар экан? Пул ва зўрликка эришган одам бу саволга жавоб топишга уринмайди ҳам.

Илоннинг пўсти ниҳоятда чиройли бўлгани билан ҳеч кимса уни ҳавас билан қўлга олмайди, силамайди. Фирромни Худо хусндан қисмаган, ўз оламининг гўзалларини ром этиши қийин эмасди. Ўлатнинг қизига ишқини эшганда бу гўзалга эга бўлиши ҳам ўшандай осон кечилганга ишонган эди. Лекин Моҳидилнинг олами, кўнгли ва кўнгалча эканини ҳисобга олмаганди. Ҳа, Фирром хушсурат эди, келишган йигитлар кўриги ўтказилса-ю, у қатнашар эди, ҳатто шу ёшида ҳам ғолибликка даъво қилиши мумкин эди. Лекин ҳакамлар ҳайъати унинг нурсиз юзига, кўнгалча қарашига эътибор қилса, биринчи босқичдаёқ рўйхатдан ўчиб кетиши ҳам аниқ эди. Ана шундай талабчан эди, тоифасидан бўлмиш Моҳидил бу оламни биринчи кўришидаёқ рад этган эди. Шундай экан, Фирром кўрикда қатнашишни эмас, рўйхатга илинишни ҳам орзу қилмаса эришарди. Лекин ақлини хиралаштириб ташлаган кўнгли эриб ҳақиқатни тан олишига йўл қўймасди.

Моҳидилнинг атрофида ўралашиб юрувчи йигитлар Фирромнинг ғашини келтирарди. Бўроннинг „Жиянимга қўйкала кўрма“, деб огоҳлантириши ғазабини кўзитарди-ю, қўлга эга чиқа олишига бўлган қатъий ишончи уни бу оламдан тойдирмай турган эди. Йўлида Файратнинг пайдо бўлиши уни сергаклантирди. Файратнинг қишлоқ йигитлари сингари бўшашган хушторларидан эмаслигини билан туриб унга қарз бериши ўзининг нодонлигидан эди. Қўлида бақувват карта бўлгани билан қиморни бой берган кимсани нима деб аташ керак? Фирром ўшанинг ҳолига тушай деб қолганини англаб, энди ўзидан ғазабланди.

Фирром бугун шаҳарга тушиб чиқишни режалаштириб, барвақт турган эди. Цехдаги идорасига кириб, зарур қорғоқларини олаётганда милицияхонадан чиқиб, Моҳидилнинг кўчасига қараб йўл олган Файратни кўргач, ўйлаб ҳам кўрмай, унинг изидан тушди. Бурилишда Назирани кўрганда бир оз тўхтади. Қайтгиси келди-ю, бироқ орқасига кўрилмади, бу уйда бир гап бўлаётганини кўнгли сезди. Кўнгли алдамаган экан...

Индамай туравериш жонига тегиб, Фирром киноя оҳангида гап бошлади:

— Онангизни соғинган эдингиз, мен Тошкентга жўнаворгансиз, деб ўйлабман.

— Ойимни тушимда кўриб, соғинчим сал босилди. Эрталаб хўжайин иш буюрувди, участкавойлигимни қилиб юрибман, — деди Ғайрат кинояга қувлик билан жавоб қайтариб.

— Участковойнинг иши текширишми? Текшириб бўлдингизми? Эчки-бузоқлари-ю, бурга-битлари жой-жойида эканми? — деди Фирром ғашлигини ошкор қилиб. — Милисанинг иши бошидан ошиб ётганини биламиз, бора қолинг.

— Милисанинг иши кўп-у, лекин бу ерликлар жуда меҳмондўст экан, бир пиёла чойсиз уйдан чиқаргиси келмайди. Қутлуғ уйдан қуруқ кетманг, дейишяпти, — Ғайрат шундай деб, қизларга қаради, — Назира, акам туриб қолдилар, тўрга чиқаверсинларми?

Моҳидил бир чимирилди-ю, индамади. Назира эса меҳмонларни айвонга таклиф қилди. Туғилган кунни нишонлашга аталган тўкин дастурхон бир пасда тузалди: икки пиёлада қаймоқ, иккитасида мураббо, бир ликопчада қант, нон... Анқонинг уруғигача топиб келтирилиб тузаладиган шоҳона дастурхон шаҳарда бўлади. Туғилган кундаги ёлгон мадҳиялар ҳам ўша ерда. Бу ерда айрим хонадонда эрнинг туғилган куни нишонланади, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ёр-биродар учун бўкиб ичишга баҳона топилади. Учинчигача тўртинчи пиёладаги арақ охиригача олингач, меҳмонлар нима сабабдан келганларини унутиб, „ўчиб“ қолгунларига қадар олаверадилар. Шаҳардаги зиёфатда кайфи ошганларни яқинлари машиналарда олиб кетишади. Бу ердагилар йиқилган ерида тонг оттирадилар, эрталаб муздек қатиқ ичиб, уйқули кўзларини аранг очгач, деворларни пайпаслаб бўлса ҳам ўзлари бир амаллаб уйларига етиб оладилар. „Фалончининг туғилган куни“га кетган эрни хотин бечора тунда сарсон бўлиб қидириб келмайди, елкасига ортмоқлаб олиб кетмайди. Бу ернинг таомили шунақа. Баъзилар шаҳардаги маишат дастурхонларини кўришса ёки эшитишса, „Шунақа бемаъ依лик биз томонларга келмасин-да“, деб қўйишади. Нега шунақа дейишларини ўзлари билишади, бегоналарга изоҳ бериб ўтиришмайди.

Бу қишлоқнинг шаҳардан яна бир фарқи — аёлларнинг туғилган кунлари мутлақо нишонланмайди, хотинининг туғилган кунини билувчи эрлар ҳам санокли. Ана шу саноқли эрлар инсоф қилишса, шу куни ўзлари ош дамлаб, фирромларини намойиш этадилар. Шаҳарлик эр хотинини туғилган куни билан табрикламаса, балога қолмаса-да, завқининг тунд чехраси билан тақдирланади. Қишлоқда ун-дир эмас. Бу ердагиларга шуниси яхши...

Моҳидилнинг туғилган кунини нишонлаш, қимматбаҳо балога эътиборга олинмаса, маҳаллий одатлар чегарасида қолди. Икки ошиқ ўзаро қаймоқхўрлик баҳсини бошлаб, ташқалар ялаб қўйилгач, зиёфат якунига етганини англаб, қарабар туришди. Файрат айвондан тушаётиб, сўз айтмади, шундоқ кўз қарашни билан қизни яна бир табриклади. Моҳидил сениқ қарашни билан табрикни қабул этди. Фирром эса, ташқалчи ошиқ эмас, балки хўжайин овозида буюрди:

— Моҳий, ишга тезроқ бор, бугун пиво келади. Кенна-на сиз ҳам чиқиб, қараб турунг, шишаларни гум қилиб кетишмасин, — бир икки қадам босгач, тўхтаб, буйруғига қўйиб қилди: — озодаликка ҳам қараб қўйинг, итпашшалар қўйиллашмасин, дўхтирлардан балога қоламиз.

Ойнисага берилган буйруқ замирида йўқоладиган шишалар қайғуси эмас, балки қўлдан учиб кетаётган бахтидан ташқаланиш бор эди. Шу боис кейинги изоҳни Файратга қўйиб туриб айтди. Йигитлик ҳамияти бир хуруж қилсангиз, Файрат бу тагдор гапни тушунмагандай жилмайиб қўйиб қилди. У гузарга қадар бирга кетишни истамай, хизматини қўлига қилиб, ён кўчага бурилди. Фирром эса идорасига қўйиб қилди-ю, шаҳарга оёғи тортмади. Лекин боришга мажбур бўлди. Юмуш ўзига тааллуқли эмас, нозик одамлар билан қўйиб қилиб, бўлажак ишларини пишитиб олиши зарур эди. Шундоқ боис ноилож йўлга чиқди. У ўзини қўлидаги ютуқ, қўлларини рақибига бериб қўйган лақмадай ҳис қилиб қўйиб қилди.

Файрат унинг шаҳарга тушиб кетганини билмас қилди. Пиво келган бўлса ўтиргандир Моҳидилга тики...иб“, қўйиб қилган ўйда юраги сиқилиб, пешинга қадар худди вазифа-қўйиб қилган бажараётгандай кўчада юрди. Кун оға бошлаганда қўйиб қилган вазифа тугагандир“, деган мўлжалда гузарга қайтди. Қаҳ-қўйиб қилган на сийраклашиб қолган эди. Файрат ўтирадиган стол

ҳам бўш эди. Бундан мамнун бўлган Файратта жон кириб, тўғри пештахта томон юрди. „Чарчамдингизми?“ деб ҳол сўрагач, у ёқ-бу ёқдан гапирган бўлиб, Паридарани яна эслатди. Қиздан „Эшакка минсангиз тезроқ етиб оласиз“, деган маслаҳатни кутиб, юраги увишаётганда ундан „Бўпти, эртага борамиз“, деган ризолик аҳдини эшитди-ю, қулоқларига ишонмади.

Келишувга биноан, субҳ чоғи гузарда учрашдилар. Моҳидил кўкрагига атиргул тасвири туширилган пушти рангли кўйлак кийиб олган эди. Атиргул тасвири қанчалик чиройли бўлмасин, қизнинг гўзал узори остида рангини йўқотгандай маънос кўринди Файратнинг кўзларига. Тонг шарқ осмонининг тепасида энди тиф ура бошлаган пайтда кишлоқ кўчалари ортда қолиб, тоғ сўқмоқлари бошланди. Сурурли қалблар тоғдаги тонг сурури билан мос келса, юракнинг уриши ҳам бошқача бўлади. Ёлғизоёқ йўлга чиқишганда Моҳидил олдинга ўтди. Бу учрашувни юрак-юракдан кутган йигит ўзи ҳам кутмаган ҳолда, қизга айтиладиган гапларини унутди. Индамай кетиши ҳам мумкин эмасди. Қўшиқ айтишни истамади. Ўзига ёққан шеър сатрлари тилига кўча қолди:

Қачонгача армонлар кулбасига кўноқман,  
 Мен дунёнинг ортидан чопаетган чўлоқман.  
 Йиллар аро сўзларим манзилига етмайди,  
 Юрагимни тилимга кўчиргани нўноқман,  
 ...Энди кўнглимга қара.

Моҳидил бирдан тўхтаб, орқасига ўтирилди. У йигитнинг нималардир деб гап бошлашини истаётган, аммо бунақа шеър айтишини кутмаганди. Қиз ўзини тезда қўлига олиб, ажабланганини яшириш учун ширин жилмайди:

— Бирданига шеър тўқиб юбордингизми? Сизни ашулачи деб ўйловдим, шоирмисиз?

— Ҳа, — деди Файрат кулиб, — баъзан шунақа „тутиб“ туради. Бу шеърни газетада ўқиб, куйга солмоқчи эдим, тўғриси... туғилган кунингизга совға қилмоқчи эдим, эп-лолмадим, нўноқлик қилдим шекилли.

— Туғилган кунимни кимдан эшитган эдингиз? — деди Моҳидил айёрона чимирилиб.

— Мен милисаман, сотқин эмасман, — деди йигит му-  
бирлик билан кулимсираб.

— Ҳозир нуноқлигингизни тан олиб, тўғри қилдингиз.  
Биз айёрсиз, битта ашула эвазига кўпгина сирларни билиб  
қолдик, маккорсиз. Гапимга қаршилик қилманг, агар шеър-  
ларнинг давоми бўлса, ўқиб беринг, яхшига ўхшайди.

— Мен ёмон шеърларни ёдламайман, — Файрат шундай  
деди қизнинг чиройли кўзларига боққанича яна ўқий бош-  
лади.

Севиб қолсам, жонимни қайси ўтларга тутай,  
Нурларингнинг бағрида кирларимни йўқотай.  
Бўшаб қолган кўзларим, ўзим бедор бўлмасам,  
Кўксимдаги қушчани қандай қилиб уйғотай?!

...Энди ҳолимни сўра...

Моҳидил йигитнинг ўтли нигоҳига дош беролмай, бу-  
наиб юриб кетди. Файрат унга эргашиб, худди ундан жа-  
наб кутгандай охири сатрни такрорлади:

...Энди ҳолимни сўра...“

Йигитнинг ўртаниши қайси қизга ёқмайди? Моҳидил  
бу сўзга ниҳоятда яйраб кетди. Шу ёшга етгунига қадар  
қизнинг уқубатларини, атрофида кунда кўрувчи маст-аласт  
қизларни... ҳамма-ҳаммасини унутди. Бугун куёш фа-  
қат учун кўтарилиб, оламни фақат у учун чароғон қила-  
ётган эди. Бу йигитни Худо у учун яратганига ишончи ор-  
тида қарар. „Эй Куёш, сен фақат ва фақат муҳаббат кўча-  
ларини сиритгин!“ деб ҳайқиргиси келарди. Агар бу саёҳат  
қизнинг давом этган танишув ва синовлардан кейин юз  
бергандайди, йигитнинг севгиси чин эканига ишончи тўла  
қилингандайди... ўртаниш билан айтилган бунақа шеър ва  
қизнинг мукофоти эвазига эҳтимол... ёноғидан ўпиб кўйган  
қизнинг...

Ҳозир эса... ҳали ундай ишонч йўқ, ҳаё бор, синовлар  
қизнинг олдига. Битта шеър қиз томонидан бериладиган муко-  
фот учун етарли эмас, бундай мукофотга етишмоқ учун кўп  
мукофот керак, кўп тунларни уйқусиз ўтказмоқ лозим...

Қиз бир оз кўтарилишгач, Моҳидил чарчаб, тош устига  
қотди. Файрат унинг яқинидаги тошдан жой олди. Моҳи-

дилга бу ёқинқирамай, йигитга ҳуркак қуш ҳадиғи билан қараб олди-ю, сал наридаги тошга ўтиб ўтирди. Файрат бу ишончсизликдан ўнғайсизланса-да, „Нега бундай қилдингиз, менинг қора ниятим йўқ“, деб изоҳ беришни лозим топмади, „Менга ишонмаганингизни ҳақорат ўрнида қабул қилдим“ деган маънодаги аламли жилмайиш ила чекланди.

— Шаҳарда „дискотека“ деган жой бор экан-а?

Қизнинг бу саволи йигитни ажаблантирди, савол беришдан мақсадини англамай, қувлик билан кўз қисиб, ҳазил оҳангида жавоб берди:

— Ҳа, бор... — Қизнинг бу қисқа жавобдан қаноатланмаганини сезиб, қўшимча қилди: — Зўр жой.

Бу мақтов Моҳидилга ёқмай, афтини бужмайтирди.

— Нимаси „зўр“? Бир бало-ку?

— Нимаси бало? Ёшлар дам оладиган жой.

— Ўша ерда дам олишадими?

— Дам олиш ҳар ерда ҳар хил бўлади-да, мана бу қишлоқда тўйиб пиво ичиб, қурт шимиб, бурнини қизартириб ўтириш ҳам дам олиш ҳисобланади, тўғрими?

— Қишлоқларимизни масҳара қиляпсизми? Бизникилар эрта-ю кеч ишлашади. Сизникилар-чи? Дам олади, дейсиз-а? Ўша ёшларингиз нима ишни қотириб қўйишибдики, дам олишса? Ҳаммалари бекорчи, тақасалтанглар-ку? Пиво ичишни айтасиз, уларингиз-чи?

— Уларимми?.. Уларим бренди ичишади, виски ичишади. Гиёҳвандлари ҳам бор...

Файрат ҳазил оҳангида гапираётган бўлса-да, „гиёҳвандлари бор“ деган луқмани атай қўшиб, қиздаги ўзгаришни кўрди. Моҳидил қаерда, кимнинг оғзидан „гиёҳванд“ деган сўзни эшитса, отасига ишора қилинаётгандай туюлиб, ғашланарди, ҳозир ҳам шундай бўлди. Лекин сир бой бермаслик мақсадида баҳсини давом эттирди:

— Шаҳарлик йигитлар-ку, майли, бир балогинанинг ўзгинаси ҳаммаси. Лекин қизлари-чи? Уялишмайдими?

Моҳидил „Ҳамманинг кўз олдида кучоқлашиб туришга уялишмайдими?“ демоқчи эди-ю, тили бормади, истиҳола қилди.

Файрат унинг нимани назарда тутаётганини англаб, гапни майдаламай:

— Ҳар одамнинг уяти ўзи билан-да, — деб қўя қўйди.



- Сиз ҳам бориб турасизми? — Моҳидилнинг овозида  
 «ди зарда оҳанги сезилди.
- Ҳеч бормаганман... — гапи ишонарли чиқиш учун  
 Файрат қизнинг қарашидан нигоҳини олиб қочмади.
- Унда „зўр“лигини қаердан биласиз?
- Киноларда кўрганман. Сиз олдин кўрмаганмидингиз?
- Четдагиларнинг тунги клублари ҳам бор.
- Кино бошқа... у ер...
- Моҳидил шундай деб афсуслангансимон бир хўрсиниб  
 қўли-да, ўрнидан турди.
- Шу тоғни ошиб ўтсак, манзилга етамиз, — деб йўлга  
 кўрсатди. Файрат бир оз индамай юргач, ўртага тушган со-  
 рақчиликни кўтариш мақсадида гап бошлади:
- Мен кеча бир айб иш қилганман, сиз сезмадингиз, —  
 кўли узрли оҳангда.
- Сизнинг айбингиз кўп, ҳаммасини сезишга улгурол-  
 маганман.
- Қизнинг мулойим оҳангга кўчиши йигитга далда бе-  
 қаравон давом этди:
- Аниқрогини айтсам... ўғрилик қилганман.
- Ўғриларни ушлашга кучингиз етмай, ўзингиз ки-  
 шидингизми бу ишга, — Моҳидил шундай деб ўгирилиб,  
 қараб қўйди.
- Менинг ўғрилигимни жазолаш мумкин эмас. Кодекс-  
 на бунақа модда йўқ.
- Жазолаш мумкин бўлмаса, мукофотлаш керакми?
- Мукофотини кеча олганман.
- Қанақасига?
- Қанақа ўғрилик қилганимни сўрамадингиз-ку?
- Гап бошлаганингиздан кейин ўзингиз айтинг.
- Сиз ариқ бўйида ўтирганингизда мен ўгринча қараб  
 турган эдим.
- Бу оддий ўғрилик эмас, уятсизлик. Яна уялмай юзим-  
 ни гапирасиз-а!
- Уятсизлик эмас, мен сизга қараб Кумушни эсладим.
- Қайси Кумушни?
- „Ўтган кунлар“ни ўқиганмисиз?
- Киносини кўрганман.
- Кўрган бўлсангиз, эсингиздадир: Отабек ариқда юви-  
 лганда Кумушни кўриб, ошиқ бўлиб қоладиган жойи бор.

— Сиз ҳам бориб турасизми? — Моҳидилнинг овозида энди зарда оҳанг сезилди.

— Ҳеч бормаганман... — гапи ишонарли чиқиш учун Файрат қизнинг қарашидан нигоҳини олиб қочмади.

— Унда „зўр“лигини қаердан биласиз?

— Киноларда кўрганман. Сиз олдин кўрмаганмидингиз? Четдагиларнинг тунги клублари ҳам бор.

— Кино бошқа... у ер...

Моҳидил шундай деб афсуслангансимон бир хўрсиниб кўйди-да, ўрнидан турди.

— Шу тоғни олиб ўтсак, манзилга етамиз, — деб йўлга тушди. Файрат бир оз индамай юргач, ўртага тушган со-вуқчиликни кўтариш мақсадида гап бошлади:

— Мен кеча бир айб иш қилганман, сиз сезмадингиз, — деди узрли оҳангда.

— Сизнинг айбингиз кўп, ҳаммасини сезишга улгурол-маяпман.

Қизнинг мулойим оҳангга кўчиши йигитга далда бе-риб, давом этди:

— Аниқроғини айтсам... ўғрилиқ қилганман.

— Ўғриларни ушлашга кучингиз етмай, ўзингиз ки-ришдингизми бу ишга, — Моҳидил шундай деб ўтирилиб, айёрона жилмайиш билан қараб кўйди.

— Менинг ўғрилигимни жазолаш мумкин эмас. Кодекс-да бунақа модда йўқ.

— Жазолаш мумкин бўлмаса, мукофотлаш керакми?

— Мукофотини кеча олганман.

— Қанақасига?

— Қанақа ўғрилиқ қилганимни сўрамадингиз-ку?

— Гап бошлаганингиздан кейин ўзингиз айтинг.

— Сиз ариқ бўйида ўтирганингизда мен ўғринча қараб турган эдим.

— Бу оддий ўғрилиқ эмас, уятсизлик. Яна уялмай юзим-га гапирасиз-а!

— Уятсизлик эмас, мен сизга қараб Кумушчи эсладим.

— Қайси Кумушни?

— „Ўтган кунлар“ни ўқиганмисиз?

— Киносини кўрганман.

— Кўрган бўлсангиз, эсингиздадир: Отабек ариқда юви-наётганда Кумушни кўриб, ошиқ бўлиб қоладиган жойи бор.

— Сиз ўзингизни Отабекка ўхшатдингизми? Унда Зайнабингиз ким? Зайнабга атаб ашула тўқиганингиз йўқми?

— Пичинг қилмай тулинг, гапимни охиригача эшитинг. Кинода кўрсатилмаган бир манзара бор. Кумуш худди сизга ўхшаб ариқ лабида ўтиради. Кейин юзини ювади. Ўшанда... бу ёғини ёдлаб олганман, эшитинг-а: Кумушнинг „кўзлари мулойимгина сув устига оғдилар. Ариқнинг муссаффо тиниқ суви ёвошгина оқиб келар, Кумушббининг қаршисига етиб келганда, гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб кўяр, ўз устида ўлтурган соҳиранинг сирҳига таслим бўлган каби тағи бир каттароқ доирада айланғач, оҳистагина кўприк остига оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтурғач, қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди...“ Зўр тасвир-а?

— Асли артист бўлишингиз керак экан.

— Ариқ лабида ўтирган сеҳрчи қизга қараб ўтириб, сувга айлангим келди.

Моҳидил гап тагида гап борлигини фаҳмлаб, тўхтади-да, энди чимирилиб қаради:

— Бўлди, суюлманг.

— Мен ёзувчининг маҳоратини айтмоқчи эдим.

— Ёзувчи ўз йўлига. Мабодо сувга айланиб қолсангиз ҳам ҳовлимизга киролмайсиз, Назираникига оқиб борувчи ариққа буриб юбораман.

— У ариқнинг ўз эгаси бор...

— Шуни ҳам биласизми? Буям милисанинг ишига кирадими?

— Бу икки дўстнинг сирдошлигига кирази.

— Йигит деган бунақа майда гапларни сирлашмаслиги керак.

— Адашяпсиз, муҳаббатта доир майда гаплар бўлмайди.

Ҳаммаси муҳим...

Моҳидил қаламини тезлатди. Тоғ тепасига худди қалпоқ каби қўндириб қўйилган катта харсангтошни айланиб ўтиб, кафтдек ялангликка чиқди-да, чуқур-чуқур нафас олиб:

— Ана, қаранг, парилар шу ерга яширинишган, — деди.

Пастда мовий кўл жилваланади. Арчазорлар кўлни ас-  
ровчи соқчилардек тизилишган. Файрат Сўфиқишлоқнинг  
манзарасига маҳлиё бўлиб, у ер жаннатнинг бир бўлаги  
эканига ишонган эди. Энди бу гўзалликка қараб туриб,  
ўзича „Жаннатнинг асосий қисми бу ёқда экан-ку!“ деб  
қўйди. Сўфиқишлоқда одамлар яшашади. Бу ер тикроқ  
бўлгани учун кимсасиз. „Бу ҳам табиатнинг бахти“, деб  
ўйлади Файрат.

— Парилар шу ерга яширинишган бўлса, демак... улар-  
нинг ҳусну малоҳати табиатга кўчган бўлса керак.

— Балки шунақадир, — деди Моҳидил кўлдан кўз уз-  
май. — Лекин... табиат одамлардан кўра гўзалроқ. Нимага-  
лигини биласизми?

— Очиги... бу ҳақда ўйлаб кўрмаганман.

— Мен кўп ўйлайман... Табиатда хусумат йўқ, адолат  
бор.

— Адолат? — Моҳидилнинг гапи ғалати туюлиб, Файрат  
ажабланганини яширмай, эътироз билдирди: — Оҳунинг  
бўрига ем бўлиши адолатданми?

— Бу табиат қонуни, — деди Моҳидил хотиржам равиш-  
да. — Бўри қорнини тўйғазиш ғамида ташланади. Одамлар-  
чи? Бир-бирларига нега ташланадилар? Нега ўлдирадилар?  
Ўлдирган одамларининг гўштларини емайдилар-ку?

— Аслида шундай. Лекин ўша зулмнинг асосида бари-  
бир қорин ғами, тўғрироғи, нафс васвасаси ётади. Ўша  
одам кимнидир ўлдириш натижасида нимагадир эришади.

— Нимагадир эришади? — Моҳидилнинг юзига маъюс-  
лик булути соя ташлади. Бир оз жим қолди. Кейин худди  
ўзига ўзи гапиргандай паст овозда сўзлади: — Отамни ўл-  
дирганлар нимага эришган бўлишлари мумкин?

— Мен буни билмаган эдим, узр, ярангизни янгилаб  
қўйдим, — деди Файрат. — Отангиз... ким эдилар?

— Отамми?... — Моҳидил „Билмасмидингиз?“ деган маъ-  
нода бир қараб олиб, синиқ овозда жавоб қайтарди: — Отам-  
ни қамоқда ўлдиришганмиш. Ким, нима учун ўлдирган,  
билмайман...

— Жасур ака ростданам амакингизмилар?

— Бўлмаган гап! Валдирайверади. Отам билан қамоқда  
ака-ука тутинишганмиш. Оиламизга қараб туришни ўша  
ерда зиммасига олганмиш. Яна битта катта амаким ҳам

бор, отамнинг ўлганини ўша айтибди онамга. Онаминг яраларини янгиламай деб, бу ҳақда кўпам гаплашмайман. Онам мумкин бўлган гапларни айтадилар, мумкин бўлма-са, гап олиш қийин. Қамоқдан оғизларини маҳкамлаб чиққанлар. Агар ранжимасангиз, бир нарсани сўрайман. Ажабланманг, тоғ қизлари шунақа дангалчи бўлишади.

— Сўранг.

— Тасаввур қилинг, сиз бир қизни... яхши кўриб қолдингиз...

— Тасаввур қилмайман, аслида шундай бўлса-чи?

— Гап қўшмай туринг. Ўша қизнинг отаси қамоқда, онаси милисанинг доимий кузатувида бўлса ҳам... уйлана-верасизми?

— Ахир мен унинг отасига уйланмайман-ку? Агар „Отам қамоқдан чиқишини кутинг“, деса, биргалашиб кутаман.

— Гап кутишда эмас... — қиз шундай деб хўрсинди. У сувга тикилиб гапираётгани сабабли йигит унинг кўзларидаги мунгни кўра олмаётган эди. — Агар ўша қизга уйлансангиз ишдан ҳайдаласиз, тўғрими?

— Ким айтди буни сизга?

— Жавобдан бўйин товламанг. Бизнинг милиса халқи билан нохушгина салом-алигимиз бор, сирларини озгина бўлса ҳам биламиз.

— Агар билсангиз... ишдан ҳайдашса жон-жон дейман, ўзи жонимга тегиб юрибди. Балки шу Паридарани севишганлар оромгоҳига айлантирарман. Балки Жасур ака билан шерикчиликка шарбат заводи қураармиз.

— Шерикликка одамнинг зўрини танлабсиз.

Моҳидил бу сафар очиқ зарда қилди-да, пастга қараб туша бошлади. У худди ғаззола мисоли энгил ҳаракат қилиб, тошдан-тошга сақрарди. Файрат ўйлаб ҳам ўтирмай, унга эргашди. Агар бу онда унинг ўрнида Фирром бўлганида ялангликда шумшайиб қолаверарди. Бармоқлари карта чийлашга чаққон бўлгани билан оёқларида бу чаққонлик йўқ, тошдан тошга сақрашга дадиллик ҳам йўқ эди.

Файратнинг назарида Моҳидил тошдан тошга сақрамасди, йўқ, йўқ, худди фаришта мисоли учарди. Уча-уча кўл соҳилига қўнди. Файратни унутгандай орқасига қарамади ҳам. Чўнқайганича юзларини тип-тиниқ сувда ювди. „Паридарадаги кўл сувида юзини ювган қизнинг бетларидан

Ой нури тараладиган бўлади“, деган гапни эшитган кўп қизлар қатори Моҳидил бу ерга бир неча марта келган. Афсонадаги гап ҳақиқатдир, бетлари тоза нурни шу ердан олгандир. Моҳидил йигитга бу сирни айтмади. Файрат икки қадам нарида чўнқайганича қўлларини ювди. Қўллари сувда-ю, кўзлари эса қалби ҳукмдори гўзалда.

„...Ул париким, сув яқосинда ўлтурур,  
Фояти нафислигинин сув ила ютса бўлур...“

Хаёлига шу байт келиб, юраги бир ўртанса-да, қизга малол келишидан чўчиб, тилга кўчирмади.

Моҳидил кўлга хаёлчан равишда тикилиб қолгани учун уни сирли сурур оламидан тортиб олгиси келмади — гапирмай жим ўтирди. Кейин аста хиргойи бошлади:

Оқиб кетма, қалқиб кетма, кўм-кўк денгиз ичра Ой,  
Оқиб кетма қоғоз кема оққан каби ариқдан.  
Сени кўрсам тирилади, болалик очар чирой,  
Сени кўрсам „Болам!“ деган сас келади борлиқдан.

Сув сеҳрига банди бўлган қизнинг назарида қўшиқ парилар яширинган қоялар орасидан сизиб чиққандай туюлди. Кўл юзасини силаб келган шабада унинг юзларини ҳам силаб роҳат бахш этди. Файрат томон қарамади. Сув сеҳрига қўшиқ сеҳри қўшилди. Файрат қўшиқ айта бошлаганда қизнинг жилмаймаса ҳам майли, бир қараб қўйишини умид қилган эди. Қиздаги эътиборсизлик унинг руҳини эзди, энди овозида хасталик сезилди:

Фарзанд бўлмоқ — ўлчовли бахт, капалак умрича вақт,  
Ёниб-ўчган чақмоқ каби ўтар завқли ва тез.  
Шу дамлардан қуриб берсанг онаизорга олтин тахт,  
Пойларига қўйсанг бошни, термулсанг тўйиб шу кез...

Моҳидил сув сеҳридан узилиб, йигитга қаради. Кўзлари ёшланди. Юрагида бир андуҳ уйғониб, ўкраб-ўкраб йиглагиси келди. Файрат қиздаги ўзгаришни сезди. Ёшланган кўзлардан нигоҳини олиб, сувга тикилди. Бир оз жим қолди. Бу онда Моҳидилнинг назарида дунё жони узилгандай, ҳаммаёқда ҳаёт нафаси сўнгандай туюлди. Ўзининг ҳам нафаси қайтиб, ўртанди. Хайрият, дунё тирик экан...

Файрат яна ўша хаста овозда хиргойи қила бошлади:

Оқиб кетма, қалқиб кетма, кўм-кўк денгиз ичра Ой,  
Оқиб кетма қоғоз кема оққан каби ариқдан...

Қўшиқ охирига етди... Паридаранинг қайғуси уларга кўчгандай бўлди. Бу бежиз эмас. Зулмдан қочиб беркинган мазлумалар ҳузурда бахтиёрлик қаҳқаҳаси янграйдими ҳеч замонда? Файрат қизнинг кўнглини кўтарадиган бир гап айтишга оғиз жуфтлаган эди, Моҳидил гапиртирмади. Ўрнидан туриб, изига қайтишга чоғланди:

— Кетақолайлик, — деди ялингансимон.

Файрат „хўп“ дегани билан жойидан кўзғолмади. Ҳовучлаб сув ича бошлади. Тўйиб-тўйиб ичди. Кейин юзини ювгач, енгил тортиб, ўрнидан турди.

— Кетишдан олдин бир нарса айтиб берайми? — деди қизга маънодор тикилиб.

— Латифами? Керакмас, — деди Моҳидил бош чайқаб.

— Йўқ, буниси ҳикмат, эшитинг-а: бир замонларда туйғулар макон тутган орол бор эди. Унда кўпгина туйғулар қаторида Бахт, Қайғу, Билим ва Севги ҳам яшарди. Бир пайт орол сувга чўка бошлади. Ҳамма қочиш пайига тушди, қайиқларини ҳозирлади. Фақатгина Севги шошилмади, гўзал оролини ташлаб кетгиси келмади, ёлғизликда бўлса ҳам шунда яшаб қолишни истади. Аммо фарқ бўлишини билгач, ёрдам сўрашга мажбур бўлди. Унинг ёнидан Бойлик ҳашаматли кемасида сузиб ўтаётганида „Мени ёнингга ола қол“, деб илтимос қилди.

— Йўқ, ололмайман, — деди Бойлик. — Кемам олтинкумушлар билан тўлган, сенга жой йўқ.

Севги гўзал елканли кемада сузаётган Кибрдан ёрдам сўради.

— Сенга ёрдам бера олмаيمان, чунки жиққа ҳўлсан, елканимни расво қиласан.

Шундай деди-ю, керилганича ўтиб кетди. Севги энди Қайғу қайиғидан умид қилди, ундан кўмак сўради. Бироқ Қайғу: „Уф-ф, мен жуда хафаман, ёлғиз қолишни истайман“, деб қайиғидан жой бермай сузиб кетаверди. Унинг изидан Бахт ҳам кемачасида сузиб ўтди. У шунақанги хурсанд эдики, Севгининг нолишини ҳатто эшитмади ҳам.

Севги тушкунликка тушиб ўтирганида ёқимли бир овозни эшитди:

— Кел, Севги! Сени ёнимга оламан!

Севги ўзини шу қадар омадли ва бахтли ҳис этдики, ҳатто ёнига ким чорлаётганини билолмай ҳам қолди. Қуруқликка етиб борганларида Севгига ёрдам кўрсатган халоскор ўз йўлида давом этаверди. Унинг олдида нақадар қарздор эканини билган Севги Билимдан „Менга ким нажот берди?“ деб сўради.

— У Вақт эди, — деб жавоб берди Билим.

— Вақтми? У нега менга ёрдам берди?

Билим бу саволдан қулимсираб, шундай деган экан:

— Чунки Вақт Севгининг нақадар буюк туйғу эканини тушуна олади!

Файрат „Бор гап шу, сиз нимга дейсиз?“ дегандай жимгина қараб қолди. Қиз нима дерди, йигитнинг мақсадини тушунди. Тушунса-да, ҳикматдаги маъно ёнбоғини чақиб бергиси келмади. У ҳам йигитга бир оз тикилиб тургач, кескин бурилди-ю, яна ғаззола мисоли чаққон ҳаракатлар билан тепага кўтарила бошлади.

Қишлоққа борунларига қадар кўп гаплашмадилар. Гапларида эрталабки ҳазил, киноя, гина оҳанглари йўқ эди. Сўхбатлари мухтасар саволларга қисқа жавоблар тарзида бўлди. Сўқмоқ тугагач, Моҳидил тўхтади:

— Сиз чарчадингиз, шу ерда бир оз дам олинг, кейинроқ борарсиз.

Файрат қизнинг муддаосини тушунди. Гарчи дадил, чўрткесар қиз бўлса-да, одамларнинг гап-сўзидан кўрқиши унга ғалати туюлмади. Моҳидилнинг амрига итоат этиб, тизза бўйи келадиган харсангта омонат ўтирди. Қиз бурилиб кетишдан олдин бир савол сўради:

— Паридарага нима учун чиққанимни айтайми?

Қизнинг бу саволи йигитни гангитиб қўйди. Моҳидил ундан жавоб кутмай, изоҳ берди:

— Тилла соат учун чиқди, десангиз адашасиз. Мен совғага учадиган қиз эмасман. Тўғри, дўконда кўрганимда ҳавасим келган. Назиранинг ҳам кўзлари ёниб кетган эди, ўшанда. Бунақа тақинчоқни кўрган ҳар қанақа қизнинг ҳаваси келади, тўғрими? Мен шу тақинчоқсиз ҳам яшашим мумкин. Билагимга тақиб кўз-кўз қилиб мақтанганим би-

---



лан мен бошқа Моҳидил бўлиб қолмайман. Билагузукни онам қариндошимизникига яшириб қўйдилар. Милисанинг яна тинтув қилгиси келиб қолса, шўримизга шўрва тўкилади. Сизнинг гувоҳлигингиз ҳам ўтмайди. Вақт ўтиб, қилган ишингиздан афсуслансангиз, тортинмай айтаверинг, совғангизни ўша нафасда қайтарамиз.

— Моҳидил, сиз мени шунақа пасткаш деб ўйлаясизми?

— Пасткашлигингизни билмайман-у... лекин... кеча онам тўғри айтдилар, сиз кўп ёлғон гапирасиз.

— Ибот қилинг.

— Ибот қилмайман. Сиз нуқул гапни ҳазилга бурасиз, бу бекорга эмасдир?

— Одатим шунақа, ишда ҳам шунақаман...

— Одатингиз шунақадир... лекин кўзларингиз бир нарсани яшираётганингизни айтиб турибди. Онам жуда кам куладилар. Яқинларимиз „Ҳадеб тўмсайиб юрмай, кулакула юрагингиздаги ғуборларни чиқариб ташласангиз-чи!“ дейишади. Кўшнимиз Саримсоқ ота эса „Ойниса, ҳудабехуда ҳазил қилаверган, кўп қулган одамнинг қалби хиралашади. Сенинг дилинг тоза“, деб мақтайдилар. Бўлди, хайрлашамиз... бу гапларни шунчаки айтдим-қўйдим... — Моҳидил шундай деб жилмайди. Файрат бу жилмайишда энди ҳаёт қувончи учқунларини кўрмади. Қизнинг юзига тушунарсиз андуҳ булути соя ташлаган эди. Моҳидил икки қадам ташлаб, яна ўгирилди:

— Эртага бўш вақт топсангиз ўтинг, Жасур ақангизнинг ҳисобидан аччиқ қаҳва қилиб бераман. Қаҳва қизларга ашула айтиб, кўнглини оладиган йигитларнинг овозини очиб, булбулигўё қилиб юборармиш!

Шўх истеҳзо оҳангига кўчиб, ўзини ҳам кўнгил хиралигидан қутқармоқчи эди. Лекин ҳазили ўзига ҳам ёқмай, юзини тезгина буриб, йигитдан узоқлашди. Файрат унга жавоб қайтаришга ҳам улгурмади.

Моҳидил кутилмаган гаплари билан йигитни аламли гулханга итқитди-ю, хотиржам кетди-қолди.

Ҳа, қизнинг кўриниши хотиржам эди, ичида эса олов ёнарди...

Эшик очиб ҳовлисига қадам қўйганда ҳам бу олов тафти босилмаган эди. Онаси айвонда кўшни хотин билан гаплашиб ўтирган эди, салом берди-ю, уйига кириб кетди.

Кийимини ечмай, каравотига чўзилди. Ичини куйдираётган олов авжига олди. Кўл ёқасида Файрат паст, синиқ овозда хиргойи қилган эди. Бу дамда унинг ширали овози баралла янгради:

Оқиб кетма, қалқиб кетма, кўм-кўк денгиз ичра Ой,  
Оқиб кетма қоғоз кема оққан каби ариқдан...

Кўл бўйида Моҳидилнинг йиғлагиси келиб, киприкларни кўз ёшлари йўлини тўса олган эди. Бу онда йиғига ҳеч нима тўсиқ бўла олмади.

## ПИСТИРМА

Бўроннинг Тошкентга кетганидан хабар топган полковник Равшанов ҳам шошқич равишда пойтахтга йўл олди. Вилоят марказида зарур иши борлигини баҳона қилиб эргашган Нарзиев уни самолётгача кузатгач, шаҳарда ўз юмушлари билан овора бўлди. Шом қоронғусида изига қайтишни истамай, ўзига ўзи „дам олиш кечаси“ эълон қилди. Эртасига ишга қайтгач, тунги маишатидан минг пуншаймон бўлиб, Равшановга рўпара бўлганда айтадиган баҳонани топишни ўйлай бошлади.

Нарзиев шаҳарда „дам олаётганда“ милициянинг жиноятга доир қидирув бўлимига муҳим бир хабар келиб тушди. Бошлиқнинг меҳрига сазовор бўлган, Равшановга мақталган капитан Акмалов шаҳардан „урилиб келган собиқ“ полковникка ўзининг ким эканлигини намойиш этиш фурсати келганидан қувониб, тезкор режа ишлаб чиқди. Музаффарлик шоҳсупасига ёлғиз ўзи чиқиш истаги қолиб келиб, қоидага хилоф бўлса-да, бошлигини маълумотдан огоҳ қилмай, „Сизни қидириб топгунимча жиноятчилар жуфтакни ростлаб қолишарди“, деган баҳонани пишитиб қўйди. Катта лейтенант Шуҳрат Комилов билан бирга яна тўрт ходимни ёнига олиб, Тепатом қишлоғи чекасидаги ташландик бостирмага пистирма қўйди.

Район марказидан ўттиз чақирим юқорида жойлашган Тепатом ҳозир кимсасиз эди. Етти йил аввал қишлоқнинг кунботар томонини кўчки олиб кетгач, омон қолган қисми сойнинг нариги бетидаги ялангликка кўчирилган. Аҳоли уйлари бузиб, қурилишга ярайдиган нарсаларини ташиб

кетган, гуваладан тикланган бир қанча бостирмалар шундайлигича қолаверган, яқиндагина ҳаёт чечаклари унган қишлоқ энди худди урушда бомбаланган харобага айланиб қолган эди. Милицияга тушган хабарга кўра, афюнфурушлар бу кеч худди шу харобалардан бирида учрашиб олди-берди қилишлари керак эди. Акмалов ходимларни атрофга кўйиб, ўзи Шухрат билан бостирмадан жўй олди.

— Қиморбознинг йўлимизда пайдо бўлиб қолганига эътибор қилдингми? — деб пичирлаб сўради.

„Қиморбоз“ деб у Фирромни назарда тутди. Қамоқ лагериде Бўрон берган лақабдан беҳабар бўлганлари учун, Фирром гумон остига олинганидаёқ, ўзлари унга „Қиморбоз“ деган шартли лақабни беришган эди. Машинага чиқишаётганида Фирром қаёқдандир пайдо бўлиб, капитанга ялтоқланганида Шухрат ниманидир сезгандай бўлиб эди. Ҳозир бу ҳақда гапирмай, бепарволик билан жавоб берди:

— Ҳа, сизга чех пивоси олиб кўйибди. Ишни боғласак, сизнинг баҳонангизда биз ҳам чанқовбосди қилармиз.

— Сен тирранчалар томоқ дарди билан яшайсанлар. У бизнинг қаёққа кетаётганимиз билан қизиқди. „Пивони совитиб тур, ярим соатда қайтамиз“, деганимга энди тунгундингми?

Акмалов ўзининг доно ва зийраклигидан ўзи мамнун бўлиб, кўкрак кериб кўйди. Афсуски, қоронгида унинг мамнун чехрасини Шухрат кўрмади. Кўрмаса-да, уни мақтаб кўйиш жоиз эканини фаҳмлади:

— Сиздек бўлгунимизча ақлимиз кириб қолар. Ўзи мен омадли боламан. Нуқул яхши устозларга йўлиқаман. Этагингизни ушлаб юрсам, менам бир нарса бўларман?

— Сен боқса, одам бўласан-у, ошнанг бало ҳам бўлмайди. Эси борида бўшаб кетгани маъқул. Сен ундан узоқроқ юравер, хўжайин ёқтирмаган одамини тинч кўймайди. Унга қўшиб сенинг ҳам думингни тугиб юбормасин.

— Сиз борсиз-ку, у бир танишим, сиз устозимсиз.

Кейинги гап капитанга мойдек ёқди. Ташқарида нимадир шитирлаб, иккови жимиб қолди. Яримта ой лахтак булутлар орасидан чиқиб, зимистон чекинди. Атроф ғирашира ёришди. Худди шу пайт тупроқ йўлда икки одам қораси кўриниб, капитан „жим“ дегандай кўрсатгич бармоғини лабига босди.

Улар яқинлашгач, бири ёши каттароқ, иккинчиси ёшроқ аёл эканини кўриб, капитан ажабланди:

— Булари ким бўлди экан? — деди пичирлаб.

— Балки йўловчилардир?

— Ташландиқ кўчада кечаси йўловчи нима қилади, калланг борми?

Аёллар бостирмага яқинлашиб тўхтадилар-да, атрофга алангладилар.

— Вроде шу ер, — деди каттароқ аёл.

— Можеть быть ваабше килмас, — деди иккинчиси. — Яна зря пойлайбиз. Уже третий раз йуук.

— Молчи! Раз бизга приказ иттилар, значить сто раз килабиз.

Шу пайт ҳовлидаги қари тут шохида ўтирган укки безовталаниб қанот қоқди. Аёллар чўчиб тушишди. Ичкаридагилар сапчиб чиқишга шайланишди. Лекин уккининг хунук овози эшитилгач, иккала томон ҳам тинчиди.

— Лучше китабиз. Здесь что-то не так, — деди ёшроқ аёл.

— Яна часик подождем, и хватить с нас. Китабирамиз.

Шу чоқ шоҳлар шитирлаб, улар яна сергакланишди. Бу гал кўрқув устун келиб, шошганларича изларига қайта бошладилар. Капитан тўппончасини гилофдан чиқариб, ташқарига отилди-да:

— Тўхта, қимирласанг ўласан! — деб бақирди.

Аёллар таққа тўхтаб, атрофга нажот излаб аланглашди.

— Сизга нима кирак? — деди уларнинг бири титроқ овозда.

— Танимаяпсанми? Бизни кутаётган эдинг-ку? — деди капитан уларга яқинлашиб.

— Ҳич кимни кутмадик, просто вечерняя прогулка, — деди аёл бу сафар осойиштароқ овозда.

Капитан қўлчиरोқни ёқиб, унинг юзига тутди-да, заҳарханда қилди:

— Ия, эски қадрдонимиз-ку! Фаина, вечерний прогулками бу ё мижоз овлашга чиқдингми?

— И так, и так, — деди аёл энди дадил оҳангда.

— Фаина, олдинлари „Фоҳишаликка статья йўқ“, деб қутулиб кетардинг. Энди анча узо-оқ ўтирадиган бўлиб келибсан бу ерга.

---

— Прогулкага статья борми? — деди аёл „Мени қўрқитиб бўлсан“, деган оҳангда.

— Прогулканинг бунақасига статьянинг зўри бор. Қиморбоз сени кутиб ўтирибди. Бирга-бирга ачомлашиб кетасанлар. Қиморбоз олдин товламачилик билан ўтирган эди. энди битта статья билан ётасанлар.

— Какой қиморбоз?

— „Какой“ лигинг ўзинг яхши биласан. Агар бошимизни айлантирмай, бизга хизмат қилсанг, қамоқнинг ярмини кестириб бераман. Энди ўйлаб кўр-чи: мен бу ерда нима қилиб ўтирибман? Менинг „просто вечерняя прогулка“га чиқадиган одатим йўқ. Ташландиқ қишлоқда „просто прогулка“га чиқадиган хотинларнинг гапига лаққа тушадиган аҳмоқ ҳам йўқ.

— Капитан, миленький мой, сладенький мой, мин проституткаман, и все. Син мини наркотага путать итма. Наркота минга и даром киракмас. Но вот, этот скотина дочурка наркоманка булиб колгон. Хатада богатенький, молоденький клиент утира. А бу скотинада ломка начинается. Биз закун билабиз. Поэтому хатада лишний наркота не держим. Биз ишитганбиз, что бунда наркота реализовать этийла. Вот и пришли.

— Шу ерда кокоин сотилар эканми?

— Кокоин или урнига заменяющий.

— Ким сотади?

— Какой-то Балтакул, что ли?

— Шу ерда яшарканми?

— Что вы, капитан, перестрелкадан кийин бунда никто не живет.

Аёлнинг гапини эшитиб, „Ҳа. энағар, тилингдан илиндинг-ку!“ деб қувониб, уни баттар сиқувга ола бошлади:

— „Перестрелка“ дейсанми? Бу ерда отишма бўлганини сен қаердан биласан?

— Ну, скажешь, капитан, — деди аёл хотиржам равишда. Оҳангига қараганда, гапидан илинган лақмага ўхшамасди. — Ҳамма била-ку? Мин асмондан свалиться итмаган-ку? Почему я не должна знать?

— Болтакулдан қорадорини тез-тез олиб турармидинг?

— Бугун первый раз. Ишитдик, что продает и пришли.

— Биринчи марта, дегин... Олдин қаердан олардила-

ринг. Наркоманка қизингнинг ломкаси бошланса, қаёққа югурардинг? Ломка бир ҳафтада бир бўлмайди-ку, а?

— Бозордан олардим.

— Кимдан?

— Мин уларни ваабше не знаю и знать не хочу.

— Яхши, ишонтирдинг, уларни танитайсан. Болтақул-ни ҳам танитайсанми? Агар уйини билмайман, десанг, аҳ-моқ қилганинг учун шу ернинг ўзида отиб ташлайман.

— Не пугай, капитан, син отолмайсан, каждый пуля учун отчет беришинг кирак.

— Ўқнинг ҳисобини бериш қийин эмас, халтаси коконинга тўла хотин қочаётганда отиб ўлдирилса, ҳамма раҳмат дейди. Бу ёгидан кўнглинг тўқ бўлсин, тўртта ўқ сенга, тўрттаси қизингга аталган.

— Ну капитан, хватить инди пугать итгали, уйин точно билмийм. Но речканинг нариги берегида, лишь один раз борганман.

— Ҳозир бошлаб борасан.

— Прямо ҳазирми?

— Гапни кўпайтирма, юр.

Панада турган машинага чиқиб изларига қайта бошланларисида қишлоқ харобалари орасидаги йўлда икки кишининг қораси кўринди. Акмалов „Тўхтат машинани!“ деб бақирди. Машина тўхтаб, улар тушгунларича икки одам ўзини қоронғи дарахтзор орасига уриб, гойиб бўлди. Атрофни қидирганлари самара бермади. Капитан сўкина-сўкина машинага қайтди.

Шухрат икки аёлнинг қочишга ҳам уринмай машинада ўтирганларини кўриб, ажабланди.

Район марказидан ўтаётганларида капитан қаҳвахонадаги чироқни кўриб, машинани тўхтатди.

— Бунақа пайтда ишламас эди-ку? — деди ажабланиб. Шухрат билмадим, дегандай елка қисиб кўя қолди. Акмалов машинадан чаққон тушиб, тез-тез юрганича юқорига кўтарилди. Қаҳвахона саҳнида уни Фирром очик чеҳра билан кутиб олди.

— Албатта келишингизни билардим, — деди саломлашгани кўл узатиб.

— Ярим соатда келаман, дегандим, шунча кутдингизми? — деб сўради капитан унга тикилиб.

---

— Қиморбозлар соатга қарамайдилар, биласиз-ку? Ўтирасизми ё ўраб берайми?

— Биттасини очиб, учтасини ўранг.

— Сизга ўнтасини атаб қўювдим.

— Атаган бўлсангиз, ўрамайсизми?

— Бўлди, ҳаммаси тап-тайёр.

Ақмалов бир шиша пивони кўтариб ичиб адо қилгунича тўққиз шиша қоғоз халтага жойланди. Фирром тухфасини қўлтиқлаб олиб, азиз меҳмонини машинага қадар кузатиб қўйди. Машина жойидан жилгач, унинг изидан истеҳзо билан кулиб қараб турди-да кейин тупурди.

„Шаҳардан қилган бир кўнғироғим-у, фоҳшанинг битта найранги ҳамма ишни пишитиб берди, — деб ўйлади у. — Қармоқдаги хўрак ўрнига Фаинани ташлаганим яхши бўлди, бу лақма осонгина илина қолди. Энди Болтаевникига етиб боргунича, одамларимиз янги йўлдан бехатар ўтиб олишади. Тоғ йўлларидан ўтиб олишса бўлгани, у ёғида пистирма хавфи йўқ. Нарёқдагилар ортиқча ваҳима қилаверишади. Бу овсарларнинг бурни остидан тонналаб молни индамай олиб ўтса бўлади. Улат беркитган молни топсам, бу ёғига ошиғим олчи. Акахоним бошқача ўйин қилмоқчимми, майли, кимнинг қўлида „кўзир“ бўлса, ўша ютади“.

Бир кўтаришда шишани бўшатиб, ховурини босгандай бўлган капитан Болтақулнинг уйида ўзини нима қутаётганини билмасди. Болтақулнинг уйи нима экан, эртасига бошлиғига, кейин полковник Равшановга рўпара бўлганида бошига қандай дўллар ёғилажагидан беҳабар эди.

\* \* \*

Бу йигитнинг елкасига гитара осиб юриши қишлоқ аҳли учун ажабтовур туюлиб, унга „гитарчи милиса“ деган лақаб қўйилган эди. Лекин унинг ҳар тонг югуриб юришидан кўпам ажабланишмади. Ижара уй эгаларидан фақат кампирга галати туюлди. „Саҳармардонда итга ўхшаб сакиллаши шарт эканми?“ деганида чоли „Бу бола шаҳарда ўсган, қиладиган иши йўқ. Ейди, ичади, ўтиради, ётади. Эгилиб ишламайди. Шунақа югуриб турмаса, томирларидаги қони тўғнайди. Суяклари ҳам лаққашиқилдоқ бўлиб

қолади“, деб тушунтиргач, кампир унинг бу қилиғига ҳам кўниккан эди.

Паридара сафаридан кейинги таассуротлар исканжасида яхши ухлолмаган бўлса-да, Файрат одати бўйича барвақт туриб, қишлоқ кўчаларидан ўтгач, юқори сари югура кетди. Ялангликка етай деганда чинор дарахти панасида беркиниб турган кимдир уни беҳос чалиб юборди. Файрат мувозанатини сақлай олмасдан йиқилди-ю, лекин чаққонлик билан қаддини ростлаб олди. Бироқ ўтирилишга улгурмади, гарданига тўппонча тиралиб, орқадан „Қимирласанг ўласан“, деган овоз келди.

Файрат итоаткорлик билан иккала кўлини кўтарди-да, кутилмаганда чап бериб, орқадаги одамни бир зарб билан йиқитди. Зарби кучли эмасди, бу ҳаракатни кутган орқадаги одам тиззалаб қолди.

— Сен аллақачон битта ўқ билан сийланиб бўлган эдинг, чиранишинг ортиқча, — деди Шухрат тўппонча ўрнида тираган чўпни нари отиб.

— Беркиниб турганингни кўрган эдим, отишга улгурмадинг, — Файрат шундай деб унга қўл узатди-да, туришига ёрдам берди.

— Исбот қил, — деди Шухрат ўжарлик билан.

— Биринчи исботи — шунча кенглик бўла туриб, дарахт томон югурганим, иккинчиси — дарахтга жуда яқинлашганим. Учинчиси — чалганингда оёғинг оёғимга тегмади-ку? Тан оласанми?

— Тан оламан.

— Сўфи бетини ювмай нима қилиб юрибсан буёқларда?

— Тошкентга кетяпман, хайрлашгани келдим. Гапинг бўлса, айт, керакли одамга етказиб қўяман ё уйингга кириб чиқайми?

— Уйимга албатта кирасан, аямнинг қўлларидан ош эмасанг ҳисобмас. Тошкентда нима қиласан?

— Малака ошириб келарканман, ўқишга юборишяпти.

— Ие, Акмалов бориши керак эди-ку?

— Бир кечада алгов-далгов бўлиб кетди. Нарзиев келиб, ҳаммани ин-инига киргизворди. Равшанов қайтганича чора кўрган бўлиб, мени сургунга ёзиб қўйди.

— Нима бўлди?

— Қиморбозни кузатаётганимиз яхши натижа берган-



дай туюлган эди. Курьерларнинг кўниб-ўтадиган ерини аниқлаб ҳам қўйгандик.

— Хўш, қаердан ўтишаркан?

Файрат шундай деб муғомбирлик билан кўз қисди. Бир куни Шуҳрат гаплашиб ўтириб, ўзининг тахминларини айтганида Файрат рад этганди. Ҳозир шу баҳсининг ечими ўз фойдасига ҳал бўлишига ишониб, кулимсиради.

— Қувонмай тур, гаров ўйнасам бўлар экан. Баҳсда мен ютдим. Сен „Ўлатнинг курьерлари эски йўлдан юрмайди“, деб бошимни қотирувдинг. Биз уларни отишма бўлган жойда қўлга олай дедик.

— Келишдими? — деб жиддийлашди Файрат, сўнг бош чайқади, — бўлиши мумкин эмас. Мантиққа тўғри келмайди.

— Улар сенинг мантиғинг билан ҳисоблашарканми? Сенга ўхшаб мантиққа суяниб иш кўришимизни яхши билишади. Биз нима қиламиз? Бир жойни пойлаймиз-пойлаймиз-да, иш битгач, қайрилиб ҳам қарамаймиз. Чунки „мантиқ“ деган илми ўқиганмиз. Улар эса Ўлат йўқ қилинган, эски сўқмоқларга қарамаслигимизни ҳисобга олишган. Биз сен айтган мантиққа риоя қилмай, уларнинг мантиғига қараб, ўша эски йўлни пойладик.

— Хўп, пойлабсанлар, топибсанлар, нега ушламадиларинг?

— Очиғи... биласан-ку, Акмаловнинг турган битгани ўпка. Яна шошма-шошарлик қилди. Бизни хўжайиндан бемаслаҳат, берухсат пистирмага олиб чиқди. Ишни ёлғиз ўзи қойиллатиб, раҳмат эшитаман, деганми, Худо билади. Раҳмат ўрнига бошига бало орттирди. Унга қўшилиб менам емаган сомсамга пул тўладим.

— Ҳайдалдими ўша ўпканг?

— Айбни менга оширворди. Маълумотни мен топганмишман, мен шоширганмишман, тезкор гуруҳни мен олиб кетганмишман. У безовталаниб, изимдан борганмиш. Бетимга безрайиб қараб туриб шунақа дейди.

— У безрайиб гапирди, сен безрайиб туравердинг, шунақами?

— Нарзиевнинг олдида уни енгиб бўларканми? Унга танбеҳ берди, менинг ёшлигимни ҳисобга олиб, кечирди, тажрибам камлигидан афсусланиб, малака оширишга юборяпти.

— Осон кутулибсан, оғайни.

— Мен буйруқни бажарадиган кичкина одамман. Ор-қамда суюнадиган тоғим йўқ.

— Бизнинг фожиамиз ҳам ана шу „буйруқни бажарадиган кичкина одам“ эканимизда. Хўп, энди қолганини айтиб бер: пойлабсанлар, тутай дебсанлар, кейин нима бўлди?

— Ярим кечада иккита хотин пайдо бўлди. Каттароғи фоҳиша экан, Акмалов таниркан. Қорадорига алоқадорлиги маълум бўлди-ю, лекин у қари ғар ҳаммамизни лақиллатиб кетди. „Қорадори сотадиган Болтақулникига олиб бораман“, деса ишонибмиз. „Болтақул“ эмас, „Болтаев“ экан.

— Уч кун олдин ўлган гиёҳвандми?

— Ҳа, ўша. Кўчасига бурилганимизда билдик.

— Унгача ҳеч нима бўлмадимми?

— Хотинларни ўша жойда қўлга олиб йўлга чиққанимизда икки одам кўринди. Кўринди-ю, ғойиб бўлишди. Изларини ҳам тополмадик. Тахминимча, улар ғар хотин билан учрашувга келаётган бўлишган-у, хотин бизни чалғитиб, белгиланган жойдан олиб чиқиб кетган.

— Хайрият, шунга ақлинг етибди. Ўша икки одам машина йўлида кўриндимми?

— Ҳа.

— Машина чироқлари ёқиқмиди?

— Ярим кечада чироқсиз юриб бўладими ўша овлоқда?

— Хўп, энди ўйла: агар ўша икки одам курьер бўлса, милиция машинасининг рўпарасидан чиқиб, кейин ғойиб бўладими? Шунақа аҳмоқми улар?

— Менам шуни ўйладим. Балки кимдир бизни лақиллатмоқчи бўлгандир?

— „Бўлгандир“ эмас, боглаб лақиллатган! Маълумотни кимдан олгансанлар?

— Шаҳардан кимдир Акмаловга қўнғироқ қилибди. Лекин... мен бир нарсдан сал гумонсирадим. Машинага чиқаётганимизда идора олдида Қиморбоз пайдо бўлди. Акмаловга чех пивоси олиб қўйган эка:! Ҳапитан „Ярим соатда келамиз“, деб кетди. Ярим кечада қайтаётсак, қаҳвахона очиқ, кутиб ўтирган экан. Бир халта пиво билан кузатиб қўйди, қизиқ-а?

— Ҳа, қизиқ... Кейин-чи?

— Болтаевнинг ўлигини текширган экспертиза хулосаси келди. Унинг қорадоридан ўлгани рост. Лекин билагидан олмаган. Ошқозонидан ўн бешта елим халтача чиққан, иккитаси ёрилган экан. Шунинг учун ҳам ғужанак бўлиб қотиб қолган.

— Ўйлаб кўрдиларингми: Болтаев халтачаларни ютганидан кейин керакли жойга олиб бормади, нега қишлоғига қайтиб келибди?

— Балки очкўзлик қилгандир. Қорадоридан ўзи фойдаланмоқчи бўлгандир?

— Балки лақиллатиш занжирининг битта ҳалқаси шу Болтаевдир?

— Ҳа, гапир, гапиравер. Битта сен ақллисан. Бошқа ҳамма аҳмоқ! — Шуҳрат аччиқланганини яширмади, афтини бужмайтирди.

— Оббо, ҳазиллашдим, — деди Ғайрат узр оҳангида. — Сен сўрадинг, мен мантиқ тарозисига қўйиб таҳлил қилиб бердим. Хоҳласанг, эътибор қил, хоҳласанг, фикрларимни ахлатга ташла. Юр, бирга чой ичамиз.

— Чойхўрликка вақтим йўқ. Сенинг мантиқий хулосаларингни эшитай деб келмадим, ошначилигимиз ҳурмати, яна бир марта огоҳлантириб кетай. Хўжайиннинг ёқтирмаслигини ўзинг ҳам биласан. Сал ўзингни тутиб юр. Қаҳвахонада кўп ўралашма. Сир бўлса ҳам айтиб қўяй: Қиморбоз бизнинг кузатувимизда. Сенам бир-икки қоғозга тушдинг. Гитарангни ҳам савлат қилиб кўтариб юрма.

— Милисага ярашмайдами?

— Гап ярашишда эмас, одамлар бунақа олифтагарчиликни ҳазм қила олишмайди.

— Бу олифтагарчилик эмас, санъат.

— Бу ернинг санъати бошқача, ўзинг кўрмайсанми?

— Кўрмайман... қизиқ... нега кўрмайман? Кўзларим очиқ... қизиқ...

— Масхарабозлик қилма. Ўқиб юрганга сен бошқача эдинг. Бу ерга келганингдан бери сени танимайроқ турибман. Биз „Ичимиздан чиқадиган генерал“ деб сен билан фахрланардик.

Ғайрат дўстидан кўзларини олиб қочди.

„Нима бўляпти ўзи? — деб ўйлади. — Кеча Моҳидил кўзларингизда бир сир бор деган эди. Бугун ошнам та-

нимаи турибди. Наҳот фош бўляпман?”. Файрат бир оз сукут сақлагач хўрсинди:

— Мен бошқача эмасман, ошна, ҳаёт бошқача бўлиб кетяпти. Қарасам, ҳаётнинг икки йўли бор экан: биттаси тиканли, биттаси шоҳи пояндозли. Олдин тиканли йўлда бахтимни топаман, деб юрган эканман. Ўйлаб қарасам, Худо менга шоҳи пояндозни яратиб қўйибди. Сен хўжанининг газаби билан мени кўрқитма. Тўрт йил ўқиб, иссиқ уйимни ташлаб келиб, бу ерда участковой бўлиб юриш мен учун амалми? Генераллигинг ҳам керакмас. Олса олсин шу амалини. Қишлоғингга милиса бўлиб келиб, уйимга наркобарон бўлиб қайтсам-чи?

Шухрат „Эсинг жойидами, нималарни валдираяпсан?“ дегандай унга тикилиб қолди. Кейин насихат оҳангида деди:

— Тентак... бунақа гапни ҳазиллашиб ҳам гапирма.

— Ҳазилмас, — деди Файрат кулиб. — Калламга зўр фикр келган. Сенам ўйла: икковимиз уйимизга иккита оқ „Мерс“ да кириб борсак ёмонми?

— „Мерс?!“ Қаерда бор экан, ўша „Мерс“? Ҳали йиқилганинга бошинг лат еганга ўхшайди, дўхтирга кўрса-тиб тур, қайтганимдан кейин гаплашамиз қолганини.

Шухрат шундай деб жаҳл билан ўгирилди-да, изига қайта бошлади. Файрат уни кузатмади, жойидан жилмади. Кейин икки муштини ерга тираб, бадантарбия қила бошлади. Билаклари, бўғинларида оғриқ турса ҳам, чарчагани сезилса ҳам тўхтамади. Вужудига ҳукм ўтказаетган иложсизлик туғдирган газабни шу тарзда енгмоқчи бўлди.

## БАЛАНД МАРТАБАЛИ ДАСТЁР

Поезддан тушган Бўрон шаҳар уйғонган, кўчалар гавжумлаша бошлаган дамда Марказий телеграфга етиб келди. У боғланмоқчи бўлган шаҳар ҳали ноз уйқуда эди. Айниқса, тунда бировларнинг шўрини қуритиш ё майшат билан банд бўлганлар хордиқ чиқариш илинжида эндигина тўшакка кирган пайт эканини Бўрон яхши билади. Айни шундай дамда улардан бирини безовта қилиши ҳам бежиз эмас.

Одесса йўналиши банд бўлмагани учун телефончи қиз Капралнинг уйини дарров улаб берди. Капрал уйқусираган

овозда „Алло, ким бу“ дейиши билан Бўрон овозини дўриллатиб гап бошлади:

— Она Одессада нима учун кечаси ҳам қуёш чарақлаб туради, биласанми?

Бу паролни Ўлат Бўронга қамоқдалигида айтган эди. Жуда кам одамга маълум бўлган шартли махфий сўзларни эшитиши билан Капралнинг уйқули кўзлари мошдек очилганини ҳис этган Бўрон гапини дадил давом эттирди:

— Салом, Скоробогатов, омонмисан, ҳали генерал бўлганинг йўқми?

— Ким бу? — Капралнинг овози ўзгарди. Уни камдан-кам одам насабини айтиб мурожаат қиларди. Шу сабабли ҳам овозида сергак тортгани, ҳатто ҳадиксирагани сезилди. Бўрон эса унинг саволини эшитмагандай гапини давом эттирди:

— Бир пайт одессалик ўғрилар „Капрал, сендан генерал чиқмайди“, дейишган экан. Эшитишимча, генераллик камлик қилиб, энди маршалликни даъво қилаётган эмишсан, а?

— Ким бу деяпман? — Энди Капралнинг овозида газаб оҳанги сезилди.

— Танимадингми? — Бўрон бир оз сукут сақлади-да, кейин худди биров эшитиб қолишдан эҳтиёт бўлгандай, пичирлади. Унинг пичирлаши Капралга илоннинг вишиллаши қаби эшитилди: — Бу пароль билан яна ким гаплашарди? Мен — Ўлатман!

— Ўлат? Бошимни айлантирма, Ўлат ўлган, гўрда чириб ётибди. Кимсан, айт!

— Агар ўлган бўлсам, демак, гўрдан қўнғироқ қилаётган эканман. Агар фирром ўйин қилаверсанг, гирибонингдан оламан-у, гўрга тортиб кетаман. Мен ётган гўр икки кишилик экан.

— Нима деяпсан, қанақа ўйин?

— Сен тўпландида ким билан келишдинг? Бир пачоқ билан шерик бўлдингми? Молнинг қолганини сенга ўша аҳмоқ топиб берарканми? Мен гўрдаманми? Демак, мол ҳам гўрда. Лекин қайси гўрда? Буни билиш учун кўп-кўп гўрларга тушиб чиқиш керак. Сен ўғрисан, қонунинг бошқа. Бизнинг қонунимиз шундайки, гўрга тушган одам қайтиб чиқмайди!

---

— Ўлат, ростдан ўзингмисан? Ўлганингга мени ишонтиришган эди...

— Ишонганинг яхши. Шундай қилиниши шарт эди. Лекин сен думингни ликиллатишга шошилибсан.

— Мен шошилганим йўқ. Шериклар шоширишяпти. Чегарада мол йиғилиб қолган. Олиб ўтишимиз керак.

— Фирром олиб ўтиб бера оларканми? Сен шу сўтакка ишондингни?

— Нима деяпсан? Эсим жойида. Фирром менга ниқоб учун керак. Чегаранинг исковичлари Фирром билан овора бўлиб туришганда мен ишимни битириб оламан.

— Ўйлаб иш қил. Сен бу томонларни яхши билмайсан. Чегарадан ўтиш Одессада тухум босиб ўтиришдан анча фарқ қилади. Мендан анча қарзинг бор-а?

— Эсимда. Сен йўқолган молни етказишинг билан ҳисоб-китоб қиламан.

— Ўйлаб гапир. Мол йўқолгани йўқ. Ўлат тирик экан, мол йўқолмайди, қарз ҳам кечилмайди.

Бўрон кескин оҳангда шундай дегач, у томоннинг жавобини эшитишни хоҳламай, гўшакни жойига илиб қўйди. Ташқарига чиқиб, туриб қолди. Кўнгли аччиқ чой истади. Қишлоқда тонг-сахар чойхоналарда самовар қайнаб туради. Мудроқ шаҳарда бунақа чойхона бўлармиди?

Бу ерга келишидан мақсади фақат телефон қилиш эмас, чой қидириш ҳам эмас. Бўрон соатига қараб олгач, белги-ланган вақт етганини билиб, атрофга қараб зийраклик билан разм солди. Кўчани супуриб юрган кишига диққат билан қараб, унинг ҳаракатларини кузатди. Кейин худди кимнидир қидириб юрган гаранг одам сингари унга яқинлашиб саломлашди. Супурувчи саломга алик олиб, унга бир қараб олди-ю, „Сизни танимайман, гап сотишга вақтим йўқ“, дегандай ишини давом эттирди.

Бўрон эса унга халал бермай, нари кетиш ўрнига жойидан жилмади.

— Шаҳарга келиш яхши-ю, эрталаб бир пиёла чойга зор бўлиш ёмон-да, — деб эснаб қўйди.

— Эрталаб тўйиб ухлаш керак, чойга бало борми? — деди супурувчи тўнғиллаб.

— Чойга-ку бало йўқ, лекин биқсиб ётавермай, сизга ўхшаб вақтли турилса, кун баракали бўлади.

---

— Афандига ўхшаб-а? — супурувчи шундай деб ишдан тўхтаб, Бўронга қаради.

— Қайси афанди? — деб ажабланди Бўрон.

— Афанди уйқучи экан, хотини дашном бераверибди, „Эрта туриб, вақтли кўчага чиқсангиз, уйимизга барака кирари“, деяверибди. Афанди бир куни хотинининг айтганини қилиб, сахармардонда кўчага чиқиб, иккита ўғрига дуч келибди. Шу кеч омадлари юришмагани учун ўғрилар гашланиб туришган экан, Афандини шарт ечинтиришибди. Қип-яланғоч уйга кириб келаётган эрини кўрган хотин кўрқиб кетса, Афанди „Хотин, мендан олдин уйғониб, кўчага насиба излаб чиққанлар ҳам бор экан-да“, деган экан.

Латифа Бўронга ёқиб, мириқиб кулди. Бу онда супурувчи унинг бармоқларига туширилган узук тасвирига эътибор қилди. Бўрон буни сезиб, у ҳам супурувчининг биллагига қараб олди: ханжарга илон ўралган, дастанинг тепа қисмида одам калласининг суяги. Билмаган кишига бу кўкимтир сурат қандайдир ваҳшийлик белгиси бўлиб туюлиши табиий. Бўронга эса маъноси аниқ — ўғирлик ва талончиликдан иборат ҳаётнинг бошланганлигини англатувчи бу татуировка ёшлар учун дастлабки йиллари фахр ҳисобланади. Бўрон билакдаги суратни кўрмагандай, кула туриб деди:

— Тошкентликлар латифа тўқишга уста бўлишади-ю, лекин латифа чой ўрнини босолмайди-да... Эрталаб аччиқ чой ичадиган одамни латифа билан тўйдириш мумкинми?

— Чой топилар-у, чефир топилмас, — деди супурувчи унга тикилиб, кейин сенсирашга ўтди: — Қаерларда ўтиргансан, ошна?

— Советнинг мен ўтирмаган „зона“си қолмаган. Охирида Уржумда ўтирганман.

— Уржум? Бунақа жойни эшитмаганман.

— Фарбий Украинада шунақа дўзах бор. Ўзинг қаерда ўтиргансан?

— Мен Учқудуқнинг бўриси эдим.

— Лақабинг нима?

— „Червонец“.

Одамлар ўн сўмлик қизил пулни „червонец“ деб ўрганиб қолишган. Бўроннинг оламида бу сўз қамоқ лагерида ўн йил ўтириб чиққан маҳкумни билдиради. Ҳамонки, бу

супурувчи бўйнига ўн йил илинган экан, демак, у майдалардан эмас, демак, муомаллада катта кетмаслик керак.

— Шу атрофда кулбачанг йўқми, чефирхўрлик қилмай-мизми? — деди Бўрон мулойим оҳангда.

— Мен ишдаги одамман, чефирхўрликка вақтим йўқ. Ҳозир анави ерга ўтсанг, саккизинчи трамвай келади. Охиригача борсанг, „Кўкча қатиқ бозори“га етасан. Лекин у ерда сен айтган чой бўлмайди. Бир-икки соат чидасанг, „жар ресторан“да нафсингни қондириб оласан.

— Қанақа ресторан? — деб ажабланди Бўрон.

— Жар бўйидаги хонадонлар уйларида кабобхоналар очишган, шуни „жар ресторан“ дейишади. Шу йўл бўйлаб юрсанг, ана, баланд меҳмонхона турибди. Номи „Москва“. Орқа томонига ўтсанг, эски кўчалар бошланади. Кўча бошида ит-мушук дўхтирхонаси бор. Чап томондан саккизта эшик санаб, тўққизинчисига кирасан. „Раджи золотойнинг кабобхонаси“ деб ёзиб қўйилган. Соат тўққизда ўша ерга етиб борсанг, чефирни мириқиб ичасан. Чефир усталари ўша ерда. Унгача санқиб юрмай десанг, Кўкчага боравер.

Супурувчи „Гап тамом“ дегандай, ишини давом эттирди. Бўронга бошқа гап керак ҳам эмасди. Тошкентга йўл олганда ким билан, қачон учрашишни билмасди. Унга маълуми — Марказий телеграф олдида бир супурувчи чефир қаерда яхши тайёрланишини айтиб бериши керак. У айтди, Бўрон тушунди. Бегоналар англамайдиган махфий-шартли тилда гаплашиб, бир-бирларини яхши тушундилар. Бўрон Уржумда ўтирмаган, у ерда қамоқ лагери борми ё йўқми, билмайди, супурувчи Учқудуққа яқин ҳам бормаган. Учрашувни ташкил этувчилар хатардан холи бўлиш мақсадида шу ёлгонни тўқиб беришган.

Маслаҳатга амал қилиб, Бўрон Кўкча даҳасидаги бозорчага борди. „Қатиқ бозор“ деган номни эшитгандаёқ у ерга боргиси келмаган эди. Супурувчининг гапи шунчаки тавсия эмас, бажарилиши лозим бўлган вазифа бўлгани учун борди-ю, турли-туман таомларни кўриб, кўнгли кўтарилди. Кабоб буюргач, семиз хотин катта термосдан чойнакка чой қуймоқчи бўлган эди, уни тўхтатиб, аввал учтўрт дамлам қуруқ чой солдирди. Аёл бундан ажабланди-ю, лекин буйруқни сўзсиз бажарди, бармоқдаги узук тасвири нимани англатишини билмаса-да. галати хўрандага ҳадик



билан қараб олди. Бўрон шошилмай нонушта қилгач, трамвайга ўтириб Чорсуга қайтди. Белгиланган жойга бориш фурсати ҳали етмаган эди. Шу сабабли бозор томон ўтди. Бир маҳал гўшт кўтарганча югуриб келаётган аёлларга дуч келиб, ўзини четга олди. „Нимага қочишяпти, гўшт ўғирлашганми?“ деган ўйда атрофга аланглади. Булар гўшт ўғрилари бўлишса, одамлар эътиборсиз қарамасди. Кимдир қувларди, „Ушла, ҳов, ушла“ деган ҳайқириклар бўларди.

Бир одамнинг қочаётган хотинларга қараб, бош чайкаганича кулиши Бўронга ғалати туюлиб, унга яқинлашди-да:

— Булар нега қочишяпти? — деб сўради.

— Милиса қувлаётганмиш, — деди у киши афсусли оҳангда.

— Милиса кўринмаяпти-ку? — деб ажабланди Бўрон.

— Мусофирмисиз, дейман? Бу бозорнинг шунақа қилиқлари бор. Қассобларга эркинлик йўқ, ҳали у кўчада, ҳали бу кўчада савдо қилишади. Милиса қувлаши бир баҳона. Булардан кундалик ҳақини олиб турган милиса шу иссиқда югуриб эсини ебдими? Бир кўчада савдо қилиб туриб, тўсатдан қочиб қолишларидан мақсадлари — ё гўштининг нархини оширишади, ё сифатсиз гўштлирини пуллаб олишади. Бунақа қоч-қочда харидор гўштга қараб ўтирармиди, нима ўраб берса олаверали-да. Бир-икки кундан бери буларнинг бозори касод. „Қассоблар семиз хотинларни ўғирлаб сўйиб, қўй гўштига қўшиб сотишаётганмиш“, деган миш-миш тарқалиб қолган.

— Шу гапга ишониадими?

— Ишонадиганлар бор шекилли-да? Балки буни ҳам ўзлари тўқиб чиқаришгандир. Бозор шайтоннинг масжиди бўлганидан кейин ҳар балони кутиш мумкин-да. Меҳмон, томошага келганга ўхшайсиз, чўнтакка эҳтиёт бўлинг. Агар биронта бола чўнтагингизни қоқиб олса, орқасидан қувламанг. Бир овлоқда катталари кутиб туради. Ҳам пулдан айриласиз, ҳам...

У киши „Бу ёғини ўзингиз тушуниб оларсиз“ дегандай маъноли қараб қўйгач, йўлида давом этди. Ёш боланинг чўнтакка тушиши ё кесиб қочиши, овлоқда катталарнинг кутиб туриши Бўрон учун янгилик эмас. Вақтида у вази-фани ҳам, бунисини ҳам қойиллатиб бажарган. Бола ёшида

нечта анқовнинг чўнтагини кесган, йигит ёшида ўғри болани қувиб келган нечта довюракнинг бурнини қонатган.

Бозорни ҳар ким ўз кўзи билан томоша қилади, ўз дунёқараш кўламига қараб хулоса чиқаради. Сайёҳлар тотли меваларнинг тури кўплигидан ҳайратланишади, нархи арзонлигидан ажабланишади. Рўзғор ташвишида келган харидор эса нархнинг тобора ортиб боришидан нолийди. Сифатсиз бўлса ҳам, арзонроғини олади.

— Қанчадан?

— Қирқ тийиндан.

— Икки кун олдин ўттиз тийиндан олувдим, арзонроқ қилинг. Мановларингизга қурт тушган, уринган, йигирма тийиндан берсангиз ҳам бўлади.

— Текини керакмасми, опаюн? Ахлатхонага боринг, ириган-чириганлари орасида яхшилари ҳам бор.

— Вой турқинг қургур, сен нега мени ҳақорат қилисан? Ҳозир ахлатхонанга ўзингни олиб бориб ташлатайми? Сенга ўхшаганларнинг беш-ўнтаси ётибди бижиб, эрта-индин онанг келиб танлаб, саралаб олиб кетар?

Чўнтаги бақувватлар нархни сўраб ҳам ўтиришмайди.

— Беш кило торт.

— Хўп, акаюн.

— Қанча бўлди? Ма, ўзинг керагини санаб ол.

Шундай деб бир даста пул узатилади...

Бўронни бу манзаралар қизиқтирмайди. „Ёшлигим қайтиб келса, бунақа бозорлардан ўнтасини бир кунда гуллаиб чиқардим-а“ — унинг бозордан олган армонли таассуроти шунинг ўзи. Шотут сотаётган аёл уни тўхтаиб, бу меванинг фазилатларини айтиб мақтайвергач, бир стакан шарбат ичиб, роҳатланди. Мақтовларнинг зўридан эмас, таъми ёқиб қолгани учун яна бир стакан бўшатгач, бозордан чиқиб, учрашув жойига қараб кетди. Айтилган кўчага бориб, ҳайвонлар дўхтирхонасидан ўтгач, қийшиқ-қинғир девордаги ёзувга кўзи тушиб, кулиб юборай деди. Ҳали супурувчи бу ёзувни белги сифатида айтганида чиройли қилиб ёзилган лавҳа деб ўйлаганди. Ола-була тарзда оқлаб қўйилган пахса деворга қўмир билан „Раджи золотойнинг кабохонаси“ деб ёзиб қўйилиши ҳар турли ҳашаматли ресторанларда маишат қилган одам учун ажабтовур туюлди.

---

Барвақт бўлгани учун ичкарида кабобхўрлар кўринмади. Кўрага уйиб қўйилган кўмир энди-энди олов олаётгани сабабли ҳовли исга тўлган эди. Бундан Бўроннинг кўнгли беҳузур бўлиб, томоғи қичишди. Бир-икки йўталган эди, кабобни сихлаётган йигит у томон қараб:

— Келинг, аяхон, бир пас ўтириб турасиз, — деб лутф қилди.

— Чойинг борми? — Бўрон шундай деб тутун урмаётган томондан жой олди. Ичкари уйдан бир жувон чиқиб, чақалоқнинг дорга осилган чойшабларини тез-тез йиғиштириб олди-ю, дарровгина изига қайтиб, йигитнинг норози назаридан осонгина қутула қолди. Йигит „ресторан“и ҳовлисига чойшаблар илинганидан ҳижолат бўлдими ё аёлининг бегона эр ҳузурига чиққанидан аччиқландими, Бўрон фарқламади. Йигит бунақа хижолатликдан нари экани, аёлини қизғанмаслигини ўйлаб кўрмади ҳам. Ўйлаб нима қилади, уй эгасининг фаросатини билиш учун ҳовлига бир назар ташланса кифоя. Аёлини бегонадан қизғанадиган эр уйида кабобхона очмайди.

Йигит бир оз ўз иши билан банд бўлгач, меҳмонга қараб олди:

— Ҳозир қайнайди, аяхон... Иссиқ нонни ҳали олиб келишмабди. Озгина сабр қиласиз.

Шу пайт катта бризент халтани базўр кўтарган бир ўсмир кириб келди. Айвон томон ўтиб, оғир юкни ерга ташлаб, „уф“ тортди. Йигит қўлидаги сихни қўйди-да, халта огзини очиб, ичидагиларни катта тоғорага ола бошлади.

— Лампичкадан кўпроқ олмабсан-ку? — деб ўсмирга хўмрайиб қараб олди.

— Борини беришди, — деди ўсмир айбини бўйнига олган бечора одамнинг оҳангида.

— Барсга учрагин демаганмидим? Бир вагон бўлса ҳам топиб бераман, деган.

— „Барс“ деган одамингиз бугун ишга чиқмабди.

— Нега чиқмайди?

— Кеча оғайнилари билан гапда экан. Бўкиб қолганмиш. Роса кўп отаркан-ку?

— Отишга отади-ку, лекин бўкмайди ҳам, кайф ҳам бўлмайди. Мен билан роса отишган. Икки шишадан кейин ҳам қилт этмай ўтирган. Ишга келмаган, деб сени алдаш-

ган. Уни кўролмайдиган ичқоралар кўп. Эртага борганинг-да бўш келма, „Халадийна цехида ишлайдиган Барс акамни чақириб беринглар“, дейсан. Халадийнада ишлагани учун ёзда ҳам пальто кийиб юради. Пальтосининг ичига битта молнинг гўшти кетади. Лампичкалардан бир вагони сигади. Қоровул-поровулига қарамайди. Тушундингми, галварс? Гўшткомбинатда ундан зўри йўқ. Лампичкани етказиб бермасак, ашулачи акаларинг келмай кўйишади. Кабобхонадан файз кетса, сенларни битимга боқаманми!

Бўрон йигитнинг гапларини диққат билан тинглаган бўлса-да, кўп нарсани тушунмади. Галварсликда айбланган ўсмир эса, дарров англаб, бошқа гап қайтармади.

„Қайта қуриш“ деган давру даврон келиб, ҳар турли кооперативларга ижозат берилгач, шаҳарда бунақа „қўл-бола кабобхона-ю ресторанлар“ кўпайиб қолган эди. Одамлар ҳар куни эрталаб бир-икки қўй сўядиган таомхоналарни „ҳалол луқма“ деб афзал кўришади. Хўрандаларнинг бундай нозик таъбларини яхши билган ошпазу кабобпазлар кушхонадан сотиб олинган бир-икки қўйнинг калласи билан терисини кўзга кўринарли жойга ташлаб қўйиб, Австралияданми ё бошқа жойданми келтирилган музлаган гўштни қайноқ сувга пишгач, сонга урилган муҳрни ўчириб, эндигинада сўйилган қўй гўштига айлантирадилар-у „Эрталаб бўғизланган қўй гўшти“дан таом тайёрлаб, мижозлари кўнглини хушнуд қилаверадилар. Бундай ишбилармонликни тез-тез келиб турадиган мижозлар ҳам сезмаганда Бўрон бир қарашда фаҳмлармиди?

Бўрон айвондаги девор соатига қаради, роппа-роса тўққизда „Ҳов ўғил бола, бу ёққа кел“, деб йигитни чақирди-да:

— Раджи золотой сенмисан? — деб беписандлик билан сўради.

— Менман.

— Ишингга қараганда золотойга ўхшамайсан. Кабобхонанг чақа тангага ҳам арзимас экан. Чойни офтобда қайнатасанми? — Бўрон асабийлашган каби стол устини чертиб қўйди. Йигит кутилаётган меҳмоннинг бармоқларига қаради-ю, нимадандир ҳадиксираб, атрофга аланглаб олди.

— Шогирд касал бўлиб қолибди, шунинг учун вақтида қўйилмабди, — деди узрли оҳангда.

---

— Қўшниларингникида қайнагандир, қуруқ чойинг қанақа? Грузинчадир?

— Ҳа, энди, эл қатори...

— Мен эл қатори эмасман. Фил суратли ҳинд чойидан икки қути топ. Сен қайнаган сув олиб келавер, чойни ўзим дамлайман.

Бир неча дақиқада буйруқ бажарилди. Йигит меҳмоннинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турди. Шотут шарбатидан кейин Бўроннинг чой ичгиси йўқ эди. Лекин учрашув шартда белгиланганидан четта чиқишга ҳақи бўлмагани сабабли ўзи дамлаган бир пиёла чефирни хўриллатиб ичди. Йигит эса кўча эшигини ёпгач, жойига қайтиб, кабоб сихлашни давом эттирди. Қўли ишда-ю, кўзлари Бўрондан узилмади. Девор соати тўққиздан ўн беш дақиқани кўрсатганда Бўрон уни яна чақирди:

— Уржум деган жойни эшитганмисан? — деди маънодор оҳангда.

— Хитойдаги шаҳарми? Биламан, қариндошлар бор у ерда.

— Лағмонни ҳам яхши чўзишади-а?

— Билар экансиз.

— Лекин сен Уржумни билмас экансан. Лағмон чўзалинганлар Урумчида яшашади. Мен Уржумдан келганман. Кабобхонангнинг доврўғи ўша ёққа борган. Мен атай келсам-у, сен мени бир бурчакка тиқиб қўйганингни қара, сўтак! Меҳмондўстликни қайси ҳўқиздан ўргангансан?

Бўрон кейинги гапларни зарда билан айтди. Йигитга бу зарда таъсир қилгандай, эгилиб таъзим қилди:

— Сизга ўхшаган азиз меҳмонларга аталган жойимиз бор, танимаганини сийламас, дейишаркан.

— Дейишса дейишаверишсин, ачиган чойингнинг пулини олганингдан кейин одамни одамга ўхшаб кутишни ўрган.

Айтиладиган шартли гаплар айтилиб бўлингач, Бўрон ўрнидан туриб йигитга эргашди. Йигит айвонда ивирсиётган шогирдига қараб буюрди:

— Қосим акангникидан бир хокандоз чўғ олиб чиқиб, тўртта лампичкани сихлаб қўй, дарров.

Халтадан олиниб, тоғорага уйиб қўйилган қўчқор безларига кўзи тушган Бўрон „лампичка“ дейилганда нима назарда тутилганини англади.

Кўмир тутаётган кўра жар ёқасига кўйилган эди. Қора-йиб кетган бўз тўсиқ ортидаги энсиз зинадан олдинмакейин пастга тушдилар. Тепасига чий ташланган, атрофи тозароқ бўз билан ўралган омонат шийпонда ўтирган одамни кўрди-ю, Бўрон лол қолди. Бу ерда лўлиларнинг баронини бўлмаса ҳам, ўшалардан бирини учратарман, деган ўйда эди. Ўғрилар оламининг нафратига учраган Бочани кўришни эса сира-сира кутмаганди. Боча одатига кўра яسانيб олган: энги калта оқ кўйлак, бўйнида кулранг галстук, яхшилаб дазмол урилган шимининг қирраси жодининг тиғидан нухса олганга ўхшайди. Оёғида эса қимматбаҳо оқ туфли. Шу туришида ўғри эмас, дорилфунун алломасига ўхшаб кетарди. Боча унинг ҳайратланганини сезиб, кулмисираганича ўрнидан турди-да, кўришмоқ мақсадида пешвоз чиқди. „Салом, огажон!“ деб кучоқламоқ учун кулочини ёзди. Лўлиларга кўшилган Бочани ўғрилар олами лаънатлаган, лекин маҳв этишга доир ҳукм чиқармагани сабабли у эски мавқеини йўқотмаганди. Шундай бўлгач, Бўрон ўғри биродарлигига хос яқинлик билан кўришмоққа мажбур эди.

— Мени бу ерда кўриш хаёлингга ҳам келмаган, билиб турибман, — деди Боча уни тўкин дастурхон атрофига бошлаб.

— Сен билан авваллари бунақа сирли равишда учрашмас эдик. Кучайиб кетганингни менга билдириб кўйгинг келдими? Сал лақмалигим бор-да, ҳузурингга эмаклаб келиб, оёгингни ўпишим керак эди, а? — деди Бўрон норозиликни яширмай.

— Кучайганим йўқ, олифтагарчилик ҳам қилмадим. Ишимиз шунақа бўлиб қолган. Масковдаги банкни уришни мўлжаллаганимда бунақа қилиқ қилиб ўтирмасдим. „Соат тўққизда Рублевкага кел“, деб ё кўнгироқ қилардим, ё бирон дастёримни югуртирардим. Олдинги ишларимиз осонроқ эди. Икки-уч киши билан бориб, ярим соатда миллионер бўлиб қолардик.

— Олдинги ишинг нега ёқмай қолди?

— Мен миллиардер бўлмоқчиман, — Боча шундай деб истеҳзо билан кулиб, изоҳ берди: — совет рублида эмас, долларда! Кейин... Сибирда яшайвериш ҳам жонга тегди. Қизлари гўзал бўлгани билан бадани совуқ, эҳтироси мени

---

қониқтирмайди. Менга ё Мексика ёки Аргентина гўзаллари керак. „Жоним!“ деб қучоқлаганида бўйним узилиб кетай, десин.

— Унгача бўйнингни бошқа биров узиб олса-чи? — деб пичинг қилди Бўрон.

— Хотиринг жам бўлсин, бу бўйинга улча-бунча одамнинг қўли етмайди.

— Бўладиган гапни гапир?

— Бўладиган гапга ўтишдан олдин битта саволимга жавоб бер: ўзинг нега қўшилмоқчисан бизга?

— Қўшилиб бўлганман. Негалигини ўзинг айтдинг, фақат менга япон қизлари кўпроқ ёқади. Океаннинг ўртасидаги битта оролга қўшқ қилиб, қирқта япон гўзали билан шоҳона айш қилмоқчиман.

Боча кўзларини қисиб, истехзо билан қараб турди-да, кейин кулиб юборди.

Икки ўғрининг орзуси ўзига яраша бўлади. Ҳозир тилларига чиққан орзуларининг ушалишига ўзлари ҳам ишонишмайди. Лекин дунёни маишат маскани деб билганлари учун борига қаноат қилиш фазилатидан маҳрумлар. Юнонларнинг жаҳонгири ўлар олдидан „Дунёнинг ярмини эгалладим, энди ер остига жўнаётганимда тобутдан қўлимни чиқариб қўйинглар, дунёдан ҳеч нарса олиб кетмаётганимни халойиқ кўрсин“, деб васият қилган экан. Ривоят минг йиллардан бери яшайди, юзлаб донишмандларнинг китобларида зикр этилган-у, бани одам қалбидан жой ололмаган, бу ҳикматга амал қилувчилар оз учрайди. Боча билан Бўрон бу гапни эшитишмаган, эшитганларида нима бўларди? Ҳеч нима! Мусулмон ўлганида кафанланади, камбағалнинг ҳам бойнинг ҳам кафани бир хил — чўнтак бўлмайди. Насронийлар кийимда кўмишади, баъзилари чўнтакни тикиб қўярган. Тикишни унутганлар майитнинг чўнтагига жавҳар солиб қўймайди. Бутпарастлар эса ўликни ёқиб юборишади.

Ҳамма буни билади, лекин кафаннинг чўнтаги бордай, ёғоч тобути ичи тўплаган хазинаси билан тўлдирилдигандай, тилларини ўлик танасини аланга тилидан ҳимоя қилиб қоладигандай тиришаверади. Бир танга учун бир-бирини ўлдиришдан ҳам тоймайди, ер юзида олиша-олиша ер остига қуп-қуруқ кетади. Минг-минг йиллардан бери шун-

ай бўлиб келаётган экан, омонат шийпонда ўтирган икки ўтридан яна нима кутиш мумкин?

— Буран, хом хаёллар ўз йўлига-ю, лекин иккаламиз ҳам дайдиликни йиғштириб, уйланишимиз керак. „Уйланиш мумкинмас“ деган қонун эскириб қолди. Инглизларнинг ақидасига қараганда оиласиз, боласиз ўтган одам дўзахда бегоналарнинг фарзандини ўйнатиб юрар эмиш.

— Шундан қўрқяпсанми? Бегоналарники бўлса ҳам бор экан-ку, дўзахда зерикмас экансан, битта-биттадан эрмак қилаверасан. Менинг болаларим кўп, ҳар катта шаҳарда уч-тўрттадан ўғлим бор.

— Бунақалари менда ҳам сероб. Лекин менинг битта ўғлим бўлиши шарт.

— Лўлиларга югурдак бўладиганми?

— Йў-ўқ... мен уни бошқача тарбиялайман, чет элда ўқитаман. Улғайганида Горбачнинг ўрнини оладиган бўлади.

— Олсин... олсин... — деди Бўрон энсаси қотиб.

— Ўттиз йилдан кейин кимдир Кремлда ўтириши керак-ку? Менинг ўғлим Кремлнинг хўжайини бўлса нима кипти? Фамилиямиз ҳам ўхшаш: Горбачёв — Бочарёв.

— Яхши нарсани ўйлабсан. Уйланавер. Ўттиз йилдан кейин ўглинг тахтга ўтирганида сени гўрдан кавлаб олиб, мавзолейга қўяди. Сени танимаган гул қўяди, билгани башаранга тупуриб ўтаверади.

— Бўлди, гашинг келавермасин, қўй бу гапларни, — деди Боча қўл силтаб. Кейин жиддий оҳангга кўчди. — Буран, ишонсанг-ишонмасанг, ўғрилар орасида сени алоҳида ҳурмат қилардим. Сен ҳеч қачон битта йўлдан икки марта юрмагансан. Янгиликни ҳаммадан олдин тушунадиган одамсан. Шунинг учун сен билан учрашувга ўзим келдим. Бу ердаги ҳамма иш мен орқали бўлади.

— Тушундим... — Бўрон шундай деб аянчли жилмайди. Столни бармоқлари билан чертиб, асабийлашаётганини ошкор қилди. — Демак, мен сенинг дастёрингман, шундайми?

Боча унинг газабланаётганини фаҳмламаётгандай, қулимсираб, ҳазил оҳангига кўчмоқчи бўлди:

— Бу ишда ҳамма ўзича дастёр. Лекин сен баланд мартабали дастёрсан. Мен бу ишларга аралашганим билан ўғрилигимни унутмаганман.



Боча шундай деб чап кўкрагига кўрсатгич бармоғини нуқиб кўйди. Кўп ўғрилар кўкракларига қанотларини ёйиб турган бургут тасвирини туширтириб, қанотлар тепасига „Не забуду мать родную“ деб ёздириб қўядилар. Гарчи туққан она номи ёзилган бўлса-да, бу ёзув ўғрилар оиласини унутмаслик ҳақидаги қасам эканини фақат шу оламнинг одамларигина билишади. Боча ҳозир шу ақидасига ишора қилди, Бўрон эса унинг бу ҳаракатига эътиборсиз қаради. Боча пиёладаги пиводан икки хўплаб олиб, тепа лабини тили билан ялаб қўйгач, гапини давом эттирди:

— Мени тож кийишга лойиқ кўришмаганда ёнимни олганингни ҳам эсимдан чиқармайман. Лекин ошначилик ўз йўлига, иш ўз йўлига. Иккаламиз энди бошқа оламдамиз. Бу ернинг ҳам ўз қонунлари бор, биласан. Бир хил қонунлари бизникидан ҳам аёвсизроқ. Булар ҳам ўлимга ҳукм қилишади. Ўлатнинг ўлими тасодиф бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Бочанинг кейинги гаплари Бўроннинг иззат-нафсига тегди. Тугмаларини бир-бир ечиб, кўйлагининг ўнг елкасини туширди. Дўмбоққина, қип-яланғоч ўғил боланинг суратига қараб олгач, Боча бир неча нафас сукут сақлади. Бўрон курагидаги татиуровкани кўрсатиш билан „Мен қамоқхонада туғилганман, келиб-келиб мени ўлим билан кўрқитмоқчи бўляпсанми?!“ демоқчи эди, Боча айнан тушунди.

— Буран, сенинг кимлигингни бошқалар билмаса ҳам мен биламан. Битта ўқ қайси бирингнинг юрагинга санчилсин, дейилса, мен олдинга чиқмасам, башарамга тугур. Сен-у мен қамоқданам, ўлимдан ҳам кўрқмаймиз, шунинг учун нарқобарон бизга ишқибоз. Биз бундан фойдаланиб қолишимиз керак. Уларнинг кимлигини биласан мен эсам сендан яхшироқ биламан: ниҳоятда пасткаш, ҳам кўрқоқ одамлар. Бир-бирини бир чеким қорадорига сотиб юборишдан қайтмайди. Бизнинг „Ўғри ҳамма нарсани ўғирлаши мумкин, фақат одам ҳаётини ўғирлаши мумкин эмас, одамга ҳаётни сен бермагансан, тортиб олишга ҳам ҳаққинг йўқ“, деган қонунимиз бор. Бу қонунга сенам, менам содиқмиз. Бир-биримиз учун жонимизни беришимиз мумкин. Лекин улар-чи?! Қани, энди айт-чи: дунёни ана шу пасткашлар бошқариши керакми? Ҳалол ўғрилар четда

чапак чалиб тураверадими? „Ўғридан бошқа ҳеч ким инсон тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас“, деган қонуничи з нима бўлади?

— Лўлилар сени файласуф қилиб қўйишибди-ку? Ўғридан файласуф чиқишини энди кўришим. Сафсатангни қўйсанг-чи? Мени нега чақиртирдинг, дардингни айт.

— Менинг дардим йўқ, ошна. Менга юкланган топшириқ бор. Сенинг елкангда ҳам вазифалар бор эди. Шундан бошла.

Хўжайини қаршисида ночор туриб ҳисоб бераётган ожиз одам ҳолига тушаётган Бўрон ўзидан ўзи нафратланиб, совуқ оҳангда гап бошлади. Ўзининг қишлоққа яхши ўрнашганини, Фирром билан Капралнинг яқин муносабатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканини айтгач, молни чегарадан то белгиланган жойга қадар бехатар олиб ўтиш режасини баён қилди.

Боча Бўроннинг гапини бўлмай, диққат билан эшитди. Кейин бир оз ўйланган бўлиб, буйруқ оҳангида сўз бошлади:

— Фирром билан Капрални ўртага қўшма.

— Улар фараонларни чалгитади.

— Барибир қўшма. Капрални йўқотиш керак.

— Капралнинг нимаси сенга ёқмай қолди?

— Ўзинг билмайсанми? У фармазон, фармазоннинг эса қаторимизда яшашга ҳаққи йўқ.

Бўрон бу ҳукми эшитиб, „Ўзинг-чи?“ деган савол назари билан тикилди. Уларнинг оламида ўғри бўлмай туриб, ўзини ўғри сифатида кўрсатишга уринувчи киши шу ном ва шу ҳукм билан тақдирланади. Бўрон „Шу туришимизда сенам, менам фармазонга айланиб қолганмиз. Ўғримиз, деймиз-у, ўғриларга хос иш қилмаяпмиз“, дейишга чоғланди-ю, тилини тия қолди, бошқа гапни айтди:

— Фармазон бўлгани билан орқасида катта тоғлар бор.

— Шунинг учун ҳам у йўқолиши керак. Унинг тоғларини бугун бўлмаса эртага янчиб ташлаймиз. Владивостокдан то Брестга қадар бизники бўлади.

— Ўргимчак тўри билан ўрайсанми?

Афюнуфурушлик билан қамалганлар тўр ташлаётган ўргимчак тасвирини билагигами ё кўкрагигами тушуришни одат қилишган. Шу боис ҳаммаёқни ўргимчак тўри билан

---

ўраб олиш ҳақидаги гапда пичинг ҳам, беписандлик ҳам йўқдай эди. Шунга қарамай, Боча истехзо оҳангини илғагандай бўлиб, кулимсираб қўйди.

— Ҳайдиганларнинг қўли ҳаммаёққа етади.

— Битта ўргимчак қулфнинг тирқишидан кириб, ўша жойга маҳлиё бўлибди. „Шу жой энди меники, тирқишга тўр ташлайман-у пашшаларни тутиб еявераман. Ўлгунимча маишатда яшайман“, деб ишга киришганда, уйнинг эгаси келиб, қулфга калит тикибди...

Бўрон „Кейин нима бўлганига ақлинг етаётгандир?“ деган маънода қараб қўйди. Боча айтилган ҳикматга ҳам, маънодор қарашга ҳам парво қилмай сўради:

— Сен Ўлат беркитган молнинг қардалигини биласанми?

— Буни беркитган одам биледи.

— Унда беркитган одам билан бирга ер тагида қолаверсин. Унга чалғима: билсанг ҳам тегма. Билмасанг, қидирма. Сен йўлнинг хавфсизлигини таъминласанг етарли. Балки бу йўл узаяр, эҳтимол, Самарқандга қадар етказишинг керак бўлар. Буни ҳам ҳисобга олиб қўйгин-у, лекин „Аввалги шартимиз бошқа эди“, деб гапга қилма. Мен бу ерга келиб нимани фаҳмладим, айтими? Атроф овсарларга тўлиб-тошибди. Бу жойлардан машинада эмас, эшелон-эшелон қилиб „гера“ ташисанг ҳам билмай ўтираверишади. Кеча мен меҳмонхонага жойлашдим. Хужжатларини тўлдираётиб, „Бу шаҳарга келишдан мақсад“ деган савол қаршисига „Водород бомба портлатиш“, деб ёзиб бердим. „Бочарёв“ ўрнига „Бочкарёв“ деб имзо чексам ҳам индамай расмийлаштиришди.

— Улар овсар эмас, водород бомба портлатиш ниятида келганини билиб, сени аҳмоқ ёки телба деб ўйлашган. Қоғоз титиб ўтирган хотинларга сен Бочарёвмисан, Бочкарёвмисан ё бошқа бир баломисан, фарқи йўқ, уларга сенинг пулинг керак. Фаламслигининг иси чиқиб қолса, керакли идораси отангдан бўлганмисан ё онангнинг бир юз саккизинчи ўйнашиданми, бир пасда аниқлаб беради, бу ёғидан ташвишланма. Сен бўладиган гапдан чалғима: агар шарт ўзгариб, йўл узайса, хизмат ҳақи ҳам шунга яраша бўладими ё қулоқ қоқиб ўтиравераманми?

— Сен оладиганингни оласан. Фақат... танлаган курьерларингга ҳозирча индама. Сенга ўзимиз одам юборамиз.

— Тушунарли... демак, баланд мартабали дастёрга ишонч йўқ экан-да?

— Дарров бунақа бемаъни хулосага келма. Катта ишда шунақа ўзгаришлар бўлиб туради. Агар Лондондаги банкни урадиган бўлсанг, Скотланд-Ярд таклиф этган шериклар билан иш бошлармидинг ё ўзингнинг одамларингга ишонармидинг?

Уларнинг оламида милиция билан ҳамкорлик қилган ўғри энг пасткаш инсон ҳисобланиб, қаттиқ жазога ҳукм этилади. Ҳозир Боча чиройли ўхшатиш қиламан деб, Бўронни ана шундай пасткашлар қаторига қўшиб қўйган эди. Агар Бўрон уч бошли аждаҳо зотидан бўлганида эди, алҳол учала оғзидан олов пуркаб, бу маразни куйдириб юбора қоларди. У одам зотидан бўлгани билан аждаҳонинг газаби бор эди. Унинг учун ҳозир афсусли жиҳати шунда эдики, газаб олови вужудини куйдирарди-ку, бироқ ғанимга сочилиб куйдириб ташлай олмасди.

— Бу гапинг учун кекирдагингни узиб олишим керак эди!

Ҳозир газаб ўтини шу сўзлар билан сочишдан ўзга чораси йўқ эди.

— Мени кечир, ошна, гапим қўпол чиқди. Жанни Моранди концертини эслагин. Москвада минг-минг машина ўғрилари бор эди. Уларнинг кўпини танир эдинг. Лекин Магадандан Сашка-калитни атай олиб бориб тўғри қилдинг. „Бурани-чистодел“нинг ўша иши ҳаммамизни қойил қолдирган эди.

Боча кейинги гапни алоҳида фахр оҳангида айтиб, айниқса, барча ишни олий маҳорат мақомида тоза бажарувчи сифати билан шарафлаб, Бўрондаги газаб оловини пича ўчирди. Боча сал олдинроқ „Сен ҳеч қачон битта йўлдан икки марта юрмагансан“, деганда ҳам, ҳозир ҳам тилёгла-малик қилмай, юракдан гапирган эди. Концертга доир ишни кўпчилик мақтовини келтирган, Бўроннинг ўзи ҳам мароқ билан эслайди. Ўшанда тарихий ватанига кетишга тайёрланиб юрган бир бадавлат одамнинг изига тушган эди. Уйга бостириб киришдан ўзини тийиб, ажойиб усул ўйлаб топди. Магаданда машина ўғирлаш бўйича ном таратган таниш йигитни Москвага олиб келди, бадавлат одамнинг сотишга ҳозирлаб қўйган машинасини ўғирлаш-

---

ди. Икки кундан кейин қаердан ўғирлашган бўлишса, ўша жойга элтиб қўйишди-да, эгасига қўнгироқ қилиб узр сўрашди. Бадавлат одам „Машинам ўғирланди“, деб милицияга ҳам, бошқаларга ҳам шикоят қилмай, ўз ёғига ўзи қоврилиб ўтирган эди. Бундай инъомдан ҳам ҳайратланиб, ҳам бир ишониб-бир ишонмай қарасаки, машинаси жойида турибди. Эшикни очиб, чиройли дасталанган атиргулларга ва бир хатжилдга кўзи тушди. Олиб ўқиди: „Ҳурматли азиз ўртоқ, машинангиздан озгина фойдаландик, узримизни қабул қилинг. Тўғриси айтсак, машинага муҳтожлик еримиз йўғ-у, бир гаров туфайли сизни озгина ташвишга солдик. Баҳонада машинангизни уста кўриб қўйди: энди кийикдай учадиган бўлди. Янги карбюратор қўйдик, мотордаги титрашлар барҳам топди. Ишонмасангиз текшириб кўринг. Сизни маънавий жиҳатдан қийнаганимиздан ҳижолатдамиз. Маънавий зарарни қоплаш учун сизни оила аъзоларингиз билан бирга буюк кўшиқчи Жанни Моранди концертига таклиф этамиз. Концерт чоғидаги сарф-харажатлар учун озгина пул ҳам қўйдик, ранжимайсиз, деган умиддамиз. Албатта, кимлигимизни билишга қизиқсангиз керак. Концертдан кейин машинангиз олдига ўзимиз келамиз ва Пекин ресторанида биргаликда овқатланамиз. Ўн иккинчи столга саккиз кишилик дастурхон буюриб қўйганмиз. Ўша кеч бу кўпол ҳазилимизни унутиб, биз билан яқин дўст бўлиб қоласиз, деган умиддамиз“. У одам хатга бир ишониб, бир ишонмади. Концерт чипталарини қайта-қайта текширтириб, Пекин ресторанига ҳам ўзи бориб суриштиргач, оиласи билан биргаликда томошага отланди. У қўшиқларга маст бўлиб ҳузурланиб ўтирганида машинасини Сашка-калит Воронеж томон ҳайдаб борарди. Концертнинг иккинчи бўлими бошланганида уйини Бўрон шипшийдам қилиб, диван устига „Ёшинг нечада, аҳмоқ? Қачонгача эртақларга ишонасан?“ деган хатча ташлаб чиққан эди.

Боча ҳозир ўша воқеани эслатиб, Бўронни ғазаб отидан туширгач, қилинадиган ишларга аниқлик киритди. Бу орада йигит икки ликопчада кабоб келтирди-да, „Олинглар, совимасин, иссиғида мазаси бошқача бўлади“, деб лутф қилди. Бўрон турли жойларда турли таомлар еявериб, овқат танламайдиган бўлиб кетган. Ҳатто ҳидланган чўчка

гўшти еганда ҳам бурнини жийирмаган. Лекин бу кабобга иштаҳаси бўлмади. Қўлига олиб, оғзига яқинлаштирганда димогига шиптир ҳиди урилиб, жойига қўйди. Боча эса иштаҳа билан ея бошлади. Иккинчи сикҳга навбат етганда „Емайсанми?“ деб қўйди.

Сув, Олов ва Ахлоқ дўст тутиниб сайрға чиқишибди-да, „Адашиб қолсак, бир-биримизни қандай топамиз?“ деб хавотирланишибди.

— Агар бир-биримизни йўқотиб қўйсак, — дебди Сув, — қаердан шариллаш овози келса, мен ўша ерда бўламан.

— Қаерда тутун кўрсангиз, мен ўша ердман. — дебди Олов.

Навбат Ахлоққа келганда у шундай деган экан:

— Мени йўқотсангиз, излаб юрманг. Ҳеч қаердан топа олмайсиз...

Боча ахлоқни болалик кезлариёқ йўқотган эди. Шу ёшга киргунича излаб топишга ҳаракат ҳам қилмаган. Аниқроғи, излаб топишга ҳожат сезмаган. Қаерда зулм бўлса — уни топиш мумкин, қаерда бузуқлик мавжуд — унинг изига дуч келинади, энди қаерда хиёнат бор экан — уни учратиши аниқ бўлиб қолди. Бўрон кўпроқ ана шундан ғашланаётган эди. У ғашлик ўтини сиртта чиқармаслик учун бу ердан тезроқ кетишни маъқул кўрди.

— Еявер, бу сенга фойда, сен уйланишинг керак, ўғил кўришинг керак, ўғлинг Кремлда ўтириши керак ҳали... Ҳаммаси шу кабобдан бошланади, — деди Бўрон. Кабобнинг нимадан қилинганини билмаган Боча пичингнинг маъносини тушунмади. Оғзидагини чайнай туриб деди:

— Шу жой сенга ёқдимми? Мен шу ерга аж-жойиб ресторан қурмоқчиман, нима дейсан?

— Бу ерга фақат сенинг ресторанинг етишмай турибди, — деб пичинг оҳангини давом эттирди Бўрон. — Ҳашаматли қилиб қурдир, деворларини ола-пес қилиб оққа бўятиб, кўмир билан „Боча ресторан“ деб ёздириб ҳам қўй. Агар бошқа гапинг бўлмаса, сен кабобингни еявер, мен кетай.

Боча оғзини тўлатиб кавшанганича тиржайиб, бош ирғаб рухсат ишорасини қилди. Бундан Бўроннинг ғашлиги келиб, бир шумлиги тутди: Бочанинг галстугини тортиб, бир учига терлаган афти-башарасини артиб қўйгиси келди. Агар Боча билан бир мақсад занжири ҳалқалари ила боғ-

ланмаганида ҳозир шу ишни қилишдан тоймаган бўларди. Хаёлига „Майли, тиржайганингча тиржайвер-чи, кавшана-ётган шу исқирт тумшугингни ҳожатхона остонасига ишқайдиган пайтим ҳам келади“, деган ўй келди-ю, лекин тили бошқа гапни айтди:

— Боча, зўр ишни бошляяпсан, лекин эшик қулфини очиб қўйишни унутма.

Бу гапдан кейин Бочанинг юзидаги тиржайиш йўқолиб, жиддийлашди, жавоб қайтариш ўрнига бош ирғаб қўя қолди.

Бўрон нозик жойдан олган эди. Қамоқ лагерига Бочага юқори мартабали ўғри тожини кийдириш масаласи кўрилганда айримлар уни уқувсиз, деб билиб, иккинчи қамалишига сабаб бўлган бир воқеани даъволарига асос қилишганда Бўрон „У бир тасодиф, ёшликнинг тажрибасизлиги, бундан буён эшик занжирини тушириб юради“, деган ярим ҳазил, ярим чин билан ёқлаб юборган эди.

Биринчи қамалишида Боча уч йилни ўсмирлар колониясида, ўн саккиз ёшга тўлгач эса қолган икки йилини катталарникида ўтказган, ўғриларнинг маҳорат мактабини етарли ўзлаштирмаган эди. Тўғри, устозларига яхши дастёрлик қилди: ўғриларнинг умумгазнасига атаб маҳкумлардан пул тўплади, номусга тегишда айбланиб қамалган йигитларнинг дўмбоқларини эътиборли ўғриларга рўпара қилиб, қўшмачиликни ҳам қойиллатди-ю, улардан етарли дарс олишга улгурмади. Озодликка чиқиши билан ҳарбий хизматга олиб кетишди. Номи ҳарбий хизмат, аслида қўлига қурол эмас, белкурак тутқазишди. Лекин у қурилиш ишларида тер тўкишга мажбур бўлмади. Қамоқхона шўрваларини ичавериб қутурган йигит хизматда ҳарбий интизомнинг йўқлигидан фойдаланиб, ўзидан ёшроқ бўлган аскарларнинг зўрига айланиб олди. Оғайнисига ёзган хатда „Беш йиллик қамоқ жазоси учун ҳукумат мени икки йиллик курорт бахти билан сийлади“, деб мақтаниши бежиз эмасди. Байрам куни рота командирининг хонасини „ижарага олиб“, ўзига ўхшаган беш-ўн зўрлар билан маишат уюштирди. Маишат қизиганда арақ тугади, чўнтаклар кавлансаки, пул ҳам тугаган. Шунда ўғрилик маҳоратини кўз-кўз қилгиси келди. Ёнига икки шерикни олиб, кўчага чиқди-да, машина тўхтатиб, ўттиз чақирим наридаги ҳарбий

қисм омборхонасига борди. Девордан ошиб тушиб қарасан. қоровулхонада аскарлар ҳам, офицерлар ҳам байрам маишати билан бандлар. Қоровулхона эшигини ташқаридан қулфлаб, омбордан оладиганини олди-ю, тўғри аэропортга олиб бориб, сувтекин пуллади. Ярим кечада бу аскар йигит нима учун қимматбаҳо нарсаларни сотиб юрибди, деб ўйловчи топилмади. Аскар қопчиғини араққа тўлдириб қайтдилар. Боча кайфнинг таъсириданми ё шошилганиданми, қоровулхона эшигини очиб қўйишни унутган эди. Агар эшикни очиб кетганида ҳарбий қоровуллар омборга ўғри тушганини сезишмаган бўлишарди...

Жанни Моранди концерти пайтида ўғрилик маҳоратининг юксак намунасини кўрсатган Бўрон қоровулхонани қулфлаб кетган ношуд ўғрига бу тарихни бекор эслатмади. Бу гапда „Кимлигингни, ким билан гаплашаётганингни унутма“, деган тагдор маъно яширинган эди.

Зинадан талага кўтарилган Бўрон радиодан таралаётган шўх бир ашулага диққат қилиб тўхтади: „Афандининг гапи тўғри, бу дунёда ҳамма ўғри“... Меҳмоннинг тўхтаб қолганидан хавотирланган кабобпаз йигит енгил таъзим қилиб, ундан бирон буйруқ кутди. Ашуладаги афандининг гапи бир неча марта такрорлангач, Бўрон унга қараб деди:

— Афандининг гапи хато, чунки ўғрилارнинг ҳаммаси ҳам ҳалол эмас.

Бу билан меҳмон нимани назарда тутганини англамаган йигит ҳар эҳтимолга қарши хингиллаб кулиб қўйиб, уни кузатди.

Бу ердан чиққан Бўрон энди Моҳидилнинг ўқиши ташвиши билан бир-икки жойга учрашди. Чўнтаги пулга тўла одамнинг бу борадаги ташвиш йўли унча узун бўлмади.

У Раджи золотойнинг кабобхонасидан „баланд мартабали дастёр“ бўлиб чиққани билан, ўз тахтидан тушишни хаёл ҳам қилмаётган эди. Боча унга йўл-йўриқ кўрсатди. Демак, аравани у тортади, қамчи эса Бочанинг қўлида. Қайси олий мартабали ўғри бу ҳақоратга чидайди? Бўрон ўз режасини амалга ошириш учун чидади. Изидан одам қўйилганини сезгани сабабли олдин Моҳидилнинг ўқиши билан шуғулланди. Кейин бу катта шаҳарда дам олиш, маишат қилиш мақсади борлигини ҳам ошқор қилди. Шаҳар мавжуд экан, ўғри зоти ҳам бўлади. Ўғри бор жойда

---



Бўронга ўхшаганлар ғариб мусофир ҳолига тушмайди. Бўрон ҳеч қаерда ўзини ҳақир мусофир нима экан, ҳатто меҳмон ҳам ҳисобламаган. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ўғри зоти бор жойда „флет-хата“ аталмиш бошпана-уй мавжуд экан, Бўрон сарсонликда кезармиди? Маишатини қилиб, шунинг орасида Ўлат тавсия этган ишончли одамлар билан учрашгач, ўз режасини пишиқлаганидан кўнгли тўлди.

Қадим Хитой ҳукмдорининг фарзанди йўқ эди. Қариллик булути боши узра соя ташлагач, валиаҳд ташвишига тушди. Бўлажак ҳукмдорни ўз халқи орасидан танламоқ истагида энг довюрак, гайратли, инсофли, ақли ёшлар ўртасида ўзига хос кўрик ўтказди. Ҳукмдор бўлиш истагидаги ёшлар орасидан юзтасини танлаб олиб, ҳар бирининг қўлига биттадан гул уруғи берди-да, „Йил давомида ундириб, ўстириб, гуллатиб олиб келасиз, энг гўзал гул соҳибига тахтни топшираман“, деди. Булар орасида Чжо деган йигит ҳам бор эди. Уйига келиб, ҳукмдорнинг шартини онасига айтди. Онаси гултувак берди. Сара тупроққа уруғни экиб, гултувакни қуёш нури тушадиган дераза тоқчасига қўйишди. Худди шу ишни бошқалар ҳам қилишди. Орадан кунлар, ҳафталар ўтди. Бошқаларнинг уруғи униб чиқди, бўй тортди. Чжонинг тувагидаги тупроқ остида эса ҳаракат сезилмади. Бошқаларники гунчалади. Чжонинг уруғида жонланиш бўлмади. У ҳукмдорлик тахтидан умидини узди. Кўнгли чўкди. Белгиланган кун етди. Тўқсон тўққиз даъвогар гултувакларини кўтариб саройга шошилдилар. Чжони эса қайғу босди, онаси қистайвергач, қуруқ гултувакни кўтариб борди. Уни кўриб масҳара қилдилар. Ҳукмдор келиб гулларни бир бошдан томоша қилди, йигитларга тасаннолар айтди. Кейин Чжонинг рўпарасига келиб тўхтаб қолди. Унга маънодор савол назари билан тикилди. Чжо „Ношудлигим учун энди мени ўлимга ҳукм қилади“, деб тақдирга тан бериб, ерга қаради. Ҳукмдор мулойимлик билан унинг исмини сўраб билди-да, баланд овозда ҳукмини эълон қилди:

— Янги ҳукмдорингиз Чжога таъзим қилинглар!

„Гул ўстиролмаган йигит қанақасига ҳукмдор ишончини қозонди?“ деб барча ҳайратга тушди. Шунда ҳукмдор деди:

— Сизларга берилган уруғларнинг барчаси қайноқ сув-  
да ўлдирилган эди. Сиз уруғларингизни экиб, кутдингиз.  
Уруғ униб чиқавермагач, бошқа уруғларни экиндингиз. Бу  
йигит эса бундай товламачиликдан ўзини тутди. Сабр қил-  
ди ва ҳақиқатдан чекинмади.

Боча Хитой ҳукмдорининг тадбиридан беҳабар бўлса-  
да, Бўронга пуч уруғ берган эди. Бўрон буни аниқ билма-  
са-да, тахмин қиларди. У Чжо каби сабрли ва тўғри эмас  
эди, шу боис ўз уруғини экишни маъкул кўрди. Улат билан  
танлаган бу уруғи униб чиқадими ё йўқми, ҳали аниқ эмас.

Шундай бўлса-да, Ясситепага яхши кайфият билан  
қайтди. Қуёш тоғ ортига ўтган, бироқ ҳали қош қорайма-  
ган эди. Бўрон гузарда автобусдан тушиб, беихтиёр қаҳва-  
хона томон қаради. Кейин Моҳидилни қувонтириш мақ-  
садида юқорига кўтарилди. Қаҳвахонадан пиво ва яна ал-  
ланарсаларнинг ачимсиқ ҳиди уфуриб турганидан билдики,  
бугун пивохўрлар бўкиб ичишган. Эҳтимол, алжий-алжий  
эндигина тарқалишгандир. Нафсини тўйдиролмаган беш  
йигит эса панжара томонидаги стол устига иккита арақни  
қўйиб олиб, майдалаб ўтирган эди.

Давру давро хўп ўзгарувчан бўлади-да! Ўтган йили  
арақни ё чойнакка қўйиб беркитиб ичишарди, ё шишани  
қўлтиқ остига яширишарди. Арақхўр зоти худди ўғри му-  
шукка ўхшаб қийналиб қолган эди. Тўй қилувчиларнинг  
аҳволига маймунлар йиғламаса ҳам куларди: иккита катта  
самоварнинг бирида сув қайнарди, иккинчисига арақ тўл-  
дириб қўйиларди. Сув қайнаётган самоварга кам одам  
яқинлашарди. Совуқ самовар атрофи ширага ёпирилган  
пашша каби гавжум бўларди. Майхўрликка қарши кураша-  
ётган партиянинг фаол аъзолари ҳам бу „пашшалар“ ора-  
сида фаолликни қўлдан беришмасди. Тўйда ича-ича, эрта-  
сига огриган бошларини уқалай-уқалай юқори ташкилот-  
ларга „ичкиликбозликка қарши ашаддий кураш олиб бориш  
натижалари“ хусусида маълумотнома ёзардилар. Фалак чар-  
хи бир айланишга улгурмай, бу машмашалар тарихга айла-  
ниб қолди. Кимдир биров „Майхўрларнинг афғонини Худо  
эшитиб, раҳм қилди“, деди, кимдир биров „Горбачёвнинг  
ўзи ҳам ичишни бошлабди“, деди, бошқа биров бошқа  
миш-мишни тарқатди. Қайси гап тўғри, қайсиниси уйдир-  
ма эканини таҳлил қиладиган ақл эгаси топилмади, чунки

---

бу таҳлил ва хулосага эҳтиёж одамнинг ўзи йўқ эди. Арақ билан намозга бир пайтда ҳужум бошланган эди, биринчи ҳужум барбод бўлди-ю, иккинчиси давом этди. Намозини бекитиқча ўқиётганлар бундан ажабланишди-ю, кейин „Бу ҳам Роббимнинг синови“, деган фикрда сабр қилишди. Аммо „Майхўрларнинг афғонини Худо эшитиб, раҳм қилди“, деган гапга эътироз билдиришга журъатлари етди.

Бўрон улфатларга қараб буларни ўйламади. Ҳукумат араққа қарши курашадими ё бошқагами, унга фарқи йўқ. Уни кўпроқ жинойт кодексидаги ўзгаришлар қизиқтиради, милиция тадбирларини зийраклик билан кузатади. Қаерда қайси бир ошнаси қўлга тушиб қолган бўлса, унинг йўл қўйган хатосини ўрганadi. Самоварни араққа тўлдириб қўядиганлар билан унинг иши йўқ. Қаҳвахонадаги кичик улфат ҳам уни қизиқтирмайди.

Битта шишани бўшатган ширакайф улфатларни ҳам ким келгани қизиқтирмади. Бўронга бир қараб қўйишди-ю, „Сенинг ўз оламингда юқори шарафга эгалигинг бизга бир пул“, дегандай маишатларини давом эттиришди. Бу бепи-сандликдан Бўрон ранжимadi. Агар бу „шоқол“лар Бўрон оламига тобе бўлганларида ҳозирги қилиқлари учун бирикки тепки емасалар ҳам, эшитадиганларини эшитардилар. Ўтирганларнинг бири чўпондир, бири боғбондир, яна бири эгилиб ишлашга тоби-тоқати йўқ такасалтангдир, ҳар ҳолда жинойт оламида „шоқол“ деб номланувчи сурбет тоифадан эмас. Шундай экан, Бўрон улардан нега ранжисин? Қайтага ҳозирча менсимаганлари ҳам, ҳатто одам қаторига қўшмаганлари ҳам маъқул...

Бўрон пештахта ортида уйқусираб ўтирган Моҳидилга яқинлашди. Қиз ўрнидан турмай, енгил эснаб олиб, салом берди. Йигитлардан ранжимаган Бўронга бу одобсизлик малол келса ҳам сездирмади. Аксинча:

— Пиванг тутабди, ёпиб кетавермайсанми? — деди меҳрибон ота овозида.

— Укангиз „Ўтира тур, мол келади“, деганлар.

Моҳидилнинг Фирромни назарда тутувчи „укангиз“ деган сўзни киноя билан айтиши ҳам Бўронга ёқмади. Қошларини сал чимирди-ю, муддаога ўтди.

— Мол келса ўзи тушириб олади. Сен уйингга бориб, йўлга тайёрлан.

— Қанақа йўлга? — Моҳидил ажабланиб, ўрнидан турди.

— Ўқишингни гаплашиб келдим. Бир эмас, иккита жой тайёр: хоҳласанг дўхтирликка ўқи, истасанг молияга. Иккитаси ҳам ишончли.

Бўрон шундай деб Моҳидилнинг қувонишини, миннатдорлик сўзларини айтишини кутди. Лекин хурсанд бўлиш ўрнига аччиқланганини қизнинг чимирилган қошлари ошқор қилди.

— Булари ёқмаса, бошқалари бор... — деб изоҳ берди Бўрон.

— Мен сизга ўқишга кираман, ёрдам беринг, деганми-дим? — деди Моҳидил терслик билан. — Ё онам илтимос қилдиларми?

— Сенлар айтмадиларинг, — деди Бўрон ғашланиб. — Отанг айтган. Ўзинг бултур киролмадинг, бу йил Тошкентга бординг-у қайтдинг, ҳаракат ҳам қилмадинг. Биз дўст васиятини бажарадиган одамлармиз. Индамай қараб туришим керакмиди? Бошқалар ўқишларга кириб талтайиб юришганда сен бу сассиқ жойда анавиларга, — Бўрон бош ирғаб йигитларга ишора қилди, — хизмат қилаётганингни отанг кўрса, башарамга тупурган бўларди.

— Ҳа, нима қилибди?! Хизматимга яраша пулини оламан. Рўзғоримиз бут. Яна нима керак? Дўхтирликка ўн йил ўқиб, бир юз йигирма сўм маошга ишлайманми? Керакмас, ўқимайман.

Моҳидил бу гапларини юракдан эмас, аччиқ тил учиди айтди. У ўқишни истарди, бироқ буларнинг пули, ёрдами эвазига киришни хоҳламасди. Буни онасига айтган эди, онаси эса... шубҳасиз, бу гапларни эрининг қамоқдошларига билдирмаган...

Бир одам боғ аро кетатуриб, хашаклар орасида ётган пиллага кўзи тушди. Пилла юпқалашиб, очилай деб қолган, ҳатто ичидаги капалак кўриниб турарди. У одам капалакнинг ёруғ дунё юзига чиқишини кўрмоқ истади. Дақиқалар, соатлар ўтди. Тикилиб тураверишдан зерикди. „Капалак уриняпти-ю, пилла деворларини тешиб чиқолмаяпти, бечора азобланияпти, ёрдам бериш керак“, деган фикрга келиб, чўнтагидан пичоқчасини олди-да, пилланинг бир учидаги туйнукчани кенгайтирди. Капалак чалажон ҳолатда ташқарига сурилиб чиқди. Унинг бадани қуруқ ва ин-

---

гичка, қанотлари ҳам буришган, учишга ярамас эди. Одам энди бу қанотларнинг очилишини, капалакнинг учишини кутди. Лекин капалак учолмади, судрала-судрала жон берди. Одамнинг нияти қанчалик яхши бўлмасин, бир нарса ни: пилланинг тор тешигидан чиқиш учун капалакнинг ҳаракат қилиши, шу аснода баданидаги суюқлик қанотларига ўтишини билмас эди. Шу сабабли ожиз жониворнинг ўлимига сабабчи бўлди...

Моҳидилни ўқишга жойламоқчи бўлган Бўрон ўша нодон одам каби иш тутаётганини билмасди. Унга қизнинг кейинги гаплари ёмон таъсир қилди. Фоҳишалар билан маишат қилганида „Маошга ишлаб жинни бўлибманми“ деганга ўхшаш гапларни улардан эшитарди. Ота-онасининг тайини йўқ, еттинчими ё саккизинчи синфними аранг тугатиб, ўн тўртми ё ўн беш ёшида хушторидан ҳомилалдор бўлиб қолган, кейин бузуклик ботқоғига буткул ботган хотинларнинг гапини бу бокира қиздан эшитиб, вужуди сесканиб кетди.

— Сен иккинчи бунақа аҳмоқона гапларни айтма! — деди овозини кўтариб. — Отанг „Ўқисин“, деган, демак, ўқийсан.

— Ўзингизнинг қизингизга ҳам шунақа дўқ қиларми-дингиз?

— Агар сен менинг қизим бўлганингдами... Ҳозирги гапларинг учун савалардим.

— Отаси савалаган қиз бахтсиз бўлиб қоларкан. Ясси-тепада ҳеч ким қизини урмайди.

— Шунинг учун ҳам тилларинг узун сенларнинг.

— Хўп, гапим ёқмаган бўлса, айтинг: ТошМИни ўн иккига, молияни саккиз мингга гаплашиб келдингизми? Қурбақаларнинг қорнини ёриб ўқишни истамайман, чўт қоқишни ҳам хоҳламайман.

— Кўнглиннга нима ёқади, айт.

— Тарихчи бўлишни истайман.

— Тоғанга ўхшабми?

Шундай деганига Бўрон пушаймон бўлди. Ҳозиргина қизга дашном бергани ҳолда, гапида „Тоғанга ўхшаб мактабнинг маошига қараб яшайсанми?“ деган маъно борлиги учун ҳам афсусланди. Лекин бахтига Моҳидил бу гапга аҳамият бермай, гапини давом қилди:

---

— Мен бу ўқишга ҳам, бошқасига ҳам ўз кучим билан киришим мумкин. Кимёми ё биологиями, математиками, сўранг, „беш“га жавоб бераман. Ичадиган арағингизнинг формуласини ёзиб берайми?

— Мен арақ ичмайман.

— Анави ўтирганлар икки-уч йилдан кейин жигари шишиб, дўхтирга югуриб қолади. Шунақаларнинг исқирт қорнини ушлаб кўриб, даволашим керакми? Ундан кўра пивога тўйдириб, касал қилиб бера қолганим осонроқмасми?

Бўрон жавоб қайтаришга ожиз эди...

— Яна гапларим ёқмадимми? Нега тикилиб қолдингиз?

— Менга бир одам „Агар иккидан бири: ё ноҳақлик, ё қўполлик танланиши керак бўлса, қўполликни танла; агар ё ноҳақлик, ё шафқатсизлик танланиши зарур бўлса, ноҳақликни танла“, деган эди. Сенинг... бунақа шафқатсизлигингни сезмаган эканман...

— Мен шафқатсизманми? — Моҳидил аянчли жилмайди. — Йўқ, мен яхши қизман. Ҳаёт шафқатсиз.

— Гапларинг ўн тўққиз яшар қизнинг гаплари эмас...

— Нега энди? Мен ҳаётнинг шафқатсизлигини ўн йил олдин ҳам билардим. Фақат... энди айтяпман. Тошкентгизга бориб кўрдим, менинг ўқишга киришим учун билимим ҳам, пулингиз ҳам керак эмас, чунки... — Моҳидил тўғри гапни дангал айтишга уялиб, иккиланди. Аммо гишт қолипдан кўчган, отасининг тутинган акасини ўзидан узоқлашириш учун ҳам шартта айтди: — чунки мен чиройлиман. Чиройли қизлар учун ҳамма эшиклар очик. Шаҳарнинг энг омадли, энг бахтли қизи бўлиб юришим ҳам мумкин. Лекин... мен истамайман шунақа бахтни.

— Унда... шу туришинг ёқадими? Шуни бахт деб ўйлайсанми?

Моҳидил яна аянчли жилмайди.

— Амак, сиз билан бахт ҳақида баҳслашиш менга кулгили туйиляпти.

— Нима, бахт нималигини фарқламайдиган аҳмоққа ўхшайманми?

— Ўхшамайсиз... лекин бахт ҳақида гап очилса, онам мени тушунмадилар, мен эсам онамни... — Моҳидил шундай деб хўрсиниб, нафас ютди. Бўрон „Бу қизнинг тили шафқатсиз бўлгани билан кўнгли нозик, майли, дардлари-

ни тўкиб ола қолсин“, деган ўйда гапига аралашмади, кутди. Моҳидил тутинган амакисидан нигоҳини олиб, энди худди ўзига ўзи гапираётгандай, аламли оҳангда давом этди: — Онамни... энам билан катта отам бахтсиз қилган. Лекин улар буни тан олишмайди. Йиллар бўйи қизларини айблашади, ундан рози бўлишни хоҳлашмайди. Агар улар ота-онамининг кўнглига қарашганида ҳаётимиз бутунлай бошқача бўларди. Мен чинакам бахтли қиз бўлиб туғилардим. Отам қамоқда ўлиб кетмасди. Агар қиёмат деганлари рост бўлса, ҳамма унда ҳисоб берса, мен энам билан катта отамнинг бўйнига осилиб, уларни айблайман. Онамни, отамни, мени бахтсиз қилганлари учун жазо олишсин. Мени бераҳмсан, десангиз ҳам уларга ҳеч-ҳеч ачинмайман.

Кейинги гаплар титроқ лаблардан учиб, Бўронни бепарқ қолдирмади.

Уларнинг ҳозирги баҳслари катта мушук билан митти мушукнинг гапларига ўхшарди: думи билан тинмай ўйнаётган митти мушукдан каттаси „Нега думингни қувляяпсан?“ деб сўраганда миттивой „Мушукнинг бахти думида эканини тушуниб етдим, шунинг учун уни қувляяпман. Думимга етиб олсам, албатта, бахтимга эришаман“, дебди. Шунда катта мушук чуқур хўрсиниб: „Ёшлигимда мен ҳам думимни бахт деб билардим. Кейинчалик шуни англаб етдимки, уни қувласам — мендан узоқлашади ва аксинча, қачон хотиржам, ўз ишим билан овора бўлиб юрсам, доимо изимдан эргашади...“ деган экан.

Бўронга бу ҳикмат маълум эмас, билганида ҳам қўпол туюлиб, айтмаган бўларди. Ҳозир қизнинг гапларидан мутаассир бўлди, жим туриши ноқулай туюлди, ўзини тутолмай, гап қўшди:

— Сен бахтсиз эмассан. Эҳтимол, энг бахтли қиз ўзинг бўларсан.

— Онам ҳам шундай дейди. У бахтли бўлишим учун жонини ҳам аямайди. Агар отам тирик бўлганида у ҳам менинг бахтли бўлишимни истарди. Лекин... улар инъом этган бахт менга керакмас... Сизники ҳам... Худо ўзимга берадигани бўлса берсин, менга бировнинг бахти керак эмас...

Моҳидил „Инъом қилаётган бахтингизни пишириб енг“, деб кўрслик қилмоқчи эди, лекин йиғини қўзғатиб, бўғ-

...ақар олиб келган дардни тўхтатиш учун лабини тиш-  
...га мажбур бўлди.

Қиз бу гаплари билан ўзи билмаган ҳолда тутинган  
...қисининг ярасини тирнаб қўйди.

Бўрон кўп ҳолларда тош қалбли бўлиб кўринса-да,  
...нинг юрагида ҳам жароҳат излари бор эди, бу яралар  
...модам тирналиб турарди.

...онам бахтли бўлишим учун жонини аямайди...

...отам тирик бўлганида у ҳам менинг бахтли бўлишим-  
...ни истарди...

Биринчи марта қамоқдан қутулиб келганида онаси уни  
бағрига босиб, бошларини силаб, бахт тилаган эди:

— ... Ҳаётда бир қоқилдинг, энди қаддингни тиклаб  
оласан, болажоним. Сен бу ерда туғилганинг билан... қо-  
нинг тоза... жиноятчиларнинг боласи эмассан. Туҳмат ба-  
лосига учратилган жабрдийдаларнинг фарзандисан. Бизнинг  
қонимизда бировларга ёмонлик йўқ. Сен ҳам бошқаларга  
ёмонлик истама. Яхшилик қилавер. Бобом раҳматлининг  
...ккита қароли бўлган. Иккови ёш етим қолгани учун ўз  
ўғлидай кўриб, тарбия қилган, ўқитган. Улғайишганда кат-  
тасини куёв қилган, кичиги сал ўзбошимчароқ эди, боль-  
шевикларга қўшилиб кетган. Бобом большевикларга қарши  
чиқмаган. Худонинг хоҳиши шу, бизга бериб эди, энди  
буларнинг кўли билан оляпти, деб барча бойликларини  
топширган. Лекин ўғил мақомидаги ўша большевик қаро-  
ли уйимизга қилич яланғочлаб бостириб кирган. „Меҳнат-  
қашнинг қонини сўргансан“, деб бобомни калтаклаган.  
Бобом шу калтақдан кейин кўп яшамади. Ўлар олдидан  
барибир ундан рози бўлди. Бобом рози бўлгани билан  
Худо рози бўлмаган экан, итдай хорланиб ўлибди. Сенинг  
йўригинг бошқа... Сен бу бемеҳр кўшнилардан қасос ол-  
моқчи бўлдинг, шарт эмас эди. Бунақаларни Худонинг ўзи  
жазолайверади. Қасос ҳеч қачон яхшиликка бошламайди.  
Сен яхшиларнинг йўлидан юравер, шунда дунёдаги энг  
бахтли йигит бўласан. Сенинг бахтинг учун мен жонимни  
беришга тайёрман. Отанг тирик бўлганида у ҳам сен учун  
жон берарди. Бизларни рози қиламан, десанг, бахтли бў-  
лишга интил...

Моҳидилнинг дарди унинг хотирасидаги шу гапларни  
уйғотди... Хотира демоқлик балки хатодир, бу гаплар унинг



қалбига муҳрланган, қалбининг сўнгги хужайраси тирик экан, унутилмайди.

Бахтли бўлишга интилди...

Онаси қандай бахтни назарда тутган эди?

Бўроннинг хаёлини Моҳидилнинг паст овозда айтган гапи бўлди:

— Мени ўз онам тушунмаганларида сиз қанақасига тушунишингиз мумкин?

Бўрон жавоб беролмай, „Бу қиз бало!“ деган фикрга келиб, баҳсни бас қилишни маъқул кўрди. Хайрлашиб, кетмоқни ўйлаган онда қиз сўради:

— Тўғриси айтма оласизми? Мени ўқиш баҳонасида жўнатишдан мақсадингиз нима? Онамга... кўнглингиз борми? Мен халақит қиляпманми?

Бу гапдан кейин Бўрон асабийлашиб пештахта устини черта бошлади.

Қизга хўмрайиб қаради:

— Ҳозиргина сени „ақлли қиз“ деган фикрга келган эдим. Энди фикримдан қайтдим. Сен... ақлли бўлсанг ҳам кўп нарсаларни тушунмайсан. Айниқса... қамоқ ҳаётини тасаввур ҳам қилолмайсан. Қамоқдаги қасамнинг қуввати-ни сен қаёқдан ҳам билардинг?! Отанг тутинган укам, демак, онанг келиним, сен жияним бўласан. Қамоқ қасами билан мустаҳкамланган ака-укалик бир қориндан талашиб тушганларникидан кўра аълороқ бўлади. Уйланишни истганимда... сенданам ёшроқ қизлардан қирқтасини тўплаб, хонларникидай ҳарам қуриб олишга қувватим етарди. Мен эсам уйланишни истамайман. Сен нодон... онангни гапирасан-а...

— Нега уйланмайсиз?

— Негаки... мен оиламни бахтли қила олмайман, сен буни тушунмайсан.

Бўрон „Отанг — тутинган укам, онанг — келиним“, деган гапни аввал ҳам айтган. Бир жиҳатдан алдагани йўқ. Ҳақиқат томонидан қаралса, бу қиз тутинган жияндан ҳам яқинроқ, лекин ўша ҳақиқатни қандай айтсин?

Шу онда зина томон қараган Моҳидилнинг кўзлари жавдираб, нигоҳида нашъали севинч нури порлади. Буни сезган Бўрон орқасига ўтирилиб, юқорига чиқаётган Файратга кўзи тушди-ю, қизнинг ҳолатини тушунди.

---

— Жасур амакинг „Кут, мол келади“, деганмиди, келди шекилли?

Бўрон шундай деб ўтирилиб, изига қайта бошлади. Фирром „мол келади“ деганда пивони назарда тутган эди. Бу одам эса „мол келди шекилли“ деган пичинги билан Файратни тўрт оёқли, шошли қорамолга ўхшатди. Моҳидил бу ҳақоратли пичингга жавоб бера олмай қолди. Бўрон қаҳвахонанинг панжарали темир эшиги остонасида йилгитта рўпара келиб, „Сени чойхонада кутаман“, деганича ўтиб кетди.

Файратни ёқтирмаслигининг икки сабаби бор: биринчиси — йилгитнинг милиция ходими экани бўлса, иккинчиси — қиз атрофида хира пашшадай айланавериши эди. Бўрон бу икки ёшнинг дилида қандай тотли ҳислар борлигини тасаввур ҳам қила олмасди. Ҳар қандай эркак ва аёл бир-бирига интилар экан, манзили тўшақдир, деган ақида билан яшаётган одамга Кумушбибининг юзларига тегиб тушган сув томчиларига қарши фитна қўзғолгани қандай ҳолат эканини тушунтириш мумкинмикин? Икки ошиқ дилнинг ҳароратини совуқ ва тош юрак ҳис эта олмайди...

Чойхонада ўгай акаси кўринмади. Бўрон яхши танийдиган, онда-сонда суҳбат қурадиган чойхўрлар ҳам йўқ эди. Шу сабабли бўш сўрида бир ўзи ўтириб, дастёр болага қайноқ сув буюриб, қўлбола чойини ўзи дамлаб ичди. Файратни анча кутди, ҳатто газаблана бошлади. Қаҳвахона томонга ўтиб, бўйнидан бўғиб, бу ёққа олиб келиш истаги ҳам уйғонди.

Файрат Моҳидил билан хайрлашгани келган эди. Уйига отланаётганини билгандай, бутун хўжайини чақириб, Тошкентга бориб келиши зарурлигини айтди. „Боргин-у, ишқилиб, ўша ёқда даф бўлгин“, деган умидли оҳангда айтди бу гапни. Ундан сал олдин Фирром шу кеч сафарга тайёр туриши шартлигини тайинлаган эди. Иккови худди келишиб олгандай туюлди. Файрат хизмат сафарига кетаётганини айтди-ю, Фирромнинг вазифасини билдирмади. Қиз буни аҳамиятсиз хабардай қабул қилган! Бўлса ҳам юрагига ҳозирдан соғинч ҳисси оралаб, ўртанди. Лекин қизлик гурури бу ҳисни бўғиб, сиртига чиқармади, „Яхши бориб келинг“, дейиш билан чекланди. Файрат бу эътиборсизлик сохта эканини сизди. Тил алдашга уста бўлади. Лекин

ишққа мағлуб қалбнинг таржимони бўлган кўзлар алдай олмайди. Ҳозир қизнинг кўзлари „Мени ташлаб кетаверасизми? Сизни бир соат кўрмасам ёниб кул бўляпман, бир неча кунга қандай чидайман? Сиз — золимсиз! Мен — айрилиқ зулмига гирифтор этилган бечораман...“ деб фарёд чекарди. Йигит қизнинг бу фарёдига жавобан умидли жилмайиш ҳада этди. „Мен золим эмасман, сафарга қуруқ жисмим бориб келади, юрагим сизнинг қўлингизда...“ Жилмайишнинг маъноси шу эди. Қиз ундан „Сафарга кўзларимни юмиб бориб келаман, қиз зотига қарамайман“, деган қасамни ҳам кутган эди. Бурилаётгандаги иккинчи жилмайиш шу қасамни англашиб, зириллаб қолаётган юракка пича таскин берди.

Фақат... Унинг гузарга тушмай, чойхона томон ўтганидан ҳам ажабланди, ҳам хавотирланди-да. хира улфатларга яқинлашиб, қаҳвахона ёпилаётганини маълум қилди.

\* \* \*

Файрат келиб, Бўроннинг қаршисига омонат ўтирди.

— Сен менинг чойимдан ичолмайсан, шунинг учун таклиф қилмайман, — деди Бўрон унга тикилиб.

— Ича оламан, лекин ҳозиргина чанқоғимни босдим, — деди Файрат унга сурбетларча тикилиб.

— Сен олов билан ўйнашяпсан.

— „Йигит бўлсанг шўх бўл, шўх бўлмасанг йўқ бўл“, дейишади-ку? Шўхликда олов билан ўйнашиш нима экан, бутун бир гулханни чайнамай ютиб юбориш ҳам ҳеч гапмас.

Йигитнинг тиржайиб қўйиши Бўроннинг иззат-нафсига тегди. Бунақа сурбет бошқа жойда, айниқса, у ҳукм юритган қамоқ лагериди учрагандами, олов чўғларини ростданам ютишга мажбур қиларди. Ҳозир ўрни эмас, лекин бундай жазонинг вақти, ўрни келиши тайин. Бу йигитлик ғурури билан кериялпими ё хизмати юзасиданми, Бўронга аён эмас, маълуми — ҳар қандай суворий отдан тушади, ҳар қандай керикнинг бурни ерга ишқаланади. Бўрон бу болада шошқалоқ эмас, сабрли тоифадан, бу маҳмадананинг тилига чўғ босилгандаги фиғонини бутун бўлмаса, эртаминдинми эшитишига ишонади Шу ишонч ҳозир ундаги фазаб чўғининг аланга олишига йўл қўймади.

— Қаламингни ўйлаб бос, бола, бу қиз асов отдай гап — билан борсанг тишлайди, орқадан келсанг тепади. Сен ширлик боласан, бу қиз сенга аталмаган.

— Мен шаҳардан айнан шунақа асов отни қидириб келган бўлсам-чи?

— Тилинг ботир, лекин белга эҳтиёт бўл, синиб қолма. Ўлгунингча эмаклаб юрмагин.

Файрат ундан кўз узмаган ҳолда чўнтагидан сигарет қутисини олди-да, биттасини суғуриб, лабига қистирди. Ёққични олишга улгурмай, Бўрон чўнтагидан гугурт чиқариб, унинг тиззаси ёнига ташлади. Ёнламасига думалаб келган гугурт йигитнинг тиззасига тегиб, тик туриб қолди. Файрат кулимсираб бош чайқаб қўйди-да, қутидан битта чўпни чиқариб синдирди. Калтароқ томонини олиб шимиға кескин бир суртишда ёндирди-ю, қалта чўп ёниб тугашига улгурмай сигаретини тутатди. Бўрон унинг ҳаракатларини зийраклик билан кузатди. „Ўзини овсарликка солаётган ким бу: милисами ё артистми? Картани ҳам яхши ўйнарган. Ҳеч кимни, ҳатто хўжайинини ҳам менсимас экан. Қайдан пайдо бўлди бу дардибало?“ Бўрон „Бу хунарни қайдан ўргангансан?“ деб сўрамаса ҳам Файрат изоҳ берди:

— Синфдош ўртоғимдан ўрганганман, ўзининг хотинини зўрлагани учун ўтириб чиққан. Қизиқ-а?

— Мен учун қизиқ эмас.

— Ҳа... сиз бундан баттарларини кўргансиз. Ажабланманг, Моҳидилнинг отаси билан ўтирган экансиз, эшитганман. Хуллас, ўртоғимни ўн саккиз ёшида аммасининг ўн етти ёшли қизига уйлантиришувди. Қизнинг кўнгли бошқа йигитда экан... Хуллас... чимилдиқда ҳам яқинлаштирамаган, эртасига, индинига ҳам... Бир ёқда янга-хотинлар уйларига кетолмайди, бир ёқда оғайнилари ҳисобот эшитиш мақсадида „Хурсандмисиз, куёв бола?“ деявериб ҳолжонига қўймайди. Орият кучлилик қилиб, тўртинчи куни... Хуллас, бешинчи куни қиз дод солиб милисага борган, „зўрлади“, деб ариза берган... Қамаворишди бола бечорани. Энди буниси чиндан ҳам қизиқ эмас, балки адолатсизлик.

— Мен учун адолатсизлик эмас. Бунақа қонунларни сенга ўхшаганлар топади, сенга ўхшаганлар бажаради. Менга шуниси қизиқ.

— Ҳа, майли, бунақа гапларнинг аслида менга, айниқса, сизга қизиғи йўқ. Эсимга тушиб қолгани учун айтдим. Мени нега чақирдингиз?

— Нега чақирганимни айтдим.

— Нега менинг ташвишимни қиялпсиз, ўзингизнинг ташвишларингиз камми?

— Мен жиянимнинг ташвишини қиялпман.

— Қанақа амакилингизни биламан. Ўз-ўзингизча ташвишланяпсизми ё онаси илтимос қилдими? „Шу миласанинг танобини тортиб қўймасангиз менинг кучим етмаяпти“, демадими?

— Мен хотинларнинг гапи билан иш қиладиган ҳезалак эмасман.

— Унда баҳшашмасак ҳам бўларкан. Сиз ҳам эркаксиз, мен ҳам. Иккаламиз ўз йўлимизда юраверайлик. Қизни яхши кўрадиган ҳам мен, уйланадиган ҳам мен. Балки... шу қизга уйлансанг, ишдан ажраласан, деб қўрқитарсиз? Агар Моҳидилнинг... кўнгли менда бўлса... шу погонларимни ўзим юлиб ташлайман. Бу погон унинг битта кулиб қараб қўйишига арзимайди. Сиз асов отни гапирасиз. Бу ёққа келишимдан олдин ойим „Бу йил албатта уйланасан, сенга қанақа қиз ёқади ўзи?“ деб сўраганларида нима деганимни айтайми?

— Ойингга айтган гапинг менга керакмас.

— Йўқ, бу сир эмас, балки бўлажак ўғай амакимдирсиз, таъбимни билиб олинг-да: менга тегадиган қизнинг ақли ўткир бўлсин, шунчалар ўткир бўлсинки, сувни кеса олмасин; ақли кенг бўлсин, шунчалар кенг бўлсинки, ортидан ҳеч нима кўринмасин; ақли ёқимли бўлсин, шунчалар ёқимли бўлсинки, одам жўчжикиб кетсин; ақли зўр бўлсин, шунчалар зўр бўлсинки. ҳатто соя ҳам ташламасин. Фақат... — Файрат Бўрондан кўз узмаган ҳолда айёронна жилмайди. — Икки тилли бўлмаса бас. Икки тилли қанақа бўлишини биларсиз?

Бўрон „Мени калака қилма!“ деб ўдағайлагиси келди-ю, лекин „Ҳамма нарсани сен биласан, айтавер“, деб тўнғиллади. Файрат унинг гаши келиб, аччиқланаётганини сезса-да, оҳангини ўзгартирмай давом этди:

— Баъзи хотинларнинг тили яхши ишлайди.

— Ҳамма хотинларнинг тили яхши ишлайди.

— Йўқ, мен айтаётганимники бошқачароқ: пайшанба кечқурун эрига бир тўғрида қасамёд қилади. жума куни эрталаб эса шу қасамини бузади. Тилининг тағида яна битта тили бор, иккала тилини жуда яхши ишлатади.

Бўрон бу гапларни эшитиб „Ақли кўп нарсага етади“. деб қўйди. Йигитнинг китоб ўқишга ишқибозлигини, ёдлаб олган ҳикматларни ўрни келганда ўз гапидай айтиб юришини фақат у эмас, ҳатто Моҳидил ҳам билмасди.

— Эрталаб Тошкентга кетяпман, у-бу нарса керак бўлса, айтинг, олиб келиб бераман. Тақдиримга бефарқ қарамаяпсиз, демак, яхши одам экансиз. Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш керак. Тошкентнинг новвоти зўр бўлади, сизга ўхшаган ёш чолларга қувват бўлади. бирор кило олиб келайми?

— Тошкентнингнинг новвот чойини ичавериб тўйиб келдим. Сен новвотингни адангга олиб бер, адангга қувват бўлса, зора укачалик бўлиб қолсанг.

Пичинг билан айтилган гапни Файрат ҳазил ўрнида қабул қилиб, баралла кулиб юборди. Бўрон „Бошқа гап йўқ“, дегандай ўридан туриб, гузарга тушиб кетди. Файрат унга эргашаётиб, қаҳвахона томон қаради. Эшикни ёпиб чиқиб келаётган қизни кўриб, ўша томон юрди. Моҳидил унинг кулганини эшитган эди, шу сабабли норози қараш билан қарши олди:

— Намунча хахолашиб қолдиларинг?

— Сизни мақтади.

— Мени мақтаса, шунақа куласизми?

— Сизни мақтагандан кейин мени „аҳмоқ“ деди-да.

— Нега аҳмоқ экансиз?

— „Шундай қизни кўлдан чиқарсанг, фирт аҳмоқ бўласан“, деди. Мен аҳмоқ бўлмасликка қасам ичдим.

— Яна ёлғон гапиряпсиз.

— Ҳа, ёлғон гапиришга мажбурман, чунки у менга қамоқдаги бир латифани айтди, мен бу латифани сизга айттолмайман.

— Ёлғон гапиришга мажбурмисиз? Аҳмоқ бўлмасликка қасам ичганингиз ҳам ёлғонми?

— Буниси рост, лекин мен қасамни ўз-ўзимга ичдим. Қасам мана бу еримда турибди.

Файрат шундай деб чап кўкрагини ушлади.

— Сиз гапга туғилгансиз, гапдан тинмайсиз, — деб яна танбеҳ берди Моҳидил.

— Бир донишманд „Агар йигит камсўз бўлса, қиз уни „рўдапо тўнка“ дейиши мумкин“, деган экан.

— Ўша донишмандингиз „Сергап йигит масхарабозга айланиб қолади“, демаганми?

— Рўдапо тўнкага қиз тилидан учган битта ўқ кифоя.

Файрат шундай деб пастки лабини тишлади. Моҳидил кулимсираб қўйди. Уйига етунича индамади, Файрат ҳам жим кетди. Эшик оғзида хайрлашар маҳали Файрат:

— Мен келгунимча нима қиласиз? — деб сўради.

— Нима қилардим? — Қиз айёрона кулимсиради. — Масхарабозликларингизни... эслаб ўтираман.

Моҳидил аслида „Ширин-ширин гапларингизни соғиниб ўтираман“, демоқчи эди, уялди. Уялди-ю, аста бурилиб, эшикни очди, лекин остона ҳатлашга улгурмади.

— Бир пас тўхтанг, — деди Файрат ялиниш оҳангида. Йигит ялинмаса-да, қизнинг шошилиш истаги йўқ эди, дарров тўхтади.

— Паридарада бир ҳикмат айтиб берган эдим, шу жуфт бўла қолсин, бошлайверайми?

— Тугатишингизга бир дақиқа вақт қолди, — деди қиз шўхчан овозда.

— Эшитинг. „Бир хонада тўртта шам ёниб турарди. Хона шунақанги сокин эдики, биров пичирлаб гаплашса, жаранглаб эшитиларди.

Биринчи шам: „Мен Тинчликман! Лекин ҳеч ким менга ёрдамлашмаяпти. Ҳозир ўчиб қоламан“, деб нолиди, кейин бирдан жимиб қолди.

Иккинчи шам: „Мен Ишончман! Лекин энди бировга керак бўлмай қолганга ўхшайман. Ёниб туришимнинг фойдаси ҳам йўқ“, деб нолиётганда шабада уфуриб, пилик устидаги олов тилини ўчирди.

Улардан-да баттар қайғуга тушган учинчи шам: „Мен Ишқман! Аммо атрофга сочадиган нурум тугади, мадорим қолмади. Ўзларига яқинларни ҳам ёмон кўрадилар, уларни бирлаштирай десам, нуқул мени четта сурадилар“, деб йиглади. Ишқ шами ҳам аламли тарзда сўнди. Шу пайт ичкарига бокира бир қизалоқ кирди. Учта шамнинг ўчиб қолганини кўриб, сабабини сўради, воқеадан хабардор бўлгач,

ларнинг қисматига ачиниб йиғлади. Шунда тўртинчи шам айин овозда кизалоққа далда берди:

— Сен кўркма, мен атрофга нур таратар эканман, қолантар ҳам қайтадан ёнадилар ва атрофга нур сочиб, ёридилар. Зеро, мен Умидман!

Кўзлари порлаган кизалоқ Умид шамини олиб, қолганларини бир-бир ёқиб чиқди...

Файрат ҳикматни айтиб бўлгач, сукут сақлади, қиздан жавоб кутди. Моҳидил бу сафар ҳам унинг мақсадини тўла инглаган эди, шу боис бу сафар ҳам жавоб бермади.

— Бир дақиқа вақтим тутайди. Мен сизга Умид шамини қолдириб кетаман, келгунимча бошқа шамларни ёқиб кўясиз, — деди Файрат.

— Мен... ўйлаб кўраман...

Моҳидил кишини отдан ҳам қулагадиган бир ишва билан шундай деб, йигит умидига қувват берадиган бир жилмайиш ҳаля этгач, остона ҳатлади.

„Ёрнинг васли бўлмас озорсиз, гулшан ичра гул топилмас хорсиз“, деганларидек, васлнинг қадрига етмоқ учун қисқа муддатли айрилиқнинг ҳам фойдаси бордир?

## ҒАЗАБ ЖОМИ

Уйига яқинлашган Бўрон деразадан тушиб турган чироқ ёруғини кўриб, хавотирланмади-ю, аммо ажабланди:

„Ким бўлиши мумкин?“

Эшик қия очиқ эди, эҳтиёткорлик одатига хилоф қилмай, шарпа чиқармасдан яқинлашди-да, аста мўраллади: каравотга ўтириб олган Нишонбой ниманидир ўқирди. Шу ердан турибоқ Бўрон унинг қўлидаги дафтарни таниди. Кетишда хаёли нимагадир чалғиб, дафтарни унчтиб қолдирган эди. Бекатда эслаб, изига қайтгиси ҳам келган, лекин ортга қайтишнинг хосияти йўқ, деган иримга амал қилиб, „Ёстиқ тагини ким титарди?“ деб ўзини овутибди. Ҳозир янглишганини англади-ю, жаҳл билан эшикни тепиб очиб, ичкари кирди.

Нишонбой чўчиб, шарт ўрнидан турди-ю, хўжайинининг вазоҳатидан кўрқиб, дафтарни яширишга уриниш ўрнига кўкрагига босди. Бўрон унга яқин келиб, дафтарни тортиб олди.

---



— Нега титялсан? — деди ғазаб билан.

— Тўшакларни қоқиб, йиғиштириб қўяй дегандим... Ёстиқ тагида экан. Ақлли гаплар ёзилган экан, бир-икки қатор ўқиб, қизиқиб қолибман.

— Нимага қизиқасан? — деди Бўрон дафтарни варақлаб.

— Бир хил гапларини Норйигит акамдан эшитган эдим.

Бу кутилмаган янгилик Бўрондаги ғазаб тўфонини пайсайтирди. „Дафтар акамнинг қўлига ҳам тушганмиди?“ деган хавотирда сўради:

— Қачон эшитдинг?

— Мактабда ўқиб юрганимда, Бобил тарихини ўтаётганларида айтиб берган эдилар.

— Тарих китобида борми бу гаплар?

— Китобда йўқ, шунинг учун қизиққанмиз.

— Яна нималарга қизиққансан?

— Кўп нарсаларга...

— Сигирларнинг аҳволи қанақа, бунга ҳам қизиқдингми?

— Қизиқдим... — Нишонбой чўнтагидан буқланган қорғоз чиқариб, ҳисоб бера бошлади: молларга қанча хашак, қанча ем берилган, қанча сут соғиб олинган, қанча топширилган... ҳаммаси аниқ эди. Соф фойдани айтаётиб, нимадандир чўчиётгандай ерга қаради. Бўрон буни сезиб, „Кўлимда ишлайдиган бўлсанг, мендан ҳеч нарсани яширма“. деб унга далда берди.

— Яширмайман-у... чақмачақарлик бўлармикин...

— Ишга тегишли бўлса, айтишга мажбурсан. Кейин билиб қолсам, ўзингга ёмон бўлади. Мен тўғри гапни яхши кўраман.

— Биринчиси...

— Дадил-дадил гапирсанг-чи, бунча латтачайнарсан! — деб ўдағайлади Бўрон.

— Биринчиси... молбоқарларингиз... озгина-озгинадан емдан сиздан сўрамай, яширинча олиб кетишаркан. Сиздан илтимос... уларни ҳайдаб юборманг... бошқа олишмайди, менга сўз беришди.

Йигитнинг бу раҳмдиллиги Бўронга ёқди.

— Яхши ишлашаётган бўлишса ҳайдамайман, емдан олишга рухсат берган эдим, эсларидан чиқаришгандир. Озгина-озгина бериб туравер, камбағал бўлиб қолмаймиз. Яна нима?

— Сут олувчи ўндан бирини уриб қоларди, энди ўндан иккига ўтибди. Хўжайини тўй қилаётган эмиш, тўёна қилиш керакмиш. Мен сизни айтувдим, овози ўчди-ю, лекин бошқаларга ачиндим.

— Ачинган бўлсанг, жагини ёриб юбормадингми?

— Ие... қанақа қилиб?

— Қанақа бўларди? Эркакмисан ўзинг! Ҳеч муштлашмаганмисан?

— Йў-ўқ... нега муштлашаман?

— Қип-қизил латта экансан! Қайнананг нега қаматмоқчи бўлган?

— Хотиним билан ажрашмоқчи эдим.

— Сен ажрашмоқчимидинг ёки хотининг ажрашмоқчимиди?

— Мен...

— Хайрият, сал эр-йигитлигинг ҳам бор экан. Нега ажрашмоқчийдинг?

— Биз олти ўғилмиз, ҳовли-жой етишмагани учун ичкүёв бўлгандим. Қайнонамнинг эри йўқ. Қизини ўзи катта қилган... Ёлғиз ўзи ётолмасмиш. Нуқул бизни пойлайди... Хотин билан... энди бошласак, вой-войлаб қолади, ҳали боши оғрийди, ҳали қорнимиз, нима бало...

— Хотинингни яхши кўрасанми?

— Ҳа.

— Унда ажрашма. Қайнонангни эрга бер, шунда тинчийсан. Норйигит аканг шуни тушунтирмадимми?

— Тушунтирдилар... лекин мен қайнонамга эрни қайдан топаман?

— Ҳа... бу қийин иш, осонини айтайми? Сен қайнонангни заҳарлаб ўлдир!

Бўрон муғомбирлик билан шундай деб кулди. Нишонбой бунинг ҳазил эканини тушунмай, кўрққанидан сапчиб кетаёзди.

— Йўқ-йўқ, нима деяпсиз?! — деди лаблари титраб.

Бўрон унинг аҳволидан кулиб, калака оҳангига кўчди:

— Уйлариңда така йўқми?

— Йў-ўқ, тўртта қўй бор.

— Аттанг... Мен ўрисларнинг ичида қўп яшаганман.

Бечораларнинг юздан тўқсонтаси ичкүёв бўлади. Бу ерларда қайнона-келин машмашаси бор экан, у ёқларда қайно-

на-куёв фожиаси бор. Бир куни менга ўхшаган сайёҳ бегона шаҳарга келиб қараса, энг катта кўчада машиналар ҳаракати тўхтатилган, дафн маросими бўлаётган экан. Қараса, олдинда тобут, орқада мотамсаро бир ёш жувон, ундан кейин бир йигит шоҳли така етаклаб олган, уларнинг изидан юзлаб одам келаётган экан. Ажабланган сайёҳ така етаклаган йигитга қўнлашиб, „Тобутдаги ким, жуда машҳур одамми?“ деб сўрабди. „Тобутдаги менинг қайнонам, машҳур эмас“, дебди йигит. „Сиз нега бу такани етаклаб олдингиз?“ деб янаям таажжубланибди. „Бу така менинг ҳалоскорим, ялмоғиз қайнонамни сузиб ўлдирди“, дебди йигит. „Оҳ, оҳ, — дебди сайёҳ, — менга ҳам айнан шунақа ҳалоскор керак эди, бир кунга бериб туринг“. „Беролмайман, — дебди йигит. — Орқадаги одамларни кўряпсизми, улар ҳам шу такани олишга навбатда туришибди“. Тушундингми?

Бўрон ўз латифасидан ҳузурланиб кулди, лекин Нишонбой унча тушунмадими, ё бундай ҳалоскорни топиш қийинлигини фаҳмладими, ҳар ҳолда хўжайинининг кўнгли учун жилмайиб қўя қолди. Бўрон эса кула туриб давом этди:

— Унда уйқу дори топиб бераман. Кечки овқатга қўшиб берасан. Эрталабгача тарашадек қотади.

— Ака, қўйинг, майли, шундай яшайверсин, бу ёгини бир амаллармиз.

Бу гапдан Бўроннинг жаҳли чиқиб, беихтиёр „Вот, чурка-чушонок!“ деб юборди-да, калака қилаётган одамга қараб ўқрайди. У қамоқ лагериди калтафаҳмларни, бўшанглиги туфайли хорланувчиларни шундай деб сўкишга ўрганиб қолган эди. Нишонбойнинг сўкишга тушунмай, кўзларини пирпиратиб турганига энди раҳми келиб, оҳангни пастроқ олди:

— Вей, бунча латтасан! Эркакка ўхшасанг-чи! Аслида уч-тўрт йилга қамалиб кетганинг яхши экан, ҳақиқий эр-йигит бўлиб пишиб чиқардинг. Менга бу ерда эмас, қамоқда дуч келганингда қанақа одам қилишни ўзим билардим. Хўп, қайнонанг учун ўзингнинг бошинг оғрийверсин. Яна нима гапинг бор?

— Гўшт пули беришимиз керак экан.

— Қанақа гўшт пули?

— Билмайсизми?

— Бировдан гўшт олганим йўқ.

— Гўшт пули дегани... Хўжаликнинг давлатга гўшт етказиб бериш мажбурияти бор. Бу мажбурият ҳеч қачон бўжарилмаган. Бажариш учун ҳар бир хонадон ё қўй, ё қол. ё шуларнинг пулини тўлаган.

— Бермаса-чи?

— Бермаса... кўчириб ҳайдашдан ҳам тойишмайди. Олдиниға бир хонақа милисани юбориб дўқ қилишади, кейин прокурорға чақиривади. Бу давлат сиёсати экан, ўйнашив бўлмайди.

— Битта қўй беришимиз керак эканми?

— Чекинғизга ғунажин тушивди.

— Ғунажин бериш керакми ё пулиними?

— Пул берганинғиз яхши, арзонроқ тушади. Бизда шуниси одат бўлиб қолган.

— Биров келадими ё олиб бориб бериш керакми?

— Эрталабғача етказивш керак экан, ишонсанғиз, ўзим олиб бориб бераман.

Бўрон пора олишнинг бундан баттар йўлларини ҳам кўргани учун битта ғунажиннинг пулини санаб берди-ю, гапни кўпайтирмади.

Нишонбой кетғач, ташқарига чиқиб, эски шолча тўшалган супага ўтирди. Ғир-ғир эсаётган шабадада ҳузурланиб, кўйлагининг тутмаларини ечди. Кейин шолча узра узала тушив, қўлини болиш қилиб олди. Дарахт барғлари орасидан юлдузлар милт-милт кўринди. Дафтардаги гапларнинг ўғай акасиға маълум бўлиши уни ўйлантирди. Дафтарни ўқимаганлиги аниқ. Балки... кичкиналиғида айтиб бергандир. Кичкина бола эслаб қолиши мумкинми? Балки бошқа китобларда ўқигандир? Тарихчи-ку? Қайсидир тарих китобида бордир? Саволларига тайинли тўғри жавоб топа олмағач, ўрнидан туриб уйға кирди, дафтарни қўлиға олиб, таниш сатрларни ўқий бошлади:

„Сеймчан. 1947 йил 8 март. Бугун қиз-жувонларнинг озодлик байрами. Бизнинг баракдан сал нарида, симли девор ортида нима учун қамалганини билмайдиган юздан ортиқ аёл бор. Уларни эрталаб Озодлик байрами билан табриклашди. Улар дарё бўйида ишлайдилар, биз қазив чиқарган маъданларни ювадилар. Байрам муносабати билан

ишни ярим соат олдин тугатар эканлар. Бунинг учун доҳийга раҳматлар айтилди. Биз ҳам табриклаган бўлдик... Мен яна шахтага кириб кетдим. Муз орасидаги одамнинг чақчайган кўзлари менга тинчлик бермайди. Унга қарата чўкич ургим келмади. Ён томонга қараб қавлай бошладим. Ҳозирги адолатсизликлар булути тарқаб, яхши замонлар келганда, эҳтимол, бу одамнинг авлодлари топилар, келиб, мурдани олиб кетишар, иззатини жойига қўйиб дафн этишар. Насроний бўлса, ёғоч тобутга солишар, мусулмон бўлса, кафанлашар. Балки... шундай ётавергани ҳам маъқулдир. Музей қилиб қўйишса, элик ё юз йилдан кейин яшайдиган авлод келиб, аجدодларининг нақадар шафқатсиз бўлишганини ўз кўзлари билан кўришар?

Менинг қўлимга шу дафтар билан қалам тушиб қолди. Бу ҳам нодир бахт. Баракимизда бир олим бор эди. Аэропланлардан кучлироқ ҳаво кемалари қуришни орзу қиларкан. Унинг ҳисоб-китобларига кимдир қизиқиб, дафтар-қаламлар беришиб эди. Ёзувларини ҳафтама-ҳафта офицерга бериб турди. У қаёққадир жўнатар экан. Ўша қаёққадир илмий фикрларига қизиқиш туғилса, уни олиб кетишлари мумкин экан. Лекин бечоранинг ўпкаси тамом бўлган эди. Жавоб келгунича жонини топшириб қўя қолди. Биров унинг пайпоғига эга чиқди, бирови нимчасига. Лекин офицер кириб, уларни тортиб олди. Менга дафтар-қалам теккан эди, бунга суриштирмади. Афтидан, олим буларни ишлатиб тугатган, деб ўйлади шекилли. Мана энди мен яширинча ёзгучман. Ҳозирча нима ёзишни аниқ билмайман. Дунёни англаш ҳақида ёзиш ниятим бор-у, бунга эришишим қийин, чунки бу жиддий масала, олам фалсафасини чуқур билиш керак. Майли, калламга келган фикрларимни ёзаверай-чи, вақти келиб ўғлимнинг қўлига тушиб қолса, „Отам аҳмоқ бўлмаган экан, фикрлаган экан“, деса ҳам катта гап!

Атай қилишганми ё бу бир тасодифми, билмайман, биракда раввин ҳам бор, роҳиб ҳам, зоҳид ҳам бор. Мен ҳам шу ерданман. Уччови уч олам бўлиб, битта Худога сифинади. Иш пайтида ёки бировининг тоби қочганда пайғамбарлари бошқа-бошқа эканини унутиб, меҳрибонлик қилишади. Фақат Худога юзланганларида учга айрилиб олишади. Қийинчиликлардан нолишмайди. Бу уқубатлар дўзах азоби

---

Ҳисобидан синов учун бериялпти, деган хулосада яқдиллар. Фақат... бу ердаги азоблари эвазига дўзах азобларидан озод этиб, жаннатдан жой беришни сўраб илтижо қилаётганларидан яна айри-айри бўлиб қоладилар. Худолари бир бўлгандан кейин, муножотлари бир бўлгандан кейин ёнма-ён утириб, бир хилда сўрайвермайдиларми? Умидлари — дўзах азобидан қутулиш. Улар билан теппа-тенг азоб чекапман, демак, мантиқ илмига асослансак, мен ҳам дўзахга тушмаслигим керак. Жаннатдан жой олишимга улар ишонмайди. Аслида ўзим ҳам ишонмайман, чунки улар айтаётган, ўлгандан кейин юз берадиган воқеаларнинг биронтасига ишонмайман. Уларнинг фикрича, мен ҳозир аросатда эканман, демак, Қиёматда ҳам жойим аросат майдони эмиш.

Мен комсомол билан партиянинг ақидасига ишониб, Худодан кечган эдим. Хизматларини садоқат билан бажарган эдим, эвазига бу ерга олиб келиб ташлашди. Партия менга хиёнат қилди, энди ундан ҳам кечдим. Худо менга хиёнат қилмаган эди, ёмонлигини кўрмаган эдим, ёшлик ғурурим биланми ё ғўрлигим биланми, кечиб, энди аслимга қайта олмаяпман. Худонинг олдида менинг юзим қора эмиш, майли, ўлаверайлик-чи, агар нариги дунё чинданам бўлса, ҳисоб-китобни қилиб олармиз. Агар шу ёзганларим ўғлимнинг қўлига етиб борса, айтадиганим шуки, Худо масаласида эҳтиёт бўлгин-у, аммо партияга ишона кўрма.

Мен бу ерда ўзимча бир нарсани кашф этдим: большевиклар эски замон сарқити деб синагогни ҳам, черковни ҳам, масжидни ҳам бузди. Аммо подшо қурган қамоқхоналарни, каторгаларни сақлаб қолди. Нега??? Бу савол раввинни ҳам ўйга толдирди, роҳиб ва зоҳидни ҳам. Улар тўғри жавобни билар эдилар, аммо биронталари фикрларини тилларига кўчирмадилар.

Урушгача кўп китоб ўқиган эдим, ҳикматларни ҳам биламан. Институтни битирадиган йилим мени кўққисдан НКВДга чақириб қолишди. Халқ душмани бўлган нарсонийнинг уйидан бир китобча чиққан экан. Чекистлар ўқишибди-ю, тишлари ўтмабди. Менинг вазифам уни ўқиб, яширин маъноларини топиб бериш эди. Ўқидим, очиги, мен ҳам яхши тушуна олмадим. Сўкиш эшитиб изимга қайтдим. Ўқиганларимни негадир унутиб юбормадим. Энди-энди ўйлаб қарасам, Худонинг ғазабига доир бир ав-

лиёнинг гаплари мусавийларга ёки Ийсо Масиҳнинг ҳаворийларига эмас, бугунги бузуқларга қарата айтилганга ўхшади. Роҳибга айтсам, бундай китобни ўқимаган экан. Ўқиган бўлса ҳам, тан олишдан қўрқди, шекилли. Мен ундан ранжимадим. Бу ерда ҳамма бир-бирига меҳрибон кўринса ҳам, илон бўлиб қўйнига кириб олгач, чақиб олиши ҳеч гап эмас. Зоҳидга айтиб эдим, у бир оз ўйла-ниб туриб, „Насроний ривоятларнинг кўпида хатолик бор. Тушунишимча, сиз айтган гаплар Бобил ҳалокатига доир-микин? Аллоҳ таоло издан чиққан айрим қавмларни жазо-лаб турган. Нуҳ алайҳиссалом даврида тўфон юборган, Лут алайҳиссалом даврида шаҳарни тош остида ҳалок қилган, Самуд, Од қавмлари ҳам ҳалок этилган. Товламачилик қил-ган бир қавмни эса маймунга айлантириб қўйган. Айтаёт-ганларим насроний авлиёнинг эртаклари эмас, Қуръонда баён этилган ҳақиқатлар. Худонинг шундай ғазабларига учрашидан қўрққан одамлар амалларини яхшилаб олиш-лари шарт“, деди. Раввинни суҳбатга тортиш қийин бўлса ҳам, фурсат топиб айтган эдим, одатини канда қилмай, кулимсираб қўя қолди. Шундай эҳтиёткор одам чекист-ларнинг қармоғига қандай илиниб қолди, ҳайронман.

Майли, уларнинг миялари ўз фикрларининг қабристо-нига айланиб қолаверсин. Ҳамонки, дунёни англаш мақса-дида кундалик тутган эканман, ўша эслаб қолганларимни ёзиб қўймоқчиман.

Авлиё дунё бузуқликларидан безиб, этаги денгизга ту-ташган баланд тоғдаги горда ёлғиз яшар эди. Бир куни куёш тиккага келиб, ибодат бошлаганида замин титради, денгиз қаттиқ чайқалди. Сокин сузиб юрган кемаларни сув ютди. Бу зилзила эмасди, тўфон ҳам эмасди. „На мўъжиза экан бу?!“ деб ҳайратда ўтирганида денгиз қаъ-ридан бир улкан махлуқ чиқиб келди. Махлуқ шу дара-жада қўрқинчли эдики, унинг етти боши, ўн шохи бор эди. Ҳар шохида тилла тож бор эди. Пешоналарига Худо-ни лаънатлаганларнинг исмлари ёзиб қўйилганди. Танаси баҳайбат, аммо чиройли йўлбарсники каби эди, оёқлари айиқники, жаги арслонники каби эди. Унга ажлаҳо ўз қудрати ва ҳокимлигини берганди. Махлуқнинг бир боши яраланган, тинмай йиринг оқарди. Аждаҳонинг нафаси билан жароҳат дарров тузалди. Буни кўриб, одамлар тал-

васага тушдилар, ўша заҳоти махлуққа сажда қила бошладилар. „Парвадигордан қўрқинлар!“ деб огоҳлантирувчиларни „Бу қудрат соҳибига ким ҳам бас кела оларди“, деб калтаклаб ўлдирдилар. Бу нодонлар махлуққа қирқ икки ҳафта муҳлат берилганини билмас эдилар. Ким махлуққа асир экан, асирликда ўлади. Ким бировни қилич билан чопар экан, ўзи ҳам ўлимини қилич тифидан топади.

Авлиё ер сатҳида яна бир махлуқни кўрди: унинг икки шохи бор эди. У қурт каби аста ўрмалади, бутун Ер юзига хитоб қилиб, денгиздаги етти бошли махлуққа сифинмоққа даъват этди. Ўзининг ҳақлигини исбот этмоқ учун осмондан олов тушириб, мўъжизалар кўрсатди.

Кўрганларидан даҳшатга тушиб, юраги ёрилаётган авлиёнинг қулоқлари остида майин куй янгради. Кейин болалар ёқимли товушлари билан Парвардигорни улуғловчи қўшиқни айта бошладилар. Сўнг авлиёнинг кўзига Сино тоғи кўринди, унда бир юз қирқ тўрт минг фаришта ўтирар эди. Улар Одам болаларини огоҳлантириб, „Муртадликларингиз эвазига Худонинг ғазаби билан тўйдирилган майни ичажагингиздан қўрқмайсизларми?“ дедилар. Бу огоҳлантириш ҳам инобатга ўтмагач, Парвардигор фаришталарининг қўлига май тўлдирилган жомларини берди. Бу жомлар ҳаёт лаззати билан эмас, Унинг ғазаби билан лиммо-лим эди.

Биринчи фаришта биринчи жомни олиб учиб, ғазаб майини ер сатҳига тўкди — муртадларни азобли яра-чақалар босиб кетди.

Иккинчи фаришта иккинчи жомни олиб учиб, ғазаб майини денгизга тўкди — денгиз ўша заҳоти ўлди.

Учинчи фаришта учинчи жомни олиб учиб, ғазаб майини дарёга тўкди — дарё суви қонга айланди. Шунда фаришта Худога хитоб қилиб деди: „Бу ишинг айни тўғридир, пайғамбарлар, валийлар қонини тўккан муртадлар қон ичиб, қон қусиб ўлишлари керак!“

Тўртинчи фаришта тўртинчи жомни олиб учиб, ғазаб майини қуёшга сепди ва Қуёш одамзодни куйдира бошлади.

Бешинчи фаришта бешинчи жомни олиб, ғазаб майини махлуқнинг тахтига сепди, махлуқнинг мулки шу зумда зулумотга айланди. Етти бошдаги етти жағ етти тилни аламли равишда чайнай бошлади.



Олтинчи фаришта олтинчи жомни олиб, ғазаб майини Ефратга тўқди, дарё ўша заҳоти қуриди.

Еттинчи фаришта еттинчи жомни олиб, ғазаб майини ҳавога сочди. Шу онда кучли зилзила бошланди, шундай кучлики, Ер юзи яралганидан бери бунақасини кўрмаган эди. Тўфон кўтарилди, чақмоқлар чақиб, тупроғу довдарахтларни тилиб-тилиб ташлади. Катта-катта шаҳарларни аҳолиси-ю иморатларига қўшиб, ер ютди...

Жанг майдонида бомбалар тупроқни тит-питини чиқариб юборганида мен шу ғазаб жомларини кўп эслардим. Бу ерда ҳам эслаяпман. Дўзахни оловли жой деб таъриф қилишади. Дунё симметрик мутаносиб шаклда яралган. Ҳамонки, ҳар нарсанинг иккинчи палласи бор экан, қайноқ дўзахнинг совуқ палласи ҳам бордир? Балки ўша совуқ палла ер юзасидадир? Бу совуқ дўзах ўша ғазаб майи сочилганда юзага келгандир? Бу ҳақда гапирсам, баракдошларим маъноли кулимсираб қўйишади. Мени телбага чиқаришмайди-ю, лекин баҳслашишни исташмайди. Чунки улар болаликларида нимани ёдлаб олишган бўлишса, ўшанга мутлақ ишонишади ва оғишмай амал қилишади. Биз буни „догма“ — қотиб қолганлик дердик. Бу догмачилар фикрлашни исташмайди. Аслида одамга фикрламай яшаш осондир балки? Бош оғриқнинг нима кераги бор? Фикрлашни исташмагани учун большевиклар уларни ўртага олиб, динни афюн деб, дўппослайверишади. Улар эса жўяли жавоб қайтара олмайдилар.

Авлиё етти бошли, ўн шоҳли махлуқни, ғазаб майларини бекорга ёзмагандир? Бунга яширинган маънони олимлар биладилар. Қани ўша олимлар? Фикрламайдиган диндордан олим чиқмайди, аксинча, у адашиб кетиши мумкин. Бир ўзи адашса-ку, майли-я...

\* \* \*

Бўрон мазкур сатрларни қайта-қайта ўқиб тушунгани — етти бошли махлуқ ҳақидаги эртакни қандайдир авлиё ёзиб қолдирибди. Буни НКВД ҳам тушунмаган, отасида ҳам аниқ фикр йўқ, қамоқ лагериди ўтирган роҳиб ҳам бир нима демаган... Воқеа баёни бор-у, мақсад навҳум. Буларни отаси биринчи ўғлига атаб ёзган. Балки Норйигит

Қайсидир китобда ўқиб тушунгандир, тушунгани учун қувчиларига сўзлаб бергандир? Бўрон бу ердаги ишларини ниҳоясига етказгач, кетиш олдидан ўгай акасига ўзини танитиб, дафтарни топшириб кетишни ният қилган. Унга эса ҳали вақт бор. Дафтарни ўз қўли билан топширишга улгурадими ё йўқми, буни Худо биледи!

Эрталабки сутни Бўроннинг ўзи топширгани олиб келди. Қабул қилувчи йигит уни кўриши билан довдиради. Сутнинг бир томчисига хиёнат қилмай, расмийлаштирди. Бўрон унинг саросимага тушганини фаҳмламагандай елкасига аста уриб кўйиб, сўради:

— Бўрон акам келмайди, ўшанақаси гумдон бўлиб кетди, деб ўйловдингми?

— Ундай деманг, амак, кутдик... Фақат...

— Хўжайининг тўй қиляптими?

— Ҳа... эшитибсиз-ку?

— Тўёнага иккита кўчқор олиш керакми?

— Бошқалар тўрт-бештадан олишади, бизарнинг одатимиз шунақа.

— Менинг одатим эса бошқача: кеча қамоқхонадан хат олдим, тўртта азроил қутулиб, менинг олдимга келмоқчи. Шуларнинг иккитасини хўжайинингга тўёна қилиб қўя қолсам-чи? Биттаси сенга, қолган биттасининг яна эгаси чиқиб қолар, нима дединг?

Йигитнинг қўллари титраб, сутдоннинг қопқоғини ёполмай ҳам қолди.

### ЙЎҚОЛГАН „ИГНА“

Фирромнинг топшириғига кўра, Файрат ярим кечада катта йўлдаги назорат постига етиб келди. Белгиланган соатда учта усти ёпиқ КамАЗ кўринди. Биринчисидан тушган Фирром аввал Файрат билан, кейин инспектор йигит билан эски қадрдонлардай сўрашди.

— Карвон катта-ю, акахон? — деди Файрат норози оҳангда. Фирром қарздорини бу ишга жалб қилаётганида битта КамАЗни кузатиб боришни айтган эди. Фирром ўша шартни унутгандай, бу шамани беписандлик билан қабул қилди.

— Карвон катта бўлса, тушуми ҳам шунга яраша бўлади, укахон. Чамалаб кўрсам, йигитнинг гули елкасидаги

қарзни бир машина шарбат юва олмас экан. Яна бир томони, боғбонларга раҳмим келди: мевалари пишиб, ириб кетяпти, тошкентликларга ҳам ачиниб кетдим — иссиқда томоқлари қуриб, халлослаб қолибдилар. Тошкентнинг чанқоғини босишга бир машина шарбат етарканми? Уч машинаси ҳам улар учун бир қултумдай гап. Сиз, йигитнинг гули, буни ташлаб келгунингизча, яна ўн машинасини шай қилиб кўямиз. Тошкентлик акахону укахонларга шуни етказиб, тинчлантириб кела туринг.

Фирром шу гапларни айта туриб, инспекторнинг чўнтагига пул солиб қўйди. Йигит буни сезмагандай индамади, аксинча, уларни холи қолдириб, сал нари кетди. Шундан сўнг Фирром қўлидаги халтачани Файратга тутқиздида, каттақонлигини пеш қилиш учунми, сенсирашга ўтди:

— Бу ўзингда турсин, эҳтиёт қиласан. Ошнамнинг онаси ўладиган қасалмиш, дориликка кўкнори сўраган эди, ўзим кўтариб боролмайман.

— Уйи қаерда?

— Уйига бормайсан, шаҳарга кираверишингда сени ўзи кутиб олади.

Фирром шундай деб тайинлагач, „Темиртов!“ деб чакирди. Биринчи машина ҳайдовчиси индамай тушиб, Файрат билан кўришди. Файрат кўришаётиб, унинг билагидаги татуировкага кўзи тушса-да, эҳтибор бермагандай бўлди.

— Бу аканг Темиртовда темир қазийвериб, отини ҳам ўзгартириб олган. Сен „Темир ака“, деяверасан. Карвоннинг каттаси шу одам, сен кузатувчисан. Фиринг-бидинг дейиш йўқ. Темиртовда бошларига гурзи тушиб кетиб, миялари бир озгина чайқалиб қолган, сал нарсага ғазаблари жўшиб кетади-я, эҳтиёт бўлгин.

Бу гапларни Файрат ҳазил ўрнида қабул қилгандай. кулимсираганича Фирром берган иккита картани чўнтагидан олиб, бармоқлари орасида ўйнай кетди. Бу билан „Темиртовда мияси чайқалган“ карвонбошидан заррача кўрқмаслигини маълум қилиб қўйди. Фирромнинг сўнгги топшириқларини эшитишгач, йўлга тушишди. Йўлдаги назорат постларида муаммо туғилмади. Файрат ҳатто пастта тушмади. Машина тўхтатилиб, ҳужжатлар сўралганда Темиртов ҳужжат ўрнига пул тутқазгач, қандай муаммо туғи-

мумкин? Шаҳар остонасидаги постдан ўтиб, ҳалқа  
бўйлаб икки чақиримча юришгач, тўхташди. Орқадан  
келган сариқ „Жигули“ секинлади, аммо тўхтамади.  
Орқа ўриндиқда ўтирган қора кўзойнакли одам Темиртов-  
га бир имо қилганини Файрат сизди.

— Укахон, сизнинг ишингиз тугабди, бу ёқдаги йўлни  
сизмиз топиб оламиз, — деди Темиртов.

— Бир кишига бериб қўйиладиган омонат бор, — деди  
Файрат қўлидаги халтачага ишора қилиб.

— Менга бериб қўяверасиз, омонатнинг эгаси мен бў-  
лман.

Файрат ортиқча савол бериб ўтирмай, халтачани унга  
узатгач, машинадан чаққон ирғиб тушиб, „Хайр“ дегандай  
қўл силтаб қўйди.

\* \* \*

Файрат хизмат вазифасини бажариш мақсадида министр-  
ликка келди. Уни кутиб олган майор „Гаражга учранг,  
районга ажратилган машинани олиб, бугуноқ қайтинг. Ма-  
лака оширишга келган Комилов сизга ҳамроҳ бўлади“, деб  
гапни калта қилди. Гараж бошлиғи Файратнинг ҳужжатла-  
ри билан танишгач, ҳовлининг бир четида турган эски  
„Нива“га бошлаб келди.

— Сизга аталган тойчоқ мана шу. Хизматдаги ютуқла-  
рингиз учун алоҳида равишда тақдирлашибди, деб эшит-  
дим, қутлуғ бўлсин. Устига қараманг, усти қалтироқ бўл-  
гани билан ичи ялтироқ. Бу учар тойчоқ билан Помирни  
ошиб ўтсангиз ҳам бўлади.

Машинанинг янги филдиракларига қараганда гараж  
бошлигининг мақтовлари асосли эди. Файрат машинани  
миниб йўлга чиққач, бунга яна бир карра амин бўлди.  
Уйига боришдан олдин Милиция мактабига кириб чиқди.  
Малака оширишга келган Шуҳратнинг бир соатча олдин  
чиқиб кетганини эшитиб, боши қотди. Майорнинг топши-  
ригига кўра, Шуҳрат унга ҳамроҳ бўлиши керак эди.  
„Ўқишдан рухсат теккач, тўрва-халтасини кўтариб жўна-  
вордимикин?“ деб ўйлади. „Бугун кетадиган бўлса, кечки  
поездга чиқади, ўша ерда топаман“, деган ўйда уйига қа-  
раб юрди.

---

Ҳовлига қадам кўйиб, катта тут соясидаги сўрида ўтирган дўстини кўрди-ю, „Келишимни қайдан билган?“ деб ажабланди.

— Уй эгаси меҳмонни кутиш ўрнига меҳмон ош дамлаб пойлаб ўтирадиган замонларга ҳам етиб келибмиз-а! — Шухрат шу ҳазили билан уни кулиб қарши олди.

Файрат ошхонадан чиқиб келган онаси билан кўришиб, уй томон қаради.

— Аданг сафардалар, кейинги ҳафта қайтадилар, — деди онаси унинг мақсадини англаб.

Ош дамланган эди, икки ошна у ёқ-бу ёқдан гаплашиб олишгунча, онаси сузиб олиб келди. Ўзи чўқилаб-чўқилаб ўтирди. Соғинган нигоҳини ўглидан узмади. Шухрат ҳам, Файрат ҳам милициядаги хизматларидан сўз очишмади. Хайрлашиб, йўлга чиқишгач, Файрат:

— Тойчоқ қалай? Яхши ишлаганларинг учун мукофотлашибди, — деди.

— Нега „яхши ишлаганларинг учун“? Сен йўқмисан бу сафда?

— Мен яқинда келдим, каттангта маъқул келадиган бир ишни қойиллатмадим. Шу машинани ҳайдаб боришни ишонибди, бу мен учун улуғ бир шараф, — деди Файрат кулиб.

— Чинданам шараф... — деди Шухрат ўйчан тарзда. — Менга айтишса, ўзим ҳам ҳайдаб кетаверардим. Бугун эрталаб кутилмаганда ўқишдан озод қилишди. Аслида ўқиш криминалистларники экан. Келган кунимоқ изимга қайтариб юборишлари керак эди. Лекин индашмади. Бир томони қувондим, баҳонада бу соҳани ҳам дурустроқ ўрганиб оламан, дегандим, бугун бунақа гап чиқиб турибди.

Шухрат „Сабабини сен билмайсанми?“ деган маънода дўстига савол назари билан қаради. Файрат полковник Равшановнинг шошқич равишда пойтахтга жўнаб қолиши бежиз эмаслигини фикр қилса-да, бу ҳақда гапириб ўтирмай, гапни ҳазилга бурди:

— Назира министрға хат ёзгандир, „Севганимни соғиндим, кўрмасам ўламан“, деган бўлса, министрнинг раҳми келгандир.

— Агар сен ўргатган бўлсанг, ёзишдан ҳам тоймайди у қиз, — деб кулди Шухрат.

Туни билан йўл юриб, Ясситепага субҳи козибда етиб келишди. Хўрозлар ҳали тонгни уйғотиш ҳаракатини бошлаганима, бир-икки ит итлигини билдириб қўйиш учун эринибгина ҳуриб қўйиши инобатга олинмаса, Ясситепада қимжитлик ҳукм суларди. Файрат навбатчига ҳисобот бериб, машинани идора ҳовлисига киритиб қўйгач, „Бир-икки соат мизғиб келай“, деб ижара-уйига кетди.

Нарзиев эрталаб хизматга келиб, навбатчининг ҳисоботини эшитгач, ҳовлига ўтиб машинага бир назар ташлади-ю, юзини буриштирди. Файратнинг яна қайтиб келгани ёқмадим унга ё машинанинг эскилигимини, афтидаги ўзгаришдан билиб бўлмасди. Равшанов билан даҳлизда учрашиб, уни хонасига бошлади.

— Машина қутлуғ бўлсин. — деди Равшанов кулимсираганча.

— Эгасига қуллуқ, — деди Нарзиев энсаси қотиб. — Тушунмадим, кечқурун майор Баҳромовнинг ўзи қўнғироқ қилиб, машинани Жалиловга бириктириб қўйинг, деб буюрди. Эркатойингизнинг суянадиган тоғаси уни бира тула министр қилиб қўя қолмайдими?

— Шунисига кучи етмайди, — деди Равшанов муғомбирлик билан кулимсираб. — Министрни Москва тасдиқлаши керак. Москвада суянадигани йўқ унинг.

— Шунисига ҳам шукр...

— Сиз бунақа майда-чуйдага аҳамият берманг. Билишимча, машина шахсан Жалиловга эмас, шу участкага бириктирилган. Жалилов уч-тўрт ой ишлайдими ё йўқми, кетади, машинани орқалаб олиб кетмайди-ку?

— Шунақа-ку... лекин жонини жабборга бериб ишлаётганларга велосипед ҳам беришмайди. Уларга нима деб тушунтираман.

— Тушунтириб овора бўлиб ўтирманг. „юқорининг буйруғи!“ — тамом-вассалом! Биз кичкина одамлармиз, юқорининг буйруғини муҳокама қилолмаймиз! Мен бўлиб ўтган воқеаларни мулоҳаза қилиб кўрдим. Ходимларга жазо беришга шошилманг. Менинчга, Қиморбознинг изига тушганларнинг бир томондан яхши бўлибди. Пистирманинг ошкор бўлиши, албатта, ёмон, бу уқувсизлик белгиси, лекин фожа эмас. Баъзан уқувсизликнинг оқибати яхшиликка олиб келиши ҳам мумкин.

---

— Тушунмадим?

— Қиморбоз билан қизиқаётганимизни уларнинг билганлари яхши, демоқчиман. Ҳа, айтмоқчи, биз „Қиморбоз“ деб ном қўйган одамнинг „зона“даги лақаби „Фирром“ экан. Қамалгунига қадар „Шулер“ деб аташган. Биз „Қиморбоз“ лигича қолдираимизми?

— Картотекада „Фирром“ бўлса, ўзгартириб нима қилишдик?

— Бу гапингиз ҳам тўғри. „Фирром“ми ёки „Шулер“ми, барибир, лақаблари унинг уста товламачилигидан дарақ бериб турибди. Лекин... қанчалик уста бўлмасин, барибир у асосий куч эмас, бу ўйиндаги майда бир чайқовчи даражасидаги одам. Ўлатнинг ўлиmidан кейин янги ўйин ўйлаб топишган: майдонга Фирромни туширишди, биз унинг масхарабозлигига чалғиб турганимизда катта молни бошқа йўллар орқали олиб ўтиб кетишди. Ҳатто уларнинг режасида бизнинг қармоғимизга ўша Фирромни илтириб кетиш ҳам бўлиши мумкин. Сиз халқаро миқёсдаги волейбол ёки баскетбол мусобақаларини ҳеч кузатганмисиз? Таймаут пайтида асосий ўйинчилар тренер атрофига тўпланиб асосий зарба бериш режасини пишиштишаётганларида майдонда ярим яланғоч гўзаллар рақсга тушиб, томошабинларнинг диққатини чалғитиб туради. Фирромга ўша қизларнинг вазифаси юкланган. Биз эса гўё томошабинлармиз.

— Ҳозирги жим туришлари тайм-аутми?

— Ўлат асосий ўйинчи эди. Унинг ўрнига майда қиморбозни қўйишмайди. Ўринга-ўрин кучли одамни топгунларича сабр қилишади. Бу сабр жараёнида бизнинг зийраклигимиз сусайишини ҳам ҳисобга олишган. Таймаут бекор кетмайди, аввалгидан икки, балки уч ҳисса кўпроқ мол олиб ўтишга уринишади. Афғон томонда мол тўпланиб қолгани аниқ. Билмадим-у, лекин афғонларнинг ярми уруш билан овора, қолган ярми кўкнори экиш билан бандга ўхшайди. Халқаро маълумотга қараганда бу йил тўрт минг тоннадан ошиқ афғон тайёрланибди. Хўп, қаердан олиб ўтишади? Бу қийин савол эмас, жавоби ундан-да осон. Битта курьерининг ошқозонида қорадорилти халтача ёрилиб кетибдими?

— Шунисига ажабландим. Самолётда учадиганлар орасида шунақаси борлигини эшитган эдим. Бунга беш-олти соат вақт кетади, тушуниш мумкин. Лекин бу чегарадан

у чегарагача етиб боролмаслиги аниқ-ку? Ўзларича бизларни лақиллатишмоқчимиз? Орада битта одам ўляпти.

— Нафс миллионлаб долларни кўрсатиб турганда биттами ё ўнтами одамни ўлдириб юбориш улар учун писта чақиб ташлагандай гап.

— Менга қолса, бунақаларнинг ҳаммаси ит азобида ўлиб кетавергани маъқул. Ўзи ўлмаса, минглаб ёшларнинг ёстигини қуритиб кетади.

— Афсуски, бунақаларнинг ҳаммаси ўзича ўлиб кетавермайди. Шайтон биз қоралаётган афюн оламининг асл башарасини яшириб, кўпчиликнинг кўзига жуда чиройли, жилвагар қилиб кўрсатиб қўяди. Биттаси ўлса, ўрнига иккитаси пайдо бўлади. Агар шу кўпайиш бизнинг лоқайдликимиз ёки анқовлигимиз туфайли юз берса, жамият бизнинг айбимизни кечирмайди. Биз бу ерда қурьерларнинг йўлини тўсмоқчи бўлиб бош қотиряпмиз. Уша Улат ҳам, бу Фирром ҳам чивиндай бир гап. Чегаранинг у томонида халқаро наркомафия яйраб-яшнаб юрибди. Ҳатто айрим мамлакатлар тахтига ўз одамларини қўйиб, истаган номаъқулчиликларини қилиб юрганларини бутун дунё биледи, тўғрими? Биледи-ю, лекин чора кўролмайди. У ёғи Гонконг, бу ёғи Мексика-ю Колумбия шунақанги кучли занжир ҳалқалари билан боғланганки, зўрман деб керилувчи давлатларнинг тишлари ўтмай турибди. Бир неча йил бурун Америка Колумбияни афюндан тозалайман, деб ҳарбий босқин қилди. Нима ўзгарди? Ҳеч нима!

Дунё харитасида нуқтадай жойни эгаллайдиган кичкина районнинг кичкина милицияхонасидаги икки кичкина раҳбар халқаро миқёсдаги оғир вазифани ҳал этиш йўллари шу тарзда ўзаро фикрлашиб топишга уринишди.

\* \* \*

Ғайрат уйда димиқиб кетиб, ҳовлидаги супага чиқиб ётди. Энди ухлаганда қуёш кўтарилиб, пашшаларга жон кирди-ю, Тошкентдан терлаб келган йигитнинг зиёратига ёпирилиб кела қолишди. Пашшаларни ҳайдашдан фойда бўлмагач, Ғайрат қаддини кўтариб, уйқули кўзларини очолмай пича ўтирди. Кейин одати бўйича енгил бадангарбия қилгач, тошдан тошга урилиб шиддат билан оқаётган



сойнинг муздек сувида ювиниб анча тетиклашди. Бошлиғига ана шу тетик кайфиятда рўпара келиб, топшириқ ба- жарилгани ҳақида ҳисоб берди.

— Машина сенинг участкангга бириктирилди, — деди бошлиқ нохуш кайфиятда. — Бобонгдан мерос қолган бўл- са ҳам, сал ўзингни босиброқ мин.

Файрат бу кинояни тушунмагандай, эгасига содиқ хиз- маткор кўринишида сал эгилиб қуллук қилиб, бу марҳамат учун миннатдорлик билдирди. Бу лутфга жавобан Нарзиев уни узоқ бир қишлоқдан хабар олиб келишга жўнатди. Гараж бошлиғининг таъбирича, Помир тоғини ошиб ўтиш- га мўлжалланган бу машинада тоғли қишлоқ йўлларидан юришнинг ўзи бўлмасди. Бундан кўра эшакдами ё хачир- дами юриш минг марта афзал эди. Файрат ёш бўлса ҳам, қалдир-қулдур йўлда юришдан толиқди. Узоқ қишлоқдан қайтганда куёш тоғ ортига ёнбошлаган эди. У гузарга кира солиб қаҳвахонага қаради: пивохўрларнинг байрами авжи- да эди. Нарзиев идорада йўқ экан, пивохўрлик бўлмагани- да Файрат Моҳидилнинг ёнига учиб чиққан бўларди. Ле- кин начора...

Икки соғинган дил қош қорайганда учрашди. Кўзлар „Оҳ, қанчалар соғиндим сизни, дақиқа мен учун соат бўлди, соат кун, кун ой каби ўтди, тепамдаги куёшни айрилиқ булути ўраб олиб, мени қайғуга солди“, деб қич- қирса ҳам, ҳеч бири тил учида бўлса ҳам, „Сизни соғин- дим“, демади. Интилган диллар қовушар илинжида экан, тиллар гина билан банд бўлди:

... наmunча, эрталаб келган экансиз, узоқдан кўриб қол- дим, ... машинали бўлибсиз, энди ...

Файрат энди гап бошламоқчи бўлганида Фирром пайдо бўлиб, уни четга тортди. Файратнинг мутелик билан унга эргашганидан жаҳли чиққан Моҳидил, ғазабини яширмай, идишларни шарақ-шуруқ қилиб йиғиштира бошлади. Битта шиша тасодифан тушиб синган эди, иккинчисини ўзи туртиб туширди. Фирром „Сафар қандай ўтди, йўлда хитлик бўлмадимми?“ деб суриштирмади ҳам. Аксинча, бир- данига янги топшириққа ўтди:

— Командир, зарур иш бор, шаҳарда икки ошнам ку- тиб турибди. Шуларни олиб, нариги постдан ўтказиб беришинг керак.

— Бугунми?

— Бугун эмас, ҳозир.

— Акахон, мен хизматдаги масъул одамман, югур, десагиз югуриб кетадиган дастёр бола эмасман.

— Биламан, йигитнинг гули. Биринчидан, бу хизматдаги одам бажарадиган иш. Тез бажариладиган ишнинг нархнавоси бошқача бўлади. Тезкорлик учун мукофот бор. Чавандоз бўлибсан, — Фирром шундай деб машинага қараб имо қилиб қўйди: — Аргумоқнинг кишнашини эшитдик, энди оёқларини бир кўрайлик, яхши чопмаса, алмаштириб берармиз.

— Ҳозир ҳеч боролмайман, хўжайин мажлис чақириб қўйган.

— Ўзингни бозорга солаверма. Хўжайиннинг областга кетган.

— Каттаси кетган бўлса, кичиги бор.

— Ўзингни бозорга солма, деяпман. Себзорлик йигитнинг илтимоси ерда қолгунча ўзи ерда чиригани яхши, а?

Файрат яна бир оз ўйланган бўлиб, кўнди. Фирром шаҳарнинг қаерида, қандай одамлар кутиб турганини билдиргач, Моҳидил томон юрди:

— Моҳий, бизнинг зарур ишимиз чиқиб қолди. Эрта-лаб қаймоқ олиб қўйгин, нонуштага иккита себзорлик биллалашиб кирамиз.

Моҳидил жаҳл билан лабини буриб, қошларини чимирди. Бу лаб буриш ҳам, қош чимириш ҳам аслида Файратга аталган эди. Йигит буни фаҳмлаб, айбдорларча кулимсираш билан ўзини ҳимоя қилган бўлди. Фирром қизга рашк эмас, ҳирс билан қараб олгач, шошганича изига қайтди. Файрат Моҳидилнинг бўшабини мактаб муаллими синф бурчагига турғазиб қўйган айбдор боладай жимгина кутди. Қизга гапирса, яхши жавоб олмаслигини билгани учун пештахтага яқинлашмади. Моҳидил атай ишини чўзди, дамбадам йигитга ўғринча қараб, „жазо муддатини“ узайтираётганидан ўзидан ўзи мамнун бўлди. „Жазо муддати“га сабр қилиш яхши самара берди. Моҳидил жаҳлдан тушди. Қизнинг қалби согинч билан уриб турганда арзимас жаҳл унга қанча вақт ҳукм ўтказиши мумкин экан? Севган юракни ўртаган согинч ўз қудратини ишга солган онда арзимас жаҳлни маҳв этиб, нозга айлантриб бериши қи-

йин эканми? Хуррам ишқ мавжуд экан, аразнинг умри гоят қисқа бўлади.

Моҳидил Файратнинг машинада кузатиб қўйишига рози бўлмади. Йигит унинг инжиқлигига кўниб, ёнида пиёда кетди.

— Тошкентнинг қизлари яхши кутиб олишдими? Тозза соғиниб кетишгандир? — деди Моҳидил йигитга қарамай.

— Тошкентнинг қизлари мендақа йигитга қарамай қўйишган. Дарахтни силкитса, менга ўхшаган мийлиса ёғлаётганмиш. У ёқ-бу ёққа қарашга вақт ҳам бўлмади, бордим-у, вазифа олиб изимга қайтдим. Ишонмасангиз, ана, Шухратдан сўранг.

— Шунақами? Албатта сўрайман. Ундан олдин сиз Назирага учраб, ўртоғингизнинг фариштадек оппоқ эканига гувоҳлик бериб қўйинг. Иккита ўртоқ бир-бирингизни бекорга гувоҳ қилмаётгандирсиз?

Бу гапни эшитиб, Файрат қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Қойилман! Тезкорликда ҳеч ким қизларга етолмайди! Аслида мендақа пандавақиларни ҳайдаб, мийлисага фақат қизларни олиш керак.

— Ҳа, энди шу етмай турувди...

Моҳидил шундай деб бир оз жим юрди.

— Мақтаган китобингизни ўқиб чиқдим, — деб мавзуни бирданига буриб юборди.

— Қайсини?

— „Ўткан кунлар“ни. Китоб ёқмади.

Бу шарттакилик йигитни ажаблантирди, ҳатто гап тополмай қолди:

— Нега? Ҳаммага ёққан... фақат сизга...

— Отабек яхши одамми?

Кутилмаган бу савол гапга чечан Файратни шошириб қўйди. Қизнинг мақсадини тушунди: „Яхши“, деса, Зайнабга уйланганини пеш қилиб, хотинбозликда айблаши тайин. Отабекни ёқладими, демак, ўзи ҳам хотинбозликда гумон қилиниши мумкин. Қизга китобий тарзда жавоб беришдан ўзга чора топмади:

— Албатта, яхши одам, лекин ўша ўтмиш урф-одатларининг қурбони. У пок севгининг рамзи. Кумуш учун жонини беришга ҳам тайёр.

— „Жонини беришга тайёр?“ Нега бермади ўша жонини?

— Керак бўлса... берарди.

— Керак эди! „Мен сизлар топган қизга уйланмайман“, деб ўзини осиб қўйса бўлмасмиди?

Файрат тўхтаб қолди. Қиз ҳам жавоб кутгандай тўхтади. Файрат қизнинг гаплари жиддийми ё муғомбирлик қилиптими, фарқлай олмади. Овозида жиддий оҳанг бор, кескин овоз алдамчи бўлади. Алдай олмайдиган кўзларни кўришга эса кўча қоронғилиги монелик қилипти. Кутилмаганда қиз кулиб юбориб, йигитни ноқулай аҳволдан ўзи қутқарди.

— Бўлмасди! Отабек ўзини осиб қўйса, китоб ярмига бўрмай тугаб қоларди. Кумуш ҳам ўлмасди, унга ҳеч ким эчинмасди... Мактабда „Кумуш ва Отабек — чин муҳаббат эгаси“ деган иншо ёзганимизда Назира муаллима опамизнинг эсини чиқариб юборган.

— Нега?

— „Иккаласи ҳам чин муҳаббат эгаси эмас“, деб ёзганда. „Аввало, Отабек иккинчи хотинни олганидан кейин Зайнабга ҳам бирдай қараши керак эди, Кумуш Тошкентга келгач, Зайнабга қитмирлик қилиб, унинг жигига тегди, ўзининг ўлимини ўзи сотиб олди“, деган иншода имло хато бўлмаса ҳам икки баҳо қўйилган.

— Сиз нима деб ёзгансиз?

— Менми? — Моҳидил „Айтайми ё айтмайми?“ деб иккилагандай сукут сақлади, кейин афсусли оҳангда деди:

— Мен... ҳозир отабеклар қолмаган, деб ёзганман. Менга ҳам икки қўйишган.

— Кумушлар-чи? Қолганми?

— „У бетингизга Зайнаб урсин“, дейдиган кумушларми? Тошкентда балки қолгандир. Лекин Ясситепада бунақаси йўқ!

Моҳидил кескин оҳангга кўчиб шундай дегач, тез-тез юриб кетди. Оҳанг кескин бўлгани билан, гап Файратга ёқди. Уйга яқин келиб қолишгани учун қизнинг изидан юрмади. Моҳидил ҳовлига кириб кетгандан кейин ҳам у томон қараб тураверди. Кейин изига қайтиб, милиция идораси олдида турган машинасига ўтирди. Навбатчи „Қаёққа кетяпсиз?“ деганича қолаверди.

Файрат шаҳарнинг дарёга туташ томонидаги ресторани қийналмай топди. Фирром ресторан ташини ҳам, ичка-

рисини ҳам аниқ тасвирлаб берган эди. Пойгакдаги очик дераза қаршисига қўйилган стол атрофида икки киши ўтирарди. Стол устида очилмаган битта шампан виноси ва битта коньяк қўйилган. Иккала хўранда ҳам бир-бирига ўхшайди: бадқовоқ. Милиция лейтенантининг индамай келиб ўтириши уларни ажаблантирмади.

— Қушчаларга аталганмиди, учиб келишмадимиз? — деди Файрат шампан билан коньякка ишора қилиб.

— Энди келишятувди, сен ҳуркитвординг, — деди бадқовоқларнинг бири.

— Ҳуркитган бўлсам, ўринга-ўрин онаси ўпмаганларини ўзим топиб бераман.

Бадқовоқлар бир-бирларига маънодор қараб олишгач, гап-сўзсиз ўринларидан туришди. Официантни олдиндан рози қилиб қўйишганмиди, у ҳой-ҳойлаб йўлларини тўсмади. Файрат эса шампанни қўлтиқлаб, коньякни эса қўлига олиб, улар изидан ташқарига чиқди. Бадқовоқлар унинг бу ҳаракатидан ажабланишди.

— Исрофгарчиликни ёмон кўраман, — деди Файрат уларга изоҳ бериб.

Бадқовоқларнинг бири ёнига, иккинчиси орқа ўриндиққа ўтирди. Жиноят олами билан боғланган милиция ходими учун бу ҳолат гоят хавфли эди. Ҳеч қандай эҳтиёт чораси кўришга улгурмади ҳам. Шаҳардан чиққунларига қадар жим кетишди.

Ҳамроҳлардан садо чиқавермагач, Файрат шинавандалардан эканини билдириб қўйиш учун яхши кайфиятда гап бошлади:

— Индамай кетаверамизми? Ҳеч бўлмаса танишиб олайлик?

— Танишиб нима қиласан? Биз сени таниймиз, шунинг ўзи кифоя. Бизни ўла-ўлгунингча бошқа кўрмайсан, — деди ёнида ўтирган бадқовоқ йўлдан кўз узмай.

— Ўла-ўлгунимча ҳали кўп тоғлар емирилиб кетса керак... — деди Файрат унга бир қараб олиб. — Хавотирланаётганга ўхшайсизлар. Чўчиманг, зиён-заҳматсиз етказиб қўяман. Мол кўп бўлса, одамнинг хавотири ҳам кўп бўлса керак, а?

— Қанақа мол? — Бадқовоқ чўчиб тушгандай кескин бошини буриб унга қаради.

Файрат ундаги ўзгаришни сезса-да, ўзини билмаганга сўлиб, ҳатто меров одам оҳангига кўчиб деди:

— Қанақалигини мен қайдан билай? Герами, кокоинми ё нашами?

Гапини тугатмай, орқадаги бадқовоқнинг темирдек панжаси унинг елкасига тушди:

— Следи за базаром! Қанақа гера?

— Сен бизни ким деб ўйляяпсан? — деди ёнида ўтирган бадқовоқ хотиржам оҳангда. — Биз қиморбозмиз, ўйинга кетяпмиз.

— Ҳазиллашдим, жаҳлингиз чиқмасин. Жасур акам мени ҳам бир кунмас бир кун катта ўйинга олиб боришга ваъда берганлар. Балки ўша ўйинда учрашиб қолармиз. Ўзим милиса бўлсам ҳам қимор жони-дилим. Милиса мактабида ўқиётганимда ҳамманинг чўнтагини қоқиб олардим. Шунинг учун менга „Шулер“ деб лақаб беришган эди. Милисанинг шулер бўлиши қизиқ-а? Икки марта ўқишдан ҳайдамоқчи бўлишган. Лекин милисанинг ичида ҳам битта шулер бўлсин, деб аяшган.

— Закрой поддувало. — деди орқада ўтирган дарғазаб бадқовоқ. — Сен биз билан бунақа ҳазиллашма, бола. Тилинг куйса майли-ю, бошқа еринга ўтиб кетса, қиморни нариги дунёда ўйнайдиган бўласан.

— Бу гапингиз ҳам зўр бўлди. Ўлсам, у дунёда нима қиламан, деб ташвиш чекиб юривдим. Гулдай ҳунар билан у дунёда хор бўларканманми? Унақасига ҳам, бунақасига ҳам, акахон, сизлар билан бир-икки ташлашиш тақдири-мизда бор.

Файратнинг шинавандалиги иш бермади.

Яна бир-икки ҳазилига қамоқ лагерида ўғрилар тилидан учиб турадиган ҳақоратли, ҳатто пўписали жавоб олгач, жим кета қолди.

Орқадаги бадқовоқнинг аввалбошда „Гапингни ўйлаб гапир“, кейин „Юм огзингни!“ дейиши ҳолва эди. „Надо посадить его на бубуку“ дегани жиддий огоҳлантириш бўлди. „Буни бесоқолга айлантириб қўйиш керак экан“ деган маънодаги бу гапни ҳатто айрим милиция ходимлари ҳам тушунмаслар, лекин Файрат пўписанинг тез орада ҳукмга айланиши мумкинлиги ҳақида қайсидир китобда ўқиган эди.

---

Қишлоқ кўчаларидан ўтиб, Ясситеплага қараб юришмади. Унча баланд бўлмаган довонга етишгач, орада томондан зардали буйруқ янгради:

— Шу ерда тўхтат.

— Жасур акам тайинлаган жойга ҳали етиб бормадик-ку? — деб ажабланди Файрат.

— Тўхтат, дегандан кейин маҳмаданалик қилмагин-у, тўхтат, — деди ёнида ўтирган бадқовоқ, — бу ёғига йўлни ўзимиз биламиз.

Файрат машинани тўхтатиши билан иккови бараварига тушиб, чинданам бу жойларни яхши биладигандай, юқорига ўрлаган йўл бўйлаб юриб кетдилар. Файрат жойида ўтирганича уларни кузатди. Фирромнинг топшириғи, буларнинг эса ярим йўлга етмай тушиб қолишлари уни чиндан ҳам ажаблантирди. Бундан мақсад не эканини билолмай, боши қотди. Бадқовоқлар икки юз қаламча юришгач, дарахт панасида турган машина чироғини ёқди. Файрат кўп ўйламади, „Бу ёғи энди таваккал“, деди-ю, уларнинг изидан тушди.

Ҳайдовчи пешкўзгудан ортга қараб, йўловчиларини огоҳлантирди:

— Машинанглар орқасига қайтмади.

У айтмаса ҳам бадқовоқлар Файратнинг изма-из келаётганини билиб ўтиришганди.

— Келаверсин, — деди бири хотиржам равишда.

— Анави қоядан ўтиб олгандан кейин секинлатайми, етиб олса, қулай жой бор, бурилишда сиқиб, асфаласофилинга жўнатвораман. Тирик милисадан кўра, ўлиги яхши, нима дедингиз?

— Сен ўз йўлингни билгин-у, бошқасига аралашма. Агар у ўлса, патрон ўзингни асфаласофилинга жўнатади.

Бу ҳайдовчи Файрат каби шинаванда эмасди, унга битта гап кифоя қилди. Довон ошиб, манзилга етгунларича оғиз очмай, жим кетди.

Атрофи икки қулоч баландликдаги девор билан ўралган богнинг ланг очиқ темир дарвозаси машина киргач ҳам ёпилмади. Файрат бу атрофга биринчи келиши эди. Тўхтаб, атрофга назар ташлади: чала қурилган иморатлар, атрофи деворлар билан ўралган серҳашам уйлар... Қишлоқларда ҳовлини бунақа баланд девор билан ўрамайдилар.

Кал-хол кирмаслиги учун ҳафсала қилсалар панжара би-  
 ы. йўқса, четан билан ихота қилиб қўя қоладилар. Де-  
 ак. бу ер қишлоқ эмас, шаҳарликларнинг дала-боғлари.  
 айрат шу тўхтамга келиб, очиқ қолган дарвоза томон  
 ўди. Остонанинг қоқ ўртасида машинасини тўхтатди.  
 овати тўрида икки қаватли уй. Уй олдида бояги машина.  
 алқовоқлар тушиб, ичкари киришга улгуришибди. Ҳай-  
 довчи эшикни очганича кимнидир кутиб турибди. Уйдан  
 фирром чиқиб келиб унга яқинлашди. Ҳайдовчи нимадир  
 сөгач, дарвоза томон қараб бош ирғганича кулиб, унинг  
 тикасига уриб қўйди. Шундан сўнг ҳайдовчи ўрнига ўти-  
 риб, машинасини орқага юргизди. Файрат ҳам машинани  
 тислантириб, унга йўл бўшатди. Кейин дадиллик билан  
 ичкари кирди. Фирром зинапояда турганича унинг маши-  
 надан тушиб келишини кутди.

— Ҳа, командир, кечаси нега одамларни кўрқитиб  
 қурибсан? — деди у қувноқ оҳангла.

— Кира ҳақини тўламай кетворишди, ошналарингиз  
 номард экан, — деди Файрат.

— Ишни сенга мен буюрганман, йигитнинг гули, кира  
 ҳақини ҳам мен тўлайман. Сен „гера-пера“ деб нега улар-  
 нинг бошларини қотирдинг? Уларнинг „чернота“га алоқа-  
 лари йўқ. Улар қимордаги шерикларим. Уйиндан кейин  
 бўладиган кутилмаган зарбалардан мени ҳимоя қилиб ту-  
 ришади.

— Тушунарли.

— Нимаси тушунарли?

— Бугунги киракашлигим синов экан, тушундим.

— Бе, себзорлик ҳамшаҳаримни синаб жинни бўлиб-  
 манми? Қани, бу ёққа юр, қутлуғ уйдан қуруқ кетма.  
 Қара, шаҳарлик бойваччадан ютиб олдим, қуришга-қуриб,  
 ўзи бир кун ҳам турмабди бу уйда. Югурганники эмас,  
 буюрганники-да!

— Синовдан ўтган бўлсам, ишимга бора қолай.

— Энди кетиш йўқ, ўз оёғинг билан меҳмон бўлиб  
 келибсан, юравер, озгина отамлашамиз.

Файрат худди ноилож қолган кишидек иккиланиб,  
 Фирромга эргашди. Мезбон уни ҳовуз бўйидаги шийпонга  
 бошлади. Шийпон меҳмон кутишга тахт қилиб қўйилган  
 эди.



— Кўнглимга яқин одам бўлмаса, томоғимдан ҳеч нарса ўтмайди. Сени менга Худо етказди, — Фирром шундай деб, ўзи тўрдан жой олди-да, кутилмаган бахтдан қувонган одамдай кафтларини бир-бирига ишқалди. — Би-ир маишат қилайлик. Афсуски, қушчалар йўқ. Кейинги келишингда икки елкангга икки қушчани кўндириб қўямасам, башарамга туфлайсан.

Фирром чўнтагига қўл юборди. Файрат яна карта чиқарилишини кутган эди. Фирром карталар ўрнига чўнтагидан икки сурат чиқариб Файратга кўз-кўз қилди:

— Қалай, бўладими?

Фирром ўйлаган режага мувофиқ, Моҳидил билан Назиранинг суратларини кўрган Файрат ё анграйиб қолиши, ё газабланиб, сапчиб тушиши керак эди. Режанинг амалга ошишига бир баҳя қолди: Файратнинг юрагида газаб ўти ёнди-ю, лекин сиртга чиқмади, ирода тўғонини бузишга қурби етмай, ичини куйдириб қолаверди. Бу куйиш қанчалик азобли бўлмасин, Файрат ўзини тутди. Суратларга эътиборсиз қараб қўйди:

— Фақат пиво сотади, десам, бу ерда амакисининг хизматларини ҳам қиладими?

Эътиборсиз ва хотиржам оҳангда гапиришга уринган эди, лекин газаб оташи овозини сал титратиб, ҳолатини ошқор қилиб қўйди. Суратни кўрсатиб Файратдан кўз узмай тикилиб турган Фирром ғолиб одамнинг қувончи билан жилмайиб, суратларни кераксиз матоҳдай стол устига ташлади-да, қадаҳ ёнида турган карта тўпламини олиб, чийлай бошлади. Фирромнинг ўтқир нигоҳи ўзига қаратилгани учун Файрат суратларга қараб ҳам қўймади.

— Бугун келиб қолишингни билганимда қурк бўлган бу товۇқчаларни олиб келиб, катакка солиб қўярдим. Эгинингга шим битганидан бери бунақа маишатни кўрмагансан, ухахон. Қани, сал очил, тухум босгандай жим ўтириш сендай йигитнинг гулига ярашмайди. Биз бегона эмасмиз, олдинига ҳамшаҳар эдик, энди шерикмиз.

— Нимани гапирай? Топширигингизни бажардим... Изингизни астойдил кузатишаётганини ўзингиз ҳам биласиз. Менинг айтишим ортиқча. Татар хотинлар илиниб қолган тузоқ сизга аталган эди, буни ҳам тушунгандирсиз?

Бу гапни эшитиб Фирром астойдил кулиб юборди.

— Тузоқ менга аталибдими? Менга-я! Бу тузоқни сенинг таварс ошналарингга ўзим атай ташлаган эдим. Боплаб алинтирибманми? Изимга тушишса тушаверишсин. Изга тушиш бошқа, ушлаб қамаш бошқа. Менинг изимга тушганлар ахлатимни босиб юраверади. Сен бундан қайғурма, аяғитнинг гули, қанотимга кирдингми, энди милиционер эмас, миллионер бўлишни ўйлайвер.

— Бошқача ўйлашнинг ҳожати ҳам йўқ, миллионерликка бошляяпсиз-ку? Ҳозирнинг ўзида бой ҳис қиляпман ўзимни. Эскиларнинг „Ўсма кетар, қош қолар“ деган гапи бор экан. Менинг боболарим Тошкентни ётқизиб-турғазадиган зўр бойлардан бўлишган. Чархпалак айланиб келиб, шу замонда менинг қаршимда тўхтади. Тақдиримнинг калити сизнинг қўлингизда экан, мен қаёққа қочаман?

— Яхши гапирдинг, — деди Фирром. — Ҳамманинг миллионер бўлгиси келади. Лекин сен бу йўлда беш-ўн чақа топмай ўлиб кетишинг ҳам мумкин.

— Ким ўлдиради? Сизми?

— Ҳе, тентак! Мен шеригини ўлдирадиган номардга ўхшайманми? Сенга очигини айтайми? Мен аҳмоқ эмасман, „наркота“га аралашиб қолганим ўзимга ҳам ёқмайди. Ҳозир ҳукумат билан қимор ўйнаяпман. Уч-тўрт қўл ютишим мумкин. Лекин доим ютиб бўлмайди. Пайти келганда ақлни пешлаб, секи-ин ўйиндан чиқишни ҳам билиш керак. Бир-икки ишдан кейин этакни йиғиштириб, ўзимнинг ҳунаримни қиламан. Лас-Вегаснинг казиноларини гуллатсам, армоним қолмасди. Мен учун дунёда қиморбозликдан ҳалолроқ иш йўқ. Агар бир кун қўлимга карта олмасам, жинни бўлиб қоламан. Укаҳон, бир илтимосим бор: агар сендан олдинроқ ўлиб қолсам, кафанлатиб овора бўлиб ўтирма, лаҳадга шу картани бир сидра ёйиб қўйсанг етарли, менга юмшоқ тўшакдан шуниси афзал.

Бу аҳмоқона ҳазил ёқмаса ҳам Файрат кулиб қўйди.

— Нега куляпсан?

— Туя ҳаммомни орзу қилган экан.

— Гапимни бемаъни дема, астойдил эътиятпман.

— Гап бемаъни эмас-ку... лекин одамга аввал ўша лаҳад насиб этиши керак.

— Гапинг сассиқ бўлгани билан тўппа-тўғри. Ўлигимиз бирон балчиқда ириб кетиши ҳам мумкин. Кел, чирик

гаплардан гаплашмай, бир-икки қўл ташлашайлик. Ундан олдин биттадан оламиз.

Шундай деб қадаҳларга коньяк қуйди. Файрат унинг ҳаракатларини диққат билан кузатди. Фирромнинг бирданига очиқ гапга ўтиши ё аҳмоқлиги, ё телбалиги аломати эди. Ҳолбуки, гаплари оҳангида бу иллатлар сезилмади. Шу сабабли Файрат фикрларини жамлаб, янада сергакланди. Унинг ҳар бир сўзини таҳлил қилди.

Бу оламнинг одамларн сирларини бекорга ошкор қилмайдилар. Бу ошкоралик ортида бир шумлик ётган бўлади. Тўғри, Фирром картани очиб ўйнашни яхши кўраман, дейди. Лекин наркомафия олами қиморбознинг омонат чайласи эмас. Ундаги ҳар бир одамнинг ҳаёти қил устида бўлади. Сал оғишдими — тамом, бу дунёнинг самумини ўша заҳоти топади. У дунёники эса, Худога маълум...

Фирром қилкўприкда осонгина тоймайди. Файрат ҳам қилкўприкка оёқ қўйган. Унинг тойиши ҳам мумкин эмас!

— Яқинда Одессадан олиб келдим бу жонон коньякни. Фақат энг азиз меҳмоним билан ичаман, деб ният қилган эдим, — Фирром қадаҳни Файратга узатиб, таъкидлади: — Тушундингми? Энг азиз меҳмоним!

Фирром бир кўтаришда ичиб, шоколаддан тишлаб газак қилди-да, чуқур нафас олиб ҳузурланди.

— Сен билмайсан, мен оддий қиморбоз эмасман. Мени бу ёғи Брестдан у ёғи Читагача ҳурмат қилишади. Нимагалигини айтайми? Қимор фақат карта чийлаш эмас, каллани ишлатиш керак. Каллани ишлатмасанг, „чиграш“лигингча ўлиб кетасан. Ақлли-ақлли шериклар билан ёнма-ён ўтириб, худди нотаниш одамдай ташлашиш нималигини сен ҳали билмайсан.

— Биламан, — деди Файрат.

Унинг ишонч билан шундай дейиши замирида „Мен сиз айтган хом-хатала ёш ўйинчилардан эмасман“, деган маъно яширинган эди.

Фирром бу ишончдан ажабланди:

— Биласанми? Қани, менга тушунтириб бер-чи?

— Сиз менинг акахонимсиз, лекин ўйин пайтида бегонамиз, бир-биримизни танимаймиз. Бутун Киевда киши билмас шерик бўласиз, ўйинни қизитиб берасиз, лекин биринчи галда сизни қоқиб оламан. Эртага Красноярда сиз

менинг тумшуғимни ерга ишқаб, шип-шийдам қиласиз. Атрофимиздаги лохлар эса кулоқ қоқиб ўтираверали.

— Кейин орқамиздан „шулер“ деб сўкишади, шуниси-ни чала қолдирдинг. Олдинлари мени кўп сўкишарди, қозир тилларини тийиб қолишган. Мен казо-казо ўйинчиларга ҳукуматни чалғитиш йўлини ўргатиб қўйганман. Бир нилти Россиядагиларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди: уларда қиморбозни „товламачилик“ моддаси билан қамай-диган бўлишибди. Москвада зўрлар йиғилишди. Менам бордим. Оқ-воҳ қилишаётган эди, бир гап билан тинчитдим: „Россияда шунақа қонун бўлса-бўлар. Совет Иттифоқи битта Россиядан иборат эмас-ку? Ун тўртта республикада йўқ-ку бунақа қонун. Бутун Қозоғистонда ўиналаринг, эртаға Қирғизистонга ўтларинг. Индинга Туркменистоннинг саҳросига ўтов тикиб ўйин бошларинг, милиса дегани эллик йилда ҳам ҳид ололмайди“. Боглабманми? — Гирром ўз ишидан фахрланиб, лабини чўпиллатиб қўйди-да, яна қадахларни тўлдирди. Бу сафар бир кўтаришда бўшатмади, ярмини ичди. Файрат ҳам унинг қилиғини такрорлаб, гапига жимгина кулоқ тутиб ўтирди. — Қиморбозларнинг „гусар“ деган тоифаси бор, эшитганмисан? Сиртдан қарасанг, қиморбозга ўхшамайди. Яхши кийинган, маданиятли. Биттаси офицер, биттаси инженер, ҳатто профессорга ўхшаб юрадиганлари ҳам бор. Ёш бўлганим учун мен ўзимни „аспирант“ қилиб кўрсатардим. Қўлимда доим Маркснинг „Капитал“ деган китоби бўларди. Лақмаларни ишонтириш учун шу китобни ўртаға қўйиб қўярдим. У ербу ерини ўқиб, ёдлаб ҳам олган эдим, гапни ҳам кийгизворардим. Бир куни Москванинг „Внуково“сида бир лақмага дуч келдим. Акасининг ўлигини Ёкутистондан олиб келиб, энди Калининградга учиши керак экан. Дарров ҳид олиб, ўйинга тортдим-у, бир пасда чўнтақларини қоқиб олдим. Охирида акасининг тобутини гаровга қўйиб ўйнайман, деб туриб олди. Тобутни бекорга қўймаган: Ёкутистонда ишлаган бўлса, албатта тилласи бўлади. Тиллани чўнтақда олиб юролмайди, балки ўлик акасининг қорнини ёриб яширгандир, деб ўйладим. Тобутни ҳам ютдим. Бир маҳал мен билан гап таллашиб қолди. Нима эмиш, менга нуқул ўттиз бир, унга фақат ўттиз чиққанмиш. Бунақа қисқа ўйинда дама қарға билан валет таппоннинг тез-

---

тез бирга келиши мумкинмасмиш. Секин гап кавласам, у ҳам ўзимга ўхшаганлардан экан. Додахўжаларданлигини билиб, сал ён босдим. Бирпасда оғайни бўлиб қолдик. Унга эргашиб менам Калининградга жўнавордим. Бир ҳафта қўйиб берди, шахрини роса гуллатдим. Хайрлашар пайтимда мен билан яна яккама-якка ташлашиб, хонавайрон бўлди. Айтадики, битта картада ўйналса, элик минг марта кўн тикилганда бир мартагина йигирма тўққиз чиқиши мумкин экан. Беш миллион марта кўн тикилганда бир марта ё ўттиз ё ўттиз бир чиқаркан. Бунини математиклар аниқ ҳисоблаб чиқишганмиш. Мен „Ўша математикаларингни олиб кел, ўргатиб қўяй“ дедим.

Фирром ўзи тўқиган ёлгонлардан ўзи ҳузурланувчи хирпа тоифасидан эди. Ўзини кўкларга кўтарувчи ёлғони бутун тўғридай туюлса, икки-уч такрорлагач, тўқиганлари хаёлида ҳақиқатга айланарди-ю, ўзи ҳам чинакамга ишона бошларди. Бугун „Америка президенти билан бир қўл ташлашиб, пачагини чиқариб ташладим“, деб ҳазил оҳангида айтса, кейин-кейин янги-янги ёлгонларни қўшиб, ярим йил ичида Американи ютиб олган, халқини ҳурмат қилгани учун ютуқдан воз кечган бўлиб чиқарди. Ёлгончи тўқиганларига ўзини осонгина ишонтиради-ю, аммо атрофидагилар овсар эмаслигини унутиб қўяди. Ёлгон мақтов авжига чиққанида бировлар гўё ишонгандай бўлиб калака қила бошлайдилар, яна биров истеҳзо билан кулимсираб қўя қолади. Файрат у тоифадан ҳам, бунисидан ҳам эмасди, тоқати тоқ бўлиб, гап энг қизиқ жойига келганда шарт узди:

— Пул нима бўлди?  
 — Қанақа пул?  
 — Додахўжани хонавайрон қилибсиз-ку?  
 — Хонавайрон қилишнинг завқи ҳам бор, хатари ҳам бор, ухахон, — деди Фирром афсус билан. — Катта пул ютган одамнинг уйига тирик қайтиши қийин. Ака-ука тутиниб, ҳадя қилиб юбордим. Бунақа ошналарим кўп, хор бўлмайман.

Фирром қадаҳни бўшатди-да, Файрат томон битта карта ташлади.

— Омадингни синаб кўр, балки беш миллиондан биттасида бахтинг кулиб қолар.

— Бахт неча марта ютишда эмас, биттада қанча ютишда деб ўргатган менинг устозим. Тарқатинг, ўйнасак ўйиндик.

— Нимани тикасан?

— Бор пулимни.

— Сарик чақаларингга шундай жонон картани овора қилтасанми? Кел, бошланишига иккаламиз ҳам жонимизни тикамиз. Ҳар ҳолда жонинг чўнтагингга чақалардан қимматроқдир, а?

Фирромнинг тили гап билан, бармоқлари карта билан банд эди. Тўпдан учтадан картани ажратиб ташлагач, Файратга „Ҳозир пачағинг чиқади, бола!“ дегандай масхараочу тикилди. Файрат шошилмай картани қўлига олди, худди атрофида бировлар мўралаб тургандай бир учини аста очиб кўрди-да, энгил тортгандай бўлиб, рақибига қаради.

— Карталарингни очавер, бойвачча, омадли бўлсанг, жонинг фойдага қолади.

Файрат унга тикилганича карталарни битта-битта шошилмай очди: учта валет чиқди, биттаси таппон эди.

— Ўзингга ўхшаган хом йигитчалар чиқибди-ку? — деб ишшайди Фирром. — Сен ҳали ўйинчи эмассан, чиграшсан, бу аҳволингга кўчадаги манқа болларнигина ютнинг мумкин. Сенинг бу валетларингни эски калишимга патак ҳам қилмайман. Яна ютқиздинг, йигитнинг гули!

— Аввал қараб қўйинг карталарингизни, — деди Файрат овозини кўтариб.

— Қарашим шарт эмас, мен аввалига сени генерал қиламан.

Шундай деб тепадаги картани очди-да, чиллик „туз“ни Файратнинг чап елкасига, кейин қарға „туз“ни ўнг елкасига қўйиб, болалардай қийқириб кулди. Сўнг „Сенга генераллик кам, сен энди маршалсан“, деб учинчи „туз“ни пешонасига ёпиштирмоқчи бўлганида Файрат чаққонлик қилиб бошини бурди. Лекин Фирром бу сафар ундан чаққонроқ чиқди: Файрат киприк қоқишга улгурмай, пешонасига оқ тўппонча тиралди.

— Жонингни ютқиздинг, маршал бола. Ҳазиллашиб ўйнагандик, деб валдирама! Ҳозир отиб ташлайверайми ё фора берайми?

— Аяганингиздан фойда борми, отиб ташлайверинг.

— Зўрсан-ку! Ким ўлимдан қўрқмайди, биласанми? Ҳаётдан тўйганлар қўрқмайди. Тезроқ ўлиш учун баҳона қидириб юришади.

— Худди шунақасини яқинда партия аъзолигига қабул қилишибди, эшитмадингизми?

Пешонасига тўппонча тиралган одамнинг талвасага тушиш ўрнига қувноқ ҳазил оҳангида гапириши Фирромни ғашлантирди. Унинг отиш нияти йўқ эди, шунчаки ўз қудратини намойиш этиб қўймоқчи эди. Эшкаксиз тешик қайиқда ўтирган одамнинг атом крейсеридагиларни масхаралагани каби Файрат ҳам уни писанд қилмади. Фирром тўппонча тирашини ҳазил эканини билдириб қўймоқчи бўлгандай:

— Эшитган бўлсанг, айт, — деди.

— Битта лақмани партияга олишмоқчи экан. „Ленин ким?“ деб сўрашса, „Танимайман, бизнинг қишлоқда бунақаси йўқ“, дебди. „Капитал“ни ким ёзган?“ дейишса, „Мен ёзмаганман, тўртинчи синфгача аранг ўқиганман“, дебди. „Ичасанми?“ деб сўрашибди. „Ичаман“, дебди. „Чекасанми?“ деб сўрашибди, „Чекаман“, дебди. „Бегона хотинларникига борасанми?“ деб сўрашибди. „Бораман, ахир эркакман-ку!“ дебди. Шунда райком секретари „Биз сени партияга қабул қиламиз. Коммунист бўлганингдан кейин ичишни, чекишни, хотинларга юришни ташлашсанми?“ деб сўрабди. „Ташлаш керак бўлса ташлайман“, дебди. Шунда кексалардан бири охири саволни берибди: „Партия учун жонингни беришга тайёرمىсан?“ „Тайёрман, — дебди лақма. — Ичмасам, чекмасам, хотинга юрмасам, менга бунақа жоннинг нима кераги бор?“

Фирром ўзини зўрлаб кулиб, тўппончани чўнтагига солди:

— Сен гапни чувалашга устасан. Лекин мен ўша лақманга ўхшаб ҳаётдан тўймаганман. Жонимни ҳеч кимга бермайман. Энди мен сен учун азроилман. Хоҳлаган пайтимда ўлдирсам ҳалол бўлаверади. Энди Худо мени гуноҳкор қилмайди. Кел, яна бир қўл ташлаймиз.

— Ўлик нимасини тикади, кафанлиги ҳам йўқ-ку?

— Сен ўзингни пастга урма. Агар мени ўлдирсанг, истаган балчиққа ташлаб кетаверишинг мумкин. Менинг ўлигим бировга керакмас. Лекин сенинг ўлигинг кўчада

тмайди. Бизга сотилган бўлсанг ҳам, милиса ошналаринг  
 тингни қидиришади. Қидирадимми, демак, ўлигингн  
 тиб, пул ишлаб олиш ҳам мумкин. Лекин ҳозир кўнга  
 тингни тикмайсан. Энди бошқача ўйин қиламиз: мен  
 фирмонинг нимасидан ҳузурланаман, айттайми? Кўз ол  
 тингга келтир: бир ҳариф бор-будини ютқизди. Сўнгги  
 тинжи қолди: охиргисида қўли келиб, албатта ютадиган  
 ай, мардлик қилиб, ё хотинини, ё қизини тикади, — Фир  
 ром шундай деб тўп устидаги иккита картани очиб ташла  
 ди. иккаласи ҳам „дама“ чиқди, қилган ишидан мамнун  
 бўлиб, гапини роҳатланиб давом эттирди: — Шунда мен  
 чинг карталарни олаётган бармоқларига тикилиб тураман.  
 бармоқлари титрайди, менинг юрагим эса хурсандчилик  
 дан қинидан чиқиб кетай деб типирчилайди. — Энди паст  
 арталарни бирин-кетин очиб ташлади. — Шу карталарини  
 ўрганидан кейин лаблари ҳам титрайди, башараси ўлик  
 чинг рангидай бўлиб қолади. Мен учун роҳат ана шунда  
 юшланади. — „Дама“ларнинг устига „туз“ ташлайди. — Хо  
 тини ит қарамайдиган хунук бўлса ҳам, ютқизиб қўйгани  
 дан кейин шунақанги абжағи чиқадики...

— Ўзингиз-чи? Доим менга ўхшаган ҳарифни эзмаган  
 сиз-ку? Зўрларига ҳам дуч келгандирсиз?

— Мен ортиқча мақтанмайман, тўғри, пул ютқизган  
 ман, машина ютқизганман. Лекин хотин ютқизмаганман.  
 Нимагалигини биласанми? — Фирром бошини орқага таш  
 лаб кулди. — Чунки хотиним йўқ-да! Сен билан ҳозир хо  
 тинга ўйнагим бор. Лекин сен бечоранинг ҳам хотининг  
 йўқ. Кўнгил қувончи учун мана бу товуқчаларни иккала  
 миз бўлиб оламиз. Кейин иккаласини кўнга қўямиз.

Файрат ўзининг қадаҳига коньяк қуйиб, бир хўплади  
 да, унга норози қиёфада қаради. Энди у ҳазил гапларни  
 уйиб ташлаётган енгил йигит эмас, ўзида шер ҳамласини  
 яширган ботир йигит қиёфасида эди:

— Энди бу ёғи бачканалашиб кетди.

— Шунақами?

Фирром ундан кўзини узмаган ҳолда қадаҳига коньяк  
 қуйиб, бир хўплади.

— Ҳали мен бачкана бўлдимми? Сен меҳмонимсан, азиз  
 меҳмонимсан, жонини ютқизган жонсиз меҳмонимсан.  
 Демак, бу уйда менинг айтганим бўлади, — У икки сурат-



ни худди карта каби ўртага қўйди. — Азиз меҳмонимсан, аввал сен танла.

Файратга бу қилиқлар ёқмаётган бўлса-да, арқонни узун ташлаб, сабр қилишдан ўзга чораси йўқ эди. „Ҳар қандай тентакликнинг ҳам чегараси бўлади-ку, қани кўрайин-чи“, деган тўхтамга келиб, ўрталаги суратдан Моҳидликнинг танилади.

— Дидинга қойилман, — деди Фирром хунук ишшайиб. Унинг ҳозирги овозида заҳар солиш илинжидаги илоннинг вишиллаши бор эди. — Буниси ўртоғингники эди, тегмадини, бу ҳам мардликдан, ўғил бола! Майли, ҳозирча Моҳий сеники бўлиб турсин. Қаҳвахона атрофида хира пашшадай учиб юришинг бекорга эмаслигини билардим. Тоққа ҳам биллалашиб чиқиб келибсанлар. Икки қулоғинг билан яхшилаб эшитиб ол: бу жонон ҳаётда ҳам, қиморда ҳам сенга насиб этмайди. Моҳийни Худо мен учун атай яратган. Онасининг қамалиб чиққанини эшитган бўлишинг керак? Наркота билан ўтирганларни сенлар икки дунёда ҳам унутмайсанлар. Мен бўлмаганимда Ойниса қамоқда ур калтак-сур калтак бўлиб кетарди. Қонундаги ўғрилардан бўлмасам ҳам, авторитетларга сўзим ўтарди. Хотинларнинг қамоқхонасида юртдошим азоб чекаётганини билиб, бир имлаб қўювдим, омон қолди. Кейин Ўлат билан бирга бўлдик, уни ҳам қанотимга олдим. Бу ёғини сўрасанг, ўтай амакисиман, деб юрган Бўрон аканг ҳам соямда юриб тирик қолган. Қамоқдан тўғри шу ерга келиб, уйларини тузатдим, иш бердим. Чунки Моҳийни отаси ҳам, онаси ҳам менга аташган. Одамлар қизларини пирларига назир қилишади-ку? Мен ҳам уларнинг приман-да! Ҳақиқатни тўлалигича билганинг яхши: аслида Моҳийни икки йил аввал хотин қилиб олганман. Ўн саккизга тўлишни кутиб овоза қилмай, икки йил сабр қилдим. Моҳийга етишгунимча ўн олти марта уйланган эдим. Моҳий ўн еттинчиси, охиргиси. Бунақа момақаймоқни умримда учратмаганман. Жонимни суғуриб олай дейди! Кечаси бўйнимдан кучоқлаб олса, эрталабгача қўйиб юбормайди-я!

— Вайсақиликнинг ҳам чегараси бўлиши керакми, ака-хон? — деди Файрат ижирғаниб.

— Ҳали сенга менинг гапларим вайсақилик бўлдимми?! — Фирром ҳам ғазабли оҳангга кўчди: — Мен уларнинг пири-

манми? Бу қиз менга аталганми, истасам ўзим хотин қиламан. Хоҳласам, сенга совға қилиб юбораман. Хоҳласам, лигитларга узатаман, копток қилиб ўйнашади. Агар...

Фирром бу гапани охирига етказа олмади. Файрат бир сапчиб унинг гирибонидан олди. Сал нарида пайт пойлаб турган бадқовоқлар етиб келишмаганида Фирромнинг кафанлик ҳақидаги гаплари шу оннинг ўзидаёқ амалга ошиб қоларди. Бадқовоқлардан бири Файратни силтаб тортиб, Фирромдан ажратиб олди. Иккинчиси бор кучи билан қорнига тепди. Фазаб оташида ҳушини йўқотган Файрат жанговар усулларини ишга солишга, бу хирсларга қаршилиқ билдиришга ҳам улгурмай қолди.

Бадқовоқлар Фирромни стулга ўтказиб, лабига коньяк гутишди. Фирром хўплаб, қалқиб кетди. Йўтала-йўтала, бир оздан кейин ўзига келди-да, букчайиб ётган Файратни уч-тўрт тепди.

— Олиб тушиб, боглаб қўйларинг. Олдига пашша ҳам учиб кирмасин, — деб буюрди-да, уй томон кетди.

Бадқовоқлардан бири Файратни шалвираган қоп сингари елкасига ортиб, ертўлага олиб тушди. Иккинчиси эса қошиқдаги қорадори кукунини сувга аралаштириб, ёққич оловига тутиб турди. Кейин эм игнасига тортиб, беҳуш ётган Файратнинг биллагига юборди. „Боглаб қўйларинг“, дейилган буйруқ шу тарзда амалга оширилди.

## СЎНМАГАН БЎРОН

Ўғрилар оламида ном чиқарган одамнинг бу овлоқда жимгина яшаб юришидан гумонсираган полковник Равшанов шаҳарга тушганда у ҳақдаги янги маълумотлар билан танишиб, Ясситепага қайтгач, Норйигитнинг ҳаёти билан қизиқди: қишлоқ мактабининг оддий ўқитувчиси; милицияни қизиқтирадиган хатти-ҳаракатлари йўқ; фақат районнинг, қишлоқнинг номини ўзгартиришда фаоллардан бўлган; ёлғиз ўзи бирор-бир сабаб билан норозилик баён қилмайди, атрофида шундай эркин фикрлилар пайдо бўлса, уларга қўшилади; унинг фаоллиги норозилик хатларини ёзиб беришдан иборат... Қайта қуриш бошланганидан бери барча ерда бунақа фаоллар пайдо бўлиб қолган. Буларни кузатадиган бошқа идоралар бор. Милициянинг иши бошқа...

---

Шундай бўлса ҳам Равшановда Норйигит билан учрашиб, суҳбатлашиш истаги туғилди. Норйигит айтилган вақтда келди. Равшанов кўришаётиб, унинг кўзларига тикилди: саросима ёки таажжуб аломатлари сезилмади.

— Чақирганимиздан ажабланингизми? — Равшанов уни ўтиришга таклиф этгач, илиб қолган чойдан қўйиб узатди.

— Йўқ, Масковга бир-икки хат ёзганимиздан бери прокуратура билан милиса шунақа бир пиёла чойга таклиф этиб туради. — Норйигит хотиржам тарзда шундай деб қўлимсираб қўйди.

— Отангиздан қолган уйни Бўрон Ҳоживалиев деган шахсга сотган экансиз?

— Ҳа, олди-сотди қонуний бўлган.

— Нега сотдингиз? Ота мерос ҳовли...

— Қисқа қилиб айтсам: сотгим келувди, сотдим. Лекин бу қисқа жавоб қизиқишингизни қониқтирмаса керак. Батафсилроқ баён қилсам, гап шундаки, отамни сизнинг ўша пайтдаги ҳамкасбларингиз олиб кетишгандан кейин онам бошқа турмуш қурганлар. Мен ўтай отага кўника олмадим. Отамнинг уйига кетиб қолаверардим. Онам эса ўтай отам билан бирга яшашимни истардилар. Уйланганимдан кейин ҳам отамнинг уйида яшашимга кўнмадилар. Онамнинг кўнгилларига қараб яшадим. Олтмиш саккизинчи йили юқорини кўчки олиб кетгач, қишлоғимизда ҳам шунақа хавф бор экан, ҳозирги жойига кўчира бошлашди. Менга ҳам алоҳида жой беришди. Қишлоқнинг ярми барибир кўчмади, отамнинг уйлари ҳам кўчмаган қисмида эди. Оила ташвиши кўпайиб, отамнинг уйлари қаровсиз бўлиб қолди. Бу одам жой қидириб юрган экан, сота қолдим.

— Унинг қаерлик эканини биласизми?

— Ота-онасини Сталин даврида НКВД Сибирга сургун қилган экан.

— Ота-онаси шу ерлик бўлишганми?

— Мен ҳам шуни сўраган эдим, „Бу ерлик эмас, лекин тоғли жойда яшашган“, деб гапни қисқа қилди.

— Отангиз қамоққа олингандан сўнг қасққа жўнатишган?

— Билмайман... хат-хабар бўлмаган.

— Тарихчи экансиз, отангизнинг тарихини ўрганишга нега уриниб кўрмадингиз? „Халқ душманлари“нинг оқланганига кўп йиллар бўлган-ку?

— Биламан, ўлимидан кейин оқланганларникига Итти-  
~~ра~~ прокуратурасидан эллингинчи йилнинг ўрталарида рас-  
~~сий~~ хат келган. Лекин... биз олмаганмиз... Институтни би-  
~~т~~рганимдан кейин бир-икки идорага бориб суриштираёт-  
 анимни онам билиб қолиб, тўхтатдилар.

— Бу сизга галати туюлмадими?

— Йўқ. Мен онамнинг истакларини муҳокама қилмай-  
 дан, кўнгилларига қарайман, муҳими — шу.

Норйигит ичида уйғониб, гимирлай бошлаган хўрси-  
 нишни жиловлаш мақсадида бошини эгди. Дунёда онанинг  
 кўнглига қараб яшовчи инсофли фарзандлар кўп. Лекин  
 Норйигитнинг она сўзини икки қилмаслигига бошқа сабаб  
 ҳам бор. Отасини олиб кетишганда у беш ёшда эди. Беш  
 ёшли бола ҳамма нарсани ёдига муҳрлайвермайди. Бугун  
 эшитганини эртага унутади. Норйигит ҳам шундайларнинг  
 бири. Лекин отасининг хайрлаша туриб, бағрига босгани-  
 ни, „Онангнинг гапига кир, онангни ранжитма, онангни  
 эҳтиёт қил...“ деб қулоғига пичирлаб айтган гапларини сира-  
 сира унутмайди. Отасини неча юз, балки минг марта  
 тушида кўрган бўлса, шунча марта такрорлайди бу сўзлар-  
 ни. Ҳозир рўпарасидаги одамга ота васиятининг қадрини ҳа-  
 қида гапирса, тушунармикин? Бу одамларга кишининг ру-  
 ҳий оламидаги кечинмалар аҳамиятсиз, уларга жиноятга  
 доир аниқ далиллар керак. Бўрон билан қизиқяптими, де-  
 мак, Бўронни қораловчи бирон нима дейишини кутяпти.  
 Илмоқли саволларига нимадир илинишига умид қилиб  
 ўтирибди.

— Ўгай синглингиз билан муносабатингиз қандай? —  
 деди Равшанов қисқа муддатли сукутни бузиб.

— Биз бир қориндан тушганмиз. Муносабатим ҳам  
 шунга яраша.

— Ота-онангиз синглингизни салкам оқ қилишган экан,  
 шундайми?

— Бу уларнинг хоҳиши. Мен оқ қилмаганман. Орамиз-  
 да ўлим йўқ экан, у менга сингил бўлиб қолаверади.

— Бўрон Ҳоживалиев куёвингиз билан бир зонада ўтир-  
 ганини айтганми?

— Айтган.

— Нима деган?

— Ўлганини айтган, бошқа гап қўшмаган.

— Бу қишлоқда яшашни Ҳоживалиевга кубингиз тавсия этмаганми?

— Билмадим, сўрамаганман. Ўртоқ полковник, хуфяларингиз етказишгандир, Бўрон билан учрашиб тураман. Кунда бўлмаса ҳам, кун ора ана, рўпарадаги чойхонада бирга нонушта қиламиз. Ота уйимга ҳам бориб тураман. Лекин мен у билан қамоқ ҳақида сира гаплашмаганман. Қамоқдан сўз очиб, ярасини янгилагим келмаган.

— Сиз зиёли одамсиз, болалар билан ишлайдиганлар киши руҳиятини кузатадиган бўлади. Бизнинг Ҳоживалиевга ҳеч қандай даъвоимиз йўқ. Жиноятига яраша тўлиқ жазони олган бўлса ҳам бизнинг ишимиз шунақа, яна жиноятга қайтмасмикин, деган эҳтиётда кузатамиз. Бу одам оддий кисавур ёки қулфбузар эмас. Бунақаларни „авторитет“ дейишади. Ўхшатишим кўполроқ чиқса узр: қутурган бўрининг момиқ қуёнга айланиб яшаб кетишига сиз ишонасизми?

— Ўхшатишингиз чиндан ҳам кўпол чиқди. Ахир сиз айтган ўша қутурган бўри ҳам кучдан қолади-ку? Бу одамнинг ҳаёт силласини қуритган. Агар одамнинг асли тоза бўлса, қон тортиб, яна тозалikka қайтади. Тўғри, мен унда қандайдир норозиликларни сезаман. Лекин балчиқдан қутулиб, яна балчиққа тушадиганга ўхшамайди у одам.

— Менга шу хулосангиз керак эди, раҳмат.

Равшанов шундай деб ўрнидан турди-да, унга яқинлашиб, хайрлашиш учун қўл узатди.

Норйигит илмоқчи саволлар бекорга берилмаганини, бу хонадаги суҳбат яна давом этиши мумкинлигини гумон қилиб хайрлашди.

Равшановнинг гумони бежиз эмасди. У Норйигитнинг отаси ҳақида анча маълумотларни билиб келган бўлса-да, ҳозир айтгиси келмади. Агар ҳозир „Ҳоживалиев сенинг ўғай уканг бўлади, сенлар бир отанинг фарзандисанлар“, деса, белгиланган режалари остин-устин бўлиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Норйигитни кузатгач, Нарзиевнинг хонасига кирди. Нарзиевнинг кайфияти ёмон, капитан Акмаловни тик тургазиб олиб, танбеҳ бераётган эди. Равшанов кириб келганда балки танбеҳ чегараси бузилиб, бошқача сўзларга ўтилиши эҳтимоли бор эди.

— Нега бошқа излар бўлмайди? Криминалистарни сувга ол, тузукроқ ишлашсин, бор, жўна!

Капитан сувга бўжкан мушукдай бўшашиб чиқиб кетди. Нарзиев „Булар билан ишлаш жуда оғир“ дегандай бош чайқаб қўйди.

— Машинани прокуратура рўпарасига қўйиб кетганлар изларни йўқотишни ҳам билдилар. — деди Равшанов. — Жалиловнинг бармоқ излари бор шишани ҳам бекорга ташлаб қўйишмаган. Ҳолбуки, бунга эҳтиёж йўқ эди. Машинанинг барча қисмларида Жалиловнинг бармоқ излари бор. Бошқаларники эса йўқ. Ҳатто Тошкентдан бирга келган Комиловники ҳам йўқ. Нега? Негаки, машинани қўйишгач, яхшилаб артиб чиқишган.

— Прокуратура навбатчиси ҳам анқов, қараса бўлмасмиди?

— Милиция машинаси бу ерга бир кунда неча марта келиб-кетди. Ўрганиб қолишган. Уларнинг атрофга бепарво қарашини жиноятчилар билишади. Менимча, жиноятчилар Жалиловни қидириб топишимизни жуда-жуда хоҳлашяпти. Жалиловнинг тириклиги аниқ. Бошқа ҳолатда... машинани йўқ қилишарди...

— Янги миш-мишларга қараганда Жалиловингиз наркомафияга қўшилиб, қочиб кетганмиш.

Нарзиевнинг таъна оҳангида „Жалиловингиз“ дейиши Равшановга малол келса ҳам, эътибор бермагандай, босиқ оҳангини ўзгартирмади.

— Шу миш-мишга ишондингизми? Яқинда келган одамни наркомафия дарров олиб қочарканми? Ким ўзи у? Оддий участка инспектори. Наркомафия билан шуғулланувчи одам эмас, бу соҳага доир махфий ҳужжатларга алоқаси йўқ. Хўш, керакми шунақа одам наркомафияга? Айб ўзимизда, ёшларни бўш қўйиш керак эмасди.

— Бўш қўйиш... — Нарзиевга бу гап ёқмай, афтини буриштирди. — Агар ёнини олавермаганингизда аллақачон думини туғиб юборган бўлардим.

— Ёшларнинг думини туғиш керак эмас, уларга иш ўргатиш лозим. Юрагидаги ўт-оловни тўғри йўналишга буриш муҳим.

— Комиловнинг гапига қараганда унингиз Фирром билан ош-қатиқ бўлиб қолган экан. Миш-миш асоссиз эмас,

„Яқинда уйга янги „Мерс“да кириб бораман“, деб мақтанибди. Тошкентда ҳозир „Мерседес“ борми, йўқми, билмадим-ку, лекин бунақа мақтаниши бежиз эмасдир?

Яна бир таъна тоши отилгач, Равшанов қошларини чимириб, овозини кўтаришга мажбур бўлди.

— Нима учун „ўртоғининг гапига қараганда“? Нима учун ўзингиз назоратни бушаштирддингиз? Энди „Ёш ходим йўқолди“ деб дод-вой қиласизми ё „Милиция ходими наркомафияга қўшилиб кетди“, деб ногора чаласизми?

— Билмадим, билмадим... — Равшановнинг кескин гаплари таъсир қилиб, Нарзиев ҳаддидан сал ошганини сезди-ю, жойига бўшашиб ўтирди. — Нима десангиз ҳам, Тошкентга ўзингиз маълумот жўнатишга. Айбдор бўлсам, жазолашар...

— Тошкентга хабар қилмаймиз. Аввал Жалиловни топайлик, шунга яраша бир иш қилармиз. Сизни ҳеч ким айбламайди, хотиржам бўлинг. Фақат... ёшларни ёқтирмаслигингиз яхши эмас.

— Ёшлар, ёшлар... дейсиз. Ўзингиз „Жалиловнинг суянадиган тоғаси бор“, деб турсангиз. Менинг ёшлар билан ишлашга вақтим ҳам, имконим ҳам йўқ. Мутахассисларни бизга Милиция мактаби тайёрлаб бериши керак.

— Мутахассисларни илм даргоҳи эмас, асосан, „ҳаёт“ деган мактаб тарбиялайди. Асосий хизматимиздан ташқари, иккаламиз ҳам шу мактабнинг тарбиячисимиз. Энди биргалашиб ўйлайлик: Фирромнинг ўзи наркомафияда янги одам, бу соҳада тажрибаси йўқ. Тажрибасиз одам гоят эҳтиёткор бўлади. Айниқса, қалтис ишга киришадганида милициянинг бир гўр ходимини дарров бағрига олиб, қочирмайди. Бағрига олган тақдирда ҳам ундан фойдаланади. Жалиловдан қандай фойдаланиши мумкин? — дераза ёнида турган Равшанов шундай деб ташқарига қараб қолди: — „Шарбат цехи“... Ажойиб жой танлабди. Милициянинг рўпарасида... Тасодифми ё атай танлаганми... „Сенлардан кўрқадиган жойим йўқ“, демоқчимиз? Файратнинг ўртоғи қани, чақиринг.

— Мен уни Ҳоживалиевни олиб келгани жўнатган эдим.

— Ҳоживалиевни? — Равшанов унга ажабланиб қаради. — Ундан шубҳаланяпсизми? Яхши, гаплашиб кўринг, натижасини айтарсиз.

Полковник изига қайтиш учун ўтирилди-ю, бир гап сизга тушиб, тўхтади:

— Юзга айтганнинг заҳри йўқ, сиз хизматимизнинг шунчаллигидан баъзан нолиб қолар экансиз. Тинчлик, хотиржамлик, ҳузур нима ўзи? Бу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз? Ҳов чойхонада эрта-ю кеч шўлқиллатиб чой ичиб, ёнбошиб ётганларнинг ҳаёти тинч ва хотиржамми? Сиз ўша хотиржамликни истармидингиз?

— Гап келганда баъзан айтиб юбораман-да, хизматдан қолтирдиган ерим йўқ.

— Менам шунини айтаман-да! Бир ҳукмдор ҳузур-ҳаловатни акс эттирувчи расмларга кўрик эълон қилибди. Юзгаб расомлар ҳар турли расмларни чизиб, унга тақдим этишибди. Вазирлар шулар ичидан иккитасини танлаб олиб, ҳукмдорга кўрсатишибди. Биттасида водий гўзаллиги, мовий ва сокин кўл атрофини ўраб олган тоғлар виқори тасвирланган экан. Иккинчисида эса жала савалаётган дарахтзор, бир томонни шиддатли сел олиб кетган... Хуллас, сукунат ва хотиржамликдан, демак, ҳузур ва ҳаловатдан асар ҳам йўқ. Лекин ҳукмдор барчани ажаблантириб, чиройли водий эмас, жунбушга келган табиат акс этган расмни танлабди. Шунда ҳукмдор таажжубланган вазирлари эътиборини кичик бир тасвирга тортибди: қоя бағридан ўсиб чиққан бутага бир қуш ин қўйган экан. Қуш тухумдан чиққан полапонларини қаноти остига олиб, табиат шиддатидан асраб ўтирибди. Ҳукмдор ҳаловатни айнан шунда кўриб, „Ҳузур шовқинсиз, қийинчиликсиз ёки қайғусиз яшаш дегани эмас, балки юракнинг ҳар қандай шароитда ҳузур ва ҳаловатга эриша олишидир“, деган экан. Шу ҳикмат менга ёқди, сизга ҳам маъқул, деб ўйлайман.

Равшанов шундай деб унга синовчан қараб олгач, хонадан чиқди.

\* \* \*

Четан девор ортида милиция машинаси тўхтаганида Бўрон супада оёқларини осилтириб олиб, гилос еб ўтирган эди. Шухратнинг машинадан тушиб, индамай кириб келишидан ажабланмади ҳам, ташвишланмади ҳам. Худди унинг



келишини анчадан бери кутаётгандай ҳолатини ўзгартирмади.

— Кел, келавер, капитан, тортинма, — деди Шухрат яқинлашгач.

— Старший лейтенантман, — деб аниқлик киритди Шухрат.

— Кўзим алдабди, лекин бу яхшилик аломати. Менга шундай кўриндими, демак, яқинда капитан бўласан. Юлдузчани бир стакан араққа ташлаб ювиш одати сенларда ҳам борми? Бўлса, бу башоратим учун мени ҳам сийлаб кўярсан. Кел, ўтир, гилосдан ол, бўлажак полковник.

Шухрат Бўроннинг гапларини кесатиқ, ҳатто масхара ўрнида қабул қилиб, гилосга қараб ҳам кўймай, жеркиб берди:

— Полковник ҳам эмасман. Мени нега сенсираяпсиз?

— Мен ўрислар орасида туғилиб катта бўлганман. Улар ўзларига яқин олган ҳурматли одамларни сенсирашади. Ҳатто отасини сенсирайди, шунинг учун мендан ранжима.

Шухрат супага омонат ўтирди-ю, Бўрон билан бу тарзда гаплашишни истамай, мақсадга кўча қолди:

— Сиз Бўронмисиз?

— Ҳа... сўрашинг бошқача, нима, отим ёқмадими?

— Менга ёқди нима-ю, ёқмади нима? Ҳар ҳолда одамга мос исм эмас.

— Нега? Бўрон — куч, қудрат тимсоли.

— Лекин кераксиз куч-қудрат. Бўрон ҳаммаёқни пайхон қилади. Одамзод учун кулфатдан бошқа нарса эмас.

— Сен калта ўйлар экансан, полковник, ҳақиқат билан адолатда бўроннинг қудрати бўлади.

— Қайси ҳақиқатда ва қайси адолатда?

Шухратнинг шогирдини имтиҳон қилаётган устоз оҳангида сўраши Бўронга ёқмади. Йигитга энсаси қотиб тикилганича истехзо билан кулимсираб, баҳслашган файласуф олим оҳангида жавоб қайтарди:

— Аслида ҳақиқат ҳам, адолат ҳам битта-ю, лекин иккала миз икки томондан кўра миз. Сен мени инкор этасан, мен эса сени. Гап ешда эмас, гап яшаётган оламимизда. Шундай бўлса ҳам, одамлар бўронга ҳавас қилишади.

— Ҳамма эмас, масалан мен...

— Билиб турибман: масалан, сен ҳавас қилмайсан. Чунки сен ўзингда тўфон қудрати бор, деб ҳисоблайсан. Шун-

— Сирамай, Бўрондан бир нарса истаётгандирсан, бекорга кетмагандирсан? Сенга кечаги ўғри Бўрон керакми ё бунинг сўниб, шабадага айланганими? Агар кечаги Бўронда керак бўлса, вақтингни ўтказмай, келган жойингга қайтмак хаставер. Мен ўтмишимни тушимда ҳам кўрмай қўйман.

— Менга тушингиз керакмас, — Шухрат шундай деб. Бунинг келган папкасидан Файратнинг суратини чиқариб, унга узатди. — Бу йигитни танирсиз, ўнгингизда кўрдирсиз?

— Файратми? Ҳа, кўрганман, ҳатто гаплашганман. „Қаюм кўргансиз, анигини айтинг“, деб мени қийнама. Мен буни ўтганини қамоқдалигимда ҳам санамаганман. Бугун юршанбами ё пайшанбами, бунинг ҳам менга фарқи йўқ. Соат неча бўлгани ҳам барибир. Куёш чиқади, куёш болади — кун ўтади. Менга шуниси керак. Ишонмасанг, уйимни титиб чиқ, соат деган нарса йўқ менда.

— Кунини билмасангиз, гаплашганингизда нима деганингнингиздадир?

Бўрон бу саволга дарров жавоб бермай, „Ана энди ўз гўннингни кийиб, терговчига ўхшадинг. Сен терговчисан, мен эсам жиноятчи эмасман. Сен чала биладиган жиноят кодексининг ҳар бандини ярим тунда уйғотиб сўрасанг ҳам адашмай ёддан айтиб бераман, мени қармоққа илинтиришинг қийин, ҳой гўр бола“, дегандай муғомбирлик билан тикилди.

— Эсимда, — деди кўнгилга хуш ёқувчи воқеани эслатгандай, — ошнанг бир ёмон касалликка учраган экан, дардини менсиз тузатиб бўлмас экан, тоз-за ялинди.

— Қанақа касал? У соппа-сог эди, — деди Шухрат Бўроннинг киноясини фаҳламай.

— Юрак касали, билмасмидинг? Битта гўзал қиз нақ жигаридан уриб қўйибди-ку?

— Моҳидилми?

— Билар экансан-ку? Лекин... менам баъзи нарсалардан хабардорман.

Шухрат ўзи ҳам сезмаган ҳолда хавотир билан сўради:

— Нимадан?

— Файрат Моҳийни, сен эса Назирани севасан. Моҳий билан Назира шунчаки дугона эмас, улар туғишган опа-

сингилдан афзал. Ойниса қамоқдалигида Моҳий Назираникида яшаган. Агар бахтларинг кулиб, шу қизларга уйлана олсаларинг, сенлар божа бўласанлар.

— Буни биламан. Моҳидилга амаки эмаслигингизни ҳам биламан.

— Бу ҳеч кимга сир эмас. Сенга ҳозир Моҳидилнинг тарихи керакми ё ошнангнинг менга айтган гапларими?

— Хўп, нима деди?

— Моҳийга юрагини очганида у „Амакимнинг рухсатисиз жавоб бера олмайман“, деганми, ишқилиб, чойхонада ўтирсам, ҳовлиқиб келиб, ҳе йўқ, бе йўқ „Бизга оқ фотиҳа беринг“ деб қолди. Мен нима дердим? „Умри ўғрилар билан ўтган бир бедаво одам бўлсам, оила нима, йигит билан қизнинг севгиси нималигини билмасам... Ўрталарингда аҳд бўлса, ҳаракатингни қилавер. Фақат бу ишни пишитишни хотинларга қўйиб бер. Ўрис бўлсанг бошқа гап эди, ўзбекларда куёв боланинг ўзи совчиликка юрса уят бўлади“, дедим.

— Хотинлар ишни пишитса-ю, гап сизнинг розилингизга тақалса, нима дердингиз?

„Коса тагида ним коса“, деганларидай, Шухратнинг саволи остида илмоқли жумбоқ яширинган эди. Бўроннинг ўтқир зеҳни буни фаҳмлаб, кулимсиради:

— Фикрингни очиқ айтавермайсанми, нима қиласан гапни айлантириб? „Милисани куёв қилишга кўнарминдигиз?“ демоқчисан-да, а? Менга қолса кўнмасдим.

— Милисани шу даражада ёмон кўрасизми?

— Сен гапни чувалама, полковник, мен ёмон кўрмайман, милиса мени ўлгудай ёмон кўради. Милиса мен учун аллақачон битта ўқ ясашиб қўйган-у, фақат эплаб отолмаяпти-да. Балки шу ўқни эртами-индин сенинг қўлингга тутқазиб қўйишар? Эплаб отсанг, башоратим аниқ амалга ошади, полковник бўласан. Энди дангалига кўчсам: милисадан яхшилик кўрмаган одамлар қандай бўлса, мен ҳам шундайман.

— Милиция текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган тоифадан эмас-ку? Мана шу ерни сотиб олиб, ферма қилибсиз, „Ўтмишимдан кечганман“ деганингиздан кейин биров келиб, мушугингизни „пишт“ дедими?

— Менинг „пишт“ дейдиган мушугим йўқ, ўртоқ стар-

— лейтенант, — Бўрон шундай деб жиддий тус олди: — Миллисага бўлган муносабатим билан бекорга қизиқмаёт-дирсан?

— Файрат билан бошқа гапларни гаплашмадингларми?

— Бошқаси бор, айтаверайми? Битта маслаҳат бердим, айти, айтақолай, ўзингга ҳам фойдаси тегиб қолар: „Совларга тоқатинг бўлмаса, миллисахонангдан битта чақирув ёғози юборгин-у, никоҳлаб олавер“, дедим. Бу гапим унга қилмади, сенга ҳам ёқмади, а? Ҳар ҳолда совчи юбормаганга қўшайди. Юборса, менга хабари етиб келарди.

— Уч кундан бери Файрат йўқ, изини топа олмаяпмиз.

— Изи йўқ дейсанми? Нима, у игнамики, сувга тушиб йўқ бўлиб кетса. Шундай абжир йигитнинг изи бўлмас эканми? Моҳий биладими буни?

— Ҳа.

— Унда нега менга хабар қилмади?

— Балки гумон сиз томон бошлашини истамагандир?

— Барибир бошлабди-ку?

— Мен сиздан гумонсираб келганим йўқ. „Нега менга хабар қилмади?“ деб ажабланингиз-а, олдинроқ билганингизда нима қилган бўлардингиз?

— Нима қилардим? Яқин қариндоши эмасман, „йўқолди“, деб миллисага ариза беришга ҳақсизман. „Бола бечорага жабр бўлибди“, деб қўярдим, холос.

— Нега „жабр бўлибди“ деяпсиз? Соғ-саломат бўлса-чи?

— Соғ-саломатлигини аниқлаганларингдан кейин „Бола пақирнинг бахти бор экан“, дейман.

— Ҳар ҳолда гапларингиз қизиқ...

— Полковник ука, сен мени тилимдан илинтиришни ҳавас ҳам қилма. Ошнанг йўқолган бўлса, қидиравер. Фақат мендан нарироқда қидир. Мен ўғрилар оламини гуллатиб юрганимда ҳам шилта иш билан бузуқликдан нари эдим. Шунинг учун ҳам мени қадрлашарди.

Бўрон „шилта иш“ деб қотилликни назарда тутган эди, Шуҳрат шу сўздан илиб олмоқчи бўлди:

— „Шилта иш“ ҳақида гап бўлмади-ку?

— Миллиса йигитнинг уч кундан бери изи ҳам, иси ҳам чиқмаётганидан яхшилик кутиш қийин. Энди сўроғингни шу ерда тўхтата қол. Ичинг куяётган бўлса, ўзимнинг қўл-бола чойимдан дамлаб берай.

— Мен сизни сўроқ қилгани келмаганман. Сиз билан бошлиғимиз гаплашмоқчилар. Ҳозир мен билан бирга бо-ришингиз шарт.

Бўрон унга бир неча нафас синовчан тикилгач, ўрнидан турди-да, уйга кириб, кийимини алмаштириб чиқди. Онаси уни шу одатга ўргатган: уйдаги кийим билан кўчага чиқмайди. Бўроннинг уст-бошига қараб, Шухратнинг ҳам ҳаваси келди, ҳам озгина ғашланди. Яхшилаб дазмолланган қора шим билан оппоқ кўйлак кийган, куюқ сочларини силлик тараган, ҳатто оёқ кийими ҳам ялтиллаб турган, бўй-басти келишган Бўронни кўрган одамда у ҳақда заррача ёмон фикр уйғунмаслиги аниқ. Айрим ҳамкасбларининг ёқаси кир, гижим кўйлакда ҳам хизматга келавериши, хизматнинг еттинчи, кечи билан ўнинчи йилидан қорин кўйиб, икки қадам юурса ҳаллослаб қолишдан унинг гоят ғаши келарди. Ҳатто идоранинг бир мажлисида шу ҳақда гапириб, ёши катта ходимлардан „Ука, сен олдин бизчалик хизмат қилиб кўйгин-да, кейин ёқамизнинг кирига қара“, деган танбеҳ эшитган эди.

Машина ўрнидан кўзғолгач, ҳайдовчи ёнида ўтирган Шухрат орқасига ўгирилиб деди:

— Балки Файратни топишимизда ёрдам берарсиз?

— Қизиқ бола экансан-ку! Нега мен ёрдам беришим керак?

— Бўлажак куёвингизнинг тақдири сизни қизиқтирмайдими?

— Унинг тақдири билан қизиқадиганлар етарли бўлса керак. Бошимдан тегирмон тошини юмалатишганда ҳам сенларга яқинлашмаганман. Милиция мактабида ўқиган бўлсанг, ўғрилар қонунини ўргатишгандир. Сенларга ёрдам берган одамни бизда нима дейишади, биларсан? Келиб-келиб шу ёшга етганимда бир қанжиқ ит каби ўлиб кетишни истамайман.

— Яхши, унда битта саволимга жавоб беринг. Тўрт кун олдин эрта саҳарда сизни мозордан чиқиб келаётганингизни кўришибди?

— Сенга маълумотни чала беришибди: беш кун олдин ҳам кўриши керак эди. Хўш, кўрса нима бўлибди? Мен кўп кечаларни мозорда ўтказаман.

— Нега?

— Негалигини айтишимдан олдин сен менинг битта саволимга жавоб бер: мозористон нима ўзи: ҳаёт белгисими ё йўқми?

— Ие! — Шуҳрат „Бу одам жиннироқмасми?“ дегандай сенинг кўзларига қаради. Бўрон бу қарашнинг маъносини билмаб, маънос жўймайди:

— Бунақа қарама, полковник, мени жин ҳам урмаган, мазор ҳам урмаган. Фақат битта ҳақиқатни сенга билдириб қўймоқчиман: мозор — ҳаёт белгиси. Яна ажабланыпсан-а? Дарҳақиқат қил: қаерда мозор бўлса, унинг ёнида ҳаёт бўлади. Ҳаёт бўлмаган жойда мозорга ҳожат борми? Қизиқ, а? Ҳаёт мазор улим айри-айри бўлмайди. Менга бу нарса жумбоқ бўлиб туюлади. Жумбоқни ечаман, дейман-у, тишим ўтмайди.

— Тушунарли... шунинг учун кечалари мозорда санқийсиз. Сизни „Мозорнинг санқи файласуфи“, деб таърифласак ҳам бўларкан.

— Жуда беодоб бола экансан, полковник. Уйимга бостириб кирдинг, индамадим, ҳар хил бемаъни гапларни айтяпсан, чидаяпман. Бирон жиноятни бўйнимга қўя олганимда бунақа олифтагарчилик қилсанг ярашарди. Бу кетишингда, бола, елкангдаги юлдузчаларинг шу кичкиналигича қолиб кетади.

— Кўполлик қилганим йўқ, гапларингизга яраша гап қилдим.

— Унда эшит: мозорда санқиб юрганимнинг сабабини билишинг учун менинг бошимдан ўтган савдолар бирмабир бошинга тушиши керак. Ўғри икки нарсадан кўрқмайди: қамоқ билан ўлимдан. Менинг умрим ана шундай кўрқувсиз ўтди. Энди қамалмайман. Лекин ўлишим аниқ. Уйқум ўчган тунлари борадиган жойимни зиёрат қилиб келаман. Бу кеча ҳам мозорда эдим, айғоқчиларинг сезишмабди-да? Бунақа гаплардан энсанг қотади, а? Майли, Моҳийнинг ҳурматидан бир маслаҳат бераман: сенлар чет эллик фараонларнинг хунаридан фойдаланларинг: Файратни топганга бир-икки юз минг доллар суюнчи пул эълон қилларинг. Бу ернинг одамлари пулни ўлгудек яхши кўришади. Ўртоғинг ернинг тагида бўлса ҳам ярим соатта қолдирмай топиб беришади.

Шуҳратга бу гап ёқмай, ўтирилиб олди. Бўрон эса тусини ўзгартирмай давом этди:

— Негалигини айтишимдан олдин сен менинг битта савалимга жавоб бер: мозористон нима ўзи: ҳаёт белгисими ё ўлимми?

— Ие! — Шуҳрат „Бу одам жиннироқмасми?“ дегандай сенинг кўзларига қаради. Бўрон бу қарашнинг маъносини англаб, маънос жилмайди:

— Бунақа қарама, полковник, мени жин ҳам урмаган, мазор ҳам урмаган. Фақат битта ҳақиқатни сенга билдириб қўймоқчиман: мазор — ҳаёт белгиси. Яна ажабланысан-а? Дикқат қил: қаерда мазор бўлса, унинг ёнида ҳаёт бўлади. Ҳаёт бўлмаган жойда мазорга ҳожат борми? Қизиқ, а? Ҳаёт ва ўлим айри-айри бўлмайди. Менга бу нарса жумбоқ бўлиб туюлади. Жумбоқни ечаман, дейман-у, тишим ўтмайди.

— Тушунарли... шунинг учун кечалари мазорда санқийсиз. Сизни „Мозорнинг санқи файласуфи“, деб таърифласак ҳам бўларкан.

— Жуда беодоб бола экансан, полковник. Уйимга бостириб кирдинг, индамадим, ҳар хил бемаъни гапларни айтяпсан, чидаяпман. Бирон жиноятни бўйнимга қўя олганигда бунақа олифтагарчилик қилсанг ярашарди. Бу кетишингда, бола, елкангдаги юлдузчаларинг шу кичкиналигича қолиб кетади.

— Қўполлик қилганим йўқ, гапларингизга яраша гап қилдим.

— Унда эшит: мазорда санқиб юрганимнинг сабабини билишинг учун менинг бошимдан ўтган савдолар бирмабир бошингга тушиши керак. Ўғри икки нарсадан кўрқмайди: қамоқ билан ўлимдан. Менинг умрим ана шундай кўрқувсиз ўтди. Энди қамалмайман. Лекин ўлишим аниқ. Уйқум ўчган тунлари борадиган жойимни зиёрат қилиб келаман. Бу кеча ҳам мазорда эдим, айроқчиларинг сезишмабди-да? Бунақа гаплардан энсанг қотади, а? Майли, Моҳийнинг ҳурматидан бир маслаҳат бераман: сенлар чет эллик фараонларнинг ҳунаридан фойдаланларинг: Файратни топганга бир-икки юз минг доллар суюнчи пул эълон қилларинг. Бу ернинг одамлари пулни ўлгудек яхши кўришади. Ўртоғинг ернинг тагида бўлса ҳам ярим соатга қолдирмай топиб беришади.

Шуҳратга бу гап ёқмай, ўтирилиб олди. Бўрон эса тусини ўзгартирмай давом этди:

---

— Бу гапим ҳам ёқмади, а? Таклифим аҳмоқона бўлгани учун эмас, амалга ошириш қўлингдан келмагани учун ғашландинг. Иккидан бири: аввало, шунча пулларинг йўқ сенларнинг, иккинчидан, йўқолган бола шунча пулга арзимаса керак. Сенлар таваккалига Файратни топганга юз минг доллар ваъда қилаверларинг. Бола топилганда ваъдадаги учта нолни ўчириб ташлайсан-у, „Биз юз доллар ваъда қилганмиз“ деб тураверасан. Ўша юз долларни, майли, мен бера қоларман.

— Шунақа боймисиз?

— Ўлиб кетган ўғай аммамнинг эридан қарз олиб турман. Сенга яна бир гап айтай, пешонангни тириштирмай эшит, полковник бўлганингда асқотади: ҳозирги гапларимдан энсанг қотди. Тан олиб айт: ошнангни топиш учун минг рубл ҳам сарфлай олмайсанлар. Ўғрилар эса ўзига керакли одам йўқолиб қолса, пулни аямасдан сочади. Ҳатто ўша йўқолган одамни топиб ўлдириш учун ҳам сарфлайди. Шунинг учун ҳам ҳалол ўғриларга тишларинг ўтмайди.

Милиция идорасига етиб келишгач, Бўрон машинадан шошилмай тушди. Тушгач, Шухратга эргашишга шошилмади — таниш-нотанишлар билан хайрлашиб олишни ният қилгандай, атрофга аланглаб боқди.

Ичкари кириб, бошлиқ эшигига яқинлашганларида Шухрат „Бир пас тура тулинг“, деб, ўзи эшикни қия очиб, топшириқ бажарилганини билдирди. Хонага ўзи кирмади, эшикни каттароқ очиб, Бўронга йўл бўшатди.

Нарзиев уни ўтирган жойида нохуш қараш билан қарши олди. Бундай хоналарда бундан-да баттар қарашларни кўрган Бўрон тўрт қадам қўйиб тўхтади-да, бошлиққа салом бермай, сурбетларча тикилди.

— Бўроннинг доврuginи эшитганман. Россия томонларда „авторитет“ дейишармиди? Ҳа, энг доврўгли авторитет тинчгина яшаётган районда ишлайман, деб ҳеч ўйламагандим. Ғалати мантиқсизликни қаранг: қонундаги ўғри тинч яшайпти, лекин район тинч эмас.

— Районнинг тинчлиги битта собиқ ўғрига боғлиқ бўлиб қолганми? — деди Бўрон киприк қоқмай.

— Мен битта саволни кўп ўйляяпман-у, лекин тўғри жавоб топа олмапман. Хоҳласангиз жавоб беринг, бўлмаса



— Ҳар ҳолда эски ҳунарингизни нима учун ташладингиз, нима учун айнан шу қишлоққа — Яссителага келиб жойлашдингиз?

— Агар Бухорога жойлашсам-у, сиз ўша ерда милиция бошлиғи бўлганингизда ҳам шуни сўрардингиз. Бу иккинчи саволингизга жавобим. Биринчисининг жавоби: ҳар қандай вазиятда ҳамкасбларингиз бу ишингни йиғиштиради, деб ўша маслаҳат беришарди. Қачондир уларнинг гапига қишлоқимиз керак эди-ку?

— Бунақа пичинлар менинг чўнтагимдан тушиб қолган. мен билан тўғри гаплашинг, — Нарзиев асабийлашганини яширолмай, столи устидаги қаламни олди-да, бармоқлари орасида айлантира бошлади. — Бу ерга келгунимча зонада ҳам хизмат қилганман, сизларнинг қилиқларингиз менга яхши таниш.

— Унда қанақасига тушунтирай. ўртоқ бошлиқ? Биров билан йиллаб бўкиб ичади, ҳаммани безор қилади, биров чекавериш ўпкасини илма-тешик қилиб юборади. Кунлардан бир кун икковининг кўзлари мошдек очилади. Арақхўрнинг кайфи тарқаб, кўзларини очади-ю, биров насиҳат қилмаса ҳам „Шунча ичганим етар“, деб арақ шишасини чил-чил синдириб ташлайди. Кашанда ҳам бўшаган сигарет қутисини гижимлаб отади. Ким эшитса, „Отанга балли, ташлаб яхши қилибсан!“ деб мақтайди. Мен бу икки босқичдан аллақачон ўтганман, ошналарим масҳара қилишган, мақтов эшитмаганман. Энди учинчи босқичга келиб, ўғрилиқни ташласам ҳам мақтов йўқ, юзтаси ишонмайди, мингтаси ажабланади, яна мингтаси ҳайратланиб, ёқасини ушлайди. Бир даврага кирсам, ҳамма кўрқиб қарайди. Сизлар ишонмасангиз ҳам, туну кун пайт пойласангиз ҳам, бир ишқални бошлашимни жуда-жуда хоҳласангиз ҳам ранжимайман, чунки касбингиз шунақа. Ўртоқ бошлиқ, сизга юрак-юракдан тўғриси айтман: ўғрилиқни ташлашимнинг ҳеч қандай сабаби йўқ. Дайдиб юравериш жонимга тегди. Бу ерга келиб биринчи марта кўчат экдим. Қўлимга кетмон олиб, ер чопдим, экинларни суғордим... Авваллари қўлларим ўзимга бўйсунмади. Мен туғилиб ўсган ерларда кетмон йўқ, кўчат ҳам экилмайди — ҳаммаёқ ўрмонзор. Суғорилмайди — ҳаммаёқни сув-у муз босиб ётибди...

---

йўқ: ҳар ҳолда эски ҳунарингизни нима учун ташладингиз, нима учун айнан шу қишлоққа — Ясситепага келиб жойлашдингиз?

— Агар Бухорога жойлашсам-у, сиз ўша ерда милиция бошлиғи бўлганингизда ҳам шуни сўрадингиз. Бу иккинчи саволингизга жавобим. Биринчисининг жавоби: ҳар қамалганимда ҳамкасбларингиз бу ишингни йиғиштир, деб яхши маслаҳат беришарди. Қачондир уларнинг гапига киришим керак эди-ку?

— Бунақа пичинглар менинг чўнтагимдан тушиб қолган, мен билан тўғри гаплашинг, — Нарзиев асабийлашаётганини яширолмай, столи устидаги қаламни олди-да, бармоқлари орасида айлантира бошлади. — Бу ерга келгунимча зонада ҳам хизмат қилганман, сизларнинг қилиқларингиз менга яхши таниш.

— Унда қанақасига тушунтирай. ўртоқ бошлиқ? Биров ўн йиллаб бўкиб ичади, ҳаммани безор қилади, биров чекавериб ўпкасини илма-тешик қилиб юборади. Кунлардан бир кун икковининг кўзлари мошдек очилади. Арақхўрнинг кайфи тарқаб, кўзларини очади-ю, биров насиҳат қилмаса ҳам „Шунча ичганим етар“, деб арақ шишасини чил-чил синдириб ташлайди. Кашанда ҳам бўшаган сигарет қутисини ёжимлаб отади. Ким эшитса, „Отанга балли, ташлаб яхши қилибсан!“ деб мақтайди. Мен бу икки босқичдан алақачон ўтганман, ошналарим масхара қилишган, мақтов эшитмаганман. Энди учинчи босқичга келиб, ўғрилиқни ташласам ҳам мақтов йўқ, юзтаси ишонмайди, мингтаси ажабланади, яна мингтаси ҳайратланиб, ёқасини ушлайди. Бир даврага кирсам, ҳамма қўрқиб қарайди. Сизлар ишонмасангиз ҳам, туну кун пайт пойласангиз ҳам, бир ишқални бошлашимни жуда-жуда хоҳласангиз ҳам ранжимайман, чунки касбингиз шунақа. Ўртоқ бошлиқ, сизга юрак-юрақдан тўғриси айтман: ўғрилиқни ташлашимнинг ҳеч қандай сабаби йўқ. Дайдиб юравериш жонимга тегди. Бу ерга келиб биринчи марта кўчат экдим. Қўлимга кетмон олиб, ер чопдим, экинларни суғордим... Авваллари қўлларим ўзимга бўйсунмади. Мен туғилиб ўсган ерларда кетмон йўқ, кўчат ҳам экилмайди — ҳаммаёқ ўрмонзор. Суғорилмайди — ҳаммаёқни сув-у муз босиб ётибди...

---

— Одамни бўғишга ўрганган қўл кетмон даستاني ушлашга кўникдими? — Нарзиев шундай деб қалам орақсини столга уриб-уриб қўйди.

Бу гап Бўроннинг юрагини тилиб ўтгандай бўлиб, юзи учди. Унинг оламида тухмат учун жавоб берилиши керак. Бу ерда... у чорасиз, газабига эрк беролмайди. „Зонада хизмат қилган бўлсанг, ҳар ҳолда бошлиқ бўлмагандирсан. Сенга ўхшаган майда офицерчаларнинг бошига эски пайтавамни ёпиб қўйсам ҳам гинг дея олмасди. Сен билан зонада учрашганимда олдимда қурбақалай сакраб юрган бўлардинг. Елканга иккита юлдузни кўндириб олиб, „Бургутман“ деб ўйляпсанми? Сен чумчуқсан! Узоққа ҳам, баландга ҳам учолмайсан. Чириллашга устасан, майли, чириллайвер, қулоқлар бундан баттарини эшитган“. Бўрон шу гапларни хаёлидан ўтказиб, Нарзиевга пича тикилиб тургач, истеҳзо билан кулимсираб, бош чайқади:

— Бу гапингиз ўхшамади, командир, тухмат қилманг. Чақиртиришингиздан олдин менга тегишли маълумотлар билан танишгандирсиз? Биронта шилта ишга яқинлашган эканманми? Мен ҳамиша озода ишлаганман. Жиноятни ҳам Россияда қилганман, жазони ҳам ўша ёқда олганман. Бир марта этап билан Учқудуққа келганман.

— Буни нима учун айтяпсиз? Ўз юртингизда жиноят қилмаганингиз учун ўзингизни ватанпарвар деб ҳисобляпсизми?

— Бе... ватанпарварлик ҳақида гапиришга менинг ҳаққим бор эканми! Шунчаки... маълумот учун айтдим-қўйдим-да. Мен сиздан олдинги бошлиққа тушунтириш хати ёзиб бергандим, ўқигандирсиз?

— Ўқидим. Бир бечора хотинга раҳм қилгансиз. Лекин ўша „бечора“ наркобизнесда айбланиб қамалган.

— Айби исботланмаган, оқланган.

— Балки оқлангандир. Лекин вақтида эри билан биргалликда қорадори билан шуғуланган. Эри билан бир зонада ўтиргансиз. Улат „Чегарага яқин қулай жой“, деб қишлоғини мақтамаганми?

— Йўқ, мақтамаган. Эстап бўлишидан олдин, ўлимини сезганми, „Оиламдан хабар олиб тур“, деб васият қилган. Чегарага яқин макон керак бўлса, туғилган еримга борардим, у жой шунчаки яқингина эмас, нақ чегаранинг ўзи.

Дарахт тепасига чиқиб қаралса, Япония кўриниб туради. Астойдил ҳаракат қилинса, тешик қайиқда ҳам сузиб ўтиш мумкин.

— Ўлат билан салом-алигингиз яхшимиди? Фақат „У билан бир марта кўришганман“ деб ўзингизни гўлликка солманг.

Ўзини гўлликка солиш ёшидан ўтган Бўрон тўғриси ҳам айтмасди. Ўлат билан биринчи учрашувида унинг Бунднийободдан эканини эшитиб, беихтиёр „Отам ўша ерлик бўлган“, деб юборган эди. Ўлатнинг унга яқинлашишига, ҳатто айрим сирларини айтишига шу сўзнинг ўзи кифоя қилганди. Дастлаб Бўроннинг унга эҳтиёжи йўқ эди, бироқ унинг кимнинг кўёви эканини билгач, энди яқинлашишига монелик қилмади, аксинча, қамоқ лагери учун шохона бўлган дастурхонига тез-тез чақириб турди. Ҳозир шуларни айтсинми? Ҳеч қачон! У Ўлат билан учрашувларни эслашга ҳаракат қилиб ўйга толгандай турди-да, бир неча нафаслик сукутдан сўнг ёдига ҳеч нима тушмаган бечора одам овозида жавоб берди:

— Ўлатни танирдим. Лекин нима учун салом-алигимиз яхши бўлиши керак?

— Ҳар ҳолда... таниқли рецидивистлардан...

— Рецидивистларнинг ҳаммаси менинг қариндошларимми?

Нарзиев туриб, Бўронга яқинлашди. Худди уриб юборадигандай ўқдек тикилди.

— Барагингизга бирон марта ҳам мўраламаганми? Майли, мўраламагандир, „авторитет“ бўла туриб, унга қизиқмаганмисиз?

— Зонада хизмат қилган бўлсангиз, биласиз, янги одам авторитетга салом бергани махсус келади.

— Ёки келтирилади, — деб аниқлик киритди Нарзиев.

— Ҳа, шундай бўлган. Кейин... баракка ҳам кирган, яширмайман. Чефир билан сийлаганман. Лекин унинг чефирга тоқати йўқ эди. Коньякни яхши кўрарди.

— Лекин сиз коньяк топиб бера олмагансиз, шундайми?

— Мени хафа қиляпсиз, командир, зонада коньяк топиш қийин иш эмас-ку?

— Демак, ўзингиз чефир ичиб, уни коньякка тўйдиргансиз. Демак, у-бу нарсаларни гаплашишга фурсат бўл-

ган. Масалан, кокоиннинг грами қанча, нашанинг бозори қайси шаҳарда чаққон? Бўлганми шунақа гаплар?

— Бўлмаган. Мен бунақа нарсаларга қизиқмайман. Қонунимизни биласиз-ку, ҳалол ўғрилар чернотага аралашмайди.

— Эҳтиёт чорангизми бу ё бошқа сабаб ҳам борми?

— Эҳтиёт чораси, десам, сизга маъкул келар? Лекин гапнинг ўғил боласи — мен ўғрилар қонунига хиёнат қилмаганман ҳеч қачон.

— Ҳа, ҳа... қонунингиз сиз учун муқаддас, — Нарзиев бурилиб, жойига қайтди. Бўрон эса турган жойида қотиб тураверди. — Ўғрилиқни ташлаганингизга ишондим. Лекин... „братва“ дермидингиз? Ошналарингиз ё шогирдларингиз билан бутунлай узилиб кетмагандирсиз?

— Деярли узилиб бўлганман. Энди бу дунёдан узилишим қолди. Шунда гумонлардан бира-тўла қутуламан.

— Бу масалада шошилмай туринг. Агар ҳаётингизда ором олишни истаб, ўғрилиқни ташлаган бўлсангиз, роҳатланишга улгуринг. Фирром деган шогирдингиз... Ўлатнинг меросхўри эмасми?

— Фирром қанақасига менинг шогирдим бўларкан? Зонада бирга ўтирган, кейин бу ерда пайдо бўлиб қолди. Тижорат қилаётганини биламан. Шу ерда шарбат заводи курмоқчилигини айтган.

— Ўғридан яхши тижоратчи чиқармикин?

— Фирром ҳеч қачон ўғри бўлмаган. Ўғрилар қиморбозлардан нафратланишади, ўзларига яқинлаштиришмайди.

— Сиз яқинлаштирибсиз-ку?

— Биз кўнгилчанлигимиз туфайли баъзан адашиб турамиз. Зонада жонини сақлаб қолган эдим.

— Нега?

— Битта миллатдан эканмиз, раҳмим келган.

— Қойилман! — Нарзиев шундай деб столига шапати уриб қўйди. — Ватанпарварлик устига ватанпарварлик! Лекин... мантиқ қолипига тушмаяпти бу ватанпарлигингиз. Ахир ўғрининг ватани қаерда — қамокда-ку? Шунақа қонунларинг борми ё ундан воз кечдиларингми?

— Шунақа қонун бор, командир. Ўғри турмада ўтириш керак, лекин... ана шу лекини бор: арзирли иш учун ўтириши керак, лақмалиги учун эмас.

Нарзиев шарт ўрнидан турди-ю, бироқ Бўрон томон юрмади.

— Шунақами? Бўпти, бораверинг!

Ҳайдаш даражасида кетишга ижозат берилган бўлса-да, Бўрон жойидан жилмади.

— Гапингиз борми менда? — деди Нарзиев кўрс оҳангда.

— Бирон гапингизни айтишни унутмадингизми?

— Қанақа гап?

— Ходимингиз кела-келгунимизча мени тергов қилиб, йўқолган лейтенант бола ҳақида сўраб-суриштирди. Чақиришингиздан мақсад шу эмасмиди?

— Кимни қачон чақираман, нима учун чақираман, нималарни сўрайман — бу менинг ишим! Ё сиз билан маслаҳатлашишим керакми?

— Мутлақо йўқ... мендан ақлли маслаҳат чиқмайди, ўртоқ полковник.

— Унда... — Нарзиевнинг бир нарса дегиси келди-ю, лекин тилини тийиб, „Сизга рухсат“, дейиш билан чекланди.

Жаҳл билан айтилган сўзларни хайрлашиш ўрнида қабул қилган Бўрон шу лутфга яраша иш қилди: индамай бурилиб, чиқиб кетди.

Кўчада бир оз тургач, гузарни кесиб ўтиб, рўпарадаги иморат сари юрди. „Шарбат цехи“ эшигига яқинлашиб тўхтади-да, ўтирилиб, милиция идораси томон қаради. Бу қарашида „Кузатяпсанларми, майли кузатаверларинг, менинг яширадиган сирим йўқ, қўлларингдан нима келарди?“ деган маъно бор эди. Бу онда Нарзиев чиндан ҳам дераза орқали қараб турган эди. Бўроннинг бу сурбетлиги унинг газаб жомини тошириб юборди, қўлидаги қаламни шарт синдириб отди-да, сўкиниб қўйди.

Бўроннинг хотиржамлиги тасодиф эмасди. Бу ерга бир эмас, бир неча марта чақирилишини ҳисобга олиб қўйган эди. Гап билан бўлса-да, янчиб ташлашга қасд қилган бошлиқнинг асабийлашаётганини сизди, шу боис унинг хонасини голиб одам ғурури билан тарк этди.

Цехнинг эшигини очиши билан димоғига ачимсиқ ҳид урилиб, кўнгли беҳузур бўлди. Бу ерга киришни сира ёқтирмасди, гапи бўлса Ғирромни чақиртирарди. Ҳозир изига қайтиши мумкин эмасди. Шу боис ёмон ҳидга чидаб, ичкарига қадам босди. Беш-олтти қадам юргач, чап томон-

даги эшикни очди. Шинам хона тўридаги айланма ўриндикқа ялпайиб ўтириб олиб, бармоқларини тозалаётган Фирром Бўроннинг кутилмаганда пайдо бўлиб қолишидан ажабланиб, шошиб қолди. Стол устидаги юпқа оқ қўлқопи ва сочилиб ётган карталарни тўплаб ғаладонга ташлади-да, меҳмонига пешвоз чиқди. Бўронга унинг бу одати маълум: қимор ўйнаса-ўйнамаса, бармоқ учларини майлин қумқозга ишқаб тозалаб туради. Бармоқ териси юпқалашса, картага энг ингичка игна учи билан берилган белгиларни ҳам сеза олади. Оқ қўлқоп эса бармоқ сезгиларини ташқи таъсирдан ҳимоялайди.

— Бутун нима учун кайфиятим яхши десам, келишингизнинг шабадаси экан-да! — Шундай деб қўл узатган эди, Бўрон кўришмади:

— Яна нозик бармоқчангни эзгилаб қўймай, ўйиннинг дараги чиқиб қолшини? — Бўрон саломга шу тарзда совуққина алик олиб, оромкурсига чўкди:

— Шу овлоқда ўйин бўларканми? Бор-у... бу қалангичасангилар билан ўйнаб, илминни хор қилмайман.

— Миш-мишларни эшитяпсанми, кайфияти яхши йигит?

— Миш-мишсиз кун борми бу ёруғ дунёда? Қайси бирини айтяпсиз?

— Рўпарангдаги идорадан тарқалаётган миш-мишни айтяпман: Моҳийнинг атрофида ўралашиб юрган бола йўқолганмишни?

— Худо урсин, эшитмадим. Буларнингиз, — Фирром милиция идораси томон имлаб қўйди, — „Лейтенантчамизни топиб беринг“, деб мендан илтимос қилишмади-ку? Йўқолган хитнинг мева шарбатига алоқаси йўқлигини билишди шекилли?

— Шарбатга алоқаси йўғ-у, лекин „Қорадори сотадиганларга қўшилиб кетганмиш“, деган миш-миш бор. Бунақа миш-мишни ҳов тўғрингдагилар жуда-а яхши кўришади. Майнавозчилик қилмай, кўзларингни каттароқ оч. Сенинг ўйинингни катта шаҳар кўтариши мумкин. Бу ерлардаги ҳар бир бута, ҳар битта барг айғоқчи. „Воҳ!“ дейишга улгурмай қоласан.

— Ўйин бошланди, деб сизга ким айтди? Сиздан оқ фотиҳа олмай туриб, ўйин бошлайдиган аҳмоқмасман.

— Аҳмоқсан! Билмасмидинг? — Бўрон Нарзиев билан суҳбатда йиғилиб қолган ғазаб тошларидан бирини унга отди-ю, шарт ўрнидан туриб, кетмоққа чоғланди. Лекин остонага етганда Фирромнинг гапи уни тўхтатди:

— Ўлатнинг ўлигини ўз кўзингиз билан кўрганмисиз?

Бўрон аста ўгирилиб, ҳам ғазаб, ҳам таажуж аралаш нигоҳини унга қадади:

— Шу пайтда эски пахталарни титкинг келиб қолдимми?

— Уни Париждаги энг зўр ресторанларда маишат қилиб ўтирганини кўрганлар бор.

Фирром ёлғон гапираётганида киприк қоқмайдиган, лозим бўлса, тулкиларга дарс бера олувчи устамон хирпалардан эканини Бўрон биларди. Шу сабабли унинг безларча қарашидан баттар ғазабланди.

— Ўзинг кўрсанг ҳам кўзларингга дарров ишонма.

— Ўлган, ўлмагани билан сариқ чақалик ишим йўқ. Лекин молни қаерга яшириб кетгани қизиқ. Агар топилса, Капрал-мапраларни аралаштирмай, иккаламиз тенг бўлиб олардик.

— Тенг шерик, дедингми? — Бўрон орқасига қайтиб унга тик келди. — Шериклик ошини ит ичмаганда мен ичманми? Яна сен билан-а? Мен кимману сен кимсан?!

— Тенг шерикликка кўнмасангиз, ўттизи менга, етмиши сизга, — Фирром шундай деб, эҳтиётан бир қадам чекинди — жон ширин-да! Ўлдиришга-ку, ўлдирмайди, лекин тепкиси ёмон бу одамнинг.

— Вей, калланг жойидами? Шу пайтда йўқ нарсанинг савдосини бошлаяпсанми?

Фирром яна бир қадам тисланди, лекин тилини тиймади:

— Нега йўқ бўлади, ўша нарса бор, фақат жойини аниқласак бўлди.

— Оппа-осонгина иш экан-ку? Унда топа қол. Қандай топишни Капрал ўргатмадимми?

— Ўргатувди: „Бўрон акахонингда иш кўп, этагини маҳкам ушла“, деган. Одессага хушxabар билан борсак яхши бўларди. Бу ишнинг суюнчисига битта кемани маишатга атаб қўйганини айтувдим-ку.

— Одессага интилсанг-интилавергин-у, темир тобутда қайтиб келишингни ҳам ҳисобга олиб қўй, менам шу гапни аввал айтганман, унутибсан, хомкалла!



— Одессада бўладиган маишатимизга шерик қаторида бормасангиз, қайнота қаторида борарсиз?

— Нима дединг, қайтар-чи?

— Анавинда Моҳийдан гап очганимда „Яхши“ дегандай бўлувдингиз-ку? Ўлат қизини менга васият қилган эди. Ўгай амаки бўлсангиз ҳам иззат қилавераман. Моҳийга уйланиб, ўрислар айтгандай, „асал ойи“ни Қора денгизда ўтказаман, деган ниятим бор. Ўлатнинг меросини Моҳийга сеп қилиб берсангиз, узукка кўз қўйгандай бўларди.

— Менга қара, куёв бола, агар тилингда айтаётганинг дилингда ҳам бўлса, юрагингни шу панжам билан суғуриб оламан, — Бўрон шундай деб унинг кўкрагига чанг солдида, қўйлагини гижимлади. — Сенга Ўлатнинг молини эмас, икки қулоч сурпни сеп қилиб бераман.

— Тушунмадим? — деди Фирром унинг вазоҳатидан кўрқиб.

— Тушунмадингни? Тумруғингдан осиб қўйганимда тушунасан. Жонинг кимнинг қўлида эканини унутма.

Шундай газаб билан гапирдики, оғзидан сачраган тупуклари Фирромнинг бетига тушди. Фирром бу ҳукм ҳозирнинг ўзида амалга ошадигандай чўчиб, тисланди. Бўрон „Аҳволинг шу-ку, яна мен билан майнавозчилик қиласанми?“ дегандай заҳарли қараш билан қараб турди-да, кескин бурилиб чиқиб кетди.

Шу кетишида тўғри Ойнисаникига борди. Сўрида ғамгин ҳолда ўтирган аёл уни кўриб, нохушлик билан ўрнидан туриб саломлашди. Таклиф бўлмаса-да, Бўрон сўрининг бир чеккасига ўтиргач, Ойнисадан ҳол-аҳвол сўради:

— Ойинг яхшимилар?

— Ҳозир бориб келдим... бир таниб-бир танимаяптилар.

— Менам кириб кўрсам бўладими?

— Нега? — Ойниса унга ҳам ажабланиш, ҳам бир оз кўрқув билан қараб олди.

— Сен билан ҳам, аканг билан ҳам қариндошдек бўлиб қолдик. Касални кириб кўриш ёмонми?

— Буни... акам билан маслаҳатлашинг. Балки бирга кирарсиз.

Шундан сўнг иккови ҳам жим қолди. Кейин Ойниса ҳол-аҳвол сўрамаса ҳам Бўрон ўзига ўзи гапирётгандай сўз бошлади:

— Милисага янги бошлиқ келганидан бери қачон чақираркин, деб кутардим, вақт-соати бугун экан. Буларни икки савол қизиқтиради: нима учун ўғриликни ташладим-у, нима учун бу ерга келиб қолдим? Тўғриси айтсам, ишонишмайди. Ёзув-чизув қўлимдан келганида бошимдан ўтганларни битта китоб қилиб ёзиб қўярдим. Милисанинг бошлиғи ҳар ўзгарганида табриклагани кириб, шу китобимдан совға қилардим, овора бўлиб сўроққа чақириб ўтирмасди. Сени чақирмадим, ишқилиб?

— Йўқ... — Ойниса чуқур хўрсинди.

— „Хатга тушдинг, ўтга тушдинг“, дегани шу-да! Ўлғунимизча қутулмаймиз улардан. Мен-ку уларнинг таппатайёр ўлжасиман. Очолмаётган каттароқ ишини бўйнимга қўйиб қамаш уларга чўт эмас. Сен бечорага қийин, емаган сомсанга пул тўлайсан. Қорадорили иш бўлса, сен томонга бир қараб олмаса иложи йўқ уларнинг.

Бўрон аёлнинг маҳзунлигини сезмагандай гапирётган эди, Ойниса яна хўрсиниб қўйгач, ҳол сўрашга мажбур бўлди:

— Нега кайфиятинг йўқ, соғмисан?

— Раҳмат... яхшиман.

— Ҳа, яхши бўл, касалланишни хаёлингга ҳам келтирма. Тўйнинг дарағи чиқиб турибди-я! Совчилар келишмадимми?

— Совчи келди.

— Куёв тўранинг ўзи келгандир? Бу думбул бола худди шундай қилса керак, деб ўйловдим. Хўп замонлар бошландими, а? Менинг олдимга ҳам борувди, бурнини оқизиб.

— Ўша йигит йўқолиб қолганмиш...

Ойнисанинг лаблари титради, аммо кўзларида ёш кўринмади. Бўрон ундан кўзини олиб, ерга қаради:

— Эшитдингми?

— Эшитмай бўларканми? Минг хил миш-миш... Қорадори сотадиганларга қўшилган, деган миш-мишлар ҳам бор. Агар шу гап рост чиқса, бизни яна Худо уради.

— Милиса суриштириб келдимми?

— Йўқ.

— Чақирдимми?

— Йўқ...

— Унда ҳовлиқаверма, ўзингни бос. Сен ҳеч нимани билмайсан, совчиликка ҳам келмаган. Қизинг қани?

— Шаҳарга тушиб кетибди...

— Тушиб кетибди? Сендан сўрамай кетдимми?

— Икки кундан бери ич-этини еб, телбага ўхшаб қолди. Мендан сўраб ўтирармиди? Назирага айтибди-ю кетибди. Ўжар феълени биласиз-ку...

— Назирага айтибдимми? — Бўрон ўрнидан турди. — Бўпти, сен хавотирланма. Ўзим суриштираман.

Муюлишдаги уйни ўраб турган девор паст, ҳовли шундай кўриниб турарди. Ошхонадан чиқаётган Назира омонат панжара эшик олдида турган Бўронни кўрди-ю, бир нимадан кўрққандай тўхтаб қолди.

— Қани, берироқ кел-чи, қизим, — деди Бўрон меҳрибон отанинг оҳангида. Назира яқинлашгач, кўзларига тикилиб туриб, сўради: — Ўртоғинг қаёққа кетди? Холангни алдабсан, мени алдама. Сен дўнпешоналарнинг турган-битганларинг ишқал.

— Эрталаб Файрат акадан хат олувди, шошилиб кетди.

— Қани ўша хат?

— Ўзида...

— Сен ўқимадингми?

— Ўқидим...

— Хўш? Нима деб ёзибди?

— „Дилим... хавотир олмагин, яхши одамлар билан топшидим, келажагимиз нурли бўлади. Тўйимизни Париждаги Эйфел минорасида ўтказамиз. Ўзинг билан учрашиб, маслаҳатлашим керак. Паридарага кел“, деган.

— Паридарага? Нима қилади у ерда?

— Билмайман, олдин ҳам боришувди.

— Бунинг тузоқлигини ўйлаб кўрмадиларингми? Хатни кимдан олди?

— Мендан...

— Сенга ким берди?

— Сут топширгани кетаётганимда битта бола қўлимга тутқазиб, ўзи қочиб кетди...

„Ишқал, буларнинг турган-битгани ишқал“, деб гўдираниб бурилди-да, тез-тез юриб кетди. Милициянинг кўзига кўринмаслик учун гузарни айланиб ўтиб, йўловчи машинада уйига қайтди-да, мотоциклини ўт олдириб, Паридара томон ҳайдади. У хатнинг тузоқ эканига амин эди. Тузоқнинг ким томонидан қўйилганини ҳам тахмин қи-

арди. Фақат нодон сайёднинг мақсадини англай олмасдан тараф эди. Қиз тузоққа тушиб қолган тақдирда ўзининг қандай чора-тадбир кўриши зарур эканини ҳам ҳозирча билмасди. Унинг бутун диққат-эътибори Паридарага тезроқ етиб боришда эди.

Паридарага етиб бора олмади. Зеро, бунга ҳожат бўлмади...

Моҳидил Назиранинг қўлидаги хатни юлиб олиб, хушxabар илинжида шошилганича ўқиди. Кўнгилга умид берувчи хушxabар бор эди: хат ёзиб юборибдими, демак, тирик! Муҳими шу! Лекин... ёзган гаплари галати...

Моҳидил сатрларни қайта-қайта ўқиди. Ҳар ўқиганида янги маъно уқиб, ёқимли хабар етказиши керак бўлган сатрлардаги ҳар бир ҳарф оловли тошларга айланди-ю, юрагини куйдира бошлади. Ҳозир севгилисига келиб қолса, бағрига отилишга тайёр эди, хатни ўқигач, гулхан алангасига отилгандай бўлди. Бутун вужуди ёнди, кўз олдини қоронғилик босди. Шу пайтгача „Нима бўлди экан?“ деган хавотир оташида ёнаётган эди, тириклигини билгандаги қувончи кўпга етмади, бирдан уйғонган нафрат тутуни бўга бошлади. Файратнинг Фирром билан ош-қатиқлигидан ранжиб юрарди. Унинг йўқолиб қолиши сабабини мактуб ошкор этгандай бўлди. Паридарага уни висол оҳанрабои тортмади, балки нафрат ўти бошлади. „Яхши одамларингиз ким? Келажакингиз қанақасига нурли бўлади? Қайси тўйингизни қайси Парижда қилмоқчисиз?“ Паридарага бориб, шу саволларига жавоб олмоқчи эди.

Ота-онаси бошига тушган кулфатларни кўриб улғайган қизнинг кўзлари ўткир бўлади, фаҳм-фаросатда ҳам бошқалардан ажралиб туради. Шубҳа уйготган ҳар қандай гап ёки воқеани дарров унутмай, узоқ вақт таҳлил қилади. Моҳидилни оёқлари Паридара сари шоширди, ақли эса Тошкент бекатидаги биринчи учрашувдан то сўнги дийдоргача бўлган онларни бир-бир таҳлил қилаверди. Айниқса, Фирром билан унинг муомалалари қайта-қайта кўз олдига келаверди. Ҳатто Назирага қўшиқ айтиб ўтириши ҳам унутилмади. Ўша ҳузурбахш кун Паридарадан қайтишда хайрлашиш олдидан тўхташган ялангликка етганда қаддам олиши сустлашди. Оёқларидан мадор эмас, жон чиқиб кетаётгандай туюлди. Аста-аста босиб, харсангга омонатти-

на ўтирди: ўша — Файрат ўтирган харсангга. Боши гангиди, тоғлар атрофида гир-гир айлана бошлади. У кўзларини чирт юмиб, бошини чангаллаб олди.

Айланишлар тингандай бўлди...

Шу онда тоғлар бағридан бир овоз жаранглаб отилиб чикди:

„Моҳидил, сиз мени шунақа пасткаш деб ўйляяписизми?“

Ўшанда шу жойда ўтириб айтган эди бу ўксик гапни.

Моҳидил шарт бошини кўтариб, атрофга телбаларча аланглади.

Овоз бошқа келмади.

Кутди шу овозни... Нима деса ҳам майлига эди...

Овоз келмади.

Аксинча, юрагига алам билан шивирлагандай бўлди:

„Моҳидил, сиз мени шунақа пасткаш деб ўйляяписизми?“

Ҳали ҳеч нимани аниқламай туриб, суйгани ҳақида ёмон фикрга боргани учун энди ўзидан ўзи уялиб кетди. Худди бировлар таънали нигоҳларини қадаб, унга иснод тошларини отгандай бўлдилар. Кафтлари билан юзини беркитди. Атроф бирдан жим-жит бўлиб қолди. Ҳатто кушларнинг чуғури ҳам эшитилмади.

Кейин...

Кейин унинг хиргойиси эшитилди:

Оқиб кетма, қалқиб кетма, кўм-кўк денгиз ичра Ой.

Оқиб кетма, қоғоз кема оққан каби ариқдан...

Кафтларини бетларидан олиб, эгик бошини шошиб кўтарди, атрофга кулоқ тутди. Унинг овозини эшитмоқни истади. Жуда-жуда истади. Агар бу он унга „Файратнинг бир оғиз сўзини эшитмоқ учун жонингни берармидинг?“ деб сўралса, ўйлаб ҳам ўтирмай, бу шартга ризо бўларди.

...Қадим замонда юртни ёв босиб, ошиқ йигит жангда яраланиб, асирга олинди. Ёв сардори золим эди, асирларни ўлимга ҳукм этди. Шунда қиз ялиниб келди, суйганига омонлик тилади. „Жонини текинга бермайман, сотиб ол“, деди сардор. „Мен камбағал бечораман, бир тангам ҳам йўқ“, деди қиз зорланиб. „Нега камбағал бўларкансан, — деб заҳарханда қилди сардор, — сенинг жуда катта бойлигинг бор. Ана, кўзларинг бойлигинг эмасми? Сен шу чи-

ойли кўзларингни бер, мен ошигингни озод этай“. Қиз бир нафас ҳам иккиланмай, сардорнинг шартини қабул қилди. Сардор қонхўр эди, бу билан кифояланмади ва дедди: „Кўзларингни шу ошиқ йигит ўйиб олиб, менга шартлиқ қилиши даркор“. Йигит оҳ урди: „Зинҳор бу ишни қилмасман, ханжарингни бер, ундан кўра мен ўз юрагимни қўриб, оёғинг остига отайин!“ деб хитоб қилди. Сардор шартли кулиш билан унга ханжарини тутди: „Шошилма, қизнинг кўзларини ўйиб олсанг, икковинг тирик қоласан. Давру даврон сурасан“, деди. Йигит унга қулоқ солмади, ханжар дастаси кўлига тегиши билан юрагига санчмоқ қасдида бўлди, аммо билагидан ушлаб қолиб, бунга йўл қўймадилар. „Сенларни кучли ишқ боглаб турганига ишондим. Лекин сени озод этмоқ учун севган ёринг кўзларини ўйиб олмоғим шарт, урушнинг қонуни шунақа, мен қонунни буза олмайман!“ Шундай деб қизнинг иккала кўзини ўйиб олди. Қиздан садо ҳам чиқмади. Йигитнинг ноласи эса етти осмон дарвозаларини ларзага келтирди. Сардор ваъдасида туриб, уларга озодлик берди. Лекин йигит бундан лаззат олмади. Кўллари кишандан бўшаши ҳамон икки бармоғини икки кўзига тиқиб, юлиб ташлади-да: „Ана энди озод бўлдим!“ деди. Қиз унинг бу ҳаракатини кўрмади ва овутмоқ истагида дедди: „Нола чекманг, бу икки кўзсиз яшаш мумкин, ахир қалб кўзим очиқ-ку? Мен сизни шу қалб кўзим билан кўриб турибман...“

Моҳидил саккизинчи синфдалигида икки садоқатли дўст ҳақидаги афсонани ўқиб таъсирланган эди. Қизликнинг сурурли оламига кирган онлари эди ўшанда. Уйқусиз тунлари кўлига қалам олиб, севги ҳақида шеър машқ қилди, ўхшамади, қоғозларни йиртиб-йиртиб ташлади. Кейин икки дўст ҳақидаги афсонани севишганлар қиссасига айлантириб ёзди. Ўзига ёқди. Онасига ўқиб берган эди, Ойниса маъюсланиб, „Яхши ёзибсан“, деб қўя қолди. Назирага ўқиб берди, унга жуда-жуда ёқди. Кейин унинг таклифи билан газетага жўнатди. Икки ойдан кейин жавоб олди: „Афсонангиз яхши, лекин йигит ўзини ўлдирганида яна ҳам яхши бўларди, келгуси ижодингизга муваффақиятлар тилайман“, дебди газета ходими. Моҳидилнинг жаҳли чиқди. Назира эса „Ранжима, бу одам эмас, ишқи йўқ эшак экан“, деб тўғри баҳони бериб қўя қолди. Гарчи

газета ходими муваффақият тилаган бўлса ҳам, ижодга ўша оннинг ўзида нуқта қўйилди.

Файратнинг хиргойиси эшитилгач, афсонани эслаб, „Ўшанда ўзимнинг тақдиримни ёзган бўлсам-чи?“ деган фикр хаёлини ёритиб ўтди. Агар Файрат ўғирланган бўлса-ю, эвазига шу шахло кўзларини сўрашса, юрагини юлиб беришга ҳам рози бўларди. Файрат-чи? Афсонадаги йигит каби журъат эта олармиди?

Кутилмаганда қулоқлари остида яна хиргойи эшитилди. Файрат жуда яқин келиб, энгашиб, жуда паст овозда айтди қўшигини:

Оқиб кетма, оқиб кетма, Ойжон, оқиб кетмагин,  
Кетганлар кўп, қайтганлар йўқ, дил безиллар кетишдан.  
Оқиб кетсанг, қалқиб кетсанг, узоқларга кетмагин,  
Қайтиб келсанг чарчамасман юрагимни чертишдан...

Хонадони осмонидаги саодат қуёшини изо-иҳонат булути тўсиб турган оила аъзоларининг кўз ёшлари қуриб қолган бўлади. Юракларини йиғи ўртаб юборса ҳам кўзларига ёш келмайди. Моҳидил ҳам шундай: жаҳли чиқса, шартта жеркиб ташлаши мумкин, йиғлагиси келса... йиғлолмайди. Нега шунақалигини ўзи ҳам билмайди. Балки... аввал отасини, кейин онасини қамашганда йиғлайвериб кўз ёшларини адо қилиб қўйгандир? Ҳатто... отасининг ўлганини эшитганда ҳам йиғлай олмаган эди. Кўнгли фарёд чекди-ю, лекин кўз ошкор қилмади. Одамлар қанчалик ёмонлашмасин, ўша одам унинг отаси эди... Ёмонлиги сабабли у жамият бағридан суғуриб, тутқун қилинди. Қиз эса отасини юрагидан суғуриб олиб, қора ерга қўма олмасди...

Йиғини унутган қиз Паридала йўлидаги бу ялангликда, ёлғиз ўзи аросат водийсида довдираб турган бу онда юрагини ўртаётган фарёд йўлини тўса олмади, кўзлардан ёш қуйилди, киприклар ожизлик қилиб, ёноқлардан ирмоқ бўлиб оқди.

Йиғласа-да, кўнгли ёришмади. Ўрнидан туриб, жилга бўйига борди. Кўлини, сўнг юзини ювди. Кафтига яна сув тўлдирганда жилганинг сирли шилдираши тиниб, яна Файратнинг овози келди:

.... Қўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатга келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учинчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди...”

Фитна... Фитна... Ариқ сувидаги фитна маълум. ҳаётдагиси қандай фитна бўлди?!

У чуқур-чуқур нафас олиб, ҳаяжонини, нафратини ва ўзи ҳам тушунмаётган аллақандай ҳисларни қувгандай бўлди. Бошбошдоқ хаёлларни тизгинлашга уринди.

Хатни Назира берди... Хат нега унинг қўлига тушди? Ё унинг ўзи шумлик қилдими? Шубҳа дугонаси томон бурилиши билан дарров қайтарди. Тўғри, Назира баъзан қўпол қилиқлар ҳам қилиб турарди, лекин тақдирни ўзгартириб юбориши мумкин бўлган бу мактуб ҳазил доирасига кирмасди.

Саволлар кетидан саволлар қўйилиб келаверди, аммо биронтасига жўяли жавоб топилмади — аросатда қолаверди. Охири бу ерда ўтирмай, уйига қайтишга аҳд қилиб, ўрнидан турди. Эллик-олтмиш қадам юрар-юрмас, мотоцикл овозини эшитиб тўхтади. Тупроқ йўлни чангитиб келаётган мотоцикл унга беш-олти қадам етмай тўхтади.

— Ие, жиян, бу ерда нима қилиб юрибсан? — деди Бўрон ўтирган ерида. — Амакинг пиво туширтириб қўйиб, ҳуноби ошиб ётибди-ю? Пивоҳўрларингнинг томоғи тешилай деб қолди.

Бўрон ўзини бу ерга тасодифан келиб қолгандай қилиб кўрсатмоқчи бўлди-ю, лекин қизнинг тик қарашига бас келолмай, нигоҳини олиб қочди.

Моҳидил унинг гаплари ёлгон эканини билиб турса-да, „Томоғи тешилмай ўлсин!“ дегиси келди, бироқ „Нега кайфиятинг йўқ“, деган савол берилишини истамай, зўраки жилмайди:

— Шу ёқларни би-ир айлангим келди. Ўзингиз бу ёқда нима қилиб юрибсиз?

— Менми?... Шу томондаги бир қишлоқда... отини унутибман, сотиладиган зотли сигир бор экан. Шунга келаётувдим.

— Сариктака қишлоғидами? — деди Моҳидил мугомбирлик билан.

---



Бўрон саволга яширинган киноя оҳангини англамай: „Ҳа, ҳа, шунақа шекилли“, деб қўйди.

— Сал адашибсиз. Пастроқда чапга қайилишингиз керак эди.

Бўрон ёлгонини ошкор қилмаслик учун Моҳидилга тик қарамай:

— Билмаган одамнинг иши қийин-да, — деб мотоциклинни қайтарди. Лекин ўт олдирмади, етаклаганича қиз билан ёнма-ён юрди.

Муюлишга етганда Моҳидил тўхтаб, чап томондаги сўқмоққа қўли билан ишора қилди:

— Сариктака шу томонда.

Бўрон бурилишни ҳам, қиз билан бирга Ясситепага қайтишни ҳам билмай бир оз иккиланди. Моҳидилга қараган эди, у юзини бурди. Қўзларига қараб, сир олиш имкони қирқилди. Бўрон раҳмат айтиб, сўқмоққа бурилгач, Моҳидил уни тўхтатди:

— Тўхтанг, амак, қаёққа кетяпсиз?

— Сариктакага...

— Шу ёқдалигини аниқ биласизми?

— Сен айтдинг-ку?

— Мен ёлгон айтдим.

— Нега?

— Чунки сиз ҳам ёлгончисиз.

— Мен-а?

— Ҳа, сиз! Бу атрофда қишлоқ йўқ. Сариктака дегани умуман йўқ. Сиз зотли сигир қидириб борадиган одам ҳам эмассиз. Сизни менинг орқамдан Назира юбордими?

— Мен Назиранинг буйруғига бўйсиниб юрадиган лақмаманми?

— Унда... майли, мен лақма эканман. Тўғрисини айтайми: мени Файрат ака чақиртирган эдилар. Биз аҳд-паймон қилиб қочиб кетмоқчи эдик, сиз халақит бердингиз.

— Энди сен ёлгон гапиряпсан.

— Нега? Қочиб кетолмайманми? Ясситепадан ҳар йили ўн-ўн бешта қиз севгани билан қочиб кетади.

Бўрон бу гапдан кулди.

— Ёлгончилик дарсини яхши ўқимабсан, жиян. Одам тўқиган ёлгонига ҳеч бўлмаса ўзи ишониши керак. Қочиб кетаман, дейсан. Нега энди қочаркансан? Биров сенларга

Бўрон саволга яширинган киноя оҳангини англамай: „Ҳа, ҳа, шунақа шекилли“, деб қўйди.

— Сал адашибсиз. Пастроқда чапга қайилишингиз керак эди.

Бўрон ёлғонини ошкор қилмаслик учун Моҳидилга тик қарамай:

— Билмаган одамнинг иши қийин-да, — деб мотоциклинни қайтарди. Лекин ўт олдирмади, етаклаганича қиз билан ёнма-ён юрди.

Муюлишга етганда Моҳидил тўхтаб, чап томондаги сўқмоққа қўли билан ишора қилди:

— Сариктака шу томонда.

Бўрон бурилишни ҳам, қиз билан бирга Ясситепага қайтишни ҳам билмай бир оз иккиланди. Моҳидилга қараган эди, у юзини бурди. Кўзларига қараб, сир олиш имкони қирқилди. Бўрон раҳмат айтиб, сўқмоқча бурилгач, Моҳидил уни тўхтатди:

— Тўхтанг, амак, қаёққа кетяпсиз?

— Сариктакага...

— Шу ёқдалигини аниқ биласизми?

— Сен айтдинг-ку?

— Мен ёлғон айтдим.

— Нега?

— Чунки сиз ҳам ёлғончисиз.

— Мен-а?

— Ҳа, сиз! Бу атрофда қишлоқ йўқ. Сариктака дегани умуман йўқ. Сиз зотли сигир қидириб борадиган одам ҳам эмассиз. Сизни менинг орқамдан Назира юбордим?

— Мен Назиранинг буйруғига бўйсиниб юрадиган лақмаманми?

— Унда... майли, мен лақма эканман. Тўғрисини айтайми: мени Ғайрат ака чақиртирган эдилар. Биз аҳд-паймон қилиб қочиб кетмоқчи эдик, сиз халақит бердингиз.

— Энди сен ёлғон гапиряпсан.

— Нега? Қочиб кетолмайманми? Ясситепадан ҳар йили ўн-ўн бешта қиз севгани билан қочиб кетади.

Бўрон бу гапдан кулди.

— Ёлғончилик дарсини яхши ўқимабсан, жиян. Одам тўқиган ёлғонига ҳеч бўлмаса ўзи ишониши керак. Қочиб кетаман, дейсан. Нега энди қочаркансан? Биров сенларга

қаршилик қиялптимми? Ҳали ораларингда аҳд-паймон ҳам йўқ-ку?

— Сиз қаердан биласиз? — Моҳидил қошларини чимнириб унга қаради. Шунда Бўрон унинг киприклари ортита яширинган мунг соясини илғади.

— Менам бир пайтлар ёш бўлганман. Мендаям озгинагина шунақа ҳис бўлган. Майли, жиян, сен енгдинг. Бу ҳақда гапирмайман. Фақат... Ойниса сал хавотир олиб ўтирибди, тезроқ бора қол.

Бўрон мотоциклни ўт олдирди, лекин Моҳидил кажавага ҳам, орқа ўринга ҳам ўтирмади. Пиёда кетди.

Қизининг беҳол қадамлар билан кириб келишини, ранг-рўйини кўрган Ойниса лабини тишлади, унга дашном бермади.

\* \* \*

Бўрон уйига қайтиб, супага омонат ўтирган онда ичкаридан бадқовоқ одам чиқиб келди. Бу чақирилмаган меҳмон ва унинг шериги ҳам шу кунларда Фирромга хизмат қилаётган бўлишса-да, аслида Бўроннинг одамлари эди. Уларни Бўронга ҳам, Фирромга ҳам Ўлат тавсия этганди. Бўрон, абжирлиги туфайли, уларни Фирромдан олдинроқ ўзиники қилиб олган эди. Фирром қармоқ ташлаган пайтда улар Бўрондан „Нима қилайлик?“ деб сўрашди. „Кўп савдолашмай, шартларига кўнларинг. Мени танишларингни билдирмаларинг, икки томонга ўйнаганларинг учун оладиганларингни ошираман“, деди. Бўроннинг берадигани нақд, Фирромники насия экан, хизмат шунга яраша бўлаверди.

— Кеча кечаси келишинг керак эди, нега кундузи юрибсан? — деди Бўрон унга норози қиёфада қараб.

— Фирром кеч кирмай келиб оляпти. Нарибери юришинг иложи йўқ, — деди бадқовоқ ўзини оқлаб.

— Хўп, ўзини тутиши қанақа?

— У четдан мол кутаётгани йўқ. Ўлатнинг молини топмоқчи.

— Қаердан топаркан?.. — Бўрон шундай деб бўйинини қашиган бўлиб, унга қувлик билан қаради. — Яхши, унинг мушқулини осонлаштириб бераман. Тулки билан тулкининг тилида гаплашиб кўрай-чи? Бугун ундан суюнчи ол:

„Тошкентдаги ошналардан хабар эшитдим, мол мозорда экан, Бўрон бугун уни олиб, мижозларига бериб юборармиш“, дегин-чи, пайтавасига қурт тушмасмикин? Меннинг аҳволи қандай?

— Ерғулада ётибди. Нуқул ашула айтади. Томи кетган шекилли?

— Йў-ўқ, унинг томи бақувват, эҳтиёт бўлларинг. У ўлмаслиги керак. Агар бугун ҳам қўйиб юбормаса, қочиницага йўл берларинг. Фирром эрталаб сенларни Паридарага юбормаганмиди?

— Нимага?

— Қиз ўғирлаш учун.

— Йўқ, бунақа гап бўлмади.

— Менгни қочирганларингдан кейин, ярим кечада мазорга келасанлар.

— Ўзимизми?

— Агар Фирромни ишонтира олсаларинг, бирга келасанлар.

— Сизни... гумдон қилишни буюрса-чи?

— Гумдон қилишни жуда-жуда хоҳлайди-ю, лекин ҳозирча қўли калта. Менсиз ошиғи олчи турмаслигини биларди, у туллак!

Бадқовоқ топшириқни олиб, кетишга чоғланганида очик турган кўча эшиги остонасида бири саккиз, иккинчиси ўн ёшлардаги болалар кўринишди. Каттаси хўроз қўлтиқлаб олган, кичигининг қўлида кучукча. Бўрон уларни танир эди, шу сабабли кулиб қаради:

— Келаверларинг, пучуқвойлар, нега тўхтаб қолдиларинг? — деди қувноқ оҳангда.

Иккови ичкарига кириб, бараварига салом беришди. Бўрон алик олди, бадқовоқ эса „булар ким?“ деган маънода савол назари билан қаради.

— Амак, бобохўроз сотаман, олинг, росса зўр уришарди, — деди каттароғи бурнини тортиб.

— Мен кучукча сотаман, бўрибосарнинг боласи, катта бўлганида росса зўр уришарди, — деди кичиги.

Улар хўроз билан кучукчанинг „росса зўр уришишига“ ё: амакиннинг ишонишини жуда-жуда истаб, умидли кўзларини тикиб қарашди. Хўроз Бўронга таниш эди. Шу боланинг ўзи ўтган ҳафта ўн рублга сотиб кетганди. Бў-

роннинг сўйишга кўнгли бўлмади, қўйиб юборган эди, мана яна қайтиб келибди...

— Хўроз билан кучукча ўзларингникими ё ўғирлаб олдиларингми? — деб сўради Бўрон қувлик билан.

— Ҳазимизники, ўғирламаймиз, ўғирлаш гуноҳ, — деди каттаси.

— Ўғрининг бурни қийшайиб қолади. — деди кичиги.

Бўрон „Кўрдингми буларнинг ақлини!“ дегандай бадқовоққа қараб қўйди.

— Пулни нима қиласанлар?

— Мен бувимга бераман, дори оладилар, — деди хўроз ушлаган бола.

— Мен онамга бераман... — деди иккинчиси.

— Бу хўрозинг анави куни сотганингнинг укасими? — деди Бўрон унга синовчан тикилиб.

— Укасимас, ўшанинг ўзи, — деди бола бурнини билан артиб. У энди сири фош бўлгани учун жазо олишидан кўрқиб, мўлтиллаб қаради.

— Нега бошқасини олиб келмадинг?

— Бизда бошқаси йўқ, — деди у энди йиғламсираб. — Манг, текинга ола қолинг.

Бўрон хўрозни олиб, оғирлигини чамалагандай бўлди:

— Ўҳ-хў, роса яхши боқиб, семиртириб юборибсан-ку, бунингни текинга олмайман, — шундай деб хўрозни бадқовоққа берди-да, чўнтагидан йигирма бешталикни чиқариб, болага узатди: — Фақат хўроз сотганингни бувингдан бошқа ҳеч кимга айтма, хўпми?

Бола пулни олиб, маҳкам ғижимлади. Бўрон иккинчисига бешталикни бериб, кучукчани ерга қўйди. Кучукча ер искаб, ниманидир қидира кетди. „Онасининг исини олмоқчи бояқиш“, деб ўйлади Бўрон унинг ҳаракатини кузатиб.

— Акам қулоғи билан думини кесишни биладилар, — деди бола, нархни сал ошириш мақсадида.

— Йўқ, кесмаймиз, шундай юриверсин, — деб Бўрон унинг шаштини қайтарди. Бола:

— Кесса яхши уришади, — деди маҳмадоналик билан.

— Бу уришмайди, яхши ит бўлади, — деди Бўрон кулиб.

Иккала бола уришмайдиган ит қанақасига яхши бўлишини тушунолмай, изларига қайтишди. Бундай савдо-со-

---

тиқдан ажабланиб турган бадқовоқ қўлида типирчилай бошлаган хўрозни Бўронга узатди.

— Бу сенга, — деди Бўрон қулиб.

— Нима қиламан? — деди бадқовоқ янада ажабланиб.

— Хоҳласанг пишириб е, пишгунича чидамасанг, пати-ни юлиб, хомлигича еявер. — Бадқовоқ қочирим, ҳазил деган гапларни фаҳламасди. Ҳозир ҳам Бўроннинг гапларини тўғри қабул қилиб, пешонасини тириштирди. Буни сезган Бўрон жиддийлашди: — Яхшиси, катта кўчага чиққанингда қўйиб юбор, уйини ўзи топиб боради.

Бадқовоқ Бўроннинг бу қилигидан таажубланса-да, эътироз билдирмай, хўрозни қўлтиқлаб жўнади. Бўрон эса ҳануз ер искаб гингший бошлаган кучукчага қараб ўтирди. Болалигида ит боқишни яхши кўрарди. У яшаган қишлоқда ит одамнинг энг яқин ёрдамчиси эди. Қишда бир неча итни чанага боғлаб учиш унинг жони-дили эди. Онаси кўёшли қишлоғини, сўлим боғларни мақтай бошлаганида у чана учишнинг қанчалик мазза эканини онасига тушунтиролмай гаран бўларди...

\* \* \*

Бўрон таваккал қилиб, янглишмаган эди: Ўлатдан қолган молнинг мазорда эканини эшитган Фирром шошиб қолди.

— Қоронғи тушиши билан анави шиггани қопга солиб, бир сайр қилдириб келасанлар. Қайси йўлда санқисларинг санқиларинг, лекин узоқроқ юрларинг. Бир-бирларинг билан кўпроқ гаплашларинг. Биттанг валдираб-валдираб, охири довдирлик қилиб, менинг мақсалимни ошкор қилиб кўясан. Шунақанги вайсаларингки, Ўлатнинг бойлигини топганимни эшитиб, ишонсин. Эрта-индин ташқаридан мол келгач, Кесгансой, Шерқирлиди, Оқсерка орқали олиб ўтиб кетаман. Зарур бўлиб қолса, Моҳидилни гаровга оламан. Ментни бир-икки тепларинг-у, аммо ўлдирмаларинг. Ўлди, деб гумон қилиб, устига хас-хашак ташлаб кетаверларинг. У сенлардан эшитган гапларни хўжайинларига етказиши шарт. Бу унинг овсарлиги учун, — Фирром чўнтагидан пул чиқариб, бадқовоққа узатди, — чўнтагига солиб қўйларинг.

Атрофга қоронғилик чўкиши билан бадқовоқлар ертў-  
га тушиб, Файратнинг бошига қоп кийгиздилар. Қўл-  
ёқлари боғлиқ Файрат уларга ортиқча қаршилик қилмади.

— Одам ўлишини билса, мўминтой бўлиб қоларкан-  
ми? — деди уларнинг бири.

Иккинчиси бу саволга жавоб бермай, йигитни орқалаб,  
ташқарига олиб чиқди. Дарвозага боғлаб қўйилган яғир  
шакка хуржун каби ташлаб, йўлга тушдилар.

— Ўлатнинг беркитган моли озгинадир, десам, оламга  
гадийдиган чиқди-я? Эҳтимол, ўн миллионликдир, балки  
юз миллионликдир, Худо билади, — деди биринчиси. —  
Фирромнинг тирноғигача олтин бўлиб кетади.

— Биз ҳам одамга ўхшаб яшайдиган бўламиз энди, —  
деди иккинчиси.

— Пулимни олгандан кейин бошқа юртларга жўнавора-  
ман. Манави гўрсўхтани ўлдиришимиз бизга ортиқчалик  
қилади.

— Фирромнинг калласи ишлайдими? Кесгансой, Шер-  
қирилди, Оқсерка орқали кетмоқчими? Ўлат қўлга тушган  
йўллар-ку, бу?

— Унинг калласи жойида. Ўлатнинг йўлларини милиса  
пойлайвериб хит бўлиб кетган. Ҳозир у томонларда ҳеч  
зоғ йўқ. Фирромнинг гапини яхши тушунмабсан: у Шаш-  
қатор билан Мажнунтолни айланиб ўтмоқчи.

— Йўлни чўзворибди, бир кунни йўқотади.

— Бир куни кетса-кетсин, лекин бир тийинни ҳам йў-  
қотмай, жойига бехатар етиб олади.

— Жононни нега ўғирламоқчи, уйланмоқчими?

— Эсон-омон етиб олса, уйланади. Пистирмага учраб  
қолса, қиз гаровда, унинг жонига ўз жонини алмаштиради.

— Бўрондан қўрқмайдими? Жонон Бўроннинг жияни  
экан-ку?

— Молни олиб чиқиб кетса, Бўронга ўхшаганларнинг  
юзтасини сариқ чақага ҳам олмай қўяди. Бўрон алойи  
тамом бўлган битта ўғри-да! Сен билмайсан, агар Фирром  
ёнига олмаганида Бўрон қамоқда ўлиб кетарди. Шунинг  
ҳисобига Бўрон тутинган жиянини унга совға қилган, деб  
эшитдим.

— Менга қара, бу ўлимтикни шаршарага олиб бориб таш-  
лашимиз шартми? Шу ерда бир ёқлик қилиб қўя қоламиз.

— Бу гапинг ҳам тўғри. Асли иккита тепиб, боя сойга ташлаб юбориш керак эди, аҳмоқ бўлиб шунча юрдик.

— Ўзиям жим бўлиб қолдимми? Қани, тушир-чи, балки ўлиб бўлгандир?

Файратни эшакдан тушириб, бошидан қопни олмай, бир-икки тепдилар. Кейин билак томирини ушлаб кўриб. „Уч тепкилик жони бор экан-у, олифтагарчилик қилади-я, кетди, кетадиган ерига“, деб устига хас-хашақларни ташлаб, эшакни ҳам тепа-тепа ҳайдадилар-да, шошганларича узоқлашдилар.

Файрат ўлмаган, ҳушини ҳам йўқотмаган эди. Қаламлар товуши тиниб, атрофга сукунат чўккач, аста судрала бошлади.

### ЛАҲАДДАГИ БЕГОНА МУРДА

Тирикликнинг роҳати яхшими ё лаҳадда ётмоқликнинг роҳати афзалми? Тирикликнинг роҳати аслида азобдан иборат. Одам бу азобни доим ҳам ҳис қилавермайди. Роҳат умиди унинг ҳисларини ихоталаб қўяди. Фақатгина роҳат умиди сингандигина руҳ азобини ҳис этади. Одам қорнини тўйдириши учун қанчалар уринмоғи, елиб-югурмоғи, кимларгадир таъзим қилиб, кимларнидир янчиб ўтмоғи керак. Бир коса гўштсиз шўрва-ю, бир бурда қаттиқ нон билан қорин тўйса-да, унинг ташвиши шунчалик кўп — бир дош-қозонга сиғмайдиган даражада. Яна уст-бош, бошпана, орзу-ҳавас... ташвишлари. Бу ташвишларнинг чегараси йўқми? Бор. Агар одам ўз нафсини иймон чегараси билан ихота эта олса, демак, ташвишлар ҳам чегараланган бўлади. Бу чегарага сабр, бардош, қаноат, шукр... каби соқчилар қўйилса ва улар ўз вазифаларини юксак мақомда уддалай олсалар, тириклик ташвиши камайиб, лаҳаддаги банд то қиёматга қадар тинч ётади. Маҳшардан кейинги мукофоти эса аниқ.

Қабристонда ярим соатдан бери тик турган Бўрон ва у томон аста-секин, писиб яқинлашаётган одам бу ҳақда ўйламайди. Уларнинг ташвиши охират эмас, балки бутуннинг ҳузур ва ҳаловати. Қабристонда турганлари ҳолда лаҳаддагиларнинг аҳволи ҳақида ўйламайдилар, қачондир ўзларининг ҳам мана шу ҳолга келишларини фикр қилмайдилар.



Ивирсиб юрган бир парча оқ булут Ой юзини артгандай бўлди-ю, кўздан йўқолди. Қабристон яна Ой нурига беланди. Бўрон орқа томонида шарпа сезса ҳам ўгирилмади:

— Биров „Гўрга ўз оёғи билан келиб ётди“, деса ишонмаган бўлардим, — деди тўнғиллаб.

Унга яқинлашиб қолган Фирром бу тўнгликка ўзининг қитмир оҳанги билан жавоб қайтарди:

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Олдинроқ келиб, навбат олиб турибсизми?

Бўрон ўгирилиб, унга тик қаради:

— Нима қилиб изғиб юрибсан?

— Тушимда Ўлатни кўрувдим, „Акангга албатта учраш“, деб тайинловди.

— Гапини тушунмагандирсан, „Сени соғиндим, ётадиган бўлиб кел“, деб ёнига чақиргандир.

— Ҳа... кимнидир соғинган, кимнидир ёнига чақиряпти.

— Гапларинг жуда-а дадил-ку, а? Бошлаб келган лайчаларингга ишоняпсанми? Атрофни менинг бўрибосарларим ураб олган бўлса-чи?

— Акахон, мозорда ҳазиллашсангиз унча ярашмас экан. Бўрибосарларингиз отам замонида ўтиб кетган. Битта-яримта қолгани бўлса ҳам тишлари тўкилиб адо бўлгандир. Келинг, яхшиси гапни чўзмай, келишиб қўя қолайлик: фойдани тенгма-тенг бўлишамиз.

— Етмиши менга эди-ку? Нега айниб қолдинг?

— Аслида ҳаммасини сизга берсам ҳам бўларди. Лекин сиз шунча пулни нима қиласиз? Муҳтож бўлиб қолсангиз, ана, обшакларинг бор. Мен уйланишим керак. Завод қуришим керак.

— Мен кафанлигимни пулдан тиктириб қўймоқчиман. Кафаним балки уч қават бўлар, балки ўн қават бўлар...

— Шунинг ўзими? — деб кулди Фирром. — Бунисидан хотиржам бўлаверинг. Сиз менга отам қилмаган яхшиликларни қилгансиз. Кафанлигингизни йигирма қават қилдириб, гўрингизнинг тепасига тилла ҳайкалингизни ҳам қўйдираман. Тасаввур қилинг: тикан босиб ётган мозорда битта тилла ҳайкал тиржайиб турибди. Ҳамма фақат сизнинг зиёратингизга келади. Биттаси табаррук қилиб бурнингизни синдириб олади. Яна биттаси қулоғингизни... Бошқаси кўзларингизни ўйиб олади. Қарабсизки, ярим соатда ҳай-

---

калдан ном-нишон қолмайди. Яхшиси, оқ мрамардан қўйдираман. Бошингизга қарға ўтириб кетса ҳам артиб ташлаш осон бўлади.

— Тилларинг жуда-а бурроми?

Бўрон шундай деб бир қадам босди. Фиром эса эҳтиёт чорасини қилиб, икки қадам тисарилди.

— Бурромас, сизнинг ҳазилингизни давом эттирдим, акахон. Энди менинг гапимни ҳам эшитинг. Майли, юздан етмиши сизга. Ташланг қўлни! Мозорда туриб қасам ичман: бир тийинингизга ҳам хиёнат қилмайман!

— Вақти келса, Худони ҳам алдаб кетадиган боланинг қасами нима бўлади, биласанми? Гапни чувалама, бу ерга нега келдинг?

— Ўзингиз-чи?

— Мени жин чалиб, мазордевона бўлиб қолганман. Кечаси уйку йўқ, мана шунақа дайидиган касалга учраб қолганман.

— Тасодифни қаранг. ўша жин менга ҳам учровди, сиздан салом айтувди, алик олгани келавердим.

Фирромнинг шум кўзлари Ой нурида ялтиллаб, хунук кўриниш тус олди. Бўрон унинг башарасига тупургиси келди-ю, ўзини тутди. Унинг мақсади Фирромни уриш ёки майиб қилиш эмас, шунчаки аҳмоқ қилиш эди. Ёлгон хабарга учиб келди, шунинг ўзи кифоя!

— Сен шу калланг билан қоралоридан бойиб кетмоқчимисан? Ўлатнинг отаси сенга нима учун керак бўлиб қолди. Гўрини нега очдинг? Нима топдинг? Ким молини отасининг гўрига яширади? Ўлат сен ўйлаганчалик аҳмоқ эмасди.

— Мен ҳам аҳмоқ эмасман. Отасининг гўрини мен очтирганим йўқ. Қарасам, очилибди, сизнинг ишингиздир, деб ўйловдим. Ўлатнинг молига фақат мен қизиқмаётгандирман? Шерикларни қўпайтирмай, вақтида иккаламиз келишиб олганимиз маъқул эди. Сиз мени бу томонларга нега чақирдингиз-у, энди нега орқага чоптиряпсиз?

— Ақлингни йиғиб олишингни кутаётгандим. Ҳовлиқ-малигинг қолмаяпти. Яхши, мен молнинг қаердалигини айтаман. Ўзинг оласан, лекин Капралга исини чиқармайсан. Фарбга эмас, Шарққа етказасан.

— Лўлигами?

— Ҳа.

— Капрал-чи?

— Ундан қутулиш йўлини ўзинг топасан. Осонлик битан бойиб кетаман, деб юрувдингми? Бу ўйинда аввал жон-ни тикасан, кейин бойийсан.

Бўрон қатъий тарзда шундай деб изига қайтди. У ўзи шайхона оламини „қўрқув салтанати“ деб ҳисоблаб, ўзини шу салтанат султони ҳис этарди. Ҳозир ўша султонга хос муносабат билан қадам босиб узоқлашди. Фирром бу кеч ҳақда тушганидан ижирганиб, сўқинди-да, орқасига бури-либ, у ҳам келган йўлидан қайтди.

Бўрон тонгда соғилган сутни марказга олиб бориб топшириб, мотоциклини четга қўйиб, чойхонага ўтди. Норйигит ёлғиз ўтирган экан, бориб саломлашди. Ундан она-сининг аҳволини сўраб, „Худодан умидвормиз“, деган сўзга жавобни эшитгач, беморни зиёрат қилиш мақсади билан Норйигит қутилмаган таклифдан ажабланмас-да, ниманидир мулоҳаза қилиб, дарров жавоб берди. Кейин „Унда ҳозир бора қолайлик“, деб ўрнидан турди.

„Шумқадам“ лақаби билан танилган оқсоқ Фиёс ҳовлига сўрида лўлаболишга ёнбошлаб олган эди. Ўғай ўғли билан Бўроннинг кириб келишини кўрса ҳам жойидан қилмади. Меҳмонларнинг саломига овоз чиқармай, бош тараф алик олиб, уларнинг ташрифидан мамнун эмаслигини очик ошкор этди. Норйигит кўришмоқ учун унга қараб юрмади, Бўрон ҳам шундай қилди. Шумқадамнинг ўрнидан қимирламагани ҳам, бориб кўришишмагани ҳам Бўроннинг кўнглидагидай бўлди. Дастлаб уй савдосида кўришишгандаёқ икковининг кўзлари тўқнашган, бирида ночуш таассурот, иккинчисида адоқсиз нафрат ўти уйғонган эди. Атрофдагилардан, айниқса, нотаниш одамлардан ҳаммиша ҳадиксираб юрувчи Шумқадамга Бўроннинг нигоҳи ёқмаган эди. Бу ҳақда кўп ўйланди, охири топди: бу келгиндининг қарашлари Нурбекникига ўхшаркан...

Бу қарашни унута олмайди.

Балки... ўлиб лаҳадда ётганида ҳам гўрнинг бир четидан шу кўзлар тикилиб турса керак. Балки... унинг учун Қиёматга қадар давом этадиган гўр азоби шу бўлар.

Баъзилар қадрдон дўст, ажралмас икки қариндошнинг низосига гўзал Одина сабабчи, деб юришади. Фиёс билан

Нурбекнинг муносабатларида Однанинг ўрни борлиги тўғри. Лекин Нурбекнинг бошига бало булутлари бу гўзал туфайли ёғилмаган. Буни Фиёснинг ўзигина билади. Нурбек ҳам биларди... Аввалига тахмин қилган, кейин амин бўлиб эди...

...Нурбек охири Давлат имтиҳонини шанба куни топширди. Бу суюнчли куни шаҳарнинг энг кўркем кўчаси — „Абрам булвари“да маҳбубаси билан сайр қилиб, келажак режаларини тузди. Режалари кўнгилни равшан қилувчи ажиб эди. Бироқ режанинг ўзигина кўнгилни бахт кўёши нури билан ёрита олмайди. Амалга оширилсагина ҳаёт йўли чароғон бўлади. Амалга ошиши учун эса... кутилган ва кутилмаган тўсиқларни енгиб ўтиш керак. Нурбек учун ўша дамда энг асосий тўсиқ — маҳбубасига етишмоқликдаги ота-она ризоси эди. Қиз томон уларнинг қовушишларига ризо бўладими ё йўқми — бир масала. Нурбек томон, айниқса, отаси бунга йўл берадими ё йўқми — янада жиддий масала эди. Унинг қаршисида ошиб бўлмас тоғ, енгиб бўлмас куч ҳам бор эдики, буни эртасига билди.

Якшанба тонгида уруш бошланди. Нурбек нима қиларини билмай гангиб қолди. Ҳужжатларини расмийлаштириб, қишлоғига қайтишни мўлжал қилган эди, ҳарбийдан қақирув қоғози олди. У гўё боши берк халтакўчага кириб қолгандай эди. Ҳарбийларга ялиниб-ёлбориб, ота-онаси билан хайрлашиш учун икки кунга ижозат олди. Ўғлининг катта ўқишни тутагиб, катта одам бўлгани ота учун хушхабар эди... Аммо иккинчиси... Қишлоқдаги эр-йигитларни ҳам бир-бир қақириб, урушга олиб кетишяпти. Илож қанча!

Отаси ўйлай-ўйлай қарорини маълум қилди:

— Аввал уйланасан, кейин урушга бориб-келасан.

Нурбек учун бу аҳд кутилмаган эди. Отанинг „Уйланасан“, дейиши қайси ўғилга хуш ёқмайди? Ну, лекин ҳам ёқди-ю... лекин... кимга? Севганигами? Бу биринчи муаммо. Асосий муаммо — икки оёқ бир этикса тикилиб турган пайтда унга ким ижозат беради?

— Эртага Самарқандда бўлишим керак, — деди у иложсиз одамнинг тушкун оҳангида.

— Кейинроқ борсанг, осмон узилтиб ерга тушмайди. Мен отангман! Отанинг айтгани бўлади! Тоғанг тўйга тайёр, менам тайёрман, вассалом!

– Одинага уйлантирмоқчимисиз?

– Ҳа. Ғудаклигингда номгўй қилингансан. Энди никоҳ шартли эди, орқага суриш мумкинмас.

Ғудакларнинг номлари айтилиб унаштирилгани қаринда орасида тез-тез тилга олиниб туриларди. Буни ҳам билар, эшитганида бир қизариб оларди. Кейинги иккови ҳам буни ҳазил ўрнида қабул қиладиган бўлишувди.

– Ахир...

– Нима ахир?

Нурбек „Ахир Одина билан Фиёс бир-бирини яхши кўради, мениям кўнгил қўйганим бор, уйлансам ўшанга қанаман“, дейишни истади-ю, қошлари чимирилган отанинг кўзига кўзи тушиши билан гўё тилдан қолди.

– Ахир... урушга олиб кетишади мени...

Бу баҳона ўтмади. Тўй масаласи бир неча соатда ҳал бўлиб, барчага маълум қилинди. Фиёс ҳам эшитди, ичини кўт таталагандай бўлди-ю, тили бирон нима дея олмади. Одина ҳам билди, юрагига биров тиг санчгандай бўлди-ю, тили „вой“ дейишга ҳам қодир эмасди. Тўйга уччови ҳам қорози эди-ю, лекин уччовидаги қаршилиқ сиртга чиқа олмади. Агар вақт тигиз бўлмаганда Нурбек „Йўқ“ деб оёқ тираб туриши мумкин эди. Ҳеч бўлмаса, „Ўқшимни Тошкентда давом эттираман“, деган баҳонада отасини енга оларди.

Тўйдан олдин Фиёс билан кўришишди. Фиёс унга бир қарайди, бироқ „Одинани севишимни билардинг-ку?“ деб таъна қилмади. Тил сўзидан кўз сўзи заҳарлироқ бўлади. Нурбекнинг беҳаловат қалби яраланди. Лекин „Ошна, айб менда эмас, эпласанг чорасини қил, қўлингдан келса, Одинани олиб қоч“, деб ўзини оқлашга тили айланмади.

Тўй кечаси... Одинанинг кўзларига қарай олмади. „Сен синглимдек эдинг. Бахтли бўлишингни истардим, жуда жуда истардим. Оталаримиз ҳал қилган масалага бизларнинг тишларимиз ўтмас экан...“ дегиси келди-ю... У ҳар томонлама ташвиш алангаси билан ўралган эди. Бахт маъини ичишга улгурмай урушга жўнаши энг катта ташвиши эди. Тақдир кўчалари унга қоронғи: урушдан қайтиб, бу қонадонда бахт чироғини ёқа оладими ё бу бечора келинчак бева бўлиб қоладими...

Никоҳнинг эртасига хонадонларига НКВД ходими келди:  
— Ўглинг урушдан қочибди, ҳозир борса борди, бўлма-са, қамалади, — деб дўқ қилди.

Отаси урушга бориш ёмонми ё қамалиш баттарроқми, ажрата олмасди. Шунга қарамасдан, ходимнинг пўписасидан кўрқмади.

— Қочгани йўқ, уйланди, чилласи чиқса, Самарқандга ўзим олиб бориб кузатиб келаман, — деди.

— Чилласи чиқса, деганинг нимаси?

— Уйда қирқ кун ўтиради.

— Калланг борми, аҳмоқ чол? Қирқ кунда уруш тамом бўлади. Боланг эса қамалади.

„Давлатнинг иши фақат менинг ўғлимга қараб қолиб-дими? Бугун жўнаса, урушда енгасанлар, бўлмаса йўқми?“ дегиси келди-ю, бунақа погонлилар билан гап талашининг қандай оқибатларга олиб келишини кўп кўргани учун тилини тийди. Отанг яхши, онанг яхши, деб ялиниб, Нурбекни Самарқандга бугун кузатишга ваъда бериб қутулди. Лекин келин-куёвни Самарқандга эмас, Паридарадаги мағорага олиб бориб кўйди. Моҳидилнинг Паридарани яхши кўриши, кўнгли ўша томонга тортиб туриши бежиз эмас, бувисининг чилласи худди ўша ерда чиққан.

Урушда тасодиф кам бўлади. Ўша кам тасодиф Нурбекка насиб этди: кичик офицерлар курсини битириб, жанггоҳга ташланганида Фиёсни кўриб қувонган эди.

Кейин... умрининг охирига қадар бу тасодифни лаънатлаб яшади.

Фиёс қонли майдонда, ажал ҳамласидан кўрқиб-писиб юрган они дўстини кўрганида барча нафратларини унутиб қувонган эди. Бу тасодифга шукрлар қилган эди. У буни-сини эмас, бошқасини лаънатлайди: миллионлаб жангчи жон берган урушда шу одамнинг тасодиф билан тирик қолишига чидай олмайди...

Кўришган кунларидан кўп ўтмай Фиёс дўстига бу дўзахдан тирик чиқиб кетиш йўли борлигини маълум қилди. „Жанг пайтида сен менинг оёғимга отасан, мен сеникига, ўлик қайтгандан кўра мажруҳ қайтган минг марта яхши!“ деди. Ватанга муҳаббат туйғусини комсомолчасига англайдиган Нурбекка бу таклиф хоинлик бўлиб туюлиб, аввал яхшилик билан тушунтирди, кейин сўкиб берди. Тўғри,

жангчилар орасида ўзини ўзи яралаганлар учраб турарди. Бу жиноятлари очилиб қолса, фашистнинг эмас, ўз дўстларининг ўқидан ватан хоини сифатида ўлим топардилар. Бир жангдан кейин Нурбек Фиёсни кўрмади — оёғидан яраланиб, госпиталга жўнатилибди, оёқни кесиб ташлаш эҳтимоли бор экан...

Моҳир хирург кўлига тушгани сабабли оёқ кесилмай қолганини Нурбек урушдан қайтгач билди. Дўстининг почтачилик қилиб, хонадонларга қорахат ташиши туфайли „Шумқадам“ деган лақаб олганини ҳам эшитди. Фиёс уни кўргани келганида жанггоҳдаги таклиф тилга олинмади. Лекин иккови ҳам ўша воқеани ўйлади. Нурбекнинг таъна қилиш нияти ҳам йўқ — ўтган гап ўтиб кетди. Фиёсни эса хавотир эзарди — ўтган гап ўтмайди, бу ярага ўхшаган нарса, бир кунмас бир кун йиринг ёрилади, оқибат эса ўлдиради...

Фиёснинг бағрини куйдираётган қўрқув алангаси Нурбекни Сибирга жўнатишга сабаб бўлди...

Бир жангда уқувсизлиги туфайли ротанинг ярми қирилиб кетиши ҳақидаги маълумот камлик қилиб, уруш бошланган кунлари қочиб юрганлиги аниқлангач, Нурбекка шафқат бўлмади...

Фиёс Одинани чинакамига севарди. Гарчи боши очик бўлмаса-да, Одинани ҳам севги бутунлай тарк этмаганди. Фиёс урушдан оқсоқланиб қайтиб келганда Одина эридан хат келмаётгани учун ташвишланиб юрган эди. Фиёс тусмол билан „Балки ўлгандир“, деб унга кўнглини изҳор этди, „Ўғлинг менинг ўғлим бўлади“, деди. Одина эрини кутажанини айтди.

Эри келди-ю, кетди...

Она:

— Қораланган оқ болам! Агар дийдор Қиёматга қолган бўлса, мендан рози бўлгин, болам! Мен оқ сутимга розиман!!! — деб фарёд урди.

У қайнонасининг ноласига унсиз йиғиси билан жўр бўлди.

Розилик сўрамади ўшанда. Қайтиб келишига ишончи бор эди.

Яна кутар эди... Ўзи талоқ хати юборибди...

Начора...

---

Энди кимдан розилик сўрайди? Эр рози бўлмагунча хотин жаннатга кирмас экан. Буниси балки рози бўлар... Кўз очиб кўргани — биринчи эри-чи?

Ўз қўли билан ёзмаган талоқ хати ризолиги ўрнини босармикин? Бу савол то Маҳшар кунига қадар жавобсиз қолади...

Қирқ саккизинчи йили қишлоқ совети идорасида ниқоҳ билан қовушганларнинг бири лўлаболишга суяниб, ўтай ўғли билан меҳмонга норози қараб қўйди. Иккинчиси ичкари уйда, кўзлари юмуқ ҳолда бир хушидан кетиб, бир ўзига келиб, қон қаро қақшаб ётибди...

Бошқа пайтларда ҳам уйига одам келиши Шумқадамга ёқмасди. Хотини ўлим тўшагида ётганида ўтай ўғлининг бегона одамни бошлаб келиши унинг газабини кўзгатса-да, жанжал чиқмасин, деб ўзини босди. Норйигит уни ҳеч қачон ота ўрнида кўрмаган, бўйсунмаган. Фақат онасининг кўнгли учун у билан гаплашиб юрган. Шумқадам қаригач, унга мутлақо риоя қилмай қўйган эди.

Ичкари қиришганда беморнинг бош томонида ўтирган Ойниса ўрнидан турди. Қўлидаги нам пахтаги сувли пиёланинг четига қўйди-да, оёқ томонга ўтди. Унинг ўрнини Норйигит эгаллади. Дераза томонда ўтирган қўшни хотин улар билан пичирлашиб саломлашгач, деди:

— Ўзингларни танитиб қўйинглар, эшитилади...

Норйигитнинг бўғзига йиғи келиб қолган эди, кўзларини ачиштира бошлаган қайғу ёшлари ун чиқариб юбормасин деган мақсадда томоғини қириб қўйиб, ўтай сингисига қаради.

— Акам келдилар, — деди Ойниса паст овозда, кейин қўшиб қўйди: — куёвингизнинг ўртоқлари... уйимизни олган Бўрон ака ҳам...

Кейинги гапдан кейин бемор кўзини бирдан очди, кимнидир қидирди. Кўзи Бўронда тўхтаб, унга тикилиб қолди. Маъюс жилмайди.

— Келдингизми... Хайрият! Оқ отга мина қолинг... — деди пичирлаб.

Бу ҳолат барчаларини ҳайратга солди. Норйигит билан Бўрон бир-бирига тикилиб қолди. Одина уй сотилаётганда Бўронни бир мартагина кўрган, кўрган-у юраги нимагадир „жиз“ этган эди. Нимағалигини ўзи биларди — у Бўрон-



нинг чехрасида Нурбекни кўрган эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Отга мина қолинг... Мен мингашиб олавераман...

Бу сафар йигламсираб айтди бу гапни. Кейин кўзларини юмди. Бўрон ўнғайсизланиб, кетишга чоғланди. Ўридан тураётганида бемор яна кўзларини очиб, яна кимнидир излади. Нигоҳини Ойнисага қадаб „Чиқиб туринглар, акангга гапим бор“, деди.

Чиқдилар.

— Ёстиқнинг тагида... — деди Одина ҳорғин овозда.

Норйигит унинг мақсадини англаб, ёстиқ остига қўл юборди. Титилиб кетиш даражасига етган бир қоғозни олди.

— Ўқи...

Очиб ўқиди: „Одина, бизни зўрлаб қовуштиришган эди, Худонинг ўзи адолат қилиб ажратяпти. Бу сенга талоқ хати. Энди эркинсан. Қўлимни совуқ олиб, панжаларимни кесиб ташлашди. Шунинг учун бировга ёздирдим. Ўпкам ҳам тамом бўлган. Талоқ хати етиб боргунича балки жонимни топширарман, рози бўл“. Норйигит савол назари билан онасига қаради.

— Отанг рози бўлган, сенам рози бўл...

„Розиман“ дейиши шарт эди, томоғини йиғи бўғиб, айтолмади.

— Рози бўл...

Зўрға айтди:

— Розиман...

Бу шунчаки розилик эмас, юракка урилган ханжар эди. Кўз ёшлари тўкилмай, парда тўсиқ ҳосил қилиб, онаси шу парда ортида кўринмай қолди.

— Боравер, Ойнисани чақир...

Норйигит итоат билан чиқди. Эшик оғзида пайдо бўлиши билан Шумқадам унинг қўлидаги қоғозга хавотир билан қаради. Худди ўғай ўғли ҳамла қилиб қоладигандай, ҳимояга чоғланиб, қаддини кўтарди. Ўртада шумлик борлигини Норйигитнинг юраги сезиб турса-да, исбот қилишга ожиз эди.

...Бунинг исботини Бўрон биларди. Бўронга онаси Кунной айтган.

Норйигит ўсмир ёшида эканида ўртоқларига қўшилиб рўза тутганда онаси қувониб, „Хайрият, Худо сенга тўғри

йўлни берибди. Отанг Худога ишонмасди, буниси ҳам худобехабар, сен улардақа бўлма“, деган эди.

Ҳозир ўша воқеани эслаб, „Худога ишонмайдиган одам талоқ хати юборарканми? Ё умр адоғига етиб қолганини сезиб ҳидоятга кирганмидилар?“ деб ўйлади.

Бу саволга ҳам Бўрон аниқ жавоб бериши мумкин эди. Афсуски...

Норйигит унга оила сирини ошкор эта олмайди... У бир-икки томоқ қириб, йиғини қайтарди, киприк қоқиб, ёшни миждалари орасига сингдириб юборди. Ўғай отасига хайр дейиш у ёқда турсин, қараб ҳам қўймай, кўча эшиги томон юрди.

Бундан сал олдинроқ Ойниса билан бирга ҳовлига қайтган Бўроннинг кўзи яна Шумқадам нигоҳи билан тўқнашгач, газабини босиш учун кўчага чиқиб кетган эди. Бу атрофда бошқа оғоч йўқлиги сабабли яйраб, тарвақайлаб ўсган ёнғоқ дарахти соясида турган Бўрон ўғай акаси чиқиши билан у томон юриб „Тинчликми?“ деб сўради.

— Рози-ризалик сўрашиб олдиқ. — Норйигит шундай деб, қулт этиб ютинди.

Бўрон ортиқча гап айтмай, мотоциклига ўтирди. Норйигит мактабга боришини билдирди. Бўрон „Таътилда мактабда нима бор экан?“ деб ўтирмай, ўша томон юрди. Мактабга етгач, Норйигит мотоциклдан тушиб, Бўрон сўрамаса ҳам, келиши сабабини айтди:

— Мактабда қоровул йўқ, директор хабар олиб туришимни сўровди.

— Шундай ҳашаматли мактабда қоровул йўқми? — деб кулди Бўрон.

— Анчадан бери йўқ. Районда ишсизлар бор, лекин мактабда қоровул йўқ. Бир марта... — Норйигит айб иш қилиб қўйгандай кулимсиради, — сизни шу ишга таклиф қилмоқчи ҳам бўлувдим.

— Аттанг, нега таклиф қилмадингиз, зўр бўларди-ку! Қаранг, ғалати ҳол: қоровулнинг вазифаси — мактаб мулкни ўғридан асраш. Аслида ўғрининг назарига тушадиган мулк ҳам йўқ. Йўқ мулкни ўғридан асровчи қоровулнинг ўзи ўғри бўлса-я!

Норйигитга бу ҳазил ёқмади, ҳатто жилмайиб ҳам қўймай, хайрлашмоқ учун қўл узатди.

Бўрон ноҳуш кайфиятда изига қайтди. Гузарга етганда милиция идорасидан чиқаётган Файратни кўриб, мотоциклини секинлатди. Файратда олдинги шижоат йўқ, уч кунлик азоб кўланкаси ҳали уни тарк этмаган эди. Йигит ҳеч кимга эътибор бермай, қаҳвахона томон юрди. Бўрон эса мотоциклини бир четга қўйиб, чойхонага кўтарилди. Унинг аниқ мақсади, ҳатто йигит билан қизни кузатиш нияти йўқ эди. Шундай бўлса-да, бу ҳолатга эътиборсиз қараб кета олмади.

Қаҳвахона эндигина очилган, пиво бўлмагани учун мижоз ҳам йўқ эди. Моҳидилга Файратнинг топилгани ҳақидаги суюнчли хабарни эрталаб Шуҳратдан эшитган Назира етказган эди. Қаҳвахонанинг барвақтроқ очилиш сабаби ҳам шу. Моҳидил худди пистирмага қўйилган соқчидай сергак: ўзи пештахта ортида-ю, кўзлари милиция идорасида.

Ниҳоят чиқди!

Лекин юришлари...

Моҳидил ўзини безътибор кўрсатиш мақсадида қўлидаги латта билан пештахта устини арта бошлади. Файрат эса худди ҳеч қандай воқеа юз бермагандай, кулимсираб келиб, саломлашди. Моҳидил пештахта артишдан тўхтамай, „Яхшимисиз“ деб қўйди. „Яқинимга келганда ҳам бетига қарамайман“, деб онт ичган қиз йигитнинг юзидаги жароҳат изини кўриб, „Вой!“ деб юборай деди.

— Менга битта аччиқ қаҳва қилиб беринг, — деди Файрат ялиниш оҳангида. Кейин ҳазил оҳангига кўчиб, қўшиб қўйди: — Лекин, афсуски, сиз аччиқ қаҳва қилиб бера олмайсиз.

— Нега?

— Чунки сизнинг қўлингизга тушган заҳар ҳам ўша заҳотиёқ асалга айланиб қолади.

Файратнинг бу ҳазилида аввалги шодонлик руҳи йўқ, аксинча, аллақандай синиқлик бор эди. Моҳидил буни сезди. Йигитга яхши бир сўз айтиб, кўнглини кўтаргиси келди-ю, лекин араз кучи тўсқинлик қилди. Файратнинг топилганини билгунича хавотир алангасида куяётган эди, хушxabарни эшитгач, хавотир ўрнини араз эгаллади. Йигитдан қандай қилиб бўлса-да, ўч олишни ўйлади. Кўп ўйлади-ю, тополмади. Севган қалбга мўралаган араз нима бўларди?! Биргина дийдор қувончи уни парчалаб ташлай-

ди. Шундай бўлди ҳам, лекин қиз осонлик билан таслим бўлишни истамай:

— Яна майнавозчилик қилади-я! — деб минғирлаб қўйди-да, кейин ўзи ҳам сезмаган соғинч нигоҳи билан қаради: — Ҳаммани хавотирга қўйиб, қаёқларда санқиб юрибсиз?

— Ҳаммани дедингизми? — Файрат қувлик билан тикилди: — Сиз ҳам хавотир олдингизми?

— Менми? — Моҳидил лабини бурди: — Зарил кепtimi? Бошқаларни айтяпман.

— Бошқаларми... шуниси ёмон бўлибди-да.

— Қаерда эдингиз? Юзингизга нима бўлди?

Бу савол жиддий тарзда берилган, жавоб ҳам жиддий ва тўғри бўлиши зарур эди. Файрат буни фаҳмлаб, оҳангини ҳам, кўз қарашларини ҳам ўзгартирди.

— Кимдир айиқ овлайман, деб хандақ қазиб қўйган экан, меровлигимни биласиз-ку, тоғда анқайиб юриб, шунга тушиб кетибман. Ерни таталаб-таталиб аранг чиқдим.

— Яна ёлгон гапиряпсиз-а!

— Жонимни гаровга қўйиб, қасам ичайми?

— Жонингизни пишириб енг! Бу томонларда айиқ ҳам, айиқ овловчи ҳам йўқ.

— Ана шунақа-да! Тўғриси яна гапир, деб талаб қилишадими-ю, тўғриси айтсанг, ишонишмайди. Анавилар ҳам, — бош бармоғи билан милиция идорасига ишора қилди, — ишонишмади. „Безорилар билан арақ ичиб, калтак едим“, деб ёлгон гапирганимда ҳамма бараварига ишонарди. Ахир, тушунинг, мен хандақ тўрт кун олдин қазиб қўйилган экан, демасанг-ку? Бу ерларда эллик йилми ё етмиш йилми олдин айиқ бўлгани ростми? Рост. Хандақ ҳам ўшанда қазиб қўйилган. Сиз эллик йиллик хандақни кўрмагандирсиз-а? Мен эсам кўрдим. Анави чўққининг ёши эллик миллион йил десам, ўйлаб ҳам ўтирмай ишонасиз Эллик йиллик хандақ борлигига нега ишонмайсиз?

Моҳидил чимирилганича унга тикилиб тураверди. Кейин оқ халатининг кўкрак чўнтагидан тўрт буклоғлиқ хатни олиб, узатди:

— Буни ўша хандақдан юборганмидингиз?

Файрат хатни ўқиди-ю, ижирғаниб „Туллак!“ деб пичирлади. Кейин бир нимадан чўчигандай атрофга аланглаб олди.

— Нима дедингиз?

— Паридарага бордингизми?

Моҳидил ярим йўлгача боргани ошкор бўлиб қолишидан кўрқиб, нигоҳини олиб қочди-да:

— Зарил кептими? Ким чақирса кетаверадиган лақма масман, — деди.

— Қаламингизни бериб туринг.

Моҳидил „Нима қиласиз?“ дегандай ажабланиб қаран-ю, пештахта тагидаги тоқчадан қалам олиб унга узатди. Файрат қаламни олди-да, тез-тез нимадир деб ёзиб, қизга узатди: „Бу хатни мен ёзмаганман!“

Моҳидил бир хатта, бир йигитга ажабланиб қаради. Ҳарфларда фарқ катта эди.

Файрат „Энди қалайсиз, қизгина!“ дегандай ғолиб одамнинг жилмайиши билан қаради. Моҳидил жавоб бермади, инандан кўтарилаётган Фирромни кўриб, хатни шошганича буклаб, чўнтагига солиб қўйди.

Фирром ўтган воқеага доир жиддий гап бўлаётганини сезса-да, ўзини билмаганга солиб, кулимсираганича яқинлашди:

— Ҳа, себзорлик укахон, башарага нима қилди? Қутурган ит таталадимми?

Файрат дарров жавоб қилмади. Унга ғазабли нигоҳини қалаб турди. Фирром бу қарашдан чўчиб, хатто тисланишга шай бўлган онда йигит заҳарли оҳангда жавоб қайтарди:

— Гап шундаки... ит қутурмаган, жуда ақлли ит талади.

Бу киноя Фирромнинг иззат-нафсини яралаган бўлса-да, тусини ўзгартирмади — ҳар ҳолда, мушт зарбидан кўра, сўз заҳрини ҳазм қилиш осонроқ.

— Бир-икки кун дарагинг бўлмабди, ҳамма хавотирда.

— Ҳамма хавотирда, деб оширвордингиз. Парвойига келмаганлар ҳам бор экан, — Файрат шундай деб Моҳидилга ўғринча қараб олди.

— Иш пайтида санқиб юрибсан, деб думингни тутиб кборишмадимми ишқилиб, погон жойида-ку, а?

— Ҳали тутишгани йўқ, лекин шунга ҳаракат бор.

— Парво қилма. Агар у ёқда, — Фирром милиция идораси томон имлади, — бўлмаса, бу томонда, — энди шарбат цехини кўрсатди, — ошиқ ҳамиша олчи туради. Қани, юр, томоқни ҳўллаб олайлик.

Файратнинг елкасига қўл ташлаб ўзлари ўтирадиган четдаги столга бошлади. Файратнинг мутелик билан унга эргашишидан жҳди чиққан Моҳидил финжонни улар томон итқитгиси келди. Кейин аламдан йиғлаб юборай деди.

— Ўғил бола баъзан калтак еб туриши керак, — деди Фирром Моҳидил томонга орқа қилиб ўтириб. — Энди алам қилмасин, калтакни ўзинг сотиб олдинг. Менга эркалик қилсанг майли-ю, лекин талтайма.

Моҳидил ичкилик ва егулик келтириб қўя туриб, норозилигини билдириб қўйиш учун Файратга бир чимирилиб қараб олди. Бусиз ҳам Файрат унинг феълини тушуниб қолган эди. Сир бой бермай, Фирромнинг сўзларига жимгина кулоқ тутиб ўтираверди.

— Ҳозир бориб, афт-башарангни тузат. Қоронғи тушганда погонли кийимингда шай тур. Икки себзорлик бир бўлиб, Тошкентга фирра бориб-келамиз.

— Йў-йўқ... ҳозир эшитадиганимни эшитдим, сиёсий онгимни тоз-за чарлашди, энди бу ердан бир қадам ҳам чиқишим мумкинмас.

— Борамизу қайтамиз. Хўжайинларинг билмай ҳам қолади. Себзорликлар катталарнинг гапини ҳеч қачон икки қилишмаган.

Бу илтимос ҳам, топшириқ ҳам эмас, қатъий буйруқ эди. Фирром „томоғини ҳўлламай“ ўрнидан туриб, изига қайтди. У кетиши билан Моҳидил келиб, Файратнинг рўпарасига ўтирди:

— Яна нимани пичирлашдинглар?

Файрат бўшанг ўғлига танбеҳ бераётган талабчан она оҳангида сўралган жиддий сўроққа бамайлихотир жавоб берди:

— Мендан кимлар хавотир олганини бирма-бир айтди. Афсуски... бу рўйхатда сиз йўқ экансиз.

— Уф-ф! Мунча майнавозчилик қилаверасиз? Йўқлигингизда қанақа миш-мишлар тарқалганини эшитмадингизми?

— Хандақда ётган нимани эшитади? Сиз эшитган бўлсангиз, айтинг.

— Қорадори сотадиганларга қўшилиб кетганмишсиз.

— Менми? Мен қўшилибманми?! — Файрат кулиб юборди. Лекин бу кулги табиий чиқмади. Аксинча, „Калла бор-

ми, мен кўшиларканманми?“ деган заҳарли оҳанг бор эди. Бундан аччиқланган Моҳидил шарт ўрнидан туриб кетди. Файрат оширворганини билиб, ундан узр сўраш учун ўрнидан кўзғолди-ю, яна бирон ножўя гап айтиб, тутаётган оловга мой сепиб кўймаслик учун аҳдидан қайтди. Моҳидил пештахта томон жаҳл билан юрди-ю, лекин етиб бормамай, изига қайтди. Файратнинг рўпарасига ўтириб, уни биринчи марта кўраётгандай тикилди. Файрат айбдор болакай кўринишида киприк қоқмай жим ўтириб, бир китобда ўқиганини эслади: „Гўзал шунчалар керикки, табиат бу хилини бошқа бунёд этмаган. Бир нимага қараса, кўзларида мазах ўти ёнади. Ақли... дунёда тенгсизман, деб ҳисоблайди ўзини. Шундай қизда муҳаббат нима қилсин? Ўзига биноси шунчалар зўрки, ўзгани билмайди...“ „Йў-ўқ... — деб ўйлади Файрат, — Моҳидил ундай қиз эмас, кўзларида мазах йўқ, меҳр чўғи бор. Ҳаммадан кўп ўзи хавотир олган, лекин тан олишни истамайди. Менинг бахтим шу қизнинг кўлидами? Йў-ўқ... менинг бахтим унинг шу кўзларида, қалбида...“

— Нега шунақасиз-а? — деди Моҳидил унинг хаёлини тўзатиб.

Нега шунақалигини айта олса экан... Лекин қандайдир ишора билан ҳам тушунтириб қўйиши шарт.

— Моҳидил... мендан ранжишга ҳаққингиз бор. Лекин... ёлғончилигим учун эмас... куттирганим учун.

Файрат қиздан „Нега кутарканман, зарил кептими!“ деган нозли зардани кутган эди. Лекин Моҳидил жиддий қарашини ўзгартирмади.

— Менинг бир дўстим бор эди. Болалиқдан бирга катта бўлган эдик. Бировлар ҳазиллашиб „Ҳасан-Ҳусан“ дейишарди. Баъзилар „Булар бир-бирларидан сира ажралмайди, божа бўлишади“, дейишарди. Ажралмаслигимизга кўз тегибди, бизни ўлим ажратди. У консерваториянинг энг зўр талабаси эди. Лекин... қандайдир сабаб билан гиёҳвандларга кўшилибди. Ўз хоҳиши билан қўшилмаган, буни аниқ биламан. „Игнага ўтқазиш“ деган ибора бор. Ё зўрлаб, ё авраб ўргатишади. Унинг отаси бадавлат эди. Афюнуфурушлар бадавлат оиланинг болаларини тортишга уринишади. Камбағалнинг боласини игнага ўтқазиб, ундан нима ундиришади? Хуллас, ҳамма ғафлатда қолди. Ўзига ўзи

игнада дори юбориб, миқдорини ошириб юборибди. Дўстимни асраб қололмаганим учун ўзимни ўла-ўлғунимча кечирмайман. Сиз эса... „Қорадорифурушларга қўшилиб кетганмиш“ деган миш-мишга ишониб ўтирибсиз.

— Ишонмадим... — Энди Моҳидил йиғлаётган боласини овутомқчи бўлган меҳрибон она оҳангига кўчди: — Отам туфайли бизни бу ерда кўпчилик ёмон кўради. Одамлар энди-энди унута бошлашганида тутинган ака-укалари пайдо бўлиб, ярани янгилашди. Сиз анави билан...

Файрат қизнинг нима демоқчи бўлганини фаҳмлади:

— Ўша анави билан муроса қилишга мажбурман. Муроса қилмасам, бу ерда бемалол ўтира олмайман-да. Сизга бир нарса айтиб берай, хулосасини ўзингиз чиқаринг. Паганини деган композиторни эшитганмисиз? — Моҳидил „Йўқ“ ишорасини қилиб бош чайқлади. — У мусиқа даҳоси эди. Ҳозир ҳам „Никкола Паганини“ дейилса, ўлимидан бери анча вақт ўтиб кетган бўлса ҳам, мусиқа мутаассиблари унинг ҳурмати юзасидан ўринларидан туришади. Ўзи туғилган Генуяга сиғмади. Йигитлик чоғи скрипкачи сифатида тенгсиз бўлса-да, Венеция деган гўзал шаҳар қадрига етмади. Бахтини излаб Венага келди. Ўшанда Австриянинг пойтахти Европанинг маданият марказларидан бири ҳисобланарди. Лекин Паганинининг даҳосини веналиклар ҳам қадрлашмади. У бечора ресторанларда скрипка чалиб юриб, тирикчилигини ўтказди. Ресторандаги маст-аласт башаралар санъатнинг қадрига етармиди? Кунда бир неча сариқ чақа ёки нон топса-топди, бўлмаса йўқ. Хорланиб юра-юра, охири бир куни „Биттагина ажойиб Страдевари скрипкам бўлса эди, устимда бир сидра янги кийимим бўлса эди, қорним тўқ бўлса эди, мен оламини лол қолдирар эдим!“ деб нола қилди. Страдеварини биласизми? — Моҳидил яна бош чайқлади. — Чолғу ясовчи шунақа уста бўлган. У ясаган скрипкалар ҳозир ҳам талаш. Нархи... ўша пайтдаги битта подшоҳликнинг хазинасига тенг. Хуллас, нолалардан юраги зардобга тўлиб кетиб, энди иблисга хитоб қилди: „Эй иблис, агар чинданам бор бўлсанг, кел, мен билан шартнома туз, мен сенга иймонимни сотаман!“ Бунақа пайтда иблис ҳозир нозир бўлади. Дарров келди. „Иймонингни сотиб оламан, эвазига нима сўрайсан?“ Паганини битта скрипка сўради. Ўша заҳоти чолғу



...этилли. Унинг кўзлари ўйнаб кетди, чунки Страде-  
...ри скрипкасидан ҳам гўзал эди. Кийим сўради. Ўша  
...доти устида қора мовутдан тикилган бежирим смокинг  
...ядо бўлди. Бир халта олтин сўради. „Олтинни нима  
...масан, севги сўрамайсанми?“ деб ажабланди иблис. „Ол-  
...ним бўлса, севгини сотиб олавераман“, деди чолғучи.  
...лас, шартнома имзоланиб, иймон сотилди. „Эртага  
...хзода зиёфат беряпти, сен бориб скрипкангни чалиб  
...р. шон-шуҳрат йўлинг очилади“, деди иблис. Чиндан  
...м ўша ташрифдан сўнг шон-шуҳрат, бойлик дарвозалари  
...нг очилиб кетди. Лекин юрагидаги севги йўли берк эди.  
...нга кўп гўзаллар севги изҳор этишди, бироқ тош қалб  
...римади. Чолғу даҳосининг одамларга муҳаббати ҳам йўқ  
...ди. У шуҳрат қоясига чиқиб олганидан маст, охир бир  
...ун йиқилиб ҳалок бўлишини билмасди. Иблис иблисли-  
...ни қилди... уни оқибат ҳалок этди. Бир ўзи ҳам моддий,  
...м руҳий қашшоқликда хорланиб ўлиб кетди... Ҳатто  
Рим католик черкови уни одам қаторида кўмишга ижозат  
бермади... Дунёда мана шунақа воқеалар ҳам бўлган. Буни  
айтишдан мақсадим: мен Паганини эмасман, шуни билиб  
қўйсангиз, бас.

Моҳидил тушунди. Стол устидаги ичимликни олиб жо-  
нига борди-да, дам ўтмай бир финжон қаҳвани кўтариб  
қайтди.

Файрат қаҳвани ичатуриб, аввалги қувноқ ҳолига қайт-  
ди. Бугундан эътиборан тузалишга ваъда берди. Моҳидил  
жа бу ваъдага ишонгандай бўлди...

Ақлли одам оғир шароитдан чиқиб кета олиш йўлини  
топади. Доно одам бу оғир шароитга тушиб қолмаслик  
чорасини кўради. Бу онда Файратдан ана шундай донолик  
талаб қилинаётган эди. У идорасига билдирмай бориб-ке-  
лишдан ўзга чора топмади.

Қоронғи тушганда белгиланган жойга борди. „Жигу-  
ли“ни ҳайдаб келган Фирром ўрнини Файратга бўшатди.  
Иккинчи постдан ўтишгандан кейин бутазор бошланган  
ерда Фирром „Машинани секинлат“, деди. Файрат унинг  
мақсадини англамай, буйруқни бажарди.

— Шу ердан ўтаётганингда қорнинг оғриб қолганмиди?  
Ўшанда машинани нега тўхтатганингни айтайми? Мен кў-  
лингга халтачани тутқазганимда ичида кўкнори борлигини

айтган эдим, а? Нега ишонмадинг? Қорин оғриги баҳона-сида пастга тушиб текшириб олдингми? Шунақа бўлган эдими?

— Шунақа. Сизнинг жиддий гапингиздан ҳазилнингиз кўп. Оладиган одам текширса, довдираб қолмай дедим.

— Сени қайси аҳмоқ текшираркан? Сен хўжайинларингга нотўғри маълумот бериб қўйишдан қўрққансан. Хўжайинларнинг Тошкентдаги мижозни текширишмабди. Сенга ишонишмаганми ё арқонни узун ташлашганми? Каттароқ молни кутишганми? Айтиб қўй уларингга: овора бўлишмасин! Менда унақаси йўқ. Меники сел бўлиб ёпирилмайди. Селнинг иши ёмон — йўлдаги ҳамма нарсани суриб кетади. Меники тома-тома кўл бўлади. Ҳозир ҳам манави дипломатда оппоққина жонон кукун бор. Мени сотганинг билан барибир генерал бўла олмайсан. Бу генералликка тортадиган мол эмас. Менга тўғри хизмат қилсанг, погонингга юлдузча қўшмаса ҳам, чўнтагингни қаппайтириб беради. Иккидан бири: танлаб ол!

Бутазор тутагач, қишлоқ бошланди. Пешонасига қизил хоч тамгаси урилган пастак бинога кўзи тушган Файрат машинани шу томон бурди.

— Нима қилмоқчисан? — деди ажабланиб Фирром.

— Дорихона очиқ бўлса кириб чиқай.

— Нима бало, яна ичинг оғрийдиган пайт келдимми?

— Йўқ, иситма туширадиган дори керак, алаҳсирашингиз кучайиб кетяпти, чорасини қилмасак бўлмас.

Фирром кулиб, Файратнинг елкасига уриб қўйди:

— Яхши, яхши! Гапингдан Себзорнинг ҳиди келиб қолди. Ҳазиллашавергин-чи, „зил“ига чидармикинсан?

— Бир марта чиладим-ку, бу ёғига анча пишиб қолдим...

Қишлоқдан чиқаверишдага муюлишда турган ГАИ ходими ола таёғини кўтариб, „Тўхта“ ишорасини қилди. Файрат сал нари ўтиб тўхтаб, машинадан тушмоқчи эди. Фирром қайтарди:

— Жойингдан жилма, ўзим гаплашаман.

— Сержант Қўйсинов, ҳужжатларингизни кўрсатинг, — деди ходим сал энгашиб.

— Қанақа ҳужжат, погони ҳужжатга ўтмайдими?

— Ие, қоронгида сезмабман. Ўзимиздан экансиз-ку, икки марта чироқни ўчириб ёқсангиз бас эди, нол иккини

— Шунардим. Майли, хафа бўлмайсиз энди, расмиятчилик-  
ца юкхонада нима бор?

— Иккита ўлик бор. Биттасини сенга ташлаб кетай-  
тасми?

Бу ҳазил ёқиб, сержант қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди:

— Ўзингизга буюрсин. Бўлса, битта чектира қолинг.

Файрат чўнтагидан сигарет қутисини чиқариб, узатди.

Сержант биттасини олиб лабига қистирди-да, илтимос  
олди:

— Ўзимиздан экансиз, бемалол бўлса, ташлаб кета қо-  
тасизми? Эрталабгача дуо қилиб чекиб тураман.

— Ола қолинг, — деди Файрат.

— Тўхта, — Фирром шундай деб чаққонлик билан қути-  
чи унинг қўлидан тортиб олди. — Сен ҳурматли одамсан,  
тўст сигарет чексанг, биров иззат қилмай кўяди. — Фирром  
эпира туриб, машинанинг ғаладонидан бошқа сигарет  
қутисини чиқариб узатди: — Ма, очилмаганини ол, бир  
сафта дуо қиларсан.

Сержант раҳмат айта-айта қолди. Машина ўрnidан  
аилгач, Файрат сигарет қутисини Фирромга узатди.

— Сизда тураверсин, ичида хўжайинларимга аталган  
хат-пат бўлса, ўқирсиз.

Файрат сигаретни қайтариб олмагач, Фирром уни таш-  
қарига олди.

— Ичида хат-пат бўлса, хўжайинларинг шу ерга келиб  
ўқишар.

Себзорча кинояга себзорча киноя билан жавоб берил-  
гач, анча жойгача жим кетишди.

Шаҳарга келишганда тун ярмидан оққан эди. Ёз кеча-  
си бир чимдимгина бўлади. Фирром тўққиз қаватли уй  
йўлагига кириб чиққунича атрофдан бомлод азони эши-  
тилди. Дипломат билан кириб, қоғоз ўрамида нимадир кў-  
тариб чиққан Фирром хушнуд эди.

— Жононнинг нархи ошибди. Бунақада миллионер эмас,  
миллиардер бўлиб кетасан, ухахон!

Файрат Фирромнинг „жонон кукун“ олиб бораётганига  
унчалик ишонмаган, навбатдаги туллаклик деб ўйлаган  
эди. Бир ўрам пул кўтариб чиқишидан ғашланди. Ўзини  
ғафлатда қолган лақмадек ҳис қилиб, ғазабланди. Кейин  
Фирромнинг тўққиз қаватли уй томон юриши ва қайтиши-

даги ҳаракатларини кўз олдига келтириб. „Ўрамлагини пул дегани билан очиб кўрсатмаяпти-ку? Ҳар ҳолда олди-берди бунчалик тез тугамайди...“ деган хулосага келиб, ўзини-ўзи овулди-да, ўнг қўлини узатиб, Фирромнинг тиззасидаги ўрамни силаган бўлди.

— Мана буни ҳаёт деса бўлади! — деди шодонлик билан.

— Бу ҳаёт эмас, бу пул, — деди Фирром маънодор оҳангла.

Фирромнинг айтганини қилиб, Юнусобод томои ҳайдади. „Ором“ дискотекаси“ деган ёзувли бино яқинида турган ўнга яқин машиналар қаторидан жой олиб, тўхтади.

— Маишат қилиб чиқасизми, бир ўзингиз эплейсизми ё қарашворайми? — деди Файрат эснаб.

— Зийрак бўлиб тур, — Фирром гапни қисқа қилиб, қўлидаги ўрамни қўймай, машинадан тушди-да, атрофга бир-икки аланглаб олгач, дискотека сари тез-тез юрди. Файрат суянчиқни пастлатиб, ястанди, лекин дискотека томондан назарини узмади. Фирром бу ерда ҳам кўп бўлмади. Ташқарига чиқиб, атрофга яна аланглади. Файрат унинг қўли бўшлигига аҳамият берди. Фирром тез-тез юриб келиб, ўнгдагини эмас, Файрат томондаги эшикни очди.

— Туш, эшикни кулфла.

— Пул қани, акахон? — деди Файрат эринибгина туша туриб.

— Тез бўл! — деди Фирром жеркиб. Буйруқ адо этилгач, „Орқамдан юр“, деб йўл бошлади. Кейинги тўққиз қаватли уй майдончасида турган машиналардан бирига яқинлашган Фирром чўнтагидан калит чиқариб, Файратга тутқазди:

— Бу сенинг хизмат ҳақинг. Ҳозироқ қишлоққа жўна, мени кут.

Файрат буйруққа итоат этди. Фирромнинг қай томон йўл олганини билолмай қолди.

\* \* \*

Чойхонага чиққан Бўрон қаҳвахона кўриниб турадиган сўридан жой олди. У ердагиларнинг овозларини эшитмасанда, гап нима ҳақида бораётганини тахмин қилиб ўтирди. Фирромнинг келиши, Файратни четга тортишини кўргач, „Қалтис ўйин қиляпти бу ит эмган“, деб ғазабланди. Фай-

л Моҳидил билан хайрлашгандан сўнг, Бўрон ҳам ўрни-  
н турди. Уни бугун зарур бир иш кутарди. ёшларнинг  
уносабатига аралашिशга вақти ҳам, хоҳиши ҳам йўқ эди.

Мотоциклига ўтириб, ўз уйи томон эмас, бадқовоқлар  
ойлашган қишлоқ сари юрди. Улар бошпана топган уй  
аршисида бирдан мотоцикли „ўчиб“ қолди. Бир-икки  
ринишда ўт олдириб, изига қайтди. Шунинг ўзи бадқо-  
қларга берилган буйруқ эди — улар кеча етиб келган ик-  
ки йигит билан бирга ҳозироқ хўжайин ҳузурда бўлишга  
шартлигини англашди.

Орадан бир неча соат ўтмай, Шумқадамниқига бир  
йигит келиб, ижроқўмга чақиринишга билдириб.  
„Уруш фахрийларининг йиғилиши бўлар экан“, деб изоҳ  
берди. Шумқадам бунақа мажлисларни яхши кўрарди.  
Ҳотинининг ажал билан олишиб ётганини ҳам унутиб,  
миланди — медал тақилган оқ кўйлагини кийиб кўчага чиқ-  
ди. Ўн-ўн беш қадам юргач, бир машина тўхтади:

— Фиёс ота, мажлисгами, ўтиринг, ташлаб қўяман, —  
деди ҳайдовчи меҳрибон ўғил товуши билан.

„Ҳамма мени иззат қилиши шарт“, деб ҳисобловчи  
Шумқадам бу меҳрибончиликдан ажабланмай, машинага  
тадил, ҳатто гердайиб ўтирди. Машинанинг олд ўриндиғи  
йўқ эди, шу сабабли орқадан жой олди.

Шу бўйи уни ҳеч ким тирик кўрмади...

Машина гузар томон юрмай, ўнгга бурилгач, Шумқадам:

— Қаёққа кетяпсан? — деб ажабланди.

— Битта ҳужжатим қолиб кетибди, кираман-у чиқа-  
ман, — деди ҳайдовчи.

— Сен кимнинг ўғлисан, танимайроқ турибман?

— Мен шаҳарликман. Ижроқўмга янги ишга келдим,  
шу томондаги битта уйда вақтинча турибман.

Кимсасиз кўчада машина тўхташи билан орқадаги ик-  
ки эшик шашт билан очилди-ю, икки барзанги чиқиб ўти-  
риб, Шумқадам сиқувда қолди. Финг дейишга ҳам улгур-  
май, оғзига эски латта тиқиб қўйишди. Машина Нурбек-  
нинг уйи қаршисида тўхтагач, Шумқадамнинг кўзлари  
ола-кула бўлиб кетди. Барзангилардан бири уни қўлтиқлаб  
ичкари олиб кирди-да, кераксиз матоҳдай ташлади. Шум-  
қадам тиззалари, тирсақларида оғриқ сезиб, инграб юбор-  
ди. Кўтариб кирган йигит елкасидан ушлаганича қаддини

ростлаб, оғзидаги латтани олиб ташлаганда рўпарадаги темир каравотда ўтирган Бўронга кўзи тушди.

Бу уй, бу темир каравот, бошқа анжомлар ҳам унга яхши таниш. Ўқрайиб ўтирган бу одамгина нотаниш. Тўғри, уни бир-икки кўрган, бироқ кимлигини аниқ билмайди.

— Кимсан? — деди инграб.

Бу инграш оғриқданмиди ё кўрқувданмиди — ажратиш маҳол эди.

— Мен Нурбекман, танимадингми, чўлоқ?

— Бекор айтибсан, Нурбек ўлган!

— Ўлигини кўрганмисан? Жавоб бер, кўрганмисан?

— Қайдан кўраман, Сибирга борибманми?

— Сибирда ўлганини қаердан биласан? Ҳа... хатларини олардинг. Йиртиб-йиртиб ташлардинг. Билардинг қаердалигини. Шу хотинга етишаман, деб бир одамни жувонмарг қилдинг. Сен адашдинг, чўлоқ, Нурбек ўлмаган. Мен Нурбекман, кўзларимга қара!

Ғазаб оташида ёнаётган кўзларга қараб бўларканми, у нигоҳини олиб қочиб, пастга тикилди.

— Қара, деяпман!

Бўрон бўғиқ овозда шундай деб ўрнидан турди-да, унга яқинлашиб, ёқасини чангаллади:

— Кўзларимни танимаяпсанми? Танияпсан, сен аблаҳ! Биринчи кўрганингадەқ таниган эдинг, сезганман. Мен — Нурбекман! Сибирдаги бир табиб менга гиёҳлардан тириклик суви тайёрлаб берган. Сен туфайли Сибирга бордим, демак, сен туфайли ўлмас одамга айландим.

— Сен Нурбек эмассан, Нурбек феъли кенг, шафқатли одам эди.

— Унутмабсан-а! Лекин Сибир деган жойда шафқатни музлатиб қўйишаркан.

— Сен... Нурбекнинг ўғли бўлишинг мумкин.

— Ҳа, топдинг! Мен Нурбекнинг ўғлиман, Шумқадамнинг эса ажалиман.

— Отанг учун қасос оляпсанми? Ўлими олдидан қасос ол, деб васият қилганмиди?

— Йўқ, бунақа васият бўлмаган. Мен Ясситепани Шумқадамдан тозалаб кетмоқчиман, бошқа ниятим йўқ.

Бўрон шундай деб туриб, кўйлаққа тақилган медални шарт юлиб олди:

— Буни ҳалол, мард одам тақади!

Унинг ишораси билан Шумқадам оғзига яна ўша эски шатта тиқилиб, бошига қоп кийгизилди. Бўрон медални тасининг кундалиги орасига қўймоқчи эди, фикридан қайтди. Бу иркит одам тақиб юрган матоҳ билан ўзи учун муқаддас бўлган дафтарни кирлашни истамасди.

— Турқингни кўргим йўқ эди. Сенга гап ҳам хайф. Лекин нима учун ўлдираётганимни билишинг керак. Жонингни дарров суғурмайман, озгина қийналасан. Отам кўрган қийноқларнинг ҳеч бўлмаса битта заррасини сенам кўргин...

Уни ертўлага олиб тушиб ташладилар.

Бўрон энди Одинанинг ўлими ҳақидаги хабарни кута бошлади. Яссителага келиб, Шумқадамни бир неча соат ичида ўлдириб кетиш унинг бир чеккага тупуриб ташлашидан ҳам осонроқ эди. Ҳатто бу ерга келмай, бирон аржонгаров қотилни ёллаб юбориши ҳам мумкин эди. Лекин унда қасос лаззати бўлмасди. У қасос лаззатини кутди. Шумқадам осонгина жон бериши керакмас, бу бадбахтнинг хорланиб ўлишини ҳеч ким унутмасин, барчага ўрнак бўлсин — унинг мақсади шу эди.

Иккинчи марта қамалганида уни Учқудуққа ташлаган эдилар. Совуқ ўлкада туғилиб катта бўлган йигит учун бу дўзах оташида кун кўриш осон кечмади. Ўша кунларнинг бирида онаси кўргани келди. Куной ёш жиҳатдан қаримаган бўлса-да, мусибат тошлари эзиб, алойи тамом қилиб юборган эди. Ўғли билан видолашиш учун келганини фақат унинг ўзигина биларди.

Ўзи кўрмаган қайнонаси Нурбекни олиб кетишаётганда „Қораланган оқ болам!“ деган фарёд билан видолашган бўлса, у Бўрон ҳажрида куйиб, бундай дея олмасди. Бўрон Украинада қўлга тушгани учун ўша ерда судланган, Куной бу жараёнда иштирок этмаганди. Аниқроғи, Бўрон бу ҳақда онасига хабар етказмаган эди. Учқудуққа „этап“ бўлганидан сўнг икки энлик хат ёзиб, соғ ва омон эканини билдирди. Ўғлининг қисмат ёзуғидан ўкинган она, тақдирга тан бериб, бу дунёни ташлаб кетишидан олдин фарзанди билан дийдорлашишни истади. У тушларида эрини кўп кўрарди. Нурбек ҳамиша ўғлидан безовта эканини билдирарди. Учқудуқдан хат келгач, деярли ҳар туни тушида

кўрди. Нурбек ҳар тун ўғлини сўрарди. Унинг сўровларида „Ўғлимизни бу балолардан асраб қололмадинг-а, мен сенга ишониб ташлаб кетган эдим“, деган таъна бордай туюлиб, юрак-бағри ўртаниб кетарди.

Охири отланди: ҳам юртини, ҳам ўғлини сўнгги бор кўриш учун йўлга чиқди. Туғилиб-усган қишлоғига бормади. „Аввал ўғлимни кўрай, қайтишда ўтарман“, деди. Қайтишида ҳам ўтмади — оёғи тортмади. Эрининг ўлимидан кейин бир марта борган эди. Яқин қариндошлари вафот этиб кетишган, ёшлари унча танишмаса-да, иззат билан кутиб олишганди. Урушдан олдин уларни қулоқ қилдирган одамнинг тақдири билан қизиқди. Кўпнинг ёстиғини қуритишга сабаб бўлган бу одам, унинг назарида, Худонинг ғазабига учраб, хорланиб ўлиб кетиши керак эди. Не ажабки, у Худонинг ғазабига ҳам чап берибди. Ўз ҳам-қишлоқлари боши узра офат дўлини ёғдириб бергани учун советнинг катталари унинг кўкрагига олтин юлдуз тақиб қўйишибди. Кунойнинг оиласи боши узра бало дўллари ёғилган ўша машъум йилларда иккита эчкиси бор ҳам қувгин қилинган эди. Сургун қилдирган кишининг бутунги кундаги мол-мулки ҳисобсиз эди. Катта колхозга раислик қилиб, гердаиб юрган бу одамни Куной узоқдан кўрган-ди. Кўрганди-ю, бу дунёда адолат йўқлигига энди чиптачин ишониб, Магаданга қайтган эди. Юртига сўнгги келишида киндик қони тўкилган жойларни зиёрат қилишга шу сабабли ҳам кўнгли бўлмади...

Учқудуқ томон йўлга чиққанида Қолим дарёси бўйлари майса билан қопланиб, гўзал манзара касб этган эди. Самарқанддан ўтганда офтобда қовжираб ётган далаларни кўрди. Поезд каттароқ бекатда тўтаганда бир аёл челақда узум олиб чиқди. Куной ўғлига таб олди. У ҳам, Нурбек ҳам тотли узумларни тўйиб-тўйиб ейишган, ўғиллари эса узум нима эканини билмай ўсди. Тўғри, Нурбек ўлимидан ярим йил олдин шаҳарга тушганида икки бош узум олиб келган, қувона-қувона дастурхон устига қўйган эди. Ўғлининг узум доналарини ҳовучлаб ейишига завқ билан тикилиб турганди. Ўзи ҳам, Куной ҳам икки донадан узумни татиб кўриш билан нафсларини ором олдирган эдилар.

Учқудуқ „зона“сининг учрашув хонасида Бўрон узумни худди болалигидай ҳовучлаб еди. Куной биттагина узум



онасини шимиб, унга армонли нигоҳини қадаганича жимгина ўтирди. Уларнинг суҳбатлари унча қовушмади. Ўғри бўлиб кетган ўғил ҳаром луқмадан ҳазар қилувчи она билан нима ҳақда гаплашиши мумкин? Бўрон ўзи танлаган йўлдан афсусланмас, она эса уни бу йўлдан қайтаришга ҳақиз эди.

— Мана, сизларга ўхшаб ўтирибман, — деди Бўрон айбдор оҳангда.

— Ундай дема... сен бизга ўхшаб ўтирганинг йўқ, — деди Куной чуқур хўрсиниб. — Биз... тухмат тошини кўтариб, сарсон-саргардон бўлдик... Бундан беш баттар азобли жойларни кўрганмиз... Мен билан отанг эллик саккизинчи модда билан қамалган эдик. Эллик саккизинчи моддада кетганларни „жиноятчи“ дейишмасди, „халқ душмани“ дейишарди, бунинг орасида фарқ катта.

Фарқ катталигини Бўрон ҳам билади. Кичиклик чоғларида ота-онаси ва уларнинг ёғочдан тикланган омонат уйларига келиб турувчи танишлари бу ҳақда кўп гаплашишарди. Ҳозир ўз қилмишини ота-онаси тақдирига ўхшатиб кўйганидан ўзи хижолат бўлди. Узр сўради. Онаси унинг юзини меҳр билан силаб қўйди.

— Ўшанда бекор шу ишни қилдинг, қамалмасанг, бошқа одам бўлардинг...

Онаси яна айтди шу гапини. Ҳар гапирганида Бўрон ўша кунларни эслайди, эслайди-ю, қилган ишидан барибир пушаймон емайди.

...Хрушчев деган нодоннинг маккажўхори сиёсати азалий музликларга қадар етиб келиб, нон топиш ҳам маҳол бўлиб қолган кезлар эди. Очарчилик хатарини кутиб яшаётган кунларда Нурбекнинг касали оғирлашди. Докторнинг дорилари кор қилмай қўйди. Нурбекнинг кўнгли асал тусади. Бу овлоқда битта одамникида бор эди асал. Асал бор эди, аммо уларда пул йўқ эди. Текинга бермади. Куной Худонинг зорини қилди — қарзга бермади. Нурбек асал ялаганда ҳам барибир ўларди. Лекин отасининг армон билан ўлиши Бўронга ёмон таъсир қилди. Ўша одамни жазолаш режасини ўйлади. Унинг асалидан ҳам тилласи кўп дейишарди.

Бўрон ўша тиллаларни топиб ўғирлашни ўйлади. Унда тиллани ўғирлаб бойиш истаги йўқ эди, ўғирлаган тақдир-

да ҳам тиллаларни дарёга отиб, бу одамни қишлоқ бечорага айлантириб қўйишни ният қилганди.

Тилла топишни билган асрашни ҳам билади. Бўрон осонгина қўлга тушди.

Онаси ўша воқеани қоралагани билан Бўрон уни чала қолган иш сифатида эсларди. Учқудукда эканида онасининг вафоти ҳақида хабар олди. Қамоқдан чиқсач, бориб, ота-онасининг қабрини зиёрат қилди. Кейин... чала қолган ўша ишини пухталиқ билан ниҳоясига етказди...

Учқудукқа Куной фақат видолашиш учун келмаган, унинг яна бир мақсади бор эди. Нурбек ўлими яқинлашаётганини сезгач, шу пайтгача билдирмай келган баъзи гапларни айтган, „Бўрон улғайганида маълум қилиб қўйгин, Норйигит билан топишсин, мана бу дафтарлар балки ака-укалик меҳрини боғлар“, деб кундалигини берган эди. Нурбек уйланиш ҳақидаги таклифини айтганда „Бу жойда бир умр қолиш шарти билан турмуш қураимиз. Ярим ертўла бу ёғоч уй ўла-ўлгунимизча бизнинг саодатли саройимиз бўлади“, деган эди. Ўлим эшик қоққан онда ўзининг бу шартидан воз кечиб, „Бўрон билан бирга қишлоғимга қайт“, деб васият қилди. Васиятни адо этмоқ учун шароит ҳам, истак ҳам бўлмади...

Бўрон Шумқадамни ертўлага туширтириб, ўзи ўз хотиралари билан ёлғиз қолди. Хотиралар уйғонган дамдаги одатини қилди: қўлига отасининг кундалик дафтарини олиб, варақлади:

„Сталин ҳам ўлди. Тухматга учраганларда тирик қолишга умид уйғонди.

Орадан ойлар ўтди. Умидлар ушалди. Қувона-қувона кета бошладилар. Мен қувона-қувона қайга бораман? Куной қувона-қувона қайга боради? Бизларни ким қувона-қувона кутиб олади? Ундан кўра шу ерда ўғлим учқувимиз қувона-қувона бир бурда нонга қаноат қилиб яшаганимиз дуруст эмасми? Кеча оқшом Ҳузурий келди. Дин илмидан хабари бор бу одам Сўфий Оллоҳёрни устозим дегани сабабли Сибирда етти йил ризқини териб юрди. Иродаси кучли, бирон марта нолимади. Кўп ғазал ёзарди. Ўқиб беришдан эринмас эди, мен мақтагудай бўлсам, руҳланиб, кўчириб совға ҳам қилган.

Мана шуларнинг биттаси:

Эй кўнгил, кўклам чиқиб ўтлар кўкарди боқ-боқ,  
 Гул очилди тоғ аро қизил-қизил ҳам оқ-оқ.  
 Ҳар тараф ҳар қайси қуш ўз кўйига айлар наво,  
 Бир тараф булбул фиғону бир тараф зоғ ғоқ-ғоқ.  
 Ўйнашурлар, куйлашурлар жониворлар жуфт-жуфт,  
 Ёрим элда, мен Сибирда йиғлашурмиз тоқ-тоқ...  
 Эй Худо, қолдик жудолик кечасида зор-зор,  
 Лутф этиб вуслат чароғин ўртамизга ёқ-ёқ...

— Тахаллусингиз Ҳузурий бўлгани билан ҳаётда ҳузур-  
 шуват топмадингиз, — дедим.

— Бу азоблар эвазига Аллоҳ таборак ва таоло бизларни  
 бу азобларидан қутқариб, жаннат ҳаловатини беради.  
 Шуниси муҳим. Мана, адолат қуёши кўринди, биз озод  
 бўлдик.

— Мен ҳеч қачон ўзимни қул ҳисобламаганман. Мен  
 қодлиги тортиб олинган озод одамман.

— Фақат иймонли одамгина чинакамига озод бўлиши  
 мумкин. Гап сталинчиларга қул бўлишда эмас, ундан бат-  
 тари бор. Гап — нафсга қул бўлмасликда! Нафс одамни  
 эмон нарсаларга буюради. Одам унга қулоқ солдимми, бас,  
 Ҳақнинг қули эмас, нафс қулига айланади. Нафс қули-  
 нинг бу ҳаётдаги ўрни маълум. Қиёматдаги жойи-чи? Одам  
 ҳаёти билан ўлими орасида доимо ниманидир қидиради.  
 Қидиради... қидираверади... Аслида, нима излаётганини  
 ўзи ҳам аниқ билмайди. „Бахт“ қидиряпман, деб ўйлай-  
 ди-ю, „Бахт нима ўзи?“ деб сўралса, аслини билмай дов-  
 дирайди. Кўнгилга ёқувчи нимагадир эришса, „Бахтга  
 етишдим“, деб қувонади. Акси бўлса, оҳу зори. Ҳан дунё  
 ёниб кетай дейди...

Ҳузурийга эътирозим йўқ. Лекин бу масалала менинг  
 фикрим қатъий ва жуда оддий фалсафага асосланган: яшаш  
 учун ажратилган умрни одамга ўхшаб яшаб ўтказиш керак!  
 Одам боласига ҳаёт фақат еб-ичмоқ, роҳатланмоқ учун ёки  
 дунё бойликларини тўпламоқ учун берилмайди. Ҳаёт умри  
 давомида камолга етмоқ учун берилади. Ҳа, бу ёқда олий-  
 жаноблик ҳам бор. Лекин олийжаноблик мукофотлайди  
 ҳам, жазолайди ҳам.

„Одам ҳақ йўлда бўлиши мураккаб масала эмас, ҳақ  
 йўлда эканига бошқаларни ишонтириши мушкулроқ“, деб  
 гўғри айтди. Мен эсам бошқачароқ ифода этдим:

— Ҳақиқатни англаш, билиш, тушуниб етиш қийин эмас, ҳақиқатни бошқаларга тушунтириш, англаштиш қийинроқ.

Хузурийда дин илми бор-у дунё илми билан ҳисоблашни истамайди. Дунёга очиқ кўз билан қаралмаса, жаҳолат туғилади. Аср аввалида диндаги жоҳилларнинг кўзларини очишга жадидлар кўп ҳаракат қилишди. Афсус... бундай кўзларни очиш жуда қийин...

Хузурий билан кўп баҳслашганмиз. Мавзу деярли бир: дунёни англаш. Бир миллатданмиз, ёшимизда ҳам фарқ катта эмас, аммо дунёни бир хилда кўрмаймиз. Ҳатто соғинчларимизда ҳам фарқ бор, шунисига ажабланиман. Лекин... ҳамдардлиқда ўхшашлигимиз бор. Агар кимсада ҳамдардлик дарди бўлмаса, демак, у одам эмас экан. Одамга ёпишувчи касалликларнинг тури кўп. Бу касалликлар охиروқибат ўлимга олиб боради. Фақат ҳамдардлик дарди одамнинг номини сақлаб қолади.

Охириги учрашувимизда ҳам дунё ҳақида гаплашдик. Мен дедимки:

— Бир синфда ўттиз бола ўқийди. Агар муаллим уларга бир масала ёки тенгламани ечишни топширса, ўн бола тўғри ечимини топиши мумкин. Қолганларининг айримлари хато ечади, айримлари эса ечишга ҳаракат ҳам қилмайди, кўчириб олиш пайида бўлади. Дунё ҳаёти ҳам шунга ўхшаш. Таъбир жоиз бўлса, ҳаёт — ечими гоёат оғир масала. Уни ҳар ким ўзича ечишга уринади. Дунёда тўғри ечганлардан нотўғри ечганлар кўпроқ. Ажабланирлиси шуки, дунёни ўша иккинчи тоифа, яъни нотўғри ечим топганлар бошқарадилар. Шу сабабли ҳам дунё нотинч. Шу сабабли ҳам инсонларнинг қонлари дарё-дарё бўлиб оқяпти. Қадим замонларда ҳам шундай эди. Ҳозир ҳам айнан шундай — масалани уруш қондасига мувофиқ ечмоқчи бўладилар. Бундан кейин ҳам дунё ўзгаришсиз қолаверади. Одамлар аввал нафратланадиган ишлардан энди фахрланадиган бўлиб қолишади.

Хузурий гапимни тинглаб, яна ўзича хулоса ясади:

— Дунё ҳаёти тенгламасини Қиёмат тўппа-тўғри ечиб боради.

Нима ҳам дердик, агар унинг фикри тўғри бўлса, Қиёматни кутишдан ўзга чорамиз йўқ.

Ҳайрлашишдан олдин эркинлик ҳақида гаплашдик.

Мен дедимки:

Эркинлик ва озодлик ҳақида гап кетганда икки саволни ўртага қўйиб аниқлаштириб олиш керак: эркинлик — нимадан ва эркинлик — ким учун?

Бу масалани биз ечолмас эканмиз, бу ёғи энди авлодларга ҳавола...

Ҳайрлашаётганимизда бу сўнгги учрашувимиз эканини билмадик ҳам малул бўлдик. Киши ҳаёти давомида бундай одамлар билан кўришади, танишади, видолашади... Ҳаётда сўнгги учрашувлар кўп, жуда кўп. Лекин ўз ҳаёти билан сўнгги учрашув битта! Бу сўнгги учрашув, сўнгги нафасда нима қилади? Сўнгги нафасда нима дейди?

Бу ҳақда умумий афв эълон қилинган кунлари Ҳузурий билан гаплашган эдик. Хайрлашаётиб, бир-биримизнинг ёшларимизга қараганимизда мен шуни эсладим. Назаримизда у ҳам эслагандай туюлди. Ўшанда шундай дегандим:

— Сўнгги сўз... ва сўнгги нафас... Шу ҳолатни ҳеч ўйлаб қолганимизми? Билмаймиз... билолмаймиз... Ҳозиргина тилимиздан учган сўз сўнггиси бўлиши эҳтимол... Эндиги чиқарилган нафасимиз охиригисидир балки? Киши бу оламни қандай тарқатгач, яқинлари унинг сўнгги ҳаракатларини, сўнгги сўзларини эслашади ва ундан ҳикмат излашади. Англиялик шоир лорд Байрон ўлими олдидан қоғоз ва қалам сўраган экан. Аммо қалам тутишга ҳоли бўлмади: „Тамом, энди жуда кеч“, деб кўз юмган экан. Сукрот ҳаким „Ўлим сўзининг танадан ажралиши ва танадан айри ҳолда яшаши, мавжуд бўлишидир, шундай экан, мен ўлимдан кўрқмайман“, деб яшаган. Сўнгги сўзи эса... „Аскулепиосга бир қурбонинг баҳосича қарзимиз бор эди, эсингдан чиқмасин, Критон“, деб васият қилган экан.

Ҳузурийга мен бошлаган мавзу маъқул келиб, ўз дунё-қараши соҳилидан туриб мана бу гапларни айтгани ёдимда:

— Салмон Форсийнинг сўнгги сўзлари насихат тарзида қолган экан: „Нимаики қилсанг, Аллоҳ розилиги учун қилган буни сира унутма!“ Сўфий Ҳалложни „Анал ҳақ!“ ақиқаси учун қийнаб ўлдирганлар. Олдин панжалари, қўллари қесилган, кўзлари ўйилган. Навбат тилни кесишга келганда деган эканларки: „Аллоҳим, сенинг розилигинг учун менга ушбу уқубатларни раво кўрганлардан раҳматингни

аяма. Сенинг муҳаббатингга эришиш йўлида мени қўлларимдан, оёқларимдан жудо қилган бу қўлларингни афв эт. Кечир, Аллоҳим, уларни кечир! Муҳаббатинг ҳурмати кечир...“ Ишқ аҳлининг ўлим билан учрашуви ҳам ўзига хос. Мавлоно Жалолиддин Румий ўзларининг ўлимларини „Шаби арус“, яъниким, „никоҳ оқшоми“ — келинни кўрадиган, лаззат оладиган, ҳаяжонланадиган, висолга эришадиган оқшом, деб атайдилар. „Ўлганимда менинг орқамдан йиғламанг, „алвидо!“ деманг. Мен ажралишга эмас, учрашувга кетяпман“, деганлар... Эътиқодли, ошиқ бир инсоннинг сўнги нафаслари... Иймон эгаларининг умиди охириги нафасда иймон калимасини айтиш. Шундай жон бериш улуг бахт!

Ҳузурий билан видолашдик. У яна қанча яшайди, билмайман. Лекин сўнги нафаси чиройли бўлишига менда ишонч уйғонди. Мен қанча яшайман — билмайман. Сўнги нафасимда бирон маънили сўз айта оламанми? Бу ҳам номаълум. Лекин Ҳузурийнинг гапларида жон бор, шуни ўйлаб кўришим керак...“

\* \* \*

Қуёш ётоғига оға бошлаган дамда Одинанинг ўлими ҳақида хабар келиб, Бўронни хотиралар ҳукмидан тортиб олди. Бўрон тугмасини босса „шиқ“ этиб очиладиган дудамасини олиб, ертўлага тушди. У бирон марта ҳам одам ўлдирмаганди. Бугун ўғрилар қонунини бузди. Зотан, ўғри қонунидан кўра, унга қасос муҳимроқ эди. Не ажабки, қўли қалтирамади, юрагида шафқат учқуни йилт этмади. Ниятига етди, лекин қасос лаззатини туймади. Аксинча, эзгин ҳолатда чиқиб, қўлларини ювди. Қўлидаги қон кетса ҳам, кўнгил хиралиги кетмади...

\* \* \*

Яқинларига айтадиганини айтгач, Одина эрини йўқлади. „Шошилинч мажлисга чақиртиришибди“, дейишди. Кутди... келавермади... Эшик томон қараб ётиб, жон берди. Очиқ кўзларини ғассол ҳам юма олмади...

Жанозани бомдод намозидан кейин ўқийдиган бўлишди. Лекин пешинги тўйда бўкиб ичган гўрковнинг кайфи-

ни тарқати гўрт йигит чайгандай кирган гўр ронги тушди. Шумқа қолдирмоқ узоқ бўлси кўмиш келашади“, 1

Эрта с: лаҳадга ту Баъзилар , қалар ажа! унинг афтнинг кўз қўлидан т юрак дарғ „Сен туш“ шиб, энга — Ким

Яна би бир йигит четга оли лигини а! — Ага обдон те гўрковин Унинг дафн эти Унга кўрганла

Нарз! кетди. Ш ҳали уч Бугун янада га

ни тарқатиш осон эмасди. Норйигитнинг шогирдларидан тўрт йигит уни сойга олиб тушиб, худди эски шолчани қайгандай бир-икки бўктириб олишгач, оғзи бурнига сув қирган гўрковнинг кўзлари мошдек очилди. Қабрни қоронғи тушгунига қадар шу тўрт йигит ёрдамида қазиб берди. Шумқадамдан дарак бўлавермагач, жанозани пешинга қолдирмоқчи ҳам бўлишганда masjid имоми „Масжидинг узоқ бўлсин, мазоринг яқин бўлсин, майитни тили қотмай кўмиш керак. Тили қотса, лаҳаддаги савол-жавоби қийинлашади“, деб унамади.

Эрта саҳар жанозадан кейин майитни олиб келишгач, лаҳадга тушган гўрков бирдан дод деб бақриб юборди. Баъзилар „Яна кайф қилиб олибдими“, деб ўйлашди, бошқалар ажабланишди. Гўрков лаҳаддан бошини чиқарганда унинг афт-ангорини кўрганлар кўрқиб кетишди. Гўрковнинг кўзлари олайган, оғзи қийшайиб қолган эди. Уни кўлидан тортиб, чиқариб олишди. Лаҳадга қарайдиган довжурак дарров топилмади. Майитнинг эгаси Норйигит эди, „Сен туш“, деб унга қарашди. Норйигит қабр айвонига тушиб, энгашди-да, лаҳад туйнугидан пастга қаради.

— Кимнингдир ўлиги ётибди, — деди титроқ овозда.

Яна бир одам тушиб қараб, унинг гапини тасдиқлагач, бир йигитни милисага югуртиришди. Одинанинг тобутини четга олишганда жаноза ўқиган имом кутиш дуруст эмаслигини айтди:

— Агар лаҳадда бировнинг ўлиги ётган бўлса, милиса обдон текширмагунча бўшатмайди. Юқори қишлоқнинг гўрковини тезда топиб келинглар.

Унинг айтганича бўлди. Бошқа қабр қазилиб, Одина дафн этилди.

Унга аталган лаҳаддаги ўлик очиқликка чиқарилганда кўрганлар ҳайратдан қотиб қолишди...

## ЎЛМАГАН ЎЛАТ

Нарзиев лаҳаддан чиқарилган ўликни кўриб, сесканиб кетди. Шунча йил хизмат қилиб, бунақа ваҳшийликни ҳали учратмаган эди.

Бугун экспертиза хулосаларига кўз югуртириб чиққач, янада ғашланди:

— Аввал панжалари кесилган, кейин кўзлари ўйиб олинган, сўнг тили суғуриб ташланган, охирида юрагига тиг санчилган. Оддий пичоқ эмас, икки тигли... балки ханжардир? Кекса одамда кимнинг қасди бўлиши мумкин? Яна намойишкорона... битта ҳам из йўқ, одамлар қабр атрофини топтаб ташлашган... Бу тасодифий қотиллик эмас. Қотил ҳар бир икир-чикирни ҳисобга олган. „Кўлларингдан келса, мени тутиб оллари“ , демоқчими?

Полковник Равшанов Шумқадамнинг ўлиги лаҳаддан чиқарилган заҳотиёқ бир одамдан гумонсираган эди. Лекин бу шубҳа асосий ишларга халал бериши мумкинлигини ҳисобга олиб, индамаганди. Ҳозир ҳам гапни буриб юборишни маъқул кўрди:

— Эҳтимол шундайдир. Лекин жиноятчи „Мени тутиб олишсин“, деб оғзига пашша кўндириб, лаллайиб ўтирмайди. У ҳамиша ҳаракатда. Ҳатто уйқусида ҳам сергак бўлади. Кўйинг, сиқлаверманг, область прокурорининг гапларини эшитдингиз-ку? „Иш“ унинг шахсий назоратида! Энди бу масалада уларнинг бошлари оғрий қолсин. Сиз билан бизнинг бош оғригимиз ҳам етарли. Тошкентдан хабар қилишди. Дискотека олдига қўйилган машинага икки кун давомида ҳеч ким яқинлашмаган. Умуман, бу районда шубҳали ҳолатлар кузатилмаган. Фирром дискотекага кирган-у, қўлидаги кераксиз қоғоз ўрамини ҳожатхонага ташлаб чиққан бўлиши ҳам мумкин.

Нарзиев столи устидаги қоғозга бир назар ташлаб, чеккасини қашиган бўлди-да, ўрнидан туриб, девордаги район харитаси ёнига келди. Қўлидаги қалам учини Кесгансой, Шерқирлиди, Оқсерка қишлоқлари бўйлаб юргизди.

— Энг охири ишончли маълумот дедингизми? Шашқатор билан Мажнунтолни четлаб ўтишлари шарт эканми? Бу ўйинларига ҳам ҳеч тушунолмаёпман.

— Нега тушунмайсиз? — деди Равшанов кулимсираб. — Ўзингиз „ўйин“ деяпсиз-ку? Ҳа, чиндан ҳам ўйин. Бу ҳали жиддий иш эмас. Биз кутаётган асосий ишни бошлашга шошилишмаяпти. Ўлат беркитиб кетган молнинг қаерда экани уларга маълум. Лекин унинг миқдори қониқтирмаяпти шекилли. Улар катта миқдордаги молни кутишяпти. Ҳаммаси бир жойга тўплангач, оз қисмини бизга рўпара қилишади.

---



— Ўша оз қисмини ҳозир қайси биридир бемалол олиб кетгандир?

— Йўқ, ҳозирча йўқ. Уларнинг ҳозирги ҳаракати футбол уйинидан олдинги енгил машққа ўхшаяпти. Ҳозир секунд-секунд тўп тегиб, дарвозабонларни синашяпти. Биз ҳарбий зарбани берадиган ўйинчини аниқлаб олишимиз шарт. Машқ пайтида заҳирадаги ўйинчилар ҳам югуриб, тўп тепаверадилар.

— Демак, Фирром заҳирадаги ўйинчими? Аввал уни тўп-аутдаги ярим яланғоч қизга ўхшатган эдингиз?

— Униси ҳам, буниси ҳам тўғри, танлаб олаверинг, — деб олимсиради Равшанов.

Бу ўхшатиш Нарзиевга навбатдаги ақл ўргатиш каби тўқолиб, энсаси қотди. У тагдор ёки ҳикматга мойил гапларни унча хушламасди. Унга аниқ, очиқ гап маъқул эди. Равшанов баскетбол ўйинидаги қизларни мисолга келтирганида ҳам бир гашланувди.

Бу одамнинг даражаси ўзидан баланд бўлмаганида „Кўйсанг-чи, жўражон, жуда-а бошни қотириб юбординг-ку“, дер, мартабаси пастроқ бўлганида-ку... „Менга ақл ўргатверма, бор, тошингни тер“, деб жаҳл нишини санчиб олишни тайин эди. Ҳозир униси ҳам, буниси ҳам бўлмади, полковникнинг ақли гапига парво қилмай, ўз мулоҳазасини баён этди:

— Бир неча йўналишга пистирма қўйишни мўлжаллачпмиз. Биз кутаётган ўн йўналишни четлаб, ўн биринчисидан ўтиб кетишса-чи?

— Уларнинг мақсади ҳам шу-да! Агар мен уларнинг ўрнида бўлганимда сиз мутлақо кутмаётган йўлдан оппа-осон ўтиб кетардим.

— Масалан, қайси? — деди Нарзиев.

— Масаланми? Бери келинг, — Равшанов дераза томон юрди-да, кўча томон қаради. Нарзиев истамайгина унга яқинлашди. Равшанов катта хуржун ортилган эшак устида бамайлихотир ўтириб кетаётган қарияни кўрсатди: — Масалан, юз кило афюнни ортиб, худди мана шундай ўтиб кетардим. Фақат кечаси эмас, куппа-кундузи... балки, — Равшанов кулди, — гиёҳвандликка қарши кураш мавзусидаги мажлис пайтида ўтармидим... Эшакни ҳов дарахтга боглаб, мажлис тугагунча чойхонага чиқиб чойхўрлик ҳам

қилиб олардим. Бу кўчадан кунда нечта эшак ўтади, қараб ҳам қўймаймиз-ку?

— Гапни ҳам оласиз-да, энди ўтган эшакларни ҳам санашга битта ходим ажратайми?

— Ҳазиллашдим, хафа бўлманг.

— Менингча, бу ўйинда таваккалчи ютқизади.

— Борингки, ўндан тўққизиди ютқизсин. Лекин битта-сида албатта ютади. Уларга шуниси керак. Бу кўчадан ўтишадими ё тоғ оралабми, барибир таваккал хатарини ҳисобга олишади. Ҳалеб пойлайвермасдан, уларга ёрдам бериб юборсакмикин?

Нарзиев „Яна ҳазиллашяпсизми?“ деган маънода унга ажабланиб қаради:

— Қанақасига?

— Келган куним эсингиздами? Бекатда кутиб олганингизда „Машинангиз эскириб қолибди“ дегандим. Балки янгилармиз? Янгилаш учун эскисини Тошкентга юборамиз. Файратни хизматдан четлатдингиз, лекин министрлик ҳали текширишни бошламади. Улар бошлагунларига қадар Тошкентга машинанинг эскисини олиб бориб, янгисини миниб келар? Ҳайдовчингиз, „Нива“да хизмат қилиб турар.

— Мен бу эркатойингизга эски машинани ҳам ишонмайман, — деди Нарзиев кескин оҳангда.

— Уни яна бир марта кечиринг. Ахир одам қоқилиб туради-ку? Ёшлар қоқилса, дарров нафратланамиз. Ахир тўрт оёқли от ҳам қоқилиб, йиқилиб туради-ку, тўғрими?

Равшанов ўйлаб қўйган режаси билан қисман таниш-тиргач, Нарзиев „маъқул“ ишорасини қилиб, Файратни чақиртирди.

Полковник ҳазил оҳангида „Эркатойим билан ўзингиз гаплашаверинг“, деб хонасига чиқиб кетди.

Файрат хонага ғоят одобли йигит қиёфасида кириб, қилмишидан пушаймон бўлган киши каби қўл қовуштириб турди. Нарзиев унга бир қараб олди-ю, столи устидаги қоғозлари орасидан ниманидир қидиргандай бўлди. Аслида ҳеч нарса изламаётганди, сурбет ходимига бақариб юбормаслик учун ғазабини босмоқчи эди. Ниҳоят, ғазаб ўти пича сусайгач, қоғозларидан бош кўтарди:

— Суянадиган тоғинг эртами-индин қуласа, балчиққа беланиб, расвои жаҳон бўлиб юраверасан. Сенга ўхшаган

— Тирақиларни деб, бизлар балога қоламиз. Лаш-лушингни топширтир. Машинамни Тошкентга олиб бориб топширасан.

— Хўп бўлади, янгисини берса, ҳайдаб келаверайми? Ё шунинг ўзлари борадиларми?

— Янгиси билан ишинг бўлмасин. Бу ёққа қайтасанми қоласанми, ўзлари ҳал қилишади.

Файрат итоаткор хизматчи қиёфасида хайрлашиб, хонадан чиқди. Идора ҳовлисида турган бошлиқнинг ҳайдовчисига яқинлашиб, муддаони айтмоқчи эди, у:

— Биламан, — деб ғудиранди. — Моторини энди яхшилаб олувдим. Балонларни ҳам ўтган ойда янгиловдим.

— Отлар топиб, эшаклар еб кетадиган замон-да бу, акавон. сиз тузатасиз, қайсидир сўтак мазза қилиб минади. Калитни олинг. Жўнашим керак экан.

— Шошилма, машинадан оладиган нарсаларим бор. Балонларни ҳам алмаштираман ҳали. Эскисида бир амаллаб етиб оларсан.

Файрат „Хўжайинга ўзингиз айтиб қўярсиз, яна мени тузлаб юрмасинлар“, деб кўчага чиқди. Қаҳвахона пивовўрларга тўла эди. У ёққа чиқиб, Моҳидилга бир ишора қилиб қўймоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди. „Шарбат цеци“га кириб, Фирромга учрашди. Хўжайиннинг махсус топшириғи билан Тошкентга кетаётганини маълум қилиб, чўнтагидан учта „туз“ олди-да, чаққон бармоқлари орасида айлантира бошлади.

— Битта-яримта ошнангизнинг йўтали тузалмаётган бўлса, кўкнори яхши даволаркан, холисаниллоҳ ташлаб келишим мумкин, — деб пичинг қилди.

— Қачон кетмоқчисан? — деди Фирром Файратнинг пичингига ҳам, бармоқлари орасидаги карталарга ҳам эътибор бермай.

— Машина эски, кечаси юрмаганим маъқул. Азонда чиқарман. Хўжайин тиқилинч қилса, балки бугун ҳам кетворишим мумкин. Самарқандга етмай, дам оладиган жойим бор. Думимни тутишмаса, индинга қайтарман.

— Ие, ҳалиям думинг хуржундами, унда тинчгина бориб кел. Кейин гаплашамиз.

— Тошкентда машина калитини бериб, „Сенинг хизмат ҳақинг“, дегандингиз. Ижара уйимда қантариб қўйибман. Хужжатларини бермайсизми?

— Ўша машинанинг тўртта ғилдираги сенинг хизмат ҳақинг. Ҳали тепаси учун ишлаб беришинг керак. Қантариглигича тура турсин.

— Бу ёғи афандининг қувонишидан бўлибди-да, эшитганмисиз: Афанди йўлдан битта тақа топиб олиб рос-са хурсанд бўлган экан. „Ҳой тентак, битта тақага ҳам шунча хурсандчиликми?“ деб ажабланишса, „Ие, яна учта тақа топиб, кейин устига битта эшак топилса, бу ёғи гижбадабанг-да“, деган экан.

— Сиз Афандидан бахтлироқсиз, себзорлик укахон. — деди Фирром заҳарли жилмайиш билан, — сиз бирданига тўртта тақа топгансиз. Узоқ йўлга кетаркансиз, боринг, йўлдан қолманг.

Файрат Фирромнинг бу хотиржамлигидан ажабланиб, изига қайтмоқчи эди, остонага етганида „Тўхта, йигитнинг гули“, деган буйруқни эшитди.

— Берироқ кел.

Фирром энди заҳарли оҳангда амр этиб, йигитдан кўзларини узмаган ҳолда столи ғаладонини очди-да, қўлига карта тахламани олди.

— Дарров „туз“га ўтдингми? Ташла-чи!

Файрат буйруққа бўйсуниб, карталарни стол устига усталик билан ташлади: учта „туз“ худди поезд вагонлари каби бир текисда тизилди. Фирром „Бор-йўқ ҳунаринг шунинг ўзими?“ дегандай заҳарли кулимсираб, тахламни узатиб, „Бўл“ деди. Файрат кўрсатгич бармоғи билан тахламнинг ўртасидан бўлди. Фирром эса тепадаги учта карта-ни ажратиб олиб, тахламни қўйди.

— Бу ёғи омадингдан, шу учта карта сеники, — деди-да, карталарни ҳавода бир айлантириб, стол устига ташлади. Уччала карта худди қўлда битта-битта териб қўйилгандай очиқ ҳолда уч „туз“ ёнидан жой олди. Фирром . „Устаси шунақа бўлади“, дегандай мамнун жилмайиб, „туз“ларни кафти билан суриб ташлаб, „валет“ларга ишора қилди:

— „Туз“ бўлишингга ҳали беш-ўн қовун пишиғи бор. Керилсанг, керилгин-у, аммо ўзингдан кетма. Бир ёқимсиз қилиқ қилсанг, милисахонангда ё сўкиб қўйишар ё погонингни юлиб олишар, қутулишинг осон. Бизда погон йўқ, жон юлинади. Шунинг фарқига етсанг, Тошкентга эсон-омон бориб келасан.

Файрат бу қимматли маслаҳатдан мамнун бўлгандай жўмайиб қўйиб, „валет“ларни олди-да, бармоқлари ора-лаз ўйнатганича, хотиржамлик билан чиқиб кетди. „Сур-атлик — иккинчи бахт“, деб ҳисобловчи Фирромга унинг қилиғи ёқмай, сўкиниб қўйди.

Қош қорайганда Файрат ҳайдовчидан машина калити билан бирга бошлиқнинг „Ҳозироқ жўнасин!“ деган буй-ўтини олиб йўлга чиқди.

Ясситепадан етти-саккиз чақиримча узоқлашганда йўл етида бир одам пайдо бўлиб, „Тўхтат!“ деган маънода қўл ўтарди. Файрат машинани секинлатиб, гира-шира бўлса ҳам бадқовоқни таниди. Машинани атай ўн қадамча нари-ла тўхтатди. Бадқовоқ тез-тез юриб келди-да, эшикни очиб, залом-аликсиз ўтириб олди.

— Ҳа, акахон? — деди Файрат. — Бемаҳалда питирлаб қо-тибсиз, ёстиқ тагида илон гимираммадими, ишқилиб?

Бадқовоқ унинг киноясига аҳамият бермай, орқа ўрин-диққа бир назар ташлаб олгач, кўришиш учун қўл узатиб, „Қалайсан, шерик?“ деб қўйди.

— Яхмалакман, — деди Файрат қўл учидан кўришиб. — Қачондан бери сизга шерик бўлиб қолдим?

— Босснинг шериги менинг ҳам шеригим-да! Энсангни қотирмай, газни бос.

Яна бир оз юришгач, йўл четидан иккинчи бадқовоқ кўринди.

— Тўхтат! — деб буюрди бадқовоқ.

У буюрмаса ҳам тўхтатарди. Атай ўн беш қадамча ўтиб тўхтатди. Иккинчи бадқовоқ орқа ўриндиққа ўтирди.

— Мен Тошкентга кетяпман, акахонлар, — деди Файрат.

— Сен олдин бизларни бир жойга олиб бориб қўясан, кейин менга деса, нариги дунёга кетаверасан.

— Ҳозирча Тошкентга кетяпман, нариги дунёга йўл ту-шадиган бўлса, айтаман, бирга кета қолармиз. Жасур акам-ни ҳам олволсак, тўртта бўламиз. „Улфати чор — анда маза бор“, деган гап бор-ку, эшитганмисиз?

Бадқовоқлар одатларидан чекинмай, бу киноя аралаш ҳазилга мутлақо парво қилмадилар. Ҳатто „Кимга гапир-япсан?“ деб қараб ҳам қўймадилар. Олдинда ўтирганнинг кўзлари йўлда, орқадагиси Файратнинг ҳар бир ҳаракатини зийраклик билан кузатарди. Файрат салгина бежо ҳаракат

қилса, бўғишга ёки бошига мушт туширишга шай эди. Буни ҳис қилиб турган Файрат уларнинг гашига тегмай, жим кетишни маъқул кўрди.

Ясситепадан узоқлашишганда бадқовоқ яна тўхташни буюрди. Файрат бундан мақсад нима эканини англамай, сергак ҳолда тўхтатди. Ҳар қанча сергак бўлмасин, орқадан тушган зарбага дош беролмай ҳушидан кетди. Нимқоронги хонада ҳушига келиб, Бўронга кўзи тушди-ю, ажабланганича тикилиб қолди.

— Ҳа, мени кўришни кутмаганмидинг? Яна акахонинг билан учрашишни орзу қилувдингми? — деди Бўрон заҳарли жилмайиб.

— Қозоқларнинг қиз ўғирлаш одати борлигини эшитувдим. Лекин куёв ўғирлаш расми қайси миллатда борлигини билмайман. Сиз қайнотам ўрнидаги одамсиз, тўйгача хоҳлаган қилигингизни қилаверасиз, тўйдан кейин бизга тишингиз ўтмайди — ўзимизга хон, ўзимизга бек бўламиз.

— Шунақа дегин... Тилингни бермайсан, сен бола. Хоҳлаган қилиқни қиладиган менми ё сенми?

— Бирон ёмонлигимни кўрдингизми?

— Эшитдим. Кўнга икки кишининг жонини тикиб, ютқазибсан, сен пўстак калла! Ўлсанг ўзинг ўлавермайсанми, қиз боланинг жонига нимага жабр қиласан?!

— Қанақа қиз?

— Вей, азалдан овсармидинг ё акангнинг муштидан кейин томинг кетдими? Моҳидилни ютқазганмидинг, энди ундан умидингни уз. Ҳали идорангдан чиқиб, пивохомага тикилдинг-у, чиқмадинг-а? Чиқсанг бўларди. Моҳидил йўқ, Назиранинг савдо қилаётганини кўрсанг, балки ажабланармидинг?

— Моҳидил? Мен уни ҳеч қанақа кўнга тикмаганман. Қани у? Унга нима қилди?

Файрат сапчиб турмоқчи эди, лекин қўл-оёқлари қатиқ боғлангани учун типирчилашдан нарига ўтмади.

— Ҳозирча ҳеч нима бўлмади. Сабр қилсанг, балки уни яна кўрарсан. Сен уни ютқазганингни унутибсан, энди жим ўтиравер, ўладими ё бировларга ўйнаш бўладими, буни бошқалар ҳал қилади. Тилингни тийгин-у, икки қулогинг билан эшит: агар бизнинг ишимизни ҳам қимор деб ўйлаган бўлсанг, ўйинни билмас экансан, бу ўйинда ҳам

отказдинг. Сен тиррақи, келиб-келиб бизни лақиллатмоқ-  
чи бўлдингми? Сен милиция мактабида ўқиган бўлсанг,  
сен зоналарнинг академиясини тугатганман. Дискотека-  
нинг олдига қўйиб келган машинанг қармоқ эди, ўзинг  
этиндинг, бола. Шерикларинг аҳмоқ бўлишиб, уч кун  
тойлашди-я! Хўжайинларингта нима, сендақалардан ўнтаси  
либ кетса ҳам пинагини бузмайди. Сенда айб йўқ, ми-  
шини бир боласан, улар ўргатган ўйинни ўйнагансан.  
Шунинг учун астойдил пушаймон еб, узр сўрасанг, кечи-  
ришимиз мумкин. Фақат шарт битта: қолган ўйинни биз  
ўргатамиз, картани ҳам биз тарқатамиз. Розимисан?

— Гапларингизга тушунмаялман. Ўйин икки киши ора-  
сида бўлган, сиз йўқ эдингиз. Менинг Жасур акам билан  
олди-бердим бор. Орада фирром йўқ.

— Фирром йўқ, дедингми? — Бўрон кулиб юборди. —  
Жасур акангнинг лақабини билмайсанми? Фирром у! Фир-  
ромнинг топган шериги ким бўлиши мумкин?

— Агар Жасур ака фирром бўлса, ўзлари билан ҳисоб-  
китоб қилинг, менинг нима алоқам бор?

— Фирром акангнинг ҳисоби бошқача бўлади, сен ўзинг-  
никини ўйла. Бир соат вақтинг бор. Бир соатдан кейин  
икки кишининг умри ё тугайди ё иккови бахтиёрлик би-  
лан қовушади.

Бўрон шундай деб чиқиб кетиши билан бадқовоқлар-  
дан бири Файратнинг оғзига латта тиқиб, бошига қоп кий-  
гизиб қўйди.

— Димиқтириб ўлдириб қўймагин тагин, — деди ик-  
кинчиси.

— Шунақа қилмасак, бир соат тинмай жавраб, миямиз-  
ни ачитиб юборади, бизга шуниси тинчроқ, қани ол кар-  
тангни, суз. Эпласанг, кечаги қарзингдан қутулиб ол.

Роса бир соатдан кейин Бўрон киргач, бошидаги қоп,  
оғзидаги латтадан қутулган Файрат чуқур-чуқур нафас олиб,  
ўзига келди. Бўрон унга тикилганича қўлидагини оёғи  
остига ташлади: Моҳидилнинг яхши кўрган туфлиси!

— Танидингми? Моҳидилнинг тақдири қўлимизда эка-  
нига ишондингми?

Файрат бир пойабзалга, бир Бўронга ажабланиб қаради.

— Ишонмадинг-а? Бунга-чи? — Бўрон қўлидаги ўрог-  
лиқ нарсани очди: Моҳидилнинг қўйлаги! Кўкрагида атир-

гул тасвири туширилган! Паридарага кийиб чиққан ўша кўйлаги...

„Буларни уйдан онаси олиб чиқиб берган бўлиши мумкин...“ деб ўйлади Файрат.

— Шундай ўйлашингни билардим, — деди Бўрон худди унинг ўйини ўқигандай. — Онаси бермаган, устидан ечиб олдик. Энди бунга қара-чи, балки ишонарсан?

Бўрон чўнтагидан сурат чиқариб, Файратнинг кўзларига яқинлаштирди: кўл-оёқлари боғланган Моҳидил... Ичкўйлаги йиртилган... Юзлари доғ... Сурат оқ-қора бўлгани учун шунчаки доғми ё қон изларими, фарқлаб бўлмасди.

Файрат бир ишониб, бир ишонмай гангиди. „Ҳозир бунақа суратларни яшаш иш бўлмай қолган... Лекин бу ваҳшийларнинг қўлидан ҳамма иш келади. Овора бўлиб фотомонтаж қилиб ўтиришмайди, бундан кўра қизни қийноққа солганлари улар учун осонроқ, ҳам беташвишроқ...“ Шу фикр тигга айланиб, юрак-бағрини титка-титка қилиб юборди. Моҳидилнинг сим-сиёҳ боқишлари кўз оллига келиб, инграб юборди.

Хуррам ишқ майидан маст бўлиб юрган йигит бу манзарага бефарқ қараб тура олмади. Кўзларини юмди. „Улар бунга ишонишимни жуда-жуда хоҳлашяптими, майли ишона қолай“, деган ўйда кўзларини очиб, Бўронга ғазаб билан тикилди:

— Моҳидилни кўйиб юборинг.

— Ўйлаб кўрдингми, бизнинг ўйинимизни ўйнайсанми?

— Сиз шартингизни айтмадингиз, мен йўқ, деб ноз қилмадим. Шу томошалар шартмиди? Қанақа ўйин ўйнамоқчисиз, билмайман-у, лекин чўнтакни тўлдирадиган ўйин бўлса, қайтган — номард. Фақат олдин Моҳидилни кўйиб юборинг.

— Аканг — фирром, сен — туллаксан. Менинг лақма эмаслигимни кўриб тургандирсан. Эркакча ўйин қилишингни аввал исботлашинг керак. Исботлагунингга қадар қиз шу аҳволда ёта туради. Кўнга қиз билан ўз жонингни тикиб ютқазгансан-а? Ҳозирча чўнтак ҳақида гап йўқ. Ҳалол ўйнасанг, акангга ютқазганинг бекор бўлади, чўнтагинг эмас, қопинг пулга тўлади.

— Розиман, айтинг шартингизни.

— Осонгина рози бўляпсан-ку, а, бола пақир?



— Сизга шунақа туюляпти. Ичимдагини билмайсиз-да. Бур акам билан танишганимдан бери тақдиримни ўзгартиришим шартлигини билганман. Мен бу ерга милиционер офатида сургун қилинган эдим, уйга миллионер бўлиб қитишим керак.

— Катта пул хотиржамлик ва кўз ёшларини ёқтиришини эшитганмисан? Сенда хотиржамлик керагидан ҳам ортқча бор. Лекин кўз ёшлари йўқ. Кўз ёши тўкишинг учун Бурон бало-офатга учрашишинг керакмикин?

— Бу мамлакатда бало-офатга учрамоқлик таажжубли ҳол эмас. Кўз ёши тўкишга ҳам арзимайди.

Бу гапдан Бурон ажабланди.

— „Бу мамлакатда“ дедингни? Ахир бу сенинг мамлакатинг-ку? Сен шу мамлакатда яшаб, унга хизмат қиляпсан-ку? Шу мамлакатни деб биздақаларни қириб юбормоқчисан-ку?

— Сиз бошқа мамлакатда яшайсизми?

— Яшаётган еримиз бир, тўғри, лекин мен кўзга кўринмас томонидаман. Очиғини айтайми, мен сен хизмат қилаётган „Совет Иттифоқи“ деган бадбахтга қарши уруш очган одамман.

— Қизиқ... қачон очган эдингиз?

— Туғилган куним. Ҳа, ҳа, жиннича гап дема: туғилган куним очганман. Магаданнинг совуқ ҳавоси ўпкамга кирганида қасос олови юрагимга кирган.

— Гитлердан кейин сиз уруш очган экансиз-да?

— Сен кулма, бола. Сени бу аҳволга солиб қўйиб, гапирётган гапларим ғалати туюляпти. Сен „Ёлғиз ўзи уруш очган“, деяпсан, шекилли? Менга ўхшаган аламзадалар озми? Оз эмас. Лекин, афсус, бу аламзадалар бирлашмайди. Бирлаша олмайди. Чунки аламзадаларнинг ярмидан кўпи кўрқоқ. Мен эсам ҳеч нарсадан кўрқмайман. Негаки кўрқувни ўлимга айлантириш жуда осон. Мен жигарга тушган қурт каби мамлакатингнинг силласини қуритавераман. Қорадори ишига шунинг учун аралашдим. Менга пул керакмас, сенинг мамлакатинг қирилиб кетсин. Мен уруш очганман, қўлингдан келса, ҳимоя қилиб ол.

Бурон ҳеч қачон ўз ишидан пушаймон емаган, дейиш ноҳақлик бўлур эди. Баъзан унинг кўнгли юмшарди. Зулм кўриб, азоб чекканларнинг дардли, аламли чеҳралари кўз

олдига келарди. Баъзан уларнинг қасос ўтида ёнган кўларидан отилган чўғ юрагига санчилиб, жиниллатарди. Бироқ... буларнинг барчаси ўткинчи эди. Эрталаб чирой очиб, бош кўтарган куёш шомда ботгани каби у асл ҳолга қайтарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди: дардини ошкор қилди-ю, дарров афсусланди. Қошларини чимириб, тўнг қиёфага кирди.

Ғайратни эса Бўроннинг бирдан бу ҳақда гапириши хайратга солди.

— Мен ўзимнинг тақдиримни ҳимоя қиламан. Бошқалар билан ишим йўқ, — деди у дадил оҳангда. Лекин бу дадиллиги ҳам Бўронни тўла ишонтира олмади.

— Нимжон, касалванд, билимли болага нисбатан нодонроқ бўлса ҳам, кучли ва соғлом ўғлон дуруст. Сен нимжон эмассан, афсуски, нодон ҳам эмассан, шунинг учун сенга ишониш қийин. Сен эртанги уйламаяпсан, бола?

— Мен эртанги эртага ўйлай қоламан. Ҳозир, агар ишонсангиз, бўладиган гапни айтаверинг.

— Яхши... унда эшит: бу ўйинда Фирром акангнинг ҳам улуши бор. Шу молни эртага милисангнинг машинасида Еттисойга олиб борасан. Сени чегарада кутишади. Пайшанбагача Тошкентда ўралашиб юр, бир одам сени топиб, милиционерликдан ўчириб, миллионер қилиб қўяди. Сенга маслаҳатим: миллионер бўлганингдан кейин ўша заҳоти Тошкентдан қури. Ҳозир биринчи ишинг. Еттисойга боришингни хўжайинларингга маълум қил.

— Шу аҳволда маълум қиламанми?

— Алоқачинг борми?

— Мен уларнинг ўйинини ўйнаётганим йўқ. Машинасини етказганимдан кейин думимни тутиб юборишлари аниқ.

— Алоқачинг бўлмаса... Қаллали боласан, қанақа йўл билан етказсанг етказавер. Истасанг, учинчи постда бир пасга тўхтаб, сержантнинг қулоғига пичирлаб қўй. Хоҳласанг, Шуҳрат ошнангга икки энлик хат ёз, етказишади.

— Ёш боланинг гапини қиляпсиз.

— Ҳов катта бола, бу ёғини энди ўзингга қўйиб бердим.

Бўрон шундай деб эшик томон юрди:

— Бу дамани ола турсин, ҳозир Фирромни олиб келларинг. Булар ахир шерик-ку! Ё охиригача шерик бўлиб

шлайди, ё ўлимини ҳам шерикчиликка бўлиб олади. Бит-  
гўрда иккита себзорлик кучоқлашиб ётса, жуда яраша-  
и-да!

\* \* \*

Бўрон Файратга топшириқ бераётган пайтда милиция дорасида ташвишли ҳол ҳукм сурарди. Файратнинг кутил-  
аганда йўқ бўлиб қолиши ҳатто Равшановни ҳам таш-  
ишга солди. Тошкент билан боғланиб, хавфсизлик чора-  
ларини кучайтиришни сўради. Шу пайт хонасига Нарзиев  
шашт билан кириб келиб, жаҳл билан сўз бошлади:

— Машина иккинчи постдан ўтмаган, изсиз йўқолган,  
қайдовчининг жасади ҳам йўқ, — Унинг овозида „Энди ба-  
юга қолишим рост бўлди“, деган хавотир бор эди.

— Жасади? — деб ажабланди Равшанов. — Унинг ўлди-  
рилганини ким айтди?

— Шунақа тахмин бор.

— Сиз-у биз гап одамлари эмас, иш одамларимиз, ке-  
линг, тахмин билан эмас, далил билан ишлайлик. Шошил-  
манг. Яна кутамиз. Агар машина кўчада ҳаракатда кўрин-  
са, тўхтатилмасин, кузатилсин.

\* \* \*

Бадқовоқлар Бўроннинг амрини бажариб, Фирромни  
машинага босиб олиб келишди. Бўрон „мактаб стадиони“  
деб аталувчи чанги чиқиб ётган ялангликда турган эди.  
Машина унинг ёнига келиб тўхтади. Фирромни тушириб,  
кўзига боғланган рўмолни ечдилар, оғзига тиқилган  
латтани олдилар. Бўрон уни „Аҳволинг шуми?“ деган  
истеҳзоли қараш билан қаршилади. Яримта ойнинг нурида  
бу қараш анча аянчли кўриниш олган эди. Қўллари боғлиқ  
Файрат машинанинг нариги томонида тургани сабабли  
Фирром уни кўрмади. У ғазабини босолмай, Бўронга тик  
келишдан ҳайиқмади:

— Мени „фирром“ деб ерга уришни яхши кўрасиз. Бу  
ўйинингизни нима дейиш керак?

— Мен қимордан ҳам, қиморвоздан ҳам ҳазар қиламан.  
Агар сен шу ишни қимор деб ўйлаётган бўлсанг, билиб  
қўй, менинг ўйиним доимо ҳалол бўлади. Сен Ўлатнинг

молини қидираётган эдингми? Менга „Шерик бўлинг, юздан етмиши сизники“, деб марҳамат қилдингми? Молни топдим, шунинг суюнчисига сени чақиртирдим. Фақат бир ишқал чиқиб қолди. Сенга мен шерик бўла олмас эканман. Бошқа одамни шерик қиласан энди.

— Кимни?

— Молнинг эгасини!

Орқа томондан келган овозни эшитиб Фирром кулоқларига ишонмади. Ўгирилиб қарамоқчи эди, Бўрон „Қи-мирлама!“ деб буюрди.

Шу оннинг ўзида орқа томонидан яқинлашган одам бир қўли билан сочини чангаллаб тортиб, иккинчи қўлидаги тигни унинг бўғзига қадади.

— Бўрон ўйинда йўқ одам. Ҳатто даллол ҳам эмас!

Шундай деб Фирромни ўзи томон ўтирди. Фирромни кулоқлари алдамаган эди: Ўлатни кўрди-ю, кўзлари ола-йиб, жони чиқиб кетай деди.

— Кўрқиб кетдингми? Кўрқма, мен арвоҳ эмасман. Мени ўлдига чиқарганларнинг сон мингтаси гўрда илончаёнларга ем бўлиб ётибди. Сен дўмбоққинасан. Юзта илоннинг ўн кунлик нонуштасига яраб қоларсан.

Ўлатга жавдираб қараган Фирромнинг кулоқлари остида Капралнинг огоҳлантириши жаранглагандай бўлди: „Ўлатнинг ёниб кетганига ментлар ишонишгандир, мен ишонмайман. Ментлар кўмирга айланиб қолган ўликни кўришган, Ўлатни кўришмаган. Агар Ўлат қочиб қолган бўлса, унинг тириги энди менга керак эмас. Шерикларига бир марта хиёнат қилган одам ҳеч қачон тўғри бўлолмайди. Ўликми-тирикми, барибир ўлимга ҳукм қилинган. Унинг ўрнини сен босасан!“ Одессадаги ўша учрашувда оппоқ тўппончани беришдан мақсади шу эди. Капрал янглишмаган экан, лекин у берган тўппончани қўлга олишга ҳам улгурмади-ку?

Баъзилар бўғзига тиг тиралса, ваҳима тўрига ўралиб, „Оҳ, ўлдим!“ деб ҳушидан кетиши мумкин. Лекин Фирром ундайлардан эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам талвасага тушиш ўрнига тез фикрлаб, воқеани тез таҳлил этиб, тез хулоса чиқаришга уринади.

Ҳозир ҳам „Ўлдим!“ деб кўрқмади. Бу одамлар ўлдирадиган бўлса, пачакилашиб ўтиришмайди, ўзлари ўлдириш-

ийди, биронтасига пичоқни берали, у эса орқасидан кесими ё олдиданми, гап-сўз қилиб ўтирмай, бўғизлаб қўялати.

— Тириклингингизга ишонардим, акамдан сўранг, кўп арта айтганман бунини, — деди Фирром.

— Биламан, лекин ачинганингдан сўрамагансан, мақсадинг маълум. Сен шилта одамсан. Капралнинг калишинини таб, барака топаман, дедингми? Анави куни Бўрон акамизнинг гўрига тилла ҳайкал қўймоқчимидинг? Сен тантинг ойваччасан, бу иш қўлингдан келади. Лекин мен ўлгудай жасман, тиллани исроф қилмайман. Сенга таппидан ҳайдал ясаттираман. Мени гўл қилмоқчи бўлганларнинг нархи лунақа!

— Мен фирром ўйин қилмадим. Бу овлоққа ҳам ўзимча белганим йўқ-ку?

— Сени одам бўларсан, деб чақирган эдим, — деди Бўрон. уларнинг гапига аралашиб. — Бизнинг ишимизга нега ўрнингни тикиб юрибсан?

— Ёрдам бергим келди, сизларни акам деганман, ахир!

— Бизнинг ишимизда ака-укачилик йўқлигини билмасмидинг?

— Сиз нима десангиз шу бўлади, ўл десангиз, ўлишга гайёрман.

— Сенинг жонинг Бўрон акамизнинг қўлларида. Мен билан ҳеч қанақа ҳисоб-китобинг йўқ. Шерикчиликни орту қилган экансан, майли, бўла қол. Фақат „етмишга-ўттиз“ деган лақиллатишинг менга ўтмайди. Тарозининг бир палласида фойданинг юз фоизи бўлади, иккинчисида сенингни жонинг. Розимисан?

— Розиман.

Ўлат тингни унинг бўғзидан олди, аммо сочини қўйиб юбормади, Фирромнинг бошини Файрат томон бурди:

— Анави шилта билан шерик эмишсан. Унинг жони нима бўлади?

— Шерик-перик эмас, у менинг малайим. Картада ҳаммаёғини ютқазиб бўлган.

— Қизим-чи?

— Моҳидилми? — деди Фирром бир оз довдираган ҳолда.

— Менинг биттагина қизим бор.

— Моҳидил бу ишларни билмайди.

— Ҳа, у билмайди. Лекин ишқинг тушибди-ку? Тўйдан кейин Одессага ўйнагани борар экансан. Қайнотангни таклиф қилмайсанми, Капралнинг кемасига?

— Бу... шунчаки бир гап эди...

— Моҳидилни аканг гаровда ушлаб турмоқчи, қутқаришга ҳаракат қилмайсанми? Эски подшоҳларнинг ишини қилайми: қайси бирларинг қутқарсаларинг, қиз ўшаники! Ишнинг пачавасини чиқарсанг, қизим бечора увол бўлади. Унинг уволи ҳам сенинг бўйинингда кетади. Мол билан қўлга тушсанг, кечиришим мумкин, лекин қизимга бир нима бўлса, қозиққа ўтқазаман.

Ўлат шундай деб уни бир силтаб, сочинини қўйиб юборди. Фирром гандираклаб кетди-ю, лекин йиқилмади.

— Қўлига кетмонни берларинг, — деб буюрди Ўлат йигитларга қараб. Кетмон узатилгач, яна Фирромга юзланди: — Кавла. Молни меҳнат қилиб қўмганман. Сенам меҳнат қилиб кавлаб ол. Анқайма, сен аҳмоқ калла, молни мазордан қидириб юрибсан. Мол шу ерда, шу бойликнинг устида болалар ҳар куни тўп тепишарди.

Фирром аламини ичига ютиб, кетмонни қаттиқ ерга урди. Четдаги йигитлар Файратнинг қўлларини ечиб, белкурак тутқазиди. Иккови бир-бирига дам-бадам қараб-қараб қўйиб ер кавлашди. Бир-бир ярим кетмон қалинликдаги ер юзаси қаттиқ, у ёғи анча юмшоқ эканига Файрат эътибор қилиб, „Демак, бу ер бир неча йил эмас, кузда ёки баҳорда кавланган, бу жойга Ўлат ҳеч нима кўммаган“, деган хулосага келди. Ҳаёли „акахон“ларининг чангалидан қутулиш, қутулганда ҳам ўз улушини юлиб олишга улгуриш билан банд бўлган Фирром тупроқнинг майинлигига аҳамият бермади. Астойдил кетмон ураверди. Терга ботиб, томоқлари қурди. Ер бел баробар кавлангач, қопга ўралган иккита автомашина балони чиқди. Қопда чириш аломатлари йўқлиги Файратнинг тахминини тасдиқлади. Фирромнинг ўй-хаёли қопда эмас, балки унинг ичидаги молда эди. Уни кўтариб олиб, Тошкентга ҳайдаб борилиши лозим бўлган милиция машинасининг юкхонасига қўйишгач, Бўрон Файратга калитни узатди.

— Биринчи постларингдан ўтганингдан кейин бирон панада тўхта, озгина дам олвол. Роппа-роса соат ўнда иккинчи постларингдан ўтасан. У ёғига қандай юришинг —

ишинг. Ҳар ҳолда шалдироқ аравангни қийнамаганинг  
гўл.

Файрат индамай калитни олди-да ҳайдовчи ўрнига ўтир-  
ди. Фирром эса нима қиларини билмай, бир Улатга, бир  
Фронга саросима билан қаради:

— Мен-чи?

— Сен уйингда тухум босиб ўтир. Керак бўлганинда  
қирамиз.

— У билан бирга борсам-чи?

— Сен анқовсан. Хитлар изингга тушганини билмай-  
манми? Сен уйингда жим ўтирсанг, улар ҳам жўжа очиб  
қўқунингча сабр қилиб пойлашади.

Файрат ёнига ўтирган нотаниш йигитга бир қараб ол-  
ди-ю, индамади.

Фирромни эса бадқовоқлар бошқа машинада ўртага  
қўдилар. Олиб келишдаги қийноқ — оғзига латта тиқиш,  
бошга қоп кийгизиш бўлмади. Фирром бунга шукр қилиш  
ўрнига йигитларни хоинликда айблаб, сўқинди. Бадқовоқ-  
ларнинг бири индамади. Иккинчиси тирсаги билан унинг  
ёқинига бир туртиб, „Бозорнинг ҳисоби бор“, дегач,  
Фирром уйига етгунича жим кетди.

Файрат ҳайдаётган машина катта йўлда кўрингани ҳа-  
қидаги хабарни олган Равшанов иш белгиланган режа йў-  
лига тушганидан хотиржам бўлди. Бу қалтис режанинг  
яхши натижа беражигига ишонмаётган Нарзиевнинг таш-  
виши эса заррача камаймади. Уни Файратнинг тақдири  
эмас, балки режа барбод бўлган тақдирда амалидан ажраш  
фожиаси кўпроқ ташвишга соларди.

### ДУЗАХГА БОШЛАГАН „ЖАННАТ ЙЎЛИ“

Эрта тонгда соғилган сутларни Бўроннинг ўзи гузарга  
олиб борди. Туни билан мижжа қоқмаган бўлса-да, у те-  
тик кўринарди. Ҳатто сут қабул қилувчи йигитга бир-ик-  
ки ҳазил гап ҳам айтди. Бугун сал кечроқ келган Ойниса-  
нинг сутни топшириб бўлишини кутди. Ойниса ишини  
битиргач, унга яқинлашиб, „Бир оздан кейин уйимга ўт,  
зарур гап бор“, деди. Ойниса қизи билан енгил-елпи но-  
нушта қилиб, уни ишга кузатгач, ўзи Бўроннинг уйи томон  
йўл олди.

---

Бўрон Ойнисани кутиб олгач, ғамгин чехрасига қараб сўради:

— Рангинг сал ўзгариб турибдими? Мазанг йўқми?

— Этим сал увишяпти. Босим ошганга ўхшайди, — деди Ойниса синиқ оҳангда.

— Бу босим дегани касаллик эмас, бошингга тушган ғурбатларнинг оқибати. Уни дори билан тузатиб бўлмайди. Ғурбатнинг дориси — бахтиёрлик. Сен бир хушхабар эшитиб, ўзингни бахтиёр ҳис этишинг билан соғайиб кетасан.

— Нима дедингиз? Бу дунёда менга аталган хушхабар бор эканми?

— Бор. Лекин... бу суюнчли хабарни бу ерда эмас, Тошкентда эшитасан. Шунинг учун бугуноқ Моҳидил билан йўлга чиқишларинг керак. Уйдан ҳеч нима олма, йўлга отланганларингни биров билмасин.

— Нега?

— Энди бу ерга қайтиб келмайсанлар.

— Нега?

— Ҳадеб савол беравермагин-да, айтганимни бажар.

— Мен айтганингизни сўзсиз бажарадиган чўрингизманми?

— Унақа дема. Мен сенга ёмонликни раво кўрмайман.

— Ёмонликни раво кўрмасангиз, бизга қанақа яхшилик қилмоқчисиз, айтинг?

— Ҳозир айта олмайман. Айтишим мумкин бўлган нарса битта: бугун-эрта уйларингда яшашларинг хатарли. Тошкентга кетишларинг керак. Ундан у ёғини ўша ерда эшитасан. Сен ҳам, қизинг ҳам чўри эмассанлар. Шунча хорликдан кейин маликадай яшашга ҳақларинг бор.

— Мен уйимни ташлаб кетмайман.

— Уйинг шунчалик қадрлими? Нима бор ўша уйингда? Бу ерда сенинг раҳмингни ейдиган киминг бор энди? Отананг тириклигида меҳр кўрмаган бўлсанг, энди нимани кўрасан? Гулдай қизинг исқирт пивоҳўрларнинг ирkit пашшаларини кўриб ўтиришига қачонгача чидайсан?

Ойниса бу саволларга жавоб беришга улгурмади. Ҳовлига кириб келаётган Моҳидилни кўриб, бир айб устида қўлга тушгандай дув қизариб кетди. Моҳидил эса Бўрон билан юзма-юз турган онасига кўзи тушиши билан ҳайратланиб тўхтаб қолди.



— Моҳий, нега бу ерга келдинг? — дейди Ойниса у томон юриб.

Моҳидил нима мақсадда келганини айта олмасди, шу сабабли „Кўрққан олдин мушт кўтарар“ қабилида иш қилиб, онасини нимададир айбламоқ қасдида „Ўзингиз-чи?“ деган муқобил саволни берди.

— Амакингнинг маслаҳатли гаплари бор экан... — деди Ойниса ўзини оқламоқчи бўлгандай.

— Менам бир нарсани сўрамоқчиман, — деди Моҳидил қизил оҳангда.

У ярим соат олдин онаси билан хайрлашгач, қаҳвахонада супуришни бошлаган эди. Кеча пиво кўп келтирилгани сабабли майхўрларнинг бити тўкилганди. Улар кеч сирганда тарқагач, тозалашга Моҳидилнинг кучи ҳам, хуши ҳам қолмай, супур-сидирни эрталабга қолдирганди. Яна бирон соатлардан кейин пиво келтирилиши мумкинлиги сабабли у шошилди. Шу пайт Назира ҳовлиқиб келиб, „Эшитдингми, йигитинг яна йўқолганмиш“, деди-ю, унинг тинчини олди. Моҳидил гарангсиб туриб-туриб, кейин суртургини дугонасининг қўлига тутқазиб, ўзи милиция идораси томон юрди. Навбатчидан Шухратни сўраган эди, „Хизмат билан чиқиб кетган“, деди. Файратни сўраб, „Тошкентга кетган“ деган жавобни эшитиб, ажабланди. Йигитининг хайрлашмай, индамай кетиши унга ғалати туюлди. Қўтилмаган бу сафар остида бир шумлик ётганини кўнгли сезди. Ўзича бир тўғри жавоб тополмади, маслаҳатлашадиган одам ҳам йўқ эди. Ўйлай-ўйлай бир қарорга келиб, бу томон йўл олганди.

Она-болани ноқулай аҳволдан Бўрон қутқарди:

— Моҳий, келганинг яхши бўлди. Маслаҳатли гапим сенга ҳам тегишли, фақат... ҳовлида туриб гаплашмайлик, уйга кирайлик.

Шундай деб ичкарига ўзи йўл бошлади. Она-бола бир-бирларига савол назари билан қараб қўйишгач, аввал Ойниса, кейин Моҳидил ҳам уйга киришди.

Бўрон уларга эски стулларни бериб, ўзи темир каравотига омонат ўтирди.

— Моҳий, нимадан безовтасан? Милиса бола келиб турибдимми, пивохоно атрофида гирдикапалак бўляптими ҳалигача?

Моҳидил унга тикилди: „Тошкентга кетганини билмай-дими ё ўзини овсарликка соляптими?“ деб ўйлаб, хотир-жам оҳангда жавоб берди:

— Келиб турган бўлса, келиб тургандир, гирдикапалак бўлаётган бўлса бўлаётгандир. Бунақалар камми?

— Бунақаси кам — биттагина, — деди Бўрон муғомбирлик билан кулимсираб. — Лекин, жиян, бу бола билан бахтингни тополмайсан. Сен-у биз билан у — гўё сув билан олов!

— Менинг улар билан ишим йўқ.

— Ўзинг биласан. Сен нима десанг, шу бўлади.

— Унда бу ҳақда бошқа гапирманг, агар маслаҳатли гапнингиз ҳам шу ҳақда бўлса, мен кетдим.

Моҳидил шундай деб астойдил ўрнидан турди.

— Жаҳлинг чиқмасин, ўтир. — деди Бўрон жиддийлашиб. — Ойниса, аслида бу қизинг ўғил бўлиб туғилиши керак эди. Мард ўғлон бўларди. Ҳозир нимага жаҳли чиқяпти, биласанми? — Бўрон қиздан кўзини узмай, кулди: — Оппоқ қизинг сени мандан қизганяпти. Орамизда фақат ака-сингиллик бор, десам ҳам, кўнглининг бир чеккасида барибир ишончсизлик бор. Ҳозир сени бу ерда кўриб, ичи ёниб кетди, билиб турибман.

— Моҳий, шунақа ўйлагани уялмайсанми? — деди Ойниса ўпкаланиб.

— Бу гапни ўзларидан тўқияптилар, ҳечам унақа эмас, — Моҳидил шундай деб ўзини оқламоқчи бўлди. Лекин гап оҳангида барибир яширин рашки сезилди.

— Майли, буни кейин гаплашамиз, — деб Бўрон она-бола баҳсининг давом этишига йўл бермади. — Энди... маслаҳатли гапим шуки... Телевизорда ҳар куни Мексика кинолари бўляпти, кўраётгандирсанлар-а?

Икки кишига қаратилган савол Моҳидилга ғалати туюлиб, онасидан олдин ўзи жавоб берди:

— Кўрсак нима бўлибди?

— Уйларига диққат қиласанми? Яшашларига ҳавасинг келадими?

— Ҳамма қандай яшаса, улар ҳам шундай яшашади.

— Йў-ўқ... Сен яхшилаб қарагин-да, улар жаннатда яшашади. Одам деган аслида шундай яшаши керак. Менинг ҳаётимни кўявер, ўзинг онанг билан қанақа ҳаёт кўрди-

— Орнинг? Мана шунақа чойчақага термилиб ўтириш жонингга тегмадими?

— Ҳеч нарса жонимга тегмади.

— Наҳотки, орзуинг бўлмаса?

— Орзу ҳамма одамда бор, фақат эшакда бўлмайди.

— Бу гапинг нотўғри. Эшак тупроқда мазза қилиб ағачни орзу қилса керак. Молфаҳм одамларнинг орзуси йўқ, десанг тўғрироқ бўларди. Наҳотки, ўша пивохонани ташлаб кетишни орзу қилмайсан?

— Орзу қилишим шартми? Истаган куним ташлайман-у кетавераман. Бировдан сўрашим ё ялиниб-кўндиришим шарт эмас.

— Ташлаб кетишингга Жасур амакинг йўл қўймаса-чи?

— У билан ишим йўқ.

— Лекин унинг сен билан иши бор... Очiqроқ айтсам: ишқи бор.

— Нима? Вой, кўнглимнинг кўчаси! Турқи курсин унинг.

— Жаҳлнинг чиқмасин-у, шунақа нияти борлигини билтиб кўйишинг керак. Аслида-ку... сенларга ўтказиб қўйган дойи йўқ. Лекин даъвоси катта. Милиса болангнинг унинг атрофида айланишиб юриши менга ёқмаяпти. Болани ундан айриб олишимиз керак.

— „Айриб олишимиз?“ Ким айриб олади?

— Хоҳласанг... мен.

— У сизнинг ёрдмингизга муҳтож эмас. Истаса, ўзи айрилиб кетаверади. Сиз нега унга қайғуряпсиз? Атрофимда гирдикапалак бўлиши ёқмаяпти-ку?

— Ҳа, ёқмаяпти. Онангга ҳам ёқмаяпти. Сенга ёқаётганга ўхшайди. Мен сенинг кўнглингга қарашга мажбурман. Отанг шундай васият қилган.

— Ўша... „милиса бола“ ҳозир қаерда, билмайсизми?

Моҳидил суҳбат маромидан айёрлик билан фойдаланиб, шу саволни берди-да, унинг кўзларига тикилди. Бўрон қизнинг мақсадини англади, ундан нигоҳини олиб қочмади, ўзини хотиржам тутиб, жавоб қилди:

— Кеча кўзим тушувди, сен томонга анча қараб турди. Пивохўрларинг билан овора эдинг, сезмадинг. Кейин хўжайинининг машинасига ўтириб, қаёққадир кетди. Хўжайини уни ёқтириб, ёнига олганга ўхшайди.

— Эрталаб кўрмадингизми?

— Эрталабми? Агар ҳар қадамни кузатинг, деб айтганинда, бу ишни бошлардим. Кеча чойхонада ўтирганимда тасодифан кўзим тушди. Қаёққа борганини балки ўртоғи билар? Хўжайиннинг машинасида юриш осонмас, эрки ўзида бўлмайди.

— Унда...

— Моҳий, бўлди, кўп эзмалик қилма. Амакинг зарур маслаҳат билан чақирибди. Уйда яшашимиз хатарли экан. Бугуноқ Тошкентга кетишимиз шарт эмиш.

— Нега?

— Ўша ерда бизни яхши хабар кутаётганмиш.

Ойниса „Қолганини ўзидан сўра“, дегандай Бўрон томон имлаб қўйди.

— Қанақа хабар?

— Қанақалигини ўша ерда эшитасан. Менинг билганим — бундан бу ёғига мексикаликларга ўхшаб яйраб яшайсанлар.

— Ўшанақа яшашни истамасак-чи?

— Қайсарлик қилма. Ўйлаш учун бир-икки соат вақтларинг бор.

Аслида ўйлашнинг мутлақо ҳожати йўқ, қарор қабул қилинган, бажарилиши шарт эди. Бўрон она-болани сал тинчитиш учун ўйлаб кўришга изн бермоқчи эди.

— Хўп, уйга бориб, ўйлаб келамиз.

— Шу ерда ўйлайсанлар.

Бўрон бу гапни қатъий оҳангда айтгани учун она-болада энгил хавотир уйғонди.

— Агар кўнглингизда яхши ният бўлса, нега зўрлик қиляпсиз? — деди Моҳидил ўрнидан туриб.

— Баъзан яхшиликнинг яхшилик эканини зўрлаб тунтиришга тўғри келади, — деди Бўрон. — Отангни олиб кетишгандан бери сенлар худди чўғ устида яшагандай бўлдиларинг. Сен, эҳтимол, сезмагандирсан. Лекин онанг у ёқда кўрадиганини кўриб келди. Отангнинг анча молни беркитишга улгургани тўғри. Уни бир томондан милиса қидирипти, иккинчи томондан молнинг эгалари. Милиса қидириб-қидириб, охири ҳафсаласи пир бўлиши мумкин. Лекин молнинг эгалари сўнгги граммни ундириб олмагунича тинчимайди. Унгача икковингнинг жонинг гаровда туради. Иккитасининг келгани эсинглардан чиқмагандир?

Ойниса хўрсиниб қўйиб, ноилож бош ирғаб, тасдиқ шорасини қилди. Моҳидил ўша машғум тунни эслегиси элмагандай тескари қаради.

Бунақа воқеалар нутилмайди. Ўшанда Бўрон унинг йига тасодифан келмаган эди. Эрталабдан нимагадир йингли ғаш бўлди. Сут топширувчилар орасида Ойнисани ўрмагач, хавотирланиб, уйига борди. Ҳовлида ҳеч ким ўринмади. Овоз бериб чақирди, жавоб бўлмади. Ичкарига қўтиётлик билан кирди. Остона ҳатлаши билан биқинига тўппонча тиралди. Шундай бўлишини кутгани сабабли шошиб қолмади. „Қимирлама!“ деган буйруққа жавобан тўппончангдаги ўқинг менга аталмаган, адашма, ошна!“ деб хотиржам жавоб берди. Уй тўрида Ойниса қизини ақасидан қучганича жавдираб ўтирарди. Уларнинг рўпарасида бир нотаниш эркак, яна биттаси ўзининг орқасидан тўппонча тираб турибди: „Демак, булар икки киши“, деган хулосага келди Бўрон.

— Бу ким? — деб сўради Ойнисанинг рўпарасидаги одам тўнг оҳангда.

— Акам... — деди Ойниса титроқ оҳангда.

— Лақиллатма! Бунақа аканг йўқ.

— Тутинган акам...

— Ҳа, тутинган акасиман, ишонавер, — деб уни тасдиқлади Бўрон. — Менга яхшилаб қара, танишинг керак. Мен — Бўронман!

Шундай дегач, биқинга тиралган тўппонча олинди. Орқадаги одам олдинга ўтиб, Бўронга тикилди, кейин шериги билан кўз уриштириб олди. Хўжайинлари уларни бу томонга юборишаётганда Бўрон деган одамга дуч келмасликни тавсия қилишган эди. Уларнинг иккиланишидан фойдаланган Бўрон Ойниса томон юрди:

— Бу меҳмонлар ким, сингилжон?

— Эримнинг ошналари... Эримда озгина омонатлари қолиб кетган экан... шунга қидириб келишибди.

— Омонатни суриштириб келишган бўлишса, демак, оқибатли ошналар экан. Омонатга хиёнат қилиш мумкинмас. Сингилжон, сенлар чиқиб турларинг-чи, ўзимиз келишиб оламиз.

— Мумкинмас, — деди чақирилмаган меҳмонларнинг бири.

— Мумкин, — деди Бўрон. — Мен бор жойда ҳамма нарса мумкин. Буларни нима қиласан, гаровга мени олавер. Булардан фойда йўқ, ҳамма фойда менда!

Дадил айтилган гап таъсир қилиб, улар Бўроннинг амрига бўйсунди. Ойниса ҳовлига чиқишлари билан Моҳидилни Назираларникига жўнатиб, ўзи ичкаридаги келишув оқибатини жонҳолатда кута бошлади. Ичкаридаги гап-сўз узоқ давом этмади. Аввал Бўрон, кейин меҳмонлар чиқиб келишди. Туни билан уларни сиқувга олган ўнг одам Ойнисага яқинлашиб, „Озгина тушунмовчилик ўтибди, аслида бизда эрингизнинг ҳақи қолган экан, эрта-индин ташлаб кетамиз“, деб узр сўраган бўлди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди.

— Буларнинг ишида шунақа чалкашликлар бўлиб туради. Бир халта қоралорини йўқотиб, эрингдан кўриб юришган экан. Қаерга беркитганларини ўзлари эслаб қолишди. Бошқа келишмайди, хавотир олма.

Бўрон шундай деб изига қайтган, эртасига эса „Кечалар сени яна безовта қилмай, менга ташлаб кетишди“, деб бир ўрам пул олиб келган эди. Бўроннинг ичкарида улар билан нимага келишгани Ойнисага номаълумлигича қолди. Лекин пулни ўшалар ташлаб кетишганига унча ишонмади.

Бўрон ҳозир бу воқеани бежиз эслатмади. Ўшанда у „Хавотир олма, бошқа келишмайди“, дегани билан Ойниса хавотирини тарк этмаган эди.

— Эсларингдан чиқмаган бўлса, ўшандагилар муҳлат бериб кетишган эди. Мен жонимни гаровга қўйиб, молни топиб беришга ваъда қилувдим. Ўша муҳлат охирлаб қолди. Ўғри сўзида туриши керак. Мол топилмаса, уларга битта менинг жоним кифоя қилмайди. Шунинг учун кетишларинг шарт.

— Менга аталган ёқимли хабарингиз шумиди? — деди Ойниса синиқ оҳангда.

— Яхши хабар сени Тошкентда кутяпти.

— Гапларингизда ёлғон кўп, — деди Моҳидил қайсарлик билан.

Она-боланинг ўжарлиги, яхши гапга тушунмаслиги Бўронга малол кела бошлади. Жаҳли чиқиб, қошларини чимирди. Агар рўпарасидагилар ўз оламининг одамлари бў-

тишганда уларга гап тушунтириш қийин эмасди. Гап уқ-майдиغانларнинг ҳукми ундан-да осон эди. Буларни нима қилсин? Сўқолмаса... уролмаса... Энг муҳими — тўғри гапни айта олмаса!

Тўғри гапни айтиш осон эди:

...Эринг тирик, у сенларни олиб кетгани келган... Сенларни бахтли қилмоқчи... фақат... бу ерда сенлар билан кўриша олмайди...

Айтиш-ку, осон, лекин ўжар она-бола бунга ҳам дарров ишона қолмайди, исбот талаб қилади. Гапининг ростлигини исбот этмоқ учун барча ҳақиқатни бир бошдан айтиб бериши керакми? „Зона“да Ўлатнинг яқинлашгани, сирдан огоҳ қилгани, лўли билан таништиргани... Кейин қочиш режасини ўйлаб топшигани...

Ўлат қочғач, Сибирда юра туриши лозим эди. Наркобаронга ёлланиши лозим бўлган Бўрон хизматини адо этгач, Ойниса билан Моҳидилни Магаданга етказиб келишни зиммасига олган эди. Наркобарон бир-бири билан қовушган бу жабрдийда оилани балиқчилар кемасида Японияга ўтказиши, кейин Гонконгдан жой қилиб бериши мўлжалланганди. Ҳамма иш ўша режа бўйича бораётган эди... Кутилмаганда Ўлат пайдо бўлиб, Бўрон ҳам шошиб қолди. Наркобарон Бўронга ишонмаганми ё бошқа бир нарсадан хавотирланганми, ҳар ҳолда молни етказиб келишни Ўлатнинг зиммасига юкларди. Ўлат жони қил устида эканини биларди, билса-да, буйруққа бўйсунушига мажбур эди. Ясситепага яширинча келгач, режага ўзгартиришлар киритилди: Ўлат молни чегарада қабул қилиб олади, Бўрон эса унинг оиласини Тошкентга етказди. Мол бароннинг қўлига етиб боргунича Ойниса билан Моҳидил Владивостокда бўлишлари шарт. Милиция Файрат билан овора бўлиб, чалғиб турганда Ўлат Оқтомдан ўтиб олиши керак. Бўрон у билан ўша ерда учрашиб, Хўкизбурунгача кузатади-ю, кейин йўллари айри бўлиб, Тошкентга ёлғиз йўл олади. Икки йигит ҳамроҳлигида етказиб келинган она-бола билан ўша соатдаёқ Чимкентга жўнайди. У ерда поездга ўтириб, тўрт кундан сўнг манзилга эсон-омон етиб боради.

Бу орада Ўлат ҳам барон топширган вазифани бажариб, Тинч уммон қирғоғига етиб келади...

---

Ҳаммаси аниқ ҳисобланган. Ҳатто милиция йўлга тўғоноқ бўлган тақдирда сарф бўладиган вақт ҳам инобатга олинган. Владивостокдаги учрашувда бир кун нари-берисида фарқ бўлиши мумкин...

Бўрон ҳозир келажак бахтига ишонмаётган она-болага шуни айтиб, тушунтиришга уриниши керакми? Ундан кўра уларни зўрлик билан олиб кетган осонроқ. Карманাগачами ё Самарқандгачами ғиди-биди қилишар, кейин тақдирга тан беришдан ўзга чоралари қолмайди. Энг яхшиси, қош қорайгач, томирларига эм игнасида уйқу дори бериладую, тинчгина йўлга чиқилади. Милиция тўхташиб, машина ичига қараганда ҳам ухлаб ётган она-боладан шубҳа қилмайди... Шу аҳдга келган Бўрон „Барс!“ деб чақирди. Бир одамнинг лақаби айтилган бўлса-да, даҳлиз ортидаги ертўладан икки йигит чиқиб келиб, „Буюринг хўжайин“, дегандай эшик томонга ўтиб, она-боланинг йўлини тўсиб туриб олишди.

— Мендан хафа бўлмаларинг, жонларингни сақлаб қолиш учун шундай қилишга мажбурман. Қоронғи тушгунича шу ерда ўтирасанлар. Йўлда қилиқ қилмаларинг. Ойнаса, сен кўпни кўрган хотинсан, қизингга ўхшаб қайсарлик қилмай, уни тинчит. Дод-войнинг фойдаси йўқ. Агар бахтларинг очилмаса, бетимга тупурасан.

— Бусиз ҳам тупуришга арзийдиган иш қилиясиз! — деди Ойнаса овозини баландлатиб.

Бўрон унга эътибор бермай, йигитларга имо қилди. Уларнинг бири Моҳидилни билагидан тутди, иккинчиси чаққонлик билан Ойнисанинг қўлларини қайириб, боглаб қўйди. Ойнаса қаршилиқ билдирмади, лекин Моҳидил типирчилаб, йигитлардан бирининг қўлини тишлаб ҳам олди. Тоғ қизи ҳар қанча чаққон ва з бўлмасин, икки кучли йигитга бас кела олмади. Она-бола тинчигач, Бўрон улардан яна узр сўраб, тайёрлаб қўйган сафар халтасини олдида, ташқарига чиқди. Ҳовлига кириб келатган Нишонбойни кўриб „Оббо!“ деди-ю, тўхтади. Орқасидан эргашиб чиққан йигит „Буни нима қиламиз?“ дегандай савол назари билан қаради. Бўрон кўз қараши билан „Индама“, деб буюрди.

— Ҳа, Нишонбой, тинчликми? Нега шошиб қолдинг? — деди Бўрон у томон юриб.



— Солиқчини тинчитиб келяпман. Ҳисоб-китобда янглишганини исбот қилиб бердим. Энди бизга даъвоси йўқ. Ҳисобни атай бузиб ёзган-да. Бизни қўрқитиб, чойчақа ишлаб олмоқчи бўлган.

— Нишонбой, бола пақирни бекор қийнабсан, уларнинг ҳам тирикчилиги бор-да, — деди Бўрон кулимсираб.

— Тирикчилиги бўлса, эгилиб ишласин, тер тўксин, — деди Нишонбой ўжарлик билан.

— Қойил йигитсан-да, аслида сени „зона“га бошлиқ қилиб қўйиш керак.

— Қанақа зонага? — деб ажабланди Нишонбой.

— Бу ёққа кел, ўтир, — деди Бўрон уни супага бошлаб. Нишонбой ўтиргач, сафар халтасини очиб, ичидан отасининг кундалигини олди.

— Сенинг иккита айбинг бор: биринчиси — қўрқоқсан, иккинчиси — ҳаддан ташқари тўғрисан. Шунга қарамай, яхши одамсан, сенга ишонсам бўлади. Мен шошилишча равишда кетишим керак. Келганинг яхши бўлди, сенга учта топширигим бор: биринчиси — шу дафтарни Норйигит акангга бериб қўясан. Ўқиб, ўзи тушуниб олади. Битта нарсани айтиб қўйсанг бўлди — шу дафтардагиларни менинг отам ёзган. Иккинчи топширигим: молбоқарлар билан соғувчиларга биттадан сигир берасан, иккитаси сенга, биттасини ўзинг боқасан, биттасини қайнонанингга бериб, уни тинчитасан. Қолган сигирлар Норйигит акангники. Истаса, ўзига олсин, хоҳласа, одамларга бўлиб берсин. Ҳукумат одамлари ис олгунича шу ишларни қилиб, фермани тугатадиган хат-қоғозларни тўғрилаб қўй. Ҳукуматга сигирнинг думи ҳам тегмасин, тушундингми? Учтинчи топширигим — шу ерда қоронғи тушгунча қимирламай ўтирасан. Ичкарида меҳмонлар бор. Кимлиги билан ишинг бўлмасин, қизиқиб қарама. Қарасанг, кўзингдан айрилиб қолишинг мумкин, чўқийдиган бургут бор. Биров кирмасин ҳам, чиқмасин ҳам. Қочиб қолишни ҳам ўйлама. Меҳмонларни ё ўзим келиб олиб кетаман, ё бирон одамни юбораман. Гапларимга тушундингми?

— Тушундим-у...

— Тушунган бўлсанг, савол берма. Бажар. Жойингдан қимирлама! — Шундай деб мотоциклга ўтирди. Ҳар қандай амрни бажаришга шай турган йигит кажавадан жой олди-ю,

орқасига ўтирилиб, қўлини томоғига юборди-да, „Сўйилсан“, деган ишорани қилди. Буни кўрган Нишонбойнинг жон-пони чиқиб, вужудини қўрқув титроғи босди. Қандайдир ёмон иш бўлаётганини кўнгли сезиб, илсиз боғланганича жойида қотди.

• • •

Қиморда ютиб олинган „дала ҳовли“ деб аталувчи уйига олиб борилган Фирром қафасга ташланган ваҳший ҳайвон ҳолатига тушди. Ҳазабини босиш учун коньякни шишаси билан кўтариб ичди. Ичи баттар куйди. Бадқовқлар чиқиб, уларнинг ўрнида мушаклари ўйнаб турган бақувват бир йигит қолгач, Фирром ташқарида асосий ўйинлар бошланганини англаб, баттар тўлғонди. Бу ердан қутулиш чорасини излади. Яна ютоқиб ичгач, ўзини мастликка солиб, диванга узала тушди. Ғўдирана-ғўдирана ухлаб қолгандай бўлди. Шу билан йигитнинг сергаклигини сусайтирмоқчи эди, муддаосига етди. Йигит деразага яқинлашиб, ташқарига қарамоқчи бўлганида сапчиб турди-да, коньяк шишасини олиб, унинг бошига зарб билан урди. Бу йигитга бир зарб етарли эмасди, кўзлари олайди-ю, йиқилмади. Шунда стол устидаги шампан шишаси билан урди-да, столи ғаладонидан оқ тўппончасини олиб, ўзини ташқарига отди.

Фирром машинасига ўтириб, жонҳолатда газни босиб, тезлатди.

• • •

Мактаб спорт майдончасида Бўрондан калитни олган Ғайрат соат ўнга қадар бир панада дам олган бўлиб, катта йўлга чиққандан кейин ҳам машинани тезлатмади, Бўроннинг маслаҳатига амал қилиб, „шаддироқ арава“сини қийнамади. Ёнидан жой олган йигит бундан ғашланиб, „Тошбақа юриш билан Тошкентга қачон етиб бормоқчисан?“ деб минғирлади.

— Эски машина лочиндай учолмайди. Тошбақа юриш билан бўлса ҳам етиб олсак катта гап. Топшириладиган машина деб ичак-чавағини суғуриб олишган. Итар-итар қилиб, тилимиз осилиб қолмаяптими, Худога шукр, — деди

айрат. Кейин эснаганича қўшиб қўйди: — Ҳали учинчи остда тўхтаб ўтишим керак.

— Нега?

— Битга гапни хўжайинларимга етказиб қўйишим керак экан.

Йигит индамади. „Ҳамма гапни билади, шошилмай оришимга ҳам қарши эмас, менга хўжайинлигини билдириб қўйиш учун шунчаки бир минғирлаб қўйди“, деб ўйлади Файрат.

Учинчи постда тўхтаб, старшина билан биттадан чекишга ҳам улгурди. Йигит ундан кўз узмай, жойидан жилмади. Файрат старшина билан хайрлашиб, машинасига ўтиришдан олдин олд филдиракни тепиб кўриб, узун ҳўштак чалди.

— Ишқал чиқиб қолди, ошнажон, балон ўладитан эди, шу ерда жанозасини ўқир эканмиз.

Йигит унинг гапига ишонмай пастга тушиб, энгашиб қаради: чиндан ҳам балон пучмайиб қолган эди.

— Латтаси чиқиб ётган балонда онангникига етиб олмақчи эдингми?! — деб сўқинди.

— Онамникига етиб олиш учун балонни алмаштириш керак, — деди Файрат.

— Алмаштир, нимага қараб турибсан?

— Алмаштириш учун домкрат керак. Домкрат эгасида қолган. Старшинадан илтимос қиламиз, биронта машинани тўхтатиб беради.

Йигит шошилмаётган бўлса ҳам, Файратнинг бу ҳаракатларида бир шумликни сезиб, хавотирланди.

Старшина ёрдамида домкрат топилди. Файратнинг қўли ишда, хаёли эса бу йигитдан қутулиб, орқага қайтишнинг иложини қилишда эди. У Бўрон кўрсатган туфли, кўйлак ва суратга шубҳа билан қараган бўлса-да, Моҳидилни кўрмай узоққа кета олмасди.

Филдирак алмаштирилиб, йўлга тушилгач, йигит сал хотиржам бўлди. Файрат машинани тезлатмади. Бу орада пешкўзгу орқали қараб, изма-из келаётган машинага кўзи тушди. Катта тезликда яқинлашаётган машина чироқларини ёқиб-ўчириб, „Тўхта“ ишорасини қилди. Йўлдан кўз узмай ўтирган йигит буни сезмади. Файрат эса Фирромнинг машинасини таниди.

---

Энди далил ҳаракат қилиш фурсати келганини англаб, машинани тезлатди.

— Ҳа, нима бўлди? — деди йигит ажабланиб.

— Орқада дум пайдо бўлди.

Йигит орқасига ўтирилиши билан Файрат тормозни босди. Йигит ўзини туюлмади, чеккаси билан пешойнага урилиб гангиди. Файрат унинг гарданига бир уриб, ҳушсизлангирди-да, машинадан тушиб, Фирром билан рўпара келишга шайланди. Бу орада Фирромнинг машинаси келиб тўхтади. Ҳазаб оловида ёнаётган Фирром машинадан туша солиб, Файратни „Аблаҳ! Сотқин!“ деб сўка кетди:

Оғзидан тупук сачратганича сўкинаётган Фирром бу билан кифояланмай, Файратни урмоқчи бўлиб ташланди. Файрат чаққонлик билан ўзини четга олди-да, мункиб кетган Фирромнинг гарданига енгил мушт урган эди, у мувозанатини сақлаб қололмай, юзтубан йиқилди. Файрат энгашиб, уни билагидан ушлаб кўтарди.

— Сотқин менми ё сизми, себзорлик акахон? Мени уларга ким рўпара қилди?

— Билмайман, — деди Фирром лабини билагига артиб. — Улар фирром ўйинга ўтишди. Менинг кўнглим фирромни доим сезади. Юкхонани оч, шунча молни сенга ишонилари мумкин эмас.

Файрат буйруқни бажаришдан олдин унга тик қараб сўради:

— Моҳидил қаерда? Унга нима бўлди?

— Унга нима бўлиши керак? Кечки пайт ишда эди.

Файрат унинг гапига ишонгандай бўлиб, машинанинг орқа томонига ўтди-да, юкхона эшигини кўтарди. Фирром шошилиб, қопнинг оғзини очди.

— Пичоқ борми, тилиб ташла манавини! — деб бақирди Фирром.

— Билмайман, қарай-чи?

Машинада пичоқ бўлиши гумон эди, шу сабабли қидириб ўтирмай, ҳушсиз йигитнинг чўнтагини кавлаб, тутмачали пичоқни олди-да, Фирромнинг амрини бажарди.

Фирром тилинган гилдирак ичидаги халтачалардан бирини олиб, таталаб очгач, бармоғини ботириб, кейин ялаб кўрди-да тупуриб ташлаб, яраланган ваҳший каби ўкириб юборди:

— Ҳаромилар! Итдан тарқаганлар! Мени ҳариф қилмоқчи бўлишдими? Мени-я?! Қаерга гум бўлишганини билмас эканманми? Оқтомга кетишган... Ҳа, Оқтомда улар! Мендан қутулиб бўпти! Энди гап бундай: майли, сен уларнинг айтганини қилиб, тўғрига кетавер. Булар билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Тошкентда юра тур, сени ўзим топиб, қақингни бераман.

Фирром жавоб кутмай, машинасига шошилиб ўтирди. Кескин бурилиб, изига қайта бошлади. Файрат иккиланиб, унинг изидан қараб турди. Кейин аниқ бир қарорга келолмай, машинага ўтириб, озгина юрди. Сўнг бир тўхтамга келиб, машина эшигини очди-да, ҳушига кела бошлаган йигитни туртиб, тушириб юборди. Яна бир оз юргач, кескин бурилиб, тезликни оширди.

Моҳидилни Фирромнинг боғидаги уйда деб гумон қилгани учун ўша томон йўл олди. Меҳмонхонада боши ёрилган йигит ётарди. Файрат ҳаммаёқни титиб чиқди, Моҳидилнинг изи ҳам топилмади.

Қаерда бўлиши мумкин?

Уйда эмасдир... Уйига бориш учун гузардан ўтиш керак. Ясситепада кўриниши эса мутлақо мумкин эмас.

Бўроннинг уйи-чи?

Қишлоқнинг энг четида. Гаровга олгани рост бўлса, яшириш учун энг қулай жой...

Шу тўхтамга келиб, қишлоқнинг тош йўлига ўтди. Бўроннинг ҳовлисида ўтирган Нишонбойни у танимас эди. Нишонбой милиция кийимидаги йигитни кўриб кўрқиб кетди. Оёқлари қалтираб, беихтиёр ўрнидан турди.

— Бўрон қани? — деди Файрат унга тик келиб.

— Кетди, — деди Нишонбой довдираб.

— Қаёққа кетди?

— Билмадим...

— Ўзинг кимсан?

— Шу фермада ишлайман. Бошқа ишларга менинг алоқам йўқ.

— Қанақа ишларга?

— Уйда меҳмонлар бор экан, лекин мен уларнинг кимлигини билмайман. Бўрон акам „Биров кирмасин ҳам, чиқмасин ҳам“, деб кетдилар. Кечки пайт ё ўзлари келарканлар, ё одам юборарканлар.

„Моҳидил шу ерда, — деб ўйлади Файрат. — „Меҳмонлар“, деярти, ичкарида яна ким бўлиши мумкин?“

— Бу ёққа юр, — деди Файрат, уни елкасидан ушлаб.

— Нега?

— Уйга кириб қараб чиқасан, ким борлигини менга билиб бер.

— Хўжайин ҳеч ким кирмасин, деганлар.

— Сен киришинг мумкин, юр, имиллама.

Нишонбой эшикни аста очиб, ичкарига бир қадам қўйди-ю, пойлаб турган йигитнинг зарбасига учраб, худди коптокдай юмалаб кетди. Шундай бўлишини кутган Файрат эса фурсатни бой бермай ичкарига отилди. Йигит мушт туширишга улгурмай қолди. Икки ўртада олишув бошланди. Уй ичи бир пасда остин-устин бўлиб кетди. Йигит бақувват ва чаққон бўлишига қарамай, Файратнинг усулларига бас кела олмади, гарданига қаттиқ мушт тушгач, чўзилиб қолди.

Файрат арқонни кесиб, Моҳидилни бўшатди. Қўрқувдан титраётган Нишонбой ўрнидан туриб, Ойнисани арқондан бўшатмоқчи бўлди. Бироқ титроқ бармоқлари арқон тугунини ечишга ожизлик қилди. Файрат уни четга суриб, арқонни пичоқ билан кесди.

— Бўрон қаяёққа кетди, билмайсизми? — деб сўради Файрат Моҳидилдан.

Ҳам ўзининг қутулгани, ҳам йигитини кўрганидан қувониб, уни кучиб ўпишга тайёр қиз бу саволни эшитиб гап қолди. „Мен билмайман, сиз биларсиз?“ деган маънода жавдираб, онасига қаради.

— Улар қаяёққа кетишаётганини айтишармиди? — деди Ойниса.

— Сизлардан нимани талаб қилди?

— Биз бу ердан кетиб, бахтли бўлишимиз керак экан.

„Буниси қизиқ бўлди-ю?“ деб ажабланди Файрат. Ўйлашга фурсати йўқ эди. Фирромнинг бояги гапини эслаб:

— Оқтом бу ердан узоқдами? — деб сўради.

— Паридала эсингиздами? — деди Моҳидил. — Ўша тоғнинг ортида. Одам етиб бориши қийин бўлган жой. Оқтомда жудаям катта ғор бор. „Ғорда аждаҳо яшайди“, деб болаларни кўрқитишади. Мен бир марта борганман. Ғордан увиллаган овоз эшитилиб туради.

— Менга йўл кўрсата оласизми?

— Йўқ, кўрсата олмайди, — Ойниса шундай деб қизи олдига қалқон каби туриб олди.

— Кўрсатаман, — деди Моҳидил уни четлаб ўтиб.

— Моҳий, жиннилик қилма! — деб бақириб юборди Ойниса. Унинг хавотири Файратга таъсир қилиб, фикридан қайтди:

— Онангиз тўғри айтяптилар. Сиз борадиган жой эмас. — Шундай деб Нишонбойга қаради: — Оқтомга сен бошлаб борасан.

— Мен... у ёқларда бўлмаганман, билмайман, — деди Нишонбой довриаб.

— Паридарага борган бўлсангиз, Оқтомни топиш қийин эмас, — деди Ойниса, уни бошига ёғилажак балодан кутқариб. — Паридарага бир чақиримча етмай, ўннга бурилсангиз, уч-тўрт чақиримдан кейин Оқтомга олиб борадиган яккатовон йўлга тақалади. Жар ёқалаб кунботар томонга кетсангиз, Оқтомга етасиз. Сизни биров етаклаб юриши шарт ҳам эмас.

— Унда... сиздан илтимос, ҳозир менинг ишхонамга бориб, полковник Равшанов деган одамга учраб, бўлган воқеани айтиб берсангиз.

— Мен-а? Ҳеч қачон! — деди Ойниса қатъий оҳангда.

— Унда сен борасан, — деди Файрат Нишонбойга.

Бу ишларга аралашиб, бирон балога йўлиқишдан кўрқаётган Нишонбойни баттар ваҳима босди.

— Мен... боролмайман... оёғим чиққанга ўхшайди.

— Эмаклаб бўлса ҳам борасан. Бормасанг, жиноятчиларнинг шериги сифатида қамалиб кетасан!

Нишонбой бу буйруқни эшитиб, ҳозирнинг ўзида қамоққа тушиб қолгандай ҳолсизланиб, ўтириб қолди.

Файрат Моҳидилнинг кўзларига қаради: бошлари узра бало булути кўланка солиб турганига қарамай, бу кўзлардаги муҳаббат чўғи сўнмаган эди.

Юрак дуқури эса „Кетманг!“ деб нола қилди.

Қизнинг сассиз ноласини Файрат эшитиб, юраги қалқиб кетди. Не афсуски, қизга узоқ қараб туролмасди. Шарт бурилиб, ҳовли томон шошилди. Моҳидил унга эргашмоқчи эди, онаси билагидан маҳкам тутиб қолди. Аввалига Моҳидил онасининг амрига бўйсунгандай бўлди. Кейин бир

силтаниб билагини бўшатди-да. Йигитнинг изидан отилди. Файрат моторни ўт олдиришга улгурмай етиб келиб, олд эшикни жонҳолатда очди-да, ўзини ўриндиққа ташлади.

— Сиз... қолинг, — деди Файрат ялиниш оҳангида.

— Тез юринг! — деди қиз буйруқ оҳангида.

Қизнинг амри муҳаббат кули учун вожиб бўлди. Қизнинг изидан югурган Ойниса етиб келмай, машина бир силтаниб, ортидан чанг кўтарганича тез юриб кетди.

Ойниса уларнинг изидан алам билан қараб қолди. Кўнгли ғашланиб, „Қизингни охириги марта кўрган бўлсангчи?“ деган ғаламис фикр уйғонди-ю, дилини тилим-тилим қилиб ташлади. Вужудини жон тарк этгандай бўлиб, ерга ўтириб қолди. Ичкаридан кўрқа-писа чиққан Нишонбой уни бу аҳволда кўриб, ёрдам беришни ўйламай, кўча томон шошилди.

— Милисага югур, — деди Ойниса ўтирган жойида.

Нишонбой орқасига қарамай қочиб қолди.

Ойниса бир оздан кейин ўзига келиб ўрнидан турди. Ўзи хоҳламаса ҳам, мадорсиз оёқлари уни милиция идорасига бошлаб борди. Эшикни очиб ичкарига бир қадам босди-да, навбатчилар ўтирадиган томонга қараб:

— Файрат Оқтомга кетди. Қидираётган одамларинг ҳам ўша ёқда, — деб орқасига ўтирилди. Остонага қадам кўйганида орқа томондан:

— Раҳмат, синглим, — деган таниш овозни эшитиб, таққа тўхтади.

Овоз таниш эди, лекин кимники эканини эслай олмай орқасига ўтирилди. Кирган пайти навбатчилик пулти олдида турган одамга эътибор бермаган эди. Энди қараб, Равшановни таниди.

Қамалган пайтида бир неча ҳафталик қийин-қистовдан кейин шу одам тергов қилган эди. Олдингиларига ўхшаб дўқ-пўписа қилмай, осойишта савол-жавоб қилган бу одамни унутиш мумкин эмасди. Учтинчи терговдан кейин Равшановнинг бир парча қоғоз узатиб, „Синглим, сизни англашилмовчилик билан қамоққа олишибди, айбингиз йўқлиги аниқланди, озодсиз“, деганлари Ойнисанинг ёдига муҳрланиб қолган эди...

— Қизим ҳам у билан бирга кетди, қутқаринг уларни... — деди Ойниса ўтинч билан.



\* \* \*

Бўроннинг уйдан узоқлашишгач, Моҳидил йигитга қараб сўради:

— Сиз... улар билан бирга эмасмисиз? Ҳамма қилиқларингиз найрангмиди?

Файрат йўлдан кўз узмай, хотиржам равишда жавоб берди:

— Буни кейин тушунтириб бераман.

Моҳидил бу жавоб билан қаноатланиб, жим кетди.

Машина тоғ йўлидан юқорилагани сайин йўтали тутган хаста одамдай бўлиб қолди. Охири тўхтади. Икковлари тушиб бир оз юришгач, Фирромнинг машинасига дуч келишди. Яна бир оздан кейин йўл адоғида мотоциклни кўришди.

— Бу ёғи яккатовон йўл, — деди Моҳидил.

Файрат қизни қайтариб юбориш мақсадида „Машина ҳайдашни биласизми?“ деб сўради.

— Сал-пал.

— Унда юринг, — Файрат орқага қайтиб, машинани бурди. — Ё Шухратни, ё Равшанов деган одамни топиб, айтинг. Оқтомга тез етиб келишсин.

— Мен сиз билан бераман. Равшановингизга гапингизни Нишонбой етказди.

— Кўрқоқ одамга ўхшайди, бормайди. Тезда машинага ўтиринг.

Моҳидил яна бир оз ўжарлик қилди, кейин Файратга эрдан зарур эканини англаб, буйруққа итоат этди.

Итоат этди-ю... Файратни бир умрлик пушаймон алангасига отиб кетди.

Қайсарлик қилганда эди... „Сиз билан биргаман“, деб оёқ тираб олганда эди...

Файрат ҳозирча бу пушаймондан узоқ, унинг фикри-зикри Фирромга етиб олиш...

Қиз кетгач, Файрат сўқмоқ бўйлаб югурди. Йигит ҳар қанча чиниққан бўлмасин, баланд тоғ сўқмоғида югуриш нафасни қайтариб, ҳаллослатиб қўяди. Рўпарада кафтдай яланглик кўриниб, дам олишни ўйлаган чоғида буталар орасидан кимдир отилиб чиқиб уни чалиб юборди. Файрат мункиб кетди-ю, лекин тезда ўзини ўнглаб олиб, орқадан

бериладиган зарбага қарши шайланди. Лекин зарба берилмади. Тўппончанинг ўқланган овози эшитилиб, Файрат ўзини ерга отди. Биринчи ўқ хато кетди. Файрат ўзини бута ортига олиб, Фирромни чалғитиш йўлини излади. Фирром зийрак эди, Файрат таваккал қилиб, ўзини у томон отганда тепкини босишга улгурди, Файратнинг елкасига теккан ўқ баданини жизиллатиб юборди. Бироқ Файрат бу оғриқни енгиб, Фирромнинг тўппонча ушлаган қўлини мўлжаллаб тепди. Тўппонча учиб тушди. Кейинги тепкида Фирром жар ёқасига келиб қолди. Орқасига ўтирилди-ю, тубсизликни кўриб, қўрқувдан кўзлари олайиб кетди. Ўзини ўнглаб олишга улгурмай, боши айланиб, мувозанатини сақлаб қололмади. Унинг ўзини ҳам, жонҳолатдаги қичқирғини ҳам жарлик ўзига ютди.

Файрат ерда ётган тўппончани олиб, йўлида давом этди. Елкадаги оғриқни даф этиш учун тўппонча дастасини маҳкам чангаллади.

\* \* \*

Бўрон Оқтомга белгиланган вақтда етиб келди. Мағорадан бир одам чиқиб кутиб олди. Тошкентдаги учрашувда Боча ваъда қилган одамлар икки кундан бери шу ерда макон тутиб, пойлашаётган эди. Уларнинг иккитаси чўпон кийимида, қолганлари геолог либосида эди. Бўрон ҳам геологлар кийимини кийиб олгач, ёр оғзидаги майдончага чиқиб, атрофни дурбиндан кузата бошлади. Дастлаб Фирромни, кейин Файратни кўрди. Уларнинг олишувига ҳам гувоҳ бўлди. Бу орада сўқмоқда қўй-эчкиларнинг маърагани эшитилди. Аввал эшак миниб олган, геолог либосидагч Ўлат кўринди. У спорт майдончасидаги тунги томошадан сўнг тўғри Оқтомга қараб жўнаган эди. Келишилган дарада молни кутиб олиб, ҳисоб-китобни қилиб, хуш кайфиятда қайтаётган Ўлат Бўроннинг қарашидаги ташвишни сезиб, эшакдан тушмаёқ:

— Атроф тинчми? — деб сўради.

— Унча эмас, Фирром ис олиб, изимиздан тушган экан, орқасидан куёвинг етиб келди. Фирром бугун қашқирларни меҳмон қилади. Куёвинг сендан оқ фотиҳа олгани ҳозир келиб қолса керак.

— Бир ўзимми?

— Булар бир ўзи юрмайди, албатта думи бўлади.

Бу орада сурувни бошлаб келаётган серка, кейин қўй-ар, сўнг юк ортилган эшаклар кўринди. Ичкаридан чиққан икки „чўпон“ уларнинг олдига тушиб олди. Сурув дам, эшаклар ҳам гор оғзида тўхтамади. Уларнинг қаторига „латнинг моли ортилган яна иккита эшак қўшилди. Тўрт геолог“ ажабтовур бу карвонга эргашди. Сурувни ҳайдаб келган „чўпон“лар эса, Улатнинг ёнида қолишди.

— Куёв бола келаётган бўлса, шу ерда кутиб ола қолайлик. Булар беҳатар узоқлашиб олишсин. Энди хато қилишга ҳаққимиз йўқ, — деди Улат.

— Гапинг тўғри, мен шу ёшга қадар „Ўғрининг жойи қамоқда!“ деб яшаган эдим. Энди гап бошқача бўлади: бизнинг жойимиз жаннатда! Жаннатдай жойларда яшашга ҳаққимиз бор, — деди Бўрон.

„Хато қилишга ҳаққимиз йўқ“ деган Улат Ясситепага келиб катта хатога йўл қўйганини ҳозир фаҳм этмасди. У милицияни тамоман чалғитиб юбора олишига қаттиқ ишонгани учун шерикларига, айниқса, Фирромга ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйгиси келган эди. Мактаб спорт майдончасига сода тўлатилган баллонларни кўмиб қўйиш ғояси Бўронники эди. Бу ишни ўзи ўйлаб топиб, қор эрий бошлаган дамда молбоқари билан келиб, ўзи кўмиб кетганди. Эллик рубл эвазига бир метр чуқурча кавлаб берган молбоқар, меҳнатининг бу қадар юқори баҳоланганидан қувониб, бу ҳақда чурқ этмасликка қасам ичган эди. Бундан хабар топган Улат ҳаддидан ошаётган Фирромга ўша ерда „дарс“ бериб қўйгиси келди.

Кимса катта бойликка рўпара келиб қолса, довдираб қолади. Гарчи катта бойлик ҳозирча орзуда бўлса-да, Улат „Яхши ният ярим мол“ эмас, „тўла мол“ деган ишончда ўз чегарасидан чиққан эди. Бунинг учун кейинроқ пушаймон ейди-ю, лекин дунёни ташлаб кетишдаги пушаймондан фойда бўлармикин?

Ҳозир эса... Бўроннинг жаннатдай яшашга ҳаққи борлигини эшитиб, сал энсаси қотди. Бўрон буни сезиб, шеригини хотиржам қилиш мақсадида „Оиланг меникида, қош қорайиши билан йигитлар уларни олиб, йўлга чиқишади“ деб қўйди.

— Куёвни ўзингиз кутиб олинг, мени кўрмасин.

Улар ғор ичкарасига кириб, Файратни кута бошлашди. Бир соатлардан кейин ҳансираб, оғриқдан инграётган Файрат келди. Ғор оғзидаги изларга қараб, тўппончасини шай тутган онда ичкаридан Бўрон чиқиб келди:

— Тўппончангни ташла, куёв бола, ўйининг тамом бўлди, чимилдиққа кирадиган вақтинг етганга ўхшайди.

— Кимнинг қаерга киришини ҳали кўрамиз, — деди Файрат тўппончани у томон қаратиб.

— Жиннилик қилма, яхшилиқча ташла тўппончани! Шерикларинг қани?

— Жасур акамни айтяпсизми? Менга йўлда етиб олиб, молни очиб кўрди. Сифатли сода солиб қўйган экансизлар. Шунга раҳмат айтиб қўямиз, деб келаётгандик, қоқилиб, жарга йиқилиб тушди.

— Қоқилаётиб кўлинга тўппончасини тутқазиб кетдими? Ташла, дедим!

Бўрон ғазаб билан шундай деб у томон бир қадам қўйган эди, жағига тушган тепкидан учиб тушди. Ғордан отилиб чиққан „чўпон“ Файратга ташланди. Олишув кўп давом этмади. Иккинчи „чўпон“ чиқиб, Файратнинг биқинига пичоқ санчди.

Бир оздан кейин ҳушига келган Бўрон ўрнидан туриб, ерда ётган оқ тўппончани олиб Ўлатга қаради:

— Буни Капрал берган экан. Ҳар ҳолда у ғаламис сенинг тирик қолганинга ишонган. Тўппончадаги ўқлар балки сенга аталгандир... Мен итваччага „Капрал сенга ўлим совға қилибди“, деган эдим, гапим тўғри чиқибди.

Ўлат унинг гапига эътибор қилмай, „Кетдик, ғордан ўтиб кетамиз“, деб шоширди:

— Буни жарга ташлаб юборайликми? — деб сўради „чўпон“лардан бири.

— Йўқ, шу ерда ётаверсин. Ҳадемай думлаётганга етиб келади. Изимиздан ғорга кираверишсин, — деди Ўлат. Бу ерларни яхши билгани учун, милицияни чалғитишига, ғор орқали қутулиб кетишига ишонган эди.

Бўрон жарга кираётиб қўлидаги тўппончага яна бир қараб олди-да, иргангандек, ортига улоқтирди.

Улар ғорга кириб кетишгандан ярим соат ўтмай, осмонда икки вертолёт кўринди. Қўнишга қулай жой бўлмагани сабабли пастлашганда ундан аввал Равшанов, кейин

юшқалар сакраб туша бошладилар. Куролларини жангта пайлаб турдилар.

Харсанг ортида ётган дўстини биринчи бўлиб Шухрат кўрди. „Файрат!“ деб бақириб, уни кўтариб, бағрига босиб олди.

— Тирикми? — деб хавотир билан сўради Равшанов.

— Тирикка ўхшайди.

Равшанов кулоғини унинг кўкрагига тутди. Файрат енгил ихранди.

— Озгина чида, болам, чида, — Равшанов шундай деб Нарзиевга юзланди: — Вертолётга олинглар, бир одамни кўшиб беринг, тез орқага қайтсин.

Файратни эҳтиётлаб вертолётга чиқардилар. Равшанов эса изларга диққат билан қараб, ғор оғзидаги тўппончани олди-да, ажабланганича тикилди.

— Яқинда сурув ўтибди. Эшак излари ҳам анчагина. Демак, улар шу сўқмоқда. Вертолётга чиқинглар, сиз уларни таъқиб қилинг. Биз ғорга кирамиз.

Равшановнинг ёнида беш йигит қолиб, қолганлар вертолётга чиқишди.

— Ўртоқ полковник, ғорнинг нариги томони очиқ, — деди йигитлардан бири. — Бу ёқдан кириб, тоғнинг нариёғидан чиқиш мумкин. Агар тикка ошиб тушсак, пистирма кўйсак бўлади.

Бу фикр Равшановга маъқул келиб, икки кишини шу ерда қолдирди.

— Ярим соатдан кейин ғор ичига қараб пала-партиш ўт очинглар. Ҳар беш дақиқада ўқ узиб туринглар. Ҳушёр бўлинглар, орқага қайтишлари ҳам мумкин.

Равшанов маслаҳат берган йигитга эргашди. Ёлғизоёқ йўл ҳам бўлмагани сабабли тоғни ошиб ўтиш осон эмасди. Шунга қарамай, Равшанов ўзи ҳам тинмади, бошқаларни ҳам тиндирмади.

Ғорнинг у томондаги оғзи торроқ эди. Харсанглар ортига яшириниб, кута бошладилар. Узоқдан отишма овозлари келганда Равшанов „етиб олишибди“, деб ўйлаб, бир оз хотиржам бўлди.

Қош қорая бошлаганда ғор оғзида бир „чўпон“ кўринди. Атрофга аланглаб, сўнг орқасига ўтирилиб, ишора қилган эди, иккинчиси чиқиб келди. Хатар сезилмагач, Бўрон

чиқди. Ўлат кўринмади. Равшанов Ўлатнинг шу ерда эканини билмагани сабабли „Асосий куч у ёқда, бизни чалгитиш учун уч киши қолгандир“, деб ўйлаб, бақирди:

— Қуролларингни ташлаларинг. Ўраб олингансанлар, қаршилик қилишларингдан фойда йўқ.

— Қуролимиз йўқ, биз геологлармиз. Бизда нима ишларинг бор? — деди Бўрон, хотиржам оҳангда.

— Сен геолог бўлсанг, ёнингдагилар-чи?

— Булар чўпонлар, бизга йўл кўрсатишади.

— Бўрон, геологлик сенга ярашмас экан, ўғри ўғрилигича қолгани маъқул.

Равшанов шундай дейиши билан „чўпон“лар қуролларини чиқариб, пала-партиш отиб, мағора томон чекина бошлашди. Лекин паноҳ топишга улгуришмай, бирин-кетин йиқилдилар. Бўрон ҳам яраланиб йиқилди. Фор томон эмакляётган эди, Шухрат унинг йўлини тўсди.

— Ҳа... куёв бола, сенмисан? Етиб келдингми? — деди ихраниб. — Омадинг бор экан, ўртоғинг чимилдигига кириб кетди.

— Ҳолингиз шуми? — деди Шухрат энгашиб. — Эсингиздами, боғингизга борганимда „Бўрон ҳаммаёқни пайхон қилади, одамзод учун кулфатдан бошқа нарса эмас“, деган эдим.

— Ёдимда, лекин сен бир нарсани унутма: бўрон тинишга тинади-ю, кўп ўтмай, яна бош кўтаради...

\* \* \*

Эртасига Нарзиев полковник Равшановни кузатди. Хайрлашиш олдидан сўради:

— Файратни кўрганингизда „Еолам!“ деб юбордингиз-а?

— Зийраксиз, — деди Равшанов кулиб. — Эсингиздами, Файратни ҳайдамоқчи бўлганингизда „Эҳтиёт бўлинг, суянадиган нозик тоғаси бор“, дегандим? Ўша тоғаси менман.

— Ҳазиллашманг-е!

— Режамизнинг Файратта тегишли томони махфий бўлгани учун ҳатто сиздан ҳам сир тутишга мажбур эдим. Чиндан ҳам тоғасиман. Акам билан янгам врач бўлишган. Африкада тарқалган вабога қарши курашиш учун бориб, ўша ерда вафот этишган. Фарзандларидан биттасини опам

қилиб олдилар. Иккинчисини мен қиз қилиб олдим. Файрат тоғаваччаси билан ака-укадек ўсди. Акамнинг ўғли кининг йўлимдан борди. Шу томонларга хизматга келган эди. афюнфурушлар ўлдиришганини билиб, Файрат ўзини қолмай қолди. Унда консерваторияда ўқирди. Гитара битариб юриши шундан, сиз ўйлагандай олифтагарчилик кўн эмас. Нима қилишни билмай, иккиланиб юрганида, бир ўртоғи қорадоридан ўлибди. Шундан кейин шартта қилишни ташлади, қизиққонлик қилиб, ҳарбий хизматга кетаман, деб ариза берибди. Хизматнинг иккинчи йилини Афғонда ўтказиб қайтгач, милиция мактабига кирди.

— Қасос олмақчи бўлдимиз?

— Қасос дедингизми? Шунақа деса ҳам бўлар. Лекин кининг қасоси қотилларни топиб ўлдириш эмас, афюннинг кўлини тўсиш эди.

Нарзиев „Мен булардан беҳабар эдим, уни бекорга ранжитган эканман“, деб афсуслангандай елка қисиб кўйди.

— Тошкентга тушганингизда уйига олиб бораман. Битта ашула айтиб беришини илтимос қиласиз. Эшитиб, роҳатланганингизда барча кўнгилсизликларни унутасиз. Нозик тоға сифатида сизни бунга ишонтираман.

Равшанов шундай деб муғомбирлик билан кулимсираб кўйиб, хайрлашиш учун кўл узатди.

Ва ниҳоят:

**Биринчи китобнинг охири,  
иккинчисининг аввали**

**Пушаймонлик кейин келади.**

„Машина ҳайдашни биласизми?“ деб сўраган Файрат қизнинг „Сал-пал“ деганига ишонган эди. Моҳидилга мактабда трактор бошқаришни ўргатишган, енгил машинани ҳам бир марта ҳайдаб кўрган эди. Лекин ўша „сал-пал“ тоғ йўлида юришга кифоя эмасди. Моҳидил машинани жойидан жилдиргач, Файратнинг хавотири бир оз кўтарилган эди.

Бироқ...

Фирром жарга қулаб, Файратнинг ўзи Оқтом сари тезлаган онда Моҳидил бошқараётган машина ҳам тезлигини оширган эди. Қиз бундан кўрқиб, тормозни босаверди.

Бир бурилишда тормоз босилди-ю, машина секинла-мачи. Моҳидил фақат „Вой!“ дейишга улгурди. Машина йўлдан чиқиб жар сари учди. Бир харсангта урилганда эшик ўз-ўзидан очилди-ю, қизни қандайдир куч ташқарига отди.

Моҳидил нима бўлганини билмай ҳам қолди.

Кўз олди қоронғилашди...

Кейин атроф оппоқ оқариб кетди. Ўзини Паридарадаги мовий кўл устида кўрди. Паридарадаги ёрдан учиб чиққан фаришталар уни қанотларига олиб учдилар.

— Қаёққа олиб кетяписизлар? — деб сўради.

Жавоб бермадилар.

Шу онда узоқ-узоқлардан Файратнинг овози келди:

Оқиб кетма, оқиб кетма, ойжон, оқиб кетмагин,  
Кетганлар кўп, қайтганлар йўқ, дил безиллар кетишдан.  
Оқиб кетсанг, қалқиб кетсанг, узоқларга кетмагин...

Овоз қайдан келяпти, деб аланглади.

Қирғоқда нола қилаётган Файратни кўрди. Унинг кўзла-ридан айрилиқнинг қонли ёшлари оқарди...



*Иккинчи китоб*

# **ЧИМИЛДИК ЕТИМ ҚОЛДИ**


*...болага ҳаёт берувчи она меҳри  
охир-оқибат ўлим берса, не дод?!*

*...умид ниҳолини ўз қўли билан пай-  
хон қилса, не дод?!*


*...саодат қуёшининг юзига ўз қўли  
билан зулмат пардасини тортса, не  
дод?!*







*Иккинчи китоб*



# **ЧИМИЛДИК ЕТИМ ҚОЛДИ**



*Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм*

*„Ҳақ таоло жаннат аҳлига айтади: „Меҳмондорчилик учун бу нозу неъматлар яхшими ё дўзахдаги заққум дарахтининг мевасими? Дўзахдаги у заққум дарахтини золимларни азоблаш учун яратганмиз“. Албатта, у заққум дарахти дўзахнинг қаъридан кўкариб чиқади, бутоқларидаги мева тугар жойи хунуқликда шайтоннинг бошига ўхшайди. Албатта, дўзах аҳли у мевалардан қоринларини тўйдириб ейдилар. У меваларни еганларидан сўнг дўзахнинг қайноқ заҳарли сувидан ичкизилади, сўнгра улар дўзахда азобланадиган жойларига — олов хирмониға қайтарлади“.*

*(„Соффот“ сурасидаги оятлар маъноларининг таржималари)*

*„...у Парвардигорнинг ёндириб қўйган оловидирки, ҳар томондан жипс ўраб турган бу ўт ўз алаңгаси билан баданларни тешиб ўтиб, юракларни куйдиради. Уларни оташдан бўлган узун-узун устунларға боғлаб азоб берилади“.*

*(„Ҳумаза“ сурасидаги оятлар маъноларининг таржималари)*

*РИГА ШАҲРИ,  
Икки минг ўнинчи йил  
сарв ойининг ўнинчи куни.*

### ФАЙРАТ ВА ФИРРОМ

Кун бўйи давом этган мажлисдаги баҳсларда чарчаган Файрат кечки овқатга ҳам чиқмай, дам олмоқчи эди. Хонага кириб, ёстиғи устидаги таклифномани кўрди-ю, қўлига олиб, қўлига олди: „Полковник Жалилов жаноблари, „Минтари“ ресторанига лутфан ташриф буюришингизни тасаломат қиламиз. Сизни 20.00 да кутамиз“. Бошқа гап йўқ. Ташриф этгувчининг кимлиги номаълум. Таклифноманинг келиш томонидаги ресторан фотосурати остига манзил ёзилган. Меҳмонхона маъмурига кўнғироқ қилиб сураган эди, таклифномани келтирган югурдакни танимаслигини айтди. Шундан таклифни қабул этсамми ё йўқми, деб ўйланди. Шунинг баҳсда Украина билан Польша вакиллари унинг фикрларини маъқуллашган, яна алоҳида давра қуриш ишлари борлигини билдиришган эди. Файрат „Эҳтимол, бу ҳоли жойда суҳбатни давом эттиришмоқчидир“, деган фикрда ҳам борди. Бу тахминига ўзи ҳам унчалик ишонмади. Шундан боришга қарор қилди.

Ўз йилча аввал немислар томонидан қурилган ғиштин Файратнинг биринчи қаватини эгаллаган рестораннынг ичи ҳам ҳашамдан холи, қадим Латвия урфига биноан соддагина безатилган, осойишта хоналардан иборат эди. Файрат-нинг остонада кутиб олган хизматчи узатилган таклифномага қўли қирини ташлади-ю „Марҳамат қилсинлар, жаноб“, деб ичкарига йўл бошлади. Деворларга берилган заиф ранг, суратларнинг хира ёниши чарчаган руҳга ҳаловат берарди. Қўлнинг эшитилиб турган ёқимли оҳанг ҳисобга олинмаса, кўнғирнинг тинчлиги кутубхонани эслатарди.

Хизматчи эшик ўрнига осилган дарпардани аста тортиб олиб, меҳмонни тавозе билан ичкарига таклиф қилди.

Файрат ичкарига ўтгач, дарпардани яна оҳисталик билан тортиб ёпди. Ўртадаги думалоқ стол атрофига қадим Европа услубида ишланган иккита юмшоқ стул қўйилган. Дастурхон усти эса ўн кишига еттулик неъматлар билан тўлдирилган. Файратнинг диққатини бу тўкинлик эмас, балки икки томонга қўйилган карталар тортди: бир томонда учта вазет, уччови ҳам чиллик; иккинчи томонда туз, уччови ҳам таппон... Меҳмонга таклиф этган одамнинг бу жумбоғи Файратга сирлар сандигининг очкичи каби туюлди. Хаёлига Фирромнинг қилиқлари келди-ю, лекин „Бўлиши мумкин эмас“, деб инкор этди. „Эҳтимол, унинг ўлими учун ҳисоб-китоб қилиб олмоқчи бўлган шерикларидир“ деган ўй ҳам хаёлини ёритиб ўтди. Лекин „Ҳисоб-китоб қилувчи шерик йигирма йил кутарканми, аввал зиёфат қилиб, кейин тиг чиқарарканми?“ деган фикр билан буни ҳам инкор этди. Соатига қаради: „Белгиланган вақтга ҳали етти дақиқа бор. Агар мезбон шу ерлик бўлса, демак, бир дақиқа эрта ҳам, кеч ҳам келмайди“. Таклиф этувчининг ким эканини билмади-ю, лекин карталарни қўйишдан мақсадини англади. „Ўйин ўйнамоқчи бўлса, ўйнаймиз-да“, деган ўйда „туз“ карталари қўйилган томондаги стулга ўтирди.

— Жойингни топиб ўтирмадинг, йигитнинг гули...

Дарпарда ортидан эшитилган овозни таниди. Таниди-ю, барибир ишонгиси келмади.

Дарпарда очилиб Фирром кўрингач, ажабланганини яширолмай қолди.

— Туш кўраётганинг йўқ, мен ўша себзорлик акахонингман, ўлмаганман, тирикман!

Жилмайиб турган Фирром ичкари кириб, қўл узатди:

— Қучоқлашмаслигингни биламан, балки қўл бериб сўрашарсан?

Файрат ўрнидан туриб, унинг юзига тикилганича сўрашди. Фирромнинг юзидаги тиришлар ўтган йилларнинг аёвсиз чизиклари бўлса, чап лабидан то қошига қадар борган чандиқ, сўнгги учрашувдан қолган унутилмас белги эди.

Фирром ҳам унга қаттиқ тикилди.

— Эрта қарибсан, йигитнинг гули, — деди қулимсираб. — Бўлди, кўп анграйма. Ўтир, мен тирикман, муҳими

г. Ўлмаё қолганим сенга ёқадими ё йўқми, бу мингинчи  
жасала. Қандай тирик қолдингиз, деб сўрама. Буни ўзим  
дм билмайман. „Қирқ йил қирғин келса, ажали етган  
шадиди“, дейишадиди-ку? Ажалим етмаган экан, ўлмадим.  
Карга отиб юборилганларнинг ҳаммаси ҳам ўлавермас  
кан. Сен-ку жарга улоқтирдинг, агар мени дўзахнинг энг  
убига ташласаларинг ҳам йўл топиб чиқиб кета олардим.  
Сендан „Аҳволинг қалай?“ деб сўрамайман. Кимлар учун-  
дир ўлиб кетган бўлсам ҳам, ухахоним бўлганинг учун  
аҳволингдан хабар олиб турдим. Генерал бўлишингга бир  
қарич қолибдими, демак, ишларинг беш! Сени ўтган куни  
телевизорда кўриб қолдим. „Наркоманияга қарши курашга  
бағишланган халқаро симпозиумда ўзбекистонлик полков-  
никнинг маърузаси барчанинг диққатини тортди“, деган  
хабарни эшитиб, сени кўргим келди. Рига мен учун бир  
қалам. Эсинглами, Калининградда қиморбоз ошнам бор,  
дегандим. Сен мени жарга отган эдинг, мен Калининград-  
га учиб келиб, ўша ошнамнинг бағрига тушдим. Ўшандан  
бери у ёғи Польша, бу ёғи Украина-ю, Белорусия, қолган-  
қутганига Болтиқ бўйини ҳам гуллатиб юрибман. Энди  
„Фирром“ йўқ. Энди „Моэстро“ бор!

Хизматчи кириб, шишаларни очиб, ичимликлардан қа-  
даҳларга қуйди. Ҳар иккови унинг ҳаракатларини жимги-  
на кузатиб ўтиришди. Файрат нима деб сўрашни ҳам бил-  
май ҳайрон, чунки Фирром уни қизиқтирган саволларга ўзи  
бир-бир жавоб бераётган эди.

— Қани, суҳбати жонон бўлиши учун бир кўтарай-  
лик, — Фирром шундай деб қўлига қадаҳни олди. — Ясси-  
тепадаги пивохўрликларни қўмсайсанми ҳеч? Мен эслаб  
тураман. Бу ёқларнинг пивосига гаё йўқ! Лекин кўнгил  
қурғур, ачиган бўлса ҳам, ўзимизникини тусайди-да! Қа-  
ни, ўрисчасига бир нима дегин, индамай ичадиган алкаш  
эмасмиз-ку?

— Ўзингиздан бўлсин.

— Гапиргинг келмаяптими? Ҳа, майли. Сен мени ўл-  
дирдинг, Худо эса жонимни қайтиб берди. Орамизда душ-  
манлик йўқ, деб ҳисоблайвер. Себзорлик себзорликка қасд  
қилса, Худонинг ҳам жаҳли чиқса керак. Бўпти, менинг  
тилагим сеникига тўғри келмагани учун ҳар ким ўйлаган  
ниятига етсин, деб олаверамиз, — шундай дегач, бир кўта-

ришда бўшатди. Файрат ичмай қўйган бўлса ҳам, гапни кўпайтирмаслик учун қадаҳни яримлатди.

— Лейтенантлигингда ўғил бола эдинг, полковникка етиб, пачағинг чиқдим, бола? — Фирром яримлаган қадаҳга ишора қилди-да, давом этди. — ошқозон чатоқми ё жигарми?

— Соғлиқдан шикоятим йўқ, ичмай қўйганман.

— Тўғри қиласан, сенинг даражанга бўкиб ичиш ҳам ярашмайди. Зўрламайман, кўнглинг кўтарганича ол. Сенда қасдим йўқ, деганимга ишонмаяпсан-а? Агар ўғрилاردан бўлганимда пайингни қирқардим. Ҳаёт мен учун бир қимор. Ютуқ ҳам, ютқизиқ ҳам бўлади. Жар бўйида ютгандай бўлдинг, лекин ютуқ менда қолди. Жарга йиқилганим унча алам қилмади. Менинг аламин Моҳидилда эди. Қаймоқдай қизни илиб кетишинга чидашим қийин бўлди. Кейин билсам, у сента ҳам насиб қилмабди. Шундан сўнг аламларим совиди.

— Нега насиб этмасин? Моҳидилга уйланганман.

— Биламан. Эшитдим, суратига уйланибсан. Қойил қолдим, сента. Ўғил болалик қилибсан.

— Илтимос, бу ҳақда гаплашмайлик, — Файрат шундай деб қадаҳни нари суриб қўйди. Фирром эса хизматчининг киришини кутмай, ўзи қўйди-да, Файратга маъноли тикилгани ҳолда кўтарди.

— Гапирмасам гапирмадим. Лекин тантилигинга тан берганман. Қариндошларингдан хабар борми?

— Қайси қариндошларим?

— Масалан, қайнотанг... Лақаби Ўлатмиди? Ўғай отаси Бўронмиди?

— Уларни нега эслаб қолдингиз?

— Ҳар ҳолда таниш-билишлигимиз бор эди. Бўронни қамабсанлар. Қамоқхонада лўлилар ичак-чавағини салла қилиб қўйишибдими?

— Билмайман.

— Қилган қилиғи учун шунақа ўлим топиши керак эди. Ўғрилар сақлаб қолишган уни. Шунақа... Бўрон ака-хонинг тирик. Сенлар жонларингни қиморга тикиб, уни ушладиларинг, қамадиларинг. Бечора Кемеровога тушибди. Омадни қара, саҳрода иланг-биланг қилиб ўламан деб турган балиқни денгизга ташлабсанлар-а! Акахонингни



...нинг келса, Магаданга бораверасан, эшитишимча, гу-  
...тор кунда икки маҳал зиёрат қилиб, унинг соясига  
... бериб кетаркан. Ўша ёқда зўр ўйин бўлиб қолса,  
...қчиман, сениям олиб кетайми?

— Яхши бориб келинг, — деди Файрат пичинг билан.

— Ўрисларнинг „Бахт йўқ эди, бахтсизлик ёрдам бер-  
...“ деган мақолини эшитганмисан? Ельцин нортожи Гор-  
...нинг пачағини чиқариб, биздақаларнинг қуёшини ча-  
...татиб берди. Қайнатанг ҳам тирик. Хасислик қилмаган  
...чун лўлилар уни аядилар. Ҳозир бир оёғи Молдавия-  
... битгаси Руминияда. Пашшасини „пишт“ дейдиган зўр  
...трофида. Ўтган ҳафта Канадага кетди. Нимағалигини  
...тасанми? Ўша ердаги малакаси пастларга ақл ўргатиб  
...армиш. Шунақа... қайнатанг нарқоқирол бўлмаса ҳам,  
...нинг даражасида.

— Буни нимага менга айтяпсиз, мақсадингизга тушун-  
...пман?

— Мақсадимми? — Фирром унга қараб туриб кулиб юбор-

... — Мақсадим йўқ. Жим ўтирмай, гапиришим керак эди,  
...лиряпман. Сен гапиролмайсан, чунки бошингдаги гап-  
...рнинг ҳаммаси махфий. Иккита себзорлик соқов бўлиб  
...туриб кетди, деган иснодга мен чидолмайман-да.

Хизматчи таом олиб киргач, у гапдан тўхтади. Нима-  
...идир ўйлаётгандай қошиқ билан шўрвани айлантирди:

— Буни французча пиёзли шўрва деб мақташади. Ичиб  
...сўрдингми, дунёдаги энг мазали таом эмиш. Шу шўрвани  
...чадиган бўлсам, ўзимизнинг хотинларни сўкиб ўтираман.

Файрат гапдаги ҳазил оҳангини илғамай, „нега?“ деб  
...ўради.

— Бизникиларга „Шўрва қил“, десанг, „Аввал гўшт  
...либ келинг“, деб галва қилади. Ана, қара, гўштсиз шўрва  
...қилса ҳам бўларкан-ку? — шундай деб илжайди. Файрат  
...кулмаса-да, „Тўғри“ деган тасдиқ ишорасини қилиб қўй-  
...ди. Фирром эса мавзусидан оғишмай давом этди: — Булар  
...бизнинг қайнатмани ичиб кўрмаган-да... Қўзининг сар-  
...панжасини милтилатиб уч-тўрт соат қайнатиб қўйсанг, бу  
...ёғи шолғому қизил сабзи. Яна бир парчагина қуйруқ ёғи  
...ташласанг... Оҳ-оҳ... Эртасига нориннинг суюқ-қуюғи бўл-  
...са, қази-қарталар ачомлашиб турса... Булар дунёнинг ма-  
...засини билишмайди. Мол гўштини қайнатиб ураверишади.

Шунинг учун ҳам эр жонивор битта болани аранг эглайди. Келганиндан бери сенинг ҳам совуғинг ошиб кетгандир. Мен қўй гўшти қовуртириб қўйдим. Шўрва ичгинг келмаса, ҳозир гўштни олиб келади.

— Қорним тўқ, майли, шошилтирманг.

— Қорнинг тўқми ё мени кўриб иштаҳанг бўғилдими? Ясситепада ҳам шунақа касалинг кўзиб турарди, а? Туриб-туриб ўйланиб қоламан: битта маҳаллада тугилиб ўсганмиз, битта ариқнинг сувини ичганмиз. Лекин қонимиз қонимизга сира қўшилмайди, нега шунақа? Агар менам милиса бўлганимда ё сен қиморбоз бўлганингда апоқ-чапоқ юрармидик?

Ғайрат дарров жавоб бермади. Унинг эгнидаги қимматбаҳо костюмни энди кўраётгандай тикилди. Назарида бу либос дўзах ўтидан бичилгандай туюлди. „Кун билан тун иттифоқ бўла олмаганидай, биз апоқ-чапоқ бўла олмаймиз“, дегиси келди, лекин фикрини ўзгача тарзда баён қилди:

— Гап касбда эмас, бир қориндан талашиб тушганларнинг ҳам қони қонига қўшилмайди. Умри аразда ўтади.

— Буни биламан, нега шунақа, деб сўраяпман. Мана, иккаламиз мусофирликда учрашдик. Оға-инидек ўтирсак бўлмайдимиз? Мени ёмон одам деб ўйлайсан, лекин мен сенга сира ёмонлик қилмадим. Аксинча, ёмонликни сен қилдинг. Мен кечирдим. Яна нима керак? Бир соат ўтирармиз ё икки соат валақлашармиз, тамом! Шундан кейин балки бошқа кўришмасмиз. Ҳа, майли, ихтиёринг ўзингда, кўнглинг кўтарса, яна бир пас ўтир. Бўлмаса... ўзинг биласан... Мен мажлисларингни телевизорда кўрдим. Нимага ўхшатганимни айтайми? Ҳеч кимни кулдиролмайдиган масхарабозларнинг томошасига ўхшайди. Айтаётган гапларингга ўзларинг ишонасанларми? Наркобизнесни енгишга кўзларинг етадимиз? Цунамини этакларинг билан тўсмоқчимисанлар? Мексикани кўрдингми? Армияси эплотмади, уруш бўлиб кетди. Узоқдагиларни қўявер. Атрофингга қара. Чегаранинг бир тирқишини ёпсаларинг. қутмаган жойларингдан янги туйнук очилиб қоляпти-ку? Марказий Осиёдаги гиёҳвандлар бир йилда ўн бир тонна қора дори истеъмол қилар эканми? Эшитиб, эсим тескари бўлиб кетди. Ўн бир тоннани тирқишдан олиб ўтиб бўлмайди, тўт-

Немис ошнанг нима деди? Дунёда эллик миллион  
 бор, дедими? Унга ким санаб берибди. Беш юз  
 деса ишонардим. Бошларингни харсанг тошга  
 билан ҳеч нимага эриша олмайсанлар. Чунки  
 тўғони бузилган. Сен битта ариқчани тўсмоқчи-  
 ларнинг сел босганда сенинг ҳаракатинг девона-  
 югуришидан фарқ қилмайди. Ушанда жар бўйида  
 „Шу аблаҳни ўлдирсам, тўғонни ўпири-  
 ганга сақлаб қоламан“, деб орзу қилганмидинг? Қари-  
 нинг калта, сен боланинг. Наркобизнес дегани — қорин-  
 ни чипқонга ўхшайди. Жарроҳга борсанг, кесиб, дори  
 эртага қарасанг, ёнидан бошқаси патос боғлаб  
 берибди. Агар дўхтирнинг калласи ишласа, ярани кесмай,  
 сени тозалайди. Ана энди ўйлаб кўр: дунёнинг бузуқ  
 сени тозалай оласанми?

Файрат бу гапларни эшита туриб, кулимсиради.

— Куляпсанми?

— Куюнчаклигингиз сабабига тушунмаяпман. Дунё бу-  
 нга бўлса, сизга яхши-ку?

— Қани, гапиравер-чи, яхши бошладинг.

Файрат ўз оғзи билан гапириб, ўзганинг тиши билан  
 ташлайдиган бу одамга гап таъсир қилмаслигини билса-да,  
 фикрини баён этмоқдан ўзини тўхтатмади:

— Дунёнинг бузилишида ҳиссангиз бўла туриб, унинг  
 тоқлигини ўйлашингиз менга қизиқ туюляпти.

Фирром ўзи учун бахтиёр ҳисобланган ўз турмуши би-  
 лан ёнма-ён бошқа бир ҳаётнинг кулфат, қайғу ичида  
 санини ҳис қилиш у ёқда турсин, тасаввур ҳам эта олмас-  
 ди. Шу сабабли Файратнинг гапидан кейин унинг норози-  
 нигоҳида адоват акс этди. Бироқ бу ҳолат кўзгу синигига  
 ташган офтоб нури янглиғ тез йўқолди.

— Аввало, дунёнинг бузилишида ҳиссам йўқ, — деди  
 бир оз совуқроқ оҳангга кўчиб. — Мен туғилганимда дунё  
 бузилиб бўлган эди. Поклиги учун куюнаётганим ҳам йўқ.  
 Мен ишларинг сариқ чақага ҳам арзимаслигини айтяпман.  
 Сенлар йиғилиб олиб наркобизнесни енгамиз, деб бу ерда  
 сарнай чалаяпсанлар. Наркобизнес эса атрофларингда ўй-  
 наб-кулиб ишини қилиб юрибди. Сен мажлисда гапираёт-  
 ганингда шу Риганинг ўзида неча кило қора дори сотилга-  
 нини тасаввур қилиб кўра оласанми? Сен билан француз-

ларнинг пиёзли шўрвасини ичиб ўтирганимизда ўзинг билган Ясситепадан тўртта хачирда саккизта хуржун олиб ўтишаётган бўлишса-чи? Ўлим тўридан чиқишнинг иложи йўқ, деган гапни эшитганмисан? Худди шунга ўхшаб, бу ўйиндан чиқиш мумкин эмас.

— Шўрвани мақтадингиз-у, бир қошиқ ҳам ичмаднингиз, — деди Файрат суҳбат мавзуини шарт буриб.

— Дунёни қойил қолдирган шўрвасига тоби-тоқатим йўқ. Сен учун буюрган эдим.

— Демак, шўрвахўрлигимиз ўхшамади. Суҳбатимиз ҳам қовушмади. Энди хайрлашсак ҳам бўлар.

— Хайрлашамиз... хайрлашамиз... — Фирром шундай деб стол устини чертиб-чертиб қўйди. — Озгина шошмай тур... Сендан бир илтимосим бор... Мен қайси бир йили Бўрон акахонингни кўргани борган эдим. Ўлсам ҳам Магаданда ўламан, ота-онам шу ерда, дейди. Аслида қаерда ўлиш ўғри учун аҳамиятсиз. Фақат... „пайтава ўғри“нинг ҳолига маймунлар йиглайди. „Пайтава ўғри“нинг кимлигини биласанми?

Файрат қарашини ўзгартирмасдан, „Қани гапираверинг-чи?“ дегандай тикилиб ўтираверди. Фирром эса „Сен билмайдиган гаплар кўп бу дунёда“ деган каби истехзо билан кулимсиради-да, давом этди:

— Ўзининг маҳалласида ўғрилиқ қилгани „пайтава ўғри“ дейишади. Бунақалар ўлса гўр ҳам қабул қилмас экан. Болалигимда эшитган эдим. Себзорда шунақа „пайтава“ чиққан экан. Ўлганида кўчада ириб-сасиб ётмасин, деб тўрт-беш одам мазорга олиб борибди. Гўрков ўликни жойига қўйиб деб, лаҳадга қараса, қора илон кулча бўлиб ётганмиш. Кетмоннинг дастаси билан туртса ҳам қимирла-масмиш. Уни жонсиз гумон қилган гўрков кетмонга олиб, четта ташласа, илон вишиллаб судралиб келиб, яна лаҳадга тушиб олибди. Уч марта шунақа бўлибди. Охири гўргов гувала ўрнига ўша илонни ўликнинг бошига ёстиқ қилиб кўмиб юборибди. Тикан босиб ётган ўша гўрни бориб кўрганмиз... Бунақа „мартаба“ли тақдир ўғрига ярашади. Қиморбоз зоти эса унақа эмас. Қаерда, қандай ўлишининг, қандай кўмилишининг аҳамияти бор. Мен бу ерларда итдай ўлим топишни истамайман. Ҳозир „Моэстро“ман, эртага ўлигимни бир ботқоққа ташлаб юборишлари мум-

— Мен булар учун келгиндиман, салгина қоқилсам, бас...  
— Андан бери қорадорига аралашганим йўқ. Қонун олдида  
қиз боладай покман. Исми-насабим ҳам бошқа. Агар қай-  
тиб борсам...

— Ҳали тўридан чиқиш мумкин бўлмаганидек, бу ўйин-  
лардан чиқиши мумкин эмас-ку? Шу гапларига ишони-  
шим керакми? — Файрат шу ўй билан унинг гапини бўлди.

— Қайтиб борсангиз, нима бўлишини биласиз-ку? Ё  
ердам беришим керакми? Мақсад шуми?

— Ёрдамнинг керак эмас. Бугун-эрта бориш ниятим ҳам  
йўқ. Мен борадиган пайтда балки генерал бўларсан ё ишинг  
кўржун бўлиб, пенсия пулига тикилиб ўтирарсан. Майли,  
эшон ният қилмай, баланда учавер. Сен борганимни бил-  
магансан, ўлишимдан олдин хабар қиламан. Ҳалигимни олиб,  
Чигатойга кўмдирасан. Бизнинг хилхонамиз ўша ерда.

Бу гап Файратни ғоят таажжубга солди. „Узим полвон  
қурман, лек қўрқаман ўлик мушукдан“ демоқчими бу  
ердам? Олдингидай масхарабозлик қиялпими ё гаплари  
қийми — англай олмади. Фирром эса чўнтагидан узук чи-  
қариб, унга узатди.

— Тоза олмосдан. Сенда турсин. Ўша пайт ишлатарсан.

Файрат узукка қарамади, унинг айёрона боқиб турувчи  
кўзларига тикилди. Вужудини қамраб олаётган ғазаб оло-  
втини ўчиришни ҳам, нафрат чўғларини унга қараб отишни  
қам билмай қолди. Фирром ундан кўзларини олиб қочма-  
ди, нигоҳлар тўқнашуви бир неча нафас давом этди. Икки  
себзорликнинг мусофирликдаги учрашуви хайрли оқибат  
топмаслиги аниқ бўлиб қолди. Файрат бир ўлиб тирилган  
одамнинг „Сенда қасдим йўқ“, дейишига ишонадиган лақ-  
чалардан эмас. Фирромнинг бир гапида жон бор: агар у  
ўғриллар қонуни асосида яшайдиган тоифадан бўлганида  
қасос яшин ўти каби олиб кетарди. Ўғрининг душмани  
учун иккита ўқ доим шай туради. Бу одамнинг ҳаёт қону-  
ни ўзгача. „Қонунларга бўйсунмай яшайман“, деган ўз  
қонуни асосида кун кўрувчи одамдан нималарни кутиш  
мумкин? У жонни чақмоқ ўти янглиғ селмайди, тўппонча-  
ни ўқлаб овора ҳам бўлмайди. Бу каби осон ўлимдан у  
лаззат топмайди. Душман кунлар, ҳафталар, балки ойлар  
давомида азобланиб, ўлим билан олишар бўлса, дунёнинг  
роҳатига етишади. Ҳа, бугунги учрашувдан мақсади: „Би-

либ қўй. Ўша кундан бери мен сенга соядек эргашиб юрибман, ўзимга керак пайтда бугунинга чанг соламан. Шу пайтгача ўлишингни ўйламаган бўлсанг, энди ҳар нафасингда эслаб турасан. Мен хоҳлаган пайтимда устинига ажал тунини ёпаман...” деб огоҳлантириб, ичига гулгула илонини ташлаб қўймоқчи. Қимматбаҳо узукни беришдан мақсади нима? Эртага Латвия чегарачилари қўлига топширишми? Йўқ, бунақа майда ўйин қилмайди. Бу одатдаги олиф-тагарчилиги: „Кўриб қўй, миллионларга тенг узукнинг мен учун бир тийинлик қиймати йўқ“, демоқчи...

Файрат Фирромдан кўз узмаган ҳолда ўрнидан турди:

— Бу матоҳ ўзингизда тура турсин, ўладиган бўлсангиз, ўзимнинг ҳисобимдан икки қават кафанга ўратиб, кўмдираман. Одамга савоб ҳам керак-ку, а? Узукни ўлишдан олдин тилингизнинг тагига ташлаб қўйсангиз, лаҳад қурти тақиб, сизни дуо қилиб юради.

Фирром заҳарли кулимсираш билан ўрнидан турди-да, кафтини юмиб, узукни гижимлаб, отиб юбургудай бўлиб сиқди.

— Илгари чала сассиқсўз эдинг, энди етилиб, тўлишибсан, укахон. Лаҳад қурти-ку, узук тақмайди-я, лекин сенинг тилингни мазза қилиб кемиради. Ўша қуртта ҳозирдан раҳмим келяпти. Тилингни кемириб тугатмасидан заҳарланиб ўлади. Нариги дунёда ҳам битта жонга зараринг тегади.

Файрат бошқа гапирмади. Шу „ширин“ лутф соғинмаган қалбларнинг хайрлашмоғи учун кифоя қилди. Файрат чиқиб кетгач, Фирром унинг орқасидан эргашмади. Дам ўзининг ишидан мамнун бўлиб, дам унинг гапларидан газабланиб турди-турди-да, дастурхон устидаги учта „валет“ни олиб гижимлаб, пастга отди. Бу ҳам камлик қилгандай оёғининг учи билан эзгилади. Сўнг „туз“ларни олиб, бармоқлари орасида ўйнатгач, шимининг чўнтагига солиб қўйди.

Кузда учиб келиб бировни хурсанд қилмаган қарға ёзда пайдо бўлса, кимнинг кўзини қувонтиради? Файрат кўнгил ғашлиги билан хонасига қайтди. Фирром „пайтава ўғри“нинг кўмилишига доир воқеани айтиб бераётганда у ҳам болаликда эшитган бир фожиани эслаган эди. Халқ орасида „Умри ёмонлик билан ўтган одам ўлганида уни

гто ер ҳам бағрига сиғдирмайди“ деган нақл юради. Унинг исботи учун тарих йилларини оралаб етиб келган кай ривоятлар ҳам бор. Файратнинг отаси айтиб берган оқса ривоят эмас, ҳақиқат эди. Ўтган асрнинг йигирманчи йили, большевикларнинг қирғини авжга чиққанида шундай одам чап ёнига осиб олган қиличи-ю қўлидаги наланига ишониб, ўзини Эски Жўванинг худоси деб эълон қилган экан. Бекларбеги мадрасасига кириб, мударрис-уқулавларни қатор сафга териб, „Ҳозир менга худоланингни кўрсатасанлар!“ деб дағдаға қилиб, наганидан осиб омонга қараб тўрт марта ўқ узгач, „Мана менинг худойим, енгларники йўқ! Ҳозир ҳамманг саллаларингни ечиб, оёқларингга пайтава қилиб ўрайсанлар, кўчага чиқиб „Худо тўқ!“ деб бақирасанлар“, деганда мударрислардан бири Охиратни ўйланг, иним, бу зулмдан ўзингизни тийинг. Сиз тийилсангиз, Аллоҳ сизни жазолашдан тийилади“, деб инсофга киритмоқчи бўлибди-ю, аммо бу учун биринчи навбатда ўзи зулмга рўпара бўлибди. Одам қиёфасидаги учалъун кекса мударриснинг бошидаги саллани юлиб олиб, ўзига пайтава қилибди, сўнг уни эшак қилиб минибди...

Орадан ҳафта ўтмай у кўринмай қолибди. Билишса, шол бўлиб қолганмиш. Яна ҳафта ўтмай, уйдан йиғи чиқибди. Муртадга жаноза ўқилмабди. Қариндош-уруғ кафанлаб, кўмибди. Эртасига гўрков бу хонадон эшигини қоқибди. „Оталарингни ер қабул қилмабди. Гўр сиқиб чиқарибди, ўзларинг бошқатдан кўминглар“, дебди. Бориб қарашса, ўлик гўр устида икки букилиб ётганмиш. Қайтадан кўмишибди. Аммо... эртасига ҳам шу аҳвол такрорланибди. Кейин маҳалла-кўй маслаҳатлашиб, ўликни Саригочнинг нарёғидаги чўлга олиб бориб ташлайлик, ўшанда ўлаксахўрлар еб кетар, дейишибди. Шундай бўлибди. Кейин билишса... ўликка қузғунлар ҳам тегмаганмиш. Ўлик чўл офтобида ириб ётганида унинг хонадонига терлама хуруж қилиб, барча зурриётини, ҳатто бешикдаги боласигача олиб кетибди. Бу дунёдаги уруғи шу тарзда қурибди...

Файрат бу фожиа баёнига ишонди, чунки мадрасада хорланган мударрис унинг бобоси эди. Унинг фикрича, Фирромни ҳам шундай тақдир кутаётган эди. Баъзи ёмон одамлар кўпроқ яшаётган бўлса, атрофдагилар, „Шунақалар бунча кўп умр кўришаркин“, деб нолишади. Билиш-

майдики, Аллоҳ яна ҳам кўпроқ гуноҳлар ботқоғига ботишлари учун ёмонларга узоқ умрни берган. Иблис васвасасидаги бу бандалар дунё маншатларига маст бўлиб яшаб, охиратда самумга — дўзахнинг баданни тешиб юборар оловли оқимига дуч келишларини уйлаб ҳам кўрмайдилар. Файратда охират хусусида билим йўқ, дўзах ҳақида эшитган-у, лекин ундаги самум, заққум азобларини эшитмаган. Кимдир буларни айтиб берганида эди, Фирром ва у қабиляларнинг келажаги ҳақида бир тасаввурга эга бўла оларди.

Ҳозир эса... Фирром билан бўлган учрашувда орттирган кўнгил ғашлигига асир бўлиб қолаверди.

Охиратидан беҳабар Фирром эса ғолиб одамнинг наъшасида тун бўйи маншат қилиб, тонготарда икки бадмаст фоҳиша кучоғида ухлаб қолди. Заққум дарахтининг оловли меваларидан еб, баданлари оташда илма-тешик бўлажаги тушига ҳам кирмади.

\* \* \*

Файрат бу хизмат сафарини муовини зиммасига юкламоқчи эди, катта бошлиқлари рухсат беришмади. Кейинги кунларда Моҳидилнинг чеҳрасига парда тортган паришонлик булути унинг дилини хавотир зулматига ўрай бошлаган эди. Назарида Моҳидил камроқ куладиган, кўпроқ ўйга толадиган бўлиб қолгандай туюлди. Унинг овозидан жаранг йўқолиб, синиқлик сезилди. Моҳидил руҳидаги эзгинликни яширишга урингани билан эрининг зийрак нигоҳига дош беролмай қоларди. Файрат хайрлашиб, ёноғидан ўпганда жилмайди. Лекин бу жилмайишда бахт қуёшининг жилваси йўқ, аксинча маҳзунлик сояси мавжуд эди. Ана шу маҳзун жилмайиш Файратнинг кўз олдини парда мисол тўсиб олди. Юрганда ҳам, мажлисда ўтирганда ҳам бу хира манзара кўтарилмади. Эрталаб мажлисга отланганида, оқшом қайтганида уйга қўнғироқ қилиб Моҳидил билан гаплашиб турса-да, кўнгил хижиллиги ёзилмади. Бугун эрталаб Моҳидилнинг овозида қувноқлик сезилгандай бўлди.

— Шошилмаётган бўлсангиз, сизга битта ашула қўйиб эшиттираман, — деди.

— Кимнинг ашуласи? — деб ажабланди Файрат.



— Ўзбек эстрада осмонидаги энг ёш чарақлаган юлдуз, — Моҳидил шундай деб кулди. Худди аввалгидай чарақлаб келиб, эридаги дилхираликни қувиб юборди. Сўнг гитара ораларининг зорли овози эшитилди:

Оқиб кетма, оқиб кетма, ойжон, оқиб кетмагин.  
Кетганлар кўп, қайтганлар йўқ, дил безиллар кетишдан.  
Оқиб кетсанг, қалқиб кетсанг, узоқларга кетмагин...

Чарақлаётган қуёш юзини булут тўсгандай бўлиб, Файратнинг вужудига енгил титроқ югурди. Тўйдан кейин Моҳидилнинг илтимоси билан ашулаларини магнит тасмасига эзириб берган эди.

Ҳозир айнан шу кўшиқнинг қўйилишида бир синоат бордай туюлди. Кун шу ғашлик билан ўтганда Фирромнинг оёқ остидан чиқиб қолиши гоятда ёқимсиз бир ҳол бўлди. Хонада бир зум ҳаракатсиз ўтиргач, Моҳидилга қўнғироқ қилди.

— Уйғотиб юбормадимми? — деди узрли оҳангда.

— Уйғотиб юборишингиз учун мен ухлашим керак. Ухлашим учун мен эрини рашк қилмайдиган бепарво, беғам хотинлардан бўлишим керак, — деб кулди Моҳидил. — Атрофингизда малласоч қизлар фариштадай учиб юрганда мен ухлашим мумкинми? Агар шундай десангиз, мен ҳақимда нотўғри ўйда юрган бўласиз.

— Агар малласоч қизлар ҳақидаги гапингиз ҳазил эмас, чин айтилаётган бўлса, хоним афандим, сиз ҳам садоқатли инсон шаънига тош отган бўласиз.

— Гапимни қайтиб олдим, — деб яна кулди Моҳидил. — Мажлисдан тўйганингиз йўқми?

— Тўйгандаки... у ёқ-бу ёғи йўқ! Ўзим мажлисда ўтирдим, руҳим сиз билан бўлди. Бекор ўтирмай, сизга атаб янги кўшиқ тўқидим.

— Эрталабки кўшиқдан илҳомланибсиз-да?

— Йўқ, сизнинг ширин кулгингиздан. Хиргойи қилиб берайинми, эшитасизми?

— Полковник жанобларининг истакларига мен қандай қилиб қарши бўлишим мумкин. Жонқулогим сизда.

Файрат енгил йўталиб олиб, хиргойини бошлади. Аслида кўшиқ янги эмас, суюклисининг кўнглини кўтариш учун олдинроқ тўқилган эди.

Жамолу ҳуснингта сўз йўқ, вафо керак бўлса,  
Мени худ ўлтирадурсен, раво керак бўлса.  
Кўнгил чу бўлмайин ўз ҳаддини сени севди,  
Балоу ғусса бирла мубтало керак бўлса...

Файрат хиргойи қилар, қулоғи эса гўшакдан эшитила-  
ётган нафаслар товушида эди. Моҳидил кўшиқдан ҳаяжон-  
ланибми ё бошқа сабаб биланми тез-тез нафас оларди.  
Нафаслар товушида зорланиш бордай эди. Файрат ҳатто  
суюклисининг юрак зарбларини ҳам эшитиб тургандай эди.  
Файрат тўхтаб қолди.

— Бўлдими, шунинг ўзими? — деди Моҳидил нозли  
оҳангда. Лекин бу ноз овоздаги синиқликни пардалай ол-  
мади. Файрат дераза оша қоронғи осмонга тикилганича хир-  
гойини давом эттирди:

Жафони жонима оз қилки, ногаҳон бир кун,  
Жафо туганса нетарсен, жафо керак бўлса?  
Кўнгулни ўзгага бергил демангки мушкулдир,  
Жаҳонда сиз киби бир дилрабо керак бўлса...

Кўшиқ тинди. Нафаслар ҳам тингандай бўлди. Файрат  
дилдоридagi парижонликни сезмаётгандай ўйноқчи оҳангда  
сўради:

— Қалай, хоним афандимга ёқдими? Вақтимни бекор  
ўтқизмабманми?

— Ёқди, лекин оҳанг гитарага мос тушмайди.

— Бу муаммони, хоним афандим, икки кундан кейин  
хузурингизда юзма-юз бўлиб ҳал этамиз. Юрак афғонига  
фақат гитара торлари монандлигини тан олишдан ўзга ило-  
жингиз қолмайди.

— Бунча чиройли гапларни қайдан топасиз-а!

— Бу гапларни тилим айтаётгани йўқ, дилимга ҳукмрон  
бўлиб олган ишқ айтяпти...

Ширин нозли ва қочиримли суҳбат яна бир оз давом  
этди. Файрат суюклисининг кайфияти, саломатлигини сў-  
рамади. Моҳидил қарийб йигирма йилдан бери мажруҳлик  
тўшагига миҳланган бечора эмас, соғлом ва шаддот жувон  
овозида гаплашгандай тутди ўзини. Саломатликдан сўз  
очишни Моҳидилнинг ўзи тақиқлаган. Тўйларидан кейин  
Файрат ҳар ишдан қайтганида „Соғлигингиз яхшими?“ деб

...дан ўпиб қўярди. Бир куни ўпмоқчи бўлиб лаб чўз-  
... Моҳидил юзини бурди. „Ҳадеб соғлиғимни сўрай-  
...нинг“, деди аразлаш оҳангида. Файрат „Ахир бу халқи-  
...нинг яхши одати-ку? Ҳатто бегоналар ҳам сўрашадиган  
... гапни шундай бошлайди-ку?“ деб ажабланди. „Бе-  
...лар сўраса сўрайверсин, биз бегоналар эмасмиз-ку?  
...исини айтсам... ҳар сўраганингизда менинг... бунақа  
...иб ётганимни пеш қилгандай бўляпсиз...“ Моҳидил  
...рўҳлиги учун раҳм-шафқат кўришни эмас, севиб-севи-  
...ни истарди. Файрат буни тушунди. баҳслашмади, ёно-  
...дан ўпиб қўйиш билан чекланадиган бўлди.

Телефондаги суҳбатлари ҳам ғойибона бўса билан ни-  
...сига етди.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ,

*икки минг ўнинчи йил*

*сарв ойининг ўнинчи куни,*

*Соат ўн бирдан ўн дақиқа ўтганда.*

### „УЧ ОФАЙНИ БОТИР“ЛАР:

### ШОҲИД, ЖАВЛОН ВА РАВШАН

Яқин ўтмишда „Эски шаҳар“ деб номланган, эндилик-  
... марказга қўшилган жойга тушган янги чорраҳа атрофи  
... йилга қолмай обод бўлиб кетди. Чорраҳанинг кунчи-  
... дар томонидаги илгариги боғ ҳовли ўрнига икки қаватли  
... дҳвахона қурилган. Йўлдан бир қулоч баландликдаги  
... ердан омон қолган дарахтлар орасига қурилган шийпон-  
... лар эртаю кеч хўрандалар билан банд. Наврўздан кейин  
... н тез исиб кетгани сабабли шийпонлар орасидаги фавво-  
... ч барвақтроқ очиб қўйилган. Баҳор куёшидан лоҳас бўл-  
... анлар шу жойдан роҳат истайдилар. Иморат пештоқдаги  
... „Дилрабо“ деган ёзув кўпнинг диққатини тортмайди. Пас-  
... ак девор вазифасини бажарувчи панжарагулчин олдиға  
... лар бир ҳарфи ўн ёшли боладек келадиган „Ош — кўтарма  
... бош!“ деган чақирув ёзуви мижозлар учун бу даргоҳнинг  
... юмига айланиб қолган. „Дилрабо“да йиғиламиз“ дейилса,  
... .Қайси „Дилрабо“да?“ деб сўралиши мумкин. „Кўтарма  
... бош“да кўришамиз“, дейилса, тушунарлироқ бўлади,

ноғидан ўпиб қўярди. Бир куни ўпмоқчи бўлиб лаб чўз-  
 анда Моҳидил юзини бурди. „Ҳадеб соғлиғимни сўрай-  
 крманг“, деди аразлаш оҳангида. Файрат „Ахир бу халқи-  
 нинг яхши одати-ку? Ҳатто бегоналар ҳам сўрашадиган  
 бўлса, гапни шундай бошлайди-ку?“ деб ажабланди. „Бе-  
 оналар сўраса сўрайверсин, биз бегоналар эмасмиз-ку?  
 Ўтрасини айтсам... ҳар сўраганингизда менинг... бунақа  
 бўлиб ётганимни пеш қилгандай бўляпсиз...“ Моҳидил  
 мажруҳлиги учун раҳм-шафқат кўришни эмас, севиб-севи-  
 тишни истарди. Файрат буни тушунди, баҳслашмади, ёно-  
 қдан ўпиб қўйиш билан чекланадиган бўлди.

Телефондаги суҳбатлари ҳам ғойибона бўса билан ни-  
 қоясига етди.

*ТОШКЕНТ ШАҲРИ,  
 икки минг ўнинчи йил  
 сарв ойининг ўнинчи куни,  
 Соат ўн бирдан ўн дақиқа ўтганда.*

### **„УЧ ОҒАЙНИ БОТИР“ЛАР: ШОҲИД, ЖАВЛОН ВА РАВШАН**

Яқин ўтмишда „Эски шаҳар“ деб номланган, эндилик-  
 да марказга қўшилган жойга тушган янги чорраҳа атрофи  
 бир йилга қолмай обод бўлиб кетди. Чорраҳанинг кунчи-  
 қар томонидаги илгариги боғ ҳовли ўрнига икки қаватли  
 қаҳвахона қурилган. Йўлдан бир қулоч баландликдаги  
 боғдан омон қолган дарахтлар орасига қурилган шийпон-  
 лар эртаю кеч хўрандалар билан банд. Наврўздан кейин  
 кун тез исиб кетгани сабабли шийпонлар орасидаги фавво-  
 ра барвақтроқ очиб қўйилган. Баҳор қуёшидан лоҳас бўл-  
 ганлар шу жойдан роҳат истайдилар. Иморат пештоқидаги  
 „Дилрабо“ деган ёзув кўпнинг диққатини тортмайди. Пас-  
 так девор вазифасини бажарувчи панжарагулчин олдига  
 ҳар бир ҳарфи ўн ёшли боладек келадиган „Ош — кўтарма  
 бош!“ деган чақирув ёзуви мижозлар учун бу даргоҳнинг  
 номига айланиб қолган. „Дилрабо“да йиғиламиз“ дейилса,  
 „Қайси „Дилрабо“да?“ деб сўралиши мумкин. „Кўтарма  
 бош“да кўришамиз“, дейилса, тушунарлироқ бўлади,

ортиқча саволга ҳожат қолмайди. Чунки „Дилрабо“ деганлари кўп, „Кўтарма бош“ эса битта...

Фавворага энг яқин турган шийпонни уч ўртоқ эгаллаган. Бу йил йигирма ёшни қоралаган бу йигитларнинг дўстлиги болаликдан бошланган. Мактабни битиришгач, Шоҳид Дипломатия университети лицейига, Жавлон математика йўналишидаги, Радик эса нафис санъат лицейига жойлашди. Мактаб билан хайрлашув кечасида барчага мустақил ҳаёт йўлида омад ва бахт тиланган эди. Лекин бахт ва омад йўлда тушиб ётадиган матоҳ эмаслигини, балки осмондаги: юлдуз каби узоқлигини, уни олиш учун заҳмат чекиш шартлигини ҳеч ким айтмади, тушунтирмади. Лицейдаги ўқиш уларга ваъда қилинган бахт саройи дарвозаларини очиб бергандай бўлди. Мактабда ҳар куни кўришадиган дўстлар энди гоҳи-гоҳида учрашадиган бўлишди. Кейин олий ўқув даргоҳига кирдилар. Учрашув онлари янада камайди. Бир-бирларини унутвориш даражасига қараб бораётганларида кўзга кўринмас ўргимчак тўри уларнинг бошларини ажралмас қилиб қовуштириб қўйди. Ҳазил-ҳазил билан тутатилган наша бир-бирларидан узоқлашаётган дўстларни жамлади.

Бугун Жавлон ҳам Радик ҳам ўқишга бориш мақсадида кўчага чиқишган эди. Шоҳид кўнғироқ қилиб, уларни йўлдан урди-ю, шу қаҳвахонага бошлаб келди.

— Кечаги лағмон кўнглимни айнитди. Бугун ошхўрлик қилайлик, — деди Шоҳид кафтларини бир-бирига ишқаб. — Ишгаҳа очишга юзта-юзта оқидан оламиз.

Радиодан таралаётган куй тўхтаб, „Энди диққатингизни „Зулмат салтанати“ деб номланган суҳбатта тортаминиз“, деган овоз келди. Аввалига уччови ҳам бу эълонга аҳамият бермади. Суҳбат бошлангач, аввал Шоҳид, кейин Радик овоз келаётган томон қараб, энсаси қота бошлаганини яширмай, афтларини буриштириб қўйишди. Жавлон эса сергак тортиб кулоқ солди:

„Бу салтанат бошқа сайёрада жойлашмаган, эртақлардаги ҳаёл маҳсули ҳам эмас. Бу салтанат сиз билан биз яшаётган она Ер қуррасида. Бу салтанатнинг ўз султонлари, ўз қироллари, ўз баронлари ва фуқаролари бор. Бу зулмат салтанати йигирманчи асрда кучга кириб, Ер қуррасини мўр-малахдай босди. Фашизм, коммунизм сингари тузум-

ар йўқ бўлди. Бу салтанат эса сиёсий зилзилалардан фойдаланиб, куч олаверди. Фуқароларининг сони тобора ошарди ва афсусларким, ҳануз ошиб бормоқда. Султонлари эки қироллари эса ер юзидаги энг бой одамларга айланишди. Мазкур салтанат киши кўзига дастлаб зулмат бўлиб кўринмайди, аксинча, сеҳрли ва роҳатбахш туюлиб, домига тобора кўллаб ёшларни тортаверади. Ҳа, бу лаънати салтанатнинг сирти кўзни олар даражада жилва қилади. Салтанат чегараси босиб ўтилгани ҳамон эса одам ўзини зулмат кучоғида кўради, ўлим тўрлари оёқларига чирмаша бошласа-да, ўзини жилва ҳукмига топшириб, кулфат сари бораётганини англамайди.

Бу зулмат тўрлари ёш вужудни шунақа даражада чирмаб ташлайдики, ундан қутулиш оғир, жуда-жуда машаққатли бўлади.

Биз мажозий маънода „зулмат салтанати“ деб атадик. Халқ эса оддийгина қилиб бунини „ғиёҳвандлик“ дейди.

Фарзанд туғилганида нақадар қувонамиз. Тетапоя қилаётган гўдак йиқилса, юрагимиз қинидан чиқиб кетай дейди. Фарзандимизнинг оёғига зирапча кириб йнғласа, бу зирапча гўё қалбимизга санчилгандай бўлиб, зириллатади. Умид билан ўстирамиз фарзандларимизни. Кўзга кўринувчи барча фалокатлардан асрашга уринамиз. Аммо боши узра зулмат салтанатининг ўлим ёмғири ёғдирувчи аянчли булутлари сузиб юрганини ўйламаймиз. Бу булут лоқайд ота-оналарнинг фарзандларини таъқиб этади. Авваллари совчилар куёв боланинг маълумоти, арақ ичиши ёки ичмаслиги билан қизиқардилар. Ҳозир „Қуруғидан тортмай-дими?“, „Ғиёҳванд эмасми?“ деган хавотир билан суриштирадилар. Ўғлининг бу иллатга чалиниб қолганини билган ота-оналар „Ўйланганидан кейин яхши бўлиб кетади“, деган умидда ҳақиқатни яширадилар. Оқибатда эса... ёш оила кўп ўтмай бузилиб кетади.

Хўш, ғиёҳвандлик нима ўзи? Тиббий касалликми ё ижтимоий хасталикми? Унинг чеку чегараси мавжудми, унга қарши восита борми?“

— Оббо, — деди Радик қўл силтаб. — Гап... гап... гап! Елкага ўтириб олиб, қулоққа тепаверишади-я!

— Худо нима учун иккита қулоқ яратган, билмайсанми? — деди Шоҳид қадаҳларга арақ қуя туриб. — Биттаси

гапни қабул қилиб олади, иккинчиси чиқариб юборади. Шунга тушунган одам ақли бўлади. Қани, олдик!

— Мана шу иссиқда-я?! — деди Жавлон, қадаҳни нари суриб. — Қўйсанг-чи, ҳали мени ўқишимга олиб бориб кўйишинг керак.

— Иссиқнинг тафтини мана шу иссиқ олади. Ўқишга борсанг, мард бўлиб бор, ҳажикизга ўшаб мингирлайверма, — Шоҳид шундай деб Радикка юзланди: — Ҳа, ўғил бола, сенга ҳам иссиқлик қиладими, сенам олмайсанми?

— Гапингнинг совуқлигини қара, мен текинидан қайтаманми? — деди Радик Жавлоннинг елкасига уриб қўйиб. — Бунинг ҳақи ҳам менга. Дўстим учун захар ичишга тайёрман.

— Сен текиндан кафан бўлса, ўлишга ҳам тайёрсан, — деди Жавлон.

— Гапинга озгина туз сепиб юбор, — деди Радик уни яна туртиб. — Турқингни қара, иссиқ дейсан-у, титраяпсан, нима, хумор босиб келяптими?

— Ҳа... — Жавлон шундай деб Шоҳидга умид билан қаради.

— Кечгача чида, — деди Шоҳид, унинг ҳафсаласини пир қилиб. — Ёнимда зигирча ҳам йўқ. Бўлса бермасмидим. Арақ ичвол, қувват бўлади.

— Эшитдингми? Қувват бўлади! Гапинг ўғил боласи шу! — Радик яна туртмоқчи эди, Жавлон ўзини нари олди. — Сен анавинга парво қилма, — деб радио томон ишора қилди. — Валдирайверади. Дунё жар ёқасида турибди, деяптими? Жарга йиқилишдан шу қувват сақлаб қолади, билиб қўй! Ким олиб турмаса, жарига юмалайверади, — таом кўтариб келган хизматчининг биллагини ушлаб, ўзига қаратди. — Укахон, биз ошхўрликка келганмизми ё мажлисхўрликками? Овозини ўчириб қўй, анавингни!

— Қўяверсанг-чи, валдираб тургани яхши, — деди Шоҳид кулиб.

Жавлон пиёладаги арақни симирди-ю, газак қилиш ўрнига косодаги ошга энгашиб, ҳидлаб, роҳатланди. Унинг бу қилиғини кўрган Равшаннинг баттар кўнгли айниб, афтини буриштирди. Жавлон эса ошга қошиқ уриб, мақтай бошлади:

— Бай-бай, гуручларни юрғизворибди-ку, а? Гуручга қара, гуручга! Агар ҳозир бир сеҳргар келиб, тила-тила-

— Ни деса, „Шу гуручхўжалар долларга айланиб қол-  
ди“. дердим.

— Кейинчи? — деди Равшаннинг энсаси қотиб.

— Кейинми?.. Кейин сен афтингни буриштириб ўтира  
қилардинг, мен фирр этиб автосалонга бориб, „Мерс“нинг  
дўжасини олиб келардим.

— Ҳа, олиб кел, тезроқ бор, автосалон беркилиб қол-  
син.

— Афтингни буриштираверма, „Яхши ният — ярим  
амал“, дейишган. Хўп, косангдаги ошинг тиллага айланиб  
қолса, сен нима қилардинг? Фақат „Мерс“ олардим“, дема.  
„Мерс“ менга кетди.

— Мерсингни пишириб е! Мен... мен трамвай сотиб  
олардим, — деди Равшан мазах оҳангида.

— Нега?

— Биринчидан, трамвай қиммат туради, „Ортиб қолган  
нани нимага ишлатаман“, деб бошим оғримайди, иккин-  
чидан, юраги қора ғаламислар ғилдирагини теша олишмай-  
ди. учинчидан, биров ўғирлаб ҳам кетолмайди, тўртинчи-  
дан, милиса ҳар қадамда тўхтатавермайди.

— Сен трамвай олсанг, уни ўзим ўғирлайман.

— Нега?

— Темир-терсакка топшириб, пулига „Мерс“ оламан.

— Сенинг пешонангга эшак арава ҳам ёзилмаган, ошинг-  
ни есанг-чи, — деб жеркиди Шоҳид. Яна нимадир демоқчи  
эди. телефони жиринглаб қолди. Кўринган рақамига кўз  
ташлади-ю, энсаси қотиб, афтини буриштирди. „Жонга  
етди, бу шилта!“ деб минғирлаб қўйиб, телефонии қуло-  
нига тутди: — Ҳа! Нима? Қанақа Моника? — деди дағал  
қангда. — Танимайман сени! Кеча таниган бўлсам, бугун  
танимайман. Ҳа, алмаштириб ташлайдиган қўлқопсан.  
Бугун кун исиб кетувди, қўлқопни ечиб ташладим. Нима?  
Ҳумор тутаётган бўлса, адангнинг чўнтаги тўла пул. Ме-  
нинг текин омборим йўқ. Пулинг бўлса, кечқурун кел.  
Қаергалигини биласан. Нима? Нима дединг? Ҳомиладор  
бўлсанг мен нима қилай? Мен дояманми сенга! Ана, дўх-  
тирга борсанг олиб ташлайди, бўлди, гапни чўзма!

Шундай деб тугмачани босиб ўчириб қўйди-да, теле-  
фонни кераксиз матоҳдай стол устига ташлади.

— Момогулми? — деб сўради Радик.



- Ҳа, ўша... — деди афтини буриштириб.
- Каттиқ гапирвормадингми? Яхши кўрардинг шекилли? — деди Жавлон ажабланиб.
- Калланг борми? Ўша тавияни яхши кўриб бўларканми? — деди Шоҳид уни жеркиб.
- Ўзинимас-у, адасининг чўнтагини яхши кўрардинг, буни тан оларсан? — деди Радик кулиб.
- Бу гапинг тўғри. Лекин адасини Худо уриб қўйди.
- Нима бўлди?
- Чўнтаги тешилиб қолибди. Банкрот! — шундай деб лабига сигарет қистириб ёндирди-да, тутунини Радик томон пуфлади. — Лекин гап адасида ҳам эмас. Кечаги ўтиришда сенларнинг қилиқларинг унга ёқмабди. „Ё мени дейсиз, ё ўртоқларингизни“ деб шарт қўйяпти. „Сени бошимда кўтариб юраман“, деган ваъда билан уйланиб олганимда шунақа эркалик қилса кўтарарди. Менга ким у?
- Боглапсан! — деди Радик.

Жавлон бу гапларни эшитиб, нигоҳини четга олди. Аввалги кунни Севара ҳам шунга ўхшаган бир гап айтувди. Назарида ўртоқлари бу норозиликдан хабар топиб, атай шу мавзуда сўз очгандай эдилар.

...Тўрт жуфт дарсада ўтиравериб, чарчашгани учун дарров автобуга чиқмай, бир оз пиёда юрмоқчи бўлишди. Боғ кўчада боришаётганда Севара унга жилмайиб қараб, суюнчли бир гапни айтди:

— Профессор Ҳамидов талабалар конференциясидаги маърузангизни эшитиб, сизни адамга мақтабди. „Бу йигитдан яхши математик чиқади“, дебди.

Бу янгилик Жавлонга ёққан бўлса-да, гапни ҳазилга бурди:

- Шунинг ўзими? — деди қувлик билан.
- Камлик қиляптими? Хўп... яна „Сонлар назариясини яхши ўзлаштирибди“, дебди.
- Шу ҳам мақташми? Жуда-а ерга уриб юборибди-ку? „Математикларнинг зўри бўлиб етишади, сонлар назариясида инқилоб қилади!“ деганида „Мақтади“, десангиз арзирди.
- Шошилманг, камтар йигит, — Севара шундай деб унинг елкасини оҳиста чимчилаб қўйди-да, у ҳам ҳазил оҳангига кўчди. — Бир йилдан кейин диплом ёқлаётганин-

..Зўр математик бўлиб етишади“, дер экан. Номзод-  
 ..ҳимоянгизда „Келажаги порлоқ олим“ дер экан. Док-  
 ..тиқ ишингизни ҳимоя қилаётганингизда „Сонлар наз-  
 ..сидаги инқилобини дунё тан олди“, дер экан.

— Воҳ-воҳ! Ундаги мақтовлари менга керакмас. Бугун  
 ..дай мақтасинки, адангиз „Учинчи курсда ўқиётган шу  
 ..ани куёв қиламан“, деб туриб олсин.

— Бунақа мақтов профессорнинг эмас, совчиларнинг  
 ..ифаси, — Севара шундай деб уялгансимон юзини бурди.

— Тўғри айтасиз, совчилар ҳар куни машқ қилишяпти.

— Яхшилаб тайёрлайверинг, икки йилда мақтовга тил-  
 ..ри бийрон бўлиб қолар.

— Унгача сиз бояги саволимга жавоб берарсиз?

— Қайси саволингизга?

— Оғайниларим сизга ёқдимми?

— Ёқиши керакмиди?

— Ҳар ҳолда... оғайниларим... сизга барибир эмасдир?

— Менга барибир.

— Наҳотки? Бийрон тилли совчилар ишни пишириш-  
 ..дан кейин ҳамми?

— Унгача ҳали анча бор. Нечтаси билан оғайни бўлиб,  
 ..чтаси билан айрилиб кетасиз.

— Нега унақа дейсиз? Мен шунақа бевурдманми?

— Гап бевурдликда эмас. Ҳаёт ўзи шунақа.

— Ҳар ҳолда...

— Жуда билгингиз келаётган бўлса, тўғрисини айтаман:  
 ..қаласи ҳам ёқмади. Айниқса, Шоҳидингиз. Эркатоёй бо-  
 ..га ўхшайди.

— Эркатоёйлиги тўғри. Лекин зўр бола.

— Зўр бола? Нимаси зўр?

Жавлон бу саволга дангал жавоб қайтара олмас эди. Шу  
 ..онс „Зўр-да“, деб қўйиш билан чекланди.

Болалик кезларида дўст танлаш имконияти ҳам, яхши-  
 ..монни ажратиб олиш учун ҳаёт тажрибаси ҳам бўлмайди.  
 Боғчада қайси гуруҳга тушсанг, мактабда қайси синфда  
 ..қсанг, шу гуруҳ, шу синфдагилар билан дўстлашасан.  
 Бирга ўйнайсан, ниманидир талашиб жанжаллашасан,  
 ..мшуғига тушириб қоласан ёки қалтак ейсан, аразлаша-  
 ..сан... Кун бир хилда ўтаверади. Лекин болалик қалби ҳеч  
 ..нимани ҳис қилмайди, фарқламайди, дейиш ҳам нотўғри.

Боғчада кўнглига ёққан бола билан кўпроқ ўйнайди, у билан ўйинчоқ талашмайди, синфда яхши бола деб ҳисоблагани билан бирга дарс тайёрлайди. Жавлон ҳам шундай эди. Боғчага борган кунидан Шоҳидни ёқтиради. Боғча опаси нима учундир алоҳида меҳр кўрғазгани сабабли Шоҳид ўзини бошқалардан баланд олса ҳам, Жавлонга бу қилиғини қилмасди. Уларнинг орасига, ёқтиришмаса ҳам, Радик суқилиб кириб олаверарди. Боғча кунлари ортда қолиб, синфда ҳам бу ҳолат давом этди. Радик ҳайдаган билан нари кетадиган тоифадан эмасди. Шу боис иккови ҳам ундан кутулиш йўлини изламасди. Жинни-санғи қилиқларига кулиб қўйиш билан чекланишарди. Радик эса ҳазилларим ўртоқларимга ёқади, деган алдамчи ишончда хириг-хиригни бас қила қолмас эди. Чегарадан чиққан пайтда Жавлон пичинг билан, Шоҳид эса бўралаб сўкиш билан қолипига жойлаб қўйишарди. Ўтган йили арақнинг кучи билан ўзини паҳлавон ҳис қилиб, кўчадаги болалар билан олишганда пастки лаби ёрилиб, иккита тиши синиб тушгач, унга қараган одам барака топмайдиган бўлиб қолди. Аслида мушт тушмай туриб, тишлари қуртлаб адо бўлган эди. Шоҳид „Пул бераман, кумушдан бўлса ҳам тиш қўйдириб ол“, деганида дўхтирга рўпара бўлишдан қўрқиб, кемшиклигича юраверди. Бу ҳам етмагандай мўйлаб қўйган эди, очдан ўлаётган моржга ўхшади-қолди.

„Севара ўртоқларингиз ёқмади, деганда Шоҳидни эмас, шу кемшик моржни назарда тутган. Мониканинг ҳам унга хуши йўқ, мен билан эса муомаласи яхши...“ деб ўйлади Жавлон.

Бу уч ўртоқнинг ҳар бири „ёлғиз ўғил“ деган мартабада бўлгани билан эркатойлик бобида фарқланар эдилар. Шоҳиднинг ҳаддан ташқари эркатойлигини Севара тўғри фаҳмлаганди. Шаҳарнинг кунботар томонидаги маҳалладан сотиб олинган иккита ҳовли бирлаштирилиб, данғиллама иморат солингач, Шоҳиднинг юриш-туриши сезиларли ўзгарган эди. Унинг „шаҳар бойваччаси“ мартабасида „тахт“ га ўтириши учун тагига битта „Мерс“ етишмай турган эди, холос. Радик ҳам, Жавлон ҳам бу номга даъво қилишдан анча узоқ, ҳатто „тантиқ бойвачча“ дейишга арзигулик туриш-турмушлари йўқ эди. Улар бойваччанинг тантилик соясида ҳаловат топган садоқатли дўст эдилар.

Радиқ онаси билан яшарди. Онаси киностудияда энг катта гримчи бўлгани сабабли режиссёрлар орасида эътибор биланд эди. Радиқнинг санъатга ишқи тушиб қолиши онаси ана шу давранинг таъсиридан. Уларникига машҳур режиссёр тез-тез келиб турарди. Онасининг гапига қараганда гримчи билан режиссёрни фақат ижодий ҳамкорлик қилиб турарди, орада ишқ-муҳаббат савдоси йўқ эди. Радиқ болалик кезлари бунга ишонарди. Ҳатто севги ришта-си йўқлигидан афсусланарди. Ўша режиссёрнинг ўгли катта писи келарди, „ўғай ўғил“ мартабасидан ҳазар қилмас-ди. Улғайганида режиссёрнинг меҳрибонликлари замирида қандайдир сир яширин эканини сездди. У „Режиссёр оила-си борлиги учун онамга уйланолмайдди, аммо қаттиқ сева-ли“ деган қарорга келиб янглишган эди. Тўғри, улар ора-сида, ҳали Радиқ туғилмай туриб, қисқа муддат давом этган ишқий муносабат бўлган. Радиқнинг онаси фарзанд кўр-магани сабабли эридан ажраб, руҳий тушкунликда юрган кезлари режиссёрнинг яширин хотинига айланган эди. Режиссёрнинг фақш ишлардан тоймаслигини билса-да, тақдирини боғлаган ва бундан ҳеч қачон афсусланмаган эди. Бир куни маҳбуби ташвишли қиёфада келиб, ундан нажот истади. Янги фильмидаги асосий ролга етишмоқни истаган қиз номусини қурбон қилиши етмагандай, яна ҳомиладор бўлиб қолибди. Ўн саккизга тўлмаган қизнинг бу аҳволи уни қамоққа тиқиш учун кифоя эди. „Сен бола ажраб олмоқчи эдинг, қизнинг ота-онаси Бухорода туради, бу гаплардан беҳабар. Бировга билдирмай туғишга рози, сен шу болани ол, боқиш менинг зиммамда“, деди. Бир неча кунлик можародан сўнг шундай сулҳ тузилди. Оқи-батда Радиқ туққан онаси ким эканини билмай ўсди, „Ўғай отам бўлса ҳам майли эди“, деб орзу қилгани аслида чин отаси эканидан ҳам беҳабар қолаверди. Санъат инсти-тутида ўқий бошлаганида „Фалончи режиссёрга жуда ўх-шайсан-а, қариндош эмасмисан?“ деган саволларни эшит-ганда юраги бир жиз этарди-ю, лекин бу ҳолат ҳақиқат қопқасини очишга ундасди. Ўй-хаёли бошқа орзу-истаклар билан банд Радиқ буюк кинорежиссёр бўлиш учун етарли иқтидори мавжудлигига амин эди. Сценарий ёзарди, „ижод маҳсули“ни танқид қилганлар унинг душ-манлари рўйхатига тушарди. Унга ёқмаган фильмларни

бошқалар ҳам ёмонлаши керак эди, мақтаса — санъатни тушунмайдиган „тўнкамисюз“лар қаторидан жой оларди. Шу боис ҳам Шоҳид билан Жавлон ҳисобга олинмаса, унинг феъллига мос дўстлари йўқ эди. Унинг кино санъатига доир вайсақилигига шу икки ўртоғигина чидарди. Тўғрироғи, Радик вайсайверарди, улар эса эшитмагандай ўтираверешарди. Баъзан эса ўзларини гўлликка солиб, уни масхара-лай бошлашарди.

Бу кичик гуруҳда Радик ўзини иккинчи ҳисобларди. Онасининг гримчилигидан ташқари яна чеварлик ҳунари борлиги уларни ўртақолдан кўтариб, бойлар қаторига яқинлаштириб қўйганди. Энг машҳур кўшиқчи хонимлар концертларидан олдин уларникига серкатнов бўлиб қолишарди. Кўзни олғувчи ўнгами-йигирматами кўйлак тиктириб, қувончларини кўк пулда изҳор этиб кетишарди. Гарчи пулдан камчиликлари бўлмаса-да, онаси хасислиги туфайли эмас, боласининг тарбиясини ўйлаб, саёқ бўлиб кетишидан кўрқиб, машина олиб бермасди. Радик бунга чидарди, аммо „Яхши видеокамерағи ўқишни битирганигда олиб бераман“, деб ўжарлик қилишига чидай олмасди. Радик онасининг „Машина олифтагарчилик учун“, деган фалсафасини тушунарди, лекин онаси унинг „видеокамера ижод учун зарур“ деган талабини англашни истамасди. Онасининг пуллари қаерда сақланишини биларди, лекин сўрамай олишдан ўзини тиярди. Бу одоб қоралорига ўрганганига қадар давом этди. Онаси сезиб қолиб, пулларини бошқа жойга яширгач, Радик Шоҳидга тўлалигича қарам бўлди-қолди.

Жавлон ҳам қарам эди. Лекин унинг оиласидаги шарт-шароит, отасининг талаблари бошқачароқ эди. Тўнғичи қиз эканига кўнгли оғриган ота ўғил кўргандоқ қувонди, аммо „Бир оиланинг бахтли бўлиши учун шу „:фоя“ деган қарорга келиб, бошқа фарзанд кўришни истамади. Болалари чақалоқ эканидаёқ уларнинг тақдирини ўзича белгилади: қизи машҳур скрипкачи бўлиши шарт! Аммо мусиқа мактабига уч йил қатнаб, оддий куй чалишни ҳам ўргана олмагач, унинг қисматиға ўзгартиш киритди: санъатшунос бўлади. „Математика даҳоси бўлиб туғилган ўғли“нинг эса шу чўққини эгаллаши — аксиома, исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат! Ўзи „физика-математика фанлари ном-

“и” даражасига етганида ўгли не учун юқори чўққини  
 қаламасин! Ҳаммаси худди Пифагор теоремасининг ечи-  
 шидай осон ва тўғри бораётган эди. Математикага оид  
 илдида илди остидаги сонни аниқлаш унга қийин эмасди.  
 “И”нинг ҳаётнинг тақдир формуласида учрайдиган „илди  
 остидаги“ муаммоларни у ҳисобга олмаган эди. Равон  
 бўлган сой суви қияликка етганда ўзани бузиб чиқиш  
 қувватига эга бўлади. Жилдираб оқувчи ожиз жилға йўли-  
 га думалаб тушган кичкина тош ҳам унинг йўлини ўзгар-  
 тиб юборишга қодир.

...Отаси белгилаган тақдир ўзанидан чиқиб, „илди о-  
 сти“га“ тушиб қолган Жавлон ҳозир Севара билан бўлган  
 онов кунги учрашувни эслаб, ўртоқларига қарашга ботин-  
 мади. Кўзи кўшни шийпонга келиб ўтирган йигитга туш-  
 мади. Қардадир кўргандай бўлди-ю, эслолмади. Хизматчи  
 йигит унга бир шиша арақ келтирди. Таом ҳам, газак ҳам  
 бўқлигидан ажабланган Жавлон уни кузатишда давом эт-  
 ти. Йигит арақни кичик қадаҳга эмас, пиёлага тўлдириб  
 қўйиб симириди-да, лабини билагига артиб қўйди. „Юраги  
 сениб кетяпти шекилли... нимадандир қаттиқ хафа“, деб  
 айтади Жавлон ундан нигоҳини узмай.

*ТОШКЕНТ ШАҲРИ,*

*икки минг ўнинчи йил*

*сарв ойининг ўнинчи кун.*

*Соат ўн иккидан ўн беш дақиқа ўтганда.*

### ҚАМБАР

Жавлоннинг диққатини тортган йигитнинг исми Қам-  
 бар, кеча оқшомда қамоқдан чиққан эди. Эҳтиётсизлик  
 оқибатидаги қотилликда айбланиб қамалган бу йигитнинг  
 жазони ўташ муассасасидаги яхши хулқи инобатга олиниб,  
 муддатидан олдин шартли равишда озод қилинганди. Қоп-  
 қорага бўялган огир эшикнинг аянчли овоз чиқариб очи-  
 лиши, сўнг эса зорлангандай гижирлаб ёпилиши ортда қол-  
 ди. Пешинга қадар гавжум бўлгувчи майдонча ҳувиллаган.  
 Бу майдонча қанчадан-қанча фиғонларга гувоҳ бўлган, бу  
 фиғонлар лазер нури янглиғ тўплансами, оламни остин-  
 устин қилиб юбормоғи мумкин бўлади. Аммо нолаю афғон

тўпланмайди, яккам-дуккам томчилар каби шу майдон тупроғига сингиб, топталиб кетади. Қанчадан-қанча умид чинилари ҳам шу ерда синган. Бугун кун оғунига қадар тўпланган одамларнинг бири ичкаридаги тутқин қариндошига тугунча киритишга эришди, яна бири маҳкум эри билан учрашишга рухсатнома олиб шукрлар қилди... Бирлари шукр, бирлари ношукрлик ила тарқалдилар. Эллик йиллик чинорга қадаб қоқиб қўйилган эски ўриндикда ўтирган икки кампир, сал нарида сигарет тутатиб турган йигит ҳисобга олинмаса, майдонча вазифасини адо этиб бўшади, дейиш ҳам мумкин.

Қамоқхона дарвозасидан чиқиб, бешхтиёр тўхтаб қолган Қамбарнинг нигоҳи майдон сари сузди. Сигарет чекиб турган йигитни кўриб, тунд чехрасида нур пайдо бўлди.

— Зокир!

Қамоқхона дарвозасидан акаси чиқиб келишини кун бўйи интиқ кутган йигит бу онда ғафлатдан қолганидан ҳижолат бўлиб, кучоғини очганича югурди.

Соғинган қалблар бир оз ором олгач, Зокир акасини дарахт соясида турган эски „Жигули“ сари бошлаб бориб, эшикни очди.

— Бу машинани қаёқдан олдинг? — деди Қамбар ажабланиб. — Нега меникини миниб келмадинг?

— Ака... озгина камчиқим бўлиб қолувдик... машинангизни сотдик, — деди Зокир айбдор одам овозида.

— Майли, куйинма, мол топиладиган нарса. Ҳаммангиз соғ-омон экансиз, шунинг ўзи менга катта давлат. „Бош омон бўлса, дўппи топилади“, дейишади-ку. Қанақа янгиликлар бор, гапиравер-чи. Яна уйга борганда оғзим очилиб қолмасин.

— Яхши янгиликларни етказиб турганмиз. Сиздан яширган нохушларидан айтсам... опам қайтиб келганлар. Поччамнинг кўзига иккита боласи ҳам кўринмабди. Охири ажралишди. Бир куни қаттиқ урибди. Бориб аблахни бир дўппосламоқчийдим, адам қўймадилар. Опам калтакларига ҳам чидардилар... Лекин поччам қиморга аралашиб қолибди. Каттага тушди.

— Машинани ўшанда сотдингларми?

— Ҳа... Опам билан болаларини гаровга қўйган экан... Адам шундан кейин ажратдилар... Суд куни юраклари ту-

ғиб қолди. Шундан бери ўзларига келолмайдилар. Ҳозир ҳам касалхонадалар.

— Ойим-чи?

— Ойимнинг ҳам мазалари йўғ-у, бизга билдирмаслик-ка ҳаракат қиладилар.

Бу гапни эшитиб, Қамбар чуқур хўрсинди.

— Ака, ўзингизни қийнаманг. Сизда гуноҳ йўқ.

Гуноҳи йўқлиги тўғри, лекин қандай қилиб ўзини айбламасин? Маҳкама чоғида ота-онаси ўтирган томонга қарашдан ҳам ор қилди. Уларнинг ҳам дардли, ҳам умидли нигоҳларига кўзи тушганда ўлимига рози бўлиб кетди. Ҳатто „Маҳкамани чўзмай ўлимга ҳукм қилсалар-у, шу ернинг ўзида отиб ташласалар“, деб орзу қилган онлари ҳам бўлди. Нилуфар билан ҳеч бўлмаса бир марта кўзлари тўқнаш келишини истади. Лекин қиз у томон сира қарамади. Ҳатто гувоҳлик бераётганида ҳам қараб қўймади.

Озодликка чиққанини эшитиб яқинлари йўқлаб келишади, кўнглини кўтарувчи гапларни айтишади. Барча дегарли бир гапни айтади: „Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади...“ Қамбар шу сўзларни хаёлидан ўтказиб, ўйчан ва ҳорғин тарзда тилига чиқарди:

— Мана энди ҳаммаси яхши бўлиб кетади... Ишга тушиб олай, адамни ҳам, ойимни ҳам энг зўр шифохонада даволатамиз.

— Ойимнинг режалари бошқача. Уйни сотиб, кичикроғидан оламиз, қўш келин тушираман, деб ўтирибдилар.

— Қўш келин туширишлари яхши. Лекин уй ҳеч қачон сотилмайди.

Зангиотадан ўтишаётганда Қамбар зиёратгоҳ томон қараб олиб, „Тўхтат“, деди. Зокир акасининг мақсадини англаб, машинани секинлатди-ю, тўхтатмади.

— Ака, кейинроқ алоҳида келармиз, — деди.

— Ҳозир кириб чиқсам-чи?

— Зиёратгоҳга киришнинг тартиб-одоблари бор экан. Гусл қилиб, покланиб кирилса яхши бўларкан.

— Гапни кўпайтирмай, тўхтат!

Зокир машинани четга олиб тўхтатди. Қамбар чаққонлик билан тушиб, кўчада ўтирган тиланчига яқинлашди-да, садақа бериб, дарров изига қайтди. Акасига танбеҳ берганидан ҳижолат бўлган Зокир бошқа гапирмади.

---



Деярли ярим кечагача келди-кетди тинмади. Оила даврасида ёлғиз қолишгач, Қамбар яна онаси кўзига қарай олмади. Она буни сезди. Ўглига яқинлашиб, бағрига босди. Гапирмади. Бошини силаб тураверди. Қамбарнинг назарида онасининг қалбидан отилиб чиқадиган меҳр сели унинг вужудига сингиб борарди.

Эрталаб нонуштадан сўнг отланганида онаси „Қаёққа?“ деган савол назари билан ажабланиб қаради.

Қамбар ишхонасига бориб бугуноқ хизматни бошлаб юбормоқчи эди, лекин онасидан мақсадини яшириб, „Оёқнинг чигалини ёзиб келай“, деб кулимсиради.

— Қариндошлар йўқлаб келишади, бугунча уйда бўлганинг яхши эди, — деди онаси ўтинч билан.

Қамбар ўтинчни эътиборга олмай, дарров қайтишга ваъда бериб чиқиб кетди. Қамалгунига қадар ўзи ишлаган тўйхона уни кучоқ очиб кутиб оладигандай эди. Эрталабки ошдан кейин йиғиштириш билан банд бўлган хизматчиларни у танимади. Ҳайрон бўлиб кузатиб турган одамни ҳам хизматчилар танишмади. Унга қараб-қараб қўйиб, ишларини давом эттираверишди. Хизматчиларнинг тез-тез янгилашиб туриши унга маълум, шу боис бу ўзгаришдан ажабланмай, ошхона томон юрди. Ўчоқбошида турган ошпаз уни кўриб, қувонч билан пешвоз чиқди.

— Ҳамма ошна-оғайнилар яхшими? Ишлар зўрми? — деб ҳол-аҳвол сўради Қамбар.

— Сиз билганларнинг кўпи бўшаб кетган. Ишлар... ҳа, энди тирикчилик ўтиб турибди. Сиз ишлаган давр бошқача эди. Атрофимизга янги тўйхоналар тушиб, ишдан баракка қочган. Менам у ёқ-бу ёқни мўлжал қилиб юрибман.

— Менинг ўрнимда хўжайиннинг жияни ўтирибдими?

— Тўғри айтдингиз, ўтирибди. Иш билмайди, ҳамма ёққа ўтириб қўйган.

— Мана, Худога шукр, қайтдим, ишларни гуриллатиб юборамиз. Кетишни ўйламамиз.

— Қайтганингиз яхши... Лекин... — деди ошпаз мужмал оҳангда, — қани, аввал хўжайинга учранг-чи...

Қамбар ошпазнинг мужмал оҳангидан ажабланган эди. Хўжайиннинг хонасига киргач, нияtlари пуч эканини англади. Хўжайиннинг кибриli эканини биларди. „Мени кўрибоқ қувониб кутиб олади“, деган умиди бўлмаса-да, са-

— Унга алиқ олмай, безрайиб қарши олишини сира ҳам эътибор қилмаганди.

— Боситхон ака, соғ-саломатмисиз, кеннайим, болалар...

— Кеннайинг, болалар билан ишинг бўлмасин, — тир-тоқ тозалаб ўтирган хўжайин унга норози қиёфада қараб қўлиб, тўнгиллаб сўради: — Ўзинг нимага келдинг, нимага келишди?

— Ҳовлиқаётганим йўқ, Боситхон ака, эсон-омон келдим, хизматни бошлаб юбораверсаммикин, дегандим.

— Қанақа хизмат? Сенга хизмат йўқ, укаҳон.

— Боситхон ака, қўлингизда ишлардим-ку? — деди Қамбар умид билан.

— Ишлаган бўлсанг, у кунлар ўтиб кетди, укаҳон. Энди бунчалар ишляпти. Уларнинг орқасига тепиб, сенга жой қўйиш керакми? Бу тўйхона! Тўйхона билан қамоқхонанинг фарқи борми?

— Қамоққа тушиб қолишим бир хатолик бўлди. Мен қамбар эмасдим.

— Қамоққа қанақасига тушганинг билан менинг ишим йўқ. Ҳозир сенбоп хизмат йўқ, тушуняпсанми?

— Оиламиз сал ночорроқ бўлиб қолибди. Тез ишга кирмасам бўлмайди.

— Оилангнинг ночорлигига мен балоғардон эмасман, бунга ўзингнинг бошинг оғрийверсин. Қамоқдан чиққан кунинг тез ишга жойлаб қўяман, деб ваъда ҳам бермаганман, тўғрими? Энди бошимни қотирма, ана, кўча тўла иш, тўйхона бўлмаса, мардикорлик қил, йигитсан, оч қолмайсан.

Қамбар қамоққа тушганида ҳам ўзини бунчалик хору юр ҳис этмаган эди. Хўжайин бу гапларни айтганидан кўра, тепа-тепа кўчага чиқариб ташлаганида унга бунчалик алам қилмаган бўларди. Эр йигит тепкиларга чидар, лекин камситилишига, тупроққа қориб ташланишига чидаши қийин. Қамбар муштумини қисди. Уриб-уриб хумордан чиққиси келди. Хўжайин унинг вазоҳатини кўрди, бироқ заррача ташвишланмади, аксинча, пичоқчасини яна қўлига олиб, тирноқларини тозалашда давом этди.

Қамбар ғазабдан бўғриқиб даҳлизга чиққанда яна ошпазга дуч келди. Ошпаз оқибат шу бўлишини билгани учун уни кутиб турган эди. „Ҳамма нарсадан хабарим бор“, дегандай Қамбарнинг елкасига қўлини ташлаб, „Янги чор-

раҳанинг ёқасидаги тўйхона ишга тушган, мен ҳам ўшанга ўтадиганман. Хўжайини „Яхши одам керак“, деганди, балки учраб кўрарсан, сени таниса керак“, деди. Қамбар унга қараб олди-ю, „Ҳа“ ҳам, „Йўқ“ ҳам демеди. Кўчага чиқиб бир неча дақиқа ҳаракатсиз туриб қолди. Ошпаз айтган тўйхонага боришга оёғи тортмаса ҳам, „Чиқмаган жондан умид“, деганларидай йўл олди.

Тўйхона хўжайинини танирди. Олдинги хўжайинига ўхшаган безбет бўлмаса-да, калондимоғ эканини биларди. „Сендан ортда қолсам, шоҳимни кесаман“ қабилида ким-ўзарга солинган ҳашаматли тўйхонага яқинлашиб, „Бу ердан яхшилик кутиш қийин“, деган хаёлга борди. Ортга қайтгиси келди. Лекин ўзини зўрлаб, оғир-оғир қадам босиб ичкарига кирди.

Ўзидан бир-икки ёш катта, лекин „Хўжайин“ деган мартаба отида талтайиб ўтирувчи йигит аквариумдаги балиқларга ем ташлаб, уларнинг ҳаракатларидан ҳузурланиб турган эди. Қамбарни кўрди-ю, „Лаззатли юмушимга ҳалал бердинг“, дегандай қошларини чимирди. Қамбарнинг бунақа олифталарга тоби-тоқати йўқ. „Ўзи топиб, ўзи қуриб қўйганда керилса ярашарди. Бугун отасининг бойлигини қоя деб фаҳмлаб, орқа қилиб турибди, эртага бу қоя тош эмас, туздан экани маълум бўлиб қолиб, эриб кетса, орқаси очилиб қолиб, шармандаси чиқшини биладими бу сўтак?“ Қамбар хаёлига келган бу гапни тилига чиқаришни истади-ю, лекин чорасизлик занжирига банди эканидан эзилиб, индамади. Хўжайин эса унга беписанд қараб қўйиб, сариқ чармдан ишланган юмшоқ оромкурсисига бориб ўтирди-да, совуқ оҳангда: „Хизмат?“ деб сўради.

— Тўйхона очилганини эшитиб, „муборак бўлсин“га кирган эдим.

Хўжайин „Мени лақма деб ўйлаяпсанми? Табриклагани атай кирганингга ишониб, қувончдан бир қоп семириб, ёрилиб кетишим керакми?“ дегандай истеҳзо билан кулимсиради-да, миннатдорлик билдириш ўрнига: „Шунинг ўзини?“ деб қўйди.

— Агар хизмат бўлса... ишласам дегандим.

— Мендан иш сўраяпсанми? Қизиқ... — Хўжайин юзига истеҳзо қандай тез соя солган бўлса, шу тезликда йўқолиб, ўрнини ғазаб чўғларига бўшатиб берди. — Қурилишни бош-

таган пайтимда „Ёнимга кир“, деб таклиф қилувдим, эсингизми? Қурилишда лой чангаллаб куним ўтади, деб кўрқувингми? Димофингга қурт тушиб юрган пайтлар эди, а? Ўшанда нима деганинг эсинглами? Менинг эсимда: „Дарахт ёр ерда кўкаради“, дегандинг, а? Дарахтга нима бўлди, сўкармадимми? Илдизига қурт тушиб, қуриган дарахтни эди мен кўкартириб берайми? Сотилиб кетган машинангни ҳам янгилаб берайми? „БМВ“га кўнасанми ё бира тўла „мерс“ олиб беришим керакми? Уялмай айтавер.

— Илтимос, бунақа пичинг қилманг, мен тиланиб кирмадим, акалик ҳурматингизни қилиб, кўргани кирган эдим.

— Гапинг зўр-ку! Ишинг бўлмаса, мени кўргани килармидинг? Акахонинг юмшоқ ерингга тепмаса, кўчанинг қў томонига қараб ҳам қўймаган бўлардинг. Сендақа додасўжаларни билмас эканманми?! Ишларинг тушса калишга татак бўлиб кетасанлар, чўнтакларингга икки танга тушса димоғларингдан қор ёғади. Акахонинг орқангга тепиб жуз-за-а боллабди-а! Бурнинг яхшилаб ерга ишқаланса, кўзларинг очилади.

Бу гаплар сабр тўғонини бузиб юборди. Муштумини сиқди. Муштга ихтиёр бермади-ю, аммо тилни тия олмади. Тишлар кўргони заҳарли сўзлар оқимини тўса олмади:

— Хотиржам бўлинг, кўзларим очиқ. Кўриб турибман, бошингизга омад қуши кўниб ўтирибди. Лекин, акахон, қуш битта жойда узоқ ўтирмайди, шуниси чатоқ. Эртага тир этиб учади-ю, ўрнида ахлати қолади. Ўшанда шу тўйсонангизни ўзим сотиб оламан. Калишга кимнинг патак бўлишини ўшанда кўрамиз.

Шундай деб шарт бурилди. Хўжайин „Нима дединг, дей тасқара! Ниманга сотиб оласан? Битинглами?!“ деб бақирганича қолаверди.

Қамбар кўчага чиққач, ўзини чорасиз етимчадек ҳис қилиб, ҳаракатсиз туриб қолди. Сўнг кўчанинг нариги бегидаги қаҳвахона диққатини тортиб, беихтиёр ўша томон юрди. Эзилган қалб ярасига шунда малҳам топадигандай бўлди. Бўш шийпондан жой олди-ю, хизматчига бир шиша арақ буюрди. Хизматчининг „Овқат-чи, салат-чи?“ деган саволига ўқрайиб қўйиш билан жавоб қилди.

Қамбарни шу ҳолатда кўрган Жавлон „Юраги ёниб кет-япти шекилли... нимадандир қаттиқ хафа“, деб ўйлаб янг-

лишмаган эди. Иккинчи пиёлани бўшатганидан кейин бадани қизиб, боши хотиралар тўфониди гувиллай бошлади. Яқингинада итдай хорланганини унутди. Ҳаётини бир зарба билан ўзгартириб юборган ўша машъум кеча, ўша машъум ҳодиса ҳаёлини буткул эгаллаб олди.

Ўшанда тўйхона ишларини юритиб, казо-казолар диққатига туша бошлаган эди. Тўйхона хизматининг аъло даражада эканидан мамнун кишилар кўпайиб, унинг эътибори ҳавас қилса арзигулик эди. Дўстлари даврасида ҳам унинг иззат-ҳурмати баланд эди. Тўй бўлмаган оқшомларни улар даврасида ўтказарди. Ўша куни ресторанга бориш нияти йўқ эди. Лекин Сардор қайта-қайта кўнғироқ қилавергач, „Ярим соат ўтираман-у, кетаман“, деган фикрда борди. Хос мижозларга мўлжаллаб қурилган ресторан ҳовлиси ялт-ялт этиб турган хориж автомашиналари билан банд эди. Қамбар машинасини кўча томон кўйиб, ичкари кирди. Алоҳида хонага жой қилишган экан. Даврага кўшилди-ю, ярим соатда чиқиб кетиш аҳдини унутди. Қамбар кирганида дўстлари ширакайф бўлиб олишга улгуришган эди. Мурод мусиқага монанд тебраниб ўтирарди, Отабек телефонига мук тушиб, „смс“ ёзиш билан банд. Сардор эса даврабошилиқ вазифасини эгаллаб, пиво кўйиб узатди. Қамбар „Ичмайман“, деб рад этаётган онда телефони жиринглади. Кўринган рақамга қараб олиб, „Жим тур, ойим“, деб огоҳлантирди-да, телефони кулоғига тутиб салом берди.

— Қаердасан, ўғлим? — деб сўради онаси.

— Қаерда бўлардим, ишдаман, ойижон, — деди Қамбар ўртоқларига айёрлик билан кўз қисиб кўйиб. Телефонда тўйхона шовқинини эшитишга кўникиб қолган она бу арзон ёлғонга дарров ишона қолди.

— Тоғанг кўнғироқ қилдими, гаплашдингми?

— Йўқ, тинчликми?

— Тўй кунини белгилашибди. Кейинги ойнинг ўн тўртинчисида эмиш.

— Ҳозир, ойижон, — Қамбар шундай деб ён чўнтагидан дафтарчасини чиқариб варақлаб кўрди. — Ие, тоғанга айтувдим-ку, шанба-якшанбалар ҳаммаси банд. Фақат бегим кунлари...

— Қуда томон сенинг бегим кунингни биладими?

— Унда бошқа тўйхонани гаплашиб бераман.

— Тоғанг бошқасига кўнмайди. У „Энг зўр тўйхонада қўй қиламан“, деб ният қилиб кўйган.

— Ойижон...

— Менга гапирма, тоғангнинг феълени биласан-ку?! Нима қилиб бўлса ҳам тўғирла!

Онасининг гапни чўзмай, телефонни узиб кўйиши Қамбар учун муддаонинг ўзи бўлса ҳам, зиммасига юкланган эъининг вазифа оғирлиги вужудини эзиб, пачақлаб ташлаётгандай туюлиб, хориган одам каби чуқур „уф“ тортди-да, „Осон экан-да! Тўйхонага хўжайин эканманми...“ деб минғирлаб кўйди. Унинг гапларига диққат билан қулоқ тўтиб турган Сардор, унга пиво тўла қалаҳни узатди.

— Паст кетма, ошнажон, тўйхоналарнинг додахўжаси сенинг қўлингда, — деди аразчи гўдакни овутгандай. — Бу тўн хўжайиннинг ўнг қўли бўлсанг, эртага хўжайинсан-да. Ол, ич, ҳовурингни босиб ол. Мен эсам тилак айтаман. Оғайнилар, яқинда мана бу ошнамитиз озодликдан маҳрум бўлади.

Бу тилак ҳазил оҳангида айтилган бўлса-да, Қамбарнинг вужудини бир нохушлик қамраб олди. Одамзод ҳар турли давраларда ҳазил-чин аралаш гапларни айтиб юбораверади-ю, яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришта „омин“ деб юборишини ўйлаб ҳам кўрмайди. Бу даврадагилар ҳазил тилакнинг тез орада чинга айланиб қолишини тасаввур қилишмаган бўлса-да, унга норози қиёфада қараб олишди.

— Нафасингни иссиқроқ қилсанг-чи! — деди Мурод унга танбеҳ бериб.

— Гапимни охиригача эшитсанг-чи! Мен „бўйдоқлик озодлигидан“ демоқчиман. Бу тентак бўйдоқликнинг мазза эркинлигидан ўзи воз кечиб уйланмоқчими?

— Тентак деганинг тўғри, — деди Мурод бу сафар уни қувватлаб. — Юрмайсанми, мазза қилиб... Битта уйланган менми, юрибман пешонамнинг шўрини ялаб. Ҳали уйга борганимда қаерда, кимлар билан пиво ичганимнинг ҳисобини беришим керак.

— Айб ўзингда, — деди Сардор унга таъна қилиб, — эркалатиб елкангда кўтариб юрувдинг, бошингга ўзи чиқиб олганини билмай ҳам қолдинг. Қамбар унақалардан эмас, унинг эр-йигитлигича қолиши учун олдик!

---

Кимдир охиригача ичди, кимдир яримлатди. Қамбар ошналарининг кўнгли учун бир хўплаб қўйди.

Мурод қадаҳни бўшатиб, Сардорга узатди-да, Қамбарга қараб, „Тўй қачон ўзи? Қизнинг отаси келдими?“ деб сўради.

— Пойлаяпмиз, — деди Қамбар. Кейин истеҳзо билан илова қилди: — Сепга лойиқ пул тўпламаганмиш.

— Сепларинг керакмас, демайсанми?

— Хотинларга гап тушунтириб бўладими?

Отабек уларнинг гапларига аралашмай, ёнидан кичик халтача чиқариб, оқ қоғоз устига тўкди-да, пичоқча билан тўртга ажратди.

— Шуниси етмай турувди, йиғиштирларинг, — деди Қамбар жаҳл билан.

Сардор унинг аччиқланганига парво ҳам қилмай, чўнтагидан қоғоз пул чиқариб найча қилиб буради.

— Нега йиғиштирарканмиз, сенам оласан, — деди бамайлихотир. — Биласанми, бу нима? Бу — мангу бахт саройига олиб борувчи қувват! Бунинг кучисиз ҳеч ким бахтли бўла олмайди. — Шундай деб найча-пулни Қамбарга узатди: — Ўзинг бошлаб бера қол, сеники табаррук.

— Бунақа бахт саройига бормаганим ҳам маъқул.

Қамбар шундай деб унинг қўлини нари сурди-да, турмоқчи бўлганда пиво тўла қадаҳни беихтиёр туртиб юборди. Пиво тўкилгани ҳамон Отабек билан Сардор жонҳолатда кукун турган қоғозчага ёпишишди.

— Бахт қушини учирворай дединг-ку, ошнам! — деди Сардор унга жаҳл билан қараб.

Қамбар унинг танбеҳига аҳамият бермай „Бўпти, мен кетдим“, деб эшик томон юрди.

— Тўхта, бирга кетамиз, сенда ишим бор. — Сардор шундай деб шошилганича қорадори кукунидан тўйиб-тўйиб ҳидлади. Қамбар унга қараб олди-ю, „Ишинг бўлса чиқарсан“, деб кутиб турмади. Кўчага чиқиб, машина эшигини очиши билан Сардор ҳовлиқиб етиб келиб, ён ўриндиқдан жой олди.

— Кайфнинг лаззатини яримта қилдинг, номард, — деди ўпқаланиб.

— Гапинг бормиди?

— Ҳайда аравангни, сен билан бир пас айланмоқчиман.

Қамбар Сардорнинг эргашиб чиққанидан норози бўлса-да, дўстлик ҳурматига риоя қилгани учун тушириб юбормади.

— Зўр одам билан танишдим. — деди Сардор ўтирган жойида керишиб олиб. — Яқинда ишларим юришиб кетади. „Нексия“ олаверсаммикин ё тўрт-беш ой сабр қилиб, бира тўласи „Мерс“ олсаммикин?

— Олдин эшак арава ол.

— Масхара қилма. Бўладиган гапни айтяпман. Машина олган куним биринчи сенинг олдинга келиб, кўзингни куйдираман.

Бу гапдан кейин Қамбарнинг энсаси қотиб, машинани гўхтатди:

— Шу ерда туша қол, мён тўғрига юраман.

— Тўйхонанга бормайсанми? Қаёққа кетяпсан?

— Нилуфарникига.

— Шу пайтдами?

— Ҳа... бормасам бўлмайди.

— Нима бало, ораларингдан ола мушук ўтмадими иш-қилиб?

— Батгарроқ бўлди, — деди Қамбар афсус оҳангида. — Ҳали... бозорга кетаётгандим. Ишхонамдаги қиз эргашди. Бирга юрганимизни Нилу кўриб қолди.

— Оббо, адо бўлибсан-ку, ошнам. Қиёмат жанжалини қилдими?

— Жанжал қилмади-ю, „Иккинчи кўзимга кўринманг!“ деб кетди. Бугун тушунтирмасам, эртага яра газак олиб кетади.

— Бўпти, аравангни ҳайдайвер, бирга бораман.

— Сен нима қиласан?

— Жуда бўлмаса, гувоҳликка ўтарман, ўша қиз билан ораларида севги-певги йўқ, деб қасам ичиб берарман.

— Йўқ, гувоҳсиз битадиган иш бу. Сезиб турибман, астойдил ранжимади. Эркалигини ўтказмоқчи бўлди шекилли.

— Бўпти, мени ярим йўлда тушириб кетмагин, — деди Сардор хиралик қилиб. — Ҳеч бўлмаса, кириб-чиққунинг-гача мошинангнинг чанг-пангини артиб турарман.

Қамбар унга „Бунча безсан!“ деган маънода ғашланиб қараб қўйди-ю, лекин „Туш машинадан“, дея олмади. Қамбар моқда ўтирганида шу қатъиятсизлиги учун ўзини ўзи кўп



марталаб айблади. Машинани Нилуфар яшайдиган уй дарвозасига тақаб тўхтатди-да, „Сен шу ерда ўтириб тур“, деб ўзи тушди.

— Паст кетворма. Фиди-пиди қилса, бир-икки гармдори гапдан олгин-у, шарт орқангга қайтавер. Эртага ўзи ялиниб келади, — Сардор насихатига қувват бўлиши учун яна қўшиб қўйди: — Ҳозирдан паст кетсанг, эртага Муродга ўхшаб бурнингни оқизиб, пинқиллаб юрасан.

Қамбар унинг гапларига парво қилмай, қия очиқ турган дарвоза эшиги олдида бир оз иккиланиб турди. Қўнғироқ тугмасини босган эди, ичкаридан овоз келмади. „Қўнғироғи ишламайди шекилли“, деган ўйда аста ичкари юрди. Тўғридаги хонада чироқ ёқиқ эди. Деразадан Нилуфар кўрингач, кўнгли хотиржам тортиб, атрофига ўтринча аланглаб олди-ю, ўша томон дадил юрди. Деразани аста тақиллатган эди, Нилуфар уни кўриб чўчиб тушди. Онасининг уйи томон хавотир билан қараб олди. Кўркувини яшириш учун қошларини чимирди:

— Сизга нима керак? Бу ёққа қандай кирдингиз?— деди. Оҳанг кескин бўлгани билан паст овозда, қарийб шивирлаб сўраши унинг аҳволини фош этиб қўйди.

— Эшик очиқ экан... қўнғироқ ишламайди шекилли? Нилу, сиз ҳали... тушунмадингиз... У қиз... бирга ишлайди... бозорга отланганимни билиб, эргашиб келувди...

— Орқангиздан эргашиб юрадиганлар шунақа кўпми?

— Унақа деманг... сиздан бошқасини...

— Ҳа, мен учраган йигитнинг бўйнига осилиб эргашадиганлардан эмасман. Гапимга тушундингизми? Энди келган жойингизга қараб кетаверинг.

— Ҳайдаяпсизми? Бугундан ҳайдасангиз... эртага нима бўлади?

— Эртага?.. Эртага нима бўлиши керак экан? Кеча ҳам ҳеч нима бўлмаган эди, бугун ҳам ҳеч нима бўлмади, эртага ҳам ҳеч нима бўлмайди. Тушуняпсизми? Ҳеч нима! Ҳеч нима!

Қиздаги қўрслик ўрнини энди хўрлик эгаллаб, кейинги сўзлари йиғламсираган лаблардан учди. Ўзининг аҳволидан ўзи нафратланиб, деразани ёпиб олди. Қамбар ортиқча гапга ҳожат йўқ, деган тўхтамга келиб, ўтирилганда нариги уйдан бўлғуси қайнонасининг чиқиб келаётганини

кўриб, ўзини Нилуфарнинг хонасига олди. Нилуфар унга ажабланиб қарадию, кейин елкасидан итариб, чиқариб юбормоқчи бўлган эди, Қамбар „Ойингиз келяптилар“ дегандай ишора қилгач, шаштидан қайтди. Икковлари бир-бирларига қараганча, ҳатто нафас олишдан ҳам қўрққан-дек, гап-сўзсиз туриб қолдилар. Дунёни зириллатиб турган барча шовқинлар тиниб, фақат уларнинг юрак дукурларигина эшитилаётгандек эди. Бир-бирларига яқин турганлари учун юзларига илиқ нафаслар урилиб, ишқ мавжини гўлқинтира бошлаган, бирови аразлаганини, иккинчиси ўрталаб бўлиб келганини унутаёзган эди...

Бу онда қорадори кукунидан кайф қилаётган Сардор жериди. Қитмирилиги тутиб, мусиқа кўйди-да, машина ичини бир четдан тита бошлади. Кўлига кармон илиниб, олиб очди. Пул борлигини кўриб, атрофига хавотир билан аланглагач, пулдан бир қисмини шошганича олиб, чўнтагига солди. Сўнг кўнгли хотиржам тортиб, кармонни жойига кўйгач, машинадан тушди. Ошнасининг аразчи қайлиғи ҳузурда ялиниб, тиз чўкиб кечирим сўраётганини кўз олдига келтириб, „Бу кунингдан ўл!“ деб заҳарли тиржайди. Хаёлидаги манзара ҳақиқат бўлиб туюлиб, Қамбарни ҳорлик ботқоғидан қутқариб қолиш мақсадида ҳовлига кирди. Нилуфарнинг уйида бир-бирига тикилиб турган қиз ва йигитни кўриб, бу ҳолатдан ажабланди. Жойида қотиб, уларга ўғринча қараб тураверди. Шу пайт Нилуфарнинг онаси чойнак кўтариб ошхонадан чиқиб қолди. Сардор чўчиб беркинган дамда телефони жиринглаб, хотин қўрқиб кетди. Ўғри мушукдек пусиб турган Сардорни кўрди-ю, уни ўғри гумон қилиб, қичқирганича чойнакни отди. Сардор хотиндан қўрқмади, пусиб киргани учун ошнасидан балога қолмаслик мақсадида тисарилди-да, чанг солишга шайланган хотинни итариб юбориб қочиб қолди. „Оҳ!“ деб йиқилган хотиннинг боши зина қиррасига урилди. Бу шовқиндан чўчиб тушган Қамбар уйдан шошилиб чиқди. Йўлда ётган хотинни кўриб, энгашди-да, унинг бошини кўтариб, Нилуфар томон қараб бақирди. Нилуфар югуриб чиқиб онасини қучоқлаб олди. Сўнг...

Нилуфар Сардорни кўрмаган эди. Онаси бақирган онда Қамбарнинг ёнида эканини биларди. Шунга қарамасдан онасининг вафотида уни айблашганда тўғриси айтмади.

---

Йигит билан ичкарида туриши номусига гард бўлиб кўнишидан чўчиди шекилли. Қамбар ҳар ҳолда шундай деб ўйлади. Маҳкама ҳукми ўқилаётганда қора кийган кўз ерга қараб турди. Қамбар томон қарай олмади... Унинг бу маҳзун ҳолати қамоқдалигида кўз олдидан кетмади.

Қизнинг қиёфаси ҳозир ҳам шу ҳолда кўринди. „Қайси бир китобда „Ҳаётнинг қаҳри қаттиқ бўлади“, деган гапни ўқиганимда „Бемаъни гап“ деб ўйлаган эдим. Ҳаёт мен учун ширин эдн. Менга заҳарли қаҳрини сочмаган эди. Бу заҳарни ўзим сотиб олдимми? Айбсизлигимга Нилуфар ишонмаганидан кейин судни ишонтиришга уринишим аҳмоқлик бўларди. Суд оқлагани билан Нилуфарининг нафратли қарашларидан қутула олмасдим. Қамоқда ўтирган йилларим бу қараш таъқибидан қутуларман, деб ўйловдим. Қани эди, қутула олсам... Ўлиб, гўрда ётганимда ҳам лаҳаднинг бир бурчагидан шу нафрат кўзлари қараб турса керак... Ҳаётим кўчасида нималар қолди? Энди виждоним нима дейиши керак? Кўчада хор бўлмай, яйраб яшашни хоҳлашим учун виждоним қийналиши керакми? Темир панжара ортида туриб, озодликка чиқишни кутган эдим. Озодликка чиқдим. Нимани кўрдим? Кўчалар ҳам, уйлар ҳам, ҳаммаси ўша-ўша. Лекин одамлар бошқача бўлиб қолишганга ўхшайди. Қамоқда уларга интилиб яшаган эдим. Лекин улар қамоқдан чиққан мен нотавонни қабул қилишни исташмади-ку?..“

Қамбар шуларни хаёлидан ўтказиб, алам билан уф тортди-да, яна қуйиб ичди.

*РИГА ШАҲРИ,*

*икки минг ўнинчи йил  
сарв ойининг ўн биринчи кунини тонги.*

### ХУШҲАБАР

Файрат тонг саҳар уйғониш одатини бу ерда ҳам қанда қилмади; Тошкентнинг тонги — Риганинг ярим кечасида туриб олиб, то кун кўрингунча юраги сиқилиб кетарди. Бу шаҳарнинг тонги ҳам ўзига хос: Тошкентдаги каби ҳаракат сезилмайди. Шаҳар аҳли обдон уйқуга тўйиб, кейин ишга отланади. Юзини ювишига қанча дақиқа сарфланади-ю,

Ишда қанча йўл, машинада қанча — ҳаммаси аниқ ҳисобланган. Агар иш вақти соат саккизга белгиланган бўлса, қўшмага-ю йўлга бир соат сарфланса, у одам ҳеч вақт олти соатдан ўрнидан турмайди. Ишга кетаётганида қўшнисига кўзлар келса, тўхтаб, ҳол-аҳвол сўрамайди, кеча бозорда қўшнларини айтиб бермайди, ҳамсоясининг қайси бир вақт ҳақидаги узундан-узун ҳикоясини ҳам тингламайди. Лутф қилса, қўл бериб сўрашади, йўқса, бош ирғаб ўтиб кетаверади. Биров унинг бу қилиғини кибрга йўйиб, айбонламайди, саломга яраша алик олиш билан чекланади. Лекин ваъдалашган жойга беш дақиқа кечикиб борса, унинг қўшн-баҳонаси ҳам инobatта олинмайди. Онаси жон талванда ётган бўлса ҳам, белгиланган йиғинига вақтда етиб бериши шарт, бошқа гап йўқ! „Бечора“ хотинларда эса вақт ўнда бешик тўйи, пешиндан кейин чарлари деган гап ҳам йўқ! Файрат ўтган йиллари Олмонияга борганида ҳам, Фарангистонда ҳам бу ҳолга гувоҳ бўлган, одамлар орасидаги меҳрсизлик, оқибатсизлик бобида Рига улардан фарқ қилмасди. Шарқликлар гарбликларни меҳр-оқибатсизликда айблашади, гарбликлар эса уларнинг вақтни зое кетказишларини маломат қиладилар. Қай бирлари ҳақ — ким сўкамлик қила олади?! Албатта, вақт! Файрат мажлисда бу сўзда ҳам тўхталиб, жамият аъзоларининг бир-бирлари тақдирига бефарқ эканликлари жиноятчилик ривожига ҳисса қўшишини айтганда бу фикрни кўпчилик маъқуллади. „Маҳалла ёки қишлоқ кўчасида бир ўсмир наша чекиб кетиганини кўрса, қўшнилар индамай ўтиб кетишмайди, шунинг учун биздаги гиёҳвандлик ривожини Европадаги каби эмас“, деган гапига ҳам қўшилишди. Лекин жамият аъзолари орасидаги бефарқлик ва лоқайдлик касалига қандай даво топиш мумкин, деган савол жавобсиз қолди. Ҳаммонки, жавоб йўқ экан, Фирромнинг маломатлари ҳақ бўлиб чиқади. Ўтган асрда жаҳон инқилоби ғоясини амалга оширишга интилишлар мавжуд эди. Бу сиёсий ғоянинг католигини тарих исбот этди. Ҳозир бу ғояни кун тартибига қўйишга уринишнинг ўзи нодонлик деб баҳоланади. Лекин гиёҳвандлик илдизини топиш, қирқиш, наркобизнесни мағлуб этиш учун умумбашарий инқилоб талаб этилаётганини ҳамма бир хилда тушунмаяпти. Файрат мана шундан афсусланади. Олдинги халқаро анжуманларда ҳам,

бунисида ҳам бир хил гаплар айтилди, бир хил муаммолар ўртага қўйилди. Муаммолар ечимига эса бир қадам ҳам яқин келишмади. Гиёҳвандлар йўлини тўсиш ўрнига, улар қаршисидаги дарвозани кенг очиб бериш, яширин ҳолатдан очиқ истеъмол қилишларига, бемор сифатида рўйхатдан ўтиб, дорихоналардан харид қилиб олишларига шароит яратиб бериш ҳақидаги таклифлар Файратга бемаънилик бўлиб туюлди. Гиёҳвандлик беморлик экани тўғри, лекин заҳарланган беморни юқори даражали заҳар билан таъминлаш билан даволаш мумкинлигига наҳот ишонишса? Файрат бу таклиф ортида бошқа бир маъно, аниқроғи, ёвуз ният кўрди: „Сен гиёҳвандмисан, қорадорисиз яшай олмайсанми, марҳамат, истаганингча ол, сенга арзон нархда берамиз, бировдан кўрқмайсан ҳам, уялмайсан ҳам, фақат... тарозининг бу палласига бизнинг марҳаматимизни кўясан, иккинчи палласига ўз жонингни кўясан. Сени ҳеч ким наркодиспансерга ётқизиб, қийнамайди. Аксинча, „дозангни“ тўйгунигча оласан. Ҳатто бирнинг ўрнига икки ҳиссани ол. Кейин... тезроқ ўлиб кета қол...“

Бу тонг ҳам то Рига уйгонгунича Файрат шу каби ўйлар билан банд бўлиб, мажлиснинг охирлашини кутмай, уйга қайтгиси келди. Агар бугун Тошкентга учадиган самолёт бўлганида шаштидан қайтмасди. Аммо, наилож, ипсиз боғланган... Юраги сиқилиб ўтирганда телефон жириглади. Гўшакни қулоғига тутиб, Шуҳратнинг қувноқ оҳангдagi овозини эшитди:

— Европа генералларига ўхшаб ухлаб ётганмидинг, уйғотиб юбордим шекилли? Биз учта жойдаги тўй ошига тўйиб, қоринни силаб, кўк чойни шопириб-шопириб ичиб, сени уйғотишга қарор қилдик.

— Уйғотмадинг, — деди Файрат кулимсираб, — бу ерда сенинг тўй ошларингдан қолишмайдиган „Швед столи“ деган дастурхон бор, гўштсиз пиёзли шўрвадан тўйиб ичиб, менам қоринни силаб ўтирувдим.

— Зўрсан, ошна! — деб хахолаб кулди Шуҳрат. — Лекин иккаламининг қорин силашимизда фарқ бор. Совуғинг ошиб, қорин оғриғи бошлангандир, а?

— Сенинг ошқозонинг бўжканидан нола қилаётгандир? Хўп, қоринларни ўз ҳолига қўй, ишдан гапир, янгилик борми?

— Бор. Таклифинг ўтди. Суюнчисига битта ош сендан. Ёлгуи Салимхўжаев Сурхондарёга кетди. Сафарда бўлганинг учун назорат қилишни унга топширишди. Айтмоқчи, ёлгирдингни табриклар қўй, кечадан эътиборан у энди тодполковник!

— Буйруқ чиқдимми? Яхши бўлибди, катта унвонларга эрийдиган бола.

Шухратнинг хушxabари кўнглини ёритди. Хизматга тоқасиз яна бир-икки гапдан кейин хайрлашишди. Қоралори қаерда ишлаб чиқарилиши маълум, бу йил саккиз минг тонна афюн тайёрланганини матбуот тинмай гапиролпти. Ана шу тонналар Москвагами, Берлингами ё Парижгами қайси мамлакатлар орқали ўтиб келиши ҳам сир эмас. Лекин қай тарзда олиб ўтилиши, бу мамлакатларда кимлар раҳнамо эканигина аниқ эмас. Фирромнинг даъволида жон бор: тўғоннинг бир ерини ёпишга уринилса, бошқа еридан ўпириб чиқаверали. Қуруқлик йўллари тўсилса, осмондан ўтишади, осмон беркитилса, сувдан сузиб чиқишади... Афғон еридаги уруш қорадорифурушликка чек қўйиш у ёқда турсин, камайтиришга ҳам эришмади, аксинча, кўпайди, кучайди. Қорадорининг миқдори ботмонларни эмас, тонналарни ташкил этади. Европа шу тонна-тонналар Марказий Осиёдан олиб ўтиляпти, деб маломат қилади. Олиб ўтиляётгани тўғри эканини Файрат мажлисда айтди, лекин „наркотрафик“ деб аталмиш жараён айнан Европадан туриб бошқариляётганига ҳам эътиборни қаратди.

Файрат бу масала хусусида йигинга келмай туриб ҳам кўп гапирган эди. Денгиз ёки уммондан кўтарилган циклон миллиард-миллиард тонналик сувни ортган булутлар карвонини минг-минг чақирим узоқликдаги саҳрога олиб бориб ёмғир тарзида ташлайди. Манзил — ўша саҳро. Лекин кела-келгунча булутлар қанча-қанча ерларни ёмғир сувлари билан тўйдириб ўтади. Қорадорифурушлик ҳам шунга ўхшайди. Афғонда қадокланган афюн Фарангистонга мўлжалланган бўлса-да, йўл-йўлаккай томиб-томиб боради. Файратни шу масала кўпроқ ташвишга соларди.

Ригадаги йигинга отланмасидан олдин Амударёдан афюн олиб ўтишга уриниш бўлади, деган маълумот олинганда „Курьерларга тегмайлиг-у, ҳар қадамини кузатайлик.

Шунда ўзимиздаги гуруҳ етакчиларига чиқамиз“, деганда таклифи маъқулланмади. Аксинча, афюнфурушларни ўша ернинг ўзидаёқ қўлга олиш буйруғи берилиб, уни сафарбар қилишди. Баҳорнинг аёзли туну кунларини дарё бўйида қамишдан созланган пистирмада чегарачилар билан ўтказди.

Қирғоқни ямлаб ютиш қасдида айқириб оқётган дарёга қараб ўтирган Файрат „Бекорга „Жайхун“ дейишмаган, жиннилиги тутса, атрофда ҳеч нима омон қолмаса керак“, деб кўнглидан ўтказиб қўйди. Чегарачиларнинг бошлиғи шу вилоятда туғилиб, вояга етган экан, „Дарё билан тиллашишни билди“ деб таърифлашган эди. Пистирма қўйилган жойни ўша одам танлади. „Чегарадан ўтиш учун энг қулай жой шу, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида большевиклар зулмидан қочмоқчи бўлганлар айнан шу ердан кечиб ўтишган. Эллигинчи йилларда Афғонистондаги ўзбеклар орасида ишлашга тайинланган айғоқчиларни ҳам шу ердан ўтказишган“, деб фикрини исботламоқчи бўлди. Файратнинг у билан баҳслашиш нияти йўқ эди. Бу ерларни билмай туриб, эътироз билдиришида мантиқ ҳам йўқ эди. Эътироз бўлмаса-да, чегарачилар бошлиғи ўзининг билимдонлигини таъкидлаш учунми, фикрини қайта-қайта такрорлади. Топағонлигининг исботини уч кечакундуз кутишга тўғри келди. Файрат „Олинган маълумот алдамчи экан, тонг отсин-чи, кун ёйилганда пойлашни тўхтатамиз“, деган ўйда ўтиганида ёнидаги зобит „Қаранг“, деб пичирлаб унга дурбинни тутди. Тонг қоронғусида дарёнинг мавжлари янада қўрқинчли тус олган эди. Файратни бу мавжлар эмас, чақирилмаган меҳмонларнинг ташрифи қизиқтирарди. Икки автобалонни бир-бирига боғлаб ясалган қўлбола қайиқда тўрт кишининг қораси кўринди. Иккитаси қуролини шайлаб турибди, иккитаси эса соҳил томон интилиб, жон-жаҳди билан эшкак эшяпти. Орқароқда яна бир қўлбола қайиқ кўринди. Дам ўтмай иккала қайиқ ҳам дарёнинг кучли оқимидан юлқиниб чиқиб, қирғоққа яқинлашди.

— Отманглар, — деди Файрат шивирлаб. — Қайиқдан тушиб, сал ичкарироқ киришсин.

Қайиқлар соҳилдаги қамишзорга қадалгач, ундан икки киши тушиб, аввал зийраклик билан қулоқ тутди. Хаво-

тирли товуш эшитилмагач, қамишларни икки томон ёриб, қуруқлик томон юра бошлади. Йигирма қадамлар юргач, пистирмадаги аскар йигитга дуч келиб, таққа тўхтади. Ниқобланган аскар йигит унинг яқинлашаётганини кўриб турган бўлса-да, юзма-юз бўлгач, довдираб қолди. Нотаниш киши пистирма бўлиш эҳтимолини унутмай, зийрак келаётгани учун ўзини йўқотмади. Қўлидаги пичоқни аскарнинг қорнига санчди-ю, ўзини орқага ташлади. Аскар бир ихранди, аммо автомат тепкисини босишга улгурди. Ўқларнинг тариллаган овози соҳилни титратиб юборди. Пистирмадагилар бараварига отилиб чиқишди. Лекин қайиқдагилар улардан чаққонроқ ҳаракат қилишди. Шерикларининг қайтишини кутмай, эшакларни ишга солдилар. Дарёнинг кучли оқими уларни бир зумда пистирмадан нари суриб кетди. Автоматлардан узилган ўқларнинг биронтаси нишонга тегдими ё йўқми, билиб бўлмади. Қайиқдан тушиб, атрофни кузатган одам ўзини дарё оқимига отдими ё қамишзор орасига пусиб, беркиниб олди, бу ҳам номаълум эди. Кун ёришганда соҳил обдон текишилди. Нотаниш кишининг на ўлиги, на тириги топилди.

Файрат тайёр ўлжани қўлдан чиқарганликда айбланиб, хайфсан олмаса-да, раҳбариятнинг танбеҳи камлик қилгандай, ҳамкасбларининг сермаъно нигоҳларидан отилган маломат тошларига рўпара бўлди. Ўшанда афюнфурушларга йўл очиб беришнинг афзаллигини яна бир марта исбот қилишга уринган эди.

„Улар яна ва яна ўтишга ҳаракат қилаверишади. Демак, чегара соқчиларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ“, деган таклиф тарафдорлари яна ўз фикрларида қатъий туриб олишди. Файрат ҳам бўш келмади:

— Шундай қилсак, уларнинг йўлини фақат вақтинча тўсган бўламиз, — деди у қайсарлик билан.

— Бошқа таклифингиз борми?

— Афюнфурушларнинг қўлдан чиқиб қочгани фикримни тасдиқ этмаяптими? Чегарачилар керагидан ҳам ортиқ пистирма қўйган эдилар. Режанинг барбод бўлганини инобатга олиб, мен аввалги таклифимни яна кун тартибига қўяман: биз молни қабул қилиб, олиб ўтишни таъминловчи тўданинг асосини йўқ қилишимиз керак. Бу билан тўданинг қалбига ханжар санчмасак ҳам, уларнинг занжири-



даги зарур ҳалқа узилади. Дарёни кечиб ўтган тақдирда ҳам, бизнинг ҳудуддан ўтиб кетиш имконияти қирқилади. Шунинг учун уларни сергак кузатган ҳолда чегарадан ўтишларига йўл беришимиз керак. Мол тўданинг марказий ҳалқасига келсин. Бу йўлда уларнинг яна қандай тўрлари бор, билиб оламиз...

Бу масала муҳокама этилган йиғин бир тўхтамга келмаганди. Файрат Ригадаги анжуманга йўл олгач, аниқ хулосага келинибди. Файрат Шухратдан янгиликни эшитиб, бу ерда яна уч кун қолишни истамади. Самолётлар қатнови билан қизиқиб, Москва орқали жўнашга қарор қилди.

## ОШНАЧИЛИК

Қорин тўйиб, нафс ором топиб, уч оғайни оқшомда яна учрашишга келишиб олишгач, ўринларидан қўзғалишди. Ўртоғини ўқишга олиб бориб қўйишга ваъда берган Шоҳид пастга тушганда афтини буриштириб узрини айтди:

— Ҳалиги расвони ичмасам бўларкан, кўнглимни айни-тиб, ланж қилиб юборди.

— Менга ҳам ёқмади, — деб Радик уни қўллади. — Араққа бир бало қўшган.

— Араққа сувдан бошқа нима бало қўшарди, — деди Жавлон кулиб. — Камроқ ичдиларинг, шунинг учун ланжсанлар.

— Гапинг тўғри, камини ҳали ресторанда тўлдирамиз. Ма, таксида бора қол ўқишинга, — деб пул узатган Шоҳид кесатиқ оҳангига кўчди: — Катта олим бўлиб кетиб, Нобель мукофоти олганингда биз бечора ланжларни ҳам эслаб қўярсан.

— Пулинг керак эмас, автобусда кетавераман. Нобельни олганимда „Оғайним камтар эди, оламшумул ғоялари автобусда туғилган“, деб мухбирларга гапириб берарсан.

Жавлон шундай деб кулди-да, қўналға томон юрди. Кетатуриб нима учундир ёлғиз ўзи арақ ичиб ўтирган йиғит томон қаради. У ўтирган шийпон бу ердан кўринмас экан. Автобусга чиққанда ҳам қаради, кейин нима учун қизиқиб қолганига ўзи ҳам тушунмай ажабланди. Арақ қўйиб ичаётган нотаниш йиғитнинг қайғули чехраси кўз олдидан кетмай қолди. Бу дунёда қайғули одамлар кам

эмас. Гарчи Жавлоннинг ўзи чинакам қайғуга дуч келмаган бўлса-да, хафақол одамларни учратган эди. Учратган-ди, бироқ уларга ҳамдард бўлмаган эди. Шу ёшга етгунига қадар егани олдида, емагани ортида бўлган одам бировдаги қалб ярасининг азобини ҳис қила олармиди?! Ҳозирги айгитга ҳамдард бўлиш нияти йўқ, шунчаки „Бечорага нима қилибди экан“, деган қизиқиш билан кузатаётган эди. Гуё у бечора ича-ича чарчагач, Жавлонга ҳасрат дафтарини очадигандай эди.

Вужудини қамраб олган ғазаб оловида қоврилаётган Қамбар ёндаги шийпонда ўтирган уч оғайнига мутлақо лътибор бермаган, туриб кетишаётганда улар томон қараб ҳам қўймаган эди. Яқин ҳафталар ичида булар билан йўл-лари кесишиши мумкинлигини билганида, балки изларини кузатиб қолармиди...

Сарв иссиғига қўшилган арақ ҳарорати бошини айлан-тира бошлагач, „Бирон нарса еб олмасам, ҳозир думалаб қоламан, сал оширвордим шекилли“, деган ўйда хизматчи-ни чақириб „Ейишга бирон нарса олиб кел“, деди.

— Паловми, мантими, бешпанжами, жизми, қозонка-бобми, димламами...

Таомларнинг номларини эшитиб, кўнгли айниди. То-могидан бир луқма ҳам ўтмаслигини англаб, афтини бу-ришгирди. Хизматчи унинг аҳволини сезиб, изига қайт-моқчи эди, „Балокабоб бўлса ҳам олиб кел!“ деб, нимадан-дир ҳафсаласи пир бўлган одам каби кўл силгади. Хизматчи қаялламади. Бир ликопчада ёқимли ҳид таралиб турган қозонкабоб билан, иккинчи ликопчада кўкатлардан тайёр-ланган салат олиб келиб қўйди. Гуштниг хуш бўйи ишта-қасини қитиқлаб, кўнгил айнишидан халос қилди. Таом-дан олдин яна бир кўтариш мақсадида арақ қўйди. Лекин пиёлани димоғигача олиб келди-ю, ҳидидан сесканиб, жо-йига қайтариб қўйди. Қамалмасидан олдин улфатлар билан ўтирганида ҳам кўп ичмасди. Ярим пиёладан ортиқ қуй-дирмасди, учинчи марта олаётганида хиқичоқ тутарди-ю, „Қандайдир куч мени тўхтатмоқчи“, деган ўйда ичишни бас қила қоларди. Дўстлари зўрласа ҳам тўртинчисини ол-масди. Нафси зўрлик қилиб олса, эртасига кун бўйи азоб-таниб юрарди. Ҳозир ҳам уч марта олди. Фақат, одати бў-йича ярим пиёладан эмас, тўлдириб-тўлдириб ичди. Уни

---

тўхтатиб қоладиган ичидаги номаълум куч бу сафар гафлатда қолдими? Ё қамоқдаги азобли кунлари эвазига аядами, ё сийладими?

Қамбар гўштнинг ҳаммасини ея олмади. Ўша ичидаги номаълум куч сийлашга сийлаб қўйиб, энди ичини куйдира бошлаган эди. Хизматчини чақириб, муздек „кола“ олиб келишни буюрди. Буйруқ бажарилгач, пиёлага қуйишга ҳам қаноат қилмай, кўтарди. Шундан кейингина вужуди азобдан кутулди. Ҳисоб-китоб қилиб, ўрнидан тураётганида хизматчи яримлаган шишани олиб, „Буни ўраб берайми?“ деб сўради. Қамбар ғам харсанги остида эзилаётганини бу бегона йигитга фош қилиб қўймаслик учун жилмайишга уриниб, ҳазил қилди:

— Ўзинга олиб қўй, томоғинг оғриси компресс қиларсан...

— Бу ароқларнинг додаҳўжасини компрессга ишлатиш увол-ку? — деди хизматчи ҳазилга жавобан кулиб.

— Сен компрессни томоғнинг устидан эмас, ичидан қил...

Хизматчи арақ шишасини стол устига қўйиб, гандираклай бошлаган мижозини кузатиб, қўлтиқлаганича зинадан тушириб қўйди. Қамбар унинг лутфига қаршилиқ қилмади. Хизматчи изига қайтгач, жойида қотиб турди. Кўз олдида аргимчоқ мисол чайқалаётган дарахтлару иморатлар ўз нуқталарида тўхтагач, кўчанинг нариги бетида турган қора „БМВ“га тикилиб қолди. Бу машина шийпонда ўтирганидаёқ диққатиини тортган эди. Сотилиб кетган машинасини эслатгани учун эмас, қора кўзойнакли ҳайдовчининг ўзи томон қараб тургани учун сезиб, диққат қилган эди. Ҳозир эса... қора кўзойнакли ҳайдовчи тушиб, унга кулиб қарагандай бўлди. Қамбар янада синчиклаб тикилди, уни кимгадир ўхшатди. Ҳайдовчи қора кўзойнагини олиб, унга „Қалайсан?“ дегандай қўл силкиб қўйди. Таниди: Сардор... Ўша лаънати Сардор!

Қамоқдалигида у билан учрашиш онларини тасаввур қиларди. „Қамоқдан чиққан куним, қидириб топаман-у, бўғиб ўлдираман“, деб ўйларди. Қамоқдан чиқди. Лекин қидириб топишга ҳожат йўқ. Бўғиб ўлдиришга ҳукм қилинган ўртоғининг ўзи рўпарасида кулиб турибди. Нима демоқчи, „Келақол, бўғиб ўлдиришингни муштоқлик би-

ан кутдим, хайрият, шу кунга етиб келдим“, демоқчими? Қамбар шуни хаёлидан ўтказиб сўкинди. Бўғиш у ёқда турсин, унинг башарасига қарашни ҳам истамай қолди. Нима қилишни билмай турганида бекатга троллейбус келиб тўхтади-ю, шарт чиқиб олди. Сал юргач, орқага қаради. „БМВ“ бурилиб, троллейбусга эргашиб келарди. Сардор унинг қараб турганини кўриб, „Туша қол“ деган маънода қўл силтади. Қамбар ўгирилиб олди. Тўрт бекат ўтиб чарасаки, яна ўша аҳвол. „Бу сурбетдан кутулиб бўлмайди“, деган хаёлда бешинчисида тушди-ю, жойидан жилмай турди. Сардор машинани сал берида тўхтатиб тушди-да, доғинган дўст қаби кучоғини очиб, унга яқинлашди. Қамбар у билан сўрашиш истаги йўқлигини маълум қилгандай тасарилди. Қўл ҳам узатмади.

— Ошначилик бунақа бўлмайди, оғайнижон, шунга шунчаликми? — деди Сардор қўл узатиб, — Кел, бешни ташла!

Қамбар қўлларини шимининг чўнтақларига тикиб, унга қошларини чимириб қаради:

— Ошначилик қанчалик бўлиши керак, ошнажон? — деб личинг қилди.

— Сен мени бекор айбляяпсан. У кампирга қўлимнинг учини ҳам теккизмаганман. Тўғри, ҳовлига кирдим, кейин қочиб чиқдим. Қочганим яхши бўлган, агар иккаламиз қўлга тушганимизда баттарроқ бўларди.

— Бундан баттари бўлмайди.

— Унақамас, баттарроқ бўлиши ҳам мумкин эди. Бу ерда савдо қилмайлик, майли, кўришгинг келмаса кўришма, машинага ўтиргин, йўл-йўлакай гаплашамиз. Гапим ёқмаса, башарамга тупурасану тушиб кетаверасан.

Қамбар „Яна қандай найрангинг бор?“ дегандай нигоҳини қадаб тургач, „Тикилиб тургандан кўра, ҳозирча башарасига тупуриб тушиб кетганим афзал, бўғишни кейинги сафарга қолдира тураман“, деган ўйда машинага ўтирди. Сардор мақсадга дарров ўтмади. Машинани юргизиб, ошнасига уч-тўрт қараб олгач, тилга кирди:

— Ўтган ишга саловат. Минг йиллик ошначилигимиз бир кунда бузилмаслиги керак.

— „Ошначилигимиз“ дедингми? — Қамбар унга ғазабли нигоҳини қадади: — Ошначиликни бузмаслик учун судда

кўринмаган экансан-да, а? Зонанинг қардалигини ҳам билмасмидинг?

— Ҳадеб таъна қилавермасдан тумшугимни бир уриб ёрганинг яхшийди. Боргим келди. Лекин мени кўриб газабдан ёрилиб кетишингни билардим. Шунинг учун кўзингга кўринмадим. Лекин... миннат қиляпти, демагин-у, сени у ёқда ёлғизлатиб қўймадик.

— Нима?! „Ёлғизлатиб қўймадик“? Ким билан ёлғизлатмадинг, нима демоқчисан?

— Яхши акахонларим бор, уларнинг сен ўтирган ерда гапга кирадиган одамлари бор. Терговда бир марта калтаклашганидан кейин қўл кўтаришмадимми? Этап бўлганининг учинчи куни „Ҳаким чақ-чақ“ деган одам келиб сен билан саломлашди ми?

— Буни қардан биласан?

— Биладан-да, — Сардор „Зўрманми“ дегандай кибрлашиб кулиб қўйди. — Унинг кимлигини кейин билгандирсан, зонани ётқизиб-турғизармиди? Нима дердиларинг, „зонанинг авторитети“ми?

— Қани, гапиравер-чи...

— Бошқа гапим йўқ. Мен дўстини унутворадиган хунасэ эмасман.

Сардорнинг гаплари Қамбарни гангитиб қўйди. Қамоқдалигида енгил ишга қўйилиши, кутилмаганда муддатдан олдин озод қилиниши... бежиз эмас экан-да?

— Тушундим... — деди Қамбар, — сен менга соябон бўлибсан, энди мен сенга пайтава бўлишим керак, шуни айтгани кутиб турувдингми?

— Яқинда бир одам мендан „ҳақиқий дўстинг борми?“ деб сўраганида, борликка бор-у фақат сал аҳмоқроқ-да, дегандим. Тўғри айтган эканман. Аҳмоқлигинг шундаки, ҳозир ҳамма туфли кияди, пайтава ҳеч кимга керак эмас. Мен сенга соябон эмасман, дўстман, сенам пайтава эмасан, қиёматли ошнамсан.

— Ошначиликни йиғиштириб ташлаган бўлсам-чи?

— Мен йиғиштирмаганман. Ҳозир ловиллаб турибсан, хумордан чиққунча сўкавер, кейин совийсан. Совуганингдан кейин яна ўша-ўша ошнализ-да!

Хумордан чиққунча сўкишга ижозат берилган бўлса-да, Қамбар тилини тийди. Безбет одамни сўкиб, хумордан

чиқа олмаслигини билди. Яна бир оз юришгач, кесатиқ оҳангида сўради:

— Омадинг чопганга ўхшайди, а?

— Чопгандаки, у ёқ-бу ёги йўқ, — деди Сардор ғурур билан.

— Тилла кони топдингми?

— Ландавурлар кон топишни орзу қилиб юришади. Мен ландавурмасман, ишбилармон одамман! Сенам ландавур-массан, кўнглингни чўктирма. Тўйхоналардаги акахонларинг бутун қадрингга етмаган бўлишса, эртага остонангга ўзлари эмаклар боришади. Ўшанда хоҳласанг, суяк ташлайсан, хоҳласанг, орқаларига битта-битта тепиб, чиққан жойларига киргизворасан.

— Бу гапни қаяқдан олдинг? — деди Қамбар ажабланиб.

— Боя тўйхонадан чиққан пайтинг башарангни кўзгуда кўрганингга ўзинг ҳам кўрқиб кетардинг. Шу арзимаган нарсага жонинг чиқяптими? Тўйхонадаги ишинг ишми? Бировнинг қўлига қараб қуллуқ қилиб туриш ўзингга ёқадими?

— Сен-чи, қуллуқ қилмайсанми?

— Қиламан, лекин мукофоти шунга яраша, кўриб турибсан-ку?

— Кўриб турибман-ку, лекин тушунмаяпман. Қанақа ишбилармонсан, ақлим етмаяпти.

— Фақат сенинг эмас, яна кўп одамнинг ақли етмайди. Мен оппоқ кукунни кўм-кўк пулга айлангирадиган қўшма корхонада ишлайман. Битта бўш ўрин бор, сенга аталган, ўйлаб кўр...

Сардорнинг бу гапи Қамбар учун янгилик эмасди. Унинг қорадори кукунини ҳидлаш билан чекланмай, савдосига аралашганидан хабардор эди. У ҳозир тилга олинган, қамоқ лагеридан айнан шу савдо билан шугулланувчи Ҳаким чақ-чақнинг паноҳига ўтиб қолганининг сабабини энди англаб етди. У Сардорнинг ўргимчак тўрига бу қадар ўралиб кетишини кутмаган эди. „Ўзи расво бўлгани етмагандай, мени ҳам тортмоқчими? Қорадорига ўралашган одамнинг бўйнига тушадиган сиртмоқ аниқ-ку, мен буларга қўшилиб барака топаманми?!“ Бу таклиф ҳозирнинг ўзида ҳақиқатга айлангандай, ҳозирнинг ўзида қамоқхона сари олиб кетилаётгандай туюлиб, Сардорга бақриб юборди:

---

— Тўхтат машинани!

— Бу машина тўхтамайди, бунга ўтирган одам йўлда тушмайди, — деди Сардор бепарво оҳангда.

— Тўхтат, деяпман!

Сардор кулиб қўйиб, ошнасининг сочини чангаллаб, ҳазилакам тортиб қўйди. Қамбар бошини четга олишга ҳам улгурмади.

— Ҳазиллашдим. Ўпкангни бос. Оғайнилар пойлаб ўтиришибди. Аданг касалхонада эканлар, уйдагиларни безовта қилмайлик, деб ресторанда жой қилдик. Бир пас ўтириб, юракларнинг чигилини ёзамиз.

— Сен бор жойда юрак сиқилади, чигили ёзилмайди, — деб тўнғиллади Қамбар.

— Юрагинг сиқилса, мен чиқиб кетаман. Ҳозирча шу кўришганимиз етади.

Самарқанд дарвозадаги рестораннинг кичик бўлмасида улфатлар тўпланишган эди. Авваллари ким уйда зиёфат беролмаса, улфатларини шу жойда кутарди. Қамбар соғинган дўстлари билан бир-бир кучоқлашиб кўришгач, тўрда ўтирган жўрабоши унга ёнидан жой берди. Улар аввалдан келишиб олишганмиди, жўрабошининг „Эсон-омон келдингми“, деган саволидан кейин қамоқ ҳақида сўз очишмади. Қамбар жавобни янада қисқа қилди, „Ҳа“, дегандай бош ирғаб қўя қолди. Суҳбат мароми худди аввалги йиллардагидай бир тоғдан, бир боғдан бўлди. Ҳатто Қамбар билан бир неча йил дийдор кўришмаганлари ҳам эсдан чиққандай эди.

Мана шуниси Қамбарга малол келди. Чиқиб кетишни истади. Жўрабоши унинг аҳволини сезиб, „Ҳа, нимадан безовтасан?“ деб сўради.

— Адамдан хабар олишим керак, — деб баҳона қилди Қамбар. Аслида отасини эрталаб зиёрат қилган, энди оқшом чоғи келишга ваъдалашган эди.

Жўрабоши пойгакда ўтирган Сардорга савол назари билан қаради, у ижозат маъносида кўз қисиб қўйгач, ёнидаги кути устида турган телефонни олиб, Қамбарга узатди.

— Нима бу? — деди Қамбар бир телефонга, бир дўстига ажабланиб қараб.

— Ошналарнинг суюнчиси, — деди жўрабоши.

— Керакмас, телефоним бор, — деди Қамбар.

— Телефоннинг борлигини биламиз. „Ҳаляни қайтариш мумкин эмас“. Телефон ҳар жиринглаганда дўстларингни эслайсан.

— Жирингламаса ҳам эслайман. Сенлардан бошқа дўстларим йўқ менинг.

— Буни биламиз, — жўрабоши шундай деб телефонни стол устига қўйди-да, кейин хатжилтни узатди.

— Бунинг нима?

— Буми... — Жўрабоши муғомбирлик билан кулимсиради: — Бу жарималаринг.

— Қанақа жарима?

— Неча марта улфатга келмаганингни ҳисоблаб кўрмадингми? Биз ҳисобладик. Сардор айтмагандир, сен йўқлигингда „гап“ни йиғиштириб турдик. Ҳайлаб қарасак, „гап“га келмаганимиз учун ҳаммамиз жаримага тушибмиз. Бу уша жарима пуллари.

— Керакмас...

— Керак, оласан, — деди жўрабоши қатъий оҳангда. — Амакимнинг дори-дармонларига ишлатасан, савоби бизга ҳам тегади.

„Гап“ деб аталмиш улфатларнинг ҳафталик зиёфатига кеч келган беш минг, келмаган эса ўн минг сўм жарима гуларди. Жарима пуллари тўпланганда тоққа чиқиб дам олиб қайтишарди.

Қамбар шуни эслаб, пулни нари сурди:

— Кейинги ойда тоққа чиқамиз.

— Тоғнинг харажати бошқа. — деди жўрабоши. — Уч-тўртталаб ошга қарз бўлганлар навбат кутиб туришибди.

Ортиқча гапга ҳожат қолмаган эди. Қамбар дўстларининг садоқати учун раҳмат айтиб, кетишга изн сўради. Жўрабоши худди ёши улуғлар каби чиройли дуо қилгач, улар қузатувида кўчага чиқди. Сардор:

— Ҳзим олиб бориб қўйиб қайтаман, яна кетиб қолма-ларинг, — деб машинаси эшигини очди.

Қамбарнинг у билан бирга кетгиси йўқ эди, дўстлари қараб тургани учун машинага истамайгина чиқди. Сардор „Қаёққа?“ деб ҳам сўрамай, машинани шаҳар марказига қараб эмас, маҳалла томон бурди.

— Мен касалхонага боришим керак, — деди Қамбарнинг мақсадини англаб.



— Борганинг билан ҳозир киритишмайди. Уйингга кириб, бир уйқуни ол, кечки салқинда келиб, ўзим олиб бораман.

У айтмаса ҳам шундай қилмоқчи, отасининг ҳузурига оғзидан арақ ҳидини бурқситиб киришдан орланаётган эди. Шу боис Сардорнинг таклифини индамай қабул этди.

— У ёқдалигимда „гап“ни тўхтатишларинг мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эдим.

— Ҳали кўп нарсани ўйлаб кўрмагансан. Биз ош дўстлари эмас, жон дўстларимиз. Дўст учун жон ҳам беришга тайёرمىз, — деди Сардор ғурур билан.

Қамбар „Қилғилияқни қилиб қўйиб, дўстини қамоққа рўпара қилган одам жонини қанақасига беради“, деб бир илиб олмоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Бу заҳарли гап ўрнига пичинг оҳангида:

— Жон беришга тайёрлигингни биламан, лекин... машинангни бериб туришга тайёرمىсан? — деб сўради.

— Шу матохними? Гап йўқ! — Сардор шундай деб машинани четга олиб тўхтатди.

— Нега тўхтадинг?

— Шу машина сеники. Истаганингча ишлат. Ўзинг янгисини олганингда қайтарасан, — Сардор машинадан тушди. — Ўт жойингга.

— Ҳазиллашдим.

— Мен бунақа ҳазилга тушунмайман. Ишонмайсан-у, лекин аслида шунақа ниятим бор эди. Айтсам, қайсарлик қилиб туриб олган бўлардинг. Ишимни Худонинг ўзи ўнглади.

Қамбар ҳам машинадан тушиб, унга тик қаради:

— Раҳмат, оғайни... иш топгунимча бу додахўжа аравангда киракашлик қилсам гашинг келмайдими?

— Билганингни қил, деяпман-ку!

## БЕРКИНМАЧОҚ

Файрат „Боинг“нинг дум томонидаги бўш ўринга жойлашди. Самолёт ердан узилиб, лозим баландликка чиқиб олгандан сўнг камарларни ечишга ижозат берилган дамда самолёт бекаси Файратга яқинлашиб, ширин бир табассум ҳадя этди-да:

— Жаноб Жалилов, сиз бизнсс-класс салонига ўтишининг керак экан, — деди.

— Нега? — деб ажабланди Файрат. Унинг катта амалдорлару бойлар учун ажратилган бўлмага таклиф этилиши кўтилмаган ҳол эди.

— Ҳурматли йўловчиларимиз учун авиакомпаниямизнинг алоҳида илтифоти бор, — деди самолёт бекаси яна кўрин жилмайиб.

Файрат таклифни инкор этиш кераксиз нозланиш ўрнида қабул этилишидан истиҳола қилиб, ўрнидан хоҳлашгагина турди-да, қизга эргашди. Самолётнинг тумшук томонидаги бўлмада одам кўп эмасди. Бир-бирига юзма-юз ўрнатилган икки ўриндиқ ўртасидаги пастак стол устида егулик ва ичимликлар қўйилган эди. Самолёт бекаси Файратни тўрдаги ўриндиққа таклиф этди. У ўтиришга ултурмай, рўпарасида пайдо бўлган Фирромни кўрди-ю, бу ҳақда чиққанига афсусланди. Самолёт бекаси уларга ҳамон қилмайиб қараб тургани сабабли, шарт туриб, изига қайтиш нокулай эди.

— Йигитнинг гули шунақа жойда ўтириши керак, — деди Фирром заҳил юзига қувонган одамнинг кўринмас ниқобини тортиб. Бунақа найранглardan бегона Файрат бу тўтфга қошларини чимириб қўйиш билан жавоб қилди.

Самолёт бекаси уларнинг бу учрашувидаги совуқликни сезса-да, ўзини билмаганга олиб, қадаҳларга мусаллас қуйгач, „Яна хизмат борми?“ дегандай Фирромга қаради. Фирромнинг „Кетавер“ маъносидаги ишорасидан сўнг муте чўри мисол икки қадам тисарилиб, кейин бурилди-да, изига қайтди.

— Жаҳлинг чиқмасин, — деди Фирром мусалласдан бир кўтлаб қўйиб. — Сени атайин пойлаб чиқмадим. Москвада қиладиган ишларим бор. Казиноларни беркитишгандан кейин у ерда ишлар бошқача бўлиб кетган. Ўриснинг ҳукумати қонун қабул қилаверади, биз ўз ишимизни билиб давом эттираверамиз. Бир ярим соат вақтимиз бор экан, балки гаплашадиган гапимиз чиқиб қолар?

— Сиз билан бу ерда бир ярим соат нима ҳақида гаплашиш мумкин?

— Тўғри айтасан, гап жонингга теккан. Шунинг учун ҳам мажлисинг тугамай жўнаворяпсан. Ўтган куни гапи-

раётганимда бирданига тутаб кетганингнинг сабабини айтимайми?

— Тутаганим йўқ.

— Тан олавер, тутаб кетдинг. Яна бир пас ўтирганингда ёниб ҳам кетардинг. Нимагалигини ўзинг биласан, тўғри гапирётганимни билтиб турсанг ҳам, тан олгинг келмайди. Ҳақиқатни тан олгиларинг келмагани учун ҳам ишларинг юришмайди. Наҳанг балиқлар нима учун дунёни талашиб ётишибди? Нефть-газ учунми? Ҳа! Лекин бу тарозининг бир палласида. Аслида эса тарозининг иккинчи палласидаги қорадори посангини босиб турибди. Советнинг урушида афғонда ўлган жангчиларнинг қорнига қорадори тикиб олиб ўтганларни устозларинг билмасмиди? Биларди! Лекин қўлидан ҳеч бир иш келмасди. Бу ишнинг тепасида турган генералларга гапириш у ёқда турсин, тик қарашга қўрқиншарди. Сенлар эса бир ландовурнинг чўнтагидан тўрт грамм қорадори топсаларинг, „Зўр ишляпмиз!“ деб оламга жар солиб юраверардиларинг.

Фирром „Буни ҳам инкор этасанми?“ дегандай савол нигоҳини қадаб, жавоб кутди. Файратнинг суҳбатлашишга хоҳиши йўқ эди. Истеҳзо билан жилмайиб, гапни калта қилди:

— Алмисоқдан қолган ҳақиқатларингизни Ригадан Москвага қадар дастурхон қилиб ёймоқчимисиз? Кимга керак бу?

— Сенга керак.

— Менга? Мен бугуннинг одамиман. Кеча билан ишим йўқ.

— Кеча билан бугун бошқа-бошқа деб ўйлайсанми?

— Себзорлик акахон, кўйинг бу гапларни. Сиздан ҳам, мендан ҳам файласуф чиқмайди. Сиз устаси фаранг қиморбозсиз, мен оддий бир милисаман. Икки кундан бери атрофимда хира пашшадай учиб юришингиз бекоргамас. Илгарилари „Картани очиб ташлаб ўйнайдиган мардман“, деб керилардингиз. Нима, энди хотинчалиш бўлиб қолдингизми?

— Тилинг сассиқ, сен боланинг. Акахонига ҳам шунақа дейдими?! Ўғрига шунақа десанг биласанми, нима бўлишингни? Қассобнинг илгагига тилингдан осиб кўйишади. Майли, феълингни билганим учун мен кечирдим, ҳар ҳолда йигирма йиллик қадрдонмиз.

— Қариндошимиз, демаганингиз учун ҳам раҳмат.

— Керак бўлган пайтда қариндошлигимизни ўзинг ис-  
бот қилиб берарсан. Ҳозир... — Фирром қувлик билан кул-  
ди, — ҳозир талабларга мувофиқ картани очамиз. Мен би-  
лан қимор ўйнаб ютқизган эдинг. Шунинг учун бу сафар  
енгилроқ ўйин таклиф қилмоқчиман. Беркинмачоққа қа-  
йсан?

— Беркинмачоқ?

— Ҳа. Болалигингда беркинмачоқ ўйнагандирсан? Сен  
кўзларингни кафтларинг билан беркитиб, „Бўлдими, бўл-  
дими“, деб турасан. Кимдир „Бўлди!“ деб бақиради. Кў-  
зингни очиб қарасангки, атрофингда ҳеч зог йўқ. Шу кун-  
ларда сенам бир-икки марта беркинмачоқ ўйнаб берсанг  
бўлди. Беркинганлардан уч-тўрттасини топганинда „дук-  
дук“ деб маррага югуриб қолмасдан, кўзларингни яна бир  
ластгина юмиб тураверсанг етарли. Кўзларингни очганин-  
да ўша бола ўрнида тилла тоғни кўрасан.

— Шунинг ўзими? — Файрат унга бургутқараш қилди.  
Фирром „Бунақа қарашларинг менга таъсир этмайди“, де-  
гандек унга хотиржамлик билан тикилиб, киприк қоқма-  
ган ҳолда жавоб берди:

— Ҳа.

— Кеча бу ишлардан четта чиқиб кетганман дегандин-  
гиз? Қайси гапингизга ишонишим керак? Ё қиморбозлар-  
нинг тайини бўлмайдимми?

— Кечаги гапимга ишонавер. Бунақа ўйинлардан чет-  
таман. Бу таклиф мендан чиқмади. Тўғриси айтсам, бир  
одам шу гапни сенга етказиб қўйишимни илтимос қилди.  
Кел, қадрдонлигимиз ҳурмати, сенга очигини айта қолай:  
бу қайнотангнинг илтимоси. Дарров сачраб кетма, жаво-  
бингни ҳам ҳозир айтма. Қайнотангнинг нияти ёмон эмас,  
ўша тилла тоғ бегона бўлмасин, дейди-да. Кўнмасанг, сен-  
дан бошқа беркинмачоқ ўйнайдиганлар ҳам топилади. Шу  
пайтгача ўйинлар ёмон бўлмади. — Чўнтагидан телефон  
чиқариб, тугмаларини босиб, ниманидир ахтарди. Кейин  
излаган тасвири чиққач, Файратга узатди. — Танияпсанми?  
Ясситепадаги капитан эсинглами? Ўша воқеадан кейин ма-  
йорликни беришган эди. Бир йил милисага бошлиқ бўлиб,  
ҳақиқий хазинани қандай топишга ақли етди. Ҳозир қаер-  
далигини биласанми? Россия фуқароси у! Ана энди уйла-

рини томоша қил. Зўрми? Бухоро амири кўрса ҳасаддан юраги ёрилиб ўларди. У мақтанадиган „Ситораи моҳи хосса“ бу сарой олдида бир оғилхона-ку? Тўғрими? Ана энди ўйла: собиқ советнинг милиция капитани оладиган пенсиясига қурдими буларни? Сен амал стилингда яна икки йил ўтирарсан ё уч йил. Кейин-чи? Погонсиз юрадиган пайтингда сени биров одам ўрнида кўрмайдиган бўлади. Сен бошқалар учун, ўзинг айтгандай, оддий бир милиясан, бошқа гап йўқ. „Шу одам болаларимизни қорадоридан ҳимоя қилиб қариди, барака топсин“, демайди ҳеч ким. Тўғри ишласанг-ишламасанг, сени мана шу капитан билан бир қаторда кўришади. Мен сени унга ўхшатмайман, лекин гап бор-ку, „Еса ҳам, емаса ҳам, бўрининг оғзи қон“. Ундан кўра еган яхши-ку?!

Фирром гапиравериб томоғи қуриган кишидай лабини чапиллатиб қўйиб, мусалласдан яна бир ҳўплагач, Файратдан нигоҳини олди. Гарчи „Жавобингни ҳозир айтма“, деган бўлса-да, унинг нимадир дейишини кутди. Файрат эса Фирромнинг туллаглик маҳоратига бир қойил қолиб, бир ғазабланиб, ундан нигоҳини узмай, тикилиб ўтираверди.

— Жимиб қолдингиз, фалсафий фикрларингиз тугадими, акахон? — деди пичинг қилиб.

Фирром унга қараб жилмайди:

— Менинг фикрларим эмас, сенинг тоқатинг тугадими, дейман?

— Тоқатми? Тугамади... Чунки сиз билан гаплашишга тоқатнинг ўзи бўлмаган. Ясситепада шунга ўхшаш таклифингизни қабул қилганимда ишониб-ишонмаган эдингиз-а?

— Ишонмагандим. Лекин барибир сендан фойдаландим-ку?

— Фойдаландингиз... — Файрат шундай деб унинг юзидаги тиртиққа ишора қилди. Фирром буни сўзлагандай, аҳамият бермади. — Ҳозир „Хўп“ десам ишонасизми?

— Менми? Шахсан мен ишонмайман. Қайнотангга ҳам Ясситепани эслатганман. „Орадан йигирма йил ўтди, энди унинг ҳам яйраб яшагиси келаётгандир“, дейди.

— Ўрисларнинг „Букрни гўр ўнглайди“, деган мақолини ҳам эслатмабсиз-да?

— Ичимсан, йигитнинг гули! Худди шу гапни айтдим. Лекин қайнотанг сенга яна бир имконият бермоқчи бўляп-

ги-да. Топганинг ўзингга эмас, хотинингга ҳам ярайди. Балки Моҳидилни Исроилга ё Америкага олиб бориб давлатиш керакдир.

— Бўлди! — Файрат ўзини тутолмай, кафтини столга қўрди. Атрофдагилар уларга ажабланиб қараб қўйишди. Файрат бундан истиҳола қилиб, паст, аммо ғазабли овозда тавом этди: — Моҳидилнинг соғлиғини бу ишларга ара-таштирманг. Ҳамтовоғингизга етказиб қўйинг: мен уни қўлига кишан солган куним ўзимни энг бахтиёр одам деб ҳисоблайман.

— Катта гапиряпсан, йигитнинг гули, унга қўлинг етмайди, „Интерпол“га ишонсанг, ўзингни бахтиёр ҳисоблай олмасдан ўтаркансан, дунёдан.

Файрат столни яна бир шапатилаб, ўрнидан турди.

— Шошилма, яна бир чала гап бор. Сенга икки одамнинг гапини етказишим керак эди, биттасини эшитдинг. Иккинчиси...

Шундай деб чўнтагидан бир узук чиқариб узатди.

— Бунинг жавобини айтган эдим-ку? — деди Файрат жойига ўтирмай.

— Яхшироқ қара, бу бошқа узук. Кеча кўрганингнинг нархи осмонда эди. Буниси анча паст, лекин эгаси учун чиқоётда қимматбаҳо саналган экан. Бу узукни олишинг керак, чунки сенга аталмаган. Етказиб қўйишимни Бўрон олтимос қилган. Ўшанда ўзи беришга улгурмай қолган экан. Бу узукни отаси Моҳидилнинг бувисига атаб асраган экан. Бўроннинг пулига келмаган. Отаси ўладиган пайтда пулга зор бўлганида ҳам соттирмаган экан.

— Моҳидилнинг бувисига насиб қилмаган экан, она-эига ҳам, ўзига ҳам бу матоҳ керакмас, эгаси қайтариб беринг.

Файрат шундай деб чиқиб кетди. Энди Фирром билан бошқа кўришмайман, деган эди, лекин самолётдан тушганда яна рўпара бўлди.

— Себзорлик ёмон бўлиши мумкин эмас, мусофирлик-да учрашган укахонига хизмат қилгиси келса-ю, укахони қайсарлик қилиб „Йўқ“, деб туриб олса, ёмонлик кимнинг ҳисобига ёзилади. Кела-келгунча шуни ўйлаб, жавоб топа олмай қийналдим, — деди муғомбирлик билан жилмайиб.

— Яна қанақа хизмат? — деди Файрат тўнг оҳангда.

— „Шереметьево“ билан „Домоделово“нинг ораси анча йўл. Машинада жим кетиш шарти билан сени кузатиб қўйсам... Қўрқма, мен Тошкентга учмайман, шу ерда қоламан.

Файрат таклифни қабул қилишга иккиланди. Узоқ ўйланиб туриши ҳам мумкин эмасди, шу сабабли „Қани, яна қандай найранги бор экан“, деган ҳаёлда унга эргашиди. Фирром умум чиқиш йўли томон эмас, балки хослар учун ажратилган йўлакка қараб юрди. Чегара текшируви ҳам хосларга кўрсатиладиган эҳтиром мартабасида бўлди. Бу томонларда Фирромга ўхшаганларнинг юлдузни бенарвон ура олиши ҳеч кимга сир эмас экан, бу лутфдан Файрат ажаблансинми? У Фирромнинг „Кўрдингми, қойилмисан!“ деган маънода қараб қўйишини кутди. Лекин Фирромда мақтаниш аломати сезилмади, балки ўзини умр бўйи шундай эҳтиромда юрган юқори мартабали одам каби тутди.

Ташқарига чиқишлари билан башанг кийинган бир йигит келиб Фирром билан саломлашди-да, уларни сал нарида турган қора „Мерседес“ сари бошлади. Машина пешонасига кўндирилган ёниб-ўчувчи чироқни кўриб, Файрат шеригига бир қараб олди. Одатда, бу ерларда катта амалдорларга шунақа имтиёз берилгувчи эди.

Албатта, бу Фирромнинг хизмат машинаси эмас, лекин бунда керилиб ўтирувчи кимсанинг бир қиморбозга хизмат қилуви бошқалар учун ажабланарлидир, лекин Файратни алҳол бошқа нарса ўйлантирди: катта амални эгаллаб ўтирган одам Фирромнинг ўзига ўхшаган қиморбозларданми ё гирромларнинг чўнтаги ҳисобига кун кўрувчи маҳмадона сиёсатдонларданми?

Машина катта йўлга тушгач, пешонасидаги чироқни ёқиб, тезликни оширди. Файратни бу савол ўйлантираётганини сезгандай, Фирром изоҳ берди:

— Бу эшак арава Давлат думасининг депутатига тегишли. Депутат эса менга тегишли. Менинг пулимга сайланган. Масковга келсам, эмаклаб юриб хизматимни қилади. Менга шунақа машина тузук. Милисаси тўхтатмайди, титмайди. Масковдан Чукоткагача атом бомба ҳам олиб ўтишим мумкин. Ҳозирги замонда кимнингдир тили, кимнингдир қўли узун. Эсингдами, қадим замонда „Депутат — халқ хизматкори“ дейиларди. Бўрон акахонингда ҳам бит-

га-иккита шунақа хизматкор бор. Лекин Япончикни отиб кетишгандан кейин Масковга келмайдиган бўлиб қолди. Бу ердаги ёшлар билан чиқишмай қолган. Ёшлар билан ҳазиллашиб бўлмайди. Япончикни қорнидан отишганини эшитгандирсан-а? Мерган пешонадан отса ҳам бўларди-ку? Ёшларнинг қаҳри қаттиқ. Энг номдор ўғрини ҳам аёвсиз жазога ҳукм қилишган. Қориндан отилиши — осонгина жон бермасин, қийналиб ўлиши керак, дегани. Икки ой азобланиб ўлди, бояқиш.

Файрат „Сайраса сайрайверсин, мен жим кетавераман“, деган аҳдда эди. Бу ачинишдан кейин гапга қўшилганини ўзи ҳам сезмай қолди:

— Ўлдирадиган одам фақат Москвада отадими? Магаданга бормайдими?

— Боришга боради-ю... осон эмас-да.

— Акахонингиз Магаданга ажал етиб келмайди, деб ҳисобласа керак-да.

— Буни ўзини кўрганингда сўрайсан. Ҳар ҳолда индамай ўлиб кетмаса керак, узоқ бўлса ҳам қариндошлиги бор, ўлишидан олдин сенга учраб бир нима деб кетар...

Фирром кейинги гапини маъноли оҳангда айтди-ю, жим бўлди. Берган ваъдасига амал қилиб бошқа гапирмади. Файрат бир-икки ўғринча қараш билан уни кузатди: Фирром ёнида „себзорлик укахони“ ўтирганини унутгандай, йўл четидаги қайинзорлардан кўз узмай борарди. Файрат „Сергап қиморбознинг чидами кўпга бормасов“ деган ҳадикда унинг яна тилга кириб қолишини беш-ўн дақиқа кутди.

„Яқиндан таниш икки одам шунчалик ҳам бегона бўлиши... қизиқ... Қон-қонга қўшилмаслигини била туриб енма-ён ўтириш янада қизиқ. Ўпка-жигар, юрак, қошу кўз — бармоқ изларидан бошқа ҳаммаси бир хил. Фарқ фақат бармоқ изларида бўлса кошки эди, дунё бошқа...“

Шу онда мактабда ёд олган байтларни беихтиёр эсга олди:

Тор кўнгуллик беклар, манман деманг, кенглик қилинг,  
Тўқсон икки бўли ўзбак юртидур бу, тенглик қилинг.

„Кенглик қилиш осонмас, — Файрат шундай деб ўйлаб, Фирромга яна бир қараб олди. — Айниқса, мана бунга



ўхшаш Худо урган „бек“ларга кенглик қилиш мумкинми? Уларга тенглик қилиш қанақа бўлади?”

Бир ёқодин бош чиқориб, барча бир тўнға кириб,  
Бир ўнгурилик, бир тиризилик, бир яқо-енглик қилинг.

Мактабда ёдлаганида бу байтлар ажиб бир ҳикмат бўлиб туюлган эди. У дамда яхшилар атрофини ўраб-чирмаб турувчи қора қуюнлари тинмайдурган зулмат олами борлигини билмасди. „Бир ёқадан бош чиқариш“ жуда осон туюлган эди.

Ҳозир ўша дамларини эслаб, „Шунчалар соддамидим ё лақмамидим?“ деб гижиниб қўйди.

„Эҳтимол, доно шоир ҳаётида мана бунақаларга дуч келмагандир. Дуч келгандайди, бир ёқа-енглик қилишга даъват этишдан ўзини тиярмиди... Одам билан ит-мушукларнинг фарқи нимада? Ит-мушуклар қорин гамида овқат талашиб урушадилар. Одамларда бу қайғу йўқ. Одам гап талашади, амал талашади, бойлик талашади... Мен бу тавия билан нима талашяпман? Ҳақиқатми? Ҳозир шундай десам, у мени масхаралаб кулади“.

Файрат ёқимсиз ҳамроҳига яна бир қараб олиб, хаёлини тўзитаётган фикрларига якун ясади: „Бунақалар у замонларда бўлмагандир. Қаёқдан ҳам бўлсин? Бирови қўлга тушиши билан касали бошқасига юқмай туриб, шарт бошини кесиб қўя қолишган. Жиноятчининг айбини исботлаш учун ашёвий далиллар қидириб юришмаган...“

Файратнинг ҳадиги ўринсиз бўлди, Фирром бора-бор-гунча гапирмади. Унинг индамай кетиши Файратга ҳатто малол келди. Хайрлашар маҳали Фирром унга қўл узатган онла тилга кирди:

— Мени сендан ўлим ҳам ажрата олмади. Тақдирларимизнинг иплари бутунлай узилмаганга ўхшайди. Яқинда Себзор томонларга йўлим тушса керак, нима қилай, ака-укалик ҳурмати, сени йўқлаб қўяйми? Себзордаги чойхонада бир пиёла чой ичамизми?

Файрат унинг қувлик билан боқиб турган кўзларига тикилиб турди-да. „Ака-укалик ҳурмати туғилмай турибоқ ўлган эди, билмасмидингиз?“ деб узатилган қўлни жавобсиз қолдириб, кутиш бўлмаси сари юрди.

## „АРЗИМАС“ ФАЛОКАТ

Уч оғайни кириб келган бу ресторан кундузи ўтирган қойларидан анча фарқ қиларди. Шаҳар марказида жойлашган бўлишига қарамай, гавжум эмасди. Ичкари қисми гўқ жигаррангга бўялган, мижозлар хотиржам ўтирсинлар. кўнгилларига неки келса, шуни қилиб олинлар, деган мақсадда катта-кичик бўлмаларга бўлинган эди. Тўрда, ярим қулоч баландликда саҳна, саҳна ўртасида бешарм раққосларнинг нозли карашмалари учун аталган биллак қалинлигидаги оқ устунча ўрнатилганига қараганда, бу ерга келганларнинг димоглари керагидан ҳам ортиқ чоғланиши учун барча шароитлар муҳайё этилган эди. Ташқарига қоронгитик ўз ҳукмини ўтказиб, кун бўйи хизматда толиққанлар ўйларида хордиқ чиқара бошлашган, бунда эса ҳузурланиш вақти етмагани учун мижозлар ҳали тўпланмаган, саҳна ҳам шу сабабли бўш эди.

Уч оғайни бугун одатдагидан барвақтроқ келишди. Хумори тутган Жавлоннинг чидам торлари ғоят таранглашиб, ўзилиш ҳолига етди. Ичкари киришлари билан халоскорини қидиргандай атрофга умид билан аланглади. Хизматчи йигит уларни тавозе билан кутиб олиб, ҳамиша ўтирадиган бўлмаларига бошлади. Бу бўлма саҳнага яқин, эшик ўрнидаги пардаси сал суриб қўйилса, раққосаларнинг улама киприкларигача аниқ кўринарди. Саҳнанинг бўшлиги бу дамда уларни қизиқтирмади. Керакли одам ҳали келмабди, уларни паришон қилган хабар шу бўлди.

— Ошнанг нега тутун қайтаряпти, қачон келади? — деди Жавлон асабий равишда.

— Шошилма, — деди Шоҳид соатига қараб олиб, — биз вақтлироқ келдик. У ўзининг вақтига тақаб келади.

Хумор ўтида қоврилаётган Жавлон умидсизлик чоҳига қулай бошлаган бечора каби чуқур уф тортди-да, нафасини ютди. Шоҳид эса телефони тугмачаларини босиб, ниманидир излай бошлади. Бу жимликдан фойдаланган Радик ўзининг хасрат дафтарини очди:

— Шоҳ, „Қора балиқ“ни кўрдингми? Ўшани кино деб экранга чиқаришибди-я!? Сами Салим деган режиссёрга бирга учровдик, эсингдами? Мени иккинчи режиссёр қилиб олинг, дедим, кўнмади. Сценарий расво, мен бошқа

---

ёзиб берай, десам сўкиб ҳайдовди. Нега сўкканини энди билдим, ўзи ёзган экан. Биринчи ишида ўзини „кино юлдузи“ деб ўйловди, телевизорда чиқишидаги олифтагарчилигига қараганда, энди „кино худоси“ бўлибди. Аслида нималигини биласанми?

— Биламан, увада, — деди Шоҳид телефонидан кўз узмай. Радик шу режиссёрни ёмон кўргани учун тез-тез тилга олиб, хумордан чиққунича ҳақоратларди. Кечаги гапида „увада“ деб баҳолагани учун Шоҳид шуни такрорлаб кўя қолди.

— Олдингиси увада эди, буниси ахлат! — деди Радик. — Сен ҳали кўриб турасан, мен битта ишим билан уни балчиққа белаб ташлайман. Диплом ишимга қисқа метражли кино оламан-у юлдузларингу худоларингни ин-инларига кирғизвораман.

— Улар менинг юлдузларим эмас, — деди Шоҳид дўстига қарамай, — кино-пиноинг билан ишим йўқ.

— Нега ишинг бўлмас экан? Сен менинг бош продюсеримсан, ваъдангдан қайтмайсан! Берган сценарийимни ўқидингми?

— Ўқидим...

Шоҳид ўқимаган бўлса ҳам унинг хиралигидан қутулиш учун шундай деган эди. Лекин кутилмаган савол билан ўққа тутилди:

— Нима дейсан? Зўр ёзибманми? Ҳали бунақаси бўлмаган.

— Бунақаси бўлмаган, — деди Шоҳид телефондан нигоҳини узиб, — лекин охирида хол кўйибсан.

— Нега хол кўярканман, нимаси ёқмади?

— Охири ҳиндча бўлиб қолибди. Қаҳрамонларинг юради-юради, охири бахт-саодатга етишади.

Шоҳид ҳар бир кино асарига мос тушувчи баҳони таҳминан айтган эди, Радикка бу ёқмай, афтини буришгирди.

— Сен мени ҳақорат қиляпсан. Агар мен ҳинд киносига ўхшатиб ёзган бўлсам, демак, нол бола эканман-да!

— Нол эмассан, ёнига бир қўш, — деди Шоҳид масхара оҳангида. Радик буни тушунмади.

— Нимани қўшаман?

— Нолнинг ёнига бир қўшсанг, нол-бир бўласан. Бунинг нималигини билмайсанми?

— Билмайман, — деди Радик зарда билан.

— Довдирсан-да, шунинг учун билмайсан. „Нол-бир“ ўт ўчирувчиларнинг телефони-ку?

— Шунақа дегин? Мен ўт ўчирувчиманми? Ўзинг-чи?

— Менми? — Шоҳид заҳарли кулди. — Мен „нол-уч“ман.

— Масхара қияпсан-а? Сен биласанми...

— Ўчир! Ўчир деяпман! Жонимга тегдинг!

Ўртоғининг гинғир-гинғиридан безор бўлган Жавлон бақриб, силтаб ташлади. Радик унга жавоб қайтармоқчи эди, Шоҳид тўпиғига енгил тепиб қўйиб, „Индама“ деган маънода бош чайқаб қўйди. Жавлон эса кўкрагини чангалтаганича яна уф тортди:

— Ҳозир ёрилиб кетаман.

— Озгина чида.

Дўстининг тасаллиси баданини куйдираётган ҳисобсиз тўғлар устига сув сепгандай бўлди. Титроғи кучайди, унга кўзларини олайтириб қараб, бақриб юборди:

— Чидолмайман!

— Жим бўл-е, аҳмоқ! Онангнинг уйими бу ер?! — деди Шоҳид уни енгил туртиб.

— Сен бир кунмас бир кун мени ўлдирасан, — деди Жавлон совқотган киши каби дилдираб. — Ўзимга бериб қўйсанг бир жойинг камайиб қоладими? Топиб бераман ўша пулингми!

— Ўчир! Пулингни пишириб е! — Шоҳид бу сафар қаттиқроқ туртди, — Чўнтагингни тўлдириб қўяйми? Сен аввал тўғри ишлатишни ўрганиб ол. Ўзингга бериб қўйсам, акки кунда шишиб ўласан.

— Телефон қила қолсанг-чи!

Шоҳид унга қараб афтини буриштирди-да, яна додлаб юбормасин, деган ҳадикда телефони рақамларини терди.

— Фарҳод ака, — деди у томонда овоз эшитилгач, — кел-апсизми? Бир ошнализнинг қорни бураб оғриб, тувак қидириб қолди.

„Фарҳод ака“ дегани нимадир деган эди, Шоҳид кулиб „Хўп, хўп, акахон“, деганича Жавлонга қаради:

— Тиррақи болаларни қаердан топасан, деяпти.

— Келяптими ё йўқми?

— Қара, келяпти, ўпкангни бос, — Шоҳид шундай деб талдани сурди. Эшик оғзида Фарҳод кўриниб, нимқоронғи

ресторан уларнинг назарида ёришиб кетгандай бўлди. Айниқса, Жавлоннинг кўзлари чарақлади. Лекин тириклик суви ҳада этиши керак бўлган бу йигитнинг бамайлихотир юриб келиши, айниқса, хизматчи билан кулиб гаплашиб туриши унинг юрагини тарс ёриб юборай деди.

— Чақирсанг-чи, — деди бетоқатланиб.

— Тиришаверма, — деди Шоҳид жеркиб.

Фарҳод хизматчи билан гапини тутатиб, нимадандир қувонибми, елкасига уриб қўйди. Шу гуришида ён-атрофига аланглаб олгач, хавотирдан холи эканига ишонч ҳосил қилиб, уч оғайни ўтирган бўлмага қараб юрди. Ичкарига қадам босиши билан пардани тортиб ёпгач, аввал Радик, кейин Жавлон билан қўл учиди сўрашди. Жавлоннинг рангидан аҳволини сезиб, „Адо бўлибсан-ку“, деган маънода бош чайқаб қўйди, сўнг Шоҳиднинг юзига юзини қўйиб кўришди. Шу кўришиш асносида Шоҳиднинг чўнтагига учта халтача, Шоҳид эса унинг чўнтагига пул солиб қўйди. Фарҳод узоқ вақт кўришмай согинган дўст каби уни бағрига босиб қулоғига: „Нарх ошяпти, кейингиси янги нархда бўлади, ғиди-биди қилиб юрмаларинг“, деб шивирлади. Бу янгиликдан норози бўлган Шоҳид қовоғини солди-ю, аммо гапни кўпайтирмади. Бу йигит билан битадиган иш бозорнинг олди-сотдисидан эмасди. Тақдирлари ипининг бир учи қўлида бўлганидан кейин савдолашишга йўл қўярмиди? Уларнинг норозиликлари иш берармиди? Қовоқ уйиб ичларида сўкиниб қўйишдан бўлак яна қандай чоралари бор?

— Ўтиринг, акахон, улфатчилик қилайлик.

— Улфатчилик сенга ўхшаган бекорчиларнинг иши, мен хизматдаги одамман. Бўрини оёғи боқади! — У шундай деб шарбатни очди-да, қадаҳга қуймай, шундайлигича кўтарди. Уч-тўрт култум ичгач, лабларини чапиллатиб, кейин кафтига артгач, Жавлонга тикилиб қаради-да:

— Витамин ичиб турсанг, илигинг тўқ бўлади, — деган „қимматли“ маслаҳатни бериб, изига қайтди. Уни кузатмадилар. Уч оғайни жой-жойида қолди.

— Бўла қолсанг-чи! — деди Жавлон бетоқатланиб.

— Бугун росаям жонга тегдинг-да!

Шоҳид шундай деб минғирлаб, чўнтагидан халтачани олиб очди-да, узатилган кафтга озгина тўқди. Жавлон қо-

ғоздан найча қилишга тоқати етмай, кафтини бурнига тутиб, чуқур нафас олди. Иккинчи-учинчи нафасдан кейин рангига қон югуриб, чеҳраси очилди. Бир неча дақиқа аввалги асабийлиги кўтарила бошлади. Кафтидаги кукун тугагач, яна тиланчи мисол қўл чўзди.

— Ҳозир айтдим-а, сен очофат тортишни билмайсан, деб. Энди озгина сабр қил, — Шоҳид шундай деб халтачани буклаб, чўнтагига солмоқчи бўлди.

— Қизғанма. Яхши тортолмадим, ўпкагача етиб бормади.

— Яна озгина ташлай қол, — деб Радик унинг жонига оро кирди. — Ҳар ҳолда эрта-индин профессор бўлиб кетса, соясида юрармиз, керили-иб...

Шоҳид фикригагина „Ҳе, сенларни...“ деб сўкиниб қўйиб, яна бир чимдимдан ташлади. Ўзининг нафсини ҳам ранжитмади. Хизматчи келтирган арақни майдалаб ўтирмай, учга бўлиб, бир кўтаришда ичиб олишгач, кукуннинг кайфи билан арақники омухта бўлиб, кўзлари обдон боқилган қўчқорники каби қизариб кетди. Кўнгил хушлиги ана бир шодонликни талаб қилаётган дамда саҳнада созандалару ашулачи пайдо бўлиб, нимқоронги ресторанининг худалигини тўзатиб юборди. Ярим яланғоч раққосалар чиқишгач, Радик роҳат уммонида яйраб суза бошлади. Санъат аталмиш покиза руҳдан анча йироқ бўлишига қарамай, европаликлар маданият майдонига киритган „стриптиз“ дейилгучи беҳаё қилиқларнинг ўз юртига кириб кетишидан қувонганлар агар мингта бўлса, Радик шуларнинг эд қаторларида турарди, битта бўлса, роҳатланувчи ёлғизнинг ўзи эди. Агар эртами ё индин бу бемазагарчиликка барҳам берилса, аза тутиб, кўксини захга бериб ётадиган сўзмадалар орасида Радикнинг ўз ўрни бўларди. Ҳозир анча бундай хафагарчилик соя солмаётган эди. У пардани тортиб қўйиб, телефонига ярим яланғочларнинг тасвирини кўшира бошлади. Ўзининг ишидан ўзи қувониб:

— Радик Ҳосиловнинг „Супержононлар“ фильми „Эротика“ номинациясида гранпри билан тақдирланди. Продюссер Шоҳид Қаҳҳоров, маслаҳатчи Жавлон Муродов. Фонограммаларни олқишлаймиз! — деб қийқирди.

— Биттанг математика профессори, биттанг Оскар мушфоти ғолиби. Орада битта пачоқ мен эканман-да, — деди Шоҳид истеҳзо билан.

— Сен пачоқ эмассан, сен пачоқларни текислаб, одам қиладиган шефсан, — деди Радик телефонини у томон қаратиб. — Сенга... сахийлик бобида Нобель мукофоти берилади. Чунки... сен бизнинг валинеъматимизсан!

— Тўпла-тўғри, — деб уни қувватлади Жавлон, — биз овсар қўйлармиз, сен бизнинг чўпонимизсан, қаёққа ҳайдасанг, маъраб кетаверамиз.

Ҳазил тариқасида айтилган бу гап Шоҳидга ҳақорат бўлиб туюлди. Жавлонга ола қараш қилиб, ўрнидан турди-да:

— Кетдик! — деб амр қилди.

— Томошанинг додахўжаси энди бошланяпти-ку, тўхта, яна бир-икки кадр олволай, — деди Радик, унга илтижо билан қараб.

— Бўкиб қолганга ўхшайсанлар, бир айлантириб келай сен овсар қўйларни, — деб Шоҳид Жавлонга қошларини чимириб қаради. Кайф беланчагида сузаётган Жавлон бу пичингни тушунмади. „Кетсак кетаверамиз“, деб ўрнидан турди. Радикнинг яна ўтиргиси бор эди, лекин ихтиёри ўзида бўлмагани сабабли, оғринди. Саҳна ёнидан ўтаётиб бармоқларини лабига теккизиб, раққосаларга бўса ҳады этди. Раққосалардан бири тилини кўрсатиб, бурилиб олди, иккинчиси эса „Текин ўпичингни пишириб е!“ дегандай бурнини жийириб қўйди. Ширакайф Радикка бу қилиқ нозли карашма бўлиб туюлиб, яна қийқириб юборди. Жавлонга унинг бу суюлиши малол келиб, елкасига туртиб қўйди. Шоҳид валинеъматлик вазифасини адо этиб, емак-ичмак ҳақини тўлагач, ташқарига чиқиб машинага ўтиришди.

Борадиган манзиллари аниқ бўлмагани учун Шоҳид машинани катта кўчага ҳайдади. Эшик ойнакларини тушириб, юзларини шамолга тутиб роҳатланаётган ўртоқларига гашланиб қараб қўйиб, тезликни оширди.

— Секинроқ ҳайдасанг-чи, қаёққа шошяпсан? — деди Жавлон.

— Ҳа, куёнюррак, қўрқяпсанми? — деди Шоҳид масхара оҳангида.

— Қўрқяётганим йўқ. Кайфни бузаяпсан.

— Томинг кетибди, бола! Кайф секин юрганда юрак сиқилишдан бузилади. Тез юрмайдиган машина машинами! Мен қанотли машина чиқишини кутиб юрибман-ку!

— Сен пачоқ эмассан, сен пачоқларни текислаб, оли қиладиган шефсан, — деди Радик телефонини у томонга қаратиб. — Сенга... сахийлик бобида Нобель мукофоти берилди. Чунки... сен бизнинг валинеъматимизсан!

— Туппа-тўғри, — деб уни қувватлади Жавлон, — биз сар қўйлармиз, сен бизнинг чўпонимизсан, қаёққа ҳайлсанг, маъраб кетаверамиз.

Ҳазил тариқасида айтилган бу гап Шоҳидга ҳақоратлиб туюлди. Жавлонга ола қараш қилиб, ўрнидан турди.

— Кетдик! — деб амр қилди.

— Томошанинг додахўжаси энди бошланяпти-ку, тўхта яна бир-икки кадр олволай, — деди Радик, унга илтижа билан қараб.

— Бўкиб қолганга ўхшайсанлар, бир айлантириб кели сен овсар қўйларни, — деб Шоҳид Жавлонга қошларини чимириб қаради. Кайф беланчагида сузаётган Жавлоннинг пичингни тушунмади. „Кетсак кетаверамиз“, деб ўрнидан турди. Радикнинг яна ўтиргиси бор эди, лекин ихтиёр ўзида бўлмагани сабабли, оғринди. Саҳна ёнидан ўтаётган бармоқларини лабига теккизиб, раққосаларга бўса ҳал этди. Раққосалардан бири тилини кўрсатиб, бурилиб олди. Иккинчиси эса „Текин ўпичингни пишириб е!“ деганда бурнини жийириб қўйди. Ширакайф Радикка бу қилиш нозли карашма бўлиб туюлиб, яна қийқириб юборди. Жавлонга унинг бу суюлиши малол келиб, елкасига туртиб қўйди. Шоҳид валинеъматлик вазифасини адо этиб, емай ичмак ҳақини тўлагач, ташқарига чиқиб машинага ўтиришди.

Борадиган манзиллари аниқ бўлмагани учун Шоҳид машинани катта кўчага ҳайдади. Эшик ойнақларини тушириб, юзларини шамолга тутиб роҳатланаётган ўртоқларини ғашланиб қараб қўйиб, тезликни оширди.

— Секинроқ ҳайдасанг-чи, қаёққа шошяпсан? — деди Жавлон.

— Ҳа, куёнюррак, кўрқяпсанми? — деди Шоҳид масҳаб оҳангида.

— Кўрқаётганим йўқ. Кайфни бузяпсан.

— Томинг кетибди, бола! Кайф секин юрганда юрсанг сиқилишдан бузилади. Тез юрмайдиган машина машинама Мен қанотли машина чиқишини кутиб юрибман-ку!



— Олифтагарчилик қилма, сенга ўхшаган ўпкаси йўқлар етибди ётадиган жойида.

— Сен хомкалла, бир нарсани билиб ол: авария дегани тез ҳайдашдан бўлмайди. Қўрқиб, секин ҳайдайдиғанлар гўғри гўрга кириб кетади. Мен одам эмасман, мен учқур отман! Агар хоҳласанг, иккита филдиракда ҳам учириб бераман! Каскадёрларинг келиб мендан ўрганишин!

Шундай деб машинани янада тезлатди. Бундан қаноатланмай, энди илон изи қилиб ҳайлади. Орқа ўриндиқда ўтирган Радикка бу хуш ёқиб, қийқариб кула бошлади. Ҳозиргина танбеҳ берган Жавлонга ўртоғининг қувончи таъсир қилиб, у ҳам беихтиёр қийқира кетди. Икки ўртоғининг шодлигига Шоҳиднинг қийқариғи ҳам кўшилди. Йўл четида таёқчасини кўтарган милиция ходимиға ҳам парво қилмай кетаверишди. Бурилиш жойиға яқинлашганда Шоҳид тормозни босди-ю, рулни бошқара олмай қолди. Оқибатда, бурилиши лозим бўлган машина йўлдан чиқиб, катта дарахтға урилди. Қийқариқлар шу нафаснинг ўзида тинди. Олд ўриндиқда ўтирган Жавлон синган пешойнадан учиб чиқиб кетай деди. Пешонаси Шоҳид ўтирган ўриндиқ суюнчигиға урилган Радик, бошини ушлаб „вой-вой“ лаб тушди. Рулга кўкрагини бериб ҳаракатсиз ўтирган Шоҳидни, бошидан қон оқаётган Жавлонни кўриб, қўрқиб кетди. Бош оғриғини ҳам унутиб, жонҳолатда эшикни очди-да, Шоҳидни қучоқлаб, туширмоқчи бўлди. Шоҳиднинг кўкраги бир оз эзилган, лекин ҳушини йўқотмаганди. Қўрқувнинг аёвсиз темир тирноқлари баданини таталаб, титроққа солаётгани учун ҳаракатсиз ўтирган Шоҳид Радикнинг қучоқлаб олганидан аччиқланиб, уни тирсаги билан туртиб юборди. Радик тисарилди-ю, йиқилмай, ўзини тутиб олди.

Шоҳид Жавлон томон энгашиб, унинг юзини ушлаб, кафтиға ёпишган илиқ қондан сесканиб кетди. Кейин додираб турган Радикка қараб:

— Машина тўхтат! — деб бақирди.

Йўловчи машиналардан бири тўхтаб, ҳайдовчиси шошилиб тушди-да, Жавлонни кўтариб олишға ёрдам берди. Ҳушсиз Жавлонни йўловчи машинанинг орқа ўриндиғиға авайлаб ўтқизишди. Радик унинг ёнидан жой олиб, елкасидан қучоқлади.

---

— Олиб борган жойингни менга билдириб қўй, — деди Шоҳид унга. Кейин овозини пастлатиб, қулоғига пичирлади: — Яна оғзингдан гуллаб ўтирма, мени танитайсанлар.

— Ука, кўкрагингиз эзилганга ўхшайди, сиз ҳам юраверинг, рентген қилиб кўришади. — деди ҳайдовчи. Кейин Шоҳиднинг машинага қараб қўйганини кўриб, қўшиб қўйди: — Бундан хавотир олманг, бу бир темир матоҳ-да, одам деган ўзининг жонини ўйлаш керак.

— Раҳмат, аяхон, адам дўхтирлар, ўша ёққа бора қоламан, — деб чўнтагидан пул чиқарган эди, ҳайдовчи ранжиди.

— Қўйинг-е, ука, уят бўлмайдами? — деб машинасига ўтирди.

Улар кетиши билан Шоҳид телефонини чиқариб, керакли рақамни терди:

— Фарҳод ака, машинани сал туртиб кетишди. Тез етиб келишингиз керак. Нима? Билмайман, тез келинг, бошқа гап йўқ. Ментлар босмасидан бу ердан қуриш керак, тушунсангиз-чи?!

Фарҳод „Ҳозир вақтим йўқ, боролмайман“, деб баҳона қилгани билан тезда йўлга тушди. Мақсади фалокатга учраган мижозини қутқариб қолиш эмасди. „Сал туртиб кетса, ваҳима қилиб ўтирмасди, ўзи эплаб қўя қоларди. Араваси мажақлангандир. Устаси ўзимиздан, пул бегона бўлмайди. Яна у-бу харажатлар бўлса, бойваччани бир соғиб оларканман“, деган умидда „ёрдамга“ шошилди.

Шоҳид кўкрагидаги оғриқдан қутулиш учун яна кукун ҳидлаб олиб, дарахтга суянганича мук тушиб ўтирди. Фарҳод уни кўриб „Ўзи ҳам пачоқ бўлган шекилли?“ деган ўйда унга яқинлашди.

— Ҳа, ошна, ўзинг омонмисан?

Шоҳид ўрnidан турди.

— Бу ердан тез олиб кетиш керак, — деб машинасига қаради.

— Олиб кетамиз, шу арзимас палакатга ваҳима қилиб ўтирибсанми?

Фарҳод гапни кўпайтирмай, юкхонасидан ситарқон олиб, тумшуғи пачоқ „Нексия“ни шатакка олди. „Қаёққа борамиз?“ деб сўраб ҳам кўрмади, тоғаваччасининг устахонасига қараб юрди. Кундузги хизматдан кейин „чарчоқ чиқди“ қилиб ётган ширакайф тоғаваччаси пачоқ машина-

чи кўриб „Дабдала-ку!“ деган маънода узун хуштак чалиб қўйди. Шоҳид машинадан тушиб, унга яқинлашди-да, хушгаги парво ҳам қилмай, мақсадини буйруқ оҳангида баён қилди:

— Акахон, икки кундан кейин келаман, ўзидай қилиб қўясиз.

Бунақа бойваччаларнинг кўпини кўриб, уларнинг қишлоқларига кўникиб қолган уста буйруқни малол олмади-ю, жекин ўзини тарозига солди.

— Ҳозир иш кўп, икки кунда бўёқ ҳам қуримайди, — деди бўйнини қашиган бўлиб.

— Шаҳбоз ака, — деди Фарҳод ялиниш оҳангида, — бунақа укаҳонларнинг гапи икки бўлгунча ҳўкизнинг бўйни қизилгани яхши. Мақтовингизнинг кифтини келтириб қўйганман, мениям уялтирманг. Сизнинг қўлингизга тушган машинани заводдаги усталар ҳам танимай қолади-ку, сиз кўп деяверинг, кейин хурсанд бўласиз.

— Ҳа, яхши, сазанг ўлмасин. Эртага немиснинг бўёғидан келтиришмоқчийди, сал қимматроғ-у, лекин тез қурirkan.

— Бўпти, индинга кун қайтганда келамиз.

Фарҳод шундай деб Шоҳидни ўзининг машинасига бошлади. Йўлда кетатуриб, устанинг мадҳиясини айтишдан чарчамади. Шоҳид учун бу мақтовлар аҳамиятсиз гаплар эди, шу боис энсаси қотиб, индамай кетаверди. Фарҳод уни уйига қадар кузатиб, машинасини дарвозадан берирокда тўхтатди. „Раҳмат, акахон“, деб тушмоқчи бўлган Шоҳидни биллагидан ушлади.

— Милисага телефон қилиб, „Машинамни ўғирлаб кетишибди“, де.

— Нега?

— Дўхтирлар ошнангни кўриши билан милисага хабар қилишади. Машинангни тузатгандан кўра, бўлак-бўлак қилиб сотиб юборган яхши.

Бу таклиф Шоҳидга ёқди. Бир томондан милиция таъқибидан қутулса, иккинчи ёқдан янги машина сотиб олиши учун тайёр баҳона бўлади! Ўша заҳоти милицияга арз қилиб, сал енгил тортгандай бўлди.

Шоҳид дарвоза қулфи калити вазифасини ўтовчи тугмаларни босиб, эшикни очиб ичкари кирди. Панжара ор-

тидаги баҳайбат ит кичик хўжасининг кириб келганидан қувонганини билдириш учун секин ғингиб, думини ликиллашиб қўйди. Шоҳид зиналарни босиб кўтарилаётганда яна кўкрагида оғриқ сезиб, ингради. Уйга киргач, эшик қаттиқ ёпилиб, оромкурсида ўтирган онаси чўчиб уйғонди.

— Келдингми, болам? — Рихси шошилганича туриб, ўғлига яқинлашиб-ю, аҳволини кўриб, юраги зириллаб кетди: — Вой худойим, юзингга нима қилди?

— Битта лўли қиз тимдалаб олди. — деб минғирлади Шоҳид.

— Гапни айлантирма, менга тўғриси айт: соат неча бўлганини биласанми?

— Билмайман, памперс алмаштирадиган вақт бўлдими?

— Яна майнавозчилик қиласан-а? Машинанг қани?

— Менинг машинам бормиди?

— Машинанг қани, деяпман?

— Ремонтта бериб қўйдим ўша шалди роқ аравангизни.

Моторининг занжири куйиб кетибди.

— Сен нега мен билан бунақа гаплашяпсан?

— Ўзингиз-чи? Кирмасимдан миласага ўхшаб саволга тутиб ташладингиз. Деразангизда темир панжара бор, қўлимни қишанлаб қўйсангиз ғирт ўзи бўлардингиз.

Шоҳид кириб келганда Иззат ҳали ухламаган эди. У хотинидан фарқли ўлароқ, ўғлининг бевақт юришларидан кўпам хавотир олмасди. „Қатта бўлиб қолди, ўзини эплайди“, деган ишонч уни хотиржам қиларди. Бу тунги бедорлигининг сабаби санқи ўғлини кутиш эмас, мол олиб келаётган шерикларидан дарак бўлмаётганидан хавотир олиб ўтирган эди.

Она-боланинг асабий гапларини эшитиб хонасидан чиқди. Остонада туриб, бир оз уларни кузатди. Шоҳиднинг қўрслиги чегарадан чиқа бошлагач, уларнинг можаросига аралашди:

— Ҳой бола, сен ҳадингдан ошма! Майнавозчиликни кўчада ўртоқларингга қиласан. Бу — онанг!

— Эшитдингизми, адаси? Баъзан шунақа ошириб юборди, — деди Рихси эрининг далдасидан руҳланиб. — Бунингизни тез уйлантириб қўймасак, шунақа бевош юраверадиганга ўхшайди.

— Бор, кириб ухла, сен билан эрталаб гаплашаман.

Бу амр Шоҳидга айни муддао эди. Ота-онасининг бе-  
мақт ва ёқимсиз исканжасидан осон қутулганидан қувон-  
иб, хонасига кириб кетди.

Иzzат эса газабли нигоҳини унинг изидан олиб, хоти-  
нига қаради-да:

— Ўглингни ҳозир уйлантириб қўяйми ё эрталабгача  
қўлайсанми? — деб зарда қилди.

— Мен ёмон гапирдимми?

— Ярим кечада мойдек ёқадиған гап гапирдинг, кир  
тоғинга!

Рихси эрига эътироз билдирмай, маъсумалик билан амр-  
чи бажарди. Тунги оилавий можаро мана шу тарзда тез  
пкун топди.

Шоҳид хона деразасини ланг очиб қўйгач, кийимини  
қўлтиришга эринди, ўринга шундайлигича чўзилиб,  
қўстига чойшаб торти.

„Фарҳод ака яхши ишни ўргатди, аслида бу эшак  
қаванинг хосияти йўқ эди. Икки марта уриб олдим. Энди  
қўлимни эритишим керак. „Уйдан кетиб қоламан“, деб  
қўрқатганимда „Нексия“ни олиб беришувди. Энди камида  
„Ласетти“ ундираман. Майдалашиб ўтирмай, „Мерс“нинг  
қўлвасини бошлаганим яхши. Ўғилнинг „Мерс“да юриши  
ота-онанинг обрўси-ку? Нега тушунишмайди? „Аммам ўғ-  
лига „Мерс“ олиб бераётганмиш“, десам тамом, ойим чи-  
юлмай қоладилар!“

Хаёлига келган бу режа ўзига маъқул келиб, мамнун  
қилмаётган пайтда телефони жиринглади. Тутмачани бо-  
сиб, қулоғига олиб боришга улгурмай, Радикнинг хавотир-  
ни овози эшитилди:

— Шоҳ! Жавлонни реанимацияга олишди!

— Ҳушига келдими?

— Келди.

— Унда нега ҳовлиқасан, ҳариф!

— Дўхтир аҳволи чатоқ, деяпти. Милисага ҳам хабар  
қилди.

— Сен нима дединг?

— Йўловчи машинада эдик, дедим.

— Яхши айтибсан, менинг машинамни ресторанда ўтир-  
ганимизда ўғирлаб кетишган, тушундингми? Ўғирлаб ке-  
тишган! Киракаш нима деди?

— Каллалик одам экан, гувоҳингса судра-судра қилишларига тоқатим йўқ, деб ўша заҳоти жўнаворган.

— Бўпти, уйингга кетавер, эрталаб кўришамиз.

— Дўхтир отнинг калласидек рўйхат берди.

— Қанақа рўйхат?

— Дорилар-да.

— Ҳозир керак эканми?

— Эрталабга етказиб кел, деди.

— Тўққизда кўришамиз.

— Саккизда.

Шоҳид алоқани узиб, телефонини ёстиғи тагига тикди. „Хушига келган бўлса, аҳволи унча оғир эмас экан, майли, уч-тўрт кун ётсин, балки янги машинада олиб чиқарман. Балки... янги „Мерс“да керилиб чиқар...“ деган тўхтамага келиб, хотиржам тортди. Бу фикр ҳақиқатдай туюлиб, ўзини „Мерседес“ машинасида кўрди... Ширин хаёл уйқуни чақирди. Бироқ уйқу ширин бўлмади, нохуш туш кўрди: шаҳарнинг кенг кўчаси бўм-бўш эмиш. Янги машинасини учуриб юрганмиш. Бирдан машина тўнгарилди. Ўзи пешойнадан учиб чиқди. Лекин бирон ери ҳам тирналмади. Пачоқ бўлган машинаси атрофини бирданига қариялар ўраб олишди. Узун соқол қария лавралдан ажралиб чиқиб, унга яқинлашди. Шоҳид „Кимсиз?“ деб ажабланди. „Катта бобонгман. Сени соғиндим. „Лимузин“ олиб берсам, мен билан кетасанми?“ деб сўради қария. „Кетаман“, деди Шоҳид қувониб. Шу оннинг ўзида қаршисида оппоқ „Лимузин“ пайдо бўлди. Эшикни ланг очиб, ҳайдовчи ўриндиғига ўтириши билан машина тобутта айланиб қолди. Шоҳид қўрқанидан отилиб тушмоқчи бўлди. Лекин оёқ-қўллари ўзига бўйсунмади. Қария эса бадбашара махлуққа айланиб, кула бошлади. Кейин: „Мен сенинг ажалингман! Сен менинг совғамни қабул қилиб олдинг!“ деб бўға кетди. Шоҳид чўчиб уйғонди. Қаддини кўтариб, ўтирди. Туш таъбирини билмаса-да, атрофига аланг-жалаңг қаради. Қайтиб ётишга қўрқди...

Кўшни хонадаги аҳвол бундан яхшироқ эмасди. Эрининг „Кир ётоғингга!“ деган амрига итоат этган маъсума каравотида анчагача ҳаракатсиз ўтирди. Номи „эр-хотиннинг ётоғи“ бўлгани билан каравотлар айри-айри қўйилган, ўртадаги кичик жавонча икки мамлакатни ажратиб

түрүвчи чегарачи постига ўхшарди. Рихси кундоши борлигини билгач, жойини ўзи айри қилиб олган. Иззат хона манзарасининг бундайига ўзгарганини кўрган-у, индаман. Унинг каравоти бир кун банд бўлса, уч кун бўш. Рихси гўё бунга кўникиб қолган. Аслида ҳеч бир аёл, ҳеч қачон эрининг каравоти бўлак бўлганига, айниқса, айрим кунлари бўш қолганига чидай олмайди. Эри уйга қайтмаган тунлари у ажриқ устида яланғоч ётгандай азоб чекади. Каравотларни айри қилиш астойдил ранжиш эмас, балки нозли араз эди. Эридан: „Эсинг жойидами, бу нима қилиқ? Сен билан умрбод бир ёстиққа бош кўйганман. Ўртада суюкли ўғлимиз бор. Худо хоҳдаса, кўша қариймиз. Сен эшитган гаплар шунчаки бир-икки кунлик ҳавас“, деган юпанч гапларни кутган эди. У эса... гапирмади ҳам. Сукут — ризолик аломати, деганларидек, хотинининг қилигини нозли араз эмас, қатъий ҳукм деб қабул қилиб, бу ҳукмга бажонидил рози бўлиб, итоат эта қолди.

Эри кириб келгач, Рихси ўрнига ётди.

„Шоҳим-жаҳоним кундан кунга қайсар, кўпол бўлиб кетяпти, — деб ўйлади у. — Уйланганидан кейин ҳам менга шунақа муомала қилса, келин мени бир чақага олмай қўяди. Бу киши ота бўлиб тергаб қўймаса. Пул берсалар бўлди, оталик вазифасини бажарганлари шу. Ота-бола бир-бирини уч-тўрт кун кўрмаса ҳам юраверди. Бор меҳрларини тўла-тўлалигича ўша мегажин тортиб олгани тўғри. „Менга деса ўнта ўйнаш тутсин, уйдан чиқиб кетмаса бўлди“, демаслигим керак эди. Тимдалаб бўлса ҳам, юмдалаб бўлса ҳам тортиб олишим керак эди. Энди нима қиламан?..“

Шу хаёллар оғушида эканида кўзига уйқу илинди. Тушида онасини кўрди. Онаси жулдур кийимда. Рихси ажабланди. „Ойижон, янги кўйлагингиз қани?“ деди. „Кўйлак олиб берганингга неча йил бўлди, қара, тўзиб кетди“, деди онаси. „Янгисини олиб берайми, кўйлакка келдингизми?“ деди Рихси. „Кўйлагинг керакмас, ўғлингни олиб кетгани келдим“, деди онаси. „Ўғлимни тинч кўйинг“, деди Рихси. „Қорним очиб кетди“, деди онаси. „Ҳозир қозон осиб яхши кўрган димламангизни қилиб бераман“, деди Рихси. „Вақтим йўқ, хом гўштни ҳам еявераман“. Онаси шундай деб қўлида пайдо бўлиб қолган гўштни ея бошлади. Ярмини Рихсига узатди. Рихси олишни истамаса ҳам, олди. У

ҳам ғўштни тишлади, жагини ушлади. „Нима бўлди?“ деб сўради онаси. „Тишим зирқираб кетди“, деди Рихси. „Тишимни тушлади, қўмираатиб кўр“, деди онаси. Рихси қўмира-латаман, деганида соппа-соғ жағ тиши суғурилиб чиқди. Рихси кўрқиб кетди. Бу ҳам сўмаганидай, онаси хунук махлуққа айланди-ю куда бошлади. Рихси чўчиб кўзини очди. „Астафидуллоҳ, астафидуллоҳ“ деб кўрагига туф-лади. Ухлаб ётган эрига қараб олиб, ўрнидан турди. Жа-вондаги қармонидан пул олди-да, остонадаги пиллачани кўтариб, тагига ташлаб қўйди. „Келган бало-қазо шунга урсин, эртага гавай келса бериб юбораман“, деб пичирлаб жойига қайтди. Бу туш таъбири айрилиқ эканини билгани учун юраги хавотир билан тепа бошлади. Оналарнинг юра-ги шундай сезгир бўлади. „Шоҳим-жаҳоним“ деб ардоқ-ловчи ўғлининг жонсиз жасали устиде фарёд уришига ҳали вақт бор. Бу туш айнан уша фожиянинг даракчиси экани-ни ҳозир билимайди. Ўғли кафанланганидан кейин „Болам-дан айрилдим“, деб нола қилади, аслида ундан аллақачон айрилиб бўлганини фаҳм этмайди. Агар фарзанд гиёҳванд бўлиб қолса, онанинг орзу-ҳаваслари, ўзи билимаган ҳолда, афсус қабристонига кўмилади. Афюн таъсирида жон бер-ган боласининг ўлик кўзлари бақрайганича қотиб қолга-нини кўрганида унинг ўзи ҳам тириксийин ўлади... Минг-ларча, эҳтимол ундан-да кўп оналар бошига тушган бу аёв-сиз қисмат Рихсини ҳам қора бағрига ола бошлаган...

Иzzатнинг кўзлари юмук, лекин ҳали ухламаганиди. Хо-тинни қаддини кўтариб, қармондан пул олаётганда кўзлари-ни ўғринча очиб, унинг ҳаракатларини кузатди.

„Кундош балосидан ўзини ўзи еб адо қилади бу хотин. Аҳмоқ бўлса мен айбдорманми? Яхши топганимдан кейин яхши яшашга ҳаққим йўқми? — деб ўйлади у. — Усти бут, қорни тўқ, яна нима керак бунга? Мен унинг шахсий мул-киманми? Гапи тўғри, ўғилни тезроқ уйлаш керак. Шунда ўзи билан ўзи овора бўлиб қолади. Ҳадеб менга фингил-лайвермай, қиз топсин. Менинг ўзимга яраша ташвиш-ларим бор. Молни қабул қилиб, эгаларига етказиб берга-нимдан кейин Тайландга бориб дам оламан. Энди ўзимнинг ишимни очишни ҳам ўйлашим керак. Қачонгача бировга малайлик қиламан? Улар ошни ошаласин-у, мен лаганни ялаб қўяйми? Йў-ўқ, энди бунақаси кетмайди. Шундай



қилишим керакки, меҳрим жўшса ош ошатиб қўяйин, га-  
абимни қайнатса, орқасига бир тепиб ҳайдайн...”

Шундай ўйлар билан уйқу салтанатига кириб, тушида  
узини кўрди: ош ошалаётганмиш. Қўлини гўштга узатган  
эди, одам суяги чиқиб, кўрқиб кетди. Нажот тилаб атро-  
фига аланглади. Нажот ўрнига атрофини милиция ходим-  
лари ўраб олишти-ю қоча бошлади. Қоча-қоча бир нимага  
қоқилиб йиқилди. Тош деб ўйлаб қўлига олиб кўрсаки,  
одамнинг бош суяги. Кўрқиб ташлаб юборди. Беркинишга  
жой ахтарди. Қараса, атрофи тоғ. Лекин тош эмас, одам  
калла суяқларидан иборат. Кўрқувдан титрай-титрай уйғо-  
ниб кетди. Кўзини очиб бир оз ётди. Кейин туриб, айвон-  
чага чиқди. Чекди. Чап кўкрагини силади. Осмонга қара-  
ди, икки ҳафталик ой кўзига қонталаш бўлиб кўриниб,  
яна чўчиди.

Барча хонадонларни ўзининг нурига чўмдирган ой са-  
роймонанд иморатда яшовчи бу кичик оилани бошига ёғи-  
лажак бало дўлларидан асрашга ожиз эди.

### ПУЛ ТОПИЛАДИ, ОТА ТОПИЛМАЙДИ

Қамбар билак томирига томчи дори уланган отаси ёни-  
да узоқ ўтирди. Отаси баъзан ҳушидан кетади, баъзан эса  
кўзларини очиб, унга меҳр нигоҳини қадайдди. Соғинган  
юррак изҳорини айтмоқчи бўлади-ю, лекин қуввати етмай-  
ди, лабларини қимирлатиб қўйиш билан чекланади. Қам-  
барнинг юрагини эзаётган дард кўз ёшига айланиб, бу ву-  
жудни тарк этмоқни истайди-ю, бироқ киприқларни нам-  
лаш билан кифояланади. Отаси ингради. Қамбар „Бошлари  
оғрияпти шекилли“, деб кафтини отасининг пешонасига  
қўйди. Отаси кўзини очиб, киприқларини пирпиратиб,  
ниманингдир илинжида унга боқди.

— Ада, ишларим яхши. Эски жойимни беришти. Анг-  
лашилмовчилик бўлганини ҳамма биларкан. Ўтган ишга —  
салавот. Худо хоҳласа, бизнинг роҳатимизни кўрасизлар, —  
деди Қамбар.

Бу гап отасига ёқиб, кўзларини юмиб-очди. Қамбар  
бундан руҳланиб, давом этди:

— Касалликнинг оғир қисми ўтибди, бу ёғи тузалишга  
қараб кетибди. Икки-уч кунда оёққа туриб кетасиз. „Оғай-

ниларинг тилла болалар“, дердингиз. Тилладан ҳам ортиб тушишди. Чиқишимга янги „БМВ“ олиб қўйишибди...

Отасининг юзи кулгандай бўлди. Қамбар энгашиб, бетига бетини қўйди. Бир оз шундай турди, отасининг совуқ юзига илиқлик югургач, бошини кўтарди. Шу пайтда врач кириб, „Энди чиқа қолинг“, деган маънода қаради.

— Эрталабгача қолай, — деди Қамбар.

— Хавотирланманг, кризис ўтди. Палатага олсак, ёнларига каравот қўйдириб бераман. Бу бўлимнинг тартибини биласиз-ку, сазангиз ўлмасин, деб қондани буздим.

Қамбар отасининг пешонасидан ўпиб, ўрнидан турди. Даҳлизга кузатиб чиққан врач унинг қўлига бир парча қоғоз узатди, Қамбар ёзувга кўз югуртирди: „Ipxie-F“.

— Дорими? — деб сўради.

— Япондан келган. Ҳозирча энг яхшиси шу. Юракка керак ҳамма моддалар бор. Фақат сал қимматроқ, минг доллардан сотилаётганини эшитдим.

„Отанинг жонидан ҳам қимматроқ нарса бўладими?“ Қамбар шундай деб ўйлаб, қоғозни буклади-да, кўкрак чўнтагига солиб қўйди. Шошқич равишда аравача судраб келаётган ҳамшираларни кўриб, ўзини четта олди. Аравачада ётган одамга беихтиёр кўз ташлади. Юзи қонга беланган йигитни, шубҳасиз, танимади. Кундузи „Кўтарма бош“ да борлигини арақ ҳукмига бериб ўтирганида ўзига тикилаётган йигитга аҳамият бермаганди. Ўша тикилган йигит — Жавлон ҳозир ҳушсиз бўлмаганида уни эҳтимол танир ва бу тасодифий учрашувдан ажабланарди. Ҳа, бу кўнгилсиз учрашувни айнан тасодиф деб билган бўларди. Дунёда ҳеч бир иш шунчаки тасодиф эмаслигини, ҳар қандай тасодифнинг аввалдан белгиланган сабаби борлигини ўйлаб ҳам кўрмасди.

Қамбар кўчага чиққач, учта дорихонага кирди. Уччо-вида бир хил жавоб: „Топилиши қийинроқ“, деб елка қисишди-да, „Лекин... топилса ҳам анча қиммат“, деб илова қилишди. Учта дорихонадагилар ёш қизлар эди. Тўртинчисида олтимшини қоралаган, тепакал, қора қошлари туташ киши „Келинг, укажон“, деб уни ҳурмат билан қаршилади. Қоғоздаги ёзувни ўқиб, Қамбарга синовчан тикилди-да:

— Бу дори кимга, укажон? — деб сўради.

Савол Қамбарга ёқмай, „Сизга барибир эмасми?“ деб беркиб бермоқчи эди, шу кишидан умид бордай туюлиб уни тутди:

— Адамга, — деб жавобни калта қилди.

— Ҳа... отани авайлаш ўғилнинг бурчи. Бунақа дорини йўқ жойдан бўлса ҳам топиш керак, — деди у киши маънодор оҳангда, сўнг Қамбардан кўз узмаган ҳолда сўзида давом этди:

Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,  
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

У киши „Бунақа зўр гапларни аввал ҳам эшитганмигиниз, сўзларнинг маъзини чақа олдингизми?“ дегандай гулимсираб қўйди. Унинг бу қилиғи Қамбарга малол келди. „Бу одам ё телба, ё зерикканидан бекорчи қулоққа зор бўлиб ўтиргандир“, деб ўйлади-да:

— Дори борми? — деб сўради.

— Менда йўқ. Бу дорини топиш қийин бўлса ҳам, лекин анқонинг уруғи эмас. Бир-икки ошналардан суриштириб кўраман, эрталаб бир мўралаб ўтсангиз, Худо хоҳласа, юрингиз қўлингизга тегеди. Фақат, укажон, бир нарсага қабланмайсиз: агар дори ўзимда бўлганида мен савобталаб одамман, энг арзон нархда берардим. Биласиз-ку, битта дори ўнта дорихонада ўн хил нархда сотилипти. Ошналашим қанчадан баҳолашган, менга қоронғу.

— Хижолат бўлманг, бунақа гапларни ҳозир ёш бола ҳам билади. Пул топилади, ота топилмайди.

— Отангизга балли! Кириб келишингиз билан кўзимга нинча бамаъни кўринувдингиз, кўзим алдамабди. Дори баҳона ота ҳақида яна битта тўртлик айтиб берайми?

— Кейинги сафар.

— Йўқ, гап келиб қолганда эшитиш керак, тўрт дақиқа вақтингизни оламан.

У киши Қамбарнинг бурилганига эътибор бермай, гўртлигини ўқиди:

Атодин хато келса кўрма хато,  
Савоб бил хато қилса доғи ато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодан қутқарғай Худо.

Назм олаמידан анча узоқ Қамбарга бу тўртлик ғалати эшитилди. Бу одам унга гўё таъна қилаётгандай туюлиб, қошларини сал чимирди-да:

— Менинг отам хато қилмаганлар, — деди.

Харидор йигит тўртликни нотўғри тушунганини англаб, у киши айбдор одамнинг овозида илова қилди:

— Илоҳим шундай бўлсин. Лекин... беайб Парвардигор.

Қамбар гапни чўзгиси келмади.

— Соат нечада келай, саккизми ё тўққизми?

— Ўнда келаверинг...

Кириб келишда бамаъни кўринган йигит дорихона мудирининг ҳафсаласини пир қилиб чиқиб кетди.

Қамбар „Озодликка чиққанимдан кейин беш-ўн кун фақат тўйиб ухлайман“, деб орзу қиларди. Назарида уни „ҳаловат“ отлиқ неъмат интиқ кутаётгандай эди. Албатта, уйнинг ҳавоси, юмшоқ тўшаги, тўкин дастурхон, дўстлар меҳри... ҳаловат белгилари эди. Отасининг дарди, машинасининг сотилиши, хизматидан мосуволик, опасининг қисмати... уни кўнгил ҳаловатидан жудо қилган эди. Кўнгилда ҳаловат йўқ экан, кўзга уйқу келарканми? Уйдаги иккинчи кеча ҳам руҳ азобида ўтди. Эрталаб соқолини олаётганида ичкари хонада ўтирган онасининг зорланишини эшитиб, диққат қилди.

— Жон қизим, сенга осонмаслигини билиб турибман. Сени ўйласам, юрагимга битта зирагча қадалиб тураверади. Лекин... аҳволимизни кўриб турибсан, эринг билан ярашиб, қайта қолганинг маъқулмикин? Эринг одам бўламан, деб қасам ичибди-ку?

— Ойижон, ўшанинг қасамига ишоняпсизми? — деди опаси йиғламсираб. — Борсам энди ўлигим чиқади. Бир марта пичоқ олиб қувлагани камми?

— Турмушда шунақа аччиқ-чучук ишлар бўлиб туради, қизим. Эринг пушаймон еб юрибди. Сен унга ачинсанг, Худо сенга раҳм қилади.

Қамбар юзини артиб, сочиқни қозиққа илгач, меҳмонхонага кирди. У остона ҳатлаши билан она-бола гапни бас қилишди. Қамбар аввалига бу гаплардан беҳабардай ўтирди. Опаси чой қуйиб узатаётганда унинг ёшланган кўзларига кўзи тушиб, онасига қаради-да, қатъий фикрини баён қилди:

— Ойижон, кўза синиб бўлган, ямайман, деб овора бўлманг. Опам кетмайди. Аҳволимиздан ҳам нолиманг. Бошқалардан кам жойимиз йўқ, Худога шукр.

Чойни ичди-ю, онасининг зўрлашига қарамай, тамадди қилмади. Дорихонага шошилди. Ҳаёти шу дорига боғлиқ бўлиб қолган отаси, назарида, унинг йўлига интиқ тикилиб ётгандай эди. Дорихонага белгиланган соатдан анча олдин кириб келди. Дорихона мудири уни кечагидай илиқ кўтиб олиб, мақтади:

— Баракалла, ота ўғил! „Бу йигит менинг эмас, ўзининг айтган вақтида келади“, деб ҳаракатимни эртароқ бошлаб, сизга қилмаган эканман. Бахти кулган йигит экансиз, Худо сангизнинг дардига шифо берсин, дори топилди, — шундай деб пештахта остидаги тортмадан қўти олиб узатди-да сўзлашди: — ўнта уколдан кейин янги юрак қўйиб қўйилгандай бўлади. Невара келин эмас, эвара келин ҳам кўрадилар, Худо хоҳласа!

Қамбар раҳмат айтиб, кеча ўртоқлари берган хатжилдани узатди.

— Тўкилганингиз тўлсин, укажон, „Ердан топсанг ҳам санаб ол“, деганлар, бизнинг юмушимиз шунақа, ранжимайсиз, — деб хатжилдани очиб, бели букилмаган ўнта юзталикни санади-да, Қамбарга савол назари билан қараб, қўё хижолат бўлгандай илова қилди: — Кеча айтганимдай... ёқнинг баҳоси бошқачароқ экан... яна икки юз қўшасиз, укажон. Саломатликка ишлатиладиган нарсанинг нархи савдо қилиб талашилмайди, дейишарди, мен ҳам шу иримга амал қилиб, индамай олаверган эдим.

Қамбар буни кутмаган эди, қўли беихтиёр чўнтакка оғурди. Авваллари ёнидан беш-олти юз доллар аримасди. Қўл қуруқ чўнтакка тушгач, бадани зириллаб кетди. Ҳам оламдан, ҳам уятдан ёниб кетай деди. Йигит кишининг чўнтагида икки юз доллар бўлмаслигининг ҳеч қандай айби йўқ. Лекин катта гапириб, катта харжлашга ўрганган одам учун бу ҳолат шунчаки уят эмас, балки хорлик эди.

— Акахон... қолганини сал туриб олиб келиб берсам бўладими? — деди унинг кўзига қарашга ботинмай.

— Менга қолса, эрта-индан берсангиз ҳам майли-я, лекин... бировнинг омонати-да.

— Унда ярмини ола турай.

— Битталаб сотилмайди, эгасининг шарти шунақа.

Қамбарнинг зардаси қайнаб, машина калитини пештахта устига ташлади.

— Узоғи билан бир соатда келаман.

— Укажон, ранжманг, ишонмаганим учун айтаётганим йўқ бу гапларни, мен савобталаб одамман. Майли, эгасига айтарман, у ҳам савобталаб, сабр қилади.

Қамбар „Ҳе, савобталаб бўлган сенларни...“ деб ичида сўкинди-да, дорихонадан чиқди. Касалхона кўчасига бурилганда бир кекса киши қўл кўтарган эди, машинани тўхтатди. Қариянинг борадиган жойи ҳам шу томонда экан, кеча Сардорга айтганидай, шу йўсинда киракашлик фаолиятини бошлади. Қария манзилга етиб боргач, унга битта минг сўмлик узатди. Қамбар бир пулга, бир қарияга норози ҳолда қараб олиб:

— Бунингиз кам, отагинам, яна тўртта қўшинг, — деди.

— Инсоф сари барака, ука, борини бердим, қолганига дуо қилиб қўяман.

— Болаларингизни дуо қилсангиз, чўнтагингизга кўпроқ пул солиб қўйишади. Бунақа пул билан автобусда юрсангиз ҳам бўларди.

Дуо билан осон қутулишни ўйлаган қария бу гапни эшитиб, энди баланд келди:

— Сени инсофсиз десам, одобсиз ҳам экансан-ку! Қариларни иззат қилишни аданг ўргатмаганми?

— Адамга тил теккизманг. Инсофдан гапиришдан олдин ҳақни тўлаб, ҳалоллаб юришни ўрганинг.

— Дуо қиламан, деяпман-ку...

— Дуоингни пишириб е! Туш машинадан!

Қария туша туриб ўриндиққа пулни ташлади. Ҳазабланган Қамбар пулни олиб гижимлади-да, унинг ортидан отди. Бир неча дақиқа давом этган киракашлик фаолиятига шу йўсинда яқун ясади. Шифохонага кириб, дорини врачга берган эди, у „Юринг“, деб отаси ётган хонага бошлади. Йўл-йўлакай ҳамширани ҳам чақирди. Отаси уй-куда, юзи кечагидай қонсиз эмас, нафас олиши равон эди. Ҳамшира қутини очиб, Қамбарнинг кўзи олди-да, дорини эгаси игнасига тортди.

— Дори адангизда туради, ўзларидан олиб эмлашади,— деб изоҳ берди врач.

— Сизга ишонмагандай гап қилмадим шекилли? — деди Қамбар бундан ажабланиб.

— Гап қилмадингиз, тартибимиз шунақа. Беморларда дубҳа уйғонмаслиги керак.

— Шу дорининг ўзи етарлими ё яна керакми?

— Бир-икки кун таъсирини кўрайлик-чи, зарур бўлса ятгаман...

Қамбар ташқарига чиқиши билан Сардорга кўнғироқ қилиб, икки юз доллар зарур бўлиб қолганини айтди. Дорихонага яқин жойда учрашишга келишдилар. Сардор яқин ятрофда экан, шекилли, куттирмади.

Қамбар машинасини дорихона рўпарасида тўхтатиб, Сардор узатган пулни олди.

— Битта дори қанчага тушди? — деб сўради Сардор.

Қамбар кечаги ва бугунги савдони айтиб бергач, Сардор унинг қўлидаги пулни қайтариб олди.

— Бу хунагани жазолаш керак экан. Сени ҳариф қилибди. Дўхтир минг деган бўлса, демак, ҳамма жойда минг бўлади. Сен машинада ўтириб тур, ҳозир кириб икки юзни бераман-у орқамдан чиқиб, ўзи сенга икки мингни санаб бериб, кечирим сўрайди.

— Йўқ, — деди Қамбар пулни қайтариб олиб, — пул дорига кетди. Агар лагта-питтага кетганида юмалатиб бўлса ҳам, тепиб бўлса ҳам ундирсак арзирди.

— Унда келишамиз: дори яхши таъсир қилса, индамай-миз. Бўлмаса, икки минг елкасида тураверади, сен гинг демайсан.

Қамбар пулни ташлаб чиққач, Сардорга савол назари билан қаради-да:

— Бир жойда чой ичайлик, маслаҳатли гап бор, — деди.

— „Кўтарма бош“га ҳайда.

Сардорнинг „бош оғриқ“ қилиш ҳақидаги таклифини рад этган Қамбар, хизматчи чой олиб келиб қўйгач, киракашлигини айтиб берди. Сардор дониш аҳлининг ривояту ҳикматларидан хабардор бўлганида „Э вой, Ҳизр бува қария кўринишда учраб сени синаган бўлса-чи, дуодан қуруқ қолибсан-ку“, деб афсусланармиди? Бунақа яхшиликлардан нари юрувчи одам нима дерди?

— Бошлабсан! Чол-кампирлар шунақа сурбетликка ўрғаниб олишган. Сал нарсага дуоларини пеш қилишади. Мен-

га ҳам бир-икки дуч келишганда „Дуоларингни пишириб е!“ деганман.

Дўстнинг бу гапи Қамбарнинг кўнглини кўтариб, мақсадга кўчди:

— Қўшма корхонангда битта бўш ўрин борлигини айтгудинг...

Сардор дўстига ялт этиб қаради, гапига ишонмагандай бўлди.

— Бўш ўрин борлигини шунчаки айтмовдим, фақат сенга аталган биттагина бўш ўрин.

— Хўжайинларинг билан гаплаш. Шарт-шароитларини менга тушунтир.

— Шарт битта: хўжайин тур деса, турасан, ўл, деса ўласан! Лекин... — Сардор кулиб қўйди, — сен қўрқма, хўжайин ҳечам „ўл“ демайди. Шароитни кўриб турибсан. Менки шунақа юрганимдан кейин сен шоҳона яшайсан.

— Нега?

— Чунки сен мендан кўра ақллироқсан. Хўжайин ақлли одамларни яхши кўради. Шу ақлинг билан ярим йилда унинг ўнг қўлига айланиб қолишинг мумкин. Шунда менга ҳам маза бўлади, соянгда ялло қилиб юравераман. Фақат... айтиб қўя қолай, нозик томони ҳам бор: бу иш эмас, ўйин! Жуда катта ўйин. Жоннинг хатарга қўйилиши ҳам бор. Кўнга жонни тикасан-у, қўл келиб қолса пулни санаб ўтирмайсан, тарозида тортиб оласан.

— Менга ақл ўргатма, тушуниб турибман.

### ҚИЙИН МАСАЛА

Жавлон ярим кечада ҳушига келди. Эрталабки кўрикда врачлар „Ҳаёти хавф остида эмас“, деган хулоса билан реанимация хонасидан умумий бўлмага олишди. Хонадаги олти ўриндан учтасида ўзига ўхшаб автоҳалокатта учраганлар ётган эди, биттаси кайфда болахонадан йиқилган, бири қурилишдаги ҳавозадан тушиб кетган, яна бири хотини билан жанжаллашиш оқибатида бошига урилган това зарбидан азоб чекаётган бечора эди. Жавлон улар билан танишишга улгурмай, ота-онаси кириб келди. Отасининг жиддий тикилиб, „Нима бўлди?“ деган саволига жавоб беролмай, нигоҳини олиб қочганида онаси йиғисини бошлаб,



ни бу қийин аҳволдан қутқарди. Ўглидан жавоб кутаётган дам энди хотинини овутиш билан банд бўлди. Врач кириб, „Ўглингиз эрта-индин уйингизда бўлади“, деб ишонтиргач, „Худо бир асрабди, Ўзига шукр“, деб изларига қайтишди. Ота-онаси кетиши билан ҳамшира кириб, уни ётоқхонага кўчирди.

Жавлон „Кимнинг марҳамати билан бунақа жой насиб этди“, деб ўйлаб ётганида эшик аста очилиб, Севаранинг ташвишли чехраси кўринди. Жавлон ўртоқларининг келишидан умидвор, бироқ Севаранинг келишини мутлақо кутмаган эди. Шу сабабли қийин муаммога дуч келган боғча боласи каби оғзини очганича қотиб қолди. Севган кизини кўриш ҳар қандай йигитга завқ бахш этади. Бемор бўлса, шифо етгандай енгил тортади. Ичида кўзгалаётган эриқ ҳалокат оқибатими ё дорининг хуморими, билолмай тараф етган йигитда енгиллик туйғуси эмас, балки норихлик уйгонди.

Севара салом бергач, таклиф бўлмаса ҳам, қаравот ёнидаги стулга омонат ўтирди. Катта ёшдагилар бунақа ҳолатда каловланиб ўтирмайдилар. „Қанақа бурга тепди?“ ёки „Тинчликми, нима бўлди, кўрқитиб юбордингиз-ку“ каби гаплар билан ҳол-аҳвол сўрашни бошлаб юбордилар. Айримлар эзмалик қилиб, бўлиб ўтган воқеани миридан сиригача сўраб-суриштиради. Бўлиб ўтган воқеада ўзини қаҳрамон қилиб кўрсатиш истагида бўлган бемор ҳам эринмай, ҳатто озгина кўшиб-чатиб бир-бир ҳикоя қилиб беради. „Беморни толиқтирмаслик керак“, деган одобни билганлар эса, ҳалокатни эслатиб, ярасини янгиласлик учун гапни кўпайтиришмайди.

Кўнглини забт этган йигитнинг ҳалокатга учраганини эшитиб, кўрқиб кетган қиз гапни нимадан бошлаши керак? Тинчлик эмаслигини била туриб, „Тинчликми?“ десинми? Нима бўлганини била туриб „Нима бўлди?“ десинми? Унинг бу ондаги нияти юраги ортиқ бардош бера олмайди-ган шубҳадан қутулиш учун йигитни гапиртириш, ҳақиқатни, кишини ақлдан оздириши мумкин бўлган рост гапни унинг ўз оғзидан эшитиш эди.

Ҳайрият, Жавлоннинг ўзи тилга кириб, мушкулини осон қилди:

— Кимдан эшитдингиз? — деб югинди.

— Кечаси милиса келувдими? Ўша одам Назиранинг акаси экан. „Сен билан бирга ўқийдиган йигитни машина уриб кетибди“, деб айтибди...

— Ҳа... — деди Жавлон ўйчан. — Қаерда ўқишимни суриштирганидан кейин ғалати тикилиб қолувди-я. Шунга экан-да.

— Қанақа машина уриб кетганини айтмабсиз?

— Қоронғида кўрмадим. Қочиб кетди.

— Сиз ёлғонни эглаб гапиролмайсиз. Сизни машина уриб кетмабди, урилган машинада ўтирган экансиз.

— Шунақами? — Жавлон енгил инграб, юзини бурмоқчи бўлди, — Унда... Назиранинг акасига айтиб қўйинг, урилган ўша машинани топсин.

— Мен айтмасам ҳам топишади. Ҳар ҳолда ўша ошнарларингиз билан бирга бўлгандирсиз?

— Нима, Назиранинг акаси тергов қилишни сизга топширдими?

— Жаҳлингиз чиқмасин, ҳозир гапиришнинг ўрни эмаску, лекин кейинги пайтдаги юриш-туришингиз ғалати бўляпти... Гапларингиз ҳам бир хил пайтда қовушмай қоляпти.

— Жинни бўляпманми? Унда жиннихонага ётқиза қолинг. Жиннихонада Назиранинг опаси ишламас эканми?

Севара ўрнидан туриб кетди. Таъсирлангани, туйғулари жўшганлиги кўзларини пўртанали булутдек тўсган туман, бетларидан сочилган оловлардан сезилди. Қиз лабларини тишлади. Тилига келган гапларни шу йўсинда тутиб қолмоқчи бўлгандек эди. Унга тикилиб ётган Жавлон ғазабини енгади, деб ўйлаб янглишди. Севара туйғуларини эркин қўйиб берди. Оғзидан гўё тўфон отилиб чиқди:

— Нега унақа дейсиз? Сиздаги ўзгаришни юрагим сезмасам... Ўқишларингиз ҳам...

Жавлон кўққис кучайган оғриққа чидолмай, инграб юборди. Севара шошиб қолиб, икки кафтини унинг икки бетига қўйди. Инграшга тўлғониш қўшилгач, шошилиб турди-да, ҳамширани чақирди.

— Севара, раҳмат, сиз бора қолинг, — деди Жавлон ялиниш оҳангида.

Ҳамшира ҳам „Бора қолинг“ маъносида ишора қилгач, Севара изига қайтмоқчи бўлди. Эшикни очган маҳалда халта кўтарган Шоҳидни кўриб, унга савол назари билан

сиди. Шоҳид ҳеч нарсани билмайдиган одамдай кулим-  
қаб. „Севара, яхшимисиз?“ деди-да, ўзини четга олиб,  
йўл бўшатди. Севара ташқарига чиқди-ю, лекин кел-  
мишга кўнгли бўлмай, сал наридаги ўриндиққа бориб  
қолди.

Шоҳид эса эшикни ёпиб, эм игнасини тайёрлаётган  
ҳамширага бир кути шоколад узатди. Ҳамшира „Вой, нима  
лардингиз овора бўлиб“, деган сохта мулозимат билан  
ҳамгани олиб, стол устига қўйди.

— Ўртоғимга ширин қизлар қараб турса, тезроқ тузала-  
ди — деди Шоҳид қизларга ёқадиган мулойим оҳангда.

— Ўртоғингиз анча тузалиб қолдилар. Алоҳида палатага  
қўйиб тургангиз яхши бўлди. Ярада хавотир йўғ-у оғриқ  
қаймаётганга ўхшайди.

— Шунга кўнглим сезиб, янги бир зўр дори олиб кел-  
ди. Ҳозир шунга томирига берсангиз, кўзлари мошдай  
қилади.

Шоҳид жигарранг чарм барсеткасидан дори тўлатилган  
ем игнасини олиб узатди. Буни кўрган Жавлоннинг кўзлари-  
ни эмиг учкунлари пайдо бўлди. Ҳамшира эса бир узатил-  
ди — эм игнасига, бир Шоҳидга, бир Жавлонга қараб хаво-  
тотга тушди. Шоҳиднинг муддаосини сезган бўлса-да:

— Нима бу? — деб сўради.

— Янги дори. Мен ТошМИнинг бешинчи курсида  
қўйман. Профессор Баракахўжаевни биласиз-ку? Бу ерга  
қўйиб маслаҳатга чақириб туришади-ку? Шу одам ҳам ме-  
ннинг устозим, ҳам тоғам бўладилар. Оғриқни босадиган  
„Собаралгинсупер“ деган дорини ўйлаб топганларини  
қўйганмидингиз?

— Эшитмаганман. Лицензияси борми бу дорининг? —  
деди ҳамшира кескин оҳангда. Шоҳид эса ундаги ўзгариш-  
ни сезмагандай, тусини ўзгартирмади, фақат овозини сал  
қўлатиб, махфийлик оҳангини берди:

— Тўғриси айтсам, ўзимиздан лицензия олгилари  
қўйди. Четга сотмоқчилар. Ҳозир фақат таниш-билишларга  
қўйиб турибдилар. Бу ёғини сўрасангиз, нархи ҳам осмон-  
га оғайнимга деб икки доза олдим. Биттасида яхши бўлиб  
қолганга, иккинчиси сизники.

— Йўқ, мен билмаган доримни беролмайман, — ҳамши-  
ра шундай деб тисланди.

— Менга ишонмаяпсизми? Мана паспортим. Икки соат дейсизми, йнгирма соатми шу ерда ўтираман. Бир нима бўлса ўзим жавоб бераман.

Шоҳид паспортини ярим очиб, ҳамширага яқинлашди. Иккита йнгирма долларликни кўрган ҳамширанинг қарашлари ўзгарди.

— Паспортим сизда турсин, — деди Шоҳид, кейин пичирлашга ўтди: — Ичидегиси сизники.

Ҳамшира иккиланиб қараб тургач, қўлқопини кийиб, эм игнасини дадил олди-да, кўз қараши билан чўнтагини кўрсатди. Шоҳид бу ишорани англаб, кулимсираган ҳолда пулни унинг чўнтагига солиб қўйгач, гапни давом эттирди:

— Бу дори дунё табобатида инқилоб ясайди, ишонаверинг. Бултур қўлим синиб, дод деб ётганимда ҳам шу доридан қилишганди. Бир пасда оғриқни босди.

Дори томирдаги қонга аралашгани ҳамон Жаҳонгирнинг балани роҳатланиб, кўзларини юмди. Ҳамшира эм игнасини Шоҳидга узатиб, „Кўчага чиққанда ташлаб юборинг“, деди.

— Оғайним оғриққа бўшроқ, жони ширин-да, — деди Шоҳид эм игнасини барсеткасига жойлаб.

— Ўртоғингизнинг иродаси жуда бўш экан, — деди ҳамшира, Жавлондан кўз узмай.

— Қўлингиз енгил экан, мана энди пишади-да, — деди Шоҳид. — Мен нима қилай? Пойлаб ўтирайми?

Ҳамшира Жаҳонгирнинг билагини ушлаб, томир уришини санади. Кейин қовоғини қайириб, кўзларини кўргач, „Кетаверинг“, деб рухсат берди.

Шоҳид даҳлизга чиқиб, Севаранинг ўтирганини кўргач, нима қилишини билмай, аввалига иккиланди. Сўнг дадил яқинлашиб деди:

— Дори берди, ухляпти, безовта қилмаслик керак экан.

— Мен бир оз ўтираман, — деди Севара унга қарамай.

— Истасангиз, уйингизгами, ўқишингизгами ташлаб ўтишим мумкин.

— Кеча биргамидинглар? — Севара энди унга тик қаради. Лекин Шоҳид бу қарашдан чўчимасди:

— Мен бир бечораи нотавон, кечадан бери ўғирлаб кетилган машинаминг ташвишида юрибман.

— Машинангизни ўғирлаб кетишдими?

Шоҳид ишонқирамай берилган саволдан гангимади, шунинча, истеҳзо билан жавоб берди:

— Шунақа бўлиб қолди, овсарни туянинг устида ҳам қопаркан.

Уйдан яхши кайфият билан чиққан Шоҳид аввал маънаси масаласини пишитиб, кейин бу ерга келиб, Жавобнинг мушкулини осон қилгач, янада шодланди. Шу завоқбли қизнинг жиғига тегиш унга ҳузур бахш эта бошлади.

Бундан икки соат олдинги кайфияти бутунлай бошқача бўлди. Тунги руҳ азобидан кейин кун ёйилгунча ухласа-да, кундизини нимадир эзиб тураверди. Нонушта қилишга иштирашмаси бўлмаса-да, онасининг зўри билан ошхонага кирди.

— “Ўт ичасанми, тухум ейсанми?” каби саволларга жавобан берганини буриштириб қўйди. Онасининг кечқурунги зуғуми билан қолган, аксинча, меҳри ошгани сезилиб турарди. „Шоҳиднинг жаҳоним, нега кайфиятинг йўқ“, деб сўрайвергач, онасининг маънасини ўғирлаб кетишганини“ беадад ҳам ниқобида кўриди.

— Ким ўғирлабди? — деди онаси бу янгиликдан гангиб.

— Ойи, ўғри отини ёзиб қолдирадими?

— Энди нима бўлади? Милиса топиб берарканми?

— Шу пайтгача кимникини топиб берган, ҳеч эшитган-кўндингиз?

— Нега адангга айтмадинг?

— Айтишга қўймадингиз-ку? Энди адамни ўзингиз билан қўраб“ берасиз. Аммам Самига „мерс“ олиб бераётган эмиш. Тулини тўлаб қўйишибди.

Шоҳиднинг кеча ўйлаб қўйган режаси иш берди. Онасининг бирданига ўзгарди-қолди:

— Нима? Уша овсарга „мерс“ олиб беришарканми?

— Овсарми ё овсармасми, уларнинг ёлғиз ўғли. Менам билан қизман. У ўқимайди, мен ўқийман. Ана энди ўзингиз билан қўйланг: „мерс“ кимга ярашади? Рихсихоннинг Шоҳ-жаҳонимгами ё Латифахоннинг овсаригами?

— Бўпти. Қўй, ўшани ҳадеб гапираверма. Ҳали аданг билан қўлсинлар.

— „Мерс“дан камига кўнманг.

— Кейинги пайтда адангдан тийин чиқиши қийин бўлиб қолди. Бугун вақтлироқ келиб, „ада-адажон“ деб сен билан илитгин. Гап қайтармагин.

Бунақа гапларга энг беодоб бола ҳам „Хўп бўлади, ойижон“, деганда Шоҳид демасинми? Кўз олдида оппоқ „Мерседес“ гадаланганда кайфияти чоғ бўлмасинми?! Мунаажимлар бу кунни нима деб таърифлашганини билмайди-ку, лекин кечаги фалокатдан кейин унинг куни кулиб тургандай эди. „Машинамни ўғирлатдим, де“, деб ўргатган акахони тонгга қадар ишнинг бу ёғини ҳам пишитиб қўйган, кечқурунги учрашувда машинани яп-янги қилиб беришга ваъдалашган уста эрта тонгда уни бўлак-бўлакка бўлиб ташлаш топширигини олган эди. Фарҳод бўлакларга бўлиниб сотиладиган машина ҳисобидан эски нарҳда дори бергач, Шоҳиднинг баҳри дили яйраб кетди. „Мерседес“ни қайси автосалондан олган маъқулроқ эканини ҳам маслаҳатлашиб олди. У туғилмаган ўғлига сумақ олиб шодланган ота қувончида маст эди.

Мана шу хурсандчилиги Севара олдида тўхтаб, қитмирлик қилишга ундади.

Севара унинг кайфияти аъло эканини сизди, лекин сабабини билмади. Гапларини шилқимликка йўйиб, қошларини чимирди:

— Туяни устида ит қопган бўлса, мени қайси машинада олиб бориб қўймоқчисиз? — деб савол назарини ундан узмади.

— Сизга аталганини ўғирлашмади, кетдикми?

— Ўғирлашмаган бўлса, йўлингиздан қолманг.

Севара „Сиз билан гаплашишга тоқатим йўқ“, дегандай юзини бурди. Шоҳид шилқимлигини охирига етказмай, кетгиси келмади. Ишшайиб тикилиб тураверди. Севара унга бир қараб олиб, „Нима қилиб турибсиз?“ деди.

— Биринчи эрингизга ҳайронман, шундай ширин тилли хотинни нега қўйди экан?

Севара унга ялт этиб қаради, кўзларида ғаз 5 чўғлари ёнди, лаблари титради. Шарт туриб „Турқинг қурсин“, деб чиқиб кетгиси келди. Лекин бу шилқим олдида энгилишни истамади.

— Эътиборингиз учун, биринчи эрим мени қўймаган. Билмасангиз билиб олинг, шу тилларимдан учган заҳарли ўқлардан яраланиб жувонмарг бўлган.

— Шу гапингиз ишонарли чиқди. Биринчи эрингизни Худо раҳмат қилсин.

Ўз қилиғидан ҳузурланаётган йигит қизнинг ўтли ниҳонига дош беролмади. Шилқимлигини давом эттиролмай, етишга мажбур бўлди. Хонадан ҳамшира чиққач, Севара қирсам бўладими?“ деб сўради.

— Доридан кейин ухлаб қолдилар, безовта қилмаганин-  
маъкул.

— Жимгина ўтираман... бирпас ўтираман, — деб ялинди  
севара.

Ҳозирги иши фош бўлиб қолишидан чўчиган ҳамшира  
эътибори тарзда „Йўқ“ дегач, Севара бошқа гапирмай, жо-  
нага қайтиб ўтирди.

Турмуш қурмаган бокира қизга „биринчи эринг“ деб  
эътибор тарзда гапирилса ҳам ғазабдан сапчиб кетиши тайин.  
Севара Шоҳиднинг бу гапидан ғазабланмади. Чун-  
ки „биринчи эр“ ҳақидаги гапни Шоҳид тўқмаган, балки  
қўнғи ҳафта олдин қизнинг ўз оғзидан эшитган эди.

Ўша куни дардан чиқиб сайр қилиб юришганда Жав-  
лон жонажон ўртоғи меҳмонга чақирганини айтиб, Севара-  
ни бирга боришга таклиф этди. Севара танимаган жойга  
боришни истамади, Жавлон эса ялиниб туриб олди. Қиз  
қўнғидан „кўпи билан бир соат ўтириш“ ваъдасини олгач,  
қўнғиди. Севара оёғи тортмаган жойга бормасликни маъкул  
қилди. Жавлоннинг раъйини қайтармай янглишгани  
қўнғи кейин ўзини ўзи айблади. Меҳмондорчиликка айтган  
эътиборининг кимлигини яшайдиган уйи билдириб турарди.  
Севарадан қолган уйда камтарона яшайдиган оиланинг  
қўнғиди бундай ҳашаматли саройга дадил кириб боравер-  
мади, мезбонлар билан дарров апоқ-чапоқ ҳам бўла олмай-  
ди. Шифти черковники каби суратлар билан безатилган,  
сворларининг жимжимаси кўзни олувчи меҳмонхонадаги  
қўнғи дастурхон атрофидан ўзига оро берган йигит-қиз-  
лар жой олишган эди. Ўтирганларнинг, айниқса, қизлар-  
нинг сипо кийинган Севарага беписанд қараб қўйишининг  
қўнғи уларнинг дунёсини фош қилди-қўйди. Бундан Сева-  
ранинг қўнғи оғриди, ёнида Жавлон бўлмаганида шарт  
қўнғи чиқиб кетарди. „Бу эркатойлар билан қаерда то-  
наша қолган экан?“ деб ўйлагани ҳамон, Жавлон бу ўйни  
қўнғи қандай „мактабдаги синфдошларим“, деб изоҳ берди.

Йигитлар ҳар турли телефонларини бир-бирларига кўр-  
мақганиш билан банд, қизлар эса даврага бегона

қизнинг қўшилганини унутиб, Париждаги модалар уйидан гап бошлагач, бу ёзда Канар оролида дам олган маъқулми ё Кипр тузукми, деган масалани ечишга киришиб кетишди.

— Холаваччамнинг туғилган кунини Австрияда ўтказишаркан. Ҳамма қариндошлар битта самолётда бориб, беш кун тураркан-да, яна ўша самолётда қайтаркан, — деди тўрда ўтирган қиз лабини буриб. — Мен Милан орқали бораман. Тўйга қиядиган кўйлагимни мамулям ўша ерга заказ қилибдилар.

— Зўр-ку! За одно Италияни кўриб келаркансан-да! — деди ёнидагиси ҳавас билан.

— Италия менга вабше ёқмайди.

Севара бу гаплардан безиб, ваъда қилинган бир соатга чидолмаслигини фаҳмлади. Танتيқ қизларнинг гапларини эшитмаётгандай меҳмонхона деворларига осилган суратларга қаради. Девор жимжимасига мос келмайдиган дидсиз суратлардан энсаси қотди. Жавлонга „Кета қолайлик“, деган илинжда қараганида қизлардан бири уни майна қилиш мақсадида савол берди:

— Сизга-чи, Италия ёқадими?

У „Чет элда бўлмаганман“, деган жавобни эшитиб, шунга яраша камситадиган гап тайёрлаб қўйган эди. Унинг мақсадини англаган Севара қув кўзларига қараб, истеҳзоли жилмайди:

— Йўқ, менга ҳам ёқмайди. Учирчи марта борганимда икки кунга зўрға чидаганимни, ана, синфдошларингга айтган эдим, Жавлон, эсингиздами?

Бу кутилмаган гапдан Жавлон довдираб, кулимсираб қўя қолди.

— Ана, Италия деворда осиглиқ турибди-ку, нимаси яхши? — Севара шундай деб эшик тепасидаги суратга ишора қилди.

— Йўг-е, шу Италиями? — деб ажабланди савол берган қиз.

— Италиянинг киндиги, — деди Севара уларни мазал қилишда давом этиб. — „Помпеянинг охирги куни“. Бу суратнинг номи шунақа. Ҳозиргача ҳаммаёғини кул босиб ётибди.

— Кул дейсизми?

— Ҳа. Вулқоннинг кули.



— Италияда вулқон отилганми? Фу, вабше бормаслик керак у ёққа.

— Австрия ҳам унча зўр эмас, ўрмонлари бор-у, лекин ах босиб ётибди. Бултур туғилган кунимни Черногорияда ётқазувдик, Мадонна келишга ваъда берган эди, охириги кунни Африкадаги бир қора ялоқ миллиардер йўлдан уриб кетибди. У ёқнинг ашулачилари ҳам ўзимизникига ўхшашган бетайин экан. Бир долларнинг учини кўрсатиб қўйсанг, ўзини томдан ташлайди. Майли, бу йил Монте Карлони мўлжаллаб турибмиз, Мадонна бўлмаса, бошқаси бор. Биринчи эримнинг бу ердаги ишлари битса, кейинги ҳафтада Сан-Франсискога кўчиб кетамиз. Ўғлим ўша ерда туғилса, Америка граждани бўлади.

— Қиз бўлса-чи?

— Ўғиллиги аниқ, „УЗИ“да кўришди.

Ишонч билан айтилган бу дабдабали гапларга қизлар ишониб-ишонмай, бир-бирларига савол назари билан қарашди. Ишонай дейишса, чет элларда ялло қилиб юрадиган қиз бунақа сипо кийимда юрмаслиги керак. Ишонмай дейишса, киприк ҳам қоқмай бурро-бурро гапиряпти... Жавлоннинг таажжуби қизларникидан беш баттар эди. Севаранинг озгина шаддоллиги борлигини биларди. Ҳозир тап бошлаганда сал қитмирлик қилгиси келди, деб ўйлабди. Биринчи эр ҳақида гапира бошлаганида нафаси қайтиб кетди. „Илтимос, бўлди қила қолинг“, деган маънода сиприкларини пирпиратиб қаради. Севара йигитнинг бу долга тушганини сезиб қувонди. Бас қилиш ўрнига авж олдиришни истади. Бахтига, қизлардан бири лабини буриб савол берди:

— Боятдан бери „биринчи эрим“ дейсиз, иккинчи эримиз ҳам борми?

— Балки учинчиси ҳам бордир? — деган пичинг билан юшқа қиз дугонасини қувватлади.

Севара бу пичингга аҳамият ҳам бермади. Бир култум шарбат ичиб роҳатлангандай кўзларини сузди:

— Ҳозирча йўқ, — деди чимирилиб. — Иккинчисининг ҳам, учинчисининг ҳам ўрни бўш — вакансия! Лекин бу ринларни эгаллашга ишқибоз хомтама даъвогарлар кўп, — шундай деб Жавлонга ўгирилди. Баъзилар бу нигоҳнинг маъносини англаб, бир-бирларига саволомуз қараб олишди.

Севара бундан янада қониқиб, давом этди: — Нима учун эркаклар иккинчи хотин орзусида юрадилар-у, хотинларга мумкин эмас? Қани феминизм, қани тенглик? Хотиннинг ҳам битта-иккита резерви бўлиши шарт. Эр ташлаб кетса, бир ҳафтада бошқасига уйланиб оладими? Хотин-чи? Европада кўп бўлар экансизлар, наҳотки шунга ақллари етмайди? Европада ўйнаши йўқ хотинни ношуд санаб, бунақа олий табақа давраларга қўшишмайди. Ҳаёт одамга бир марта берилган. Шунинг учун кенг қулоч отиб яшаш керак. Венециядаги модалар уйига бориб келиш билан бировни қойил қолдирадиган замонлар ўтиб кетган.

Севара томоғи қуригандай яна шарбат ҳўплаётган эди, Жавлон бу масхарабозликка ортиқ тоқат қила олмай, қисқа жимликдан фойдаланиб қолди:

— Севарахон, биринчи эрингиз ярим соатга рухсат берган эди, яна мен балога қолиб юрмай.

Жавлон пичинг билан гапирмоқчи эди, лекин норозилик оҳанги кучлилиқ қилди. Севара унга нозланиб қараб, эринибгина ўрнидан турди.

— Сизлар билан танишганимдан хурсандман. Сан-Франсискога жойлашиб олганимдан кейин ҳаммангизни меҳмонга таклиф этаман. Бир мазза қилиб келасизлар. Ҳа, айтмоқчи... — Севара нозли жилмайди, — менинг хотирам сал чатоқроқ. Париждами ё Мадриддами кўришиб қолсагуманамасам, ранжиб юрманг. Шу ерда танишганимизни эслатиб қўярсиз.

Севара кўрсатгич бармоғини лабига теккизиб, уларга бўса ҳада этгач, эшик томон юрди-ю, тўхтади. Эшик ёнидаги суратга бир оз тикилиб турди-да, мезбон йигитга қаради:

— Суратлар ниҳоятда гўзал, ўзингиз танлаганмисиз? — деди ҳавас билан.

— Йўқ, адам аукциондан сотиб олганлар. Жуда қимматбаҳо, — деди йигит ғурур билан.

— Лондондаги аукциондан сотиб олган бўлсалар керак, — деди Севара ўйчан тарзда. Кейин ниманидир эслангандай давом этди: — Ҳа, ўша ерда кўрувдим. Бир яҳудий миллионернинг сотиб олишга қурби етмаган эди. Адангиз сотиб олган эканлар-да?

— Шунақа бўлса керак.

— „Ўрмон тонги“... Миллион долларга ҳам арзийди. Қаранг, рангларнинг гўзаллигини қаранг. Ким чизган эди? Испинми? Йўқ, унинг услуби бошқача. Шишкинга ўхшай-майю, лекин ҳар ҳолда Айвазовский бўлса керак, а?

— Билмадим, мен уларни танимайман.

— Қизиқ... ўзимизнинг Бешёғочдаги супермаркетда ҳам шу суратни кўрувдим. Ўнтасини устма-уст тахлаб қўйган экан. Нархи ҳам осмонда, нақ ўттиз саккиз минг сўм!

— Улар нухасидир балки?

Севара шунга ақлинг етса, тузуксан-ку, дегандай бури-либ қаради. Сўнг рўпарадаги деворга ишора қилиб деди:

— Битта бўш жой қолибди. Адангизга айтинг, Бешёғоч-даги аукционда Рембрантнинг автопортрети сотувга қўйил-ди. Рембрантни биларсиз-а? Асли Голландияда туғил-ди, Бешёғочга ичкуёв бўлган экан. Бултур ўлудди, неварачари мерос талашиб, суратларини сотишаётганмиш. Аяббатта шани олсинлар, бўм-бўш девор етим бўлиб қолмасин.

Севара шундай деб тез-тез юрганича чиқиб кетди. Жавлон хижолат назари билан синфдошларига узр сўра-гандай қараб олди-да, унга эргашди. Севара бу эркатой-ларни масхара қилиб кўнгли ҳалоят топгандай бўлган-ди. Кўчага чиққач, вужудини ғазаб қамраб олиб, кўзига цумшук кўринган бу ҳашаматли уйдан тезроқ узоқлашиш-ни истаб, қадамини тезлатди. Юра туриб „Ўзим аҳмоқман, ўзим аҳмоқман! Юр, деб етакласа келавераманми?!“ деб тичирлади. Изидан келаётган Жавлон „Севара!“ деб ча-чирганда орқасига ўтирилмади ҳам, тўхтамади ҳам. Қада-минини тезлатган Жавлон етиб олиб, билагидан ушлагач, сарт тўхтаб, ўтирилди. Йигитнинг „Нега ундай қилдин-из?“ деган маломатли саволини кутиб, ғазабли сўзлар додасини тайёрлаб қўйди. Бироқ Жавлон уни ҳайрон қолдириб, индамади. Нигоҳлар тўқнашди. Лекин кўчанинг тира-шира ёруғида бу кўзлар баён қиладиган маъноларни қўйиб бўлмади. Севаранинг тез-тез нафас олишидан Жавлон-нинг дарғазаб эканини англагани учун ҳам сўз очмади. Севара билагини зарда билан тортиб олди. Бир оз юзма-юз туришгач, асталик билан ёнма-ён юра бошлашди. Энди-ларнинг юриши четдан қараган кишига аразлаганларни эсимас, бир-бирига кўнгили розини айтишга қийналаётган ғўр-шларнинг биринчи учрашувини эслатарди.

- Севара, кечиринг, сизни таклиф қилмаслигим керак эди.
- Ўзингиз ҳам келмаслигингиз керак эди, — деди Севара.
- Шоҳид қўймади-да, баҳоналарим ўтмади.
- Ҳа... Шоҳид чўпон, сиз эса... қўймисиз? Гапим оғир ботмасин. Сизга ҳайронман, бунақалар билан қанақасига ош-қатиқ бўлишингиз мумкин? Бум-буш қовоқ-ку ҳаммаси.
- Жуда унчалик эмас, ҳазиллашаётганингизни билиб туриб, индашмади.
- Шу ўртоқларингиз Рембрант билан Репинни эшитган деб ўйлайсизми?
- Билишлари шартми? Ўзларини юксак маданият соҳиблари дейдиган европаликларнингиз ҳам Навоийни билишмайди-ку? Санъатшуносликда ўқийдиганлар Рембрантни билмасалар уларни ҳар қанча айбласангиз ярашади. Буларнинг йўналиши бошқа. Девордаги сурат ўттиз саккиз минг сўмми ё ўттиз саккиз миллион долларми, буларга фарқи йўқ.
- Адашдингиз, фарқи бор: агар ўша суратни ўттиз саккиз миллионга олиб, қирқ миллионга сота олишса, улар учун қадрли бўлади.
- Ана, энди ўзингиз тўғри хулоса чиқардингиз. Бунақалардан четлашиб ё қочиб бўлмайди. Улар ҳам биз билан бирга яшайверади.
- Йўқ, бирга яшайвермайди. Улар умуман яшашмайди, бу бечорлар ҳаётда умрларини ўтказишади, холос. Уларни бечора деганимга қўшиласизми? Билиб турибман, қўшилгингиз келмаяпти-ю, жаҳлимни чиқармаслик учун ўзингизни жавобдан олиб қочяпсиз. Унда бошқа саволимга жавоб беринг: Парижда тикилган кўйлак билан Тошкентда тикилган кўйлакнинг нима фарқи бор?
- Билмадим... қизларнинг кўйлагига эътибор бермас эканман.
- Ҳеч қандай фарқи йўқ! Кўйлак қаерда тикилмасин, унинг вазифаси битта. Италияда тикилган кўйлагини кийиб Австриядаги тўйга борадиган хонимча кимни қойил қолдирар экан? Тўрт-бешта одам бир-икки қараса қарайди, тамом-вассалом! Энди бошқа саволимга жавоб беринг.
- Тергов қилиб юбордингиз-ку? — деб Жавлон жиддий гапларга яқун ясаб, ҳазил оҳангига кўчмоқчи бўлди. Се-

- Севара, кечиринг, сизни таклиф қилмаслигим керак эди.
- Ўзингиз ҳам келмаслигингиз керак эди, — деди Севара.
- Шоҳид қўймади-да, баҳоналарим ўтмади.
- Ҳа... Шоҳид чўпон, сиз эса... қўймисиз? Гапим оғир ботмасин. Сизга ҳайронман, бунақалар билан қанақасига ош-қатиқ бўлишингиз мумкин? Бўм-бўш қовоқ-ку ҳаммаси.
- Жуда унчалик эмас, ҳазиллашаётганингизни билиб туриб, индашмади.
- Шу ўртоқларингиз Рембрант билан Репинни эшитган деб ўйлайсизми?
- Билишлари шартми? Ўзларини юксак маданият соҳиблари дейдиган европаликларингиз ҳам Навоийни билишмайди-ку? Санъатшуносликда ўқийдиганлар Рембрантни билмасалар уларни ҳар қанча айбласангиз ярашади. Буларнинг йўналиши бошқа. Девордаги сурат ўттиз саккиз минг сўмми ё ўттиз саккиз миллион долларми, буларга фарқи йўқ.
- Адашдингиз, фарқи бор: агар ўша суратни ўттиз саккиз миллионга олиб, қирқ миллионга сота олишса, улар учун қадрли бўлади.
- Ана, энди ўзингиз тўғри хулоса чиқардингиз. Бунақалардан четлашиб ё қочиб бўлмайди. Улар ҳам биз билан бирга яшайверди.
- Йўқ, бирга яшайвермайди. Улар умуман яшашмайди, бу бечорлар ҳаётда умрларини ўтказишади, холос. Уларни бечора деганимга қўшиласизми? Билиб турибман, қўшилингиз келмаяпти-ю, жаҳлимни чиқармаслик учун ўзингизни жавобдан олиб қочяпсиз. Унда бошқа саволимга жавоб беринг: Парижда тикилган кўйлак билан Тошкентда тикилган кўйлакнинг нима фарқи бор?
- Билмадим... қизларнинг кўйлагига эътибор бермас эканман.
- Ҳеч қандай фарқи йўқ! Кўйлак қаерда тикилмасин, унинг вазифаси битта. Италияда тикилган кўйлагини кийиб Австриядаги тўйга борадиган хонимча кимни қойил қолдирар экан? Тўрт-бешта одам бир-икки қараса қарайди, тамом-вассалом! Энди бошқа саволимга жавоб беринг.
- Тергов қилиб юбордингиз-ку? — деб Жавлон жиддий гапларга яқун ясаб, ҳазил оҳангига кўчмоқчи бўлди. Се-

зара бунга йўл қўймади, ўзининг асабий оҳангини ўзгартирмади:

— Мана шу шоҳона сарой билан, қишлоқдаги деҳқоннинг уйи орасида қандай фарқ бор?

— Кўриниб турибди-ку?

— Ташқи томонидан кўриниб турибди. Уйларнинг вазифаси нима? Бошпанамми? Қишлоқдаги уй ҳам, бу ҳам қишда совуқдан, ёзда офтобдан, ёмғирдан, қордан, шамоллардан асрайдими? Сиз зийрак эмас экансиз: ўртоғингизнинг саройи олдидаги чиройли кулба нима учун қурилган?

— Қоровулхона бўлса керак.

— Яхши, шунга ақлингиз етибди. Қоровулхона нимани англатади? Бу уйда яшайдиганларнинг ҳаловати йўқлигини билдиради. Қишлоқдаги уйнинг девори ҳам, дарвозаси ҳам йўқ. Лекин одам учун энг керакли бўлган ҳаловат, хотиркамлик бор. Телевизорда „Ҳайвонлар олами“ни кўрганмисиз? Арслон не машаққат билан кийикни бўғзидан олади-ю, хотиржам ея олмайди. Бир тишлаб, бир атрофига олазарак қарайди. Энг муҳими — топганини битта ўзи еб адо қила олмайди, ўлаксахўрларга қолади.

Жавлон битта гап қўшиш билан қизнинг асаби янада бузилиши мумкинлигини англаб, индамай тинглаб бора-ёерди. Қарши жавоб бўлмагач, қиз барча захрини сочиб адо қилгандай, ҳовури босилгандай бўлди.

Жавлон қизнинг жимиб қолганидан суюниб, ичида „Хайрият“, деб қўйди.

Лекин бу суюнч алдамчи экан, Севара тўхтаб, йигитга тикилди:

— Ошналарингиз телефонларини кўз-кўз қилиб мақта-нишганда сиз нима учун жим ўтирдингиз? Кўрдингизми? Биттасиники бир ярим минг доллар экан. Пачоқроғиники тўққиз юз экан. Сизники-чи? Юз долларли телефонингизни нима учун кўрсатмадингиз? Уялдингиз-а?! Ҳа, уялдингиз! Умрингизнинг охиригача шунақа уялиб яшайверасизми? Нима учун ҳаромдан топганлар керилиб юриши керак-у, ҳалол яшаётганлар улардан уялишлари керак?! Билиб қўйинг, вақти келиб сиз буюк олим бўлиб етишасиз. Дунё сизни тан олади. Лекин шу ошналарингиз барибир сизни эёқ учиди кўрсатишдан тийилишмайди. Чунки улар учун мтмли эмас, пулли одам қадрли.

---

Севара шундай дегач, ичини ёндираётган алам ўтини ўчиришга урингандай чуқур хўрсинди-ю, жим қолди. Йигитга саволлар шодасини ташлагани билан ундан жавоб кутмади. Зотан, ҳақиқатни англашиб турган саволларга жавобнинг ҳожати ҳам йўқ эди.

Бекатга етишгач, Жавлон йўловчи машина тўхтатмоқчи эди, Севара унамади. Автобусни пойлашди. Атрофда тўрт-беш одам тургани учун Севара асабий суҳбатини бас қилди. Автобусда ҳам, ундан тушиб қизнинг уйига яқинлашгунларигача ҳам деярли гапирмадилар. Муюлишга етганда иккови аввалдан келишиб олгандай, бараварига тўхташди. Севара йигитдан ширин бир сўз кутди. Лекин кутилмаган илтимосни эшитди:

— Севара... бундан кейин ҳалиги гапингизни... ҳазиллашиб ҳам айтманг, хўпми?

Севара тушунди. Бу гапни ҳозир эмас, кейинроқ айтилишини кутган эди. Биринчи эр ҳақидаги гап йигитга ёқмаслигини билган, лекин қалбини тирнаб ташлаганини, бу тирноқ излари кейинчалик ярага айланиши мумкинлигини тахмин ҳам қилмаганди. Ҳозир вазиятни юмшатиш учун кулди:

— Вой, шунга шунчами?! Нима, фаришталар „омийн“ деб юбормасин, деб чўчияпсизми? Чўчиманг. Фаришталар „омийн“ дейиши учун, аввало, мен сизга тегишим керак, сиз миллионер бўлиб, мени Сан-Франсискога олиб кетишингиз керак. Бунақа ишга фаришталарингизнинг кучи етмайди.

— Мен миллионер бўла олмайманми?

— Бўласиз, фақат олдин математика оламида инқилоб қилиб, Нобель мукофотини оласиз.

— Шунчалик ишонганингиз учун ҳам раҳмат. Ишқилиб... келинлик либосини ўша мукофот пулига тиктирмаймизми?

Йигитнинг илмоқли саволига қиз нозли жавоб қилди:

— Ким билади, буни ўйлаб кўришим керак экан. Сиз... бугун барибир ухлолмасангиз керак. Жинни-гинни гапларим уч-тўрт кунгача ғашингизни келтириб туриши аниқ. Уйқусизликдан қийналмаслигингиз учун битта масала бераман, ўйлаб, ечишга уриниб кўринг. Бу эҳтимоллик назариясига доир, лекин математикадан узоқ масала.

— Қизик, шунақаси ҳам бўладими?

— Бўлади. Эшитинг: ҳозир битта гапни ҳазил қилиб ҳам айтманг, дедингиз. Ростданам қўпол ҳазил бўлди, ҳатто ўзимдан ўзим ирганиб кетдим. Лекин масала шундаки... бир қиз билан йигитнинг муносабати жуда яхши бўлса-ю, йигит совчи қўйгандан кейин қизнинг аввал турмуш қурганини билиб қолса... нима бўлади?

— Масалангиз шуми?

— Бу бошланиши. Жавоби қийин эмас: бизнинг муҳтимизда ота-онаси у қизни барибир келин қилмайди, йигит бошқага совчи қўяди. Кўнгли жуда қаттиқ боғланган бўлса, уйланганини суймаса, тўйдан кейин учрашиб туриши мумкин. Лекин аксинча бўлса-чи? Йигитнинг аввал бир турмуш қурганини қиз билиб қолса-чи? Ота-онаси ҳам, ўзи ҳам тақдирга тан бераверадими? Сиз билан мен еча олмайдиган энг оғир масала шу. Бу масалани биздан олдингилар ҳам еча олишмаган, биздан кейингилар ҳам еча олишмайди.

— Унда нима учун бу масалани менга юкляпсиз?

— Уйқусизликдан қийналмаслигингиз учун...

Севара шундай деб шўх кулди-да, бурилиб, уйи томон югуриб кетди.

Орадан уч кун ўтиб, ресторанда ўтириганида Шоҳид пичинг қилиб Жавлондан „Хушторинг биринчи эри билан Сан-Франсискога кетдимиз?“ деб сўраганида у „Биринчи эри қўйиб юборибди“, деб гапни калта қилган эди.

Шифохона даҳлизида Севарага қитмирлик қилаётган Шоҳид биринчи эрдан гап очганда ўша жавобни назарда тутган, икки ошнанинг ўша суҳбатидан беҳабар Севара шу сабабли газабланган эди.

Севара шифохона даҳлизида яна бир оз ўтиргач, юраги сиқилиб кетиб, ўрнidan турди.

Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, эшикни қия очди-да, ичкарига мўралади. Чалқанча ётган Жавлон баралла хуррак отаётган эди. Қиз ичкарига кириб, унга тикилганича узоқ ўтирди.

„Кеча шу ўртоқлари билан бирга бўлган... Бу ошналари уни бир балога йўлиқтиради...“

Кўнгли бир фалокатни сезгандай, вужудига енгил титроқ югурди...



### ЎТМИШ ЭСА ҲАМИША ТОТЛИ

Қуюқ булутлар бағридан юлқиниб чиққан самолёт титроғини бас қилгач, йўловчилар эҳтиёт камарларини ечиб, хордиқ чиқариш истагидаги йўловчилар суюнчиқни орқага оғдириб, ястаниб олдилар. Файратнинг ёнидаги семиз одам оромпарастлардан экан. бошини суюнчиққа қўйди-ю, енгил хуррак ота бошлади. Нохуш суҳбат таъсиридан ҳали қутулмаган Файрат учун бу айни муддаонинг ўзи эди. Агар ҳамроҳи сергап бўлганида манзилга етгунича шўрини қуритарди. Файрат думалоқ дарча орқали ташқарига қаради. Пастда булут тоғлари гирдоб каби тўлғонади. Булут чегараси кўринмайди — гўё бутун ер юзини ўраб олгандай. „Юқоридаги кузатувчилар ердаги бузғунчиликларни кўравериб безиб кетганларидан „Кўрмайин ҳам, куймайин ҳам“ деган мақсадда булутдан парда ясаб тўсиб ташлаганмикин?“ деб ўйлади Файрат. Ташқарига қарайвериб кўзлари толди. Кўнгли ором истаб, суюнчиқни пастлатди. Кўзларини юмди. Кўнгли истагани билан ором уйқуси кела қолмади. Аксинча, роҳатсизлиги, кўнгли хиралиги кучайгандай туюлди.

Фирромнинг гапларидан безгани билан руҳига ғашлик соясини солаётган сабаб бошқа эди.

Сафарга отланаётганида Моҳидилнинг қарашларида мунг пайдо бўлганини сизди. Моҳидил бошига келинликнинг ҳарир рўмолини ёпиб, мажруҳлар аравачасида бу уйга кириб келганидан бери тез-тез паришон ҳолга тушиб турарди. Файрат унинг дилини эзаётган армонларни билгани учун ҳам „Нима бўлди?“ деб сўраб ўтирмай, суйганини ҳазил-хузул гаплари билан эзгинлик жаридан тортиб олишга уринарди. Ригадаги халқаро анжуманга боражанини айтганда Моҳидилнинг қарашидagi паришонлик аввалгилари каби эмасди. Яқинлашаётган қандайдир нохушликни сезган Файратнинг ҳеч қаёққа боргиси келмай қолди. Бир баҳона топиб, сафардан воз кечса, суйганида хавотир уйғониши мумкин эди. Шу боис кийимларини жавондан бир-бир олиб, Моҳидилга узатди. Моҳидил каравотида ўтирганича уларни тахлаб, жомадонга жойлади. Ҳар доим шундай бўлади: Файрат керакли нарсаларини ўзи жойлай олса-да. Моҳидилнинг бу борадаги талабини сўзсиз бажаради. Бу

сафар Моҳидил кийимларни шунчаки тахламади, балки азиз фарзандининг бошини суйиб силаган каби силаб-силаб қўйди. Бу ҳолат замирида видолашиш ётгандай туюлиб, Файрат унинг кўзларига тикилди. Бунақа пайтда Моҳидил айбини бўйнига олган маъсума сингари маъюсгина кулимсираб қўйгучи эди. Энди эса сири фош бўлган гуноҳкор каби нигоҳини олиб қочди.

Ташқарида бехос турган шамол дераза табақасини силаб, Моҳидилни эрининг савол назарига жавоб беришдан қутқарди. Файрат шошиб бориб деразани беркитди.

— Яна ёмғир уради шекилли? — деди худди бир янгиликни кашф этгандай.

— Ёмғирли кунни жиним суймайди, — деди Моҳидил синиқ овозда. Бу билан „Сиз сезган кўнгил хиралигига шу об-ҳаво сабабчи“ дегандай бўлди. Кейин фикрини тасдиқ этиш ниятида давом этди: — Шаҳарликларга билинмайди. Қишлоқда тупроқнинг аталаси чиқиб кетади. Бирон жойга боролмайсан. Телевизор нимани кўрсатса, тикилиб ўтираверасан. Сизга ёмғирли кун ёқадими?

— Баъзан ёқади, баъзан эса ёқмайди.

— Бу нима деганингиз?

— Сизга ёққан куни менга ҳам ёқади. Сизга ёқмаса, менга ҳам ёқмайди. Бетларим ўпичларингизнинг ёмғири остида қолса, айниқса, роҳатланаман.

Бу гап хуш ёққан бўлса-да, Моҳидил унга маҳзун табассум билан жавоб берди.

Файрат эса эркатой болакай онасига суркалгани сингари Моҳидилга бетини тутди. Моҳидил кулимсиради, аммо ўпмади. Юмшоқ ва иссиқ кафти билан аста силаб қўйди. Файрат эркаланишини давом эттириб, ўнг бетини тутди.

— Бу ёғига урадиганлар Ригада топилиб қолар?

Моҳидил нозли рашк билан айтди бу гапни. Дунёда рашксиз хотин йўқ. Барча аёллар асослими ё асоссизми рашк қилаверар эканлар, Моҳидил бундан бебаҳра бўлсинми? У ўзи ўйлаб топган „Эрни рашк қилмаслик — севмасликдир“, деган қоидага амал қилади. Аммо бу амал қилиш доираси ғоят тор бўлиб, рашкни эгар урилмаган асов от ҳолига ташлаб қўймайди. Аллоҳ унга тиниқ ақл ва беўлчов ҷиммат бергани учун рашкни енгишга куч топади. „Тўшакка миҳланган хотиннинг эрини рашк қилишга ҳаққи

борми?“ деган саволни ҳам ўзи ўйлаб топган. „Рашк қилишга ҳаққи йўқ“ деган ҳукм ҳам ўзига тегишли. Шунга қарамай, эри хизматдан кеч қайтган кунлари юрагининг бир чети рашк чўғида куйиб туради. Лаблари эрининг лаби билан қовушганда бу чўғ сўна қолади.

Ҳозирги гапни айтганда „Эрим Ригада чакки юриб. бировга илакишади“, деган ғаламис фикри йўқ эди. Шунчаки, Кумушнинг Отабекка эркалиниб айтган гапларини сал бошқачароқ қилиб айтди. Файрат буни тушуниб, қувонгани учун ҳам бетини тутиб тураверди. Бу қатъийлиги учун ўзи кутган мукофотни олди: Моҳидил уни меҳр билан ўпиб қўйди.

Файратнинг назарида бетига теккан лаб сал титрагандай, аввалги ҳарорат ҳам йўқдай туюлди... Уларнинг уйида болалар шовқини йўқ эди. Аксар ҳолларда сукунат эғалик қиларди. Бир куни Моҳидил „Биз „Жимлик“ кўчасидаги „Сукунат“ уйида яшаймиз“, деб маъюсланган эди. Ўшандаги изтиробли жилмайиши юрак дардини ошкор қилган эди. Файрат хотини кўзида мунг кўрганида, кўпинча, шу армонли гапни эсларди. Ҳозирги ҳолатни ҳам ўша юрак дардига йўйди.

Тунда шамол тиниб, атроф сукунат оғушида қолди. Лекин бу осудалик алдамчи эди. Ёмғир томчиларининг аввал тунука томга, сўнг эса дераза ойнақларига урилишидан ҳосил бўлган кўнгилга хуш ёқувчи овози сукунатни парчалаб ташлади. Кейин тун чизган зулмат лавҳасини чақмоқ поралаб йиртди. Уйқуси ўчиб, қаддини бир оз кўтарган жувоннинг рангпар юзини ёритган нур ўчди-ю, зулмат уни ҳам ўз бағрига олди. Яшин нури сўнгач, бир неча нафасдан сўнг еру кўкни момақалди роқ ларзага келтиришини билса-да, милтиқ овозидан талвасага тушувчи қалдирғоч мисоли чўчиб ўтирди.

Аслида...

Моҳидил чақмоқ нуридан ҳам, момақалди роқнинг қарсиллашидан ҳам қўрқмаган эди. Бир чимдимгина қуш уйқусида Оқтомдаги ўша воқеа яна кўз олдида гавдаланиш натижасида баданига енгил титроқ югурган эди. У воқеани сира унутмаган, бот-бот ёдига тушарди, тушларига кириб руҳини эзарди. Лекин кейинги кунлари ўша мудҳиш воқеа хаёлини бутунлай эғаллаб олгандай туюлди.

...Ўшанда машина жар томон бурилганида Моҳидил ҳақат „Вой!“ дейишга улгурди. Машина харсангга урилганда эшик ўз-ўзидан очилди-ю, қизни қандайдир куч ашқарига отди.

Моҳидил нима бўлганини билмай ҳам қолди.

Кўз олди қоронғилашди...

Кейин атроф оппоқ оқариб кетди. Ўзини Паридарадаги ювий кўл устида кўрди. Паридарадаги ёрдан учиб чиққан фаришталар уни қанотларига олиб учдилар.

— Қаёққа олиб кетяпсизлар? — деб сўради.

Жавоб бермадилар.

Шу онда узоқ-узоқлардан Файратнинг овози келди:

Оқиб кетма, оқиб кетма, ойжон, оқиб кетмагин,  
Кетганлар кўп, қайтганлар йўқ, дил безиллар кетишдан.  
Оқиб кетсанг, қалқиб кетсанг, узоқларга кетмагин...

Овоз қайдан келяпти, деб аланглади. Атрофни яна зулмат қоплади. Овозлар ҳам тинди.

Кейин зулмат чодирининг бир этаги кўтарилиб, гиралирада Паридарадаги сой бўйида нола қилаётган Файратни кўрди. Унинг кўзларидан айрилиқнинг қонли ёшлари қарди...

Кейин... яна овозлар эшитила бошлади. Лекин Паридарадаги кушларнинг чуғури эмас, кимнингдир йўталгани, қишларнинг тарақлагани... сўнг эса онасининг хўрсиниши...

...Кўзларини очди. Оппоқ шифт чирпирак бўлиб айлаб бошлади. Онасининг чеҳраси парда ортида кўрингандай эди. Кейин онасининг „Қизим, жон қизим...“ деб йигитамсираганини эшитди. Ёноғига иссиқ ёш томчиси томиб, оржуди жимирлаб кетди...

Икки ой хушсиз ётганини дарров айтмадилар. Ташқарига қараб, куз ҳукмронлигининг бошланганини кўриб, уни англади...

Йиллар тўзони босилгани билан хотира қуюни ҳали ёрдан кетмаган эди. Бугун у Моҳидилнинг ўзи ҳам билганган бир сабаб билан янада зўр кучда уйғонди.

Файрат ана шу қуюн оғушидаги хотини томон ўғринча қараб қўйди-ю, индамади. Моҳидил қалбини тирнаётган қарса нима эканини аниқлаш мақсадида хаёлнинг турли ўчаларига кириб чиқаверди.

Ўшанда Оқтомдаги олишувда биқинидан пичоқ еб хушидан кетганда жони қилга илиниб қолган эди. Худо уни Моҳидилнинг бахтига омон сақлаб қолдими ё қизни унинг саодати учун асрадимми — бандасига номаълум. Кўп қон йўқотган йигит тўртинчи куни хушига келди. У Моҳидилнинг тақдиридан беҳабар эди. Шу бонс жиноятчилар қўлга олингани ё олинмагани билан қизиқди. Моҳидилнинг йўқлаб киришини кутди. Қиз келавермагач, кўнглига гулгула тушди. Бир ҳафтадан кейин Шуҳрат кўрингач, ундан сўради.

— Моҳидил Тошкентда, ўқишга кирадиган бўлибди...

Шуҳратнинг ишончеиз оҳангда айтган бу баҳонаси Файратни тинчлантира олмади. Қайта-қайта сўрайвергач, дўсти тўғриси айтди. Қизнинг беҳушлиги яширилган бўлса-да, шу хабарни эшитгандаёқ Файрат ўзини нимтанимта қилиб ташлагиси келди. Қўлида пичоқ бўлса, эҳтимол бу ишдан қайтмасди. Сапчиб турмоқчи бўлганида Шуҳрат уни кучоқлаб олиб, жойига ётқизди. Шовқинни эшитиб кирган ҳамшира эм игнасида тинчлантирувчи дори юборгач, Файратнинг шашти пасайди. Аммо ичидаги галаён тинмади, йигига айланиб сиртта чиқди... Эртасига Шуҳрат келганида ўзини босиб олган, қизга ёрдам бериш чораларини ўйлаб ётган эди.

— Тоғамга хабар қил, Моҳидилни Тошкентга олиб кетсинлар. Ўша ердаги дўхтирлар қарашсин, — деди.

— Сен айтмасанг ҳам тоғанг шунинг ҳаракатидалар. Лекин дўхтирлар ҳозирча қимирламай ётсин, дейишди, бели сал лат еган экан.

Файрат вилоят шифохонасида, Моҳидил эса район марказида эди. Яра битиб, ўзи сал қувватга кира бошлагач, Файратни Тошкентдаги ҳарбий шифохонага жўнатадиган бўлишди. Файрат Моҳидилни кўрмай туриб ҳеч қаёққа бормаслигини айтганида қизнинг Тошкентда даволанаётганини билдиришди. Файрат лақма гўдак каби бу алдовга ишониб жўнади.

Алданганини билгач, Ясситепага интилди. Моҳидил хушига келмай туриб, муддаосига етди ҳам. Фақат бу муддао Моҳидил ётган хона остонасига қадар етаклаб кела олди. холос. Ойниса уни ичкарига киритмади. Эртаси... индинига ҳам...

Ўшанда Ғайратнинг юрагидаги севги кучи муқобилида Ҳужажак қайнонасига нисбатан нафрат қудрати бош кўтарган эди. Кейинчалик юборган совчилари қуруқ қайтавежишгач, бу нафрати аланга олаверди. Моҳидилига етишганидан кейингина бу нафратини ўзи бўғиб йўқ қилишга эришди.

Ғайрат совчи юборавериб чарчамади, Моҳидил рад авериб қийналиб кетди. Қалби „Хўп“ деб турганда тил „Йўқ“ деб турса, вужуд бечора нима қилсин?! Бу азобдан сўра тилка-тилка бўлиб кетгани яхшимасми? Совчиларнинг бошларини эгиб уйдан чиқишларини кўрганда „Гўзал бўлиб яратгандан кўра, бахтли қилиб яратсанг бўлмасми-зи?!“ деб Худога нолалар қилди. Синов дунёсида яшаётганини унутиб, „Бу азобларга дуч қилгунча ўша жарда жонимни ола қолсанг бўлмасмиди?“ деб ҳақ талашди. Тан азобларига сабр қилди, аммо тирик туриб севгисига етиши мумкин бўлмаганидан қон йиғлади. Йиғисига ёстиқ гувоҳ. Ўзича пинҳона йиғлайди, „Бу азобларимни онам билмай-ми“, деб ўйлайди. Она фарзандининг азобларидан беҳабар қола оларканми? Қизи кўзларида мунг булути соясини кўриб, ўзини кўрмаганга олиш қанчалар оғир! Ойниса қизининг бир ўлимдан қолганига шукр қилиб, мажруҳлигига ишонади, Худо шифо бериб қолар, деган умид билан яшади. Мажруҳ қизи билан Ғайрат тақдир ипларининг боғланишига баъзан рози бўларди, баъзан бу никоҳ иплари руҳ азобларини давом эттиражагини ҳис қилиб, совчиларга рад кавоб берганидан қувонарди. Қизининг боши узра ишончли паноҳ мавжудлиги унинг хаста кўнглига оз бўлса-да ҳаловат берарди. Қизи бошига мусибат тоши ёғилмасдан олдин йигитнинг мақсадини шунчаки ҳавас деб билиб, унинг ҳаракатларини баъзан шилқимликка йўярди. Қизи билан йигитни муҳаббатнинг узилмас занжири чирмаб ташлаганини эса ҳис эта олмасди. Қизнинг мажруҳлиги бу занжир ҳалқасини уза олмаслигини ҳам ҳис этолмасди. Баъзан „Шунчалик қаттиқ севиш мумкинми?“ деб ўйлаиб қоларди. Кунлар, ҳафталар, ойлар ўтган сайин бу муҳаббат қудратига ишона борса-да, баъзан „Ғожиага ўзини айбдор деб билгани учун қизимга уйланмоқчидир? Бир йил яшар, икки йил бирга яшар... ёш йигит кўпига чидай олмайди. Мен ўлиб кетсам, қизимни мажруҳлар касалхо-

насиға ташлайдими? Қизим мусофирликда, хорликда яшайдими...“ деган хавотирли фикрлар қалбига игна бўлиб санчиларди.

Совчилар „Онаси қайсар экан, кўнмаяпти“, деб келишса-да, Файрат рад жавоби ким томонидан берилаётганини билиб турарди. Ўзи тўрт марта борди. Биринчисда Моҳидил билан кўришди. Қиз: „Бу бир тақдир, сизнинг айбингиз йўқ, ўзингизни қийнаманг. Никоҳ ҳақидаги орзуларингизни жарга улоқтиринг. Мен Паридарадаги қизларнинг бириман, уларга ҳавасим келарди, Худо умидимга оқ йўл бериб, бизларни бирлаштириб қўйди...“ деди. Кейинги боришларида Ойниса уни остонадан ҳатлатмади. Файрат бу жазо ким томонидан жорий этилганини фаҳмлаб, баттар эзилди. Уйга зўрлик билан кирган тақдирда қизнинг қалбига озор беражagini англаб, бу ҳаракатдан ўзини тийди. „Бу дунёда қувончингиз сабабчиси бўлган қизингизни бахтиёр кўришни истамайсизми?“, деди қалб оғриғи билан. Худди шундай қалб оғриғи билан чиққан жавобни эшитди: „Сиз қизимни, қизим сизни бахтли қила олмайди... У сизни куёв либосида кўриш азобига чидолмайди...“ Орзулари сароб бўлган бечора ошиқ ҳолини ким, қайси сўзлар ила тўлиқ баён қила оларкин? Қалби зулм ўқиға дучор бўлиб, овчининг оёқларига йиқилган, қанотларини тинимсиз қоқаётган кушдек Ойнисанинг ҳам, Моҳидилнинг ҳам оёқларига йиқилишни, умидсизлик сабаб фарёд этишни истар, аммо ўлмаган умид, синмаган гурур унга ўткир тишлар, кучли тирноқлар берар эди.

Ҳаёт зарбаларидан ўзини ҳимоя қилишга ожиз Ойниса эса, олган, олаётган зарбаларига жавоб қайтара олмагани сабабли ночорлигини кўз ёшлари билан баён этарди.

Совчилар „Онаси ёлғиз қолишни истамаяпти“, деб келишди. Файрат „Онаси биз билан бирга яшайди“, деди. Йигитлар орасида „Ичкуёв — пуч куёв“ деган маломат бор. Қайноналар хусусида бу каби гаплар йўқ бўлса-да, аёллар куёвнинг уйда яшашдан баъзилари ор, айримлари эса истиҳола қиладилар. „Куёвнинг қош-қовоғига қараб ҳаёт кечиришдан ҳам оғирроқ тақдир борми“, дейдиганлар анчагина топилади. Ойниса шу тоифадан. Совчилар бу хусусдаги фикрларини баён қилишга бошлаганлари ҳамон, гапларини оғизларидан олиб, „Йўқ, йўқ“, деб ёқаларига

епиштира қолди. Файрат ҳатто хизматини шу ёққа кўчиришга ҳам тайёр эди. Бунга онаси ҳам кўниб эди. Лекин бу таклиф ҳам Ойнисанинг остонасини ҳатлаб ўта олмади.

Ҳар нарсанинг чегараси борлигига ишонган Файрат сабр қилаверди. Қўл-оёғи чаққон келин тушириш умиди билан яшаётган онаси дардини ичига ютиб яшашдан ўзга чора топа олмади. „Агар болам ўша қиз билан бахтли бўлса, розиман“, дерди-ю, ёшларнинг бахтли бўлишларига ишонмасди. Келиннинг хизматидан умидини узиб, келинга хизмат қилишга ҳам тайёр бўлган она — бўлажак қайнона ўғли истаётган бахтнинг умри қисқалигини сезиб қийналарди.

Файрат умид қилаётган бахт саройининг дарвозаси Ясситепада биринчи қор ёққан куни ланг очилди. Дераза ёнидаги каравотда ётавериш кураклари қақшай бошлаган Моҳидил бир учи тепасидаги шифтга маҳкамланган арқонни ўнг қўли билан маҳкам ушлаб тортиниб қаддини кўтарди-да, чап қўли билан ёнидаги ёстиқларни олиб орқасига тахлади. Бу юмушни кунда тўрт-беш марта такрорласа ҳам, ҳолдан тойиб ҳансиради. Кейин нафас ростлади-да, дераза орқали ҳовлига тикилганича ўтирди. Майдалаб ёғаётган қор ерга қўниб, эриб кетмай, оқ чойшабга айлана туриб олдинги фаслларда гуноҳлар ғубори босган ер юзининг айбини беркитиш ҳаракатини бошлаб юборган эди. Ҳар йили шундай бўлади: қор холис хизмат қилиб, гуноҳлар ғуборини босади. Ер юзи келажак баҳорда яна гуноҳлар бағрига отилиб кириш учун қиши билан ором олади.

Ташқари кеч кузнинг юракни эзувчи рутубатли манзарасидан қутулиб, ўзгача чирой олаётган бўлса-да, бу ўзгариш Моҳидилнинг қалбига ёруғлик бермай, аксинча, эза бошлади. У гўё охириги қорнинг ёғишига гувоҳ бўлаётгандай, келгуси йилги биринчи қор гўё унинг қабри устига ёғадигандай туюлиб, кўнглини ёқимсиз қоронғулик боса бошлади. Кўзларига ёш келганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қия очик эшик ортида туриб қизини кузатаётган Ойнисанинг ҳам кўзлари ёшланди. Қизининг кўз ёшлари ёноқларини ювиб тушяпти, ташқарида эса қор эмас, уларнинг оппоқ хасратлари ёғяпти гўё... Моҳидил бир оздан кейин бошини бурди, табиатнинг мусаввирлигини кузатишдан чарчади. Бошини ёстиққа тираб, чуқур уф тортиди. Ойниса буни эшитди. Бу уффлаш ташқарини кузатиб кўзлари чар-

---



чаган қизнинг эмас, ҳаётдан тўйган, балолардан чарчаган муштипарнинг охи каби туюлиб, титраб кетди. Кўзидаги ёшни артишни ҳам унутиб, ичкарига кирди. Қизига яқинлашиб, уни кучоғига олди. Ҳасратга тўла икки қалб шу тарзда унсиз йиғлади. Йиғлай-йиғлай чарчади. Охири Ойниса қизининг нам кўзларидан қайта-қайта ўпиб, аҳдини айтди:

— Қизим... ўзингни қийнама. Совчилар яна келса, розилигимизни айтаман. Мен бу ерда ёлғиз қолмайман, сен билан бирга кетаман. Никоҳларингни тақдир қилган бўлса Худога кўп қарши чиқиб бўлмайди...

Моҳидил индамади. Онасини маҳкам кучоқлади. Бағрига сингиб кетгиси келди.

Совчилар келишини кутишмади. Ойнисанинг ўзи Назирага кўнғироқ қилиб, янгиликни билдирди. Назира ўша ондаёқ Файратга хушxabарни етказиб, суюнчи олди. Тошкентда ўтувчи тўй масаласида муаммо йўқ эди. Қиз томонда бўладиган тўй совуқда қандай ўтаркин, деган ўй Файратни бир оз паришон қилди. Тошкентнинг тўйхонасидаги тантана билан Ясситепанинг яланглигидаги тўй одалари орасида анчагина фарқ бор эди. Дўстининг бу хусусдаги муаммосини сезган Шухрат арифметикадаги энг осон мисолни ечиб бергандай ҳал қилди-қўйди.

— Сен у ерда тошкентча тўй қиламан, деб овора бўлма Дастурхон тузашларини кўргансан-ку, улар зиёфатга ишқибоз эмас, яхши ашулачилар бориб қизитиб берса, бас

— Сен Ясситепанинг эски куёвисан, улар қайси ашулачини яхши кўришади?

— Ҳозир қайси ашулачи осмонда сузиб юрибди, билмайсанми?

— Осмонда сузиб юрганлари кўп. Ҳозир эшак аравадагилар ҳам юлдузларга айланиб қолишган. Туғилиши билан киндигини микрофонга улаб олиб керилиб юрганларнинг ҳисобини олманман.

— Сен санъатни ўзингнинг қаричинг билан ўлчама.

— Ҳақиқий санъатнинг қаричи бир хил бўлади. Тўйнинг санъати бошқа, саҳнаники бошқа бўлмайди.

— Бу сенинг фикринг. Ҳаётнинг кўриниши бошқа, истасанг ҳам, истамасанг ҳам чидашга мажбурсан. Ҳозир мен айтадиган ашулачини миллионлаб одамлар оҳ-дод, воҳ-дод

себ кутиб олишади, лекин сен учун унинг сариқ чақалик шари йўқ.

Шухрат шундай деб унга айёрона кўз қисиб қўйди-да, битта саройларда ҳафталаб концерт берадиган машҳур ашуланининг исмини айтди.

— Айтмасанг ҳам биламан уни, — деди Ғайрат пешонасини тириштириб, — санъатни яхши тушунадиганлар кўпроқ бўлганида бунинг саҳнага йўламаган бўларди.

— Унга саҳнанг текинга ҳам керакмас, ўзбекнинг тўйи ёр экан, буларнинг ошиғи олчи. Хўп, сен ёмон кўрганинг билан ясситепаликлар унга жонини ҳам берворишади. Бир марта борганида кўрганман. Обрўли куёв бўламан десанг, шунини олиб борасан.

— Бунақа обрўни чўнтак кўтармайди.

— Сен хўп десанг, бас, чўнтак кавламайсан.

— Қанақасига?

— Укасининг иши чатоқроқ бўлиб турибди. Тергов бўлимидаги Садриевнинг қўлида. Битта имлаб қўйса етарли.

— Бунақаси кетмайди. Ишни аралаштирма.

— Ўзи кўпга кетадиганмас, Садриевни биласан-ку, озгина ваҳима билан кўп ишларини битириб олади. Ашуланининг кўнглига гўлгула солиб қўйиб, энди ўзини олиб қочиб юрибди. Ўша битта имлаши сенга тўёна бўлади.

Ўша битта имлаш яхши самара берди.

Тоғ осмонида ҳукмини ўтказа олмаган куёш уфққа қон уфуриб ботаётган дамда Ясситепада тўй бошланди. Дастурхон устида музлаб қолган қовун-тарвузу узум-анорларга биров қўл узатмади ҳам. Шишаларнинг огзи очилгач, газак учун пиширилган гўшту колбасанинг еб адо қилингани айтилмаса, дастурхон усти қандай безалган бўлса, шундай қолди. Шухрат мақтовни ошириб юбормаган эди. Ашулани чиндан оқ-воҳ олқишлари билан кутишди. Шишалар билан ошначиликни аъло кўрувчи йигирма чоғли одамдан ташқари тўйхона аталмиш майдон атрофида тик турган кексаю ёшга қарийб уч соат давомида ҳам совуқ таъсир этмади.

„Куёв кичкина милиса бўлгани билан министрига ҳам сўзи ўтаркан, ўша министри бир мўйлов қилиб қўйган экан, Тошкентнинг энг олди ашулачиси қуллуқ қилиб хизматга келибди. Моҳидилнинг бахти очилгани шу-да!“

Тўйдан кейин Файратнинг обрўи шу гаплар билан кўтарилди. Келин ва куёвнинг чиройли либосларда тўрда ўтирмагани ҳеч кимни ажаблантирмади. Бир уй хотинлар билан тўлган, чимилдиқ тикилган иккинчисида куёв ва келин ташқаридан эшитилаётган қўшиқ сеҳрига банд бўлгандай жимгина ўтиришарди...

Баҳор булутидан узилган томчидан яралган, наҳорги куёшнинг жонбахш нурларидан баҳра олган, сукунат ва зулмат юзма-юз бўлган ўрмонда чаманзор орасида бўй кўрсатган, шабада қанотида бу ердан бир томчи шудринг, нарироқдан нурлар қаҳқаҳасини излаётгандек тебранган, рангдан яралгандек жозиб, нозик чечак каби эди у. Ёшликнинг ҳаёлот уфқига эндигина очилган бир даври бор, шу давр қалбга шу гул каби нур ва қайғу бағишлайди. Бу ҳаётнинг шундай нуқтасики, ҳаёти ҳам, ўлими ҳам тақдирнинг ўйинчоғидир. Улар ҳаётнинг шу нуқтасида эдилар. Туйғулари шу вақтгача номаълум бўлган уфққа интилар, қалблари гўё сеҳрли таёқчанинг зарбидан енгил титрар эди...

Худди биринчи марта кўришишаётгандай, гап гапга қовушмаётган эди. Баланд қилиб тахланган ёстиқларга суянганича ўтирган Моҳидил бутун иродасини жамлаб, йиғи йўлига тўсиқ қилиб қўйган эди. Файрат яп-янги духоба кўрпа устидаги бемажол қўлни ўзининг кафтлари орасига олди. Қўл тафти Моҳидил қалбига чақмоқ титроғини солди. Қиз бетини бурди-ю, лекин унга қаршилиқ билдирмади. Йиғлашга тайёр бўлса-да, кулимсирашга ҳаракат қилди. Файрат энгашиб, унинг кафтига лабини босди. Сўнг бу лаблардан дил изҳори учди:

Ошиқ ўлдум, панд берманг. чорам асбобин тузинг,  
Ишқ зор этганга зулм этма :г, тараҳҳум кўргузинг.

Бир неча нафасдан сўнг қизнинг чап қўли унинг сочи-ни силади.

Соғинган қалбларнинг ҳароратини босиш учун бу кифоя эмасди... Ҳижрон денгизининг тўлқину тўфонлари орасида қолган бу икки одам умрбод эзиб турадиган юкни елкаларига олаётганларини билиб турардилар... Тақдирлар томчисидан тўпланмиш ҳаёт денгизи аро яшамоқ учун курашнинг тўлқинлари ҳайқириб турганлиги ҳам уларга аён эди....

„Москва — Тошкент“ самолётида ором истаган Ғайрат-ни уйку енгмади. Ўтмишнинг ҳам ташвишли, ҳам тотли ўтиралари ўз қанотига олди. Моҳидилнинг Тошкентга қайтишгандан кейинги биринчи табассуми кўз олдига келди. Ғайрат бу табассумни кўп кутди. Моҳидил ўзини бахтли келин чехрасида кўрсатишга интиларди, лекин бу бахтра паришонликнинг ҳарир пардаси ортида эканини сезиш қийин эмасди. Бир куни хизматдан барвақтроқ қайтган Ғайрат қайнона-келиннинг хуш кайфиятда суҳбатлашиб ўтиришганини кўрди. Моҳидил, эрига кўзи тушиши билан, унга бир табассум ҳадя этди. Яратганнинг гулгару нурлардан олиб Моҳидил дудоқларига қўйган, ранг ва ранг мужассам бўлган бу табассум Ғайрат қалбидаги умидга қувват берди. Бахтни тўла ҳис этиш учун яна бир саодат маконига эҳтиёж сезилади. Бу ондаги табассум Ғайрат қаринасида саодат қопқасини очган эди...

Тошкент осмонидаги кўнғир булут галалари самолётни кўндиришни истамагандай обдон силкитди, лекин темир кучга бас келолмади. Самолёт зинасидан пастга тушган Ғайрат майдалаб ёгаётган ёмғир томчиларига юзини тутди. Ёқимли томчилар кўнгил ғашлигини ювиб кетгандай бўлди. Шаҳар кўчаларидан бора туриб, кўнгли равшанлашди. Ригани кўпчилик чиройли шаҳар деб таърифласа-да, кўчаларнинг торлиги, уйлариининг бўғиқ рангда экани Ғайратнинг руҳини анча эзиб қўйган эди. Уйга етиб, дарвоза эшигининг қия очиқ турганини кўргач, боғчаниннг кунлик эрксизлигидан қутулиб келган ёш боладай қувониб кетди.

## СИНОВ

„Кўтарма бош“да ўтиришганда Сардор ишонч билан „Ишинг бугун-эрта ҳал бўлади“, дегач, „Ҳар қандай оғир масаланиннг енгил ечими бор“, деб ишониб яшовчи Қамбарни эзиб турган кўнгил нохушлиги аригандай бўлиб, кўчада дайдиб юрмай, уйига қайта қолди. Сардор эса, кундузгига мўлжалланган юмушларини бажаргач, қоронғи гушиши билан эски шаҳардаги кўримсизгина кабобхонага бориб ўтирди. Хизматчи йигитча сўраб ҳам ўтирмай, унга бир чойнак чой, икки сих жигар кабоб келтириб қўйди. Ҳозир кичкина бир бостирмани ҳам қаҳвахона ёки ошхо-

нага айлангириб, „Дилрабо“, „Оромжон“ сингари баланд-парвоз номлар беришни хуш кўришади. Бу жойнинг эгаси замондан ортда қолганми ёки кабобхонасининг кўримсизлигидан истиҳола қилганми, ҳар ҳолда ном қўймаган. Етим бола сингари мунғайиб тургани билан нарх арзонлиги учун кабобхона доимо гавжум бўлади. Ҳашаматли ресторанларга ўрганмаган, лаби учган пиёлада ҳам арақ ичаверадиган тўрт-беш кишилиқ улфатларнинг гурунгини радиодан тўхтовсиз таралаётган қўшиқлар овози босиб кетади. Сардор улар каби кабобхонанинг мижози ҳисобланса-да, бу ерга қорин ғамида келмайди. Унинг юмуши бошқа: бир-икки соат давомида атрофга зийраклик билан кўз ташлаб ўтиради. Шубҳали одамлар йўқлигига амин бўлгач, белгиланган вақтда телефон тугмасини босади, аммо кулоғига олиб гаплашмайди. У томондаги одамга шунинг ўзи кифоя. Агар атрофда шубҳали ҳаракатни сезса, кўнғироқ тугмасини босгач, довдир йигит овозида „Алло, Муҳайёни чақириб беринг“, дейди. „Муҳайё туққани кетган, қанақа овсарсан, билиб терсанг бўлмайдими!“ деган жавобни эшитгач, яна бир пас ўтиради. Совиб қолган кабобини яна ўтга қўйдиради-да, қорни тўйгач, атрофга аланглай-аланглай изига қайтади. Бугун ундай бўлмади. Телефон тугмасини босгач, хотиржам ўтираверди.

Орадан ярим соат ўтиб, кабобхона яқинида қора „Прадо“ тўхтаб, ундан Иззат тушди. Ўзини хотиржам тутишга уринса-да, атрофига олазарак қараб олишдан тийилмади. Кабобчи йигитнинг саломига алик олиб, „Тўртта қўй. Жизганак қилиб юборма, сели билан пишсин, қўлимни ювгунимча жойни ҳам одамбашара қилиб қўй“, деб буюргач, Сардор билан кўз уриштириб, кабобхона тўри томон юрди. Кабобхона бировнинг ҳовлисига жойлашган, ўртадан тортилган оқ бўз мато девор вазифасини ўтайди, қаровсиз ётган тепа томоннинг ивирсигини тўсиб туради. Қўл ювиш баҳонасида бўз девор ортига ўтган Иззат энси йўлак билан юриб, ҳожатхонага бурилмай, ёндаги эшикни очди. Бу эшик орқа кўчага олиб чиқишини кам одам билади. Шу боис айвонда ўтирган хонадон эгалари ўтган кетганларга кўпам эътибор беришмайди.

Кўчага чиққан Иззат атрофга хавотир билан қараб олгач, чорраҳа томон юрди. Унга бурилди-да, дарахт пана-

ида турган машинанинг орқа қизил чироқлари ёниб-ўчанини кўриб, қадамини тезлатди. Орқа эшикни очиб, эини ичкари олиши билан соқолли кишининг норози ҳангдаги овози эшитилди:

— Нега ўзингиз келдингиз?

— Бунақа ишда бировга ишонмаган маъқул, — деди Иззат ўзини оқлаб.

— Ишонмаган яхши-ю, бошни қиличга тутиб бермасик ундан ҳам яхши. Сиз бизга дастёр сифатида керак массиз. Хўжайинларга ҳамма ҳам ёқавермайди. Сиз ёқиб-изми, демак, каллани ишлатишингиз керак. Тўрт-беш халча билан битадиган иш бўлса, шунақа қилиқ қилсангиз ечириш мумкин эди, — шундай деб пул ўралган халтача хатди. — Бу йўл харажатлари. Мол олиб ўтилган. Бу ёғига ўл топ-тоза бўлиши керак. Молнинг айтилган вақтида, йтилган миқдорида жойида бўлишига бошингиз билан азов берасиз. Мен билан боғланишга уринманг. Керак олганингизда ўзим топаман сизни. Бугун „Душанбе — Москва“ поездига майда курьер чиққан. Бешинчи вагон, ўттиз ккинчи жой. Мустафошоев. Буни ментларга маълум қилиб қўясиз. Ўша билан овора бўлиб тураверишсин, буғини ўзимиз боплаб оламиз.

Иззат танбеҳни ҳам эшитди, вазифани ҳам олди, энди ртиқча гап-сўзга ҳожат йўқдир, деган хаёлда ўрнидан ўзгалмоқчи эди, соқолли киши билагидан ушлаб, тўхтатди.

— Янги машина муборак бўлсин.

Табрикнинг пичинг оҳангида айтилиши Иззатни ажаблантириб, „Куллуқ, қуллуқ“, дейиш билан чекланди.

— Ўзингизни шунчалик кўз-кўз қилишингиз шартми?

— Тушунмадим?

— Нимага тушунмайсиз? Бизнинг ишимизда бунақа дабдаба оёғимиздан чалиши мумкинлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

— Нимаси дабдаба? Отчопарда учта дўконим бор, бировнинг дея олмайди.

— Учта дўконингизга бир ойда учта одам кирадими ё ўқми? Учта дўконнинг даромади уч оёқли велосипедлишга етадими ё йўқми?

— Жуда ерга қориштириб юборманг, бунақа машина татта менда эмас-ку?

— Тўғри, битта сизда эмас. Ён қўшингиз профессорми? Уникида „Прадо“ кўринмади. Йигирма беш йиллик „Москвич“ турибди.

— Шуни ҳам биласизми? Орқадаги қўшнимникида учта „Мерс“ тургани-чи?

— Ана энди ўзингизга келдингиз! „Москвич“ни менсимайсиз, „Мерс“дан эса кўрқмайсиз. Агар орқадаги қўшингизга ҳовлиси торлик қилса, профессорни суролмайди. Сизни тепиб қолади. Орқа-олдингизга қараб яшамасангиз, биздан ранжиб юрманг. Тепки еб, бурнингиз қонаганида биз сизни танимаймиз.

Соқолли киши „Гап тамом“, дегандай унинг билагини қўйиб юборди. Буларга хизмат қилавермай, ўзи мустақил иш бошлашни мўлжаллаётган Иззатнинг бу гапларга эътироз қилишга журъати етмади. Муте ҳолида машинадан тушиб, шошилганича изига қайтди. „Кўлини ювиб“, тугунчани қўлтиққа уриб, кўнгли ёришган киши қиёфасида кабобчига яқинлашди:

— Бутун арининг ини бузилганми, бунча шовқин. Кабобни иккита нон орасига қўйиб ўра. Уйда кеннайинг билан улфатчилик қила қоламан, — деди.

Кабобчи вазифани тезгина бажаргач, машинаси томон юрди. Бу орада Сардор ҳам ўрнидан турди. Унинг нимқоронги кўчада машинага чаққонлик билан чиқиб олганини ҳеч ким сезмади.

— Нима дейсан? — деди Иззат машина ўз ўрнидан кўз-голгач.

— Битта ошнамни айтувдим. Рози бўлди, нима қилай?

— Нима қилишни билмайсанми? Бошлайвер.

Икки чорраҳадан ўтилгач, Иззат машинани тўхтатди-да, кабоб ўралган халтачани Сардорга узатди. Сардор раҳмат айтганича тушиб қолди.

Хўжайин „Нима қилишни ўзинг биласан“, деди. Ҳа. билади. Кейин балога қолишини ҳам билади. Мана шу унинг учун оғриқли муаммо эди.

Қамбар бунақа иш тез битмаслигини билса ҳам, эртасига Сардордан дарак бўлмагач, бетоқатланди. Кўчада санқиб юргиси келмади. Уйда онасининг маъюс чеҳрасига қараш, опасинини синиқ овозини эшитиш ҳам оғир эди. Шифохонага бориб, отаси билан бир оз гаплашиб ўтирди

врачнинг умидли сўзларидан кўнгли равшанлашди. Оқшомда Сардор кўнгироқ қилиб, учрашув жойини билдиргач, зулмат чодир остидаги ҳаётида чироқ ёнгандай бўлди. Қандолатхонага етиб келган Қамбарни қора „Нексия“ ёнида керилиб турган Сардор машина калитини бармоғида йилантириб ўйнаганича ишшайиб қарши олди.

— Зўр-ку, янги олдингми? — деди Қамбар кўриша туриб.

— Шунақа деса ҳам бўлади. Ҳозирча хўжайинники. Ишни бошлаб юборганингдан кейин „БМВ“ ўз-ўзиники бўлади, буниси менга тегади.

— Ишни қачон бошлар эканман?

— Ҳозир. Фақат майдароғидан бошлаб турасан. Катта иш сал кейинроқ бўлади.

Сардор шундай деб атрофга олазарак қараб олгач, машинанинг орқа эшигини очди. Ўриндикдаги тўртта чиройли қутиларни кўрсатиб:

— Шуларни кечгача ширинхўрларга етказасан. Пулни эгалари билиб беришади. Ишни битириб, ўзимизнинг ресурсларга бораверасан, ўша ерда кутиб ўтираман, — деди.

Қамбар қутиларни машинасига олгач, Сардор унинг қўлига манзиллар ёзилган бир парча қоғоз тутди-да, чўнтагига иккита оқ елим халтача солиб қўйди. Қамбарнинг „Бу нима?“ деган савол назарига „Ширинхўрларнинг иш-таҳаси очилиб кетган бўлса, қўшимча берарсан“, деб қўйди.

Қамбар қоғоздаги манзилларга қараб, кимникига олдин, кимникига охири боришни белгилаб олгач, йўлга тушди. Биринчи уй кўнғирогини босганда домофондан „Ким?“ деган овоз ҳам эшитилмади. Эшик очилиб, ўрта ёш киши кўриниб, „Кимсиз, нима керак?“ ҳам демади. Ҳудди икки соқов одам учрашиб қолгандек, Қамбар торт солинган қутини берди. У киши эса чўнтагидан пул солинган хатжилд олиб узатди. Салом-алик ҳам, хайр-хўш ҳам бўлмаганидан Қамбар айтарли ажабланмади. „Буларнинг қондаси шунақадир-да“, деб қўя қолди. Иккинчи уй эгаси соқов эмас экан, эшикни очди-ю, „Э бормисиз, ош-нажон, сизни талқон еб сувга юбориш керак экан-ку, томоқлар тақиллаб кетди“, деб кутиб олди. Олди-берди аввалгиси каби гап-сўзсиз бўлди. Учинчи уй эшигини очган ўрта ёш, тўладан келган хотин „Кимсиз? Нима керак?“ демади-ю, лекин шу саволни англагувчи назар билан бош-

---



дан-оёқ синчиклаб разм солди-да, „Ярим соат кечикдин-гиз“, деб тўнғиллади. Қамбар жавоб беришга улгурмади хотин „Яна битта қути бўлиши керак, унисини ҳам олиб орқамдан юринг“, деб ичкарига йўл бошлади. Қамбар амрни бажариб, икки қутини авайлаб кўтарганича унғ эргашди. Уч қаватли ҳашамдор уйнинг катта хонаси бўш эди. Хотин „Ошхонага кирамиз“, деб ўнгдаги зина томон бурилди. Лекин зинадан кўтарилмай, ёндаги эшикни очди Қамбар остона ҳатлаши билан бўйнига тўпсончанинг совуғ оғзи тиралиб, „Қимирлама, қочишни хаёлингга ҳам келтирма“, деган зардали буйруқни эшитди-ю, доводи раб қолди. Ўн беш-йигирма одам бемалол овқатланиши мумкин бўлган кенг ошхонанинг дераза томонида уч йигит қўллари кўтарганича деворга пешоналарини тираб туришга эди. Улардан сал нарида ўрта яшар икки киши Қамбарга ҳайрон тарзда тикилиб қолишганди. Тўрдан эса қалдирғоч мўйловли башанг йигит жой олган, орқа томонида эса юзларига ниқоб таққан тўрт барзанги йигит ҳамлага шай турарди.

— Ниҳоят келдими? Жамоа жамми? — деди мўйловли йигит, бармоқлари билан стол устини чертиб-чертиб қўйиб. Кейин Қамбарга буюрди: — Секин-секин юриб келиб қўлингдагини стол устига қўй, — Қамбар буйруқни бажаргач, четдаги икки кишига қаради: — Холислар, яқинроқ келиб, диққат билан кузатинглар.

„Холис“ деб аталган икки гувоҳ истамайгина қадам босиб, столга яқинлашди.

— Олиб келган тортингни оч, қанақалигини кўрайлик, — деб буюрди мўйловли йигит.

Қамбар бу амрни ҳам итоат билан бажарди: қутинини қопқоғини олди. Чиройининг ўзиёқ иштаҳа очадига тортинг ёқимли ҳиди таралди.

— Бизга қутининг тагини кўрсат.

Қамбар торт остидаги юпқа қоғозни авайлаб ушлаб кўтарди. Шунда мўйловли йигит туриб, қутига яқинлашди-да, оқ елим халтачаларни кўриб, хуштак чалиб қўйди.

— Иккинчисини ҳам оч.

Иккинчисида ҳам шу манзара кўрилди.

— Холислар, сиз ҳар қутуда бештадан, жами ўнта халтачада афюн моддасини кўриб турибсиз.

Мўйловли йигит чўнтагидан буклама пичоқчани олиб чиқди-да, елим халтачадан бирини олиб тилди. Кейин пичоқча учида оқ кукундан олиб, тилига теккизиб татиди.

— Худди ўзи! Лейтенант, баённома ёз, холислар қўлини олиб беришади.

Қамбарнинг бўйнига тўппонча тираган йигит стулга ўтириб, баённома ёза бошлади.

Мўйловли йигит эса, қўлларини қўтариб турганларга қарашлашиб буюрди:

— Ўғирилларинг! — Амр шу оннинг ўзида бажарилди. — Қараларинг, танийсанларми буни?

— Таниймиз, — деди уларнинг бири, ўйлаб ҳам кўрмай.

— Ким бу?

— Отини билмаймиз. Ҳар уч кунда дори олиб келади.

— Эшитдингми? — деди мўйловли йигит Қамбарга тикилиб. — Сен-чи, буларни танийсанми?

— Танимайман, биринчи келишим.

— Ҳа, албатта: биринчи келишинг, тортнинг тагида ниҳоят борлигини ҳам билмагансан. Танишинг шуни оғайним-оғайнига ташлаб ўт, деб илтимос қилган, шундайми?

— Ҳа, шунақа бўлувди.

— Ишондим. Фақат торт бериб юборган ўша ошнангни кўрсанг, бўлди, тўрт томонинг қибла!

— Булар алдашяпти, мен биринчи марта келишим.

— Эшитдиларингми, алдаётган эмишсанлар? — деди мўйловли йигит пичинг билан.

— Ўзи алдаётибди.

— Ўн кун олдин ҳам келганмидим? — деди Қамбар бўйлаб.

— Келгансан, ундан олдин ҳам келгансан!

— Ана, эшитдингларми, — деди Қамбар гувоҳларга қарашлашиб. — алдашяпти! Ўн кун олдин мен Зангиотадаги қамоқ-қамонада ўтирувдим.

— Сен баённомага буларнинг таниганини ёзсанг бўлди, қўлларини прокурор аниқлаштириб олади, — деди мўйловли йигит лейтенантга. Кейин ниқоблиларга юзланди: — Ўзини олиб чиқларинг!

Буйруққа муштоқ йигитлардан бири Қамбарнинг қўлини орқасига қайириб кишан солди, иккинчиси бошига қўлга кийгизиб, судради.

Қамбар бу иш билан шуғулланишга аҳд қилганида оқибат ҳақида ҳам ўйлаб кўрган эди. Фақат... биринчи қадамдаёқ қоқилиб, йиқилишини кутмаганди. Нима бу? Та-содифми ё қора қисматининг навбатдаги ўйиними? Машинада қаергадир олиб кетилаётган Қамбар ўзининг бошига тушажар гафолар ҳақида эмас, уйга шумхабар етиб боргач бошланадиган фожиалар ҳақида ўйлаб эзиларди. Жон қилкўприкда илиниб турган отасининг юраги бу даҳшатга дош бера олмайди. Онасининг чидаши ҳам қийин... Қамбар қамоқ азобларига-ку чидар, бироқ фарзандлик бурчини бажариш шарафига етмоқлик ўрнига ота ва онанин ажалидан илгарироқ жон беришига сабабчи бўлиб қолгани ўла-ўлгунича уни виждон азоби билан қийнар...

Бошига халта кийгизилган Қамбарни туртиб-туртиб қандайдир иморатнинг ертўласига олиб тушишди. Бошидаги халта олинганида кўзига кучли нур тушиб, юмиб олди

— Мен прокуратуранинг алоҳида муҳим ишлар билан шуғулланувчи терговчиси Соқиевман.

Қамбар бу овозни эшитиб, кўзларини очди. Лекин чи-роқ нури ўзига қаратилгани сабабли, рўпарасида ўтирган овоз эгасини кўра олмади. „Милиция шуғулланадиган кичкина иш нега прокуратурага оширилибди, яна „алоҳида муҳим ишлар бўйича...“ деб ўйлади Қамбар.

— Сиз катта миқдорда наркотик моддалар сотиш билан шуғулланишда айбланасиз. Сиз жиноят устида қўлга олингансиз, далиллар етарли, гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳам бор. Биринчи жиноятингиз эҳтиётсизлик оқибатидаги қотиллик бўлса, бунисида „эҳтиётсизлик“ деган юмшатовчи омил йўқ. Қасддан қилинган жиноятлар сарасига киради Лекин... сизга имкон беришимиз мумкин. Биз билан ҳамкорлик қилсангиз, ҳукм юмшоқроқ бўлади. Сиз оддий дастёрсиз, майда балиқсиз, биламиз. Бизга наҳанглар керак. Уларнинг кимлигини айтсангиз, шаҳардан чиқиб кетмаслик ҳақида битта тилхат ёзиб берасиз-у, уйингизга кетаверасиз. Келишдикми?

— Агар тортнинг тагида қорадори борлигини билганимда сизлар билан жон-жон деб ҳамкорлик қилган бўлардим, — деди Қамбар.

— Менинг раҳматли устозим „Қамоқхона тупрогин“ ялаган одам билан келишиш жуда қийин бўлади, шунинг

“... гапни чўзма“, деб насиҳат қилиб кетган эдилар. Мен марта сурамайман, ўйлаб кўришинга икки дақиқа вақт заман, бир дақиқа ўтди. Хўш?

Овоздаги пўписа оҳанги, дарров сенсирашга ўтиш қий- дарнинг бошланишига ишора эканини Қамбар биларди. Бу боис ё биқинга, ё бўйинга тушадиган муштга ўзини ырлади. Лекин униси ҳам, буниси ҳам бўлмади, бошига халта кийгизилиб, бўғилди. Нафаси қайтиб, типирчи- я бошлаганида халта кўтарилди. У бир-икки чуқур-чу- нафас олгач, яна бўғилди. Бу қийноқ тўртинчи марта қорланганида кўзлари олайиб, бакувват гавдаси шалпа- б қолди.

— Ҳеч бўлмаганда икки кишини айтасан: тортни сенга қим берди, у қорадорини кимдан олган? Катталарини бил- маслигинг мумкин. Лекин шу иккитасини аниқ биласан.

— Қандолатхонага ишга кирмоқчи эдим...

— Шунақами? Хўш, сени ким ишга олмоқчи эди? Торт- ни кўлингга ким тутқазди?

— Отини билмайман... Сочлари оқарган бир одам эди.

— Сочлари оқмиди? Жуда сергак экансан-ку? Чап- нида тиртиғи бормиди?

— Унисига эътибор қилмабман.

— Эътибор қилганингда Ҳаким чақ-чақни таниган бў- лдинг. Эсингдами? Унинг ҳам сочлари оқ эди. Қамоқхо- на апоқ-чапоқ юрган экансанми?

— Кўрсам салом берардим, бошқа пайтда ишим йўқ эди. Тенг тенги одам билан қанақасига апоқ-чапоқ юраман?

— Отанг тенги эмас, сендан ўн икки ёш қатта. Мучал- ларинг бир — илон! Ҳаким чақ-чаққа дастёрлик қилга- нини ҳам тан олмайсанми?

— Қанақа дастёрлик?

— Ҳаким чақ-чақнинг зонада нима иш қилишини бил- масмидинг? Ташқаридан ким қорадори олиб кирази, ким оқатади, буни ҳам билмагансан, а?

Қамбар жавоб беришга улгурмади. Бошига яна халта кийгизилди. Бу ҳам камлик қилиб, икки билагини икки инча қаттиқ қисди, сўнг тирноғи орасига игна санчилди. Ўбга чидолмай додлаган эди, бақирини халта ютди. Бу дагиларга хириллашга ўхшаган хунук овоз эшитилди. Иккинчи бармоққа игна санчилганда хушидан кетди.

Қанча вақт беҳуш ётганини бильмади. Ўзига келиб, кўзларини очганда рўпарасидаги ўтқир нур йўқолган, хона тепасидаги чироқ хира нур таратиб турарди. Ён-атрофига аланглаб, қасрда ётганини фаҳм эта олмади. Фақат бу хонанинг тергов қилинадиган жой эмаслигини фарқлади, холос. Бир оз ҳаракатсиз ётгач, қаддини тиклади. Ўпкаси шишгандай, нафас олиши оғир эди. Игна санчилган бармоқлар эзиб оғирди. Томоғи қуриб, сув ичгиси келди. Стол устидаги бир литрли елим бутилкада ярим ичилган сувни кўриб, ўша томон сурилди. Ютоқиб-ютоқиб ичди, бешолти ютим ичгач, сувнинг шўрлигини сезиб, кўнгли айниганича тупуриб юборди. Жигилдонидан ўтиб улгурган намакоб ичини куйдира бошлаган пайтда эшик очилиб, бир одам кириб келди. Қамбарнинг тепасига келиб, унга бепишанд қараб турди. Кейин кўлидаги ярим литрли елим бутилка қопқоғини очиши билан сувнинг гази виширлаб чиқди. У сувга ҳавас билан тикилиб тургач, лабига олиб бориб, Қамбардан кўз узмаганича шошилмай ича бошлади. Қамбарнинг ичи баттар куйди. Лабини беихтиёр ялаб қўйди.

— Чанқадингми? — деди масхараомуз оҳангда. — Устозим „Ўзингга яқинларнинг чанқоғини қондир“, деб васият қилган. Афсуски, сен менга яқин бўлгинг келмаяпти, ўзингдан ўпкала.

Қамбар тепасида турган одамни овозидан таниди. Ўзини прокуратура терговчиси деб танитган одам энди сувни Қамбардан бир қулоч нарига жилдиратиб тўка бошлади. Булоқдан тошиб, жилгада шошаётган сувнинг овози киши дилини яйратади. Тўкилаётган сувнинг бу жилдираши эса гўё тигга айланиб, Қамбарнинг вужудини тила кетди.

Терговчи сувни тўкиб бўлгач, бўш идишни Қамбарнинг олдига ташлаб, „Ўрнингдан тур!“ деб буюрди. Қамбар қийноқнинг темир тирноқлари билан таталаётган руҳ азобини ҳам, бадан азобини ҳам енгиб, қаддини ростлади.

— Қара, буларни танийсанми? — деди терговчи уни столга рўпара қилиб. Стол устига бир нечта сурат ёйиб қўйилган эди. Қамбар бир қарашда Сардорни таниди, бошқаларни танимаса ҳам, эсламоқчи бўлгандай тикилиб тураверди.

— Қайси бирини танидинг?

— Танимадим.

— Биронтасини ҳам танитайсанми?

— Танитайман...

— Сенга чиппа-чин ишондим. Ҳатто мана бу одамни, — терговчи шундай деб Сардорнинг суратини ажратиб, четга ўрди, — танимаслигинг ҳам тўғри. Чунки сен у билан бир мактабда, бир синфда ўқиганинг билан ўн йил давомида бир марта ҳам кўрмагансан. Лекин унинг хотираси яхши экан, сени дарров таниди.

— Узр... хона қоронғилик қилди... бу суратлар орасида яхши қарамабман. Сизни алдамоқчи эмасдим.

— Узринг қабул. Сен жуда самимий йигит экансан, алдамайсан, лақиллатмайсан, — деди терговчи пичинг билан. — „Қорадори ишларини Сардор билан бирга қилмаганмиз“, десанг ҳам ишонавераман.

— Қорадорига аралашмаганман. Бировга сотмаганман. Қизим озгина-озгина олиб турардим. Қамоқда шу палакатни ўқитиб олганман.

— Олдинги қамалганингда терговчи сени урганмиди?

— Йўқ. Нима эди?

— Ўшанда яхшилаб урганида ҳозир мени лақиллатишдан ўзингни сал бўлса-да, тийиб турардинг. Сен ёш бола эмассан, экспертиза тилга кирганида ёлғонларинг пешоанга тамга бўлиб урилишини биласан. Хушсиз ётганингга қон олиб, текширилди. Башарангга қараган одам сени бу даражада аҳмоқ деб ўйламайди. Қони таркибида қораяри бўлмаган одам ўзини гиёҳванд деса қайси довдир ишониши керак?

— Қамоқдан чиқишдан олдин ташлаган эдим.

— Тирноқларинг орасидаги, чўнтагингдаги зарралар ҳам уч-тўрт ҳафта олдингими? Менга қара, бойвачча, тилинг билан тан олмасанг ҳам жиноятинг далиллар билан исботини топди. Жазони енгиллатиш учун имкон бермоқчи эдим. Аслида сендақаларга бундай имкон бермаслик керак. Агар ўлим жазоси бекор қилинмаганида сени фақат шу оғриқ билан айблаган бўлардим. Сенларни отган ижрочи эса савобга қоларди, — терговчи шундай деб жойига ўтиб ўтирди. Қамбар эса оёқларидаги енгил титроқни енгиб, тик тураверди. Терговчи стол устидаги суратларни тўплаб, четга суриб қўйгач, лабига сигарет қистириб тутатди-да, ўтун орасидан айбланувчига қараганича давом этди: — Сен

шунчаки дастёр эмассан. Оғайнинг Сардор „Мени бу ишга Қамбар тортган“, деб кўрсатма берди. Қайси бирларининг гапларинг тўғри? Икковингни юзлаштиргунимча шуни ҳам ўйлаб қўй.

Терговчи чиқиб кетди. Ҳолсизланган Қамбар деворга суяниб ўтирди. Орқасини бетоннинг муздек тили чақмади. Деворга юмшоқ қоғоз ёпиштирилганини англади. Бу жонинг қамоқ камераси эмаслигига тўла ишонч ҳосил қилди. Оёқ ости ҳам бетон эмас, палос тўшалганига энди эътибор берди. Терговчи ташлаган идишни олиб, „Юқи қолгандир“, деган умидда лабига тутди. Бир-икки томчи сув унга обиҳаёт бўлиб туюлди.

„Осмон узоқ, ер қаттиқ“ деганлари шуми? Чорасизлигим аниқ, — деб ўйланди у тамшаниб. — Ўлиб ўлолмайман яшаб яшолмайман. „Ёмонларни ер ҳам бағрига сиғдирмади“, дейишарди. Мен шу қадар ёмонманми? Сардор... Сардор... Яна ёлғон гапирдингни? Ўлиб, кўмилганингдан кейин бу тилингни гўрингдаги қуртлар ҳам ейишга ҳаза қилишар?... Сардорни ёмонлаяпманми? Унинг қанақалипини олдинлари билмасмидим? У ёмон-у, ёмонлигини билмай туриб яқинлашган мен яхшиманми? Қамоқдан чиқиб кўрганимда кўзимга бошқача кўринган эди-ку? Нега дарров ўзгардим? Қанақа афсуни билан ақлимни олди?“

Терговчи кириб, яна унинг рўпарасида тўхтади. Қамбарга тепкилаш бошланадигандай туюлиб, букчайиб олди. Терговчи тепмади.

— Тур ўрнингдан! — деб бақирди. Қамбар қаддинга ростлагач, унга янада яқин келди: — Ўйлаб кўрдингни! Жиноятингни тан оласанми, шерикларингни айтасанми!

Жуда яқин келиб бақиргани учун Қамбарнинг бетига тупуклари сачраб, унинг кўнглини беҳузур қилди. Шу пайтда эшик очилиб, бир одам терговчига қоғоз уза...

— Нима бу? — деб жеркиди терговчи.

— Ўртоқ майор, экспертиза хулосалари.

Терговчи қоғозни чироқ нурига тутиб кўз югуртирди. Қамбар эса кириб келган кишининг мурожаатига диққат қилди: „Ўртоқ майор“ дедими? Прокуратура терговчисига майор бўларканми?“

— Қизиқ... қизиқ... шерикларинг отни мендан олди... қамчилашибди-да... Экспертизани сотиб олишган, бош...

тап йўқ! Тортнинг тагидәги халтачаларда афюн эмас, одий чой содаси эмиш? Сен шунга ишонасанми? Тортнинг тагига нима учун сода ташлаб қўйишибди? Тортни еб бўлиб, оғзини чайқаш учунми? Яхши, бу сафар осон қутулиб қолганга ўхшаяпсан. Лекин чангалимни этагингдан олмайман. Бир кунмас бир кун яна келасан бу ерга!

Терговчи шундай деб шарт бурилиб эшик томон юрди. Эстонага етганда қоғоз берган кишига қараб: „Жойига олиб бориб қўйларинг. Қандай олиб келган бўлсаларинг, шундай иззат билан олиб бориб ташлаларинг“, деди.

У чиқиб кетиши билан икки киши кириб, бири Қамбарнинг қўлларини орқасига қайириб кишанлади, иккинчиси бошига халта кийғазди-да, туртиб-туртиб юқорига йўл бошлади.

Машина қандайдир жойда тўхтагач, кишанни ечиб, эшикни очдилар-да, Қамбарни итариб туширдилар. Қамбар йиқилмади. Тиззаси билан тушиб, чўккалаб қолди. Машина юриб кетгач, бошидаги халтани олиб ташлади. Чироқларнинг нурида гира-шира ёришиб турган кўча кимсасиз эди. Ўзидан беш қадам нарида машинасини кўрди. Торт олиб келган пайтда қаерда тўхтатган бўлса, машинаси худди ўша ўрнида турарди. Қўлини беихтиёр чўнтагига солди. Машина қалити билан бирга елим халта чиқди. Халтачани ииртиб, оқ кукунни тили учига теккизди. Чой содасининг таъминини сезди. Сардорни бўралаб сўка бошлаганида „Эшакни йўқласанг қулоги кўринади“, деганларидек, телефони жиринглади.

Рақамга қаради: Сардор. Богланишни истамади.

„Телефонимга ҳам, машина қалитига ҳам тегишмади... Шу аҳмоқ томоша керак эканми?“ деб ўйлаб, яна сўкинди.

Телефон такрор ва такрор жиринглайвергач, тугмачасини босиб, қулогига тутди:

— Қамбар огайни, хит қилиб юбординг-ку? Қаердасан? — деди Сардор ҳовлиқиб.

— Ўзинг қаердасан? — деди Қамбар гижиниб.

— Қаерда кутишимни айтувдим-ку, тез кел, яхши гаплар бор.

Ғазаб оташида ёнаётган Қамбар „Яхши гаплар менда ҳам бор, ҳозир бориб онангни кўрсатаман“, деб ўйлаб, машинасига ўтирди.



Ресторанда одам сийрак, шовқин эса авжида эди. Сардор уни алоҳида безатилган хонада кутиб олди. Қамбарнинг важоҳатини кўриб, қўрққанидан тисланди.

— Қаердасан, деб сўрадингми? Қаердалигимни билмасмидинг?!

Қамбар унинг кекирдагини узиб олмоқчи бўлгандай қўл чўзди. Сардор бу ҳамлага чап бериб, унинг билагини иккала қўли билан маҳкам ушлади.

— Ҳовлиқмасанг-чи! — деди зарда билан. — Олдин гапни эшит, кейин бурдалаб ташларсан.

Қамбар қўлини бир силтаб тортиб олди-да, қадахни араққа тўлдириб сипқорди.

— Қани, гапир-чи, гапингни, — деди чуқур нафас олиб

— Кеча шу ерда кутиб ўтирувдим. Қўнғироқ қилиб қўлга тушиб қолганингни айтишди.

— Шунақами? Қўлга тушишим кераклигини сен билмасмидинг?

— Мен қанақасига биламан? Менга нима дейишган бўлишса, шунга қилдим.

— Қўлга тушганимни билиб нима қилдинг? Уйимдагилардан суюнчи олдингми?

— Сен мени аҳмоқ дейсан-у, лекин каллам жойида Уканга қўнғироқ қилиб, „Икки кунга Қўқонга кетди“ дедим.

— Кейин-чи? Мени қутқариб олиш учун югур-югурни бошладингми?

— Йўқ. Менга „Жим ўтир“, дейишди. Кутдим. Нима қилишни уларнинг ўзлари билишади.

— Шу гапларингга ишонайми? — Қамбар яна арақ қўйиб симирди. — Чўнтагимга сода солиб қўйганингни ҳам билмасмидинг?

— Уними... билардим, — Сардор чўнтагидан елим халта чалар чиқариб кўрсатди. — Менинг ёнимда ҳам шунақаси юради доим. „Хит“нинг қўлига тушиб қолсам, қутулиш осон бўлади. Каллангни ишлатгин: чўнтагингга минг долларлик мол солиб қўйиш керакмиди?

— Нега мени... — Қамбар „қийнашди“, демоқчи эди хотинларга ўхшаб хасрат қилаётгандай бўлиб, ўзини тийла кейин бошқа сўз айтди: — аҳмоқ қилишди. Хўжайинларинг сенга ишонишмайдами?

— Ишоншади... Лекин бу ишимизда „Ишончга ишон-маслик керак“ деган қоида юради. Охиригача эшит: хуллас, кечаси билан ухламай кутдим. Кундузи довдираб, жинни бўлиб қолай дедим. Бир соат олдин „Ошнанг қутулди, суюнчисига зиёфат қил“, деб кўнғироқ қилишди. Бир соатдан бери сенга телефон қилавериб, хунобим ошиб кетди.

— Фақат „зиёфат қил“, дейишдими? Синовдан ўтди ё ўтмади, дейишмадими?

Сардор бу саволга жавоб бермай, қадаҳга арақ қуйиб, тик турганича шошилмасдан симирди.

— „Зиёфат қил“, деганлари дастурхонимиз атрофидан жой олганингни билдиради. Утир. Икки соат вақтимиз бор. Шеф сени кўрмоқчи.

— Шефинг ким? — деди Қамбар ўтиргач.

— Икки соатдан кейин биласан. Қоринни тўйдиргин-у, бошқа ичма. Бир кунлик ҳовурингни чиқаришинг учун хушхабар тайёрлаб қўйганман.

Сардор таъқиқлаганига қарамай, Қамбар яна бир қуйиб ичди-да, лабини кафтига артиб сўради:

— Қанақа хушхабар?

— Нилуни соғинган бўлсанг, кичик залда ўтирибди.

— Қайси Нилу?

— Нилуфаринг нечта эди?

Қамбар унга „Билмасмидинг?“ деган маънода аламли боқди. Кейин синиқ овозда деди:

— Мен уни унутворганман...

Унутиш осон экан-да?! Унутмоқ — ўлмоқ эканини ким билмайди? Эҳтимол, қизнинг шаҳло кўзларини унутиш мумкин... Эҳтимол, қизнинг нозли карашмасини хотирасидан ўчириб ташлаш осондир... Эҳтимол, кулгиси жаранги ҳам унутилар... Лекин... маҳқамада, тақдири ҳал этилаётган дамда бу қизнинг индамай туриши... Қамокдалигида икки кишидан қасос олишни истарди. Бири — Сардор эди, айбини унутиб туришга мажбурлиги камлик қилиб, тақдирни унга боғляпти. Иккинчиси — Нилуфар... Севги оташи билан қалбини оловлатган қиз. Ундан қандай ўч олиш мумкин? Бу Қамбарнинг юраги тубига кўмиб қўйилган ният... Қамбарнинг юрагидаги бу дардни ҳеч нима ололмайди — танидан жон чиқсагина кўнглидан бу армон чиқади, бўлмаса йўқ...

---

— Бекор қиласан. Эрга тегиб, уч ойдан кейин ажрашган, — деди Сардор. — Чикиб қара, қаймоқдай бўлиб ўтирибди. Унда ҳақинг бор. „Унутворганман“, деб хотинчалишлик қилма. Хоҳласанг, тиззангга ўтқазиб эркалат, оёгинг остига ташлаб хорласанг ҳам ҳақинг бор. Сенинг ўрнингда бўлган ҳар қандай эркак шундай қилади.

Хизматчи ҳовури чиқиб турган таомни келтириб қўйди. Сардор иштаҳа билан тановул қилишни бошлади. Қамбар пичоқ учида гўштдан бир тишлам кесиб олди-ю, томоги бўғилди. Қўлидаги пичоқ билан санчиқни стол устига ташлаб ўрнидан турди-да, кичик зал томон юрди.

Йигирмага яқин эркагу хотиндан иборат хушчақчақ даврада ўтирган Нилуфарни бир қарашдаёқ топди. Уни кўрди-ю, ўрнидан туриб, у томон қадам босишга мажбур этган зардаси сусайди. Давра томон юришни истамай қолди. Хотирасининг қабристонига кўмилган воқеалар қиёмат кичкириги бўлмаса-да, бош кўтараётган эди...

Унга соядек эргашиб келган Сардор, елкасига аста туртди:

— Бор, ўйинга торт, — деди шумлик билан. — Суяқ до-рилардаги „Ичишдан олдин чайқатиб олинг“ деган ёзувни ўқиганмисан, ўйин шунақа чайқатиш бўлади. Ҳозир пайти келди, белидан ушлаб бир чайқатиб ол, кейин кўнглинг тусаган пайтда ичаверасан. Бор.

Қамбар „Калланг жойидами?“ деган маънода унга нозу қиёфада қараб олди. Сардор бу нигоҳга аҳамият бермай, иккинчи марта туртиб қўйгач, давра томон юрди Европанинг майин куйига монанд қучоқлашиб рақс тушаётган беш жуфт йигит-қизни оралаб ўтиб, Нилуфарга яқинлашди. Қиз уни кўриши билан ранги оқариб кетди.

Нилуфар Қамбарнинг озодликка чиққанини эшитган ҳатто у билан учрашишга ҳозирланган эди. Лекин айна шу куни, айна шу ерда учрашишини кутмаганди. Қамбар айрилиқ, ҳижрон ва алам даштларини ошиб келган бечора кўринишида эмас, севганига етишган бахтиёр йигитнинг кулимсираши билан рўпара бўлди унга. Кулимсираш Қамбарнинг юзидагина зоҳир эди. Нигоҳи юрагидаги зардонни ошкор қилиб турганини қиз бир қарашдаёқ сезд.

— Сизни ўйинга таклиф қилсам майлими? — деди Қамбар Нилуфарга.

Ҳилм ва лутф ила таклиф қилмоқчи эди, овозидаги энгил титроқни ўзи ҳам кутмагани учун ўнгайсизланди. Нилуфар давра аҳлига чўчибгина бир қараб олгач, ихтирсиз равишда ўрнидан туриб, ўртага чиқди. Қамбар, дўсти эргатганига амал қилмади, қизнинг белидан эмас, икки елкасидан ушлади. Бошқа жуфтликлар каби бадан бадан тегмади. Бундай яқинликни иккови ҳам истамади. Нилуфар бошини эгиб, ерга қараб олди. „Бекор қилдим“, деб айтади Қамбар. Қизнинг энгил титраётган елкаларидан қўлларини олиб, изига қайтиш истаги уйғонди. Нилуфарнинг назарида йигит кафтига чўғ боғлаб олгандай эди, елкалари куйгандай бўлиб, юлқиниб чиқиб, қочиб кетгиси келди. Бироқ... Иккови ўз хоҳишларига зид равишда куйганга монанд тебраниб тураверишди.

— Уйингизга бориб, кечирим сўрамоқчи эдим, — деди Нилуфар, унга қарашга журъати етмай.

— Нега кечирим сўрайсиз, сизда айб йўқ.

— Айбимни ўзим биламан. Терговчи „Шундай-шундай кўрсатма берсанг иши осон бўлади, бир ойда чиқади“, деганига ишонибман.

— Ўтган иш ўтиб кетди. Кимдандир эшитган эдим: шўрпешонага таталаб ёзилган ёзувни биров ўчира олмас экан... — Нилуфар бошини кўтариб унга бир қараб олди. Қамбар эса бу мавзуни давом эттиришни истамай гапни бурди: — Зиёфатинлар роса қизияпти, кимнинг туғилган куни?

— Бу... бировнинг туғилган куни эмас, мен ишлаётган фирма тузилганига бугун уч йил тўлибди... Шунга йиғилувдик...

— Ошналар билан улфатчилик қилиб ўтиргандим, бирдан шу томонда қуёш чарақлаб кетди, бундай қарасам... сиз экансиз...

Севгининг тотли дамларида Қамбар уни эркалаб, „Сиз менинг қуёшимсиз“ дерди. Ҳозир қиз шуни эслаб энгил энтикди. Қамбар уни аста ўзи томон тортди. Нилуфар бундан чўчиб, „Керакмас“ деган маънода ҳуркак нигоҳини қалади-да, ялинди:

— Илтимос, кейинроқ кўришайлик...

— Яхши таклиф... тахминан неча йилдан кейин? — деди Қамбар шумлик билан.

---

Қиз афсус билан бош чайқалди:

— Унақа деманг... телефонингизни айтинг, ўзим кўнғироқ қиламан...

Қамбар айтгач, қиз „Раҳмат“ деди-ю куй тугашини кутмай, рақсни бас қилиб, изига қайтди. Бу ҳолни кутмаган Қамбар гўдайдиганича туриб қолди. Зиёфат аҳли ўзи билан ўзи овора эди, биров унга қарамаётган бўлса-да, гашланиб, сўкинганича залдан чиқиб кетди.

Сардор уни ажабланиш билан кутиб олди.

— Ие, дарров бўлдими? Ошни бошлаб дамладингми?

— Ишинг бўлмасин. Қачон кетамиз?

— Яна озгина вақт бор. Ўтир, ҳовурингни бос.

Сардор ҳовур босишни таклиф қилган бўлса-да, арақни четга суриб қўйди. Яна бир соатча ўтиришгач, кўчага чиқишди.

— Яна валдираб ўтирма, — деди Сардор машинага ўтиргач. — Хўжайин майда гапларни ёқтирмайди. Ё бошни силайди, ё каллани олади, шунақа тонфа у одам. Кўзлари кўз эмас, рентгеннинг ўзи. Уни алдайдиган одам ҳали дунёга келмаган. Қўлига нечта одам қарамлигини ўзимам билмайман. Боя „Сенга ишонишмайдимми?“ деб сўровдинг. Ишоншини билмайман-у, лекин менга меҳри тушиб қолган, шунинг учун сени ўзи кўриб, гаплашмоқчи. Қанча кам гапирсанг, шунча яхши.

— Унда мени соқов деб таништирсанг бўларкан.

— Мана шунақа қалампирли гапларингни бугунча йиштириб тур.

Машина манзилга етай деганда Сардор телефон тугмачасини босиб, жавоб эшитилиши билан „Келдик“ деб қўйди. Ҳашаматли иморатга яқинлашганлари ҳамон дарвоза тепага кўтарилди. Машина ичкари кириб, камбағалнинг ҳовлисидек келадиган кенг дарвозахонада тўхташи ҳамон тўрт барваста йигит кўринди. Машинадан тушишлари билан, уларни тинтиб кўришгандан сўнг, ҳовли этагидаги уй томон бошлашди. Кенг ва шинам уйга киришгач, бу ердаги икки йигит уларни қайтадан тинтиб кўрди. Сўнг уларнинг бири чоғроқ хонага бошлаб кирди. Дераза ёнида турган мошгуруч соқолли киши ўтирилиб, Қамбарга тикилиб қолди. Саломга алик олмади. Арабларнинг оппоқ узун кўйлагини кийиб, бошига оқ тўр дўппи кўндирган одам

бу туришида афюнфурушларнинг каттасига эмас, мудар-рисга ўхшаб кетарди. Қамбар унга таажжуб билан тики-либ, гап бошлашини кутди.

Хона соҳиби кенг ёзув столи ортидаги қора чарм қоп-ланган оромкурсига ўтиб чўкиб ўтирди-да, лабига сигара қистириб, совуқ оҳангда сўради:

— Ҳаким чақ-чақни билармидинг?

— Танирдим, — деди Қамбар.

— Нега „чақ-чақ“ дейилишини биласанми? Кўзлари ёмон чақчайган у хунасанинг. Россиядаги зонада ўрислар унга „змеиний глаз“ деб лақаб қўйишганди. Ҳеч гаплаш-дингми у билан?

— Ош-қатиқ бўлганим йўғ-у, лекин бир-икки гапла-шувдим.

— Нимага ўтирган экан, айтгўдими?

— Ўзи айтмаган, бошқалардан эшитганман: ментлар чўн-тагига қорадори ташлаб қўйишган экан.

— Зонада ҳам олиб турармиди?

— Кўрганим йўқ.

— Эшитганинг ҳам йўқми?

— Эшитувдим-у...

Сардор „Гапни чўзма“, деган маънода туртиб қўйгач, гапи оғзида қолди.

— Нега чайналяпсан? Гапинг ичингда қолса, сасиб кетиши мумкин, айтавер.

— Зонага этап қилинган куним битта ривоят эшитувдим.

— Қизиқ, қани, гапиравер-чи, Сардор, сен туртмай, сал нари тур.

— Битта подшоҳ овда кийикни қувлаётган экан. Ки-йик бир одамнинг ёнидан қочиб ўтибди. Кейин подшоҳ келиб у одамдан „Кийикни кўрдингми?“ деб сўрабди. У одам: „Кийикни кўзларим кўрди-ю, лекин кўзларим гапи-ра олмайди, тилим гапира олади, лекин тилим кўрмади“, деган экан.

— Огайнинг сени бекорга мақтамаган экан, балосан! „Чақ-чақ“ билан ош-қатиқ бўлмаганинг яхши. У палид, ўша ерда чириб кетиши керак, — соқолли киши шундай деб барваста йигитга қараб қўйди, қарашнинг маъносини англаган мулозим учта тилла қадаҳга коньяк қуйиб узат-ди. — Қани, ўрисчасига қилиб, танишганимиз учун оламиз.

Кимлигимни ошнанг айтгандир. Айтганидан ортиқчасини билишинг шарт эмас.

Ҳожиларнинг оппоқ либосидаги бу одам бир кўтаришда қадаҳни бўшатиб, лабини чапиллатиб қўйди. Қамбар қадаҳни ушлаганича қотиб тураверди.

— Ҳа, ичмайсанми? — деди мезбон муғомбирлик билан кулимсираб. — Ўзинг биласан, зўрламайман, чунки мен — ҳожиман! Эшитишимча, сен синовдан ўтганмишсан. Ўртоғингни нега сотмадинг? Тўғрисини айт, синалаётганингни сезиб қолдингми?

— Тўғрисини айтсам... олдинга билмадим. Кейинроқ сездим. Синов бўлмаганида ҳам бировни сотмасдим.

— Дадил гапиряпсан... қамалиб чиққан бўлсанг ҳам. милисанинг чиғириғидан ўтмаганга ўхшайсан. Улар астойдил бурашни бошлашса, онанга уйланишга ҳам рози бўлиб кетасан. Шунинг учун ҳозир катта кетмагин-у... синовлигини қачон сезиб қолдинг?

— Терговчининг хонасига ташлашганида... қамоқхона унақа бўлмайди.

— Шунинг ўзими?

— Битта юлдузи прокурор майор бўлмайди. „Кичик адлия маслаҳатчиси“ дейилади.

Мошгуруч соқолли киши йигитга савол назари билан тикилиб тургач, жилмайди. Синов чоғида йўл қўйилган камчиликларни шу одам йигитнинг зийраклигини аниқлаш учун атай жорий қилган эди. Унга билагига кучга тўла, лекин калласи бўш лаққи эмас, зийрак, ақлли одам керак эди. Рўпарасидаги йигитда шу фазилатни кўриб мамнун бўлди, лекин уни мақтамади. Фақат „Ич!“ деб амр қилди. Ҳозиргина „Зўрламайман“ деган „ҳожи“нинг бу буйруғини Қамбар ўйлаб ўтирмай бажарди. Янги хўжайинидан фарқли ўлароқ, лабини чапиллатмади, балки патнисдаги ширинликдан олиб татиди.

Мошгуруч соқол унинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатгач, муддаога кўчди:

— Мени ҳозир тушингда кўряпсан. Бундан буёғига ошнанг орқали гаплашамиз. Мени унутасан, ҳеч қаерда кўрмагансан, танимайсан. Мен эсам сени бир дақиқа ҳам унутмайман. Ҳар қадаминг, ҳар гапинг ҳисобда туради. Кўчада қоқилсанг, йиқиласан, бу ишда қоқилсанг — ўласан. Ў.

ганда ҳам... битта ўзинг ўлмайсан... Оиланг унча катта эмас экан-а?

Бу ишора Қамбарнинг бошига гурзи билан урилгандай бўлди. У кар эмас, бу оламнинг жазолаш усуллари эшитган. Соқолли киши юмшоқ тарзда огоҳлантиргани билан истаган одамининг уруғини қуритиб юборишга қодир эканини биров айтмаса ҳам, Қамбар билиб турарди. Шу сабабли оиланинг тилга олинishi оилани қириб ташлаш ҳақидаги ҳукм бўлиб эшитилди-ю, нафаси бўғилди. Сардор кўп гапирмасликни тайинлаган бўлса-да, ўзини тута олмади:

— Сардорнинг кафиллиги ишонишингизга асос бўлолмайдими? Уйимдагилар гаровда туришса, умрим қўрқувда ўтадимми? „Қамоққа тушиб қолса, ҳаммамизни бир-бир фош қилади“, деб ўйлаяпсизми?

— Қамоққа тушмаслигингга шунчалик ишончинг борми?

— Қамоққа тушишим мумкин, тўғри, лекин қамоққа тушган ўлик гапиролмайди, бу ёғи ҳам борлигини биламан.

Сардор „Жим бўл“, дегандай уни яна туртиб қўйди. Уй эгаси эса мийиғида кулиб қўйди:

— Сен бир нарсани билиб ол: бу дунёда ҳамма, ҳамма вақт кимдандир ёки нимадандир қўрқиб яшайди. Яна билиб ол: бу дунёдаги ҳамма аслида гаровдаги одамлар. Бизни ҳамма ёмон кўради. Нима иш қилишингни айтсанг, балки ота-онанг сени оқ қилиб юбориши мумкин. Дунёдаги энг катта адолатсизлик ҳам шу. Аслида биз бировларга ёмонлик қилмаймиз. Аксинча, дардига дармон берамиз. Нега арақ сотувчилардан нафратланишмайди. Сотиб олиб яна раҳмат ҳам айтишади. Заводлар тўхтовсиз ишлаб турибди. Нега биз ёмонмиз-у, улар эса яхши? Бўш пайнингда шу саволга жавоб топ. Имоним комилки, жавоб тола олмайсан. Шунинг учун „Мен яхши иш қиляпманми, яхши яшашга ҳаққим бор“, деб ўзингни ишонтириб юрар. Мен ҳеч кимни қорадорига ўргатмаганман. Ошнанг ҳам ўргатмаган. Демак, бизда ҳеч қанақа айб йўқ. Шунинг учун мен мана шунақа оппоқ кийиб юраман. Менга бантаси ҳам, худоси ҳам даъво қила олмайди. Худо урадиган бўлса, ўша ўргатганларни ураверади. Биз қайтага бангиларнинг жонига ҳаловат берамиз. Энди қиладиган ишингни билиб ол: халтачадаги қорадорини ютиб олиб ўтганларни киноларда кўргандирсан?

---



Қамбар дарров жавоб қайтармади, соқолли кишининг қаттиқ тикилиб туришидан жавоб беришга мажбур эканини билди:

— Кўрганман... лекин... мен ютолмайман унақа халтачаларни...

— Очигини айтганинг яхши. Сен халтача ютмайсан. ютадиганларни топасан. Қорадори ташишининг ҳар хил йўли бор. Сен шуниси билан шуғулланасан. Сардорнинг гапига қараганда, гапни эшворар экансан. Тўйхонада ишлаганингда ҳам миждозларнинг у енгидан кириб, бу енгидан чиқиб, отнинг калласидай нархга кўндириб юбораркансан. Шу ҳунарингни ишга соласан. Халтача ютадиган одамларни топасан. Сенинг ишингда жиноятнинг „ж“ ҳарфи ҳам бўлмайди. Топган одамларинг Масковгами, Римгами бориб, хизматига қараб ҳақ олади. Сенинг ҳақинг ҳам хизматингга яраша бўлади. Ҳар ҳолда Тошкентда бойвачча бўлиб керилиб юришга етадиган қилиб топасан. Тушундингми? Тушунган бўлсанг айт: қанақа одамларни топишинг мумкин?

— Ҳамма ҳам кўнавермайди.

— Буни биламан. Лекин кўнадиган одам анқонинг уруғи эмас. Ҳаракат қилинса, керагича топилади. Хўш?

— Муҳтожлар орасидан қараш керак.

— Булар энг ишончсиз одамлар. Сал нарсага сотиб қўйишади. Сен ўзингга ишонмасанг ишонмагин, лекин бизга рўпара қиладиган одамнингга минг фоиз ишонининг шарт Унинг ё тилини суғуриб олишинг, ё лаб-лунжини тикиб ташлашинг керак. Қанақа қилиб тикиш ўзингнинг ишинг Сен четга бориб ишлашни орзу қилиб юрганларга қармоқ ташла. Тўладан келган хотинлар жуда бизбоп бўлишади-да Ваъда беришни ўринлатсанг бўлди: самолёт бизнинг ҳисобимиздан, у ёқда қўлига нақд пул беришади. Иш билан таъминлашга ҳам ваъда бериб юборавер. Бир ой қаттиқ ишлашинг керак. Жонини тикиб ишлайдиган одамдан мен ҳам жонимни аямайман, — соқолли киши йигитга имлаё қўйган эди, у чўнтагидан пул солинган хатжилд чиқариб Қамбарга узатди. Қамбар бир хатжилдга, бир хона соҳибига қараб, олишга иккиланди. — Олавер. Бу садақа эмас, қар ҳам эмас. Бир одамнинг иккинчи одамга яхшилиги. Бу дунёда бахт борми ё йўқми, билмайман, лекин одамлар боғ

Сардор аста туртиб қўйгач, подшоҳ ҳузурда муте ҳолда турган ювош мулозим каби таъзим қилиб, изларига қайтдилар. Кишилар назаридан панада қарор топган, ўз салтанатига эга бўлган соқолли кишига бу мутелик ёқиб, жилмайиб қўйди. Ўзларининг бегуноҳ эканликлари ҳақидаги гапни шунчаки тил учиди, Қамбарни овутиш учун айтмади. У ўзининг бегуноҳлигига ишонарди. Дин илмидан беҳабар эди, Қиёмат ҳақида тушунчаси йўқ эди. Аммо ўлганидан сўнг жаннатга тушишига амин эди. Вақт-вақти билан „худойи“ номи билан сўйиб турадиган қўйлари, тиланчиларга улашадиган пуллари гўё унга жаннат эшигини ланг очиб берадиган патга эди. Бултур Ҳажга бориб келгандан кейин бу ишончи янада мустаҳкамланди. Қайтган кунининг эртасига кўнглига яқин дўстларини зиёфатга чорлаб, „Зиёратлар қабул“ деган тилакка жавобан „Бориб мазза қиладиган жой эмас экан, йигирма кун сиқилиб кетдим, бир кўнгилочди қилайлик“, деб жавоб берди. Аслида ҳажга бориш етти ухлаб бир тушига кирмаган эди. Қайси-дир зиёфатдаги „Уч-тўрт йил навбат кутиш шарт эмас экан, беш минг кўкидан санаб берсанг, ўзингни Маккада кўрар экансан“, деган гап кўнглини қитиқлаб, „Бир томоша қилиб келиш“га отланган эди. Боришга бориб, зериккани рост, лекин уйга қайтгач, „кўнгил очди“га ҳожат йўқ эди. Чунки ҳамма ибодат руҳи билан уйига отланганида у Кипрга йўл олиб, денгиз соҳилида салкам бир ой роҳатланган эди. Тонготар давом этган „кўнгил очар“ маросимида, асосан, Кипр маишатларини гапириб, „Эскичасига ҳам, янгичасига ҳам ҳаж қилиб келдим. Ҳисоб: биру бир!“ деб кулди. „Кейинги йили яна бир қайтаринг, ҳисоб иккию икки бўлсин“, деган таклифни „Шу ҳаж етти пуштимга етиб ортади“, деб рад этди. Диндан сал-пал хабари бор дўсти „Устингизга илган эҳромни ташлаб юборманг, бу дунёдан кетиш вақтингизда гўрков бошингизга ёстиқ қилиб қўяди. Эҳром Ҳожи эканингизга гувоҳ бўлади, гуноҳларингиз тўкилиб, тўғри жаннатга кирасиз“, дегач, кир ювадиган машинага ташланган матоларни олдириб, пўлат сандиғига жойлаб қўйди. Ўша чаламулла ошнасининг маслаҳати билан соқолни ўстирди, доим узун оқ қўйлақда юришни одат қилди. Зоҳир кўнгилидагидай бўлди. Аммо ботинни билмасди. Лаҳадда боши остига мингта эҳром

---

тахлаб қўйилса ҳам, гувоҳликка ўтмаслигига фаросати етмасди. Ўзини ва ҳамтовоқларини жаннат боғлари эмас, самум — баданларини илма-тешик қилиб юборувчи дўзахнинг қайноқ шамоли кутаётганини у нодон қаердан ҳам билсин?

## ТЎФОН

Файрат бугун хизматга бормаса ҳам бўларди. Чунки расмий буйруққа кўра, у Ригадан индинга кечаси қайтиши керак эди. Тонгда уйғониб, Моҳидилнинг ширин уйқусини бузмаслик учун жойида қимирламай ётаверди. Куёш нури деразадан оқиб кирган пайтда меҳмонхонада шарпа сезилди, кейин пичир-пичир овозлар келди. Файрат онаси билан қайнонасининг нонушта тайёрлаётганларини англаб, қаддини кўтарди. У қимирлаши билан Моҳидил кўзларини очиб, табассум ҳадя этди. Аслида у аввалроқ уйғонган, лекин сафардан хориб келган эрининг оромини бузмаслик учун қимир этмай ётган эди. Бу марҳамати учун эрининг ширин бўсаси билан тақдирлангач, қаддини кўтарди. Ёрдамга шошган Файратга „Керак эмас“ деган ишора қилди. Файрат бу ишорани англамагандай, уни шарт кўтариб, аравачага олиб ўтқизди. Моҳидил аравачани юргизиб тошойнага яқинлашди. Бетларини, пешонасини силади.

— Қаранг, яна битта ажин тушибди. Ажин тушириш маҳоратингиз ошиб боряпти, — деди эркаланиб.

— Менинг шунақа маҳоратим борми? — деди Файрат уни елкасидан қучиб.

— Сафарга бориб-келганингизда менга битта ажин софга қиласиз. Бу ажинларнинг номи нима, биласизми?

— Ажиннинг номи — ажин-да. Яна қанақа номи бўлади?

— Бу ажинларнинг номи — соғинч...

— Бунақа соғинч ажини менда ҳам бордир?

— Сиздаги ажин бошқача... соғинтиргич...

Файрат хотинини эркаламоқчи эди, у ўзини четта тортди.

— Тўхтанг, ўзимга қараб олай...

Файрат ювиниб, соқолини олиб чиққунича дастурхон устида нонушта ҳозир эди. Ёнма-ён ўтирган қудалар унинг саломига алик олишди. Эрталаб нонуштага чиққанида Файрат онасига яқинлашиб пешонасини тутарди. Бу ҳол қай-

нонасини ноқулай аҳволга солиши мумкинлигини фаҳмлаб, унинг ҳузурида бу эркалигидан тийиларди. Онаси бунини тушунгани учун ҳам кулимсираганича алик олиб қўя қоларди. Бугун ҳам шундай бўлди. Ойниса куёвига чой қўйиб узатди.

Файрат кеча ҳовлига қадам қўйиши билан ўнгдаги уй деразасига қаради. Одатда, Моҳидил шу дераза ёнида ўтиргучи эди. Дарвоза остонасини ҳатлаган Файратга шу дераза орқали соғинч табассуми ҳадя этиларди. Эрининг бугун келишини билмагани учун эмас, тан азоби кучайгани сабабли Моҳидил аравачасига ўтирмаган, танасини юмшоқ тўшакдан узгиси келмай ётган эди. Соғинч ярасига малҳам бўлгучи чехра кўринмагач, Файрат ошхона томон қаради. Пешбанди ун юқи, қўлида жўва кўтарган Ойниса куёвини кўриб, шошилиб қолди. „Опа, ўғлингиз келдилар“, деб куёвига пешвоз чиқмай, аксинча, ўзини ошхона ичкари-сига олди. Файратни кутиб олиб, кучоқлаш ҳуқуқини қудасига берди. Она-бола кўришиб олгунча кулимсираганича кутиб турди. Кейин у ҳам яқинлашиб, куёвининг елкасига ўнг кафтини қўйиб сўрашди.

Совчиларга ризолик беришда Ойниса „Менам сизлар билан бирга тураман“, деганида бу ваъдани бажариш анча оғир эканини ҳис қилган эди. Шунга қарамай, қизи янги хонадонга, янги шароитга кўниккунича қирқ кун шу уйда яшади. Қайнонанинг куёв билан бир хонадонда туришга ўрганиши қийин бўлмас, лекин эркак қуда бор уйда яшашга кўникиш жуда қийин эди. Бу ноқулайликка қишлоғини соғиниш ҳисси қўшилгач, Ойниса бечора нима қилсин? Кетай деса, қизининг мўлтиллаб қараб қолишига чидай олмайди. Қолай деса... Бориб-келиб туришдан ўзга чораси йўқ эди. Онасининг қишлоққа қатнаб туришига Моҳидил ҳам кўниқди. Орадан ўн ой ўтиб, қайнотаси бедаво дардга йўлиқиб, бир ойда озиб-тўзиди. Касали иккинчи ойга чўзилмади. Узоқ кунлар азоб чекишдан қутқаргани учун Худога шукр қилиб, унинг раҳматига йўналди.

Файрат қайнонасининг эркак қуда ҳузурида қимтиниб юришини сезар эди. Отасининг маъракалари ўтгач, Моҳидилга „Аямиз ҳадеб Ясситепага қатнайвермай, бирга тураверсинлар“, деди. Бу таклифни онаси Ойнисанинг ўзига айтди: „Биз қуда эмасмиз, биз опа-сингилмиз“, деди. „Ку-

дасининг ўлишини кутиб турган экан, дарров кўч-кўрони-ни кўтариб келди“, деган маломатга қолишдан кўрққан Ойниса таклифларни жавобсиз қолдирди.

Орадан йиллар ўтган бўлса ҳам унинг бориб-келиши бир хилда давом этди. Файрат қайнонасининг келишини соғиниб кутарди, келгач, чин ўғил қувончи билан хурсанд бўларди.

Сафардан қайтиб, ошхона остонасида жўва кўтарган Ойнисани кўргач, кўнгли ўша қувонч нури билан ёришди.

Тўртовлон бўлиб нонушта қилишди.

Агар Файрат Болтик денгизи бўйига дам олгани борганида ҳозир сафар таассуротларини гапириб, даврани жонлантириб ўтирган бўларди. Хизматга доир гапларнинг баъзиларини буларга айтолмайди, айтиш мумкин бўлганлари эса уларни қизиқтирмайди. Шундай бўлгач, маставасини жимгина ичавергани маъқул. Жим ўтириш Моҳидилга хуш келмай, телевизорни ёқди. Фермер хўжалигини мақтаётган мухбирнинг гаплари ёқмаса-да, жимликдан кўра шу вайсашни маъқул кўрди.

Бу мақтовлар охирига етгач, мухбир жиддий қиёфада, жиддий хабарни ўқий бошлади. Биринчи жумладаёқ Файрат телевизорга тикилиб қолди. Бу хабар Файратнинг хизматига тааллуқли бўлгани сабабли бошқалар ҳам қулоқ тутдилар:

— „Душанбе — Москва“ поездидаги бир йўловчи милиция ходимининг диққатини ўзига тортди. Текширув натижасида Тожикистон фуқароси бўлган бу йўловчидан икки юз грамм миқдорда героин моддаси топилди. Тергов олиб борилаётгани учун йўловчининг кимлигини маълум қилиш мақсадга мувофиқ кўрилмади. Гумондаги яна икки йўловчи ҳам текширувдан ўтказилди. Тергов натижалари яқин кунларда эълон қилинади“.

Хабар замирида даҳшатли воқеа баёни бўлмаса-да, дастурхон атрофидаги уч аёл бараварига Файратга қарашди. Файрат „Бу гаплардан менинг хабарим йўқ“, дегандай елка қисиб кўйди. Хотиржам равишда овқатини ичиб кўймоқчи бўлди-ю, лекин ичи қизиб, тоқат қилолмади. Бугун хизматга бормаслик ҳақидаги ўз аҳдини унутди. Лабини сочичқа артиб ўрнидан турди. Ундан ҳеч ким „Қаёққа кет-япсиз?“ деб сўрамаса-да, аҳдига бевафолик қилаётганини

хаспўшлаш учун „Вазирга сафар ҳисоботини беришим керак экан“, деб баҳона қилди. Икки қуда жойларида ўтирганларича дуо қилдилар. Моҳидил эса аравачасини гилдиратиб, остонага қадар кузатди.

Гайрат хонасидаги деразаларни очаётганда Шуҳрат кириб келди.

— Турналарнинг қанотида учиб келдингми? — деди дўстини бағрига босиб.

— Шунақа бўлиб қолди. Битта турнанинг қаноти бўш экан, қалдирғочларга ўхшаб жойлашиб олавердим, — деди Гайрат хуш кайфиятда.

— Биттадан қаҳва ичамизми, қизларга айтайми?

— Ҳозир чой ичиб келяпман. Ригада нима гаплар, обҳаво қалай?

— Ригани кўя тур, бу ерда нима гаплар? Ов яхши бўлганга ўхшайди, телевизорда ноғора чалиб эълон қилишди.

— Эшитдингми? Атай шундай қилдим. Кимдир „02“ га хабар қилибди.

— Ўша „кимдир“ни аниқламагандирсан?

— Кўнгироқ қилган одамни аниқлаш шарт эмас, чунки кичик наркокуръерни бизга рўпара қилишдан мақсадлари аниқ-ку? Сумкасидан икки юз эллик грамм чиқувди, мен хабарга „икки юз грамм“ деб ёздирдим. „Эллиги қаёқда қолди?“ деб бир бош қотиришсин.

— Кўпам бош қотиришмас, „Милисанинг ўзи уриб қолган“, деб гап тарқатишар. Бошқа янгилик йўқми?

— Душанбедан чиққан одамдан керакли гап чиқмайди. Ҳатто Москвада молни кимга беришини ҳам билмайди. Қозон бекатида турар эмиш-у, бир қозоқ бола келиб қўлидан олармиш. Москвага етиб боролмаслигини билмаган у лақма. У билан терговчилар шуғулланишяпти. Биз шарҳардаги дастёрлардан бирининг изига тушдик. Шу дастёр ўргимчак тўрининг марказига бошлаб бориши мумкин.

— Курьерлар бир хил бўлмаслигини ўзинг биласан. Айримлари шунчаки лайчадек гап. Атрофда думини ликиллашиб юраверади. Уларни назоратда ушлайвергин-у, лиққат марказини ўргимчак тўри билан маҳкам боғланганларига қарат. Борми шунақалари?

— Майдалари бор. Йириги у томондан мол олиб ўтган одам бўлади-да.

— Орзу билан ҳақиқатни ажратмай қолдингми? — деди Файрат столи устидаги қоғозлар тахламини варақлаб. — Ри-гада ким билан учрашганимни айтайми ё ўзинг топасанми?

— Мен фолбин эмасман, — деди Шухрат киноя билан. — Кейинги тунларда туш ҳам кўрмайдиган бўлиб қолганман.

— Туш кўрмаганинг яхши. Миянг чарчамайди. Хуллас, икковимизга яхши таниш бўлган бир одам „Наркобизнесни енгшишга кўзларинг етадимми?“ деб дангал сўради. Мен дадил жавоб бера олмадим. Кейин маломат қилиб айтган гапларини эшит: „Цунамини этакларинг билан тўсмоқчимисанлар? Атрофингга қара. Чегаранинг бир тирқишини ёпсаларинг, кутмаган жойларингдан янги туйнук очилиб қоляпти-ку? Марказий Осиёдаги гиёҳвандлар бир йилда ўн бир тонна қора дори истеъмол қилар эканми? Ўн бир тоннани тирқишдан олиб ўтиб бўлмайди, тўғрими? Дунёда эллик миллион гиёҳванд бор эмишми? Ким санаб чиқибди. Беш юз миллион деса ишонардим. Бошларингни харсанг тошга урганларинг билан ҳеч нимага эриша олмайсанлар. Чунки дунёнинг тўғони бузилган. Сен битта ариқчани тўсмоқчимисан? Атрофийи сел босганда сенинг ҳаракатинг девонанинг югуришидан фарқ қилмайди. Наркобизнес дегани — қориндаги чипқонга ўхшайди. Жарроҳга борсанг, кесиб, дори босади. Эртага қарасанг, ёнидан бошқаси патос боғлаб турибди. Агар дўхтирнинг калласи ишласа, ярани кесмай, қонни тозалайди. Ана энди ўйлаб кўр: дунёнинг бузуқ қонини сен тозалай оласанми?“ Ўзи ёқимсиз бўлгани билан гапларида аччиқ ҳақиқат бор, тўғрими? Бу гапларни эслаб қолиб, сенга айтаётганимнинг сабаби бор: бу битта одамнинг гапи эмас, кўпчилик шу фикрда бўлса-чи?! У одам фақат бир нарсада адашди: наркобизнес бир зилзила билан бош кўтарадиган цунами эмас. У уммон устида куч тўплаб ер юзига юриш қилиб вайрон этувчи тўфон.

— Дунёнинг тўғони бузилган, деб тўғри айтибди. Ер куррасини яхлит бир дунё деб бўлмайди. Одамлар ўзаро бирлашиб, ер юзини катта-кичик бўлақларга бўлиб олиб, айшини суриб ётибди. Бирининг фожиаси билан иккинчисининг иши йўқ. Эсингдами, совет даврида гиёҳванд борлиги тан олинмасди. Фарбдаги деворлар йиқилгач, касал ошкор бўлди. Энди тўхтатиш қийин.

Бу гапи билан Шухрат оғриқли ярага туз сепгандай бўлди. Файрат ниманидир эсламоқчи бўлгандай жим қолди. „Бу курашда бизни қийнайдиган асосий нарса — одамларнинг гиёҳвандликка бўлган муносабатлари, — деб ўйлади у. — Кўпчилик лоқайд — „Фалончининг ўғли гиёҳванд бўлса бўлибди-да, баттар бўлмайми?!“ Эртага унинг ўзига бошқа бир одам „Баттар бўл“ демайди? Ҳар уч қотилликдан бири гиёҳвандлик оқибати эканини ҳамма билладими? „Спид“ балосига чалинган ҳар икки одамдан бири билакдан дори олгани сабабли юқтирганини-чи? Катта ёшдаги, ўрта ёшдагилар орасида гиёҳванд кам. Ҳатто йўқ даражада. Гиёҳванд шу ёшга етмай ўлиб кетишини ҳам биров билди, биров билмайди... Қадимда Заҳҳок деган золим шоҳ ўтган экан. Унинг қаҳридан шарра шер ҳам қўрқар экан. Шоҳнинг икки елкасида икки илон ўтираркан. Бу илонларга ҳар куни икки одамнинг мияси пишириб бериларкан. Каёнийлар зотидан бўлган Отиб ўғли Фаридун вояга етиб, уни маҳв этган экан. Агар гиёҳвандлар олами „Зулмат салтанати“ дейилса, демак, унинг ўз Заҳҳоки бор. Афсонадаги золимдан фарқи шуки, елкаларидаги илонлари икки одамнинг мияси билан кифояланмайди. Энг муҳим муаммо — унинг қалласини шарт узиб ташлайдиган мард Фаридун борми?“ Хаёлини тўзитган бу фикрлар дўстига маълум бўлгани учун тилига чиқармади. Шухрат эса бир зумлик сукутдан кейин гапини давом эттирди:

— Америкада ўқувчиларни ўликхонага олиб бориб мурдаларни кўрсатишар экан. Уларга ҳатто шу ҳам таъсир этмаяпти-ку? Бу қанақа аҳмоқлик бўлди?

— Арақхўрлик билан гиёҳвандлик „Бу ақлли одам, буниси эса аҳмоқ“, деб ажратиб ўтирмайди. Ҳамма гап шунда.

— Сенга тўғри гапларни айтган ёқимсиз одам ким экан, энди билсак бўладими?

Файрат „Айтсамми ё айтмасамми, сабринг қанчага чидайди?“ дегандай муғомбирлик билан кулимсираб турдида, аҳамиятсиз гапни эслагандай деди:

— Билсанг бўлади. Фирром эсингдами?

— Жиддий айтяпсанми? Тирик эканми?

— Ҳа, қайнотам ҳам тирик эмиш. Тушунишимча, Фирром исмини ўзгартириб, бошқа ҳужжат билан яшайди, ҳатто бу ёқларга бир неча марта келиб кетган. Балки Ўлат ҳам



келиб-кетиб юрар. Биз ўшанда „Махсус амалиёт яхши якун топди“, деб қувониб юрибмиз. Бу ердаги ўргимчак ини билан уларнинг алоқаси йўқмикин? Фирром нега менга рўпара бўлди, ўзини ошкор қилди? Аввалгидай яширинча келиб-кетиб юрса бўлмасмиди? Буларнинг аниқ мақсади бор. Мен ўйлаб-ўйлаб бир фикрга келолмадим. Сен ҳам ўйлаб кўр. Икковининг суратларини тарқатиб, уларни халқаро қидирувга бериш керак. Улар четда тинч юришмайди. Ҳозир шу ҳақда билдирги ёзиб, вазирга қираман.

Нияти холис экан, гапини тугатишга улгурмай, вазир хонасига тўғридан-тўғри уланган телефон жиринглаб қолди.

### КУТИЛМАГАН БАХТ ҚУШИ

Тонг отмай уйгонган Иззат туришга эриниб ётди. Бу тонг икки ерга ошга бориши керак. Биринчиси тўй оши, тез кириб чиқади. Иккинчиси маърака оши. Ўтган куни яқин танишининг отаси қайтиш қилган эди. Аввал ўн етти ё ўн тўққиз кунда „йигирма оши“ деб ош берилган бўлса, „Мусулмончиликда „йигирма“ „қирқ“ деган зиёфатлар йўқ“, деб фатво чиққач, учинчи ё бешинчи куни „эхсон“ номи билан ошхўрликлар давом этаётган эди. Бу одатлар бидъатми ё йўқми, Иззат учун фарқсиз, буни ўйлаб ҳам кўрмайди. Унга ёқмайдигани — мулланинг ярим соатми ё ундан кўпми маъруза қилиши. „Амри маъруф“ деб аталгучи бу тадбирни у „гап сотиш“ деб ҳисоблаб, маъруза тугагунча юраги сиқилиб кетади. Шунинг учун таклиф этилган дамда „келди-кетдими?“ деб сўрайдиган бўлган. „Келди-кетди“ бўлса, қайтмайди, амри маъруф бўлса, таклиф этувчининг мартабасига қарайди: мартабаси пастроқникига бормай қўя қолади. Мартабаси баландроқ, „нозик“ танишларникига боришга мажбур. Бу тонг шундай мажбуриятни бажариб, уйига қайтди-да, кечаси чала қолган ишини ниҳоясига етказиб қўйиш учун кирим-чиқимга хос ҳисоб-китобга ўтирди. Қоғоздаги рўйхатига қарай-қарай неча марталаб саналган пул тахламларини яна қайтадан санай бошлади. Рақамларнинг тўғрилигини пул тахламлари исбот этса ҳам, қайта санашдан эринмади. Аслида ҳисоб-китобнинг аниқлигига ишониш учун қайта-қайта санамайди. У пул санаётган пайтида роҳатланади, юраги шодлана-

ди, келажакнинг қуёшли кунларини кўз олдига келтириб, ўзини дунёдаги энг бахтли инсон деб ҳисоблайди. Ҳаёти тарозисининг бир палласига пулни, иккинчисига бахтни қўйиб ўлчайдиган одам яна нимадан ҳузурланиши мумкин? „Бойлик йўл бошида ёқиб қўйилган оловга ўхшайди. Кимки ундан керагича бир оз олиб, ўз йўлини ёритишга сарф қилса, фойда кўради. Кимки кўпроқ олишга интилса, куйиб қолиб, ўзига азоб беради“, деган ҳикматдан бегона одам ўзини эртага ҳаловат ўрнига фожиа қутаётганини ўйлаб кўрармиди?

Амри маъруфлардан безган одам бу тонг астойдил ғазабланди. Тўрда виқор билан ўтирган имом ўлим ҳақ эканини айта туриб, чалкашдими, бойлик одамзот учун фалокат эканини гапира кетди. Асосан, бадавлат киборлар тўп-ланган даврада ғалати ҳолат юз берди. Айрим кўзларда ғазаб учқуни чақнади, айримлар норози нигоҳлар билан издиҳом соҳибини излашди. Имом буни пайқамай, ўзи ўтирган дарахт шохини арралаётган нодон каби гапини ҳаяжон билан давом этаверди: „Дунё ҳаёти бир тушдан иборатдир. Дунёда мол-дунё соҳиби бўлмоқ тушда хазина топиб олишга ўхшайди, деган экан бир донишманд. Дунё моли наслдан наслга ўтиб, шу дунёда қолади. Ўлим фариштаси ғофилнинг жонини олиш билан уни уйқудан уйғотади. У киши ҳақиқатдан ҳам эга бўлмаган мол учун дунёда чеккан заҳматларидан ҳайратга тушади. Минг пушаймон бўлади. Лекин вақт ўтган, ғишт қолипдан кўчган бўлади...

...Хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар... ва ҳоказо нарсалар одамлар ҳирсини қитиқлайди. Буларнинг ҳаммаси дунё завқидир. Модомики, у безатилган бўлса, унда ҳақиқий гўзаллик ва яхшилик йўқдир, бу гўзаллик унда муваққатдир ва ўзга бир ердан келган, демакдир. Дунё — олтин қопламаси сохта пул кабидир. Яъни қийматсиз кўпик бўлган дунё сохта, ёлғончидир, аҳамиятсиз ва қадрсиздир. Унинг уст қисми олтин билан сувалган. Мана шунинг учун ҳам инсонларни хотинлару ўғиллар, қоп-қоп олтинлару кумушлар, наслдор отлару сурув-сурув мол-қўйлар, экинлар ва бошқа нарсалар ўзига тортади“.

Пойгакроқда ўтирган Иззат орқасига ўтирилиб, издиҳом соҳибини излади.

---

„Бир донишманд мазор ёнидан ўтаётганида қабрларга қараб хитоб қилган экан: „Эй қабрда ётганлар, эй суякларни чириб, тупроққа қоришганлар, эй қоронгуликларда ёлғиз қолганлар, сизларда нима гап? Биздан сўрасангиз, молларингиз тақсимланди. болаларингиз ўксиз ва етим қолди, хотинларингиз бошқа турмуш қуришди. Бизда ана шундай хабарлар. Сизларда қандай хабарлар бор?“

Имомнинг бу гапидан кейин Иззат ичида сўкиниб олди-да, шарт ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Эшик оғзида чекиб турган одамга яқинлашиб:

— Дўст, қанақа лаққани топиб келгансиз? — деди аччиқланганини яширмай.

Имомнинг гаплари маърака эгасига ҳам малол келиб, меҳмонлардан уялгани учун ташқари чиқиб турган эди. Иззатнинг таънасидан кейин сигаретни ташлаб, оёқ учи билан эзди.

— Қим билади, Сотимбой мақтаб-мақтаб олиб келувди.

— Бориб тинчитиб қўя қолайми? — деди Иззат унинг мушкулини осон этишга аҳд қилиб.

— Йўқ, валдирайверсин. Сиз ўртақашларга имлаб қўйинг, ошни сузаверишсин. Калласи бўлса, тушуниб, ўзи тўхтайти.

Ош сузилган лаганлар карвони пайдо бўлгач, имом гапни бас қилди. У шошиб турган эканми, ош емай чиқди. Маърака эгаси чўнтагидан юз доллар чиқариб, уни мулзам қилиш мақсадида пулни ошкора равишда бир ғижимлаб олиб, кейин узатди. Лекин имом мулзам бўлмади, аксинча, уни ҳайратда қолдириб, мийиғида кулимсиради-да, „Тақсир, бизники иккита“, деди. Кўнгли ғашланиб турган маърака эгаси энди ўзини камситилган ҳис қилиб, ғазабдан қизариб кетди. Уни тепиб кборгиси келди-ю, атрофдагилардан уялди. Унинг аҳволини тушунган Иззат чаққонлик қилиб, имомни билагидан ушлади-да, кўча ўртасида пойлаб турган қора „Мерседес“ сари бошлади.

— Сеники қачондан бери иккита бўлиб қолди? Олдинга тўрт танга ташласа эмаклаб юардинг-ку? — Иззат шундай деб билагини қаттиқ қисган эди, имом довдираб қолди. Машинага яқинлашишганда ҳайдовчи йигит орқа эшикни очди. Иззат тўхтамай, оёғи билан туртиб эшикни ёпди-да, йигитга деди:

— Машинани четга олиб қўй. Имом поччангга дўхтир кўпроқ яёв юринг дебди. Қоринни қара, ёрилиб кетмасин яна.

Яна бир-икки қадам юргач, имомни қўйиб юборди. Аввалига бундай беҳурматликдан ранжиган, кейин тааж-жубланган, охири қўрқа бошлаган имом осон қутулганига қувониб, орқасига қарамай, тез-тез юриб кетди.

— Тугунни нима қилай? — деди ҳайдовчи йигит.

— Мозордаги гадойларга олиб бориб бер. Савоби сенга.

Иззат маърака эгасининг ёнига қайтиб, меҳмонларни бирга кузатди. Хайрлашар маҳалида маърака эгаси „Яхшиям сен бор экансан, бўлмаса ичак-чавоғини салла қилиб қўярдим“, деб миннатдорлик билдирганида „Э, дўст, бунақаларни менга қўйиб беринг, эмаклар келиб-эмаклар кетадиган бўлади“, деди камтарлик билан.

Ҳозир пуллари санаб ўтирганида икки соат аввал бўлиб ўтган ўша воқеани кўз олдига келтирди. „Ўзининг дарди пул-у, яна бойларни ёмонлагани ёмонлаган-а! Салласига пул қистиравериб талгайтириб юбордик, — деб ичида сўкинди. — Бу таги паст бойлик нима эканини биладими ўзи?! Бойсан — одамсан! Чўнтагинг қуруқ юргандан кўра лаҳадда яланғоч чўзилиб ётганинг яхши!“

Иззат бир керишиб ҳузурланди. Пул тахламини суюкли ширин боласининг бошини силагандай силаб қўйдида, соатига қараб олгач, стол устидаги пульта олиб, телевизорни ёқди. Ярим соат аввал унга қўнғироқ қилишиб, „Хабарлар“да янгиликни эшитиши лозимлигини эслатишганди. Қайсидир вилоятдаги фермада туғилган бузоқлар ҳақидаги оламшумул воқеа баёнидан сўнг, кейинги хабар ўқиладиган бошлангач, Иззат диққат билан тинглади:

— „Душанбе-Москва“ поездидаги бир йўловчи милиция ходимининг диққатини ўзига тортди. Текширув натижасида Тожикистон фуқароси бўлган бу йўловчидан икки юз грамм миқдорда героин моддаси топилди. Тергов олиб борилаётгани учун йўловчининг кимлигини маълум қилиш мақсадга мувофиқ кўрилмади. Гумондаги яна икки йўловчи ҳам текширувдан ўтказилди. Тергов натижалари яқин кунларда эълон қилинади“.

Телефон жиринглагач, Иззат телевизорни ўчирди. Телефонни қулоғига тутди, кимдир ўпкасига қурт тушган

жонивордай йўталди. Иzzат бошқа овоз кутмай, гапини айтди:

— Эшитдим. Мендаги маълумотга кўра, икки юз эллик грамм бўлган. Маълумот шундайлигича етказилган. Нима учун камайиб қолганини билмадим. Балки ўша ёқда эллик граммни уриб қолишгандир. Мен тортиб олмаганман. Балки бу ерда тинчителишгандир. Ушлаганда тепасида турмадим. Хабарни етказишим керак эди, етказдим. Бу ёғи менинг ишим эмас. Яна иккитаси кимлигини билмайман. Балки... эллик граммни иккига бўлиб, икки кишига ташлашгандир. Хўжайинларига „Уч кишидан иборат жиноий гуруҳни қўлга олдик“, деб мақтанишади-да. У ёқдаги ишлардан яхши хабар бор. Каптарлар яхши учушяпти. Битта дарахтга қўниб ўтишибди. Дарахтлар бежавотир. Каптарларнинг Тошкентга учиб келиб, эгасини топишига юз фоиз кафолат бераман. У ёғига қанақа учуши каптарвознинг маҳоратига боғлиқ. Ҳамма ўзининг ишини қилиши керак. Ҳа... тилим бақувват, омон бўлинг.

Юзини ювиб қайтаётган Шоҳид қия очик эшикдан пулларга кўзи тушди-ю, беихтиёр тўхтади. Иzzат буни сезиб гапдан тўхтади. Шоҳид пулдан кўзини узмаганича отасига салом берди.

Иzzат ишора билан алик олган бўлиб, гапини давом эттирди:

— Кеча керакли одамлар билан кўришиб, ҳаммасини гаплашганман...

Шоҳид отасининг гапларига эътибор бермади, унинг хаёлини пул тахлами олган эди. Ошхонага кириши билан онаси меҳрибонлик билан қарши олди.

— Мастава ичасанми ё балиқ иситиб берайми?

— Чой ичаман.

— Эрталаб қоринга овқат тушмаса, ичаклар торайиб қолади. Йигит ёшидагилар кўп-кўп овқат ейишлари керак.

Онаси гапираётганда илпакдаги калитлар шодасига кўзи тушиб, ажабланиб сўради:

— Кимнинг калити?

— Тоғангники. Малайзияга кетишти.

— Нима қилишаркан?

— Ноила келмайдиган бўлибди. „Ўзинглар келиб дам олиб кетинглар“, дебди.

— Шу жиянингизга Худо ақлдан берган-да. Тоғам бечора қизини кўриш баҳонасида бормаса, бу дунёда дам олиш нималигини билмайди.

— Жиянингнинг ақлли эканини тан олганинг яхши, лекин ўзинг аҳмоқсан. Шундай қизга уйлан, десам ноз қилиб юрибсан. Тоғанг ҳам рози бўлувди.

— Мен рози бўлганман, ойи. Фақат дўхтирлар қариндошга уйлансанг, болаларинг қинғир-қийшиқ туғилади, дейишганига кўрқдим. Агар қинғир-қийшиқ невараларни кўтариб юраман, десангиз, шалпангқулоқ Ноилангизга уйланмаган — номард.

— Нафасингни иссиқроқ қил. Худо менга шунақанги ширин неваралар берсинки, етти иқлим қойил қолсин. Ноиланинг қулоғини ҳадеб гапираверма. Сенга хунук кўринаётган бўлса, ота-онасига чиройли.

— Мен гапирганим йўқ, кичкиналигида ўзингиз „чебурашка“ дердингиз.

— Унда эркалардим. Энди уят бўлади.

— Энди „чебурашка“ деб бўлмайди, қулоқлари энди локаторнинг ўзи.

— Масхара қилма, дедим, — Рихси ёлғон пўписа билан ўғлининг юзига эркалаб уриб қўйди.

Шоҳид калитларни қўлига олиб, хаёлига келган фикрдан қувониб кетди:

— Тоғам кетган бўлсалар, уйдан хабар олиб туриш керакдир? Ойижон, ўртоқларим билан имтиҳонга ўша ерда тайёрлансам-чи? Репетиторни ҳам ўша ерга чақира қоламиз.

— Кўпчиликни чақириб отбозор қилиб юборма.

— Келиб-келиб тоғамнинг уйларини отбозор қиламанми? Чиннидай қилиб ўтираман, — қозонча томонга қараб қўйиб ажабланди, — эрталабдан холвайтар қиляпсизми? Тинчликми?

— Алақ-чалақ туш кўряпман. Бугун чоршанба, арвоқларни йўқлаб қўйсақ савоб бўлади.

— Ие, арвоқларни йўқлаганингизда бибисешанбага атаб тугун оши қилардингиз-ку? Бу сафар эриндингизми? Дўконда тайёр тугилган чучвараларни сотишяпти, олиб келиб берайми?

— Ўзимам биламан, кеча олиб келганман. Уни ҳали пешинда пишираман, келсанг, мачитга опчиқиб берардинг.

— Пешинда вақтим йўқ. Сиз арвоҳларни йўқласангиз, мен тирик домлаларни йўқлашим керак. Атаганингизни беринг, имтиҳон яқинлашиб қолди. Олдиндан бериб қўймасам, кейин „Бу ёғи кризис“, деб нархни оширворишади.

— Бу сафаргисини адангдан оласан. Адангни чақира қол, чой совимай ичволсинлар.

Бу топширик Шоҳидга ёқди. Ўзи бу ерда онаси билан лақиллашаётган бўлса-да, хаёли отасининг хонасидаги пулларда эди. Шу сабабли вазифани бажаришга шошилди. Эшик ҳамон қия очик, пуллар ҳамон стол устида, отаси эса айвончада ким биландир телефонда асабий тарзда гаплашяпти.

— Одам бир нима деганда каллани жойига қўйиб эшитиш керак, калла хом бўлса ёзиб олиш керак. Мен иккита деганман. Йўқ. Анталиянг керакмас. Бултур бориб, совуғини еб келганман. Ё Тайландга, ё Канарга бўлсин. Иложи йўқ бўлса, хўжайиннингни чақир, ўзи билан гаплашаман.

Отасининг хонага орқа қилиб туриши Шоҳид учун мукофот бўлди. Мукофотдан фойдаланмай қолиш унингдек чапдаст йитит учун иснод эмасми?! У ўйлаб ҳам ўтирмай, эшикни очиб оёқ учида ичкарига кирди-да, стол устидаги пуллардан чангалига сиққанича олиб, букчайганича яшин тезлигида изига қайтди. Ошхонага кирмай, ташқарига шошилганида онаси „Қаёққа?“ деб тўхтатмоқчи бўлди.

— Устозга учрашиш кераклиги эсимга тушиб қолди, — деди Шоҳид тўхтамай. — Тез бормасам, теримга сомон тикади. Бунақа аблаҳ домла сизларнинг даврингизда бўлмаган.

Шоҳид кутилмаган бахт қушини ушлаб олгандай қувониб, кўчага чиқди.

### „ГЕОМЕТРИК ПРОГРЕССИЯ“

Бир ёлғон иккинчисини туғдиради, иккинчиси яна тўртгасини, математиклар тили билан айтганда, бу борадаги „геометрик прогрессия“ охир-оқибат шармандаликка, ҳатто фалокатга олиб келади. Буни кўпчилик билади, аммо тилини тия қолмайди. Ёлғон бобидаги устаси фаранглар занжир каби улаб кетаверадилар. Аммо нўноқларнинг иши қийин. Биринчи ё иккинчи ёлғондаёқ қовун тушириб қўйишади. Жавлон шу тоифадан эди. Ёлғон гапириб қўйиб,

оқибатини хавотир билан кутарди. Автоҳалокат ҳақидаги ёлғони бу қадар тез фош бўлишини у кутмаганди. Касалхонадан чиққан куннинг эртасига ўқишга бориб, ҳол сўраганларга йўловчи машина ҳалокати ҳақида қисқагина сўзлаб осон қутулди. Дарслар тугаб, Севара билан бирга кўчага чиққач, бу қизнинг савол назаридан осон қутулолмаслигини сизди. Кўнгли қиз билан узоқроқ юришни истаса-да, ақли тезроқ кузатиб қўйишга ундади. Бекатга етишлари билан автобус кўриниб, ичдан қувонди, аммо сездирмасликка уриниб, ғалати тасодифга дуч келгандай, „Ие, автобусингиз келиб қолди“, деди.

Севара унга синовчан қаради:

— Келса келаверсин, кейингисида кета қоларман, — деди бамайлихотир. Кейин йигитнинг истагини сезгандай пичинг қилди: — Ё... тезроқ кета қолайми?

Жавлон: „Йўғ-е, нега бундай деяпсиз?“ деб нигоҳини олиб қочди. Сизгир қиз эса дангалига кўча қолди:

— Гаплашишга хоҳишингиз йўққа ўхшайди.

— Адашяпсиз... — Жавлон шундай деб ўзини оқлашга арзирли гап тополмади. Ночор аҳволда бўйинини қашиган бўлиб, паст овозда давом этди: — соғинган одамда шунақа хоҳиш бўлиши мумкинми? Фақат... сал бошим оғрияпти... агар истасангиз... ўтириб қаҳва ичайлик.

— Кўнглимдагини топдингиз, юринг.

Севара ноз қилмай, бекатдан сал наридаги мўъжаз қаҳвахонага ўзи йўл бошлади. Соя томондаги столга ўтириб, қаҳва буюргач, Жавлонга қаттиқ тикилиб сўради:

— Бошингиз қаттиқ оғрияптими?

Бу оддий савол бўлса-да, тикилиб қарашнинг ортида нимадир яширин эканини сезган Жавлон ўнғайсизланди. Қаҳвага таклиф қилиб, ўзига ўзи ҳақиқий бош оғриқ ортириб олганини англаб гашланди. Лекин жавобдан бўйин товлай олмади. Саволнинг тагдор эканини сезмагандай, кулимсирашга ҳаракат қилиб жавоб берди:

— Чайқалган бош билан гандирақлаб юрармикинман, деб қўрқувдим, хайрият, анча жойига келиб қолди. Деканнинг қарашига эътибор бердингизми, гаплари ҳам пичингга тўла бўлди, а? „Қайдам, энди ўқишни давом эттира олармикинсиз?“ деганда „Калланг ишлайдими?“ демоқчи бўлдимми?

---



— Менимча, кўп дарс қолдирганингизни назарда тутди шекилли, — деди қиз ундан нигоҳини узмай. — Сиздан бошқа талабани бунақа пайтда шартта ҳайдаб юборишди, биласиз-ку? Профессор қобилиятли математик, деб сизни ҳимоя қилганлар.

— Касалхонада ётдим-ку? Сабабсиз дарс қолдирган бўлсам, ҳайдаса ҳайдаверсин, — деди Жавлон астойдил ранжиб.

Севара унинг ранжишига эътибор бермади:

— Бир гап айтсам хафа бўлмайсизми?

— Айтмасангиз ҳам биламан, нима демоқчилигингизни. Ўртоқларим билан шаталоқ отиб юриб, кўп дарс қолдирганманми? Ўртоқларим сизга ёқмайди, шунинг учун мени айблайверасиз. Агар ҳадеб шуни пеш қилаверсангиз...

Жавлон „Кўрқоқ олдин мушт кўтарар“ қабилида дадил гап бошлади-ю, қолганини ичига ютди. Унинг бу қилиги ёқмай, Севара қошларини сал чимирди:

— Охиригача гапираверинг, нима бўлади? Аразлайсизми ё мendan юз ўтириб кетасизми? Ўртамиздан қора мушук ўтадимми?

— Унақа демоқчи эмасман... Ўртоғи йўқ йигит йигитми? — деди Жавлон аввалги шаштидан қайтиб.

— Ўртоқни деб... ўқишни ташлаш керакми? Ахир ўқиш келажак дегани-ку? Шу ўртоқларингиз билан юриб нима-ни орттирдингиз? Терговчига кейинги сафар ҳам „Йўловчи машинада эдим“, деб ёлғон гапирибсиз-а?

— Яна Назиранинг акаси айтди бу гапни?

Йигитнинг зардали гапига қиз қатъий оҳанг билан жавоб берди:

— Терговчи мен билан ҳам гаплашди. Сизни деб... мен ҳам ёлғон гапирдим...

— Ростданам йўловчи машинада эдим...

— Ҳаммани алдасангиз ҳам ўзингизни алдаманг, илтимос. Хафа бўлманг-у, иродангиз жуда бўшашиб кетибди

— Қаёқдан оляпсиз бунақа гапларни?

— Қорадорига аралашиб қолганингиз ҳам ёлғонми?

Бу кутилмаган савол гурзи бўлиб бошига урилди ми ё куёшли кунда чақин чақиб булутсиз осмонни йиртиб юбордим, ҳар ҳолда Жавлон тубсиз жар устида осилиб қолгандай ҳис қилди ўзини. Севара ҳаммасидан хабар топганми ё ўқсиз милтиқ билан нишонга оляптими — фарқлашга

қийналди. Қизга кўзларини пирпиратиб қараб турди-да, бир ютиниб олиб, зорли овозда: „Энди тухмат қиялпсиз“, деди. Шундай дейишга деди-ю, бу гап билан ўзини оқлай олмаслигини билгандай, атрофга хавотир билан аланглаб олди. Бу ҳолат қизнинг зийрак нигоҳидан четда қолмади. Йигитнинг бу довдираши ҳақиқатни ошкор қилса-да, қизда бундан кўра кучлироқ далил бор эди. Шу боис хотиржам, айна дамда қатъий оҳангни ўзгартирмади:

— Сизни даволаган врачнинг қизи билан мактабда бирга ўқиганман. Қонингиз таркибида қорадори борлигини айтдилар. Биров билмасин, деб мен ялингандим. Шунинг учун терговчига маълум қилишмади.

— Қизиқ... — Жавлон алам билан бош чайқади, — терговчи бир дугонангизнинг акаси, врач иккинчи дугонангизнинг онаси... Тасодифлар кўпайиб кетмаяптими?

— „Дунё тор“, деган бир гап бор-ку, ҳақиқатни ошкор этиш учун икки тасодиф кўплик қилмайди. Ҳақиқатни „илдиз ости“га олганингиз билан, унинг кетидан барибир ечим келади. Мен сиз айтган тасодифларни қидириб топмадим. Сизни ҳам пойлаганим йўқ. Ўзгариб қолганингизни ўқишдагилар ҳам сезиб юришибди. Фақат сабабини биллешмаяпти. Сабабини ёлғиз мен биламан.

Бу гап йигитни тамом мағлуб этди. Бошини эгиб, ялиниш оҳангига кўчди:

— Севар... ҳеч ким билмасин... Қандай тушиб қолганимни ўзим ҳам билмайман... Қанақа қутулишни ҳам билмайман... Қутулишни хоҳлайман... лекин кучим етмаяпти. Гапингиз тўғри, ирода қолмаган менда.

— Бўлмаган гап! — деди қиз унинг гапини узиб.

— Бундан қутулиб бўлмайди, шу пайтгача ҳеч ким қутулмаган, — деди йигит умидсизлик билан.

Бу гапдан кейин қиз қаерда ўтирганини унутиб, баланд овозда: „Бўлмаган гап!“ деб юборди. Кейин яна пастлади, лекин қатъий оҳангни йўқотмади:

— Қутулиш мумкин! Шу пайтгача ҳеч ким қутулмаган бўлса, сиз биринчи бўлиб қутуласиз! Кучингиз етади. Кучингизга ишонинг. Мен ишонаман сизга!

Жавлон ишончсиз, бадбин ҳолда қизга мўлтиллаб қараб қолди. Севаранинг кўзларида эса, аксинча, ишонч бор эди. Хизматчи келтирган қаҳвани ичмадилар, ҳақини тўлаб

ўринларидан турдилар. Қиз автобустга чиқди, йигит ҳорғин қараш билан уни кузатди. Севара йигитнинг аянчли аҳволига қараб ачинди. Ачиниш ҳиссини ошқор қилмаслик учун кетишга шошилиб қолди. Автобус қиз билан бирга ундаги ишонччи ҳам узоқлаштириб кетди. Умидсизлик ботқоғидаги йигит эса чўкаверди... чўкаверди...

Жавлон қандай балога учраганини ўзи биларди. Сири бугун бўлмаса, эртага ошқор бўлишини кўрқув билан кутарди. Уқишдагилар билиб қолишса, ҳайдалади, ҳайдалганлар озми, бу қисмати фожиа эмас. Ота-онаси билиб қолса — аввал ғазабланишади, кейин бу сир бошқаларга ошқор бўлишининг олдини олишга интилишади, даволашга уринишади... Бу ҳам фожиа эмас... Севаранинг билиб қолишидан кўрқарди. Унинг фикрича кечроқ ёғиши керак бўлган фожиа дўли остида саваланиб довдиради. Уни ажал ботқоғи ўзига тобора тортаётган дамда суйган қизининг ишончи қутқариб қола олар эканми?

Шу онда телефони жиринглади. Рақамга қараб кўйиб. гаплашгиси келмади. Кўнғироқ учинчи марта такрорлангач, хоҳишсиз равишда тугмасини босиб, қулоғига тутди.

— Ҳов эркак, қаёқларда довдираб юрибсан, касалхонадан чиққанингни ювмаймизми? Шоҳ бўғилиб кетди-ку! — деди Радик бўғилиб.

— Бўғилса нима қилай? — деди Жавлон руҳсиз оҳангда.

— Ҳов бола, попугингни ким пасайтириб кўйди, — деди Радик бу оҳангдан ажабланиб.

— Гапинг бўлса, тезроқ гапир, ҳозир дарсга киришим керак.

— Қанақа дарс? Кимнинг қулоғига лағмон осяпсан?

— Қолдирган дарсларимнинг қарзи бор.

— Қарз-парзни биз билмаймиз. Ярим соатда „Кўтарма бош“га етиб кел. Шоҳнинг ҳисобидан таксида келаркансан, тамом!

Шундай деб гапни узди. Жавлон айри йўлга дуч келган мусофир мисол довдираб тураверди. Қиз ишонч, ирода ҳақида гапириб кетди. Бу йўлдан юриш осонмаслигини биллади. „Кўтарма бош“га қараб юриш энг осон йўл. Қиз унинг ўртоқларини ёмон кўради, улар билан бирга бўлишини истамайди. Лекин айни дамда Жавлоннинг бошқа чораси йўқ. Ҳадемай хумори тутса, бошини қайси деворга

уради? Хумор тутганда ишонч, ирода ҳақидаги гаплар унутилади... Радик гапининг охирида „Тамом!“ деб қўйди. „Гап тамом, муҳокамага ўрин йўқ“ маъносида айтилган бўлса-да, Жавлонга „Сен тамом бўлган боласан!“ дегандай туюлиб, ғашланди. Йўловчи машинани тўхтатиб, айтилган жойга йўл олди.

Шоҳид билан Радик бўш стол атрофида омонат ўтиришарди. Жавлон кўрингач, ўринларидан туришди.

— Кабоб пишган бўлса, ўраб берсин, — деди Шоҳид Радикка қараб, ўзи Жавлон билан кўришиб, кўча томон юрди.

— Қаёққа борамиз? — деди Жавлон уларнинг қилигига тушунмай.

— Зўр жойга, юравер, — деди Шоҳид сирли оҳангда.

Жавлон учун қаерда ўтиришнинг фарқи йўқ эди, шу сабабли индамай эргашди. Кўчада мижоз пойлаб турган машиналардан бирини кира қилиб кетишди. Чимкент йўлида қад ростлаган янги маҳаллага кириб, ҳашаматли уй олдида машинадан тушишди.

— Қалай, қасри олий зўрми? — деди Шоҳид керилиб.

— Зўр-ку, кимнинг уйи бу? — деди Радик ҳавас билан тикилиб.

— Меники! — деди Шоҳид ҳам кибр, ҳам ишонч билан.

— Олиб қочма, — деди Радик.

Шоҳид айёрона кўз қисиб қўйди-да, чарм барсеткаси-дан калитлар шодасини чиқариб, бири билан дарвоза яшигини очиб, ичкарига дадил қадамлар билан кирди. Ажабланган ўртоқлари эса ишончсизлик билан қадам болиб унга эргашишди.

Шоҳид ҳовли ўртасида тўхтаб, қўлларини белига тираб, керилаганича туриб олди:

— Мана бизнинг маконимиз! Ўзимизга хон, ўзимизга ёқимиз!

— Кимнинг уйи бу? — деб сўради Жавлон атрофга ҳайрон боқиб.

— Бу уй эмас, кўзингни каттароқ оч, хон саройи!

— Хўп, қайси хоннинг саройи?

— Шоҳид хонники-да! — деб йигит хахолаб кулди.

— Олиб қочма, — деди Радик унинг елкасига туртиб.

— Нега ишонмайсанлар? Меники... сеники... Жавлонники... Ким яшаса, шуники-да!

— Биз келишимиздан олдин кимникидир бўлганмиди? — деди Жавлон.

— Бўлган. Лекин сен индамай яшайвер, узумини егин-у, боғини суриштира.

— Яшашга яшайверамиз-у, эгаси келиб қолса, тепкисидан учиб кетмаймизми?

— Оббо! Формулалардан мияси ачитган болага гап тунтириш қийин-да! Тоғамники бу уй, бўлдим, ишондингми? Ўпкангни босиб олдингми?! Тоғам Малайзияда кайф-сафо қилади, биз бу ерда маишатга шўнғиймиз. Биров мушугимизни пишт демайди, қўрқмаларинг. Ҳозир чанқовбосди қилиб, қоринни тўқлаб оламиз-да, кўчага чиқиб келамиз.

— Нега? — деб гапга аралашди Радик.

— Сенларни би-ир ясатмоқчиман. Ҳиққилайвериб жонимга тегиб кетдиларинг. Бугун видеокамерангни олиб бериб, гадойчасига минғир-минғир тиланишларингдан қутулмоқчиман. Автосалонга ҳам бир бош тикиб чиқамиз, „Мерс“нинг ҳиди келиб қолди, тузукроғини танлаб қўяверай-чи. онажонимнинг ҳужумлари бугун ё эрта ғалаба билан якунланади, — Шоҳид маънодор гапларидан ўзи мамнун бўлиб. керик одамнинг юриши билан ошхона томон ўтиб, музлатгичдан бир шиша пиво олиб ичди.

Бу гапларга бир ишониб, бир ишонмаётган Радик унга эргашиб борди-да, манзират кутиб турмай, у ҳам бир шиша пиво олди. Бир кўтаришда ярмини бўшатгач, чуқур нафас олиб, „Иштаҳанг зўр-ку?! Хазина топиб олдингми?“ деди. Шоҳид шу саволни кутиб турган эди. Ўртоғига маънодор кулиб қараб, меҳмонхонага қайтди-да, қўлидаги шишани Жавлонга тутқазиб, ўзи барсеткасидан икки таллам пулни олиб стол устига ташлади.

— Қалланг яхши ишлайди, Радик, хазина топдим! — деди мағрур оҳангда.

Унинг изидан қайтган Радик пулларга ҳайрат билан тикилиб қолди. Кейин шишани стол устига қўйиб, бир даста пулни олди-да, ҳақиқийлигини аниқлаш учун дафтаъ варақлагандай варақлаб кўрди.

— Топдингми ё... ўмардингми? — деди ишончсиз оҳангда

Бунақа ишончсизликни кутмаган Шоҳид унинг елкасига енгил мушт урди:

— Калланг борми? Адамники бу пуллар.

— Шунча пул бердими аданг? Ҳиммати зўр-ку? — деди Жавлон гапга аралашиб.

— Шунча пул берадиган ада қаерда бор? Ўзим олдим.

— Демак, ўғирлагансан, — деди Жавлон қатъий ҳукм оҳангида.

Шоҳид бу ҳақорати учун ўртоғининг ёқасидан олиб, тумшугига бир калла қилмоқчи бўлди-ю, шайтонга ҳай берди. Тишларини гижирлатиб олиб, ўзини оқлади:

— Ўғирлаганим йўқ. Ўзимга тегишлисини ҳаппаи ҳалол қилиб олдим. Адам битта маржага илакишиб қолган. Бизни ташлаб кетишни мўлжаллаганини сезиб юрибман. Ўшаникига кетса, бизга сариқ чақа ҳам ташламайди, биладан унинг қанақалигини.

— Чақа ташламайди, деб лаллайиб ўтирасанми, отчопардаги дўконларидан иккитасини талаб қилиб ол, — деб ақл ўргатди Радик.

— Бунақа ачиган ақлингни пишириб е! — деди Шоҳид. — Ҳозирча шу пул етиб туради. Етмай қолганда нима қилишни ўзим биладан. Ягона меросхўр мен бўлганимдан кейин иккита дўконига қараб тураманми? Ўша иккита дўконни иккалангга бўлиб бераман.

Бу гапни эшитган икки ўртоқ бир-бирига хавотир кўзи билан қараб олди. Иккаласининг хаёлига „Отасини ўлдирмоқчимми?“ деган фикр келганини сезган Шоҳид кулиб юборди.

— Иккалангнинг бошингни узиб, яхшилаб қоқса, бир грамм ақл чиқмайди. Келиб-келиб соғин сигирни ўлдираманми? Бойликка эга чиқишнинг бошқа яхши йўллари бор, шошилмасаларинг бир-бир кўраверасанлар.

— Битта мақол келиб қолди, айтайми?

— Сен ошхонага жой қил, қорин сурнай чалапти. Сенга зўр мақолни мен айтаман: иккита аҳмоқ ошна битта ақлли дўстнинг этагидан маҳкам ушласа, ҳеч қачон хор бўлмайди.

— Аҳмоқ битта бўлса керак, менам худди шу мақолни айтмоқчийдим, — Радик шундай деб ишшайди-да, ошнасининг буйруғини бажаришга киришди.

Бир шиша арақни бўшатиб, кабобларнинг ярмини егач, нафсларини тийган бўлдилар-да, бири диванга чўзилди,

иккинчиси оромкурсига ястанди. Шоҳид эса уй эгаси мартабасида бўлгани учун ётоққа кириб дам олди. Қуёш бота бошлаганда шаҳар марказига қараб йўл олишди. Шоҳид уларни алдамаган эди. Ўртоқларини бадавлат кишиларга мўлжалланган кийим дўконига олиб кириб ясангирди. Эскиларини ахлат қутисига ташлаттирди. Радикнинг „Бу шимим Италияники, олганимга уч ой бўлгани йўқ, яна тўрт йилга чидайди“, деган зорига ҳам қарамади. Видеокамера олиш учун дўконга киришганда Радикнинг кўзлари чакнаб кетди. Шоҳид „Танла, мен буларнинг фарқига бормайман“, дегач, уни синаш мақсадида энг яхшисини кўрсатди „Э, бунинг қиммат, сенга арзонроғи ҳам бўлаверади“, деган гапни қутиб, ўртоғига синов назари билан боқди. Ўртоғининг „Шуниси яхши бўлса, қўлингга олиб қараб кўр. Ёқса ҳақини тўла“, деган гапига ишонмай турганида унинг пул чиқарганини кўриб, қувончдан сақрағудай бўлди.

Ясанган уч ошна битта қора „Каптива“ни кира қилиб. ўзлари ўрганган ресторанга қараб кетишди. Шоҳид бу ерда бир оз майшат қилиб, тўрт-беш кунлик „дори“ни ғамлаб кетишни режа қилган эди.

Қундузи ёмғир ёғиб, кейин офтоб қиздиргани учун ҳаво дим эди. Қуёш ботгани билан кечки шабада кўтарилмаган, кишини бўғувчи димлик сақланиб турарди. Кўчага чиқишдан олдин ичилган арақ, чала уйқу йигитларни ланга қилиши етмагандай, дим ҳаво бўға бошлаган эди. Ресторан остонасидан ҳатлаб ичкари киришлари билан кондиционерларнинг муздек шамоли юзларига урилиб, роҳатланишди. Чап томондаги катта деразага яқин қўйилган столни банд қилган икки одамдан бири Жавлонга танишдай тўюлди-ю, лекин уни аввал қаерда кўрганини эслай олмади. У одам ҳам уч ошнага қараб, кимларгадир ўхшатди. Бирок уларни қаерда учратганини эслашга уринмади. Ресторандагиларни, айниқса, аёлларни зийраклик билан кузатиб ўтирган бу икки одамнинг бири Сардор, иккинчиси Қамбар эди. Бу кеч Қамбар „ов“га чиққан, бекорчи бўлгани учун Сардор унга эргашиб, маслаҳатчилик мартабасида ўтирган эди. Гаплари Қамбарнинг гашини келтирса ҳам бу соҳадаги тажрибасизлиги, ҳатто бир оз уқувсизлиги тўфайли, маслаҳатларига қулоқ солишга мажбур эди. Тўдадаги бегона одамнинг маслаҳатчи бўлишидан кўра, ўш

нинг шу ошнаси дуруст. Бегона одам жигига тегса, бир нима деёлмайди, ошнасини эса бемалол сўкиб, хумордан чиқиши мумкин.

Уч ўртоқ тўрдаги бўлмага жойлашган онда ресторанга Фарҳод кириб келди. Киборларча юргани билан атрофга ҳуркак қуш нигоҳи билан аланглаб олган пайтда хизматчи йигит унга пешвоз чиқиб, илтифот қилди. Фарҳод кулоғига нимадир деб пичирлади-да, шимининг чўнтагидан пул чиқариб, унинг кафтига қистирди. Қамбар унинг кибру ҳавосидан ажабланиб, „Ким бу, танийсанми?“ деган маънода дўстига қаради. Сардор савол назарини тушуниб, кулиб қўйди:

— Бу сўтакни яхшилаб таниб ол, бизнинг лайчаларимиздан, — деди беписандлик билан.

— Юришига қараб, сенинг хўжайинларингданмикин, дебман, — деди Қамбар пичинг билан.

— Майда лайчаларнинг олифтагарчилиги шунақа баланд бўлади.

— Сени кўрмадими, парво қилмади-ку?

— Мени танимайди. Сени ҳам таниши шартмас. Биз уни танисак етарли. Қўлга тушса ҳам ўзи гумдон бўлаверди.

Фарҳод уч ошна ўтирган бўлмага киргач, Шоҳид билан кучоқлаша туриб, чўнтагига халтача солиб қўйди, Шоҳид эса одатдаги жавоб ҳаракатини тезлик билан бажарди. Олди-берди яшин тезлигида амалга оширилгани билан, парда ярим очиқ қолгани сабабли Қамбарнинг зийрак нигоҳидан пана бўла олмади.

— Улар ким, ўтиришидан лайчаларингга ўхшамайди, — деди Қамбар.

— Шу ерда ўралашиб юрадиган мишиқи боллар, лайчанинг мижозларидан бўлса керак.

— Шу ерда сотадими?

— Ишинг бўлмасин, қаер ўнг келса, ўша ерда пуллайди.

— Ментлар ҳид олса-чи?

— Бундан хавотирланма, сенинг бош оғригинг бошқа. Ҳозир сенга керакли капалаклар учиб келишади. Бу лайчанинг иши хомлигини хўжайинлар билишади. Бизга шунақа хом лайчалар ҳам керак.

— Нега?



— Тушунмаяпсанми? Ишлашини кўрдинг-ку? Кўпга бормаиди, яқинда милисанинг плани тўлади. Ментлар шунақалар билан овора бўлаверишсин. У қанчалик тез кўлга тушса, бизга шунчалик яхши. Уч-тўрт грамм дори кетса камбағал бўлиб қолмаймиз.

Киборларча юриб кирган йигит эрта-индин кўлга тушадиган бўлса, чўнтагидан чиққан озгина қорадори ашёвий далил сифатида олиб кўйилади, сўнг тўпланган бошқа афюнга кўшилиб, темир эритувчи печларда куйдириб ташланади. Сардор кўлдан кетувчи ўша оз миқдордаги афюни ҳозир беписандлик билан тилга олди. Денгиз бир томчи сувини йўқотгани билан саёзлашиб қолмаганидек, кўлдан кетувчи бир неча грамм афюн у тобе бўлган салтанатнинг хазинасига чиндан ҳам таъсир этмас эди. Ўша уч-тўрт грамм афюн ортида битта одамнинг тақдири турганлиги эса Сардор учун ҳам, ундан каттароқлари учун ҳам аҳамиятсиз ҳол эди. Кўлмакдаги митти итбалиқнинг ҳалокати сезилмаганидек, буларнинг бошига тушган фожиадан биров ташвишга тушмайди. Сардор ҳозирги гапини беписандлик билан айтди-ю, ўзи ҳам шу лайча каби йўқ бўлиб кетишини ўйлаб кўрмади.

Қамбар эса англади. Келажагини кўз олдига келтириб. вужудига совуқлик югурди. Бўлмада уч ошна билан гаплашиб турган Фарҳодга қараб туриб, „Икки-уч кундан кейин шўринг қурир экан, кейин кимнинг навбати? Меникими? — деб ўйлади. — Сени „лайча“ деяпти. Мен-чи? Бу бўлмаса бошқалари шунақа аташадими ё бундан ҳам баттар лақаблари борми? Булар айтса ҳам, айтмаса ҳам лайчаман Шулар ташлаб берадиган суякка қаноат қилиб, думимни қисиб юравераман. Нега норози бўляпман? Бу қисматни ўзим танладим-ку? Олдинги ишимда ҳам хўжайин олдидаги аҳволим шу эди. Булар кўпроқ тўлашади-ку? Бўлар иш бўлди. Қўлга тушиб, абжағим чиққунича одамга ўхшаб яшаб олай...“

Дераза ёнидаги Қамбар шуларни хаёлидан ўтказиб ўтирган онда бўлмадаги Шоҳид чўнтагига кўл солиб, халтачанинг миқдорини чамалаб кўрди:

— Чўғи камроқми? — деди норози қиёфада.

— Бугунча амаллаб турасан. Йўл-йўлакай бир акахон-никига кирувдим, меҳмонлари бор экан. Кўпроғини ўш

олиб қолди. Ҳурматли одамга бир нима деб бўлмайди. Сен ўзимизникисан.

— Ўзингизники бўлсам, орқамга тепиб-тепиб кетаве-риш мумкинми?

— Укахомим, шунга ҳам жириллашми? Бугунча амаллаб тур, деяпман-ку?

— Бугунча деганингиз эрталабгачами?

— Узоғи билан пешингача. Айтган жойингга ўзим олиб бориб бераман. Мени биласан, қулоққа лағмон осадиган боламасман.

— Яна бир марта пичоқсиз сўядиган бўлсангиз, бошқа одам топамиз.

— Ўпкангни бос. Бозорда этагини очиб ўтирган бақ-қолни топасан сен! Эртага эрталаб кўнғироқ қилиб жойни айтасан, пешингача отказмасам, башарамга тупурасан.

— Ваъдани бузганингиз учун бугунгисини озгина ту-шириб берасиз.

— Шарт қўйма, ошнажон. Бундан бу ёғига нархи ошса ошади-ки, пастга тушмайди.

Фарҳод шундай деб „Чидаганга чиқарган“ дегандай, мижозининг чап бетига икки марта енгилгина шапати уриб қўйгач, изига қайтди. Унинг бу қилиғидан ғазабланган Шо-ҳид овоз чиқариб сўкинди.

— Нима бўлди? — деди Радик хавотирланиб.

— Бир кунлигини ташлаб кетди. Бир ҳафталигини олиб, уйда мазза қилиб ётамизми дегандим. Эртага ўзи уйга ет-кизармиш.

— Бугунга бўлса бўпти-да, нега сиқиласан? — Радик шундай деб пардани тортиб, охиригача очди.

— Очма, — деди Жавлон пешонасини тириштириб.

— Ҳозир жононлар чиқади, камерани шу ерда синаб кўраман.

Шоҳид тўрда ўтиргани учун, парда тўла очилгач, дераза ёнидаги икки ошнага кўзи тушди. Уларнинг шу томон тикилиб турганча гаплашиб ўтиришганини кўриб, юраги қандайдир нохушликни сезгандай бўлди. Радик камераси билан овора эди. Жавлоннинг телефонига хабар келди. Тугмачани босиб ўқиди: „Жавлон қаердасиз? Хавотир-ланияпман. Ирода ҳақидаги гапимни унутманг, сиз кучли одамсиз! Кўнғироғингизни кутаман. Эрталабгача уҳламасам

---

ҳам кутаман. Севара“. Жавлон ўқиб бўлиши билан уятли бир иш қилиб қўйгандай, бу уятли ишдан ўртоқларининг хабардор бўлиб қолишидан қўрққандай дарров ўчирди. Тўғрига қараб ўтирган Шоҳид унинг аҳволини сезмади. Хизматчи кириб таомларни қўйиб кетгач ҳам Шоҳид шубҳали икки одамдан нигоҳини узмади. Шубҳа ҳақиқатга айлана бошлагач, иккинчи хизматчи кириши билан шарт ўрнидан турди-да:

— Буларни ўраб бер, олиб кетамиз, — деб буюрди.

Хизматчи буйруқни муҳокама қилмай, „Маъкул“ деган каби бош ирғаб, вазифасини бажаришга киришди.

Шоҳиднинг кутилмаган қарори икки ўртоғини ажаблантирди.

— Нега? — деди Жавлон.

— Турларинг, кетдик, — деди Шоҳид уларга изоҳ беришни истамай.

— Ие, маишат қилмаймизми? — деди Радик.

— Илтирисаларинг, тезроқ илтириларинг, маишатни уйда қиламиз. Кетдик.

Радикнинг, айниқса, Жавлоннинг бирон аёлни илтириб олиб кетиш нияти йўқ эди. Шу сабабли олдинмакейин ресторандан чиқишди.

Уларнинг ҳаракатини кузатиб ўтирган Қамбар Сардорга қараб, „Бир нимадан чўчишди“, деб қўйди.

— Кўзларинг ўткир, балони ҳам кўрасан, — деб Сардор дўстини мақтаб қўйди.

— Менинг тикилиб турганимдан қўрқишгандир?

— Қарашинг чақмоқнинг ўзи, бетон деворни ҳам тешиб ўтади. Бу мишиқилар сени мент деб ўйлашгандир. Орқасидан чиқайлик, тумтарақай бўлиб қолишади, бизга бир томоша-да.

— Қўй, шунчалик қўрқишгани ҳам етади. Сен учинчи бўлмага қара: тўртта хотин ўтирибди. Дастурхони тўқин эмас. Қиммат ресторанга кириб, хароб дастурхонда ўтиришлари қизиқ.

— Қизиқ, қизиқ... — деди Сардор маъноли оҳангда, кейин хизматчи йигитни имлаб чақирди-да, ўша хотинларга битта коньяк қўйишини буюргач, дўстига қараб, гапини давом эттирди: — Бизга қараб-қараб қўйишлари яна ҳам қизиқ...

Тоғанинг уйидаги маишат аёлларсиз ҳам ёқимли бўлди. Ресторандан олиб келганларини чала-чулпа еб, қошиқда яритилган „дори“ларини эм игнасига олиб, томирларига юборишгач, дунёдаги энг бахтиёр одам мартабасида ётиб, хотиржам уйкуга кетдилар. Эрталаб Шоҳиднинг телефони кетма-кет жиринглайвериб, уччовининг уйкусини бузди. Шоҳид эринибгина бир кўзини очиб, жавоб тугмасини босиши билан онасининг хавотирли овозини эшитди:

— Шоҳим-жаҳоним қаердасан?

„Қаердаман?..“

Уйкуси ўчмаган, кайфи тарқалмаган Шоҳид бу саволдан ажабланиб, атрофга аланглаб олди. Кейин сал хушёр гортди.

— Қизиқсиз-а... Биласиз-ку?

— Нега телпон қилмадинг?

— Калитни ўзингиз бериб, тоғангникидан хабардор бўлиб тур, дедингиз-ку?

— Овозинг нега ғалати, иситманг йўқми?

— Кечаси билан дарс тайёрлаб, 5ошим говлаб кетди.

— Кечаси вақтида ухлаб, кундузи тайёрласанг ҳам бўлади.

— Хўп, энди шунақа қиламан.

— Аданг билан машинани гаплашдим. „Ласетти“га кўнли, фақат ҳозир эмас, „Кузга бориб олиб бераман“, деди. „Мерс“ни ўқишни битириб, диплом олганингда совға қиларкан.

— „Мерс“ни қариганда минарканмиз-да, — деди Шоҳид ҳафсаласи пир бўлиб. — „Ласетти“ ҳам керакмас, автобусда юравераман.

— Унақа дема, бир-икки ой сабр қил. Кузгача Худо пошшо! Бугун „Ласетти“га кўнган одам, кузгача „Мерс“га ҳам кўнади. Тез-тез телпон қилиб тур. Ёнингда ўртоқларинг борми?

— Ҳа, бор.

— Қизлар-чи?

— Қанақа қизлар?

Сўрашга сўраб қўйиб, онаси мақсадини очик баён қилишга қийналди:

— Бирга ўқийдиган қизларни айтаман-да.

— Биз билан қизлар ўқимайди.

Ўғлининг кўпол оҳангдаги бу жавобидан қаноатланган она унга омад ва бахт тилаб, хайрлашиб кўя қолди. Барча оналар фарзандларига ҳар нафасларида омад ва бахт тилайдилар. Иймон, инсоф, виждон тилаш эса хаёлларига келмайди. Рихси ҳам шулар қаторидаги бир она эди. Иймон, инсоф, виждондан холи одамнинг бахт ва саодатга етиша олмаслигини кўп қатори у ҳам билмасди.

Шоҳид онасига эркалик қилиб, терс гапирган бўлса ҳам, „Ош пишгунча атала“ деганларидек, ҳозирча „Ласетти“ унганидан қувонди. Шифтга тикилиб бир пас ётгач, қаддини кўтариб керишди. Меҳмонхонага чиқиб, дастурхон устига кўзи тушгач, пешонасини тириштирди. Ресторандан олиб келинган таомни уч одам тановул қилганми ё кечаси билан бунда итлар базми ҳукм сурганми, фарқлаш қийин эди. Ҳамма нарса сочилган, оппоқ дастурхон доғ-дуғ бўлиб кетган эди.

— Ҳей, турларинг биқсиб ётмай, исқиртларингни йиғиштирларинг, — деди жеркиб.

Гарданини қашиганича меҳмонхонага кирган Радик манзарани кўриб, узун ҳуштак чалиб қўйди.

— Ким охирида турган бўлса, ўша йиғиштиради. Денгизчиларнинг қонуни шунақа. Шахсан мен сенлардан олдин тайёр бўлганман. Кўзларимни юмаётганимда сен Жавлоннинг маржасини сўкаётган эдинг.

— Жавлон, сен йиғиштирар экансан. Мен ётгани кириб кетаётганимда сен йиғлаб ўтирувдинг.

— Бекор айтибсанлар. Мен ётганимда анави довдирнинг бўлар-бўлмас киносига қанча харажат кетишини ҳисоблаб ўтирувдиларинг.

— Йиғиштиришни истамасаларинг молга ўхшаб чўзилиб ётаверларинг. Қоринларинг очганда ғимирлаб қоларсанлар. Шахсан менинг қорним тўқ.

Шоҳид шундай деб телевизор қаршисига ўтирди-да, пультни олиб тугмасини босди. Уч-тўрт каналдаги кўрсатувларни ўтказиб, футболда тўхтади.

Радик „Менинг ҳам қорним тўқ“, деб видеокамерасини қўлига олиб созлаган бўлди-да, Шоҳиднинг рўпарасида тиз чўкиб, объективни унга қаратди.

— Нима қилмоқчисан? — деди Шоҳид.

— Ҳзимнинг қисқа метражли биринчи фильмимни олишни бошлаяпман.

Меҳмонхонага кириб келган Жавлон унга пичинг қилди:

— Яқинда ўқишдан ҳайдалиши кутилаётган режиссёрнинг киносими? Ундан кўра уйни йиғиштирсанг, савобга қоласан.

— Зўр режиссёр бўлиш учун ўқиш шарт эмас. Бош ролни ўйнайдиган кетворган битта қиз билан йигит бўлса етарли.

— Сценарий-чи? — деди Жавлон пианино олдидаги айланувчи думалоқ ўриндиққа ўтириб.

— Сценарий калламда пишиб турибди. Сенлар ижод нима эканини билмайсанлар. Ижодкор ҳатто ҳожатхонада ўтирганида ҳам фикрлайди.

— Сенам ўшанақа ижодкормисан? — деб сўради Шоҳид телеэкрандан кўз узмай.

— Ҳа, нима демоқчисан?

— Унда ижодингдан ҳожатхонанинг ҳиди келиб тураркан. Бунга ким чидаркин?

Шоҳид ўзининг ҳазилидан қувониб, тиззасига шапатилаб урганича мириқиб кулди.

— Майнавозчилик қилма, ҳамма воқеалар каллада пишиб турибди, деяпман-ку, иш бошласам, икки кунда чап оёқда ёзиб ташлайман.

— Продюсер-чи? Уни ҳам чап оёғингда топасанми?

— Сен борсан-ку? Продюсерим бўлсанг, сени бошимда кўтариб юраман. Энди жим турларинг, диққат, „Тиллага тенг дўстлар“ фильми, сценарий муаллифи, режиссёр ва оператор Равшан Мирзо.

— Продюсер Шоҳид бойвачча.

Жавлон шундай деб ўрнидан турди-да, дастурхонга яқинлашиб, ниманидир қидирди.

— Бўлди, майдалашма, — деди Радик унинг ҳаракатига аҳамият бермай. — Бошладим! Дубл бир: мотор... Бу Шоҳид, тилла дўстларнинг энг тилласи. Келажакда адаси каби зўр инсон бўлади.

Бу гапни эшитган Шоҳид унга қараб бош чайқади:

— Зўр бўламан, лекин адамга ўхшаган эмас.

— Бу Жавлон, йўғ-е, Жавлон-бек! Ҳозирнинг ўзида профессор. Келажакда академик бўлади. Икс-игриклари

билан жаҳонни эгаллайди. Ҳзи ланжроқ бола, лекин калласи бор. Бугун ҳам ўқишга бормай тўғри қилди. Устозлари келиб, ундан логарифмларни ўрганиб кетишсин.

— Сен лақиллайсанми ё кино оласанми?

Ўқишни эслатганидан норози бўлган Жавлон жеркиб, уни туртди. Шоҳид эса „Гол!“ деб бақирганича сакраб турди.

— Месси урди!

Радик камерасини ёнига қўйиб, ҳафсаласизлик билан қўл силтади:

— Кадрни расво қилдиларинг. Сенлар билан бир иш қилиш қийин. Ижод нималигини тушунмайсанлар. Сенлар ваҳшийсанлар. Ишқи йўқ эш-шак, дарди йўқ кес-сак, деб сендақа пандавақиларни айтишади.

— Сен минғирламай, бу ёққа қара, — деди Шоҳид кафтларини бир-бирига ишқаб, — бунақа голни фақат Месси ура олади! Месси бор экан, „Реал“ларинг „Барса“ни кўрганда қўл қовуштириб туради.

Радик тўп урилиш манзарасининг такрорига эътиборсиз қараб, яна минғирлади:

— Месси опангнинг эрими, бунча ҳовлиқасан? Бўпти, шу гўлига атаб битта шеър тўқиб бера қолай: „Оқар сув оқаверади, „Барса“ „Реал“ни қоқаверади“.

— „Барса“ларинг қоқса қоқаверсин, лекин уйда нон йўқ экан, — деди Жавлон экранни тўсиб.

— Нарӣ тур, — деди Шоҳид унинг қилигидан норози бўлиб. — Мен футбол тугагунча жойимдан турмайман. Очдан ўлаётган бўлсаларинг битталаринг дўконга чиқиб келларинг.

— Мен чой дамлайман, Радик, дўкон сенга.

— Дўкон қаердалигини билсам чиқардим. Очофатларни боқиш ҳам савоб.

— Футбол тугагунча бир оз чидаб, жим ўтирларинг. ўзим чиқаман.

Шу пайт Шоҳиднинг телефони жиринглади. Фарҳоддан хушхабарни эшитган Шоҳид қувониб, дўстларига кўз қисиб қўйди.

— Акахоним ҳозир эмаклаб келади. Кеча ёмон сиқувга олдим-да. Биздақа мижозни яна қаердан топади? Биз бормиз, унинг қорни тўқ. Биз йўқ бўлсак, очидан ўлади Шундай экан олифтагарчиликни унга ким қўйибди?

Фарҳоднинг қўнғироғидан кейин Мессининг ўйини ҳам қизиқтирмай қўйди. Ўрнидан туриб роҳатланиб керишди-да, „Келгунимча йиғиштириб қўйларинг“, деб нон дўконга чиқиб кетди.

Жавлон ваъдасига биноан ошхонага чиқди. Радик эса яна камераси билан овора бўлди. Деразадан кўча томон қараб, тумшуклари тиралгудай бўлиб турган бири қора, иккинчиси оппоқ „Мерседес“га тикилиб қолди. Кейин камерасини ўша томон қаратиб, ниманидир кута бошлади. Бир оздан кейин елим халта кўтарган Шоҳид кўринди. Оқ „Мерседес“га яқинлашгач, тўхтади. Худди кичкина боланинг бошини силагандай, машина томига кафтини қўйди.

— Зўр кадр! — деб қийқирди Радик. — „Дубл бир“ — бойваччанинг „Мерс“дан тушиши. Стоп! Фалш!

Радик камерани дераза тоқчасига қўйди-да, ҳовлига шошилди. Шоҳидга уй зинасида рўпара келиб, йўлини тўсди:

— Зўр кадрни расво қилдинг. Чиқ, бошқатдан кирасан, — деб унинг қўлидан елим халтани олди.

— Томинг кетганми? — деб ажабланди Шоҳид, унинг қилиғига тушунмай.

— „Бойвачча“ сериалининг биринчи фильми. Сен бош қахрамонсан, — деди Радик фахр билан. — Ҳозир чиқасан. „Мерс“га гадойга ўхшаб тикилиб қарама. Томини ҳам силама. Сенинг чўнтақларинг долларга тўла. Сен бойваччасан. „Мерс“дан керилиб тушасан.

— Бошимни оғритма.

— Режиссёрнинг гапи ерда қолгунча эшакнинг бўйни ўзилсин. Сенам бир ўғил болалик қилиб, ролни ўйнаб бера қолсанг-чи? Кейин маза қилиб кўрамиз. Менинг айтганимни қилсанг, фаришталар „омийн“ деб яқинда ўзинг ҳам „Мерс“ оласан.

Радикнинг кейинги гапи Шоҳидга мойдай ёқди. „Адамни эритишга битта фариштанинг „омийн“и етмай турувди“, деган хаёлда изига қайтди. У кўчага чиқиб, Радик изига қайтиб, камерани қўлига олгунича оқ рангли машина ўрнидан кўзғолди. Қора „Мерседес“га яқинлашган Шоҳид „Нима қилай?“ деган маънода дераза томон қаради. Радик ҳозирги топшириғини энди имо-ишора билан такрорлади. Жавлон унинг қилиғига тушунмай, деразага яқин-



лашди-да, Шоҳиднинг ҳаракатини кузата туриб кулиб юборди. Кейин бирдан инқиллаб, қорнини чангаллади.

Радик камерани у томон қаратиб, „Нима бўлди?“ деб сўради.

— Қорин гижимлаб қолди, — деди Жавлон ихраниб.

— Ошхонада асал турувди, бир қошиғини ялаб ол, ўтиб кетади. Мен бойваччанинг кириб келишини оламан.

Жавлон унинг айтганини қилиб, ошхона сари шошилди. Радик эса ҳовлига чиқиб, „Энди керилиб кириб келасан“, деб бақирди. Шоҳид унинг топшириқларини нўноқлик билан бўлса-да, сўзсиз бажараверди. Шу тарзда ҳовлига кириб, зинадан кўтарилди, томоша даҳлизга кўчганида кўчада Фарҳоднинг машинаси пайдо бўлди. Машинани сал берироқда тўхташиб тушгач, „Мерседес“га ажабланиб қараб турди. Кейин эшик очиқ бўлгани учун ҳовлига иккиланиб қадам босди. Даҳлиздан келаётган таниш овозларни эшитгач, адашмаганига ишонч ҳосил қилиб, зинадан дадил кўтарилди. Бу орада томоша меҳмонхонага кўчди. Фарҳод бундан таажжубланиб, овоз келган томон юраверди. Йигитларнинг меҳмонхонадаги қилиқларини бир пас кузатди-да, кейин ғашни келиб, „Нима қиляпсанлар? Томларинг кетиб қолганми?“ деди.

— Радик „Томи кетганлар“ деган кино оляпти. Сиз ҳам тушиб қолдингиз, — деди Шоҳид кутилган меҳмонга пешвоз чиқиб. — „Оскар“ мукофотига илинса, тенг шериксиз.

— Сенларга шерик бўлган одамнинг ростданам томи кетган бўлади, — Фарҳод шундай деб уйга разм солгач, унга савол назари билан қаради: — Зўр-ку? Кимники?

— Турган одамники, яъни меники. Адам шу ерга уйлантирмоқчилар.

— Кўчадаги „Мерс“ ҳам сеникидир? — деди Фарҳод синовчан оҳангда.

— Ота ўғил „Мерс“га арзимайдими? — деб гапга аралашди Радик.

— Пачоқ машинада юриш сенга ярашмас эди. Энди одам бўлибсан! — Фарҳод шундай деб Шоҳиднинг елкасига аста уриб қўйди. Мақташ мақсадида айтилган бу гап Шоҳидга малол келди.

— Мен эшак аравада юрсам ҳам одамман, — деб тўнғиллаб қўйди.

Кишининг пули кўпайса, муомаласи ҳам ўзгаради. Кечагина кўл қовуштириб турган одамнинг эгик қадди пулнинг кучи билан тикланади. Шоҳид шу ёшга етгунча пулсиз юрмаган. Қаддини эгмаган. Лекин ҳозир чўнтагидаги пулнинг залворидан кутура бошлади, „Сен кимсан-у, бу майдакаш ким?“ деган савол ичини қиздирди. Мижоз бўлса ҳам, ўзининг мавқе ва бойлик жиҳатдан устун эканини билдириб кўйиш учун совуқ оҳангда муддаога кўчди:

— Ваъдани бажардингизми?

Фарҳод саволдаги кибр оҳангини сезди. Ичида ижирганса ҳам, „Боланинг тумшуги кўтарилибдими, қани, кўрай-чи, балки югуриши сомонхонагачадир?“ деган ўйда гашланганини билдирмай, чўнтагидан халтачаларни чиқариб, ивирсиқ дастурхон устига ташлади-да, „Сотиб олишга чоғинг келадими?“ дегандай унга кулимсираб қаради.

Шоҳид чўнтагида бор пулни гижимлаб халта устига ташлаб, ишшайди.

— Шунинг ўзими? Чўғи камроқ эмасми? — деди Фарҳод қошларини чимириб.

— Қолганини эртага бераман.

Фарҳод бу керик йигитнинг „Сиз дорини кеча эмас, бугун бериб куттирдингиз, сиз ҳам пулни бир кун кутасиз“, демоқчи эканлигини англаб, битта халтачани қолдириб, қолганини чўнтагига солди-да, хотиржамлик билан „Сенам қолганини эртага оласан“, деб кўйди.

— Ишонмаяпсизми?

— Гап мендами?! Хўжайинлар „Насияга берма“ дейишган. Каллам кетади.

— Қўрқманг, акамулла, каллангиз кетмайди, сизда кетадиган калланинг ўзи йўқ, — деди Радик уларнинг савдосига аралашиб.

— Бугун жуда-а бийронсанлар-ку, а? Ҳозир шарт кетворсам, эртага тиришиб қоларсанлар. Кимда калла борлиги ўшанда билинар?

— Бўлди, донолик қилаверманг. Борини беринг. Ҳозир пулни олиб чиқаман. Биз ҳеч қачон паст кетмаганмиз. Биз бормиз, сизнинг қорнингиз тўқ, шуни эсдан чиқарманг.

Шоҳиднинг заҳарли гапи ҳақиқат бўлгани учун Фарҳод чидади. Ётоқхона томон юрган йигитнинг изидан қараб, ичида бошлаб сўкишдан бошқа чораси йўқ эди бу бе-

чоранинг. Тагин ҳам бу бойвачча тилида катталиқ қилди. Агар ҳозир пул олиб чиқса-ю, остонага битта-битта қўйиб. „Эмаклаб келиб тилинг билан ялаб-ялаб оласан, уйдан эмаклаб чиқасан“, деган тақдирда ҳам кўнишдан ўзга чораси йўқ эди.

Фарҳод аламини ичига ютиб, хаёлини чалғитиш мақсадида дераза томон яқинлашди ва кўчага қаради.

— Ҳа, акамулла, қўрқяпсизми?

— Катта кетма. Сен тайёрини тортишни биласан. Мен жонимни Азроилнинг қўлига ижарага топшириб қўйиб юраман. Қўлга тушсам — ментлар жонимни олади, молни йўқотсам — хўжайинлар теримни шилиб, сомон тикади. Ажалинг етганда сен бир марта ўласан. Мен камид аикки марта ўламан, — шундай деб гапдан тўхтади-да, рўпарадаги уйдан чиққан одамнинг „Мерседес“га ўтирганини кўриб кулиб юборди.

— Акамулла, нима бўлди, иссиқ ҳаво мияга таъсир қилдими? — деди Радик. Фарҳод унинг пичингига пичинг билан жавоб қайтарди:

— Ие, қарасанг-чи, ота ўғилнинг „Мерс“и қанот чиқариб учиб кетди-ку?

Радик деразага яқинлашиб, кўчага қаради-да, хотиржам равишда тушунтирди:

— Учгани йўқ. Ялинувди, икки кунга ижарага берганмиз.

— Ҳа, қулоққа лағмон осавергин-чи, ҳали қорнинг очса, тўйиб лағмонхўрлик қиларсанлар.

— Лағмонхўрликни сизга чиқарган, — деди қўлида пушшлаб қайтган Шоҳид, — чиқаринг бор бойлигингизни кўтарасига оламиз.

Йигитнинг қўлидаги пулни кўрган Фарҳод чўнтагидан борини олиб, стол устига ташлади. Шоҳид буларнинг нархини билгани учун пул санаб, биттасини халтачалар устига ташлади, қолганини гилам устига сочди. Фарҳоднинг лаблари титради, тишини тишига босди. Шоҳид уни камситиб, портлашини кутган эди. Фарҳод мижозининг мақсадини англаб, ичида куч олган ғазаб вулқонини ташқаритиб чиқармади, аксинча, ёқимли ҳазилдан ҳузурлангандай жўмайиб қўйди-да:

— Зўрсан, гап йўқ! — деб пулларни бир-бир териб олишга киришди.

Пул барчага ёқади. Ҳатто пулдан нафратланадиганлар ҳам янада кўпроқ пул топиш орзусида яшайдилар. Бир қоп пули борлар, бойликнинг икки қоп бўлиши ҳаракатида тиним билмайдилар, икки қоп бўлганда тўрт қопдан камига қаноат қилмай қоладилар, сўнг саккиз... ўн олти қоп... Бош лаҳаддаги гувалага теккандагина бу орзулар сўнади. Лаҳадга қадар илм эгалла, деган амрга итоат этмай, лаҳадга қадар бойлик изидан қувган ва оқибатда икки қулоч оқ сурпга етишган банда нақадар ҳақир, нақадар бахтсиз!.. Ҳозир пул сочган ва териб олаётган йигитлар бу оқибатни уйламайдилар. Ҳолбуки, хор-зорлик узоқ йиллар ортида эмас... Ҳаёт билан ўлим орасида юпқа қоғоз қалинлигида девор бор, дейдилар. Афсуским, ёш жонлар бу ҳақда уйламайдилар. Бу юпқа қоғоз йиртилганда „Нега бу қадар тез?!“ деган даҳшатда кўзлари олаяди-ю, саволлари жавобсиз қолади.

Ўртоғининг қилиғи Радикка жуда хуш ёқди. Камерасини мағрур турган Шоҳидга, сўнг пул тераётган Фарҳодга қаратиб, саҳнадаги ношуд артист каби монолог ўқий бошлади:

Пул кўп зўр, азамат, паҳлавон бир куч,  
Агар пул бўлмаса, бутун дунёда  
Одам йўқ, турмуш йўқ, ҳатто яшаш пуч.  
Пул бўлса, пул бериб — базм оласан,  
Пул бўлса, пул бериб — имон оласан,  
Пул бўлса, пул бериб — виждон оласан,  
Пул бўлса, пул бериб — хотин оласан!

Фарҳод бошини кўтариб, „Бу бола жинни бўлиб қол-  
тимми?“ деган маънода қараб қўйди-ю, ишидан қолмади.  
Радик эса „Баттар бўл!“ дегандай истеҳзо билан кулиб, да-  
вом этди:

Базм — пул, виждон — пул, хотинлар ҳам пул,  
Шу гўзал қошу кўз, ширин сўз ҳам пул,  
Ҳаттоки муҳаббат, юраклар ҳам пул...  
Билмадим, Худонинг ўзи дунёни  
Яратса пулни ҳам ўйлаганмиди?  
Шу пулнинг ўзидан кучли эканин  
Худонинг ўзи ҳам билганми эди?

Пул бўлса, пул учун тизни чўксалар,  
 Пул бўлса, пул учун ерни ўпсалар...  
 Айтинг-чи, ким кучли — Худоми ё пул?!

Фарҳод ўзининг хорланаётганини билиб турса ҳам, ғазабини сиртига чиқармади. Охирги пулни чангалига олгач, қаддини кўтариб, Радикка қаради:

— Чўнтақларингга пул тушиб кучайибсанлар, гап йўқ! Шу пул ҳозир сенларнинг худоларингми? Пул дегани қўлнинг кири, битта совунлаб ювишлик ҳоли бор. Худоларингдан айрилиб қолганларингда ҳам тилларинг бийрон бўлармикин?

— Акахон, бизнинг тилларимиз ҳамиша бир қарич, — деди Радик камерасини ўчириб.

— Шундай ошнанг бўлади-ю, тилинг ярим қарич бўлармиди?

Бу кинояни мақтов ўрнида қабул қилган Шоҳид худди гадога бергандай, унинг қўлига яна пул қистирди:

— Тезроқ бора қолинг, лағмонингиз совиб қолмасин.

— Худо чўнтагинга барака бераверсин. Сочиб сендан териб олиш биздан. Кейинги сафар ҳожатхонага сочиб юборсанг ҳам териб олавераман, пул топишнинг уятли жойи йўқ. Лекин, ухахон, сенга акалик насиҳатим бор: пулни бунақа хор қилаверсанг, ўзинг ҳам хор бўласан.

Фарҳод кейинги гапларни айтаётганида овози сал титраб, вужудида қайнаётган ғазабни ошкор қилиб қўйди. Йигитлар билан ортиқча айтишув оқибати яхшилик бўлмаслигини фаҳмлаб, изига қайтишга шошилди.

## НАЖОТ ЙЎЛИ

„Ойна каби неча табу тобдир дилимиз,  
 Чун доғи жунун шуъланиқобдир дилимиз.  
 Кўзгу каби бир умр хаёл базми ичинда,  
 Ҳасрат кўзида бир мижа хобдир дилимиз...“

Севаранинг кўзлари китобдаги сатрларда, қулоғи экинчи кўшни хонадан эшитилаётган овозларда эди. Ўғиллари қўланиш ёшига етиб, қизига совчилар келаётган хонадоннинг ташвиши нима бўларди? Ота-она нима ҳақда гаплашиши мумкин? Ҳасан-Ҳусанларининг тақдиридан кўнгили...

тўқ. Назарларида икки файзли оилалаги икки гўзал уларнинг совчи бўлиб келишларини интиқ кутаётгандай. Гўё бугун совчи бўлиб борадилару ризолик олиб, патир синдириб, эртага тўйни бошлаб юборадилар. Лекин эгизакларнинг „Аввал синглимизни узатамиз“, деб қатъий туришлари ота-онани орзу бобида ипсиз боғлаб қўйган эди. Севара акаларининг йўлига тўғаноқ бўлиб турганини биларди, бироқ суйганидан совчи келмагунича бошқаларга „Хўп“ дейишдан ўзини тиярди.

Уйга келган келинларда бирон камчилик бўлса, тарбия қилиб олиш мумкин. Лекин қизлари қандай хонадонга боради? Дастлабки кунлар, ҳафталар, ойларда ҳар қандай келин иззатда бўлади. Кейин-чи? Қизлари кўз ёшларини оқизиб келаверса, ота-она дардини кимга айтади? Қизнинг кўзларидан оқғувчи ёш томчилари чўғ тошларига айланиб, юракларини вайрон қилмайдими? Севара ота-онасининг бу ташвишини ҳис қила олмайди. Гулнора билан Элмуроднинг ҳозирги суҳбатларини ўша ташвиш ҳосиласи экани ҳам унга бегона. Унинг дарди бўлак, ота-онасиники бошқа. Ота-онасининг ташвишларини арита олувчи малҳам топиш мушкул эмасдир, бироқ Севаранинг дардига даво қаерда бор? Бу дардни ким эшитади, ким даво топади? Севара Жавлоннинг афюн балосига илакишиб қолганини билганидан бери бу дардга даво излайди. Она бўйи етган қизнинг энг яқин сирдоши бўлади. Алҳол Севара дардини онасига ҳам айтолмайди. Айтган тақдирида қандай жавоб бўлишини фаҳмлайди.

Ҳозирча икки қалбнинг қўшилувига умид бор, ҳақиқат айтилгудай бўлса, умид бўғиб ўлдирилади, қалблар тамоман узилади.

Бизмиз ва нафас мавжи фирибгардиру ботил,  
Сарчашма демангизки саробдир дилимиз...  
Оташ қўю бетоблигимизни кузатиб тур,  
Куймакдин уза охир не бобдир дилимиз...

Ўртада бир девор, эшик қия очик. Нариги хонада ўтиртан ота-онанинг ташвиши шу қия очик эшикдан киради, қизнинг ярали юрагига гўё туз сепеди. Бу гаплар янгилик бўлмаса-да, Севара китобдан нигоҳини узиб, ғашланиб тинглади.

— Бошим қотиб қолди, — деди Гулнора чуқур уф тортиб. — Ҳайронман, нимага бунақа бўляптийкин... Унисини ўпоқ дейди, бунисини сўпоқ дейди. Кеча келганлар жуда обрўли оиладан эди. „Йўқ“ дейишга тилим бормади.

— „Хўп“ дедингми?

— Шу қизингиз „Хўп“ дейишга қўядими? Аввал сизга айтмовдим, олдинги совчиларга сал рўйхуш бергандай бўлувди. Йигит билан учрашувга чиқиб, „Сиз менга жуда жуда ёқпасиз-у, лекин биринчи эрим билан маслаҳатлашиб олишим керак. Ўтган куни телефон қилиб, ярашайлик деганди, аҳди қатъий бўлса, ярашаман, сизга теголмайман“, дебди.

Бу гапни эшитиб, Элмурод кулиб юборди.

— Шу куладиган гапми? Йигит томоннинг эхонаси чиқиб, онаси телефонда бузуқдан олиб бузуққа солди. Сизга осон, кулиб-кулиб юраверасиз, аламни мен тортаман.

— Ўзинг ҳам бу ёғини ланж қилиб юбординг. Кўнглига қарайдиган бўлсанг, инжиқликларига кўниб, мингиллаб ўтиравер. Кўнглига қарамасанг, „Шунга тегасан, тамом!“ дегин-у бошлаб юборавер.

— Нимани бошлаб юбораман?

— Тўйни-да.

— Мен бошлаб юбораманми? Сиз четда томоша қилиб турасизми? „Жоним-қизим“ деб эркалайвериб, талтайтирган сизсиз. Ана энди кўнадиганига ўзингиз кўндириб беринг. Менинг ҳоли-жоним қолмади.

— Сенга ўхшаб гапни чувалаб ўтирмайман. Кеча келганлар сенга маъқулми? Бўпти! „Шунга тегасан!“ дейман тамом!

— Оғизда иш пишириш осон. Мен қизимнинг кўз ёшларини оқизиб узатмайман.

— Шунақасан-да! Ўзинг талтайтириб, яна мени айблаёсан. Бирга ўқийдиган болани нима деяпти?

— Нима дерди? Индамайди. Лекин кўнгли борлигини сезиб турибман. Болани уйига бориб суриштириб келдим. Бинойи оила. Мендан олдин ҳам бир-икки хотин суриштириб борган экан. Демак, онаси қиз қидириб юрибди. Кўнгли бўлса... бизга совчи юбормайдими?

— Мендан сўраясанми?

— Ўзимча айтяпман.

— Профессор ошнам ўша болани мақтаган эди. Яқинда ланжроқ гап айтди. Ўқиши сусайиб, ўзиям сал галатироқ бўлиб қолганмиш.

— Галатироқ? Эси оғиб қолибдими?

— Нега эси айнийди? Дарсга бир келиб, бир келмаётганмиш. Сен бундай қил: қизинг билан очикчасига гаплаш. Бирга ўқийдиган бола ҳозирча номзодлар сафидан икки сабаб билан чиқарилади: биринчиси — совчи юбормаётгани, иккинчиси — ўқишдаги ўзгаришнинг сабаби аниқланмагунча бу масала қайта кун тартибига қўйилмайди. Сен ўқишга бориб, суриштириб кел.

— У ерда сизнинг ошнангиз ишласин-у, мен бориб суриштирайми?

— Оббо... на иссиққа кўнасан, на совуққа. Бўпти, мен суриштираман.

Кейинги гапдан Севара сапчиб кетаёзди. Юрагини эзиб турган дард забтига олиб, кўз ёшларига айланди. Кўз ёшларининг ўзига йўл топиши осон. Лекин дардни енгиллаштира олувчи хўнграб йиғлашдан тийилиш қийин. Севара уйга сигмай қолди. Беихтиёр ҳолда кўшни хонага чиқиб отасига қаради:

— Ада, ҳеч қаерга борманг, илтимос. Мен ўқишни битирмагунимча... — Севара „Эрга тегмайман“ дейишдан уялиб, тили тутилди. Кейин паст овозда аҳдини айтди: — тўй бўлмайди. Бу йил акаларимни уйлантиринг.

Элмурод ҳам, Гулнора ҳам унинг гапига жавоб беришга пуришмади. Севара шошилганича ҳовлига интилди. Эшик эстонасида акаларига дуч келиб, ўзини четга олди.

— Ҳа, қаёққа учяпсан? — деди Ҳасан ичкарига қадам босиб.

— Салом қани? — деди акасининг изидан кирган Ҳусан.

Севара салом бергач, акаларининг алиқ олишларини, қол-аҳвол сўрашларини кутмай, ташқарига чиқиб кетди. Унинг бу ҳолатидан ажабланган Ҳасан онасига ажабланиб қаради:

— Тантиқ қизингизга нима бўлди, оғил?

— Кўявер, уйга совчи келса, қизлар шунақа бўлиб қолишади.

Гулнора гапни калта қилди, Элмурод эса ҳозирги гаплардан ўғилларини огоҳ этди.



— Бекор айтибди, — деди Ҳасан тутақиб. — Тўйдан кейин ҳам ўқийверади. Ада, сиз ўқишига бориб юрманг. Ўша боланинг кимлигини менга айтинг, ўзим секин бориб суриштираман.

Бу таклиф Гулнорага ҳам маъқул келиб, мамнун равишда бош ирғаб кўйди.

Севара кўчага чиққани билан эрксизликдан қутулган куш бахтини ҳис қилмади. Чиқиб кетганидан кейин оила даврасида давом этажак гапларни тахмин қилиб, юраги барибир тутқунликда қолаверди. Кўчада мақсадсиз юриб, маҳалла гузаридан ўтганда синфдош дугонаси Нозимага дуч келди. Нозиманинг одатига хилоф равишда сипороқ либосда экани, пардоз-андози ҳам мундайроқлиги уни ажаблантирди. Лабларини чўгдек қизартириб турувчи бўёқнинг сурилмагани, бетлари бу кун упа-энликдан холи бўлгани учун рангпар ҳолга тушган, билмаганлар уни „Ҳас-таликка йўлиқибди-да“, деб ачиниши ҳам мумкин эди. Калта юбка, енгсиз калта кофта кийиб, киндиги очиқ ҳолда маҳалла гузаридан ўтганида сўрида карта ёки шахмат ўйнаётган қариялар ҳам аввал унга бир суқланиб қараб олиб, ўтиб кетганидан сўнг эса бу тарбиясиз қизни лаънатлаб қолишарди. Нозима бугун узун кўйлак кийиб, гузар аҳлини кўз зиносидан халос қилган эди.

Севара дугонасининг ахлоқсизлигини биларди, она шу беҳаёдан нари юр, деб тайинласа ҳам, болаликдан бошланган дўстликдан воз кеча олмасди. Ҳозир ҳам четга бурилиб кета олмади. Нозима эса уни кўриб қувонди.

— Бугун бошқачамисан? — деди Севара Нозима билан кўришгач.

— Бир кун ақлли қиз бўлиб туришим шарт бўлиб қолди, — деди Нозима кулиб. — Ҳозир телевизорга ёзишам мени.

— Сени? Телевизорга?! — Севара ажабланганини яширмай, унга ҳайрат билан тикилди. Унинг бу ҳолатидан Нозима мириқиб кулди.

— Вой, эшитганинг йўқми, ахир мен „Одам савдоси“ деган алланима балонинг қурбониман-ку! У ёқда қўлга олишиб қолганимда шунақа деб қутулудим. Одам савдосининг қурбони бўлмаганимда адам оқ қилиб юбормоқчи экан. Энди ёш қизларга насиҳат қилиб қўяман. Қани

қилиб ўғирланганим, бошимга қандай балолар ёғилганини айтиб беришим керак экан. Вақтинг бўлса юр, томоша қиласан.

Бу гап Севарани ҳайрон қолдирди. Чунки Нозимани ҳеч ким ўғирламаган, чет элга кетмай турибоқ бузуклик либосини энгани илгани ён-атрофидагилар учун сир эмас эди. Севара ҳали унутганича йўқ: синфдошлари орасида биринчи бўлиб қизлик оламига кирган Нозима ўзининг бу ҳолатидан фахрланиб, мақтаниб юрарди. Аввал юқори синфдаги йигитчалар билан кўз уриштириб юрди. Кейин буларни „мишиқи гўдаклар“ деб, кўчадаги енгилтак йигитлар даврасига кириб кетганини ўзи ҳам билмай қолди. Мактабда ўқиб юрган пайтлари оиласи, қолаверса, маҳалла назорати уни ёмонликдан сал бўлса-да, тўсиб турарди. Мактабни битириб, шаҳарнинг нариги чеккасига жойлашган қайсидир коллежга мажбуран киритиб қўйишганда Нозима дастлаб ғазабланиб, хасратини Севарага айтган эди. Кейин маълум бўлишича, коллеж баҳонасида эркинлик дарвозалари ланг очилган экан. Нозима буни тез фаҳм этди, яратилган имкониятдан фойдаланишни ортга сурмади: уйдан остона ҳатлаб чиққач, коллеж сари учмади, балки ўзи истаган шохларга кўнди, ҳузурбахш ҳаётнинг тотли донларидан чўқилайверди. Ун етти ёшида ҳомиладор бўлиб, болани олдиртириб ташлаганини онаси билди-ю, лекин бу сирни яраланган қалбининг тубига кўмишдан бошқа чора топмади.

Бора-бора бу шаҳар унга тор туюлиб, дунё кезмоқни орзу қилди. Бир куни орзуларини Севарага айта туриб, „Узоғи билан уч йилдан кейин миллионер Нозима бегимни тантана билан кутиб оласан. Қайтгим келмаса, ўша ёқда бирон миллиардер чолга тегиб олиб, шўрини қуритаман“, деб кулган эди. Кейин савдо важдан хорижга қатнайдиغان аммасига қўшилиб, тижорат оламига киражагини айтди. Ўшанда Севара уни ўзи кузатиб қўйган эди. Орадан икки ой ўтиб, маҳаллада миш-миш тарқалгач, Нозима тижорат баҳонасида хорижга чиқиб, аммасини доғда қолдирганини билди. Нозиманинг „Адам оқ қилиб юбормоқчи экан“ деган ҳозирги гапи ҳам қизиқ эди. Чунки унинг четда нима юмуш билан банд экани овоза бўлганидаёқ отаси маҳалла гузарига чиқиб, қизини оқ қилганини билдирган эди.

---

Бемаза ҳаётнинг мазасидан ҳузурланувчи қизни қуруқ насиҳатлар у ёқда турсин, ҳатто қамоқ жазоси ёки тан жазоси ҳам ҳидоят сари буролмагач, ота-онанинг „оқ қилиш“ дан ўзга яна қандай чораси мавжуд? Ўшанда улар ўзларини ҳам Аллоҳ олдида, ҳам эл-юрт олдида поклаб олишгандай, кўнгиллари салгина тинчиди. Ота-она боши устига ёпирилган абри ҳасрат „фалокат“ дейиладими, „фожиа“ дейиладими, „қора тун“ дейиладими, юракларни поралаб ташлаган „бало чақини“ дейиладими, номи нима бўлса бўлсин, бундай ҳолат ҳатто душманга ҳам раво кўрилмайди. Бундай фожиага учрагандан кейин фарзандини „оқ қилиш“ ўз кўнглини алдашдан бошқа нарса эмас. Ота-она фарзандини оқ қилгани билан унинг қоронғи туни ёриша қолмайди. Оқ қилиш билан ўзига озгина тасалли бергандай бўлади, холос. Иснод ўтида қовжираб, азобланиши эса давом этаверади. Кошки эди, бунга оқ қилинган оқпадар тушуниб етса, ҳис қила олса?!

Нозима ҳозир „Адам оқ қилиб юбормоқчи экан“, деган гапни мазах оҳангида айтдики, агар отаси бутун яна гузарга чиқиб, фарзандидан иккинчи марта юз ўтирганини билдирганда ҳам у андиша қилмаган бўларди. Чунки андишани уйғота оладиган уят, ор, ҳаё каби фазилятлар унга бегона эди.

Севара бўрининг бир юмалаб ювош кўзичоққа айланганини эртакларда ўқиган, ҳаётда эса энди кўриб туриши эди.

— Юр, бирга борасанми?

Хаёлга берилган Севара дугонасининг шодон овозидан ўзига келди. Кўчага мақсадсиз чиққани учун телестудияни кўриб олиш баҳонасида унга қўшила қолди. Аммо улар телестудияга эмас, бир хонадон а кирдилар. Кўрсатув муаллифларининг истагича, жабр. нийда қиз бошидан ўтган савдоларни ўз уйида гапириб бериши керак экан. Нозиманинг отаси бунга монелик қилгани учун муҳаррир ўзининг уйига чорлабди.

Бейсболкани тескари кийиб олган, бурнига қора кўз ойнак қўндирган киши Севарага ажабланиб қараб олиб. Нозимадан сўради:

— Бу дугонангиз ҳам одам савдоси қурбоними?

— Йўқ, — деб қулди Нозима, — бу дугонам савдога тўғри келмай, қолиб кетган эди.

Чироқлар ўрнатилгач, Нозима камерага орқа қилиб ўтирди, бу билан жабрдийда қизни эл олдида уятдан иҳота қилгандай бўлдилар. „Бошладик“ деган амр янграши билан Нозима дардли овозда аҳволини баён қила кетди. Ўғирланиши тафсилотларини биров ўргатганми ё ўзи тўқиганми, ҳар ҳолда Севарани қойил қолдирди. Бир оздан сўнг дардли овоз йиғига айланди. Севара шу билан тўхтар, деб ўйлаб турганида Нозима ҳўнграшни бошлади. Четдан туриб берилаётган саволларга жавоб бериб бўлгач, суратга олиш ниҳоясига етди.

— Эшитдингми, телеюлдузликка ярар эканманми? — деди Нозима кўчага чиқишгач. — Хизмат кўрсатган артистларни орқада қолдирдимми?

— Сенга ҳам унвон беришса бўларкан, — деди Севара киноя оҳангида.

— Кўйсанг-чи, артистликни ёқтирмайман.

— Артист эмас, сенга „Хизмат кўрсатган айёр“ деган унвон ярашиб тушади.

— Розиман, олиб бер ўша унвонингни. Бу дунёда битта мен айёрманми? Айёрлик қилмайдиган одам борми ўзи дунёда? Шуларнинг орасида маликаи айёр бўлиб юрсам юрибман-да!

Нозима шундай деб, йўловчи машинага қўл кўтариб тўхтатди. Ҳайдовчи билан кира ҳақини келишгач, Севарага қаради:

— Вақтинг бўлса юр, ҳадеб китоб ўқийвериб миянгни ичиб, чарчаб кетгандир?

— Қаёққа?

— Бирон жойга кириб чой ичиб, чақчақлашиб ўтирамиз. Уйда зеркииб, юрагим ёрилиб кетай деди.

Севара бир оз иккиланиб тургач, машинага ўтирди. Шаҳар марказига бориб, бир қаҳвахонага кирдилар. Шинам ёзатилган қаҳвахона ичи ярим қоронғи, паст овозда куйиб турганлиги, киши руҳига ором беради. Одам камлигига қараганда бу ернинг хос мижозларга аталганини сезиш қийин эмас.

Чойга таклиф қилган Нозима хизматчига икки финжон олма буюрди. Кейин Севарага савол назари билан қараганда „Биттаси коньякли бўлсин“, деб илова қилди.

— Қон томирларини кенгайтириб, юракнинг дардини келтирилади. Сенга ҳам шунақасидан айтайми?

— Йўқ, йўқ, — деди Севара, — юрагимнинг дарди йўқ. Аслида чой яхши эди.

— Сенга қойилман. Ҳамма мендан қочади. Бу масалада сен ҳақиқий қаҳрамонсан.

— Унақа дема...

— Мен ўзимнинг кимлигимни биламан. Одамларнинг нафратланишини ҳам биламан. Биров менга „Бузуқ!“ деса, жаҳлим чиқмайди. Ҳатто сен ҳам бетимга қараб шунақа десанг, миқ этмаган бўлардим. Чунки дунёда мендан баттарлар ҳам бор-ку, тўғрими? Ана, институтдаги домлаларинг имтиҳон пайтида чўнтақларингни шилиб олишадик-ку? Уларга „Сен порохўрсан!“ деб кўр-чи, дод деб оламини бузиб юборишади. Аслида ким ёмонроқ? Мен бировга зарар қилмайман, балки ҳожатини чиқараман. Менга рўпара келган одам қувониб кетади. Порохўр домланг-чи? Унинг қанча одамларга зарари тетади? Менга пул берганлар рози бўлиб кетадилар, сен порани рози бўлиб берасанми, домлангдан нафратланмайсанми?

— Мен пора бермайман.

— Биламан, сен бермайсан, мен умумий тарзда айтдим. Ҳар ҳолда юздан етмиш, ҳатто юздан саксон талаба пора бериб ўқийди. Шунинг учун ҳали менга бермоқчи бўлган унвонингни бошқаларга атаб қўя қол. Порохўрларинг ўлгунича пора олади. Мен ўлгунимча бу йўлимда юрмайман. Бунга имкон ҳам йўқ. Яна тўрт-беш йил овим юриб турлади. Кейин менга ким ҳам қарарди? Телевизорда лақиллаш менга зарурими? Мен номимни оқлаб олишим керак. Жабрдийда бўлганим учун давлат менга меҳрибонлик кўрсатади. Ҳужжатларимни тўғрилаб олсам, яна жўнайман.

— Унақа дема, энди борма у ёқларга.

— Бормасам бўлмайди, топган-тутганларим ўша ёққа қолган. Битта бойни илинтирай деб турувдим, бу чала ишни ҳам битиришим керак. Ўшанга тегиб олсам, сени меҳмонга чақираман. Денгизнинг бўйида зўр боғи бор.

— Илтимос, чақирмай қўя қол.

— Барибир ҳазар қиласан-а? — Нозима афсусли оҳангга шундай деб, хизматчи келтирган қаҳвадан икки марта ҳўлади. — Менинг бир қариндошим бор. Чиройда ўнта Мьдоннани ортда қолдиради. Эри бор, иккита боласи бор. Ўйнаши ҳам бор... Буни ҳамма қариндошлар билади, лекин

ундан нафратланишмайди. Мени тўйга айтишмайди, унга дастурхоннинг тўридан жой беришди. Шу адолатданми? Қайси биримиз бузуқмиз? Жавоб беришга уринма, сенинг ҳақиқатинг билан меники тўғри келмайди. Энг муҳими, сен мендан юз ўтирмадинг.

— Сенга шунинг ўзи кифоями?

— Кифоя қилса, қилмаса ҳаёт давом этаверади. Ўнта одамми ё мингта одамми, мендан нафратланса ҳам ўзим билганча яшайвераман.

— Ўнта одамдан биттасининг нафрати қарғишга айланса-чи?

— Бошга тушганни кўз кўради, бўлди, менга фалсафангни ўқийверма. Мен бошқа оролдан қўним топганман, сенинг оролинга сузиб ўтмайман.

— Яна кетишга шошилмай, ота-онангнинг розилигини олиб яшаганинг яхши эди.

Унга тикилиб турган Нозима бирдан кулиб юборди.

— Нима дединг? Кампирларнинг насиҳатини қилдинг-ку, а? Розилигини олиш учун нима қилишим керак? Биринчи галда эрга тегишим керакми? Ким олади мени?

— Оладиган... топилади... — деди Севара ишончсизлик билан, кейин фикрини тасдиқлаш мақсадида қўшиб қўйди: — Суннат-чи? Ошиқи беқарор эди-ку? Ҳалиям уйланигани йўқ, сенинг ишқингда юрганмиш?

— Нима? Суннат?! — Нозима энди қаҳ-қаҳ отиб кулди. — Ўша сувоқчига тегиб, ўлгунимча исқирт пайпоғини ювиб ўтаманми?

— У бўлмаса... бошқаси бордир...

— Бошқаси? Профессорга тегаманми? Унинг пайпоғи йўқми? Йўқ, мени профессор олмайди, — деди Нозима дунонасига муғомбирлик билан қараб, — профессор сенга бўлақолсин... Пайпоғи ҳам!

Шундай деб яна ҳузурланиб кулди. Бу ҳазил Севарага малол келиб, гап тополмай қолди. Орага бир неча нафаслик сукут чўкди. Бу гаплардан кейин унга ачиниши керакми ё нафрат сўзларини дўлдек ёғдира-ёғдира туриб кетиши керакми, билмади. Ўзининг кимлигини, атрофдагиларнинг нафратларини билиши, била туриб, шўх-шодон шайвериши, яна шу ҳолда адолат талаб этиши Севара учун ажабланарли эди.

— Нега тикилиб қолдинг? Сен мени айбламаяпсан, мен эсам ўзимни оқлаётганим йўқ. „Айёр“ деганинг учун тунтириб қўйгим келди, холос. Иккаламиз тенгдош бўлганимиз билан ҳаётни билишда сен ҳали анча орқадасан.

Охирги гапи тўғри эди. У оғир вазиятлардан ҳам сирғалиб чиқиб кетиш маҳоратини эгаллаганди, одамларнинг сўзларига, кўзларига қараб, тил бошқа, дил бошқа эканини фарқлаб олишни ҳам биларди. Бундай маҳоратни ҳаёт ўргатали. Севара ўқиган китобларда бунинг дарси йўқ. Шу туфайли кичик муаммога дуч келса ҳам довдираб юраверарди. Ҳозирги гапдан кейин ўзини ўйлантриб келаётган масалага шу дугонаси жавоб бера оладигандай туюлиб, сўради:

— Қорадори ҳам олиб турасанми?

— Нима? — Нозиманинг кўзлари чақчайиб, финжонни нари сурди: — Мен... шу даражадаманми? Наркоманга ўхшайманми?

Севара уни тинчлантриш учун мулойим оҳангга кўчди:

— Ўхшамайсан.

— Унда нега сўраяпсан? Қаҳвага коньяк қўштирганим учунми?

— Йўқ... фақат бир нарса сўрамоқчи эдим... яқин танишчим... шу балога учраб қолибди. Уни қандай қутқариш мумкин?

Севара бу гапни сири ошкор бўлишидан қўрққан бир бечора ҳадигида айтди. Нозима дугонасининг асл мақсадини сезган бўлса ҳам, гапни майдалаб ўтирмай сўради:

— Бу бало ҳар хил бўлади. Қанақасига учраган? Ҳидлайдимми, чекадимми ё билакдан оладимми?

— Билмайман... лекин... ранги-рўйи бошқача, гап-сўзлари ҳам ғалатиноқ...

— Сен билмасанг, мен ҳам билмайман.

— Ирода кучи билан енгиб кетиш мумкин, деб эшитган эдим.

— Қанақа ирода? Наркоманда ирода бўладимми? Ирода бўлса, шу балога учрайдимми?

— Унда... нима қилиш керак? Наркодиспансерда ётишга асло кўнмайди.

— Тўғри қилади, у ерда ҳали ҳеч ким даво топмаган. Қирқ-эллик ёшли одамлар орасида наркоман йўқ, нега шунақалигини биласанми?

— Ёши катта одамларнинг ҳаёт тажрибаси кўп бўлади. Ҳайлаб қадам қўяди.

— Бу гапинг салгина тўғри. Аслида билакдан оладиганлар бу ёшга етмай ўлиб кетишади. Ўттиздан ошса, дўпписини осмонга отиб яшаса ҳам бўлади.

Совуққонлик билан айтилган бу гап Севарага ҳукм каби эшитилиб, этлари жимирлашиб кетди. Жавлоннинг тақдири узил-кесил ҳал этилгандай, чорасиз йиғитни бугун бўлмаса эртага ўлим кутаётгандай туюлиб, „Йўқ, йўқ! Бўлмаган гап! У яшайди!“ деб бақариб юборай деди.

Шу пайт телефон кўнғироғи жиринглаб, Севарани ҳаёлот оламидан ҳақиқат дунёсига қайтарди. Нозима дугонасининг талвасага тушаётганини сезиб, унга хавотир билан қараганича телефонни қулогига тутди-да, танбеҳ оҳангида деди:

— Бугун ваъдалашганинг эсингдан чиқдимми?

— Эсимда. Телеюлдуз бўлишингни кутиб ўтирибман.

Телефоннинг овози баландлатиб қўйилгани учун Севара нотаниш аёлнинг гапини эшитди.

— Телеюлдуз деб ерга урма, телекўёш бўлиб кетдим,— деб кулди Нозима. — Ишонмасанг, ёнимда гувоҳим бор. Тез кел. Ўзинг билган жойда қаҳвахўрлик қиляпман.

— Мен йўлдаман, қаҳванг совимаё етиб бораман.

Нозима телефон тугмасини босиб, стол устига қўйгач, дугонасининг қўлини силаб қўйди:

— Ваҳима қилма, тузалиш пешонасида бўлса, тузалар. Ҳозир бир жонажоним келади. Саволларингни ўшандан сўраб оларсан. Бу соҳанинг қироличаси десак ҳам бўлади.

— Наркоманми?

— Намунча ҳаммани наркоманга чиқариб қўйдинг? Шу соҳани билади, бошқаси билан ишинг бўлмасин.

Севаранинг афюн олами ҳақидаги тасавури ғоят тор эди. Бошқа ёшлар каби унинг ҳам бу соҳадаги билими телевизорда баъзи-баъзида намоёиш этиладиган кўрсатувлар билан чекланган, афюнфурушларнинг ўзлари гиёҳвандликдан холи эканликларини билмагани учун „қиролича“нинг келишини эшитиб, „Наркоманми? деб сўраган эди.

„Қиролича“ келиб, Нозима билан уч марта ўпишиб сўрашгач, Севарага қўл учини узатди. Қоратўридан келган бу ўрта ёш аёлнинг патила-патила сочларини оч сариққа



бўяб олгани Севарага ёқинқирамади. Бўйнидаги марварид шодалари, янги расм бўлган ингичка занжирсимон тилла билагузук, бармоқлардаги тилла узуклар „қиролича“ мартабасига мос эди. Нозима „Синфдош ўртоғим“ деб таништиргач, у одми кийимдаги Севарага менсимайроқ назар ташлаб, кулимсираб қўйди. Нозимага эса „Сенда зарур гапим бор эди, буни нега бошлаб келдинг?“ деган маънода қошларини чимириб қўйди. Нозима унинг норозилигини фаҳмлаб, Севарани қийнаётган ташвишга тезроқ даво топиб, сўнг уни кузатиб қўйишга шошилди:

— Земфир, бу дугонаминг яқин таниши игнада экан. шунинг давоси борми, деб боши оғрияпти бечоранинг.

— Мендан сўраяпсанми? Мен наркологианми? — деди „қиролича“ зарда билан.

— Наркологиансан. Лекин... шу балодан қутула олганларни эшитмаганмисан?

— Эшитмаганман... эшитишни ҳам истамайман. Шундан бошқа ташвишим йўқми?

— Ирода кучи билан бу балодан қутулиш мумкин, дейяпти?

— Ирода кучи? Қаердан олади бу кучни? — „Қиролича“ шундай деб Севарага савол назари билан қаради.

— Масалан... ўша наркоманнинг энг яқин одами таъсир қилса-чи? — Севара шундай деб „Гапим тўғрими ё ногўғрими“ деган иккиланиш билан дугонасига қараб олди.

— Қанақа таъсир? Насихатми? Қуруқ гап билан ироданинг мустаҳкам бўлганини эшитмаганман.

— Қуруқ гап билан эмас, амалий таъсир... — Севара „Айтаверайми?“ деган маънода дугонасига қаради. Нозима аста бош ирғаб қўйгач, сал дадилланиб, режасини баён қилди: — Масалан... яқин одами ҳам ўшанақа бўлиб олса... нима дейиларди?

— Игнага ўтирса, — деган изоҳ билан Нозима дугонасига далда берди.

— Ҳа... бир ойми, икки ойми ўргангандан кейин ўзининг иродасини қўлга олса. Хумори тутиб қоларкан-ку?

— Бу „ломка“ дейилади. Бу бало душманиминг бошига ҳам тушмасин, — деди Нозима.

— Ҳа... ўша „ломка“да азобдан тиришиб қолса ҳам бошқа дори олмаса. Азобни енгаётган пайти видеога олин

са-да, ўша танишига кўрсатилса... „Қара, сенга яқин одам сендан заифроқ бўлса ҳам енгаяпти бу балони“, дейилса, таъсир қилмасмикин?

Бу гапни эшитиб, „қиролича“ „Бунинг эси жойидами?“ деган маънода Нозимага норози қиёфада қаради. Севара гапимни тушунтира олдиммикин, деган истиҳола билан ундан жавоб кутди. Жавоб бўлмади. „Қиролича“ стол устини бир-икки чертиб қўйгач, қутилмаганда ўрнидан турди.

— Қўлимни ювмай кириб келаверибман, Нея, ҳожат-хонаси қаерда эди?

Севара „Қиролича“ бу ерга биринчи марта келган шеклилли?“ деб ўйлади, Нозима эса унинг аччиқланганини сезиб, сўзсиз эргашди.

Қўл ювиш хонасига киришлари билан „Қиролича“ шарт ўтирилиб, Нозиманинг билагини қаттиқ қисди. Узун тирноқлар терини тешиб юборгудай ботиб, Нозима исканжадан қутулиш мақсадида ўзини четга олмоқчи бўлди. Лекин унинг чангалидан қутулмади.

— Қанақа аҳмоқсан, менга кимни рўпара қилдинг?

— Мен рўпара қилганим йўқ, йўлимдан чиқиб қолди, ҳасратидан тутун бурқсиётганда сен келиб қолдинг.

— Нима деганини тушундингми? Игнага ўзи ўтирмақчими?

— Шунақага ўхшайди.

— Кимни қутқармоқчи, йигитиними ё ўйнашиними?

— Унда ўйнаш нима қилади, яхши кўрган йигити бўлса керак.

— Игнага ўтқазиб берайми? У сенга ким, шунчаки синфдошми ё сирдошми?

— Менинг сирдошим йўқ. Минг йил олдин бирга ўқиганмиз.

— Ота-онаси бойми?

— Йўқ. Отасининг алмисоқдан қолган битта „Жигули“ си борлигини биламан.

— Игнага ўтқизсам, харажатини сен тўлайсанми?

— Менга зарур келибдими?

— Менинг кимлигимни унга айтдингми?

— Айтиб жинни бўлибманми.

— Ҳозироқ уни қурит. Сен билан гаплашадиган жиддий гаплар бор. У ёқдагилар сени сўрашяпти. Икки ҳафтада

---

қайтиб бормасанг, топган-тутганларингдан айрилсан. Беш-олтита қизни бошлаб боришинг керак.

— Хужжатларим икки ҳафтада тайёр бўлмаса керак. Бир ой муҳлат беришсин.

— Мен ҳозир кетаман, ярим соатдан кейин „Юрмала“да учрашамиз.

„Қиролича“ шундай деб Нозимани бир силтагач, чангалини бўшатди-да, кўча томон юрди. Севара унинг чиқиб кетганини кўрмади. Дугонасининг ёлғиз қайтаётгани сабабини сўрашга оғиз жуфтлаганда Нозиманинг ўзи изоҳ берди:

— Ишхонасидан чақириб қолишди. Шошилиб кетди. Бунақа ишларни билмагани учун сента маслаҳат бера олмас экан.

— Ўзинг-чи, нима дейсан?

— Тўғрисини айтайми? Хафа бўлмайсанми? Мақсадингни яхши тушундим. Жиннимисан?! Битта йигит деб ўзингни хароб қилмоқчимисан? Унингдан умидингни уз! Атрофингга қара, биб-бинойи йигитлар тўлиб ётибди. Хоҳлаганингга битта ишва қилсанг, оёғинг тагида думалаб қолади. Сен китобларингда ўқиган додахўжа йигитлар ҳозир йўқ, жон куйдирганингга арзимади. Мен билан гаплашган эр-какларнинг ҳар бирида ё сен тентакка ўхшаган севгилиси, ё ош дамлаб пойлаб ўтирадиган севиқли хотини бўлган. Ўшаларга жон куйдириш керакми? Жувонмарг бўлсин ҳаммаси! Агар сени яхши кўрганида наркоман бўлмасди. Уят бўлса ҳам айтмай, балки кўзинг очилар: у сенинг қучоғингда роҳатланмайди, унинг ҳузури — томиридан борувчи дорида! Ўқиётган китобларингни ёпиб қўйиб, ҳаётга очиқ кўз билан қара, — Нозима шундай деб соатига кўз ташлаб олди-да, ўрнидан турди. — Прокуратурага чақиртиришган эди, бормасам, балога қоламан. Эртами-индин яна учрашиб, ҳасратлашармиз.

Кўчага чиқишгач, Нозима такси тўхтатди. Севара эса автобус бекати томон юрди. Уйидан чиққанида кўнгли ғаш эди. Дугонасини кўрганида парча-парча булутлар орасидан қуёш мўралагандай бўлиб эди. Нозима билан хайрлашгач, парча булутлар қуюқлашиб, уни зулумот ўраб олгандай бўлди. Дугонасига дардини ошкор қилганидан афсусланди. „Аҳмоқлик қилдим“ деб ўзини ўзи яниди. Ҳаёт ҳақидаги тушунчалари оҳанрабонинг икки қутби каби бўлган дуго-

наларнинг бири дардига иккинчисининг малҳам топиши маҳол эди.

\* \* \*

Севара акаларига салом бериб, кўчага чиққан пайтда Жавлон уйида тимирскиланиб, ниманидир қидираётган эди. Ўғлининг асабий ҳолатини сезган Феруза ошхонадаги ишини чала ташлаб, унинг хонасига кирди.

— Нимани қидиряпсан? — деди остонада тўхтаб.

Онасининг кириб келишини кутмаган Жавлон чўчиб тушди. Оддий саволга жавоб тополмай, бир оз талмовсиради-ю, кейин ўзини тезгина қўлга олди:

— Курс ишимни... қўшимча фикрларимни битта қоғозга ёзиб қўювдим, тополмаяпман.

— Бугун ҳам домлангникига кетмоқчимисан?

— Ҳа, оилалари дам олишдан келишгунча турарканман. У-бу ишларига қарашяпман.

— Қарашганинг яхши, устознинг дуосини олсанг мартабанг баланд бўлади. Эртага дарсингдан кейин уйга келиб-кетсанг бўларди.

— Нега?

— Амманг бир қиз топибдилар. Мен кўриб келдим, — Феруза ўғлидан кўз узмаганича маънодор жилмайди-да, ҳавас билан қўшиб қўйди: — Бирам ширин қиз экан.

Жавлоннинг шу топда ҳазил-мутойибага хуши бўлмаса-да, „Нега кайфиятинг синиқ?“ деган саволга дуч келиб қолмаслик учун ўзини зўрлаб кулди:

— Ялаб кўрдингизми?

— Масхарабозлик қилма, — Феруза шундай дегач, гапининг таъсирини ошириш мақсадида мулойимликдан ҳукм оҳангига ўтди. — Буниси менга ёқди, сенам кўришинг керак. Кўнглим шу қизга ийиб турибди.

— Ўқишни битирмагунимча бу ҳақда гаплашмаймиз, леб келишувдик-ку?

— Ўқишни битиргунигча яхши қизларни эгалари илиб-илиб кетишади.

— Кўрқманг, илиб кетишмайди. Кўчада ширин қизлар бўлиб ётибди. Битта-битта ялаб кўравериб, тўйиб кетасиз ҳали.

— Масхара қилма, дедим. — Феруза ўғлининг билагини энгил чимчилаб қўйиб, бир неча марта айтган аҳдини яна такрорлади: — Диплом ёқлаган кунинг тўй бўлади, деб ни-  
ят қилганманми, шундай бўлади, билиб қўй.

— Диплом эмас, диссертация.

— Бекор айтибсан. Диссертациянгни гойлаб ўтирмай-  
ман. Агар шунақа майнавозчилик қилаверсанг, домлангга  
бориб учрашаман.

— Боринг, боринг! Домлам менга нима деганлар, би-  
ласизми?

— Нима деганлар?

— „Хотин илмнинг душманидир, докторлик диссертаци-  
ясини ёқламагунингча уйланишни ўйлаб ҳам кўрма“.  
деганлар!

Талабида қатъий туриб, ўғлини кўндиришга аҳд қилган  
Феруза бу гапдан кейин қулиб, уни кучоқлади-да, қуло-  
ғига „Мени унақа қийнама, ўғлим, хўпми?“ деб қўйди  
Жавлон „Сиз нима десангиз шу“, деган жавоб билан осон  
кутулиб, ўқиш баҳонасида шошилиб чиқиб кетди.

### ЎРГИМЧАК ТЎРИ

Ширин, аммо ёлгон сўзлар билан аёллар қалбига йўз  
топиш Қамбар учун мураккаб масала эмас. Айниқса, рес-  
торанда бирор-бир лақма йигитнинг қармоққа илинишига  
муштоқ бўлиб ўтирувчи энгилтабиат жувонларни „ўраб“  
олиш унинг учун бир қултум сувни ютиш каби осон эди  
Қамбар ўзига юкланган вазифани эшитганда ўзининг мана  
шу устамонлигига ишониб, масаланинг иккинчи томонига  
унча аҳамият бермаган эди. Нафс ташналигини қондириш  
мақсадида ширин сўзлар билан жувон қалбига қўл солиш  
осон, уни хатарли вазифага жалб қилиш эса ечими мурак-  
каб муаммо эди. Енгилёёқ жувон бегона эркакнинг кучо-  
ғига киргани билан қорадори солинган халтачаларни ютиш  
га осонгина кўна қолмасди. Қамбар яхши синалмаган хо-  
тинга бу ҳақда сўз очган куннинг эртаси ё индинига ўзи  
ни қамоқхонада кўриши мумкинлигини билгани учун ҳам  
осонгина танишиб олган жувонларга мақсадини айтишга  
қийналди. Вазифанинг хатарини Сардор яхшироқ биларди.  
Билгани учун ҳам ўзининг зиммасидаги бу ишни дўсти е-

касига ошириб юбораётган эди. Аммо бу жараён тез амалга ошмади. Хўжайинлари уч-тўрт ой давомида Қамбарнинг ёнида юриш мажбуриятини юклашди. Шу боис дастлабки ишларни шерикчиликда амалга ошира бошлашди. Қамбар, ўзининг таъбири билан айтилганда, жувонларни „майиз-деккина тайёрлаб берарди“, асосий гапни эса Сардор айтган эди.

Ресторанда қармоқларига илинган уч жувон яна икки кунлик зиёфатдан сўнг вазифани бажаришга тайёр эканликларини билдиришгач, уларни „штаб“ деб аталувчи уйга бошлаб бордилар. „Штаб“ тўққиз қаватли уйнинг энг четидаги йўлакда жойлашган, эшик томонда хатар сезилса, қочиб қолиш эҳтиёт чораси ҳам назарда тутилганди. Уй ичи озода, шифохона каби батартиб эди. Шифокор каби ораста кийинган, ёши қирқдан ошган бўлса-да, малоҳатини йўқотмаган уй бекаси Қамбар билан Сардор бошлаб келган меҳмонларни ардоқли қариндошларини кутиб олган каби қаршилади. Кейин меҳрибон мезбон қиёфасидан чиқиб, талабчан соқчига айланди-ю, уларни бир-бир тинтиб куриб, „Уэр, тартиб-қоидамиз шунақа“, деб қўйгач, ичкарига бошлади. Меҳмонларга дивандан жой кўрсатиб, ўзи уларнинг рўпарасидаги стулга ўтирди. Сардор билан Қамбар эса уй бекасининг амрини кутиб, тик туришди.

— Кайфиятингиз қалай, сингилжонларим? — деб сўради мезбон меҳрибонлик билан.

— Раҳмат, яхши, — деди ўртада ўтирган аёл.

— Вазифангизни яхшилаб тушунтиришдими?

— Ҳа. Агар ваъда қилган пуллари рост бўлса, биз розимиз.

— Бизда ёлғон ваъда бўлмайди, сингилжон, яхши ишлаганларга қўшимча мукофот бўлади. Агар яхши хизмат қилсангиз, остонангизгача тилла қилиб оласиз.

— Пул униб турса, хизматдан қочмаймиз.

— Яхши хизмат қилиш учун соғлиқ ҳам яхши бўлиш керак. Ошқозонингиз ҳеч оғриганми?

— Йўқ.

Мезбон бу қисқа жавобдан қаноатланиб, қолган икки кунга савол назари билан қаради. Улар ҳам „Соппа-соғмиз“ кўришгач, Сардорга қаради:

— Оповси, чиқиб туринглар, бу ёғи хотинларнинг иши.

---

- Ёлғон умидлар дашти

Сардор итоатли мулозим каби бош ирғаб, қўлини кўксига қўйганича ён томондаги эшикни очиб, кўшни хонага кирди. Қамбар дўсти каби қуллуқ қилмаса-да, итоат билан эргашди. Дераза пардалари тортиб қўйилгани учун хона нимқоронги эди. Диванда ёнбошлаганича телевизорга тикилиб ётган йигит, улар кириб келишгач, эринибгина қалдини кўтарди. Йигитнинг мартабаси баландроқмиди ё фаросати пастроқмиди, ҳар ҳолда ўрнидан турмай кўришди. Бу ҳолат янгили бўлмагани учун Сардор фикрини, аксинча, унинг марҳаматидан баҳраманд бўлиб суюнган одам каби қўшқўлаб сўрашди. Қамбар эса бундай қилмади, йигит беписандлик билан қўл узатган эди, у ҳам қўл учида кўриша қолди.

Йигит „Бунинг ким ўзи, димоғи баланд-ку?“ деган маънода қош чимириб қўйган эди, Сардор бу саволни англамагандай, Қамбарга бир қараб олиб, гап бошлади:

— Қамбар, таниш: Нодир — ҳар ишга қодир. Москвада битмаган ишинг бўлса, айн момент битириб беради. Яхшилаб танишиб ол. Яқинда Варшавага кўчадиган бўлиб турибди. Акахонларнинг кўнглини олсанг, балки Москвани сенга топширишар. — Сардор шундай деб Қамбарнинг елкасига уриб қўйди-да, давом этди: — Нодирбек, Москва қалай? Торфлари ёниб ётибдими?

— Москва сени кутиб ётибди. Кейингиларини ўзинг олиб борармишсанми?

— Долахўжалар нима дейишса, шу-да.

Қамбар уларнинг бу қисқа суҳбатидан Москвада ишлаш Қамбарга аталганини англади. У Москвада ишлаш яхшими ё ёмонми, осонми ё хатарлими — билмасди. У ёққа бораман, деб умид ҳам қилмаган эди. Бу гап ҳозир Сардордан чиқди. Ўзига аталган жойни нима учун ўзгага оширмақчи бўлди, бу шунчаки огиздан эҳтиётсизлик туфайли учиб чиққан гапмиди ё унинг навбатдаги тулкилигимиди — Қамбар фаҳм эта олмади. То кетишга ижозат теккунига қадар уларнинг суҳбатларига аралашмади. Аслида аралашшга арзигулик суҳбат ҳам бўлмади, Россияда содир бўлаётган воқеалар Қамбарни қизиқтирмади.

Бу ердан чиқиб, касалхонага шошилди. Отаси оёққа туриб қолган эди. Эртага врачдан ижозат тегиши мумкинлигини билиб, кўнгли кўтарилди.

Эртасига отасини уйига олиб келди. Анчадан бери ташвиш булувлари остида қолган хонадонда саодат қуёши чарқлагандай бўлди. Кичик оила даврасининг шодлиги улар учун узоқ кутилган бахт эди. Аммо бу бахтиёрлик даврасида узоқроқ ўтириш Қамбарга насиб этмади. Опаси мас-тава сузиб келган дамда телефони жиринглади.

— Бозорда кўришайлик. Хўжайин яна уч-тўртта одам топларинг деяпти. Тезлатмасак, иккаламизни ҳам тузлайди. Амакимга салом деб қўй.

Сардор гапини тез-тез айтди-ю, Қамбарнинг жавобини эшитмади. Зокир „шалоқ араваси“нинг бузилиб қолганидан нолиб, акасининг ҳиммат қилишини истаган эди, „Ўзимга ҳам керак“, деб кўнглини чўктирмай, калитни узатди-да, ўзи йўловчи машинада кетди. Бозорга келиб, белгиланган жойда Сардорни учратмади. Атрофда айланиб юриб, гуммахона яқинида бегонасираб турган икки жувонга эътиборини қаратди. Уларнинг кийимлари ҳам, ночор кўринишдаги халталари ҳам, атрофга бесаранжом қараб-қараб қўйишлари ҳам бу шаҳарлик эмасликларини аён қилиб турарди. Улардан бири халтасидан кармон чиқариб пулини санаб кўргач, гуммахонага қараб юрдилар. Иккита гумма олиб, ўтирдилар.

Қамбар омади чопганини англаб, фурсатни бой бермаслик учун гуммахонага шошилди. Олтита гумма, бир чойнак чойни кўтариб келиб, аёллар ёнидаги бўш столдан жой олди. Уларнинг гапларига ўғринча қулоқ солиб, қаердан бўлишлари мумкинлигини чамалади-да, салом берди. Нотаниш йигитнинг кутилмаганда салом беришидан ажабланган аёллар бир-бирларига савол назари билан қараб олиб, бош ирғаш билан алик олдилар.

Қамбарга бу жавоб кифоя қилиб, гумма билан чойнакни кўтариб, уларнинг столига ўтди. Унинг бу ҳаракати аёлларга шилқимлик бўлиб туюлиб, туриб кетишга шайлангандай бир қимирлаб олдилар.

Қамбар эса очик чеҳра билан уларга бир-бир қараб, гапга тушди:

— Бухородан келдингларми? Бир қарашдаёқ ҳамшаҳар эканингларни билдим.

Бу гап аёлларни қамраб ола бошлаган саросимани қувиб юборди. Уларнинг бири беихтиёр:



— Сиз ҳам бухороликмисиз? — деб юборди.

— Шунақа деса ҳам бўлади. Бухорода туғилиб, бу ерда катта бўлганман. Ота томондан бухороликман, она томондан чоржўйликман, хотин томондан тошкентликман.

Ҳазил оҳангида айтилган бу гап аёлларга ёқиб кулишди. Қамбар эса улоқни ердан узиб, тақимига босиб олган чавандоз каби гапни давом этди. Унинг қувноқ феъли, ҳазил гаплари аёлларга ёқиб, бир пасда қадрдонлардай бўлиб олишди.

Ўзлари олган икки гуммага қўшиб, Қамбар келтирган олти гумма ҳам ейилгач, эркин суҳбат бошланди.

— Бир фирма ишга таклиф қилгани учун келувдик. Бўш жойлари тўлганмиш. Энди кўчада қолдик. Уйга нима деб қайтиб боришни билмаяпмиз, — деди аёллардан бири афсус билан бош чайқаб.

— У фирма номардлик қилган бўлса, бошқа мардлари йўқми? — деди Қамбар. — Бизнинг фирмада аёлларбоп иш бор. Бир-икки ой ишласангиз, уйингизга қоп-қоп совғасалом билан қайтишингиз мумкин.

— Сиз фирманинг хўжайинимисиз?

— Йўқ, мен кичкина одамман. Кичкинагина бўлимнинг бошлиғиман. Лекин кичкина бўлим катта фирманинг ишини қилади. Биз чет эл билан ишлаймиз. Сизлар ҳам четга бориб келишинглар мумкин.

— Четга? — деди иккинчи аёл хавотир билан. — Нима қиламиз? Ахир пулимиз йўқ.

— Йўлкираю бошқа харажатлар фирма ҳисобидан. Сиз у ёққа пул сарф қилгани эмас, пул ишлагани борасиз.

— Қанақа ишлигини айтмайсизми? Балки?..

— Қўрқасизми? Қўрқсангиз зўрлаш йўқ.

— Қўрқаётганимиз йўқ... фақат... ҳар хил гаплар эшитамиз-да... телевизорда ҳам кўп гапиришяпти-ку? Агар... ҳалигиндақа иш бўлса...

— „Одам савдоси“ деявериб, қулоқларингизни пишириб юборишибди-да! — деди Қамбар масхараомуз кулиб. — Мен одамфурушга ўхшайманми?

— Ўхшамасиз-ку... Лекин... нима иш қилишмизни айтмаяпсиз?

— Бу гумманинг устида айтадиган гап эмас-да. Мен сизга „Ҳозир ишга оламан, икки соатдан кейин чет элга учиб

кетамиз“, деганим йўқ-ку? Мен хўжайинлардан илтимос қилишим керак, улар сизлар билан гаплашиб, „Хўп“ дейишса, аввал иш ўрганасизлар.

Телефон жиринглаб, Қамбарнинг гапи оғзида қолди. Рақамга қараб олиб, Сардорнинг қўнгироқ қилаётганини билди-да, сир бой бермай:

— Ассалому алайкум, адажон, лаббай, — деди қувноқлик билан.

— Қамбар, қаердасан, нима қиляпсан? — деди Сардор хавотирли оҳангда.

— Ҳамшаҳарларимни учратиб қолдим. Шаҳарни айлантирсаммикин, деб турувдим, — деди Қамбар аёлларга қараб кўз қисиб қўйиб.

— Дўконни ёп.

— Нимага?

— Бир-иккита майда мишиқилар қўлга тушиб қолибди. Ментлар ис олиб юришибди. Бугун-эрта кўзга кўринмай тур. Машинангни ҳам у ер-бу ерга тикиб қўй.

— Хўп, адажон, ойижонимнинг туғилган кунларини унутадиган бемеҳр эмасман-ку? Зўр гулдаста айттириб қўйганман.

Қамбар шундай деб телефонни ўчириб, сир бой бермаслик учун аёлларга кулимсираб қаради.

— Ойингизни бизнинг номимиздан ҳам табриклаб қўйинг, — деди унга яқин ўтирган жувон.

— Ҳа, албатта, албатта, — Қамбар шундай деб атрофга хавотир билан қараб олди. Ундаги ўзгаришни сезган жувон „Тинчликми?“ деб сўради.

— Каллам курсин, — деди Қамбар афсус билан, — торт буюриб қўйишни унутибман. Ҳозир бориб айтмасам, пешинга улгуришмайди. — Шундай деб, чўнтагидан пул чиқариб санади. — Энди гап бундай, ҳамшаҳарлар, „Аравани куруқ опқочаркан“, деманг, ўша ваъда — ваъда! Мана, икки-уч кунлик харажатингиз. Шаҳарни томоша қила турунглар. Мен хўжайинлар билан келишиб қўяман. Эртадан кейин кечки пайт... ҳа, соат еттида кўришамиз.

— Қаерда? Шу ердами?

— Нега шу ерда? Тошкентда чиройли жойлар кўп. „Деман“ деган меҳмонхона ёнига келиб турунглар.

— Аслида биз уч киши эдик...

— Ҳа, майли, учинчингиз ҳам келаверсин, бир илож қилармиз.

Шундай деб хайрлашди-да, шошилганича бозор оралаб юриб етди. Юра туриб телефонида симкартани олиб ташлади. Орқасига ўтирилиб қараб, изма-из келаётган қора кўзойнакли кишини кўрди-ю, юраги шув этиб кетди. Қадамани тезлатиб, олма растасидан ўтгач. яна ўтирилиб қаради. Кўзойнакли киши ҳам қадамани тезлатгандай туюлди. Югургудай бўлган онда рўпарасидан тиланчи лўли хотим чиқиб, йўлини тўсди. Қамбар „Ишласанг ўласанми!“ деб уни туртиб, узум растаси томон бурилди. Раста тугаб, майдончага чиққанида яна орқасига қаради, кўзойнакли одам кўринмагач, енгил нафас олиб, қўрқоқлиги учун ўзини ўзи яниб қўйди. Тўхтаб, атрофга синчиклаб қаради, хаво-тири ўринсиз эканига ишонч ҳосил қилиб бурилганда бир қизга урилиб кетди.

Айб гарчи ўзида бўлса ҳам, қизга захрини сочмоқ қасдида оғиз жуфтлади-ю, лекин унинг пирпираб турган киприкларига кўзи тушиб, шаштидан қайтди. Қиз маънос боқуви кўзларини унга қадади, лаблари қимирлади, лекин овози чиқмади. Кейин бармоқларини ҳаракатга келтириб ишора қилганда Қамбар унинг гунг-соқов эканини фаҳмлаб, узр маъносида қўлини кўксига қўйди.

Қиз гоят гўзал эди. Кулимсираганда бу гўзаллик ҳақ қандай йигитнинг эсини тесқари қилиб юборадиган даражага етарди. Ҳозир шундай бўлди: ширингина кулимсираб „Йўқ, йўқ, айб сизда эмас, менда“, дегандай нозик қафти ни кўксига қўйди.

— Бу ерда нима қилиб турибсиз? — деди Қамбар.

Қиз унинг гапини эшитмаса ҳам, лабларининг қимирлашидан саволни уқиб, сумкасида қоғоз парчасини чиқариб узатди. Қоғозга бир уйнинг манзили катта-катта ҳарфлар билан ёзилган эди.

— Шу уйни қидириб юрибсизми? — деб сўради Қамбар.  
Қиз бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Қидираётган уйингиз шаҳарнинг нариги чеккасида бу ерга адашиб келибсиз.

Қиз „Ҳа, ҳа, адашдим“, деган ишорани қилди-да, сумкасида дафтарча билан қалам олиб, ёзди: „Таксичига қозони кўрсатган эдим, шу ерга олиб келиб қўйди“.

— Оббо падарлаънати-е! Лақиллатиб кетибди-да. Қаердан келдингиз?

Қиз „Қаршидан“ деб ёзди.

— Ие, ҳамшаҳар эканмиз-ку! Мен Қаршида туғилиб, Тошкентда ўсанман. Ҳамшаҳарларим кўзимга оловдай иссиқ кўринади. Гапирганда тушунаркансиз-а? — Қиз тасдиқ ишорасини қилгач, давом этди. — Унда ишингиз осон экан.

Қамбар унга бу манзилни қандай топишни тушунтиришни ўйламади ҳам. Гўзал қизга маҳлиё бўлган қайси йигит бир-икки ишорали гапдан кейин хайрлашишни истабдики, Қамбар хоҳласин? У ҳозиргина хавотир тўрида талвасага тушаёзганини, бу томонга қандай аҳволда келиб қолганини ҳам унутди.

— Мен ўша ёққа кетаётгандим, истасангиз, кузатиб кўяман, — деди Қамбар ундан ризоликни умид қилиб. Қиз „Билмасам, қандай бўларкин?“ деган маънода елка қисди.

— Юраверинг, тортинманг, одамга савоб ҳам керак-ку? Сизнинг баҳонангизда савобга етаман.

Бу гапдан кейин қиз ризолик ишорасини қилгач, Қамбар йўл бошлади. Машинасини қўйган жойга эмас, катта кўча сари юрди. Турнақатор тизилиб, мижоз пойлаётган машиналардан бирининг ҳайдовчисига яқинлашиб, „Юнус-бодга“ деди.

— Ўн минг бўлади, акахон. Бензин осмон нархида бўлиб кетди, кўряпсиз-ку...

Ёнида қиз тургани учун Қамбар савдолашишни истамди.

— Сендан бензиннинг нархини сўрадимми? Ҳайда машинангни, — деб машина эшигини очиб, қизни таклиф қилди. Ўзи олд ўриндиққа ўтирди-да, ҳайдовчига қараб тунгиллади: — бензин осмонда бўлса ҳам ўзинг осмонга лапчима, ерда юравер.

Гап-сўзсиз кетдилар. Қамбар нимадир демоқчи бўлиб, бир неча марта қизга ўгирилиб қаради-ю, гапирмади. Қиз бундан уялиб, Қамбар қараган пайтда ундан кўзларини олиб қочди.

Юнусободга етиб бориб, машинадан тушишгач, Қамбар манзил ёзилган қоғозга тикилиб қолди. Бадхат одам қўли билан ёзилган уй рақами „103“ ми ё „109“ ми, аниқлашишнинг ийин бўлди. Охири „103“ бўлса керак, деб беш қаватли

---

уй томон юрди. Қиз унга эргашиди. Учинчи қаватдаги ўт-тиз иккинчи хонадон эшигини тақиллатишганда бир аёл очиб, бундай одам турмаслигини айтгач, қизнинг кўзларидаги умид учқуни сўниб, хомуш аҳволга тушди.

— Мен хато ўқигандирман, балки „109“ деб ёзилгандир, — деди Қамбар ҳовлига чиқишгач. — Сиз шу ерда тура туринг, мен билиб келаман.

Қамбар ҳовлида ўйнаб юрган болалардан бу уйнинг қаерда эканини сўрагач, ўша томон юрди. Қиз болаларнинг уйинини кузатиб қолаверди. Кўп ўтмай Қамбар қайтди. Қиз унинг юзига боқиб, натижасиз қайтганини сизди. Аламдан йиғлаб юборай деб, киприклари пирпиради. Қамбар болаларга мўлжалланган ўриндиққа ўтириб, қизга қаради. У ҳам омонат ўтирди.

— Сизга керакли одам бир юз тўққизинчи уйда турган экан. Якшанба куни тўртта ўртоғи билан Россияга кетибди. Унда нима ишингиз бор эди?

Қиз дафтарчасини чиқариб, „У менга иш топиб бермоқчи эди“, деб ёзди.

— Хафа бўлманг, маслаҳат билан сизбоп иш топармиз. Бу шаҳарда бошқа танишларингиз йўқми?

Кўзлари ёшланган қиз бош чайқади.

— Шундай чиройли қизини катта шаҳарга ёлғиз юборган ота-онага қойил эмасман, — деди Қамбар.

Қиз „Ота-онам йўқ, етимман“, деб ёзди.

— Қидириб келган одамингиз қариндошмиди?

Қиз „Йўқ“ деган маънода бош чайқаб, „Етимхонада бирга ўсганмиз. У акамдек бўлиб қолган эди“, деб ёзди.

— Акадай бўлиб қолгани яхши-ю, индамай жўнаворгани ёмон бўлибди. Ҳа, майли, агар „Хўп“ десангиз, бирikki кун опамникида туринг. Танишингизни Россияга кетадиганлардан суриштирамиз. Топилса, изидан жўнатармиз топилмаса, шу ерда ишларсиз?

Қиз „Билмадим“ дегандай елка қисди. Ночорлик жарлабига келиб қолган қиз бундан бўлак жавоб бера олмади эди.

Қамбар бу оламга бош суқиб кирганидан кейин, Сардорнинг тавсиясига кўра, „Ишларимизга асқотиб қолар“ деган мақсадда икки хонали уйни ижарага олган эди. Қизни ўша уйга бошлаб кетди.

## ДҶППИ ТОР КЕЛГАНДА

„Ётиб еса, тоғ ҳам чидамайди“, деганларидай, Шоҳиднинг тантибойваччалиги узоққа чўзилмади. Жимгина „ётиб еса“ яна бирор ҳафтага етиши мумкин эди, созуриб егани учун „тоғ ҳам чидамади“. Овга отланган подшоҳ билан вазир Афандини кулги қилиш учун юklarини унинг елкасига ортиб, дебдиларки: „Ҳой Афанди, нечта эшакнинг юкини ортмоқлаб олдингиз?“ Атрофдагилар масхаралаб кулибдилар, Афанди эса дебдики: „Шаҳаншоҳим, устимда иккитагина эшакнинг юки бор“. Шоҳид елкасида ҳам икки текинтомоқнинг юки бор эди. Бунга улар эмас, ўзи айбдор. Уларга ўзи ўргатди, бойваччалигини кўз-кўз қилиб яшашдан ўзи роҳатланди. Энди дўппи тор келганда дод-вой қилишга ҳожат йўқ. Бунинг ўрнига бўшаб қолаёзган чўнтакни тўлдириш чорасини топиши шарт. Топмаса, ошнарларига қўшилиб эртами ё индинми, ўзи ҳам тарашадек гиришиб қолишини биледи. Шу ёшга етгунига қадар пулга чўхтожлик нима эканини билмаган йигитга навбатдаги муаммони ечиш қийин туюлмади. Кун оққанда „Ейишларингга овқат-повқат топиб келаман“, деб кўчага чиқди. Бир оз гангит тургач, машина тўхтатиб, уйига қараб кетди.

Рихси кичкина қозонга ош дамлаб қўйган эди. Ўғлини кўриб қувониб кетди.

— Қайнонаси суйган куёв бўласан, худо хоҳласа. Ошнинг устидан чиқдинг. Келишингни кўнглим сезиб, вақтироқ қозон осиб дўппидай қилиб ош дамлаб қўйдим.

— Ўтиришга вақтим йўқ. Эртага имтиҳоним бор, — деди Шоҳид уйга олазarak назар ташлаб. — Компьютер зарур бўлиб қолди. Адамнинг „ноутбук“ларини олиб тураман.

— Адангдан сўраб ол.

— Уйдадилар? — деб сўради Шоҳид хавотир билан.

— Телефон қилувдим, ош дам егунча бораман, дедилар.

— Бир кунга оламан, ейилиб қолмайди-ку?

Шоҳид отаси келгунича ишини битириб олиш учун бошилганича унинг хонаси томон юрди. Девордаги суратнинг четга суриб, девор орасига яширилган пўлат жавоннинг эсимларини терди. Жавон очилмади — ўғлидан шубҳаланган бўлиб қолган Иззат жавон коддини ўзгартирган эди. Эсини ҳамиша хасисликда айблаб юрувчи Шоҳид бўра-

лаб сўкинди. У ҳозир оқибатни ўйламасди, хаёли пул топиш билан банд эди, шу аҳволида жавонни болта билан уриб очишга ҳам тайёр эди. Нима қилишини билмай турганида нариги хонадан Рихсининг „Келганингиз бирам яхши бўлдики, дадаси, уччаламиз ош ейлик“, деган овози эшитилиб, тахтадек қотиб қолди. Иззат: „Қорним тўқ“ ўзинглар еяверинглар“, дегач, Шоҳид шошилганича суратни жойига илди-да, хонадан чиқди. Даҳлизда отасига дуч келиб, салом берди. Иззат алик олиб, хонасига кириб кетмоқчи эди, Шоҳид уни тўхтатди:

— Ада, имтиҳонлар бошланиб қолди, — деди маънодор оҳангда.

— Бошланган бўлса яхшилаб тайёрлан, — деди Иззат ўғлига норози қиёфада қараб.

— Тайёрланияпман. Домлаларимга саломхатингиз йўқми?

— Келишганмиз-ку, ойингдан оласан унақа саломхатни. Тўрт йиллик ўқишни беш йилга чўзган домлаларингизнинг аҳмоқ саломим йўқ.

— Салом сал қуюқроқ бўлганида...

— Бошимни оғритма. Қуюқ саломга ўргатганингдан кейин канадек сўраверишади. Ўқишни бу йил ҳам, нариги йилда ҳам битирмай, пенсияга чиққунингча салом бериб юраверасан. Бор, ойинг кутяпти, оши ланж бўлиб кетмасин.

— Ада, „ноотбук“ингизни икки кунга бериб туринг

— Ўзимга керак.

— Ейилиб қолмайди-ку?

— Ўзингники қани?

— Оғайнимга бериб турувдим.

— Ноотбук оғайнига бериб турадиган матоҳ эмас.

Иззат шундай деб, хонасига кирди. Шоҳид чаққонлиқ қилиб, ёпилаётган эшикка оёгини қўйди. Эшик қия очилиб қолди. Иззат девордаги суратни олиб, жавон бурагичларини буради. Эшикдан мўралаётган Шоҳид рақамларга диққат қилди. Иззат жавон эшигини очгач, ундаги пулни ортиб чамалаб кўргандай бўлди-да, чўнтагига солди. Иззат ўзининг кузатиб турганини сезиб, ўзини сал четга олди. Шоҳидга бўм-бўш жавон ичи кўринди. Иззат хотиржам равишда жавонни беркитиб, суратни жойига илди-да, сўраш столи устидаги қоғозлари орасидан ниманидир қидира бошлади. Пулдан қуруқ қолиб, умид чинниси синган Шоҳид

аламдан лабини тишлаб олди. Ош емай кетишига онаси йўл қўймади. Елкасини тоғдай дард босиб турганда томогидан ош ўтардими? Одатда, оналар фарзандларининг дардини олишни истайдилар. Рихси ўглининг дардини билмайди. Билганда-чи? Бу дарднинг давоси пул. Кунлик чимни топиб бераверармиди?..

Шоҳид онанинг кўнгли учун ошдан уч-тўрт қошиқ егач, қорни тўқлигини баҳона қилиб, кўчага отланди. Отасига „Кетяпман“, деб ҳам қўймади. Отаси она-боланинг гапларини эшитиб ўтирган, унинг отланганини билган бўлса ҳам, „Қаёққа?“ деб қўймади. Жигаргўшасининг тақдирига бепарқ бўлмаган ота эшикни қия очиб, сўраб қўярмиди... Рихси ота-ўғилнинг бу муносабатидан эзилганича қолаверди.

Шоҳид кўчага чиқиб, симёғочга ёпиштириб ташланган эълонларга диққат қилди. Уларнинг деярли барчасида мебел сотиб олиниши билдирилган эди. Уни ўқиб, Радикнинг: „Шоҳ, эринмай санаб чиқдим, эллик саккизта юмшоқ стул бор экан, тоғанг нима қилади шунча стулни, чайнамай ютадими?“ деган пичинг гапини эслади. „Ростданам, битта уйга эллик саккизта стулнинг нима кераги бор? Стули нечталигини тоғамнинг ўзи ҳам билмаса керак. Ўн-ўн бештасини сотсам, тоғамнинг уйи ейилиб қолмайди“. Шу қарорга келиб, эълондаги телефон рақами ёзилган парчани йиртиб олди-да, ўша заҳотиёқ кўнғироқ қилиб, сотиладиган стуллар борлигини билдирди. Харидор дуч келган молни сотиб оладиган лақмалардан эмас экан, эринмай суриштиришни бошлади. „Нечанчи йили ишланган?“ „Қайси мамлакатники?“ „Ранги қанақа?“ Бу саволлар Шоҳиднинг гашини келтириб, бобиллаб берди:

— Ҳой, менга қара, эгнингга шим битганидан бери сен бунақа додахўжа стулларни кўрмагансан. Эълонингга „Қимматга сотиб оламан“, деб ёзганмисан? Иккита оёғи синиб, учинчиси лиқиллаб қолган стул сотадиган аҳмоққа ўхшайманми? Оладиган бўлсанг, ивир-сивир қилмай, келиб кўр.

Харидорга қўпол оҳанг таъсир қилиб, гапни кўпайтирмай, манзилни ёзиб олди. „Овқат-повқат олиб келаман“, деб чиққан Шоҳид бу мақсадини унутиб, уйга қуруқ қайтди. Оромкурсига ястаниб олганича қўлтелефонида ўзи билан ўзи футбол ўйнаётган Радик унга қараб олиб, „Овқат



келдими?“ деб қўйди-ю, жавоб кутмай, машғулотини давом эттирди. Диванда ғужанак бўлиб ухлаётган Жавлон унинг келганини билмади ҳам. Шоҳид ўртоқларига ғашланиб қараб қўйиб, стулларни эшик томонга тера бошлади.

— Тинчликми оғайни? — деди Радик ажабланиб.

— Тинчлик... тинчлик... сенларга тайёри бўлса... ҳам-масига мен аҳмоқ бўлиб югуришим керак.

— Сени биз аҳмоқ қилаётганимиз йўқ-ку? Ўзинг „Юрларинг“, дединг. Юрдик. „Шу ерда турамиз“, дединг. Турибмиз. Яна нимага жаҳл қиласан? — Радик шундай деб қаддини кўтарди.

— Жаҳл қилаётганим йўқ. Ҳали Фарҳод келса, берадиган пулинг тайинми?

— Менда пул нима қилади?

— Ҳа, пулларинг йўқ! Мен топишим керак пулни, шунақами?! Сенларга тайёри керак. Камера қани?

— Қанақа камера?

— Видеокамера! Режиссёрлигинг тамом бўлди! Қани депман?

— Нима қилмоқчисан? Сотмоқчимисан?

— Ҳа!

— Бермайман, у менга керак.

— Керак бўлса, ўзинг сотиб ол. У менинг пулимга келган шекилли?

— Мардлик қилдинг... Пулини тўладинг... энди номардлик қилмагин-да!

— Нима? Мен номардманми?

Кимни чақишни билмай визиллаётган ари аҳволидаги Шоҳид бу гапдан кейин ўзини тутолмай, дўстининг жағига мушт урди. Зарбани кутмаган Радик ёнбошга йиқилди. Шоҳид тепкига чоғланганида кўча эшиги қўнгироги жинглиди.

— Тўққан хотинга ўхшаб ялпайиб ётмай, тур ўрниндан! Стулларни олиб чиқ, мебелчи келди.

Радик „Мибелчи ким, нимага келади?“ деб сўрамади. Қаддини кўтариб жағини силади. Шоҳид унга яна бир бибиллагач, битта стулни кўтарганича ташқарига қараб юрди.

Мибел харидорини кутган Шоҳид эшикни очиб, Севарани кўрди-ю, ажабланиб, довдираб қолди. Қиз салом бергач, ўзига келиб, энди уни танимаганга олди. Алик ўрнига

— Сизга ким керак? — деди ажабланган киши назари билан унга қараб.

— Жавлонни чақириб беринг.

Қизнинг овозида илтимос оҳанги ўрнига зарда бор эди. Шоҳидни унинг бу қадар дадиллиги чиндан ҳам ажаблантирди. Бошлаб кўйган найрангли ўйинини энди шу таажжуб ниқобида давом эттирди:

— Қанақа Жавлон? Бу уйда йўқ бунақа бола. Балки на-риги маҳаллада турар, ўша ёқдан қидириб кўринг.

Шундай деб эшикни ёпмоқчи бўлди-ю, лекин улгурмади. Севара чаққонлик қилиб, остонадан ўтиб олди. Иккита стул кўтариб зиладан тушиб келаётган Радик қизни таниб тўхтади. Шоҳидга савол назари билан қаради. Севара эса у томон икки-уч қалам босиб, саволга тутди:

— Жавлон қани?

Бу ҳолатни кутмаган Радик соддалик билан жавоб берди: — Ухляяпти.

Шоҳид Радикнинг бу довдирлигидан ғазабланиб, унга „Аҳмоқсан!“ деб ишора қилди. Севара эса тўхтамай, шахдам қадамлар билан Радикни четлаб ўтиб уйга кирди.

Севаранинг бу дадиллиги бесабаб эмасди. У „Жавлон шу ердамикин?“ деган тусмол билан келмаганди. Йигитнинг шу ерда эканини аниқ биларди.

\* \* \*

Икки кунлик интизомбузарликдан сўнг Жавлон кеча ўқишда пайдо бўлганида Севара у билан саломлашди-ю, лекин хотиржам гаплаша олмади. Жавлоннинг юзидан қон қочган, қарашларида маъно йўқ эди. Жавлон одатини канда қилиб, иккинчи қаторга эмас, орқароққа ўтирди. Севара ўрнидан туриб, унинг ёнидан жой олди. Жавлон, аслида, қиздан қочиб, жойини ўзгартирган эди. Севара келиб ўтиргач, қопқондаги қуён ҳолига тушди. Индамай ўтираверишни ҳам, бирон баҳона билан чиқиб кетишни ҳам билмай, юрак дуқурига банди бўлиб жойида қотди.

Математика профессори кириб дарс ўта бошлагач, қиз Жавлонга бот-бот ўгринча қараб-қараб қўяверди. Севаранинг қулоғига профессорнинг овози кирмасди, рўпарадаги қора тахтага оқ бўр билан ёзилаётган формулалар кўзига

---

кўринмасди. Жавлон ҳам шу аҳволда: унинг жисмигини дарсхонада эди. Илгари профессор мавзунини эълон қилиб дастлабки рақамларни ёза бошлагач, Жавлон дафтари устига мук тушарди. Бошқалар каби тахтадаги ёзувларни кўчирмасди, профессор таклиф қилган масалани ўзича ечишни бошларди. Ечимда тафовут бўлса, ё танаффусда, ё дарсдан кейин қолиб, устозини билан баҳслашишдан ҳам тоймасди. Бу онда ўша Жавлон йўқ эди. Профессор унинг бошига жойга ўтирганини сезган, лекин аҳволдан беҳабар эди. Жавлоннинг аҳволи фақат Севарага аён, шу боис йигитнинг дафтарга маъносиз шакллар чизиб ўтиришидан ташвишда эди.

Дарс яримлаганда Жавлоннинг қорнида оғриқ кўзини бошлагандай туюлиб, безовталанди. У мана шундан — дарс пайтида хумор тутиб, типирчилаб қолишдан, оқибатда сирини ошкор бўлишдан қўрқарди. Жавлон дафтарида бош кўтариб, атрофига хавотир билан аланглаб олди. Кейин қаламини чўнтагига солиб, дафтарида ёпди-да, Севарага „Кўнглим айнияти“, деб пичирлаб, ўрнидан турди. Дарс чоғи узр сиз чиқиб кетиш одобсизлик бўлса-да, профессор Жавлонни яхши билгани учун индамади. Севара аниқ қарорга келолмай, бир неча нафас жим ўтирди, охири сабрини чидамай, у ҳам чиқиб кетди. Жавлон узун даҳлизнинг ярмига етиб қолган эди. Кўнгли айниётган одам қўл ювиш хонасини четлаб, ташқарига олиб чиқадиган эшик томон борарди. Севаранинг изма-из чиқиши мумкинлигини ўйламагани учун орқасига қараб ҳам қўймади. Қараган ташқаридир ҳам Севара тўхтамаган, ҳатто ўзини панага олишга уринмаган бўларди. Жавлон ҳовлига чиқиб бир пас қотиб турди, кейин ола-чалпак соя тушиб турган ўриндиққа бориб ўтирди. Маъносиз боқаётган кўзларини бир нуқтага қадаб ўтираверди. Севара ҳозир у билан гаплашишдан нафақат йўқлигини англаб, сал четроқда туриб кузатди. Жавлоннинг гардани қотдими, силай-силаё ўрнидан турди. Севара нима қилаётганини ўзи ҳам фаҳмламаган ҳолда унга кўзларини эргашди. Изма-из кўчага қараб юрди, бекатга бориб кетди, Жавлон автобуснинг олд эшигидан у эса орқадан чиқиб кетди. Шу зайлда бу уйга етиб келди. Жавлон ичкарига бориб кетди. Севара шундагина тўхтади. Эшик қўнғирроқ бўлиб қўл узатди-ю, босишга журъати етмади. „Жавлон қайтди“

чиқар“, деб бир оз кутди. Кейин афсуслар, аламлар юкини ортмоқлаб, оғир-оғир қадамлар билан изига қайтди. Жавлоннинг уйига бормоқчи бўлди, уялди. Кечгача ўзини қўйгани жой тополмай юрди. Тунда алоқ-чалоқ туш кўриб, тиканзор устида ётгандай бўлди. Эрталаб ўқишда кўришмоқни умид қилган эди, йигит кўринмади...

Пешиндан кейин Жавлоннинг уйига қўнгироқ қилди. Феруза ўглининг устози уйида эканини айтгач, Севара йигитни бу ҳолда ташлаб қўйиш мумкин эмаслигини англаб, ҳаракатга тушди. Бу кўчага келгунча дадил эди. Ҳашамли уйга яқинлашганда журъати сустрлашди. Ҳатто изига қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин йигитнинг кечаги эзгин аҳволи кўз олдига келиб, аҳдидан қайтди. Шу тарзда анчагача кўчада турди. Бир маҳал уй дарвозаси яқинида тўхтаган таксидан тушган Шоҳидни кўриб, титраб кетди. Жавлоннинг шу ўртоқлари билан бирга эканини гумон қилган эди. Гумон ҳақиқатга айлангач, вужудида ғазаб уйғонди. Ана шу ғазаб унга дадиллик бериб, қўнгироқ тугмасини босди, сўнг ичкарига ўтди, кейин юқорига кўтарилиб, уйга кирди.

Диванда ётган Жавлонни кўриб, унга аста яқинлашди. Аввал „Жавлон“ деб чақириб уйғотмоқчи бўлди. Жавлон омирлаб ҳам қўймади, овоз ҳам чиқармади. Севара унга қинлашиб, елкасига туртди. Бу ҳам наф бермагач, елкасидан ушлаб „Жавлон, Жавлон, туринг!“ деганича силтади. Шоҳид билан Радик олдинма кейин кириб келишиб, нима сўзларларини билмай, тўхтаб қолишди. Бу орада Жавлон йғониб, қаддини кўтарди. Маъносиз боқётган кўзларини сизга қадаб, анграйганича ўтириб қолди. Унинг бу аҳволидан Севара қўрқиб кетиб, йигитларга ўтирилди-да:

— Нима қилиб қўйдиларинг!!! — деб бақирди.

— Нима қибмиз? Дарс тайёрлаб ухлаб қолди, — деди

Шоҳид хотиржам равишда. — Сен келиб уйғотдинг. Уйку-чала бўлди. Энди калласига дарс кирмайди. Эртага имтиҳонмиди? Ана, ўтолмаса, сен айбдорсан.

Севара унга ўқрайиб қараб турди-да, гап талашгиси бўлмади, Жавлонга ўтирилди:

— Сизга нима бўлди? Туринг, кетамиз бу ердан.

Гаранг аҳволдан қутулолмаётган Жавлон ўртоқларига қараб қолди:

— Буни ким олиб келди?

— Бунингни бошлаб келадиган аҳмоққа ўхшаймизми? Ўзи бостириб келди, — деди Шоҳид зардали оҳангда. Кейин Радикка қараб, пастроқ овозда деди: — Агар шу офатга уйланса, пачағи чиқиб кетади.

Севара унинг гапига эътибор бермай, Жавлоннинг елкасидан ушлади:

— Туринг, бу ерда қолишингиз мумкинмас!

Қизнинг овози момақалди роқ каби гулдирамаган бўлса ҳам, титроқ сас пўртанаси ортига чақмоқлар яширинганини сезиш қийин эмасди. Жавлон қизнинг юзига қарашга ботинмай, ерга қаради, бироқ унинг ғамли нигоҳини ҳис қилиб турди. Бечора қизнинг нималарни ўйлаётганини билмасди. Лекин қалбининг туб-тубигача кириб борган нигоҳларини, даҳшатли зарбага учраган қайғули кўнгилнинг чўкишини ақл кўзи-ла аниқ-тиниқ кўра бошлаган эди. Алҳол бу кўзлар беҳуда умид бағрида тўлғанаётган муҳаббатнинг пинҳон бир ярадан сизган заҳар таъсирида секин-аста адо бўлиб, ҳолдан тойгандек емирилишини кўриб турарди. Унинг севги кучидан зўр қудрат касб этган юраги энди парча-парча бўлган эди. Бошини кўтариб қизга қаради: кўзлари изтиробга тўла эди. Қалдини кўтармоқчи эди, ўзи ҳам англамаган ғалати бир туйғу бахтсизлигига йиғлаётган ғамгин нигоҳлар остида туришига йўл қўймади. Ночорлик аламининг олови чақмоқ тезлигида вужудига эга чиқди. Девона бўлгандек, оташлар ёнган босини икки кафти билан чангаллади.

— Севар... илтимос... менга тегманг... мен тамом бўлганман... шу ерда қоламан... бошқа борадиган жойим йўқ.

— Қолмайсан. Дўкон ёпилди, ҳеч ким қолмайди бу ерда, — деди Шоҳид амр оҳангида. — Қизингнинг этагига беркиниб жўнайвер.

— Туринг, илтимос... — деб ялинди Севара.

— Дунёда тузалмайдиган касалликлар бор, мен шунаман. Бу аксиома! — деб йиғламсиради Жавлон.

Севара Жавлоннинг қўлидан ушлаб тортаётганида оқибат қолган эшик остонасида Фарҳод кўринди. Дивандадан гана ўтирган Жавлонни, уни турғизишга уринаётган қизни кўриб, Шоҳидга ажабланиб қаради:

— Ким бу?

— Ким бўларди, маржаси, — деди Шоҳид энсаси қотиб.

— Қаллаларинг борми?! Ким бошлаб келди уни?

— Ўзи келди. Бошлаб келадиган аҳмоқ бораканми?

— Тез йўқот уни.

— Ҳозир ўзи кетади.

— Ўзи кетадиган лақмага ўхшамайди-ку?

Фарҳод шундай деб Севарага яқинлашди-да, биллагидан ушлади. Қиз чўчиб, ўтирилди, нотаниш йигитнинг қош чимириб туришини кўриб, гангиб қолди.

— Яхши қиз, кўчада ойингиз қидириб юрибдилар, чиқа қолинг, ўғил болалар билан ўтирсангиз уят бўлади, — деди Фарҳод ишшайиб.

— Тегманг менга! — Севара шундай деб биллагини силтаб бўшатди. — Агар Жавлонга бир нима бўлса, кўрасанлар кўрадиганларингни!

— Шаҳло қиз, жа-а бунақа кўрқитманг, анави боланинг касали ёмон, кўрқувдан юраги ёрилиб ўлиб қолса, ўзингиз жавобгар бўласиз, — шундай деб Севаранинг қўлидан ушлади, қизнинг бармоғидаги узук унинг назаридан четда қолмади. — Жавлонингизни олинг-у, бу ердан қорангизни ўчиринг.

Севара бир силтаниб, қўлини тортиб олди-да, „Тегма менга!“ деб бақирди. Шундан сўнггина Жавлон сал ўзига келди, ўрнидан туриб, Фарҳодга ҳезланди:

— Қўлингизни торт. Ўзи кетади.

— Қаёққа кетаман?! — деди Севара титроқ овозда.

— Қаёқдан келган бўлсанг, ўша ёққа кетасан, — деди Фарҳод. — Кўряпсанми, сени хоҳламаяпти, суймаганга суйсаладиган шилта қизмисан?

— Ҳақорат қилма! — деб бақирди Жавлон. У умрида биров билан муштлашмаган, шу сабабли севган қизини ҳақорат қилган малъунга биринчи бўлиб мушт туширишга ҳақли эканига ақли етса ҳам, журъати етмади.

— Унда ўрнингдан туриб, яхшилиқча кузатиб қўй. Бир-э жўнасанг янаям яхши.

— Севар, булар менинг оғайниларим. Булар нима бўлса, кен ҳам шу. Юринг...

Жавлон ялиниш оҳангида шундай деб, қизнинг биллагидан ушлаб, эшик томон бошлади. Севара эса йигитларга эфрат билан қараб олиб, унга итоат билан эргашди.

— Бу ердан тез қуришларинг керак. Жавлонинг бирга кетмаса, бу маржа пачақларингни чиқаради, — деди Фарҳод Шоҳидга юзланиб.

— Пачақни чиқарадиган иш қилганимиз йўқ. Тинчгина ётибмиз. Ваҳима қилма, — деди Шоҳид пинагини бузмай. Сўнг муддаога ўтди: — Олиб келдингизми?

— Пул қани? — деди Фарҳод унга савол назарини қалаб.

— Пул ана, — Шоҳид шундай деб ҳовлидаги стулларни кўрсатди.

— Кунинг шунга қолдими? — деди Фарҳод тиржайиб. —

Мени итдай хорлаган эдинг, аҳволингга маймун йиғлаворибди-ку? Белинг чидамаса, учта эшакнинг юкни кўтариб нима қиласан? Ўзингни ўйлайвермайсанми?

— Эшак деб бизни айтяпсизми? Биз эшак бўлсак, ўзингиз нимасиз? — деди Радик гапга аралашиб.

— Сен эшак ҳам эмассан. Текинтомоқсан. Буни канага ўхшаб кемириб ётибсан.

— Шоҳ бунинг нима деяпти? Ҳозир чатаноғини йириб ташлайман.

Шоҳид ҳезланиб келаётган Радикнинг йўлини тўсиб, Фарҳодга газаб билан тикилди:

— Сиз бизнинг ишимизга аралашманг.

— Тўғри айтдинг, энди аралашмайман, менга нима, тиришиб ўлмайсанларми?! Текинга дори йўқ.

Фарҳод шундай деб кетиш қасдида эшик томон юрганида Шоҳид унинг йўлини тўсди:

— Тўхтанг.

— Ҳа, вариантлар борми? — деди Фарҳод голиб одам овозида.

Шоҳид унга жавоб бермай, Радикка қаради:

— Камерани ол.

— Нима?! — Радик бояги эътирозини қайтармоқчи эди.

Шоҳид гапиртирмай, жеркиди:

— Камерани ол, дедим.

— Қанақа камера? — деб сўради Фарҳод.

— Видеокамера. Олти юзга олганман. Сизга беш юз.

Шунга ярашасини ташлаб кетинг.

— Бунақа матоҳингни текинга ҳам олмайман. Майли. Эски кадрдонлигимиз ҳурмати, икки юзга олишим мумкин.

— Сизда икки грамм ҳам виждон қолмабди.

— Виждонми? Ҳа... аввал бор эди. Шу ерга сочилган пулларни териб олаётганимда йўқотибман ўша сен айтган виждонни. Йўқотганим яхши бўлган экан. Виждонсиз яшаш анча ҳузурли бўларкан.

— Қадрдонлигингизни йўқотишни истамасангиз, эски гапларни кўзгаманг, у ҳақорат эмас, ҳазил эди.

— Менам ҳазил деб ўйлаб, уч ҳафта тўхтовсиз кулдим. Кулгим эндигина тўхтади. Хоҳласанг, яна бир ҳазил қил. Энди чинига келсак, одам бўламан, десанг, иккала текин-томоқни йўқот. Ўзингни эплаб юравер. Керак бўлса, ўзлари пул топишсин.

— Қаёқдан топади? — деди Шоҳид иложсиз одамнинг афсусли оҳангида.

— Қаёқдан топиши билан сенинг нима ишинг бор?! Хоҳласа ўғрилиқ қилсин, синглиси бўлса, гаровга қўйсин. Анави маржанинг бармогига қарамадингни? Шунақа узукли қизни қўлдан чиқариб бўладими?

### ЁЛҒОН УМИДЛАР ДАШТИ

Эшикнинг остонасини ҳатлаб ўтиш қийин эмас, қоқилиб кетмаслик учун оёқ остига бир қараб олинса кифоя. Остонада қоқилиб кетиш хавфи бўлмаса бас, дадил ўтиб кетаверилади. Акси бўлса, ё четлаб ўтилади, ё ҳатлаб. Бунинг учун узоқ ўйлаш, хатарсиз чора излаб топиш, вужулидаги қўрқувни ҳайдаб, жасорат оловидан қувват олиши шарт ҳам эмас.

Ҳаётда чиройли ва нурли чўққига элтувчи йўл билан бирга адаштирувчи кўчалар ҳам кўп. Бу кўчаларга гангиб кириб қолганларнинг айримлари тўхташга, ортга қайтишга ўзларида ирода кучини топа оладилар. Баъзилар эса шайтон безаб қўйган алдамчи тасвирларга маҳлиё бўлиб, бу йўлнинг адоғи ҳалокат жари эканини фаҳмламай, юмуқ ақл кўзларини очолмай юраверадилар... юраверадилар... Ҳалокат жарига батамом қулашидан аввал адашган бандага яна бир имконият берилади: тирсаккўча орқали ҳидоят йўлига бурила олса, жасорат эшигини очиб, ирода остонасидан ҳатлаб ўтолса, жони омонликда қолади.

Афсуски... шу остонадан ҳатлаб ўтиш қийин.... жуда-жуда қийин.

---



Ана шундай остонага яқинлашиб қолган Жавлон ҳозир эртанги кунини эмас, ҳалоскори бўлмиш қизнинг узатган қўлини ушлаб олишни ҳам эмас, балки ундан тезроқ қутулишни истаб чиқиб келаётган эди. Дарвоза эшиги очиқ эди. Бир қадам қўйиш билан ташқарига чиқиларди. Шу қадам ҳаёт остонасидаги мушкулотни енгишда далда бўларди.

Лекин... Севара кўчага чиққач, Жавлон остонанинг бу томонида тўхтади. Журъати етмадими ё истамадими? Қиз билан кетишни истагани ҳолда нега тўхтаб қолди? Буни ўзи ҳам билмайди. Остона ҳатлаб кўчага чиққан Севара тўхтаб, орқасига ўтирилди-да, йигитга савол назари билан қаради.

— Севар, сиз бораверинг. Мен... сал кечроқ кетаман, — деди Жавлон айбдор боланинг синиқ овозида.

— Йўқ, бирга кетамиз, — деди Севара ўжарлик билан Жавлон қизга қарашга ботинолмай, ерга бۆққанича янада синиқ овозда деди:

— Мен... ўртоқларимни ташлаб кетолмайман. Номардлик бўлади.

— Мени-чи? Мени ташлаб кетишингиз мумкинми?

Қизнинг зардали нигоҳи бу сафар ҳам жавобсиз қолди. Жавлон бош кўтариб қарашга ботинмади. Жим туравериши ҳам мумкин эмас эди. Бир ютиниб олиб, хаста овозда ўзини оқламоқчи бўлди:

— Унақа деманг. Бу бошқа-бошқа масала.

— Бошқа-бошқа эмас. Сиз ўртоқларингизни ташлаб кетолмайсизми? Мен эсам сизни бу ерга ташлаб кетмайман. Юринг.

— Севар... сиз... менсиз кетишингиз керак... умуман менсиз яшашингиз керак. Мен... тамом бўлган одамман. Сиз билан менинг кечаги куним бор... келажаким йўқ.

— Бўлмаган гап! Келажакимиз бор! — қизнинг овозида баландлатгани йигитга таъсир қилиб, бошини кўтарди. Бир ҳолат Севара кўнглида умид шамини ёқиб, энди ялинки оҳангига кўчди: — Эшитяпсизми, бор иккаламизнинг келажакимиз! Кечаги кунимизда нимани орзу қилган бўлсан, келамиз шу орзуларимизга. Фақат... сиз ишонинг. Сиз... йўлдан қайтишингиз керак.

— Ўзингиз айтувдингиз... иродам бўш менинг. Мен... ўхшаганлар бу касалдан қутула олмайди. Шу пайтгача кетганлар тулганлари бўлмаган.

— Бекор айтибсиз! Сиз йигитсиз! Сиз... мард йигитсиз! Бор иродангизни ишга солишингиз керак. Бу балодан икки нарса кутқарар экан: ирода билан атрофдагиларнинг меҳри. Меҳр бор. Ирода кучини топишга сиз мажбурсиз!

— Ирода йўқ менда... Мен заиф, ночор, бедавоман. Бу балони энгиб бўлмайди, мен билан баҳслашманг.

— Бекорларнинг бештасини айтибсиз! Енгиш мумкин, мен сизга буни исбот қилиб бераман.

— Қанақа исбот? Қорадоридан қутулганларни олдимга бир саф қилиб тизиб кўясизми ё ҳозир олиб бориб нарко-диспансерга ётқизасизми? Мен бу иснодга чидай олмайман.

— Мен сизга исбот қилиб бераман, дедимми, исбот қиламан!!!

Бу аҳдни айтаётганида овози титради, кўзларида ёш қалқди. Аммо гап оҳангида қатъийлик йўқолмади. Йиғлаб юбормаслик учун ўтирилди, йигитнинг изма-из юриб чиқишига умид қилиб икки қадам босди. Лекин қадим товуши ўрнига эшикнинг қарсиллаб ёпилганини эшитиб, чўчиб тушди. Назарида йигит уни ҳақоратлаб, қувиб чиқаргандай туюлди. Нима қилаётганини ўзи ҳам ҳис қилмаган ҳолда, шарт ўгирилиб, изига қайтди-да, эшикни муштлай бошлади.

— Очинг, Жавлон, очинг! Бундай қилманг! — деди йиғламсираб.

Эшик очилмади. У томонда шарпа ҳам эшитилмади. Эшикнинг қарсиллаб ёпилиши нажот йўлининг тўсилишига ишора, бир жоннинг ҳалокатига эълон қилинган ҳукм каби туюлиб, Севара чорасизлик домига тушди. Мушглашни бас қилиб, пешонасини темир эшикка тираб, иложсизликдан хўрлиги келиб, хўнграб юборди.

Қизнинг хўнграшини Жавлон эшитиб турарди. Эшикни ёпиб, шафқатсизлик қилганини фаҳмлаб, эзилди. Очай деди-ю, журъати етмади. Чорасизлик алангасида қоврилиб, пешонасини темир эшикка босганича ҳаракатсиз туриб қолди. Яқиндагина севги булоғининг покиза сувларини тўйиб-тўйиб симираётган бу икки ёшнинг умид чиннисини шу эшик синдириб, янчиб ташлагандай эди. Бир-бирига интилиб яшаётган, севган-севилган қалбларни айнан шу эшик айириб ташлагандай эди. Бу темир эшикни очиш ёки кўпориб ташлаш мумкин, лекин саодат кўчасига олиб чи-

қувчи тақдир эшиклари ёпилиб қолса, очишнинг иложи бормикин?

Эшикка пешонасини тираган Жавлон ҳолсизланиб, тиз чўкди. Вужудини темир исканжасига олаётган хумор ўз кучини кўрсатиб, ғужанак бўлиб олди. Худди шу пайт видеокамерани қўлтиқлаганича ташқарига чиққан Фарҳод унинг аҳволини кўрди-ю, зинадан тушмай туриб, Шоҳидни чақирди:

— Шоҳ, ол анавинингни! — деди ғашланиб. Худди кераксиз бир матоҳни олиб, ахлатга ташла, деган оҳангда гапирди. Шоҳид эшик оғзида пайдо бўлгач, кўшиб қўйди: — Биринчи галда шунингдан қутул. Бу шалвираган узоққа бормайди.

Шоҳид пастга тушиб, Жавлонни қўлтиғидан олиб тургизди. Фарҳод ёрдам беришни ўйламади ҳам. Уларни четлаб ўтиб, эшикни очди. Тўрт қадамча нарида гарангсиб турган қизни кўриб, аввалига тўхтаб қолди. Кейин хаёлига бир режа яшин каби урилиб, чеҳраси очилди.

— Кетиб қолдингизми, деб чўчиб турувдим, — деди меҳрибонлик билан.

Севара унга нафрат билан қараб қўйиб, юра бошлади. Фарҳод унга эргашиб, муддаосини баён қила кетди:

— Мени танимаганингиз учун нафратланяпсиз, тўғри қиласиз. Уйда сизга оғир гап қилдим, шунга мажбур эдим. Уларнинг олдида қаттиқроқ гапирилмаса бўлмайди. Улар шунақа аҳволга тушиб қолишган. Айниқса... Жавлон. У бошқача... ўртоқларига ўхшамайди. Аслида менинг Шоҳид билан қариндошлигим бор. Ўртоқлари ҳам қадрдон бўлиб кетган. Шунинг учун уларнинг бу аҳволига бефарқ қарай олмайман. Деярли ҳар куни келиб, насиҳат қиламан. Лекин... гапларимни сариқ чақага ҳам олишмайди. Бугун видеокамерани олишга келувдим. Радик дегани киночиликка қизиқаркан. Лекин бу юришида бало ҳам бўлмайди. Шоҳид билан Радикни билмайману... лекин... Жавлонни асраб қолиш мумкин. У ақлли бола. Ўйлаб иш қилади. Фақат озгина даволаш керак.

— Даволаш?

Индамай кетишни афзал билган Севара бу гапдан кейин унга ўтирилиб қараганини ўзи ҳам сезмай қолди:

— Наркодиспансердами? У ерга ётмайди.

— Ётмагани тўғри. У ердан тузалиб чиққанларни кўрмаганман. Ўша ерда ҳам эвини қилиб олаверишаркан. Жавлонни экстрасенс даволаши мумкин. Икки-уч сеансдан кейин ақлини чирмаб ётган тўрлар ечилиб, кўзи очилади. Ўтган куни келганимда айтувдим, кўнгандай бўлувди. Бугун иш бунақасига айланиб кетди. Агар сиз аралашсангиз, масаланинг ҳал бўлиши осонлашади.

— Мен нима қилишим керак?

— Сиз... экстрасенсга бориб, ҳақини тўлаб, навбатга туриб қўйишингиз керак.

— Майли... — деди Севара ишончсизлик билан. У ҳозир чўкаётган одамнинг жон аччиғида хасга тирмашиши ҳолатига тушган, Жавлонни қутқариш мумкин бўлган ҳар қандай таклифга кўнишга тайёр эди. Фарҳоднинг таклифида шум ният яширинганини ўйлаб ҳам кўрмади.

— Хўп десангиз, уч кундан кейин учрашайлик. Экстрасенс Зангиотада туради. Муқаддас жойнинг руҳга таъсири тезроқ бўларкан. Мен эртага бир оғайнимнинг укасини олиб боришим керак, бира тўла Жавлонни ҳам гаплашиб келаман.

— Ҳақи-чи?

— Ҳақими?.. Бир амаллармиз. Пулингиз бўлмаса, ишонсангиз, бирон нарсани гаровга бериб туришингиз мумкин, — шундай деб бармоқдаги узукка қаради. Севара бу қарашнинг маъносини уқиб, иккиланди. Бошқа чораси йўқлиги учун, узукни чиқариб узатди:

— Шу бўладими?

— Бўлишга бўлади-ю... — Фарҳод шундай деб кулимсиради. — Очигини айтсам... биринчи марта кўриб туриб одамга бунчалик ишонишингиз... тўғримикин?

— Алдаб кетишингиз мумкинми? Битта узук учун бунчалар паст кетмасиз?

— Қойилман! Ўғил болларда йўқ мардлик бор экан. Сизга ўзим телефон қиламан.

Фарҳод қизнинг телефон рақамларини ёзиб олгач, ишонинг осон битганидан қувониб, мамнун жилмайди. Иккинчи кўчанинг бошида шериги машинада кутиб ўтирган эди, унга парво қилмай ўтиб, қизни кузатмоқчи бўлди. Йўловчи машина тўхтатмоқчи эди, Севара „Автобусда кетаман“, деб кўнмади. Фарҳод унга монелик қилмади. У

ҳам автобусга чиқиб, учинчи бекатда лутф билан хайрлашиб, тушиб қолди. Унинг автобус ортидан изма-из келаётган машинага чиққанини Севара кўрмади.

Уч кун эмас, эртасигаёқ Фарҳод кўнгироқ қилиб, иш осон битганини билдириб учрашув жойини тайинлади. „Паспортигизни олволинг“, деб таъкидлаши Севарага барча иш қонуний ва расмий бўлажигидан дарак бергандай бўлиб, унга ишончи ортди. Шу туфайли учрашувни кечки тўққизга беллаганидан ажабланмади. Учрашиб, йўлда кетишаётганида Фарҳод узр оҳангида изоҳ берди:

— Экстрасенсинг кундузи вақти йўқ экан, кечки пайтга кўнишдан бошқа илож бўлмади. Унга Жавлоннинг сурагини кўрсатган эдим, „Таъсирчан бола экан. бунақаларнинг иши осон“, деди.

— Таъсирчан эканликлари тўғри, — деди Севара енгил хўрсиниб.

— Даволаниши енгил кўчиши учун унга астойдил жон куйдирадиган яқин одамни топиш керак экан.

— Қанақасига?

Севара „Астойдил жон куйдирадиган менман-ку, ахир!“ демоқчи бўлди-ю, истиҳола қилиб, шу савол билан чекланди.

— Жавлонни бу ерга олиб келиш шарт эмас экан. Экстрасенсинг „биотўлқин“ ё „биоток“ дейдими, „биочакра“ дейдими, яхши тушунмадим, ўша таъсир қиладиган бир балосини Жавлоннинг яқин одами орқали уйдан юборса ҳам бўларкан. Худди радио тўлқинига ўхшаб етиб бориб. қанақадир асаб ҳужайраларига таъсир қиларкан. Билмадим. тўғри айтдимми ё йўқми... ҳар ҳолда Жавлоннинг бошқа яқинларини танимаганим учун мен сизни таклиф қилдим. Икки-уч кун шу уйда туришга кўнсангиз, Жавлон бир ҳафтада ўзига келади.

— Тўғри таклиф қилибсиз, — деди Севара бу гапларга чиппа-чин ишониб. Ўзини қандай офат кутаётганини билмагани сабабли Фарҳоднинг гаплари унинг руҳини кўтарди.

Қоронғи кўчалар орқали юрдилар. Эллик-олтмиш йил аввал қурилган пастак иморатлар орасидан ўтиб, икки қаватли баланд бино олдида тўхтадилар. Атроф гира-шира қоронғи бўлгани сабабли Севара иморатнинг ташқи ҳашамини тўлалигича кўрмади. Ичкарига киргач, бадавлат одамнинг уйига келганини англади. Агар шу туришида бир...

унга „Бу уй экстрасенснинг уйи эмас, фоҳишахона“, деса ишонмаган бўларди. У фоҳишахоналар ҳақида эшитган, лекин унинг тасавуридаги бузуқлар уйи бу каби чиройли ва батартиб эмас, балки ҳаммом ёки бошқа бир шалтоқ хона кўринишида эди.

Фарҳод темир дарвозага яқинлашиб, домофон тугмасини босганича „Биз келдик“, дейиши билан эшик қулфи „ширқ“ этди. Фарҳод эшикни очди-ю, бироқ ўзи ичкари кирмади.

— Сиз хотиржам кираверинг, — деди садоқатли мулозим лутфида. Севара эшикка яқинлашгач, узрли оҳангда деди: — Телефонингизни менга бериб турарсиз. Биотўлқинларига зарари бормиш.

Севара телефонни унга узатиб, ўзи ичкарига қадам босди. Ҳовли кўчага нисбатан ёруғроқ эди. Севарани қотмадан келган йигит қаршилади, лекин салом бермади. Буйруқ оҳангида „Юринг“ деб уй томон бошлади. Уй эшигини очиб, ўзи остонанинг бу томонида қолди. Ичкарида, безаклари кўзни қамаштирадиган кенг хонада уни ўттиз беш ёшлардаги хушбичим аёл очиқ чеҳра билан қарши олди. Қизга синов назарини қадаб, диққат билан кўздан кечиргач, уни хона тўридаги юмшоқ ўриндиққа бошлади. Унинг қарашлари Севарага ғалати туюлиб, ўзини ноқулай сезгани учун ўриндиққа омонат ўтирди.

— Ўз уйингиздай бемалол ўтираверинг, — деди мезбон. — Икки-уч кун меҳмонимиз бўласиз. Қаҳва ичасизми ё чойми?

— Раҳмат... ичмайман... экстрасенс шу ердадилар? — деди Севара тортиниб.

— Шу ердалар, — мезбон хоним шундай деб, гулдор чойнақдан финжонга қаҳва қуйиб узатди. — Бир оғир касаллари бор. Шу сеансни тугатиб, сизникини бошлайдилар. Унгача ишни ҳужжатлаштириб қўямиз, паспортингиз ёнингиздами?

Севара сумкасидан паспортини чиқариб узатди. Хоним уни очиб, кўз ташлаб олгач, кўнгил хотиржамлиги билан килмайиб қўйди-да:

— Қаҳвани ичинг, — деб манзират қилди.

Севара ўзини мажбурлаб ичди. Конъяк қўшилган қаҳва тез таъсир қилиб, ичи қизиди, руҳида қандайдир енгиллик

сезилди. Тортиниш ҳисси йўқолди. Унинг ўрнини шодлик ҳисси эгаллади. Бу ерга келганидан, яқин кишисининг шифо топишидан қувонди. Мезбон хонимга жилмайиб қаради.

— Сизни хонангизга кузатиб қўяман. Бемалол дам олаверасиз, — деди хоним ундаги ўзгаришни кузатиб.

— Экстрасенс-чи?

— Айтдим-ку? Сеанс тугаши билан сизникини бошлайди. Вой, айтишни унутибман: сиз унинг олдида ўтирмайсиз. Хонангизда бўлишингизнинг ўзи етарли. Тўлқинлар сиз орқали эгасига етиб боради.

Хоним шундай деб уни тепага эмас, пастга бошлади. Ярим ертўла услубида қурилган пастки хоналар ҳам яхши безатилган эди. Севара кирган хонадаги икки каравотнинг бири банд — парча-парча гулли қизил шойи халат кийган қиз ухлаб ётган экан. Улар кириши билан эринибгина қалдини кўтариб, баралла керишиб олди.

— Маҳфузахон сизни зериктирмай ўтирадилар. Қорнигиз очса ё чанқасангиз айтарсиз, нима қилишни билади. Бу ҳам меҳмон, бир ҳафтада даволаниб, чиқиб кетади.

Мезбон хоним шундай деб, „Бошқа гапга ҳожат йўқ“. легандай Севарага қараб қўйди-да, изига қайтди. Эшикни ёпгач, ташқари томондан қулфланганини сезиб, Севара ҳамхонасига ажабланиб қаради. У ҳеч нарса билмагандай ўтираверди.

— Сизни даволашяптими? — деди Севара каравотига омонат ўтириб.

— Шунақа деса ҳам бўлади, — деди Маҳфуза эснаб. — Сенам даволанмоқчимисан?

— Йўқ-йўқ, — деди Севара уялиб. — Мен... унақамасман... Бир яқин одамим даволаниши керак.

— Тушунарли...

Бу гапдан кейин Маҳфуза унга тикилиб қаради. Унинг қарашини малол келиб, Севара ўрнидан туриб кетди. „Нимаси тушунарли экан?!“ деган ўйда ғашланди. Ҳатто чиқиб кетишни истади. Лекин умид кучи уни шу ерда қолишга мажбур этди.

— Яқин одамнинг қимми? — деди Маҳфуза ундан кўзини узмай.

Севаранинг кўзлаги унинг нигоҳига дуч келиб, қарашининг совуқлигини ҳис қилди. Жавоб бергиси келмади.

Жим турса, янги саволга тутилиши мумкинлигини англаб, ишончсиз оҳангда „Яқин қариндошимиз“ деди.

— Яқин қариндошингга куйсанг, яхши қиз экансан.

Бу гапда меҳр оҳанги сезилиб, Севара бир оз энгил тортди. Маҳфуза бошқа гапирмай, узала тушиб ётиб олди.

— Жавонни очсанг, ичадиган нарсалар бор, — деб яна эснади.

Маҳфузанинг вазифаси қизни фақат зериктирмасликдан иборат эмасди. Бир ҳафтадан кейин бу ерни тарк этиши эса рост эди. Яна тўрт қиз йиғилгач, ўн гўзалдан иборат „гулдаста“ бўлиб, хорижга жўнаш кераклигини, шу тўрт қиздан бири ўзи эканини Севара тасаввур ҳам қилолмасди. Бу ҳашамдор сарой оддий фоҳишахона эмас, балки хорижга юбориладиган гўзаллар тўпланиб, сараланадиган жой эканини Маҳфуза биледи. Хорижга кетгунига қадар бу шаҳардаги хос одамларга хизмат қила туриши ҳам унга маълум. Даволаниш ҳақида гап чиққанда Севара бу қизнинг қорадоридан қутулиш нияти бор экан, деб тушунди. Ўн тўрт ёшидан бери фоҳишалар оламини гуллатаётганини яшириш, хориждаги бир лақма бойнинг тўшагига қизлик номуси билан кириш учун жарроҳнинг „арзимас“ ип-игна-сидан „шифо“ топиши лозимлигини у қаердан билсин? Бу „шифо“ хўжайинларнинг бир-иккитасига, жарроҳу бузуқ жувоннинг ўзигагина маълум. Жарроҳ ҳам, унинг тигига рўпара келувчи ҳам сирни ошкор қилмаслик ҳақида қасам ичган. Тарозининг бир палласида қасам, иккинчисида ширин жони туради. Шу муолажага тайёрланаётган Маҳфуза уч соат илгари бир амалдорнинг кўнглини хушлаб, дам элаётганида оромини буздилар. „Эгар урилмаган от“га ҳамхона бўлишини, уни сафарга тайёрлаши лозимлигини эвлароқ айтишган эди. Шу сабабли мезбон хонимнинг зериктирмай ўтириш ҳақидаги гапини эътиборсиз эшитди. Оромини бузгани учун Севарага захрини сочишдан ўзини тийди.

Фарҳод ўзининг асосий ишидан ташқари бу „шифохо-на“га мижозлар топиб бериб турарди. Қорадорига пули ет-казай қолган қизларнинг аксари шу жойдан паноҳ топарди. Севаранинг қиз бола экани, гиёҳванд эмаслиги унинг нарсани анча оширган, лекин алдаб олиб келингани ишни сал мураккаблаштиргандай эди. Лекин киши хотирасини су-



сайтирувчи ёки вақтинча эс-ҳушидан айирувчи моддалар бор экан, мураккаб муаммолар ечишда қийинчилик сезилмайди. Энг муҳими, бу уй остонасини ўз оёғи билан босиб ўтса, бас. Севара нодон сайд аҳволида маккор сайёд тўрига тушганини ҳали билмасди. Маҳфуза бир оз ҳаракатсиз ётгач, бир „уф“ тортди-да, ўрнидан турди.

— Уйқу бир қочса, қайтиб келмайди. Энди эрталабгача довдираб юравераман, — деди минғирлаб. Кейин жавонни очиб, „кока-кола“ олди. — Ҳали тузланган бодринг егандим, ичимни ёндирипти. Ичасанми?

Севара йўқ, деб бош чайқаса ҳам, пиёлани тўлдириб қуйиб, унга ҳам узатди. Кўпириб турган ичимлик Севаранинг нафсини қитиқлаб, бир-икки хўплади. Маҳфуза эса кетма-кет икки пиёлани симириб, хунук кекирди. Музда „кола“ни бир хўплан ичган одам ўзини тўхтатиб қолиш қийин. Севаранинг ичи қуймаётган бўлса ҳам, пиёлани бўшатди. Маҳфуза яна тўлдириб қўйди. Шу зайлда суҳбат бошланиб, танишган бўлдилар. Маҳфуза Севарадан бир ёни кичик экан. Шунга қарамай, кибр отига минволиб, менсиз маслик оҳангида сенсираши Севарага малол келди. Лекин унга танбеҳ беришдан тийилди.

Уйқуси қочган Маҳфуза яна бир пиёла „кола“ни сўмиргач, чуқур ҳомуза тортиб, ўрнига чўзилди. Икки-уч дақиқа ўтмай, энгил хуррак ота бошлади. Экстрасенсининг даволаш сеансини кутаётган Севарани ҳам қаттиқ уйқу босди, ўрнидан турди, ўтирди, ўзини енга олмади. Қарама-қаршига омонат чўзилди-ю, уйқуга кетди.

Эрталаб мезбон хоним кириб икковини уйғотди. Севара ўзини энгил ҳис қилди.

— Янги жойда яхши ухладингизми? — деди хоним мезбонлик билан.

— Тошдай қотиб қолибман, — деди Севара уялинқираб.

— Бу яхши, демак, биотўлқинлар таъсир қилибди. Жиллонжон ҳам худди шундай энгил тортган бўлишлари келинган.

Бу гапни эшитиб, Севара қувонч билан жилмайди. Ўзини „тошдай қотиб ухлаши“ экстрасенсининг биотўлқини эмас, „кола“га қўшилган уйқу дориси эканини билса бу бунақа жилмайиш ўрнига портлаб кетармиди...

— Ноноштани шу хонада қиласизлар. Биотўлқин хонага йўналтирилди. Шунинг учун сеанслар тугагунча бу хонада бўлинг.

ердан жилмайсиз. Бир оз зерикасиз, лекин... чидайсиз. „Жон куйдирмасанг жонона қайда?“ дейишади-ку? Маҳфуза, дугонангга яхши қарагин, ҳўпми?

„Меҳрибон“ хоним Севарани ёлғон умидлар даштида қолдириб, чиқиб кетди.

Дашт атрофи чиройли безаклар билан ўралгани сабабли Севара гўзал тасвирлар ортида нима борлигини билмай қолаверди.

Нонуштадан кейин аниқ бир мавзуга бўйсунмаган суҳбат бошланиб, Севара даволанишнинг яхши бошланганидан хурсандлигини билдирди.

— Мен бошқача йўл билан бўлса ҳам... ўша яқин одамимнинг иродаларига таъсир қилишни мўлжаллаб қўювдим, — деди соддадиллик билан.

— Қанақа йўл? — деб ажабланди Маҳфуза.

Севара „Айтсамми ё айтмасамми?“ деб пича ўйланиб турди-да, ўзининг қорадорига ўрганиб, кейин енгиб чиқишини, енгиш жараёнини видеотасвирга тушириб, йигитга намойиш қилмоқчи бўлганини бир-бир сўзлаб берди. Маҳфуза бу гаплардан чинакамига ажабланди:

— Жинни-пиннимасмисан? Бу билан нимани исбот қиласан?

— Иродани бошқариш мумкинлигини, — деди Севара ишонч билан. — Қорадори заиф иродани янаям заифлаштирадими? Бунинг тиббий исботи борми? Бор! Заиф иродани енгиш мумкинлигини ким исбот қилган? Ҳеч ким. Минглаб одамлар „Адойи тамом бўлдим!“ деб тақдирларини ўлим ҳукмига топшириб ўтиришибди. Мен бу тушунча тўғонини бузиб ташлайман. Қиз бола иродасини енга олса, йигит ожиз бўлиб қолиши мумкинми?

— Сен хоҳишни ҳақиқат деб билмоқчисан? — деди Маҳфуза унга қаттиқ тикилиб. — „Ҳеч ким исбот қилмаган“ деганинг тўғри. „Қорадори“ деган оламнинг биттагина эшиги бор — кириш бор-у, чиқиш йўқ. Сен чиқиш эшигини очмоқчимисан? Нима билан? Бошингни уриб, темир девордан туйнук очмоқчимисан?

— Бу касаллик нега дунё бўйлаб юриш қияпти, биласизми? Билмасангиз билиб олинг: дунёда ўзига ҳам ишонмайдиган бадбинлар кўп. „Унга нима бўлса, бўлсин, менга нима!“ дейдиганлар кўп. Мен унақалардан эмасман. Мен

---

яхши кўрган одамимнинг кўзим олдида фарқ бўлиб ўлишини хотиржам кузатиб туrolмайман.

Севара беихтиёр „яхши кўрган одамим“ деб юборди-ю, сири фош бўлганидан афсусланиб, тилини тишлади. Ҳам-хонасидан „Оббо, яқин одамнинг яхши кўрган йигитингми, шунга шунча жон куйдирияпсанми?! Кўчада йигит зотига қирон келибдими?“ деган таънали гап кутди. Лекин Маҳфуза „яхши кўрган йигит“га аҳамият ҳам бермай, қўл силтаб, бошқа гап айтди:

— Уф-ф... худо нега қайсар қизни менга дугона қилиб қўйган-а... Севар, хўп, қорадорига ўргандинг ҳам, дейлик. Лекин сен айтаётган иш бир-икки кунда бўлмайди-ку? Мақсадингга етишинг учун бир дунё пул кераклигини биласанми? Ё Швейцария банкида адангнинг миллионлари борми?

— Пул топиладиган нарса, одамнинг ҳаётини пулга чақиб бўлмайди, — деди Севара ўжарлик блан.

— Сен калта ўйлар экансан. Хўп, режангни яхши дейлик, лекин уни қандай амалга оширасан? Сени ким игнага ўтқизади, ким видеога олади? Сен довдирни деб қамоқда чиришни бўйнига оладиган яна битта аҳмоқни қайдан топасан? Топдинг ҳам дейлик: энди икки қулоғинг билан яхшилаб эшитиб ол, сен айтган иш осонликча бўлмайди. Аҳмоқлигингга яраша ит азобига учрайсан. Биринчисидан сал гангиганга ўхшайсан. Кейингиси мойдек ёқади. Осмонда булутларда ҳузурланиб учгандек бўласан. Кейин ўрганиб қоласан, кейин қўмсай бошлайсан. Кейин эса...

— Нима бўлади? Дорисиз туролмайманми? Буни биламан

— Эшитиш бошқа, эшитиш — билиш эмас. Нафас олмасанг яшай олмайсан-ку? Шунақа бўласан. „Гера“ деганимизнинг шунақа даҳшатли кучи бор. Сен нозиксан, сени тез бўйсундириб олади. Вақтида олиб турмасанг, азобланиб, тутқаноқ тутгандай типирчилаб қоласан. Ўзи туққанмисан?

— Йўғ-е... Ҳали турмушга чиқмаганман.

— Турмушга чиқмаган туғмайдими? Туғмаган бўлсанг ҳозир бу азобни ҳис қила олмайсан. Ломканинг азоби тўғишникидан беш баттар ёмон. Азобдан чангак бўлиб қолган одамнинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди. Кутқармоқчи бўлган йигитингнинг кўзига ломка пайтида кўрингудай

бўлсанг, пул тополмаса сени битта дорига алмаштириб юборган бўларди.

— Унақа деманг. Биз бир-биримизни... яхши кўраимиз.

— Фу! Менинг олдимда бунақа гапларни гапирма. „Герра“ кучга кирганда мингта севгинг сариқ чақа бўлиб қолади. Юрагимни сиқвординг, кўй буларни, гапирсанг бошқа гаплардан гапир!

Энди бир тоғдан, бир боғдан гаплашган бўлдилар. Севарани уйқу босиб, каравотига ёнбошлади. Кейин баралла чўзилиб олди. Қанча ухлаганини билмайди, кўзини очиб қараганда рўпарадаги каравот бўш эди.

### ЧИҚМАГАН ЖОНДАН УМИД

Мебелчилар билан савдо пишмагач, Шоҳид боши берк кўчага кириб қолганини ҳис қилди. Бир ўзи бўлганда-ку, бунчалар қийналмасди. Ўзига етарли дорига пул топиларди. Лекин... уч кишини таъминлаш қийин. Икки оғайниси хумор тутганда гажак бўлиб олиб, оҳ-воҳини бошласа нима қилади? Фарҳоднинг айтганини бажариб, „Ўлса ўлар, қолса қолар“ деб кўчага олиб чиқиб ташлайдими? Йўқ, Шоҳид буни хиёнат деб билади. Жар ёқасига бирга келиш-лими, ё бирга қутулиб қолишади, ё бирга қулаб ҳалок бўлишади. Қулашга бир қадамгина қолганини сезиб, юраги кўркүвдан титраб турибди. Лекин бу кўркүв ўлим даҳшатидан эмас, балки қорадорисиз қолиб, азоб исканжаси талвасасига тушишдан. Қутулиб қолиш умиди уни бутунлай тарк этмаган. Лекин қутулиб қолиш бу бало тўридан ирода кучи билан енгиб чиқиш эмас, балки, ҳеч бўлмаса, икки-уч ойга етадиган пул топишдан. Видеокамера ҳисобига берилган кукун қанчага етарди? Шуларни ўйлаб, шифтга тикилиб ётган Шоҳиднинг юраги сиқилиб, ўрнидан туриб кетди. Уйнинг энг кенг хонаси ҳам тор туюлиб, ҳазво етмагандай бўлди. Ўртоқларига индамай кўчага чиқди. Ҳудди бир Ҳотамтой учраб, қўлига даста-даста пул тутқидигандай, атрофга умид билан термилиб, тентиради. Бир қанча вақт шундай мақсадсиз юргач, хаёлини тўплаб, эзининг аҳволидан ўзи нафратланди. Кимдир қулоғига „Бу кунингдан ўлганинг яхши“, деб шивирлагандай бўлди. Бу ғойибона товушдан бир сесканди-ю, кейин „Эркакми-

сан, нега шалвирайсан?!“ деб ўзини ўзи сўқди. Кейин отасини хасисликда айблаб, уни сўқа кетди. Шу онда уйдаги бир воқеа хаёлига тушди-ю, чеҳраси очилди.

Йигирма кунча олдин отасининг яқин дўсти йўқлаб келган эди. Отаси билан бир синфда ўқиган бу одамни „Мирвали ака“ эмас, „Мирвали амаки“ деб ҳурматларди. Уй эшигини Шоҳид очиб, амакисини меҳмонхонага бошлаганда у вақти зиклигини баҳона қилиб, ошнасининг хонаси томон юрган эди. Шоҳид уни кузатиб, дарров изига қайтмаган, амакисининг қўлидаги газетага ўроғлиқ нарса нима эканини билгиси келиб, ярим очиқ эшик ортида турганича гап пойлаган эди.

Салом-аликдан сўнг Мирвали қўлидагини Иззатга узатиб, узр айтганди:

— Иккита узрим бор, оғайни. Биринчиси — вақтида қайтаролмадим. Иккинчиси — уч минг етмай турибди.

— Бировга яхшилик қилган одам доим шунақа лақиллаб қолади, — деган эди Иззат норози бўлиб.

— Биров эмасман-ку, қиёматли дўст бўлиш адаларимиздан мерос қолган-ку?

— Аданг қиёматли дўстлик ўрнига беш-ўн минг кўкидан мерос қолдирганда менга сарғайиб юрмаган бўлардинг Юзта ошнанг бўлмасин, юз долларинг бўлсин, деганларини эшитмаганмисан? — Иззат шундай деб газетага ўроғлиқ пулни очиб, эринмай санай бошлаган эди.

— Гапга ҳам тескари тўн кийғизворасан-да, дўстим, мен минг долларинг бўлмасин, юз миллион долларга алишмайдиган битта дўстинг бўлсин, деган мақолни эшитганман Ўша битта дўстим сенсан. Оғиримни енгил қилдинг, бит ойда қолганини тўлайман, оғайнижон.

— Шунақа-да! Олаётганда „бисмиллоҳ“, бераётганда „ахтарфируллоҳ“ми? Мендан бошқа одам бўлганда „сеччикка қўйиб“ уруғ-аймоғинг билан хонавайрон қилиб юборарди.

— Шунинг учун ҳам қаршингда қуллуқ қилиб ўтирибман-ку. Тепамда Худо турибди, ўлгунимча яхшилигингни унутмайман...

Шу воқеа хаёлини ёритди-ю, уч минг доллар чўнтагига оқиб киргандай қувониб, Мирвали амакисиникига қараб йўл олди. Қўнғироқ тутмасини босиб, „Ишқилиб уйда бўлсинлар-да“, деган хавотирда турганида эшик очилиб, Мир

вали амакиси кўринди-ю, ғамлари ўша заҳоти аригандай бўлиб, енгил тортди.

— Ие, ие, тойчоқларнинг шоҳи, кел, киравер.

Шоҳид кичиклигида Мирвали уни „Тойчоқларнинг шоҳи“ деб эркаларди. У дамларда икки оғайнининг мартабасида фарқ оз бўлгани сабабли борди-келди узилмасди. Иззатнинг чўнтаги тўла боргани сайин бу яқинликка футур етгани болаларнинг келди-кетдисиға ҳам таъсир этганди. Шоҳид ўқишға кирганидан бери бу уйға қадам босмаганини ўйлаб кўрмаганди, Мирвали эса ошначиликнинг узилиб бораётганини тез-тез ўйлаб ўртанарди.

Ҳозир дўстининг эркатойини кўриб, ҳам қувонди, ҳам ажабланди. Озгина хавотирланди-ю, сир бой бермай, ичкариға бошлади. Шоҳид шошилаётганини айтиб, уйға кирмай, ҳовлида тўхтади.

— Ҳа, тинчликми? — деди Мирвали унга тикилиб қараб.

— Адам юбордилар. Озгина қарз олган экансиз. Қолган уч мингни берар экансиз.

Ёлғон гапирётганда уялиш нималигини билмайдиган Шоҳид бу гапни дадил айтди-ю, лекин Мирвалининг қаттиқ тикилишиға дош беролмай, кўзларини олиб қочди.

— Қани, менға қара-чи, пул ўзингға зарур бўлиб қолдими? Нимаға?

— Менгамас, адам тайинладилар.

— Ёлғон гапирма. Аданг ўғлини пулға юборадиган аноийлардан эмас.

— Ие, амаки, қарз олгандан кейин суриштирмай қайтариб беравермайсизми? — Шоҳид энди унга безрайганича тикилди. Бундан ғаши келган Мирвали афсус билан бош чайқаб, тўғри гапни айтиб қўя қолди:

— Ҳа... ота ўғил... ота ўғил... Мен қарзимни қайтариб берганман. Бир ойға муҳлат сўраган эдим, ишим юришиб кетиб, беш кунда қайтарганман.

Бу гапни эшитиб довдираган Шоҳид „Йўғ-е!“ деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ишонмаяпсанми? — Мирвали шундай деб чўнтагидан телефонини чиқарди.

— Нима қилмоқчисиз? — деди Шоҳид хавотирланиб.

— Аданг билан гаплашмоқчиман, ишонмаяпсан-ку?

— Керакмас, телефон қилманг, ишондим.

— Унда нега ёлгон гапиряпсан? Шунча пулни нима қиласан?

— Пул менгамас... — Гапни бу томонга бурилиб кетишини кутмаган Шоҳид баҳона излаб чайналди. Кейин Мирвалига дадил қараб, ёлгонини давом этди: — Пул оғайнимга зарур бўлиб қолди. Ойиси оғир касал. Ҳиндистонга олиб бормаса, ўлиб қоларкан. Ун мингни бир амаллаб топишибди. Уч минг етмай турибди, оғайнимга ёрдам бермоқчи эдим.

— Адамдан сўрамадингми?

— Адамдан... — „Адамни биласиз-ку, қизғанчиқ, битта чўп берадими!“ демоқчи бўлди-ю, лекин тилини тийди, — адам янги машина олиб бермоқчилар. Шунинг учун сўрашдан уялдим.

Мирвали бу гапларга ишонгандай бўлиб, бош чайқади.

— Ошнангга жон куйдирганинг яхши. Лекин сенга биров нақд уч минг бериб туролмайди. Бойвачча ошналаринг кўп-ку, уч юзданми ё беш юзданми сўрасанг, малол келмайди, бериб туришади. Қайтаришинг ҳам осон бўлади.

— Яхши айтдингиз, шунақа қилсам бўларкан. Полчинига ўзингиз бериб турасизми?

— Менми? — Мирвали „Оббо шайтон-е, отангдан ҳам баттарсан-а!“ дегандай истеҳзо билан кулимсираб, бош чайқади. — Яқинда қарздан қутулдим, чўнтақларимда шамол увиллаб юрибди. Сен бойвачча ошналарингдан сўра.

— Хўп, амаки, маслаҳатингиз билан бой қилиб юбордингиз. Фақат... адамга айтиб юрманг, одатларини биласиз-ку“

Мирвали „Тойчоқларнинг шоҳи“ деб эркалаган боланинг вояга етиб, бунчалар безбет бўлишини кутмаган эди. Шунча ёлгонни ёғдиргач, „Адамга айтманг“, деб бухорган тилдан узр сўзлари учмагани уни ранжитди. Дўстининг ўғлини афсус билан кузатиб, орқасидан „Э Худо боланинг оёқ олиши чакки, отасининг касри бунга урмайди. Ўзинг инсоф бер, Ўзинг асра“, деб дуо қилиб қолди.

### ҚАЛАВАНИНГ УЧИ

Экстрасенсинг қудратига ишонган Севара кока-кола қўшилган дори таъсирида ухлаб ётганида Гулнора чўғ ўстида ўтиргандай азоб чекаётган эди. Юрагини хавотирнинг чўғли тирноқлари тимдалаётган онанинг аҳволини „Ош

нинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада“, дейиш билан баён қилмоқ мумкин эмас. Ўқишдан қайтиши керак бўлган қизи бир соат кечикса, кўча эшигига юз марта қараб йўл пойлайдиган Гулнора шом қоронғуси тушганда уйига сиғмай қолди. Унинг бугунги хавотири ўзгача, аввалгиларига ўхшамас, юраги бир шумликни сезиб, кўкраги қизиб борар, томоғини нимадир бўғарди. Аксига олиб, эри ҳам кечикаётган эди. Бухорога бир иш билан кетган Ҳасан-Ҳусан „Қоронғида юрмай қўя қолайлик, ошналар эрталаб кузатиб қўйишмоқчи“, деб маълум қилишди. Ўғиллар кўнгилни хотиржам қилгани билан қизнинг кечикишидан аланга ола бошлаётган хавотир ўти пасаймади. „Ўқишдан чиқдим, Зангиотадаги дугонаминикига бориб китоб олиб келаман“, деган Севарадан шомда ҳам дарак бўлмагач, унинг яқин дугоналарига бир-бир кўнғироқ қилиб чиқди. Уларнинг Зангиотада яшайдиган дугонасини танимасликлари, Севаранинг телефони эса ўчиб қолгани олов устига мой сепилгандай бўлди. Эрига кўнғироқ қилиб, „Автобусдаман, ярим соатда уйда бўламан“, деган жавобдан қоникмади. Чуқур „уф“ тортди-да, Ҳасанга кўнғироқ қилиб, „Кечаси бўлса ҳам йўлга чиқаверларинг“, деб таяинлади. Ярим соат аввал эрталаб йўлга чиқишларига кўнган, „Ишқилиб йўлларингни Худо бехатар қилсин“, деб дуо қилган онанинг кутилмаганда чақириши Ҳасанни ажаблантирган бўлса-да, сабабини сўрамади. Кўнглига оралаган хавотирни укасига сездирмай, йўлга отланди.

Элмуроднинг ишда ушланиб қолиши янгилик эмас. Бунақа пайтларда меҳрибон хотиннинг „Келяпсизми?“ деб кўнғироқ қилиб қўйиши ҳам бор гап. Бугун „Вой, шунча ҳам юрасизми, тезроқ кела қолсангиз-чи“, дейиши бекорга маслигини сезган Элмурод автобусдан тушиб, таксига ўтирди. Телефон ушлаганича ҳовли ўртасида турган хотинини кўриб, хавотири бежиз эмаслигини англади, „Нима гап?“ дейишга улгурмай, Гулнора Севарадан дарак йўқлигини айтиб, йиғлаб юборди. Бундай хабар ота юрагини ҳам ғулғулага солса-да, Элмурод ўзини босиш баробарида хотинини тинчлантиришга уринди.

— Ўзингни бос, телефонларга ишониб бўладими? Бу ерда ишласа, бир қадам нарида „Хизмат доирасидан ташқарида“ деб туради, — шундай деб уй томон юрди-да, ва-



зиятни яна ҳам юмшатиш учун „Овқатинг тайёрами?“ деб сўради. Гулнора „Шунақа пайтда томоқдан овқат ўтадимми?“ деган маънода эрига ёвқараш қилди-ю, аммо норозилигини тилига чиқармади, маъсумаларга хос фазилати устун келиб, итоаткорлик билан ошхона сари юрди. Уйга кириб кийимини алмаштираётган Элмурод телефон қўнғироғини интиқ кутди. Телефон жиринглашини, қизининг „Адажон. сал кечикиб қолдим, кечиринг“, дейишини истади. Шундай дейилган тақдирда қандай жавоб қилишини, кейин қизи кириб келгач, гапни нимадан бошлашини ҳам ўйлади. Ҳар ҳолда Севара кириб келганда ундан олдин Гулнора аччиқ-аччиқ гаплар билан қаршиласа керак. Демак, унинг вазифаси дакки бериш эмас, балки, аксинча, қизини ҳимоя қилишдан иборат бўлади.

Севара тўққизинчи синфни битирган йили дугоналари билан шаҳар сайрига чиқиб, кеч қайтган эди. Ўшанда ҳам эр-хотин хавотир чўғида қоврилишганди. Қалби „Эй Худо, қизимни Ўзинг асра, эсон-омон уйга кириб келсин“ деб нола қилгани ҳолда, хаёлида ўйнаб-кулиб келган қизига қандай жазо бериш режалари ғимирларди. Қалтаклаш фикридан узоқ эди, бегонани сўкмаган одам ўз қизини сўкармиди? Дарвозахонада қизининг овозини эшитгач камарни олиб ҳовлига чиқди. Онасидан эшитадиганини эшитган Севара отасига жавдираб, ундан юпанч излаб қаради-ю, қаҳрли нигоҳга дуч келиб саросимага тушди. Элмурод қизидаги қўрқувни сезиб, ўқрайиб қараганидан ташаймон еди. Индамай ўтирилди, камар тутган қўллари оқ қасида эди, қизи бундан баттар қўрқиб йиғлаб юборди.

Элмурод ўйлаб топган бу тарбия тадбирини ҳар эслаб нида афсусланади. Сайрга чиқишига ўзи рухсат бермай ўқрайиши нима эди. бу ҳам етмагандай камарга бало бўлмиди?!

Ўша воқеани ҳозир ҳам эслаб, юраги бир увишган Гулнора шавлани сузиб келди. Чой қайтарди. Лекин тасовга қўл узатмади. Овқат сўраган Элмурод ҳам қошиқ уртмай бўлди. Гулнора унга „Нега энди емаяпсиз?“ деб танаббермади. Эр-хотин бир-бирига қарамасликка уриниб, ўтиришди. Охири Гулноранинг тоқати етмади.

— Бир нима қилсангиз-чи?

— Ўртоқларидан суриштирибсан-ку, мен нима қилдим?

— Нима қилай, деб ўтираверасизми... милисага хабар қилинг!

— Ваҳима қилмай ўтир, яна бир оз кутайлик.

Элмуроднинг шундай дейишдан бошқа иложи йўқ эди. Тун яримлаганда Элмурод милицияга кўнғироқ қилиб, навбатчининг „Уч кунда дараги чиқмаса, туман бўлимига ёзма ариза берасиз“, деган тўмтоқ жавобини олди.

Эрталабга қадар телефонга тикилганча мижжа қоқмай ўтиришди. Эрталаб кириб келган Ҳасан-Ҳусан онасининг гапларини эшитишди-ю, улар ҳам нима қиларларини билмай, гангиб қолишди. Охири суриштиришни университетдан бошлаш мақсадида кўзғолишди. Гулнора уйда ўтирадиган бўлди, Элмурод „Маслаҳатлашиб кўрай“, деб маҳалла оқсоқолиникига қараб юрди. Қизнинг бу кеч уйга келмагани ота-онада, акаларида хавотир уйготганидан ташқари, гап кўчага чиқса, маҳалла-кўй орасида оила шаънига доғ туширувчи бемаъни миш-миш тарқалиши ҳам мумкин эди. Хавотир алангасида ёнаётган одамлар бошига иснод дўли ёғилса, уларнинг чидашлари қийин. „Ўғил уйдан кетиб қолибди“, деган гап тез унутилади. Лекин „Қиз қочиб кетибди“ деганидан кўра, аввало, Худо асрасин-у, „Қизини машина уриб кетибди“, деганига чидаш осонроқ. Шу боис нохуш хабарнинг маҳаллага чиқишига кўнгиллари бўлмайроқ турди. Ноиложки, ўз ёғларига ўзлари қоврилганлари билан муддаога етиб бўлмайди.

Оқсоқол бегона эмас, қариндошлиги бор бўлгани учун Элмурод овоза қилмаслик шартини аввал ўртага қўйиб, кейин дардини айтди. Оқсоқол Элмуроднинг гапини эшитди-ю, тайинли маслаҳат бера олмади. „Уйда ўтира туринг, участкавойимиз келса, чиқараман, йўл-йўригини шулар билишади“, дегач, бўшашиб қайтди.

Қайтатуриб, Шоназирнинг уйи олдидан ўтаётганида бирданига оёқ-қўли бўшашиб кетди. Йигирма беш йилча муқаддам бу уйга бир фалокат кириб келган эди. Элмуроднинг онаси бу хонадоннинг ёлғиз қизини кўз остига олиб қўйган, лекин „Ҳеч бўлмаса учинчи курсга ўтиб олсин“, деган ўйда совчиликка чиқмаган эди. Элмурод онасининг ниятини биларди, уйланишдан гап очилса, таранг қилиб ўтириш фикридан нари эди. Лекин қишнинг аёзли тонгида ўқишга кетган қиз уйга қайтмади. Қидирдилар,

---

кутдилар, изи ҳам топилмади. Бунинг ўрнига „Йигити билан қочиб кетибди“, деган миш-миш тарқалди. „Тонг қоронғусида машина уриб кетиб, ўлигини анҳорга ташлаб юборишган“, деган ваҳимали тахминлар ҳам бўлди. Отананинг бу фожиага ишонишлари оғир эди, иснод бўлсада, „Йигити билан қочиб кетгани“га рози эдилар. „Тирик бўлса, бас, севгани билан турмуш курса, бир-икки болали бўлгандан кейин барибир уэр сўраб келади-ку“, деган илинж билан яшаган она вафот этиб кетди. Ота эса ҳануз кутади...

Ҳовлига каловланиб кириб келган Элмурод хотинининг савол назарига „Ҳозир милиса келади“, дейиш билан чекланди. „Ҳозир милиса қизимизни топиб келади“, деган ишонч билан эмас, „Уларнинг қўлидан бир иш келишига ақлим етмайди“, деган гумон оҳангида айтди. Яхшики, Гулнорага шу гап кифоя қилди, яна оҳ-воҳини бошласа, „Нажотни милисадан эмас, Худодан тилаб, сабр қилиб ўтир“, деб жержиб бермоқчи эди.

Уйга кириши билан телефон жиринглади. Умид куёши чарақлагандай бўлиб, гўшакни қулоғига тутди.

— Ада, янгилик борми? — деди Ҳасан.

— Худо хоҳласа, бўлишини кутиб ўтирибмиз. У ёқда нима гап?

— Курсдошлари билан гаплашиб чиқдим. Кеча ўқишда экан. Лекин... кайфияти сал чатоқроққа ўхшабди. Нимага-лигини билишмади. Фақат биттаси „Жавлон деган бола ўқишга келмай қўйганидан ташвишда эди“, деди. Ҳусан ўша боланинг уйига кетди.

— Жавлон дедингми?

— Танийсизми?

— Ўзини танимайман-у, устози мақтаган эди.

— Мен яна бир-икки киши билан гаплашиб, кейин яна кўнғироқ қиламан.

Яна „кутиш“ деб аталмиш азобли дақиқалар бошланди. Дақиқалар соатга айланди. Чошгоҳ пайти маҳалла оқсоқоли капитанни бошлаб келди. „Ҳозирги ёшлар сал беғамроқ, келин, ташвишланманг, ҳали замон ўзи келиб қолади“, деб Гулнорани юпатмоқчи бўлди. Капитан гап бошлашидан олдин одати бўйича дафтарини очиб, нималарнидир ёзаётган пайтда телефон жиринглади.

— Ҳусан Жавлон деган боланинг уйига борибди. „Уч-тўрт ҳафтадан бери устозиникида“, дейишибди. Ўша устозини топиб, сўрасам, „Меникида нима қилади, тўрт-беш кундан бери ўқишда ҳам кўрмадим“, деяпти. Ада, ўша болани албатта топишимиз керак. Ҳозир Ҳусан билан учрашиб, маслаҳатлашиб оламиз.

Телефон гўшагидан овоз баландлаб чиқаётгани учун капитан ёзаётган бўлса ҳам, айтилаётган гапга диққат қилди. Кейин Элмуродга савол назари билан қаради:

— Ўғлингизиди?

— Ҳа, ўғилларим қидиришяпти.

— Қидиришса қидиришсин-у, ўзбошимчалик қилишмасин. Кўп кўрганмиз, баъзилар бир балони даф қиламан, деб иккинчи фалокатни орттириб олишади.

— Уйда пойлаб ўтиришганининг фойдаси борми? Сиздагилар „Уч кундан кейин ёзма ариза билан мурожаат қиласиз“, деб ўтиришибди-ку? — деди Гулнора тутаб.

— Қоидаси шунақа, опа, мана, акамнинг ҳурматларини қилиб мен келдим-ку?

— Келганингиз яхши. Уйда ўтириб, нима қилмоқчисиз?

Бу гапдан капитан малолланган бўлса-да, вазминлик билан жавоб берди:

— Бу уйда ўтириб, опажон, калаванинг учини топишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

— Қанақа калава?

— Бизнинг ишимизда зигирдеккина далил ҳам катта фойда беради. Масалан...

— Элмурод, узр, ҳокимиятда мажлисим бор эди, — оқсоқол капитаннинг гапини бўлиб, кўзголди. Элмурод ҳам ноилож ўрнидан туриб, уни кузатиб чиқди.

— Элмурод, бу ёғини капитанга қўйиб беравер. Пишиқ бола. Зайнининг ўгли қочиб кетганда икки кунда топиб келган.

— Гапингизни қаранг, оқсоқол, Зайнининг ўгли кичкина бола...

— Мисол учун айтдим-да, дарров қайириб ташламагин. Капитанга бир гапни айтмадим. Бу гапни аввал ўзингга айтай, кўнглингга ҳам олма, жаҳлинг ҳам чиқмасин, лекин ўйлаб кўр, — оқсоқол „Сўз берасанми?“ дегандай тикилиб бир оз сукут сақлади-да, кейин мулоҳазасини билдирди: —

Қизингни бир-икки марта Шодининг оқ қилган қизи билан бирга кўришибди. Узим ҳам кўрган эдим. Бу ёғини ҳам суриштир.

Бу гапни эшитиб Элмуроднинг ранги дув оқариб кетди. Гапирай деди-ю, титроқ лабларидан сўз учмади.

— Телевизорда бу қиз ўғирлаб кетилган, дейилгани билан, унинг кимлигини маҳалла билади. Сенинг қизинг унақамас, иймонли қиз, лекин барибир суриштириб кўр.

Оқсоқол шундай дегач, Элмуроддан гап кутмай, уни яна бир аланга устига отиб кетди. Элмурод унинг изидан қараб қолди. Қулт этиб ютиниб, ичиди отилиб чиқишга уринаётган фарёд вулқонини қайтарди. Аҳволини хотинига сездириб қўймаслик учун чуқур-чуқур нафас олиб, ўзини босган бўлди-да, ичкарига қайтди.

У жойига ўтиргач, капитан бошлаган гапни давом қилди:

— Масалан... Ҳозирги ўғлингизнинг гапидан ҳам калаванинг учини топиш мумкинга ўхшайди.

— Қанақасига? — деди Элмурод ажабланиб.

— Тушунишимча... очигини айтганимга ранжимайсизда-а? Масалан... қизингиз Жавлон деган курсдоши билан... яхши муносабатда экан.

— Бун билмаймиз, — Элмурод шундай деди-ю, ёлғони ошкор бўлишидан чўчиб, изоҳ берди: — Хўш, тахмин қилайлик, агар шундай бўлса-чи?

— Яхши, тахмин қиламиз. Агар уйингизга совчилар келиб турган бўлса...

— Қизлик уйга келади-да совчи, бунинг нимаси шубҳали? — деб гапга аралашди Гулнора.

— Шубҳали жойи шундаки, опажон, Жавлон деган бола ҳам уйда йўқ. „Устозимникидаман“, деб кетган экан У ерда ҳам йўқ. Ўқишда ҳам йўқ. Эҳтимол, унинг ота-онаси ҳам бугун „Ўғлим йўқолди“, деб милицияга арз қилар? Мантиқ иплари бир-бирига уланадиганга ўхшаб қолди. Балки... бирга...

— Қочиб кетишган, демоқчимсиз? — деди Элмурод кескин оҳангда, — Бунақа севишганлар киноларда қолган. Ҳозирги ёшлар бошқачароқ.

— „Бошқачароқ“ деганингиз нимаси? Ўйлаб гапиряпсизми? — деди Гулнора эрининг бу гапидан ғашланиб.

— Онаси, чой кўйгин... Гапимиз сал чўзиладиганга ўхшайди. Ҳар ҳолда укамиз оқсоқолнинг гапини икки қилмай келибдилар. Ҳурматлари бор, қуруқ кетмасинлар.

— Сиз ҳам ўйлаброқ гапиринг гапингизни.

Гулнора норози оҳангда шундай деб, истамайгина ўрнидан турди-да, ошхона томон юрди. У нари кетиши билан Элмурод чўнтагидан бир варақ қоғоз олиб, капитанга узатди:

— Калаванинг учи бу ерда бўлса керак.

Капитан қоғоздаги ёзувга кўз югуртирди: „Бевош қизингизни кечиринглар, шундай қилишга мажбурман. Эртаниндин қайтаман. Ҳаммамиз бахтли бўламиз. Бахт учун эса курашиш керак“.

Капитан қоғоздан кўзини олиб, Элмуродга савол назари билан қаради.

— Кеннайингиз билмай тура қолсин. Ҳали оқсоқолга учрашиб келганимдан кейин пул қўйган жойимда кўриб қолдим. Пулни олиб, хатни ташлаб кетибди.

— Қачон?

— Аниқ билмайман. Балки кеча олгандир.

— Пул... кўпмиди?

— Уч-тўрт юз минг... рўзгорнинг пули-да, — Элмурод мужмал жавоб бериб, анигини айтгиси келмади. Капитан аниқлаштиришга уринмай, бошқа саволни сўради:

— Пул нимага керак бўлиб қолганин?

— Ким билади? Балки... биронтасига ёрдам бергиси келгандир.

— Ёрдам бергиси келса... сиздан яширадими? Қизингизнинг хатти-ҳаракатида, гапларида ўзгариш сезмаганми-дингиз?

— Нимага шама қиялсиз?

— Ҳозирча ҳеч нимага. Маҳалладаги наркоманлар оралида қизлар ҳам бор. Яна ким билсин?

Бир отанинг юраги яна қанча шубҳа ўқлари билан яратаниши мумкин? Маҳалла оқсоқолининг гумони камлик қилиб эдими? Элмурод „Э Худо!“ деб юборди. Чойнаклиёла кўтарган хотинининг қайтаётганини кўриб, ўзини тутди, паст овозда капитанга илтимос қилди:

— Тахминингизни овоза қилмай турунг, юраги ёрилиб кетади.

Ҳали келишасангдан оқсоқол „Қасалхоналардан, ўлик-хонадан қидириш керак“, деб уларнинг юрагини ёрманг“, деган эди. Қидириш ишлари бошланмай туриб айтиладиган илтимослар, қўйиладиган шартлар капитан учун янгилик эмасди, шу бонс бош ирғаб, „Хўп“ деб қўя қолди.

### ТУПУРИЛГАН ЮРАК

Ҳам пулдан қуруқ қолган, ҳам шармандаси чиқиб, сири фош бўлай деган Шоҳид тоғасининг уйига, умидвор дўстлари ҳузурига аламзада ҳолда қайтди. Мускат ёнғоғи қақиш билан банд бўлган Радик унга бир қараб қўйди-ю, ишини бамайлихотир давом эттирди. Қалтироқ панжалари ўзига бўйсунмаётгани учун ёнғоқ сирғалиб кетиб, болға бармоғига тушди. „Уҳ-ҳ!“ деб оғриқ бармоғига лабини босди. Бошини боғлаганича диванда чўзилиб ётган Жавлон унинг ҳаракатларидан гаши келиб „Ношуд“ деб гўдираниб қўйди. Радик чақилган ёнғоқларни ҳовончада туйиб, ко-садаги қатикча аралаштиргач, уч-тўрт хўплади-да, ҳузурланиб, лабларини чапиллатди.

— Жоннинг роҳати бўлибди, — деб Шоҳидга узатди. Шоҳид афтини буриштириб тескари қарагач, Жавлонга узатди. Жавлон кўнгил айланишини босармикин, деган илинжда олиб хўплади.

— Ҳозир эртақлар ҳақиқатта айланиб, бир думалаб қушга айланиб қолсам, тўғри Амстердамга қараб учардим, — деди Радик, ундан косани қайтариб олиб.

— Пулинг бўлса, қушга айланишингга ҳожат йўқ, самолётга ўтиргину учавер, — деди Шоҳид тўнғиллаб.

— Шу пайтда Амстердамда сенга нима бор экан? — деди Жавлон яна диванга чўзилиб.

— Амстердамда кафе-шоп бор, эшитмаганмисан? Шаҳар меҳмонларига қуруғидан текинга беришади. Ўзининг аҳолисига мумкинмас, мусофирларга бемалол! Меҳмондўстлиги зўр уларнинг.

— Сенга фақат шунақаси керак, сен фақат меҳмонсан, ўлигингни бировнинг устига ташлаб яшайсан.

— Унақа демагин ошна, бизнинг елкамизга ҳам офтоб тегиб қолар, — деди Радик ранжиб. — Чарчаган бўлсанг, дамнингни ол, хизматингда бўлайлик.

— Сенларнинг хизматингни...

— Хумордан чиқишнинг яхши йўли — сўкиш. Яқин ош-наларни сўккан одам онадан янги туғилгандай бўлади. Сўкиш сендан, хафа бўлмаслик биздан. Авзойингга қараганда тополмаганга ўхшайсан. Лекин бу фожа эмас, униси бўл-маса, бошқаси.

— Нима деб минғирлаяпсан?

— Топдингми?

— Нимани?

— Фарҳоднинг ўрнига бошқа... мижозни...

— Мижоз тикилиб ётибди. Пул керак, пул! Тушуняп-санми! Пул!

Ошнасининг гаплари ғашини келтирган Шоҳид шарт ўрнидан туриб ниманидир қидира кетди. Стол устидаги майда-чуйда нарсаларни у ён, бу ён отди. Бу ҳаракатдан ажабланган Радик унга яқинлашиб, меҳрибонлик билан косани тутди:

— Нимадандир асабинг бузилганга ўхшайди, шунга ич-волгин, тинчийсан.

Шоҳид унга ўқрайиб қараб косани олди, лекин ичмади, деворга қараб отиб, „Ҳайвон!“ деб бўқирди. Қайси иши учун „ҳайвон“ деган мартабага лойиқ кўрилганини англай олмаган Радик тисарилган жойида жим қолишни маъкул кўрди. Коса диван томон отилган эди. Жавлон „Ётишимдан жаҳли чиқди“, деб ўйлаб, ирғиб ўрнидан турди-ю, қай томонга юришни билолмай, гангиб, у ҳам Радик сингари жойида қотди.

Шоҳид беўхшос ҳайкал каби қотиб турган дўстларига ғазабли нигоҳини бир-бир қадаб, яна бақирди:

— Қани?

— Нима? — деди Радик журъатсиз оҳангда.

— Газет турувди шу ерда, эълонлари бор.

— Ана, — деди Радик пианино томон имлаб, — Боя ўзинг кўйдинг-ку?

Шоҳид газетани шошилиб олиб, эълонлардан ниманидир излади. Сўнг саҳифадан кўз узмай, телефон рақамини терди.

— Алло, мен эълон бўйича телефон қиляпман. Ҳа, пианино сотиб оламан, деган экансиз. Нима? Икки ой олдин сотиб олдингизми? Яна битта ола қолмайсизми? Бизники



жуда-а зўридан, адам Америкадан олиб келганлар. Номими? Ҳозир... ҳозир...

Шоҳид пианинонинг пешонасидаги ёзувни ўқигунча телефон узилди.

— Ҳайвон! Қачонги газет ўзи бу!

Шундай деб газетани аввал гижимлади, бундан кўнгли тўлмай, майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Шоҳидни қандай овутишни билмай туришганда остонада Фарҳод кўринди. Унинг шарпадай пайдо бўлиши учовини ҳам тааж-жубга солди.

— Эшикларинг очиқ экан, қадрдонлигимиз ҳуқуқидан фойдаланиб, кириб келавердим, — деди Фарҳод уларга бир-бир қараб.

Радиқ орадаги ноқулайликни кўтариш учун ўзини жилмайишга мажбур қилиб, унга пешвоз чиқди:

— Фақат эшитгимиз эмас, сиз учун қалбимиз дарвозалари ҳамиша ланг очиқ, акахон.

— Бу тангликларингни биламан, — деди Фарҳод Шоҳидга яқинлашиб. — Ака-укадек бўлиб кетганмиз, деб юрардим. Шунинг учун менам сенларга юрагимни очиб яқинлашган эдим. Уялмай-нетмай нақ юрагимга тупуриб ташладиларинг-а?

— Нима?!

Шоҳид бу тавиянинг валдирашини эшитяпсанларми, деган маънода дўстларига тезгина қараб олгач, Фарҳодга тикилди:

— Кўчада бунақа гапларнинг жавоби бўлади, акахон?

— Сен кўчанинг одами эмассан, катта кетма.

Фарҳод айтмаса ҳам, Шоҳид буни яхши биледи. Бойнинг боласи бўлгани билан кўчанинг одамлари орасида суянадигани йўқлигидан доим афсусланиб юради. Лекин ҳозир ҳақиқат бетига айтилган дамда буни тан олгиси, паст кетгиси келмади.

— Кўчанинг одами бўлмасам, кимман?

— Бир мишиқи боласан, десам, жонинг чиқиб кетиши тайин. Сен унақамассан, ана, ошналаринг шунақа. Сен бойваччасан. Кўча одамларига яқинлашишинг мумкин эди. Лекин мени алдаганинг учун кўчага қараган йўлинг тўсилди, укахон.

— Нима деб алдабман?

— Бир нима деганинг йўқ, ундан баттари бўлди: менга ўғирланган камерани бериб, милисага рўпара қилиб қўйдинг. Кўча одамларида мана шунақа хунасаликнинг жавоби бўлади.

— Акахон, бугун гапларингиз жа-а бошқача, қайси осмондан тушдингиз? — деди Радик уни туртиб.

— Нар и бор, исқирт, — деб Фарҳод уни итариб юборди.

Боятдан бери аламини кимдан олишни билмаётган Шоҳидга шунинг ўзи кифоя қилди. Дўстини эмас, ўзининг шаънини ҳимоя қилиш мақсадида Фарҳодга мушт туширди.

Фарҳоднинг камера ҳақидаги гаплари ёлгон эди. Яп-янги камерани сотиб, пулини чўнтакка уриб бўлган эди. Йигитларнинг ночор аҳволга тушиб қолганларидан фойдаланиб, шу даъвони айтиб, уларни яна чув тушириш мақсадида бу ерга келиб эди. У дори хуморидаги йигитларнинг довдираб қолишларига ишонган эди. Дори эвазига пианинони рўпара қилишса, олиб кетишдан тоймасди. Харидорларини каттага тушириш бир муддао, асосий мақсад — қасос эди. Фарҳод шу хонада хорланганини унута олмасди. Сочилган пулларни териб олаётганида сир бой бермаган, аммо юрагининг бир бурчагига қасос ўтини ёқиб қўйган эди. Бунақа бойваччаларнинг керилиши узоққа бормаслигини биларди. Шу боис юрагини куйдираётган қасос ўтига чидаб, пайт пойлади. Пул ўрнига камерани беришлари қасос онлари етиб келганидан далолат эди. Энди ҳужумни бошлаши мумкин, энди бу мишиқилар унинг атрофида тиззалари шилиниб кетгунича эмаклай-эмаклай ялинишади. Худди эгасидан суяк умидида бўлган оч итлар каби судралишади. У эса истаса беради ўша суякни, истамаса — йўқ! Уларнинг обдон ҳолдан тойишларини, оғизларидан қўпик сачратиб тиришиб қолишларини ҳузурланиб кузатади...

Ана шундай ниятда ғоз юриш билан уйга кириб келган Фарҳод ўйлагани амалга ошмай, жағига мушт тушгач, бир қалқиб кетди-ю, сергакланиб, ҳимояга шайланди:

— Сен ҳали пушаймон бўласан! — деб бақирди.

— Онадан туғилганингга ўзинг пушаймон бўласан! — Радик шундай деб орқадан тепиб қолди.

Фарҳод Шоҳиднинг ёноғига мушт туширишга улгурди. Бу ёғи ола-гасир бўлиб кетди. Кўзларига қон тўлган уч

йигит уни копток қилиб тепкилай бошлашди. Фарҳод шалвираган қопдай бўлиб, ҳаракатсиз қолгач, биринчи бўлиб Жавлон тўхтади-да, тепаётган Шоҳидни четта тортди. Кейин Радик тўхтади. Кўзларини катта-катта очиб, Фарҳоднинг қонга беланган юзига тикилиб қолди. Бир оз шундай тургач, аста энгашиб, унинг ияги остига кафтини қўйди. Йўгон томирда қон юриши сезилмади. У кўрқиб кетганидан жасад ёнига шалвираганича тиз чўкди.

— Шоҳ... Шоҳ... ўлибди... — деди йиғламсираб.

— Ваҳима қилма, ўлгани йўқ, иккига тепкига ўларканми? — Ўзининг гапига ўзи ҳам ишонмаган Шоҳид энгашиб, Фарҳоднинг юзига енгил шапати урди. — Акахон, биздан ўтди, узр, аммо ўзингиз бошладингиз. Тура қолинг энди. Манави болачаларнинг ўтакасини ёрманг.

Фарҳод қимирламади, жон аломати сезилмагач, Шоҳид титроқ бармоқларини унинг кўзи томон юбориб, қовоғини қайириб кўрди. Бу ҳолни кўриб Жавлон пиқиллаб йиғлай бошлади. Шоҳиднинг ўзини ҳам кўрқувнинг қора булут чирмаб олди. Ҳолсизланиб, тиз чўкганича ҳаракатсиз қолди. Жавлон ўкиришни бошлагач, ўзига келиб, унга қараб ўқрайди-да:

— Йўқол бу ердан! Серрайиб турмай, афт-башарангни юв! — деб бақирди.

Жавлон бу амрга сўзсиз итоат этиб, ювиниш хонасига қараб кетди. Радик йиғламаётган бўлса-да, кўрқув титроғи ҳукмида эди. У ҳозир ерда чўзилиб ётган ўликдан эмас, балки қилмиши учун эртага бориб ўтирадиган панжара ортидаги жой вақшатида даҳшатга тушган эди. Орадан бир неча дақиқа вақт ўтиб, иккови ҳам кўрқув жаридан сал чекингандай бўлиб, „Нима қиламиз?“ деган савол назари билан бир-бирига тикилиб қолди.

— Шоҳ, гувоҳ йўқ, буни гумдон қилиш керак!

— Қанақасига? Қаерга? — деди Шоҳид довдираб.

— Йўли кўп, — деди Радик ўйчан тарзда. — Майда бўлакларга бўлиб, шаҳарнинг ҳар жойидаги ахлатхоналарга ташласак-чи?

Радик бу таклифни ўзи ўйлаб топмаган, киноларда кўрганини айтган эди. Шоҳид ҳам бунақа гапларни эшитган, лекин ҳозирги таклиф уни сескантириб юборди. Фарҳоднинг ўлганини билганда ҳам бундай ҳолга тушмаган эди.

— Қалланг ишлайдими? Сен бўлақлаб берасанми? — деди. Вужудини кемираётган қўрқувни титроқ лаблари ошкор этди. Радик ҳам шу аҳволда эди. Ўзининг таклифини ўзи амалга оширажаги ҳақидаги гап амр эмас, тусмол билан айтилган бўлса-да, баттар қўрқиб, тисланди.

— Нега энди мен?.. Нега энди мен?.. — деб пичирлаб, босиб келаётган йиғига йўл бермаслик учун юзини қафти билан тўсди.

Шоҳид унга эътибор бермай, Фарҳодга жон қайтишини кутгандай тикилиб ўтираверди.

— Ҳовлига олиб чиқиб кўмамиз, — деди Шоҳид ўзига ўзи гапираётгандай. Радик буни эшитди:

— Шуниси тўғри, ҳеч ким билмайди, — деб уни қувватлади.

— Юр, чуқур кавлаймиз, — Шоҳид шундай деб ташқарига йўл олди, лекин остонага етмай тўхтади. — Бу битта ўзи юрмасди, кўчада шериги қолган бўлиши керак?

Қотиллик тасодифан юз бергани билан бу фожиага олиб келувчи йўлга Фарҳод билан илк учрашув чоғидаёқ қадам кўйишганини улар фаҳм этишмас эди. Бадандаги яра аввалига игна учи ҳажмида кўринади. Бир-икки қашиб кўйиш билан танадаги нохушлик йўқолгандай бўлади. Эртаси ё индинига яра мошдай бўлади, оғриқ бошланади. Яра данакдай, баъзан ёнгоқдай бўлади, оқибат ёрилади. Йигитларнинг ҳозирги ҳолати шундай эди: яра ёрилди, энди нима қилиш керак? Ўликни кўмиб кўйиш осон. Лекин хотираларига синган даҳшатни қаерга кўмишади? Алҳол, бу улар учун асосий муаммо эмас, муҳими — қандай қилиб бўлса-да, ўликдан қутулиш. Остонада туриб қолган Шоҳиднинг узоқ ўйлаши учун фурсати йўқ эди. Назарида ҳозирнинг ўзида милиция бостириб кириб, уларнинг қўлларига кишан урадигандай эди.

Шоҳид ўйлай-ўйлай, „Агар кўчада Фарҳоднинг шериги бўлса, уйга алдаб олиб киришдан бошқа чора йўқ“, деган қарорга келди.

— Сен дарвозанинг тагида тайёр тур. Лалайма, шалви-лама! Ўғил боламисан ўзи?!

— Нима қилмоқчисан?

— Шеригини чақириб келаман.

— Нега?

— Негалигини ўшанда биласан, — Шоҳид шундай деб ташқарига юрмалди, ювиниш хонасига кириб, кўзуга қараб олгач, ваннага энгашганича бошига сув қуяётган Жавлонни нари суриб, юзини ювди, сочларини таради. Кейин кўйлагини алмаштириб, яна кўзуга қарагач, кўринишидан кўнгли тўлиб, Жавлоннинг елкасига енгил мушт урди:

— Ҳажикўзларга ўхшаб пиқиллайверма. Ҳеч нарса бўлмади, тушундингми?

— Ўлмабдим? — деди Жавлон умид билан тикилиб.

— Тирикка ўхшайди... сен шу ерда жим ўтир.

Шоҳид шундай дегач, чуқур нафас олди-да, дадил қадамлар билан юриб ҳовлига, ундан кўчага чиқди. Янглишмаган эди, кейинги муюлишда Фарҳоднинг машинасига кўзи тушди. Фарҳод эҳтиёт чорасига доим амал қиларди, ёнида ошиқча қорадори олиб юрмасди. Машинасини манзилдан нарироқда тўхтатиб, ҳеч бўлмаса юз-юз эллик қадам пиёда босиб келарди. Юра туриб, атрофга аланглаб, хавотирли ҳаракат бор-йўқлигини аниқларди. Шоҳид унинг бу одатини билгани учун машинага шошилмай яқинлашди. Кейин эшикни ярим очиб, саломлашди. Фарҳоднинг шериги уни таниса-да, „Сен нега келдинг, Фарҳод қани?“ дегандай аланглаб қўйди. Шоҳид сир бой бермай, кулимсираганича манзират қилди:

— Акахон, ҳар сафар келасиз-у, бир пиёла чойимизни ичмай кетасиз-а?

— Чойга тоқатим йўқ, аканг қани?

— Акам... ҳисоб-китоб қўляптилар, машинани олиб кира-рармишсиз.

— Нимани ҳисоб-китоб қилади?

— Нақд пул йўқ эди, гаровга у-бу нарсаларни олиб кетмоқчилар. Орқа билан кирсангиз ортиб берамиз.

— Қанақа „у-бу“? — шерикнинг овозида хавотир сезилди, ўтирилиб, Шоҳид келган томонга қаради. Шоҳид бунга сезмагандай изоҳ берди:

— Четдан келган ҳар хил идиш-товоқлар. Уйда томошага қўйилгандан кўра иш бергани маъқул-да, тўғрими?

Шундай деб ҳайдовчининг ёнидаги ўриндиққа ўтирди. Бу томонга юришганда Фарҳод „Мишиқи болларнинг етти қават терисини шилиб“ чиқажагини айтган эди. Шерик „Ишни пишитибди-да, ушлаган жойидан кесмай қўймай-

ди“, деган хаёлга келди. Шоҳиднинг хотиржам кўриниши дастлаб пайдо бўлган гумон булутини тарқатди. Машина орқага юра бошлагач, дарвоза очилди.

Шоҳид „Зинага тақаб бораверинг“, деди. Шерик айтилган жойда машинани тўхтатиб, орқа юкxonани очди. Шоҳид тушиб, юкxонага қаради-да:

— Акахон, картошка экканмисиз, нари-бери қилмасак, нарсалар сигмайди, сиз кўрсатиб туринг, ўзимиз кифтини келтириб тозалаб ташлаймиз, — деди.

Шерик истамайгина тушиб, атрофга бир аланглаб олди-да, юкxонага энгашди. Шоҳидга шу керак эди. Чиқаётганида тайёрлаб кетгани, зинада турган гантелни олди-ю, шерикнинг бошига зарб билан урди. Шерик „ух“ дейишга ҳам улгурмади. Биринчи зарбага қаноат қилмаган Шоҳид иккинчи-учинчи марта ҳам урди. Буни кузатиб турган Радик кўзларини чирт юмиб олди. Шоҳид қўлидагини нари улоқтириб, хансираганича тисарилди-да, қақшаб турган Радикка қараб „Дарвозани беркит!“ деб бақирди. Радикнинг қадам босишга ҳам ҳоли йўқ эди. Амрни бажариш учун дарвоза томон юриш ўрнига зинага ўтириб, бошини иккала кафти билан чангаллади. Хўнграш овозини тўса олган бўлса ҳам, елкаларининг силкинишини тўхтатишга қурби етмади. Унинг бу ҳолидан ғазобланган Шоҳид сўкинди-да, тез-тез юриб бориб, дарвозани беркитди. Беркитди-ю, ўзи ҳам шалвираганича ўтириб қолди. Қон сачраган кўлларига қараб туриб, кўнгли агдарилди. Ўтирган жойида қайт қилди. Боши айланиб, дарвозага суянганича ҳушидан кетди. Бу аҳволда қанча ўтирганини билмайди, Радикнинг „Шоҳ, Шоҳ, кўзингни оч!“ деб силкишидан ўзига келди.

— Нега туртасан! — деб Радикни итариб юборди. Ҳушидан кетгани ўзига уят туюлиб, сир бой бермаслик учун дўстига ўқрайиб қаради: — Кўрқоқ... — деди тишларини гижирлатиб, — шунчалик ҳам кўрқасанми? Бу маразларни биз ўлдирмасак, бошқалар ўлдириши керак эди. Биз тўғри қилдик.

Дадил ўрнидан турмоқчи эди, чайқалиб, дарвозага суяниб қолди. Радик ирғиб туриб, қўлтиғидан оламан деганла, яқинлашишига йўл қўймади. Нафас ростлагач, машина гомон юрди.

— Кел, буни жойлайлик, — деб юкхонага энгашди. Ўликнинг ярми юкхонада, ярми бу томонда эди. Оёғидан кўтариб сурмоқчи эди, кучи етмади. — Нимага лалаясан, қарашсанг-чи, сўтак! — деб бақирди. Овози аввалгидай дадил чиқмади, Радик товушнинг хасталигига аҳамият бермай, амрни бажаришга шошилди. Ўликнинг иккинчи ярми ҳам юкхонага тушгач, Шоҳид уни ичкарияга итара бошлади.

— Нима қилипсан? — деди Радик титроқ овозда.

— Анави ҳам сиғиши керак, итар.

Шерикнинг жасади букланиб, яна бир ўлик сизагидан жой очилгач, Шоҳид гандираклаганича зинадан кўтарилди. Радик унга итоатли кул каби эргашди. Ичкари кирган Шоҳид ўликни кўтаришга қурби етмаслигини англаб, диванга ўтирди. Радик четдаги стулдан жой олди. Бир оз жим ўтиргач, ўрнидан туриб келиб, ўликка энгашди.

— Нима қилмоқчисан? — деди Шоҳид.

— Чўнтагини қарай-чи, дори бўлса оламан.

— Тегма! — деди Шоҳид афтини бурнштириб. Радик изига қайтмоқчи бўлганда амрини ўзгартирди: — Майли, қара, дори бўлса ол. Пулига тегма. Бунинг пули ҳаром, бошга бало келтиради.

Буларга афюн сотиш нияти бўлмагани учун Фарҳод бўш кирган эди. Чўнтагида қўлга илинарли пул ҳам йўқ эди. Пайпоққача ечиб қараган Радикнинг уринишлари зое кетди.

— Шунақа ҳам қурумсоқ бўладими! — деб сўкинди.

— Чиқиб шеригини қара-чи, балки унда бордир, — деди Шоҳид.

Радик ҳовли томон қўрқув билан қараб қўйди-ю, жойидан жилмади. Ҳовлига чиқиб, юкxonани очиб, икки букланган жасадни тинтишга жасоратли юрак керак. Шунақа юрак борми уларда ҳозир?! Агар довдираб турган Радик „Шеригини чиқиб ўзинг тинтиб кўр“, деганида Шоҳиднинг юраги дов берармиди бу ишга? Зинҳор!

Бир оз қувватта киргандай бўлган Шоҳид ўрнидан туриб, ўликнинг оёқ томонига ўтди-да, Радикка „Кўтар“ деб буюрди. Радик буйруққа итоат этиб, ўтишга ўтди-ю, лекин бош томондан кўтаришга қўрқди. „Менга раҳм қил“, дегандай дўстига абгор нигоҳини қадади. Шоҳид бундан ғазабланиб „Ҳе, латта!“ деб сўкинди-да, жойини алмаш-

тирди. Иккинчи ўликни ҳам бир амаллаб жойлаштиришгач, юкxonани ёпиб, ичкарига қайтдилар. Юкxона ёпилиши билан барча сирлар усти беркилгандай бўлиб, сал хотир-жам тортдилар. Шоҳид ўлик ётган жойда қон доғларини кўриб, „Хўл латта билан яхшилаб артиб ташла“, деб буюрди. Ўзи стулларни жой-жойига қўйиб, хонани тартибга келтирган бўлди.

— Энди нима қиламиз? — деди Радик вазифасини ба-жариб бўлгач.

— Энди қоронғи тушишини кутамиз. Унгача ювиниб, чой ичамиз. Бўлди, титрайверма.

Шоҳид шундай деб ювиниш хонасига кирди. Жавлон ҳали ҳам ўзига келмаган, ванна четида тош қоғиб ўтирарди.

— Ҳа, ҳайкал, ўтирибсанми? — деди Шоҳид. — Бўлди, чиқ, чой қўйиб юбор.

— Фарҳод...

— Акахонингни хушига келтириб, яхши гаплар билан жўнатдик.

Жавлон ишониб-ишонмай хонадан чиқди. Аввал Шоҳид, кейин Радик ювиниб бўлгунча, чой дамлади. Дастурхон атрофидан жой олган дўстлар бир-бирининг кўзига қарашга ботинолмасди. Бурро тиллар бу онда гапиришга ожиз эди.

— Машина кимники? — деди Жавлон Шоҳидга чой тўла пиёлани узатиб.

— Эгасиники, — Шоҳид ўзини бамайлихотир кўрсатмоқчи бўлгани билан пиёлани олаётди, чойни тўкиб юборди-да, ичини кемираётган захарни дўстига сочди: — Бунча тўлдириб қуясан, қарзга беряпсанми?!

Вазиятни юмшатиш учун Радик гапга аралашди:

— Акахоннинг видеокамера ҳақидаги гаплари ҳазил экан. Ҳазилдан зил чиққани учун, тантибойвачча акамиз „маънавий-руҳий компенсация“ сифатида машиналарини икки-уч кунга бериб кетдилар. Шоҳ янги машина олгунча бемалол ишлатиб турарканмиз.

Бу гапга ишонган Жавлон машина томонга хавотир билан қараб-қараб қўйишини бас қилди. „Чойхўрлик“ бир-икки ҳўплам ичиш билан ниҳоясига етди. Уччови ҳам чой ичиш баҳонасида ваҳшат исканжасида банди эмаслигини, аксинча, мард ўғлон эканини кўрсатиб қўймоқчи эди.

---



Бироқ асаб ҳужайралари темирдан эмас, киши хоҳишига ҳам бўйсунмайди. Шоҳид учинчи ҳўпламни ютаётганида кўнгли ағдарилди. Бехос қалқиб кетгандай кўрсатиш учун ўзини мажбурлаб йўталди.

— Ҳозир зормандадан оламиз, — деди ютиниб.

— Бормиди? — деди Радик кўзларини чақнатиб.

— Иккитадан олиб қўйган эдим. Кечгача жимгина ёта-санлар. Кейин ҳамма уй-уйига, тепа тўйига!

— Бу нима деганинг?

— Меҳмонхоналаринг ёпилди. Бугун дафтар-китобларингни кўтариб жўнайсанлар, уйларингда ётиб, эрталаб ўқишларингга борасанлар. Ўқишнинг ҳам нақ онасини кўрсатвордиларинг.

— Ўзинг-чи?

— Мен билан ишинг бўлмасин. „Зачеткам“ „беш“га ўқиб ётибди. Эртага салом бериб келсам, имтиҳон ҳам „беш“ бўлади. Сенлар каллаларингни ишлатиб, дафтарларингни илмга тўлдириб, қарзларингдан қутулларинг. Жавлон, бу гап сенга тегишли. Радикнинг танкаси бор, эплаб кетади.

Шундай деб аввал Радикка, кейин Жавлонга кукунли халтача узатгач, илмоқли гапларига эътироз билдирилмади. Эм игналари сонлардаги томирларга санчилиб, дори қонга аралашгани ҳамон улар ҳузурли оламга кўчдилар. Бир неча дақиқа аввал бўга бошлаган даҳшат ўз-ўзидан йўқолди.

Хуфтондан кейин олдинма-кейин уйғондилар. Машинага ўтириб кўчага чиқдилар. Жавлонни метро бекатида қолдириб, ўзлари Чилонзор томон йўл олдилар. Шоҳид машинани анҳор ёқалаб ўтган йўлда тўхтатиб ва атрофга аланглади.

— Нимани қидиряпсан? — деди Радик ҳам атрофга ҳадик билан аланглаб.

— Шу атрофда тўсиқсиз жой бор. Баҳорда бир машина тушиб кетган экан. Буларни ўша ерда гумдон қиламиз. Сен латтани олиб, машинани яхшилаб арт, бармоқ изларни қолмасин. Бир-икки соат шу ерда ўтирамин.

— Нега?

— Қатнов камайсин...

Радик ташқарига чиқиб машинани арта бошлади. „Ўтган-кетганлар бу меров йигит қоронғида нега машина ар“

тиб қолди?“ демайдимиз?“ деган ўй хаёлига келмади. Ташқаридаги ишни битириб, ичкарасини ҳам обдон артиб чиқди.

Кўча ҳамон серқатнов эди. Уларнинг пойлашдан ўзга чоралари йўқ, соатлаб гапиришса-да, гаплари тугамайдиган ошналарнинг бу топда бир-бирларига айтадиган сўзлари ҳам йўқ. Бир-бирлари томон қарамайдилар ҳам. Радик рўпарага тикилиб олган. Шоҳид дам-бадам атрофга аланглайди. Ҳаво салқин бўлмаса ҳам, этлари жунжикади, икковини ҳам титратма тутган. Эшик ойнақларининг кўтарилиши титратмага барҳам бера олмади, қайтага димиқиб, нафаслари сиқилиб, баттар абгор ҳолга тушдилар. Назарларида юкхонадаги ўликларнинг сассиқ ҳидлари ичкарига оқиб киргандай бўлиб, кўнгилларини айнита бошлади.

Рўпарада милиция машинаси кўринганда икковининг юраги тўхтаб қолгандай бўлди. Машина тўхтамай ўтиб кетгач, иккови бараварига чуқур нафас олиб, „Худога шукр!“ дегандай бир-бирига қараб олди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас, орқа томонда пайдо бўлган милиция машинаси секинлаб, уларни ёнлаб ўтди-ю, йўлларини тўсиб тўхтади. Ўнг томондаги эшик очилиб, сержант либосидаги йигит тушди-да, улар томон юра бошлади. Радик кўрқувдан дод деб юборай деди, эшикни очмоқчи бўлиб тутқичга ёпишган эди, Шоҳид „Ҳовлиқма!“ деб жеркиб, унинг бикинига тирсаги билан қаттиқ туртди.

Сержант яқинлашмай туриб, Шоҳид эшикни қия очди-да, лабига сигарет қистириб, ёқишга шайланди.

— Ҳа, йигитлар, нега тўхтаб қолдинглар? — деди сержант.

Шоҳид бир оёгини пастга тушириб, ёққичини хотир-жам ёқиб, сигарет тутатди:

— Ассалому алайкум, командир, Бешёғоч томондан кел-япсизми? „Нол эллик“ қора „Мерс“ни кўрмадингизми?

— Кўзим тушмади, нима эди?

— Олдинма-кейин келаётгандик, Бешёғочда тўхтаб қолибди. Товуқчалар ўшанда эди, хит бўлиб кутиб турибмиз. Пулини тўлаб қўйганмиз, кетворай десам, алам қилади-да! Чекасизми? — Шоҳид шундай деб сигарет қутисини узатди.

— Йўқ, бизга нос дуруст, — деди сержант.

— Ҳа, носнинг кайфи бошқача бўларкан. Фирмамдаги ўринбосарим ҳам носга ўч. Фақат Каттақўрғонниқидан отади. Бошқа жойниқини тан олмайди.

— Ўринбосарингиз носнинг фарқига бормас экан, айтиб кўйинг. Паркентникидан бир отим отсин, Каттақўрғонникини кўрса, кўнгли айнийдиган бўлиб қолади, — деди сержант.

— Командир, зўр гап чиқиб қолди. Эртага вақт топиб, Бешқайрағочга келинг, носхўрга рўпара қилиб қўяй, бир отамлашасизлар. Каттақўрғонникидан қайтарсангиз, битта паловхонтўра мендан.

— Бешқайрағочнинг қаерида?

— Мачитнинг қаторида икки қаватли иморат бор, биринчи қаватидаги „Шамс-қамар“ фирмаси аканг-қарағайники бўлади.

— Пешиндан кейин бораман, бунақа хайрли ишни қолдириб бўлмайди.

Ортиқча суриштиришга ҳожат қолмагани учун сержант самимий хайрлашиб, изига қайтди.

— Ўзинг ҳам халқ артисти бўлиб кетибсан, — деди Радик милиция машинаси узоқлашгач.

Шоҳид қалтираётган оёғини ичкарига тортиб, эшикни ёпди-да, „Пес-песни қоронгида топаркан“, деб минғирлаб кўйди.

— Бу ердан кўён қилайлик, — деди Радик. Милиция машинаси кўринмай қолган бўлса-да, хавотирли нигоҳини ўша томондан узмади. — Бошқа жойда гумдон қилиш керак.

Шоҳиднинг хаёлига ҳам шу фикр келган эди. Лекин бошқа чора излашни истамади.

— Ҳовлиқма! — деб гапни қисқа қилди.

Тун яримлашини пойлашга сабрлари чидамади. Кўча деярли бўшаб қолган эди. Машинани кўчанинг тўсиқсиз қисмига ҳайдаб келиб тўхтатди. Иккови тезгина машинада тушишди.

— Орқага ўт, — деб буюрди Шоҳид. Ўзи эшикни очиб қолдириб, рулни бурди. Йўл қиялиги учун машинани жилдириш қийин бўлмади. Машина дўнгликларга урилиб урила пастликка шўнғиши ҳамон иккови бараварига югурди кетди. Машинанинг сувга етмай, пастдаги бир тўнғакка урилиб тўхтаб қолганини билмадилар. Аслида югурадиган ҳоллари йўқ эди, шу боис кўпам узоқлашмай, ҳаллолганларича тўхтадилар-да, „Энди қаёққа борамиз?“ деган савол назари билан бир-бирларига тикилиб қолдилар.

- Мен аэропортга бораман, — деди Радик.
  - Аэропортда нима бор?
  - Аэропортда ёнбошлайдиган ўриндиқ бор. Ҳозир уйга нима деб кириб бораман? Эрталабгача ойимнинг дий-диёсини эшитиб ўтираманми?
  - Тоғамникига кетдик.
  - Йўқ... бормайман.
- Нимага боргиси келмаётганига изоҳ бермаса ҳам Шоҳид тушунди. Таклифни тил учида айтган, иккита ўлик чиққан уйга қоронғида боришга ўзининг ҳам юраги дов бермаётган эди. Радикнинг таклифи маъқул келиб, у ҳам аэропортга борадиган бўлди.

### ИЗТИРОБЛАР ЧАҚИНИ

Кечки пайт Моҳидилнинг иситмаси кўтарилганда чақирилган „Тез ёрдам“ ҳамшираси эм игнасида дори берган бўлса-да, эрталабга яқин ҳарорат янада кўтарилди. Яна „Тез ёрдам“ни чақирган Файрат хотинини шифохонага ётқизиш билан овора бўлиб, хизматга кечикиб келди. Жойига бориб ўтиришга улгурмай, Шуҳрат изма-из кириб келиб, сўрашди.

— Янгиликлар борми? — деди Файрат унинг бекорга кирмаганини фаҳмлаб.

— Бор, мол ортилган машина белгиланган режа бўйича келяпти.

— Ҳеч қандай тўсиқ бўлмадимми?

— Иккита постда ҳайдовчилардан пора олишган, бешинчи постдан ўтишгандан кейин шаҳарчага етмай, тўрт соат тўхтаб қолишган. Молнинг бир қисмини шу ерда қолдиришар, деб ўйлагандик. Ундай бўлмади.

— Унда нега тўхташибди? Ё шубҳаланишганми?

— Шубҳаланишга асос йўқ. Ҳайдовчилар дам олишибди.

— Сенинг асосинг йўқ. Уларда эса борга ўхшайди. Зийракроқ бўлинглар. Яна нима гап?

— Ҳозиргина хабар олдик, — деди Шуҳрат унинг қарлисидаги стулга ўтириб. — Кузатувимиздаги дастёрларнинг иккитаси ўлдирилган.

Файрат „Давом этавер-чи“, деган маънода қарагач, Шуҳрат бугун эрталаб анҳор соҳилида топилган машина юкхо-

насидан икки ўлик чиққанини расмий маълумотлари билан баён қилди.

— Экспертларнинг дастлабки тахминича, улар кеча кундузи ўлдирилган, бирининг бошига қаттиқ жисм билан урилган, иккинчиси роса дўппосланган, танаси моматалоқ бўлиб кетган. Узил-кесил хулосани кечгача беришади.

— Сабаб-чи?

— Сабаб ўрганиляпти. Прокуратура қотиллик юзасидан жиноий иш очди.

— Тезкор гуруҳга биздан кимни кўшдинг?

— Капитан Давронхўжаевни кўшдим. Дастёрларни кузатиб, анча маълумот тўплаган эди, ишни охиригача ўзи олиб бора қолсин.

— Тахминлар борми? Кузатувдалиги фош бўлгани учун катталари йўқ қилмадимми?

— Йўқ, бу тахмин ҳақиқатдан узоқ. Улар йўқ қиладиган бўлишса, из қолдиришмайди-ку? Бу ишни ношудлар қилишган.

— Демак, гиёҳвандлар... шундайми? Ё қарз бўлиб қолишган, ё дори талашишган. Хуллас, жиддий келишмовчилик оқибатими?

— Бу тахмин ҳақиқатга яқин бўлгани билан ишончдан сал узоқлаштирадиган бир нозик томони чиқиб турибди. Машина ўриндиги тагидан уч юз эллик грам „гера“ топилди. Гиёҳвандларнинг титиб кўришмагани ажабланарли.

— Ўзинг „ношудлар иши“ деяпсан-ку? Балки шошиб қолишгандир, балки излаб топа олишмагандир? Суриштиришни дастёрларнинг харидорларидан бошлаган маъқул.

— Шундай бўляпти ҳам. Давронхўжаев кўз остига олиб қўйган йигитлар бор экан. Ишни ўшаларни кузатишдан бошламоқчи.

— Яхши, дастёрларнинг ўлимини овоза қилмай тура туринглар. Катта қарғалар чўчиб кетишмасин.

Шуҳрат „Маъқул“ дегандай бош ирғаб ўрнидан турганда Файрат уни тўхтатди:

— Интерполдан хабар борми?

— Хабар йўқ, — деди Шуҳрат. Кейин афсус билан қўшиб қўйди: — Бўлмаса ҳам керак. Фирром билан Ўлат у томонларда қандай исмда юришганини биз билмасак, улар астойдил қидиришмаса...

— Москвадаги депутатнинг машинасида керилиб юра оладиган одамни топиш қийин эмас, лекин қидиришга қодир одам топилмайди, — деди Ғайрат ғашланиб.

— Эҳтимол, бу томонларга келиб қолар, ўшанда...

— Йўқ, — деди Ғайрат кескин бош чайқаб, — Бу ёқларга келмайди. Балки ўн-ўн беш йил илгари бир-икки келиб-кетгандир, энди келмайди. Мен билан учрашиши, айтган гаплари ўзининг мавқеини билдириб кўйиш, холос.

— Россиядами ё Канададами изига тушишган тақдирда ҳам, қамоққа олишолмайди. Булар пихини ёрган, фаришта кийимида ишлашади. Ҳеч бир жиноятда излари йўқ.

Аҳвол шундай эканини дўсти айтмаса ҳам билгани учун Ғайрат уча бошлаган қошини силаб кўйиб, унинг фикрини тасдиқлади. Лекин „Курашар экансиз, ютқизишингиз мумкин, курашмаяпсизми, демак, ютқизиб бўлибсиз“ ҳикматига биноан мағлубият жарига қулаб тушишни истамасди. „Агар мен ёнмасам, агар сен ёнмасанг, агар биз ёнмасак, қачон қоронғуликлар чиқар ёруғликка?“ деб хитоб қилган экан бир турк шоири. Ўша шоирнинг юрагини куйдирган алам Ғайратда ҳам бор...

— Бу лаънатилар четга бориб жон сақлаб юрибди. Жонни-ку сақлайди, лекин ўша томонларда унинг бахти ҳам бор эканми? — деди Ғайрат столни асабий тарзда чертиб-чертиб кўйиб.

— Четда эркинлик бор. Эркин одам бахтли бўла олмаса, демак, у ё ношуд ё аҳмоқ экан, — деди Шухрат.

— Чет элда ҳам ўлим бор, — деди Ғайрат қўл силтаб кўйиб. Кейин давом этди: — У ёқда топилган ўлим тотли бўлармикин? Афсуски, ўлик йиғламайди, йиғлаганда эди, мусофирликда ўлганларнинг кафанлари жиққа ҳўл бўлиб кетармиди...

Ғайрат шу топда Фирромнинг ўлим ва дафн ҳақидаги гапларини эслаб, ғашланди-ю, дўстига бу ҳақда гап очмади. Кундалик ва ҳафталик режага доир вазифалар бўйича маслаҳатлашиб олишгач, Шухрат хонасига қайтди. Ғайрат Моҳидилнинг иситмаси тушаётганини телефон орқали билган бўлса-да, кўнгли тинчимай, шифохонага қараб кетди.

Узун даҳлиздан ўтиб, Моҳидил ётган хона эшигининг тутқичига қўл юборганда юраги ноҳуш ҳолатни сезгандай ёжо ура бошлади. Бу девор ортида уни нима кутяпти?

Умид куёшими ё ... кафанланган умидларнинг изтиробими? Икки вужуд ўртасидаги бахтиёр муҳаббатнинг давомими ёки аянчли интиҳосими?

Икки ўт орасида қовжираган аҳволда тутқични ушлаб, ўзи томон эҳтиётлик билан, авайлаб тортган бўлса-да, эшикнинг зорли ғижирлаши ичкаридаги сукунат беланчагини тебратиб юборди. Қизининг бош томонига қўйилган стулда букчайиб ўтирган афтодаҳол Ойниса чўчиб тушди, куёвини кўриб, қаддини тиклади. Киприклари учиде қалқиб турган икки томчи ёшни шошилганича артди. Шу лаҳзага қадар тутиб турган кўз ёшлари тўфони бошланмаслиги учун пастки лабини тишлади.

Файрат каравотда ҳаракатсиз ётган Моҳидилдан кўз узмаган ҳолда, қайнонасига пичирлаб салом бериб, кетидан „Тузукми?“ деб сўради. Ҳаёт ташвишлари юки остида нозик жуссаси эгилган кекса аёл тиззаларига ёпинчиқ ўрнига ташлаб олган эски жун рўмолни суриб-суриб қўйиб, титроқ овозда „Худога шукр“ дейиш билан чекланди.

Моҳидилнинг яшашдан чарчаган вужуди уйқу оромиде, бемажол танани юмшоқ ёстиқ ютиб юбораётгандай эди. Ойниса кўз ёши тўкиб, куёвининг дилини хуфтон қилмаслик учун аста ўрнидан турди-да, „Мен ҳозир“ деганича ташқарига чиқди. Файрат ғижирлаб уйғотиб юбормасин, деб стулга ўтирмади. Беморнинг тепасида тик туриш ҳам ноқулай эди. Нигоҳи тўшак устида очиқ ётган китобга тушиб, беихтиёр қўлига олиб сатрларга кўз югуртирди: „Оҳ, ҳаёт! Ҳаёт! Шўрлик инсонлар! Қудрат қўли билан отилган кўлмакда ўзлари ҳоким бўлмаган воқеалар занжирининг асири бўлиб ағанаган қўрқинчли тушда камбағалликлари, пасткашликларини яшириш учун овунадиган нарсалар топганлар, баҳоналар яратганлар, зангори осмон, пушти гуллар, сермавж денгизлар, мовий кўзлар ҳақида гапирдилар. Қисматларини бир қадаҳ шароб ичида бўғишни истеган бечоралар каби қалблари, фикрларининг оғусини хаёлларига тўкадилар. Ҳайҳот! Бу хаёл ўткинчи сархушлик туғуни каби тарқаб кетади, ҳаёт барча захрини тўкади! Ҳаёт доимо шундай ожиз, натижасиз бир туш...“

Бу сатрларни ўқиб, эзилиб турган юрагига биров чўт босгандай бўлди. „Нималарни ўқияпти бу?!“ деган ғашлик билан китобни дераза тоқчасига олиб қўйди.

Хотиралар қанотга айланиб уча бошлади. Умидсизлик хўмрайиб турган онда фаразларнинг қайғули гирдобларини жиловлаб, хотиралардан тасалли олишни истади.

Файратнинг андишали нигоҳи Моҳидилнинг рангсиз юзидан, сўлгин лабларидан табассум ахтарди. Яратган гуллар-у нурлардан олиб, Моҳидил дудоқларига қўйган ранг ва нур мужассам бўлган табассуми қани? Омонат эдими бу гўзаллик? Омонатининг ҳаммасини эгасининг Ўзи олдими?

...бир табассуми ила кўнгилни сайд этарди.

...ёногидаги хол донасига ошиқи покбознинг жон қуши сайд бўлган эди.

Совчилар қуруқ қайтишган кезлари фикрларини очик билдиришмаса-да, Моҳидилга уйланишни амалга ошириб бўлмайдиган иш сифатида баҳолашларини бир-икки сўзда ошкор этиб қўярдилар. Албатта, бундан йигитнинг кўнгли чўқарди. Лекин у бировнинг гапини қулоққа олиб уйланмасликка азму қарор қилган, ҳаётни керагидан ортиқ ўрганган, ундан лаззатлана олмайдиган даражага етган, чаккаларидаги оқарган сочларини кўриб, эркин ҳаётга маҳкум эканлигини англаган одамлардан эмасди. Шундай экан, уйланиш фикри нега унга бегона бўлсин? Аксинча, у ёш, эндигина ҳаёт бошлаётган, қабргача давом этадиган бу ҳаёт йўлини ёлғиз босиб ўтиш фикридан йироқ эди. Севгиси билан куч бағишлайдиган, ғам-қайғуларини, қувончларини баҳам кўрадиган умр йўлдошига эҳтиёжи бор эди. Юракнинг яширин қатларига кўмилган туйғуларга совчиларнинг хулосалари, ҳатто иложсизлик домида азобланаётган онасининг дардли қарашлари ҳам таъсир эта олмайди. Инсон бахтли бўлишни истайди, лекин бахтни ёлғиз ўзи ярата олмайди, бахтиёр қила оладиган инсонга муҳтож бўлади. Ногирон бўлиб қолган бўлса-да, бу вазифани Моҳидилдан яхшироқ уддалай оладиган қизни тасаввурига келтира олмасди. Умрининг охирига қадар йўлдош бўладиган, ранжларига ҳам, қулгуларига ҳам шерик, туйғуни меҳр қўлларидан аллалайдиган, қисқаси, бахтиёрлик дунёсида олиб юрадигани Моҳидил эмасми?

Шу хотира қанотида учаётган онда ташқарида, осмондан момақалди роқ узилиб тушиб, хона деразаларини титратди. Моҳидил гулдирак овозидан чўчиб уйгонди. Кўзларини катта-катта очиб, „Қачон келдингиз?“ деб ажаблангандай



тикилди. Кейин „Хуш келдингиз, сизни соғинган эдим“, деган маънода жилмайиб, салом берди. Файрат эса қувончдаги одамнинг кулимсираши билан алиқ олди.

— Мунча тикилиб қолдингиз? — деди Моҳидил нозла-нишга уриниб. Илгариги ноз бўлмаса-да, Файратга бу оҳанг ёқиб, ҳазиллашди:

— „Уйқудаги малика“ деган эртақ-кинони кўраётгандим.

— Унақаси йўқ, „Уйқудаги шаҳзода“ дегани бор.

— Ҳа-я, адашибман. Шаҳзода қандай уйғонарди? Маликанинг ўпичи биланми?

Файрат шундай деб энгашган эди, Моҳидил мажолсиз қўлини аста кўтарди-да, уялинқираб, „Вой, ойим кириб қоладилар“, деди.

Шундай дейиши билан эшик очилиб, остонада Ойниса кўринганда Файрат ҳижолат бўлиб, ўзини орқага олди. Моҳидил эса унинг бу ҳолига сездирмайгина кулиб қўйди.

— Уйғондингми, қизим? — Ойниса шундай деб яқинла-шиб, унинг пешонасига лабини қўйди. — Худога шукр. иситманг тушибди. Ҳалиғи маставадан яна озгина ичиб оласанми?

— Кейинроқ...

— Унақа ўжарлик қилма, ичингга иссиқ кирса, қувват ҳам киради.

Моҳидил „Мени бу ҳужумдан қутқаринг“, дегандай эрига илтижо билан қаради.

— Ойи, майли, бир пасдан кейин ичар. Бугун вақтим бемалол, ўзим қоламан, сиз уйга бориб дам олволинг.

Моҳидил эрининг кулимсираб айтган гапига жавобан жилмайиб қўйди. Ажабки, кулимсираш ҳам, жилмайиш ҳам сохта эди. Ойниса буни сезса ҳам, ташвишини сиртига чиқармай, куёвининг истагини бажарди. У чиқиб кетгач, эр-хотин худди чимилдикда илк бора кўришган келин-куёв каби бир-бирига айтарга гап тополмай қолишди.

Икковини сукунат ўз бағрига сингдирди. Иккови шу сукунат бағрида туйғу ва фикрлар мулоқотига киришди. Иккови ҳам шу сукунатдан тасалли оларди. Икковининг кўзлари икки томонга тикилган, гўё бир-бировини кўр-майди... ҳатто сезмайди...

Сукунат гирдобидан аввал Файрат чиқиши шарт эди. Гапга оғиз жуфтлади-ю, Моҳидилининг ҳам яширинган

нигоҳига кўзи тушиб, яна сўздан қолди. Шу онда уни паршон нигоҳи билан кузатиб ётган Моҳидил кеча ярим гунда бола сингари хўнграб-хўнграб йиғлаганини, кўз ёши тўфони ичра маҳзун сукут сақлаганини, аммо юрак нидоси билан севгилисига омонлик тилаганини билмасди.

Файрат қайнонаси хонадан чиқиб кетганидан кейин янги-янги фикрлар куршовида қолди. Туйғуларига қулоқ солишга, фикрларини тартибга келтиришга ҳаракат қилди. Баъзи онларда инсон ҳаётни англаши учун қалбини, фикрини тинглашга эҳтиёж сезади. Файрат ҳам шундай ҳолатда эди. Кечаги тун туйғулари шундай даражалардан ўтган эди-ки, баланд жойдан йиқилиб тушганлар йиқилган жойларига ҳадик билан қараганларидек, у ҳам бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил этиб, эртанинг мавҳум чодирини остидан умид куёшини изларди.

Узоқ тикилиб ётишдан толиққан Моҳидил кўзларини юмди. Файрат Моҳидилнинг юмуқ кўзларига ўғринча тикилди. Узун киприклар аранг қимирлаб, ўлим шарпасини қувмоқчи бўлади. Моҳидил бунинг ўҳдасидан чиқолмаганидан афсуслангандай хўрсинди. Улим шарпасини қува олмаган киприклар тип-тиниқ ёш томчисини ҳам тўса олмади...

Тан азоби силласини қуритган, нафас олиши оғирлашган, ўпкасининг гижирлаши эшитилиб турган Моҳидил кўзларини очиб эрига умидсиз нигоҳини қадашга мадор топди. Кейин яна юмди, бетлари учди. Лаблари бир нима демоқчи бўлди-ю, титраб кетди. Жувоннинг кўзларида жон талвасасининг акси, лабларида эса изтиробли табассум зухур бўлди.

Буни кўрган Файрат кучли изтиробга тушди, терга ботди. Ўрнидан туриб деразани очди. Оловдек ловуллаётган манглайига оқшомнинг салқин ҳавоси урилгач, енгил тортди. Касалхона ҳовлисининг этагига зич қилиб экилган чинорлар қуюқ уфқ ҳосил қилган, бу сунъий уфққа қадалган осмон бағрида шомнинг табассумлари жилваланар эди. Файратнинг асаблари титради. Ортига қайтиб, Моҳидилдан бўса олмоқчидек, энгашди. Юзига иссиқ нафас урилди, тун шабадасидан узилиб чиқаётгандек туюлган хаста овоз: „Сизга нима бўлди?“ деди. Файрат „Ҳеч нима“, дегандек ёш чайқади. Моҳидил кўзларини очди. Иккаласи бир-

---

бирига термилиб қолди. Бу нигоҳлар бир-бирларига нима-нидир англамоқчи бўларди. Файрат севгилисининг нигоҳида яна изтироб кўрди. „Чарчади юрак, ақл ҳам толди. манзилга етмоққа бир нафас қолди...“ дегандек бўлди. Туйғуларининг жўшишига шу маъно старли бўлди, оғзидан чиқмоқчи бўлган сўзлар кўзларидан тўфон шаклида отилди.

„Ундай дема, ноумид бўлма, сен яшайсан, бирга-бирга узоқ яшаймиз“.

„Иккаламиз ҳам ёқтирмайдиган ёлғонга эҳтиёжингиз йўқ, деб ўйлардим“.

Севишган қалбларнинг унсиз таржимони бўлган кўзлар сўзлашуви давом этди:

„Хайрли умид — ёлғон дегани эмас. Хасталик мутлақ голиб эмас, уни енгиш мумкин. Фақат... энг биринчи гада ўлим кўрқувидан қутулиш керак“.

„Ўлимдан кўрқаётганим йўқ. Аммо арзимас ҳаётга умид қилиб, кўнгил боғлашни ҳам истамайман. Бу ҳаёт мен учун ўткинчи бир туш, ҳар бир инсон бориши муқарраб бўлган манзил учун бу туш қурбон қилинади...“

„Сенинг тузалиб кетишинг учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан... ҳатто... қўлимдан келмаганини ҳам. Сен муҳаббатнинг қанчалик қудратга эгалигини ҳали ҳам англамадингми? Мен сенга муҳаббатнинг ҳаётбахш кучи ҳақида кўп яхши сўзлар айтиб берайинми?“

„Нафрат ҳақида-чи? Ҳаёт фақат муҳаббатдан иборат эмас-ку? Муҳаббатнинг муқобилида нафрат борлиги фаҳм этмайдиганлар ҳалок бўлмайдиларми?“

Файрат бу саволга жавоб беролмай, нигоҳини олиб қочишиб суоқлисининг қўлини ушлади. Моҳидилнинг мажорасиз бармоқлари қўлини сиқмоқчи бўлди. Дарднинг аёвон темир панжалари унинг танасидан кўчиб, эрининг юрагига ботди.

Даҳлиздаги қафасда тек турган сайроқи куш сайраш бошлади. У нима деб сайрапти? Дил изҳорими ё тунглик нидосими? Ё ҳаёт қафасидаги одамларнинг ҳолига нима чох уриб қулаптими?

Моҳидил очиқ дераза ортидаги баҳорнинг мўъжаз зарасидан бир тутам нур, озгина ранг, ёқимли кўкларнинг фасини олиш илинжида ташқарига тикилди. Фикри қалблардай беқарор хаёл ортидан қувлади.

Баҳор табиати латофати билан мафтун этса-да, унинг ўзига яраша зулми ҳам бор. Моҳидил адирда чечаклар жаннати юз очганда табиат ҳуснини бир ўзи томоша қилишни ёқтирарди. Ана, нурдан яралгандек зариф қанотларини қоқиб капалак учяпти... Кўзларини ёрқин ранг билан тўлдирган чаман узра енгил сузади. Баҳорнинг муаттар ифорларидан туғилган, гуллар рангидан пайдо бўлган умри бир неча соатдангина иборат бўлган капалак гул шарбатидан сархуш бўлганида шамол уни чамандан юлиб олиб, буталар орасига улоқтирди. Бечоранинг қанотлари шикастланди. Энди у баҳорнинг учар чечаги эмас, самонинг ярадор қурбонига айланди... Моҳидил бу манзарани бот-бот эслайди. Айниқса, фожиадан сўнг ўзини ўша капалак ўрнида кўради...

Ҳозир ҳам унинг югурик нигоҳи гўё ўша капалакни излагандай бўлди.

Қаддини кўтаришга ҳаракат қилди. Файрат уни елкасидан кучиб, қаддини тиклади. Елкалари кучли қўллар оғушида бўлгани билан бошини тик тутишга мадори етмади. Моҳидил бошини эгган дамда тўлғонган парваришсиз қора сочлари тиниқ юзига мотам соясини солгандек бўлди.

...Унинг қувончга, бахтиёрлик рангига муҳтож қалбига оғир ботувчи қора мотам ранги...

Файрат бетини Моҳидилнинг бетига қўйиб, жим ўтирди. Моҳидилга ёқадиган, унинг маҳзун кўнглига нур бера оладиган сўзлар шодасини излади. „Севаман!“ деб ҳайқирсинми ё аста пичирласинми? Файратнинг „Севаман“ деб энт ичиши шарт эмас, кўзларидаги севги ўтлари алайно ошкор билиниб турибди-ку... Худди боласини кучиб аллаётгандай шивирлаб ҳиргойи қила бошлади:

Таъзимим қабул эт, эй Буюк Аёл,  
Бир қошиқ қонимдан ҳам кечгил лекин:  
Бу дунёда бордир бир соҳибжамол,  
Ул соҳибжамолнинг асириман мен,  
Севарим ўшалдир, Ўшал гўзалдир!

Файратнинг лабидан учган қўшиқ сўзлари тириклик сувига айланиб, Моҳидилнинг юрагига оқиб кириб, вужу-ига ажиб бир ҳарорат югурди. Бошини кўтариб эрига қа-лади, кейин совуқ урган япроқдай қалтираб турган лабини

---

унинг бетига босди. Файрат эса бу сафар овозини сал бандлатиб давом этди:

Буюк Аёл дея айтмадим бекор,  
Сенсиз ҳеч сеvimли бўлмасди ҳаёт.  
Яна рўпарангда икрорим такрор:  
Мени банди этган ул соҳибжамол,  
Севарим ўшалдир, Ўшал гўзалдир.

Моҳидил Файратнинг бир бетидан лабини узмаганича, иккинчи бетига мажолсиз кафтини қўйди-да, нозли овозда „Ким экан ўша гўзал?“ деб пичирлади. Файрат бу саволни эшитмагандай, энди қулоғига шивирлади:

Таъзимимни қабул эт, эй Буюк Аёл,  
Буюклигинг ҳам айла намоён:  
Мени банди этган бир соҳибжамол,  
Усиз бир пул менга бу ёруғ жаҳон,  
Севарим ўшалдир, Ўшал гўзалдир...

— Ким экан „ўшал гўзал“, деб пичирлади яна Моҳидил

— Бу топишмоқ, қалб топишмоғи, севги ўти билан ураётган юрак осонгина жавоб топа олади. Топинг-чи, топган топалоқ! — деди Файрат уни эркалаб.

Моҳидил эрининг вужудига сингиб кетишни истаб, бетига лабини қаттиқроқ босди. Агар мадори етганида эди суюклисини икки қўли билан маҳкам қучоқлаб олган бўларди. Бу онда унинг қалбида ҳам бир қўшиқ туғилди. Қўшиқ сўзсиз бўлса-да, жонли эди.

— Сизнинг гуноҳингиз бор, биласизми? — деди Моҳидил

— Менинг иккитагина гуноҳим бор: биринчиси — сизни севишим. Иккинчиси — сиз томонингиздан севилишим Бошқа айбларимни билмайман.

— Айёрсиз...

Моҳидил шундай деб унинг бетига аста уриб қўйди-да, „Чарчадим, ётқизинг“, деди.

Озгин тана яна юмшоқ тўшакка сингиб кетгач, Моҳидил яна кўзларини юмди.

— Ойингизга берилган ваъдани бажариш вақти етди. — деди Файрат, унинг пешонасига лабини босиб.

Моҳидил кўзини очмаган ҳолда „Майли“, деб пичирлади. Таомланишга иштаҳаси ҳам, ҳоли ҳам бўлмаса-да

эрининг раъйини қайтаришни истамади. Файрат овқатни иситиб келганда Моҳидил яна ухлаб қолган эди. Уйғотгиси келмай, қалб изтиробларини чақмоқ қилганича ёнида жимгина ўтирди.

Севиш... севилиш... бу икки туйғу ичида вақт жуда тез ўтади. Моҳидилни поездда биринчи марта кўриб қолганида ёна бошлаган юрак ўти ҳали ҳам пасаймади. Орадаги ташвишларнинг совуқ нафаслари ҳам бу ўтни ўчиришга ожизлик қилди. Ўт ва совуқ нафас орасидаги ҳаёт ё мамот кураши йиллар бўйи давом этиб, энди ниҳоясига етай деб турибдими? Файрат буни ўйлашни ҳам истамайди. Лекин ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати уни таъқиб эта-эта шу ши-фохонанинг тор хонасига банди этдими?

Ўлим айрилигига вақт ўтиб, чидаш мумкин, аммо орзулар билан видолашишнинг изтироби умрнинг охирига қадар давом этади. Ширин умидларга ўқилган жаноза пайтида туғилувчи изтироб сира-сира тиним билмайди, кишини телба каби ҳорғинликдан ҳорғинликка етаклайверади. Ҳаддан ташқари бахтиёр одамлар бахтсизларни тушуна олмайдилар. Лекин Файрат ҳам, Моҳидил ҳам ўзини бахтсиз санамас эди.

## УЗРХОҲЛИК

Қамбар: „Акадай бўлиб қолгани яхши-ю, индамай жўнаворгани ёмон бўлибди. Ҳа, майли, агар „Хўп“ десангиз, бир-икки кун опамникида туринг. Танишингизни Россияга кетадиганлардан суриштирамиз. Топилса, изидан жўна-тармиз, топилмаса, шу ерда бирор ишнинг иложи чиқиб қолар?“ деганда умид чинниси синиб, ўзи ночорлик жари лабига келиб қолган қиз „Билмадим“ дегандай елка қисиб кўйиш билан чекланди. Буни ризолик аломати деб тушунган Қамбарнинг кўнгли ҳузурланиб, уни уйга бошлаб борди. Истар-истамас унга эргашган қиз зиналардан кўтарилиб, эшик очилганда таққа тўхтади. Қарашларида хавотир зоҳир бўлди.

— Кираверинг, тортинмай кираверинг, — деди Қамбар остона ҳатлаб.

Қиз худди зўрланаётгандай чўчиб, тисарилди. „Кирмайман“ деган маънода бош чайқади.

— Қўрқманг, — деди Қамбар кулимсираб. — Мен одам-хўр эмасман. Одамийман.

Қиз Қамбарга мўлтиллаб қараганича дафтарчасини чиқариб ёзди:

„Қўрқмайман. Нотаниш уйга кириш уят“.

— Ўзингиз биласиз, мен одамгарчилик қилмоқчийдим. Зўрламайман... Бошқа борадиган жойингиз борми?

Қиз мўлтиллаган нигоҳини ерга қадаб, иложсиз одамнинг хўрсиниши билан елка қисди.

— Уялманг, кираверинг.

Қамбар шундай деб ичкари кирди. Қиз бир оз иккилангач, остона ҳатлади. Кейин бир айб иш қилиб қўйгандай чўчиб тўхтади. Сўнг тушунуксиз бир овоз чиқариб. „Йўқ, кирмайман“, деган маънода қатъий равишда бош чайқади-да, орқасига қайтди. Бу сафар Қамбар индамади. Ичкарига кирди-да, қизнинг ҳаракатларини кузатиш мақсадида деразадан ташқарига қаради. Ночор қиз ташқарига чиқиб тўхтади. Нима қилишни билмай, атрофга жавдираб турган дамда ўтиб кетаётган икки йигит унга эътиборини қаратиб, яқинлашди. Бири қизнинг билегидан ушлаб. гапга солмоқчи бўлди. Қиз аввалига нажот излаб, юқорикават деразаларига қаради. Йигитлар шилқимликни бас қилиш ўрнига авжга чиқа бошлашгач, уларнинг қўлидан юлқиниб қутулди-да, ўзини йўлакка урди. Йигитлар „Зўр нарса экан-ку“, деб унга эргашдилар. Буни деразадан кузатиб турган Қамбар эшик томон юрди. Эшик ҳамон очилмади. Қиз шошилиб чиқиб нажот тиловчи жавдираган кўчалари билан Қамбарга тикилди. Қамбар ташқаридаги ҳаракатдан беҳабардай уни жилмайиб қарши олиб, „Кираверинг“, деб йўл бўшатди. Қиз ичкарига кириши билан Қамбар остонада туриб олди.

Зинадан ҳансираб чиқиб келган йигитлар уни кўриб таққа тўхташди.

— Ҳа, ўғил бола, нега тўхтаб қолдинг? — деди Қамбар мушт уришга шайлангандай енгини шимариб. — Қани озиб-ёзиб бир келиб қолибсан бизнинг маҳаллага, ким ичкарига, те-ез чой қилиб бермайманми?

— Йўқ, қилиб бермайсиз, — деди йигитларнинг бири.

— Пиводан кейин чой ичиш одатимиз йўқ, — деди накинчиси.

— Қойил, ўғил бола, ҳудди менга ўшаркансан. Унда чанқасанг би-ир келарсан-а?

Қамбар шундай дегач, бошқа гапга ўрин қолдирмай эшикни атайин қарсиллатиб ёпди. Кейин қизга меҳрибонлик билан боқди. „Қўрқиб кетдингизми? Қўрқманг“, деб олдинга чаққон ўтди-да, ён хонадаги эшикни очди.

— Бу опамнинг хонаси. Ҳозир даволанишда. Келгунича бемалол тураверасиз. Отингиз нима, ҳамшаҳар? — Қиз „Нигина“ деб ёзиб кўрсатгач, қувноқ оҳангда ўзини таништирди: — Менинг отим Қамбар. Четта мол юборадиган фирмада ишлайман, — шундай деб қувлик билан бир кўзини қисиб қўйди-да, ҳазил оҳангига кўчди: — Ота-онам мени яхши тарбия қилишган. Қизларга шилқимлик қилсам, қулоғимдан чўзиб жазолашади. Ҳозир хонага кириб жойлашингиз. Мен чой кўяман. Чойдан кейин хонангизга кириб, устингиздан қулфлаб олинг. Шу бўйи эрталаб нуноштада учрашамиз. Кейин қиладиган ишларимизни маслаҳатлашиб оламиз. „Бу нотаниш одам нимага менга меҳрибонлик қиляпти?“ деб ҳайрон бўляпсизми? Туғилишимдан олдин шунақа шарт қўйишган, одамларга меҳрибонлик қиламан, десанг, чиқ бу ёруғ дунёга, меҳрибонлик қилиш қўлингдан келмаса, ер юзида санқиб юрма, дейишган. Шунақа, ҳамшаҳар, ўша ваъдамни бажармасам, дунёда ўрин йўқ менга.

Бу ҳазил оҳанги Нигинага таъсир қилиб, Қамбарга жилмайиш ҳадаи этди-да, ўзига аталган хонага дадил кирди. Кийимини алмаштириб чиққанда Қамбар дастурхонга мewa-чева қўяётган эди. Нигина унга яқинлашиб „Қарашиб юборай“, деган ишора қилди.

— Йўқ, сиз бугун меҳмонсиз, — деди Қамбар уни дастурхонга яқин йўлатмай. — Меҳмоннинг иззати уч кун. Агар уч кун ичида танишингизнинг дарагини топмасак, кейин сиз мезбон бўласиз, ош дамлаб берасиз. Биласизми?

Қиз кулиб, тасдиқ ишорасини қилди. Дастурхон тўкин эмасди. Нигина эрталабдан бери туз тотмаган бўлса-да, оч қорин ғалвасидан истиҳола устун келиб, енгилгина тамадли қилди.

Қамбарнинг қаршилигига қарамай, дастурхон устини йиғиб, пиёлаларни ювиб қўйгач, „Ичқарига кириб кетаверайинми?“ деган илинж билан қаради. Қамбар бу қарашнинг маъносини англаб, кулимсиради.

---



— Сиз чарчагансиз, дамингизни олинг, менинг ҳисоб-китоб ишларим бор, — деди.

Бу лутф эвазига Нигина унга миннатдор боққанича уйга кириб кетди. Уй эгаси „Эшикни қулфлаб олинг“, дегани билан эшик ортида бир оз иккиланиб турди. Эшикни қулфлаб олса, меҳрибонлик қилаётган бу кишига ишончсизлигини ошкор этган бўлади. Беркитмаса... ўртада шайтон бор. Ишонч яхши фазилат-у, аммо шайтон васвасани бошласа, енгилчи қолиши мумкинлиги ҳақида кўп эшитган. Шунинг учун эҳтиёт чорасини маъқул кўрди.

Қамбар эшикнинг қулflanмаганига эътиборни қаратиб, жим ўтирди. Бир оздан сўнг қулфдан „шилқ“ этган овоз чиққач, „Яхши қиз экан“, деб кўйди. Эшикнинг қулфланиши унга қиздаги ҳаё қувватидан дарак бергандай бўлди. Хирс қиличи билан қуролланган шайтон макрини ишга солса, эшик қулфини бузиш ҳеч гапмас. Қизни уйга таклиф қилганда Нигина иккиланиб бўлса-да, остона ҳатлаган дамда Қамбарнинг ичидаги шайтон аста гимирладию, лекин ақлга эга чиқишга кучи етмади. Тунни беҳаловат ўтказган Қамбар тонг отгач, бу қизга нима дейишни, тақдирини қандай ҳал қилишни билмасди. Нигинанинг таниши Россия томонларга кетгани аниқ. Денгиз тубидаги игнани топиш мумкин бўлмаганидай, мусофирликдаги йигитни излашдан маъно йўқлигини била туриб ваъда берди. Бу ваъдага қиз ишондими ё йўқми — шуниси номаълум. Балки ишонгани учун бу уйда қолишга журъат этгандир. Эҳтимол бошпанаси йўқлиги туфайли чорасизлиги шунга мажбур қилгандир...

Қамбар нонушта тайёрлаётганида Нигина чиқиб келди. мулойим боқиши билан салом берди. Қамбар уни очик, самимий чеҳра билан қарши олиб, унсиз саломига алик олди.

— Яхши дам олдингизми? Тушингизда бобовлар кўрқитишмадими? — деб кулди. — Қани, ўтиринг. — Нигинанинг „Қарашиб юборай“, деган ишорасига жавобан қатъий бош чайқалди: — Йўқ, кечаги гап — гап! Сиз меҳмонсиз. Меҳмоннинг иззати неча кун эди, эсингиздами?

Нигина бу самимиятта жавобан уч бармоғини кўрсатиб ширингина кулди.

Нонушта охирлаб қолганда, Қамбар пиёладаги чойни хўплаб, қизга савол назари билан қаради-да:

— Зерикиб қолмаслигингиз учун шаҳарни томоша қилдирсаммикин? Тошкентда олдин ҳам бўлганмисиз? — деб сўради.

Нигина дафтарчасини олиб, „Тўрт йил олдин томошага олиб келишган“, деб ёзди.

— Тўрт йил олдин келган бўлсангиз, энди бошқатдан айланишингиз керак экан. Майли, хўп десангиз, бугунни „томоша куни“ деб ҳисоблаймиз.

Қизнинг кўзларида шодлик нури акс этиб, кафтини кўкрагига қўйганича миннатдорлик билдирди.

Шу онда Қамбарнинг телефони жиринглаб, кун режасига доир суҳбатлари узилди. Қамбар кўринган рақамларга қараб, ким телефон қилаётганини аниқлай олмади. Қулоғига тутиб аёл овозини эшитиши билан Нигинага бир қараб олди-ю, ўрнидан туриб, ошхона томон юрди.

— Мен Нилуфарман, — деди хаста овоз эгаси.

— Танидим, — деди Қамбар, — тинчликми?

— Тинчлик... агар хўп десангиз... вақтингиз бўлса... бугун кўришсак.

Қамбар дарров жавоб бермади. Ресторандаги ҳам кутилмаган, ҳам нохуш учрашувдан кейин Нилуфар билан яна кўришишни умид қилаётган эди. Сардор айтганидай, ўйнаш қилиб олиш мақсадидами ё ўзига ҳам ноаниқ бўлган бошқа ниятдами, ҳар ҳолда кўришгиси келаётганди. Бир-икки ўзи қўнғироқ қилмоқчи ҳам бўлди. Аммо таклифни у томондан кутди. Кутгани содир бўлди. Лекин қизни яна бир оз қийнагиси келиб, сукут сақлади. Кейин ғоят банд одам кишидай „Бугунми?“ деб сўраб, қиздан „Ҳа“ деган жавобни кутди.

— Бугун вақтингиз борми? — деди Нилуфар илинж ила.

— Бугунми? Бугун... майли, сиз учун вақт топамиз. Бир соатдан кейин Улуғбек богида кўришамиз.

Учрашувга кечикиб келиш борасида қизларга дуо кетган. Лекин бу сафар йигитни қиз кутиб олди. Нилуфар Қамбарни кулимсираб қаршилаган бўлса-да, кўнгил хиралигини ошкор этувчи юзидаги ташвиш булутини яшира олмади. Боғда сайр мавсуми ҳали бошланмагани сабабли одам сийрак эди. Қамбар шуни билгани учун атай холироқ жойни танлаган эди. Ичкари қисми бўёқчилар билан банд бўлган қаҳвахонанинг айвонига қўйилган тўрт стол ҳам

---

бўш, қаҳвахона эгаси мижозлар келишига унча ишонмасда, эҳтиёт-шарт юзасидан ташқарига жой қилиб қўйган эди. Қамбар билан Нилуфар энг четдаги столдан жой олишлари билан дастёр қиз келиб, стол устини артди-да, „Нима олиб келай?“ деб сўради. Нилуфар „Ҳеч нима керакмас“, деган маънода Қамбарга қаради. Қамбар бу қарашнинг маъносини англамагандай бўлиб, иккита қора қаҳва билан шоколад буюрди. Ресторандаги қутилмаган учрашувда баъзи гапларни гапиришга шай бўлган Қамбар энди гўё тилдан қолган эди. Қиз ҳам дилидаги гапларни айтишга журъат қилмай ўтирарди. Қамбар нима десин? Қизни айбласинми? Унда йигит деган номи қайда қолади? „Мен барибир сени севаман“ десинми? Ўзи ишонмаган гапга қиз ишонадими?

Учрашувга таклиф қилувчи Нилуфар эди, шу сабабли биринчи бўлиб гап бошлаш масъулиятини зиммасига олди. Йигитга тик қарашга журъати етмай, кўзларини ерга тик-канича ресторандаги гапини такрорлади:

— Уйингизга бориб, кечирим сўрамоқчи эдим...

Тил дилдаги гапни айтди, алдамади. Маҳкамада Қамбарга ҳукм ўқилгандан буёғига Нилуфар шу ният билан яшади.

Узр сўраш, сўнг эса... лаънат ва ҳақорат сўзлари довулига дош бериш...

Қамбарнинг қамоқдан қутулиб чиққанини эшитган. аммо уйига боришга журъати етишмаган эди. Борганида эди, ўша лаънатларни эшитганида, ҳатто бетига тарсаки урилганида эди, бу қадар эзилиб юрмаган бўларди. Назарида кун ўтгани сайин ғам уни кемира-кемира адо қилаётгандай эди. Ресторанда кўришганда аввал кўрқди, кўпчилик ҳузурда шарманда бўлишидан кўрқди. Кейин бу тасодифий учрашувнинг самарасиз яқунланганидан, узрхоҳлик ўрни бўш қолганидан афсусланди. Қамбар қамоқдан қутулиб, озод юрарди, унинг қалби эса надомат панжараси ортида ҳануз фарёд чекарди, озодлик офтобининг қилча нури ҳам кўринмасди гўё...

Қамбарнинг ичида ҳам нафрат қуртлари ғимирлай бошлаган эди, лекин Нилуфардан фарқли ўлароқ, ҳолатини яширишга куч топди, унга тикилган ҳолда ресторандаги гапи билан жавоб қилди:

— Нега кечирим сўрайсиз, сизда айб йўқ.

— Айбимни ўзим биламан. Терговчи „Шундай-шундай кўрсатма берсанг иши осон бўлади, бир ойда чиқади“, деганига ишонибман.

— Ўтган иш ўтиб кетди... — Қамбар ресторандаги гапини давом эттиргиси келмай, сўздан тўхтади.

— Аслида... терговчининг ўргатгани асосий сабаб эмас... шунчаки баҳона, — деди Нилуфар унга умидли бир нигоҳ ташлаб олиб.

— Буни биламан. Ўтган гапларни кавламасакмикин?

— Кавламаймиз... лекин мен кечирим сўрашим шарт. Мен... ўша воқеа юз берганда хонамда турганингизни айта олмас эдим. Айтсам...

— Нилу... ўзингизни қийнаманг, тушунганман. Айтсангиз, бу қиз хушторини уйига бошлаб келаркан, деган аҳмоқона миш-миш тарқарди. Сизнинг номингиз булганарди, номусингизга гард юқарди, оқибатда эрсиз ўтиб кетардингиз... Шунақами?

— Мен калта ўйлаганман... сизни кутишим керак эди, кечиринг.

— Аллақачон кечирганман, энди бу ҳақда гапирмайлик.

— Унда... ўзингиз ҳақингизда гапиринг. Менинг аҳволимни билсангиз керак?

— Очигини айтсам... атайин суриштирганим йўқ. Узунқулоқ гапларни эшитдим. Сиз ҳам мен ҳақимда эшитгандирсиз. Ҳали уйланганим йўқ. Бир-икки йил уйланмасам керак.

Шундай деб қиздан „Нега?“ деган саволни кутиб, жавобан бир-икки йил давомида мазза қилиб ўйнаб олишини айтмоқчи эди. Кутгани бўлмай, Нилуфар енгил хўрсиниш билан жим қолди. Қамбар индамай ўтира олмас эди, шу сабабли суҳбат мавзуини бурди:

— Уч йиллик фирманинг ишлари қалай? Гуллаб-яшнаяптими?

— Фирма... ишлаяпти... Мен ишламаяпман, — деди Нилуфар ҳазин оҳангда.

— Нега?

Нилуфар ресторандаги учрашувнинг эртасига фирма хўжайини сиқувга олганини айтиб ўтирмади. Нилуфар ишга кирганда хўжайиннинг хумор қарашларини сезган,

илмоқли гапларидан ғашланган эди. Аммо астойдил эгалик қилиш аҳди борлигини ўша куни билиб, ишдан бўшаган эди. Бу воқеани эслашни жоиз деб билмай, „Менга тўғри келмади“, деб кўя қолди.

— Қамбар ака... балки энди анча вақт кўришмасмиз, мени кўп лаънатламанг...

Бу гаптаги видолашув оҳанги Қамбарни сескантириб юборди.

— Нималар деяпсиз? Мен сизни ҳеч қачон лаънатламанман!

— Мен четдан иш чиқиб қолса... кетмоқчиман...

— Чет элгами?

— Ҳа.

— Қаерга? Нима иш қилмоқчисиз?

— Қаергалиги ҳозирча номаълум... суриштиряпмиз... Кекса беморларга қараб турадиган ҳамшира бўларман. Ё гўдакларга энагалик қиларман.

— Ҳом гап-ку, бу? Чет элда биров сизни интизор пойлаб турибдими?

— Ким пойларди? Одамлар боришяпти-ку? Агар... чет-да танишларингиз бўлса... айтиб кўрасизми?

— Мен яқинда қамоқдан чиққан одамман, ҳамма танишларим қамоқхонада, — деди Қамбар. Шундай дейишга деди-ю, бу зардасидан ўзи ҳам ғашланди. Бу гапни тилига келиб қолгани учун, мулоҳаза қилиб ўтирмай айтиб юборган эди. Миннат қилиш, қизнинг қалб ярасини янгилаш нияти йўқ эди.

— Кечиринг, — деди Нилуфар йиғламсираб.

— Сиз мени тушунмадингиз, — деди Қамбар ўзини оқламоқчи бўлиб. Аслида бу гапи учун қиздан кечирим сўрамоқчи эди, лекин узрхоҳликка бўйни ёр бермай, „Мени тушунмадингиз“, деб қизни айблади: — Мен... ошна-оғайнилардан суриштириб кўраман.

Дастёр қиз қаҳва келтириб, „Сув қайнашини кутиб. сал кечикдик“, деб узр сўради.

Қамбар финжонни қўлга олиб, қайноқ қаҳвадан ҳўп-лади. Нилуфар қараб ҳам қўймади. Шу онда Қамбарнинг телефони жиринглаб, уни ноқулай аҳволдан қутқарди. Телефондаги рақамни кўргач, ўрнидан туриб сал нари борди-да, уланди. Сардор гапни кўпайтирмади, тез учрашишлар

зарурлигини айтгач, Қамбар ҳам майдалаб сўраб-суриш-тирмай, „Ҳозир етиб бораман“, деди. Унинг гапини Нилуфар эшитган эди. Шу сабабли Қамбар жойига ўтириши билан кетишга изн сўради. Йигит яна бир оз ўтиришга таклиф қилмади, кейинги учрашув ҳақида ҳам оғиз очмагач, Нилуфарнинг истаги билан шу ернинг ўзида хайрлашишди.

Сардор келишилган жойда бетоқат бўлиб ўтирган эди, Қамбар келиши билан саломлашишни ҳам насия қилиб мақсадга ўтди:

— Қамбар, вазият ўзгариб қолди. Тез мол жўнатишимиз керак экан, — деди ҳовлиқиб.

Боғдаги учрашувда кўнгли эзилган Қамбарга бу гап ёқмай жеркиб берди:

— Томинг кетганми? Кеча „Дўконни ёп“, деб ваҳима қилдинг. Энди бунақа гапми?

— Кечаги иш тинчибди. Каттанинг ўзи шошилиш Масковга учиб кетди. Ўрнига Нодир қолди.

— Ие, уни Европага жўнатишмоқчийди-ку?

— Бу ёғи сен билан мен ўйлайдиган иш эмас. Улар буюради, биз бажарамиз. Уч кун ичида одамларинг тайёр бўлиши керак.

— Уч кун кўплик қилмайдими? Мол бозорида сенга керакли тайёр-тайёр одамларни вагонлаб сотаётган эмиш, ҳозир бориб, беш-олти юзтасини олиб чиқа қолай.

— Сен менга пичинг қилма, оғайни. Тирикчиликнинг шунақа кутилмаганда қоқиладиган қозиклари бўлади. Агар сен қозикни қоқмасанг, сени қоқиб кўйишади.

Сардорга ўзининг ҳазили ёқиб ишшайди. Қамбар эса ичида сўкинганича юзини бурди.

— Бўпти, эртага учрашамиз, — деди Сардор ўрнидан туриб.

Қамбар учрашиш учун узатилган қўлга қараб олди-да, „Ҳовлиқаверма, ўтир, гап бор“, деди.

Сардор:

— Гапинг бўлса, нега тумтаясан, гапирмайсанми? — деб койига ўтирди.

— Четда иш топиб берадиган танишларинг борми?

— Бор бўлгандаки... Фақат олдин „Кимга?“ ва „Қанақа иш?“ деган саволга жавоб беришинг керак. Таниш шунга

қараб топилади. Ҳар ҳолда Африканинг президенти бўлишни сўрамасанг керак?

— Ўзингча, зўр пичинг қилдинг-а, ўқимаган? Агар Африканинг президенти бўлганида сендан тахт сўраб, оёғингга бош урардим.

— Африканинг президенти йўқ эканми, ўқиган?

— Жиннилингингни тўхтат, жигимга тегаверма. Ҳозир Нилуни кўрдим.

— Ўзингникими?

— Йўқ.. ўзимники бўлиши керак, лекин бўлмаган Нилу... Хуллас, бу ерда иши чатоқ шекилли, четга боришни хоҳлаб қолибди.

— Қўйиб берсанг, кўнгилчалари нималарни хоҳламайди. Хўп, дегину майшатингни қилиб, суриб юравермайсанми? Хотинликка ярамаган ўйнашликка яхши-ку?

— Ўчир овозингни.

— Хўп, ўчирдим. Унда... Масковга учадиган хотинларга кўшиб юбора қолмайсанми? Баҳонада бора-боргунча учтўрт сўм пул ишлаб ҳам олади.

— Бу ишга аралаштирма. Ё қариларга, ё чақалоқларга энага бўлиши керак.

Сардор „Юракдан ёмон урган экан-да, а?“ деган маънода унга масхараомуз тикилиб ўтирди-да, хаёлини ёритган фикрдан қувониб, „Ҳозир боплаймиз“, деб телефонрақамларини терди:

— Алло, Земфирахоним, бормисиз, опагинам, минг долларлик пулдай кўринмай кетдингиз-ку? Нима, ҳатто минг долларлик чиқмаганмиди? — Сардор бу ҳазилдан маъбўлгандай роҳатланиб кулди. Унинг кулгисидаги ёлғонни сезиб ўтирган Қамбарнинг энциси қотди. Сўкиб юборгани келди-ю, „Бир нимани аниқламоқчи шекилли“, деган фикрда ўзини тутди.

Сардор эса дўстига қарамай, оҳангини ўзгартирмасдан давом этди:

— Бир қадрдон синглимизни четга юборишимиз керак... Йўқ, Швецияга эмас. У қочиб қоладиган сиёсатчиларданмас. Туркиягами ё Арабистонгами... — Земфира мадир дегач, унинг гапи бўлинди. Қамбар телефонда овозни эшитди-ю, гапларини англамади. Сардор эса унга савол назари билан қараб олгач: — Ҳа, биламан, телефо

даги гапмас. Қаерга борай? „Юрмала“гами? Ярим соатда бораман.

Шундай деб телефонни чўнтагига солгач, Қамбарнинг елкасига уриб қўйди:

— Жоннингнинг омади борга ўхшайди. Кимдир: „Дўстинг учун заҳар ют“, деган экан, сен учун заҳар ютмасам ҳам, хизматингдан қочмайман.

Земфиранинг қимлигини, қандай иш топиб беришини билмагани учун Нилуфарнинг юмуши осон битишидан кўнгли хотиржам бўлган Қамбар, аввал уйига бориб, ота-онасидан хабар олди. Ишлари кўпайиб кетганини айтиб, „Бир-икки кун келмасам, хавотир олманглар, кўнғироқ қилиб тураман“, деб огоҳлантиргач, укасидан машина калитини олиб, Юнусободга қараб жўнади. Йўқ жойдан фойда чиқиб қолганидан қувонган Сардор эса дўстининг нодонлигидан кулиб қўйиб, „Юрмала“ деб аталмиш ресторанга шошилди.

Болтиқ денгизи бўйидаги гўзал шаҳарча номи билан аталадиган ресторан марказий обод кўчаларда эмас, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида бунёд этилган эски маҳалладаги хароб уйлар орасида қад ростлаган эди. Омонат қурилган уйларни бадавлат кишилар олдинма-кейин сотиб олиб, ҳашаматли биноларни қуришни бошлаб юборишган, бу ресторан эртанги маҳалланинг кўрки бўлишини мўлжаллаб қурилган эди. Қадим замонларда бирон янги маҳалла ёинки қишлоқ қуриладиган бўлса, ҳали одамлар кўчиб келмасдан туриб, гузарга биринчи галда нонвойхона ва тобутхона қурилар экан. Замонлар ўзгариб, тартиблар ҳам ўзгача бўлди. Тўғри, ресторанда нонвойхона мавжуд. Тобутхона эса... Бу ҳашаматли уйларни қураётган, бу ресторанда маишат қиладиган одамлар муқобилларида ўлим шай турганини, эртами-кечми тобутга тушажакларини фаҳм этмас эканлар, тобутхонага на ҳожат бор?

Сардорни ҳузурига чорлаган Земфира расмий ҳужжатга кўра, бу ресторанда хизматчи хонимларнинг бекаси ҳисобланади. Хизматчи хонимлар ҳаракати кичик бека ихтиёрига берилгани учун Земфира бу тубан ишдан нарида турди. Бу ресторан билан Зангиотадаги уй кўринмас томирлар билан чамбарчас боғланган. Земфиранинг вазифаси бу томирлардан етарли даражада „қон“ оқиб туришини таъ-

---



минлаш. Земфира Сардорни тўрт кичкиннинг ўтириши учун мўлжалланган хос хонасида кутиб олди. Унинг таклифини эшитиб, синовчан назарини қадаб жим қолди.

— Бир ўзини юбормоқчи бўлсанг, чоршанба кунги самолётда жўнатиш мумкин. Истанбулда йигитлар кутиб олишади. Дубайга кетадиганлар ҳали тайёр эмас. Гапингга қараганда, Дубайга борадиганларга уни қўшиб ҳам бўлмайди.

— Йўқ, бу бошқача, онаси ўпмаган қиз деса ҳам бўлади. Эрга тегиб, бир-икки ой яшаган. Битта миллионернинг тўшагини обод қилиб беради. Фақат қўлга қўнгунча ўзи билмай туриши керак.

— Бунга ақлим етадиган бўлиб қолган, оповси, — деди Земфира қошларини чимириб.

— Уни бир кўрасизми?

— Йўқ, менга рўпара қилма. Самолётга ҳам ўзинг кузатиб кўясан. Истанбулдаги уйга етиши билан сен билан ҳисоб-китоб қиламан.

— „Ҳамир учидан патир“ бўлмайдими? Ярмини олиб турсам ҳам майли.

— Сенларга ишончим қолмади. Фарҳод деганинг мени анчага тушириб, қорасини кўрсатмай юрибди. Сен уни топиб бер.

— Бу хунасани ўзим ҳам қидириб юрибман.

— Қолган гапларни қидириб топганингдан кейин гап-лашамиз.

Земфира савдо охирига етди, деган маънода ўрнидан туриб, хона эшигини очди. Сардор ўзидан паст жойларда иззатгалаблик қиларди. Ҳозир тепиб чиқарилган кўппак ҳолига тушган бўлса-да, ғашланмади.

Эртасига эртаб Қамбардан олган рақамни териб, Нилуфарга қўнғироқ қилди. Заиф овозда „Лаббай“ деб жавоб берилгач, ўзини танитди:

— Мен Қамбарнинг ошнаси Сардорман, қамалмасидан олдин кўришган эдик, эсингдами?

„Қамалмасидан олдин“ деган сўз Нилуфарнинг ярасини тирнаб, хўрсинди:

— Эсимда...

— Ошнам кеча бир илтимосингни айтувди. Таниш-билишлардан суриштирсам, Истанбулда шунақа энагалик

иши бор экан. Хоҳласанг, чоршанба куни жўнашинг мумкин. Паспортигни бериб турсанг, самолёт харажатларини ўзим эплайман.

Сардор жувоннинг „Вой, ростданми, дарров ҳал қилиб ташладингларми!“ деб қувонишини кутди. Лекин жавоб бўлмади. Сардор телефон ўчиб қолдими, деб ўйлаган эди, яна хўрсиниш овози эшитилди.

— Алло, паспорт керак, дедим, тушундингми?

— Тушундим, — деди Нилуфар синиқ овозда, — Қамбар ака қанилар?

— Қамбарни нима қиласан? Менга илтимос қилган, мен югуриб юрибман.

— Қамбар акадан узр сўрамоқчи эдим... сиз ҳам кечиринг... айтмасам бўлар экан, бекорга овора қилибман сизларни.

— Бу нима деганинг?

— Ўйлаб қарасам... узоққа бориб ишлашнинг хосияти йўқ экан. Ризқимга ярашаси шу ерда чиқиб қолса керак.

— Сени қайси аҳмоқ йўлдан қайтарди?! Шундай зўр иш топилганда ноз қиласанми?

— Мени кечиринглар...

Шундан сўнг алоқа узилди. Фазаб алангасида қолган Сардор телефонига тикилганича уни бўралаб сўкди. Хумори босилмагач, „Ҳали қараб тур, Қамбар эпламаса, менга ўйнашлик қиласан. „Сардор акажоним!“ деб бўйнимдан кучоқлаганингда қонингни ичаман. Мени аҳмоқ қиладиган мегажин ҳали туғилмаган!“ деган аҳдга келиб, машинасига ўтирди.

## ЗИДДИЯТ ИЛДИЗИ

Нимадир тақиллаб, Рихси чўчиб уйғонди. Яна шундай овоз келармикин, деган ўйда қулоқ тутди. Кўча томондан аҳён-аҳёнда эшитилаётган машина овозини ҳам тун сукунати ямламай ютаётган эди. Рихси соатга қаради, тонг отишга ҳали анча вақт бор, шу боис туришга эриниб, жойига чўзилди. Узилган уйқунинг давом этиши қийин бўлди. Тургиси ҳам келди. Уйда ўзини овутадиغان бирон юмуши бўлганида турар ҳам эди. Ҳозир туриб, қоронғи ҳовлини тентираб кезиб чиқадими? Бир у ён, бир бу ёнга

ағдарилиб, кўзи илинди. Кўп ухламади, шу қисқа пайтда туш кўрди: ўғли жомашовга кир кийимларини ташлаб, „Ювиб кўйинг“, деди. Кир ювиш машинаси бўла туриб, энгашиб олганича иш бошлади. Яғри чиқиб кетган кўйлак-шимни ишқайвериб, қўллари қавариб кетди. Лекин кийим тоза бўлмади... Бундан алам қилиб, жомашовни улоқтирди... Тақиллаш овозидан яна чўчиб уйғонди. Кўрган туши кўнглини кирлаб, ётгиси келмади. Юзини ювиб чиқиб, катта хона чирогини ёқмай, диванга ўтирди. Юраги тошиб, уйга сиғмади. Сукунат ютворай деди. Кўнгил ғашлигини қувиш учун ошхонага кирди-да, газни ёқиб, сув тўла чойнакни кўйди. Чой дамлаб, бир ҳўплам ичмасидан телефон жиринглади. Гўшакни қулоғига тутиб, акасининг овозини эшитиши билан сергак тортди:

— Ака, қаердасиз, келдингларми? — деб сўради.

— Йўқ, ҳали ҳам Малайзиядамиз. Жиянинг „Яна уч-тўрт кун туринг“, деб қўймапти.

— Яхши жойлар дейишади-ку, шошилмай яхшилаб дам олволинглар.

— Энг яхши жой ўзимнинг уйим. Зерикдим. Ўзинг яхшимисан? Уйдан хабар олиб турибсанми?

— Ҳа... Шоҳид ҳам хабар олиб турибди. Ҳамма ёқ тинчлик, хавотир олманг.

— Ўғлингга ишонма, ўзинг хабар олиб тур.

Акасининг бу гапи унга ғалати туюлди. „Шоҳидга нима учун ишонмаяптилар?“ деб ажабланди, ҳатто кўнгли бир оз оғриди. Кейин калитни бериб кўйиб, бирров бўлса-да, хабар олмагани учун ўзидан ҳам айб топди.

Кун ёришмай уйғонган Иззат хотини таклиф қилган чойга қарамай, „Иккита жойда ош бор“, деб шошилганича чиқиб кетди. Дарвозага қадар кузатиб чиққан хотинига қарамай, „Эркатойинг яна келмадими? Бугун қаердан бўлса ҳам топ, зарур гапим бор“, деб тўнгиллаб қўйди.

Субҳи козибда кўрган нохуш туши, акасининг ишончсизлиги, эрининг „зарур гапи борлиги“ биргалашиб, онанинг кўнглига хавотир солди. Дарвозани беркитди-ю, лекин дарров уйга қайтмади. Сўрига омонат ўтирганча уйга толди:

„Ота-бола нега бунча бир-биридан узоқлашиб кетиш-япти? — деган савол қалбини безовта қилиб, хўрсинди. —

Нега бир-бирларини тушунгилари келмайди? Адаси „Ўғлинг ундай, ўғлинг бундай“, деб ёмонлаб, мени айблайдилар. Шоҳим-жаҳоним „Адам унақа, адам бунақа“, дейди. Ўртада мен балогардонман. Пул ўғирлаганмиш, бировдан пул сўраганмиш... Ўзлари билиб бермаганларидан кейин олмай иложи қанча? Ҳозир ўқишнинг ўзи бўладими? Ёш йигитнинг чўнтагида бир-икки юз минг турмаса, ўртоқлари олдида обрўйи қоладими?..“

Кун ёйилганда аввал Иззат келди. Кутиб олган хотинига ҳеч нима демай, хонасига кириб кетди. Бир оздан кейин Шоҳид ҳам келди. Дарвозахонада кўриниши билан Рихси кўнглида чироқ ёнгандай бўлди. Аммо ўғлининг кийим-бошини, ранги-рўйини, айниқса, чап кўзи атрофи кўкарганини яқиндан кўргач, хавотирга тушди, дили оғриди. Аэропортдаги ўриндиққа ёнбошлаган Шоҳид ухламагани сабабли кўзлари қизариб, рангидан қон қочган эди. Ҳозир шу ҳолида сўроққа тутилишини ҳечам истамасди. Лекин нима қилсинки, истак ҳамиша амалга ошавермайди. Афтодаҳол фарзандини кўрган она индамай туриши мумкинмикин?

— Вой ўлмасам, нима бўлди? — деди кўркүв билан.

— Нима бўпти, нега ваҳима қиляпсиз? — деди Шоҳид онасига қарамай.

— Кўзинг нега кўкарди? — Рихси шундай деб ўғлининг бетини силамоқчи эди, Шоҳид тисланиб, ўзини орқага олди. Онасининг савол ўқларидан осонроқ кутулиш мақсадида ҳазил оҳангида жавоб берди:

— Битта қиз қош бўёги билан белгилаб қўйди.

Боласини ночор аҳволда кўрган она ҳазилни дарров қабул қила олмади:

— Нимага белгилайди?

— „Шу йигит меники, биров қарамасин“, дегани бу. Кўчқорларнинг кулоғини кесиб қўйишади-ку, ҳозирги қизлар шунақа одат чиқаришган.

Шоҳид ҳазил оҳанги билан енгиб кетмоқчи эди, буни ҳам эпломлади, она кўнгли унинг ичини кемираётган ташвишни сезиб, синовчан тикилди.

— Сенга майнавозчилик бўлса... — деб афсуслангандай бош чайқади. Кейин пастроқ овозда қўшиб қўйди: — Аданг уйдалар.

---

— Машина кўчада тургандан кейин ўзлари ҳам уйда бўладилар-да, буни тушунишим қийинми?

— Сал мазалари йўқроқ... У-бу десалар, гап қайтарма. „Хўп“ деб қўя қол.

Она-боланинг гаплари чўзилмади. Хонасидан чиқиб келаётган Иззат остона ҳатламаёқ заҳарли оҳангдаги гапларини бошлади:

— Келдиларми, ота ўғил? — Шундай деб яқинлашди-да, ўғлининг кўкарган кўзларига тикилди. — Бунинг сабабини суриштирмайман. Бу йигитчилик белгиси. Шунақа кўкариб турса, эсинг тезроқ киради. Хўш, ота ўғил, Мирвали амакингдан олган уч минг долларни нима қилдинг?

— Қанақа уч минг? — Шоҳид „Мени бу тухматдан қутқаринг“, дегандай мўлтиллаб, онасидан нажот истади.

— Олмадингми? — Иззат ғазаб билан шундай деб, қаҳрли нигоҳини энди Рихсига қадади: — Эшитяпсанми? Эркаторинг олмаган. Чунки хасис амакиси бермаган. Шунақами? Энди менинг учта саволимга жавоб бер: қачондан бери отангинг пулини ўғирлайсан, қачондан бери тиланчилик қиладиган бўлиб қолдинг ва бу қачонгача давом этади?

Бу ҳолатда қўлидан ҳеч бир иш келмаслигини билса-да, Рихси вазиятни юмшатиш учун ўртага тушишга мажбур бўлди:

— Адаси, қўйинг, мазаси йўққа ўхшайди, кейин гаплашарсиз...

— Ҳа, ёнини олавер. Мазаси йўқми? Тупурдим мазасига! — деди Иззат оғзидан тупук сачратиб. Жўрттага тупурмаган, бақиргани учун сачраган бўлса-да, бу Шоҳидга ёқмай, бақириб ташлади:

— Менам пулларингизга тупурдим. Бир тийинингиз ҳам керакмас!

— Вой нонкўр! Шунақами?!

Ғазабини босолмаётган Иззат ўғлига мушт туширди. Отасидан ҳечам калтак емаган Шоҳид учун бу зарба кутилмаган эди. Ҳозир мушт зарби эмас, арзимаган турткидан ҳам учиб тушадиган ҳолдаги йигит ёнбошига йиқилди. Йиқила туриб онасининг биллагидан ушлаб олишга улгурди. Бўлмаса, боши билан қаттиқ тушиб, бир бало бўлиши тайин эди. Бир мушт билан ғазаб нафси тийил-

маган Иззат ўғли томон энгашди. Рихси яна уради шекилли, деб Шоҳиднинг бошини кучоқлаб олди.

— Вой, бунча бемеҳрсиз! Ўша ҳаром пулларингизни деб болангизни урасизми? — деб йиғламсиради.

— Нима? Пулларим энди ҳаром бўлиб қолдимми? Балки ўзим ҳам ҳаромдирман!

Ўғли томон энгашган Иззатнинг уриш нияти йўқ эди. Хотинининг гапи аланга устига мой сепгандай бўлди-ю, энди унинг юзига тарсаки туширди. Рихси „Вой!“ деганича ўтириб қолди. Шоҳид эса шарт ўрнидан туриб, атрофга аланглади, кейин деворга осиглиқ жиғжималдор ханжарни олиб, қинидан суғурди. Қалтироқ қўллари билан дастасини маҳкам ушлаб, отасига ўқталди:

— Агар ойимни чертсангиз, сўйиб ташлайман!

Шоҳид бақирмоқчи эди, лекин овози хириллаб чиқди. Унинг бу хунук овозидан отаси ҳам, онаси ҳам қўрқиб кетишди. Иззат қўрқув билан тисланди. Рихси ирғиб туриб ўғлининг йўлини тўсди. Бундан фойдаланган Иззат хонасига кириб, эшигини ичкаридан қулфлади. Рихси бир қўли билан ўғлининг бошини силаб, иккинчи қўли билан ханжарни олди. Тигни қинига солгач, ўғлини хонасига бошлаб кирди.

— Бир пас ётиб дамингни ол, ҳозир лимон чой қилиб бераман, — деб изига қайтди.

Она-боланинг овози тингач, дипломат кўтарган Иззат хонасидан чиқди-да, лом-мим демай, кўча томон юрди.

### ҲАР БУРЧАҚДА ҒАМ АЛОМАТИ

Шоҳиднинг амри билан метро бекатида машинадан тушиб қолган Жавлоннинг уйга боргиси келмади. Кўча четида тўрт-беш дақиқа довдираб турди. Куни билан булут оғушида тўлғонган осмон энди томчиларини авайлабгина соча бошлади. Жавлон ёноғига тушган томчиларни ҳам сезмади. Паришон нигоҳи қоронғулик бағридаги дарахтлардан, қуюқ булут пардаси билан тўсилган осмондан нажот излади.

Нажот йўқ эди, билакс, ҳар бурчақда ғам аломати, ҳар манзарада кулфат ранги бор эди. Ёмғир гўё мотам қўшигини айтаётган каби енгил пичирларди...

Ёмгир томчилари тезлашиб, у жунжикди, охири бир қарорга келиб, пастга тушди-да, талабалар ётоқхонасига қараб кетди. Кеч киргани учун тартибга биноан эшик беркитиб қўйилган бўлса ҳам, навбатчи йигит Жавлонни таниб, ичкарига қўйди. Дарс тайёрлаб ўтирган ўртоғи унинг бемаҳалда кириб келишидан ажабланди, ранги-рўйига қараб „Бир бало бўлганга ўхшайди“, деб ўйланди-ю, лекин ҳол-аҳвол сўраб-суриштиради. Бунинг ўрнига:

— Жўражон, яхдек чой бор ё қайноғидан бўлсинми? — деб лутф қилди.

— Чанқамадим, чарчадим... Майли десанг, бир пас ухлаб олай...

— Гап йўқ, жўражон, Матназар ошнасиникига чиқа қолади, — деб тескари ўтирилиб ётган ҳамхонасини уйғотди. Ҳамхона Жавлон кириб келган пайтда уйғониб кетган эди, шу сабабли, ўрнидан тезгина туриб, чойшабини елкасига ташлаганича гап-сўзсиз чиқиб кетди. Жавлон кийимларини ечмай, унинг ўрнига чўзилиб, кўзларини юмиб олди. Уйқуси келмаётган эди, дўстининг саволга тутиб қолишидан сақланиш учун шундай қилди. Аксига олиб, дўсти дарров ёта қолмади, ивирсиб, ниманидир қидирди. Кейин ташқарига чиқиб, анчагача қолиб кетди.

Яхшики, Фарҳоднинг шериги ҳам ўлдирилганини, икки ўликнинг юкхонага жойланганини у кўрмади. Фарҳодни тепкилашда иштирок этганининг ўзиёқ унинг эсини огдириб қўяёзган эди. Тепаётган пайтида Фарҳоднинг даҳшатдан чақчайган кўзларига кўзи тушган эди. Ўша чақчайган нигоҳнинг таъқибидан қутулолмай, тўлғониб ётди. Кундузи афюн хуморини босганда бу ҳолдан пича қутулгандай бўлган эди. Уйғониб, кўчага чиққанида, машинадан тушиб қолганида бу даҳшат хуружга кирди. Фожиа юз берган уйдан чиқиб кетса, даҳшат таъқибидан қутуладигандай туюлган эди. Йўқ, акси бўлди: энди қай томонга қарамасин, чақчайган нигоҳга кўзи тушаверди. Ҳозир кўзларини юмиб олганда ҳам бу таъқибни даф этолмади. Тонгни юрак санчиғи билан қаршилади. Барвақт турган дўсти оёқ учида шарпасиз юришга уриниб, нонушта тайёрлагач, уни „уйғотди“ . Жавлон уйқуга тўймагандай керишиб, қаддини аранг кўтарди. Туни билан таъқиб қилган чақчайган нигоҳ уни тўшакка михлаб ташлагандай эди.

Нонуштада бир тишлам нон билан икки хўплам чой унга кифоя қилди. Дўсти унга синовчан тарзда қараб-қараб кўйди-ю, яна ҳол сўрамади. Дастурхонни йиғиштиргач, китоб-дафтарларини кўлига олиб, „Ўқишга кетдикми?“ деб сўради.

— Мазам йўғроқ... дўхтирга учраб, кейинроқ борарман...

— Борганинг яхши эди, сени суриштиришяпти?

Бу гапни эшитган Жавлон чўчиб тушди, кўзларини катта очиб:

— Ким? — деди.

— Танимадим... Севаранинг акаларимиш.

— Севаранинг акалари? Мен нимага керак бўлиб қолибман?

— Севара уйга бормаганмишми? — деди дўсти бу сафар мужмалроқ оҳангда.

— Уйга бормаса... мен қоровулманми у қизга?

Шундай деди-ю, кўполлиги ўзига ҳам малол келиб, дўстидан кўзини олиб қочди. Билган хабарини айтган дўстининг кўнглини оғритиши ортиқча эди. Кўчага бирга чиқишиб, бекатда ажралишди. Жавлон зоҳиран мақсадсиз тентираб юрганга ўхшаса-да, ботинан бошига ёғилган бало дўлидан қандай қутулишни ўйларди. „Фарҳод ўлмаган, ҳушига келиб, уйига кетди“, деган гапга ишонгандай бўлгани билан хавотир ва қўрқув тиглари ҳамон унинг бўғзига қадалиб турарди.

Дардини кимга айтишни билмайди, кимдан жўяли маслаҳат олиш мумкинлиги ҳам унга қоронғи. Сирини айтиши мумкин бўлган икки ўртоғининг аҳволи ўзига маълум. Ота-онаси, акаси... улар билан сирлашиш мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайди. „Кеча бировни ўлдириб қўйганга ўхшаймиз“ деб гап бошлаши билан уйда атом бомба портлагандай бўлади. Маслаҳат эшитмайди... Лаънат харсангига бостиришади... Бу ҳам етмагандай, энди Севара... уйига бормабди. Агар бир нима бўлса... яна у балогардон...

„Унга бир нима бўлса...“

Нима бўлиши мумкин? Нега ундан гўмонсирашяпти?

Нима қилиш керак?

Ўн-йигирма марта ўзига ўзи бу саволни бериб, жавоб тополмаётган эди.

...Қочиш керак!



Шу жавобдан бошқаси унга маъқул келмади. Лекин бу жавоб бошқа саволларни туғдирди: қаяққа қочади, қандай қочади? Уни ким қучоқ очиб қутиб олиб, бошпана беради? Неча кун ёки ой қочиб юради? Қочиб юра-юра, кейин қайга бош уради? Хўп, қоча олди ҳам, бошпана ҳам берилди. Лекин... хумор тутганда нима қилади? Қандай чидайдими? Қочиб борган жойида Шоҳидга ўхшаган меҳрибони топиладими?

Холасининг эри Жиззахдан ер олиб, фермерлик қилаётгани учун бултур кўчиб кетишган эди. Ўтган ой холаси меҳмон бўлиб келганда „Қанақа оқибатсиз жиянсан, бир йилда бир марта бориб кўйишга ҳам ярамайсан-а!“ деб гина қилган эди. Ҳозир шуни эслаб, „Энг маъқули шу бутуноқ Жиззахга жўнаб қолиш“, деган қарорга келди. Шу аҳд билан уйига шошилди.

Дарвозага буриб кўйилган акасининг эски „Жигули“ сига кўзи тушиши билан кўнгли баттар хиралашди. Уйда ҳеч ким бўлмаса, тезгина кириб чиқмоқчи эди. Акаси Қодир эзмалик бобида отасини ҳам, онасини ҳам ярим йўлда қолдириб кетади. Коллежни бир амаллаб битирганидан бери ошхонада кабобпазлик қилувчи акаси кўпчилик билан муомалада бўлгани учунми, ўзини доно ҳисоблаб қолган эди. Дунё устувори илм эмас, пул эканига қатъий иймон келтирган бу одам акасининг ўқишга берилганини ёқтирмай, уни ҳаётни тушунмасликда айблаб, ёнига чорлайверар эди. Ота катта ўғилнинг гапларини тўла қўллаб-қувватла-маса-да, математикага уста кичик ўғилнинг ўқишни тугатиб, шу ақли, шу илми билан мактабда ўқитувчилик қилиши, маошга кўз тикиб яшашини хоҳламасди. Жавлонни фақат онаси тушунарди... Илмни одамнинг нурли келажига фақат угина ишонарди...

Жавлон ҳовлига кириб, сўрида ўтирган акасига кўзи тушиши билан тўхтаб қолди: сўрига қўлтиқхасса тираб кўйилган, Қодирнинг бир оёғи тўпикдан сонга қадар гипсланган эди. Дарвозахонадаги шарпани сезиб, акаси шу томон қаради-да:

— Ҳа, дайди Жавлон бойвачча, келдингми? — деди нозу оҳангда.

Ака-укада бир-бирига салом бериш одоби йўқ эди. Қодирнинг меҳри товланиб кетса, „Қалайсан?“ деб ҳол сўра-

ган бўларди. Ҳозир оёғидаги азобдан қийналиб ўтиргани учун пичинг билан чекланди. Жавлон унга яқинлашиб, „Келдим“, деди. Кейин „Нима бўлди?“ деб сўраб, укалик меҳр-оқибатини шу савол билан адо этди.

— Палакат бўлди, нима бўларди?! Йиқилиб тушдим. — деди Қодир қовоқ уюб.

— Ишхонадами?

— Шу уйда... ана, болохонанинг зинапояси синиб кетди. Зайни ҳозир машинамда дўхтирга олиб бориб келди. Оғриқ сал босилсин, ишхонамга сен олиб бориб қўясан. Тузалгунимча ёнимдан жилмайсан, билиб қўй.

— Ишга... бу аҳволда бориш шартми?

— Шарт! Хўжайин тушунмайди, иссиқ жойдан ажраб қоламан.

— Мен бориб тушунтириб келайми?

— Йўқ! Кабобни оёғимда пиширмайман-ку, бир амал-лайман.

Жавлон атрофга хавотир билан боқиб, „Ойим уйдадилар?“ деб сўради.

— Ойим энди эсинга тушдиларми? Қаёқларда санқиб юрибсан? Сени одамлар қидириб келишибди. Ойимнинг жонларида жон қолмади. Ўқишинга суриштиргани кетган эдилар.

— Қаёқдалигимни билардилар-ку?

— Сен санқи думингни ушлатасанми, ўзинг?!

— Мени ким сўраб келди?

— Билмайман. Қанақадир қизнинг акаларимиш. Сен ўқишда ўқияпсанми ё шилта-пилталарга илакишиб юрибсанми? Билиб қўй, битта-яримта шилтани эргаштириб келсанг, унинг оёғини синдираман, сенинг бўйнингни узиб ташлайман. Бизнинг уруғдан ҳали бунақаси чиқмаган.

Қодир шундай деб ўдағайлагач, худди ваъдасини ҳозирнинг ўзидаёқ бажармоқ қасдида ўрнидан туришга ҳаракат қилгандай қимирлаб олди. Жавлонга бу гап оғир ботди, юрагининг бир чимдимини қисқичда узиб олиб ташлагандай бўлди. Лекин бу ердан тезроқ кетиш учун акасига гап қайтаргиси келмади. Ундан кўзини олиб қочиб, паст овозда сўради:

— Ака, озгина пул зарур бўлиб қолди.

— „Озгина“ деганинг қанча?

— Икки-уч юз минг...

— Икки-уч юз минг? — Қодир энди унга кўзларини олайтириб қаради. — Оғзингнинг бир чеккасида чикди-я?! Мен пулни тутун ютиб топаман, биласанми, гўдайган?!

— Биладан... — Жавлон акасида пул сўраганига пушаймон еб, бурилиб кетмоқчи эди, таҳдид оҳангидаги савол тўхтатди:

— Пулни нима қиласан?

— Ўзимгамас, домламга керак бўлиб қолди, қарзга сўраяптилар. Уч кунда қайтардилар.

— Ёлгон гапирма. Институтнинг домласи сендан қарз сўрарканми? Қарз деб олади-ю, еб кетади. Башаранга нима бўлди?

— Нима бўпти? — Жавлон шундай деб юзини силади.

— Ойнага қарагин, биласан нима бўлганини.

— Кўзим қизарибдими? Домлам билан сонлар назарияси устида ишляпмиз. Уйқу йўқ, чой ичишга ҳам вақт йўқ.

Акасига хўп ажиб баҳонани айтди: карра жадвалга тиши ўтмайдиган, лекин пулга пулни кўпайтиришга чаққон одам „сонлар назарияси“ни билармиди, бу назариянинг аҳамияти-ю, уни ўрганишнинг заҳмати хис қила олармиди? Хис қилса эди, ҳеч бўлмаса, „Ҳа, миянг чарчабди“, деб укасига далда бериб қўярди. Бунинг ўрнига энсаси қотиб, „Шу аҳволингда аҳмоқ бўлиб ўтиб кетасан, бу дунёдан“, дегандай пешонасини тириштирди. Жавлон акасининг феълени билгани учун, унга аҳамият бермай, яна сўради:

— Пул бериб турасизми?

— Ойим келсинлар, ўзларидан оласан, — деб тўнғиллади Қодир.

— Кутишга вақтим йўқ.

— Керак бўлса, кутасан.

Жавлон нима қилишини билмай туриб қолди, кейин иложсизлик юкидан эзилиб, болохонага кўтарилди. Китоблари орасига озгина пул яшириб қўйган эди. Олиб санади, „Жиззахга етиб олишга етади. У ёғи бир гап бўлар“, деб кийимларини тахлай бошлади. Шу пайт дарвозаси олдида бир машина кескин тарзда тўхтаб, уни қўрқитиб юборди. Шошилиб деразадан қаради-ю, машинадан тушаётган Ҳасанни кўриб, эсхонаси чиқиб кетди. У довдираб

турган пайтда ака-ука тез-тез юриб ичкарига киришди. Ҳасан тўғри келиб, Қодирнинг бетига тарсаки туширди-да, „Сенмисан, Жавлон?!“ деб бақирди.

Тарсакига қаноат қилмай, жағини мўлжаллаб мушт туширмоқчи бўлганда Ҳусан уни билагидан ушлаб, „Бу акаси“, деб тўхтатди. Ҳасан мушт туширишдан тийилгани билан ғазабини босолмади:

— Уканг қани? — деб ўдағайлади.

Кутилмаган ташриф ва тарсакидан гангиб қолган Қодир дарров ўзини ўнглаб, унинг дўқига дўқ билан жавоб қайтарди:

— Ўзинг кимсан?

— Кимлигимни билмадингми? — Ҳасанга бу оҳанг ёқмай, Қодирнинг гипсли оёғини босди.

Қодир дод деб юбориб, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида атрофида қўлга илингулик нарса излади. Унга қараб отиш учун ёнида битта пиёла ҳам йўқ эди.

Ҳасан унинг жағига муштини тираб, оғзидан тупук сачратиб деди:

— Уканг синглимнинг бошини айлантириб, қочиб юрибди. Мен сенларнинг уруғларингни қуришиб ташлайман.

Қодир булардан омонлик кутиб бўлмаслигига ақли етиб, юмшади:

— Укам устозиникида эди, билмайман, — деди инграб. — Синглингизни... умуман эшитмаганман. Мени нега урасиз?

— Уриш кам, сенларни! Синглимнинг битта сочи тўкилса, ҳаммангни қуритаман.

— Телефонингизни беринг, келса, дарров хабар қиламан. Агар гапингиз рост бўлса, бизнинг оила шаънига ҳам ёмон.

— Оилангнинг шаъни бор эканми? Мен сени гаровга олиб кетаман. Ота-онанг укангни топса, сенга алмаштириб оламан. Бошқа гап йўқ!

Ҳовлида Қодир сиқувга олинаятган дамда Жавлон қочиб қолишдан ўзга чораси йўқлигини билиб, деразани очди-да, аста осилиб тушди. Пусиб бориб, „Жигули“нинг эшигини очди. Бу машинанинг эшиги қулфланмасди, калит ҳам йўқ, бунинг ўрнига иккита сим чатиштирилса кифоя эди. Жавлоннинг титроқ бармоқлари бу ишни дарров эплай олмади. Симни топиб, чатиштиргунча қўрқув-

дан юраги ёрилиб кетай деди. Пешонасини муздек тер босди. Мотор ўт олгач, қутулганига ишонч уйғониб, машинани жилдирди.

Кўчада машина овозини эшитган ака-укалар „Нима гап?“ деган савол билан бир-бирларига қарадилару, Уша заҳоти кўча томон югурдилар. Муюлишда бурилаётган машинани кўриб, нима бўлганини англадилар-да, яна тез-тез юриб, ҳовлига қайтдилар. Ҳасан бу сафар ҳам Қодирга мушт туширди.

— Нега урасиз? — деди Қодир йиғламсираб.

— Айбингни билмадингми, хунаса?! Тур ўрнингдан! — деб бақирди Ҳасан.

— Нега тураман?

Бу сафар Ҳусан акасини тўхтатмади, аксинча, ўзи ҳам уриб қолди.

— Қани, юр! Укангни ўзинг топиб бермасанг, ўласан!

Жавлон машина ҳайдашга уқувли эмасди. Катта кўчага чиққудай бўлса, кўрқиб-кўрқиб ҳайдарди. Ҳозир серқатнов кўча кўркувидан кўра даҳшатлироқ кўркувга банди бўлгани учун машинани тез ҳайдаб, маҳалласидан узоқлашди. Пешкўзгуга қараб-қараб қўйиб, орқадан қувмаётганларига ишонч ҳосил қилгач, нафасини сал ростлади. „Қувмаётган бўлсалар ҳам, излашлари тайин. Милицияга хабар берилса, тамом! Бир пасда топишади!“ Жавлон шу хаёлга келиб, машинани четга олиб тўхтатди. Машинани шу ерда қолдириб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин қаерга боришни билмай, довдираганича ўтираверди. Охири сирдошлари билан маслаҳатлашмай бир қарорга келолмаслигини фаҳмлаб, яна йўлга тушди. Аввал Шоҳиднинг тоғасиникига борди. Дарвоза берк, қўнғироқни чалган эди, ичкарида шарпа ҳам сезилмади. Шоҳидникига бориб суриштиришни истамади, Иззатнинг қаҳрли назарига рўпара келишни хоҳламади. Кичкина болаликларида Шоҳидни чақириб боришганда отаси чиқиб қолса, тўнғиллаб, ҳайдаб юборарди. Айниқса, янги уйда бирон марта ҳам меҳмон бўлиб ўтиришмаган, Шоҳид кўчада тантилик қилгани учун оғайниларида „Нега уйига чақириб меҳмон қилмайди?“ деган савол уйғонмаган.

Ҳозир борадиган битта жой қолган эди. Жавлон кўп ўйламай, машинани Радикникига қараб ҳайдади. Кўча

эшиги қия очик бўлса-да, „Онаси уйладир“, деган ҳадикда қўнғироқ тугмасини босди. Радикнинг онасидан қўрқмасди. Бу хотин улрни ҳамиша очик чехра билан қарши оларди. Фақат... тарбия бобида насиҳат қилавериби ўзи чарчамасди-ю, аммо болаларни тўйдириби юборарди. Жавлоннинг ҳозирги ҳадиги шундан: очик чехрали аёлнинг насиҳатларига дуч келишга сира-сира тоқати йўқ эди. Ичкаридан жавоб бўлавермагач, остона ҳатлаб ўтиб, атрофга ўгринча қараб олди. Кейин овоз бериб, ўртоғини чақирди. Торгина ҳовлида овози жаранглаб чиқиб, яна ҳадик билан аланглаб олди-да, аста-аста юриб, уйга кирди. Радик деворларига ҳар турли суратлар ёпиштириб ташланган ўзининг хонасида энгил хуррак отиб ухларди. Очилмаган ўрин устида кийимлари билан ётганини кўриб, „Яқинда келганмикин, кечаси қаерларда юришганикин?“ деб ўйлади. Уйғотмоқчи бўлиб яқинлашди-ю, фикридан қайтди. Гиламча устига ўтириб, Радик ётган қаравотга суянди. У тамоман гангиб қолган, нималарни ўйлаётганини ўзи ҳам тушунмаётган эди. Шу ўтиришида мизғиб қолди. Суянган жойида бир чайқалиб, чўчиб тушган онда Радик ҳам уйғониб кетди. Ярим юмук кўзларини дўстига қадаб ажабланди.

— Нима қилиб ўтирибсан? — деди тирсагига суянганича сал қадини кўтариб.

— Уйғонишингни кутиб ўтирибман, — деди Жавлон ўрnidан туриб.

— Нега келдинг?

Жавлон Севаранинг йўқолиб қолганини, акалари қидириб келишганини ваҳима билан айтиб берди. Иккита ўлик даҳшатидан қутулолмаётган Радик учун бир қизнинг акалари қидириб келиши арзимаган гапдай туюлиб, пешонасини тириштирди.

— Қизинг қаерда бўлиши мумкин? — деди энсаси қотиб.

— Мен қаердан биламан?

— Акаларига ҳам шунақа деявермайсанми?

— Ишонишармиди?

— Ишонишмаса, орқангга икки марта тепиб-тепиб қорасини ўчиради. Сени еб қўярмиди, шунга ҳам шунчалик ваҳимами?

— Важоҳатини кўрмадинг... мени деб акамни уриб ке-

тишди.

— Хўп, мен нима қилай, ўлдириб берайми уларингни? Оғиздан шунчаки чиқиб кетган бу сўзлар Жавлонга ҳукм тарзида эшитилиб, сесканиб тушди.

— Нега ўлдирасан? — деди титроқ овозда. Кейин қарорини айтди: — Шаҳарда қолишим мумкинмас. Кетиш керак.

— Кетиш керак...

Ўликлардан қутулишгандан бери Радик ҳам шу фикрда эди. Лекин „Қаерга? Борган жойда тирикчилик нима бўлади?“ деган саволлар кўндаланг бўлиб, бу муаммоларга Жавлон каби у ҳам жавоб тополмаётган эди.

— Кетиш керак? — Бу сафар овозини баландлатиб сўради: — Қаёққа?

— Масалан... Жиззахга.

Бу таклиф Радикка майнавозчилик бўлиб туюлиб, афтини бужмайтирди.

— Жиззахда нима бор?

— Холамникига борамиз. Поччам фермер...

— Мол боқишни биласанми?

— Мол боқишнинг нима алоқаси бор?

Радикка бу гаплар ёқмай, ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Кранни бураб, муздек сувга бетини тутди. Жавлон Радикнинг бу қилигидан ажабланиб, айвонда турганича ундан жавоб кутди. Радик ювиниб-артиниб бўлгач, газ плита устида турган чойнакни кўтариб, жўмрагидан ютиниб-ютиниб ичди.

— Чой қўяйми, ичасанми?

— Ичмайман... Ҳалиги гапга нима дейсан?

— Шошмай тур, Шоҳ келсин, маслаҳатлашамиз. Умуман... таклифинг менга ёқпти. Балки беш-ўн кун чўлга чиқиб, ҳаётни ўрганиб келишим керакдир.

Бу гапларни хотиржам оҳангда, ишонарли тарзда айтмоқчи эди. Лекин вужудини ўраб турган ваҳма булути бунга йўл қўймади. Овозидаги синиқликдан кўнгли баттар ғашланди. „Ҳаётни ўрганиб келиш“ ҳақидаги гапига ўзи ҳам ишонмади.

„Ақл жасоратдан олдин юради, аввал идрок, кейин журъат туради“, дейдилар. Бу йигитларни Худо ақлдан қисмаган эди. Лекин Тангри берган ақл неъматини афюн билан заҳарланса, „жасорат“, „журъат“ деган фазилатларга ўрин қолармикин бу ёш вужудда?



Уйқусиз тун азобидан қутулолмаётган Шоҳидни отаси билан бўлган можаро тилим-тилим қилиб ташлагандай бўлди. Отасига ханжар ўқталгани билан урмасди, уролмасди. Қонда нафрат ва ғазаб олови аланга олган дамда қалбини сирли совуқлик қоплаб олган эди. Жаҳл устида ханжарни яланғочлади-ю, отасининг даҳшатдан олайиб кетган кўзларига кўзи тушиб, бу қилиғидан ўзи ҳам қўрқиб кетди. Онаси туриб олмаганда ханжарни ташлаб, қочиб қолган бўларди. Отаси хонасига кириб кетганда қадам босишга ҳам ҳоли қолмаган эди. Хонасига зўрға кириб, ўзини каравотига ташлади. Худди ўлик тана каби чўзилиб қолди. Яхшики, онаси кириб оқ-воҳини бошламади, лимон чойни қўйди-ю, „Иссиқ-иссиқ ич, кўнглинг ёришади“, деб чиқиб кетди. Шоҳид чойга қараб ҳам қўймади. Бир-икки у ён-бу ёнига ағанагач, уйқуга енгилди. Уйқу енггани билан у ҳаловат топмади. Икки ўликнинг икки жуфт олайган кўзлари шифтдан тик қараб тургандай туюлаверди. Бир қанча муддат шу аҳволда ётгач, уйғонди. Қуш уйқуси қучоғида тугата олмаган аламлари ҳам уйғонди. Кўзларини очиши билан шифтга қаради: таъқиб этган кўзлар йўқ. Қаддини кўтармоқчи эди, бутун вужуди қақшай бошлади. Яна чўзилди. Лекин кўзларини юлмади. Яна ўликларни кўришни истамади. Бир неча дақиқа ҳаракатсиз ётгач, чуқур нафас олди-да, қаддини кескин кўтариб, сапчиб турмоқчи бўлди. Туришга турди-ю, вужудидаги оғриқдан қутулмади. Азобга чора топиш учун бу ердан тез чиқиб кетиши керак эди. Шу сабабли эшикни қия очиб, отасининг хонаси томон ўғринча қаради. Иззатнинг чиқиб кетганини билмаган эди. Ошхона томонда ҳам шарпа сезилмагач, уйдан ўғри мушукдек сирғалиб чиқиб, кўчага ошиқди. Чўнтагида бир олишлик қорадори бор эди. Тоғасиникига жўнашни фикр қилди-ю, лекин бир ўзи боришга юраги дов бермади. Радикка берган ваъдасини эслаб, киракаш машинани тўхтатди. Манзилни айтиб, кира ҳақини келишгач, „Йўл-йўлакай ошнамникига зув кираману зув чиқаман“, деб анҳор ёқалаб юришни илтимос қилди.

— Анҳор йўли ҳали очилмаган бўлса керак, — деди ҳайловчи.



— Нега очилмайди? Беркмиди? — деб ажабланди Шоҳид. Сўрашга сўради-ю, кўчанинг берк бўлиши сабабини англаб, чўчиб тушди. У машинанинг бу қадар тез топилишини кутмаган эди.

— Бир соат олдин ўтмоқчи бўлганимда берк эди. Анҳорга яна машина тушиб кетибди. — деди ҳайдовчи йўлдан кўзини узмай. — Ошнангникига энди кечки пайт ўтарсан, ишинг зарур бўлса, пиёда борасан.

— Бошқа илож йўқ, — деди Шоҳид афсус оҳангида. Кейин ҳайдовчидан гап олиш мақсадида сўради: — Шўпири маст эканман?

— Ким билади? Милиса айтармиди? Бир палакатга йўлиққан-да. Кечгача миш-миш тарқаса, нима бўлганини билиб олармиз. Аслида ўша йўлнинг хосияти йўқ. Қадимда ўрислар бостириб келишганда шу жойдаги урушда кўп одам шаҳид кетган экан. Анҳор ўликка тўлиб, сув тошган экан. Бунақа жойлардан ўтаётганда эҳтиёт бўлиш керак. Одам покиза бўлиши шарт. Қабристонларнинг устидан ўтган йўллар ҳам нопокликни ёқтирмайди. Олдинлари одамлар бунақа жойдан ўтишда отдан тушиб, етаклаб олишаркан. Ҳозир бунинг иложи йўқ, шунинг учун машинани секинлатиб, ашулани варанглатмай, ўчириб, дуо ўқиб ўтиш керак...

Ҳайдовчи шунга ўхшаш гапларни гапириб кетаверди. Шоҳид эса ўз хаёллари тузоғига баттар ўралиб бораверди.

Радикникига кириб келганида иккала ошна шолча ҳам, кўрпача ҳам тўшалмаган ёғоч сўрида худди курк товукдай хурпайиб ўтирган эди. Ўтирган жойларида қўл бериб сўрашишгач, иккови икки ёнга сурилиб, Шоҳидга ўртадан жой бўшатишди. Гарчи уни кутиб ўтирган бўлишса-да, дарров гапга тушиб кетишмади.

Шоҳиднинг аҳволи уларникидай аянчли бўлмаса-да, гапиришга ҳуши йўқ эди. Ошналарининг ўтиришига қараб, „Куёнюраклар, булар бир балони бошлашади ҳали“. деб сўкиниб қўйди-да, Жавлоннинг биқинига тирсаги билан туртди.

— Кўчадаги машина акангникими?

Жавлон „Ҳа“, деб бош ирғади.

— Сенга ишонмас эди-ку, нечук тантилик қилиб юборди. Ё олиб қочдингми?

— Қочганини тўғри топдинг, — деб гапга қўшилди Радик. — Лекин акасиданмас. Маржасининг акалари қидириб келишибди.

Шоҳид „Ростми?“ дегандай Жавлонга қаради, у жавоб ўрнига яна бош ирғаб қўйди. Бундан жаҳли чиққан Шоҳид энди уни қаттиқроқ туртди:

— Гапирсанг-чи, латта?!

— Ҳа... Зўрага қочиб қолдим, — деди Жавлон минғирлаб.

— Нега қидиради?

— Билмадим... важоҳатлари ёмон, ўлдирворадиган.

— Шу минғир-минғиринг билан сен ўлдиришга ҳам арзимайсан. Нимадан кўрқасан? Нега қочдинг? Севарага текканинг йўқ-ку?

— Унда... нимага мени қидиришади?

— Мендан сўраяпсанми? Калланг борми? Нега ўзларидан сўрамадинг? — Жавлон бу саволга жавобан елка қисиш билан чекланди. Шоҳид эса бу мавзуни давом эттиришни истамай, муддаога кўчди: — Акангдан пул олдингми?

Жавлон „Сўрадим, бермади“, дегиси келмай, „Улгурмадим“, деб қўйди.

— Ҳе, сўтак! Тиришиб қолсанг, „улгурмадим“ қанақа бўлишини биласан.

— Балки... машинани сотиб юбора қолармиз. Бунда юрсам мени бир пасда топиб олишади.

— Шу эшак аравангни кимга сотасан? Кўчага чиқиб қидириб кўр-чи, оладиган аҳмоқ топилармикин?

— Усталарга кўрсатиш керак, ярайдиган қисмларини бўлиб-бўлиб олади, — деди Радик гапга аралашиб.

— Ҳов ақли, ундан кўра иккалангни дўхтирга кўрсатсам-чи, буйрак-муйракларингни сотиб юборсам, анча пул бўлади.

— Бу ҳам яхши фикр, шахсан мен битта буйрагимни сотишим мумкин, — деди Радик уни ғазаб отидан тушириш учун. — Битта буйрак билан яна юз йил яшаса бўлади.

— Сенинг буйрагингни ит ҳам емаса керак, — Шоҳид шундай деб пўнғиллаб жимиб қолди.

Радик ошнасининг қўполлигини пичинг тиғига илмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, тутаб турган оловга мой қуйиб, алангалатиб юбориши эҳтимоли мавжудлигини англаб, эътиборсиз оҳангда жавоб қайтарди:

— Жавлондан яхши таклиф чиқди, Жиззахга жўнавор-сакмикин?

— Жиззахда нима бор экан? — деди Шоҳид энсаси қотиб.

Радик „Ғалвалар босди-босди бўлгунича ўша ёқда жимгина ёта турамин“, дейишга оғиз жуфтлади-ю, лекин тунги воқеадан Жавлоннинг хабари йўқлигини эслаб, „Чўл ҳавосида дам олишнинг ҳам гашти бор“, деб қўйди.

Шоҳид бу таклифни ўйлаётгандай бир пас жим ўтиргач, „Яхши фикр“ деб қўйди-да ўрнидан туриб, Жавлонни туртди:

— Тур, кетдик.

— Қаёққа? — деб ажабланди Жавлон.

— Пул топишга. Бешқайрағочга бориб келамиз. Кетадиган бўлсаларинг қуруқ чўнтак билан жўнайсанларми?

Жавлон иложсиз равишда унга эргашди. Уч-тўрт қалам босгач, орқасига ўтирилиб, „Менинг ўрнимга балки сен борарсан?“ деган илинжда қарали. Радик бу қарашнинг маъносини уқиб, „Илож қанча, Шоҳнинг амрига қарши бориш мумкин эмас-ку?“ дегандай елка қисиб қўйди.

Жавлоннинг титроқ қўллари билан улагич симни туташтира олмаётганидан жаҳли чиққан Шоҳид унинг бўйнига бир шапати туширди:

— Туш! Бор, Радикни чақир. Ўзинг шу уйда тухум босиб жим ўтир!

Бу амр Жавлонга ёққан бўлса ҳам, уйда ёлғиз қолгиси келмади. Радикнинг онаси келиб қолишидан, эзмаланиб сўроқни бошлашидан чўчиди. Лекин шоҳ мартабасидаги ошнасининг буйруғига қарши бора олмай, бўшашган ҳолда машинадан тушди. Радик ҳаялламади. Шоҳид ҳайдовчи ўрнига ўтириб, симларни туташтириб, моторни ўт олдирган пайтда шошилиб чиқиб келди. Машинани анҳор томон ҳайдаганда Радик хавотирланиб сўради:

— Шоҳ, нима қилмоқчисан?

— Қараб ўтайлик, машинани топишган эмиш.

— Топишган бўлишса, ҳозир бориб нима қиламиз?

— Бир қараб қўйиш керак. Балки бошқа машинадир.

— Қараш шартми? Борма у ёққа.

— Шунчалик қўрқяпсанми? Топса, машинани топади.

Сени топмайди-ку? Қани, гувоҳ борми ё бармоқ излари қолганми? Артиб ташладинг-ку?!

— Қўрқатганим йўқ... Асли... сувга ташлаб бекор қилдик. Майдалаб-майдалаб ахлатхоналарга ташлаб чиқишимиз керак эди.

— Нега майдаламадинг?

— Нега мен майдалашим керак?

— Чайналмай очиқ гапиравер, „Сен ўлдирдинг, ўзинг майдалашинг керак“, демоқчимисан? Оғайнижон, бунақа гапни каллангдан чиқариб ташла. Суриштирадиган бўлсанг, аслида жанжални сен бошладинг.

— Шоҳ, — деди Радик ялиниш оҳангида, — шу гаплар ҳозир керакми?

— Керакмас, — деди Шоҳид тўнғиллаб, — гапни ўзинг кавлаштиряпсан.

Навбатдаги чорраҳада Шоҳид машинани ўнга, Хадра томон бургач, Радик тинчланди. Бешқайрағочга боришгунча жим кетишди. Катта йўлдан бурилиб, маҳалла кўчаларидан бир оз юргач, икки қаватли уйдан сал нарида машинани тўхтатди.

— Қаерга келдик? — деди Радик атрофга таажжуб билан аланглаб.

— Бир яхши одамнинг уйига. Менга пул атаб қўйган экан, кириб олиб чиқаман. Мотор ўчиб қолмасин, анқаймасдан ўтир.

— Нима қилмоқчисан? Латта ҳиди келадиган ишга ўхшаяпти-ку?

— Э ўпка, ўтир! Анқайма, дедим!

Шоҳид машинадан тушиб атрофга аланглаб олди-да, эшикка яқинлашиб итарди. Қайси ҳашаматли уйнинг эшиги очиқ турадики, бу қулфланмаган бўлсин? Атрофга яна бир аланглаб олгач, қўнғироқ тугмасини босди. Ичкарида ўғлини ўйнатиб ўтирган уй бекаси қўнғироқ овозини эшитиб, кафтдек экранда Шоҳидни кўрди-ю, жавоб беришни ҳам, индамай ўтираверишни ҳам билмай, иккиланиб қолди. У кундошининг ўғлини узоқдан кўрган, лекин бирон марта юзма-юз учрашмаган, гаплашмаган эди. Шоҳиднинг кутилмаганда пайдо бўлиши аёлни аввалига ажаблантирди, кейин юрагида бир ҳадик уйғониб, жавоб бермади. Қўнғироқ учинчи марта жаранлагач, тугмани босиб эшикни очди. Шоҳид бу уйга биринчи марта келиши эди. Шунга қарамай, ўз уйига кириб келаётган каби

дадил қаламлар билан юрди. Ўғай онаси айвон остонасида кўринганда ҳам довдираб қолмади, ўз онасига рўпара бўлгандай салом берди. Аёл „Бирон зарур гапи бўлса, ҳовлида айтар-у, кетар“, деган ўйда остонада тўхтаган эди. Лекин Шоҳид ҳовлида тўхтамади. Уйга қараб юраверди. Ўғай онасига яқинлашганда ҳам тўхтамади. Аёл чўчиб, тисарилди. Шоҳид айвонга, ундан катта хонага ўтгандан кейингина тўхтади. Хона ҳашаматига рашк билан қаради.

Унга эргашиб кирган жувон „Келинг, Шоҳиджон“, деди. Шоҳид бу лутф замирида меҳрибонлик эмас, „Нега келдинг, сенга бу ерда нима бор?“ деган савол яширинганини англаб, муддаога ўта қолди:

— Адамнинг хоналарида бир-иккита қоғоз қолиб кетган экан, шунга юборгандилар, — деди Шоҳид кулимсирашга уриниб.

— Қоғоз?.. Менга айтмадилар...

Юмшоқ гилам устида ўйинчоқларини ўйнаб ўтирган гўдак йигламсираб онасига интилди. Шоҳид эмаклаётган ўғай укаси томон қадам қўйиб, уни шартта кўтариб олди. Жувон қаршилиқ кўрсатишга улгурмади.

— Укажоним катта бўлиб қолибди-ку? Менга ўхшаркан-а? Кўрманасиз кўтарволдим, хафа бўлмайсиз. Яхши-си... кўрманани сиз бера қолинг.

— Қанақасига? — деб ажабланди жувон.

— Аввалига смартфонигизни бериб турасиз, кўрқманг, ишим битганидан кейин ташлаб кетаман, — у шундай деб бир қўли билан болани бағрига босганича, иккинчи қўли билан пастак стол устидаги смартфонни олиб, чўнтагига солди-да, аёлга таҳдидли овозда буюрди: — энди адамнинг сейфларини очиб беринг.

Бу таҳдиддан кўрқиб кетган жувон орқасига тисарилди, кейин қўлларини чўзиб, боласини юлиб олмоқчи бўлди. Шоҳид ўзини четлаб, аёлнинг билагидан маҳкам ушлади.

— Яхшилиқча очинг!

— Очолмайман... — деди чорасиз аёл йигламсираб.

— Калитни беринг, арзимаган нарса деб укажонимнинг жонини оғритманг.

Бола ёгинқираб, йиғлай бошлади. Жувон „Боламга бир нима қилди“, деган хавотирда кўрқиб кетиб, бир силтандида, билагини Шоҳиднинг чангалидан чиқариб олиб, ўғлига

интилди. Шоҳид ўзини четга олиб, уни итариб юборди. Жувон мункиб кетди-ю, лекин йиқилмади.

— Сейфнинг калити йўқ, янгичаси... кодини билмайман, — деди жон ҳолатда. Кейин бу йигитдан осонликча қутула олмаслигини фаҳмлаб, муросага ўтди: — Агар пул зарур бўлса, ўзимда озгина бор, бера қолай. Етмаганига мана... — деб титроқ бармоғидаги узукни чиқариб Шоҳидга узатди. Шоҳид узукка қараб қўйди-ю, олмади:

— Мен талончи эмасман, мен ўзимга тегишли бўлган пулни олгани келганман, — деди овозини баландлатиб.

Жувон узугини яна тақиб олгач, жавондаги сумкасини олиб очди-да, бир сиқим пулни олиб Шоҳидга узатди. Шоҳид пулни олибғижимлаганича чўнтагига солгач, яна сейфни очишни буюрди. Жувон тавалло қилиб, ялинаётганда хонада Иззатнинг қаҳрли овози янгради:

— Бу нима қилганинг, аблах?!

Бу овоз чорасизлик гулханида куяётган жувонни қуткарди, кўз олдидаги қоронғулик тарқаб, нажот куёши порлади. Шоҳид учун эса акси бўлди.

— Яқинлашманг! — деб йиглаётган болани бағрига қаттикроқ босди. Унинг қўрқиб кетганини титроқ овози ошкор қилиб қўйгани сабабли Иззат ҳовлиқмади. Фожиага ўрин йўқлигини сездириб қўйиш учун ғоят босиқлик билан хотинидан сўради:

— Пул сўрадимиз? Бердингми? — хотини тасдиқ ишорасини қилгач, энди дўқ оҳангида буюрди: — Болани ол, нимага қараб турибсан?

Жувон эри амр этмаса ҳам, боласини ажратиб олишга интилай деб турган эди. У бир қадам босиши билан Шоҳид тисарилиб, бақирди:

— Йў-ўқ... ҳали ҳисоб-китоб тугамади. Бола керак бўлса, сейфни очинг!

Ҳазабини босишга кучи ожизлик қила бошлаётган бўлса ҳам, Иззат сир бой бермасликка уринди.

— Яхши, очаман. Сен ўғлимсан. Топганимда сенинг ризкинг бор. Янги машинанг билан тўйингга атаб қўйганимни бераман, нима қилсанг — қил. Фақат олдин болани бер.

— Олдин сейфни очинг!

— Савдолашма. Менда фирром бўлмайди. Болани бер.

— Сейфни очинг!

Бола чинқира бошлагач, жувон „Оча қолинг, адаси!“ деб бақриб юборди. Шундан кейингина Иззат шошилди. Девор ичига ўрнатилган темир жавоннинг рақамларини териб, эшигини ланг очди. Пуллар тахламини кўрган Шоҳиднинг кўзлари чақнаб кетди. Иззат буни сезиб, жавон олдига туриб, Шоҳиднинг йўлини тўсди.

— Энди болани бер, — деди таҳдид оҳангида.

Шоҳид чинқириб йиглаётган болани аёлга бергач, муросага келишганига ишонч ҳосил қилиб, чўнтагидаги смартфонни олиб, стол устига қўйди. Иззат ён томонга бир қадам қўйиб, сейф йўлини очди. Иши осон битаётганидан довдираб қолган Шоҳид кўзичоққа ташланаётган оч бўри ҳолида шошилди, эҳтиёт чорасини унутди, отасининг ҳийла ишлатиши мумкинлигини ўйлаб кўрмади, оқибатда жағига тушган мушт зарбидан чалқанчасига йиқилди. Ўзини ўнглаб, ирғиб турмоқчи эди, боши айланиб, ҳатто қақдини кўтара олмади. Ғазаб жилловини қўйиб юборган Иззат ерда ётган чорасиз йигит ўз пушти камари эканини унутиб, тепмоқчи бўлганида боласини бағрига босиб титраётган жувон „Адаси, тегманг!“ деб чинқириб юборди. Иззатга бу нола таъсир қилиб, тепмади, лекин гангиб ётган ўглини қўлтиғидан олиб судраганича ҳовлига чиқди. Ўглининг қақдини ростлашини кутиб турди. Шоҳид маст одам каби гандираклаб ўрнидан тургач, бўйнига чанг солганича эшик томон итариб борди:

— Қорангни ўчир, падарлаънати! Сени оқ қилдим! — деб эшикни очди-да, уни кўчага итариб чиқарди.

Ўгли остона ҳатлаб бир мункиди-ю, лекин йиқилмай, ўзини тутиб олди.

Темир эшик қарсиллаб ёпилди.

Бу ҳовлини кўчадан ажратиб турадиган темир эшик эмас, отани боладан ажратиб ташлаган темир ўсиқ эди. Туйғулар яқинлиги йўқ экан, ота-ўғил орасида меҳр нима қилсин? Ҳаттоки энг аблаҳ одамнинг қалбида ҳам зигирча меҳрга жой бўлади. Ажабки, Иззатнинг қалби нафрат билан лик тўла, ўша зигирдеккина меҳрга ҳам жой йўқ эди. „Дунё матоҳларига беписандлик билан қара, барча кўзни қувонтирувчи нарсаларни сароб деб бил“, деган ҳикматни эшитганида ва унга амал қилганида эди, фарзандининг тақдирига бу қадар бепарқ бўлмас эди. У дунё матоҳларига

эмас, ўз фарзандининг қисматига бефарқ бўлиш оқибатида эришажак жазоси не эканини ҳозир ўйламасди.

Темир эшик қачонлардир чириб тушар, янгисига ал-маштирилар, бироқ отани боладан ажратувчи тўсиқ Қиёматга қадар чиримайди. Ҳозир Иззат ғазаб билан, тишларини ғижирлатиб, „Оқ қилдим!“ деди. Гўё бу билан бир ташвишни ўзидан нари қилгандай бўлди. „Оқ қилиш“нинг маъноси нима эканини билмайдиган одамнинг бундай ҳукм чиқаришининг ўзи ажабланарли эди. Иззат жуда кўп тўкин дастурхон атрофида ўтирган, маишат қилган, лекин аҳли илм суҳбатидан деярли баҳраманд бўлмаган эди. Бир неча бор шундай даврада ўтиришга ҳам тўғри келган, лекин суҳбат бошланганда юраги сиқилиб, баҳонаи сабаб билан чиқиб кетган эди. Шайтон алайҳолаъна тош қалбида бундай суҳбатларга жой қолдирмагандан кейин у бечора нима қилсин?! Агар қалби юмшаб, аҳли илм суҳбатидан баҳраманд бўла олганида эди, оқ қилишнинг моҳиятини сал бўлса-да, тушуна оларди. Араб лисонидаги „аъқ(қа)“ сўздан келиб чиққан сўзнинг дастлабки маъноси „покланиш“ экани, яна бир маъноси эса „ажратиш“ эканини, „оқ қилмоқлик гуноҳқор бандани ўзидан ажратиб, покланишдир“, деган маънони тушуниш учун одамдан фавқулудда зеҳн талаб этилмайди. Ҳозир ўғлини оқ қилган одам „Мен сенинг гуноҳларингга шерик эмасман, масъул ҳам эмасман“, демоқчи бўлганини ўзи ҳам фаҳм этмасди. Айни дамда аҳли тиниқлашиб буни тушунса-ю, виждони ҳам уйғониб, „Хўп, ўғлингни оқ қилдинг, ўзинг-чи, ота-онанг тирик бўлишганда қилмишларинг учун сени оқ қилишмасмиди? Қиёматда ўзингга самум насиб этиши камлик қилиб, бу дунёдаги ёмонликларинг учун ота-онангнинг ҳам дўзахга ҳукм бўлишларидан қўрқмайсанми?!“ деб ҳайқирса, нима деб жавоб қила оларди? „Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга ур“, деганлар. Алҳол, Иззат пичоқни олдин ўғлига санчиб қўя қолди.

Ота-онанинг фарзанд тақдирига масъуллиги ҳеч қачон озаймайди. Солиҳ фарзанд ота-онага раҳмат, яъни савоб келтиргани каби, ёмонликни касб қилган фарзанд, оқ бўлган тақдирда ҳам, ҳар бир гуноҳ иши билан ота-онасига лаънат келтираверади. Шу сабаб ота-она аъмол дафтарига гуноҳлар ёзилаверар, оқибат Қиёматда дўзахий бўлар?

---



Валлоҳи аълам. Агар ўгли ёки қизини оқ қилган ота-она гуноҳдан осонгина қутула олсами, фарзанд тарбиясининг савобларидан олажак ажрлари юқори қилиб қўйилмас эди.

Нафс роҳатини истаган, Худодан эмас, тўплаётган бойликларидан ажраб қолишдан қўрқиб яшаган Иззат бу кунларга етиб, ўглининг нафратини топди. Агар қўрқув билан нафрат никоҳданса, улардан нима туғилади?

Илон қаерда хазина бўлса, ўша ерни макон қилиб олади. Лекин ундан баҳра олиш мумкин эмас. Заҳар машаққатини тотиш мумкин. Нафс худди кўнгил хазинаси устидаги илонга ўхшайди. Бутун ҳаётини ўз нафсига бўйсундирганлар кўпчилик ичида ёлғиз яшаганлардек бахтиқародирлар.

Бу тушунчалардан узоқ бўлган одам ҳозир қарсиллаб ёпилган темир эшик олдида туриб қолиб, бошқа нарсаларни ўйларди. У аввалига шубҳаланиб юрган эди, кўзлари қизарган ўглини бу уйда гўдакни бағрига босиб чинқиртираётган ҳолда кўрди-ю, унинг гиёҳвандлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Яхши ҳамки, ўгли хумор тутиб, талвасага тушган ҳолда келмабди. Агар эртами ё индинми пул тополмай, гажак бўлиб қолса, кўзига қон тўлади-ю, „Отам мени оқ қилувди-я“, деб ўтирмай, яна судралиб келса... унда Худо уради! Уни шу ваҳима ўраб олиб, оиласининг ҳимояси хусусида ташвиш чека бошлади. Айрим танишлари уйлари-нинг дарвозаси ёнига қоровулхоналар қуриб, қўриқчилар ёллашаётган пайтда у ҳам шундай қила қолса-чи? Шу фикр унга нажот қалъаси бўлиб туюлиб, боласининг йигиси эшитилиб турган уйи томон юрди.

### ЁЛҒИЗЛИК ҚАЕРДА БОР?

Қарсиллаб ёпилган эшикка ҳолсиз суяниб турган дўстига кўзи тушиши ҳамон Радик ёрдамга шошилди. Қўлини елкасига олиб суямоқчи эди, Шоҳид „Керакмас“, деган маънода уни нари суриб, машина томон юрди-да:

— Аммамнинг бузоғига ўхшаб лаллайи-и-б ўтирибсанми? — деб минғирлади.

— Жим ўтир, дединг, ўтирибман, нима қилишим керак эди?

— Адамни кўрмадингми?

— Уйга кирган адангмиди? Ўхшатдим-у... Бу уй аданг-никими? Айтиб қўйсанг ўлармидинг?

— Бўлар иш бўлди, — Шоҳид шундай деб қаппайган чўнтагини пайпаслаб қўйди. — Бундан бу ёгига араваларингни ўзларинг тортларинг. Менга ўликларингни ортиб олмаларинг.

— Минг марта айтдинг шу гапингни. Миннат қилавермасанг ҳам тушуниб турибман. Ўзинг тантибойваччалик қилардинг, ўлигимизни сенга ташлаб олганимиз йўқ.

Бу ҳақ гап Шоҳидга ёқмай, сўкиниб қўйди-да, машинага ўтирди. Шу кайфиятда гап-сўзсиз уйга қайтишди.

Уччаласининг ҳам вужуди қақшай бошлаган эди. Уччаласининг чўнтагида бир халтачадан афюн бор бўлса-да, бу ерда очиб, игнага олишга чўчиб туришарди. Ўйлаб, чора қидиришга эса фурсат йўқ, безгак азоби тирноқлари, баданларига тобора қаттиқроқ ботаётган эди.

— Шприц борми? — деди Шоҳид, чўнтагидан халтачани олиб.

— Бор-у... — деди Радик иккиланиб. Шоҳид унга ўқрайиб қараб, ўшқирди:

— Нега яна латта чайнаяпсан?

— Ойим келиб қолсалар-чи?

— Келмайди, — деди Шоҳид ишонч билан, кейин дадил оҳангда қўшимча қилди: — Келса нима қилади, оёғимиздан осадими?

Радик эм игнасини журъатсизлик билан узатгач, айбини бўйнига олган жиноятчи каби бошини эгтанича ўтириб қолди. Шоҳид дўстларининг синиқ аҳволидан гашланиб, ичида сўкиниб қўйди.

— Кечгача дам оламиз. Кейин иккаланг Жиззахларинг-га жўналаринг, — шундай деб чўнтагидаги ғижим пулларни олиб, стол устига ташлади. — Одамбашара бўлгунларингча ўша ёқда юрларинг.

— Ўзинг-чи? — деди Радик бошини кўтармай.

— Мен билан ишинг бўлмасин, юришларингни қара, иштонига бажариб қўйган шалтоқ болага ўхшайсанлар. Бир-икки кунлик ишим бор. Ишларим ўхшаб қолса, менам бораман, Жиззахларингга.

Шоҳид шундай деб ошхонага ўтиб, темир қошиқни олди-да, афюни игнага олиш учун тайёрлай бошлади. Уччо-

ви бир неча дақиқалик роҳатда ҳаётнинг мазмунини ўзла-рича излашди...

У айтгандай бўлди: шомга қадар дам олишди. Тиниқиб уйғонишганда ўтган воқеаларни тушда кўргандай бўлишди. Азоблар хуружи чекинган, руҳлари ҳам енгил эди. Бир неча дақиқа шундай бўлди. Кейин яна аввалги ҳолларига қайта бошладилар. Шоҳид хайрлашиб чиқиб кетгач, икки дўст тайин қарорга келолмай, бир-бирига мўлтиллаб қараганича бир оз ўтирди.

Икки бечоранинг аҳволи бу ондаги осмон беқарорлигига мос эди: пешинда пайдо бўлган қора булут парчалари мағрибга бош қўяётган қуёш билан само ҳукмронлигини талашади. Булут қуёшнинг ҳадемай ботиб кетишига қаноат қилмай, юзига чанг солади. Бу урушда енгишига онда-сонда бош кўтараётган шамол халақит беради. Шамол тинганидан фойдаланган қора булут парчалари бирлашиб, ажиб бир кўшк кўринишини олдилар. Бироқ бу бирлашув узоқ давом этмади. Булут парчалари орасида фитна бор эди. Фитна яшин кўринишини олди-ю, кўшкни парчалаб ташлади.

Момақалди роқнинг бўғиқ гулдираши йигитларнинг юракларида зилзила ясади. Одамни фалокатдан кўра кўпроқ қийнайдиган, беҳаловат қиладиган нарса мавҳумлик, ўн-йигирма кун у ёқда турсин, бир неча нафасдан кейин нима бўлишини билмасликдир. Фалокатга йўлиққан одам вазиятнинг қандайлигини билгач, қийинчиликларни енгиш учун чора излайди, ўзида куч тўплайди. Мавҳумлик зулматида қолганлар энди нима қилсин?

Чорасиз ўтиришга тоқат қила олмаган Радик чуқур хўрсинди:

— Шоҳ номардлик қилди, — деди ҳасрат оҳангида. Кечадан бери унинг қалбида кулфат ёмғири тўпланиб, тошиш даражасига етган, энди атрофидагиларга сочишдан ўзга чораси қолмаган эди. — Ўғил болалик бунақа бўлмайди. Бу ишлар тинчиб кетса, мен у билан ошначиликни узаман.

Боғдаги гуллар саҳар вақтида ниҳоятда ажойиб тароват касб этади. Лекин кечга яқин ёш болалар узиб, пайхон қилса-чи? Ўтган кунларидаги хузурли ҳаёти Радикка бахт гули бўлиб туюлган эди. Ҳозир Шоҳид ўша гулни аёвсиз равишда узиб олиб, топтаб кетгандай бўлди. Унинг алами Жавлонга бегона эди, шу боис дўстининг ёнини олди:

— Унақа дема, Шоҳ ҳақиқий дўст.

— Сенга дўст бўлса, дўстдир. Лекин менга бунақа дўстнинг кераги йўқ. Камерани олиб бериб олифтагарчилик қилдимиз? Мен унга қулдай эгилдимми? Кейин-чи? Мени тепди-я! „Ўликларингни менга ортиб олмаларинг“, дейди. Ким ортди ўлигини? Менми ё сенми? Пиво ичишга ҳам ўзи ўргатди. Араққа ўтамиз, деди, ўтдик. Қуруғидан тортамиз, деди, тортдик. Биз ялиндикми унга? Ўзи ялинди. Унга шерик керак экан. Энди башарамизга тупурди-ю кетди.

— Унақа дема... пулга қийналиб қолди. Пули борида миннат қилмаган...

Жавлоннинг даллоллик қилиши Радикка ёқмай, афтини буриштирди. Алҳол унинг ўзи ўлишга қарор қилган кишининг жангга киришдаги мардона ҳолатида бўлгани сабабли бўш келмади:

— Сен бунақаларни билмайсан. Чўнтаги пулга тўла дўст истаган пайтда хоинлик қилади.

Радик икки ўликни машинага ортиш пайтидаги руҳ азобини, машинани анҳорга буриб юборганларини, гарданларига қотилликнинг лаънат тамғаси тушганини ҳам айтмоқчи бўлди-ю, мавриди эмаслигини фаҳмлаб, тийилди. Паришонлик тўрига чирмалган Жавлон эса умидсиз газаб ичида довдираётган дўстига „Ақлдан озяпсанми?“ дегандек маъноли қаради.

Кўча эшиги тарақлагандай бўлиб, иккаласи ҳам чўчиб тушди. Радик:

— Ойим келдилар, — деб хавотир билан ўрнидан турди.

Унинг хавотири бекор эди, ҳовлида онаси кўринмади. Шундай бўлса-да, иккаласи шошиб қолишди. Радик бир сидра кийим-бошини олиб, сумкасига солгач, уйдан чиқишди. Радик кўча эшикни қулфлашни ҳам унутиб, машинага ўтирди. Шаҳардан чиққунларича иккови ҳам қалтироқдан қутула олмади. Катта йўлга чиқишгач, сал тинчланишди. Лекин қоронғулик бағридаги катта йўл худди аждаҳонинг тубсиз озгига ўхшаб кўриниб, кўрқувларини оширди. Муқобилда келаётган, қувиб ўтаётган машиналарнинг қоронғуликни тилиб-тилиб олаётган чироқлари кўнгил зулматини ёришга ожизлик қиларди. Чиноз йўлидан ўтишаётганда Жавлон ўртоғига қараб:

— Тўғрига юраверайми? — деб сўради.

— Мен қаёқдан биламан, бир-икки марта Жиззахга борибманми? — деди Радик қўпол оҳангла.

— Мен ҳам бормаганман, — деди Жавлон афсус билан.

— Вей, калла! Қаёққа боришимизни биласанми ўзинг?

— Биламан, Жиззахга.

— Жиззахга? Шунинг ўзими? Жиззах сенинг маҳаллангдай жойми?

— Жиззахнинг Арнасой деган жойига. Қозоғистон яқин экан, бир бало бўлса, қочиб қолиш ҳам мумкин.

— Шу аҳволда қаёққа қочасан, аҳмоқ, менга анқайма, йўлга қара! Холангникини топ аввал.

— Жим кетмай жавраб тур, кўзим тортиб кетяпти.

— Жиннига ўхшаб валдираб кетайми?

— Валдирама, яхши гаплардан гапир. Ўтганларни эслайверсак, баттар ёмон бўлаверамиз.

— Сенга яхши гапни қайдан топаман? — Радик шундай деб бошини суянчиққа ташлаб, кўзларини юмди. Кейин „Бу довдир ухлаб қолиб бир палакатни бошламасин“, деган фикр хаёлига урилиб, қаддини ростлади.

— Бўпти, ёдлаган шеърларимни айтиб кетавераман. Сенинг хотиранг яхши, ёққанларини ёдлаб олаверасан. Севги ҳақидагиларини айтаман, ёдлаб олсанг, қайтганимиздан кейин Севарангнинг қулоғига шивирлаб, ҳис-туйғуларини жўштириб юборасан.

Севаранинг номи тилга олинishi билан Жавлон чўчиб, ўртоғига қараб олди. „Севарани орага қўшма“, деб жеркиб бермоқчи эди, Радик шеърини бошлаб қолди:

Агар сендан тонар бўлсам, насибам оху зор ўлсин,  
Баҳорим қишга айлансун, чечаксиз бир диёр ўлсин.  
Чаманзорим, боғу боғчам тўкилсин бори хор ўлсин,  
Мозорим ўт олиб ёнсун, бу ишқим ошкор ўлсин.

Жавлон қўнглига хотиржамлик истаган эди, бу маънос сатрларни эшитиши билан эти жимирлаб кетди.

— Бошқа маънилироқ шеъринг йўқмиди? — деди уни тўхтатиш мақсадида. Кўзларини юмиб олган Радик унинг эътирозига парво қилмай давом этди:

Қўй, эй булбул, тин, эй довул, ки хоҳиш истироҳатдур,  
Бу юртларда илинжим йўқ, юпанчим бир саёҳатдур.

Ўлим, эй воҳ, бу неъматдур, бу бир шонли саодатдур,  
Агар бевақт ўлар бўлсам, рақибим бахтиёр бўлсин.

Кейинги тўртлик Жавлоннинг руҳини баттар эзди.  
Ҳатто машинани тўхтатиб, боши оққан томонга қараб қо-  
чиб кетгиси келди. Кечаги воқеадан бери ёлғизликдан  
қўрқаётган эди. Энди кўнгли танҳоликни истаб қолди.  
Одам қадами етмайдиган тоғу тошларга чиқиб кетгиси,  
ўла-ўлгунча ўша ерларда ёлғиз яшагиси келди. Ёлғизлик  
унга шу топда энг олий неъмат бўлиб туюлди. Унинг ру-  
ҳидаги пўртанадан беҳабар Радик эса шеърга маҳлиё бў-  
либ, давом этди:

Фалақдин интиқом истаб, жўшар руҳимда бўронлар,  
На виждонни, на инсофни билар, ё Раб, бу инсонлар.  
Ёз, эй Вурғун, яна жўшсин ўу кун оламда тўфонлар,  
Йиқилсин меҳвари олам бу тубдин тору мор ўлсин.

Радик бу шеърни институтга кирар чоғида имтиҳон  
топширишда ёдлаган, ўзига ёқиб қолгани учун турли  
давраларда тез-тез ўқиб берарди. Айниқса, даврада қизлар  
бўлса, улардан мақтов ва олқишлар олиш мақсадида „Бу  
шеърни ўзим ёзганман“ деган маънода охирини „Ёз, эй  
Вурғун“ эмас, „Ёз эй Равшан“ деб ўзгартириб ўқирди.  
Ҳозир қизлар йўқ, кўнгил мақтовга ҳам муҳтож эмас. Шу  
боис шеърни озар шоирининг ўз исми билан ўқиди. Шеър  
унинг ўзини ҳам эзди. Жавлон айтгандай, бошқа шеър  
ўқиса бўларкан, севги ҳақидаги „Қошу кўзингдан айлан-  
сун аканг“ деган шеърларнинг кўпини ёд биларди. Эзгин  
руҳни жонлантириш учун шулардан бирини ўқимоқчи  
бўлди. Ажабки, биронтаси ёдига тушмади. Аксинча, ҳозир-  
ги шеър мисралари миясида чарх ураверди. Бир оз бу ҳо-  
латга асир бўлиб боргач, овоз чиқарди:

Ўлим, эй воҳ, бу неъматдур, бу бир шонли саодатдур,  
Агар бевақт ўлар бўлсам, рақибим бахтиёр бўлсин.

Шундан сўнг шеърхонлиги ҳам ниҳоясига етди. Жавлон  
„Гапириб кет“, деганди, гапиргиси ҳам келмади. Йўлнинг  
икки томони поёнсиз дала. Машина чироқлари тун чоди-  
рига бурканган дала қоронғулигини тилимлай олмайди.  
Радик маъносиз нигоҳини шу қоронғуликка тикиб олди.

---

Жуда узоқда битта чироқ милтиллаб кўринди. „Кимнингдир уйи, — деб ўйлади Радик. — Дунёнинг ташвишларидан четда мазза қилиб яшайпти. Дунёдаги эиг бахтли одам балки ўшадир...“ Радикка шундай туюлди. Алғов-далғовлардаи четда яшаётган ўша одамнинг ҳам ўзига яраша ташвишлари мавжудлигини ўйлаб кўрмади. Чунки у ҳам дўсти каби ёлғизликни кўмсаётган эди. Кечаги фалокат қайғулариди, изтиробларини тўққани паноҳ изларди. Излаб-излаб бу паноҳни ёлғизлик кучоғидан топадигандай эди.

Иккови ташвишли шаҳар шовқинларидан қочиб, ёлғизлик сари интлаётган эдилар.

Лекин...

Ёлғизлик қаерда бор?

Осудалик борми, бу дунёда?

Бу ҳақда ўйламас эдилар. Улар кеча бош кўтарган қўрқув таъқибидан қутулишнигина истардилар. Уларнинг назаарида нажот ёлғизликда эди.

Қани ўша нажот бергувчи ёлғизлик? Муқобилларида нажот ўрнига даҳшатли жарлик совуқ хўмрайиб турибдими?

Улар ер юзида бундайин жой топа олишмайдими? Армонларини қаро ер тубига олиб кетишадими?..

Йўлдаги машиналар қатнови сийраклашиб, қоронғулик бағрида юравериш Жавлонни баттар толиқтирди. Бу ҳам камлик қилгандай, туман бағрига кириб, йўл четидаги белгилар ҳам кўринмай қолди. Жиззах сари боряптими ё бошқа томонга бурилиб кетдими, аниқ билмади. Ажал жарлиги устини қоплаган туман тобора қуюқлаша бораверди. Тамоман қоронғулик бағрида қолишганда йўлнинг кескин бурилишидан огоҳлантирувчи белгига аҳамият бермай ўтди. Ўтди-ю, машина бошқаруви ўзига бўйсунмаётганини сезиб, қўрқиб кетди. Кўзлари ўлим даҳшатида катта-катта очилди. Машина бир-икки қаттиқ силкинди-ю, кейин ағдарилди. Радик нима воқеа бўлганини сезмай ҳам қолди... Ёнидаги эшикни кимдир силтаб узиб ташлагандай бўлди. ўзини эса қандайдир куч ташқарига итқитди.

Тонгнинг салқин шабадаси икковини хушига келтирди. Радик кўзларини очиб, сурмаранг осмонга қараб ётди. Нима воқеа юз берганини англаб, қўл-оёғини қимирлатиб кўрди-да, „Тирик эканман“, деб қўйди. Боши оғриётган эди, кафти билан аста силади. Ёрилган жойдан оққан қон

тўхтабди. У аста қадини кўтариб, атрофга аланглади. Ўнг қадам наридаги пачоқланган машинага кўзи тушиб, „Жавлон“, деб чақирди. Жавоб бўлмагач, „Жавлон, тирикми-сан?“ деб қайтарди. У томондан шарпа ҳам сезилмагач, ўр-нидан турди, бироқ мувозанатини сақлай олмай, мункиб тушди. Бош айланиши сал босилишини кутиб, кейин ма-шина сари эмаклади. Жавлоннинг ҳам боши ёрилган, қий-шайиб кетган машина рулига ёпишиб олганича қимир эт-май ўтирарди. Радик уни елкасидан кучиб, рулдан ажратиб олмоқчи бўлди. Ана шунда Жавлон инграб, товуш берди.

— Хайрият, тирик экансан, — деб уни пастга қараб тор-ди. Ҳушига келгани билан Жавлоннинг қимирлашга ҳоли йўқ эди. Радик бир амаллаб уни тушириб, ерга чалқанча ётқизди. Атрофга аланглаб сув қидирди. Тўрт қадамча на-рида, зовурнинг тубида оқаётган сувни кўриб, ўша томон шошилди. Юзини ювди. Кейин ҳовучига сув олиб ичди. „Сув тозами, тоза эмасми?“ деган ўй хаёлига келмади. Ҳовучига сув олиб, дўсти томон юрди. Боргунча сувнинг ярми тўкилди, қолганини дўстининг юзига сепди. Муздек сув таъсирида Жавлоннинг кўзлари ярқ этиб очилди. Ра-дик шу тарзда бир неча марта сув келтириб сепди. Жавлон қимирлай бошлагач, қўлтиғига кириб, уни сув томон суд-ради. Жавлон кўкрагини зах қирғоққа бериб, юзини ювди, ютоқиб-ютоқиб ичди. Бир оз шу ерда ҳордиқ чиқаришгач, судрала-судрала тепага интилишди. Тик юришга иккови-нинг ҳам ҳоли йўқ эди.

Бир оз судралишгач, Жавлон сулайиб ётиб олди. Кўз-лари юмилди. Радик буни кўриб, „ўлиб қолди“ деган ҳа-дикда уни елкасидан кучоқлади.

— Жавлон! Жавлон! — деди йиғламсираб.

Жавлон инграб, кўзларини очди.

— Жавлон, ётма, озгина бўлса ҳам судрал.

— Жоним чиқиб кетганга ўхшайди. Тамом. Энди бизга нажот йўқ.

— Ундай дема. Нажот бор. Катта йўлга чиқиб олсак, бизни қутқариб олишади.

Радик бор кучини тўплаб, дўстига ёрдам бермоқчи бўл-ди. Улар қийнала-қийнала тепага қараб судралдилар. Катта йўл томонда қўйларнинг маърагани, кейин эса чўпоннинг сўкинган овози эшитилди...



**„ШОШИЬ-ШОШИЬ КЕЛГАН  
ЕРУҒ ДУНҒИМИЗ ШУ“**

Хориждаги харидорларнинг қистовга олишларидан безган Земфира Зангиотадаги хос уйга қараб кетди. Хорижга жўнатиладиган қизларни тўплаб, уларни „янги ҳаётга“ тайёрлайдиган ҳашаматли уйга етиб келганда атрофни шом қоронғулиги босган эди. Ичкари кириб, уй бекаси билан саломлашгач, харидорларнинг норозилигини баён қилиб, буларни ландовурликда айблади.

— Бизга даъво қилмасангиз ҳам бўлади, — деди уй бекаси Земфиранинг зардали гапларидан ранжиб. — Келишувимизга мувофиқ яна уч кун вақтимиз бор.

— Вақтимиз бор, демасдан, эрта-индин жўнатсак бўлмайдими? Пул бир кунга кечикса, сиз учун қиёмат бошла-ниб кетади-ку?

— Менинг адам ҳарбий бўлганлар. Ҳар бир ишни вақтида қилишни ўрганганман. Қизлар, асосан, тайёр. Янги бир қиз бор, шунинг ҳужжатларини кутяпман. Эртага тайёр бўлса, эртага жўнатаман ҳаммасини.

Уй бекасининг хотиржам оҳанги Земфирага ёқди. Аслида унинг жанжаллашиш истаги йўқ эди. Дағдағадан мақсад, бу оламдаги мартабаси уй бекасидан баландроқ эканини яна билдириб қўйиш эди. Уй бекасининг тушунтиришидан кейин масала асосан ҳал бўлгани билан, у баланд мартаба отидан тез тушишни истамай, қизларнинг суратларини кўрсатишни талаб қилди.

— Кўрсатувдим-ку? — деди уй бекаси ажабланиб.

— Янгилари бор, деяпсиз-ку?

Уй бекаси истамайгина ўрнидан туриб, қўшни хона томон юрди. Бир оздан кейин хатжилд кўтариб чиқиб, уни Земфирага узатди. Земфира хорижга юбориладиган қизларнинг ўзларини ҳам кўрган бўлса-да, ҳозир қошларини чимирган ҳолда, худди бир айб топмоқчидай, суратларга синчиклаб тикилди.

Севаранинг сурати чиққанда диққат билан тикила туриб, „Бу ким?“ деб сўради.

— Айтган қизим шу, — деди уй бекаси.

— Қаёқдан пайдо бўлди?

— Фарҳод деганимиз бор, ўша топиб келди.

— Фарҳодми? Яна наркоманларни рўпара қиляптими? Бунақалари керак эмас, деганман-ку?!

— Йўқ, буниси топ-тоза. Онаси ўпмаган қиз. Нархи ҳам бошқача бўлади.

Уй бекаси Севаранинг келиб қолиш тарихини қисқа тарзда баён қилар экан, унинг лақмалигини айта туриб кулди.

Земфира унинг гапларини эътиборсиз тинглади. Севаранинг лақмалигидан кулмади, аксинча, ғазабланди. Суратларни стол устига ташлаб, ўйга толди. Уй бекаси ундаги ўзгаришни сезса-да, „Нима бўлди, бу қизни танийсизми?“ деб сўрамади.

— Четга жўнашини ҳали айтганларинг йўқми? — деб сўради Земфира.

— Ақлимизни ебмизми? У дори таъсирида фикрлаш қобилиятидан узилган, севгилисининг тузалаётганига ишониб ўтирибди.

Уй бекаси „Кока-кола“га қўшилган дорининг мия фаолиятига таъсири ҳақида гапира туриб, „Бу ёғи хотиржамлик“, дегани билан Земфира тинчимайди. Унинг хавотири ҳозир бошқа эди. У бир оз ҳаракатсиз ўтиргач, аниқ қарорга келиб, смартфон рақамини терди. Гўшакдан Нозиманинг овози эшитилгач, „Қалайсан?“ деб сўрашди. Нозима:

— Яхшиман, одобли қиз бўлиб ўтирибман, — деб кулди.

— Ярим соатда „Юрмала“да бўл, зарур гап бор.

Земфира шундай деб смартфонни узди. Нозима эътироз билдиришга ҳам улгурмади. Земфира Севаранинг суратини олиб сумкасига солди-да, уй бекасига қараб, „Бунга эҳтиёт бўлиш керак, бир балони бошлаши мумкин“, деб ўрнидан турди. „Юрмала“ деб номланган ресторанга келганда Нозима думалоқ устун ортидаги икки кишига мўлжалланган хос хонада сигарет тутатиб ўтирарди. Земфира одатига хилоф қилди — бетни бетга қўйиб сўрашмай, қуруқ оҳангда „Салом“ дегач, бўш стулга ўтирди. Нозима дугонасининг бу қилиғидан ажабланиб, „Ҳа, нега тутаяпсан, ўйнашингни олиб қўйибманми?“ деб киноя қилди. Земфира жавоб бермади, унга савол назари билан тикилганча сумкасидаги суратни олиб, стол устига ташлади. Суратни қўлига олган Нозиманинг бирдан ранги ўзгарди. „Қардан олдинг?“ деб сўрашининг ҳожати йўқ эди.

---

— Дугонанг аҳмоқмиди ё жиннимиди? — деди Земфира. — Эрта-индин жўнайди.

— Йўқ-йўқ, бўлиши мумкин эмас, — деди Нозима, унга нажот кўзи билан қараб.

— Шунақа дейишингни битувдим, — деди Земфира. Кейин Севаранинг нодонлик билан тўрға илингани тарихини айтиб берди.

— Ҳозир бориб олиб кетаман, — деди Нозима ўрнидан туриб.

— Ҳовлиқма, — деди Земфира зарда билан. — Дугонанг ўзича бормаган, уни сотиб олишган, анча харажат ҳам қилишган.

— Тўлайман, тийин-тийинигача тўлайман.

— Тўлайсан... тўлайсан... қаёққа ҳам борардинг. Жонажон дугонангнинг изи четда кўриниб қолса, биринчи галда сенинг терингни шилишади. Гап тўланадиган пулда эмас, у ердан чиқиб оғзидан гуллаб қўйса-чи?

Мия фаолиятини сустлаштирувчи дорилар таъсиридаги кизнинг сирни фош қилиши эҳтимолдан узоқ бўлганига ишонса ҳам, бу тусмолни айтди. Нозимада ҳам бу хавотир бор эди, шу сабабли „Оғзидан гулламайди, бунга ўзим кафилман“, деб дадил қасам ичди. Земфира ҳозир масалани чуқурлаштириб, Нозиманинг ҳамёнини шилиб олиш қасдида эмасди. Фарҳодга қанча берилган бўлса, шу миқдордаги пул тўланса кифоя қиларди. Нозимани ҳозир руҳан эзишдан мақсади бошқа, қачондир вақти келганда, „Сенга мен шундай яхшилик қилган эдим, энди қайтар“, дея олишга замин ҳозирлаб қўяётганди.

— Бўпти... эрталабгача уйида бўлади. Гаплашиб қўй, бошқа жиннилик қилмасин.

Земфира шундай деб ўрнидан турди. Нозима:

— Ўзим бориб олиб кела қолайми? — деди унга эргашиб.

— Жинни бўлма, — деди Земфира уни жеркиб, — уйи қаердалигини айтсанг етарли. Бунақа иш билан шуғулланадиган одамлар бор.

Земфира кўчага чиққач, у томон ўгирилиб, паст овозда буюрди:

— Зангиота томонда қорангни ҳам кўрсатма.

Севаранинг тақдирига бепарқ қарамагани унинг олийжаноблиги ёки меҳрибонлигидан эмасди. Бунақаларнинг

нечтаси кўз эмас, қон ёшларини тўкканида ҳам парво қилмай, хорижга жўнатиб, ўзининг маишатини қилиб юраверганди. Уни бугунги ҳаракатга икки нарса мажбур этди: биринчиси — Севара уни танийди. Бунақа ўжар қизлар хорижга боргач, икки кун йиғлаб, тақдирга тан бера қолмайди. Юз марта қочиб, юз марта қўлга тушса ҳам, аҳдидан қайтмайди. Юз биринчи марта, албатта, ниятига етади. Қочиб чиқиб, хорижнинг нотаниш кўчаларида сарсон кезмайди. Бунақа тоифалар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билишади. Элчихонани топишади-ю, бу ёқдагиларнинг шўрини қуритишади. Иккинчиси шуки, бу қиз элчихонага етгунига қадар, уруғ-аймоқлари бу ерда жим ўтирмас; биринчи галда Нозимадан шубҳаланиб, унинг изига тушишади. Нозиманинг думини босишдими — тамом, Зангиотадаги уйга бир қадам...

Земфира эҳтиёт чораларини бир-бир мантиқ тарозисига кўйгач, қимматбаҳо қиз эвазига топадиган фойдасидан воз кечишга аҳд қилган эди. Нозима эса буларни ўйлаб ҳам кўрмай, дугонасининг меҳрибонлиги ва одамгарчилигидан мамнун бўлди.

\* \* \*

Ҳасан ва Ҳусан Жавлоннинг оғайнилари ёрдамида унинг изига тушиш мумкин, деган тўхтамга келиб, Қодирни яна сиқувга олишди. Бу саволга жавоб бериш Қодир учун қийин эмасди. Биринчи галда Радик билан Шоҳиднинг номи тилига келди. Эгизаклар маслаҳатлашиб, Шоҳиднинг уйи томон йўл олишди. Ҳусан дарвоза кўнғирогини чалиб, „Шоҳиджон уйда йўғиди“, деган жавобни эшитгач, кутишга қарор қилишди. Қодир оёғи оғриётганини айтиб ялинса ҳам, уни кўйиб юборишмади. Шоҳид хуфтондан ўтганда пайдо бўлди. Киракаш машинадан тушиши билан Қодир „Ана у!“ деб юборди. Ака-укалар машинадан отилиб тушиб, йигитни дарвозага етган жойида ушлаб олишди. Шоҳид кутилмаган ҳужумдан гангиб, „Милисанинг кўлига тушдим“, деб ўйлаб кўрқиб кетди. Ҳасан унинг кўлини қайирди, Ҳусан эса томоғига чанг солиб, дарвозага тиради-да:

— Ошнанг қани? — деб сўради.

---

— Қайси ошнам? — деб довдиради Шоҳид. У „Булар милиса бўлишса, Радикни сўрашяпти“, деб баттар кўрқди.

— Жавлон қани? — деб пишқирди Ҳасан.

Жавлон сўралгач, Шоҳид буларнинг кимлигини англади-ю, милиция кўркувидан қутулди. Паст келишни истамай:

— Жавлонга мен қоровулманми? — деб тўнғиллади.

— Ҳа, қоровулсан, ҳозир унинг қаердалигини айтасан. Айтмасанг, шу ерда ўласан!

Ҳусан шундай деб бўғди, Ҳасан эса қўлини баттарроқ қайирди. Шоҳид бойваччалик мартабасида унча-бунча одамни менсимай, дағдаға қилиб юргани билан, тан азобида дош бера олмайдиган, иродаси бўш йигит эди. Ҳозирги икки томонлама азоб уни дарров синдира қолди:

— Жиззахга кетган, — деди жонҳолатда.

— Бир ўзимми? — деб сўради Ҳусан томоқни бўшатиб.

— Битта ошнаси билан кетмоқчийди.

— Қиз-чи?

— Қанақа қиз?

— Севара деган қизни эшитмаганмисан?

— Эшитганман, бирга ўқийдими? У билан уч-тўрт кун олдин аразлашиб қолган экан.

— Нимага аразлашади?

— Менга айтармиди?

— Жиззахда нима қилади?

— Қариндоши бор экан.

Бу жавобдан кейин Шоҳиднинг қўли ҳам бўшади. Ундан керакли гапни олишган бўлишса-да, Ҳусан индамай кетишни хоҳламай, йигитнинг орқасига ўхшатиб бир тепгач, машина сари шошаётган ақасига эргашди. Ҳасан машинадан икки қадам берида тўхтаб, укасига „Нима қилдик энди?“ деб қаради.

— Жиззахга сураверамиз, — деди Ҳусан қатъий оҳангда.

— Севара йўқ экан-ку?

— Қаердалигини ўша хунаса билади. Изма-из етиб бормасак, чатоқ бўлади.

Машинага ўтиргач, яна Қодирни сиқувга олишди. Жиззахда холаси яшашлигини эшитиб, „Бошлаб борасан“, дейишди. Қодирнинг „У ёқда бирон марта ҳам бўлмаганман“, деганига парво қилишмади. Гулистондан ўтганларида қуюқ туман бағрига кириб, Ҳасан машина тезлигини

камайтирди. Юрак шошиб турганда ҳаракатнинг секинлашиши хунобларини баттар оширди. Хусан чуқур уф тортиб, тўнғиллаганича сўкинган пайтда телефони жиринглади.

— Ойим, — деди у кўринган рақамга қараб олиб, кейин телефоний кулоққа тутиб, — ҳа, ойижон? — деди меҳрибонлик билан. Онаси:

— Қаердасизлар, Севара келди, — деди йиғламсираб.

— Қачон келди? — деди Хусан, ишонқирамай.

— Ҳозир... ҳозир...

— Ўзи соғми?

— Соғ... соппа-соғ... қаердасизлар?

Хусан не мақсадда, қай томон бораётганларини айтишни истамай, „Бир жойдамиз... ҳозир борамиз“, деб гапни мухтасар қилди-да, „Ҳасан, орқага қайт“ деб буюрди.

Гулнора ўғлининг гапни қисқа қилганидан ранжимеди, аксинча, рози бўлди. Агар „Қаерда экан, қай аҳволда келди?“ деган саволларни қалаштириб ташласа, зада қалби баттар пораланиб кетган бўларди. Қизи бир соат кечикканда „Ҳали келсин, бир бураб қўйинки...“ деб аҳд қилиб ўтирган она вақт ўтгани сайин қизини жазолаш фикридан узоқлашарди. Ҳатто бир-икки заҳарли гап нишини санчиб олишдан ҳам воз кечди. Қоронғи тушиши билан барча чироқларни ёқиб қўйди. Ўзи ҳовлида, эри ичкарида Худога нола қилиб ўтиришганда кўчада машина тўхтади. Эшиги очилди, лекин ёпилмади. Гулноранинг юраги ҳаприқиб, ўрнидан турди. Бир қадам қўйишга улгурмай, қўнғироқ чалинди. Дарвоза томон интилган Гулноранинг оёқлари чалишди, лекин йиқилмади, ўзини тутиб олди. Машина эшиги ёпилиб, тез юриб кетгани эшитилди. Гулнора дарвоза эшигини очиб, ҳаракатсиз турган қизини кўрди-ю, жони чиқиб кетгандай бўлди, бир зум қотиб қолди. Кейин жонҳолатда остона ҳатлаб қизини қучоқлаб олди.

Қарахт ҳолдаги Севара онасининг бу ҳаракатидан тааж-жубланди: яхши одамлар унга яхши муомала қилишди, „Экстрасенс вазифасини бажариб бўлди, натижасини уйингизда хотиржам кутинг“, деб кузатиб қўйишди... Қиз шу хаёлда эди. Қанча вақт қидирилгани, ота-онаси қанчалар эзилганини тасаввур эта олмасди.

Гулнора қизини қучоғидан қўймай, ичкарига бошлади. Уйдан чиқиб, ҳовли ўртасида туриб қолган Элмурод ҳам

тилдан қолган, нима дейишни, қизи билан қандай кўришишни билмай, гарангсиб турарди. Севара салом бергач, ўзига келди. Қизининг овозида синиқлик йўқ эди, кўринишида ҳам азобланиш, таққирланиш аломатларини сезмагач, кўнгли сал тинчиди. Саломга алик олгач, она-болани ёлғиз қолдиришни маъқул кўриб, уйга кириб кетди. Гулнора панжарали сўридаги кўрпачага омонат ўтириб, қизини ҳамон қўйиб юбормаганича ёнига олди. Севара онасининг меҳрига меҳр билан жавоб бериб, қучиб ўтираверди. Қизнинг хаёлида фақат „Нега бунақа қиляптилар?“ деган савол ивирсийди. Онани қийнаётган саволлар эса жуда кўп... Энг биринчиси ва энг муҳими номусга таалуқли бўлгани учун сўрашга тили бормади. Иложсизлик йиғини туғдиради. Ҳар қандай қиз, ёшидан қатъи назар, онаси кўзида ёш кўринса, сабабини суриштирмаёқ кўшилиб йиғлай бошлайди. Севара ҳам ҳозир шундай қилди. Она эса бу мақсадсиз йиғи сабабини бошқача тушуниб, баттар эзилди. Шу зайлда анча ўтиришди. Охири Гулнора йиғини бас қилиб, чуқур хўрсинди-да, „Худога шукр“, деб қўйди.

— Уйга кир, дамингни ол... — деди Гулнора меҳрибонлик билан. У эрининг гап-сўзсиз кириб кетганидан мамнун эди. Лекин эгизакларининг ҳализамон келиб, акалик мартабасидан фойдаланиб, қизни сиқувга олишларидан чўчиди. Севара онасига итоат этиб, хонасига кирди. Бир оз нест бўлиб ўтирди. Ичилган дорининг кучи ҳали қувватдан кетмаган эди. Уйқуси келиб, қаравотига чўзилди. Бир оздан сўнг онаси кириб, устига чойшаб ташлаганини ҳам сезмади. Онанинг кўнгли сезгир бўлади, бир соатдан кейин Ҳасан-Ҳусан ҳовлиқиб кириб келишди. Сингил топилиб, шукр қилишган бўлишса-да, вазоҳатлари ёмон эди.

— Қани? — деди Ҳасан онасига салом беришни ҳам унутиб.

— Ухлаяпти... — деди Гулнора ўзини хотиржам кўрса тишга уриниб.

— Қаёқда экан? — деди Ҳусан.

— Битта дугонасиникига борган экан, иситмалаб қолибди...

Онанинг ишончсиз оҳангдаги ёлғон гапи ўғилларни қаноатлантирмади.

— Қанақа дугонаси? — деди бири.

— Дугонасиникида нима бор экан? — деди иккинчиси.

— Телефони ҳам иситмалабдимми?

Гулнора жавоб беролмай, довдираб турганда айвонга чиққан эри жонига оро кирди:

— Бўлди, гапни чўзмаларинг. Синглинг соппа-соғ, энг муҳими шу. Қолган гапларга сенлар аралашмаларинг, — деди Элмурод.

— Бунинг тагига етиш керак, — деди Ҳасан отасига эътироз билдириб.

— Бу ёғига сенлар аралашмайсан, масалага нуқта қўйилди. Онаси, таомни исит, менам бирга овқатланаман.

Барчаларининг қоринлари оч бўлса-да, ҳеч бирларида иштаҳа йўқ эди. Элмуроднинг таомга даъвати нохуш мавзудаги ортиқча гапга чек қўйиш учунлигини билиб, ота амрига бўйсунди.

Севара эрталаб акаларининг гўнғир-гўнғир гапларидан уйғониб кетди. Аввалига эътибор бермади, кейин гап ўзи ҳақида бўлаётганини англаб, зийрак тортди.

— Бугун бўлса бугун, эртага бўлса эртага, ким совчи қўйса ҳам, суриштирмай бериб юборасиз! — деди Ҳасан газабли овозда.

— Бекор айтибсан, — деди онаси.

— Ойи, сиз тушунмаяпсиз, — деди Ҳусан зорланиб.

— Жим бўлларинг, адангинг гапларини эшитдиларингми, бўлди, аралашмаларинг.

— Нима, биз бу уйда йўқмизми? — деди Ҳасан.

— Нима, биз бу уйда ҳеч киммизми? — деди Ҳусан акасини қувватлаб.

— Сенлар акасанлар, бир нима дейишга ҳақларинг бор, лекин қизнинг ота-онаси тирик бўлса, акалар жим тургани яхши.

Онанинг бу гапидан кейин эгизаклар жим бўлишди. „Чойларингни ичларинг“, деган таклифга парво қилмай, ишга шошиш баҳонасида чиқиб кетишди. Севара уйғонгани билан бошидаги карахтлик ҳали тарқамаган эди. Акаларининг гапларини ҳалидан-ҳали бўлиб турадиган одатий ғалвалардан бири деб тушуниб, жиддий аҳамият бермади. Қўшни хона жимиб қолди. Кейин пиёлаларнинг йигиштирилгани овози эшитилди. Сўнг радио қўйилди. Онаси эрталаб радио эшитишни ёқтирарди. Лекин бу



сафар радиони қўйди-ю, ўзи ошхонага чиқиб кетди. Севаранинг вужуди оғирлашиб қолгандай эди, қаддини сал кўтариб, онасининг изидан қараб қўйгач, яна чўзилди. Фикрлаш қобилияти сустрлашгани учун гарангсиб ётаверди. Бир маҳал радиодаги жавраш тўхтади-ю, ёқимли куй тара-либ, унинг хаёлини олди. Бир қиз ширали овозда қўшиқ айта бошлади:

Шошиб-шошиб келган ёруғ дунёимиз шу,  
Билмай-билмай, билган ёруғ дунёимиз шу.  
Кўриб-кўриб қалбимизда садоқатларни.  
Бевафолик қилган ёруғ дунёимиз шу.

Кўшиқ таъсир этиб, қаддини кўтарганда бир йигит жўр овоз бўлди:

Ўлмаган қул баҳорга ҳам етдик-ку, ахир,  
Ҳаво истаб, боғлар сари кетдик-ку, ахир.  
Симирдик гул бўйларини, тўлди кўксимиз,  
Юракни завқ суйига фарқ этдик-ку, ахир.

Йигитнинг овозини Жавлонга ўхшатиб, юраги ҳапри-қиб кетди. Назарида Жавлон унинг қулоғига пичирлаёт-гандай эди. Кўз олдида суйган йигит гавдаланаётган онда яна қизнинг ширали овози янгради:

Керагидан ортиқ бизни тоблади ҳаёт,  
Юзимизга гоҳ қора чаглади ҳаёт.  
Кўрдикки йўқ биз каби пок, биз каби севган,  
Биздай содиқ кимсаларни топмади ҳаёт.

Севара ўтирган тор уй бирдан кенгайиб, поёнсиз лолазорга айланиб қолгандай бўлди. Лолазорда фақат икки ки-ши — бири ўзи, иккинчиси Жавлон. Лолалар осмондаги муҳаббат куёшидан нур олиб жилваланади. Бу нур улар-нинг юрагига ҳам оқиб киради. Бу илиқлик вужудга ҳузур бахш этаётган онда яна йигитнинг ширали овози янграйди:

Халқимизда гап бор азал: „Ҳаромдан ҳазар!“  
Риёга йўл берадиган айёмдан ҳазар!  
Яхшиларни ёмонларга ем қилиб қўйиб,  
Томошабин бўлиб турган авомдан ҳазар!

Қўшиқ сеҳрига банди бўлиб бир оз ўтиргач, вужудидаги оғирлик яна устун келди. Бир пас ёстиққа бош қўйиб, кейин туриш ниятида чўзилди. Дори кучини кўрсатиб, уйку олганини ўзи ҳам сезмай қолди. Қараса, синфида ёлғиз ўтирган эмиш. „Вой, ҳали яна шу лицейда ўқийманми“, деб юраги сиқилган онда муаллимаси кириб келди. Эркаклар сингари шахдам қадам ташлаб юрувчи, овози ҳам жарангдор бу муаллимадан ҳамма болалар кўрқарди. Директорни писанд қилишмасди, лекин бу муаллима кўриниш бергани ҳамон энг тўполончилар ҳам тиниб қолишарди. Нимага шунақалигини Севара лицейни битириб кетганидан кейин ҳам ўйлади: болаларни сира урмасди, қийнамасди, ота-оналарини чақиртириб шикоят ҳам қилмасди... Ўйлай-ўйлай жавоб топгандай бўлган эди: ҳечам жазоламайдиган устозига нисбатан болаларда кўрқувдан кўра хурмат баландроқ эди. Руҳ парчаланган кезде кўзига уйку илинган он ўша муаллимаси синфга кириб келди-да, бахт ҳақида иншо ёзиш кераклигини айтди. „Нима учун ҳадеб муҳаббат ва бахт ҳақида иншо ёзаверамиз. Зулм ва нафрат ҳақида ҳам ёзсак-чи?“ деди Севара норози бўлиб. „Сиз бу ёшда муҳаббат, меҳр, шафқат каби туйғуларни ўзлаштиришингиз, руҳингизга сингдиришингиз шарт“, деди муаллима унга қаттиқ тикилиб. „Муҳаббат ва бахт алоҳида яшамайди-ку? Муҳаббат бор жойда нафрат бор. Меҳр бор жойда зулм бор. Булардан кўз юма олмаймиз-ку? Инкор этганимиз билан бизларни таъқиб этаверади-ку?“ „Севара, ҳали ҳам эски одатинг қолмабди, гап талашаверма, оқибатда қайнонандан балога қоласан, демабмидим?“ деди норози оҳангда. Севара кулди: „Ёмон гапирмадим, ҳар бир ёш вужудда исён бўрони бўлади“. „Ҳа, лекин ҳар қандай бўроннинг оқибати вайроналикдир“, деди муаллима бош чайқаб. Севара яна эътироз билдирди: „Вужуддаги исённи тўғри йўлга буриш мумкин...“ Одатда, баҳсли масала уйфонганда муаллима осон чекинмасди. Эринмасдан, қайта-қайта тушунтираверарди. Бу сафар нечундир жим қолди. Кейин орқасига чекина-чекина деворга сингиб, кўздан йўқолди. Ундан саволига жавоб олиш мақсадида эргашди. Лицей ҳовлисига чиқиб ажиб манзарага дуч келди: тор ҳовли ҳудудсиз лозазорга айланган, ҳов нарида кўзлари қувончдан порлаётган Жавлон у томон гўё учиб кела бош-

лади. Яқинлашгани ҳамон қучиб олди. Севара уялиб, ундан ўзини олиб қочмади, балки унинг бағрига сингди. Жавлон бир даста лолани бағрига босиб роҳатлагани каби, уни қучоғидан қўйиб юбормади. Қувончдан порлаётган қиз: „Жавлон, қаранг, енгилш мумкин экан-ку? Сиз ойим билан адамга ёққансиз. Мен ойингизга энг яхши ота бўласиз...“, деб хитоб қилди. Шундай дегач, нима учундир Жавлон уни қучоғидан бўшатди. Гуё даста лолаларни сочиб юборгандай бўлди. Сўнг лоззорни пайхон қила-қила, чекина бошлади. Чекингани сайин лоззор тиканзорга айлана борди. Бундан қўрқиб кетган қиз жонҳолатда қичқирди: „Тўхтанг... қаёққа кетяпсиз? Тўхтанг, мени ташлаб кетманг... Қаёққа борсангиз ҳам бирга бораман...“

Шу ваҳимада уйғонган Севара сапчиб кетаёзди. Каравотининг четида омонат ўтирганича йиғламсираётган онасига ажабланиб қаради.

### ЧИМИЛДИҚ ЕТИМ ҚОЛДИ...

Севаранинг акалари чангалидан осон қутулганига шукр қилган Шоҳид уйга хотиржам кирди. Онаси уни зийрак нигоҳи билан қарши олди, аммо қаерда юганини сўрамади. Отаси билан бўлиб ўтган можарони ҳам эслатмади. Аччиқ мастава қилиб кутиб ўтирганини айтиб, ошхонага бошлади. Шоҳид бу сафар инжиқлик қилмай, кийимини алмаштириш баҳонасида хонасига кирди-да, китоб жавонига яширган арақни олиб, шишани кўтарганича ютоқиб ичди. Ошхонага қайтиб, онаси сузиб қўйган овқатни иштаҳа билан ичиб, обдон терлаб музурланди. Сўнг дарс тайёрлаши зарурлигини айтиб, хонасига кириб кетди. Икки қўрқоқ дўстининг узоққа кетгани уни ваҳима тўридан бир оз бўлса-да, қутқарган эди. Тиниқиб ухлаб олиш учун овқатдан олдин ичилган арақ камлик қилгандай туюлиб, яна бир неча қултум ютди-да, афтини буриштириб сесканди. Айланувчи юмшоқ ўриндиққа ўтириб, худди болакай каби тебрана бошлади. Тебраниш таъсир қилдими, ё арақми, ё кундузги қорадорими, бўшашиб, уйқуси келди. Эринибгина ўрнидан туриб, ўзини каравотига ташлади. Эрталаб қорин оғриғи билан уйғонди. Унинг мўлжали бўйича, кеча

олган афюннинг кучи ҳали-бери сусаймаслиги керак эди. Қорин оғригини ўтиб кетувчи дард деб билиб, чидаб ётди. Вужудига титроқ кираётган пайтда эшик очилиб, онаси кўринди. Рихси ғужанак бўлиб олган ўғлини кўриб, қўриқиб кетди.

— Вой ўлмасам, нима бўлди, болам! — деб шошганича юриб келиб, уни кучоқлаб олди.

— Кеча кўчада сомса евдим... қорнимни гижимляпти.

— Ҳозир аччиқ новвот чой қилиб бераман. Ичиб бир терласанг ўтиб кетади.

— Керакмас, ойи, ўқишга бориб келишим керак.

— Ҳолингни қара, кўй ўша ўқишингни, бугун бўлмаса эртага бўлар.

— Ҳозир пул олиб бориб бермасам, имтиҳондан йиқитиб, курсда қолдиради.

— Яқинда берувдинг-ку?

— Имтиҳон биттамас-ку? Ўн иккита имтиҳон! Яна курс ишлари бор, зачетлар бор... Пул сўраганимда адам урувдилар, сиз бира тўла ўлдириб қўя қолинг.

— Кўй, унақа дема, нафасингни ел олсин. Бераман ўша пулни. Фақат боргин-у изингга қайт. Йўлда дорихонага кириб, қорин оғригига дори олиб ичвол.

Шоҳид онаси берган пулни чўнтакка урди-ю, кўчага шошилди. Рихси унинг ўқишга отланганига ишонмади. Ўғлининг босар-тусари ўзгариб қолганидан хавотирланиб, тунов куни фолбинга борган эди. Фолбин Шоҳиднинг суратига қарай-қарай, „Ўғлингизни бир жувон ўзига иссиқ-совуқ қилиб олибди, жуда қаттиқ чирмаб ташлаган“, деди. Рихси: „Жувонми ё бирон мегажин қизми?“ деб ажабланиганида „Айланай, овсин, мен жувон билан қизнинг фарқи-га бормайманми? Ана, менга аниқ кўриниб турибди. Эри бор жувон, аммо эрда гумон бор, сир очилса... қон кўриняпти“, деб хавотир гулханини ёқиб юборган эди. Фолбиннинг гапига ишонгиси келмаса-да, ишонди. Чунки бундан аввалроқ қўшниси „Ўғлингизни киндигини очиб юрадиган бир тавия билан кўрдим“, деб уни огоҳлантирган эди. Ҳозир ўғли пулни олганда ўша жувонниқига шошгандай туюлиб, беихтиёр равишда уни кузатгани чиқди. Маҳалланинг этагидан кўп қаватли уйлар бошланган эди. Шоҳид катта кўчага эмас, ўша томон юргач, шубҳаси тўғри чиққандай

бўлиб, изма-из пойлаб бораверди. Беш қаватли уйга етганда Шоҳид тўхтаб, атрофга аланглаб олди. Юк машинаси панасида турган онасини кўрмай, ўзини йўлакка урди. Рихси ҳам шошилди. Шоҳид учинчи қаватга чиқиб, эшик кўнғироғи тутмасини босди. Рихси иккинчи қаватда тўхтади. Эшик очилиб, „Ҳа, сенмисан, одам бошлаб келмадингми ишқилиб?“ деган дўриллаган овоз эшитилди. „Нима, мен лақмаманми?“ деди Шоҳид ранжиб. „Кир“, деди ҳалиги овоз. Рихси нима қилишини билмай турганида эшик яна очилди. „Оғайниларингга ҳам етади, ўзлари келишмасин“. Овоз уй ичкарасидан эшитилиб, эшик ёпилди. Рихси шошганича изига қайиб, бояги юк машинаси панасига беркинди. Шоҳид бу сафар янада тез юрди. Рихси унинг нима учун келгани-ю, нима учун тез чиққанини тушунмай, паналаб бораверди. „Бир жувон боғлаб олган“ деган шубҳадан қутулди-ю, лекин иккинчисига, бундан-да даҳшатлироғига банди бўлиб, бутун бадани зириллаб кетди.

Шоҳид уйга кириб, онасини чақирди. Жавоб бўлмагач, ошхонага шошиб кириб қошиқни олди. Газни ёқиб, чўнтагидан кукун халтасини чиқарди-да, қорадори тайёрлай бошлади. Суюқликни эм игнасига олиб томирига санчган пайтда Рихси ўгринча кириб келиб, эшикни қия очиб мўраллади. Ўғлининг ҳаракатлари шубҳасини ҳақиқатга айлантирди-ю, жонини суғуриб олгандай бўлди. Оёқларидан мадор кетиб, деворга суянганича ўтириб қолди. Юрагида бир ҳайқириқ уйғонди-ю, лекин бўғзига келганда патирлаб жон таслим қилган қушдай бўлиб, тинчиди. Лаблари жонсиз пичирлади: „Худойим, энди додимни кимга айтаман. Шу кўргилик бормиди менга?! Пешонам курсин...“

Рихсига гиёҳвандларнинг бу ҳолати янгилик эмас. Телевизорда кўп кўрган, аммо аҳамият бермас эди. Бир кунмас бир кун ўз уйида шу аянчли ҳолга ўзи гувоҳ бўлишини эса тасаввур ҳам қилмас эди. Маҳалладаги бир гиёҳванд боланинг миқдорни ошириб юбориб ўлганини эшитганда ҳам парво қилмаганди. Ҳозир эса... ўша воқеа ёдига тушиб, баданига безгак титроғи югурди. Ичкарига ўгринча қаради. Афюн таъсирида кўзларини юмганича деворга суяниб ҳузурланиб ўтирган ўғлини ўлган гумон қилиб кўрқиб кетди. Юрагида яна боягидай фарёд уйғонди, бу сафар бўғзи тўсиб қололмади. Дод солганича ўрнидан туриб, ўғ-

лига интилди. Шоҳиднинг бошини кўкрагига босганда у: „Ойи, менга тегманг, уйқум келяпти“, деб гўлдирагач, қўрқувдан қутулди.

— Кўзингни оч, болам, мени қўрқитма, — деб ялинди.

— Ойи, уйқум келяпти... — деди Шоҳид зорланиб.

Рихси унинг қўлтигига кириб тургизиб, хонасига бошлади. Ётқизгач, ўзи каравотнинг оёқ томонига ҳолсиз ўтириб қолди. Ўглига тикилганича анча ўтирди. Кейин аста туриб, катта хонага чиқди-да, кўлига телефонни олиб, эрига кўнғироқ қилди. Эрининг „Яна нима дейсан?“ деган кўрс овози эшитилганда дарров гапира олмади. Савол иккинчи марта такрорлангач, „Ўглингиз... наркоман бўлиб қолганга ўхшайди“, деб йиғламсиради. Иззат: „Энди билдингми, аҳмоқ!“ деб бақариб телефонни узди. Телефон узилганини дарров англамаган Рихси „Энди нима қиламиз?“ деб, саволига жавоб кутди. Жавоб ўрнига қисқа гудоклар эшитилгач, ҳўнғраб юборди.

Энди у дардини кимга айтсин? Бу дунёда борми дард-каши? Ҳозир ҳамма унга бегонадай туюлди. Ҳатто шу уй ҳам унга бегонадай... ҳатто бу деворлар ҳам бегона — унинг дардли ноласини бағрига сингдирмай, акс-садо бериб турибди...

Кеча юрак титроғи билан ўтди. Ўғил ширин уйқуда, ҳузурли булутлар қанотида сузади, қалб азобидаги она эса Худонинг бу жазосига нима сабаб бўлди, деган саволига хотиралари қатидан жавоб излайди. Рихси ерга ўтириб олган, ўғли ётган каравотнинг оёқ томонига суяниб, ҳаётдаги неъматларини адо қилиб, энди оқибатини кутаётган бечора ҳолида ўйга толган эди. Доимо фикрдан устун келувчи табиий оналик туйғуси уни бўлажак фожиадан огоҳ этиб турса-да, Худонинг жазоси шугинами ё олдинда бундан баттарлари кутиб турибдими, бу ҳақда ўйламайди... Ўғли уйгонгач, насиҳат қилади, ялиниб-ёлборади, бу йўлдан қайтаришнинг қандай чораси бўлса, шуни қилади. Ожиз банда! Бузилган тўғонни насиҳату ёлбориш билан тиклаш мумкинмаслигини алҳол фаҳм қила олмайди. Та-надаги йиринг малҳам билан ёрилиб чиқмаса, уни учли ништар билан ёриб чиқариб ташлашга тўғри келади. Баданга санчилган тиканни бармоқ билан чиқариб олишнинг иложи бўлмаса, игна билан чиқариб ташланишини билса-

---

да, она ўғлининг тақдири ҳозир шунга ўхшашлигини тасаввур ҳам қилолмасди.

Бу ёруғ дунёда „Сояи ғамда қолибман, кулфатимдир беҳисоб, тегмади ман заррани бошига ҳаргиз офтоб“, деб нолийдиганлар кўп. Ўғлининг оёқ томонига бош қўйиб ўтирган муштиллар шуларнинг бири. Ғамга етиш осон, бахтга эришиш қийин. Банда нодонлиги туфайли осон йўлдан кетаверади-да, сўнг бошига офтоб тегмаганидан фарёд чека бошлайди...

Шу ўтиришида кўзига уйқу илинди. Беш дақиқалик уйқу кимга ҳаловат бера оларди? Шу қисқа вақтда туш ҳам кўрди: бир неча тун аввалги кўрқинчли тушни такрор кўриб, чўчиб уйғонди. Юрагидаги дардга қисқа уйқу кучоғи малҳам қўя олмади, аксинча, бу бетайин туш ярани тимдалаб-тимдалаб ташлади. Томоғи қуриб, сув ичгиси келди. Ошхона сари бораётганда ўғлининг инграшини эшитиб, тахтадек қотди. Туннинг мудроқ сукунати ўғлининг инграган товушини ямламай ютди. У изига қайтди. Оёқ товушларини ютиб юборувчи юмшоқ гилам устидан гўё соя каби юриб ўтиб, яна ўша жойига ўтирди.

Вақт субҳи козибга етган дамда кўча эшиги кўнғироғи жиринглаб, тун сукунатини поралаб ташлади. Рихсига худди ўлим бостириб келгандай туюлиб, аввалига кўрқув исканжасида қотиб ўтирди. Кўнғироқ қайта-қайта жиринглайвергач, ўрнидан туриб, мажолсиз қадамлар билан айвон гомон юриб, домофон тугмасини босди. Кафтдек экранда акасини кўриб, кўзларига ишонмади. Кўнғироқ яна жиринглагач, хаста овозда „Ким?“ деб сўради. Дилшод „Кимлигимни кўрмайсанми?“ деб жеркиб бергач, „Вой тавба, вой тавба!“ деганича иккинчи тугмани босиб, эшик қулфини очди-да, акасига пешвоз чиқиш учун шошилди.

— Вой, ака, тинчликми? Қачон келдингиз? — деди салом беришни ҳам унутиб.

— Ҳозир келдим...

Дилшод синглисига қовоқ уюб қараб, айвонга ўтди-да, мулозимат кутмай, диванга ўтирди. Акасининг нимадандир дарғазаб эканини сезган Рихси „Кеннайим қанилар?“ деб сўради.

— Кеннайинг қолди. Ўзим келдим... Телефон қилганим-да „Уйга Шоҳид қариб турибди“ деганмидинг? — Рихси

„Ҳа“ дейишга улгурмай, яна сўроққа тутилди: — Эркато-  
йинг қани?

— Уйда...

— Уйимга бир марта бўлса ҳам бордингми?

— Бордим...

— Бормагансан, ёлғон гапирма! Ҳозир олиб бориб кўр-  
сатаман, эркатоинг уйни нима қилганини ўзинг кўр. Ях-  
шиям кеннайинг келмагани, уйни кўрса, сени юлиб таш-  
ларди, мен аралашмай, томоша қилиб турардим.

Рихсига шу гапларнинг ўзи кифоя қилди. Ўглининг  
айбини таҳмин қилгани учун акасидан тушунтириб бери-  
шини сўрамади. Гуноҳни бўйнига олган маъсума ҳолида  
жим тураверди.

— Уйни молхонага айлантириб ташлабди!

Акаси шундай деб, пиджагининг ич чўнтагидан бир дас-  
та эм игнаси олиб, Рихсининг оёғи остига сочиб ташлади.

— Булар нима, биласанми?

Рихси акасига қарашга ботинолмай, пиқиллаб йиғлай  
бошлади.

— Нималигини биласанми, деяпман?! — деб бақирди  
Дилшод.

— Биламан... — Рихси шундай деб, хўнграб юбормаслик  
учун лабини тишлади.

— Олдиндан билармидинг? — Дилшод бу сафар бақир-  
мади, синглисига ачиниб, паст овозда сўради.

— Бугун билиб қолдим...

— Эринг биладими?

— Биларканлар...

— Эринг уйдами ё...

— Иш билан юрибдилар...

— Шоҳ уйдами?

— Ухляяпти...

— Уйғот.

— Қўйинг... тиниқиб олсин...

— Бугун олдимми?

— Ҳа...

Рихси энди ўзини тута олмади. Йигига эрк бериб, ака-  
сининг елкасига пешонасини қўйди. Уйининг аҳволини  
кўриб, айрим нарсаларнинг йўқолганини билганда дунёни  
алғов-далғов қилиб юборадиган даражада дарғазаб бўлиб

---



келган Дилшодни синглизининг зорли йиғиси енгди. Рихси овунгунча жим ўтирди. Кейин дардли овозда деди:

— Тез чораси қилинмаса, бу дард ёмон...

— Дўхтирга берамизми? — деди Рихси хўрсиниб.

— Дўхтир кўлидан келганини қилади, лекин ҳамма гап болангнинг ўзида. Дори билан иш битмайди, ирода керак. Шоҳда ирода йўқ. Аввал унинг руҳини тузатиш керак. Бир гап эшитган эдим, ўша чорани қилиб кўрамиз.

Дилшод шундай деб ўрнидан турди-да, аввал Шоҳиднинг хонасига кирди, жиянининг роҳатли уйқусини бузмай, шимининг чўнтагини кавлади. Чўнтақдан елим халтачани олиб, орқасига ўтирилди-да, остона ҳатламай саросимада турган синглизига „Бу нима, биласанми?“ дегандай савол назари билан тикилди. Рихси бу қарашга дош беролмай ерга қаради. Дилшод синглизига қарамай, ҳожатхонага кирди-да, халтачани ташлаб, сувни оқизди. Кейин ҳовлига чиқиб, у ён-бу ёнга синчиклаб қараб, ниманидир мўлжаллади. Сўнг уй ертўласига тушиб чиққач, дарвоза-хонанинг тўғрисида қурилган қишки гаражга мўралади.

— Нима қилмоқчисиз? — деди Рихси, унинг бу ҳаракатларидан чўчинқираб.

— Ҳозир келаман, Шоҳинг уйғонса, қочиб қолмасин. Кўчага чиқарма.

— Чиқаман, деса, қанақа қилиб ушлаб қоламан. Балки ўқишга бориши керақдир?

— Бу аҳволига қараганда ўқишдан аллақачон думини тутиб юборган бўлишлари керак. Гапларига лақиллаб ўтирма, оёғининг тагига ётиб олсанг, ётиб ол, лекин кўчага чиқарма!

Дилшод кейинги гапни қатъий буйруқ оҳангида айтиб, шошилганича кўчага чиқиб кетди. Мубҳам бир олам гирдобига тушиб қолган Рихси турган жойида қотиб қолаверди.

Шоҳид кун ёйилганда уйғонди. Кечагига нисбатан ўзини анча енгил ҳис қилиб, кўнгли ёришди. Ювиниб, кийимларини алмаштириб чиққач, ошхонада нонушга ҳозирлаб ўтирган онасига салом берди. Рихсининг чеҳрасидаги паришонликни сизди, лекин бунга ўзининг айбли эканини фаҳм этмади. Рихси чой ичаётган ўғлига дардли нигоҳи билан тикилиб ўтираверди. Ўғлининг ранги, хотиржамлиги унинг ғалаёнли юрагига бир озгина ҳаловат бергандай эди

Агар Шоҳиднинг кечаги аҳволини ўз кўзи билан кўрмаганида биров келиб „Ўглинг шундай... шундай...“ деса мутлақо ишонмаган, уни тухматчиликда айблаган бўларди.

Шоҳид онасининг жиддий гапга ҳозирланаётганини сезиб, чой ичиб бўлиши билан туришга чоғланди.

— Шошилмай, бир пас ўтир, — деди Рихси уни билагидан ушлаб.

— Ўқишга кеч қоламан.

— Бугунча бормаи кўя қол. Ҳозир тоғанг келади.

— Тоғам? Келишибдими? Қачон?

Бу янгилик Шоҳидни сергаклантирди, энди тезроқ қошиб қолишни мўлжаллади. Рихси акасининг даргазаб ҳолда келиб-кетганини айтгиси келмай, „Телефон қилдилар“, деб кўя қолди. Шоҳид билагини бўшатмоқчи эди, Рихси уни маҳкамроқ сиқди. Агар Шоҳид хоҳласа, бўшатиб олиши ҳеч гап эмасди. Онасининг нозик бармоқлари унинг бўлиқ билагини ушлаб қолишга ожиз эди. Онасининг паришон чеҳраси, дардли нигоҳи Шоҳидни бу кўрсликдан тўсди. Майлини онаси ихтиёрига бериб, тек турди. Рихси уни айвонга бошлади. Акаси сочиб юборган эм игналарини йиғиштириб қўймаган эди. Шоҳид бир игналарга, бир онасига ажабланиб қараб, „Нима бу?“ деб сўради. Рихси унга „Нималигини билмайсанми?“ деган савол назари билан тикилди.

Шоҳид тоғасининг телефон қилмагани, балки келиб-кетганини англаб, довдираб қолди.

— Ойи, бу Радикнинг иши, шунақа нарсаларга аралашиб қолган, — деб ўзини оқламоқчи бўлди.

Рихси уни қўйиб юбориб, кафтларини юзига босди-ю, хўнграб юборди.

— Алдама... мени алдама... — деди йиғи аралаш.

Шоҳид қочиб қолишни, шу билан бўлажак таъналар-у сиқувлардан қутулишни ўйлади. Лекин онасини бу аҳволда ташлаб кетишга виждони йўл қўймади. Онасини бағрига босиб юпатмоқни истади, лекин „Бўлди, ойи, бўлди“, дейишдан бошқа сўз айтолмади. „Ойижон, бўлди, йиғламанг“, демоқчи эдими ё „Бўлди, бу ярамасликни ташлайман“, деб онт ичдими, Рихси фарқлай олмади.

Она-бола шу аҳволда турган пайтда дарвоза қўнғироғи жиринглади. Шоҳид онасини бағридан бўшатиб, илдам

юриб борди-да, домофон тугмасини босди. Экранда тоғаси кўриниши ҳамон, иккинчи тугмани босиб, қулфни очди.

Тоғасини ҳовлида кутиб олган Шоҳид унинг кўзига қарай олмай, салом берди. Дилшод эса жиянига ўқдек тикилиб, алик олди.

— Ҳа, Шоҳу жаҳон, аҳволлар қалай энди? — деди пичинг оҳангида.

— Яхши дам олиб келдингизми? — деди Шоҳид ҳеч нарсадан хабари йўқдай.

— Бориб келдим, ўзинг нонушта қилиб олдингми?

Бу савол ғалати туюлиб, Шоҳид паст овозда „Ҳа“, деб кўйди.

— Гаражни оч, — деди Дилшод ўша томон юриб.

— Нега?

— Очавер, сенга аталган бир нима бор, — деди Дилшод унга қараб кўз қисиб кўйиб.

Тоғасидан сўкиш эшитишга ўзини тайёрлаб турган Шоҳид бундан ажабланиб, айвон зинасида турган онасига қараб-қараб кўйганича ичкарига кирди-да, пултни олиб чиқди. Гараж дарвозаси автомат тарзда юқорига кўтарилгач, Дилшод ичкари кириб, жиянига „Бу ёққа кел“, деб имлади. Шоҳид киргач, иситиш қувури ёнига бошлаб бориб, „Ўтир“, деди. Шоҳид тоғасининг қилиғига тушунмаси-да, амрини бажарди. Шу онда Дилшод чўнтагидан икки ҳалқали темир кишан чиқариб, бир томонини Шоҳиднинг билагига урди, иккинчисини қувурга маҳкамлади. Бу ҳаракатни шу қадар тез бажардики, Шоҳид нима воқеа юз берганини англашга улгурмай ҳам қолди. Гараж остонасига етиб келган Рихси бу ҳолатни кўриб, дод, деб юборди-да, югуриб келиб, ўғлини бўшатмоқчи бўлди.

— Ака, бу нима қилганингиз, бўшатинг дарров боламини! — деб нидо қилди.

— Бу ёққа юр, ўзингни бос, бу ҳали ҳаммаси эмас.

Дилшод шундай деб уни билагидан ушлаб, ҳовлига олиб чиқди-да, ўзи кўча дарвозаси томон юрди. Дарвоза эшигини очиб „Элёр ака, кираверинг“, дегач, ҳовлига бузоқдай итни етаклаган эски кийимли бир киши кириб келди. Акасининг қилиғига тушунмай, титраб-қақшаётган Рихсининг жойидан кўзғолишга ҳам мадори етмади. Дилшод синглисининг аҳволига парво қилмай, ит етаклаган

кишини гаражга бошлади. Ит гаражга кириши билан қўрқинчли хунук овозда Шоҳидга қараб вовуллаб қўйди. Итнинг вовуллаши гараж ичида акс-садо жарангини бериб, фақат Рихсининг эмас, довдираб ўтирган Шоҳиднинг қалбига ҳам қўрқинч гулдирагини солди. Элёр ака деганлари итни Дилшод кўрсатган жойга боғлагач, индамай чиқиб кетди. Рихсининг назарида ит занжирни узиб, боласига ташланадигандай, пора-пора қилиб юборадигандай туюлиб, жонҳолатда югуриб қилиб келиб акасини қўлидан ушлаб олди.

— Бу нима қилганингиз? Ит боламини ғажиб ташлайди-ку? — деб бақирди.

— Ғажимайди, бу немиснинг овчаркаси, одамдан ҳам ақлироқ, — деди Дилшод хотиржам равишда. — Бу итнинг қорадорининг исига тоқати йўқ. Боланг би-ир яхшилаб қўрқинчи керак. Қўрқса, бу балодан кутулади. Менга буни биладиган одамлар ўргатишди. Яна битта йўли бор, зах ерни кавлаб тиккасига бўғзигача кўмиб қўйиш керак экан. Уч кунга чидасанг, шу чорани қилайлик.

Рихси „Бунчалар бемехрсиз?“ деб хўнграб юборди.

— Мен бемехрманми? — деди Дилшод сингисининг бу галидан ранжиб. — Уйимнинг аҳволини кўрганингда бунақа демаган бўлардинг.

— Молингиз жиянингизнинг жонидан ҳам азизми? — деб бўш келмади Рихси.

— Молни гапирма. Мен жиянимнинг жонига куйганимдан келдим уйингга. Буни тўхтатишнинг бошқа иложи йўқ. Хоҳласанг, ҳозир наркодиспансерга ётқизиб келай?

— Вой, қўйинг, шарманда бўламиз-а!

— Ана, кўрдингми? Сен Шоҳу жаҳонингга куясан, жиянимга менинг ҳам жоним ачийди. Лекин сенга ҳам ачинаман. Сенинг оёғингга кирган тикан, менинг юрагимга санчилди. Шунинг учун менинг йўлимни тўсма. Қанча дод деса ҳам, эртага эрталабгача очма эшикни. Эрталаб келиб, бошқа чорасини қиламиз.

Дилшод шундай деб, пастдан бир тирсак жой қолдириб, гараж эшигини ёпди-да, пульта сингисининг қўлига тутқазди. Бу онда пульта Рихсига нажот дарвозасини очувчи қалит бўлиб туюлди. Акаси кетгач, уйга кирмади. Худди девонадай, гараж атрофида айланиб юраверди. Ит эгасининг „Жим ёт!“ деган амрига бўйсуниб, овоз ҳам

чиқармас эди. Шоҳид ҳам жим эди. Онасини ёрдамга чақирмас эди. Аввалига тоғасининг қилиғидан ғазабланди, ичида боғлаб сўқди. Кейин „Балки ростдан ҳам шу фойда берар, тоғам керак бўлса, бургани тақалаб беради, бир нимани билмас, қилмайди“, деган ўйда озгина чидашга қарор қилиб, жим ўтирган эди. Рихсининг сабри бир соатга аранг чидади. Ўғлининг жимлигидан хавотири ошиб, гараж эшигини очди. Ит қулоғини чимириб унга қараб қўйди-ю, ўрнидан турмади, вовулламади. Рихси ичкарига қадам босганда „Бу ёққа кириш мумкин эмас“, дегандай огоҳлантирувчи хунук овоз чиқарди. Рихси кўрқиб тўхтади.

— Шоҳ, чой олиб келиб берайми, болажоним, — деди Рихси ялиниш оҳангида.

— Ойи, эшикни ёпинг, тоғамнинг гапларини эшитмадингизми?

— Тоғангми... тоғангдан хафа бўлмагин, хўпми.

— Хафамасман, эшикни ёпинг.

— Мен ҳозир кўрпача олиб келиб бераман.

— Керакмас, эшикни ёпинг.

Бу сафар Шоҳид дағалроқ оҳангда буюргани учун, она бу амрга итоат этиб, орқасига чекинди.

— Эшикни ёпинг, — деди Шоҳид овозини кўтариб.

Рихси титроқ бармоғи билан пулт тугмасини босди. Ўғлини ўзи жазолаётгандай туюлиб, юраги эзилиб кетди. Акаси умид фақат шу чорадан эканига ишонтиргандай бўлгани учун эшикни ёпди. Шунда ҳам аввалги ҳолича эмас, ярмигача ёпди.

— Охиригача ёпинг, ёруғлик тушмасин, — деб бақирди Шоҳид.

Ўғлининг бу амрини бажариш она учун ўлим азоби билан тенг бўлди гўё.

Шом тушгунига қадар Рихси яна тўрт марта эшикни очиб, ўғлидан хабар олди. Шоҳид пешинда ҳам, шомда ҳам таомни рад этди. Осмон мусаввири лахтак булутларга ботаётган қуёш нуридан жило бериб, гўзал манзара чизди. Аммо... қуёш нурлари бевафолик қилди.

Кун ўтди... Ажал билан учрашув онлари яна бир кунга қисқарди...

Шом чекиниб, осмонни хуфтон қоронғулиги ўраб олган дамда Шоҳиднинг вужудига енгил титроқ югурди. Ху-

мор азоби бошланаётганидан ташвишланган Шоҳид ўрнидан турди. У қаддини кўтариши билан сергак ит ҳам ўрнидан кўзголиб, хунук овоз чиқарди. Умид билан ўтирган Шоҳид энди „Бу итнинг ириллаши мени тузата оларканми?“ деб ўйлай бошлади. „Тоғамнинг чораси аҳмоқликнинг ўзгинаси“, деган хулосага келиб, эрталабки сўкишини давом эттирди. Ғазаб билан хумор титроги кўшилиб, кишандан юлқиниб чиқмоқи бўлди. Ит энди астойдил вовуллаб, унга ташланмоқчи ҳам бўлди. Шоҳид кўрқиб ўтириб қолди. Итнинг вовуллашини эшитган Рихси югуриб келиб эшикни очди, чироқни ёқди. Букчайиб ўтирган ўглини кўрди-ю, итнинг ҳамласидан ҳам чўчимай ўзини ичкарига олди. Ит вовуллагани билан онанинг йўлини тўсишга уринмади. Енгил титроқдаги боласини бағрига босиши билан Рихсининг вужуди ҳам титрай бошлади.

— Жоним жаҳоним, нима бўлди? — деб юз-кўзини силай бошлади. Кейин кишан ҳалқасини бўшатиш ниятида тортиб-тортиб қўйди. Киноларда ёмон одамларнинг шунақа қилиғини кўрарди. Акасига йўл қўйиб бергани учун энди ўзини лаънатлай бошлади.

— Мен жувонмаргни кечиргин, болажоним, тоғамнинг гапини тўғри деб ўйлабман, ҳозир телпон қилиб чақираман, — деб ўрнидан турди.

— Ойи, чақирманг. Уйга киринг, китобларимнинг орақасида бир шиша бор, озгина ичсам, ўтиб кетади, — деди Шоҳид зорланиб.

Рихси „Хўп, хўп“, деганича ўрнидан туриб, ташқарига шошилди. Йўл-йўлакай акасига қўнғироқ қилиб, „Абонент хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида“, деган жавобни эшитиб, қарғаниб қўйди. Шишада озгина арақ қолган эди, хумор титроғини босишга кифоя қилмади. Титроқ кучаяверди. Бу ҳолатни кўргани сайин онанинг ваҳимаси ҳам ортаверди.

— Ойи, кўрқманг, ҳозир ўтиб кетади, — деб онасини оувтмоқчи бўлган Шоҳид бир оздан кейин безгак титрогига тушди.

— Ойи, шимимнинг чўнтагида дори кукуни бор, — деди инграб.

— Тоғанг ухлаб ётганинда чўнтақларингни титиб, ташлаб юборган, — деди Рихси айбли одам овозида.

Буни эшитган Шоҳид умид чинниси синган бечора каби инграб юборди. Чорасиз она боласини янада мақкам кучди.

— Арақ олиб келиб берайми? — деб ўрнидан турмоқчи бўлди.

— Дори керак... — деди Шоҳид инграб. — Ойижон, топиб келинг, қаердан олишни тушунтираман. Бу охиргиси. Шу ломкадан ўтиб олсам бўлди... Сизга сўз бераман.

Шоҳид онасидан розилик сўзини эшитмаса ҳам, афюн оладиган уйнинг қаердалигини инграб-инграб тушунтирди. Шоҳиднинг пуч сўзлар билан „Сизга ваъда бераман“ деган пуч ваъдасига она ишонди. Чунки фарзандининг азоби она-ни тамоман гангитиб қўйган эди. Уни азобдан қутқариш учун ҳозир афюн топиб келиш нима экан, биров келиб, „Юрагингни суғуриб бер“ деса, шунга ҳам рози эди. Ўтган йили телевизорда шеър ўқиган шоирнинг сўзлари унга қаттиқ таъсир қилиб, маъносини эслаб қолган эди. Эмиш-ки, Она билан Ўғил бахтиёр яшаркан. Бир гўзал Ўғилнинг қалбига ишқ оловини ёқибди-ю, „Сенга тегишга розиман, фақат битта шартим бор, шуни албат қилиб кел, менга онангнинг юрагини олиб кел“, дебди. Ўғил довдирай-довдирай чора излабди. Тўрт томон сар-сари югуриб, охири чўлдан бир жайронни овлаб, юрагини суғуриб, ўша жононга рўпара келибди. Жонон ҳам анойи эмас экан, Ўғилнинг ҳийласини фаҳлаб, „Кет, кўринма кўзимга, келтирмасанг менга онангнинг юрагини“, деб ҳайдабди. Шунда ишқ ўтида қалб кўзи кўр бўлган Ўғил Онани ўлдириб, юрагини юлиб олиб, шошиб, умидвор бўлиб кетаркан, оёқлари ча-лишибди, шўрлик Онанинг юраги ерга тушибди. Шунда Она юраги тилга кириб: „Жоним болам, ёмон йиқилма-дингни, қарагин, соғми танинг, эт-бетинг“, деганда Ўғил тахта бўлиб қотиб қолган, қанча югурса ҳам, қононига етолмай, ётиб қолган экан...

Ҳозир Рихси ўша Она ҳолида эди. Ўғли тушунтирмаса ҳам, афюн сотиладиган жойни биларди. Нажот умиди билан кўчага чиқди. Умид ёшларини тўкиб, ўша уй сари борди. Кўнғироқ тугмасини босди. Эшик очилиб, соқоли ўсган сап-сариқ йигит шилпиқ кўзини унга тикиб, „Нима керак?“ деди. Рихси нима дейишни билмай кафтини очиб, гижим пулларни узатди.

— Нима бу? — деди йчгит кўрслик билан.

— Мен Шоҳиднинг онасиман.

— Қайси Шоҳид, қайси онаси? — деди йигит яна ўша оҳангда.

Рихси бу ерда мулойимлик билан гаплашиш иш бермаслигини англаб, қатъийроқ оҳангга кўчди:

— Сендан дори олиб турадиган Шоҳиднинг онасиман.

Бу оҳанг йигитга таъсир этди, „Бу гапни биров эшитмадимикин?“ деган хавотирда бўйинини чўзиб, зина томон қаради-да, бир поғона пастлади:

— Холажон, адашиб, довдираб юрибсизми?

— Адашганим йўқ. Ўтган куни пойлаб келиб, ўзим кўрганман. Отинг „Собит шилпиқ“, ўглим айтди. Гапни чўзмай, балога учрагур ўша дорингдан бер.

— Адашяпсиз, холажон, бу ер дорихона эмас.

Йигит шундай деб эшикни ёпмоқчи эди, Рихси остонага туриб олиб, йўл бермади.

— Мени лақиллатмоқчимисан? Агар дорини тез берманг, милиса қақираман, мен билан ўйнашма, сен бола!

Йигит иккиланиб турди-да, пулни олди.

— Мен сотувчи эмасман, ўзимга аталган битта доза бор, шуни бераман. Бундан кейин бу ерга келманг. Ўғлингиз Фарҳод деган боладан дори оларди, ўшани топинг.

Йигит ичкари кирмади. Даҳлиздаги илгичда осиглик пиджагининг чўнтагига қўл солиб, битта елим халтачани олиб узатди. Рихси бунинг „Ўзи учун олиб қўйилган охириги доза“ эканига ишониб, изига қайтди.

Уйига яқинлашганда итнинг вовуллашини эшитиб, жон-пони чиқиб кетди. Дарвозага қадар бўлган масофани югуриб босиб ўтди. Ҳовлига киргач, эшикни чала ярим ёпганича гараж томон илдамлади. Ит Шоҳидга интилиб вовуллаётган эди. Букчайиб олган Шоҳид эса худди итдан кўрқандай титраб-қақшарди. Онасига кўзи тушгач, хаста овозда „Олиб келдингизми?“ деб сўради. Рихси гараж ичкарисига қадам қўйиши билан ит энди унга қараб вовуллади. Итнинг афюн исини олиб вовуллаётганини англамаган Рихси уни қарғаб, ўғлига яқинлашди-да, халтачани узатди. Шоҳид унга қўл узатмади, қошиққа солиб тайёрлаш йўлини онасига тушунтирди. Рихси ошхонага шошилди. У ҳозир оқибатни эмас, фақат ўғлини азоб чангалидан қут-



қариб олишни ўйларди. Шу боис ҳам ўглининг буйруқларини сўзсиз бажараётганди. Афюнни қайнатиб олиб, эм игнасига олгач, яна гаражга шошилди.

Шоҳид эм игнасини олгач, „Ойи, қарамай туринг“, деб ялинди. Рихси унинг бу амрини ҳам бажариб, тескари қараб олди.

Томирга игна санчилиб, дастлабки томчилар қонга аралаша бошлагач, Шоҳиднинг баданига роҳат илиқлиги югурди. Хузурланиб кўзларини юмди. Кўзларини юмгани билан эм игнасини ушлаб турган бармоқлари вазифасини бажараверди. Бир маҳал кутилмаганда кўз олди оқарди. Илгари бундай ҳол бўлмас эди. Бундан ажабланган Шоҳид кўзларини шарт очди: гараж деворлари йўқолган, атроф кимсасиз дашт эди. Бир маҳал даштда одамлар тўдаси кўринди. Шоҳид уларнинг биронтасини ҳам танимади. Ҳайрон бўлиб турганида узун соқол қария даврадан ажралиб чиқиб, унга яқинлашди. Шоҳид „Кимсиз?“ деб ажабланиди. „Катта бобонгман. Сени согиндим. „Лимузин“ олиб берсам, мен билан кетасанми?“ деб сўради қария. „Кетаман“, деди Шоҳид қувониб. Шу оннинг ўзида қаршисида оппоқ „Лимузин“ пайдо бўлди. Эшикни ланг очиб, ҳайдовчи ўриндиғига ўтириши билан машина тобутга айланиб қолди. Шоҳид қўрққанидан отилиб тушмоқчи бўлди. Лекин оёқ-қўллари ўзига бўйсунмади. Қария эса бадбашара махлуққа айланиб, кула бошлади. Кейин: „Мен сенинг ажалингман! Сен менинг совғамни қабул қилиб олдинг!“ деб бўға кетди. Шоҳид унинг чангалидан қутулмоқчи бўлиб типирчилади, аммо кучи етмади...

Рихси ўглининг „Ойи, қарамай туринг“ деб ялинишига итоат қилиб, юзини ўгириб турган эди. Томирга игна санчилганини кўрмади. Аммо бу аҳволда кўп ўтиролмади. Яна ўғлига ўгирилиб қаради: Шоҳиднинг баданидаги титроқ камайиб, тинчлана бошлаганини кўриб, „Худога шукр“, деб пичирлади.

Бироқ Шоҳиднинг тинчланиши алдамчи эди: роҳат акс этиб сузила бошлаган кўзлари эм игнасидаги афюн яримлагач ўзгарди. Сузилаётган кўзлар бирданига чақчайди. Сўнг қорачиқ қотди, унда „Ҳаммаси тамом!“ деган даҳшатли ҳақиқат акс этди. Титроқ ҳам бутунлай тўхтади. Афюннинг қолдиғини томир қабул қилмади. Шоҳиднинг

юзлари бир тиришти-ю, сўнг оппоқ оқарди. Лаблари орасидан кўпик сизиб чиқди. Қотиб қолган кўзлардан икки томчи ёш сизиб чиқиб, икки ёноқдан сирғалиб тушди.

— Шоҳим! — Рихси ўғлини маҳкам кучиб, уйқудан уйготмоқчи бўлгандай силтади.

Назариди ўғли ўзига келиб овоз чиқаргандай туюлди. Кўзлар очиқ, аммо жон белгиси сезилмасди. Ўлим бошлаб қўйган ишини охиригача етказмоққа астойдил киришган эди. Она ўлим ва ҳаёт олишаётган жойда қотди. Рихсининг томирларида қон оқиб турган бўлса-да, юзи ўликдан фарқ қилмасди. Умидсиз ҳаётнинг сўнгги сонияларини яшаётган фарзандига қараб, инсоният маҳкум этилган оқибат қаршида ўзининг ҳам ожизлигини ҳис этиб, кўзларини юмди. Ўлишни истамаган вужуд билан ўлдирмоқчи бўлган дард орасидаги беаёв жанг суронини ҳис қилиб ўтиришдан ўзга чораси йўқ эди.

Иморат қурилиши ниҳоясига етиб, кўчиб киришганда бу уйда шодлик ва бахт қуёши чарақлаб турган эди. Қизлар ҳавас қиларли даражадаги ҳусн билан вояга етиб бораётган ўғлига қараган сайин кўзи тўймасди, Унинг уйини чарогон қилиб турган қуёши Шоҳид эди. Бу қуёшни сўнмас деб билган эди. Чарогон уйига музликлар бўрони бостириб кириши мумкинлигини, бу дунёдаги орзу-ҳаваслар, етишган-етишмаган барча нарсалар кўз очиб-юмгунча ўтиб кетагагини тасаввур ҳам қилмаган эди.

Тўй куни катта хонанинг қибла томонидаги бурчакка чимилдиқ тутишни умид қилган эди. Тутилмаган чимилдиқ етим бўлиб қолди.

Иморат қурилаётган пайтда айвоннинг кираверишига панжарагулчинли пешайвон қуришни талаб қилиб туриб олган эди. Пешайвон уйнинг ҳуснини бузиши мумкин бўлгани сабабли Иззат бу талабни кўп марта рад этганди. Лекин „Келинсалом шу пешайвонда бўлади. Келин шу айвонда туриб салом қилади, „Меҳрибон қайнотасига салло-о-м“ деганда атаганингизни берасиз, пешайвон уйингизнинг ҳуснини бузадиган бўлса, тўйдан кейин буздириб ташлайверасиз“, дегач ноилож қўнган эди.

Келиннинг қутлуғ қадами бу пешайвонга етмай қолди. Қайнота атаганини келин оёғи остига қўймади, қайнона ҳусни латофати ила барчани ром этаётган келинининг пе-

---

шонасидан ўпмади... Етим қолган пешайвон бузилмайдиган бўлди...

Боласини бағрига янада маҳкамроқ босди, ҳали ажин яқинлашмаган силлиқ ёноқлари узра юмалаган кўз ёшлари боланинг сочлари орасига сингиб кетди. Йиғи аралаш пичирлади:

„Онанг ўлсин, болам... Сени ўзим ўлдирдимми?“

Рихси фарзанди ҳаётининг сўнгги нуқтасида ўз айбини кўрди. Бу сўнгги нуқтага келгунга қадар бўлган ҳаёт йўлида эрининг ва ўзининг катта-катта айблари борлигини фаҳм этмади. Нафс тарбиясидан бебаҳра боласи нафсига қул бўлган ой, кун, соат, дақиқа ва сониядан эътиборан ўла бошлашини ота-она нега тушунмайди?! Фожиа юз бергандан кейин ҳам охириги дақиқалар ҳақида ўйлай бошлайдилар.

Рихси яна пичирлади:

„Эй Худо, боламда нима қасдинг бор эди, менинг жонимни ола қолсанг бўлмасмиди?“

Ўлим ҳам ҳаётнинг бир бўлаги, айри нарса эмаслигини англамаган хотин ўзи билмаган ҳолда Худога таъна қилишдан ҳам тийилмади...

...болага ҳаёт берувчи она меҳри охир-оқибат ўлим берса, не дод?!

...умид ниҳолини ўз қўли билан пайхон қилса, не дод?!

...саодат куёшининг юзига ўз қўли билан зулмат пардасини тортса, не дод?!

Бу оху фарёдларни ким эшитади? Оху фарёдлар отилаётган хаста юракка даво борми энди?

Ит вовуллашни бас қилиб, худди бўри каби хаста оҳангда увлади...

Рихси бу овозга аҳамият бермади. У ҳали ақлдан озмаган эди, боласининг ўлимида ўзини айблаб, анчагача ўтирди. Жасадни кўтариб, уйга олиб кирай деса, кишандан озод қилолмади. Ақасига телефон қилишни истамади. Ўзини айблаш баробаринда ақасини ҳам қарғади. У Худога нола қилиб, ўзига жазо тилади. Ҳозирнинг ўзида юраги ёрилиб ўлишини истади. Юраги ёрилмади. Даҳшатли фожиага гувох бўлса ҳам ёрилмади... Рихси хира фикрлар оғушида яна бир неча фурсат ўтиргач, жазо турини топди. Ташқарига чиқди-да, сунъий толадан тўқилган ингичка, силлиқ арқонни олиб, яна гаражга қайтди.

---

Ичкари бирдан ёришиб кетгандай бўлди. У гаражда эканини унутди, итнинг увлаши кулогига кирмай қолди. Аксинча, узоқдан сурнай навоси эшитилди назарида. Гараж тўрида одамларнинг қораси кўринди. Икки аёл бурчакка гулли палак тортди... „Чимилдиқ тайёр, куёвни олиб келинглр“, деган жарангли овоз янгради.

— Турақол, жоним-жаҳоним, келинни кутиб ол. Эрталабгача шу ерда ўтирасизлар. Куёш кўринганда амманг келинни саломга олиб чиқади...

Рихси шундай деб жонсиз ўғлига қаради-ю, тошдек қотиб қолди. Кейин телбаларча кула бошлади. Бир оз кулгач, жим бўлди. Ўғлига маъюс кўзларини тикиб, аста пичирлади:

— Болажоним, сен кетасанми? Бир ўзингни кеткизмайман. Тўхта, жоним, тўхта, бирга кетамиз...

Титроқ бармоқлари сиртмоқ ясади...

Титроқ бармоқлари арқоннинг бир учини тепадаги кувурга маҳкам боғлади.

Лаблари пичирлади:

— Шоҳим-жаҳоним, бирга кетамиз, бирга кетамиз...

Титроқ бармоқлари бўйинга сиргмоқни ташлади...

Мажолсиз оёқ ердан узилди, уч-тўрт марта силтанди-ю, тинчиди...

Ўлим — ҳаётнинг ғаройиб сирларидан бири, унинг юзига қора пардасини ёпди.

Ит кўрагини ерга бериб ётиб олди, бошини тепага кўтариб улиди.

То эрталабга қадар қўшнилари безор қилиб улиди...

Бешик билан тобут орасидаги масофани „ҳаёт йўли“ деб атайдилар. Биров хайрли ишлари билан бу йўлда чиройли излар қолдиради. Яна биров адашиб, тентирайди, ўзининг нолойиқ ҳаракатлари орқали бахт саройини зулмат булутига ўраб қўяди, сўнг эса бу қоронғулик бағрида яланг оёқларига ҳаётнинг аёвсиз тиканлари кириб, азоблайди.

Ҳеч қайси ота ва она азиз фарзандига бу азобни раво кўрмайди. Аммо тарбиянинг қайси бир нуқтасида хатога йўл қўйиб, ардоқли фарзандини бу зулмат салтанига кириб қолишидан асраб қололмайди ва охир-оқибат надоматнинг заҳарли майини ичади.

---

## „КУРОРТ“

Фарзанднинг боши узра бало чақини чақса, ота-она узоқда бўлса ҳам, юраклари бу хавфни сезиб, бесаранжом бўлади, дейишади. Эҳтимол кимлардир сезар, лекин шом қоронғусида, Шоҳиднинг ҳаёти дарвозасига ўлим шарпаси яқинлашган дамда Иззатнинг тош қалби бу ҳисдан нари эди. Ўгли билан бўлган сўнгги учрашувдан кейин уни ҳатто эслашни ҳам истамасди. Ўғил тугилганида қувонгани, ош-наларига кетма-кет зиёфатлар бергани, туғруқхонадан карнай-сурнай билан олиб чиққанлари, чақалоғи ширингина кулганида қувончи дунёга сиғмай кетгани, дўмбоққина, иштонсиз болакайини ёз кезлари эркалаб, булбулчасини чимдиб-чимдиб қўйганларини, етти ёшга тўлгач, йил давомида мактабга ўзи олиб бориб, ўзи олиб келганларини... ҳам ёдга олишни хоҳламай қолган эди. Бу ширин тарих энди ширин умидлардан батамом узилганди.

Йиллар ўтиши билан у ўғлидан узоқлашиб бораётганини ҳис қилмади. Фарзандга бўлган меҳр ўрнини бойликка муҳаббат эгаллай бошлади. Қалбда бойлик туғёни эгалик қилгач, кибрни чорлади. Оқибатда нафс қулига айланди. Нафс қулининг фарзандига куйинганини қайси тарихда ким кўрган? Ойлар, йиллар ўтаверди, фарзанд улғаяверди, ота-бола орасидаги масофа эса яқинлашиш ўрнига тобора узаяверди.

Шом қоронғулиги ҳаётидаги хуфтон зулматининг дебчаси эканидан беҳабар Иззат валинеъматини билан навбатдаги учрашувга шошилар эди. Эски шаҳардаги кўримсизгина кабобхона бугун нечундир гавжум эмас, кўчага уч „Матиз“, иккита эски „Жигули“ бетартиб қўйилган. Ҳашаматли ресторанлар кўчасидаги серҳашам автомашиналар бу ерда кўринмайди. Шу сабабли Иззат „Прадо“сини сат нарида тўхтатиб, атрофга синчковлик билан назар солди. Учрашув шошилинич белгилангани сабабли дастёрини чорламаган, эҳтиёт чорасини кўрмаган эди. Кўча томон қоронғи бўлгани учун „Жигули“да икки кишининг кузатётганини сезмади. Кабобхонага савлат билан кириб келгач, ўзини хотиржам тутишга уринса-да, атрофига олазарак қараб олишдан тийилмади: худди илгаригидай лаби учган пиёлаларда арақ ичиб ўтирган тўрт-беш кишилик улфат-

ларнинг гурунгини радиодан тўхтовсиз таралаётган қўшиқлар овози босиб кетган. Бировнинг бошқаси билан иши йўқ. Кабобчи йигитнинг саломига алик олиб, тўрт бармоғини кўрсатиб қўйди. Йигит „тушунарли“ дегандай енгил таъзим қилиб қўйди. Иззат бу сафар „Жизғанақ қилиб юборма, сели билан пишсин“, деб тайинламади, „Кўлимни ювгунимча жойни ҳам одамбашара қилиб қўй“, деб буюрмади ҳам. Яна ён-верига қараб олгач, одатига кўра, кабобхона тўри томон юрди.

Қачондир оқ рангда бўлгани унутилган, девор вазифасини ўтовчи бўз мато ортига ўтгач, энсиз йўлак билан юриб, ёндаги энсиз эшикни очди-да кўчага чиқди. Кўча бир-икки йўловчини ҳисобга олмаганда, кимсасиз эди. Бу ҳолдан кўнгли тинчиган Иззат чорраҳа томон юрди. Ўнгта бурилди-да, дарахт панасида тургэн машинанинг орқа қизил чироқлари ёниб-ўчганини кўриб, қадамини тезлатди. Орқа эшикни очиб, ўзини ичкари олиши билан норози оҳангдаги овозни эшитди:

— Ярим соат кечикдингиз. Бизнинг ишимизда ярим соат кечикишнинг оқибати нима бўлишини билмайсизми?

Иззат шундай дашном эшитишини билиб, баҳона тайёрлаб қўйган эди. Лекин хожасининг ўрнига бошқа одамнинг овозини эшитгач, бунга эҳтиёж сезмади. Аксинча, ажабланганини яширмай деди:

— Нодир, сенмисан, Ҳожи ака қани?

— Ҳожи акамлар керакли жойда керакли ишларни бажариб юрибдилар, бу ёғи билан ишингиз бўлмасин, — деди Нодир жеркиб.

— Мол бехатар етиб келди. Айтиб қўярсан.

— Биламиз.

— Билсанг, ҳисоб-китоб қилиш керак. Одамлардан қарзим бор, рози қилиб қўйишим керак.

Мартабаси тенг икки одам юзма-юз бўлиб қолса, бири иккинчисидан устунроқ эканини билдириб қўйишга уринали. Ҳозир ҳам шу ҳол рўй берган эди.

Иззатнинг кибрли оҳангида „Менга фақат Ҳожи хўжайинлик қила олади, мен унинг ёнига кирганимда сендақа тирранчалар адангнинг белида юрарди“, деган маъно зоҳир эди. Нодир буни сезиб, ғаши келди. Биринчи гапини „Мен каттанинг ишончли одамиман, мен билан шунга қараб

муомала қил“, деган гурур шоҳсупасида айтиб, энди пастлашни истамади.

— Ҳисоб-китоб кейинроқ... — деди ўша менсимаслик оҳангида, — Бу сафар ишингиз чала бўлиб турибди.

— Нимаси чала?

— Вазият ўзгариб қолди. Молни майдалаб ўтказишга у ёқдагилар тоқат қилишолмаяпти. Молни шу туришича, Қозоғистон орқали Россия чегарасига олиб бориб берасиз.

Аслида бу топшириқ катта хўжайин томонидан берилган, „олиб бориб бераркансиз“, дейилса, ўринли бўларди. Лекин Нодир ўзининг мартабасига урғу бериш мақсадида бу топшириқни худди ўзининг буйруғидай қилиб, кескин тарзда айтди. Бу кутилмаган топшириқдан Иззатнинг жаҳли чиқди.

— Нима? Бошида бунақа гап бўлмаган, — деди овозини баландлатиб.

— Бақирманг, — деди Нодир жеркиб, — Бозорни онангизнинг уйида қиласиз. Бошида бўлмаган бўлса, энди гап шунақа.

— Қўлимдан келмайди. Иккита чегарадан ўтказишнинг ўзи бўлмайди.

— Хўжайинлар ишнинг қийинлигини билишади. Оладиганингизни ҳам шунга яраша кўтариб қўйишган.

— Шунақа экан, бу ёққа овора бўлмасдан, Туркменистон орқали ўтказиб юборса бўларди-ку?

— У ёқнинг эгалари бошқа. Сиздан биров маслаҳат сўраётгани йўқ. Буюриляптими, вазифангиз — бажариш.

— Қўлимдан келмайдиган ишга ваъда беролмайман.

Аслида „Бу ишга вақтим йўқ, бутун кечаси дам олишга учиб кетаман“, демоқчи эди, лекин бунга изоҳ беришни лозим топмади.

Нодир эса таҳдид оҳангига кўчди:

— Гапга тушунмадингизми? Сиздан ваъда сўралмади, буюрилди, бажариш эса шарт! Бажармасангиз гаплар бошқача бўлади.

— Қўрқитяпсанми?

— Воғчада ё мактабда қўрқитишади. Сиз боғча боласи эмассиз шекилли? Тушинг, гапни кўпайтирманг. Ярим соат кутганим ҳам етади. Сиз билан валақилашишга вақтим йўқ.

Бу гап худди бир тепки билан ҳайдаш каби бўлиб, Иззат ғазабини тиёлмади.

— Мениям сен билан вижи-вижи қилишга тоқатим йўқ, Ҳожи акага ўзим айтаман!

Шундай деб машинадан тушди. Нодир: „Ҳожи акамнинг сиздан бошқа ташвишлари йўқми?!“ деганича қолаверди. Иззат машинанинг юриб кетишини кутмай, изига қайта бошлади. Кўчанинг у бетида бир „Дамас“ турганини, Нодирнинг машинаси юргач, „Дамас“ бурилиб, унинг изидан кетганини сезмади. „Дамас“ ичидагилар махсус мосламалар орқали уларнинг гап-сўзларини ёзиб олганларини ҳозир тасаввур ҳам қилолмайди, буни кейинроқ, тергов хонасида билади.

Кабобхонага қайтгач, кабобчи йигит унга четдаги столни кўрсатди. Иззат бу сафар „Ўраб бера қол“ демади. Чиқиб кетишга шошилмади. Шу ерда, кўрадан кўтарилган тутун ва сигарет тутунлари қоришиб кетган, одамларнинг говур-ғувури билан радиодан таралаётган кўшиқлар айқаш-уйқаш бўлган жойда бир пас ўтиргиси келди. Қирланган кўрпача солинган стулга ўтириши билан дастёр бола чойнак-пиёлани қўйиб кетди.

— Кабобни олиб келаверайми, акахон, — деди кабобчи таъзим билан.

— Ичадиганнинг тузукроғидан борми? — деди Иззат пешонасини тириштириб.

Машинасида хорижнинг коньяги бор эди, чиқиб олиб келишга эринди.

— „Қора тов“дан бор. Бир шишасини олиб қўювдим.

— Юзта қуйиб кел.

Кабобчи дастёр болага имлаб қўйган эди, бир пиёла арақ билан шакароб кетидан кабоб ҳам муҳайё этилди. Нодир билан бўлган нохуш суҳбат ғашлигини бир пиёла арақ арита олармиди? Ичи сал қизиди-ю, ғазаб ўти босилмади. Кабоб ейиш ўрнига босиб-босиб сигарет чекди. У томонга қараб-қараб қўяётган дастёр келиб „Кабоб совибди, яна ўтга қўйиб берсинларми?“ деб сўради. Иззат керакмас, деб биттасини тишлади.

Тушкун кайфиятдаги одамга таомнинг мазаси сезилмайди, шу сабабли Иззатнинг то-моғидан тотли кабобнинг ўтиши қийин бўлди. Арақнинг қуввати миясига таъсир



этиб, ғала-говурдан гангиди. Атрофдаги арақхўр, кабоб-хўрларга қараб ўтириб ўйланди:

„Аслида ҳаётнинг мазаси шуларники. Топганини ейди-ичади. Кўнглига ёқмаган одамани бўралаб сўкиб, хумордан чиқади. Мен-чи? Битта мишиқини сўколмадим-а? У бир итнинг думи бўлса-ю, менга олифтагарчилик қилса? Мана шулар ҳақиқий инсонлар. Додахўжа ресторанларда „Акахон-акахон“ деб қилпанглаб турадиганлар ҳам одами?! Тилида „Акахон!“ деб, биқинингта пичоқ тираб туради. Э, урдим, сендақаларни. Топширигингта ҳам тупурдим. Ҳожи акангнинг думи бўлсанг, ўзинг олиб ўт чегарадан. Кўраман, қандай олиб ўтганингни. Сен чегарада тупроқ ялаб ўтирганингда Тайланддаги қулинг ўргилсин ҳаммомда жононлар елкаларимни уқалаётган бўлади!“

Икки уйнинг эгаси, икки хотиннинг эри, икки ўғилнинг отаси кўримсиз кабобхонада шуларни ўйлаб ўтирарди. Бу ерда кўп қолишга фурсати йўқ эди. Ҳали опасиникига кириб, уйнинг калитини ташлаб чиқиши керак. Хотини йиғиштирилиб турган бўлса, аэропортга барвақтроқ чиққани ҳам маъқул.

Нозли хоним тарангунларича тўй тарқабди, деганларидек, қайси жонон эри белгилаган пайтда сафарга тайёр бўлибдики, Иззатнинг кенжа суюклиси ҳозирланса. „Иззат-жон ака, мана ҳозир бўлдим“, деганига ҳам ярим соатдан ошди. Иззат уйқуси чала бўлиб уйғонган ўғлининг инжиқланиб йиғлашига ортиқ чидай олмади. „Болангни кўтар!“ деб бақирганда хотиннинг авзойи бир ўзгарди-ю, кейин „Қўлга илинганини ол, латта-лутталарингни кўпайтирма. ўша ёқда зўрларини олиб бераман“, деган гапни эшитиб. аразини дарров нари сурди.

Тайланддаги маишатга ҳозирлик бораётган бир дамда Рихсининг жони узилган эди.

Айни шу дамда гўдакнинг чирқиллаб йиғлаши авжигачиқди. Унинг жажжи юраги бир фожиани сезганидан бўлди. Ҳа, бошқа сабаб биланми, яратган Тангри билмаса. бандага қоронғи.

Ҳар ҳолда онанинг бағрига босиши ҳам, суйиб, алла-лаши ҳам овутолмади. Бола йиғлай-йиғлай чарчади. Кейин бир-икки хўрсинди-да, йиғидан тўхтагач, отасига узоқ тикилиб қолди.

---

Иззат аэропортга барвақтроқ чиқишни режа қилгани билан хотинининг ивирсишига қараб, кечикди. Боришганда рўйхатдан ўтқазиш тугалланай деб қолган эди. Хужжатларини узатиши билан икки бақувват йигит келиб, икки қўлтиғидан сиқувга олди. Бўшалишга уриниб талпиниши иш бермади. Милиция қўлига тушганини англамади, йигитларни хўжайиннинг одамлари гумон қилиб:

— Сенларга нима керак? — деб ўдағайлади.

— Бизга сен кераксан, — деди йигитлардан бири.

— Ўзингга нима кераклигини ҳозир билиб оласан, — деди иккинчиси.

Бу вақтда уларга зиёлинамо кийинган ўрта ёш бир одам яқинлашиб, ухлаб қолган боласини бағрига босганича қўриқиб турган хотинга юзланди:

— Синглим, агар истасангиз, Тайланддаги курортга бир ўзингиз бориб дам олиб келаверинг. Сизнинг кетишингизга бизнинг қаршилигимиз йўқ. Лекин эрингиз бошқа курортда беш-ўн йил дам оладиган бўлиб турибди.

Бу гапдан муддао англашилган бўлса ҳам, Иззат титроқ овозда сўради:

— Кимсизлар, мен нима гуноҳ қилдим?

— Милицияданмиз. Гуноҳингизни бошқа жойда айтамыз.

Тўрқовоққа тушган бедана озодлик умидида сапчишни бошлайди. Иззат шу уринишдан ҳам бенасиб. Хотинига сўнгги топширигини беришдан ўзга чораси йўқ эди:

— Чипталарни қайтариб бер. Акахонлар адашишяпти. Сен тез уйга бор.

— Ҳа, синглим, уйга борганингиз маъқул. Тинтувга борганлар кутиб қолишмасин.

Бу гапдан кейин Иззатнинг танасини жон тарк қилгандай бўлди. Қиёмат куни баъзи гуноҳкор қавмларга аввал жаннат кўрсатиларкан, жаннат боғларини кўриб, суюниб туришганда бу ер уларга ҳаром экани билдирилиб, дўзахга туришига амр бўлар экан. Шунда уларнинг азоби икки карра ошаркан. Дўзахда қуяр эканмиз, жаннат боғларини кўриб кўзимиз куйиши нима эди, деб зорланишаркан. Иззатнинг ҳозирги аҳволи шундай эди. Катта хотини билан ўғлидан нафратланиб, улардан юз ўтириш аҳдида барча бойлигини бу уйга кўчириб, яширган эди. Тинтувнинг тилга олиниши унга ўлим ҳукмидай туюлиши шундан. Бир

киши сой бўйида ўтириб ғалвирни сувга ботириб, „Худо берса шундай беради“, деб, кейин ғалвирни кўтариб, „Олса шундай олади“, деркан. Дониш аҳлининг ҳикматлари йўқ ерда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Иzzатнинг бу кунги аҳволи ҳикматнинг ҳаётийлигини яна бир қарра тасдиқ этди. У нодон қўлидаги ғалвирни сувга ботириб, ғурурланиб юрганини англагани билан нима фойда? Ғалвир кўтариб бўлинди... Ҳаёти бир ширин туш каби кечаётган эди. Ҳуру парилар кучоғида айшини сураётганди. Ҳозир тўсатдан уйғонгандай бўлди, аммо тушидаги ҳуру парилар ёлгон эканини фаҳм этмади.

У тонгни жиноят аҳли „маймунхона“ деб атовчи милициянинг вақтинчалик қамоқ камерасида қаршилади. Туни билан мижжа қоқмай, „Мени ким сотган бўлиши мумкин?“ деган саволга тайинли жавоб излади. У умр бўйи икки моликнинг қули бўлиб яшади: уни ҳукмида маҳкам ушлаган моликнинг бири — ўзгалар омадига ҳасад, иккинчиси ўзгалар атрофидаги имконият чаманига рашк эди. Темир панжара ортида ўтириб ҳам бу қўлиги занжирини узолмади: гумонидаги сотқинлар рўйхатини тузди. Рўйхатнинг бошида Нодир турарди. Ҳатто Ҳожи акасининг номи ҳам тиркалди бу рўйхатга. Ҳаёлий рўйхат тузишда адашганини бир неча кун ўтиб, Ҳожи акасидан тортиб, Нодирга қадар бўлган шериклари билан тергов хонасида юзма-юз қилишганда англади.

Тушида кўринган ҳуру парилар уйғонганидан кейин билса, шайтон экан.

\* \* \*

Сардордан қутилмаган топшириқни олган Қамбар „Биронтаси илиниб қолар“, деган умидда Эски жўвани оралади. Ундан Отчопарга ўтди. Кечгача қармоқ ташлаб, сувга тикилиб ўтириб, ҳатто итбалиқ ҳам тута олмай ғашланган кимса ҳолида Юнусободдаги ижара уйига қайтди. Нигина диванда китоб ўқиб ўтирган эди, уни кўриб шошилганича туриб, дастурхон тузади. Таом пиширишга етарли масаллиқ бўлмагани сабабли чой тайёрлади. Катта пиёлага чой қуйиб, қуюлтирилган сут аралаштирди-да, уй хўжасига узатди.

---

Қамбар Отчопарда кабоб еб олган эди, сутли чой ичишни хоҳламади. Қизга ҳам кабоб олволиш хаёлига келмаганидан афсусланиб, пиёлани қайтарди.

— Болалигимда кўп сут ичворган эканман, бузоқнинг ҳақи бор, деб ичмай қўйганман, — деди.

Нигина бу ҳазилдан жилмайиб, пиёлани ўз олдига қўйгач, Қамбарга бошқа пиёлада чой қуйиб узатди. Нигина сўрамаса ҳам Қамбар унинг хушхабардан умидвор ўтирганини фаҳмлади.

— Танишингиз ростданам Россияда экан, — деди чойдан ҳўплаб.

Қизнинг чиройли чеҳрасига умидсизлик булути соя ташлади. Қамбар ордан қуруқ қайтаётганда Нигинани ҳам бу ишга тортишни ўйлаб қўйган эди. Аслида бу фикр дастлаб учрашганда туғилган, лекин қизнинг тақдирига ачиниб, холис хизмат қилишни ўйлаганди. Ҳозир бу ҳақда сўз очай деди-ю, қарори қатъийлашмагани сабабли ўзини тийди.

Эрталабки нонушта ҳам татимади. Аввалги куни гуммахўрликда танишган хотинларга „Дедеман“ меҳмонхонаси яқинида учрашув тайин қилиб эди. Ваъда қилинган уч хотинга умид қилиб борди. Ярим соат кутиб, аввал бетоқатланди, кейин ғазабланиб кетишга шайланганида хотинлардан бири келди.

— Шерикларингиз қани? — деди Қамбар тўнг оҳангда.

— Улар... уйларига кетишди, — деди аёл.

— Не, мени пичоқсиз сўйибсизлар-ку? Хўжайинга ваъда қилиб қўювдим.

— Айб менда эмас... Уйларига телефон қилишувди, қайтинглар, дейишибди.

— Сиз нега қайтмадингиз?

— Мен пул топишим керак. У ёқдан бу ёққа сарсон юравермайман.

Қамбар унга синовчан тикилиб, алдамаётганига ишонч ҳосил қилгач, уни машинага таклиф қилди. Гапни узоқдан бошламай, аёлни бўлажак вазифасини тушунтирди. Аёл титроқ бармоқларига бир оз тикилиб ўтирди-да, бошини эгган ҳолича хаста овозда „Мен розиман“, деди. Қамбар бошқа гап айтмай, машинани юргизиб, уни сафарга тайёрловчи хоним ихтиёрига олиб борди. Бу ерда кўп ўтирмай,

Юнусободга қайтди. Бугунги иш чала бўлгани учун Нигнани ҳам жўнатиш фикри қатъийлашди.

Уйга кириб келганда қиз чой қўймоқчи эди, Қамбар уни қайтарди. Диванга таклиф этиб, ўзи унинг рўпарасига ўтирди-да кўзларига тикилди.

— Яна суриштирдим... бир иложи борга ўхшаб турибди. Агар хоҳласангиз, эрталаб Масковга учишингиз мумкин.

Бу янгиликни кутмаган қиз ажабланганича унга тикилиб турди-да, кейин шошилганича қалам-қоғоз олиб ёзди: „Бир ўзимми?“

— Ҳа, — деди Қамбар. Қиз бош чайқаб, „Йўқ, бир ўзим бормайман“, деган ишора қилди.

— Балки... менам бирга бориб келарман, — деди Қамбар ишончсиз оҳангда. Кейин бу ёлғонини яшириш учун янги ёлғонни тўқиди: — Хўжайин Масковда қиладиган ишларинг бор, дегандай қилувди. Кечгача бир қарорга келишингиз керак. Фақат... танишларимнинг озгина юки бор, ўшани олиб бориб бериш керак бўлади. Бунинг эвазига ҳам йўлқирангизни тўлашади, ҳам чойчақа беришади. Танишингиз Масковда сизга иш топиб бергунча қорин ғамини ўйлаш керак-ку, тўғрими?

Қиз „Тўғри“ деган маънода бош ирғаб, сўнг ёзди:

„Қанақа юк? Оғир эмасми?“

Қамбар қизнинг кўрқиб кетиши мумкинлигини ўйлаб, дарров жавоб бермади. Кейин кулимсираганича чўнтагида куқунли халтачани чиқариб кўрсатди:

— Оғир эмас, шунақадан беш-олтита...

Нигина бир халтачага, бир Қамбарга қараб тошдай қотди. Бунинг нима эканини англаб, кўркувга тушди. Бармоқларида енгил титроқ уйғониб, ёзди:

„Герामी?!“

— Йўғ-е, — деди Қамбар гўё унинг соддалигидан кулгандай.

„Киноларда кўрганман, алдаманг“.

— Кинода ваҳима қилаверади. Бу унақа нарсамас. Янги чиққан дори. Фақат ҳозирча четга сотишга рухсат олинмаган. Олиб бориб берсак, анча одам шифоланиб кетади.

Қиз кўзини Қамбардан узиб, ерга қараб ўтирди-да, яна ёзди:

„Кўнмасам, ўлдирасизми?“

Бу гап Қамбарнинг гашлигини оширган бўлса ҳам, сир бой бермаслик учун хахолаб кулиб юборди:

— Шуни гап деб ёздингизми? Кўнмасангиз... мен сафарга бориб келгунимча шу ерда тулинг, кейин бир иш қидириб кўрармиз ё бекатга олиб бориб, уйингизга кузатиб кўярман.

„Мен кечгача ўйлаб, қароримни айтаман“.

Нигина шундай деб ёзиб, хаста одам ҳолида ўрнидан турди-да, хонасига кириб, эшикни қулфлаб олди. Кечгача куттирмади, бир соатдан кейин чиқиб, қоғозни узатди:

„Розиман. Фақат Россияга борганда танишимни топиб берасиз“.

Қамбар иши битганидан қувониш ўрнига қизга ачи-ниш билан қараб қолди. Кейин уни ҳам сафарга тайёрловчи хоним ҳузурига олиб борди. Бу сафар қайтишга шошилмади. Қиз тиббий текширувдан ўтгунича пойлади. Эрталаб барвақт келди. Бошқа аёллар халтачаларни ютиб бўлишган, Нигина эса журъат этолмай, қийналиб ўтирган эди. Қамбар унга далда бериш учун ўзи юта бошлади. Нигина ютиши керак бўлган халтачаларнинг ярмига келганда ўқчий бошлагач, зўрлашмади. Қамбар Сардорга кўнгироқ қилиб ўзининг ҳам йўлга отланганини айтганда у бир нима деб гўлдиради-ю, алоқани узди.

Аэропортга келганда Сардор салом-алик ўрнига „Жинни бўлиб қолдингми?“ деб ўдағайлади.

— Анави қизга раҳмим келди. Бирга бормасам кўнмас эди. Халтачани ҳам ўзим ютиб кўрсатдим.

— Калла деган нарса қолмабди сенда?!

— Кўявер, ошқозон ҳам эгасига бир хизмат қилсин.

— Қизингга қара, юриши бошқача-ку?

Қамбар Нигинанинг букчайиброқ қолганини кўриб, хавотирланди.

— Мазангиз қочдимми? — деди меҳрибонлик билан.

Қиз кўз қараши билан „Хавотирламанг“, деган ишора қилди. Шу пайтда рўйхатга олиш эълони ўрнига учиш уч соатга кечиктирилиши ҳақидаги нохуш хабар берилди. Бу Сардорни, айниқса, Қамбарни хавотирга солди. У Нигинанинг рўпарасидаги ўриндиқдан жой олиб, ундаги ҳар бир ўзгаришни кузатиб ўтирди. Қизнинг қорнини ушлаб-ушлаб кўйиши, рангининг оқара бошлаши хавотирини оширди.

Ҳужжатларни кўтариб, қаергадир учрашиб келган Сардор Қамбарнинг ёнига ўтириб, уф тортди-да:

— Учиш яна бир соатга кечикиши мумкин экан, — деди.

— Унда қайтиш керак, етиб боргунча хотинлар чидай олишмайди, — деди Қамбар.

— Чидашади, хотинларнинг жони қирқта, бундан баттарига ҳам чидашади.

Шу онда Нигина инграб юборди, қорнини чангаллади-ю, хушидан кетди. Ёнидаги хотин ушлаб қолмаганида юз тубан йиқилиши мумкин эди.

Қамбар сапчиб туриб, ёрдамга шошилди. Лекин улгурмади. Икки бақувват қўл икки билагидан маҳкам ушлади. Сардор қочишга шайланди-ю, аммо у ҳам икки йигитнинг чангалига тушиб, қимирашга куч топа олмади.

Нигинани „Тез ёрдам“ олиб кетди. Милиция машинасида бетма-бет ўтирган Сардор ўртоғига қовоқ уюб қараб:

— Агар қизинг ўлиб қолса, расво бўламиз, — деб гўлдираб қўйди.

Қамбар унга жавоб бермоқчи эди, „Гаплашилмасин!“ деб янраган буйруққа итоат этиб, дардини ичига ютди.

### ХОТИМА

Афюнфурушларнинг навбатдаги тўдаси деярли қўлга олинган, яна бир-икки майда балиқлар қолган эди. Файрат қилинган ишлардан кўнгли тўлиб, раҳбариятдан таътилга чиқишга изн сўради. Чала ишларни охирига етказишни Шухрат зиммасига олгач, ижозат берилди. Моҳидил бир оз қувватга кира бошлагани билан аҳволи ҳали кўнгилдагидай эмас эди. Унга қараган ҳар бир кишининг дилида ғашлик уйғониб, сўнгги марта кўришаётгандай маъюсланар эди. Докторнинг „Аёлингиз нимани истаса, бажаринг, кўнгли нимани тусаса еяверсин“, дегани Файратга „Бу ёғи оз қолди, умид йўқ“ деган маънони англашиб, унинг булутли ҳаётини зимистонга буркаб юборди.

Моҳидилни уйга олиб келган куни қайнонаси аввал айтган илтимосини яна қайтарди. Гапига қараганда, Яссипадан юқорироқдаги Дўланақишлоқда дам солувчи бир аёл бор эмиш. Ўша аёл ҳомиладорлик пайтида бир куни туш кўрган экан: оппоқ соқолли қария „Сен одамларга

дам солиб, даволашни бўйнингга ол“, деганмиш. Аёл кўнмаган экан, қария ҳассаси билан унинг белига бир урганмиш. Эртасига шу аёл ўлик бола ташлаганмиш. Орадан ойлар ўтиб, ҳомиладор бўлганида яна ўша тушни кўрганмиш. Яна кўнмаган экан, қария ҳассаси билан урганмиш. Иккинчи боласи ҳам ўлик туғилганмиш. Учинчи сафар ҳам шундай бўлганмиш. Тўртинчи мартасида у аёл „Хўп“ деган экан, бирам соғлом, бирам чиройли қиз туғибдики... Кейин ваъдасига кўра, шифоталабларга дам солишни бошлаганмиш. Нафаси ўткир эмиш...

Файрат бу миш-мишни аввал ҳам индамай эшитган, тайинли жавоб бермаган эди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Қайнонасининг гаплари унга уквсиз одам тўқиган саёз эртак бўлиб туюлди. Ҳозир нима кўп, дуохонлар кўп, дам солувчилар кўп, яна экстрасенс деганларимий...

Одамларнинг ташвишу қайғусидан устамонлик билан фойдаланувчилар кўпайгандан кўпайди. Одамлар ҳам қизиқ-да, бир ғалати миш-мишнинг учини эшитиб қолишса, бас, дунёнинг нариги чеккасига бўлса ҳам умид билан бораверадиладар.

Кеча оқшом Моҳидил қишлоғини соғинганини айтганда Файрат қайнонасининг райини қайтармай, олиб боришга ваъда қилди. Бусиз ҳам Файрат Моҳидилни ҳар ёзда Ясситепага олиб борарди. Йиллар Моҳидилнинг тасаллига муҳтож қалбига қулоқ тутиш билан, жароҳатига малҳам бўлишга ҳаракат қилиш билан ўтар экан, ягона юпанчидан маҳрум этсинми? Шу боис бу сафар ёз иссиғини кутишмади, баҳор оёқламай отланишди.

Ясситепа уларни ажиб бир чирой билан қарши олди: куёш уфққа улоқтирилган олов парчаси каби нурлар билан туташган булутлар орасида айланаётгандек эди. Ҳов нарида, осмон Паридарани ўраб турган чўққилар туташган жойда булутлар-у долғалар куёшнинг сўнгги табассуми остида лабларини лабларига қўяр эдилар. Паридарадан анча беридаги кўрқинчли девлар каби ёнбошлаган тепаликларга осмоннинг бир бурчидан тўкилаётган қора чангдек енгил зулмат кўнмакда эди. Яна ҳам берироқда, деразалари куёшнинг сўнгги нурларида ялтираган уйларда бу зулматга аҳамият ҳам бермайдилар. Зулмат уларнинг ихтиёрисиз ат-



рофни эгаллагани каби, эртага субҳ кириши билан яна уларнинг хоҳишисиз кўтарилиб кетади.

Табиатнинг бу нозли илтифоти Моҳидилга нечундир ўзгача кўринди: мажруҳ келин ҳолида тарк этган бу жой, нок, ўрик, ёнғоқ дарахtlари оғушида маҳзун турган уй, турли шўхликларининг гувоҳи бўлган боғ уни ғамгин нигоҳи билан қаршилагандай бўлди.

Уй саришта, кимдир ичкарини супуриб-сидириб, йиғиштириш чоғида хотираларни ҳам йиғиштириб ташлагандай эди. Ҳолбуки, Моҳидилнинг кўнгли шу уйда, тўрт томонига хотираларини тўплаб олиб, улар орасида сўнги, аммо ҳузурбахш кунларини ўтказмоқчи эди. Она қишлоғи, киндик қони тўқилган уйи қанчалар азиз, суюмли бўлса-да, энди хотираларининг мазорига айланган бир маскан эди. Бу мазор сукунати бузилганда қалби икки туйғу найзаси орасида типирчилаб қолди. Аввал тотли хотиралар, сўнгра эса амалга ошмай қолган орзулар афсуси забтига олди.

Ойниса дераза томондаги каравотга ўрин солди. Уйда бошқа каравот бўлмагани сабабли сал берироққа тўрт қават кўрпа тўшади. Жой ўзи учунмиди ё куёвига аталганмиди, бу ҳақда сўз айтмай, ҳовлига чиқиб кетди. Файрат Моҳидил билан бир оз сўзлашиб ўтиргач, „Она-бола бирга ёта қолишсин“, деб нариги хонага чиқди. У ерда ҳам тўрт қават кўрпа тўшаб қўйилган эди.

Онаси киргунча ёлғиз ётган Моҳидил умидсиз қалбининг овозини эшитишни истамади. Табиатнинг енгил шамол ёрдамида айтаётган сирли розига қулоқ тутишни хоҳлади. Туйғуларини япроқлар шивирига ҳавола этди. Дераза орқали ташқарига қаради: қалбидаги орзулар осмони туйғулари парвозига тор келгандек, кўзлари фазонинг зулматли қаърига термилди, ҳов йироқда — қирғоқ тошларига аста урилиб тинимсиз пичирлашлар билан хаёлларни эркаловчи тўлқинларнинг шикоятли оҳангини эшитиб энтикди.

Файрат тунни бир ухлаб, бир уйғониб, куш уйқусида ўтказди. Осмонни эгаллай бошлаган булутнинг бир чеккаси йиртилиб, куёш илк нурларини соча бошлаган онда ўрнидан туриб деразани очди. Кўзлари тоғлар тепасида енгил мавжланиб, юқорига кўтарилаётган туманни, уфқ-

---

нинг энгил нурлари остида нафис тўрга ўралгандек кўринаётган тепаларни кезди. Шу вақт хона эшиги аста чертилгандек бўлди. Ўгирилиб қаради, эшик очиқ эди, остонада ҳам, ундан нарида ҳам кимса кўринмади.

Аслида овоз унинг хаёлини чертган эди. Хаёл табақаларини оча қолди:

...Остонада келинликнинг оқ ҳарир кўйлагигади Моҳидил кўринди. Файрат фожиалар юз бермасидан илгари суюқлисининг шундай кириб келишини орзу қилган эди. Тонгнинг покиза нурларидан ясалган мўъжаз ҳайкалдек кўз ўнгида турган бу вужудни, парда ортида шабнам ҳовури ўраган атиргул рангига ўхшаш, энгил ғубор остида кўринган очиқ елкаларни, субҳнинг нозик нафасида ёноқлари оша бўйнига тушиб турган соч тўлқинларини, бу гўзалликларнинг барчасини ошиқчи шифтаҳол суқланиб томоша қилар эди.

Келин остона ҳатлаши билан шарт кўтариб олиш машини хаёлида юз мароталаб бажарганди. Шафқатсиз ҳаёт тўсган бахт йўлини меҳрибон хаёл очиб беради. Ҳозир шундай бўлди. Моҳидил уни бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди.

— Ўзимни ҳатто тушимда ҳам келинлик либосида кўрмаганман, ишонинг, — деди энтикиб. — Бу чинакам ҳаётми ё эртақми?!

Аввал шундай туюлган эди. Ҳозир эса... Моҳидил унинг қучоғига сингиб кетди. Лекин шодлик эмас, афсус овози келди:

— Ҳатто эртақда ҳам бахт йўқ экан... Шу йиллар ичи билишим керак бўлмаган нарсаларни ҳам билиб олдим...

— Нималарни билиб олдингиз? — деди Файрат таажжуб билан.

— Никоҳланиб мудҳиш хатога йўл қўйдик...

Шивирлаб айтилган гапнинг жаранги вужудни ларзага келтирди...

Машриқ этагидаги булутлар тўлқинини титратган қуёш нурлари гулларнинг хуш табассумига маҳлиё бўлиб, уларнинг лабларига қўнган онда Моҳидил ётган хонада ҳаракат сезилди. Ойниса ўринни йиғиб, қизини ювинтиргач, хонтахтани қўйиб, дастурхон ёзди. Учовлон нонушта қилиб улгурмай, кўчада туман милицияси бошлиғининг маши-

---

наси кўринди. Машина тўхтади-ю, лекин „Келдим“ деган маънода сигнал чалмади. Ҳайдовчи жойида индамай ўтира-верди. Ойниса тезгина ўрнидан турди. Қизининг бошидаги рўмолни тузатиб ўраб қўйгач, кеча оқ рўмолга туғиб қўйган чой, қантни олиб „Яна уришиб бермасин“, деган ҳадикда куёвига қаради. Файрат бу қарашнинг маъносини сезмагандек, ўрнидан туриб Моҳидилни кўтарди. Дўлана-қишлоққа етгунча ҳам жим кетишди. Ойниса бора-бор-гунча дуо ўқиб кетди.

Шу жойда шифо топишига бир ишониб-бир ишонмаётган Моҳидил атрофга маъносиз боқиб борди. Бу жараёни бекорчи ҳаракат деб билган Файрат эса, индамасликни маъқул кўрди.

Уларни ҳовли эшигида қорамағиздан келган ўрта бўй бир аёл қаршилаб, Моҳидилни кўтариб олган Файратга рў-пара бўлди:

— Ўзлари юриб кирсинлар, — деди буйруқ оҳангида.

Бу гап учовларини ҳам таажжубга солди.

— Юролмайти, — деди Ойниса айбдор одамнинг синиқ овозида.

— Юролмайти, десангиз, шунақалигича қолади. Юриши керак. Менга кечаси одамларим айтиб кетишган. Аллақачон юриши керак эди.

Унинг ишонч билан айтган гапи Ойнисага таъсир этиб, умид кўзи билан куёвига қаради. Файрат иккиланди.

Моҳидил:

— Мени ерга қўйинг, — деди ялиниш оҳангида.

Файрат унинг илтимосини эҳтиётлик билан бажарди. Жонсиз оёқлар ерга тегди. Лекин танани кўтара оладиган ҳолат сезилмади. Жувон Моҳи илнинг қўлтиғига кирди-да, Файратга „Сиз қўяверинг“, деди. Кейин Ойнисага „Бу ёнларига киринг“, деб буюрди. Моҳидил шалвираганича туриб қолган эди.

— Оёқ босишга ҳаракат қилинг, эгачим.

Шундай деб Моҳидилни аста кўтариб илгари босдилар.

Ичкари хонага киришгач, эшик ёпилди. Файрат бу томонда қолаверди. У ичкарида нималар бўлаётганини тасаввур ҳам қила олмасди. Баъзи-баъзида „Ё Холиқ!“ „Ё Карим!“ „Ё Фаттоҳ!“ „Ё Ҳафиз!“ „Ё Муид!“ „Ё Нофий!“ деган хитоблар орасидаги пастроқ овозда айтилаётган сўз-

ларни англамади. Аёлнинг кетма-кет ҳомуза тортишлари, кейин қаттиқ кекириклари, сўнг ўқчишлари кўнглини беҳузур қилиб, кўча томон юрди.

Атрофга назар ташлади: йиллар шиддати катта-кичик шаҳарлар, туман марказлари қиёфасини ўзгартириб юборган, лекин бу қишлоққа ҳукмини ўтказма олмаган эди. Сомонсувоқ уйлар, шағал ташланган, лекин асфальт деган нарсадан беҳабар кўчалар аввал қандай бўлса, ҳали ҳам ўзгармаган. Бу ёққа келишда гузарга назар ташлаган, чойхона ўзгаришсиз турганига эътибор қилган эди.

Файратнинг туриб қолганини кўриб, ҳайдовчи йигит „Бирон нима керакмикин?“ деган ўйда машинадан тушди. Файрат унга қараб:

— Тўй-томоналар қандай бўляпти? Илгари арақ етказиб бериш қийин эди, ҳали ҳам шу аҳволми? — деди.

Дўланақишлоқда арақ ичилмаслигини билса-да, одамлар турмушини ўзгартириб юбораётган йиллар тўзони унча-мунча одатларни ҳам чиппакка чиқаргандир, деган тахминда сўраган эди.

Йигит бу саволдан ажабланиб, гарданини қашиган бўлди-да, эътироз билдиришга журъат қилди:

— Дўланақишлоқда ҳалигача бунақаси бўлмаган. Бу ерда арақ ҳам кирмайди, ичган ҳам киритилмайди. Агар битта-яримта бевош бошқа жойдаги тўйда ичволса, кайфи тарқамагунича бу қишлоққа йўламайди. Биринчисида кечиришади. Яна ичгани аниқланса, юзига қора суртиб, эшакка тескари миндириб сазойи қилишади. Одамлари ичмагани учун бу қишлоқда фақат соғлом болалар туғилишади. Йигитлари ҳам девга бас келади, ўзингиз қаранг...

Ҳайдовчининг гаплари маъқул келиб, Файрат кулимсиради:

— Ўзингиз Дўланақишлоқданмасмисиз?

— Топдингиз, — деди ҳайдовчи гурур билан.

Уй соҳибаси чиқиб, ҳовлида нимадир ёқди. Кейин яна ичкари кириб кетиб, улардан анчагача хабар бўлмади. Файрат безовталана бошлаганда эшик очилиб, аввал Ойниса кўринди. Улар Моҳидилни уйга қандай олиб киришган бўлишса, шундай ҳолда олиб чиқишди. Файрат мўъжиза кутмаган бўлса-да, Моҳидилнинг кўринишида ўзгариш излади. Бемор аёлнинг юзида табассум кўриб, енгил

---

тортди. Тез-тез юриб бориб, уни кўтариб олди. Уй соҳибаси кўтариб олишига монелик қилмади. Ойниса билан хайрлашгач, изига қайтди.

Ясситепага қайтишгач, Ойниса ошхонага ўтди. Файрат Моҳидилни жойига ётқизиб, „Дам ола тулинг, мен бир айланиб келай“, деди. Моҳидил унинг қаерни айланишини тахмин қилиб, кулиб қўйди.

Кечки таомдан кейин Моҳидил умидсизлиги билан ёлғиз қолишни истамасди. Ойниса дастурхонни йигиб чиқиб кетгач, эрига ғалати тикилиб туриб, „Яқинроқ келинг“, деди. Файрат бу амрни бажонидил бажариб, аҳли аёлини елкасидан кучди. Моҳидил эса совуқ кафти билан Файратнинг юзини силаб, маънодор кулди.

Аламли табассумларга ўрганиб қолган Файратга унинг ҳолати ғалати туюлди.

— Нега куляпсиз?

— Ҳалиги хотиннинг гапини эшитсангиз, сиз ҳам кулар эдингиз.

— Унда айтинг... мен ҳам кулайин...

— Мен ўғил туғар эмишман...

Жилмайишига яна ночорлик ниқобидаги маъюслик аралашди. Турмуш қуришгандан бери иккови ҳам фарзандни орзу қилсалар-да, бир-бирининг кўнглини яраласлик учун бу ҳақда ҳеч сўз очишмаган эди. Шу сабабли Файратни бу қутилмаган гап сал эсанкиратди. Лекин таажубини ошқор қилмаслик учун, хотинининг ҳомиладорлигини билиб қувонган эр каби шодон кулимсираб:

— Аллақачон шундай бўлиши керак эди. Ошна-огай-ниларимдан ош қарзим бор, — деди.

Деди-ю, „Ўғилнинг аллақачон туғилмаганига сен айбдорсан“, деган маъно чиқиб, хотинининг кўнглини баттар яралаб қўймадимми?“ деган хавотир билан тикилди. Бошқа ҳолат бўлганда, эҳтимол, Моҳидил бир сачраб кетиши мумкин эди. Лекин ўша хотинниқидан чиққанидан бери кўнгли ёришиб тургани сабабли бу гапдан эгрилик ахтармади. Хотин ўғил кўриш хушхабарини айтганда, „Шунчаки кўнглимни кўтариш учун айтди“, деб ўксинган эди. Орадан соатлар ўтгани сайин, унинг гапи шунчаки овутиш учун эмас, ҳақиқатга яқин хабар бўлиб туюлиб, ичида бир қувонч уйгонди.

---

Бу тун зулмат чекиниб, қуёшли кўклам осмонидаги тўп-тўп булутларни нурли кучоғига олган камалак каби қалбларида гуллаган туйғуларга нур сочувчи қуёш кўринди.

Ойниса одати бўйича яна икки жойга ўрин тўшади. Эр-хотиннинг хуш кайфиятда ўтиришганини кўриб, „Чарчабман шекилли, вақтлироқ ёта қолай“, деб қўшни хонага барвақтроқ чиқиб кетди. Бошини ёстиққа қўйди, лекин кўзи уйқу чақирмади. Қўшни хона сукунат бағрида ором ола бошлагач, у ўрнидан турди. Таҳорат олиб келиб, жойнамоз устига ўтириб, муножот бошлади.

Моҳидилдаги ўзгариш Файратнинг кўнглини хира қилиб турган губорни ҳайдагандай бўлди. Моҳидил ҳорғин кўзларини юмгач, у ўрнига ўтиб ётди. Моҳидилнинг мўтадил нафас олишидаги хотиржамлик унга ҳаловат берди. У ухлаётгани ё уйқоқлигини ўзи ҳам билмай ётди. Бир маҳал қулоғига галати товушлар урилди. Бошини кўтариб атрофга қарамоқчи эди, танаси ўзига бўйсунмади. Овоз эса унга яқинлашаверди. Бир маҳал Файрат ўзини кенг майдонда кўриб, „Бу ерга қандай келиб қолдим?“ деб ажабланди. Шу топда унинг рўпарасида бир қария пайдо бўлди-ю, ҳассасини кўтариб, дарахтзор томон йўналтирди.

— Анали қушни кўряпсанми, уни Қақнус дейдилар, — деди.

Файрат қария кўрсатган томон қараб, чиройли бир қушни кўрди.

— Қақнус қуши тумшуғида юз тешикча бор, — деди қария ўша қушдан кўзини узмай. — Улардан ҳаво чиқаришида оҳанг таралади. Қушлару балиқлар бу оҳангга маст бўлиб, ўйинга тушадилар. Қақнус қуш бўлса ҳам тухум босмайди, бола туғмайди. Ўзи минг йил яшайди. Ўлими яқинлашганини сезганда ўтин тўплаб, сўнгги оҳангини таратади. Бу энди бошқа жониворларни маст қилувчи ёқимли куй эмас, дилларни эзувчи видо ноласи бўлади. Қушлар йиғилиб, кўз ёши тўкадилар. Қақнус алам билан қанот қоққанда олов чиқиб, ўтин ёнади ва у ўзини ўша гулханга ташлайди. Аланга босилганда чўғ остида кичкина қақнус кўринади...

Қария шундай деди-ю, кўздан йўқолди. Файрат саросимада турганида дарахтзордаги қуш майдон ўртасига ўтди. Кейин қария айтиб берган жараён бошланди. Файрат бун

---

юрак пўртанаси билан томоша қилди. Кичкина қақнус кўринганида негадир уни ушлайман, деди-ю, уйғониб кетди. Дераза ёпиклигидан уй дим бўлиб кетгани учунми ё туш таъсириданми терлаб кетган эди. Моҳидилни уйғотиб юбормаслик учун қимирламай ётаверди. Ҳамма қатори у ҳам турли-туман тушлар кўрарди. Кўрқинчли тушлар кўриб, босинқирашлари ҳам бўлиб турарди. Лекин айримларга ўхшаб дарров таъбир қилириб қолмасди. Уйғонганидан кейин тушини унутарди. Ҳозир эса бу ғалати туш унинг хаёлини эгаллади. Тонгга қадар шу ҳақда ўйлаб ётди.

Тонг қуёши булутлар тўлқинини эндигина титрата бошлаганда Моҳидил бошини аста кўтариб уни чақирди. Кечаги хотин унга янги орзулар саройи эшигини очиб берган бўлса-да, кўнгилни хираловчи туш кўриб, шунинг таъсирида яна умидсизлик сари юз тутган эди. „Ўлсам, мени Паридарага дафн этинглар“, деган васият Моҳидилнинг кўнглида шифохонани тарк этаётган дамда туғилган, аммо суви қуриб қолган чашмадек бўлиб қолган эди. Бу тун шу чашмада сув пайдо бўлгандай туюлди, васиятини айтгиси келди. Эрини чақаришдан мақсад шу эди. Файрат очиқ чеҳра билан қараганда фикридан қайтди. Амалга ошириш мумкин бўлмаган ишни айтишдан тийилди.

Дўланақишлоққа яна икки марта боришгач, Моҳидил шом уфқида тикилган кўйи ўксик овоз билан „Паридарага боргим келяпти“, деди.

— Ниятнинг холислигини қаранг, менинг ҳам боргим келяпти, — деди Файрат. — Эрталаб борамиз.

Ваъдага биноан нонуштадан сўнг йўлга чиқишди. Шабнам ҳовуридан ҳосил бўлган енгил туман қуёшнинг илк нурлари тушиши билан тарқаб кетган эди. „Баҳор айёмида гул гашт этарга бир чаман бўлса“, деганларидек, хаста кўнгилларга шифо бермоқ учун табиат қўйнида барча нарса муҳайё эди. Машинадан тушгач, Моҳидил осмондаги парқу булутларга тикилди. Шамол булутларга қитмирлик қилиб, улардан турли-туман шакллар ясаётган эди: ана оқ кема... шу кемага чиқиб Паридара осмонида сайр қилгандай энтикди. Кема бир пасда филга айланди...

Паридара аввалгидай кимсасиз эмас. Одамлар сўлим жойларда хордиқ чиқаришни ўргана бошлашгач, ишбилармон кишилар бу ерни оромгоҳга айлантириб қўйган

эдилар. Энди пастга тошдан-тошга сакраб тушилмайди. Бир неча жойдан қулай тош зиналар ўйилган. Айтишларича, кейинги йили осма йўл ҳам қурилармиш. Файрат Моҳидилни кўтариб тушди. Озиб кетган аёлнинг бир қизалоқчалик оғирлиги йўқ эди.

Ҳали дам олиш мавсуми бошланмагани учун Паридара гавжум эмасди. Файрат соҳил бўйлаб бир оз юргач, Моҳидил силлиқ тошни кўрсатиб, „Ўтирайлик“, деди. Яна узоқ юришни истаса-да, эрига юк бўлишни истамди. Эри кучоғидаги Моҳидил атрофга суқланиб қаради: шамолнинг мусаввирлик санъати барҳам топган, осмоннинг бир бурчагида оппоқ пардадек осилиб турган булут парчаси чўққига илашиб қолгандек ҳаракатсиз турарди. Моҳидил энтикди, соҳил бўйлаб чарчагунига қадар югургиси, баҳор қуёши тафтида илиган ҳавони ўпкасининг бор кучи билан симиргиси келди. Қизлик чоғларида шундай қиларди, ётиб қолганидан кейин бу манзарани согинч билан бот-бот эсларди. Ҳозир бир мўъжиза юз берса-ю, ўша чўққида осилиб турган бир парча булутдан унга қувват оқиб кирса-да, сўнг соҳил бўйлаб сувларни сачрата-сачрата югуриб кетса...

Орзу булутига учаётган дамда соҳилда беш ёшлар чама-сидаги ширингина қизча пайдо бўлди. Оппоқ қўйлаги шу қадар ярашганки, қараган кишининг „Бу одам боласими ё фариштами“, деган хаёлга бориши табиий эди. Моҳидил бу қизга меҳр билан боқди. У ҳам шундай қизи бўлишини хоҳларди...

Қиз уларнинг яқинига келиб, чўнқайганича ҳовучига сув олиб ичди.

— Менгаям бергин сувингдан, — деб ялинди Моҳидил.

Чиндан ҳам сув ичгиси келган эди. Фақат ҳовучда эмас, ёш пайтидагидек соҳилга ётиб олганича симиришни истаетганди.

Қизча унга қараб кулиб қўйди-да, ўзига ёқадиган иш буюрилганидан мамнун бўлиб, ҳовучда сув берди. Моҳидилнинг томоғидан ўтган бир қултумгина сув баданига аллақандай илиқлик берди. Томирларида тўғнаб ётган қон юриша бошлагандай бўлди.

— Яна бер, — деб ялинди Моҳидил.

Файрат унга ажабланиб қаради:

— Мен берайинми?



— Йўқ-йўқ... шу қизим берсин.

„Қизим“ дегани алоҳида жаранг билан учди тилидан.

Қизча яна сув тутиб, энди қиқирлаб кула бошлади.

Моҳидил ҳам кулди.

— Яна бер...

Қизча жажжи ҳовучини сувга тўлдирди, Моҳидилнинг лабига тутди. Аммо ичирмади. Моҳидил лаб чўзганида бирдан юзига сепиб юборди. Сув томчилари юзига урилиб, сесканди. Шу сесканиши асносида атрофини ўраб турган ўлим булути титраб кетди. Аёлнинг сесканганидан қувонган қиз яна сув олиб сепди. Бу сафар ўлим булути титилиб, тарқай бошлади. Моҳидил бир пас нест бўлиб турдида, кейин қизчага қўшилиб кула бошлади. Бетларига қизиллик югурди...

Вассалом.

Айтмоқчи бўлган гапларимиз шу баён билан Аллоҳнинг марҳамати ила якунига етди.

Алҳамдулиллаҳи роббил аъламин.

## МУНДАРИЖА

*Биринчи китоб*

## САМУМ

Муаллифдан .....	7
Муқаддима ўрнида .....	9
Бурундуқ .....	14
Қуякапалак .....	20
Бахт қуши .....	31
Акаси танитайдиган ука .....	38
„Нозик“ тоганинг жияни .....	56
Билиб босди тиканни .....	73
Тормозсиз машина .....	96
Паридара .....	120
Пистирма .....	139
Баланд мартабали дастёр .....	149
Ғазаб жоми .....	185
Йўқолган „игна“ .....	195
Сўнмаган бўрон .....	219
Лаҳаддаги бегона мурда .....	254
Ўлмаган Ўлат .....	285
Дўзахга бошлаган „жаннат йўли“ .....	301

*Иккинчи китоб*

## ЧИМИЛДИҚ ЕТИМ ҚОЛДИ

Ғайрат ва Ғирром .....	331
„Уч оғайни ботирлар“: Шоҳид, Жавлон ва Равшан ....	345
Қамбар .....	355
Хушхабар .....	368
Ошначилик .....	374
Беркинмачоқ .....	382

„Арзимас“ фалокат .....	391
Пул топилади, ота топилмайди .....	405
Қийин масала .....	412
Ўтмиш эса ҳамиша тотли .....	428
Синов .....	439
Тўфон .....	462
Кутилмаган бахт қуши .....	468
„Геометрик прогрессия“ .....	474
Нажот йўли .....	496
Ўргимчак тўри .....	512
Дўппи тор келганда .....	521
Ёлғон умидлар дашти .....	531
Чиқмаган жондан умид .....	543
Калаванинг учи .....	546
Тупурилган юрак .....	554
Изтироблар чақини .....	567
Узрхоҳлик .....	577
Зиддият илдизи .....	589
Ҳар бурчакда ғам аломати .....	593
Ёлғизлик қаерда бор? .....	612
„Шошиб-шошиб келган ёруғ дунёимиз шу“ .....	620
Чимилдиқ етим қолди .....	630
„Курорт“ .....	648
Хотима .....	658

ТОҲИР МАЛИК

**ЁЛФОН УМИДЛАР ДАШТИ**

Роман

Биринчи китоб:

**САМУМ**

Иккинчи китоб:

**ЧИМИЛДИҚ ЕТИМ ҚОЛДИ**

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи*

*Тошкент — 2018*

Муҳаррир *С. Хўжааҳмедов*

Бадий муҳаррир *Б. Ибрагимов*

Техник муҳаррир *Н. Ниёзмухамедова*

Компьютерда саҳифаловчи *Ў. Қурбонова*

Нашриёт лицензияси АИ № 291. 04.11.2016. Оригинал-макетдан босишга руҳсат этилди 05.04.2018. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Кегли 10 шпонли. Таймс гарн. Офсет босма усулида босилди.

Офсет қоғози. Шартли б. т. 35,28. Ҳисоб-нашриёт т. 27,47.

Адади 10 000 нусха. Буюртма №185-18

24000

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент — 206.

Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй.

Шартнома № 72-18.

84.(5Ў)6  
М 79

**Тоҳир Малик.**

Ёлгон умидлар дашти [Матн]: роман /  
Биринчи ва иккинчи китоблар /Тоҳир  
Малик. – Тошкент: „O‘qituvchi“  
НМИУ, 2018. – 672 б.  
ISBN 978-9943-22-259-5

УЎК: 821.512.133 – 32  
КБК 84.(5Ў)6



**Гиёҳвандликни вабога ўхшатишади. Аслида барча хасталиклардан ҳам баттарроқ бўлган бу офат дунёни ларзага солиб турибди.**

**Афюнфурушларга қарши олиб борилаётган кураш ҳамма мамлакатларнинг диққат марказида. Ёш жонларга таҳдид солаётган бу жиноятчилар кимлар, улар қайдан пайдо бўлади?**

**Мазкур асарда шу каби саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинган.**

© „O'qituvchi“ NMIU  
100206, Toshkent sh.,  
Yangishahar ko'chasi, 1.  
Tel.: (+99871) 224-04-12  
info@oqituvchi.uz  
www.oqituvchi.uz

ISBN 978-9943-22-259-5

